“ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЎРНИ”

Халқаро илмий-амалий конференция

материаллари

«МИРОВОЕ МЕСТО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА В УСТНОМ ТВОРЧЕСТВЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА»

Программа международной научно-практической конференции

««THE GLOBAL PLACE OF THE ART OF UZBEKISTAN IN THE ORAL CREATION OF THE UZBEK PEOPLE»»

Program of the international scientific-practical conference

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ННТ СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

“ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЎРНИ”

Халқаро илмий-амалий конференция материаллари

«МИРОВОЕ МЕСТО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА В УСТНОМ ТВОРЧЕСТВЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА»

Программа международной научно-практической конференции

«THE GLOBAL PLACE OF THE ART OF UZBEKISTAN IN THE ORAL CREATION OF THE UZBEK PEOPLE»

Program of the international scientific-practical conference

ТОШКЕНТ
«YOSH AVLOD MATBAA»
2022

УЎК
808.5(075.8)
КБК 83.7уа73
А77

“Ўзбек халқи оғзаки ижодиётида бахшичилик санъатининг жаҳон миқёсидаги ўрни” мавзусидаги Халқаро илмий- амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Yosh avlod matbaa”, 2022. – 799 б.

Масъул муҳаррир:
т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов

Тақризчилар:
т.ф.д.профессор А.Аширов, т.ф.д.профессор Р.Ҳ.Муртазаева ф.ф.д П.Бакиров, ф.ф.н Ҳ.Жўраева, ф.ф.д.профессор Н.А.Хуббитдинова, ф.ф.д. профессор Ш.Турдимов, т.ф.д. профессор Г.В. Юлдыбаева. ф.ф.н.Б.Муртазоев, ф.ф.н.Н.Йўлдошев, т.ф.д. Т.Пардаев, профессор О.Бўриев, ф..ф.б.ф.ф.д А.Худойқулов, ўқитувчи И.Қаршиев, Б.Саидовлар.

Техник котиба:
Қўшоқова Моҳигул Турсуновна

Мазкур тўплам Термиз давлат университетининг 2022 йил 25-апрелдаги илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди. Тўпламда Хоржий ва Ўзбекистон республикасига оид тарихий-археологик ва этнографик, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда фан, таълим ва тарбиянинг тарихий нуқтаи-назардан эришилган ютуқларига оид илмий мақолалар жамланган.

ISBN-978-9943-6897-5-6

“Yosh avlod matbaa”, 2022 й.

Ўзбекистон Рспубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги №-11Ф рақамли баённомаси асосида 2022 йил 20-21-май кунлари Термиз давлат университетида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

На основании Протокола № №-11Ф Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 марта 2022 года 20-21 мая 2022 года в Термезском государственном университете состоится международная научная конференция.

On the basis of the Protocol No. №-11F of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated March 7, 2022, an international scientific conference will be held on May 20-21, 2022 at Termez State University.

ХАЛҚ БАХШИЧИЛИГИ ВА ДОСТОНЧИЛИГИГА ОИД ЭТНОЛОГИК ЁШДАШУВЛАР

ЖАҲОН МАЪНАВИЯТИ ДУРДОНАСИДАН ЎРИНИ ОЛГАН ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХАЛҚ БАХШИЧИЛИГИ ВА ДОСТОНЧИЛИГИГА ЭТНОЛОГИК ЁНДОШУВЛАР

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси мудири, т.ф.д.профессор Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич

Ўзбек халқ оғзаки ижоди беқиёс хазина бўлиб, шу асосда халқимизни инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, оилапарварлик, мардлик, жасурлик ҳамда севги вафога садоқат руҳида қараш, тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Янги Ўзбекистон амал қилаётган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги тараққиёт ҳаракатлар стратегияси асосида қабул қилинган давлат дастурида халқимизни бугун ва эртанги кунга ишонч руҳини тўлиқ шакллантириш учун аждод-авлодларимиз томонидан асос солинган одоб-ахлоқ, камтаринлик, сахийлик, саховат, оила бирдамлиги, софдиллик, меҳр-мурувват, қўшниларга ҳурмат, ибрат ва комилликга етиш учун асрлар оша амалга оширилиб келинаётган анъаналарга, қадриятларга, маросимларга содиқ бўлиш масаласини ўзига мужассам этган халқ оғзаки ижодини тиклаш, сайқаллаштириш, бугунги руҳини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарурлиги ўз аксини топмоқда.

Мустақиллик йилларида “аввал амалга оширилган тадқиқотларни янгидан баҳолаш илгари мутлақо ўрганилмаган ёки тадқиқ этишга монелик қилинган даврлар, мавзулар, асарлар ва ижодкорлар фаолиятини ўрганиш ҳамда уларни зудлик билан илмий муомалага киритиш каби масалаларни таҳлил-тадқиқ қилиш биринчи ўринга чиқди”[1]

Ўзбек миллатининг бебаҳо хазинаси ҳисобланган бахши ва достон этнотопонимлари бир-бирини тўлдирувчи бўлиб, улар-

[1] Мирзаев Т. Ўзбек филологияси янги босқичида, Ўзбек тили ва адабиёти. 2003.-№ 4.-Б.31.

нинг мазмунан ҳам бир-бирини тўлдириб бориб, ўз мазмун ва маъносини асрлар оша миллий жиҳатдан бойитиб келмоқда. Этнотопоним луғати таҳлилига эътибор берилса; “Бахши (baxsi, baqsi) сўзи луғатларда туркий сўз бўлиб, мураббий ва муаллим маъноларини англатади, умуман, тарбиячи, етакчи ва йўлбошчи каби талқинлар ҳам унда мужассам[1]. Шунингдек, халқимиз қалбида алоҳида ўрин олган достон атамаси кенг қамровга эга назм ва насрдан ташкил топган катта ҳажмли асар, қаҳрамонлар силсиласи, воқеалар ҳалқаси узвийлиги ва ўзаро ҳамоҳанг боғланиши билан диққатлидир. Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган Алишер Навоий аслида ижодни баён этишда сўз воситаси орқали бахшиёна усулда атрофдагиларга баён этган, унинг ижодида ҳар бир нарса яхшиликга бағишланган. албатта ўзининг ижобий натижасини беришини халқга тушунтиришга куч бағшида этган. Унинг ижодида инсон, ақл-идрок, одоб, меҳнат, бурч, маъсулият, ўз сўзида туриш, илмга илҳом бериш, одамларни эртанги кунга ишонтириш, кулфат, жаҳолат, имонсизлик, хиёнат албатта эртага чекиниши ёки мағлуб бўлишини достонларда афсонавий, қиёсий қиёфалар ҳамда халқ орзу-умид қилган қаҳрамонларнинг ору-номуси, ўз халқига садоқати билан эришиши мумкинлигини сингдира олган. Масалан, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони ўн биринчи бобининг сарлавҳасига эътибор қилинг: “Шоҳ Баҳром достониға шуруъ қилурдин бурун бир неча сўзга муртакиб бўлмоқ ва ул достонда тағйир ва табдил воқеъ бўлғоннинг узрин қўлмоқ... ”[2]. Алишер Навоий достон атамасини айни шу ўринда “Шоҳ Баҳром достони...” деганда “Шоҳ Баҳром қиссаси...” яъни достондан мурод қисса бўлиб, ривоят ва афсона маъноларига ҳам ишора мавжуд. Демак бахши ва достон ёки бахшичилик ва достончилик атамалари уйқаш маъноларни талқин этиб, эл ҳурматига сазовор бахши ҳамда эл қалбига етиб борган достон тарзида олқишлар оламида устувор мақом эгаллаган.

Ўзбек халқи миллий оғзаки ижодида бахшичилик ва достончиликнинг маънавий қадриятларимиз бевосита этнография

[1] Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. – С. 82.

[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 10 –том. Хамса. Сабъаи сайёр. – Тошкент: Фан, 1992. –Б.72.

билан тўлиқ боғлиқ бўлиб, бахши ижодидаги ҳир бир сўз қандай йўналишда баён қилинмасин халқ урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маросимларининг қайси бир соҳасини талқин этмасин у албатта этнологик таҳлиллар билан боғлиқдир.

Этнографик тадқиқотлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, достонлар бахшиларни синовлардан ўтказган, бахши бўлиш ҳам табиий қобилият ҳам катта меҳнат эвазига бевосита боғлиқ бўлиб, халқни ишонтириш учун сўз ва дўмбира қуввати бир-бирини тўлдирган. Акс ҳолда халқ бахши бўлиш илинжида юрганларнинг ҳаммасини ҳам даврага қабул қилавермаган. Тадқиқотлар давомидаги энг муҳим нарса шу бўлдики, бахшилар сокинлик, жим-житлик, камгаплик, кўз қарашларни фақат дўмбирага қарата оладиган, куйнинг кетма-кетлигини бевосита сўзлар кетма-кетлигига боғлаш усулига ҳамиша уйғунлаштира оладиган ҳолда ижро усулини қўллаганлар. Бахши ижодга киришиш жараёнида атрофни унутган, бутун куч-ғайратини сўз ва дўмбира нуқталарига қаратган, у куйлашга тушганда фақат адолатни, шукуроналикни, диёнатни, холисликни, камтарликни, сахийликни, қўрқмасликни, шижоатли бўлишни ўзига қалбдан сингдирган. Унинг оҳангларида инсонни умидсизликдан олиб чиқиш, ақл-куч бирлашса албатта ғалабага эришиш мумкинлигига ишонтириш ғояси билан ожизларни қувватга киритган, дармонсизларга дармон берган, касалларга шифо ато этиб, яшашга бўлган умидни инсонлар онгига руҳ билан киритган.

Миллий халқ оғзаки ижодини ўзида мужассам этган достонларни, термаларни ва айтишувларни ўзида акс этган куйловни амалга оширган бахшини халқимиз ўз талқини бўйича шоир, созчи, созанда, соқи, сановчи, юзбоши, халфа, жиров, жирчи, оқин, охун ва бошқалар[1]. Шундан уларни Жолмон бахши, Жоссоқ шоир, Йўлдош шоир, Биби шоира, Шерна юзбоши, Хонимжон халфа, Қурбон созчи, Қодир созчи, Ҳайбат соқи ва бошқа номларда аташган. Улар элнинг, улуснинг севимли кишилари бўлган, уларга доимо эъзоз ва эҳтиром изҳор этилган, улар туфайли тўйларга, йиғинларга, сайилларга ва базмларга файз

[1] К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 227–232.

кирган. Бахшилар ижросидаги “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон”, “Муродхон”, “Мисқол пари”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Равшан”, “Интизор”, “Эрали”, “Ойсулув” ва бошқа кўплаб шу каби достонлар эл ардоғига сазовор этилган. Достонлар –халқнинг тарихи, эл-улус ўтмишининг баёни, орзу-армонлар кечмиши, бир сўз билан айтганда халқ тарихининг қўшиғи, тақдирининг оҳанги, қисматининг мунгли мусиқаси, келажакнинг шодон ялласи. Бахшилар эса ана шу халқ тарихининг куйчиси, тенгсиз ҳофизи, тўғрироғи, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги олтин занжир, тарихни тарихга оғзаки кўчирувчи, тарихни тарихга муҳрловчи, тарихни тарихда қолдирувчи моҳир ижодкор.

“Алпомиш” туркий халқлар ижтимоий ҳаёти билан чамбарчаслиги янада мароқли, достоннинг ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд ва Олтой ўлкаси каби улкан заминда тарқалганининг ўзи ҳам буни тўлиқ тасдиқлаб турибди. Бу хил ҳодиса “Гўрўғли” туркум достонларига ҳам тааллуқли, достон ўз миқёси жиҳати билан Марказий Осиё ҳамда Кавказ халқларидан Озарбойжон, Арман, Грузин ва ҳатто Туркия ва Эрон сингари кенг ҳудудда тарқалган.

Бахшичилик санъати илк бор мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида шаклланганлиги қадимий Термиз туманидаги Айритом археологик обидасидан топилган оқ фризда ишланган созандалар, унда уд, арфа ва чилторларнинг акс этиши бунга асос бўлади. Чунки ушбу санъат асари ўзининг қадимийлиги, ноёблиги билан бирга бутун маҳоратини ишга солиб куй чалаётган созандаларнинг маънавий қобилияти мусиқа билан боғланганлиги баён қилинган. Ушбу жараён мамлакатимизда илк мусиқага асос солинганлиги, унинг заминида халқнинг орзу-умидлари, ҳушёрлиги, огоҳлиги, меҳнатсеварлиги, мардлик ва жасурлиги, севги-вафога содиқлиги, каби хислатлари мужассам бўлганлиги қайд этилади. Этнологик тадқиқотлар жараёнида олиб борилган дала кузатувлари жараёнида жанубий ҳудудлардаги бахшичилик **мусиқа услуби** мазкур ҳудудда яшаётган халқнинг этник таркиби, келиб чиқиши, шароитлари ушбу услубнинг ўзига хослиги билан бегиланади. Жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисми азалдан

ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, ушбу турмуш тарзи билан боғлиқ ичида бахшилар қўшиқлари салмоқли ўрин тутади. Жумладан, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида кам учрайдиган бахшилар томонидан куйланган "соғим қўшиқлари" ("Хўш-хўш", "Турей-турей", "Чурей-чурей") соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни ийдириш мақсадларида кенг қўлланилади. Шунингдек, асосий анъанавий хўжалик бўлган деҳқончилик билан боғлиқ бахшилар томонидан ижро этилган қўшиқлар эса ер ҳайдаш ("Қўшчи қўшиғи", "Шох мойлаш" ва "Қўш ҳайдаш»", ҳосилни ўриш ("Ёзи"), хирмонда буғдой ёки арпани янчиш ("Майда"), баҳор келиши ("Наврўз"ва бошқалар) пайтларда куйланади. Айниқса, қадриятлар, маросимлар билан боғлиқ ижтимоий-маиший турмуш тарзига оид бахшилар томонидан ижро этилаётган "қарсак" ("бешқарсак") давра ўйин қўшиқлари машҳур[1]. Анъанавий мусиқа чолғулари эса асосан бахши чўпонлар ижодига хос *сибизға ва* ғажир най, лапарчи аёллар томонидан кенг қўлланиладиган *чанг қўбиз,* бахшиларга жўр бўлган *дўмбира* (яқин ўтмишда-*қўбиз)* билан чегараланган. Мусиқа ҳаётида бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ жанубий ҳудудларда бахши-шоирлар ва дўмбиракаш бахшилар асосий ўрин тутади. Жанубий ҳудудларда кенг тарқалган чорвачилик хўжалик ҳаётини ўзида акс эттирувчи чўпонлар меҳнати билан боғлиқ чолғу куйлар ("Чўпонча", "Қўйларни судраш", "Қўйларни йиғиш" ва "Чўпонни чақириш" каби), достон куй ("Бахши куй") лар кенг тарқалган[2].

Этнографик изланишларга кўра, илк диний тасаввурлар афсона, эртак ва достонларда, ҳатто халқ ўйинлари сақланиб қолган. Масалан, ўзбекларда нишонланадиган мавсумий сайилларда, Наврўз, "Лола" ва "Қизил гул" халқ байрамларида ижро этиладиган куй ва рақсларда сеҳргарлик ва тотемистик тасаввурларнинг элементлари ёрқин намоён бўлади. Масалан, Хоразмда ўтказиладиган байрам сайилларидаги ўйин-кулгилар, ёр-ёрлар, қўшиқ айтишлар, кичик жанрдаги халқ оғзаки драмалари, "чағаллоқ" ва "сулгин" ўйинлари ва ҳатто машҳур "лазги"

[1] Дала ёзувлари, 2018 йил. Бойсун тумани, Тўда, Тиллакамар ва Даштиғоз қишлоқлари.

[2] Дала ёзувлари, 2018 йил. Қизириқ тумани Гиламбоп ва Сариқ қишлоқлари, Бойсун тумани, Кофурун ва Чилонзор қишлоқлари.

рақсида тотемистик ва сеҳргарлик тасаввурлари билан боғлиқ элементлари аниқ сезилади. Айниқса, “чағаллоқ” ўйини пантомимасида раққоснинг балиқчиқушнинг балиқ тутиш пайтидаги ҳаракатларини дўппи ёки пиёла атрофида бўйнини чўзган ҳолда икки қўлини қанот қилиб, пирпиратиб, қушдай овоз чиқариб, ҳаракат ва имо-ишоралар билан ифодалаши ибтидоий-тотемистик руҳдаги рақсларни эслатади[1]. Қадимги туркийларнинг диний эътиқодлари ва уларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарида акс этишини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Қадимги туркий халқлар узоқ тарихий ўтмишида кўп диний ақида ва таълимотларга эътиқод қўйдилар. Шу сабабли ҳам уларнинг исломгача бўлган даврдаги диний эътиқодларини фақат бир дин таъсири ёки қобиғида тасаввур этиб бўлмайди. Аҳамиятли томони шундаки, туркий халқларнинг ҳар бир диний эътиқоди ҳамда маросимлари уларнинг оғзаки, кейинчалик ёзма адабиётида ҳам ўз ифодасини топди.

Сурхон воҳасида аждодларимизнинг урф-одатларини ўзида сақлаб келаётган турли миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Воҳада яшаб келаётган турли миллатлар юрт равнақи, тараққиёти учун бир тану бир жон бўлиб курашиб келмоқдалар. Бир ариқдан сув ичиб, бир далада мол боқиб, тўй-ҳашамларда, халқ сайилларида, мотам маросимларида елкама-елка туриб, ўзларининг қадимий ва ибратли урф-одатларини сақлаб келмоқдалар.

Достончилик санъатининг бундай бадиий анъаналари халқ бахшиларининг такрорланмас амалиёти ва тинимсиз меҳнати билан бизгача етиб келган. Шу тариқа бир-биридан гўзал, бир-биридан сара термалар ва достонлар бутун салобати ва малоҳати билан ҳали-ҳануз тингловчиларни баҳраманд этиб келмоқда. Улар қадимдан инсон қалб торининг энг нозик ришталарини қўзғатган, эстетик ва руҳий озуқа улашиб келган.

Бахшилар устозларидан ўрганган анъанавий достонлар ва термаларни ижро этиш билангина чегараланиб қолмасдан, ўз бошларидан кечирган воқеалар, теварак-атрофда рўй берган ҳодисалар, хуллас, ҳаётий воқеликни шеърга солиб, янгидан-янги

[1] Турсунов С., Пардаев Т., Маҳмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Академнашр, 2012. –Б. 93.

асарлар кўпинча, термаларни яратганлар. Анъанавий термалар панд-насиҳат, одоб-аҳлоқ, меҳр-мурувват, фарзанд, ёр, от, соз ва сўз, дўмбира ва бахши ҳаёти каби мавзуларни қамраб олади.

Халқ яратган куйларида, қўшиқ ва достонларда Ватан, Она юрт тимсоли, мардлик, матонат, ҳамжиҳатлик ва бошқа кўп фазилатлар куйланган, вафо, меҳрли бўлишга ва инсонпарварликка, ҳамжиҳатликка чорлаш бўлган. Сурхон юрти қадимдан ўз бахшичилик мактаби билан ҳам донг таратган. Сўзамол бахшиларнинг қалб туғёнидан яратилган термалар асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб, янги жиҳатлар билан тўлдирилиб ва мукаммаллашиб келмоқда.

Қадим Сурхон замини ва унинг жафокаш халқи босқинлар, сиёсий зулмларни бошидан кечирган юртдир. Бағрикенг Сурхон халқи ўз қаҳрамонлари, олиму-фузалолари, бахшилари ва достонлари билан Турон заминида довруғи етти оламга танилган юрт. Унинг бахшичилик санъати тарихи минг йилларидан буён шаклланиб келмоқда.

Кўпгина жой номларининг «Алпомиш» достонига боғлиқ тарзда номланиши ҳам бу ҳудудда достончилик анъаналарининг ниҳоятда равнақ топганлигини билдиради[1]. Жумладан, Шеробод туманида жойлашган Товканинг қўрғони, Алпомишнинг чоҳи ва Бойчиборнинг охури деб номланувчи жойларнинг мавжудлиги юқоридаги фикрларнинг исботидир[2].

Бахшилар томонидан тўй-ҳашамларда, йилбоши - Наврўз сайлида, ҳосил байрамларида ижро этилиши бундан минг йил бурун юзага келган бу буюк достон тарихий-фольклорий жараёнда фаол яшашда давом этаётганини кўрсатади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида кенг маънаода талқин қилинган, жаҳон адабиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган “Алпомиш” достони миллий маънавий жиҳатдан юксак туйғуларни ўзида жам этиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, меҳнатсеварлик, оилапарварлик, севги-садоқат, ор-номус, вафодорлик тимсоллари асосида яратилгандир. Достон ўзбек халқининг

[1] Алпомиш. Ўзбек қаҳрамонлик достони. Т.: Шарқ, 1998. 400 бет. «Алпомиш» (Ф.Йўлдош ўғли варианти). Т.: Ёзувчи, 1999. 200 б ; « Алпомиш» (Х.Мардоноқул ўғли варианти). Т., 2000. 225 б.

[2] Дала ёзувлари, 2018 йил 25 октябрь. Шеробод тумани, Хомкон ва Кампиртепа қишлоқлари.

она-ватанга садоқати, ватан тупроғини муқаддас сақлаш, ватанни соғиниш, уни кўз қорачиғидек асраш, душманларга нафрат, жисмоний бақувватлик, тинчликка асосланиб, ҳар бир нарсани маслаҳат асосида ҳал қилиш ғояси сингдирилган[1]. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган. “Алпомиш”нинг Қорақалпоқ[2], Қозоқ[3], Олтой версиялари достон шаклида[4], Татар ва бошқирд версиялари эртак ва ривоят шаклида бизгача етиб келган[5]. Ўзбеклар “Алпомиш”, Қорапоқлар “Алпамис”, Қозоқлар “Алпамис батир”, Олтойликлар “*Алип-Манаш”,* Қозон татарлари “Алпамша”, Бошқирдлар “Алпамиша ва Барсин, ҳилуу” деб номлаганлар[6]. Ўзбек достончилиги таъсирида Алпомиш достонининг дастлаб эртак ва ривоятлар шаклидаги тожик вариантлари ҳам юзага келган. Ўрта аср ўғуз эпосининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланган “Китоби дадам Кўркут” таркибидаги “Бамси Байрак” (Изоҳ: “Китоби дадам Кўркут”-“Кўркут бобом китоби” ёки “Кўркут бобом ҳақида китоб”, “Китоби дада Кўркут”-“Кўркут бобо китоби” ёки “Кўркут бобо ҳақида китоб”, гоҳо қисқача “Дада Кўркут”-“Кўркут бобо”, унинг таркибида “Бойбўри ўғли Бамси Байрак ҳақида қўшиқ” номли катта қисм мавжуд. Б.М.) асари ўзининг сюжети ва композицион қурилиши жиҳатидан “Алпомиш” достонига яқин туради[7].

“Алпомиш” дунё эстетик тафаккури тарихида камдан-кам учрайдиган фавқулодда ва ноёб бадиий ҳодисалардан биридир. Унинг фавқулодда ва ноёблиги шундаки, қадимиятда яратилган бу улкан эпос бахшилар томонидан асрлар давомида куйланиб, жонли эпик анъаналарда оғзаки равишда бизгача етиб келди. Шунинг учун ҳам у бугунги кунда қадимиятнинг буюк бир эҳсони, ўзи яратилган даврнинг умумий дунёқараши, айни пайтда жонли анъанавий ижод ва ижро шароитларида халқ оммаси руҳининг объектив ҳолатини даврлар аро ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатидан гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб, кўплаб вариантлар-

[1] Алпомиш, Т., 1998; Алпамиш, Т., 1998;

[2] Алпаммс, Нукус, 1981.

[3] Алпамис-батир, Алма-Ата, 1961.

[4] В. М.Жирмунский. , Ҳ. Т.Зарифов., Узбекский народный героический эпос, М., 1947;

[5] Об эпосе “Алпамыш, Т., 1959; В. М.Жирмунский. , Сказание об Алпамыше и богатырская сказка, М., 1960;

[6] “Алпомиш” — ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси”.– Т, 1999.

[7] Хош Ниязов Ж. Қорақалпоқ қаҳраманлиқ дастанн “Алпамис”.– Нукус, 1992.

да ва хилма хил кўринишларда аждодлардан авлодларга етиб келган адабий ёдгорлик, халқ миллий тарихидаги қаҳрамонлик воқеаларининг афсоналар қобиғига ўралган ўзига хос бадиий ифодаси, буюк эпос сифатида баҳоланади[1].

“Алпомиш” достонининг энг қадимги қатламлари милоддан аввалги юз йилликларда юртимизда кечган жараёнларнинг бадиий талқинини ўзида акс эттирган. Маънавий салоҳияти кучли бўлган Алпомиш достони-бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир.

Ўзбек халқининг маънавий-маданий мероси ниҳоятда бой ва қадриятларга тўла амал қиладиган урф-одатлар тимсолидир. Бунда миллат эътиқоди, ору-номуси, улуғ аждодларнинг яратган бебаҳо маданий-миллий хазинаси мужассамлашгандир. Унинг ҳаёти тарихий-адабий, бадиий хазиналарда, битмас-туганмас манбаларда тўпланган, уларни аниқлаш, таҳлил этиш ва элга етказиш лозим. Шулардан бири “Алпомиш” достонидир, тўғри бу достон кўп ўрганилган, том-том илмий асарлар яратилган, аммо Сурхон диёри билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилмай сирлигича қолиб келмоқда.

Хуллас, дунёдаги ҳар бир халқнинг асрлардан бери авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган асрий анъаналари, урф одатлари ва қадриятлари мавжуд. Мазкур қадриятларда ўша халқларнинг узоқ йиллик тарихи, ижтимоий ҳаёти ҳамда яшаш тарзи акс этган. Бу қадриятларни келажак авлодларга етказишда албатта бахшичилик санъатининг ўрни беқиёс. Фақат туркий элатларга хос бўлган бахшичилик санъати авлодларга ота-боболарининг қай тарзда яшаганлиги, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари, ўзларига маълум бўлган ҳаётий билимларини жуда гўзал тарзда ифода этиб беради.

[1] Турсунов С, Пардаев Т, Турсунова Н, Муртазаев Б. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. Тошкент.; 2015. “Tafakkur”.Б 70.

СОВЕТ ДАВРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ ТАРИХИДАН

ҚарМИИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, т.ф.д., проф.Ю.А.Эргашева,
ҚарМИИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти, тарих фанлари фалсафа доктори (PhD) С.Б.Муртазова

Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди хусусан, фольклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади.[8].

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 17 ноябрда “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 ноябрда қабул қилинган “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида” ги қарорлари соҳа ривожи йўлидаги ислоҳотлардан далолат беради.

Жумладан, халқ оғзаки ижодининг бахшичилик йўналишида фаолият олиб борган намояндаларнинг фаолиятини ўрганиш, яқин тарихда, яъни, совет даврида ушбу санъат тури ва намояндаларига бўлган муносабатни ёритиш долзарб аҳамиятга эга.

Қашқадарёлик бахшилардан Абдулла шоир Нурали ўғли, Қодир бахши, Қаҳҳор бахши, Тоғай бахши, Шомурод бахши, Азим шоир кабилар совет ҳукмронлиги шароитида достончилик анъаналарини кенг ёйиш йўлида хизмат қилди.

Совет даврида Абдулла шоир Нурали ўғли (1874-1957) бахшичилик санъати ривожида муҳим роль ўйнади. Унинг номи Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир каби бахшичилик санъати дарғалари билан ёнма-ён турди. Абдулла шоир ижоди дастлаб 1936 йили Х.Зарипов томонидан ўрганилиб, 1937-1938 йилларда фольклоршунослар томонидан ундан “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Равшанхон”, “Авазхон”, “Хондалли”, “Хумкелди”, “Маликайи айёр”, “Гулихиромон”, “Қиронхон”, “Сайдамхон”, “Кунтуғмиш” каби достонлари ёзиб олинди. 1936 йили унга “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилди. 1937 йили у Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Москва шаҳрида ўтказилган декадасида иштирок этди [2].

Қашқадарё “Хомери” деб ном олган Қодир бахши Раҳимов ушбу санъат йўналишида устоз-шогирд анъаналарини асраб-авайлаб, қатор шогирдларни тайёрлади. Унга Ражаб бахши Нормурод ўғли, Умир бахши Сафар ўғли устозлик қилди. Қодир бахши 1937 йили Деҳқонободда туғилди. Қодир бахши II, III, IV, V ва VI республика халқ бахшилари танловларининг биринчи даражали дипломини қўлга киритди.1974 йил Москвада ўтказилган Халқаро конкурснинг лауреати, 1979 йили Париж шаҳрида бўлиб ўтган III жаҳон халқ ижодиёти кўригининг совриндори бўлди. Шунингдек, 1980 ва 1982 йилларда Тошкент халқ ижодкорларининг халқаро танловлари ғолиби бўлди [2]. У 70 дан зиёд достонларни ёд билган.

Қодир бахшининг фарзанди ва шогирди Қаҳҳор бахши 1957 йилда туғилган. У ҳам бу санъат ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Қаҳҳор бахши 40 дан зиёд достонларни ёддан билиб, 50 дан ортиқ термаларни ижод қилди. У 1987 ва 1989 йиллара Ўзбекистон бахши-шоирлар танловининг ғолиби бўлди ва 1989 йилда Озарбайжонда ўтказилган Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ, Болтиқ бўйи оқинлари фестивалининг лауреати бўлди. У “Олланазар Олчинбек”, “Темур ва Боязид”, Махтумқули ҳақидаги “Туркман даҳоси”, “Самарқанд таровати” каби достонларни яратди [2].

Чироқчи достончилик мактабининг йирик вакилларидан бири Тоғай шоир (1893-1976) совет даврида ижод қилди. Унинг ҳаёти жуда оғир кечиб, 1930 йили Шимолий Қозоғистонга сургун қилинди. 1932 йили у сургундан қочганлиги учун яна оиласи билан Сибирга сургун қилинади. 7 нафар фарзандидан 4 нафари очликдан нобуд бўлди. У 1950-йилларнинг охирида оқланиб, юртига қайтади. Тоғай шоирдан ёзиб олинган. “Эр ўғли” ва бошқа шу каби достонлар ЎзРФА А.Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади. У ўғли Шомурод бахшига бахшичилик сирларини мукаммал ўргатди. Шомурод бахши отаси билан сургунда бўлиб, ўзга юртда қийналиб катта бўлди.

Чироқчи достончиларининг яна бир йирик вакили Азим шоир бўлиб, у 1929 йил туғилди. У “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Аҳмадхон ва Юсуфхон” каби достонларни ёддан ижро этди. 1988 йил Китоб туманида Абдулла шоирнинг 110 йиллигига бағишлаб ўтказилган бахши-шоирлар конкурсида иккинчи ўринни эгаллади. У “Чиял мадҳияси”, “Кўк далам”, “Яхши ва ёмон хотин”,

“Ферма мудири” каби термаларни яратди. Азим шоирнинг ўғли Ёдгор бахши ва набираси Акбар бахшилар ҳам элда таниқли бўлиб, бахшичилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшдилар [4].

Шеробод достончилик мактабининг йирик вакилларидан бири Шоберди Болтаевдир. У 1944 йили Бойсун тумани Мунчоқ қишлоғида туғилди. 1972 йили Термиз давлат педагогика институтини тамомлади. Шоберди бахши куйлаган терма ва достонларнинг мавзуси ҳамда мазмуни фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, долзарб муаммоларни қамраб олиши билан қимматлидир. Унинг “Олтинқовоқ”, “Кунтуғмиш”, “Малла савдогар”, “Сулувхон”, “Санамгавҳар”, “Ойпари”, “Олланазар Олчинбек” достонлари ва “Меҳмондур”, “Тилар”, “Кунларим”, “Дўмбира” каби термалари эл олқишига сазовор бўлди [5].

Бойсунлик Улаш Ғози ўғли (1892-1969), мулла Эрмамат бахшилар совет даврида достончилик анъанасини ривожлантириш бўйича сермаҳсул ижод қилди.

Халқ достонлари асосан дўмбира мусиқа чолғуси ёрдамида ижро этилган. Дўмбира асосан қозоқ халқ мусиқа чолғуси сифатида қаралган. Мусиқа чолғусининг тузилиши, унинг ёрдамида ижро этилган оҳанглар, ижрочи созандалар фаолиятини ўрганиш натижасида маълум бўлишича, ўзбек дўмбиралари қозоқ халқ дўмбирасидан фарқ қилган.

Дўмбира чолғуси асосан Ўзбекистоннинг тоғли ва паст-текисликларида яшайдиган чорвачилик билан шуғулланган аҳоли орасида кенг тарқалди. Ҳар бир ўтовда деярли дўмбира бўлиб [3], Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Шўрчи, Ангор, Самарқанд вилоятининг Фориш, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши туманларида яшовчи аҳоли орасида дўмбира чолғуси кенг тарқалди. Мазкур чолғудан бахшилар халқ достонларини, термаларни куйлашда фойдаланганлар.

Сурхондарёнинг Сариосиё туманида яшовчи Шодиота Алимардонов, Шўрчи туманидан Жўра Дониёров, Шеробод туманидан Т.Обруев, Ангор туманидан Мусурмонқул Олтиев, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан Эсон Тиловов, Қамаши туманида Н.Баратов, Самарқанд вилоятининг Фориш туманидан Бекқул Алимов кабилар дўмбира чолғусини чалиш бўйича анча машҳур бўлганлар [3]. Улар “Чўпон чақириш”, “Қўйларни йиғиш”, “Қўйларни судров қилиш”, “Қўйни қидириш”, “Чўпон-

ча”, “Келиной”, “Қиз сулув”, “Дўмбира куй”, “Тойчоқ”, “Қўнғироти”, “Кўлоб қизи” каби қўшиқларни куйлаганлар [3].

Шунингдек, XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бу соҳадаги дастлабки конкурс Тошкент шаҳрида ўтказилди. Бахши-шоирлар конкурси 1983 йил Шаҳрисабзда, 1984 йил катта ашула ижрочиларининг конкурси Марғилон шаҳрида, 1985 йил Хоразм вилоятининг Шовот туманида ҳам фольклор қўшиқлари бўйича конкурс бўлиб ўтди [1]. Бу эса фольклор жамоаларига эътибор берилишига, янги жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратди [7]. Бу турдаги тадбирлар Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларида ҳам ўтказила бошланди. Айниқса, Шеробод туманида ўтказилган бахши-шоирлар ўртасидаги конкурс кўпчилик эътиборини ўзига жалб этган [6].

Хуллас, халқ оғзаки ижодининг бу ноёб санъат тури соҳа намояндаларининг фаолияти, устоз-шогирд анъаналари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан мусиқанинг фольклор турига бағишланган фольклор қўшиқларининг кўриклари, фестиваллар, конкурсларини ўтказиш анъанага айланганлиги ўз навбатида янги жамоаларнинг шаклланиши, устоз-шогирд анъаналарининг давом этиши, халқ оғзаки ижоди намуналарини сақланиб қолишига замин яратди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуллаев Р.С. Ўзбек мусиқаси тарихи. XX аср (қўлланма). Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалари. №958. – Б.32.

2. Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 417-419.

3. Кароматов Ф. Узбекская домбровая музыка. – Тошкент, 1962.– Б. 3-5.

4. Норбўтаев П. Қашқадарё воҳаси ўзбеклари этник хусусиятларининг халқ достонларида акс этиши. –Тошкент: Янги нашр, 2014.

5. Сурхондарё этнографик макон. Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б.190-191.

6. Сурхондарё ВДА, 454-фонд, 4-рўйхат, 102-иш, 110-варақ.

7. Тошматов У. Фольклор қўшиқлари. – Тошкент, 2003.– Б.6.

8. www.uza.uz .

“ТАРКИБАДАХШОН” ДОСТОНИ

Қаҳҳорова Шаҳноза Абдимуминовна,
филология фанлари номзоди, доцент, ҚаршиДУ

Бобо шоир асос солган, 100 йиллик тарихга эга Жанубий ўзбекистон (Шеробод) достончилик мактабининг устозлари бошлаб берган анъанани муносиб давом эттириб келаётган ижодкор, устоз мақомига эришган, Ўзбекистон Халқ бахшиси Қаҳҳор бахши Раҳимов бугунги кунда яна бир “Таркибадахшон” достони вариантини нашр эттириш билан китобхонларга катта совға тақдим этмоқда.

“Таркибадахшон” “Гўрўғли” туркумига мансуб бўлган севги романтикаси ва қаҳрамонона саргузаштларини ҳикоя қилувчи достон ҳисобланади. Унда тарихий достонларда бўлгани каби халқ ҳаётининг муайян даврлари эмас, балки унинг соф севги, дўстлик ва биродарлик, мардлик ва жасорат, ватанпарварлик ва садоқат ҳақидаги абадий орзу-ҳаваслари, интилиш ва истаклари, умуман, кенг тарихий даврлар доирасида акс этади. Достон анъанавий зачиндан сўнг эпик тугун – Гўрўғлининг кўрган туши оқибатида вужудга келади: Гўрўғли туш кўради. Тушда Оқдевшоҳ Таркибадахшонга олиб кетган ғоятда гўзал Гулрухсор пари нажот сўраб турганлигини Мисқол пари ва Юнус пари туш таъбирини “жўрайди”. Шундан кейин Гўрўғлибекнинг Гулрухсор парига ғойибона ошиқ бўлиши ва унинг фарзандсизлиги достон сюжетини шаклланара бошлайди. Шу ўринда бир нарса ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Агар диққат қилинса, узоқ аждодларимиз бадиий тафаккури учун тасодифийлик зарурият сифатида тасаввур этилгани кўзга ташланади. Гўрўғлининг фарзандсизлиги, Гулрухсор парининг уни озод қилишини сўраб тушига кириши барқарор эпик шарт сифатида шартлилик қонунияти орқали амалга ошган. Демак, шартлилик қонунияти тасодифийлик категориясини бадиий зарурият категорияси тарзида талқин этишга имкон берган. Бу эса романик достонлар сюжети, асосан, халқ эртакларига хос сюжет, эртакларга хос хаёлот ҳамда тасаввурлар асосида, эртакларга хос воқеликни акс эттиришнинг эстетик принципларига амал қилиш асосида

шаклланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, достондаги туш мотиви халқнинг қадимий анимистик тасаввурлари заминида юзага келган. Бунга кўра, узоқ аждодларимиз руҳлар ҳақиқатан ҳам мавжуд, туш эса руҳларнинг фаолияти, инсон жисми тин олган пайтда унинг руҳлари ҳаракатни давом эттиради, шунинг учун туш ҳақиқатан ҳам инсон фаолиятининг руҳий давом этиши деб қараганлар. Ушбу достон таркибидаги мифологик ва эртак эпосига хос мотивлар эпик сюжет ривожида маълум даражада муҳим роль ўйнайди.

Гўрўғлибек орзусини амалга оширишни Авазхон ўз зиммасига олиши, Ғиротда сафарга чиқиши билан сюжет линияси воқеалари кетма-кет шаклланиб боради.

Авазхон душманлик ниятида келаётган тоғаси Аҳмад қарини тоғдаги ғорда қолдириб, ўзи Полапон тоғидан ошади. Чашмада дев учун боғланган Кўктош подшосининг қизи Зулфизарни озод қилади ва сафарини давом эттиради. Шу ўринда таъкиблаб ўтиш керакки, тоғаси Аҳмад қари образи билан Гўрўғли орасида конфликтнинг мавжудлиги Жанубий Ўзбекистон достончилик мактаби вакиллари репертуарига хос бўлган хусусият ҳисобланади. Бу ҳолат романик достонларга хос турли ижтимоий табақа вакилларининг асар конфликтини ташкил этишда фаол иштирок қилишлари билан изоҳлаш мумкин.

Энг муҳими шундаки, романик достонларда соф ижтимоий табақа вакиллари билан бир қаторда дев, пари сингари мифологик образлар ҳам иштирок этадилар. Достон сюжети воқеалари кетма-кет ривожланиб Авазхон Машар, Башар, Ҳабасал каби девлар билан ҳам жанг олиб боради Асар воқеаларида мифик образлар қаҳрамонга тўсиқ сифатида намоён бўлсалар ҳам, бироқ эпик қаҳрамонлар Ғирот ва чилтонлар тадбиркорликлари, донолиги туфайли улар Авазхонга кўмакдошга айланадилар. Бу хусусият романик достонлар сюжетининг сеҳрли эртаклар сюжетлари билан генетик алоқадорликка эга эканликларидан далолат беради. Авазхон Гулрухсор парини Чамбил юртига олиб келиб мурод-мақсадига етади.

Таниқли рус фольклоршуноси Б.Н.Путилов «Эпик харита» на аниқ тарихий йўналиш, на масофа ва на миқёс билади» деб ёзганида тўла ҳақли эди. «Эпик харита» Қаҳҳор бахши маҳо-

рати, унинг эпик билими, эпик хотираси эпик анъана талаблари билан боғлиқликда ҳар бир эпик намунада ўзига хос тарзда воқеланди. Бу билан маҳоратли ижодкор, устазода Қаҳҳор бахши Раҳимов ўзбек достончилик хазинасини яна бир гўзал достон билан бойитди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзаева С. Романик достонлар поэтикаси. Т.: Фан, 2004.
2. Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность. - Л.: Наука, 1988
3. Раҳимов, Қаҳҳор бахши. Таркибадахшон. Достон. Қўлёзма. Шахсий архив.
4. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. -Т, Ўзбекистон, 2012
5. Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. Т, “Фан”, 2006

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИНИ ЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМ ВА МАРОСИМЛАРИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фахриддин Раҳмонов,
Қарши давлат университети
доценти, тарих фанлари номзоди

Ўтмишда аждодларимиз ҳар фаслда янги ишга қўл уришдан олдин муайян удум, маросим, урф одат ва анъаналарни ўтказганлар. Бу расм-русмлар, ирим-сиримлар барча халқларда бўлганидек, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги тассаруфидаги Қашқадарё ва Сурҳондарё воҳаларининг ҳудудларда яшовчи халқларда ҳам мавжуд бўлган.

Ғалла ўрими деҳқон ҳаётининг энг долзарб, масъулиятли даври ҳисобланган. Албатта, деҳқон тақвимининг ҳар бир даврига оид маросим ва ирим-сиримлар анчагина. Шулардан бири “хайри худойи” бўлиб, бу маросим ўрим-йиғим бошланишидан олдин ўтказилган. Хайрихудойи одатининг тарихий илдизла-

ри узоқ замонларга бориб тақалади. Бу одат Оллоҳга қилинган хайр-эҳсон бўлиб, худо йўли, хатми “Қуръон”, дуою фотиҳа, қон чиқариш, қурбонлик деб ҳам аталган[1.183]. Таниқли элшунос олим Э.Б.Тайлор хайри худойи маросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсониятнинг илк, энг қуйи босқич тараққиётига хос деб қарайди [2.].

Умуман, қурбонлик қилиш диний эътиқоднинг қадимий, илк шаклларидан то замонавий, жаҳон динларигача хос бўлган маросимдир. Масалан, қадимги шумерликлар ҳўкиз, сигир, қўй каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қушларни ҳам сўйишган, егулик неъматларидан ҳам тангриларга эҳсон этишган [3.33].

Воҳада пайкал аъзолари ўримга тушиш олдидан даладаги ҳосилнинг миқдорини ўлчаганлар. Пайкал бошига имон-эътиқодли, серфарзанд ва ҳаромдан ҳазар қилган қариялар боришган [4.]. Улар энг етилган, сердон, ўртача ва энг кичик пишган бошоқни яъни учта бошоқ олишган. Сўнгра уларнинг дони ажратиб олинган ва белгиланган майдондан олинадиган ҳосил миқдорини чамалаганлар. Пайкал аъзолари оқсоқол ва элликбошиларни чорлаб, хайри худойи қилишган. Аввал 3, 5, 7 та чўзма пиширилиб, “ис” чиқарилган. Уй эгаси ёки пайкал аъзолари жонлиқ сўйиб, қон чиқарган. Хайри худойида ҳашарчилар, дин пешволари ва кексалар иштирок этишган. Таом истеъмол қилиб бўлингач, қишлоқ мулласи “Қуръон”дан оятлар ўқиб худодан, Бободеҳқондан, азиз авлиё-анбиёлардан ҳосилнинг мўл бўлишини, хирмоннинг баракасини сўрашган. Оқсоқоллар хайри худойини омадли, файзли кунда ўтказишни маслаҳат бериб, шундай кунни аввалдан белгилашган. Ўримга (ҳашарга) нопок кишилар яқинлаштирилмаган. Буғдойнинг илк тутамини ҳам бой-бадавлат ёки фазилатли киши ўриб бергандан сўнггина ёппасига ўрим-йиғим бошланган.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ирим-сиримлардан бири шогирдларга “оқ фотиҳа” беришдир. Бу маросим ҳам буғдой ўримининг бошланиши билан боғлиқ бўлиб, ота ҳашарга, яъни ғалла ўримига суяги қотган ўғлини биринчи бор етаклаб чиққанда ўтказилган [5.]. Бола дастлаб ўроқни кўнгилдагидек ушлай олмаган, буғдой пояларини тутамига сиғдиролмаган, боғни боғлай олмаган, иши юришмаган. Бундай ҳолни кузатиб тур-

ган ўроқчилар йигитчани ушлаб қўлини боғлашган ва ўримга рухсат этишмаган. Ўғлининг ҳолини кўрган ота унга ёрдамга келган ва кекса ўроқчиларнинг биридан ўғлига ғалла ўришни ўргатишни сўраган. Бош ўроқчи унга “каптар думи” (ўрилган буғдой поялари бешбармоқлар орасига олинади), “ғавза” (қўл ўрилган буғдой поясига тўлади) усулида ўришни ўргатган. Ўримда ўроқчи бармоқларига “қўлпўстак” (ошланган теридан тайёрланган қўлқоп) кийган. Бу эса иш унумини анча оширган. Ўроқчи белбоғига “қамчин бута” (эгилувчан, синмайдиган бута новдалари) дан тайёрланган 20-30 та боғни ҳам қистириб юрган.

Ўрилган поя кўксини тўлдиргач, 15-20 ғавзани бир жойга тўплаб [6.53], бир боғ қилиб боғлаб кетган. Ота ўғлининг ишидан кўнгли тўлгач, жонлиқ сўйиб ҳашарчиларни, уста ўроқчи, мироб ва оқсоқолларни уйига таклиф этган. Дастурхон хонадон эгасининг имкониятига қараб турли неъматлар билан безатилган. Таом еб бўлингач, уста ўроқчи шогирдини икки оёғининг орасидан ўтказиб олади. Маросим якунида уста ўроқчи шогирдига оқ фотиҳа беради. Дастурхон теварагида ўтирганлар ҳам уста ўроқчининг тилакларини қўллаб-қувватлашган.

Масалан, Қамаши тумани Бердоли қишлоғида Бобоёр чап қўл (чапақай) деса уни моҳир ўроқчи сифатида ҳамма таниган. Чунки Бобоёр бобо чап қўли билан ўроқ ишлатган, ўзининг тезкорлиги билан ғалла ўримида барчани ҳайратга солган. Бир ўзи кунига бир гектарга яқин майдоннинг ғалласини ҳам ўриб, ҳам боғлаган. Буғдой ўриш осон бўлмаган. Ўрим бошланган вақтда ҳашарчиларга ёш йигитча қўшилган. Албатта, маросимнинг сабабчиси устоз ва шогирд бўлган. Таом тановул қилингандан сўнг Бобоёр бобо шогирдини оёқларининг орасидан ўтказиб олган, ўтирганлар йигитчага оқ фотиҳа беришган [7.]. Бу ирим-сирим йигитнинг кўзидаги, юрагидаги қўрқувни қувиб, унга ишонч ва ғурур бағишлаган. У ўроқчилар олдида уялиб қолмасликка интилган. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, уяти йўқ, ғурури йўқ одам дангаса бўлган, ҳар доим иши орқага кетган. Маросимнинг моҳияти ва мазмунига эътибор қилинса, ўроқчилар кўпчиликнинг ҳузурида йигитчанинг қалбида ғурур уйғотишган.

Тарихий-этнографик маълумотларга қараганда туркий тилли халқлар, чунончи Қашқадарё ва Сурҳондарё воҳаси деҳқонлари ҳам одам ўзидаги яхши хислатларни сеҳрли (магик) йўл билан иккинчи бир одамга ўтказиши мумкин деб ўйлашган.

Буғдой ўрими билан боғлиқ қадимий маросимлардан яна бири "обло барака"дир. Бу маросимнинг номини билдирувчи "обло барака" атамаси ислом дини таъсирида пайдо бўлган. Хоразмда сўнгги тутам буғдой йиғилиб, хирмон кўтарилганда устига кесак қўйилади, деҳқонлар уни "барака кесаги" деб атаганлар [8.204]. "Обло барака" маросими ҳақида фольклоршунос олим Б. Саримсоқов шундай ёзади: "Ҳашарчилар буғдой ўримининг сўнгида бир парча ўрилмай қолган ерни ҳар томондан ўраб, аста келаверадилар. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охирги тутам буғдойни ўриб олишга ҳаракат қилади. Охирги тутам буғдой эса "она буғдой" деб юритилади. Қайси бир ўроқчи ана шу тутамга етиб олса, "еттим, еттим, обло барака берсин" деб уни ўриб олган. Шундан кейин у барча ўроқчиларга фурсати билан катта бир зиёфат қилиб беради. Она буғдой тутам ҳолда боғланиб, уйга олиб кетилади ва баҳорги экин пайтига қадар сақланади» [9.55.].

Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида XX асрнинг бошларида пайкалдаги энг сўнгги қисм ғалла ўриб олинаётганда бир ўроқчи "қуён қочти", "шоғол кетди", "тулки қочти" деб қичқирган. Бу чақириқ бошқа ўроқчилар томонидан ҳам такрорланган.

Бу одат Қашқадарё вилоятининг Қарши, Ғузор, Чироқчи, Сурҳондарё вилоятининг Бойсун, Денов, Сариосиё ва бошқа туманлари ҳудудларидаги лалмикор майдонларга деҳқончилик қиладиган деҳқончилар орасида ҳам мавжуд бўлган.

Мазкур маросим асосан буғдой ўримида қатнашаётган пайкал аъзолари ёки вақф ерлардаги ҳосилни йиғиб олишда қатнашаётган ҳашарчилар иштирокида амалга оширилган. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига қараганда, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида деҳқончилар орасида муайян ишни бажаришнинг ҳашар усули кенг тус олган. Пайкал аъзолари ўзларига алоқадор кишиларни: қўни-қўшнилар, қариндошлар, оғайниларини ҳашарга чорлаган. Кўпчилик уруғ, тўп ва жамоага тегишли ёки вақф ерларидаги ғаллани ўриб, хирмонга

жамлашни ҳашар йўли билан амалга оширишган.

Бу маросимнинг “шоғол кетди” деб аталган кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, пайкалдаги сўнгги беш-олти сотих ердаги буғдой ўрилмай қолганда, кекса, камқувват ўроқчилар ва болалар ўримни тўхтатишган. 20-45 ёш атрофидаги ўроқчилар қолган ерни ҳар тарафдан ўраб олишган. Илғор ўроқчилардан бири “барака тутам шоғолнинг оғзида, ким уни ушласа, омад унга кулиб боқади. Йил бўйи хонадони кам-кўстлик, ғам-дардни билмайди. Шоғол мана шу буғдойзор ичида. Эҳ-ҳей! Шоғол кетди, фалончи, эҳтиёт бўл, ўтказиб қўйма” деб ўримни бошлаб юборишган. Билагини шимарган йигитлар ҳазил-ҳузул билан ўримга киришишган. Энг сўнгги тутамни ушлаган ўроқчи “Еттим, тутдим, шоғолнинг оғзидан барака буғдойни олдим. Оллоҳ баракасини берсин, деҳқон бобо сердонасини берсин” деб ўриб олган. Атрофдаги ўроқчилар: “Эй, баракалла, омадли йигит экан. Ризқи-ризқ, қувончига-қувонч қўшилсин” деб олқишлаган. “Барака тутам” эгаси уни уйига олиб кетган. Кейинги уруғлик экиш мавсумида “барака тутам”дан олинган доннинг бир қисмини уруғлик буғдойга аралаштиришган, бир қисмини қўни-қўшниларга улашишган, яна бир қисмини эса тегирмонга тортиладиган донга қўшиб юборишган [10.]. Шуни ҳам айтиш керакки, “барака буғдой” эгасиникига ўримдан сўнг “Ризқ қулливусин”, (“Ризқ қутлуғ бўлсин”) га боришган.

Уй эгаси дастурхон тузаб, даврага палов ёки шўрва тортган. Таом истеъмол қилиб бўлингандан сўнг кексалар уй эгаси шаънига: “Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, уйинг буғдойга тўлсин, топганинг тўйга буюрсин, она буғдой баракани берсин, умринг узоқ бўлсин, Хизр бобо ҳамроҳинг бўлсин. Омин Аллоҳ бизнинг дуомизни қабул қилсин” [11.] деб ният билдиришган.

“Тоғдай тиласанг, қирдай беради”, дейди қариялар. Дарҳақиқат, яхши ният билдириш, эзгу тилаклар тилаш, олқишу дуолар қилиш туркий тилли халқларнинг энг қадимий анъаналаридан бири эканлигини яхши биламиз. Инсонлар ўз ҳаётининг барча фаслларида, турли муносабатлар билан турмушнинг барча чорраҳаларида бир-бирига тилак билдиради, яхши ният қилади [1.177]. Аждодларимизнинг тушунчасича, “барака буғдойи” сеҳрли (магик) қудратга эга бўлиб, пайкалдаги май-

санинг ривожига кўмак беради. Уни турли бало-қазолардан, инс-жинслардан асрайди ва ҳосилдорликни оширади. Шу боис “барака буғдойи”нинг магик қудратини амалга ошириш учун элнинг дуоси ҳам зарур деб тушунилган. Пайкал аъзолари “барака буғдой” соҳибиникига бориши ва уй эгаси уларнинг кўнглини олиб, дуо фотиҳасига эришишга интилишининг боиси ҳам ана шунда. Элнинг дуоси билан зирҳланган “барака буғдой”, яъни она буғдой қудратли саналиб, унинг кучига ишонилган. Май ойининг ўрталарида арпа ўрими бошланган бўлса, июнь ойининг охири – июль ойининг биринчи ярмида буғдой ўрими бошланган. Албатта, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Қашқадарё ва Сурҳондарё воҳасининг барча бекликларида ғалла ўримида фойдаланиладиган асосий қурол ўроқ бўлган. Ўроқ билан ишлашнинг иш унуми анча паст бўлган. Шу боисдан ҳам кишилар биргалашиб ишлашни маъқул кўришган. Буғдой (ғалла) ўрими билан боғлиқ удумлардан бири – ҳашар шу тариқа юзага келган, яъни ғалла ўрими даврида деҳқонлар бир-бирига “ҳашар” ёки “кўмак” [6.53] бериш йўли билан ёрдамлашганлар. Қаерда экин майдонлари кўп бўлса, пайкал эгалари ғаллани ўриб йиғиб олиш учун “ҳашар” уюшганлар. Ҳашарда бир қишлоқ кишилари ҳамжиҳат бўлиб иштирок этишган.

Қаерда ер майдони кам бўлса, ҳашар уюштирилмаган. Ери кам деҳқонлар ўзаро бирикиб, “шерик” лик қилганлар ва бир-бирининг ғалласини ўришда кўмаклашганлар [12.72].

Белгиланган хосиятли кунда барча таклиф қилинган, деҳқонлар қайси пайкал эгаси айтган бўлса, эрталабдан ўшаникига ҳашарга йўл олишган. Ҳашар муддати ер майдонига қараб белгиланган. Баъзи пайкалларда эрталабдан кечгача, яъни бир кун давом этган бўлса, айрим пайкалларда 2-3 кун давом этган. Ҳашарда ўн нафарлаб эркаклар, аёллар ва болалар қатнашишган. Болалар отаси, акаси ёки онасига бовлиқ етказиб бериб туришган.

Ҳашар бошлангандан сўнг пайкал эгаси тушлик овқатга тайёргарлик кўрган. Майдон четида қўй сўйиб, қон чиқарган. Ҳашар 3-4 кунга чўзилса, ер эгаси овқатни ҳам гўштсиз қилган. Ана шундай пайтда пайкал эгасининг 5-6 ёшли боласи келиб қолса, ҳашарчилар уни яширишган. Шунда бой бобо жонлиқ

сўйиб бераман, деб боласини қутқазиб олган. Албатта, у сўзининг устидан чиққан ва қўй сўйиб гўштли таом билан ҳашарни якунлаган. Ҳашар қўшнилар, қариндошлар ва қишлоқдошлар ўртасида келишилган ҳолда хурсандчилик билан ўтказилган.

Таъкидлаш керакки, одатда бундай катта ҳашарларни қишлоқдаги бойлар уюштирган. Шу боис, баъзи ҳолларда ҳашар жамиятнинг мажбурий меҳнат шаклларидан бирига айланиб қолган [13.23-24].

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида мавжуд бўлган удум ва маросимларни ўрганар эканмиз, улар қайсидир томонлари билан бир-бирига боғланганини кўрамиз. Ҳашар удуми билан бирга "ҳашар оши" удуми ҳам вужудга келган дейиш мумкин. Ҳашар қилмоқчи бўлган шахс ёки пайкал аъзолари ўримдан 2-3 кун олдин "ҳашар оши"га тайёргарлик кўрган.

Агар бой ёки ўзига тўқ киши бўлса, семиз жонлиқ сўйиб, шўрва ёки палов тайёрлаган. Ҳашар ошида ҳашарчилар, икки-учта кекса кишилар, шунингдек, оқсоқол ёки тўсатдан келиб қолган одамлар ҳам иштирок этишган. Мабодо, 5-6 қўни-қўшни биргалашиб ҳашар уюштиришса, улар имкониятига қараб ҳашар оши тайёрлашган.

Ҳашар кишиларнинг бир-бирига беминнат кўрсатадиган ёрдами-хизмати бўлган [14.76.]. Баъзан ҳашар ошини ҳашарчиларнинг ўзлари ҳам олиб боришган. Жамоа ва вақф ерларидаги ғалла ўрилаётганида ҳашарчиларнинг уйидан таомлар пишириб борилган. Баъзан ҳашар уюштираётган кишининг қавм-қариндошлари ҳам ҳашар оши тайёрлаб, дала бошига чиқаришган [15.].

Ҳашар қилаётган кишига унинг ҳам ҳеч оғирлик томони бўлмаган, нега деганда ҳашарчиларнинг аёли, оналари тушлик пайтида ҳар хил таомлар пишириб ҳашар бўлаётган ерга олиб боришган. Эркаклар аёлларнинг пазандалигига ҳам баҳо беришган [1.59.].

Дарҳақиқат, "ҳашар оши" нафақат Қашқадарё воҳаси деҳқонларига, балки барча туркий халқларга хос бўлган саховатпешаликни, инсоний меҳр-оқибатни ўз мазмунига сингдирган қадимий удумлардан биридир.

Ҳашарчилар ғалла ўрими жараёнида яна бир неча таомил-

ларни амалга оширганлар. Боғларни боғлаш кун ботар пайтда, яъни иш тугаш олдидан амалга оширилган. Ҳашарчилар орасидан 2-3 нафар киши боғларни (боғбандлари) боғлаш учун ажратилган. Боғлиқлар: майдон четидаги оққурай, лух (қамиш тури) ва бошқа ўсимликлардан ҳамда буғдой поясидан (ҳашарчилар кечқуруи 10-15 боғ буғдой поясига сув сепиб кетишган. Эрталаб буғдой пояларини бир томонга қаратиб қўйган. Натижада намиққан поясидан боғлиқлар ҳосил бўлган) тайёрланган. Ҳосилни қушлардан, шамолдан асраш учун "ғанак" ланган.

Ҳар бир ўроқчи ҳашар тугагач ёки ҳар куни кечқурун ўримдан сўнг [6.54.] уйига бир боғдан буғдой олиб кетиши мумкин бўлган. Бу одат урф бўлгани учун айб саналмаган.

Одатга кўра, ўроқчи ўрим давомида қўшша (жуфт) бошоқ (Баъзи деҳқонлар "қўшша бош буғдой" ҳам деб аташган. Бу одат пахта ҳосилини йиғиб териб олишда ҳам учрайди. Қўшша чаноқ топгаи теримчига қўшимча ҳақ (10-15 кг) мукофотга қўшиб берилган) топиб олса, пайкал эгаси ўша куни уни бир боғ қўшимча буғдой ёки арпа билан тақдирлаган [16.].

Ўрим тугагандан сўнг боғлар хирмонга ташилгач, баъзи деҳқонлар оиласи билан бошоқ тергани чиқишган. "Новқон" ва "бошоқ" атамаларини фарғоналмк деҳқонлар қўллашган [17.]. Албатта, бошоқни бой хонадонлар теришга чиқишмаган. Бу юмуш билан қишлоқнинг камбағал оилалари шуғулланишган. Терилган бошоқларни қуёш иссиғида қуритишгач, "қўлоғоч" билан уриб янчишган ва донини ажратиб олишган.

Этнографик тадқиқотларга кўра, Қашқадарё воҳасининг Косон, Қарши, Ғузор, Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ каби туманларидаги лалмикор ва тўқай майдонларида тоғ олди ва тоғ шароитида деҳқончилик билан шуғулланган деҳқонлар меҳнати жараёнида, ўрим-йиғим ишлари билан боғлиқ бир неча удумлар юзага чиққанки, улар умумжамоа манфаатлари учун хизмат қилган. Юқорида тилга олганимиз, ёз фасли билан боғлиқ ижтимоий мазмундаги маросим ва урф-одатлар ҳосилнинг етилиши, пишиши, уларни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим роль ўйнаган. Шу боисдан ҳам уларнинг кўпчилиги унитилсада, баъзи жиҳатлари учрайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XIX аср оҳири – XX аср бошларида жанубий Ўзбекистон ҳудудида аждодларимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган дала ишлари билан боғлиқ маросим таомилларида эзгулик ва донолик мужассамлашган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. -Т., 1993.

2.Тайлор Э.Б. Первобытная культура. –М., 1989.

3.Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. -Қарши: Насаф, 1999.

4.Дала ёзувлари, 2018 йил. Қамаши тумани Нуқрабод қишлоғи.

5.Дала ёзувлари, 2018 йил. Яккабоғ тумани Қатағон қишлоғи.

6.Шаниязов К. Узбеки-карлуки. -Т., 1964.

7.Дала ёзувлари, 2019 йил. Қамаши тумани Бердоли қишлоғи.

8.Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т., 1994.

9.Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т., 1986.

10.Дала ёзувлари, 2019 йил. Бойсун тумани Дуоб қишлоғи.

11.Дала ёзувлари, 2019 йил. Чироқчи тумани Оқчава қишлоғи.

12.Рахимов М.Р. Следы древных верований в земледельческих обычаях и обрядах таджиков Каратегина и Дарваза в XIX-начале XX в. -М., 1956.

13.Кармышева Б.Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях // Труды Академии наук Таджикской ССР. т. CXX, 1960.

14.Кисляков Н.А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахио-Боло. // Труды Института антропологии, этнографии и археологии. -М-Л., 1936. т.X. Этнография, сер.2.

15.Дала ёзувлари, 2020 йил. Бойсун тумани Авлод қишлоғи.

16.Дала ёзувлари, 2021 йил. Бойсун тумани Боғиболо қишлоғи.

17.Дала ёзувлари, 2021 йил. Касби тумани Қорахўжа қишлоғи

ЭТНОЛОГИЯ ФАНИДА ФОЛЬКЛОР МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Норбўтаев П.П.
Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири, т.ф.н
Ражабов Р.Б.
Қарши давлат университети тарих фанлари доктори

Этнология фани “халқ маданияти” тарихи билан боғлиқ жиҳатларни ўрганувчи билимлар мажмуи бўлса, халқ достонлари “халқ маданияти” нинг ажралмас қисми ҳисобланади. Табиий равишда халқ достонлари этнография мавзусини ўрганишнинг асосий объекти ёки субъектидир[1]. Айниқса, замонавий этнологияда этнография ва фольклор манбаларини ўрганишнинг ўзига хос илмий-назарий жиҳатлари фундаментал тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлмаса-да, аммо бу фанларни ўзаро алоқадорлик хусусиятларига оид маълумотлар этнолог ва фольклоршунос олимлар тадқиқотларида қисман бўлса-да, ёритилган[2].

XIX асрнинг ўрталарида Европа фанида этнология фольклор билан битта ягона илмий атама – «антропология» доирасида илмий тадқиқ этилган. Хусусан, Э. Тайлор, Т. Вайц, А. Бастиан ишларини келтириб ўтиш мумкин[3]. Мазкур асарларда келтирилишича, этнология ва фольклор фанларининг ўзаро боғлиқлик асослари тизимлаштириш натижасида яратилган бўлиб, улар «элементар тафаккур» ёки «инсоният тафаккури тараққиётининг муайян бир даврида турли халқлар орасида бир хил ижтимоий ва маънавий тушунчаларнинг келиб чиқиши назария» сига оид материалларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир[4].

Этнология ва фольклоршунослик фанларининг методологик, илмий-назарий қарашлари ибтидоий маданият ва қадимги ди-

ний эътиқодларнинг йирик тадқиқотчиси, этнография ва моддий маданият тарихини ўрганишдаги «эволюцион назария» тарафдорларидан бири, «антропологик мактаб» нинг асосчиси, инглиз этнологи Э. Тайлор, В. Вундт, Ж. Фрезерлар томонидан илгари сурилган[5]. Қолаверса, Э. Тайлорнинг «Ибтидоий маданият», Ж. Фрезернинг «Олтин бутоқ» асарлари этнография ва фольклоршунослик фанларидаги «антропологик мактаб» назарияси асоси сифатида келтирилган.

Халқларнинг этнографик қиёфаси, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналари, диний, ахлоқий-этик, бадиий-эстетик қарашлари ва поэтик тафаккур (фольклор)ида жуда кўплаб ўхшашликлар мавжудлигини аниқлаган Э. Тайлор бундай умумий жиҳатларнинг келиб чиқишини инсониятнинг ўзига хос табиати, унинг руҳияти ва тафаккурининг муштараклиги ҳамда башарият маданияти тараққиёти босиб ўтган йўлнинг бир хиллиги билан боғлаб изоҳлайди. Бу – турли халқлар фольклоридаги муштарак сюжет элементлари ва этнографик мотивларнинг мавжудлигини бир халқ оғзаки ижодиётида яратилган эпик сюжетларнинг бошқа халқлар томонидан ўзлаштирилиши натижасида юзага келган ҳолат, деб баҳолаган «миграцион мактаб» таълимотига қараганда анча илғор ва янги назария эди. Чунки Э.Тайлорнинг «қиёсий-этнографик метод»и этнография тараққиётида тарихий-фольклор жараён динамикасининг роли ва ўрни муҳим аҳамият касб этади деган янги қарашни ўзида мужассамлаштирган эди.

Э. Тайлор “эволюционистик назария” ёки «қиёсий-этнографик метод» тамойиллари асосида инсониятни этнофольклор маданиятининг ибтидоий даврдан цивилизациягача бўлган ривожланиш босқичини ўтаганлиги, айрим халқлар маданияти ва турмуш тарзидаги фарқли жиҳатлар уларнинг ирқий мансублигига эмас, балки эришилган тараққиёт даражасининг бир хилда эмаслиги билан боғлиқлиги, ҳар бир этноснинг маданий бойликлари бевосита ўша халқнинг ўзи томонидан яратилиши, аждодларидан мерос қилиб олиниши ёки ёнма-ён, қўшни бўлиб яшовчи миллатларнинг маданий қадриятларидан ўзлаштирилиши мумкин деган илмий хулосаларга келган[6].

«Антропологик мактаб» таълимотида фольклор ва этногра-

фик сюжет яъни, маросимларнинг келиб чиқиши қадимги мифология ҳамда ибтидоий ритуаллар билан боғлиқлиги кўринади. Шу боис, ушбу йўналишдаги тадқиқотларда кенг доирадаги этнофольклористик маълумотлар қамраб олиниб, улар услубий жиҳатдан «қиёсий-этнографик метод» асосида таҳлилга тортилган. Бу методнинг илмий назарий хусусиятлари Ж. Фрезер тадқиқотлари[7] да жиддий ёритиб берилган.

Ж. Фрезернинг «Олтин буток» номли асарида эътиқодий қараш ва маросимларнинг ўзаро муносабати, «миф ва ритуал», тотемизмнинг моҳияти, аграр культлар, буғдой даласининг зооморф (дев) ва антропоморф (ялмоғиз, пари, Ҳизр) руҳлари, олов культи, жоннинг танадан ташқарида мавжуд бўлиши ҳақидаги анимистик тасаввурлар янги факт ва маълумотлар асосида таҳлилга тортилган[8]. Демак, Ж. Фрезернинг қадимги эътиқодий қарашлар ва урф-одатлар силсиласига доир илмий кузатишлари этнографик сюжетлар генезисини тадқиқ этишда ҳам муҳим назарий асос вазифасини ўтайди.

Шунингдек, муаллиф қадимги одам дунёқарашининг ўзагини анимизм эмас, балки магия ташкил этади, деган фикри билан миф ҳақидаги илмий қарашларини янгича ўзанга буриб юборди. Бу илмий концепцияга кўра, миф қадимги одамнинг ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари йиғиндиси эмас, балки унутилиб бораётган магик ритуалнинг акс садосидир. Бинобарин, олимнинг ритуал (этнография) асосида миф (фольклор) шаклланганлиги, қадимги мифларнинг «ўлиб» «қайта тирилувчи» маъбудлар билан боғлиқ аграр культлар ва «тақвимий» («календарь») маросимларга алоқадорлиги[9] ҳақидаги хулосалари этнография ва фольклоршунослик фани тарихида муҳим илмий қимматга эга ҳамда улар ўртасидаги фарқловчи жиҳатларни ажратиб олишга ёрдам беради. Бизнингча, ўрганилаётган тадқиқот давомида инсон омили асосий ўринга чиқади ва унинг турмуш тарзида барча воқеа-ҳодисалар бўлиши билан бирга давом этади.

Достонларининг этнографик хусусиятларини ўрганишнинг баъзи жиҳатлари А.Н. Пипиннинг «Рус этнографияси тарихи»[10] асарида кўрсатиб ўтилган. Мазкур асарда халқ достонларининг этнографик манба сифатидаги аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлилга тортилган бўлса-да, аммо мазкур соҳа бўйи-

ча фундаментал тадқиқот ишлар асосан 1920 йилларнинг ўрталарига бориб тақалади.

Этнография фанида халқ оғзаки ижодиёти ҳодисалари умумий ҳолатда, унинг бошқа факторлари билан биргаликда ўрганилган[11]. Халқ оғзаки ижоди материаллари тарихий тадқиқотларда, тарихий адабий ва тилшунослик ишларида кенг ўрганилган, бироқ у халқ табобати, тарих, адабиёт, тил ва ҳоказоларнинг айрим аспектларининг дастлабки босқичларини илмий тавсифлаш учун ишлатилган, холос. Аслида халқ оғзаки ижодиёти мазмунан фақат этнография фанидаги йўналиш сифатида фаолият юритган[12].

Ўзбек халқ достонлари ўзининг фантастиклиги ва тўқималари билан бир қатор этнографик фактларни ўз ичига олади: иқтисодиёт, моддий маданият элементлари, ижтимоий институтлар ва эътиқодлар. Бироқ, достонда бу «таниш» кундалик фактлар ҳар доим ҳам айнан ўзларидек тўлиқ тасвирланмайди. Улар кўпинча трансформация ва «қайта кодлаш» босқичидан ўтади ва бунда «фактлар» «бадиий» ижодга айланади ва бошқача талқин қилинади.

“Достонга айланиши” учун кундалик этнографик далиллар ўтиши керак бўлган кодларни расшифровка (таржима қилиш) учун “калит” ролига нима даъво қилиши мумкин? Достон олами учун йўл кўрсатгич бўлиб деҳқонларнинг воқелик, дунё ва ҳаёт ҳақидаги қарашлари, уларнинг бу ҳодисаларга муносабати хизмат қилиши мумкин. Агар бу призма орқали реал кундалик ҳаёт «материаллари»дан қурилган достон фантазиясига назар ташласак, этнографик элементлар тасвирида муайян тенденцияни топишимиз мумкин: деҳқонлар ижобий ва гўзал образларни, салбий ва ёмон образларни яратганлар. “Яхши” ва “чиройли” нарсаларни ўзига хос тасвирлаш ва ҳимоя қилиш учун, баъзан улар жамиятда белгиланган тартибини бузгандек бўладилар. Бу, айниқса, достонда ижтимоий тартиб ҳақида гапирилганда яққол намоён бўлади.

Достоннинг хусусиятлари-фантастикавийлик, доимий гиперболизация (нарса, ҳодиса ва воқеаларни бўрттириб кўрсатиш), ҳодисаларни қатъий расмийлаштириш-қисман достонларни этнографик манба сифатида ўрганишга тўсиқ бўлиб хизмат қи-

лади. Ҳақиқат эса шуки, достонда этнографик музейга ўхшаш лаҳзалар, эпизодлар ёки картиналар йўқ, чунки достонда икки воқелик силсиласи ва этнографик воқеликнинг икки қатлами тасвирланган. Айнан ушбу ҳолат тадқиқотнинг таянчи бўлиб хизмат қилди. Сюжет ривожланиши давомида, баъзан бу икки силсила параллел ишлайди, ва баъзан эса бирлашиб ва бир-бири билан ўзаро боғланади (дастурхон ва очил- дастурхон; гилам ва учар гилам; бир калава ип ва йўл кўрсатувчи ип ва ҳоказо.)

Достонда кундалик этнографик элементлар афсонавий этнографик воқеликни яратиш учун «қурилиш материали» вазифасини бажаради. Бу хар бир халқ достони сюжетида этнодифференцияловчи роль ўйнайди: ўзбекларни ҳаётининг ўзбек печлари, сарафанлар, карам шўрва, Бободеҳқон образи ва бошқалар каби типик, ўзига хос элементлари достонни айнан «ўзбек» достон қилади.

Достон ҳеч қачон воқеликни аниқ тасвирлашни даъво қилмайди. Шу билан бирга достонларни ўрганишда қўлланиладиган тарихийликни яна бир бор эсга олиш лозим. Тарихий асос халқ мавжудлигининг барча даврларида унинг ривожланиши жараёнида халқнинг реал ҳаётининг бутунлигини англатади. Тарих соҳасига меҳнатнинг тарихий шакллари, оилавий муносабатлар, ижтимоий муносабатлар, тўй маросимлари, хўжалик юритиш, ҳатто халқ турмушининг кичик тафсилотлари, бир сўз билан айтганда- халқнинг этнографик воқелиги киради.

Албатта, ҳар қандай илмий билим ўз тадқиқот чегараларини ишончли ва уларни аниқроқ белгилашга интилади, аммо баъзи илмлар ўз тадқиқот доираларини максимал даражада оширишга ҳаракат қилар экан, бу ҳолат ўзаро бир-бирига боғлиқ ва туташ фанларни тадқиқот кўламининг бироз торайишига олиб келади.

Совет даври фанида филология билан таққослаганда этнография фани билан кўпроқ боғлиқ бўлган фольклористик тадқиқотлар филологик билим объектига айланди. Мазкур даврда илмий билимлар тараққиётида фольклор ва этнография параллел фанларга хос характер касб этди[13].

Кўпинча фольклоршунослар фольклорнинг этнографик контекстини эътиборга олмасдан, фольклор ҳодисаларини ўрганиш мумкин эмаслигини таъкидлашди яъни улар ўз тадқиқотларида

фольклор фанини этнографик объект, сюжет ва мотивларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги тўғрисида ўз хулосаларини келтириб ўтишган[14].

Даставвал этнография фанининг халқ оғзаки ижодиёти билан ўзаро принципиал алоқалари масалаларига доир ёндашувлар К.В. Чистов[15] ва Б.Н. Путилов[16] асарларида илмий тадқиқ этилган. Этнография фанининг халқ оғзаки ижодиёти билан алоқадорлик хусусиятларига К.В. Чистов қуйидагича таъриф берган: «Биз фольклорнинг мустақилликка бўлган ҳуқуқига шубҳа қилиш ниятимиз йўқ. У жуда кенг ва равшан мавзуга эга, аммо бу унинг энг яқин «қўшнилари» ва «қариндошлари» - этнография ва филология соҳасидаги муносабатни ўзгартирмайди. Фольклоршунослікнинг асосий хусусияти - филология ва этнография фанлари билан бир вақтнинг ўзида боғлиқдир, чунки ҳар бир фольклор ҳодисаси бир вақтнинг ўзида ҳам "халқ ҳаёти" ҳам "оғзаки ижодкорлик" фактидир»[17].

Этнография фани ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий маданияти билан боғлиқ аспектларни тадқиқ этишдан иборатдир. Бундан ташқари, совет даврида этнография фани ўз тараққиётининг маълум бир босқичларида асосий ўрганиш объекти – "этнос"[18] тушунчаси мазмунидан бироз четлашиб, антропология фани таркибидаги янги тушунча сифатида намоён бўлган. Шунингдек, антропологиянинг асосий тадқиқот усулини ҳам англатган.

Жаҳон этнологияси тараққиётининг турли даврларида "этнография" [19] ва халқ оғзаки ижодиёти атамасига нисбатан шу қадар турлича ёндашувлар бўлдики, уларнинг тараққиёт жараёни шунингдек, ўрганилиш предметига турлича қарашлар ва улар ўртасидаги фарқлар тарихий қизиқишларга сабаб бўлади.

Маълумки, фанларнинг тадқиқот чегараларининг назарий талқини ва фанларнинг яқин ёки туташ бўлган ўзаро алоқалари, энг аввало, уларнинг предметини тушунишга боғлиқ. Бундан ташқари, ҳозиргача этнография ва халқ оғзаки ижодиёти предметининг халқаро умумэътирофдаги талқини мавжуд эмас. Шунинг учун, этнография (илк жамиятчилик тарихи, этногенез, этник тарих ва халқлар, уларнинг маданияти ва турмуш тарзи ўртасидаги ўзаро этник алоқалар) ва фольклористика (халқ оғ-

заки ижоди) фанларининг ўзаро туташ бўлган объекти борасидаги назариялар фундаментал тадқиқ талаб масалалардан биридир.

Фикримизча, этнографиянинг ўзига хослиги айнан унинг бир вақтнинг ўзида ҳам фан ва санъатшунослик (аниқроғи, фольклор энг аввало сўз билан алоқадор эканлиги сабаб, адабиётшунослик) ва халқ оғзаки ижодиёти хусусиятга эга эканлигида кўринади. Бу ҳолат тўғридан-тўғри этнографиянинг табиати билан боғлиқдир. Ҳар бир "фольклор факти" – бир вақтнинг ўзида "халқ санъати" ва "халқ турмуш тарзи" инъикосидир. Шунинг учун, фольклоршунослик – тўлалигича аниқ ва кенг предметли (фольклор юзага келгандан бери ҳозирги кунга қадар назарияси ва тарихи) мустақил фан бўлиб, у бир вақтнинг ўзида "халқ оғзаки ижодиёти" фанининг асосини ташкил этувчи таркибий қисм сифатида тадқиқ этилишга ҳақлидир.

Ҳақиқатан, ҳар бир халқ маънавий маданиятининг муҳим элементларидан бири – фольклорни сунъий равишда халқ маданиятидан айри ҳолатда уни бир бутун тизим сифатида ўрганиш мумкинми? Айни бир пайтда тарихий-адабий жараёнларда оғзаки этнография маданиятнинг бошланғич, илк босқичи ва халқ оммасининг шеърий ижоди сифатида муҳим аҳамиятга эга[20]. Масалан, халқ тасвирий санъати бир вақтнинг ўзида "этнография" ва "санъатшунослик"да, халқ турар жойлари – "этнография" ва "меъморчилик" тарихида, "ҳуқуқ" – этнография ва қонунлар тарихида, анъанавий қишлоқ хўжалиги асбоблари – "этнография" ва "техника" фанлари тарихида ўрганилади. Умуман олганда, замонавий ижтимоий (бундан ташқари нафақат ижтимоий фанлар) фанлар, қоидага биноан, фанлар тизимида ёпиқ, бир-биридан фарқли тарзда кескин айри ҳолатда эмас, балки бошқа бир фанга жой ажратувчи тенг даражада умумий "сегмент" ҳосил қилувчи ўзаро кесишувчан доира сифатида жойлашади[21].

Хулоса шуки, этнографик тадқиқот ҳар қандай ҳолатда халқ оғзаки ижодиёти, айни бир пайтда "адабиётшунослик" ва "фольклор" фанлари негизига асосланиши керак деган ғояга таяндик. Чунки этнографиянинг фольклоршунослик билан алоқадорлик сегменти шундаки, бу икки фан айнан бирдек халқ моддий ва

маънавий маданият аспектини илмий ўрганиш жараёнида “дифференциал” эмас, балки “синкретик” аҳамият касб этади.

Р Е З Ю М И

Мазкур мақолада этнология фани аспектида фольклор материалларини ўрганишнинг назарий жиҳатлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, этнография ва фольклор фанларининг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари, уларни тадқиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари, этнография фанида халқ оғзаки ижодиёти ҳодисалари умумий ҳолатда, унинг бошқа факторлари билан биргаликда ўрганилганлиги, халқ оғзаки ижоди материаллари тарихий тадқиқотларда, тарихий адабий ва тилшунослик ишларида кенг ёритилганлиги, бироқ у халқ табобати, тарих, адабиёт, тил ва ҳоказоларнинг айрим аспектларининг дастлабки босқичларини илмий тавсифлаш учун ишлатилганлиги, аслида халқ оғзаки ижодиёти мазмунан этнография фанидаги йўналиш сифатида фаолият юритганлиги каби маълумотлар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: этнология, этнография, фольклор, достон, фольклор факти, халқ санъати, халқ турмуш тарзи, халқ оғзаки ижодиёти, санъатшунослик, меъморчилик, ҳуқуқ, техника, сегмент, дифференциал, синкретик.

Р Е З Ю М И

В статье анализируются теоретические аспекты изучения фольклорных материалов с точки зрения этнологии. Также взаимосвязь этнографии и фольклора, особенности их изучения, изучение явлений фольклора в целом в области этнографии, наряду с другими факторами, материалы фольклора широко освещаются в исторических исследованиях, исторической литературе и языкознании. ... использовалось для научного описания ранних этапов некоторых аспектов народной медицины, истории, литературы, языка и т. д. Фактически, народное устное искусство функционировало как направление в науке этнографии с точки зрения содержания.

Ключевые слова: этнология, этнография, фольклор, эпос, фольклорный факт, народное искусство, народный образ жизни, народное устное искусство, история искусства, архитектура, право, техника, сегмент, дифференциал, синкретический.

SUMMARY

This article analyzes the theoretical aspects of the study of folklore materials in terms of ethnology. He also noted that the interrelationships of ethnography and folklore, the peculiarities of their study, the study of the phenomena of folklore in general, along with other factors, the materials of folklore are widely covered in historical research, historical literature and linguistics. used to scientifically describe the early stages of some aspects of folk medicine, history, literature, language, etc., in fact, folk oral art functioned as a direction in the science of ethnography in terms of content.

Keywords: ethnology, ethnography, folklore, epic, folklore fact, folk art, folk lifestyle, folk oral art, art history, architecture, law, technique, segment, differential, syncretic.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Чистов К. В. Типологические проблемы изучения восточнославянского свадебного обряда. - В кн.: Проблемы типологии в этнографии / АН СССР, Ин-т этнографии. - М.: Наука, 1979, - С. 223-230.

2. Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Наука,1989. – 611 с.; Вайц Т. Антропология первобытных народов. Т. 1. О видовом единстве человеческого рода и первобытном состоянии человека. М.: Издание А.И. Мамонтова, 1867. – С. 9.; Bastian, A Die Volker des Ostlichen Assien. Jena, 1869, - 170 pp.

3. Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Наука,1989. – 611 с.; Вайц Т. Антропология первобытных народов. Т. 1. О видовом единстве человеческого рода и первобытном состоянии человека. М.: Издание А.И. Мамонтова, 1867. – С. 9.; Bastian, A Die Volker des Ostlichen Assien. Jena, 1869, - 170 pp

4. Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. – С. 399.

5. Вундт В. Проблемы психологии народов / Перевод Н. Самсонова. – М.: Либроком, 2010. – 144 с.; Фрэзер Дж. Золотая ветвь: Исслед. магии и религии. – М.: Политиздат, 1986. – 702

с.; Его же. Фольклор в Ветхом завете. – М.: Политиздат. 1989. – 541 с.; Его же. Золотая ветвь. Дополнительный том. Пер. с англ. — М.: «Рефл-бук»; К.: «Ваклер», 1998. - 464 с.; Его же. Золотая ветвь: Исследование магии и религии: В 2 т. Т. 1: Гл. I-XXX1X / Пер. с англ. М. Рыклина. - М.: ТЕРРА - Книжный клуб, 2001. - 528 с.

6. Тайлор Э.Б. Первобытная культура… – С. 8.

7. Фрэзер Дж. Золотая ветвь: Исслед. магии и религии… – 702 с.; Его же. Фольклор в Ветхом завете… – 541 с.; Его же. Золотая ветвь. Дополнительный том. Пер. с англ… - 464 с.; Его же. Золотая ветвь: Исследование магии и религии: В 2 т. Т. 1: Гл. I-XXX1X / Пер. с англ. М. Рыклина… - 528 с.

8. Фрэзер Дж.Дж. Золотая ветвь… – С. 672-674.

9. Мелетинский Е.М., Токарев С.А. Мифология // Мифы народов мира. Т.1. – М.: 1992. – С.17.

10. Пыпин А. Н. История русской этнографии. Общий обзор изучения народности и этнография Великорусская. Т. 1. СПб., 1890. - С. 255. (4 том)

11. Чистов К. В. Севернорусские причитания как источник для изучения крестьянской семьи X IX века. - В кн.: Фольклор и этнография: Связи фольклора с древними представлениями и обрядами. - Л., 1977, - С. 131-143.; Ўша муаллиф. Типологические проблемы изучения восточнославянского свадебного обряда. - В кн.: Проблемы типологии в этнографии / АН СССР, Ин-т этнографии… - С. 223-230.; Ўша муаллиф. Причитания у славянских и финно-угорских народов: (некоторые итоги и проблемы). - В кн.: Обряды и обрядовый фольклор. - М., 1982, - С. 101-114.

12. Чистов К. В. Севернорусские причитания как источник для изучения крестьянской семьи XIX века. - В кн.: Фольклор и этнография: Связи фольклора с древними представлениями и обрядами... - С. 131-143

13. Путилов Б.Н. Принципы текстологического изучения фольклора. - М. – Л., «Наука», 1966. – 303 с; Ўша муаллиф. Русский и южнославянский героический эпос. - М.: «Наука», 1971. – 315 с; Ўша муаллиф. Фольклор и этнография Русского Севера – Л.: «Наука», 1973. – 280 с; Ўша муаллиф. Методология срав-

нительно-исторического изучения фольклора. – Л.: «Наука», 1976. – 244 с.

14. Чистов К. В. Севернорусские причитания как источник для изучения крестьянской семьи XIX века. - В кн.: Фольклор и этнография: Связи фольклора с древними представлениями и обрядами... - С. 131-143

15. Чистов К. В. Севернорусские причитания как источник для изучения крестьянской семьи XIX века. - В кн.: Фольклор и этнография: Связи фольклора с древними представлениями и обрядами… - С. 131-143.; Ўша муаллиф. Типологические проблемы изучения восточнославянского свадебного обряда. - В кн.: Проблемы типологии в этнографии / АН СССР, Ин-т этнографии… - С. 223-230.

16. Путилов, Б.Н. Фольклор и этнография Русского Севера… – 280 с; Ўша муаллиф. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора… – 244 с; Ўша муаллиф. Героический эпос и действительность. – Л.: «Наука», 1988. – 233 с.

17. Чистов К.В. Фольклор и этнография // Фольклор и этнография. - С. 4.

18. Тишков В.А. Очерки теории и политики этничности в России / В.А. Тишков. – М.: Русский мир, 1997. –532 с; Его же. Идентичность и культурные границы. Идентичность и конфликт в постсоветских государствах / В.А. Тишков. – М.: Московский центр Карнеги, 1997. – 488 с; Тишков В.А., Шабаев Ю.П. Этнополитология: политические функции этничности: учебник для вузов / В.А. Тишков, Ю.П. Шабаев. – М.: Издательство МГУ, 2011. – 376 с. Тишков В.А., Шнирельман В.А. Этничность и религия в социальных конфликтах. – М.: Наука, 2012. – 260 с.

19. “Ижтимоий фанлар доирасида этнография” мавзусидаги совет-венгер симпозиумида ўқилган маъруза асосилда ёзилган мақола (Будапешт, 7-9 октябр, 1970 й)

20. Путилов Б.Н. Фольклор и этнография Русского Севера… – 280 с; Ўша муаллиф. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора… – 244 с; Ўша муаллиф. Героический эпос и действительность… – 233 с.

21. Путилов Б.Н. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора… – 244 с.

XALQ BAXSHICHILIGI VA DOSTONCHILIKGA OID ETNOLOGIK YOSHDASHUVLAR

Respublika baxshichilik markazi ilmiy xodimi, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori Axmedova Gulchexra O'skinovna

O‘zbek xalq og‘zaki ijodi beqiyos xazina bo‘lib, shu asosda xalqimizni insonparvarlik, vatanparvarlik, mehnatsevarlik, oilaparvarlik, mardlik, jasurlik hamda sevgi vafoga sadoqat ruhida qarash, tarbiyalash muhim ahamiyatga egadir. Yangi O‘zbekiston amal qilayotgan Harakatlar strategiyasi asosida qabul qilingan davlat dasturida xalqimizni bugun va ertangi kunga ishonch ruhini to‘liq shakllantirish uchun ajdod-avlodlarimiz tomonidan asos solingan odob-axloq, kamtarinlik, saxiylik, saxovat, oila birdamligi, sofdillik, mehr-muruvvat, qo‘shnilarga hurmat, ibrat va komillikga yetish uchun asrlar osha amalga oshirilib kelinayotgan an'analarga, qadriyatlarga, marosimlarga sodiq bo‘lish masalasini o‘ziga mujassam etgan xalq og‘zaki ijodini tiklash, sayqallashtirish, bugungi ruhini yanada takomillashtirishga alohida e'tibor berish zarurligi o‘z aksini topmoqda.

Xalqimizning boy va betakror folklor asarlari, xususan dostonlar “bizga insonparvarlik fazilatlaridan saboq beradi. Odil va haqgo‘y bo‘lishiga, o‘z yurtimizni, oilamiz qo‘rg‘onini qo‘riqlashga, do‘sti yorimizni, or-nomusimizni, ota-bobolarimizning muqaddas mozorlarini har qanday tajovuzdan himoya qilishga o‘rgatadi” [1].

O‘zbek folklorshunosligida dostonchilikning muhim jixatlari tahlil etilgan. Bu san'atning o‘ziga xosligi, rivojlanish qonuniyatlari, texnikasi, badiiyati haqida qimmatli fikr-mulohazalar ko‘rsatilgan asarlar va boshqa o‘nlab tadqiqotlarda ko‘proq Samarqand, Buxoro va Xorazm an'anaviy dostonchiligi materiallari asosida olib borilgan holda qadimdan mavjud bo‘lgan Janubiy O‘zbekiston dostonchiligi va baxshilari mahorati juda kam yoritilgan. Mustaqillik yillarida “avval amalga oshirilgan tadqiqotlarni yangidan baholash ilgari mutlaqo o‘rganilmagan yoki tadqiq etishga monelik qilingan davrlar, mavzular, asarlar va ijodkorlar faoliyatini o‘rganish hamda ularni zudlik bilan ilmiy muomalaga kiritish kabi masalalarni tahlil-tadqiq

qilish birinchi o‘ringa chiqdi”. [2 B.31]

O‘zbek millatining bebaho xazinasi hisoblangan baxshi va doston etnotoponimlari bir-birini to‘ldiruvchi bo‘lib, ularning mazmunan ham bir-birini to‘ldirib borib, o‘z mazmun va ma’nosini asrlar osha milliy jihatdan boyitib kelmoqda. Etnotoponim lug‘ati tahliliga e’tibor berilsa; “Baxshi (baxsi, baqsi) so‘zi lug‘atlarda turkiy so‘z bo‘lib, murabbiy va muallim ma’nolarini anglatadi, umuman, tarbiyachi, yetakchi va yo‘lboshchi kabi talqinlar ham unda mujassam[3 S. 82]. Shuningdek, xalqimiz qalbida alohida o‘rin olgan doston atamasi keng qamrovga ega nazm va nasrdan tashkil topgan katta hajmli asar, qahramonlar silsilasi, voqealar halqasi uzviyligi va o‘zaro hamohang bog‘lanishi bilan diqqatlidir. O‘zbek xalqining milliy iftixori bo‘lgan Alisher Navoiy aslida ijodni bayon etishda so‘z vositasi orqali baxshiyona usulda atrofdagilarga bayon etgan, uning ijodida har bir narsa yaxshilikka bag‘ishlangan. albatta o‘zining ijobiy natijasini berishini xalqga tushuntirishga kuch baxshida etgan. Uning ijodida inson, aql-idrok, odob, mehnat, burch, ma’suliyat, o‘z so‘zida turish, ilmga ilhom berish, odamlarni ertangi kunga ishontirish, kulfat, jaholat, iymonsizlik, xiyonat albatta ertaga chekinishi yoki mag‘lub bo‘lishini dostonlarda afsonaviy, qiyosiy qiyofalar hamda xalq orzu-umid qilgan qahramonlarning oru-nomusi, o‘z xalqiga sadoqati bilan erishishi mumkinligini singdira olgan. Masalan, Alisher Navoiyning “Sab’ai sayyor” dostoni o‘n birinchi bobining sarlavhasiga e’tibor qiling: “Shoh Bahrom dostonig‘a shuru’ qilurdin burun bir necha so‘zga murtakib bo‘lmoq va ul dostonda tag‘yir va tabdil voqe’ bo‘lg‘onning uzrin qo‘lmoq...” [4 B.72]. Alisher Navoiy doston atamasini ayni shu o‘rinda “Shoh Bahrom dostoni...” deganda “Shoh Bahrom qissasi...” ya’ni dostondan murod qissa bo‘lib, rivoyat va afsona ma’nolariga ham ishora mavjud. Demak baxshi va doston yoki baxshichilik va dostonchilik atamalari uyqash ma’nolarni talqin etib, el hurmatiga sazovor baxshi hamda el qalbiga yetib borgan doston tarzida olqishlar olamida ustuvor maqom egallagan.

O‘zbek xalqi milliy og‘zaki ijodida baxshichilik va dostonchilikning ma’naviy qadriyatlarimiz bevosita etnografiya bilan to‘liq bog‘liq bo‘lib, baxshi ijodidagi hir bir so‘z qanday yo‘nalishda bayon qilinmasin xalq urf-odatlari, an’analari, qadriyatlari va

marosimlarining qaysi bir sohasini talqin etmasin u albatta etnologik tahlillar bilan bog‘liqdir.

Etnografik tadqiqotlar jarayonida shu narsa ma’lum bo‘ldiki, dostonlar baxshilarni sinovlardan o‘tkazgan, baxshi bo‘lish ham tabiiy qobiliyat ham katta mehnat evaziga bevosita bog‘liq bo‘lib, xalqni ishontirish uchun so‘z va do‘mbira quvvati bir-birini to‘ldirgan. Aks holda xalq baxshi bo‘lish ilinjida yurganlarning hammasini ham davraga qabul qilavermagan. Tadqiqotlar davomidagi eng muhim narsa shu bo‘ldiki, baxshilar sokinlik, jim-jitlik, kamgaplik, ko‘z qarashlarni faqat do‘mbiraga qarata oladigan, kuyning ketma-ketligini bevosita so‘zlar ketma-ketligiga bog‘lash usuliga hamisha uyg‘unlashtira oladigan holda ijro usulini qo‘llaganlar. Baxshi ijodga kirishish jarayonida atrofni unutgan, butun kuch-g‘ayratini so‘z va do‘mbira nuqtalariga qaratgan, u kuylashga tushganda faqat adolatni, shukuronalikni, diyonatni, xolislikni, kamtarlikni, saxiylikni, qo‘rqmaslikni, shijoatli bo‘lishni o‘ziga qalbdan singdirgan. Uning ohanglarida insonni umidsizlikdan olib chiqish, aql-kuch birlashsa albatta g‘alabaga erishish mumkinligiga ishontirish g‘oyasi bilan ojizlarni quvvatga kiritgan, darmonsizlarga darmon bergan, kasallarga shifo ato etib, yashashga bo‘lgan umidni insonlar ongiga ruh bilan kiritgan.

Milliy xalq og‘zaki ijodini o‘zida mujassam etgan dostonlarni, termalarni va aytishuvlarni o‘zida aks etgan kuylovni amalga oshirgan baxshini xalqimiz o‘z talqini bo‘yicha shoir, sozchi, sozanda, soqi, sanovchi, yuzboshi, xalfa, jirov, jirchi, oqin, oxun va boshqalar[5 B.227–232]. Shundan ularni Jolmon baxshi, Jossoq shoir, Yo‘ldosh shoir, Bibi shoira, Sherna yuzboshi, Xonimjon xalfa, Qurbon sozchi, Qodir sozchi, Haybat soqi va boshqa nomlarda atashgan. Ular elning, ulusning sevimli kishilari bo‘lgan, ularga doimo e’zoz va ehtirom izhor etilgan, ular tufayli to‘ylarga, yig‘inlarga, sayillarga va bazmlarga fayz kirgan. Baxshilar ijrosidagi “Alpomish”, “Go‘ro‘g‘li”, “Kuntug‘mish”, “Rustamxon”, “Murodxon”, “Misqol pari”, “Hasanxon”, “Avazxon”, “Ravshan”, “Intizor”, “Erali”, “Oysuluv” va boshqa ko‘plab shu kabi dostonlar el ardog‘iga sazovor etilgan. Dostonlar –xalqning tarixi, el-ulus o‘tmishining bayoni, orzu-armonlar kechmishi, bir so‘z bilan aytganda xalq tarixining qo‘shig‘i, taqdirining ohangi, qismatining

mungli musiqasi, kelajakning shodon yallasi. Baxshilar esa ana shu xalq tarixining kuychisi, tengsiz hofizi, to‘g‘rirog‘i, ajdodlar va avlodlar o‘rtasidagi oltin zanjir, tarixni tarixga og‘zaki ko‘chiruvchi, tarixni tarixga muhrlovchi, tarixni tarixda qoldiruvchi mohir ijodkor.

“Alpomish” turkiy xalqlar ijtimoiy hayoti bilan chambarchasligi yanada maroqli, dostonning o‘zbek, qirg‘iz, qozoq, qoraqalpoq, tatar, boshqird va Oltoy o‘lkasi kabi ulkan zaminda tarqalganining o‘zi ham buni to‘liq tasdiqlab turibdi. Bu xil hodisa “Go‘ro‘g‘li” turkum dostonlariga ham taalluqli, doston o‘z miqyosi jihati bilan Markaziy Osiyo hamda Kavkaz xalqlaridan Ozarboyjon, Arman, Gruzin va hatto Turkiya va Eron singari keng hududda tarqalgan.

Baxshichilik san’ati ilk bor mamlakatimizning janubiy hududlarida shakllanganligi qadimiy Termiz tumanidagi Ayritom arxeologik obidasidan topilgan oq frizda ishlangan sozandalar, unda ud, arfa va chiltorlarning aks etishi bunga asos bo‘ladi. Chunki ushbu san’at asari o‘zining qadimiyligi, noyobligi bilan birga butun mahoratini ishga solib kuy chalayotgan sozandalarning ma’naviy qobiliyati musiqa bilan bog‘langanligi bayon qilingan. Ushbu jarayon mamlakatimizda ilk musiqaga asos solinganligi, uning zaminida xalqning orzu-umidlari, hushyorligi, ogohligi, mehnatsevarligi, mardlik va jasurligi, sevgi-vafoga sodiqligi, kabi xislatlari mujassam bo‘lganligi qayd etiladi. Etnologik tadqiqotlar jarayonida olib borilgan dala kuzatuvlari jarayonida janubiy hududlardagi baxshichilik musiqa uslubi mazkur hududda yashayotgan xalqning etnik tarkibi, kelib chiqishi, sharoitlari ushbu uslubning o‘ziga xosligi bilan begilanadi. Jumladan, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlari o‘zbek aholisining ko‘pchilik qismi azaldan yarim ko‘chmanchi hayot kechirib, ushbu turmush tarzi bilan bog‘liq baxshilar qo‘shiqlari salmoqli o‘rin tutadi. Jumladan, mamlakatimizning boshqa mintaqalarida kam uchraydigan baxshilar tomonidan kuylangan “sog‘im qo‘shiqlari” (“Xo‘sh-xo‘sh”, “Turey-turey”, “Churey-churey”) sog‘ilayotgan jonivorlarni tinchlantirish, erkalash va ularni iydirish maqsadlarida keng qo‘llaniladi. Shuningdek, asosiy an’anaviy xo‘jalik bo‘lgan dehqonchilik bilan bog‘liq baxshilar tomonidan ijro etilgan qo‘shiqlar esa yer haydash (“Qo‘shchi qo‘shig‘i”, “Shox moylash” va “Qo‘sh haydash»”, hosilni o‘rish (”Yozi”), xirmonda bug‘doy yoki arpani yanchish (”Mayda”),

bahor kelishi (“Navro‘z”va boshqalar) paytlarda kuylanadi. Ayniqsa, qadriyatlar, marosimlar bilan bog‘liq ijtimoiy-maishiy turmush tarziga oid baxshilar tomonidan ijro etilayotgan “qarsak” (“beshqarsak”) davra o‘yin qo‘shiqlari mashhur[6]. An’anaviy musiqa cholg‘ulari esa asosan baxshi cho‘ponlar ijodiga xos sibizg‘a va g‘ajir nay, laparchi ayollar tomonidan keng qo‘llaniladigan chang qo‘biz, baxshilarga jo‘r bo‘lgan do‘mbira (yaqin o‘tmishda-qo‘biz) bilan chegaralangan. Musiqa hayotida boshqa hududlardan farqli o‘laroq janubiy hududlarda baxshi-shoirlar va do‘mbirakash baxshilar asosiy o‘rin tutadi. Janubiy hududlarda keng tarqalgan chorvachilik xo‘jalik hayotini o‘zida aks ettiruvchi cho‘ponlar mehnati bilan bog‘liq cholg‘u kuylar (“Cho‘poncha”, “Qo‘ylarni sudrash”, “Qo‘ylarni yig‘ish” va “Cho‘ponni chaqirish” kabi), doston kuy (“Baxshi kuy”) lar keng tarqalgan[7].

Tarixiy-etnografik tadqiqotlarga qaraganda, dastlabki diniy tasavvurlar mifologiya bilan bog‘liq bo‘lib, xalq ijodining turli janrlarida, ayniqsa, afsona va rivoyatlarda, ertak va dostonlarda, hatto xalq o‘yinlari va raqslarida saqlanib kelingan. Masalan, o‘zbeklarda nishonlanadigan mavsumiy sayillarda, Navro‘z, “Lola” va “Qizil gul” xalq bayramlarida ijro etiladigan kuy va raqslarda sehrgarlik va totemistik tasavvurlarning elementlari yorqin namoyon bo‘ladi. Masalan, Xorazmda o‘tkaziladigan bayram sayillaridagi o‘yin-kulgilar, yor-yorlar, qo‘shiq aytishlar, kichik janrdagi xalq og‘zaki dramalari, “chag‘alloq” va “sulgin” o‘yinlari va hatto mashhur “lazgi” raqsida totemistik va sehrgarlik tasavvurlari bilan bog‘liq elementlari aniq seziladi. Ayniqsa, “chag‘alloq” o‘yini pantomimasida raqqosning baliqchiqushning baliq tutish paytidagi harakatlarini do‘ppi yoki piyola atrofida bo‘ynini cho‘zgan holda ikki qo‘lini qanot qilib, pirpiratib, qushday ovoz chiqarib, harakat va imo-ishoralar bilan ifodalashi ibtidoiy-totemistik ruhdagi raqslarni eslatadi[8 B.93].

Qadimgi turkiylarning diniy e’tiqodlari va ularning xalq og‘zaki ijodi namunalarida aks etishini tahlil etish jarayonida quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

Qadimgi turkiy xalqlar uzoq tarixiy o‘tmishida ko‘p diniy aqida va ta’limotlarga e’tiqod qo‘ydilar. Shu sababli ham ularning islomgacha bo‘lgan davrdagi diniy e’tiqodlarini faqat bir din ta’siri

yoki qobig‘ida tasavvur etib bo‘lmaydi. Ahamiyatli tomoni shundaki, turkiy xalqlarning har bir diniy e’tiqodi hamda marosimlari ularning og‘zaki, keyinchalik yozma adabiyotida ham o‘z ifodasini topdi.

Surxon vohasida ajdodlarimizning urf-odatlarini o‘zida saqlab kelayotgan turli millat vakillari istiqomat qiladilar. Vohada yashab kelayotgan turli millatlar yurt ravnaqi, taraqqiyoti uchun bir tanu bir jon bo‘lib kurashib kelmoqdalar. Bir ariqdan suv ichib, bir dalada mol boqib, to‘y-hashamlarda, xalq sayillarida, motam marosimlarida yelkama-yelka turib, o‘zlarining qadimiy va ibratli urf-odatlarini saqlab kelmoqdalar.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR VA MANBALAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning “Alpomish” dostonining 1000 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimida so‘zlagan nutqi “O‘zbekiston ovozi” gazetasi, 1999. 9 noyabr № 32.
2. Mirzaev T. O‘zbek filologiyasi yangi bosqichida, O‘zbek tili va adabiyoti. 2003.-№ 4.-B.31.
3. Drevnetyurkskiy slovar. – Leningrad: Nauka, 1969. – S. 82.
4. Alisher Navoiy. MAT. 20 tomlik. 10 –tom. Xamsa. Sab’ai sayyor. – Toshkent: Fan, 1992. –B.72.
5. K.Imomov, T.Mirzaev, B.Sarimsoqov, O.Safarov. O‘zbek xalq og‘zaki poetik ijodi. –Toshkent: O‘qituvchi, 1990. –B. 227–232.
6. Dala yozuvlari, 2018 yil. Boysun tumani, To‘da, Tillakamar va Dashtig‘oz qishloqlari.
7. Dala yozuvlari, 2018 yil. Qiziriq tumani Gilambop va Sariq qishloqlari, Boysun tumani, Kofurun va Chilonzor qishloqlari.
8. Tursunov S., Pardaev T., Mahmadiyorova N. Surxondaryo – etnografik makon. –Toshkent: Akademnashr, 2012. –B. 93.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Республика бахшичилик санъати маркази Халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Д. Казиева.

Кейинги йилларда замонавий ўқитиш моделларини излаш билан бир қаторда бахшичилик санъатига ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. 2021-йил 16-декабр куни ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича Ҳукуматлараро комиссиясининг XVI сессияси доирасида бахшичилик санъати инсониятнинг номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига киритилган. Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси. ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиянинг маълум қилишича, бахшичилик санъати Номоддий маданий мероснинг Репрезентатив рўйхатига киритишнинг барча мезонларига жавоб берадиган ноёб тарихий-маданий мерос бўлиб, уни халқаро миқёсда янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун бахшичилик санъатини ривожлантириш, аждодларимиз меросини ёш авлодга етказиш учун мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларидан бошлаб ёш авлодга бахшичилик санъати тушунчасини сингдиришимиз зарур. Мактабгача ёшдаги болаларда бахшичилик санъати ҳақидаги илк ғояларнинг уйғониши ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бунинг учун мактабгача таълим ва бошланғич таълим ўртасида узвий боғлиқликни яратиш зарур.

Бахшичилик санъати билан танишиш болаларнинг туйғулари, миллий ғурур ва оғзаки нутқини бойитади, уларни ураб турган дунёга муносабатини шакллантиради, ҳар томонлама камол топишида беқиёс ўрин тутади.

Мактабгача ёшдаги болалар онгида бахшичилик санъати образини яратиш уларнинг хаёлий тафаккурини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Уларда Ватанга муҳаббат ва меҳр туйғуларини уйғотиш, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш меҳр-оқибатли, адолатли, мард бўлишга ёр-

дам беради. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу санъат болаларда жуда кўп ижобий ҳис-туйғуларни келтириб чиқаради, бола билан мулоқот қилишда, болалар билан ишлашни ташкил этишда ва болалар жамоасидаги вазиятни яхшилашда ёрдам беради.

Дарс жараёнида болаларда бахшичилик санъати бўйича бошланғич кўникмаларни шакллантиришга ёрдам берсак, ўқувчиларда турли усулларни қўллаган ҳолда қизиқтирилса, масалан: 1) достонлардан парчалар ўқиш, болалар иштирокида эпик қаҳрамонлар образини яратиш, 2) қаҳрамонлар сурати ёки эпик эпизодлардан парчалар кўринишидаги кўргазмали қуроллардан фойдаланиш; 3) ўқувчиларнинг қадимги миллий чолғу билан яқиндан танишиш, мусиқани тўғри ҳис қилиш ва эслаб қолиш имконини берадиган болаларнинг ёш хусусиятларига мос равишда дўмбира ёрдамида халқ достонларини ижро этиш, 4) дўмбира, чанқовуз, қўбиз, каби халқ чолғуларини чизиш; шунингдек, достон қаҳрамонлари образларини чизиш, 5) турли танловлар ўтказиш, 6) халқ қўғирчоқлари ёрдамида болалар тасаввурида достон қаҳрамонлари образини уйғотиш ва болалар иштирокида болаларнинг ёшига мос келадиган эртакларни саҳна кўринишида намойиш этиш. 7) мусиқа хонасида мавзули бахши бурчагини ташкил этиш ва ҳоказо.

Мусиқа машғулотларида болаларнинг ёшига мос термалар ёки достонларни чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилса, узоқ вақт бола хотирасида қолади. Ушбу жараёнларда болалар хато қилмай мусиқани ҳис этишга, хотирада сақлашга, шу билан биргаликда чолғуларни ҳам чалишга ҳаракат қиладилар.

Сўнги вақтларда ўзбек ҳалқ чолғулари ижросига катта эътибор қаратилиб болалар ёшига мос келадиган дўмбиралар ясатилмоқда. Катталар ижро этадиган дўмбиралардан уларнинг фарқи шакл жиҳатдан кичиклиги, ҳамда болаларнинг қўлига тўғри келиши, яъни ижро вақтида болаларга қийинчилик туғдирмаслигидадир. Бу болаларга таниш бўлган кичик термаларни чолғуларда ижро этиб куйлашларига катта туртки бўлади ва тарбияланувчиларда ёшлигидан ўзбек ҳалқ куйлари ва чолғу асбобларига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини, ҳурматини ўйғотади. Тарбияланувчиларни бахшичилик санъати чолғу асбобла-

ри билан таништириш намойиш этиш усули ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бу усул ҳодисалар, жараёнлар, объектлар билан кўргазмали таништиришга қаратилган. Ушбу маълумотларни пухта ўзлаштириш учун эшитиш ва кўриш орқали бу санъатга бўлган қарашни тарбияланувчилар таффакурига сингдириш мақсадида катта имкон берувчи методдир. Масалан дўмбира, қўбиз, чанқовуз каби чолғу-асбоблари ҳамда уларнинг тарихи ҳақида тўлик маълумот бериш ва амалда чалиб кўрсатиш орқали бола тасаввурини янадаям чуқурроқ ривожланишига олиб келади.

Болаларда бахшичиликга бўлган қобилиятлар эрта намоён бўлиши, шунингдек уларнинг қобилиятлари таълим-тарбия ва атроф-муҳит таъсири остида шаклланишини ҳисобга олган ҳолда мусиқа машғулотларида ижрочилик ва достончилик малакаларини ривожлантиришда мусиқа рахбарининг қобилияти муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир мусиқа раҳбари бахшичилик санъатига боғлиқ машғулотини қизиқарли ва болалар хотирасида узоқ сақланиши учун кўргазмалардан унумли фойдаланишни билиши зарур.

Авлоддан авлодга меърос бўлиб келаётган бахшичилик санъатини ёш авлодга ўргатиш, уларга бошланғич кўникма ҳосил қилиш, ушбу санъат турига бўлган меҳрни, қизиқишни уйғотиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларига таниқли устоз бахшиларни таклиф этиб, тарбияланувчиларга жонли ижро ва актёрлик махоратини намойиш этиш орқали тарбияланувчиларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш, ижодкорлик хусусиятларини шакллантириш каби ҳислатларни ривожлантирилиши таъминланади.

Буларнинг барчаси мактабгача ёшдаги болаларнинг мустақил мусиқий онгини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Болаларга таълим бериш ва ўқитиш бу энг олий касблардан бири. Уни танлаган киши онгли равишда қийин ва баъзан деярли ўтиб бўлмайдиган йўлга қадам қўяди. Бу касбда ҳар кимнинг тақдири ҳар хил. Баъзилар шунчаки ўз вазифаларини бажарадилар ва ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлган жойда янгилик кашф этишга ҳаракат қилмайдилар. Бошқалар эса чексиз изланишда ва турли болалар гуруҳлари билан бир хил йўлни қайта-қайта

такрорлашни хоҳламайдилар.

Бу эрда биз ижодкорлик ҳақида гапираямиз!

Ижодкорлик - бу сифат жиҳатидан янги моддий ва маънавий қадриятларни яратадиган фаолият жараёни ёки объектив равишда янгисини яратиш натижасидир. Ижодкорликни ишлаб чиқаришдан ажратиб турувчи асосий мезон унинг натижасининг ўзига хослигидир.

Ижодкорлик - бу:

- сифат жиҳатидан янги, илгари мавжуд бўлмаган нарсаларни яратадиган фаолият;
- янги, нафақат бир киши учун, балки бошқалар учун ҳам қимматли нарса яратиш;
- субъектив қадриятларни яратиш жараёни.

Буларнинг барчаси мусиқа дарсларида ва тўгаракларида ўқувчиларнинг, яъни мактаб ўқувчилари ва мактабгача ёшдаги болаларнинг бахшичилик санъати бўйича ижодий қобилиятларини ривожлантириш зарурлигидан далолат беради. Шундай қилиб, бизнинг олдимизда мусиқа дарсларида болаларнинг (мактабгача ва мактаб ўқувчилари) янгилик яратиш қобилиятларини ривожлантиришлари мумкин бўлган шароитларни яратиш вазифаси турибди!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 14.05.2019 йилдаги ПҚ-4320-сон.

2. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Тошкент – 2018 йил.

3. Харакатлар стратегияси ва маънавий юксалиш. А. Хайдаров. Тошкент – 2020 йил.

ХАЛҚ БАХШИЧИЛИГИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

ХОРАЗМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА ҲАЛФАЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Маткаримова Садокат Максудовна
Урганч давлат университети, Тарих кафедраси доценти
Тарих фанлари доктори (*DSc)*

Хоразм воҳаси, нафақат ўзининг достончи, лапарчи, қўшиқчи, қизиқчи, ўйинчи, масхарабоз, қўғирчоқбозлари, балки мамлакатимизнинг бошқа ўлкаларида деярли учрамайдиган ҳалфачилик санъати намоёндалари билан ҳам машҳурдир. Дарҳақиқат, ҳалфачилик санъати мустақил жанр сифатида айниқса, Хивада кенг тарқалган бўлиб, ўзининг бой анъаналарига, тарихи ва ўзига хос хусусиятларига эга. Воҳада саводхон, гапга чечан, айни пайтда хонандалик қобилиятига эга бўлган зукко аёлларни "ҳалфа" деб юритишади. Ушбу термин арабча бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида шариат ақидаларини яхши билувчи, ўқимишли киши тарзида шарҳланган. Дарҳақиқат, луғатдаги шарҳ билан, тилга олинаётган ҳалфалар фаолияти маълум даражада алоқага эгадир. Чунки, бир вақтлар диний китобларни ўқиб, хотин-қизлар даврасида уларни тарғиб қилган аёлларни ҳам "ҳалфа" деб юритишган. Бироқ, бу ўқимишли аёллар фақат диний китобларни тарғиб қилиш билан кифояланмасдан, Навоий, Фузулий каби буюк сўз санъаткорлари асарларини, шунингдек, китобга кўчирилган халқ достонларини ҳам ўқиб, хотин-қизлар дилини хушнуд қилиб келганлар. Ҳалфалар бу даврада асосан, халқ достонларини ўқиш билан бирга уларни музика жўрлигида маромига етказиб, куйлаганлар[1].

Халфачилик асосан аёлар орасида кенг тарқалган. Халфачилик санъати асосан икки хил турга бўлинади: ансамблли халфалар ва якка халфалар.

Ансамблли халфалар уч кишидан иборат – устоз ҳалфа (гармон чалади ва қўшиқ айтади), доирачи (ашулага жўр бўлади,

[1] Ўрол Ўтаев, Отаёр. Тошкент. Ёзувчи, 1994, Б . 48.

гоҳида рақсга тушади) ва ўйинчилар (қайроқ билан рақсга тушади, ялла ва лапар айтади, баъзан доира чалади).

Якка халфалар достон ва қўшиқларни созсиз ижро этадилар. Улар достонларни ёддан ёки қўлёзма ва китобдан ёқимли оҳангда ўқиш, “ёр-ёр”, “келин салом”, “муборак” каби тўй қўшиқларини ижро этиш билан шуҳрат қозонган. Хива ҳалфалари кўпроқ “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “ошиқ Ойдин”, “Қиссаи Зебо”, “Мискин ва Гулқанд”, “Завриё”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Дурайша”, “Бозиргон” “Хирмондали”, “Гулруҳ пари” каби достонларни[1] ва Алишер Навоий, Маҳтумқули ва бошқа классик шоирларнинг шеърларини куйга солиб айтиб, ўзларининг импровизация қобилияти билан тўй ва маърака қатнашчиларини диққатини ўзига тортганлар. Хоразмда аёл ашулачиларни ҳалфа деб юритилса[2] ҳам, улар фақат ашула айтиш билан чекланмаган. Ҳалфалар санъатнинг жуда кўп турларидан хабардор бўлганлар.

Хоразм воҳасида илгаридан бери давом этиб келаётган анъанага мувофиқ тўйларда ташқарида бахшилар хизмат қилса, ичкарида хотин-қизлар даврасида ҳалфалар хизмат қилган[3]. Узоқ даврлардан буён тўй маросимлари ва зиёфатларда хотин-қизлар даврасини ҳалфалар қизитиб келган. Аммо, ҳалфа чақириш асосан Хива шаҳрида урф бўлган. Чунки, ҳалфачилик Хивада хон саройидаги бикалар (хон хонадонига тегишли бўлган аёллар) хизматида бўлган созанда аёлларнинг фаолияти маҳсули ҳисобланади ва уларнинг хизматидан зодагонларнинг оилалари кўпроқ фойдаланишган. Оддий оилаларда фотиҳа тўйида ҳалфалар чақирилмаган[4]. Бугунги кунга келиб, ким истаса ҳалфа чақириши мумкин ва уларнинг хизмат ҳақи унчалик ҳам қиммат эмас. Чунки, маросим давомида фотиҳа тўйига келган аёлларнинг ҳар бири ҳалфа раққосасининг белига рўмол боғлайди. Айниқса, хонадон эгаларининг қимматбаҳо рўмоллар ва сочоқ-

[1] Ўрол Ўтаев, Отаёр. Тошкент. Ёзувчи, 1994, Б. 49.

[2] И.Акбаров, Ю.Кон. Сўзбоши. Ўзбек халқ музикаси, VII том, Хоразм ашулалари. Ташкент, Ўзбекистон ССР Давлат Бадиий адабиёти нашриёти, 1960 йил, 9-бет; Тўра Қиличев. Хоразм халқ театри. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, Б. 114.

[3] Абдуллаева Б. К. Своеобразие репертуара хорезмских сказительниц-халфа // Молодой ученый. — 2017. — №3 – С. 636.

[4] Дала ёзувлари. Ибрагимова Аноргул. Кўшкўпир тумани, Қотоғон қишлоғи, 2019 йил.

ли фўталар боғлаши барча даврда ҳам урф саналади[1].

ХХ асрда Хоразмнинг тўй-маъракаларида ҳалфалар хотин-қизлар ўтирадиган хонанинг тўрида уларга қарама-қарши ўтириб, кун ботгандан бошлаб то тонггача бири қўйиб, бири олиб Хоразм ғазалларидан, халқ достонларидан бирининг айтганига иккинчиси жавоб бўладиган қўшиқлар топиб айтганлар. Баъзан улар йигиннинг характерига қараб ҳам ўзлари қўшиқ тўқиб айтишган[2].

Ижрочи созанда халфалар репертуари ишқий романик достонлари таркибидаги шўх қўшиқлар, турли-туман ўйин йўллари билан бирга халқ қўшиқлари ҳамда ижодкор шоира ҳалфаларнинг ўзлари томонидан яратилган қўшиқлардан ташкил топади. Ҳалфалар ижрочилиги "Тўйга ижозат бериш" қўшиғи билан бошланиб, "Хўш галдингиз!" қўшиғи билан якунланади. "Тўйга ижозат туркуми қўшиқларига" "Тўйлар муборак", "Шу тўй бўлсин", "Боринг, бошланг, ўнглар бўлғой тўйингиз", "Тўй бошлар", "Тўй табриги", кабилар киради. Ушбу қўшиқларнинг мавзу қамрови кенг бўлиб, қудалашаётган хонадонларни табриклаш, тўйни қутлаш, тўй эгаларини тўй таомларини олқишлаш, тўйга келган меҳмонларни, қиз чиқарганларни таърифу-тавсиф этишга эътибор қаратилади[3].

Ҳалфалар чаладиган мусиқа асбобларининг энг асосийси гармон ҳисобланади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, гармон Хоразмда соз деб юритилади. Гармон Хоразм мусиқа асбоблари қаторига XIX асрнинг охирларидан бошлаб киритилган. Гармоннинг халфалар санъатига қўшилиши билан уларнинг ижоди янада юқори поғонага кўтарилганлигини кўрамиз. Унгача халфалар дутор ва доирада ёки икки пиёлани бир-бирига уриб, ундан чиққан овозга жўр бўлиб куйлаганлар[4]. Халфаларнинг кўнғироқдек жарангдор ва майин овози пиёланинг нозик ва ўй-

[1] Маткаримова С, Маткаримова Н. Хоразм воҳаси халфачилик, бахшичилик ва рақс санъати тарихидан. "Бойсун-баҳори" очиқ фольклор фестивалини "Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. Тошкент, Янги нашр, 2019, Б. 229.

[2] Тўра Қиличев. Хоразм халқ театри. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, Б. 114.

[3] Наргиза Қуронбоева. Тебранади бешик хоразмда. (Хоразм тўй қўшиқлари мисолида). Т.: Чўлпон, 2002, Б. 66.

[4] Ўрол Ўтаев, Отаёр. Тошкент. Ёзувчи, 1994, Б. 49.

ноқи жаранги билан қўшилиб, ўзига хос мусиқийлик кашф этган.

ХХ асрнинг бошларида яшаб ижод этган, ўзининг халфалиги ва шоиралиги билан ном чиқарган халфалардан хонқалик Шукур Оллоқули қизи (1857-1932), хивалик Хонимжон сувчи Саидаҳмад қизи (1858-1926), Онабиби Қори Ожиза (1899-1952), Онажон Собирова (Анаш халфа), (1885-1952), хазорасплик Саодат халфа Худойберганова (1905-1972), Моҳира Собирова (1909-1966), Розия халфа Матниёз қизи (1889-1951) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда ана шундай устоз ҳалфаларнинг шогирдлари ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Халфачилик санъатида устоз шогирдлик аньаналари кучлилиги, куй, ижро услуби авлоддан-авлодга ўтиши, оилавий ворислик каби хусусиятлар кўзга ташланади. Шунингдек, ҳалфалар ижро маҳоратини ҳам тинмай такомиллаштириб борадилар. Улар қўшиқларини аньанавий ва замонавий асарлар ҳисобига мунтазам бойитишга ҳаракат қиладилар. Айни вақтда ҳалфалар аньанавий қўшиқларнинг ўзини шунчаки такрорлаб қолмасдан, ўзлари ҳам янгидан-янги асарлар яратадилар. Бу эса улардан кўпроқ меҳнат талаб қилади. Ҳалфачиликдаги ўзига хос жиҳатлар сифатида аньана ва замонавийликнинг уйғунлашуви, қадимий фольклор намуналари ҳозиржавоблик билан қўшиқлар яратиш, танланган матнларнинг яхлитлиги ва маънодорлигига эътибор бериш, куйнинг ранг баранглиги, ижронинг шўх ва кўтаринкилиги ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Ҳалфачилик жозибали ва навқирон аёллар санъати сифатида Хивада шу кунларда ҳам кенг давом этмоқда[1]. Бугунги кунда халфачилик санъати ишқибозларининг кўпайиши, ҳалфачиликка ҳам айрим бошқа мусиқий асбобларининг кириб келиши, ижронинг ичкаридан чиқиб, кўпроқ оммалашуви сабабли энди унинг эшитувчиларининг таркибини ўзгартирди. Аввалари ҳалфалар тор доирада, фақат аёллар даврасида куйлашган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг ижросини ҳар куни, ҳар бир даврада, оммавий ахборот воситалари, радио, интернет тармоқлари, хулласи ҳамма жойда тинглашимиз мумкин.

---

[1] М.Муродова. Фольклор ва этнография. Тошкент. Алоқачи, 2008, Б. 77.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон, Асарлар, XIV том. Т.: “Фан”, 1971,172-бет.

2. Абдуллаева Б. К. Своеобразие репертуара хорезмских сказительниц-халфа // Молодой ученый. — 2017. — №3 – С. 636.

3. Акбаров И, Кон Ю. Сўзбоши. Ўзбек халқ музикаси, VII том, Хоразм ашулалари. Ташкент, Ўзбекистон ССР Давлат Бадиий адабиёти нашриёти, 1960 йил, 9-бет;

4. Давлатов С.Қашқадарё воҳаси тўй маросим фольклори (номз.дисс) 1998 й.

5. Жалолов Т. “Ўзбек шоиралари”. Биринчи китоб, 239, 240-бетлар.; Тўра Қиличев. Хоразм халқ театри. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 115-бет.

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар, Т.: “Фан”, 1971, 172-бет.

7. Маткаримова С, Маткаримова Н. Хоразм воҳаси халфачилик, бахшичилик ва рақс санъати тарихидан. “Бойсун-баҳори” очиқ фольклор фестивалини “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. Тошкент, Янги нашр, 2019, 229-бет.

8. Муродова М.Фольклор ва этнография. Тошкент. Алоқачи, 2008, 44-бет.

9. Наргиза Қуронбоева. Тебранади бешик хоразмда. (Хоразм тўй қўшиқлари мисолида). Т.: Чўлпон, 2002, 66-бет.

10. Тўра Қиличев. Хоразм халқ театри. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 114-бет.

МИЛЛАТИМИЗ МАЪНАВИЯТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ МЕРОСИНИНГ ЭТНОЛОГИК ИЛМИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси катта ўқитувчиси т.ф.б.ф.д (PhD) Ахмедова Гулчехра Ўскиновна

Воҳада яшаб келаётган туркман халқ оғзаки ижоди ҳақида шуни айтиш мумкинки, достон жанри ва бу жанрни куйлаб ижро қиладиган санъат эгалари бахшилар эканлигини биламиз. Шу нарсани айтиш мумкинки, воҳадаги туркман бахшиларнинг ижро услублари, уларнинг куйлаётган достонлари ўзгача услубда янграйди, қўлида дутор (дутар) ушлаб куйлайди ва ўзига хос ижрочилик маҳоратига эга. Ўзбек бахшилари дўмбира жўрлигида достон куйлашади, бу икки асбобнинг фарқли томони шундаки, дўмбирада овозларни ажратадиган соз пардалари йўқ, дуторда эса аксинча бу ҳолат мавжуд. Воҳада туркман бахшиларининг бу санъатни эгаллашида Туркманистондан маҳаллий халқнинг тўй-ҳашамларига ҳизматга келиб–кетиб юрган туркман бахшиларининг санъати мактаб вазифасини ўтаган.

Бахшичилик саънатига оид анъанавий мусиқа маданияти бой ва хилма-хил, у бир неча маҳаллий бахшичилик услубидан ташкил топган. Суғд вилоятида азалдан ёнма-ён яшаб келган ўзбек ва тожик халқларининг мусиқа анъаналари ўзаро қоришиб кетган. Иккала қардош халқ бахшичилик мусиқа ижодида меҳнат, маиший ва *маросим қўшиқлари* (“Майда”, “*Ёр-ёр”, “*Нақш” “Алла”, “Бойчечак”, “Садр”, ”Марсия” каби), лирик қўшиқлар (“Мухаммас”. “Байт” ва б.), *лапарлар,* бастакорлар ашула ва куйлари (Содирхон ҳофиз Бобошарифов ва б.), халқ ва профессионал созлардан дутор, ғижжак, чанг, най, сурнай, қўшнай, доира ва бошқалар асосий ўрин тутади. Хатлон вилоятида “Фалак” (“Фалаки”) қўшиқ туркумлари лирик-фалсафий мазмундаги форсча шеърларга яккахон хонанда томонидан соз жўрлигида айтилади. Шу ерда яшаётган ўзбек (лақай) ларнинг бахшичиликка хос мусиқа анъаналари Ўзбекистоннинг *Сур-*

*хондарё-Қашқадарё мусиқа услуби*га яқин *достон* ва *терма* жанрлар; *дўмбира, чанг қўбиз,* чўпон най ижрочилиги ва ҳоказолар[1].

Маънавий маданиятда муҳим ўрин эгаллаган ўзбек халқининг мусиқа санъати узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Республикамизда ўтказилган археологик тадқиқотлар узоқ аждодларимиз юқори даражадаги мусиқа санъатига эга эканлигини исботлаб берди. Флейта, найсимон асбоб, най, арфа, люта, шох, доира, танбур, дутор ва ғижжак каби мусиқа асбобларининг мавжудлиги бу ерда мазкур санъат ривожланганлигининг ёрқин далилидир. Буюк мутафаккир олимлар Форобий, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий каби сиймоларнинг мусиқа соҳасига оид асарлар яратганлиги ҳам Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонимизнинг энг қадимги мусиқали элатлардан эканлигини тасдиқлайди[2].

Бизнинг юртимизда хам мусиқа азал-азалдан шаклланиб келган. Илк ёзма манбамиз Авесто бунга мисол бўлади. Яна бундан 2,5 минг йил аввал Чоч санъаткорлари Хитой императорларини ҳайратга солган мусиқа ва рақслари билан ҳайратга солганлари тарихий манбаларда қайд этилган. XVIII асрга келиб, Бухорода қадимдан шаклланиб келаётган куйлар "Шашмақом" номини олган ва ўз таркибига 25 дан ортик куйларни мужассамлаган куйларимизга VI-X асрлар давомида мусиқа ва қўшиқлар асос бўлган[3]. 1882 йилда Хива ҳукмдори, ўз даврининг маърифатли ва доно сиёсатчиси бўлган Муҳаммад Раҳимхон II фармони билан мақомлар халқ мулки деб эълон қилиниши катта маърифий воқеа бўлди. Ўтган аср бошлари Ўзбекистон ҳудудида мусиқа ва қўшиқчиликнинг ривожи бўлди[4].

Юртимизда мусиқа маданиятининг айнан қайси даврда шаклланганлиги тўла аниқ эмас. Мусиқа маданияти тўғрисида шоҳидлик берувчи топилмаларнинг энг қадимгиси ҳозирча

---

[1] Дала ёзувлари, 2017-2018 йиллар.Шеробод тумани Бойбулоқ. Чорвадор қишлоқлари. Бандихон тумани Ғоз қишлоқлари.

[2] Сурхондарё вилояти давлат архиви.И.18-жамғарма,1-рўйхат. 96-иш,78-варақ.

[3] Турсунов С, Пардаев Т, Турсунова Н, Муртазаев Б. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. Тошкент.; 2015. "Tafakkur". Б 28.

[4] Турсунов С, Пардаев Т, Турсунова Н, Муртазаев Б. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. Тошкент.; 2015. "Tafakkur". Б 29.

милоддан аввалги XIII асрга бориб тақалади. Бу топилма Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғидаги бронза даврига оид қабрдан топилган ҳайвон суягидан ясалган мўъжазгина сивизғи - найдир. Унинг сақланиб қолган узунлиги 4,2 см бўлиб, ташқи томони ҳафсала билан силлиқланган, икки томони кўндалангига кесилган, ўртасида ромб шаклида тешик бор. Шу хилдаги бошқа топилмалар эса Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбдан топилган милоддан аввалги I асрларга оид бир нечта уд чалаётган аёл акс этган терракота ҳайкалчаларидир. Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёб ва Панжикент шаҳар харобаларида очиб ўрганилган саройлар ва хонадонларнинг деворларида кўплаб мусиқачилар тасвирлари мавжуд[1]. Улардан бирида арфа чалаётган, ғоятда башанг кийинган аслзода аёл тасвирланган бўлса, бошқа бир суратда мусиқачилар гуруҳи ўз аксини топган. Бу деворий суратлар ниҳоятда жонли, ҳаққоний тарзда берилганлиги улар ўз даврининг машҳур мусаввирлари томонидан чизилганлигидан далолат беради[2].

Воҳа мусиқа асбоблари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларни пуфлама, торли ва урма-зарбли чолғу турларига бўлиш мумкин. Ушбу чолғу асбоблари чақириқлар учун ёки ҳайвонларнинг овозига тақлид этишда қўлланган. Чолғулар овда, сафарда, чорвани ҳайдашда, ибодат ва шомонлик маросимларида ишлатилган. Чақириқ чолғулари пуфлама ва урма-зарбли ҳолатда ишлатилган. Аксарият қадимий чолғулар жўрнавоз соз сифатида халқ қўшиқлари ҳамда достонларида ишлатиб келинган. Сурхонда тилсимон чолғулардан чанқовуз, пуфлама найсимон чолғулардан ёғочли, суякли ва лойли найлар, торли асбоблардан дўмбира, урма-зарбли асбоблардан доира кенг тарқалган[3]. Шунингдек, ёвуз руҳларни ҳайдаш билан ***боғлиқ*** шомонлик тартибларида ҳам ишлатилган. Жумладан, воҳа аҳолиси рақсларни ижро этишда ҳам маълум атрибутлар (масалан, қошиқ, қўнғироқча, қайроқтош, оддий таёқ ва ҳ.к.)ни бир-бирига уриш орқали чиқадиган товушларни ҳам мусиқа жўрлигига қўшишган.

[1] Ширинов Т.Ш. ва бошқ. Шарқ мусиқасини улғайтирган юрт. Самарқанд - 2009. – Б. 15.

[2] Дала ёзувлар. Денов. тумани. Холчаён қишлоғи. 2019 йил 9 апрель.

[3] Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё-этнографик макон. Тошкент. Академнашр, 2012. –Б. 196

Воҳада кенг тарқалган мусиқа асбобларидан бири найдир. Найлар қамиш пояси ва ёғочдан ясалган, узунлиги 15-20 см атрофида бўлган. Сибизға (сибизиқ) чўпонлар орасида кенг тарқалган. Оддий қамишдан ясалган ва пуфлаб чалинган. Найнинг ғажир най тури ҳам мавжуд эди, бундай найлар воҳанинг Бойсун туманида кўпроқ қўлланган. Ғажир найлар чўл бургути ғажирнинг суягидан ясалган[1]. Найларда кўпроқ чўпонча куйлар чалинган бўлиб, чорвачиликда муҳим аҳамиятга эга саналган. У чўпоннинг орзу-умиди ва армонларини ифодалаш билан биргаликда найнинг оҳанги билан моллар йўналиши белгиланган. Шу асосда моллар ҳам мусиқа оҳангига бўйсина борган. Шунингдек, чўпон най оҳанги асосида ўзининг қайси ҳудудларда эканлигини билдириб, пешин ёки аср пайти орқасидан нонновқат олиб келувчи инсон шу оҳанг воситасида чўпонни топган[2].

Най шувуллоқ эса лойдан тайёрланган ва чумчуқсимон, ғўзачасимон каби турли шаклларда ясалган. Воҳа аҳолиси орасида кенг қўлланган пуфлама чолғу асбобларидан яна бири сурнай. Сурнай яккасоз ва ансамбль чолғуси сифатида қўлланган[3]. Чолғу асбобларидан яна бири дўмбира ёғочдан (тут, ўрик, ёнғоқ) ясалган. Торлари эса мол ичагидан эшилган. У бир оз «бўғиқ» товуш чиқарган. Халқ созанда ва бахшилари орасида етакчи чолғу асбоби ҳисобланади Чолғулар орасида қўбиз алоҳида аҳамиятга эга. Лекин ҳозирги кунда қўбиз йўқолиб кетган, худди шундай ҳолат урма-зарбли асбоб - дапга ҳам тегишли. Дап доирага ўхшаш бўлиб, гардиши ўрик ёки ёнғоқ ёғочидан ясалган. Бир томони эчки териси билан қопланган. Гардишда ҳалқачалар осилмаган. Товуши паст ва жарангсиз бўлган. Бойсунда касалларни даволаш мақсадида ўтказиладиган «жаҳр» маросимида кенг қўлланган.

Воҳада кенг тарқалган чолғу асбобларидан яна бири чанқовуз (чанг қўбиз). Чанқовуз-торли-урма ёки тилсимон чертим асбоби. Аёллар томонидан кўпроқ чалинган. Баъзан **эр**каклар

[1] Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон. Тошкент. Академнашр, 2012. –Б. 198

[2] Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. Тошкент-2010. –Б. 84

[3] Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон. Тошкент. Академнашр, 2012. –Б. 198

ҳам чалган. Чанқовуз айланма-тақасимон шаклда бўлиб, ўртасидан пўлат тил ўтказилади. Ижрочи чап қўли билан тишларига босиб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан тилчасини ҳаракатлантириб туради. Тил ҳаракати, ҳаво зарбидан товуш ҳосил бўлади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмигача чанқовузнинг темирли ва суякли турлари бўлган. Суякли чанқовуз туя қовурғасидан ясалади, унинг ўртасидан тилча кесилади ва ип боғланади. Чалиш жараёнида ипни тортиш орқали тилча тўлқинлантирилиб товуш ҳосил қилинади. Ёғочли чанқовуз ***ёнғоқ, тут*** ва **арча** дарахтидан ясалади[1].

Ёши улуғ кишиларнинг гувоҳлик беришларича илгари халқ сайилларида, чунончи баҳор фаслида қиз ва аёллар тепаликларга тўпланишиб чанқовуз тортишганлар. Ва бутун қишлоқни чанқовуз овози тутиб кетган. Узатилган қиз ва қизнинг опа ва сингиллари тепаликка чиқишиб, чанқовуз тортар, у томонда ёш келинчак чанқовуз овозини таниб, у ҳам тепаликка чиқиб чанқовузини тортар, чанқовузларнинг сеҳрли мусиқий оҳанги асосида етти-саккиз чақирим масофадаги қариндошлар соғ-омонликларини ушбу мусиқий асбоб оҳанги воситасида билдириб ўзаро «суҳбатлашганлар»[2]. Момоларнинг гувоҳлик беришларича илгари чанқовуз чалмайдиган қиз бўлмаган. Қизларнинг каштачилик анъаналарини ўрганиши қанчалик мажбурий бўлса, чанқовуз чалишни ўрганиши ҳам шунчалик мажбурий бўлиб, бундай мажбурийлик ўзаро беллашув ва мусобақаларни вужудга келтириб, ёшлар санъати ҳам сайқаллана борган. Оқсоқолларнинг гувоҳлик беришларича ҳатто беш-олти чақирим масофада бўлган икки баъзан уч қишлоқ қизлари тўда- тўда бўлишиб, ҳар бир гуруҳ ўз қишлоғидаги тепаликларга чиқиб, ўзаро беллашув тарзида чанқовуз чалишган[3].

Демак, мусиқий маданиятнинг шаклланишида илгари оила асосий роль ўйнаб, дастлабки мусиқий таълим оилада олинган. Эркаклар дўмбира, аёллар чанқовуз ва дап чалишлари анъанавий моҳият касб этганлиги боис ҳар бир оилада ота-она, ака-опа-янга томонидан ёшларда ушбу соҳаларга рағбат уйғотила

[1] Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон. Тошкент. Академнашр, 2012. –Б. 198

[2] Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. Тошкент - 2010. – Б. 84.

[3] Дала ёзувлар. Ангор тумани Занг қишлоғида.2018 йил 3 апрель.

борилиб, дастлабки устозлик қилиш вазифаси ҳам катталарнинг зиммасида бўлган. Оилада учирма бўлган ёш «мусиқачи» атрофда қўшнилар ва қариндошлар орасида ушбу соҳани нисбатан эгаллаб, қишлоқ миқёсидаги беллашувларда мусиқий санъатини намоён эта борган. Шу тариқа ёш ўспирин ўз мусиқий маҳоратини мукаммаллаштира борган. Мусиқа асбоблари, бир томондан, моддий ашё бўлса, иккинчи томондан, маънавий бойлик саналади. Эстетик эҳтиёж юзасидан тайёрланган чолғу асбоблари (дўмбира, сурнай, най, дутор, сибизға, чанқовуз, доира ва ҳ.к.) халқ қўшиқлари, куйлари ва достонлари ижросида кенг қўлланган[1].

Узоқ йилларидан бери халқимизнинг асрлардан бери авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган асрий анъаналари, урф-одатлари ва қадирятлари мавжуд. Бу қадриятларда халқимизнинг узоқ йиллик тарихи, ижтимоий ҳаёти ҳамда яшаш тарзи акс этган. Бу авлодларга ота-боболарининг ўтмиши ҳақида сўзловчи лапарлар, достонлар ва термалар ичида миллийлигимиз алоҳида аҳамият касб этади. Бу миллийлигимизни жонли тарзда дўмбира орқали тараннум этувчи бахшичилик санъатидир. Бахшининг дўмбирасидан таралаётган куй, унинг ширали овози киши қалбини беихтиёр тўлқинлантиради ва жумбушга келтиради. Халқ қалбининг нолаларидан яралган достонлар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб инсоният маънавий тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Негаки, ўзбек халқ достонларида халқимизнинг бадиий тафаккурининг жуда бой ва қадимий анъаналари мужассам[2].

[1] Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон. Тошкент. Академнашр, 2012. –Б. 192

[2] И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент-2008 й.Б 12.

ЗАМОНАВИЙ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРДА ИНСОН ОМИЛГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ҲОЛАТИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси катта илмий тадқиқотчиси т.ф.б.ф.д.(PhD)
Турсунов Анвар Сайпуллаевич

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда қатор ижобий ўзгаришлар ва ютуқларга эришилди. Республиканинг жанубий вилоятлари Сурхондарё ва Қашқадарё шаҳарларида ҳам сезиларли ишлар қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қашқадарё шаҳарларида аҳолига 13 та касалхона, 3 та санаторий, 63 та амбулатория поликлиникаси, жами 72 та даволаш-профилактика муассасаси хизмат қилмоқда. Даволаш – профилактика муассасаларида 200 нафар юксак малакали шифокор, 2700 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходими аҳоли соғлиғини сақлаш йўлида меҳнат қилмоқда. Биргина 2008-2010 йилларда 5 млрд. 525 минг сўмлик тиббий жиҳозлар олинди. 5 млрд. 352 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кардиология марказига 600 млн. сўмлик замонавий тиббий жиҳоз ўрнатилди[1].

Ўзбекистонда инсон саломатлигини сақлашнинг энг асосий омили экологик муҳитни асраш, ёш авлодни келажагиги учун қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Чунки, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасига ўхшаб жанубий вилоятлар ҳам экологик хавфли ҳудудга айланиб, Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган зарарли газлар Сурхонадарёнинг шимолий ҳудудидаги шаҳарлар аҳолиси саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Денов, Шарғун, Шўрчи, Сариосиё каби шаҳарларда мутахассисларнинг фикрича фтор йодни ўзига бириктириб олиши оқибатида тирик организмда йод танқислиги янада ошади. Албатта, бу ўз навбатида қалқонсимон без фаолиятининг бузилишига олиб келади ва оқибатда қатор касалликлар

[1] Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида (Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" рисоласидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар) / Муаллиф гуруҳи раҳбари А.Эркаев. -Тошкент: Маънавият, 2007. –Б.37.

ривожланади.

Жумладан, ушбу шаҳарларда буқоқ, гипотериоз ва қалқонсимон безининг бошқа касалликлари пайдо бўлади. Фтор элементининг кальцийни бириктириб олиши оқибатида организмда кальций алмашинуви бузилишига ҳамда буқоқ безининг катталашувига олиб келади. Натижада қалқонсимон без олди безига таъсир қилиши туфайли кўп миқдорда гармон ишлаб чиқариш натижасида организмдан кўплаб миқдорда кальций элементининг чиқиб кетишига сабаб бўлади, бунинг оқибатида суякларда мўртлик, остеопороз касаллиги пайдо бўлади. Унинг пешоб орқали чиқарилиши натижасида эса буйракларда кўплаб ўтириб қолиб, кальций тошлари пайдо бўлишига олиб келади. Денов, Сариосиё шаҳарлари мисолида оладиган бўлсак, кариес, флюороз ва оғиз бўшлиғининг шилиқланиш касалликлари кескин ошиб кетганлиги, бундан ташқари эндокрин, урологик, хавфли ўсма касалликлар ва хомиладор аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги асоратлари йилдан –йилга ошиб борди. Жумладан Денов шаҳрида эндокрин касалликлари 2000 йилда 4996 та кузатилган бўлса, 2007 йилда 15311 тага етган. Аҳоли орасида эндемик зоб 1992 йилдан 2007 йилгача 6,2 марта кўпайган, 2008 йил 6 ойда бу кўрсатгич 10000 аҳолига 111,8 ни ташкил қилади. Қон ва қон ишлаб чиқариш аъзолари касалликлари 2,5 баробар (1999 йилда 10000 аҳолига 119,2, 2007 йилда 252,2) ошган, бу асосан туғиш ёшидаги хотин қизлар орасида кескин кўпайган[1].

Аёлларда ҳомиланинг 2-даврида ҳомиланинг ўлик туғилиши 2000-2007 йилларда кўпайди, туғилган чақалоқлар орасида туғма аномалиялар 15% га ошган. Аҳоли орасида қайд қилинаётган онкологик касалликлардан лимфомалар, суяк-бўғин бириктирувчи тўқима ўсмалари 10-15% га ошган, ошқозон раки кўпайган. Сийдик йўли касалликлари 2000 йилда 4195 та бўлган бўлса, 2004 йилга келиб 6984 тага, 2007 йилда эса бу кўрсаткич 7400 та ташкил этади. Хавфли ўсма касалликлари 2000 йилда 107 та, 2004 йилда эса 534 тага етган бўлса 2007 йилга келиб 947 тани ташкил этади. Бу эса ўз навбатида хулоса қилиб

[1] Денов шаҳар ҳокимлиги жорий архиви.2008 йил. 4 февраль. №12 баённома. – Б.22,26,31,34.

айтганда, вилоятнинг шимолий ҳудудида экологик вазиятнинг ўта жиддийлигини кўрсатади. Денов шаҳри аҳолиси орасида 0-16 ёшгача ногирон болалар сони 2000 йил якунида 1007 нафарни, 2004 йилда 1295 нафарни, 2005 йилда 1306 нафарни ташкил қилган бўлса, 2007 йилнинг охирига келиб бу кўрсатгич 1603 нафарни ташкил этган[1]. Сариосиё шаҳрида 1980 йилларда Тожикистон алюминий заводи иш фаолияти давомида заҳарли чиқиндиларнинг атроф муҳит ҳолатига салбий таъсири натижасида, 2000 йилда шаҳарида буқоқ касаллиги билан оғриган беморлар сони 3324 нафар бўлиб, умумий аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичи 163,99 ни, шу жумладан аёллар 99,79 ни ташкил қилган. 2004 йилга келиб касалларнинг сони 340 та, интенсив кўрсаткич эса 199,26 ни, аёллардаги буқоқ касаллиги 225 та, интенсив кўрсаткичи 114,07 ни ташкил этган. 2007 йил давомида эса касаллик кескин кўпайган, яъни 1460 нафар аҳолидан 991 таси буқоқ касаллигининг турли формалари билан оғриган. Флюороз касаллиги билан касалланганлар 2000 йилда 240 та қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 544 тага кўпайган. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари 2000 йилда 261 та рўйхатга олинган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 603 тага ортган, яъни ҳар хил тиш касалликлари динамикаси йилдан йилга ошиб борган. Қон ва қон ишлаб чиқариш органлари (камқонлик) касалликлари 2000 йилда 288 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 725 тага, 2007 йил якунида эса 518 тага этган. Нафас олиш аъзолари касалликлари 2000 йилда 326 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 526 тани, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 2061 тани ташкил этган[2]. Ушбу ҳолатни олдини олиш масаласида муҳим аҳамиятга эга халқаро анжуман 2010 йил 16-17 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилиб, жаҳон илмий жамоатчилиги ўз фикр мулоҳазаларни билдирдилар.

Шаҳарлар соғлиқни сақлаш бўлимлари тиббиёт тизимини ривожлантириш билан бир қаторда, мустақиллик йилларида республикада спортнинг турли хилларини ривожлантиришга

[1] Денов шаҳар ҳокимлиги жорий архиви.2008 йил. 4 февраль. № -1. баённома. –Б.36, 42, 44.

[2] Саросиё туман ҳокимлиги жорий архиви.2008 йил. 6 февраль.№ -1. баённома. -Б.15,16,19.

ҳам эришилди, бунинг самаралари жаҳон миқёсида ўтказиладиган теннис, кураш ва шахмат мусобоқаларида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон спортчилари маънавий ва жисмоний баркамолликнинг юқори натижаларига эришиб, қадимий спорт удумлари, урф-одатларини қайта тикладилар. Спортни янада ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан қонун ва қарорлар ишлаб чиқилди. 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси эса Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватани футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида, 1993 йил 17 январда Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва тамойилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилинди.[1] 1992 йил жанубий шаҳарларда ўтказилган халқаро кураш мусобақаларида миллий курашга асос солиниб, ат-Термизий хотираси ва алломанинг номи билан бу спорт тури тикланди. Натижада ўзбек халқининг миллий кураши халқаро спорт турига айланди. Бу миллий кураш тури жанубий шаҳарларда ҳар 2 йилда бир марта ўтказилмоқда.

1999 йилда эса жаҳон халқаро теннис талабларига жавоб берадиган ёпиқ Теннис саройи ва Миллий кураш заллари қуриб ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майидаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 271 -сонли Қарори ҳамда «Соғлом авлод йили» комплекс режаси асосида шаҳарлар халқ таълими бўлимларида қатор тадбирлар ўтказилди. Шаҳар мактабларида 2010 йил 234, спорт тўгаракларида 12500 ўқувчи-ёшлар спорт билан шуғулланмоқда. Масалан, Термиз шаҳрида 2 та стадион, 8 та футбол майдончаси, 3 та сузиш ҳавзаси, 2 та теннис корти, 14 та очиқ теннис, 19 та волейбол, 14 та баскетбол майдончалари ҳамда қўл тўпи бўйича 10 та майдонча, бошқа спорт иншоотлари мавжуд.

[1] Мустақил Ўзбекистон тарихи, учинчи китоб. -Тошкент: Шарқ, 2000. –Б.487.

Шаҳарда 17 тур бўйича 8 та спорт мактаби иш олиб бормоқда. Уларнинг секцияларига 5925 нафардан зиёд ўқувчи мунтазам қатнашиб келмоқда.[1] Шаҳарда 27 мингдан зиёд киши жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиб, 5 мингдан зиёд шаҳар аҳолиси спорт секцияларига қатнашади. Бу ишда 200 профессионал мутахассислар бошчилик қилади. Курашнинг миллий тури бўйича Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган мусобақа ҳамда Ўзбекистон Президентининг совриниучун спортнинг шу тури бўйича халқаро мусобақалар илк бор Термизда ўтказилгани қувонарли ҳолдир. 1999 йилда Термизда ўтказилган халқаро турнирга Осиё номи берилди.[2]

Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш масаласида жуда улкан амалий ишлар бажарилиб, фарзандларимизни соғлом, жисмоний бақувват ҳамда ақлий қобилиятини, салоҳиятини ошриш борасида алоҳида давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалда ижроси таъминланди. Шу ишларнинг давоми сифатида 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масалани алоҳида таъкидлаб; ”Биринчидан, соғлом бола –аввало соғлом ва аҳил оиланинг мавасидир...Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, маъсулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён...Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим –тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим... Тўртинчидан, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибори марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт”[3] деган кўрсатмалари алоҳида аҳамиятга эгадири. Ўзбекистонда 2013 йилда халқимизнинг саломатлигини сақлаш, ушбу соҳани моддий –техник таъминотини яхшилаш, янги замноавий даволаш, малакали мутаххассилар тайёрлаш ва қайта таёрлаш

[1] Термиз шаҳар хокимияти жорий архиви 2011 йил 3 баённома, -Б.18.

[2] Термиз буюк йуллар чоррахасидаги кухна ва янги шаҳар. -Тошкент: Шарқ, 2001. –Б.72.

[3] Каримов.И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш –ёруғ келажагимининг асосий омилидир. Халқ сўзи. 2013 йил. 7-декабрь. №148-149. 2 бет.

масаласида алоҳида ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Шеробод туманида тиббиёт бирлашмаси янгидан қурилиб, замонавий тиббиёт асбоб ускуналари билан жиҳозланди. Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт маркази тубдан реконструкция қилинди[1]. Қашқадарё вилоятида 2001-2013 йилларда 132 та соғлиқни сақлаш муассаси, 98 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини, балки одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётига муносабатини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда, уларнинг эртанги кунга ишончини кучайтирмоқда[2].

Сурхондарё вилоятида 2009-2013 йилларда 40 та соғлиқни сақлаш мажмуаси, 58 та болалар спорти объекти янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди.Вилоятда ёш авлодни соғлом ва баркамол тарбиялаш мақсадида 2012-2013 йилда 18 миллиард 600 миллион сўм маблағ ҳисобидан 17 та болалар спорти объекти, мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилиб, замонавий жиҳозланган ҳолда болалар изтиёрига топширилди[3].

Ўзбекистонда халқ соғлигини сақлаш масаласида янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар амалга ошрилди. Ижтимоий масалалар орасида халқ саломатлигини сақлаш, тиббий муассасалар тизимини қайта ўзгартириш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни кучайтириш, замонавий билимга эга бўлган тиббий ходимларни таёрлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Натижада мустақиликнинг дастлабки давридан бошлаб, ихтисослашган йирик даволаш марказларини қуриш, бунга маблағлар топиш, оила врачлик тармоқларни шакллантириш соҳасида аниқ ислоҳотлар тизими амалга оширилди.

СССР даврида Сурхон воҳаси тиббиёт хизматига кам

[1] Каримов.И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш –ёруғ келажагимининг асосий омилидир. Халқ сўзи. 2013 йил. 7-декабрь. №148-149. 2 бет.

[2] Каримов.И.А. 2013 йил 27 сентябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи. 2013 йил 28 сентябрь. № 192. 2.бет.

[3] Каримов.И.А. 2013 йил 19 декабрь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. Сурхон тонги. 2013 йил 26 декабрь. № 52. 2.бет.

маблағлар ажратиб, замонавий тиббиёт қурилишига умуман эътибор берилган эмас. Давлат дастурига асосан вилоятда 140 ўринли давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз бўлими ташкил этилди, ҳамда зарурий тиббий ва техник жиҳозлар билан таъминланди. Термиз шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ўз фаолиятида АҚШнинг Прожект Хоуп, Карелифт Интернейшнл, Каунтепарт Интернейшнл ташкилотлари билан узвий алоқалар боғлаган[1].

Ўзбекистоннинг Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Муборак, Косон шаҳарлариида 9 та касалхона, 395 врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси, амбулатория ва бошқа тиббий муассасалар мавжуд. Ушбу тиббий муассасаларда 253 врач , 823 ўрта тиббий ходим ишлайди. Давлат дастурига асосан, давлат тез тиббий ёрдам илмий маркази Қарши шаҳар бўлими (220 ўрин) ва барча туман марказий касалхоналари қошида унинг бўлинмалари (410 ўрин) ташкил этилган ҳамда зарурий тиббий ва техник жиҳозлар билан таъминланган[2].

Шаҳарлар аҳолиси соғлиғини сақлаш борасида катта ишлар қилиниб, янги касалхоналар қуриб ишга туширилди. Уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш яхшиланди. Чет эллардан замонавий тиббиёт ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Шаҳарларда мавжуд касалхоналар қайта таъмирланиб, шифохоналардаги ўринлар сони 3495 тага етди. Жумладан, 1991 йилда Бойсун шаҳрида 2 та, Жарқўрғон шаҳрида 3 та, Қумқўрғон шаҳрида 3 та, Шеробод шаҳрида 2 та, Шўрчи шаҳрида 4 та касалхона фаолият кўрсатди. Шунингдек, Денов шаҳрида 630 та, Шўрчи шаҳрида 420 та, Шеробод шаҳрида 520 та, Қумқўрғон шаҳрида 530 та, Жарқўрғон шаҳрида 570 та, Бойсун шаҳрида 320 та даволаш ўринлари мавжуд эди.[3]

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, урбанизация жараёнларини илмий таҳлил этиш жараёнида шаҳарларнинг маданий ва маънавий қиёфаси мустақиллик туфайли тубдан ўзгарганлиги амалга оширилган ислоҳотлар натижаси эканлиги асослаб берилди.

[1] Ўз МДА.фонд-7. рўйхат-1. ҳужжат-1160. 25-б.

[2] Ўз.МДА. фонд-7.рўйхат-1.ҳужжат-1160. 29-б.

[3] Сурхондарё вилояти хокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 1991-2002 й. -Термиз: 2004. –Б.285.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ТРАНСПОРТ ТИЗИМ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ТАРИХИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси катта ўқитувчиси, т.ф.б.ф.д.(PhD)
Хидиров Холмат Джўраевич

Ўзбекистонда енгил автомобил заводининг қурилишига 1992 йил июн ойида Корея Республикаси билан ҳамкорликда “Daewoo Motoris” корпорацияси билан шартнома тузилди. Натижада 1993 йилнинг мартида Ўзбекистон – жанубий Корея қўшма корхонаси “ЎзДЭУавто” ташкил этилди ва Асака шаҳрида автомобил заводи қурилиши бошланди. Ўтиш даври мураккабликлари иқтисодиётда салбий таъсир кўрсатиб турган, молиявий тақчиллик шароитида, мамлакатимиз билан олдинма – кейин мустақиллигини эълон қилган давлатлар ичида биринчилардан бўлиб, шундай катта лойиҳани амалга оширди. Давлатимиз раҳбарининг қатъияти, жасорати, узоқни кўзлаб иш тутиши самараси ўлароқ, корхона муддатидан анча олдин, икки ярим йилда қуриб битказилди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатлари асосида ривожлантириш ва тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган улкан ютуқларимиз жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирмоқда. 1996 йил 19 июл куни Асакада “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлди. Президентимиз ўша тантанали дақиқаларда, жумладан, бундай деган эди: “Бугун нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида, балки собиқ иттифоқ миқёсида ҳам бутунлай янги завод – қўшма корхона ишга тушиши, тарихимизда илк бор замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган енгил автомобиллар ишлаб чиқарилиши – бунинг ўзи биз танлаган сиёсатнинг тамал тоши, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди”. Ана шу тарихий санадан бошлаб Марказий Осиёда ягона Асака автомобил заводида энг замонавий стандартларга жавоб берадиган, қулай, ишончли ва

тежамкорлиги билан дунё бўйича рақобатлаша оладиган енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Халқимиз учун қадрдон бўлиб қолган машиналар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, миллий ғуруримизга айланди.

Мамлакатимизда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, уларга хизмат кўрсатувчи бутун бир инфратузилма яратилди. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ва илғор технологиялар билан жиҳозланган, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш корхоналаридан 65 таси фаолият кўрсатаётгани бу соҳа жадал тараққий этаётганлигидан далолат беради.Республикамиз автомобилсозлиги йилдан-йилга ривожланиб, равнақ топиб бораверади, келажак умидлари янада улуғвор яъни жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган халқаро меъёрий талабларга жавоб бера оладиган автомобилларни ишлаб чиқариш давом этади ва жаҳон бўйлаб ўзбек автомобиллари узоқ йиллар кезиб юради деган умиддамиз. Ўтган давр Асака автомобил заводи учун том маънодаги синов ва юксалиш йиллари бўлди. 1996 йилда заводнинг аҳил ва профессионал жамоаси автомобилларнинг бир йўла учта тури – яъни қуввати 38 о.к. ва ёнилғи сарфи (100 км.соатда) – 4.3 л.га тенг “Дамас – DLX”, қуввати 75 о.к. ва ёнилғи сарфи (100 км.соатда) – 6.9 л.га тенг “Нексия – GL/GLE”, қуввати 41 о.к. ва ёнилғи сарфи (100 км.соатда) – 4.3 л.га тенг бўлган “Тико – STD/DLX” автомобил линияларини ишга тушириш билан илк муҳим қадамни қўйди. Шундай қилиб, истеъмолчиларга бошиданоқ кенг танлаш имконияти яратилди. 2001 йилда янги марка – “Матиз” автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбек автомобиллари тез орада хорижий бозорларда ўз ўрнини топди, нафақат маҳаллий истеъмолчилар, балки яқин хориждаги аҳоли ўртасида машҳур бўлди ва ишонч қозонди. Мамлакатимиз автомобил тармоғи йилдан – йил ўз маҳсулоти экспортини ошириб, валюта тушуми ҳажмини кўпайтириб бормоқда. Автомобиллар экспорти самарасида Ўзбекистон улкан саноат салоҳиятига эга мамлакат сифатида ном қозонди.

2008 йил 21-феврал куни Асака автомобил заводи негизида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ва “General Motors”

корпорацияси таъсисчилигида янги қўшма корхона – “GM O’zbekiston” ташкил этилди. Ўзбек автомобили моделлари қатори янги, замонавий ва сифатли автомобиллар ҳисобига янада кенгая бошлади. “Chevrolet” русумидаги моделлар – “Epica” ва “Captiva”ни ишлаб чиқариш бошланди. Ноябр ойида эса завод конвейридан миллионинчи автомобил чиқди. Ушбу машина “Lacetti” автомобили эди. Қуввати 109 о.к.га ёнилғи сарфи - 12.5 л. “Lacetti” модели нафақат завод тарихидаги улкан воқеа, балки автомобил ишлаб чиқаришда янги босқични бошлаб берди. Мазкур автомобилни ишлаб чиқариш учун кузов панелларини қолиплаш йўлга қўйилди, пайвандлаш участкаси ташкил этилди ва йиғиш конвейри модернизацияланди. Ўзида юксак техник ютуқлар, италянча дизайн ва аъло сифатни уйғунлаштирган бу автомобил энг талабчан автоҳаваскорлар ўртасида ҳам машҳур бўлиб кетди. Муваффақиятлардан руҳланган автомобилсозларимиз кўп ўтмай яна бир совға ҳозирладилар. 2010 йилнинг август ойида “GM O’zbekiston”да қуввати 68 о.к. ва ёнилғи сарфи (100 км.соатда) – 5.5дан 7.6 л.гача бўлган “Chevrolet Spark” автомобилини ишлаб чиқариш бошланди. Бу машина жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган илк кунларданоқ юртдошларимизнинг севимли автомобилига айланди. “Spark” қулайлиги ва дизайнининг ўзига хослиги билан эътиборни тортади, хавфсизлик ёстиқчалари билан жиҳозлангани ва ишлаб чиқариш жараёнида илғор технологиялардан фойдаланилгани боис Европо хавфсизлик классификацияси бўйича юқори баҳо (4 юлдуз)га лойиқ топилди. Асака заводида ўрнатилган қувватлар йилига 50 минг “Spark” автомобили ишлаб чиқариш имкониятига эга.2012 йил июн ойидан эса яна янги қуввати 105 о.к. ва ёнилғи сарфи (100 км.соатда) – 5.3 л.га тенг “Chevrolet Cobalt” ҳамда қуввати 167.2 о.к. ва ёнилғи сарфи (100 км.соатда) – 7.8 л.га тенг бўлган “Chevrolet Malibu” автомобиллари яратилди.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМДАГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси т.ф.б.ф.д. (PhD
Хидиров Холмат Джўраевич)

Термиз Туроннинг энг жанубида, дарёнинг кечув жойига яқин, нисбатан баландроқ жойига қурилган. Гарчи бу ердан Амударё бурилиб оқса-да, қирғоқларини ювиб кетмаган. Чунки Термиз қаттиқ қоялардан иборат тагзалик устида барпо этилган. А.Македонский босқини даври иштирокчиси тарихчи Арриан Флавийнинг (тахминан 95-175 йилларда)[1] ёзишича Окснинг кенглиги олти стадий келади ва жуда чуқур бўлиб, оқими уйримли ва кучли, шу боис, армия унинг кечувидан ўтгунча кўплаб отларидан айрилган. Араблар босқини даврида ҳам Амударёдан сув йўли сифатида кенг фойдаланишган. Масалан, Табарийнинг ёзишича, (Абу Жаъфар МуҲаммад ибн Жарир ат Табарий (839-923 йй)[2] Қутайба Чағониён юқорисидаги Шуман ва Ахарунга юришидан қайтишда, Амударёдан қайиққа ўтириб, Чоржуйгача боради. Термизлик ҳунармандлар йирик шохона кемалар ҳам қурилганлар. Бу кемаларда Термизга келган шоҳлар, султонлар дарёда сузиб хордиқ чиқаришган. Х асрда Истаҳрийнинг (1Х асрнинг иккинчи ярми Х аср биринчи чорагида яшаган сайёҳ ва географ тўла исми: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал Истаҳрий (850-934 йй) маълумотларига қараганда Термизнинг иқтисодий ҳаётида кемасозлар (қайиқчилар) алоҳида ўрин тутган. Улар ясаган кемаларнинг кўпчилиги четга сотилган. Бундан ташқари, кемасозлар савдогарларнинг молларини Амударёдан ўтказиб қўйиш билан ҳам шуғулланишган ва бунинг учун яхшигина фойда ҳам олишган. Чунки, бу даврда Термизнинг савдо шаҳри сифатида ўрни янада ошган эди. Ўша пайтда Термизда ўндан ошиқ карвон саройлар қурилган эди. Абулфазл Байҳақийнинг (Х1 асрдан ўтган йирик тарихчи олим тўлиқ исми Абулфазл

[1] Халқ йўли.1998.12 апрел.
[2] Сурхон тонги . 1997. 4 феврал.

Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Котиб ал Баҳақий)[1], ёзишича, Ғазнавийлар султони Масъуд Термизга ов қилиш учун дарё йўли билан шоҳона кемасида келган. Маҳсидийнинг ёзишича ўша вақтларда Термизда жуда кўплаб кемалар ясалган[2].

Амударё XIII аср бошларидан токи XVI асргача яъни 300 йил мобайнида ўз сувини Ўзбой ўзани орқали Касбий денгизига қуйиб турган, худди шу даврда Термиз шаҳрининг порт сифатидаги аҳамияти ортган. Қадимда Амударёдаги энг қулай дарё кечуви Термиз яқинидаги Пайғамбар ороли орқали амалга оширилар эди. Шунинг учун ҳам В.Ф.Минорский ўзининг «Юнон кечуви» номли асарида Ёрғоқ (Ёрдагоҳ) кечуви Термизнинг ўзига А.Македонский томонидан асос солингунча ҳам бор эди»,-деб маълумот беради. Гарчи Термиз шаҳрининг ким томонидан, қачон барпо этила бошлаганлиги ҳусусида В.Ф.Минорский фикрича қўшилмасак-да, кечув борасидаги фикри тўғри.[3] Ҳофизи Абрў ҳам Термиз шаҳри яқинидаги кечув хақида тўхталган:»Бурдағўй-Жайхун қирғоғида Термиз мавзеларига туташ жойидир. Бурдағўй-юнонча сўз бўлиб, меҳмонхона деган маънони англатади. Қадимги кемаларнинг сардорлари турган «, деб маълумот беради. Хуллас, бу тарихчи хозирги Фаёзтепа яқинидаги кечув жойи ҳақида фикр юритган[4.] Шундай қулай кечув жойида зарурат орасида қўналға, карвонсаройининг, кейинроқ эса қишлоқ ва шаҳарнинг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Қадимги замонларда ўлкамизга ташриф буюрган Ди Чжан Цяннинг элчиси Амударёни Гуй-Шуй деган ном билан атаб, уни кема юрадиган, савдогарлар молларини узоқ масофаларга олиб кета оладиган сув йўли сифатида тилга олган. Полибийнинг (Милоддан аввалги 201-120 йилларда). таъкилдашича «Окс (Амударё) катта ва кема юрадиган бўлиб, ирмоқлари ҳисобига Бақтрияга келганда, жуда йириклашиб кетади»[5].

Марказий Осиё халқлари бошқа давлатлар билан иқтисодий ва савдо алоқалари бундан кейинги асрларда ҳам жадал олиб

[1] Ленин байроғи. 1989 й. 4 феврал

[2] Сурхондарё тарихи кўзгисида.2001.”Шарқ”.119-123 бетлар.

[3] Жайхун.2005.№-2.12-15бетлар.

[4] Чағониён.2006.2 май.

[5] Сурхон тонги.1996.20 сентябр.

борилган эди. Пётр 1 даврида, ўрта асрларда, ҳусусан унинг кўрсатмасига биноан 1717 йилда Князь Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедиция Астрахандан Хивагача бориб Амударёнинг Оролгача қуйиладиган сув йўлини ҳам ўрганиш керак эди. Бироқ Бекович-Черкасский экспедициясининг Хива хони Шерғозихон томонидан қириб ташланиши натижасида Пётр-1 нинг бу кўрсатмаси бажарилмай қолди[1]. Руслар томонидан Марказий Осиё Х1Х асрнинг иккинчи ярмида истило қилингач, 1873 йил 27 апрель куни Флотилия бошлиғи, 1 ранг капитани Ситников бошчилигида 2 та пароход таркибида 3 та баржа билан Амударёга кириб келди. Улкун дарёси бўйлари билан Қўнғиротга қараб жўнади. Бироқ Амударёнинг дельталари ўрганиб чиқилмаганлиги натижасида экспедициянинг олдинга силжишига йўл қўйилмади. 1873 йил 1 августга келиб генерал штаб полковниги Н.В.Каульбарс Амударёнинг қуйилиш жойларини текшириб кема қатнамайдиган йўлнинг Орол денгизига чиқиладиган жойларини излади ва Амударёнинг Қуван-Жарма, Дауқара кўли ва Ялисув дарёсининг қуйилиши орқали чиқса бўлишини аниқлади. Бу йўл билан Козалинскдан (Сирдарёдаги флот базасидан) Орол денгизи орқали Амударёда доимий равишда юк ташила бошланди. Кейинроқ эса Амударё қирғоғида Қабақли қўрғони ва мудофаа иншооти қурилиб ишга туширилди[2].

1888 йили Чоржуй шаҳрида Амударё ҳарбий флотилиясининг биринчи «Подшо» ва «Царица»! номли кемалари, пароходлари ташкил этилади. Ўша вақтда бу кемалар, пароходлар дарё транспортидаги янги кемалар, ва пароходлар эди. Бу кемалар ўша вақтда 520 от кучига эга бўлиб, улар учун ёқилғи темир йўл орқали ташиб келтириладиган Боку нефтининг мазутлари билан юритилар эди. Амударё бўйига Амударё ҳарбий флотилияси кемаларидан ташқари «Хива» номли акционерлик жамияти ва майда қайиқ эгалари ҳам фаолият кўрсатар эди. Амударё йўналиши бўйлаб шундай қийинчиликларга қарамасдан Х1Х асрнинг охирида ўн битта кемалар ва ўн тўққиз дона баржалар сузиб турди. Баржалар (шатакка олиб

[1] Сурхондарё ВДА.27 жамғарма.2-рўйхат.52 ҳужжат.54в.

[2] Сурҳондарё ВДА.2 жамғарма 2. рўйхат.65 .ҳужжат.23 в.

юриладиган юк кемаси) фақат дарёнинг юқорисига қараб шатакка олинар, қуйи томонга қараб эса бу баржалар ўзлари сузар эди. Ҳарбий флотилия кемалари билан йил давомида 15 минг тонна ҳар хил юклар ва 20-25 минг йўловчилар (асосан ҳарбийлар) ташилди. Чоржуйдан Термизгача ва пастга қараб Тўрт кўлгача қилинадиган рейс бир ойга яқин вақтни олар эди. Кам юк кўтарадиган флотни Амударёда асосан қайиқлар ташкил қилар ва уларнинг сони 1500 донани ташкил қилиб, бу қайиқларда маҳаллий ўрмонларда етиштирилган толлардан ясалган эди. Толлар асосан ҳўл томирлари билан олинар ва ёғоч шираси билан бўлар, бу эса ёғочни чириб кетишидан асрар эди. Маҳаллий толдан ясалган, палубаси бўлмаган ёғоч кемалар 20-40 тоннагача юк кўтарар эди[1]. 1894 йилнинг август ойида Чоржўйдан Термизга биринчи катерлар гуруҳи почта ва юкларни қўриқлаш учун келдилар. Шунда улар Сурхондарёнинг ичкарисига икки километр юрдилар ва бу ерда ўзларининг қароргоҳларини ташкил қилмоқчи бўлдилар. Кеч кузда Сурхон дарёсидан сув камайганлиги сабабли қароргоҳ қуруқликда қолиб кетди. 1896 йилга келиб қароргоҳ Амударё бўйига кўчирилди. 1917 йилга келиб Ўрта Осиё ҳавзаларида 20 дона ўзи юрадиган ва 50 дона шатакчи юк кемалари мавжуд эди. Амударёдан шу билан бирга 1500 дона қайиқлар бор эди. Янги замонавий типдаги кемачиликнинг ривожланишида Амударё ҳарбий флотилиясининг ўрни катта бўлди. Ҳарбий флотчилар чегарани қўриқлаш билан бирга Хива, Бухоро, Афғонистон билан савдо қилинган юкларни ташиб келтиришда ҳам катта хизмат қилди. Амударё ҳарбий флотилияси ва акционерлик жамияти базасида Алоқа йўли хизмати комиссари Ф.Э.Дзержинский буйруғи билан 1923 йилда Ўрта Осиё камчилиги ташкил қилинди. Янги Ўрта Осиё кемачилигига (пароходчилик) эски кемачилик тизимидан 9 дона буғ билан юрадиган теплоход 15 дона шатакка олиб юриладиган кема (баржа) лар ва 4 дона ёрдамчи кемалар мерос бўлиб қолган эди. Термиз шаҳрида эса 1927 йилга келиб, дарё порти янгидан тараққий эта бошлади[2].

РЕЗЮМЕ

[1] Сурхондарё ВДА.53 жамғарма.2.рўйхат.32 .ҳужжат.23в.

[2] Сурхондарё ВДА.53 жамғарма.2.рўйхат.36 .ҳужжат. 14.в.

Мақолада ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга сув транспорти, унинг шаклланиши, таррақий этиши билан боғлиқ тарихий манбалар асосида Амударё ҳавзасида кемачиликни пайдо бўлиши, унинг ривожланиш босқичлари, Термиз дарё портни Ўзбекистон давлати учун муҳим аҳамияти илмий изоҳлаб берилган.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АКС ЭТТИРГАН ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси
Ғайрат Мамаражобов

Халқ бинокорлигига қизиқиш, халқ санъатига бўлганлиги сингари гоҳ ортади, гоҳ сўниб қолади. Бунга сабаблар кўп. Халқ меъморчилиги кўп қиррали бўлиб, ўзини турлича намоён этади: баъзан ҳаётнинг қадим тарзи билан боғлиқликда ўрганилганда, этнография ва ижтимоий асосий аҳамият касб этади, баъзан бадиий ҳунармандчилик ва миллий меъморлик ривожи масалалари билан боғлиқ ҳолда. Булардан охиргиси санъат тарихчилари ва меъморлари диққатини жалб этиб, қизиқишни янада орттиради. Қизиқарли, бироқ қадим архаизм ва халқ меъморчилиги, унинг техник қолоқлиги ва замонавий ҳаёт тарзи билан мувофиқ келмаслиги меъмор ва тадқиқотчиларни берк йўлга олиб кириб, довдиратиб қўяди. Замонавий бинокорлик ишларида туб бурилиш бўлмас, шунингдек, тадқиқотчилар қарашлари янгиланмас экан, зиддиятлар ечимини топмайди. Тўғри халқ меъморчилиги ва санъати бўйича академик пухта билимлар ўз аҳамиятини сақлаб қолади, лекин олимларнинг ўтмиш маданиятига нисбатан конфессионал қизиқишлари бугунги кун талаби билан боғлиқ эмас, фанни ҳам деярли ҳаракатлантираётгани йўқ. Унга фақатгина акслантирувчи эмас, балки ёруғликнинг кучсиз нурларини ҳам изчил тарзда намойиш этиб турадиган экран керак бўлади. Бундай экран халқ меъморчилигини

ва асосан, унинг изчил асосини тўлалигича тушунилишига имконият яратиши, замонавий меъморчилик тадқиқотчилари, сингариларга хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр бирмунча ғайритабиий туйулиши мумкин.

Халқ бинокорлиги ва замонавий меъморчилик кўп жиҳатдан бир-бирига зид. Уларнинг техник жиҳатлари, ўлчамлари турлича, маиший ва маъмурий вазифасига кўра ҳам фарқ қилади; меъморчиликнинг эстетик омилларига мос келмайди. Халқ меъморчилиги – халқ турмуш тарзининг кўриниши. У ҳаёт тарзига кўра ўзини намоён этади ва унинг талабларига жавоб беради. Замонавий меъморчилик маълум ҳаёт тарзидан илгарилаб кетади ва янгича борлиқни касб этади, кичиктуманлар, туманлар ва шаҳарлар ўлчамларида фаол маъмурий кучни бошқаришни ўз зиммасига олди. Халқ бинокорлигининг айрим омиллари замонавий меъморчилик омилларига нимаси биландир ўхшашлиги жуда ажабланарли. Гап шундаки, халқ бинокорлиги турар-жойларининг фазовий-шаклий композицияси тарихий услублар, айниқса, қадим безаклар сингари тезлик билан барҳам топмайди. Шунга кўра халқ бинокорлигидаги мавжуд фазовий-шаклий композициялар қурилиш нураб кетган ва уни сақлаб қолинишининг ҳеч бир маъноси бўлмаган бир пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ўзини замонавий меъморчиликда солиштирма ўрганилиш жараёнида намойиш этадиган меъморчилик асосларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш жуда муҳимдир. Замонавий меъморчиликни ўтмиш намуналари ўзгача ҳажмли шаҳарсозлик, янги қурилиш хом ашёлари ва қурилмалари, замонавий интеръэр (бинонинг ички қисми)ни техник жиҳозланиши сингарилар. Лекин меъморчиликнинг етакчи йўсини, яъни ҳажмий-фазовий йўсин муносабатлари гўё назардан четда қолгандек.

Рангли экранга рангли чизма тасвирни йириклаштириб турилиши жараёнида чизма тасвирдан экранга ранг тушади: айтайлик кучли ва ёрқин. Шундай жараён меъморчиликда ҳам содир бўлсин дейлик. Шарқ халқлари меъморий ёдгорликларида бунданда ёрқинроқ бўлади. Образли қилиб айтганда “яшилтоб”, лекин “қизилтоб”ни учрамайди. Учли равоқларни, сумалаксимон ҳосилаларни, гириҳий ва ўсимликсимон

мураккаб нақшларни кўрамиз, лекин баъзи ҳолларни ҳисобга олмаганда, Шарқда халқ турар-жойлари ва қурилишнинг бошқа турларида қадимдан қўлланиб келинаётган бошқа кўпгина меъморий ечимларни эътибордан четда қолдирамиз. Юқорида А.И. Герсеннинг эпиграф сифатида келтирилган сўзларини қандай такрор айтмай бўлади: “Одамлар безакдорликни яхши кўришади, ҳақиқатда эса улар биргина мақбул жиҳатни кўришади – орқада ҳатто, ўсимлик ўстирма, асл ҳақиқатлар фақат кубик тарзда намоён бўлади ва барча уч ўлчам уларга зарур”. Ғиштин гумбаз, равоқ ва сумалаксимон ҳосилалар тизими дунё меъморчилик тарихида Шарқнинг бебаҳо ҳиссасини ташкил этади, бироқ улар замонавий қурилишда муомаладан чиққан. Тиргак-тўсинли тарз ёғоч ва тошда бир мунча умумий шаклда қўлланилади; лекин у тарихий услублар сиқувида бўлиб, замонавий муҳандисликка йўл очиб берди. Халқ меъморлиги диний-маданий ва сарой туридаги бинолардан, равоқ ва гумбазли қурилиш тарзини тиргак-тўсинли тарздан авзал кўрганлиги билан хусусиятланмайди. Ўрта Осиёда гумбазли турар-жойлар кам учрайди, лекин гумбазлар карвонсарой, ҳамом сингари умумхалқ фойдаланадиган жамоа иншоотларида қўлланилган. Халқ меъморчилиги қай тарзда гавдалантирилмасин, маҳаллий кўриниши, шунингдек, фазовий ҳажм ва меъёрий унсурларнинг нафис ва соддалиги билан ажралиб туради. Кенг қўламлилик ва қурилмалилик, шаклнинг изчил тарзи, ҳажмлилик ва мутаносиблик халқ бинокорлигининг муносиб эстетик хусусиятлари ҳисобланади. Айнан шу аломатлар халқ бинокорлигини замонавий меъморчилик билан яқинлаштиради. Темир-бетон ҳам бир вақтлар меъморчиликда ёғочли қобирға қурилмаси ўзлаштирилганчалик ўзлаштирилмайди. Фазовий шаклнинг оқилона соддалиги қозиқчали ип ёрдамида ҳам ўлчаланади. Ўлчов воситалари бадиий шакл сифати билан эмас, қурилиш ишлари техникаси билан белгиланган. Ислом талаблари ва феодал тузумни ҳисобга олмаганда ўрта Шарқнинг санъат асарларига тарихий чекланган даврда муҳр қўйган хусусиятига кўра бирлашади: ҳовли атрофидаги ёпиқ бинолар гуруҳида; ёпиқ ҳовли қўлланилишида, ўз навбатида “очиқ ҳаводаги айвон” кўринишидаги махсус майдон ва ўтовлар; ўша ва бошқа

бинолар ҳамда майдончаларни бирфазовий бутунликда ярим очиқ ёки бутунлай очиқ турдаги айвонлар ва майсазорлар билан бирлаштиришда. Экинзорлар, суғориш манбалари, маҳаллий шароит талаб этган инсолиация ва гелиотермия сингариларни ҳисобга олган бошқа эҳтиёж чоралари барчаси биргаликда мажмуанинг йирик лойиҳасини ташкил этади.

Ўзбекистон текисликлари ва чўл ҳудудларидаги қишлоқлар меъморчилиги асрлар давомида юзага келган аянчли манзаларни намоён этганча жуда ҳароб ҳолга келган. Эртанги кунга умидсизлик ва қурилиш ҳом ашёсининг доимий танқислиги халқ меъморчилигини ҳақиқий санъат даражасига кўтарилишига ҳалақит бериб келмоқда. Кўзга кўринган маҳаллий масжидлар шаҳарлик усталар томонидан қурилган. Фақатгина ғиштли, йўқолиб бораётган феодалча қалъаларни эслатувчи баланд деворли минорачали "қўрғон"лар ҳамда "ҳовли"лар ўзларида қадим меъморий хусусиятларни сақлаб қолдилар. Мазкур меъморчиликнинг яримқалъалилик хусусияти ва ибтидоийлик деярли рамзий шакл аллақачон унинг келажагидан орқада қолиб кетди. Вақт шошилмоқда: бу турдаги қишлоқ қўрғончалари ўзларига махсус тадқиқотни жалб этмасданоқ кўз ўнгимизда ғойиб бўлишди. Тоғ ҳудудларидаги меъморчилик шуниси билан қизиқарли. Чорвачилик, лалмикорлик ва суғориш ишларининг ривожланиши амир-амалдорлар ва авлиё пирлар шарафига ажойиб иншоотлар барпо этилишига восита бўлди. Лекин асосий гап тоғли қишлоқлар меъморчилигида. Маҳаллий уста-қурувчилар, ўймакор ва тоштарошлар томонидан қурилган бундай уй-жойлар содда ва ўзига хослиги авлоддан-авлодга сақлаб қолган. Уларнинг меъёрий асарлари Бухоро ва Самарқанд сингари катта шаҳарларга хос бўлган зерикарлилик ва такрорийликдан ҳоли этилганча табиат манзараси билан табиий уйғунлаштирилган.

Тоғли қишлоқларда бадиий ўймакорликни юқори даражадаги мумтоз услубда бажариш мушкулдир. Лекин шунга қарамай ҳозиргача тўсин таглигида исму шарифлари ёзиб қолдирган маҳаллий халқ ўймакор ва усталарнинг ижод наъмуналари жонли ва завқлидир. Аслида ўймакор устунлар биз учун асосий аҳамият касб этмайди. Халқ бинокорлигида эмас, бинони

лойиҳалаштирган, тиклаган ва безакдорлик ишларини бажарган меъмор-уста-ўймакор бир кишининг ўзи эканлигида (ўша замонлардаги усталар тоштарошлик, ўймакорлик ишларини ҳам ўзлари олиб боришган). Ўзбекистоннинг барча ҳудудида, жумладан, тоғли ҳудудларида мавжуд халқ меъморчилигини ёркинроқ ва изчил тарзда очиб берувчи асосий негизлари излаб топилиб, маиший шарт-шароитлар ҳисобга олиниб, маҳаллий меъморий унсурлар ва қоидаларни, бинокорлик санъатининг тарихий изларини қидириб топиш муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий услубларга тақлид қилмасдан туриб, улар Ўзбекистон халқ меъморчилигининг нафақат самарали безакдорлигини, балки унинг фазовий кенгликларидаги "кубиклик" ни ҳам англашлари мумкин эди.

БАХШИЧИЛИКНИ БУХОРОДА ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

БухДУ – Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси М.Ў.Юсупова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг қадимий меросини сақлаб қолиш, бахшичилик йўналиши бўйича ёшларнинг ижодий салоҳияти, уларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, малакали бахшилар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 798-сон қарори асосида бугун юртимизда халқимиз маданиятининг ҳаётбахш сарчашмаси бўлган бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, унинг миллий маданиятимиз, санъатимиздаги ўрни, аҳамиятини юксалтириш, бахшичилик санъатининг илмий-назарий, амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, бахши-шоирлар ижодига кенг йўл очиб бериш, оммавий байрамлар ва маданий тадбирларда уларнинг фаол

иштирокини таъминлаш мақсадида кенг оммавий байрамлар ва маданий тадбирлар, халқаро анжуманлар ва танловлар ташкил этилиб келинмоқда[1]. Шундай санъат дурдонаси бўлмиш бахшичилик санъати бугунги кунда Бухоройи шарифда ҳам энди кўз очиб, бахшилар мактабини яратишимиз учун жуда катта туртки бўлди. Шу муносабат билан Биринчи халқаро бахшичилик санъати фестивали ташкил этилиб, унутилган қадриятларимиз тикланиб, зўр қизиқиш уйғотди. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтаётган I - Халқаро бахшичилик санъати фестивали Бухорода ҳам қадимий бахшичилик ва достончилик санъатига асос солиб, уни янги босқичда юксалтириб, вилоятда бахши-шоирлар ижодий мактабини яратишда дастуриламал бўлди[2]**.** Халқ амалий безак санъати тури – зардўзликда шуҳрат қозонган уста ҳунарманд Нодир Расулов, патдўз Феруз Жўраев, мис-кандакор Жасур Қосимов, ипак-гилам тўқиш ҳамда каштачилик чеварлари Сурайё Ҳалимова, Вазирабону Атоева ва бошқа ҳунармандларнинг кўргазмалари воҳанинг ўзига хослиги намоён этди[3]. Бахшичилик ҳақида фикр юритар эканмиз Бухоро воҳасини бирор бир байрамини, фестивалини ташкил этилишини байрам дастурхонисиз ва ажойиб таомлари “Палов-ош” танлови билан иштирок этишади ва ўз пиширган паловларини ташриф буюрган меҳмонларга ва байрамни томоша қилиш учун келган воҳа аҳолисига тақдим этишади. Чунки воҳада қандай байрам, қандай маросим бўлмасин келган меҳмон албатта ош билан сийланади. Паловнинг тайёрланиш услуби эрамиздан аввалги II–III асрларда қадимги Яқин Шарқ, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ярим оролида ташкил топиб келган. Қадимги араб ва форс адабиётининг энг ёрқин намоёндаларидан бири “Минг бир кеча” асарида ва IX–X асрларнинг қўлёзмаларида паловнинг байрамона таомлиги ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, уларнинг баъзиларида палов —*pilav, pilaf* деб номланган[4].

[1] “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарори

[2] http://mulkdor.com/. https://www.xabaruz.com/madaniyat/baxshichilik-sanati-umuminsoniy-qadriyat.

[3] https://www.xabar.uz/madaniyat/i-xalqaro-baxshichilik-sanati-festivali-buxoroda-baxshichilikni.

[4] Қурбонова М. Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши). Тарих фанлар номзод дис... – Тошкент, 1994. Б – 23- 24.

“Ўзбек таомларининг энг олийси, шохи палов ҳисобланади. Ҳеч бир тўй-томоша, мехмондорчилик паловсиз ўтмайди. Палов ҳар воҳала ўзига хос усулда тайёрланади”, - деб ёзади таниқли этнограф олим И. Жабборов. Бухоролик йирик олим, адабиётшунос, географ, шоир Қори Раҳматилло Возеҳ ўз асарида паловнинг 109 хили ҳақида (шу жумладан Бухоро воҳасида пишириладиган паловлар хусусида ҳам) сўз юритади[1]. Шу билан бирга аза маросимларида ҳам палов қилиниб, ўз навбатида, маросим таоми бўлиб ҳам ҳисобланади. Дарҳақиқат, палов энг қадимий таомлардан бўлиб, ўзбекларда бу таомнинг 200 хили учрайди[2].

Хулоса қиладиган бўлсак, бахшичилик ва достончилик санъатини ривожлантириш ҳозирги давр талабларидан биридир. Негаки, достонларда халқимизнинг азалий орзуармонлари, юксак тафаккур салоҳияти, мардлик, ҳур фикрлилик, эркинлик, бунёдкорлик, ҳалол меҳнат, иймон-эътиқод ғоялари илгари сурилганлиги билан ҳам уларнинг тарбиявий аҳамияти тобора ортиб бораяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелда қабул қилинган “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорида жумладан шундай дейилади:

“Айни пайтда бахшичилик ва достончилик санъатининг тарихи, бахшилар ва достончилар ижодини мукаммал ўрганиш, бу борада фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларини тўплаш, нашр этиш юзасидан яна кўпгина чора-тадбирларни амалга оширишга эҳтиёж сезилмоқда.”

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарори

[1] Қурбонова М.Б: Этнология соҳасида мақсадли саёҳат. Бойсун баҳори. Термиз Давлат Университети. Халқаро илмий- амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами.Т. “Янги нашр”. Б. 100.

[2] Курбанов Г. Н. Справочник памятка: Совети Бухарских кулинаров. Т: «Узбекистон» 1989. С.-24

2. Қурбонова М. Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши). Тарих фанлар номзод дис... – Тошкент, 1994. Б. -23 - 24 .

3. **Бўриев О.. Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. - Карши: Насаф, 2005. Б. - 195.**

4. http://mulkdor.com/.

5. https://www.xabaruz.com/madaniyat/baxshichilik-sanati-umuminsoniy-qadriyat

6. https://www.xabar.uz/madaniyat/i-xalqaro-baxshichilik-sanati-festivali-buxoroda-baxshichilikni.

TARIX VA ETNOGRAFIYA

БУХОРО АМИРЛИГИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ

Э.О.Қобулов ТермизДУ нинг Педагогика институти директори, Турон ФА нинг академиги, тарих фанлари доктори, профессор

Бухоро амирликнинг ижтимоий - иқтисодий ҳаётида қолоқлик ва турғунлик ҳоллари сақланиб қолганини ерга эгалик шаклларининг ўзгармай келиши, солиқ ва тўловларнинг ҳаддан ташқари кўплиги иқтисодиётнинг барча тармоқларига тўсиқ бўлиб келмоқда эди. Манғитлар даврида ҳам иқтисодиётнинг зарар кўрган ёки зарар қилмаган маблағларни халқ оммаси бошига солинадиган маблағлар ҳисобидан қопланган.

Бухоро амирлиги иқтисодида деҳқончилик етакчи ўринни эгаллагани сабабли, асосий солиқ хирож бўлган. Бу солиқ 2 усулда олинган бўлиб, улар қуйидагича бўлган:

1. Муаззаф хирожи ёки хирожи вазифа, натура ва пул шаклида бир йилда 2 марта –баҳор ва кузда йиғиб олинади;

2. Муқасама хирожи – етиштирилган ҳосил ҳисобидан олиниб, хирож минтақа ва ернинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, пул ҳамда маҳсулот ҳисобида доннинг бозор нархига қараб йиғиб олинган. Солиқнинг миқдори маҳаллий ҳукмдорнинг талаби асосида амалга оширилган.

“Рисолаи - Ҳабибия” асарининг муаллифи Ибодулло ибн Хўжа Орифи Бухорий хирож турлари ҳақида шундай ёзади: “Хирож икки турга бўлинади: муаззаф ва муқасама. Хирожи муаззаф маълум, хирожи муқасама экиш ердан олинадиган ҳосилнинг 1/3, 1/4 , ёки 1/5 ёки давлат раҳбарининг кам ёки кўп белгилашга боғлиқ”[1].

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар натижасида солиқлар пул ҳисобига олина бошлагач, деҳқонлар аҳволи янада оғирлашди. Хирож солиғининг пул шаклига ўтиши воҳанинг турли ҳудудларида турлича кечди. Шеробод, Бойсуннинг тоғ қишлоқларида солиқнинг катта қисми маҳсулот тарзида олинган. Солиқлардан деҳқонлар норозилиги нафақат ғаллани бозорга олиб бориш қийинлигини ва масофанинг узоқлиги, шунингдек, ғалланинг солиқ нархи унинг бозор нархидан баландлигини билан изоҳланади. Солиқлар йиғиштирилган ҳосил миқдорига ва ўртача бозор нархига қараб амир рухсат бергандан сўнг, яъни ғалла нархини белгилаб “муборакномалар” жўнатгандан сўнг солиқ йиғиш бошлангани эълон қилинган.

Давлат томонидан лавозимлардаги шахсларга.булар 30000 кишини ташкил этиб[2], иш хақи тўланмаслиги натижасида етиштирилган маҳсулотларнинг ҳақиқий бозор нархини эмас, баландроқ нарх қўйиб, мавжуд нарх солиқ тўпловчиларнинг шахсий даромадини ташкил этган. Қушбеги архивидаги ҳужжатларга асосланадиган бўлсак, маҳсулот нархлари 9-15 фоиз ошириб кўрсатилган. Солиқлар пул шаклида олинишига қарамай, амалдорлар амир олдида, аҳолидан қанча буғдой, арпа, жўхори ва умуман, қанча дон тўланганлигини пулга айлантириб, умумий сумма кўрсатилган.

Олиб борилган тадқиқотлар ердан олинадиган солиқ - хирожнинг миқдори йиғилган ҳосилнинг 1/5 дан токи 1/10 кисмигача бўлганлигини кўрсатиб ўтганлар. Л.Н.Соболевнинг маълумотида, Бухоро амирлигида хирожи - муаззаф қуйидаги миқдорда олинган 1 таноб буғдой экилган ердан - 2 танга ёки 15 фунт буғдой; 1 таноб беда экилган ердан - 2 танга; 1 таноб мевали буғдой

[1] Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. – Ташкент: Фан, 1970. – С.150.

[2] ЎзРМДА.47-жамғарма.1-езув.115а-иш.65-варақ.

-12 танга; узумзордан - 18 танга солиқ олинган[1].

Амирликнинг солиқлари турлича бўлиб, бунинг асосий сабаби ҳудуднинг ўзига хос географик ўрни, ер тузилишига қараб солиқ белгиланган. Масалан: Шеробод беклигида Сафид-бари эски урф-одатга кўра экиннинг 1/5, кабуд бари эса ¼, Денов беклигида эса ҳосилнинг 1/6 қисми ҳажмида солиқ йиғиб олинган[2].

Хирож билан бир вақтда, капсан, доруғайи, мушрифона, соғубардори, соғудорги, котибона муҳроне, сомон пуш, ўтин пуш, қамиш пуш, сув пуш, жўн пуш, тўй пуш, даллол пуш, мирғоб пуш ва шу каби солиқ турларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Капсан - маҳсулот тарзида солиқ йиғувчи учун олиниб, унинг аниқ миқдори белгиланмаган. Шеробод беклигида анъанага кўра, капсан солиғи жорий этилмаган эди, аммо аҳолидан мажбурий тарзда капсан солиғи йиғиб олинган[3]. Шеробод беклигида XIX асрнинг 80-йилларида солиқ йиғувчилар эски одат бўйича 4 пуд 32 фунт миқдорида солиқ олиши лозим бўлган. Аммо солиқчилар бу билан қаноатланмай, яна 5 грабил дон, қарийб 10 пуд, яъни 2 баробар кўп дон талаб қилишган[4].

Шуни таъкидлаш лозимки, капсан ҳар доим ҳам амлокдор фойдасига берилавермаган, баъзи ҳолатларда у хазинага хирож қўшимчаси сифатида олиниб, капсан йиғилиши хирож солиғининг 16,5 фоиздан 57 фоизгача бўлган қисмини ташкил этган[5]. 1915 йилда кафсан солиғидан тушган пул.9.380 минг сўмни ташкил этган[6].

Котибнома - котиб фойдасига олинадиган солиқ. Деновда амлокдорлар анъанани бузиб, ҳар бир мандан бир танга котиб

[1] Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе. С приложением списка населенных мест округа // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т. IV. – СПб., 1874. – С.376-377.

[2] Мухсинова К.З. Документы о крестъянских движениях в Бухарском ханстве в 80-е гг XX в.Из истории Средней Азии. – Ташкент, 1965. – С. 18.

[3] Мухсинова К.З. К истории выступлений Бухарских крестьян против налогового гнета в конце XIX в // Проблемы востоковедения. – Ташкент, 1959. – С. 99.

[4] Мухсинова К.З. Документы о крестъянских движениях в Бухарском ханстве в 80-е г. XX в. Из истории Средней Азии. – С.99.

[5] ЎзР МДА 126-жамғарма , 1-рўйхат, 1262 – иш, 9,60-варақлар;Хакимова К.З..Кравец Л.Н.Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент.Фан.1980.-С.128.

[6] ЎзРМДА. 47-жамғарма.1-рўйхат.115а-иш.73-варақ.

фойдасига солиқ олишган.

Муҳрона - бу ер эгаси томонидан хирмонни муҳрлаш учун йиғиладиган солиқ. Эски анъаналар бузилган ҳолда, муҳрона солиғидан ташқари, дон миқдори 20 фунтдан ортса солиқ олинганлиги Денов беклиги тўғрисидаги архив ҳужжатларида қайд этилган[1]..

Меҳнаткаш халқ зиммасидаги солиқ турларидан яна бири - маҳаллий оқсоқоллар томонидан олинган муштек солиғидир. Ҳар бир деҳқон олган ҳосилидан 2 кг миқдорида солиқ тўлаган.

Сурхон воҳаси бекликларида муштаб пуш алоҳида ажратилиб, ота-оналар фарзандининг ўқиши учун ўқувчиларга қўшбеги ҳужжатлари асосида 15-20 танга тўлаши қайд этилган. Шеробод бегининг мактаблар бўйича бошлиғи Мансур мактаб пулини ҳар ойга 20 танга ҳисобида белгилаган[2].

Халқ оммаси ариқ пуш, тегирмон пуш, майса пуш, андиз пуш ва ҳашак йиғимлари каби солиқлар ортиқча олинганидан анча жабр кўрган ва амирга мурожаат қилишгача бориб етган. Шеробод беклиги мулласи Абдураҳим амирга ёзган арномасида Шеробод беги ва амлокдорлар халққа ҳаддан ташқари зулм ўтказишаётганлиги ва ҳашар ниҳоятда кўпайиб кетганлигини қайд қилади. Суғориш иншоатларини қайта таъмирлашга 1-2 танга, йўлларни ва ариқларни, булоқларни таъмирлаш учун 11 танга ҳисобида солиқ олинган. Бекликлар ҳисобига ҳар бир хонадон йўлдан фойдаланганлиги, юк ташиганлиги, кўмир ёққанлиги, ун ташиганлиги ва бошқа турдаги ишлар учун белгиланган солиқларни тўлаб борганлар.

Сурхон воҳасининг Денов, Бойсун, Шеробод бекликларида барча аҳоли, яъни деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар ва бойлар йиллик даромаднинг қирқдан бир қисми миқдорида мусулмонлар учун фарз ҳисобланган - закот солиғини тўлашган. Закот - маҳсулот ёки товар қийматининг қирқдан бир қисми миқдори ҳажмида олинган. Бу солиқ чорвадорлардан жун қирқими вақтида ва савдодан олинган. Закот йиғувчилар тез-тез унинг миқдорини ошириб туришган. Боқиладиган моллар ҳи-

[1] ЎзР МДА 126-жамғарма , 1-рўйхат, 105–иш, 2-варақ;.Хакимова К.З..Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюцинном Узбекистане.-Ташкент.Фан 1980.-С.129.

[2] ЎзР МДА 126-жамғарма , 1-рўйхат, 1001 – иш, 18-варақ.

соби ҳар 3-5 йилда амирнинг алоҳида кўрсатмаси бўйича ўтказилган, ўтган йиллар учун кўпайган моллар учун закот олинган, бунда молларнинг ўлиши, йўқолиши этиборга олинмаган. Закот асосан пул шаклида олиниб, йиғилган пул хазинага юборилган. Закот йиғувчилар пул билан бирга амирга сарпо деб аталуви совғалар ҳам юборишган.

1904 йилга қадар Шарқий Бухорода закотнинг миқдори тартибга солинмаган эди. 1904 йилга келиб закотнинг миқдори қуйидагича қилиб белгиланди: 5 та юк ташувчи туя ҳисобидан 1 та қўй, 40 қўй ёки эчкидан 1 та қўй ёки эчки. Қўй ёки эчкининг сони 100 тагача бўлса, закотнинг миқдори ўзгармаган. 101 тадан 201 тагача бўлган қўй ёки эчкидан 2 бош ундан кўп бўлса 3 бош, ундан кўп бўлса ҳар 100 тасидан 1 бош қўй ёки эчки олинган[1].

Сурхон воҳаси бекликларида закот солиғи миқдори қуйидагича бўлган. Шеробод беклигида 100 минг танга, Сариосиёдан 165 танга, Денов беклигида 75 минг тангани ташкил этган[2].

Амирликнинг асосий солиқларидан бири - аминона солиғи, бу солиқ, Амир Музаффархон томонидан Россия билан бўлган урушга кетадиган харажатларни қоплаш мақсадида жорий қилиниб, бу урушдан кейин ҳам турли хил баҳоналар билан давом эттирилган. Аминона солиғи сотиладиган маҳсулот ва чорвадан олинган. Кўпгина йирик ҳунармандлар ўз савдо дўконларига эга бўлиб, сотилган ҳар бир буюмнинг 1.5 фоизи миқдорида Аминона солиғини тўлаганлар[3].

Чор ҳукуматининг Бухоро амири қошидаги сиёсий агенти аминона солиғидан тушадиган маблағини тўла ёритиб берган. Асосий маҳсулотлардан олинадиган миқдори 1.5 млн. рублга етган. Четда келтирилаетган 1 200 000 пуд пахта, қоракўл тери (2 000 000) ва жун (160 000 пуд) дан 40 000 рублъ аминона олинган[4].

Амирликнинг асосий даромадини пахта берган. Ҳар 8 пуд

---

[1] ЎзРМДА.47-жамғарма.1-рўйхат.115а-иш.67-варақ

[2] ЎзР МДА. 2-жамғарма , 1-рўйхат, 251 – иш, 2-варақ.;126-жамғарма.1-рўйхат.1271-иш.11-варақ;Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине Х1Хв Ч.11-Душанбе.АН ТаджССР.1963-С.76.

[3] Семенов А.А. Очерки поземельно-податного устройства.в Бухарского ханства-Ташкент.1929.-С53.

[4] ЎзРМДА.2-жамғарма.1 –рўйхат,303-иш. 14-варақ.

пахтадан 1 рубль 20 копеек, ҳар 150 қоракўл теридан 2 рубль, ҳар ботмон жундан - 1 рублъ аминона олинган. Қолган аминона асосан бозорда сотилган чорва молларидан тушган. Масалан, ўртача 150 рубль туя баҳоланганда 2 танга ёки 30 копеек, 150 рублик отдан - 16 копеек, эшакдан - 8 копеек, қўйдан - 6 копеек, қора молдан-5 копеекдан-15 копеекгача солиқ олинган[1].

Солиқлардан ташқари хонлик аҳолисидан ҳар хил йиғимлар ҳам олинган. Масалан, никоҳ шартномасини расмийлаштиришда никоҳланаётганлар қозига никоҳона тўлашган. Муҳр қўйгани учун муҳрона, болалар ўқиши учун мактаб пули, қурилиш ва дарахтзорлардан ускуна пули, чиғир орқали суғориладиган ердан чиғир пули, магистрал каналдан сув олгани учун лобаки пули, ариқлардан сув чиқарганлиги учун жўя пули, миробларга миробона ва бошқа йиғимлар умумий сони 50 дан ортган.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, воҳа хўжалигида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши, турларининг кўпайиши доимий тарзда юқори табақа назоратида бўлган. Шу туфайли сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида, давлат хазинасини тўлдириш, маъмурий-сиёсий, ҳарбий вазиятни тартибга солиб туриш, мустаҳкамлаш мақсадида амирлик ҳудудидаги аҳолини солиққа тортиш орқали амалга оширилган.

СССРНИНГ АГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (1939-1941 Й.)

Қаҳрамон Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА Тарих институти бош илмий ходими

Ўзбекистон аҳолиси коллективлаштириш ва қулоқлаштириш давридаги катта йўқотишлар ҳамда оммавий қатағон сиёсатидан сўнг XX асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошларига келганда муваққат тинчлик шароитида аста-секин ўзини ростлаб, фаол бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланишга киришди. Бу даврда ўзбек қишлоқлари ва шаҳарлари қиёфаси ўзгара бошлади. 1938 йил 15 январда Ўзбекистон ССР таркибида

[1] Ўша жойда-14-варақ .

дастлабки 5 та область: Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм областлари ташкил топди. 1941 йил 6 мартда Бухоро области таркибидан Сурхондарё области, Фарғона области таркибидан Андижон ва Наманган областлари ажралиб чиқди[1]. Ўзбекистонда кўплаб янги районлар ва шаҳарлар ташкил топди, қишлоқ советлари миқдори оширилди.

Ўзбекистон шароитида пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш сув муаммосининг ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқ эди. Фарғона ва Зарафшон водийларидаги, Хоразм воҳаси ва Мирзачўлдаги унумдор ерларни сув билан таъминлашни тартибга солиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланди[2].

1939 йилнинг июлида ВКП(б) МКнинг пленуми "Катта Фарғона каналини қуриш тўғрисида" деган масалани кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг канал қурилишига доир амалий тадбирлар тўғрисида 1939 йил 6 июндаги қарорини маъқуллади ҳамда партия ва совет органлари зиммасига республика колхозчилари ва барча меҳнаткашлари орасида Катта Фарғона каналининг аҳамияти тўғрисида оммавий тушунтириш ишларини авж олдириб юбориш ва қурилишга амалий ёрдам бериш вазифасини юклади.

Катта Фарғона канали ҳашар йўли билан 45 кун ичида, яъни 1939 йил 1 август – 17 сентябрда қурилди. Канал қурилишида 160 000 киши қатнашди, унинг узунлиги 270 км бўлган. Катта Фарғона каналининг қурилганлиги натижасида 500 000 гектардан кўпроқ суғориладиган ерни сувга қондириш яхшиланди ва 60 000 гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу канал Ўзбекистон ССРдаги 32 та пахтакор районни ва 5 та шаҳарни, шунингдек, қардош Тожикистондаги 4 та районни сув билан таъминлади. Кейинги йилларда Катта Фарғона каналининг узунлиги 350 километрга етказилди, урушдан кейинги даврда эса канал анча

[1] Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Б. 213 – 215, 217 – 218.

[2] Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1957. – Б. 332

кенгайтирилди ва реконструкция қилинди[1].

Ўзбекистонда бу даврда ҳашар йўли билан халқ қурилишлари усули кенг ёйилди. Бу усул билан Катта Фарғона каналидан ташқари Шимолий Фарғона канали ва Жанубий Фарғона канали, Хоразмда Тошсоқа канали, Кампирравот тўғони, Қорақалпоғистонда В.И. Ленин номидаги катта канал, Тошкент канали ва бошқа ирригация иншоотлари қурилди. Шунингдек, Каттақўрғон сув омбори ҳам қурила бошланди. Бу сув омбори урушдан кейинги даврда қуриб битказилди.

Ўзбекистонда халқ қурилишлари авж олган ҳамда ўзбек халқининг бунёдкорлик фаолияти давом этаётган бир шароитда жаҳон сиёсий майдонида катта ўзгаришлар юз берди. 1939 йил 23 августда Москвада СССР ва Германия ўртасида 10 йил муддатга ҳужум қилмаслик тўғрисида битим имзоланди (бу битим тарихда Молотов − Риббенроп пакти номи билан машҳур)[2]. Битимнинг махфий қисмида иккала давлатнинг бўлажак чегаралари ва таъсир доиралари белгилаб олинди. Польша, Болтиқбўйи ва Финляндияда Совет Иттифоқининг таъсир доираси кучайтирилди.

Германия ва СССРнинг Польшага ҳужуми. 1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германиясининг Польшага ҳужум қилиши билан Иккинчи жаҳон уруши бошланди. 3 сентябрда Франция ва Англия давлатлари Германияга қарши уруш эълон қилди. 17 сентябрда эса СССР ва Германия ўртасида ҳужум қилмаслик тўғрисидаги битимнинг махфий моддаларига мувофиқ совет қўшинлари Польша ҳудудига бостириб кирди. Ўша пайтдаги совет ҳукумати берган баёнотга қараганда, қизил армия гўёки Польша ҳудудига Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия аҳолиси ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш учун кирган[3]. Бундай фикрларни орадан 83 йил ўтгач – 2022 йил 24 февралда Россия Федерациясининг Украинага агрессиясини хаспўшлаб, президент В.Путин ҳам тўтиқушдек такрорлаб, гўёки бугунги кунда Россиянинг юз минг кишилик армияси Украина тупроғига “тинчлик ўрнатиш

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том IV. Бош муҳаррир И.М. Мўминов. −Тошкент: “Фан”, 1971. −Б. 35.

[2] “Правда” (Москва). 24 августа 1939 г.

[3] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. – Москва: Воениздат, 1974. – С. 467.

ва тиня аҳолини миллатчилардан озод қилиш” учун киришган деб иддао қилмоқда.

28 сентябрда Германия қўшинлари томонидан Варшава олингач, Польша таслим бўлди. Германия ва Россия томонидан Польшани бўлиб олиш жараёни бошланди. Бундан ташқари 19 сентябрда қизил армия қўшинлари Вильнюсни босиб олди. Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон уруши аслида Германия ва СССРнинг Польшага агрессияси ва босқинчилик ҳужуми билан бошланган эди.

Брест-Литовскда 1939 йил 22 сентябрда Польшани тор-мор келтириш операциясининг тугатилиши шарафига совет ва немис қўшинларининг қўшма паради ўтказилди. 28 сентябрда (нацистлар ўша куни Варшавани босиб олган эди) эса СССР ва Германия ўртасида дўстлик ва чегаралар тўғрисидаги шартнома имзоланди[1].

Иккинчи жаҳон урушининг айнан Германия ва СССР томонидан Польша давлатига қилинган агрессия билан бошланиши ўн йиллар давомида совет давлати тарихшунослигида, 1992 йилдан бошлаб эса Россия ва Ўзбекистон тарихи фанида бутунлай нотўғри талқин қилинди. Саксон йилдан ортиқ вақт мобайнида Иккинчи жаҳон уруши бошланишининг асосий айбдори сифатида фақат фашистик Германия (Гитлер Германияси) ҳукумати айбдор қилиб кўрсатилди. Ҳолбуки, Польшанинг босиб олиниши ва бўлиб ташланишида коммунистик давлат ҳисобланган Совет Иттифоқининг “ҳиссаси” немисларникидан кам бўлаган. Польшанинг сўнгги 200-300 йиллик тарихи мамлакат ҳудуди аввал Россия империяси ва Пруссия, сўнгра СССР ва Германия томонидан бир неча марта босиб олинганлиги ҳамда мустамлакачиликнинг даҳшатли фожиаларидан дарак беради.

Иккинчи жаҳон уруши тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларнинг фикрича, совет давлати Польша ҳудудига бостириб кирган 1939 йил 17 сентябрдан бошлаб Польшага қарши урушнинг иккинчи босқичи бошланди[2]. 12 сентябрь куни ҳарбий

[1] Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Учта китоб. 2-китоб. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2015. – Б. 200.

[2] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. – Москва: Воениздат, 1974. – С. 29.

амалиётлар бораётган ҳудудга Германия фюрери А.Гитлер келиб, Польша пойтахтини зудлик билан эгаллашни талаб қилади. Поляк халқи душмандан ўз шаҳар ва қишлоқларини, хусусан, пойтахт Варшавани мардонавор ҳимоя қилди. Польяк тарихчиларининг фикрича, пойтахтни мудофаа қилиш учун бўлган жангларда 5000 нафар солдат ва офицер ўлдирилди, 16 000 киши ярадор қилинди. Тинч аҳолининг йўқотишлари 25 000 нафар кишидан ортиб кетган[1]. Тенг бўлмаган жангларда мағлубиятга учраган Варшава гарнизони, аввал ёзилганидек, 28 сентябрда таслим бўлиш ҳақидаги актни имзолашга мажбур бўлди.

1939 йил 8-12 октябрда Германия ҳукумати томонидан Польша давлати бутунлай тугатилди. Польшанинг ғарбий вилоятлари Германияга қўшиб олинди ҳамда мамлакатнинг қолган қисмида "босиб олинган Польша вилоятлари генерал-губернаторлиги"нинг ташкил этилиши тўғрисидаги декретлар эълон қилинди[2].

1939 йил 17 сентябрда Польша давлати ҳудудига бостириб кирган қизил армия қўшини ҳарбий ҳаракатларини асосан 25 сентябрда якунлайди. Совет давлати 12 млн киши яшайдиган 190 000 км²дан зиёд ҳудудни босиб олади. Бу ҳудудларда яшовчи аҳолининг фақат 6 млн нафари украин, 3 млн нафари белорус, қолгани бошқа халқлар вакиллари эди. Польшанинг мустақил давлат сифатида тугатилиши натижасида СССРнинг чегаралари ғарб томонга 250-350 км узаяди. Совет давлати ва коммунистлар зудлик билан Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳудудларида 1939 йил октябрда сайлов ўтказишади[3]. СССР Олий Советининг 1939 йил ноябрда Москвада бўлган 5-сессиясида Ғарбий Украина 1 ноябрь куни Украина ССР ҳамда Ғарбий Белоруссия ҳудудлари 2 ноябрь куни Белоруссия ССРга таркибига киритилди[4]. Белоруссия ССР ҳудуди қарийб икки марта (125 500 км²дан 225 700 км² гача) ва аҳолиси ҳам икки марта (10 200 000 киши-

[1] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. – Москва: Воениздат, 1974. – С. 30.

[2] Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Учта китоб. 2-китоб (1795-1960 й.). Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Тошкент: "O'zbekiston", 2015. – Б.200.

[3] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. – Москва: Воениздат, 1974. – С. 356-357, 468; Советская историческая энциклопедия. Том 3. – Москва: "Советская энциклопедия", 1963. – С.851-858.

[4] СССР тарихи. 1917-1982. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.428.

га) кўпаяди[1].

Бундан ташқари совет қўшинлари томонидан 1939 йил 19 сентябрда босиб олинган қадимий пойтахт – Вильно (ҳозирги Вильнюс) шаҳри ва Вильно области октябрь ойида Литва Республикасига вақтинчалик берилди.

СССРнинг Финляндияга ҳужуми. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, орадан кўп ўтмай совет-фин муносабатлари кескин ёмонлашди. Польшанинг катта қисмини босиб олган Совет Иттифоқи эндиликда шимолий қўшниси, юз йилдан ортиқ вақт давомида (1809-1917 й.) Россия империяси таркибидан бўлган Финляндияни босиб олиш учун сабаб ва баҳоналар ахтарди.

1939 йил 5 октябрда Москвага чақирилган Финляндия ташқи ишлар вазири ва мудофаа вазирлигининг ҳарбий қўмондонлари олдига совет давлати қуйидаги шартларни қўяди:

1) Финляндия ўз чегарасини Ленинграддан 90 км нарига суриши ва ўртадаги ҳудудни СССРга бериши;

2) Ханко ярим оролида 30 йиллик ижара билан СССР ҳарбий-денгиз базасини жойлаштириш учун ер берилиши;

3) СССР ҳарбий денгиз кучларига Ханко яқинидаги Лаппохя портидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиши;

4) ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақидаги совет-фин пактини имзолаш ва учинчи томон бостириб кирганда бир-бирига ҳарбий ёрдам бериш;

5) Болтиқ денгизидаги Гогланд, Лавансаари, Тютярсаари ва Сейскори оролларини СССРга бериш;

6) ҳар иккала давлат ҳам Карелия бўйнидаги истеҳкомлардан қўшин ва қурол-яроғларини олиб чиқиб кетиши керак ва бошқалар[2].

Табиийки, Финляндия ҳукумати СССРнинг бундай сурбетларча оғир ва шармандали шартларини қабул қилмайди. Ноябрь ойи бошларида ҳар икки томон ўртасида Москвада бўлиб ўтган навбатдаги музокаралар ҳам самарасиз тугайди.

1939 йил 30 ноябрь куни эрталаб қизил армия Ленинград яқинида чегарани кесиб ўтиб, Финляндия ҳудудига бостириб

[1] История Беларуси. Полный курс. Учебное пособие. – Минск: «Юнипресс», 2010. – С.367.

[2] Kun.uz …..

киради. Совет давлати бу агрессияни “фин халқини капиталистлардан қутқариш учун олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар” деб ўз халқи ва бутун дунёни навбатдаги марта риёкорларча алдайди. Ҳолбуки, Финляндия армияси катта миқдордаги ва яхши қуролланган совет қўшинларига қарши жиддий қаршилик кўрсатади. Мамлакатда партизанлик уруши авж олади. Фин халқи, ҳатто чегара ҳудудларида яшовчи кареллар ҳам, яъни тинч аҳоли вакиллари совет давлати ҳарбий кучлари бўлган қизил армия қисмларини бир қатор жангларда мағлубиятга учратишади. Хусусан, Маннергейм линиясида қақшатқич жанглар бўлиб ўтади. Жаҳондаги аксарият давлатлар СССРнинг босқинчилик урушини қоралаб чиқишади. Скандинавия давлатлари, АҚШ ва бошқа мамлакатлардан келган 11 500 нафар кўнгиллилар қизил армияга қарши жангларда қатнашади[1].

Совет давлатининг ҳарбий кучлари қаҳратон қишнинг совуқ кунларида катта йўқотишга учраб, фақат Финляндиянинг озгина қисмини босиб олишга муваффақ бўлади. Улар бу ерларда қўғирчоқ “Финляндия демократик республикаси” тузилганлигини эълон қилишади. Хуллас, финларга Европанинг кўплаб давлатлари ҳарбий ва гуманитар ёрдам беришса ҳам, улар кучли ва катта миқдордаги қизил армия ҳужумига охиригача чидаши қийин эди. Совет қўшинлари 1940 йил 13 март куни оғир жанглардан сўнг Виборгни қўлга олишади.

1940 йил 12 мартда Москвада совет-фин шартномаси имзоланди. Бу шартномага кўра, совет қўшинлари томонидан босиб олинган Ладога кўлининг шимол ва ғарб томонидаги ерлар (Виборг, Сортавала ва б.) СССРга ўтади. Шунингдек, Финляндиянинг шимоли-шарқидаги Лапландия вилоятининг Салла шаҳрига туташ ҳудудлари ва шимолда Мурманск вилояти билан чегарадош бўлган ерларни ҳам совет давлати олади. Шу тариқа Финляндиянинг Шимолий муз океанига чиқиш йўли тўсилади. Бундан ташқари Фин кўрфазидаги Гогленд ороли ва Ханко ярим оролини совет давлати тортиб олади[2]. (Хако ярим ороли 1944 йил 19 сентябрда Финляндияга қайтарилган.)

[1] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. – Москва: Воениздат, 1974. – С.363.

[2] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. – Москва: Воениздат, 1974. – С.365.

Хуллас, Финляндия ўз ҳудудининг 11 фоизи (40 000 км²)ни йўқотиб, СССРдан шу йўл билан ўзининг давлат мустақиллигини сақлаб қолди. Бироқ бу урушда совет давлати "ғалаба" қозонган бўлса ҳам, экспертлар томонидан аслида бу ғалабага мағлубият сифатида қаралади. Бу урушда совет давлати катта йўқотишларга учрайди.

НКВДнинг расмий маълумотларида совет-фин урушида 1341 нафар қизил аскар ҳалок бўлганлиги, 320 нафари бедарак йўқолганлиги айтилса ҳам бу рақамлар ҳақиқатдан жуда узоқ. Кейинчалик СССР бу урушда 126 000 нафар ҳарбийларнинг йўқотганлиги, уларнинг 71 000 нафари жангларда ҳалок бўлганлиги, 16 200 нафари госпиталларда ўлганлиги, 39 300 киши бедарак йўқолганлиги СССР мудофаа вазирлиги томонидан эътироф этилади[1]. Бундан ташқари совет давлати худди бугун Россиянинг Украинага қарши агрессиясида жуда катта миқдорда танклар, самолётлар, тўплар, бронетехникаларидан жудо бўлганидек, бу урушда ҳам кўп миқдорда ҳарбий техникаси йўқотган. Финляндиянинг расмий маълумотларида келтирилишича, улардан тахминан 40 000 киши урушда ҳалок бўлган, яна 40 000 одам яраланган.

Совет-фин уруши (1939 йил ноябрь – 1940 йил март) натижасида босиб олинган ҳудудлар (Виборг шаҳри ва Ладога кўли атрофидаги ерлар) СССР ихтиёрида қолди. Ленинград атрофидан ташқари бошқа ҳудудлар 1923 йили РСФСР таркибида тузилган Карелия АССРга берилди. Урушдаги "ғалаба"дан руҳланган совет давлати Карелия АССРни Карело-Фин ССР қилиб, 1940 йил 31 мартда ташкил қилди ҳамда уни СССР таркибига киритди. (Бироқ орадан 16 йил ўтгач, Карело-Фин ССР тугатилиб, 1956 йил июлда у РСФСР таркибида қайта Карелия АССРга айлантирилди.)[2]

Совет-фин уруши ва совет давлатининг бошқа агрессив юришларида Тошкент пиёдалар билим юрти битирувчилари[3]

---

[1] Kun.uz……

[2] Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Учта китоб. 2-китоб (1795-1960 й.). Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Тошкент: "O'zbekiston", 2015. – Б.204.

[3] Ташкентское [Краснознаменное и ордена Красной звезды] военное училище имени В.И. Ленина. Краткий исторический очерк. – Ташкент: Государственное издательство Узбекской ССР, 1958. – С. 161.

ва бошқа ўзбекистонликлар ҳам қатнашишга мажбур қилинди. Масалан, кейинчалик атоқли давлат арбоби бўлиб етишган Нуриддин Муҳитдинов совет-фин урушида кичик офицер сифатида қатнашган.

Миллатлар Лигаси 1939 йил 14 декабрда СССРни агрессиячи мамлакат деб эълон қилиб, уни Лигага аъзоликдан чиқарди. Бу пайтда Германия ҳам Миллатлар Лигасидан чиқарилган эди.

СССРнинг Болтиқбўйи мамлакатлари Латвия, Литва ва Эстонияга ҳужуми. Совет давлати Польшани "тинчитгач", бутун эътибори Болтиқбўйи давлатларини ўз таркибига қўшиб олиш ҳамда бу ерларни советлаштиришга қаратди. 1939 йил сентябрь ойида Москвада Эстония, Латвия ва Литва ҳукуматлари билан музокаралар ўтказилди. Музокаралар натижасида СССР билан 28 сентябрда Эстония ўртасида, 5 октябрда Латвия ўртасида, 10 октябрда Литва ўртасида шартномалар тузилиб, учта мустақил давлат ҳудудига совет қўшинлари (қизил армия қисмлари) жойлаштирилди[1].

СССР ва унинг ҳарбий кучлари, НКВД агентлари Болтиқбўйи мамлакатларида сиёсий ва ижтимоий аҳволни издан чиқариш, бу ҳудудларда маҳаллий коммунистик партиялар тузиш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, советпараст ва россияпараст сиёсий кучларни ҳокимияга келтириш, гўёки демократик кучларни "фашистпараст ҳукуматлар"га қарши миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлаш учун барча воситаларни ишга солди. 1940 йил июнь ойида Болтиқбўйини босиб олиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Совет давлати дастлаб Литвани босиб олиш режасини амалга оширди.

1940 йил 15 июнда Литванинг Вильнюс, Каунас, Шяуля шаҳарларида совет давлати махфий хизмат ходимлари ва ҳарбийлари томонидан провакация чиқишлари амалга оширилди. Бу ерда турган совет қўшинлари амалдаги ҳукуматни ағдариб ташлаб, 17 июнда Ю.Палецкис раҳбарлигида коммунистлардан иборат "халқ демократик ҳукумати"ни ташкил қилдилар.

СССР қўшинлари 1940 йил 17 июнь куни эрталаб соат 05°°да Латвия давлати ҳудудига бостириб кирди. Бу билан совет дав-

[1] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. – Москва: Воениздат, 1974. – С.366.

лати 1920 йили имзоланган Латвия-Россия ҳамда 1932 йилдаги Латвия ва Совет Иттифоқи ўртасида тузилган ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани қўпол равишда бузди. Қизил армия қўшинлари оккупацияси ва ҳарбий амалиётларни СССРнинг Ригадаги элчихонаси ҳамда НКВДнинг Латвиядаги оператив гуруҳи марказлаштириб турган[1].

Ригада рус тилида 2005 йили чоп этилган китобда[2] ёзилишича, 20 июнда босиб олинган Латвия ҳудудида профессор Аугуст Кирхенштейн бошчилигида қўғирчоқ "халқ фронти ҳукумати" тузилган. Бу ҳукумат икки ойча фаолият кўрсатган. Бу пайтдан бошлаб большевиклар ва совет давлати ёрдамида ташкил қилинган Латвия Коммунистик партиясининг роли давлат ва жамиятда ортиб борган. Халқ Сеймининг биринчи мажлиси (1940 йил 21 июль) бўлгунга қадар 70 нафар Латвия фуқароси қамоққа олинган ва Россияга депортация қилинган. Бу пайтда Болтиқбўйидаги учала давлатнинг раҳбарлари: Литва собиқ бош вазири ҳамда президент вазифасини бажарувчи Антанас Меркис 16 июлда; Латвия Президенти Карлис Улманис 22 июлда; Эстония Президенти Константин Пятс 22 июлда сургун қилинган. Латвияда совет режими томонидан сиёсий террор кучайтирилган. 1940 йил ноябргача босиб олинган мамлакат ҳудудида 1500 нафар киши сиёсий сабаблар билан қамоққа олинган эди[3].

20 июнь куни навбат Эстонияга етиб келди. НКВД агентлари ва совет қўшинлари томонидан 21 июнда Эстонияда ҳам И.Варес бошчилигида "демократик ҳукумат" ташкил қилинди[4].

1940 йил 14-15 июлда Болтиқбўйи давлатларида Москванинг кўрсатмаси билан "умумхалқ демократик сайловлари" ўтказилди ҳамда 21 июль куни улар мажбурий равишда СССР таркибига киритилди.

Хуллас, 1940 йил ёзида Латвиядан ташқари Литва Эстония

[1] Қаранг: История Латвии XX век. Научный редактор: Инесис Фелдманис. – Рига: "Jumava", 2005. – С.231.

[2] «История Латвии XX век" номли мазкур китобга Латвия Президенти Вайра Вике-Фрейберга ҳамда Латвия ташқи ишлар вазири Артис Патрикс алоҳида тарзда махсус сўзбоши ёзганлар. Бу ҳақда қаранг: История Латвии XX век. Научный редактор: Инесис Фелдманис. – Рига: "Jumava", 2005. – С.5-6, 7-8.

[3] История Латвии XX век. Научный редактор: Инесис Фелдманис. – Рига: "Jumava", 2005. – С.234, 236.

[4] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. - С.368.

ҳам совет қўшинлари томонидан босиб олиниб, Болтиқбўйи ҳудудида ҳам янги совет режими ўрнатилди. 1940 йил 21 июлда, яъни бир кунни ўзида Латвия ССР (ЛатССР), Литва ССР (ЛитССР), Эстония ССР (ЭССР) ташкил қилинди. Уччала совет республикасининг раҳбарлари қилиб СССРга содиқ маҳаллий коммунистлар қўйилди. СССР Олий Советининг 7-сессиясида 1940 йил 3 августда Литва ССР, 5 августда Латвия ССР, 6 августда Эстония ССР совет давлати таркибига қабул қилинди[1]. Хуллас, Эстония ССР 16-иттифоқдош совет республикаси сифатида Совет Иттифоқи таркибига киритилган. (Бу республикалар мажбурий тарзда 1940-1990 йилларда СССР давлати таркибида бўлган.)

Бессарабия ва Шимолий Буковинанинг СССР таркибига қўшиб олиниши. Бундан ташқари совет давлати 1940 йил ёзида ўзининг тажовузкор босқинчилик сиёсатини давом эттириб, Бессарабия ва Шимолий Буковина ҳудудларини ҳам улкан империя таркибига киритди. Бессарабия ва Шимолий Буковина ҳудуди Руминия давлатидан тортиб олинди. Совет давлатининг фикрича, Руминия Россия таркибидаги бу ҳудудларни 1917-1918 йилларда босиб олган эди.

СССРнинг ҳарбий куч-қудрати ва босқинчилик сиёсатидан чўчиган Руминия бу ҳудудлар масаласидаги келишмовчиликларни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилишга интилди. 1940 йил 26 июнда совет давлати Руминиянинг Москвадаги элчиси орқали бу ҳудудларни СССРга қайтариш тўғрисида нота топширди. Ўзаро музокаралар натижасида Руминия давлати Бессарабия ва Шимолий Буковина (ҳудуди 651 000 км^2; ахолиси 4 млн киши)ни Совет Иттифоқига беришга рози бўлди[2].

1940-йил 28 июнда армия генерали Г.Жуков қўмондонлигидаги жанубий қўшинлар гуруҳи Днестрни кечиб ўтиб, Бессарабия ва Шимолий Буковина ҳудудига бостириб кирди. 3 июль куни совет қўшинлари Молдавиянинг ғарбидаги Прут дарёси ёнида тўхтаб, “СССР ва Руминия ўртасидаги чегарани тиклашди”[3].

[1] Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Учта китоб. 2-китоб (1795-1960 й.). Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Б.203.

[2] История второй мировой войны 1939-1945. В двенадцати томах. Том 3. - С.370-371.

[3] Степанюк В. Государственность молдаванского народа (Исторические, политические и провавые аспекты). – Кишинёв: “Tipografia Centrala”, 2006. – С.340-341.

Бессарабия ҳудуди Днестрининг сўл соҳилида жойлашган Молдавия АССР (бу пайтда Украина ССР таркибида бўлган) таркибига киритилди. Совет давлати янги босиб олинган ҳудудларда коммунистик партия ва Советлар фаолиятини йўлга қўйди. Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳамда Болтиқбўйи ҳудудларида бўлгани сингари молдаванлар диёрида ҳам советлаштириш ва руслаштириш жараёни қатъий суратларда бошланди.

1940 йил 2 августда Москвада ўтган СССР Олий Советининг 7-сессиясида Молдавия АССР ўрнига Молдавия ССР (МолдССР) ташкил топди[1] ҳамда ўша куни Совет Иттифоқи таркибига қабул қилинди[2].

Айнан ушбу 7-сессияда Шимолий Буковина ҳудуди ҳамда Бессарабиянинг айрим уездлари (Хотин, Оқхирмон, Измаил уездлари)[3] Украина ССРга берилди. Совет давлати томонидан Бессарабия ва Шимолий Буковина ҳудудларининг босиб олиниши натижасида СССРнинг чегаралари ғарб томонга қараб 200 кмдан ортиқ силжиди.

Хуллас, Совет Иттифоқи 1939-1940 йилларда агрессив ташқи сиёсат юритиб, ўнга яқин қўшни давлатларга ҳужум қилди. Бу босқинчилик урушлари натижасида Польша давлати бутунлай тугатилди. (Польшани Германия ва СССР босиб олди), Болтиқбўйидаги учта давлат (Латвия, Литва, Эстония) ҳудуди ҳам босиб олиниб, бу ерда совет ҳокимияти мажбуран ўрнатилди ҳамда янги ташкил қилинган совет республикалари СССР таркибига қабул қилинди, Руминиядан Бессарабия ва Шимолий Буковина тортиб олиниб, янги совет республикаси (Молдавия ССР) тузилди ва СССРга киритилди, совет-фин уруши натижасида босиб олинган ҳудудларда янги Карело-Фин ССР ташкил қилиниб, у ҳам Совет Иттифоқи таркибига киритилди. Фақат Ғарбий Белоруссия ва Ғарбий Украина ҳудудлари Белоруссия ССР ва Украина ССРга қайтарилди. Совет давлатининг бундай тажовузкорлик ва босқинчилик ҳаракатлари “дунёда тинчлик

[1] СССР тарихи (1917-1982 й.). Русча 3-нашрига мувофиқ ўзбекча 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 432.

[2] Степанюк В. Государственность молдаванского народа (Исторические, политические и провавые аспекты). – Кишинёв: “Tipografia Centrala”, 2006. – С.349-350.

[3] Ҳозирги пайтда Молдова Республикаси таркибида бўлган бу ҳудудларда асрлар давомида туркий халқ бўлган гагаузлар яшаб келишган.

қўрғони” деб улуғланган СССР давлатининг ҳақиқий юзини очиб берди.

Бу воқеалар ўз даврида совет тарихшунослигида бутунлай бошқача талқин қилинган. Совет давлатининг босқинчилик сиёсати атайлаб яширилган. Кейинчалик Германия томонидан СССРга ҳужум қилингач, СССР энди агрессор давлатдан фашизмга қарши курашаётган мамлакатларнинг бирига, антифашистик коалициясининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган давлатга айланди.

ПРАВИТЕЛЬ И ИСТОРИК АБУЛГАЗИ БАХАДУРХАН ХИВИНСКИЙ

Вохидов Шодмон Хусейнович,
доктор исторических наук, профессор.
Гулпари Шарифова,
кандидат филологических наук.

Аннотация:Абулгази сын Араб Мухаммадхана был правителем Хорезма в течении двадцати лет (1644-1664). Абулгази родился 15 месяца раби I, 1012 года хиджры/23 августа 1603 года. Умер он в месяце рамадан 1074/ в марте 1664 года вХиве. Абулгази четвертый сын хивинского правителя Араб Муҳаммада, который правил в 1602-1621 гг.

Абулгази является автором двух исторических произведений. Первое произведение называется «Шаджарайи тарокима» (Родословие туркмен), написаный между 1658 - 1661 годами. В ней он дает сведения о происхождении туркмен и туркменских племен, на основе народных преданий.

«Шаджарайи тарокима», судья по сведениям самого Абулгазихана была написана по просьбе туркменских мулл, шейхов и беков. Научно-критичкский текст этого произведения с большим научным введением был издан в 1958 году академиком А. Н. Кононовым (1906 - 1986) в Ленинграде До нас дошли семь списков данного произведения.

Второй труд Абулгази известен под названием «Шаджарайи

турк» (Родословие тюрков). Основная часть этого произведения написана в 1663-1664 годов. В этом произведении рассказана и социально-политическая история Хорезма в XVI – первой половине XVII века.

В статье дается обзор жизни и деятельности Абулгази Бахадурхана, содержание его произведений.

Ключевые слова. Абулгази – правитель и историк, генеалогия туркмен, генеалогия турков, Хорезм, трайбализм.

RULER AND HISTORIAN ABULGAZI BAHADURHAN RULER OF KHIVA KHANATE

Summary: Abulgazi the son of Arab Muhammadkhan was the ruler of Khorezm for twenty years (1644-1664).Abulgazi was born 15 months of Rabi I, 1012 AH/23 August 1603. He died in the month of Ramadan 1074/in March 1664 in Khiva. Abulgazi is the fourth son of the Khiva ruler Arab Muhammad, who ruled in 1602-1621.

Abulgazi is the author of two historical works. The first work is called "Shajarayi Tarokima" (Genealogy of Turkmen), written between 1658-1661. In it, he gives information about the origin of Turkmen and Turkmen tribes, based on folk traditions.

"Shajarayi tarokima," the judge, according to Abulgazikhan himself, was written at the request of the Turkmen mullahs, sheikhs and beks. The scientific-critical text of this work with a large scientific introduction was published in 1958 by academician A.N. Kononov (1906-1986) in Leningrad. Seven lists of this work have reached us.

The second work of Abulgazi is known under the name "Shajarayi turk" (Genealogy of the Turks). The main part of this work was written in 1663-1664. This work also tells the socio-political history of Khorezm in the XVI - first half of the XVII century.

The article gives an overview of the life and activities of Abulgazi Bahadurhan, the content of his works.

Keywords. Abulgazi - ruler and historian, Turkmen genealogy, Turkish genealogy, Khorezm, tribalism

Абулгази сын Араб Мухаммадхана был правителем Хорезма в течении двадцати лет (1644-1664). Но, по едкому замечанию историка Бурибой Ахмедова, "он остался на страницах истории

не как правитель, а как ученый. Занятие наукой сделало его знаменитым. Он был глубоко обьразованным человеком”[5, 217].

Абулгази сам пишет: “Аллах одарил этому бедному много вещей. Особенно он мне дал три ремесла. Первая, науку и правила войны: как оседать коня, как ехат, как идти на врага, поход с большинством войск и с наименшим числом воинов, как вести себя с друзьями и с врагами. Вторая, способность выучит и понимать месневи, газели, китъа и четверостишия, стихотворения, знать слова на арабском, фарси и тюркском. Третьяя, знать больше или меньше имена, жизнь и историю правления царей Аравии, Ирана, Турана и Могулистана” [3, 8-9].

Абулгази родился 15 месяца раби I, 1012 года хиджры/23 августа 1603 года. Умер он в месяце рамадан 1074/ в марте 1664 года вХиве. Абулгази четвертый сын хивинского правителя Араб Муҳаммада, который правил в 1602-1621 гг.

Абулгази, слишком рано начал жит взрослой жизню, в шестилетнем возрасте умерла его мать Мехрибану хатун дочь султана Джангази, потомка Шейбанихана. В 13 лет он включился на борьбу за трон. В 1616 году его братья Хабаш султан и Элбарс султан, опираясь на поддержку предводителей племен найман и уйгур (их мать была из племени гегемона - найман) восстали против отца Араб Мухаммада.

Правитель стараясь успокоить своих сыновей и для установления пермирия отдал своим бунтовавшим сыновьям также город Вазир. Не прошло и пяти лет, как снова обострились отношения между правителем и его сыновьями. Их противоречие превратилось в войну. В 1621 году недалеко от колодца Ташли ярмиш произошло сражение между Араб Мухаммадом, его старшим сыном Исфандияр султан и Абулгази, с одной стороны и Хабашом султан и Элбарс султаном с другой. В результате этого сражения Араб Мухаммадхан, Исфандияр султан и Абулгази султан потерпели поражение. Попавший в плен Араб Мухаммад был ослеплен и был брошен в темницу в городе Хива и вскоре был казнен сыновьями.

После сражения Абулгази убежал в город Кят, затем нашел убежище у Бухарского правителя аштарханида Имамкулихана (1611-1642). Другие сыновья Араб Мухаммадахана Исфандияр

султан, Шариф Мухаммад султан и Хорезмшах султан убежали и скрылись в кепости Хазарасп.

После сорока суток осады Хабаш и Элбарс заключили перемирие с братом Исфандиёром, младшими братьями Шариф Мухаммадом и Хоразмшах султанами; Исфандиёру под предлогом совершения обряда паломничества выслали в Мекку, Шариф Мухаммад султону отдали Кят, двенадцатилетный Хоразмшах султан и десятилетный Афган султан отправили в Хиву.

Исфандиярхан по дороге в Мекку свернул в Исфахан, и при поддержке Шах Аббаса I (1587-1629) в 1623 году захватил трон Хивы. Узнавь об этом, Абулгазихан вернулся в Хорезм, где брат отдал ему для управления Ургенч.

С истечением четырех лет, в 1627 году отношения между братьями ухудшаются и Абулгази убежал и нашел приют у Эшимхана (ум.в 1629 году) в Туркестане. Вскоре его забрал с собой в Ташкент Турсунхан. Здесь он жил два года и после кончины Турсунхана Абулгази в 1630 году прибыл в Бухару, во дворец Имамкулихана. На этот раз он здесь остался недолго, по приглашении хивинских туркмен он возвращается в Хиву.

Находившийся в Хазараспе Исфандиярхан после двухмесячных переговоров был вынужден отдат Хиву Абулгази. Через шесть месяцев Исфандияр обвинил Абулгази в совершении набегов на подчиненные в это время Ирану области Нису и Дарун (территория между Ашхабадом и Кизил Арватом), схватил его и отправил в качестве заложника иранскому шаху Сафи I (1629-1642).

Абулгази остался в Иране десят лет (1630-1639) под надзором специальных надзирателей недалеко от города Исфахан, в крепости Табарак. В 1639 году ему удалось убежать из плена. После двух с половиной лет скитаний в 1642 году он прибывает к аральским узбекам. Аралсьские узбеки в 1643 году избрали Абулгази своим ханом.

Через год Абулгази победив своих противников, сумел захватить трон Хорезма и приблизительно двадцат лет правил страной. Его жизнь протекала часто в военных походах, усмирении претендентов на трон, в войнах против строптивых предводителей племен. В 1646-1653 гг. он выступил против туркмен Тед-

жена, Бами баурма, Атрака, Джурджана; в 1655-1662 гг. воевал с казаками Яйицка, против калмык и кочевых казахов. В 1663-1664 гг. несколько раз совершил походы на Бухару.

В 1664 году больной Абулгази передает трон и власть над Хорезмом своему сына Анушахану (1664 - 1674). В апреле этого года Абулгази умер, прожив 61 год.

Абулгази является автором двух исторических произведений. Первое произведение называется «Шаджарайи тарокима» (Родословие туркмен), написаный между 1658 - 1661 годами. В ней он дает сведения о происхождении туркмен и туркменских племен, на сонове народных преданий. В сочинении кратко описана история легендарного туркменского царя Угузхана и его потомков, также история происхождения некоторых туркменских племен (салур, баяндур, така, явмут, тевачи, хизр эли, сариқ, Али эли, ёзир, эрсари и др.). «Шаджарайи тарокима», судья по сведениям самого Абулгазихана была написана по просьбе туркменских мулл, шейхов и беков. Научно-критичкский текст этого произведения с большим научным введением был издан в 1958 году академиком А. Н. Кононовым (1906 - 1986) в Ленинграде [14, 39-42;10, 20-27;9; 17; 15, 2-4; 6, 36;12, 28-38;18;]. Как известно, до нас дошли семь списков данного произведения. Из них два списка в России [7, 92-94;], остальные пять в Ташкенте, в фондах ИВ АН РУз., имени Абурайхана Беруни. Все они переписаны в разное время, и только в двух из них указаны имя переписчика. Один из них Мирза Амон ибн Эсон Хузори, который переписал список в месяце раджаб 1341 / 17 февраля-19 марта 1923 года в Бухаре (№1223). Имя второго переписчика Муҳаммадшарифходжа Муҳаммадугли. Он переписал сочинение по просьбе Мулла Бекджана Рахман угли в месяце раби ал-аввал 1344/19 сентябрь-19 октябр 1925 года (№ 1807) [16, 152-154].

Второй труд Абулгази известен под названием «Шаджарайи турк» (Родословие тюрков). Основная часть этого произведения написана в 1663-1664 годов. В этом произведении рассказана и социально-политическая история Хорезма в XVI – первой половине XVII века [16, 154-155; 5,217-223; 7, 93-94; Еще см.: 11, 41 и след; о других списках произведения см.: 22, 282[a]; 21, 228; 19, 232; переводы: 20; 1; 13; 2].

О причинах составления произведения «Шаджарайи турк» сообщает сам автор: «но, из-за беспокойства наших отцов и братьев, также аз-за невежества населения Хорезма, по этим двум причинам, наш народ до сих пор не знает и не писал никто историю разделения со времен отца Абдуллахана (Искандара, правил в 1528-1568 – Ш.В.) и наших отцов (шайбанида Ядгархана; XV век-Ш.В.). Мы подумали предложит написание этой истории кому-либо, но не нашли достойного человека. Вынужденно сами решили рассказать» [3, 9].

Произведение состоит из введения и девяти глав: 1) Упоминание об Адаме до древнейших ханов тюрков до Мугулхана; 2) история от Мугулхана до Чингизхана; 3) История Чингизхана от рождения до смерти; 4) Уктай каан третий сын Чингизхана и его потомки; упоминание потомков других сыновей Чингизхана, которые царствовали в Могулистана; 5) Упоминание о потомках второго сына Чингизхана Чагатае, которые правили в Мовараннахре и Кашгаре; 6) Упоминание о потомках младшего сына Чингизхана Тулуя, которые правили в Иране (элханиды, правившие в между 1256-1336 гг. – Ш.В.); 7) Упоминание о правителях, потомках старшего сына Чингизхана Джучи, которые царствовали в Дашти кыпчаке; 8) Ханы, потомки пятого сына Джучи Шайбана (XIII век), которые правили в Мовараннахре, Крыму, в землях казахов и Туране. Упоминание о потомках тринадцатого сына Джучи Тука Тимуре, которые царствовали в Крыму, Казахстане и Мавараннахре; 9) Упоминание о потомках Шайбана, которые царствовали в Хорезме.

Абулгази успел написат только 7, 8 и часть 9 главы (включая события до 1644 года): 1-6 главу и остальную часть 9 главы (события 1644-1664 гг.) по предложению Анушахана написал Махмуд ибн мулла Мухаммад Урганджий. Об этом в сочинении сообщается: “Да пусть будеть известно, что побывающий в раю Абулгазихан, составив эту книгу до поливины заболели, сделали завещание своему сыну: не оставьте эту книгу незавершенной, постарайтесь ее закончить. По этой причине отец победы и триумфа Анушахан ибн Абулгази, покойный и прощенный, мне, бедному и беспомощному Махмуду ибн Мухаммад Заману приказали “заверши эту книгу” [3, 173; 7, 94].

При определении времени завершении данного труда нам помогает заметки Мухаммад Замана в конце книги. Махмуд Урганджи пишет об Абулгази как о покойном лице. Таким образом новый автор приступил к написанию книги после смерти Абулгази. Вторая заметка поможет нам определить год завершения сочинения “Родословия туркмен”.

Маленькая глава “Упоминание о правлении Аванешхана” включена в девятую главу по приказанию “его высокородия Муса Мухаммадхана”, который был правителем Хивы в 1116/1704-05 году хиджры. Муса Мухаммадхан же, является сыном Шахгази ибн Авазгази ибн Султангази ибн Элбарсхана.

Об Элбарсхане Абулгази сообщает следующее: Элбарсхан из Дашти кыпчака выгнал сефевидских наместников и войска из Хорезма, стал ханом. Из числа родственников он пригласил к себе своих дядей и предложил им управление туманами страны. С истечением нескольких лет, в 1532 году, из-за какой-то мелочи между Элбарсханом и его племянником Аванеш султаном произошли кровавые столкновения. В резельтате, дети Элбарса потерпели поражение и большиство из них ушло к своим родственникам-шейбанидам в Бухару, Самарканд и Ташкент. Из них, Султангази ибн Элбарс при помощи хана Бухары Убайдуллахана на короткое время захватил даже Хорезм.

Мухаммадхан сын Шахгази ибн Авазгази ибн Султангази ибн Элбарсхан был правителем Хивы в данный 1116 год. Таким образом, годом окончания произведения “Шаджарайи турк” является 1116 год хиджры (1704-05 год).

По сведениям Абулгази, при написании данного сочинения он использовал 18 исторических сочиненей на арабском и персидском языках. Последные, оригинальные главы книги опираются на сведения самого автора, который был участником многих событий. В книге много информации получены и от участников событий тех лет.

Произведение “Шаджараи турк” дает много сведений по различным вопросам социально-политического характера, по экономике, этнической истории ханства. В качестве примера приводим некоторые сведения.

Среди сведений исторического плана интересными являют-

ся сообщения Абулгази об улусе Шейбана, его границах, общее состояние этой страны в конце XV - первой четверти XVI века, сведения о Сибирском ханстве, социально-политическое состояние Хорезма в XVI – первой четверти XVII века, взаимоотношение ханства с Россией, Казахским и Бухарским ханством.

О создании улуса Шейбан, и ее границах говорится: “Он (Баты) в этом походе (походы 1236-1240 гг. на Маджар, Башкирию, Россию и Келар – Ш.В.) сказал: ты выполнил мои дела. Еще он отдал Шейбанхану в виде *джулду* 15 000 человек. Из числа добычи, приобретенных в этом походе, ему отдал еще страну Келар. Из числа племен он отдал ему еще четыре племен: куш, найман, карлук и буйрак. Затем еще сказал: между твоей страной пребывания и моей страной будет Ичан урда. Летом проводишь в Иргизе, Уре и у реки Ила, до гор Урала и восточной части Яйицка. Зимовку проводишь в Оракуме, Каракуме и на берегах Сира, возле реки Чу, низовьях реки Сари (Сарик)” [3, 106].

Известно, что в образованном в 20-годах XV века Сибирском хантсве, власть принадлежала также ханам из рода Шейбана. Они же установили свою власть над Западной Сибирью. О последнем хане этого государства Кучумхане (1563-1598) сообщается следующее: “...у упомянутого Махмудакхана сын Муртазахан, его сын Кучумхан... Этот Кучумхан сорок лет царствовал в области Тура. Жил долго. В конце его глаза ослепли. В 1003/1595 году из рук Кучумхана Туру захватили русские. Кучумхан убежал к народу мангит. Здесь удостоился степени прощения Господа» [3, 96].

В сочинении мы находим короткие, но важные сведения о русских и отношения с Россией.

«[Араб Мухаммад] стал ханом (в 1602 году – Ш.В.) и через шесть месяцев со стороны местности, так называемом Куш яйик, в начале месяца саратан около тысяча русских казаков скрытно подошли и вошли в крепость Урганч. В городе было только мирное население. Армия хана и все воины были на берегу реки Аму.

[Русские казаки] в Ургенча убили тысяча миррных жителей и взяли в плен тысяча девушек и молодых парней. Грузили хо-

рошего товара на тысяча повозок, сожгли ситец и покрашенные материи, ковров, одежду, одеяла и подушек, все отдали огню...". Или другое сообщение: "в год когда мы появились на этот свет, весной 17 человек ушли в Россию торговать. По дороге они встретили их, двоих убили, остальных допрашивали по поводу событий Ургенча" [3, 160].

Очень важны и сведения этнографического характера, материалы об этимологии и происхождении тюрко-монгольских племен, информация об узбеках, о сартах, туркменских племен (сарик, йавмут, кизил аяк, эрсари и др.). Например, Абулгази пишет, что тюркские племена, объединенные под одним словом "тюрки" состоят из пяти больших групп. Это племена уйгур, кангли, кыпчак, калач/халач и карлук. Далее он приводит названия других тюркских племен и родов: 1. Текрин или мекрины. 2. кыргызы. 3. Кем-кемчуты.4. Урмонкат. 5. Нукузы. 6. Татары. 7. Ойрат/уйраты.8. Тургавут. 9. Кури. 10. Тулас. 11. Булгачин. 12. Кермучин. 13. Туленгут. 14. Урасут. 15. Кусутмай. 16. Найман. 17. Керайит. 18. Унгут. 19. Тургак. Иногда, Абулгази дает этимологию некоторых этнонимов [8, 32].

В своем сочинении Абулгази делит народ мугул на две части. Это киян/киён (нирун) и нукуз/нугуз (дарликины). Кроме этого он приводит названия 25 племен мугулов, которые вошли в состав узбексого народа [Эти племена: меркит, конграт, коранут, курлос, элчигин, урмовут/уймовут, куникмар, арлат, келкит, бодай/бадай, килик, уйшун, сулдус/сулдуз, элдуркин/илдуркин, кенкит, дурбан/дурман, барин/бахрин, сукут, курловут, буркут, уклан/уклан, джурот, ходжарат, байавут, джалойир.].

Он пишет: "слово мугул происходит от слова мунгул. Простой народ не смог произнести это слово и оно в дальнейшем стало мунгул. Все тюрки занают значение этого слова в значении "печаль". Мугул в значении простак, доверчивый, то есть печальный и простой человек".

"Кыпчаки – живут между реками Дон, Итил и Яйицк. Они жили вместе с туркменами рода киник. Когда туркмены создали свою область, они остались жить долгое время на Иссиккуле, Чу и в Таласе. Из числа Ургенчских правителей Текешхан женился на дочери одного киника, по имени Туркан. Султан Мухаммад

Хорезмшах родился от этой дев[3, 102].ушки”.

“После смерти Туктагухана в возрасте тринадцати лет Узбек-хан стал ханом. Он управлял народом по обычаю своих предков. Каждого он уважал в зависимости от его положения, дарил подарки. Народ улуса привел к исламу. После него народ Джучи стали называть узбеками” [3, 102].

Абулгази приводить и названия родов и племен, которые вошли в состав узбеков. Эти племена и роды арлот/арлат, агор, олаюнотли, укли, аймак, бошкирд, баёт, тат, татар, темирли, турумчи, турк, туркман, така, турбатли, тевачи, джаби, джамачи, чубичок, чубани, чигатай, чуни, хизир эли, хурасанли, халадж, дукар, соик, солур, сурхи/сурки, сокар, салджук, султонли, савроки, совчили, курголи, куркин, карлук, кыпчак, коратошли, калмок, кыргыз, чиройли, кутлар, лола, мугул, мангит, найман, мунди, язир, ягмо, явмут, юрти и др. [7, 92-94].

Сведения социально-экономического характера показывают, что Хоразм в этот период был более благоустроенным. Воды Амударьи протекали до самой Каспия. Абулгази пишет: “В то время (при Суфиянхане) поехать из Ургенча до Абулхана (горная местность на востоке Каспийского моря, на юго-восточной части современного города Туркманбаши– Ш.В.) был похож на поездку от одного аула на другой аул. Потому что вода Аму протекала мимо крепости Урганч, далее на восточную часть горы Абулхан, достигнув склоны гор, поворичивалась на запад, далее достигая Агур (местность в низовьях Амударьи, южнее притока Аджайба, вливающаяся на Каспийское море – Ш.В.)”, через Мазандаран вливалась в море. Еще, две берега Амударьи до местности Агурча были польно посевами, виноградниками и деревьями.

На возвышенных местах строили чигир (для орошения). Скотоводческое население в период *кўковун* и натиска комаров перебиралось на верхные колодцы, на расстоянии одного-двух остановок. После люди обратно переселялись на берег реки. Не было предела благоустройству и процветанию” [3, 119].

“В период его (Калхана сына Аминака) правления, Ургенч был благостроенным и народ жил мирно. Было все очень дешево...Говорят, за один пул давали одну лепешку” [3, 130]

Абулгази сообщает, что во времена правления его отца вместе с другими видами посевных сеяли много пшеницы, из-за чего хлеб был очень дешевым. “В то время от Миздахкана до Бакиргана, до местности Куйгун сеяли пшеницу. Наш хан провел канал выше крепости Тук. За год до нашего рождения, с наступлением месяца *мизан* они закапывали этот канал. Во время уборки зерна снова открывали воду. Вода этого канала достигала Куйгун. Затем текла до Солянного моря. Сеяли только пшеницу. Человек на коне и за десят дней не мог обойти эти пшеничные поля. В то время, одна монета-пустышка (пули пучак) имела силу полмискаля серебра. За один мискал серебра давали один харвор (вес груза, который мог поднят осел) пшеницы” [3, 155].

Из приведенных примеров мы узнаем, что в те далекие времена воды Амударьи попадали в Каспийское море. Затем река изменила свое русло, которое попадало в низовья Сарыкамыша. Время такого изменения указано в сочинении “Родословие турков” Абулгази: “За тридцат лет до нашего рождения (в 1573 году – Ш.В.) вода Амударьи выше минарета Хас, которого называют урочищем Кара айгир, открыла себе русло в сторону крепости Тук, и начала впадать на море Сир. По этой причине Урганч (старый) превратился в пустынью” [3, 160].

Информационные границы данного произведения Абулгази очень широкие. Можно привести и другие примеры по различным вопросам истории Хорезма. Ясно одно, “Шаджараи турк” является важным источником по истории Хорезма и Хивинского ханства.

В заключении отметим, что в Хорезме с XVI века начинается появление сочинений исторического жанра “Шейбанинаме” (Шейбаниады). Первое произведение такого содержания является труд Утемиша хаджи “Чингизнаме”. Шейбаниды Хорезма после взятия власти начали легитимизировать свою власть различными способами. Один из них и является генеалогический медод, отраженный в летописях.

Абулгази Бахадур сын Араб Мухаммада является основоположником Хорезмской историографии. В его произведениях широко использована устная степная историография. Кроме

этого, Абулгази использует традиции персидской и мусульманской историографии. Он на тюркском (чагатайском) языке в просторах исламской историографии создал сочинения по истории формирования тюркских народностей, обратил внимание на процесс их исламизации и на многие актуальные вопросы своего времени.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Абулгази. Шаджарайи турк / Перевод Тредъяковского. (– Казань), 1770.
2. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Введение, транслитерация Б.Ахмедова. – Ташкент: Укитувчи, 1971. – 252 с.
3. Абулғозий. Шажарайи турк (электронный вариант). – 252 с.
4. Ахмедов Б. Историко-географическая литература. – Ташкент: Фан, 1984. – 450 с.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Ташкент: Ўқитувчи, 1994. – 320 с.
6. Бартольд В.В. Очерк истории туркменсокго народа. // Туркмения. - Ленинград, 1929. – С. 36. – Сочинения. Т. II. Ч.1. – Москва: Наука, 1961. – С. 584-594.
7. Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института Народов Азии. I. История. / Род ред. А.Н. Кононова. – Москва: Наука. 1965. – С. 92-94.
8. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. - Ташкент: Фан, 1968. – 180 с.
9. Каль Е. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской Публичной библиотеки. - Ташкент,1889. – С. 52. – № 801.
10. Кононов А.Н. Родословная туркмен (текст, перевод, комментарии и исследование). – Москва - Ленинград, 1958.
11. Лекции И.Н. Березина, записанные студентом В. Игнатьевым в 1866 г., 4-я лекция. / Архив востоковедов ЛО ИНА АН СССР, разряд III, опись 1. – № 31. В «Ученых записках ИВ АН СССР». VI, 1953. (№29).
12. Матералы по истории туркмен и туркмении. Т.II. – Москва, 1938.– С. 28-38.

13. Родословное древо тюрков. Сочинение Абуль-Гази хана хивинского. Перевод и предисловие Г.С. Саблукова. – Казань, 1906.

14. Самойлович А.Н. Один из списков «Родословного древа туркменского» Абульгази-хана // ДАН-В. 1927. – С. 39-42.

15. Самойлович А.Н. По поводу издания Н. П. Остроумовым «Светоч ислама» // ЗВОРАО, XVIII. – С. 2-4.

16. Собрание восточных Рукописей АН Республики Узбекистан (СВР). История. / Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. – Ташкент: Фан, 1988. – С, 152-154.

17. Туманский А.Г. Абуль-Гази-Бохадур-хан, Родословная туркмен. – Асхабад, 1897 (по ташкентской рукописи). – 200 с.

18. Шажарйи Тарокима. – Истанбул. 1937. – 320 с.

19. Blochet E. Catalogue des manuscrits turcs de la bibliothèque Nationale de Paris. T. I. – Paris. 1932. 232. №141.

20. Desmaisons P. Aboul-Ghâzi Bèhâdour-Khan. Histoire de Mogols et de Tatares... – St.-Pbg. I, 1871 (текст). II. 1874 (перевод).

21. Pertsch W. Die Handschriften-Verzaeichnisse der königlichen Bibliothek zu Berlin. Bd.VI. Verzeichniss der türkischen Handschriften. – Berlin. 1889. B. 228. №204.

22. Rieu Ch. Catalogue of rhe Turkish Manuscripts in the British Muzeum. – London. 1888. 282[a].

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЯТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ

Саматов Шомат Бердиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети, Фалсафа кафедраси

АННОТАЦИЯ. Мақолада, чуқур таҳлилий асосда, донишманд аллома Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояси моҳияти ифода қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: инсон фалсафаси, инсонпарварлик ғояси, маънавият, дунёқарашлик, ғоявий эътиқод, тафаккур, ахлоқ, адолат, ижтимоий адолат.

АННОТАЦИЯ. В данной статье в контексте анализа рассматривается сущность гуманистические идеи великого мыслителя Алишера Навои.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: философия человека, гуманистические идеи, духовность, мировоззрение, идейная убеждения, мышление, мораль, справедливость, социальная справедливость.

ABSTRACT. In this article the essence of the humanistic ideas of the great thinker Alisher Navoiy expressed on a deep analytical basis.

KEYWORDS: Human philosophy, humanistic idea, spirituality, worldview, ideological persuasions, thinking, morality, justice, social justice.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий Шарқ Уйғониш даври маданиятининг улкан вакилидир. У шоир ва олим сифатида Қадимги Шарқ (айниқса Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Эрон, жумладан Марказий Осиё), шунингдек, Ғарб (айниқса юнон) фани ютуқларини пухта эгаллади ва унга асосланди. Ислом тарихи ва фалсафасининг чуқур билимдони эди.

А.Навоий ўз дунёқарашида Шарқдаги илғор фалсафий анъаналарни ривожлантирди. Бу борада, айниқса, унинг бевосита ижтимоий-фалсафий мазмунга эга бўлган “Маҳбуб ул-қулуб” асари, “Лисонут-тайр”, “Хайратул-аброр” достонлари Марказий Осиё ва жаҳон маданияти, ижтимоий-фалсафий фикр хазинасига қўшилган қимматбаҳо ҳиссадир.

А.Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, Ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Демак, А.Навоий-башарият фарзанди. Унинг ижодий-илмий мероси башарият маънавий хазинасидир!

Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари асосан пантеизмга асосланади. Пантеизм таълимотига кўра, Худо шахссиз

ибтидодир. У табиатдан ташқарида турмайди, балки у билан айнан бирдайдир. Пантеизм ўрта аср фалсафасида ижобий роль ўйнаб оламнинг бирлиги, табиатнинг турли-туманлиги ва ривожи ҳақидаги илғор прогрессив фикрларни асослаш учун хизмат қилди. Худди шу принцип талабидан келиб чиққан ҳолда А.Навоий Аллоҳ ва табиат бир бутунни ташкил этиб, Аллоҳнинг барча хислатлари табиат замирида мавжуд бўлади, деган хулосага келади. А.Навоийнинг фикрича, табиат ва Аллоҳнинг энг буюк инъоми инсондир. Инсон Аллоҳнинг наздида юқори даражага кўтарилиб, унинг тафаккури, ҳис-туйғулари, етук ахлоқий фазилатлари фалсафа ва шеъриятнинг ҳақиқий объектини ташкил қилмоғи керак. Чунончи, инсоний хислатлар ва фазилатлар унинг "Ҳамса"сида эҳтирос билан романтик тарзда тасвирланди. Мажнун ва мажнунийлик, севги ва муҳаббатга берилиш, бу олижаноб инсоний туйғунинг садоқатли қули ва қурбони бўлишнинг тимсоли; Фарҳод ёрга нисбатан муҳаббатнинг халққа бўлган зўр муҳаббат даражасига ўсиб чиққан ҳис туйғу учун, халқ манфаатини юзага чиқариш учун курашишнинг, дўстликнинг бўрттирма бўёқлар, ҳаттоки афсонавий чизиқлар орқали тасвирланган намунасидир.

А.Навоий ўз асарларида халқлар дўстлигини улуғлади. Бунинг ёрқин исботини А.Навоий томонидан яратилган бир бутун образлар галереясида кўришимиз мумкин. Масалан, хитойлик Фарҳод, армани Ширин, эрони Шопур, ҳинди Масъуд, юнон Искандар, римлик Плиний, араб халқлари вакили Лайли ва Мажнун. Шундай экан, А.Навоий дунёқарашининг характерли хусусиятини ватанпарварлик ва умуминсонийлик диалектикаси ташкил этади.

А.Навоийнинг ижтимоий қарашларига хос хусусият шундаки, у аввало ўз замонасининг маҳсули ва фарзандидир. У Ўрта Шарқда, айниқса Марказий Осиёда феодализмнинг ривожланган даврида ижод этди ва ўз дунёқарашида замонасининг энг илғор интилишлари, фикрларини ифодалади.

Буюк инсонпарвар А.Навоийнинг фикрича, инсоннинг бахт-саодатга эришиши, элнинг шод ва мамлакатнинг обод бўлиши, жамиятдаги иллат ва нуқсонлардан қутулишдадир.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Демак, ҳаёт яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, вафо ва бевафолик, хайр-саховат ва хасислик каби инсондаги турли зиддиятли кайфиятлар ва хислатларнинг узлуксиз курашидир. Унда тарихан ўзгариб турувчи ва ривожланаётган ахлоқий муносабатлар кишиларнинг ахлоқий онгида ифодаланади.

“Ҳамса” достонлари ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарида А.Навоий ҳукмдор доира вакилларининг иллат-нуқсонларини танқид қилиш орқали жамиятдаги ижтимоий зулмни фош этади, унинг инсонийликка зид томонларини очиб кўрсатади. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг махсус бобларида фосиқ ва золим подшоҳлар, уларнинг бебурд вазирлари, нокас, саводсиз ва ҳаром ишлар билан шуғулланувчи маҳкама ходимлари, қўпол ва такаббур навкарлар тўғрисида фикр юритиб бу золимлар мамлакатни барбод қилувчилардир ва мамлакат аҳлининг тўплаган бойлигини йўқотувчилардир, дейди. Буларнинг ҳаммаси халққа зиён етказувчи чаёнларга қиёсланади. Айтиш жойизки, А.Навоий томонидан илгари сурилган бу ғоя бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган иллат, давримизнинг бош глобал муаммосига айланиб бораётган **коррупцияга** қарши муросасиз кураш зарурлигининг классик дастуридир.

А.Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” да ёзишича нодонлик, илмсизлик, ҳунарсизлик, билимсизлик бамисоли бир эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг, қаерга ҳайдасанг кетаверади, чунки унда ақл, фаросат йўқ. Овқат берсанг ейди, бермасанг оч ётаверади, боғлаб қўйсанг даъво ҳам қилмайди. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил ташвишу-андуҳлар рўй беради. Қайси элда нодонлик, илмсизлик, билимсизлик авжига чиққан бўлса шу ерда хорлик ва руҳий озурдалик ғолиб келади, деган эди буюк мутафаккир.

А.Навоийнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашларига ҳалол меҳнати билан яшовчи, дили пок, ўзи пок, оддий меҳнаткаш одам мос келади. Бунинг ёрқин ифодасини Ҳотами Той, Баҳром Гўр ҳақидаги ривоятларда кўрамиз. Ҳазрати А.Навоий

захматкаш одамларга чуқур меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билдиради, хусусан деҳқонлар меҳнатини мадҳ этади.

А.Навоий учун ҳақиқий инсонийликнинг белгиси одоб ва маънавий етукликдир. Шунинг учун ҳам у разиллик, адолатсизлик, маърифатсизликка қарши курашди, инсонларни меҳнатга, адолатга чақирди, маърифатга асосланган жамият яратиш ҳақида орзу қилди.

А.Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ўрта аср шароитида, феодал истибдод ҳукмрон бўлган даврда, зулм ва жаҳолатга қарши курашда муҳим прогрессив аҳамият касб этди.

А.Навоий оламни билиш масаласида рационалистик позицияда туради. Инсон тафаккурининг буюк қудратини намоён этиб, илм, маърифатнинг ижтимоий тараққиётдаги улкан ролини таъкидлади. Инсоннинг ақлий қудрати, имкониятлари улуғланади ва ақл ҳақиқат манбаи эканлиги таъкидланади. Ақл ёрдамида илм ва билим қўлга киритилади. Ақл ёрдамида фан ривож топади. Олимлар, фозиллар, шоирлар, файласуфлар, мутафаккирлар инсон ақлининг, билишининг чексизлигини исботлашга, тасдиқлашга, улуғлашга ҳаракат қилдилар, унга бағишлаб қатор мисралар битдилар. Жумладан, А.Навоий тафаккурнинг ролини бундай тараннум этган эди:

Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

А.Навоий ижодида ўрта аср Шарқида шаклланган гуманистик (инсонпарварлик) ғоя олий даражага кўтарилди. Инсонпарварлик ғояси ўрта аср маънавий ҳаёти, маънавий маданиятининг энг умумий ва характерли хусусияти бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий йўналиш шаклида вужудга келди ва ривожланди. Инсонпарварлик ғояларини, принципларини амалга оширишнинг асосий йўли, воситаси сифатида олий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласи олдинга сурилди. Олий даражали ахлоқий одатлар, муносабатларни ўрнатиш ва бунинг учун таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш-инсонпарварлик ғояларини амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Инсонпарварлик ғояси, асосан ахлоқий одатлар, муносабатлар, хислатларда ифодаланганлиги учун ахлоқ масалалари, этика муаммолари Шарқ маънавий ҳаётининг-бадиий адабиёти,

поэзияси, таълим-тарбия ишлари, педагогикаси, фалсафаси ва бошқа гуманитар илмларнинг муҳим йўналишини ташкил этади.

А.Навоий буюк инсонпарварлик меросининг асрлар давомида барҳаётлигининг исботи сифатида биргина далилни келтиришни лозим топдик. “Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 13 март сонида эълон қилинган мана бу редакцион саҳифага эътибор беринг:[12].

1941 йилнинг 8 сентябрида бошланган Ленинград қамали урушнинг инсоний фожеалар билан тўлиб-тошган даҳшатли даври эди. 872 кун давом этган бу қамалда миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Кексалар, болалар жаҳоннам азобида боши узра ёғилиб турган бомбалар остида жон сақлашга мажбур эдилар. Биргина Ладога кўлига олиб борадиган йўлдан бўлак бошқа барча ҳаёт йўллари кесиб қўйилган, озиқ-овқат, дори-дармон етишмаслиги туфайли кўчаларда очликдан силласи қуриган одамлар ўлиб қолишарди. Бу азобда вафот этганларнинг тўқсон фоиздан ортиғини очлик олиб кетганди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи 1941 йил охирлаб бораётган кезларда қамал ҳолатдаги шаҳарда ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор эди. Уруш бошланиши арафасида 1941 йил 12 мартда Низомий Ганжавийнинг 800 йиллиги ва Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш ҳақида собиқ Иттифоқ ҳукумати махсус қарор қабул қилган эди. Унга кўра, икки буюк шоирнинг тўла асарлар тўпламлари ўз она тиллари ҳамда рус тилида чоп этилиши кўзда тутилган. Боку ва Тошкентда бу юбилейларни муносиб тарзда ўтказиш учун комиссиялар ҳам тузилганди. Салтиков-Шедрин номидаги Ленинград оммавий кутубхонасида 1465-1466 йилларда Ҳиротда машҳур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан тузилган Алишер Навоийнинг илк девони ҳам сақланади Унинг ўзига хос қизиқ тарихи бўлиб, 1829 йилда А.С.Грибоедовнинг Эронда ўлдирилиши туфайли Теҳрон кутубхонасидаги бошқа ноёб қўлёзмалар қатори хун эвазига келтирилган эди.

Айни лаҳзаларда буюк шоирнинг ижодий меросига ярим минг йиллик давр кўзгуси ортидан боқиб **башарият тақдирига дахлдор башоратларидан озуқа олиш эҳтиёжи ҳар қачонги-**

дан ҳам юксакроқ аҳамият касб этган эди. А.Навоий юбилейига йирик шарқшунос олимлар, соҳа мутахассислари шундай таклифнома олишди: **“Давлат Эрмитажи Сизни улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказиладиган тантанали йиғилишга таклиф этади. Йиғилиш 1941 йил 10 декабрь соат 10 да бошланади”.**

Айтишларига қараганда, бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, Ўзбекистон раҳбарияти Алишер Навоий юбилейини Самарқанд ёки Тошкентда ўтказиш ҳақида маслаҳат сўрашганда, бош қўмондон И.В.Сталин ўйланиб қолган ҳолда, буюк шоирнинг Фоний тахаллуси билан ёзган шеърларини Бокуда қамоқда ётганида форс тилида ўқиб, катта таассурот олганини, шунинг учун бу юбилейни қамал ҳолатдаги Ленинград шаҳрида ўтказилиши шаҳар аҳолиси учун ҳам, жангчилар учун ҳам **катта руҳий далда** бўлиши кераклигини таъкидлаган экан. Шундай қилиб, буюк шоирнинг 500 йиллик юбилейи қамал ҳолатидаги Ленинград шаҳрида ўтказилиши ҳақида аниқ тўхтамга келинади.

10-12 декабрь кунлари Эрмитажнинг ўқув хонасида навоийхонлик ўтказилди. 29 декабрда эса Шарқшунослик институтида илмий кенгаш ташкил этилди.

--Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўлмас номини хотирлаш халқларимизнинг маданий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга,-деган эди йиғилишни очаётиб таниқли шарқшунос олим, академик Иосиф Абгарович Орбели.-Шоир юбилейини қамал ҳолатдаги шаҳарда ўтказаётганимиз **халқнинг мардона руҳини, букилмас иродасини, инсонийликнинг мангу ҳақиқатини ифода этади.** Биз, албатта, қозонажак ғалабадан сўнг бундай тантаналарни ҳали кўп давом эттирамиз, зеро, шеърият мангу барқарор ҳодиса сифатида тантана қилаверади.

Шу лаҳзада кучли портлашдан деразалар зириллаб кетади. Йиғилганлар саросимага тушганча ўринларидан туриб дераза олдига боришганида Нева дарёси устида иккинчи бомба портлайди. Академик Орбели бомбапаноҳга ўтишга таклиф қилганида йиғилганлар яна ўз жойларини эгаллашади. Академик Сергей Жебелев бу тантанани “фан байрами” деб атаган эди.

Академиклар И.Крачковский, Е.Бертельс, профессор Б.Руденконинг ўшанда Алишер Навоий ҳақида қилган нутқлари ҳа-

ли-ҳануз фан оламида аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Нева бўйидаги бу гўзал шаҳарни фашистлар Ер юзидан супуриб ташлаш учун қурол-яроқлар билан таҳдид қилиб турган чоғида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг буюк инсонпарварлик ғоялари, ўлмас руҳи туфайли эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси башорат янглиғ янграган эди. [12]

А.Навоий жаҳон адабиётида беқиёс сиймодир.

Санкт-Петербург университетининг профессори, машҳур навоийшунос ва таржимон Сергей Ивановнинг таъбири билан айтганда: “Бугун бутун дунё А.Навоийни бутун жаҳон адабиётининг классиги деб билади. Сиз луғат ва қомусларда “бутун жаҳон адабиёти классиги” деган **унвонни** ва унинг **шарҳини** топа олмайсиз. Лекин бундай **унвон бор** ва бундай шарафли унвонга Навоий сингари асарлари дастлаб миллий маданият бойлиги бўлиб, шунингдек, байналминал адабиёт хазинаси дурдоналари саналган, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтиришга хизмат қилувчи санъаткорлар лойиқдир.

Алишер Навоий бутун жаҳонга довруғ солгани бежиз эмас ва бунинг боиси унинг амалиёт ва ижодининг беқиёслиги, бемисллигидир” [11].

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги эълон қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида илгари сурилган тавсиялар, яъни Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш** тўғрисида”ги; Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида **Алишер Навоий орденини таъсис этиш** юзасидан киритилган таклиф, ўйлаймизки, айнан адолат ва ҳақиқат тимсолидир.

А.Навоий ижодининг фалсафий-маърифий асосларини тадқиқ этиш соф илмий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, у дунёқарашимизда, тафаккуримизда юз бераётган ўзгаришларни,

турли тенденцияларни намоён этмоқда.

А.Навоий ижодидан жаҳон халқлари, мана олтинчи асрдирки баҳраманд бўлиб, зарур хулосалар чиқармоқда, эстетик эҳтиёжини қондириб келмоқда, сабоқ олмоқда. Бу ҳақиқий эзгулик, поклик, том маънода ҳаёт фалсафасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Туркий халқлар асрлар мобайнида Алишер Навоий асарларини асл нусхада ўқиб келганлари илмий манбаларда ҳам қайд этилган. Турк олими Юсуф Четиндоғ: **"Айниқса, XVI аср-умумтурк оламида "Навоий асри" деб аталса, асло муболаға бўлмайди"** деб эътироф этган эди.

Бу фикрни таниқли турк олими Фуод Кўпрулининг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: **"Алишер Навоий фақатгина Ўрта Осиё туркийларининг, яъни ўзбек адабиётининг буюк шоири бўлибгина қолмаган, унинг асарлари юз йиллар давомида турк дунёсининг ҳар тарафида, Онадўли ва Рум элида, Озарбайжонда, Эронда, Ироқда, Қримда, Волга бўйларида, туркманлар орасида, ҳаттоки Ҳиндистондаги турк саройларида ўқиб-ўрганиб келган"** [6, 320].

Қозоғистонлик адабиётшунос олим Саутбек Абдрахманов таъкидлаганидек: "Меркурий сайёрасидаги улкан кратерга номи қўйилган, Ер юзидаги кўплаб мамлакатларнинг пойтахтларида ҳайкаллари ўрнатилган, XVI асрнинг ўзидаёқ ўзгача овози дунёнинг энг чекка-чеккаларига етиб борган Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг исмини жаҳон адабиётидан хабардор ҳар бир одам билади, сўз санъатининг қадрини тушуна оладиган ҳар бир китобхон бениҳоя эъзозлайди" [10].

Янгиланаётган Ўзбекистон **"Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари"** деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври-учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол инсонпарвар адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Масаланинг ўта долзарблигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580

йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори билан белгилаб қўйилдики: “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги **Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш Концепциясини** ишлаб чиқсин ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйсин”. [2].

Инчунин, адабиёт-одамлар кўнглидаги барча ғам-ташвишни кетказиши, орзу-истакларни рўёбга чиқариши, ҳар қандай мушкул ҳолатда ҳам **инсон** бўлиб қолмоғини таъминлаши, тарбиялаши, тарғиб қилмоғи керак.

Зеро, буюк бобомиз А.Навоийнинг:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

деган машҳур сатрларининг мазмун-моҳияти, унинг умр боқийлиги ҳам ана шундадир.

Шу боис, севимли файласуф шоиримиз Эркин Воҳидовнинг **“Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...”** номли шеърини келтиришни лозим топдик. Шояд, одамлар А.Навоий маънавиятидан яна ҳам кўпроқ озуқа олишса, сабоқ бўлса, хулоса чиқаришса.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Олтин бошнинг калла бўлгани шудир.
Бедил қолиб Демьян Беднийни суйса,
Қора сочнинг малла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.
Юлғуч азиз бўлиб, билғич хор бўлса,

Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Эл комил бўлмаса, юрт эмас улуғ,
Беқадр маҳалла бўлгани шудир.
Қалб тўла нур халқнинг ризқи ҳам тўлуғ,
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.

Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг "Баракалла" бўлгани шудир.
Оламга Навоий наслиман деган,
Овози баралла бўлгани шудир. [13].

Ўйлаймизки, ортиқча изоҳга, шарҳга ҳожат (эҳтиёж) бўлмаса керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // "Халқ сўзи", 2021 йил 21 январь

2. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2020 йил 19 октябрь // "Халқ сўзи", 2020 йил 20 октябрь

3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза. 2017 йил 3 август // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018, 2-жилд, 176-221-б.

4. Мирзиёев Ш.М. "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига. 2018 йил 7 август // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.-Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2019, 3-жилд, 338-342-б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлат-

чилигимиз тимсоли. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. 2019 йил 21 октябрь // Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020, 4-жилд, 161-174-б.

6. Мирзиёев Ш.М. Маданий ҳамкорликнинг ёрқин намунаси. “Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари” номли китоб-альбом учун ёзилган сўзбоши. 2020 йил 19 февраль. // Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020, 4-жилд, 318-325-б.

7. Муҳаммад Пайғамбар қиссаси-Ҳадислар-Т.: 1991.

8. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2019 йил.

9. Комил инсон ҳақида тўрт рисола.-Т.: “Маънавият”, 1997.

10. Абдрахманов С.Навоий-жаҳон юлдузи // “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 июнь

11. Иванов С. Жаҳон адабиётида беқиёс сиймо // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил 17 апрель.

12. Ўзбекистон Буюк зафарнинг руҳий-маънавий замини бўлганди. (Редакцион саҳифа) // “Халқ сўзи”, 2020 йил 13 март.

13. Эркин Воҳидов. Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...// “Тафаккур” ж. 4-сон 2000 йил, 54-55-бетлар

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ АҲОЛИ ЭТНОМАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ

Проф: Очил Бўриев, ҚарДУ
Тадқиқотчи: Очилова Ҳолида

Жаннатмакон Ўзбекистоннинг жаҳонга танитадиган тарихий-меъморий ёдгорликлари анча бисёр. Юримиз шу жиҳати билан ҳар қандай сайёҳни ҳам ўзига жалб этмоқда. Бу заминдан ўтган буюк зотлар бутун ислом оламида ҳам машҳур бўлиб, улуғ муҳаддислар, фақиҳ уламолар, тариқат пирлари, шоиру адиблари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

“Очиқ осмон остидаги музейлар” сифатида эътироф этилган Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби довруғи жаҳонга

машҳур бўлган шаҳарларга ташриф буюрувчиларнинг сони тобора ошиб бормоқдаки, бу зиёрат ва ички туризмни янада ривожлантиришни кун тартиби қўймоқда.

Ўзбекистондаги зиёратгоҳларни салмоғи жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1.Мусулмон оламида машҳур ва кўплаб мамлакатлардан зиёратчилар ташриф буюрадиган масканлар. 2.Бир вилоят ёки минтақа атрофида маълум бўлган ва фақат маҳаллий аҳоли зиёрат учун борадиган жойлар. 3.Фақат бир касб ёки фаолиятига (косиблар, ҳунармандлар, қурувчилар, чавандозлар ва бошқалар) мансуб вакиллар зиёрат қиладиган жойлар. 4.Янги ташкил этилган ва аҳоли ўртасида хали оммалашиб улгурмаган масканлар. 5.Табиатнинг маълум қонуниятлари асосида пайдо бўлган элемент ва бирликларнинг маҳаллий аҳоли томонидан муқаддаслаштирилиши натижасида вужудга келган муқаддас жойлар (сув манбаи (қудуқ, ҳовуз, шаршара, булоқ ёки чашма), дарахт, тош, ғор ва бошқалар). 6. Тарихий шахслар томонидан қурилиб, маълум вақт ўтгач аҳоли ўртасида оммавийлашган ва муқаддаслашишига улгурган мусулмон меъморий ёдгорликлари: мавзолей, хонақоҳ, масжид, мадраса, машҳур кишининг қабри ва шу кабилар.

Ўзбекистонда маданий меросимизнинг муштарак қиёфаси хисобланадиган зиёратгоҳ ва қадамжоларни авайлаб сақлаш тўғрисида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бош Қомусимизнинг 49-моддасида муҳрланганидек: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий маданий ва маънавий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар,. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир” [1:17].

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзсидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 15 февралдаги “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш

ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарор, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6165 –сонли “Ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу соҳадаги вазифаларни янада қамровдор амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 8208 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2225 таси меъморчилик, 4748 таси археология ёдгорликлари, 678 таси маҳобатли санъат (монументал) ёдгорликлар, 532 таси диққатга сазовор жойлардир. Тўрт мингдан зиёд моддий-маданий ёдгорликлар эса ЮНЕСКО рўйхатига олинган [2:82].

Муқаддас динимизнинг асосий манбаси Қуръони карим илк бор ўзбек тилида Шайх Алоуддин Мансур (1991) ва Шайх Абдулазиз Мансур томонидан (2001) нашр этилди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари эса 2011 йилда мазкур муқаддас китобнинг маънолар таржимасини тайёрлади. 2018 йил 3 январдан “Hilol Nashr” босмахонасида Қуръони каримни чоп этиш бошланди.

2017 йил 19 сентябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида янграган “маърифат ва диний бағрикенглик” ғояси остида Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ҳадисшунослик, калом илми, ислом ҳуқуқи мактаби, тасаввуф, ақида илмлари мактаблари самарали фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий каби буюк алломаларимизнинг таваллудлари кенг нишонланди. Халқаро Амир Темур жамоат фонди самарали фаолият юритмоқда. Халқаро Алишер Новоий фонди яқинда иш бошлади.

Энг аввало “зиёрат” ва “қадамжо” ибораларининг мазмун моҳиятига тўхталсак.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд этилганидек, **“Зиёрат” (**араб тилидан ташриф, табаррук жойларга сафар қилиш) – муқаддас жойларга, мозор ва қабристонларга бориб туриш.

Зиёратгоҳ – зиёрат қилинадиган муқаддас жой, 1) Зиёрат қилинадиган муқаддас жой, табаррук қадамжо (азиз авлиёларнинг

мақбараси ёки туғилган, яшаган жойи). 2) кишилар кўп борадиган мўътабар жой.

Зиёратхона – зиёратгоҳда зиёратчиларнинг тавоф қиладиган хонаси.

Зиёратчи – муқаддас жойларга зиёратга борган ёки борувчи киши [3:148].

Қадамжо(й) – араб тилидан авлиёлар қадами теккан жой. 1) Зиёрат қилиш учун бориладиган муқаддас жой, зиёратгоҳ. 2) кўриниш, бирор нарса ўрганиш, нарса олиш учун бориладиган серфайз ёки азиз жой. Шунингдек, баъзан кам ҳолларда қадамгоҳ яъни авлиёлар қадами изларини англатувчи ибора ҳам қўлланилади [4: 203-204].

Мўътабар жойлар, қадамжолар – диндорлар муқаддас деб хисоблаган ва зиёрат қилинадиган жойлар. Булар – пайғамбарлар, шайх, эшон, авлиёлар номлари билан боғлиқ деб хисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган мақбара, булоқ, дарахт ёки тепаликлар, ғор ҳамда бошқалардир [5:173].

Қашқадарё вилоят маданий мерос бошқармаси хисобидаги 2021 йилда кадастр ҳужжатлари топширилган тарихий объектлар рўйхатига кўра, вилоятда жами 1468 та объект мавжуд бўлиб, шундан 1189 та археологик, 208 та меъморий, 43 та ҳайкалтарошлик, 28 та диққатга сазовор жойлар хисобланади (Қашқадарё вилоят маданий мерос бошқармаси маълумоти). Вилоятда 216 та республика, маҳаллий аҳамиятга 678 та ёдгорлик жойлашган. 18 та маданий мерос объекти “Умуминсоний қадриятлар рўйхати”га киритилган. Айни вақтда вилоятда 184 та масжид ва 1134 та қабристон мавжуд.

Вилоятдаги асосий маданий мерос объектларидан қуйидагилар рўйхатга олинган. Хўжаипок ота мақбараси (XVII аср, Деҳқонобод тумани), Лангар ота мақбараси (XV аср, Қамаши тумани), Абул Муъин ан-Насафий ёдгорлиги мажмуаси (X-XI асрлар, Қарши тумани), Хусам шайх ота ёдгорлик мажмуаси (X-XI асрлар Косон тумани), Ҳазрати Башир мақбараси (XVII аср Китоб тумани), Исҳок ота мақбараси (XIV аср Миршикор тумани), Абдуллоҳ Марвазий мақбараси (XIV аср Муборак тумани), Султон Мир Ҳайдар ёдгорлик мажмуаси (XIV аср Касби тумани), Катта сардоба (XIV аср Касби тумани), Катта Лангар

ота мақбараси (VI-VIII асрлар Чироқчи тумани), Кичик Лангар ота мақбараси (X-XII асрлар Чироқчи тумани), Хўжа Испорас масжиди (Оқ сув зиёратгоҳи) (1900 йил Шаҳрисабз тумани), Кўкгумбаз масжиди (XVI аср Қарши шаҳри), Одина масжиди (XIV аср Қарши шаҳри), Қарши сардобаси (XVI аср Қарши шаҳри), Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси (XIV аср Қарши шаҳри), Қашқадарё кўприги (XIV-XVI асрлар Қарши шаҳри), Амир Темур ер ости даҳмаси (1380-1404 йиллар), Оқсарой мажмуаси (XIV аср Шаҳрисабз шаҳри), Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси (XIV аср Шаҳрисабз шаҳри) (Бу ҳақда қаранг: Қашқадарё вилояти паспорти . Қарши, 2020).

Мазкур обидалар маҳаллий аҳоли доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас қадамжолар руҳий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари хисобланади. Шу муносабат муқаддас зиёратгоҳлар тарихини чуқур билиш ва ушбу қадамжоларнинг тарбиявий- маънавий салоҳиятини янада ошириш давр талабига айланди. Шу боисдан ҳам Қашқадарё воҳаси муқаддас зиёратгоҳлари тарихини ўрганиш бу зиёратгоҳларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини комплекс илмий тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Вилоятдаги тарихий-меъморий ёдгорликлар маҳаллий бюджет ва аҳоли хайрия ёрдами билан таъмирланган. Лекин, Косон туманидаги Ҳусам ота, Касби туманидаги Султон Мир Ҳайдар ота мажмуалари ва воҳадага бошқа таъмирталаб йирик ёдгорликларни ҳукумат миқёсида махсус қарорлар асосида барча зарур маблағларни йўналтиган ҳолда комплекс ва замонавий таъмирлаш лозим.

Муқаддас жойларнинг ижтимоий ва меъморий ҳолатини хисобга олган ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин:

- ўзининг бой ва мукаммал меъморий услубига кўра бутун мусулмон оламига таниш бўлган ва дунёнинг турли ўлкаларидан зиёратчилар ташриф буюрадиган муқаддас жойлар;

- ҳудуд ва вилоятда маълум ва машҳур бўлган зиёратгоҳларнинг меъморчилиги оддий ва анъанавий маҳаллий услубда қурилганлиги билан ажралиб туриб, бу жойларга, асосан, шу ерда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли ташриф буюришади;

- фақат бир соҳа ёки касбга оид кишилар келадиган зиёрат-

гоҳларнинг меъморий ёдгорликлари жуда ҳам оддий қурилган бўлиб, улар асосан қабртошлари, чиллахоналар ёки ҳом ғишт (лойдан ясалади) ёки паҳса девордан қилинган пасткам иморатлардан иборат бўлади;

- фетишизм ва тотемизм элементлари билан боғлиқ жойлар турли шаклдаги тошлар, дарахтлар, булоқ ва сув манбалари, тепаликлар, ғорлар ва бошқалардан ташкил топган;

- юртимиз истиқлолидан сўнг янги пайдо бўлаётган зиёратгоҳ жойлар ханузгача аҳоли орасида тўла муқаддаслашиб улгурмаган.

Воҳадаги зиёратгоҳларнинг шаклланиши қадим даврлардан бошланиб, ўрта асрларда ҳам бу жараён давом этган. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ анъаналар давр ўтиши билан трансформацияга, яъни ўзгаришларга учраб турган.

Зиёратгоҳлар асосан, IX-XII асрларда Қашқадарё воҳасида кўплаб бунёд этилган бўлиб, авлиё ва саҳобаларнинг номи билан боғлиқ мақбаралар асосан археологик жиҳатдан илмий таҳлил этилган.

Зиёратгоҳларни бориб тавоф қилиш ниҳоятда савобли хисобланиб, у ерда ўз ниятларини фақатгина Аллоҳдан сўраш жоиздир. Қадамжоларни қадрлаш, майитлар ҳақига дуо-фотиҳа қилиш савобли амаллардандир. Қабристон зиёрати инсонга охиратни эслатади, уларни кибрланиб ердан оёғи узилиб кетишига асло йўл қўймайди. У ерга инсон чин ихлос билан борса, яхши ниятларига етади, албатта. Аллоҳ йўлига эҳсон қилса, содир бўладиган тури бало – қазолар даф этилади. Кишилар зиёратгоҳларга бориб руҳан енгил бўладилар, шу ерда ётган алломаю авлиёларнинг руҳидан мамад оладилар ҳамда улар билан фахрланадилар [6:80].

Зиёратгоҳларда фаолият юритаётган мутасаддиларнинг ислом тарихидан яқиндан хабардор бўлиши, диний мадраса, масжид билан бевосита боғланган ҳолда мукаммал, холисона диний билимларни ўзлаштириши долзарб масаладир. Чунки қадамжо ҳақида фикр юритаётган ҳар бир киши миллат маърифати, давлат таянчи ва у билан инсон омилини тушуниши ва ҳар бир қадамжога холисона нуқтаи назардан қараши лозим.

Воҳадаги азиз авлиёлар, уламою алломаларнинг қабрлари-

ни зиёрат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги аҳоли, жумладан ёшлар онгига сингдирилиб, уларнинг диний-маънавий меросига нисбатан соғлом дунёқарашини шакллантиришда холисона бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини тарихий ва ҳаётий мисоллар давомида очиб берилиши лозим.

Хуллас, мамлакатимизда, жумладан Қашқадарё воҳасидаги этнографик объектлар хисобланадиган муқаддас зиёратгоҳлар, қадамжолар, мақбаралар ҳам диний, ҳам миллий қадриятлардан саналганлиги сабабли уларнинг диний-маърифий ва илмий-маънавий хулосаларга асосланган тарихи ва этнографиясини теран ўрганиш лозим. Зиёрат ва ички туризмни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ёш авлод қалбида Ватанни севиш, улуғ аждодларга эҳтиром кўрсатиш, она юртимизни эъзозлаш каби юксак туйғуларни шакллантиришга яқиндан кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. 2019.

2. Расулов М.Ф. Қашқадарё вилоятидаги маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолати (XX аср 80-йиллари бошлари). // Қарши ДУ хабарлари, 2020 йил 4-сон

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2006.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2008.

5. Ислом Энциклопедия 2-нашр. – Т.: 2017.

6. Мирзо Аҳмад Хушназар (Мирзо Кенжабек). Қабристон зиёрати одоби. – Т.: “Шарқ”, 2018.

БОЙСУН МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИМИЗ ЮКСАЛГАН МАСКАН

Холмуминов Ҳусан Эшмуминович
Тарих факультети декани
тарих фанлари номзоди, доцент.

Мустақиллик йилларида Бойсун тумани ҳам ижтимоий иқтисодий жиҳатдан кенг миқёсда ривожланиб бормоқда. Жумладан бундай юксалишлар замирида юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари бўлса, шунингдек барча соҳалардаги ижтимоий ривожланишлар ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Сурхон воҳаси бизга маълумки, қадимдан ўзбек давлатчилиги ҳамда шаҳарсозлиги тарихида муносиб ўрин тутадиган қадимий макон бўлиб, қадимги цивилизациялар маркази сифатида эътироф этиб келинган.

Бугунги кунда миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга муҳим аҳамият касб этиб келган шаҳардан бири саналади. Шунингдек, ҳалқаро ташкилот томонидан Сурхон воҳасининг сўлим маскани саналган Бойсун ҳудуди инсоният номоддий маданиятининг қадриятларидан бири сифатида эътироф этилди. Юнеско томонидан бир қатор маданий меросларимиз қайта ўрганилиб уларнинг ижтимоий аҳамиятига жуда катта эътибор қаратиб борилмоқда[1]. Жумладан ана шундай маънавий меросларимизда бири сифатида “Бойсун бахори» фолъклор фестивалининг бир неча йиллардан буён юқори савияда ўтказилаётганлиги ҳам аълоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, миллий анъаналаримизни янада ривожлантириш мақсадида, “Шалола” ва “Қуралай” каби ҳалқ ансамбиллари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали совриндори ва Республика «Диёр оханглари» кўрик танловларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда [2].

Мустақиллик туфайли бойсун туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

[1] Турсунов.С. Қобилов Э. Сурхондарё тарихи. Т 2004 й. Б 174
[2] С.Турсунов, Қ.Рашидов “Бойсун” Akademnashr нашриёти, 2011 йилБ 13

Жумладан туманда бир қатор саноат обекларининг ишга туширилиши ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Булар қаторига “Тўда”, “Бойсунсоз”, “Дарбанд”, “Қизилнавр”, “Қайроқ”, “Сайроб”, “Омонхона”, “Гажак” конлари ишга туширилиб, шифобахш “Омонхона”, “Хўжамайхона”, “Хўжақўчқор ота”, “Зилол” сувлари ва бетакрор табиий иқлими билан оламга машҳур бўлмоқда.[1]

Бойсун туманида ўзбек халқининг тарихини ўрганишда дастлаб маънавий қадриятларни ўрганиш ва уни дунё миқёсида янада ривожлантириш мақсадида анъанавий достончилик тарихи халқнинг этник тарихи билан узвий тарзда оғзаки ижоди каби санъат турларининг ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бизга маълумки, халқ оғизаки ижоди беқиёс хазина бўлиб, уларни ёшлар онгига сингдириш ўз халқига, ватанига, миллий анъаналарига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда аҳамияти каттадир.

Бизга маълумки, 2021 йил 16 декабрьда ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг XVI сессияси доирасида Халқ оғзаки ижодиётининг энг ноёб дурдоналаридан бири саналган Бахшичилик санъати Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси элементи сифатида Инсоният номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилиши жуда муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди[2].

Шу ўринда аълоҳида таъкидлаш керакки, бахшичилик санъатининг дунё тан олган бундай юксак даражаларга эришишида албатта мамлакатимизда бу соҳага қаратилаётган эътибор ва улкан қадриятларга бўлган эътибор намунаси ҳисобланади. Жумладан 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг тутган ўрни» мавзусидаги анжуманнинг халқаро даражада ўтказилганлиги, бахшичиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, шунингдек, ушбу санъат турини келажак авлодга муносиб етказиш мақсадида ихтисослаштирилган бахшичилик мактабларининг ташкил этилиши каби муҳим ишлар самараси

[1] Турсунов.С. ва бошқалар Сурхондарё тарихи Т. 2004 йил Б 42

[2] . Халқ сўзи 2021 йил 17 декабрь

десак асло муболаға бўлмайди. Эндиликда Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Бахшичилик санъати» халқаро фестивалини ташкил этиш борасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида катта тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тариқа ЮНЕСКОнинг бу рўйхатига кирган номоддий маданий меросимиз объектлари сони 10 тага етди. “Бойсун тумани маданий макони”, “Шашмақом” мумтоз мусиқаси, “Катта ашула”, “Аския санъати”, “Наврўз”, “Палов маданияти ва анъаналари”, Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази: (адрас- атлас), Хоразм рақси – “Лазги”, “Миниатюра санъати” қаторидан “Бахшичилик санъати” ҳам ўрин олди[1].

2021 йил 16 декабрьда ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг XVI сессияси доирасида Халқ оғзаки ижодиётининг энг ноёб дурдоналаридан бири саналган Бахшичилик санъати Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси элементи сифатида Инсоният номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилиши жуда муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди.

Шу ўринда аълоҳида таъкидлаш керакки, бахшичилик санъатининг дунё тан олган бундай юксак даражаларга эришишида албатта мамлакатимизда бу соҳага қаратилаётган эътибор ва улкан қадриятларга бўлган эътибор намунаси ҳисобланади. Жумладан 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг тутган ўрни» мавзусидаги анжуманнинг халқаро даражада ўтказилганлиги, бахшичиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, шунингдек, ушбу санъат турини келажак авлодга муносиб етказиш мақсадида ихтисослаштирилган бахшичилик мактабларининг ташкил этилиши[2].каби муҳим ишлар самараси десак асло муболаға бўлмайди. Эндиликда Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Бахшичилик санъати» халқаро фестивалини ташкил этиш борасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида катта тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аълоҳида таъкидлаш жоизки, ЮНЕСКОнинг

[1] Қузиев.Т. Бахшичилик санъати умуминсоний қадрият. ЎзА 2021 йил 21 декабрь

[2] Бахшичилик мактаби Сурхондарёда . Термиз оқшоми . 2019 йил 24 май

бу рўйхатига кирган номоддий маданий меросимиз объектлари сони 10 тага етди. “Бойсун тумани маданий макони”, “Шашмақом” мумтоз мусиқаси, “Катта ашула”, “Аския санъати”, “Наврўз”, “Палов маданияти ва анъаналари”, Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази: (адрас- атлас), Хоразм рақси – “Лазги”, “Миниатюра санъати” қаторидан “Бахшичилик санъати” ҳам ўрин олди[1].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бойсун бугунги кунда юксак маънавият масакани ҳамда номоддий меросларимизнинг бой тарихий асослари жам бўлган ўлкалардан бири сифатида халқаро ташкилотлар томонидан аълоҳида эътироф қилинмоқда.

ХАЛҚНИНГ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАР

Мавлюда Файзуллаева,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Термиз давлат университети
Сурхондарё, Ўзбекистон

АННОТАЦИЯ

Мақолада **маданий этнографик макон ҳисобланган Сурхондарё воҳаси аҳолисининг** азалий турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятига хос бетакрор миллий хусусиятларини акс эттирувчи анъанавий таомлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Сурхон воҳаси, таомлар, тановул, этнография, дастурхон, этикет, маданият, гастрономия, хўжалик анъанлари.

СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ТРАДИЦИИ, СВЯЗАННЫЕ С УЗБЕКСКИМИ НАЦИОНАЛЬНЫМИ БЛЮДАМИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются некоторые обычаи, связанные с традиционными блюдами и их символическое значение, социально-культурные традиции, связанные с блюдами населения

[1] Қузиев.Т. Бахшичилик санъати умуминсоний қадрият. ЎзА 2021 йил 21 декабрь

Сурхандарьинской долины на базе этнографических материалов.

Ключевые слова: Сурханский оазис, еда, этнография, посуда, этикет, культура, гастрономия, хозяйственные традиции.

THE SOCIAL-CULTURAL TRADITIONS OF UZBEK NATIONAL DISHES (as in Surkhandarya valley)

ABSTRACT

The article presents the customs and traditional dishes and their symbolical meaning, some social- cultural traditions about the dishes of Surkhandarya valley people, on the bases of ethnographical materials.

Key words: Surkhandarya oasis, food, ethnography, dishes, etiquette, culture, gastronomy, household traditions.

Таом – ижтимоий муносабатларни аниқловчи омил сифатида оилавий муносабатлар доирасида амалга оширилади. Дастурхон атрофида доимо бирга овқатланувчиларнинг ўзаро муносабатлари, меҳмондўстлик маросими ёки ритуали, Сурхон воҳаси дастурхонининг хусусиятли унсур (элемент) лари, кўринишлари, маросимий байрамлар, марҳумлар хотирасига кўра савоби тегсин қабилида таом истеъмол қилиш анъаналари, таомланиш одобида аёлларнинг ўрни, таомланиш сабоқлари, уй бекасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнатнинг тақсимланиши, оилавий таомланиш – соғлик гарови сифатида, меҳмондорчилик билан боғлиқ урф-одатлар, таомланиш билан боғлиқ урф-одатлар ва марҳумлар ёди ҳамда шахсий гигиена ва оқилона овқатланиш маданияти ўзига хос локал хусусият касб этади.

Бунда албатта воҳа аҳолисининг дастурхон этикети – дастурхонни безатиш, овқатланадиган кишиларни кутиш, таомни тақсимлаш, тилак тилаш, хотирлаш ёки эслашёд олиш ва бир-бирига мулозамат кўрсатиш омиллари алоҳида аҳамиятга эга. Бу анъана ва удумлар воҳа аҳолиси орасида дастурхон одоби ҳисобланади ва унга ҳамма амал қилиши анъанага айланиб кетган. Тўғри ҳозирги кунга келиб, бу амаллар бироз янгиларига ўзгариб кетди, шунга қарамай воҳанинг тоғ ва тоғ олди қишлоқларида ҳамон урфда қолмоқда. Дастурхон одоби-этикетига кўра, эркаклар, аёллар ва болаларнинг махсус таомлар билан таомла-

ниши, таом тайёрлаш жараёнига эътибор қаратиш, таомни тақсимлаш ва гендер муносабати ҳам муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, таомларни истеъмол қилишда харом ва ҳалолга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Умумўзбек таомлари жуда турли-туман бўлганидек, Сурхон воҳаси таомлари ҳам ранг-барангдир. Бугунги кунда ўзбек миллий таомлар ошхонасида иштаҳани очиш учун иштаҳаочар, хушбўй зираворлар кенг қўлланилмоқда. Инсоният тарихида одамлар ҳар доим заминга нисбатан егулик маҳсулотлари билан таъминловчи манба сифатида қараган. Воҳа миллий таомлари ҳам айнан мана шундай замин озиқлантириб турган маҳсулотлардан иборат бўлиб, бу борада аждодлардан қолган кўп билим ва тажрибаларга таянилади. Бу борада воҳа аҳолиси шифобахш таомлари, шарқона меҳмондўстлик, аждодлар руҳига атаб ис чиқариш каби урф-одат ва маросимлар халқимиз қон-қонига чуқур сингиб кетган.

Сурхон воҳаси аҳолиси турли этник гуруҳлардан таркиб топганлиги туфайли таомларида ҳам бу нарса акс этиб, ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолган. Шунингдек, ў**рганилаётган ҳудудда ўзбеклар бошқа миллат вакиллари – тожик ва туркманлар билан ёндош яшайди.** Масалан, воҳа туркманлари: нонқорма (доғрама), ишлики (ҳасип), қоплама (гўштли нон) каби таомларни тайёрлаган бўлса, тожик миллатига мансуб аҳоли: мастоба, роба ош, қўноғи ош, шунғилла, ширбиринч, гунгунадандон, делида, ширкади, молида, қуртоба каби таомларни тайёрлаганлиги аён бўлди.

Қолаверса, кундалик истеъмол учун тайёрланадиган, тўй, байрам ва бошқа халқ маросимлари учун махсус тайёрланадиган, мавсумий, яъни йилнинг маълум фаслларидагина тайёрланадиган, тайёрлаш усули унутилган, унутилиб бораётган ёки масаллиғи ноёб, баъзи-баъзидагина тайёрланадиган, бетоб бўлганда ёки иштаҳаси қирқилганда шифо бўладиган таомлар, шунингдек, қандолат, ширинлик ва ичимликларни тадқиқ этиш тадқиқот мавзусининг долзарблиги белгилайди. Айниқса, оилавий овқатланиш тизими саломатлик манбаи ҳисобланиб, бунда аёлларнинг ўрни алоҳида ўрин тутади.

Овқатланишни ташкил этишда тановул режими, аёллар меҳнати календари, меҳнат тақсимоти, уй бекасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Таомланишнинг жамоавий жиҳати эса ўзаро бирдамлилик, муносабатларнинг шаклланиши, янги танишлар орттириш, суҳбат қуриш, ёдга олиш, мулозамат кўрсатиш, меҳмон кутиш, меҳмон кузатиш, мезбонлик қилиш ва алоқаларни янада мустаҳкамлаш (қудаанда бўлиш, дўстуёр топиш, таниш орттириш, акука тутиниш, қўшни бўлиш, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш) ёки умуман тескари ҳолат душманлик муносабатларини ҳам шаклланишига олиб келади. Бу жиҳатларнинг воҳа аҳолиси орасида ҳар икки ҳолатнинг ҳам ривожланганлиги қадимдан анъана бўлиб келаётганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Сурхон воҳасида яшовчи ўзбек ва тожик таомларининг тайёрланиш жараёни ҳамда масаллиқ танлаш услублари деярли бир хил. Ўзбек ва тожик таомларининг ўхшашлигига сабаб, бу икки халқнинг ҳудудий жойлашуви билан боғлиқ. Воҳада ўзбеклар билан бирга қорақалпоқ, қозоқ, туркман халқ вакиллари ёнма-ён қўшни бўлиб яшашган. Ёзма ёдгорликларда ҳам қатор таомлар номлари яхши сақланиб қолган. Хусусан, таомларнинг номлари туркий халқларда илгаридан қўлланилиб келинаётган бўлиб, уларнинг кўпчилиги туркий тиллар ёдгорликларида қайд қилинган[1]. Масалан, умумтуркий таомлар: чурек, қази, гўжа, толқон, қимиз, қаймоқ, атала, чалпак, кўмоч, қурут, қайиш, бўғирсоқ, гўмма, қовурмоч, пўссиқ, қатлама, тўғрама, қовурдоқ, бодроқ, қуймоқ, қатиқ, қорма, буламиқ, ёрма, димлама, қотирма, сариёғ кабилар киради.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари каби Сурхондарёда ҳам руслар, тожиклар, туркманлар, оз миқдорда қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар, корейслар, афғонлар ва бошқа кўплаб миллат вакиллари яшайди. Шу боис воҳа аҳолиси ошхонаси турли хил ошхоналарнинг аралашмасидан ташкил топган десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда кўп аҳоли вакиллари шаҳар ва қишлоқларда яшасаларда, ўтмиш моддий маданиятининг таркибий қисмини акс эттирувчи анъанавий таомлар ҳам кўп сақланиб қолган.

[1] Худаярова М.Т. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили... – Б. 36.

Инсон ўзининг биологик эҳтиёжлари, иқтисодий имкониятлари ва оилавий турмуш тарзидан келиб чиқиб, бир кунда 3 марта нонушта, тушлик ва кечки овқат тарзида овқатланади. Тўғри баъзи бир истисновий жиҳатлар ҳам бор, масалан, мавсумий меҳнат жараёни ёки бошқалар билан боғлиқ. Бундай овқатланиш тартиби авлоддан-авлодга давом этиб, ўзбек халқи турмуш тарзига сингиб кетган[1]. Масалан, инсоннинг кун давомида овқатланиши ҳам даврлар ўтиши билан тартиб (режим) га солинган ва эрталабки чой, нонушта (завтрак), тушлик (обед, абет, абит), тамадди (полдник), кечки овқат (ужин) деб аталиши ҳам ўзгаришларга учраган.

Дастлабки даврларда яратилган қўлланмалар, қабул қилинган меъёрларда кўрсатилишича, одам бир кунда тўрт ёки беш марта овқатланиши лозимлиги ва кечки овқатга жуда кам миқдорда ўрин берилганлиги қайд қилинган. Бундай тартибда овқатланиш барча халқларнинг ўзига хос яшаш шароити, миллий анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда риоя қилинади. Масалан, воҳанинг турли қишлоқларида ёзнинг жазирама иссиқ кунлари тушлик эслаб ўтилган меъёрлардагидек кунлик овқатнинг асосий қисмини эгалламайди, одамлар бундай пайтда кўпинча қовун-тарвуз, мева-чева ёки қатиқ маҳсулотларини (чалоп, айрон) нон билан тановул қилишади[2]. Иссиқ овқат эса салқин тушиши билан кечки овқат жараёнларида истеъмол қилинади. Эрталабки нонушта ҳам иссиқ овқат ўрнига енгил таомлардан (узум, мева-чева, қанд-курс, турли пиширириқлар билан чой ичиш) иборат бўлган[3]. Бунга сабаб, воҳанинг жанубий ҳудудлардан бири эканлиги ва аҳолининг доимий равишдаги хўжалик фаолияти билан боғлиқлигидир. Бугунги кунга келиб воҳа аҳолисининг таомлари ва таомланиш маданиятида ўзига хос турли ўзгаришлар рўй берди. Бу эса аҳоли турмуш тарзидаги таомланиш жараёнларига ўзгаришлар ҳам олиб келди. Масалан, кундалик, маросим ва байрам таомларининг турли жойларда (кафе (қаҳвахона), ресторан ва кўнгил очар жойлар) тановулнинг амалга оширилиши сифатида келтириш мумкин.

[1] Қурбонов Ш., Қурбонов А. Тўғри овқатланиш қоидалари... – Б. 10.

[2] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Термиз тумани, Наврўз маҳалласи. 2018 йил.

[3] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани, Сурхон соҳили маҳалласи. 2018 йил.

Воҳа анъанавий таомлари аҳолининг табиий ва географик шароит, хўжалик юритиш шакли билан боғлиқ бўлиб, асосан, ярим ўтроқ, ярим кўчманчи ҳаёт кечирган, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларидан ташқари, овчилик ва балиқчиликдан тушган егуликлардан ташкил топган. Воҳа аҳолиси деҳқончиликдан донли ва сабзавотли, чорвачиликдан сут-қатиқ, ёғ ва гўштли, шунингдек, овланган ҳайвон ва балиқдан ҳам таом тайёрлаган.

Сурхон воҳаси табиий-географик шароитига қараб уч қисм: суғорма ерлар, тоғли ва тоғолди ерлар ҳамда дашт-яйлов ерларга бўлинади. Тоғли ва тоғолди ҳудудларга Бойсун, Деновнинг шимоли-ғарбий қисмлари, Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудлари киради. Бу ерларда, асосан, лалми экинлар экилади.

Сурхон воҳаси деҳқонлари қадимдан донли экинлардан: буғдой, арпа, шоли, тариқ, жўхори, оқ жўхори; дуккакли экинлардан; мош, ловия, нўхат; мойли экинлардан; кунжут, зиғир; сабзавот экинларидан: пиёз, сабзи, шолғом, ошқовоқ; полиз экинларидан: қовун, тарвуз, бодринг; техника экинлардан эса: пахта, каноп экишганганлиги ҳам аҳолининг овқатланиш рационига ўз таъсирини ўтказган. Жумладан, Бронза даврига оид Сополлитепа ёдгорлигида олиб борилган археологик қазишлар жараёнида хумларда буғдой қолдиқларининг топилиши воҳада деҳқончиликнинг қадимдан ривожланганлигидан далолат беради. Воҳада буғдойнинг «туятиш», «оқбуғдой», «қизилбуғдой» каби турлари экилган. Кузда экиладиган экинлар “оқ экин”, баҳорда экиладиган экинлар эса “кўк экин” деб аталади. «Оқ экинлар»га буғдой ва арпа киради, «кўк экинлар»га эса полиз ва сабзавот экинлари киради[1].

Ўзбек ва тожик халқлари қадимдан бир ҳудудда, бир хил ижтимоий тузумда яшаб, ўзаро маданий ҳамда савдо-сотиқ муносабатларида бўлган. Бундай омиллар нон, сомса, палов, шўрва, яхна, мошхўрда, мошкичири каби таомларда ҳам ўз аксини топган.

Республиканинг Фарғона водийсида ва Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида қатиқ меҳмонлар олдига қўйила-

[1] Турсунов С. ва бошқ. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. – Т.: “Muharrir”, 2013. - Б. 260.

диган доимий таомлардан бири ҳисобланади. У уй эгасининг меҳмонга нисбатан кўнгли очиқлиги рамзидир. Чакки (сузма қатиқ) номи - форс-тожик тилидаги чак – томчи сўзидан олинган (Уйда чакоб ҳам қолмабди. Уйда ейишга ҳеч нима қолмаганда, рўзғор учун бозорлик қилиш керак бўлганда халқ орасида шу ибора ишлатилади. Чакоб – қатиқ ёки айронни сузма қатиқ қилиш учун сузиб қўйилганда, охирига келиб зардоби чак-чак қилиб томиб қолади. Бу сузма ҳолига келди, тайёр бўлди, суви ҳам қолмади, охирлаб қолди дегани. Уйда чакоб ҳам қолмади – уйда ҳаттоки сузма қатиқнинг зардоби ҳам қолмади, суви ҳам йўқ маъноларида келади.)[1]. Чакки - қорақалпоқларда шекийде, чекийде, туркманларда чекизе шаклида қўлланилади[2]. Сурхон воҳаси ўзбекларида эса чакки, қатиқ, сузма ва бошқа номларда ҳам юритилади. Қатиқ сутдан тайёрланадиган маҳсулот бўлиб, қатиқ, сузма, чакки билан боғлиқ маросим ва байрамларни бошқа халқларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, тибет халқларида ёз мавсуми тугаганда қатиқ байрамига атаб театр томошалари намойиш қилинган[3].

VIII асрдан бошланиб, IX-X асрларда анча фаоллашган араб тилидаги сўзлар ўзбек тилига шунчалик сингиб кетганки, бу ҳолат патир, ҳолва, мураббо, қиём каби таом номларида ўз аксини топган десак муболаға бўлмайди. Умумўзбек таомлари каби Сурхон воҳасида ҳам ўзига хос аҳоли таомномаси шаклланганки, таомлар билан боғлиқ анъана, урфодат ва маросимлар таом номлари, тайёрланиши, таркиби ҳамда тановул қилишнинг локал хусусиятларини тадқиқ этиш янада долзарбдир.

Воҳа аҳолиси таомномасини таснифлайдиган бўлсак, турли-туманлиги, этник хусусиятларга эгалиги, тайёрланиши ва номланиши ҳамда таркибига кўра Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари таомларидан фарқланади ва хилма-хил гуруҳларга бўлиш мумкин. Қандай маҳсулотлардан тайёрланишига кўра: - Ун ёки хамирдан тайёрланадиган таомлар

---

[1] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани, Хитой қишлоғи. 2019 йил.

[2] Худаярова М.Т. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили... – Б. 40.

[3] Театрализованные представления Праздника кислого молока // Календарные обычаи и обряды народов Восточной Азии: Годовой цикл. Отв. ред. Джарылгасинова Р.Ш., Крюков М.В. – М.: Наука, 1989. – С. 290-295.

- Дон маҳсулотларидан тайёрланадиган таомлар
- Гўштдан тайёрланадиган таомлар
- Тухум ва баликдан тайёрланадиган таомлар
- Сут маҳсулотларидан тайёрланадиган таомлар
- Сабзавотлардан тайёрланадиган таомлар

Бу гуруҳлар ўз ичида яна кичик гуруҳларга бўлинади:

Ун ёки хамирдан тайёрланадиган таомлар:

1) Ундан тайёрланадиган таомлар
2) Нон маҳсулотлари
3) Пиширик ва сомсалар
4) Хамирдан тайёрланадиган суюқ таомлар
5) Хамирдан тайёрланадиган қуюқ таомлар

Нон – энг қадимги таом турларидан бири. Сурхон воҳасида буғдой, арпа, жўхори, тариқ, оқшоқ ва бошқа дондун маҳсулотлардан нон ва патирларнинг ўндан ортиқ хиллари тайёрланган, жумладан, кўпкан нон, ширмой нон, кунжутли нон, жиззали нон, қайирма нон, седанали нон, товатош нон, кўмач нон, пиёзли нон, кадили нон, патир, қатпатир, қуруқ патир (тош патир, кўр патир), сутли патир, жиззали (жиззиқли) патир, қийма патир, кўк патир, қозон патир, қотирма, қаллама (қатлама) каби кўплаб турлари тайёрланган. Шунга қараб нон турлари бир-биридан фарқ қилади: буғдой нон, зоғора нон, арпа нон, тариқ нон, тариқ зоғора бошқа шунга ўхшаш нонларни келтириб ўтиш мумкин. Воҳада хамиртурушга қилинган нон “кўпкан” нон дейилади[1]. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари баъзи туманларида кўпкан нон “оширма нон” деб аталади[2].

Нон қадимги туркий қўлёзма манбаларда – этмак, ўтмак шаклларида учрайди. Маҳмуд Қошғарий яғмо, тухси, ўғуз, қипчоқларда эбмак - нон, қақурған – оширма хамирдан тайёрланиб, тандирда ёпиладиган нон, бўскач – юпқа пиширилган чалпакни ва бошқа нон турлари ҳақида келтириб ўтади. XII-XIV асрлардаги эски ўзбек ёзуви манбаларида ўтмак сўзи кўп учрайди. Ўтмак – нон, ўтмакчи – новвой[3]. XIV асрда нон – ўтмак, этмак,

[1] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани, Сурхон соҳили маҳалласи. 2018 йил.

[2] Муаллиф қайдлари.

[3] Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент. 1940. – Б. 48.

ипи деб аталган бўлса[1], XVII аср қўлёзма манбаларида нон – итмак, чурек шаклларида учрайди. Кейинчалик аҳоли орасида ушбу атамалар қўлланилмаган бўлиб, фақатгина барча адабиёт ва манбаларида нон шаклида келади[2]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида нон - форс-тожикча сўз деб берилади[3]. Алишер Навоий асарларида нон билан бирга экмак, ўтмак каби бошқа номлар ҳам қўлланилган[4]. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Бобурномасида эса, асосан, нон тарзида қўлланилади[5]. Ўзбек ва тожик халқларининг қўшни бўлиб яшаши, иқтисодий-маданий алоқалари, тожик ва форс тилларида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги сабаб, нон сўзи фаол қўлланилган.

Кўп асрлик тажриба жуда кўп нон турларининг пайдо бўлишига олиб келди. Нон маҳсулотлари ҳам анча турли-туман бўлиб, энг асосий ва довруғи таралгани тандирда ёпилган нондир. Улар икки хил турга бўлинади. Оби нон – хамиртуруш ва тузли сувда тайёрланади. Патир нон - сариёғ ёки мол ёғи қўшилиб тузли сувда тайёрланади. Яъни, нон маҳсулотлари хамиртурушли ёки хамиртурушсиз тайёрланади. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги кунгача нон асосий озиқ-овқат маҳсулотига айланган, ҳатто, ҳеч қайси маҳсулот уни таомлар рационидан сиқиб чиқара олмаган ҳамда универсал тарзда тайёрланиб келинмоқда.

Маълумки, нон маҳсулотлари хамирдан тайёрланади. Хамир – унни сув ёки сутга қориштириб аралаштириш натижасида пайдо бўладиган юмшоқ қоришма ҳисобланади. Бу сўз этимологик жиҳатдан арабча бўлиб, хамарадан олинган. Хамир сўзи ўрнида “Девону луғотит туркда” унуғ[6], Алишер Навоий асарларида хамир[7], Муҳаммад Ёқуд Чингийнинг “Келурнома” асарида ёзломоч шакллари қўлланилган. Нон сўзи XV асрдан бошлаб фаол истеъмолда бўлган ва у қадимги туркий сўзларни сиқиб

[1] Сайфи Саройи. Гулистон. Анқара. 1954. – Б. 139.

[2] Ибрагимова А. Муҳаммад Яқуб Чинги. Келур-нома. Тошкент. 1982. – Б. 71.

[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, III жилд, 2007. – Б. 57.

[4] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1984. Т. III. – Б. 562-617.

[5] Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 281.

[6] Қошғарий М. Девону луғотит турк. 3 томлик. – Тошкент.: ЎзФА, 1960. Т.I. – Б. 22.

[7] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. Т. II. – Б. 376.

чиқариб, нон маҳсулотларининг умумий ягона номига айланди[1].

Воҳа аҳолисининг асосий таоми бўлган нон ва нон маҳсулотлари тайёрланадиган арпа, буғдой ёки жўхори дони тегирмон ёки ёрғучоқда тортилган, сўнгра тандир, тоштова ёки қозонга солиб пиширилган[2]. Барча жойда бўлгани сингари воҳаликлар ҳам нонни муқаддас ҳисоблаганлар. Таомланишда ноннинг ўзига хос рамзий жиҳатлари борки, бу таомлар семантикасини белгилаб беради. Воҳада таомларнинг бундай рамзий маънога эга жиҳатларини жуда кўп учратиш мумкин.

Анъанавий ўзбек дастурхони этикетининг қадимий стереотиплари, миллий таомларнинг ўзи каби, ўзбекларнинг оила ва жамоат ҳаётида ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбек халқ мақолида «Ноннинг бир ушоғи ҳам нон» дейилади. Нон билан қасам ичилган (масалан, *нон урсин*). Аҳоли орасида кўҳна удумга кўра, нон ҳурмат қилинади, ерга ташланмайди. Дастурхонга ўраб қўйилади, шунда ҳам дастурхоннинг орқа томонига эмас, устки томонига қўйилади. Шу боис, нон аввайлаб ушатилади. Биргина ушоғи ерга тушиб кетганда ҳам уни териб ейиш ҳолатлари кузатилган. Расулуллоҳ (с.а.в.): ***“Агар бирингизнинг егулигингиз ерга тушиб кетса, уни кўтариб, сиртини бегона нарсалардан тозалаб есин, насибасини шайтонга қолдирмасин”,*** деганлар (Имом Муслим ривояти)[3]. Астон университети профессори Энтони Хилзнинг олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, ерга тушиб кетган егуликни беш сония ичида ердан олиб истеъмол қилиш соғлиқ учун хавфсиз экан. Чунки бу вақт ичида ҳеч қандай микроорганизм егуликка тегишга ёки уни зарарлашга улгурмайди.

Нони тугаган дастурхон оёқ босмайдиган жойларга қоқиш, дастурхонга жуфт қўйиш нон, нонни сотиб олиш бўлмаган. Бинобарин, маълум даврларда ўрганилаётган ҳудудда нон сотиладиган дўкон ҳам бўлмаган[4]. Оилада нон тугаган бўлса ёки шу куни пишира олмаган тақдирда, қўни-қўшнидан бир-иккита

[1] Худаярова М.Т. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили.. – Б. 58.

[2] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани, Хомкон қишлоғи. 2015 йил.

[3] Овқатланишдаги 12 суннат. http://old.muslim.uz/

[4] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Қизириқ тумани, Хомкон маҳалласи. 2017 йил. Бундай удумларни Сурхон воҳасининг барча туманларида кузатиш мумкин. Қаранг: Умаров И. ва бошқ. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар... – Б. 163-171.

нон олиб турганлар ва эрта ёки индини куни нон ёпилганда албатта қайтариб берилган[1]. Аҳоли орасида мавжуд удумга кўра, кимдир нон ёпса, албатта, қўшнига бир дона нон чиқарган. Нон узилаётган вақтда бирор киши тасодифан тандир ёнидан ўтиб қолса, таомилга кўра, албатта, иссиқ нондан, ризқи қўшилган деб, бутун нон ёки бир ушатим унга узатилган[2].

Хулоса қиладиган бўлсак, анъанавий таомлар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек таомлари жуда бой ва хилма-хил бўлиб, уларнинг тайёрланиши ва истеъмол қилиш тартиблари аҳолининг ҳаёт тарзи, хўжалик машғулотидан келиб чиққан.

Сурхон воҳаси таомлари ҳозирги кунга қадар ўз анъанавийлигини сақлаб келмоқда. Учта ҳудуд - текислик, тоғ олди ва тоғли аҳолини ўрганишда ушбу аҳоли пунктлари аҳолисига хос бўлган кундалик ва йиллик овқатланишнинг кунлик ва йиллик цикли аниқланди.

Бу ўзига хослик билан биргаликда таомларда тожик, туркман, қозоқ халқи таомларини учратишимиз нафақат табиий, ижтимоий-иқтисодий, балки қадимдан этномаданий алоқаларнинг умумийлиги билан ҳам характерланади. Бу шундан далолат берадики, узоқ йиллар давомида Ўрта Осиё ҳудудидаги халқларнинг бирга яшаб, ўзаро бўлган алоқалари таом турларининг кўпайишига ҳам олиб келган.

Халқ анъанавий таомлари моддий маданиятнинг бошқа элементларига нисбатан анча консерватив бўлиб, ўзида барқарор этник хусусиятларни сақлаганлиги борасида қатор янги илмий мулоҳазаларда XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларига қадар миллий таомларидаги муайян хўжалик маданий типларига хос фарқланганлиги аниқланган.

Умумўзбек таомлари каби Сурхон воҳаси аҳолиси таомларида донли, сутли ва гўштли маҳсулотлар муҳим ўрин тутиб, гўшт маҳсулотларини кўпроқ чорвачилик билан шуғулланувчи тоғ ва тоғ олди ҳудудлари аҳолиси нисбатан кўпроқ истеъмол қилган. Кейинчалик таом тайёрлаш, истеъмол қилишда сабзавот ва мевалардан ҳам фойдалана бошланди.

---

[1] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Қизириқ тумани, Хомкон маҳалласи. 2011 йил.

[2] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани, Сурхон соҳили маҳалласи. 2015 йил.

ТАОМ ВА ТАОМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМЛАР ҲАР БИР ХАЛҚ МОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна
тарих фанлари номзоди, доцент
Термиз давлат университети

Инсоният ўзининг моддий, жисмонан мужассамланишида ҳам жисмонан, ҳам маънавий озуқа, яъни, тантанали, байрамона, кўргазмали таомларсиз, яъни, моддий ифодасиз ўз-ўзидан мавжуд бўладиган қувонч ҳам, қайғу ҳам бўлиши мумкин эмаслигини англаш мумкин.

Байрамона таомнинг ҳар қандай шакли, кўргазмали тарзда ҳашаматли ёки маълум эътиқодлар ёки сеҳрли маросимлар билан боғлиқ ёки аксинча, овқатланишда ўзини ўзи чеклаш ҳақида сигнал берувчи ҳам бўлиши мумкин.

Агар илгари турли ҳудудлардаги аҳоли ўртасида байрам ва тантанали таомларда сезиларли фарқлар мавжуд бўлган бўлса, бу биринчи навбатда тенг бўлмаган табиий-иқлим шароитлари, шунингдек, қишлоқларнинг урбанизация даражаси ва уларнинг маданий эҳтиёжлари ва имкониятлари туфайли эди. Энди текислик ва тоғ қишлоқ аҳолисининг дастурхонидаги байрам ва маросим таомларининг таркибида деярли фарқ йўқ ва, албатта, бу ҳар бир оиланинг моддий аҳволига боғлиқ. Ҳозирги вақтда кўплаб анъанавий байрам таомлари нафақат сақланиб қолган (машаққатли таомлар ҳам, масалан сумалак, ҳалим ва бошқ.), балки янгилари ҳам пайдо бўлди.

Одатда, байрамлар хурсандчилик кунлари ҳисобланиб, бу кунларда кўпчилик кўнгилчоғлик янада яхши бўлишини истаб, тансиқ таомлар истеъмол қилишни ҳоҳлайди. Мўл-кўл дастурхон, байрамнинг ўзига хос белгисидир. Таом ва таомлар билан боғлиқ удумлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, улар орқали ўзига хос турли маданиятлар шаклланишининг йўли, хусусияти ва бошқа эл-элатлар билан ўзаро алоқадорлигига оид қимматли маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Анъанавий байрам таомларини янги йил таомлари; ҳайитларда тайёрланадиган таомлар (қурбон ҳайити, рамазон ҳайити) ва диний маросимларда тайёрланадиган таомларга бўлиб таснифлаш мумкин. Аҳолининг байрам таомлари орасида мусулмон байрамлари ва рўза давридаги анъанавий таомлар, уларнинг тайёрланиши ва тановули ўзига хос локал аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш керакки, XX асрда ўзбек байрамлари мураккаб бир даврни бошидан кечирди. Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантиргач, ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб, ўзбек халқининг кўплаб байрамлари таъқиқланди. Маросимлар қисқартирилди, байрамона зиёфат анъаналарини сақлаб қолишга рухсат берилмади. Давлат ва диний байрамлар ўрнига деҳқон байрамлари маҳаллий ҳамжамиятларнинг ўзига хослигини мустаҳкамловчи тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Наврўз байрамининг тақдири аянчли бўлди. У ўзининг муқаддас маъносини йўқотди, уларни нишонлашнинг асосий мақсади болаларга совғалар беришдан иборат бўлиб қолди. Айниқса, 1930-йиллар бошида "эскилик сарқитлари" га қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, қадимий миллий, маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросим ва байрамлар тафтиш қилинди. 1930-50 йилларда анъанавий халқ одатлари ва байрамларини ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилар "шўро давлати сиёсатига қарши "ёт унсур" ёки "миллатчи" деб айбландилар. Шўро сиёсатдонлари қатағон йилларида Наврўз байрами ўрнига "Колхоз тўйи" деган байрамни жорий этишди[1]. Аммо, миллий байрам ва маросимлар яширинча ўтказилаверди. Бундан кўриниб турибдики, ушбу байрамларнинг чекланиши унда тайёрланадиган таомларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Қолаверса, ўлкада маълум вақтларда байрам таомларини тайёрлаш ва истеъмол қилиш унутилиб ҳам борди.

Наврўз барча байрамлардан кўплаб архаик элементларни ўз ичига олган озиқ-овқатнинг ўзига хос турларини истеъмол қилиш билан ажралиб туради (сумалак). Ушбу байрам бир йил алмашинуви, тенг кунлик билан боғлиқ бўлиб, маросимий фа-

[1] Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари… – Б. 67.

олиятда озиқ-овқат катта аҳамиятга эга. Ушбу байрамнинг энг муҳим маросим таоми сумалак қадимги анъаналарга кўра ундирилган буғдойдан пиширилади. Буларнинг барчаси таомланишнинг рамзий фазилатларига эга.

Маросим дастурхонининг асосий таомлари ва маросим тушунчалари кенг этник маданий мазмунга эга тушунчаларга айланди. Дастурхонга маросим элементлари (қатлама, сўзма, бўғирсоқ) ни қўйиш, шунингдек, мавқеига қараб дуо қилиш тартиби, одати бугунги кунгача сақланиб қолган. Буғдой донини кўкартириш жараёни ҳам ўзига хос усулда бўлган. Кузда экилган буғдой тозаланиб, уй ҳароратида ёйиб қўйилган ва вақти-вақти билан сув сепиб турилган. Буғдойнинг кўп ўсиб кетмаслигига ҳам алоҳида эътибор беришган. Агар кўп ўсиб кетса, сумалак пишгач аччиқ бўлиб чиққан. Сумалак учун қўйилган донларга нопок одамларнинг кўзи тушмаслиги учун пана жойда ўстирилган ва фақат дон қўйган кишигина таҳорат олиб, сув сепиб турган. Байрамона таом ҳисобланганлиги учун азадор хонадонларда сумалак тайёрланмаган. Оппоқ ниш уриб чиққан майса орасидан қизил ниш уриб чиқса, бу ўстирилган буғдойдан сумалак қилишмаган, чунки қизил ниш хосиятсизлик аломати бўлиб, бирор фалокат олиб келиши мумкин деб ўйлаганлар[1]. Сурхон воҳасида бундай ҳолатлар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Байрамона таомлар этник гуруҳнинг ўз ички ҳамжамиятини, унинг бошқалардан, ҳатто маданияти ўхшаш ёки яқин бўлган этник гуруҳлардан фарқини билишда муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, ушбу таомнинг маҳаллий хусусиятлари, ички этник маданиятни англашда ёрдам беради.

Халқнинг байрам ва маросим амалиётлари ўртасидаги турли хил алоқалар овқатланишнинг асосий шакллари иқтисодий ва маданий турлари билан боғлиқ. Бир томондан, таомланишнинг қандай муқаддас ва диний жиҳатлар билан тобора кўпроқ банд бўлганлиги кўринади, бошқа томондан, кейинги давр билан боғлиқ бўлиб, бу муқаддас ва диний жиҳатлар ўз аҳамиятини йўқота бошлаган ва ғайриоддий (кундалик бўлмаган) озиқ-овқат

[1] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани, Лайлагон, Хомкон, Хатак қишлоқлари. 2017 йил.

турлари аста-секин кундалик овқатлар билан мувозанатлашган.

Қайсидир таом у ёки бу байрамнинг тимсолига айланди ва бугунги кунда у ёки бу байрамнинг таомномасида сақланиб қолишига сабаб эса, маълум бир маҳсулотлар мавжудлигининг мавсумийлиги, диний урф-одатлар, шунингдек, маълум бир таомнинг нуфузи омили ҳисобланади. Ушбу таомларнинг кўпчилиги ўнлаб йиллар ва ҳатто асрлар давомида содир бўлган деҳқон ва чорвадор ошхонасининг симбиозидир.

Ўтмишдаги маҳаллий анъаналар бошқа минтақаларнинг анъаналари ёки халқаро ошхона анъаналари билан аралашиб кетди. Анъанавий таомларнинг гастрономик фестиваллари оммавийлашиб, ёшларни ўзига жалб қилмоқда, жумладан, мазали пиширириқлар намойиши. Байрам таомномаси ҳам ўзгариб, у янги таомлар билан тўлдирилиб бормоқда. Бу биринчи навбатда ярим тайёр таомлар ва пиширириқларга тегишли. Ўз ўрнида айтиш керакки, бу глобал иқтисодиёт ва ярим тайёр маҳсулотларга асосланган пишириш технологиясига ўтиш билан боғлиқ. Бугунги кунда макарон, лағмон, пельмень, лаваш хамир, қийма гўшт каби ярим тайёр маҳсулотлар уй бекасининг таом тайёрлашдаги ёрдамчи маҳсулотларига айланган.

Бугунги кунда шаҳар аҳолиси ўзларининг урф-одатларини намойиш этишга, қишлоқ урф-одатларини, жумладан, қўлда овқатланишни ва ҳоказоларни қайта тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда байрамона зиёфатда услублар аралашмасини - шаҳар ва қишлоқни кузатишингиз мумкин. Бу эса, ўзбек ошхонасининг барқарор сақланишини яққол намойиш этади.

Хулоса щрнида айтиш мумкинки, аҳолининг маросим таомлари жумласига кирадиган ширбиринч, ёрма ош, умоч ош, қора ош, хатим оши, йил оши, ҳолвайтар ва ис чиқаришда тайёрланадиган пиширириқлар; Наврўз ва бошқа халқ байрамлари; Ийди Рамазон, Ийди Қурбон ҳайитларида; бешик тўй, никоҳ тўй, суннат тўй, мучал тўй, пайғамбар ёши маросимларида; Мушкулкушод, Биби Сешанба, мавлудлик каби маросимларда пишириладиган таомлар ҳамда мазкур маросимларда тайёрланадиган таомларнинг таркиби, номланиши, тайёрланиши ва тановул қилиниши жараёнида маълум бир жинсий, ижтимоий ва диний жамоа ва-

киллари, жамоа, уруғ, этнос, ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳам намоён бўлади. Қолаверса, маросимий равишда тайёрланган таомларни биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, маросим таомлари жинси ва ёшидан қатъий назар ҳамма уни истеъмол қилиши ҳамда бутун жамоани бирлаштирувчи хусусиятга эга эканлиги, ёки аксинча, бошқа маросим таомлари турида турли жинс вакилларининг биргаликда таом истеъмол қилиши мумкин эмас, яъни таомга нисбатан таъқиқ қўйилиши (Мушкулкушод, Биби Сешанба ва б.) ҳам мумкин.

Демак, бир сўз билан айтганда, маросим таомларининг инсонларни бир-бирига бирлаштирувчи вазифасидан ташқари, шифобахшлик, тўйимлилик, кўргазмалилик, мавсумийлик, ҳимояловчи, покловчи, таъқиқловчи каби қатор хусусиятлари, шу билан бирга таомларга магик кучга эга сифатида ҳам қаралганлигини (узма ош, кескан ош, умоч ош, буламиқ, ширгуруч, мошкичири, қовурмоч, ҳолвайтар, тухум ва бошқ.) мақолада кузатиш мумкин.

СУРХОНДАРЁДА ПИСТА ЎСТИРИШНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти
Доцент Луков М.К., ўқитувчи Қурбонов А.,Н.,
талаба Жураев Т. Қ.

Аннотация: Ушбу мақолада пистанинг халқ хўжалик ва тиббиётдаги аҳамияти, келиб чиқиш тарихи. Сурҳондарёда писта ўстиришнинг истиқболлари ва уруғкучат етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган

Ибн Сино табобатида маълумтларда келтирилишча, пистадан жигар хасталикларини даволаш, юрак фаолиятини мустаҳкамлаш ва ошқозон ичак касалликларининг олдини олишда фойдаланилади. Бошқа манбаларда кўрсатилишича вирусли ге-

патит, ўпка сили ва кўкрак оғриғи билан жабрланган одамлар писта мағзини истеъмол қилишганлари маълум. Пистанинг мағзида 60%гача мой 18% гача оқсил ва B_1, B_2 ва Е витаминлари мавжуд

Сурхондарё вилоятида пистанинг икки тури:- ёввойи писта ва хандон писта ўсади. Ёввойи писта тоғ пистаси деб номланади. Унинг бир нечта турлари учрайди. Тоғ пистасининг мевасидан маҳаллий аҳоли бундан минг йиллар, балки 10минг йиллардан олдин ҳам фойдаланишган. Шунинг учун ҳам пистанинг бирламчи ватани Ўзбекистон деб ҳисобланади.. Республика нинг бошқа вилоятлари, Фарғона водийси ва Тошкент, Жиззах вилоятларида устириш шароитига мослашиб ёввойи пистанинг турли экотиплари пайдо бўлган. Бу экотиплар писта дарахтининг бўйи баландлиги, тупининг шохланиши, баргларининг шакли, пистасининг йириклиги каби белгилари билан бир-биридан фарқ қилади. Тоғ пистаси узоқ умр кўради 200 йилдан зиёд яшаган айрим писта дарахтлари ҳам бор. Кўпчиллик олимлар (Коржинский , Лисневский , Попов)нинг фикрича Ўзбекирстон ҳақиқатда ҳам хандон писта мамлакати бўлган. Аммо катта ҳҳудуларда уларнинг кесилиб кетиши татижасида табиий танланмагн.(3;-349 б).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғли аҳолисини олдинги аждодлари айрим мевали писта дарахтини ўзининг фарзадларига мерос сифатида қолдиришган ва улар ҳам ўз навбатида ўзларининг фарзадларига ва шундай тартибда навбат ва навбат набираларга мерос сифатда ўтиб келган писта дархтларлари ҳозигача бор. Ёввойи писта турли ноқулай шароитларга чидамли ўсимлик. Унинг дарахти -40^{0}С совуққа ва 45^{0}С иссиқликка бардош беради. Илдизлари ерга чуқур (15-20 метргача) боради. Меваси пишганда чокидан ёрилиб ичидан мағзи кўриниб қолади. Дарахтда кечроқ пайдо бўлган меваларининг мағзи ёпиқ ҳолатда қолади. Мағзи очиқ писталар мағзининг бир қисми ерга тўкилиб кетади. Ёввойи писта кечроқ 16-18 йилда ҳосилга киргани учун текисликда писта ҳосил бермайди – деб айтилган гаплар ҳам бор. Ёввойи пистанинг мазаси хандон мистанинг мевасига нисбатан ширинроқ, бироқ шакли майда узунлиги 1,2-1,8мм. бўлади.

Долзарблиги юқоридагиларни инобатга олганда писта ўстиришнинг истиқболларини илмий асослаш учун биология фанининг тарихий методидан фойдаланиб бу соҳани ўрганиш долзарб масала ҳисобланади. Чунки ҳар қадай қишлоқ хўжалик экини ўзининг бирламчи ватанида юқори ва сифатли ҳосил беради (1:-15-17 б.)

Ҳозирги пайтда Республикамизнинг барча вилоятларида, жумладан сўнгги йилларда Сурхондарё вилоятининг текислик ва тоғ олди минтақаларида писта боғлари ташкил қилинган. Масалан Шерообод туманидаги "Мойбулоқ" маҳалласида ва Олтинсой туманидаги "Мустақиллик МФЙ" далаларида ташкил этилган пистазорларда айрим дархтлар ҳосилга кирган.

Сурхондарё вилояти шароитида пистанинннг-"Боботоғ", "Мустақил лик","Тоғ маликаси", "Фаравон", "Чақмоқ" каби 5та навлари экишга тавсия этилган **(5:- 22 б.)**

Хандон писта ўзининг морфо-биолгик хусусиятлари билан ёввойи пистадан кескин фарқ қилади. Хандон писда 5-6 йилда ҳосил бера бошлайди. Асосан уруғидан ва кейин пайвандлаш йўли билан купайтирилади.

Писта асосан уруғидан ва пайванлаш йўли билан купайтирилади. Пайванлаш йўли билан купайтилса ҳам пайвантаг учун уннг уруғидан экиб куплаб уруғкучтлар етиштирш зарур бўлади. Шуларни ҳисобга олганда писта кучатлигини такомиллаштириш учун ёввойи ва хандон пистанинг уруғкучатини етиштириш долзарб масала ҳисобланади

Материал ва методлар. Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг ўқув тажриба хўжалигида дала тажрибалари ўтказилди. Бу тажрбада уруғкучат ниҳолларини етиштириш ва пистани пайвандлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотларни ўтказишда -ЎЗПИТИ (2007:-17-21б.) ва Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ нинг методларидан фойдала нилди

Твдқиқотлар натижалари: Пистанининг кучатчилигини такомил лаштириш бўйича эътиборли илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Хусусан институт иссиқхонасида ҳар йили 3000 дона кучат ва шунча миқдорда пайвандтаг кучат тайёрланади. Институт ҳовлисида 10 та янги намуналарнинг қимматли хўжа-

лик белгилари ўрганилмоқда. Ҳосилга киришни тезлаштириш ва яхши навларнинг қимматли хўжалик белгиларини сақлаб қолиш мақсадида пистани пайвандлаш ишлари бир мунча йўлга қўйилди. Пайвандтаг сифатида ёввойи писта уруғи экилди, пайвандуст сифатида ҳосилга кирган мўл ҳосилли меваси тўлиқ очиладиган навларнинг навдалари тайёрланди. Биринчи ва иккинчи йиллик даладаги ниҳолларда куртак пайванд июл ойининг 1-2 ўн кунлигида, искана пайванд феврал ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилди.

Ўрганилган маълумотлар курсатишича пайванд қилинмаган писталар1-2 йил кеч ҳосилга кириши ва писталар бир вақтда ҳосил бермаслиги. Агар ниҳоллар пайванд қилинган бўлса, паёвандуст хандон пистанинг навдалари бир хил меъёрда ўсади. Гуллаш жараёни бир вақтда ва мевасининг пишиши даври ҳам бир вақтда бўлиб ўтиши ўрганилди.

Пистани пайванд қилишнинг яна бир жиҳати шундаки писта четдан чангланувчи ва икки уйлик ўсимлик. Четдан чангланувчи экинларнинг уруғи экилганда пайдо бўлган ниҳолларда ҳар хилллилик пайдо бўлади. Яъни авлодларда парчаланиш рўй беради. Икки уйлик ўсимликларда эркак ва урғочи ўсимликлар бир –биридан фрарқ қилади. Масалан эркак ўсимликнинг бўйи баланд ва тик ҳолатда ўсади. Ён шохчалари кам бўлади,ҳосилдорлиги ҳам нисбатан паст бўлади. Пайванлаш туфайли бу камчиликларга хотима берилади.(4: -22-23 б.)

Воҳалаки пистани уруғидан экиб то ҳосил етиштиригача қуйидаги жараёнлар бўлиб ўтади. Дастлабки иш писта уруғлари январ ойида ўта қумлоқ ёки қумли муҳитда полиэтлен пленкадан тайёрланган кичик идишларда 4-6 см. чуқурликда экилади.. Феврал ойининг охирида идишлардаўсимликлар майдо бўлади. Бу ўсимликлар 2-3 жуфт барг ҳосил бўлиш билан бу ниҳолларни дала шароитига ўтқазиш мумкин. Ёки бўлмаса писта уруғларини бевосита далада ҳам экиш мумкин

Биринчи йилги ниҳолларни экишдан олдин экиладиган жойга (чамаси 1м2 ерга)бир челак чириган гўнг ва 1,0 ош қошиқдан азотли ва фофорли ўғитлар аралаштирилиб 18-20см. чуқуликка солиб.ерни ағдариб тупоқни аралаштириб ташланади.Дала шароитида бирданига қатор ораси 5м. ўсимлик ораси

6м.кенгликда экилади.Таъкидлаш жоиз сизот сувлар сатҳи 3-4 метр юзада жойлашаган ерларда ва шўрланган тупроқларда пистани экмаслик керак. Бир марта экилган пистани кўчириб ўтказиш жуда мушкул. Сабаби илдизлар жуда кўп бўлганлиги сабабли, унинг илдизи кесилса ўзини тиклай олмай нобуд бўлади. Март ойида экилган ниҳолларнинг бўйи июл ойигача40-50см. ва йилнинг охиригача100- 140см.га етади. Ниҳолларни 1 марта- куртак пайванлаш билан июл ойида иккинчи марта феврал ойида искана пайвандлаш йўли билан пайвандлаш ўтказилади.. Биринчи ва иккинчи йилги писталар то илдиз отиб яхши ўсиб кетгунча ҳар 1 ойда бир марта суғорилади. Хандон пистадан лалмикорликда боғлар ташкил этиш учун катта майдонларни томчилатиб суғориш ишларини ташкиллаштириш керак бўлади. Писта дарахтига иккинчи йилдан бошлаб шакл берилгани мақсадга мувофиқ. Хандон писта бешинчи йил ҳосил бера бошлайди. . 1 – йил 3-4кг. Ундан сўнгги 6-7-8 йилларда бир тупдаги ўртача ҳосил 5-10 кг. дан ошиб боради. Ўнинчи йилларга бориб 1 тупидан 30-40кг.гача ҳосил олинади. Хуллас 1 гектар майдонда 6х5 экиш схемасида ўстирилган пистанинг туп сонлари ўртача 320-340 туп бўлади. 10 суток ерда эса 32-34 туп бўлади. Фермер хўжалиги раҳбари ёки деҳқон 32 туп ўсимликнинг ҳар биридан ўртача 30кг .дан ҳосил олганда 10 суток ердан 960кг. ҳосил олинади .Хандон пистанинг харид нархи 40минг сўм бўлса 10суток жойдан 38млн 400миг сўм даромад олишга эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдукаримов Д.Т. Дала экинлар хусусий селекцияси Т. 2007й 15-17б

2. Буриев Ҳ.Ч. ва бошқ Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар ўтказиш методикаси 1988-27-28 б.

3. Остонақулов Т.Э ва бошқалар Мевачилик ваа сабзавотчилик (мевачилик) Писта “Навруз нариёти” Тошкент 2019й .349 б.

4.Ёрматова Д.. Хушвактова Х. Хандон писта агротехникаси /фемерлар учун тавсиянома/ Фан ва технологиялар маркази босмахонаси. Тошкент 2017й. 22-23 б.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилаган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри Т. 2021 18б.

ЎЗБЕК САНЪАТИДА СУРХОН ОҲАНГИ - МАХМУД НОМОЗОВ

Термиз давлат университетининг Педагогика институти, “Тарих фанлари” кафедраси мудири (PhD) О.А.Исаев

Ҳофиз билан сухбатда дейди: Болалик пайтимиз қишлоғимизда телевизор бор хондонлар кўп эмас эди. Беш-олти уй оралаб бирон ҳовлида оқ-қора тасвирли телевизор бўларди. Унда ҳафтани икки кунида концерт берилади. Қўни-қўшнилар жам бўлиб, томоша қиламиз. Концерт бошланса, қўшиқ куйлаётган киши машҳур ҳофизми, ёки энди чиққан ҳаваскорми, қатъий назар, ўзимни қўярга жой топаолмай қолардим. Айниқса концерт бошланишига кечикиб, қўшиқни ярмидан эшитган бўлсам, шу бўйи анчагача аламим тарқамасди. Қишлоғимизнинг учтўрт жойида симёғоч учига ўрнатилган радиокарнайлар бўлиб, мен ҳар куни қоқ пешинда аввал чорвадорларга, кейин қишлоқ меҳнаткашларига бағишлаб, эшиттириш ва концерт берилишини интизор бўлиб кутар эди. Бир кун келиб мен ҳам шу инсонлар каби қўшиқ айта олармиканман, қўшиқ куйласам, одамлар мени ҳам тинглашармикан дея орзу-ҳаёл қилардим. Дейди ҳофиз ўзи ҳақида ёзилган юлдузлар шамоли китобида.

Ҳофиз Махмуд Номозовнинг исми араб тилидан таржима қилинганида маъноси бошқалар томонидан мақталган инсон деган маънони англатишини билган ҳофиз, ёшлигидан уни буюк келажак кутуб турганини жуда равшан ҳис қилишини таъкидлайди. Ҳофиз отасидан Сурхонча қилиб ҳар гал ўзининг кимлиги ва ўзлигини англашга интилганида ҳофизнинг отаси Алимуҳаммад отасидан жуда эрта – уч ёшида етим қолгани, шунинг учун отасини яхши эслолмаганлигини таъкидлаб келган. Ҳофизнинг отаси ҳар доим таъкидлайдики, “биз дўрмон элининг бўрлоқ де-

ган қавмидан эканлигини билишади”.

ХХ асрнинг 30 йилларида совет ҳукумати ҳудудни босиб олиш даврида Сурхон воҳасининг узоқ Боботоғ этакларида ҳам совет сиёсатига қарши бу режимни ўзига бегона деб қарши чиққан дўрмон элининг ботир йигитлари ҳақида гапирганида ўз авлодлари ҳақида билгандай бўлади ҳофиз.

Ҳофиз Махмуд Номозов ўз эли ва уруғ аймоғини шундай таърифлайди: “Биз ўзбекларнинг энг қадимий уруғларидан бири дўрмонларга мансубмиз. Дўрмонлар қадимги туркий элнинг жанговор қабилаларидан бири бўлган. Қадимги туркийлар кўпроқ доимий кўчманчи бўлиб, истиқомат қилишган. Боболаримнинг айтишича деб ҳотирлайди ҳофиз, дўрмонлар туркий лашкарнинг илғори – бугунги тушунчада таъкидлаганда авангарди бўлишган”.

Она тарафдан авлодим дейди ҳофиз дўрмоннинг “бегавлат” (бек авлоди) уруғидан бўлади. Уларнинг оиласи анчагина катта бўлиб, рўзғори ҳам бақувват бўлган. Улар Сурхон дарёси бўйларига кўчиб тушгунларича боботоғнинг белидаги Чагам қишлоғида истиқомат қилишган.

Ҳофиз Махмуд Номозовнинг болалиги Сурхондарё вилояти Узун тумани Файзова қишлоғида кечган. Сурхон дарёсининг чап соҳилида Боботоғ этакларида жойлашган бўлиб, ҳофиз қишлоғи ҳақида сўз борганида уни доимо тўлқинланиб сўзлаб беради.

Ҳофизга ҳар сафар “Устозингиз ким? Кимни ўзингизга устоз деб биласиз?” деб мурожаат қилишганида унинг бу саволларга жавоб беришида қийналишини таъкидлаб, умумий қилиб ҳаёт йўлимда жамики, инсонлар менинг устозларим деб билади. Бировлардан яхшилик ва ёмонлик сабоғини олдим, бошқалардан ўзимни қандай тутишни ўргандим, катта ва кичик, ёш ва кекса, тажрибали ва санъатга энди кириб келаётган ёшлардан ҳам ниманидир ўргандим дейди ҳофиз. Лекин шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, қўлимга илк бор рубоб тутқазиб, мусиқа мана бундай чалинади деб ўргатган устозим чет тили ўқитувчиси Эсон ака Алматовни биламан.

Ҳофиз болалигидан санъатга қизиқиб, ўзи туғилган туманда ўтказилган ҳаваскорлар кўрик-танловининг биринчи бор ғоли-

би бўлганида еттинчи синфда ўқирди. Ҳофиз дейди, мен болалигимдан токи олий ўқув юртига қабул қилингунимга қадар мусиқа сир синоатларини яъни унинг ноталарини билмаганман. Шунинг учун консерваторияга ўқишга кира олмай Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа ва ашула факультетига қабул қилинганман дейди у.

Менда шундай бир ғоя борки, шеърни шоир, куйни бастакор ёзсин, ижрочи эса ҳар икки ижодкорнинг асарини ўзининг кўнгил мулкига айлантириб халққа етказиб берсин, фақат шундай ҳолатдагина асл қўшиқ туғилади. Менинг ҳар бир қўшиғимда ниманидир эслатадиган ҳодиса ёки кўнгил мулкида асраб авайланган бир сир борки, уни мен қўшиққа бериб ижро этаман, дейди хофиз Махмуд.

Ҳофизнинг илк қўшиғи сурхонча оханглрда Сурхон заминида пайдо бўлган. Ҳофиз Маҳмуд Номозовнинг илк репертуарларидан бири бу сурхонча маҳаллий шевада куйланган "бахшиёна" услубда бўлиб, "олмадайи сўлғанайин" қўшиғи таралиб, уни бутун Сурхон аҳли севиб тинглаган ва тўйи томошаларда ижро этилган. Ҳофиз Маҳмуд Номозов ўзбек санъатида ўз ўрни ва ўз овозига эга бўлган санъаткорлардан бири. Бугун бу ҳақиқатни барча тан олиб турибди. Ҳусусан, ўзбек мусиқа санъатига то шу маҳалгача эътибордан четда қолиб келаётган Сурхон оханларини олиб кирганининг ўзи бир улуғ ишдир. Ҳозирча шартли равишда "Сурхон оханлари" дея атаётганимиз оханлар, аслида, "дашт элининг оҳанглари"дир. Ўзбек миллатининг туб илдизларидан бири ҳам бепоён даштларга, даштларни макон тутган эл ва элатларга бориб тарқалишини ҳеч қачон унутмаслгимиз керак.

Табиат бўшлиқдан қўрқади, дейди Аристотел. Худди шу қоидага мувофиқ, рус қишлоғининг ҳаёти ҳам четда қолиши мумкин эмас эди. Рус адабиётининг энг улуғ дарғаларидан бири Лев Толстой умр бўйи рус қишлоғи, рус мужигининг юрагини кашф этишга, уни санъатга олиб киришга, ўзи ҳам ҳаётда оддий деҳқон – мужик бўлиб, яшашга уринди. Мен Ўзбекистонда худди шундай вазифани ҳофиз Маҳмуд Номозов ўз қўшиқлари орқали уддалади деб ҳисоблайман. Бу шаҳсий фикр албатта. Лекин тугал инкор этиб бўлмаслигини биламан. Санъатимиз дарғалари ҳо-

физ Маҳмуд Номозов қўшиқлари орқали ҳаётимизга жаранглаб кириб келган дашт оҳанглари теран томирларимизга уланганини, ривожланиш учун улкан имкониятларга эга эканлигини тан олмоқдалар. Бу қўшиқларни ёшлар тингламоқда, ёш санъаткорлар шу йўналишда қўшиқлар басталамоқда. Мамлакатимизнинг энг юксак минбарларида бу хизмат эътироф этилди.

Шуни айтишим мумкинки, ансамбл энди гуркираб ишлаган вақтларда унинг олтмишга яқин аъзоси бор эди. Гарчи ўн-ўн беш киши ойлик олиб ишласа ҳам, қолганлари санъатга хавасмандлиги жиҳатидан текинга қатнарди. Халқ ансамбли деган номга сазовор бўлди. Мана шу вақтларда санъатсевар муҳит хофизнинг мусиқа оламида мустаҳкам қарор топишига асосий туртки бўлди. Ҳофиз шуни таъкидлайдики, мен рубоб чалиб, қўшиқ айтишни билганим билан атрофимда ўзини санъатга фидо қилиб турган одамлар йиғилмаганда эди, балки мен ҳам санъатга иштиёқимни ёшлик ҳаваси дея тушунар ва кейинроқ бошқа касбнинг бошини тутиб кетармидим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳофиз Маҳмуд Номозов қўшиқни яхши ижро этгани учунгина бугунги даражага эришмади. Чунки, қўшиқни яхши айтадиган ҳофизлар кўп. Овози чиройли, ширали ва жуда кучли бўлгани учунгина бугунги даражага эришмади. Чунки, унинг овоз имкониятлари кўпчилликка маълум. Овози зўр хонандалар юртимизда жуда кўп топилади. Ҳофиз ҳаёт йўлида кўп қийинчилик кўрган, болалиги оғир кечган ҳофизнинг йўлига назар ташласам, ҳар доим узоқ йўлдан юрибди, бироқ муваффақиятлар манзилига тез етиб келибди дея хулоса чиқараман.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРИХИ

Бутаяров Абдуқодир Тухтаевич –
техника фанлари фалсафа доктори,(PhD)доцент
Турсунов Шокир Чориевич –
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Бугунги кунда глабал иқлим ўзгариши сабабли дунёнинг хар бир жойида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориш сувига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан мавжуд чекланган сув ресурслари танқислигига учраб борилмоқди, мавжуд чекланган сув ресурслари ва манбаларини тежаб, эхтиёткорона фойдаланиш бугунги кунинг долзарб муоммоли вазифасидан бири хисобланмоқда. Республикамизда ва вилоятда мавжуд чекланган сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланишга оид маълумотлар таҳлили, дала шароитида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий сув тежамкор суғориш технологияларни кенг қўллаш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш имкониятлари, муоммоларни ечиш бўйича тахлиллар, ортиқча сув йўқотилишига бархам бериш вилоятда бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Калит сўзлар: Сув ресурсларидан фойдаланиш, глабал иқлим, суғориш тури, ресурстежамкор,инновацион технология.

ИСТОРИЯ ПРИМЕНЕНИЯ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Бутаярова Абдуқодира Тухтаевич – доктор философских наук,(PhD) доцент
Турсунов Шокир Чориевич - кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Адресс: 100063, г.Термиз. улица Б.Авлод, дом 43.
Термизкий гасударствений университета

Аннотация: Сегодня в связи с глобальным изменением климата, рациональным использованием водных ресурсов повсеместно растет потребность в оросительной воде. В связи с этим возникает дефицит имеющихся ограниченных водных ресурсов, а сохранение и рациональное использование имеющихся ограниченных водных ресурсов и ресурсов является одним из наиболее актуальных вопросов на сегодняшний день. Анализ данных по рациональному управлению и эффективному использованию ограниченных водных ресурсов в стране и в регионе, повышению эффективности использования полевых вод, широкому использованию современных водосберегающих технологий орошения и применению их в производстве, решение проблем, устранение избыточных потерь воды – главная задача на сегодняшний день в регионе.

Ключевые слова: Использование водных ресурсов, глобальный климат, тип орошения, ресурсосберегающие, инновационные технологии.

HISTORY OF THE USE OF DRIP IRRIGATION IN THE USE OF WATER RESOURCES IN SURKHANDARYA REGION

Butayarov Abduqodir Tuxtaevich – Doctor of Philosophy in Technical Sciences, (PhD) Associate Professor.
Tursunov Shokir Chorievich - Candidate of Agricultural Sciences, Associate Professor
Adress: 100063, Termez B.Avlod street, 43. Termez State University,

Annotation: Today, due to global climate change, the efficient use of water resources everywhere, the demand for irrigation water is growing. In this regard, there is a shortage of available limited water resources, and the conservation and careful use of available limited water resources and resources is one of the most pressing issues today. Analysis of data on the rational management and efficient use of limited water resources in the country and in the region, increasing the efficiency of field water use, the widespread use of

modern water-saving irrigation technologies and their application in production, problem solving, elimination of excess water loss is the main task of today in the region.

Keywords: Use of water resources, global climate, type of irrigation, resource-saving, innovative technology.

Кириш: Бугунги кунда замонавий дехқончиликни техник экинлардан пахтачилик ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни инновацион ривожлантириш кўрсатгичларини ҳозирда мавжуд ер, сув ресурларидан фойдаланишда инсон омили таъсири доирасида бошқа қўл меҳнати ресурсларидан кам фойдаланиш, моддий-техникавий ресурслардан тежамли фойдаланиш самарадорлигини оширади. Холбуки, ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг рентабелли ва барқарор ривожланиб ўсишига давлат томонидан ишлаб чиқариш субъектларига реал имкониятлар яратилмоқда.

Сувдан фойдаланиш режаси (СФР)ни таҳлил қилиш ва ўзгартиришлар киритиш. Баъзи бир йилларда фермер хўжаликларига бериладиган ҳақиқий сув ҳажми режалаштирилган сув ҳажмидан қуйидаги сабабларга кўра кескин фарқ қилиши мумкин:

– қишлоқ хўжалик экинларининг тури ва майдони режалаштирилганидан 10% дан ортиқ ҳажмда ўзгарганда;

– об-ҳавонинг ўзгариши натижасида суғориш сувига талабнинг кескин ўзгаришида;

– суғориш манбаининг суғориш қобилияти пасайганда;

– суғориш тизимида рўй берган авария натижасида сув билан таъминлашнинг узоқ вақт мобайнида камайганда.

Бу ҳолатларда хўжалик ички СФР сига ўзгартиришлар киритилиши керак. Агарда бундай ўзгаришлар режалаштирилган сув сарф қиймати билан ҳақиқий сув сарфи қийматлари ўртасидаги фарқ 10% дан ошмаса, хўжаликга бериладиган сув сарфи қайта ҳисобланмайди. Фарқ 10% дан ошса, унда юқори ташкилотлар билан келишилган ҳолда, СФР га ўзгартиришлар киритилади ва қайта тасдиқланади.

Сув танқис бўлиши кутилаётган йилларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига йўл қўй-

маслик нуқтаи назаридан эксплуатацион тадбирлар ёрдамида ечиш режалаштирилиши кўзда тутилади, яъни суғориш меъёрларини 300-400 м^3/га га камайтириш ва сув танқислиги бошлангунга қадар юқори суғориш меъёрлари билан қишлоқ хўжалик экинларини суғориб тупроқда кўпроқ нам тўплаш кўзда тутилади. Суғориладиган ерлар вилоятнинг бебаҳо неъмати. Вилоятнинг суғориладиган ерлари ва сув ресурслари ниҳоятда чеклангани билан бошқа ўлкалардан фарқ қилади.

Вилоятда сув тежовчи технологияларнинг қўлланилиши эгатларга плёнка тўшаб суғориш 2000 йил 680 га бўлган бўлса, 2015 йил 1423 га етказилди, шу даврга нисбатан 2,1 баробарга оширилди. Эгилувчан қувурлар орқали суғориш 2000 йил 700 га бўлган бўлса, 2015 йил 6637 га етказилди, шу даврга нисбатан 9,4 баробарга оширилди. Бу ўз навбатида вилоятда сув тежовчи технологияларнинг кенг жорий қилинаётганидан далолат.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун турли хил сув тежамкор суғориш технологиялардан кенг фойдаланилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, мавжуд ер ва сув ресурсларидан, инновацион суғориш техника - технологияларининг тизимларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, экинларни парваришлашнинг илмий асосланган, такомиллашган, суғориш техника - технологияларини жорий этиш, юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш бўйича илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Жарқўрғон тумани вилоятнинг жанубий-шарқида жойлашган бўлиб, туманнинг умумий ер майдони 27628 гектарни ташкил этади. Сурхондарё вилояти асосан 326000 га суғориладиган ерларини ташкил қилади, шу жумладан текисликлар, тоғ олди текисликларида жойлашган бўлиб, бу текисликларнинг нишаби Қашқадарё вилоятига қараб пасайиб боради. Сурхондарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган, вилоятнинг шимолдан-жанубгача узунлиги 180-200 км, ғарбдан-шарққгача 70-140 км ни ташкил этади. Сурхон дарёси Тўполонг ва Қоратоғ дарёларининг қуйилишидан пайдо бўлади. Унга ўнг томондан Сангардак ва Ҳалқажар ирмоқлари қўшилади.

Бошқа ирмоқлар сойлардан иборат бўлиб, улардан фақат ёғингарчилик сел ва сув тошқинлари вақтида сув Сурхондарёга келиб туради. Уларнинг энг йириклари Сангардаксой, Оққапчиғай, Бандихон сойлар. Тўполонг ва Қоратоғ дарёлари қор ва музликлардан тўйинадиган дарёлар турига киради. Сурхондарё суви асосан, шу икки дарё сувидан иборат. Февраль ойининг охирида сув сарфи сезиларли равишда тоғ бағирларида қорнинг эриши оқибатида кўпаяди. Сангардак дарёси қордан тўйинадиган дарёлар, Ҳалқажар дарёси қор, ёмғирдан тўйинадиган дарёлар турига киради ва шу сабабдан бу дарёдан кўплаб сел ва сув тошқинлари ўтиб туради. Йил мобайнида манбалардан олинадиган сув миқдори сув олиш режасига тўғри келмайди. Март-июнь ойларига йиллик сув миқдори 71%, июль - сентябрь 18%, октябрь-февраль даврида 11% га тўғри келади. Вилоят ҳудуди қуйидаги тизимлардан сув ичади: 1-Амударё, 2-Сурхондарё, 3-Тўполонг, 4-Сангардак, 5-Қоратоғ, 6-ДЮБ, 7-Хўжаипок, 8-Кофирнхон, 9-Дашнобод, 10-Шерободдарё, 11-Булоқлар.

Туполонг-Қоратоғ, Сурхон-Шеробод, Аму-Занг ирригация тизимлари туғонли сув олиш, Амударё эса машинали сув олиш имкониятига эга. Жами бўлиб бошқарма балансида 101 та насос станциялар мавжуд бўлиб, улардан йириклари Аму-Занг - I, Аму-Занг - II, Боботоғ, Жайхун, ШНС ва Каттакум насос станциялари. Сувдан самарали ва унумли фойдаланиш ва тақсимлаш мақсадида вилоят бўйича Учқизил, Оқтепа, Жанубий-Сурхон, Тўполонг сув омборлари ва Жарқўрғон, Тўполонг, Шеробод гидроузеллари хизмат қилиши ташкиллаштирилган. Вилоятда 2017-2019 йиллар бўйича ғўза экини учун туманлар кесимида томчилатиб суғориш усулидан кенг фойдаланилмоқда, лекин бу кўрсатгич туманнинг суғориладиган умумий ер майдонга нисбатан жуда кичик кўрсатгичда эканлигини кўришимиз мумкин.

Хўжалик каналларнинг умумий узунлиги 1532,3 км ни, шу жумладан бетон қисми 720,0 км ни ёки 47% и ташкил этади. Вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва зах сувларини қочириш мақсадида вилоят бўйича хўжаликлараро зовурларнинг умумий узунлиги 1116,2 км, хўжалик ички зовурлари 8966,3 км ни ва ёпиқ-ётиқ зовурлар 4279,8 км дан иборат. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига мавжуд суғориладиган ер майдони

326000 га шундан 223600 га майдон насос станциялар орқали суғорилди.

2020 йил ҳосили учун 74078 га майдонга 234500 т га пахта хом ашёси етиштириш бўйича 1889 та фермер хўжаликлари билан пахта тозалаш ҳамда пахта тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида контрактация шартномалари тузилиб, амалда 221 минг 611 т пахта хом ашёси етиштирилиб, шартнома 94,5% га бажарилди. 2017 йил мобайнида сув манбаларидан ўрнатилган 3577,6 млн м^3, амалда 4223,4 млн м^3 сув олинган бўлиб, лимитга нисбатан 118% ни ташкил этди. Шу жумладан Амударёдан 1209,3 млн м^3 лимит ажратилган бўлиб, амалда 1292,4 млн м^3 микдорида сув олинган лимитга нисбатан 106,9 % ташкил этди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бутаяров А.Т. «Аму – Сурхон» ИТХБ ҳудудидаги фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни такомиллаштириш. // “AGROILM” jurnali maxsus son 4.(60). -Тошкент, 2019. –Б. 79 - 81.

2. Бутаяров А.Т., Серикбаев Б.С., Серикбаева Э.Б., М.Т. Муҳамадиева, Суғорма дехқончиликда сувдан тежамли фойдаланиш технологияси. “Суғорма дехқончиликда сув ва ер ресурслардан оқилона фойдаланишнинг экологик муаммолари” мавзусидаги Республика илмий - амалий анжумани I-жилд. –Тошкент. 2017 йил, 24-25-ноябрь. –Б. 109-111.

3. Бутаяров А.Т., Серикбаев Б.С.Аму-Сурхон ИТХБ ҳудудидаги фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни такомиллаштириш. TerDU ilmiy xabarnomasi ilmiy - uslubiy jurnal. №1.(01) Сентябрь. –Термиз, 2019. -Б. 16-19.

4. Бутаяров А.Т. Аму-Сурхон ирригация тизим ҳавза бошқармасида сувдан фойдаланиш ҳолати. Международная конференция инновационное развитие науки и оброзования. Ноябрь 2020 г. «Сборник научных трудов Павлодарь, Казахстан» Ноябрь, 2020 г. -Ст. 132-139.

5. Postel, S. Drip Irrigation Expanding Worldwide [Электронныйресурс] // NEWS WATCH.NATIONALGEOGRAPHIC.COM: National Geographic. URL: http://newswatch.nationalgeographic.com/2012/06/25/drip-irrigation-expandingworldwide/ (дата обращения: 06.08.2012). –Pp. 171.

ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ ВА УНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси
Отабек Дўланов

Ўзбек халқи урф-одатларни ўрганиш бўйича муҳим аҳамиятга эга илмий тадқиқотлар олиб борилиб, моддий ва маънавий маданиятмизни ёш авлод онгига сингдириш масаласида ижобий натижаларга эришилмоқда. Чунки, ўтмиш аждодларимиз бой аъанавий маросимларга эга бўлиб, халқимиз ўзининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, саховатпарварлиги билан бошқа халқларга ибрат намунасини кўрсатган. Ана шу қадриятлари миллий маросимларга хос тўйларда ўз аксини топиб, тўйларни ташкил этиш жараёнида ўзора қариндошлик, дўстлик, ўзора қўшничилик, ҳамкорлик ғоялари асрлардан асрларга ўтиб миллийлик, ҳамжиҳатлик ҳамда тотувлик тўларда жипписликка асос солгандир. Ўзбек миллий маросимлари ичида кенг тарқалган тўйларидан бири суннат тўйи бўлиб. Ушбу тўй ҳатто катта базмларга, миллатлар ўртасидаги ўзрора иноқликка, жисмоний беллашувларга айланиб кеетган. Ўзбек млли маросимга хос суннат (хатна) тўй Ўзбекистонда кенг тарқалган тўйлардан бири бўлиб, Сурхон воҳасининг Шўрчи тумани Ободон, Тўла қишлоқларида суннат тўй, Олтинсой тумани Бодиҳаво, Чинор қишлоқларида хатна тўй, Сариосиё тумани Хўжаасмин, Ховат қишлоқларида чукбуррон, Узун тумани Чақар, Эшон қишлоқларида гула деб аталган. Бунда мусулмон киши фарзанди тоқ ёшга, яъни 3,5,7 ёшга тўлганда айрим ҳолларда эса 9,11 ёшга тўлганда суннат тўйини ўтказганлар. Шуни эътироф этиш керакки, XX асрнинг биричи чорагида воҳада суннат қилинмаган болани қўлидан «қўли ҳалол»[1]ланмаган деб ҳаттоки сув ҳам ичмаганлар[2].

Собиқ иттифоқ даврида эса бу каби қадимий маросимга эскилик сарқити деб қаралиб, уни сунъий равишда «туғилган

[1] «Қўли ҳалол» – Шимолий Сурхон воҳасида суннат (хатна) қилинган болани «қўли ҳалол» деб атаганлар.

[2] Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи.

кун», «боғчадан чиқиш тўйи», «мактабга бориш тўйи» деб атаб келинган эди[1]. Сурхон воҳасида суннат тўйлари ҳам ўзига хос тарзда ўтказилиб келинган. Суннат тўйининг бошланишидан охиригача бир қатор маросимлар мавжуд бўлиб, хусусан, уларга «маслаҳат оши», «тандир қурар», «нон пишириш», «мол сўйиш», «нон еди», «хатми қуръон тушириш», «катта тўй», «суннат қилдириш» кабилар киради[2].

Воҳада суннат тўй қиладиган хонадон аввал йиллар давомида яхши ният қилиб, керакли озиқ-овқат, совға-саломлар, кийим-кечак, қолаверса, узоқдан келган меҳмонларнинг улови учун бир тоннадан ортиқ арпа ҳамда хашакларни тайёрлайди[3]. Суннат тўй бир хонадоннинг топган-тутганига қилинса-да, уни ўтказиш маҳалла ёки жамоанинг иши ҳисобланган. Шунинг учун суннат тўй маслаҳат оши билан бошланиб, асосий маслаҳатчилар яқин қариндошлар, оқсоқоллар бўлиб, маслаҳатда суннат тўй давомида қилиниши лозим бўлган ишлар олдиндан режалаштириб олинган. Маслаҳатда тўйга келадиган меҳмонлар хусусан, чавандоз ва полвонлар учун «қўшхона», яъни «қўноқхона»[4] тайинланади. Қўшхона (қўноқхона) асосан тўй эгасининг ҳамсоялари, яъни ён қўшнилари ва яқин қариндошларининг хонадонлари бўлиб, қўноқ-меҳмонлар учун керакли озиқ-овқат, от-уловларининг ем-хашаклари тўйхонадан келтирилган[5].

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Шимолий Сурхон воҳасининг Ўшор, Катта Вахшивор, Бодиҳаво каби бир қатор қишлоқларида тўйдан олдин «ўтин йиғар» маросими ўтказилиб, йигитлар гуруҳларга бўлиниб, тоғдан ўтин йиғиб келишган. Кўп ўтин олиб келган гуруҳга махсус зот (соврин) берилган[6].

[1] Қаранг: Хамиджанова М.А. Туйхатна – обрезание у таджиков верховьев Зерафшана // История и этнография народов Средней Азии. Сб.ст. – Душанбе, 1981. –С. 90.

[2] Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Ҳазорбоғ қишлоғи. Бу удум Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд. Қаранг: Снесарев Г.П. К вопросу о происхождении празденства суннат той в его среднеазиатском варианте // Занятия и быт народов Средней Азии. СЭС. –Ленинград, 1971. Т. III. –С. 256-273; Бўриев О. Кенгашли тўй тарқамас // Мулоқот. –Тошкент, 1999. № 1. –Б. 52-53.

[3] Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Чуқур Обшир қишлоғи.

[4] Қўноқ – Кавказдаги адигей халқларида ҳам бўлган. Қўноқ энг яқин меҳмон ҳисобланган. Қаранг: Гарданов В.К. Общественный строй адыгейских народов. –М., 1967. –С. 308-312.

[5] Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Мўнка қишлоғи.

[6] Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Ўшор қишлоғи; 1999 йил. Олтинсой тумани

Шунингдек, давра баковули ҳар хил хизматлар учун тўй эгасининг яқин дўстлари ва қариндошларини тайинлаган. Тўй яхши ўтсин, ўтиб кетган ота-боболарнинг руҳи мададкор бўлсин, қўлласин деган ниятда тўйдан олдин ота-боболар руҳи шод бўлсин деб «хатми қуръон»[1] туширилган[2]. Шунингдек, ҳар қандай мушкуллари осон бўлсин деган мақсадда «Биби мушкул» маросими ўтказилган.

Суннат тўйда атрофдаги қишлоқ ва овулларга махсус жарчи юборишган. Воҳанинг тоғли Сина, Ўшор каби қишлоқларида кўрғондан кекса киши чиқиб, фалончининг тўйига боринглар деб айтган[3].Ўзбекларда «тўйга тўёна билан» деган нақл бор. Бу таомил асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган удумлардан ҳисобланади. Тўёна беришнинг сабаби, тўй қилган киши элга ош бериб, катта харажат қилади. Тўёна эса тўйчининг ёр-биродарлари томонидан моддий қўллаб-қувватланишидир. Тўёна сифатида меҳмонлар имкониятига қараб пул, қўй, эчки, хўкиз, от ва туя кабиларни қўшган. Сурхон воҳасида тўёна «совун» деб номланган[4]. Қашқадарёда эса «қушон» деб атаганлар[5]. Тўёна бериш Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлган[6].

Сурхон воҳасида суннат тўйларида тўй эгасининг имконият даражасидан келиб чиқиб олиш (кураш) ва кўпкари берилган[7] ва пул, тўн, оёқ кийимлар, эчки, қўй, хўкиз, от, туя каби совун-зотлар қўйилган.

Тўй бола безатилган отга миндирилади. Тўй эгасининг яқин қариндошлари эса уйларининг устига чиқиб сочқиларни тўй боланинг устидан сочадилар. Ўйин – кулги қилинади ва қариялар

Катта Вахшивор, Бодиҳаво қишлоқлари.

[1] «Хатми қуръон» – бунда мулла томонидан Қуръон бошдан охиригача ўқилиб, марҳумларнинг руҳига бағишланади.

[2] «Хатми қуръон» ўқитиш Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлган. Қаранг: Снесарев Г.П. Кўрсатилган асар. –Б. 259; Хамиджанова М.А. Кўрсатилган асар. –Б. 94.

[3] Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Сина, Ўшор қишлоқлари.

[4] Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Тўла қишлоғи.

[5] Қаранг: Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. –Тошкент, 1995. –Б. 90.

[6] Қаранг: Калмаков Н. Некоторые семейные обычаи киргизов северных уездов Сыр-Дарьинской области // Кауфманский сборник. –М., 1910. –С. 221; Толыбеков С.Е. Кочевое общество казаков в XVII – начале XX в. –Алма-Ата, 1991. –С. 236.

[7] Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Жалойир қишлоғи.

«Ҳайёр» қўшиғини, аёллар эса «Лой-ло-ло» қўшиғини айтадилар[1].

Шунингдек, кечқурун гулхан атрофида катта давра қилиниб, ўйин – кулгу давом эттирилган. Воҳанинг Тўла, Ободон, Шалдироқ, Бахштепа каби қишлоқларида бахшилар томонидан «Алпомиш», «Гўрўғли», «Бева Барчин ёхуд Барчин бека», «Авазнинг туғилиши», «Малла савдогар», «Кунтуғмиш», «Нурали», «Ҳасанхон», «Олтин қовоқ», «Аваз ва Ойзайнаб», «Ойпарча», «Авазхон», «Зандигор» каби кўплаб достонлар куйланган[2]. Хуфар, Тамархут каби қишлоқларда ҳам шундай базмлар ўтказилиб, уни «чавки» деб атаганлар ҳамда «Аспак бози» («От ўйини»), «Лайлак бози» («Лайлак ўйини»), «Чол-кампир» каби ўйинларни ижро этишган. Даврага чиқиб ўз санъатини намойиш қилганларга тўйчи томонидан турли хилдаги сарполар берилган[3]. Тўйга келган болалар «дўл», «чиллик», «арғимчоқ», «тиқмоқ», «ошиқ», «ганош», «кўчмоқ», «оқ суяк», «ғирбайди», «боболтака», «чиркаш», «бекинмачоқ», «қувлашмачоқ», «зимзиё» каби ўйинларни ўйнашган[4].

Суннат маросими тугагач «супра қоқди» маросими ўтказилиб, тўйда хизмат қилганларга тўн, сарпо кийдирилган[5] ҳамда шу ердаги ёши улуғ давлатманд киши тўй қилган хонадонни ва тўй болани келажакда бадавлат, серфарзанд бўлишини, шу хонадонда ҳамиша тўйлар бўлишини Оллоҳдан тилаб дуо қилган. Шу билан суннат тўй ниҳоясига етган.

---

[1] Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Ўшор қишлоғи.

[2] Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Тўла, Ободон, Шалдироқ, Бахштепа қишлоқлари.

[3] Дала ёзувлари. 2001 йил. Сариосиё тумани Хуфар, Тамархут қишлоқлари.

[4] Дала ёзувлари. 1997-2005 йиллар. Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманлари.

[5] Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Ҳайрондара қишлоғи.

СУРХОН ВОҲАСИДА НИКОҲ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАР

Термиз давлат университети
Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси
Дўстназарова Мавжуда.

Ўзбекистонда оилага муносабат қадимдан энг муҳим қадриятлардан бири бўлиб, оилани ташкил этиш нафақат ота-онани балки қариндош -уруғлар, қўшнилар ҳамда маҳалланинг асосий вазифаси ҳисобланган. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини уйлантириш ва турмушга чиқариш жараёни билан боғлиқ никоҳга алоҳида эътибор билан қараган. Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оиланинг ибтидоси никоҳдир. Шунинг учун инсоният ибтидоий даврдан бошлаб махсус урф-одатлар тизими орқали оиланинг бирдам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган тадбир сифатида никоҳ маросимини ўтказиб келган. Бу тадбир жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат кейинчалик ёзма тарзда қонунийлаштирилган маросим тусини олган.

Никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф-одатлар, никоҳ туйи даврида ўтказиладиган удумлар ва никоҳ тўйидан кейин ўтказилган расм-русумларга бўлиш мумкин.

Сурхон воҳасида никоҳнинг «бел қуда», «этак йиртиш» каби шакллари мавжуд бўлган. «Бел қуда» удумида қалин ошна оғайнилар хотинларининг ҳомиладорлик даврида дунёга келадиган бўлажак ўғил ва қизларини бир-бирига атаб қўйганлар. Дунёга келган бу фарзандлар ўсиб-улғайгач бир-бирлари билан турмуш қуришган. «Этак йиртиш» маросимида эса туғилган ўғил ва қизни ота-оналарининг келишуви, розилиги асосида чақалоқларни чақалоқлик давридаёқ унаштириб қўйилган. Ўғил ва қизнинг чақалоқлик даврида бундай унаштиришлари Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлиб, «қулоқ тишлаш», «бешикдаги унаштириш», «бешик керти» деб номланган[1]. Шунингдек, Афғонистонда яшовчи Ҳазора халқлари ҳам болала-

[1] Sattor M. O‘zbek udumlari. –Toshkent: Cho‘lpon, 2007. –B.23-25.

рини ёшлигидаёқ уларнинг қулоғини тишлатиб қўядилар. Буни ҳазоралар «қанд ушатиш» деб атайдилар[1].

Сурхон воҳасида никоҳнинг левират, сорорат шакллари билан бирга «қарши қуда», «куч куёв», «ич куёв», «вой-вой никоҳ» каби турлари ҳам мавжуд бўлган. Левират ҳамда сорорат никоҳнинг энг қадимий шаклларидан бири бўлиб[2] , воҳада левират удумига кўра, вафот этган киши марҳумнинг беваси (воҳанинг Шалдироқ, Ободон, Тўла каби қишлоқларида «жесир» деб аталган)га ака ёки бўйдоқ укаларидан бири уйланган. «Жесир» эга деб, марҳумнинг қариндошлари бевани бегона уруққа беришмаган. Агарда ака-укалардан бирортаси «жесир»(бева)га уйланмаса, қариндош уруғлар тўпланишиб, «жер (ер)да қолса жиянники» (яъни жер (ер)да қолган жесир жиянники) деб, марҳумнинг жиянларидан бирига мажбурлаб бўлса-да уйлантиришган[3].

Сорорат одати ҳам воҳада тадқиқ этилаёган даврда мавжуд бўлиб, бунда хотини вафот этган эр марҳуманинг опаси ёки синглисига уйланган[4]. Никоҳнинг левират ва сарорат каби шакллари кўпинча иқтисодий ва оилавий ҳаёт тақозоси туфайли ҳаётга жорий этиб келинган.

Шунингдек, воҳада ҳозирда ҳам «қарши қуда» удуми кенг сақланган. Бу удум бўйича икки хонадон ўзаро бир-бирларига қиз олиб, қиз беришган. «Қарши қуда»чилик удумида воҳанинг иқтисодий ночор оилалари ўзаро келишиб, аҳволи ва имкониятларини ҳисобга олиб келиннинг сеп-сарпосини қилганлар. Лекин бир-бирларига қалин беришмаган. «Қарши қуда»чилик удуми Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Фарғонада у «қайчи қуда» деб аталган[5].

«Куч куёв» удумида қалин бериб қизни олишга қурби етмаган уй-жойи йўқ, камбағал, етим йигитлар қайнотасининг уйида яшаб, қалин ҳақига ишлаб беришган. «Ич-куёв» удумида эса ўғил фарзанди йўқ хонадон қизини бераётганда куёвни қай-

[1] Шомансурова О. Ҳазоралар. –Тошкент: Фан, 1972. –Б. 35.

[2] Қаранг: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Тошкент, 1960. –Б. 128; Антропова В.В. Культура и быт кояков. –Л., 1971. –С. 106.

[3] Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Тўла, Ободон қишлоқлари.

[4] Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи.

[5] Қаранг: Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской области. –Казань, 1886. –С. 20.

нотасиникида яшашни таклиф қилади. Куёв томони рози бўлгандагина йигит қайнотасининг уйида «ич-куёв» бўлиб келиб яшайди.

Сурхон воҳаси аҳолисининг маиший турмушида қизларни мажбурлаб турмушга бериш ҳоллари ҳам учраб турган. Бу «вой-вой никоҳ» удуми деб аталган. Бундай ҳолатларнинг айримларида қизлар мулла «ижоб» (никоҳ ўқилиши) қилиши учун «тан маҳрамлик»ка розилик беришмаган. Шундай вазиятда мулла қиздан розилик сўралаётганда орқа томондан кизнинг яқин бирор кишиси келиб билдирмасдан унинг биқинига қаттиқроқ бир туртади. Шу вақтда қиз «вой» деб юборганда қиз рози деб ижоб қилинган[1]. Агар келин бўлмиш «ижоб»сиз хомиладор бўлиб қолганда, кейин «ижоб» пайтида куёвнинг орқасига эшак тўқими боғланиб қўйилган. Куёв эшак тўқимини қўйдирмаса, мулла томонидан «ижоб» ўқилмаган[2]. Бу билан ёшларни исломий ҳамда ахлоқий қонун-қоидаларига риоя қилишлари талаб этилган ва шу тариқа қилган «гуноҳ»лари учун жамоа олдида изза қилинган.

Сурхон воҳасида йигитларни 15-17 ёшдан уйлантиришган, қизларни эса 9-11-13 ёшдан турмушга беришган. Этнографик дала тадқиқотлари жараёнида ёши кекса кишилардан нима сабабдан қизларни тўққиз ёшдан бошлаб турмушга бергансизлар, деб сўралганда, биринчидан, қизлар тўққиз ёшдан «гуноҳ» ёшига тўлади, иккинчидан эса ҳар бир ота-она ўзининг ор-номусини ўйлаб қизларини имконият даражасида эртароқ турмушга берганликларини таъкидладилар.

Марказий Осиёдаги бошқа халқлар сингари Сурхон воҳасида ҳам тадқиқ қилинаётган даврда оила қуриш совчиликдан бошланади. Воҳада бу удумни «ковуш йиртар», «қўлни сўраш», «қўл солиш», «қиз кўриш», «қиз танлаш» деб ҳам айтилган. Одатда совчилар «кичик» ва «катта» совчиларга бўлинади. Кичик совчилар яъни, «макиян совчилар» асосан аёллар бўлиб, йигитнинг онаси ҳамда энг яқинларидан сўзамол аёллардан бири билан борган. Удумга мувофиқ совчиликка уч марта борилган. Албатта, совчилар «эшигингизни супуришга келдик», «эшигин-

[1] Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Шалдироқ қишлоғи.

[2] Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Тўхтамиш қишлоғи.

гизга қулчиликка келдик» каби сўзларни айтишиб сўнгра мақсадга ўтишган. Қиз томон розилик билдирса, совчилар олдига ёғли, тансиқ таомлар қўйишган, «қариндошлар билан маслаҳатлашайлик», «яна бир келасизлар» деб жавоб қайтарилган. Агарда «ҳали қизимиз ёш», «қизимизнинг боши боғланган», «бошқа томонларни ҳам кўрингизлар» дейилса, бу рад этиш аломатидир.

Кичик совчилар қиз томондан розилик олганларидан кейин «катта совчи»лар, яъни йигитнинг тоғаси қишлоқнинг сўзамол, ували-жували, ҳурматли кишиси билан бирга борган. Қиз томоннинг розилиги олингач, нон синдириш кунини белгилашган[1].

«Фотиҳа тўйи» маросимини воҳанинг Хўжамулки, Чақар қишлоқларида «нон синдириш», Дашнобод, Бўйрачи қишлоқларида «нон ушатиш», Шалдироқ, Ободон қишлоқларида «ялоқ қизартар» маросими деб аталиб, бунда 4 та қатлама, 4 та патир, 4 кийимлик мато, 2 та бўйнига оқ рўмол боғланган қўй, мева-чевалар, ширинликлар, уларнинг ичида албатта кунжутли ҳолва бўлиши шарт бўлган[2]. Жуфт нон бўлажак келиннинг тоғаси ёки албатта бир никоҳли турмуш ўртоғи ҳаёт бўлган, ували-жували, оиласидан тинган, энг яқин қариндошлари томонидан синдирилган. Нон давра иштирокчиларга бўлиб берилган. Бу маросим икки ёшнинг эл олдида ўша кундан эътиборан унаштирилганлигининг ҳамда «фотиҳа хондаси» борлигининг нишонасидир. Маросимда қудалар ўртасида қалин бичилган. Воҳада белгиланган қалин пул, мол, буюмлар асосида тўланган. Масалан, қалин таркибида 20 та қўй, 1 бош бузоқли сигир ёки унинг бозор нархидаги пули, 20 та тўн ва бошқа турли нарсалар келишиб олинган[3]. Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам нон синдириш маросими мавжуд бўлган[4].

Шу ўринда воҳада никоҳ ўқилгандан кейин келиннинг маҳри куёв тарафидан белгиланган. Куёв мулкдор бўлса, мулкининг

[1] Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Тўхтамиш, Обшир қишлоқлари; 2002 йил. Узун тумани Отчопар қишлоғи.

[2] Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Шалдироқ, Ободон қишлоқлари.

[3] Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Тўла қишлоғи.

[4] Қаранг: Андреев М.С. Материалы по этнографии Ягноба (записи 1927-1928 гг.). –Душанбе, 1970. –С. 125; Абрамзон С.А. Кўрсатилган асар. –Б. 31.

ёки чорвасининг муайян қисми, қимматбаҳо тақинчоқ (олтин, кумуш) тарзида келиннинг (умр йўлдошининг) маҳрини белгилаган. Белгиланган маҳрни (мулкни) ҳар қандай иқтисодий қийин шароитда ҳам хотиннинг рухсатисиз бирор-бир эҳтиёж учун ишлатиш мумкин бўлмаган.

Бу маросимдан кейин «келин қочув», «куёв қочув» каби удумлари бажарилган, бунда қиз йигитнинг, йигит эса қизнинг яқин қариндошларига ҳурмат юзасидан кўринмасликка интилишган. Бу пайтдан бошлаб икки ёшнинг ота-оналари бир-бирларини «қуда», «қудағай» деб аташган[1]. Ўтказилган бу маросимлар замирида рамзий маънода бир-бирларини эътироф этиб, қариндошлик ришталари боғланган деб билишган.

Сурхон воҳасига хос никоҳда айрим чеклашлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, воҳанинг тожиклар билан ўзбеклар, юзлар билан қатағонлар каби уруғлари ўртасида бир-бирларига қиз олиб, қиз беришмаган. Шунингдек, баъзи тоифалар – эшонлар, хўжалар, саййидлар ўзларини «оқ суяк», бошқаларни «қорача»лар деб, уларга қиз бермаганлар. Чунки, ўзларини ижтимоий жиҳатдан юқорироқ мавқеда деб билган хўжалар, саййидларда эндогам никоҳ тури қатъийлашган эди. Бу билан улар, гўёки, ўзларининг «наслий софлиги»ни сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Аммо айрим ҳолларда ўғилларини «қорачалар» (хўжа бўлмаганлар) дан ҳам уйлантирганликларини кузатиш мумкин. Хўжалардаги бу никоҳ тартиблари XX асрнинг 50-йилларигача қатъий сақланган эди. Бу одат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжудлиги ҳақида айрим тарихий-этнографик адабиётларда тўхталиб ўтилган[2]. Табиийки, ҳозирги даврда мазкур уруғлар орасида никоҳ муносабатларида бу чеклаш деярли ўз аҳамиятини тобора йўқотиб бормоқда.

[1] Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Дунётепа қишлоғи.

[2] Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент, 2001. –Б. 260; Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. –Тошкент, 1995. –Б. 85; Лобачева Н.П. Брак // Семейный быт народов СССР. –М., 1991. –С. 448.

ШЎРЧИ МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ ТАРИХИДАН

Эргашева Сайёра Абдусоатовна,
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Иккинчи жаҳон урушдан кейинги йилларда Шўрчи районида маҳаллий саноат асосан майда ҳунармадчиликдан иборат бўлиб, маҳаллий эҳтиёжларни таъминлаш учун бел, кетмон қишлоқ хўжалиги зуруриятини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

Сурхондарё вилоятида биринчи ва ягона мебель фабрикаси 1970 йиллар ўртасида Шўрчи шаҳрида қурилиши бошланди. Ўша даврда анъана бўлиб қолган республикалараро ҳамкорлик мазкур фабрикани қурилишида ҳам намоён бўлди. Бу қурилишни Ўзбекистоннинг ва ва Тожикистоннинг 20 та ташкилотларининг ишчилари 1982 йилда якунлашди[10, Б.12.]. Мебель фабрикаси асосан ошхона гарнутурларини, мактаб ўқувчилари учун парталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, кийим ва китобжавони,трюмо(учтакўзгу)ларҳамтайёрлади. Фабриканинг мебеллари Сурхондарё ва қўшни вилоятлар, Тожикистон аҳолисини ҳамда ўрта таълим мактабларининг мебель ва парталарга эҳтиёжини қондиришга хизмат қила бошлади. Ушбу фабрика ўтган асрнинг 60 - йилларида Шўрчи туманидаги Қорлиқ массивида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати қошида ташкил этилган “Дурадгорлик цехи” замирида вужудга келган[6, Б.89.].

Комбинатда дурадгорликдан ташқари тикувчилик, пойафзал, оҳак пишириш цехлари, тегирмон, расмхона ва сартарошхона фаолияти йўлга қўйилган эди. Шуни алоҳида айтиш керакки, узоқдаги колхоз ва совхозлар, ферма ва яйловлардаги меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш мақсадида махсус техникалар ташкил этилиб, Станислав Дидел бошчилигидаги маиший хизма кўрсатиш комбинати ишчилари гуруҳи асосида жойларга чиқиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатишган[11, Б.2.]. 1965 йилда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш режаси 231400 ўрнига 262000 сўмга етказиб бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 18,5 фоизга ўсди 32400 сўм соф фойда олинди[7, Б.56.].

Комбинат 1966 йил июнь ҳолатига кўра беш ойлик режани 100,2 фоизга бажарди. Маиший хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган топшириқ 143.200 ўрнига 164.600 сўмга етказиб адо этилди. Бу меҳнат зафарига дурадгорлик, тикувчилик, пойафзал, охак пишириш цехларн, тегирмон ва сартарошхона ишчи ва хизматчилари муносиб ҳисса қўшдилар.

Комбинатнинг Турсуной Аҳмедова бошлиқ тикувчилик цехида меҳнат жараёни "устоз-шогирд" тизимида йўлга қўйилиб ва ўндан ортиқ ёшларга тикувчилик сирлари ўргатилиб келинди. Илғор тикувчилар Норхол Қодирова, Бибисора Умарова ва Дилбар Холмуродова, Зуҳра Муҳиддинова, Айхан Уразметова, М. Чен ва Лусангалиева сингари моҳир тикувчилар меҳнатсеварлиги билан комбинатнинг фахрига айландилар. Цех коллективи беш ойда режада белгиланган 22000 ўрнига 22.400 сўмлик кийим-кечак тикиб бердилар. Ушбу йилда комбинат ишчи, хнзматчилари ва инженер-техник ходимлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совета ва енгил саноат ходимлари касаба союзларн республика комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди[3, Б.8.].

"Дурадгорлик цехи" Мирзакарим Абдурахимов бошчилигида Д. Маматов, С. Ғаниев, А. Йўлдошев, Я. Шомуродов, М. Қорабоев, Х. Тожиев. Н. Коротков ва 3. Габибуллин[8, Б.34.] сингари моҳир усталар аҳоли учун чидамли ва арзон уй-рўзғор буюмларини сифатли ишлаб чиқариб ойлик ва квартал тошпириқларини ортиғи билан бажаришди. Ушбу дурадгорлик цехи 1982 йилга келиб мебель ишлаб чиқаришга асосланган фабрика қурилишига асос бўлди.

Шўрчида 1976-1980 йилларда маҳаллий саноат тасарруфида жемпер, пайпоқлар, кўйлаклар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва цехлар қурилди. Мавжуд эски корхоналар қайта қурилиб, янги техника ва замонавий технология билан таъминланди[5, Б.178.].

Ўзбекистондаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида ташкил этилган меҳнат мусобақасида 1976-1982 йилларда Шўрчи маиший хизмат кўрсатиш комбинати пешқадамлик қилди. Кўпгина шундай комбинатлардан фарқли ўлароқ, бу комбинатда фақатгина хизмат кўрсатиш билан чекланмасдан, аҳолига керакли истеъмол моллари, жумладан гиламлар, палослар

ишлаб чиқарилар эди. Комбинат жамоасидаги мусобақада гилам, палос ишлаб чиқарадиган цехнинг ишчилари А. Чориева, М. Маматниёзова, Х. Эшқобилова, Х. Исроиловалар 1976-1980 йилларга илғорлик қилишди. Булар ва 15 дан ортиқ бошқа ишчилар 1980 йилда 1981 ёки 1982 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариб туришда бошқаларга намуна кўрсатишди.

Шўрчи мебель фабрикаси мутахассислари ва илғор фан ва техника тараққиёти талабларига мос ҳолда ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширган чора-тадбирларини таърифлаш лозимдир. Бир неча йиллар мобайнида бу фабрика Сирғали (Тошкент) мебель фабрикасининг филиали бўлгани учун бош корхона томонидан етарли ҳажмда техникавий ва технологик ёрдам олмасдан, ўзининг имкониятларидан унумлироқ фойдаланишга мажбур эди[1, Б.142.]. Шўрчида бу филиал ташкил этилган бош корхонадан фойдаланилган дастгоҳлар, асбоб-ускуналар келтирилган. Шунинг учун ҳам мутахассисларни, ишчиларни ихтирочилик, рационализаторлик ишида фаолроқ қатнашишларига катта эътибор берилди[4,Б.174.]. Шу туфайли эскирган асбоб-ускуналарни, дастгоҳларни ўз вақтида таъмирлаш билан чекланмасдан, уларни такомиллаштиришга маҳсулотни янги турларини яратишга ихтирочи ва рационализаторлар катта ҳисса қўшдилар.

Филиал жуда ҳам яхши сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлмаса ҳам унинг ҳажми ошиб борди ва 80-йиллар охирида мустақил фабрикага айлантирилди. Шўрчи мебель фабрикаси 1990 йил 1 млн. 200 минг сўмлик 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди[4, Б.174.].

Тадқиқот материаллари 70-80 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири-ишлаб чиқаришни техникавий ва технологик савиясини кўтариш бўлганлиги тасдиқламоқда. Шу муносабат билан республика, жумладан Сурхондарё шаҳарлари ҳам индустриал ривожланди, техникавий технологик янгиланиш йўлига ўтди.

Шўрчи ипак, аккумулятор, тўқимачилик, оёқ-кийим саноат корхоналарини қуриб ишга тушириш махсус орқага суриб келинди. Маҳаллий шароитга мослаштирилган саноат ишлаб чиқаришни янги тур маҳсулотларига эътибор берилмади ҳамда ишчиларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ўртага ташланган

таклиф ва истаклари инобатга олинмади. Саноат корхоналарда ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш жараёнида ногирон ва майиб бўлган ишчиларга, уларнинг оилаларига давлат моддий-маънавий ёрдами деярли ташкил этилмади. Шўрчи районидаги саноат корхоналаридаги ишчиларнинг дам олиши, маданий-маиший яшаш шароити учун етарли амалий ишлар қилинмади. Ҳозирги мустақил Ўзбекистон давлати иқтисодий тараққиётини янада ривожлантириш учун юқоридаги тарихий хулоса саноат корхоналаридаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун амалий аҳамиятга эга бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зиядуллаев Н.С. Легкая индустрия Узбекистана. Состояние и проблемь развития. – Т.: “Узбекистан”, 1970. – 142 с.

2. Козловский В.А. История города Термеза. – Т.: “Объеединенное издательство (“Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”и “Ўзбекистони сурх”) ”, 1959. – 219 с.

3. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-жамғарма, 1-рўйхат,690-йиғма жилд,8-варақ.

4. Турсунов С.,Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар, Тошкент, ”Фан ва технология”, 2013.-Б.174.

5. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи, Т.2021. –Б.178.

6. Шўрчи туман давлат архив, 96-жамғарма, 1-рўйхат, 168-йиғма жилд,89 – варақ.

7. Шўрчи туман давлат архив, 96-жамғарма, 1-рўйхат, 176-йиғма жилд, 56 – варақ.

8. Шўрчи туман давлат архив, 96-жамғарма, 1-рўйхат, 178-йиғма жилд, 34 – варақ.

9. Шўрчи туман давлат архиви. 163-жамғарма, 1-рўйхат, 50-йиғма жилд, 16 –варақ.

10. Шўрчи туман давлат архив,164-жамғарма,1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 12 – варақ.

11. Қорақулов Н. Пешқадам комбинат. Ленин байроғи газетаси, 1966 йил 25 июнь.

O’QUVCHILARDA XALQ HUNARMANDCHILIGINI O’RGATISHNING TA’LIMIY AHAMIYATI

Yuldashov Qaxramon Kamulovich
Urganch davlat universiteti katta o’qituvchisi
Urganch, O’ZBEKISTON

Annotatsiya: Maqolada hozirgi davrda ta’lim-tarbiya ishini takomillashtirish, milliylashtirish, jahon andozalariga mos keladigan pog’onaga ko’tarish haqida so’z yuritiladi.

Kalit so’zlar va tushunchalar: o’qitish, o’quvchi, ta’limiy, ma’naviy, urf-odat, tafakkur, rivojlantirish, sifat, samaradorlik.

НАРОДНЫЕ ПРОМЫСЛЫ У СТУДЕНТОВ ВОСПИТАТЕЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ПРЕПОДАВАНИЯ

Юлдашов Қахрамон Камулович
старший преподаватель, Ургенчский государственный университет
Ургенч, УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье речь идет о совершенствовании образования в современном мире, его национализации, продвижении на уровень, соответствующий международным стандартам.

Ключевые слова и понятия: обучение, ученик, образовательный, духовный, традиция, мышление, развитие, качество, эффективность.

FOLK CRAFT IN STUDENTS THE EDUCATIONAL IMPORTANCE OF TEACHING

Yuldashov Qahramon Kamulovich
Senior Lecturer, Urgench State University
Urgench, UZBEKISTAN

Annotation: The article deals with the improvement of education in the modern world, nationalization, promotion to a level that meets international standards.

Keywords and concepts: teaching, student, educational, spiritual, tradition, thinking, development, quality, effectiveness.

Bugungi kunda madaniy-ma'naviy qadriyatlarni saqlash, xalq amaliy san'ati, milliy hunarmandchilik an'analarini qayta tiklash va ularning rivojlanishini qo'llab-quvvatlash masalasiga davlat siyosati darajasida alohida e'tibor qaratilmoqda. Bunga 1997-yilda qabul qilingan "Xalq hunarmandchiligi va amaliy san'atini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash davlat colra-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident farmoni yorqin misoldir. Mazkur yo'nalishda davlat tomonidan badiiy hunarmandchilikning ma'lum tarmoqlariga bag'ishlangan bir qator ko'rgazmalar, ekspozitsion namoyishlar, festivallar o'tkazilayotganligi, yangi muzeylar, ustoz-shogirdlik maktablarining tashkil etilayotganligi muhim ahamiyatga egadir[1].

Xalq hunarmandchiligi naqqoshlik, ganchkorlik, zargarlik, yog'och o'yma-korligi, metall o'ymakorligi, kashtachilik, ko'nchilik, pazandachilik, yog'ochlarni kuydirib ishlash, kulolchilik, kosibchilik, mahsido'zlik, sangtaroshlik, temirchilik, pichoqchilik, anjomsozlik, qulfsozlik, misgarlik, ignasozlik kabi 150 dan ziyod sohaga ega bo'lib, o'zida kasb-hunar ta'limining ko'pgina xususiyatlari – amaliyligi, ijodiyligi, milliyligi, mahalliy xomashyolarni topish va foydalanish qulayligi, o'g'il va qiz bolalar mehnatining o'ziga xosligi, shahar va qishloq maktabini uyg'unlashtira olishi, asosiy hollarda murakkab qurilmalar, uskunalar, asboblar va stanoklar talab qilmasligi, mashg'ulotlarni tashkil etishning soddaligi bilan ajralib turadi. Natijada bu sohani yetarlicha o'rgangan, ma'lum kasblarni egallagan yoshlarning ishsiz qolmasliklari, mehnat bozorining raqobatbardoshligi bilan alohida e'tiborga molikdir. Xalq hunarmandchilik san'ati milliy qadriyatlarni, an'analarni izchil o'rganish, rivojlantirish va takomillashtirgan holda boyitib borish malaka va ko'nikmalariga asoslanadi. Binobarin "Ta'lim to'g'risida"gi qonunda: "Umumiy o'rta ta'lim uzluksiz davlat ta'limi tizimida asosiy bo'g'in bo'lib, ta'lim oluvchilar ilmiy bilim, mehnat va boshlang'ich kasb-kor ko'nikmalari, ishbilarmonlik asoslarini egallashlari, shuningdek, ijodiy qobiliyatlari va ma'naviy fazilatlarini rivojlantirishni ta'minlaydi", - deb ta'kidlangan. Xalq hunarmanchiligi yoshlarning tafakkuri, tasavvuri, estetik didi, epchilligi kabi sifatlarini shakllantirishga yordam beradi. Zero,

bu sifat va fazilatlar yosh avlodni har tomonlama rivojlantirishga samarali ta’sir ko’rsatadi.

Hozirgi sharoitda yoshlarning mehnat va kasb tayyorgarligi muhim ijtimoiy vazifa bo’lib, bu soha nazariyotchilari va amaliyotchilari, pedagog olimlar, o’qituvchi, tarbiyachi, murabbiy va ustalar yoshlarga xalq hunarmandchiligining turli qirralarini o’rgatishi, ularni shu yo’nalishlardagi kasblarni egallashga tayyorlashi hunarmandchiligimizni rivojlantirishga, taraqqiy ettirishga va shu orqali jahon madaniyati xazinasiga munosib hissa bo’lib qo’shishga olib keladi[3].

Hozirgi davrda ta’lim-tarbiya ishini takomillashtirish, milliylashtirish, jahon andozalariga mos keladigan pog’onaga ko’tarishda boy milliy-madaniy merosimizga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga, yangi davrning yangi talablariga alohida ahamiyat berish kerak. Bu esa eng avvalo zamonaviy ta’lim-tarbiya shakllari, vositalari va usullaridan keng ko’lamda foydalana oluvchi yuqori malakali o’qituvchilar tayyorlashni taqozo etadi. Ta’kidlash kerakki, ta’lim-tarbiyani bir-biridan ajratish mumkin emas. Tabiiyki, o’quvchilarda mehnatga muhabbat hissini toptirishda ta’lim-tarbiyaviy tadbirlarni ma’lum kasb-hunarlarga yo’naltirib tashkil etish katta ahamiyatga egadir. Bu ish oilada ota-onaning yoki boshqa katta yoshdagi kishilarning shaxsiy namuna ko’rsatishi, keyinchalik ta’lim-tarbiya maskanlarida o’tkaziladigan darslarda, jumladan, Texnologiya faniga oid mashg’ulotlarda insoniyat jamiyati to’plagan mehnatsevarlik an’analarini o’rganish orqali tarkib topadi.

Ma`lumki, xalq hunarmanchiligi yoshlarning tafakkuri, tasavvuri, estetik didi, epchilligi kabi sifatlarini shakllantirishga yordam beradi. Zero, bu sifat va fazilatlar yosh avlodni har tomonlama rivojlantirishga samarali ta’sir ko’rsatadi. Shuning uchun yoshlarga xalq hunarmandchiligi ishlarini o`rgatishni hozirgi zamon talablari asosida rivojlantirish va jadallashtirish katta ahamiyat kasb etadi. Bugungi kunda mutaxassis kadrlar tayyorlash, ta’lim berish tizimi hayotimizda, jamiyatimizda bo`layotgan islohotlar, yangilanish jarayonlari talablari bilan yaqindan bog`langaligi har tomonlama sezilmoqda. Biroq, ochiq tan olishimiz kerakki, hozirgi zamon talabiga to`liq javob berishga har kim ham qodir emas, chunki haligacha eskicha fikrlab va yangiliklarni hali to`la-to`kis

tushunmaganlar, afsuski, oramizda uchrab turibdi. Bunga avvalo maktab va boshqa o`quv yurtlarining moddiy bazasini juda nochor ahvoldaligi sababdir[6].

Bu borada umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'qitiladigan Texnologiya o'quv fanidan chiqarilgan taqvim-mavzuli rejada 5-9-sinf o'quvchilarga xalq hunarmandchiligi haqida ma'lumot berish, xalq hunarmandchiligiga oid ishlarni o'rgatish ko'zda tutilgan bo'lib, bunda bevosita yuqoridagi vazifalarni amalga oshirish uchun katta imkoniyatlar bor. Binobarin xalqimizning o'zligini anglashi uning hunarmandchiligi taraqqiyoti bilan uzviy bog'lagan o'tmishini anglashdan boshlanadi. Buni yoshlar ongiga singdirish uchun ularga xalq hunarmandchiligiga oid ishlarni o'rgatish katta ahamiyatga egadir.

Bu ishlarni, ayniqsa, maktabdan boshlash, maktab o'quvchilariga xalq hunarmandchiligiga oid nazariy ma'lumotlar berish hamda ayrim ishlarni amalda bajartirib borish maqsadga muvofiqdir. Shu sababli umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-9-sinflarida o'qitiladigan Texnologiya o'quv fani rejasida xalq hunarmandchiligiga oid ishlarni o'rganish bo'yicha bir qator mavzularni o'rganish tavsiya etilgan. Xususan 5-9-sinflarda texnologiya va dizayn yo'nalishida yog'ochga, metallarga ishlov berish sohasidagi xalq hunarmand-chiligi kasblari hamda ishlari, xalq hunarmandchiligida foydalaniladigan yog'och materiallari va ish usullari, asbob-uskunalar va yog'och-tokarlik stanoklaridan foydalanish, naqsh chizish va ularni o'yish hamda pardozlash kabi ishlarni; servis xizmati yo'nalishida esa kashtachilik, zardo'zlik, quroqchilik ishlarini o'rgatish; 8-9-sinflarda esa hunarmandlarning bozor iqtisodiyoti sharoitidagi faoliyati haqida ma'lumot berish, hududlarda keng tarqalgan hunarmandchilik ishlaridan ayrimlarini o'rgatish ko'zda tutilgan[9].

Xulosa qilib shuni aytish joizki, bugungi kunda yoshlarni kasb-hunarga to'g'ri yo'naltirish, ularda turli kasb-hunarlarga qiziqishini oshirish, kasblarni e'zozlash va faxrlanish tuyg'ularini shakllantirish, o'ta muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki kelajagi buyuk davlatimizning kelgusi taqdiri shu masala bilan chambarchas bog'liqdir. Buni o'z o'rnida to'g'ri hisobga olgan hukumatimiz doimo hunarmandchilikni rivojlantirish va yoshlarni hunar o'rganishga yo'naltirish ishiga alohida ahamiyat qaratib kelmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1.Shomirzayev M. X. Developing educational technologiesin school technology education //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 5. – C. 73-79.

2.Shomirzayev M.X. Education is personally focused technology //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – T. 8. – №. 8.

3.Shomirzayev M.X. et al. National handicrafts of Uzbekistan and its social–economic significance //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – T. 8. – №. 8. – C. 129-138.

4.Shomirzayev M.X., Yuldashov K. K. The Educational Importance of Teaching Knowledge to Secondary School Students // CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2021. – T. 2. – №. 08. – C. 132-142.

5.Shomirzayev M.X. Practical lessons in technology: Characteristics of organization and conduct //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 4. – C. 991-1001.

6.Shomirzayev M.X. The concept of pedagogical technology and basic principles //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 11. – C. 1551-1560.

7.Shomirzayev M.X. The Concept of Pedagogical Technology and Basic Principles. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal.(Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra, India), Vol. 10, Issue 11, November 2020 Scientific Journal Impact Factor (Sjif 2020-7.13). Part 1554-1563.

8.Shomirzayev M.X. The Ethical Characteristics of Traditional Embroidery of Fergana Valley People //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – T. 7. – №. 12.

9.Shomirzayev M.X. Technology of Educational Process in School Technology Education //The American Journal of Social Science and Education Innovations. Impact Factor. – T. 5. – №. 02. – C. 212-223.

10.Shomirzayev M.X. Ethnic characteristics of national traditional crafts //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – T. 8. – №. 12. – C. 216-225.

11.Shomirzayev M.X. Combined In Technology Courses Use Of Technologies //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 05. – C. 389-396.

12.Shomirzayev M.X. Local features of the traditional embroidery of the Ferghana valley //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – T. 7. – №. 12.

СУРХОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАНБААЛАРИНГ МУЗЕЙЛАРДА АКС ЭТИШИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тарих бўлими 1 курс магистри
Болтаева Гулноза Раҳматуллаевна

Ўзбекистонда ўтказилган археологик тадқиқотлар Сурхон воҳасида уч минг йиллар муқаддам кенг ривожланган ҳунармандчилик мавжуд эканлигини исботлади. Бу даврда синфий жамиятлар пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимоти негизида ҳунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан. Оқибатда Сурхон воҳасидаги шаҳарларда савдо-сотиқнинг ривожланиши руй беради. Бутун минтақада йирик шаҳарлар нафақат иқтисодий ва ижтимоий, балки сиёсий ва маданий марказларга айлана бошлаган.

Айниқса IX-XII асрларда ҳунармандчилик кенг миқёсида ривожланиб, Ўрта Осиёнинг, шу жумладан ўзбек элининг ҳам чет эллар билан иктисодий-маданий алоқалари авж олади. Маҳаллий ҳунармандчилик ҳалқ хўжалигига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариб техник ва бадиий жиҳатдан юксак даражага кўтарилади. Ўзбек хонликлари даврида пойтахтларда зодагонлар, бой-тўралар ва хокимлар эҳтиёжларини кондирадиган ҳашаматли бинолар, турли зебу-зийнатлар яратадиган касб-ҳунарлар анча ривожланади. Шаҳар ва кишлоқ аҳолисига зарур маҳсулотлар етказиб берадиган ҳар хил ҳунармандчилик соҳалари пайдо бўлади.

Одатда Сурхон воҳасида ҳунармандчиликнинг энг камида 32 хили мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойга шаҳар деб ном

берилган. 1897 йили биринчи аҳоли руйхати вақтида Ўзбекистон ҳудудидаги катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисми ҳунармандлар ҳисобланган. Иккинчи катта ижтимоий табақани айрим маҳалла савдо расталарида жойлашган савдогарлар ва даллоллар ташкил қилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ўтмишда ўтроқ ўзбеклар нафақат қўшни кўчманчи элатлар маҳсулотини истеъмол (харид) қилувчилар, балки улар учун зарур ҳунармандчилик маҳсулотларини етказиб берувчилар сифатида ҳам намоён бўлган. Шунинг учун маҳаллий усталар кўплаб тери ва жундан, ёроч ва металлдан, пахта ва ипакдан турли буюмлар, кийим-кечакларни ишлаб чиқиб бозорларда сотганлар. Ўрта аср ҳунармандларининг яна бир хусусияти (айрим одатлари бизгача етиб келган) уларнинг муайян ижтимоий ташкилотларга эга бўлишида эди. Бу ўзига хос жамоачилик анъаналарига таянган махсус уюшмаларга бири-киш эди. Асли мазкур уюшмалар ҳунармандчилик техникаси ва ишлаб чиқариш характери билан боғлиқ ва ўз ҳамкасблари манфаатини қўриклаш мақсадида ташкил топган ташкилотлардир.

Ўзбек хунармандчилигининг яна бир хусусияти унинг кўп соҳаларининг бевосита уй-рузгор хўжалиги билан борлиқ. лиги эди. Кўп ҳунармандлар асосий касбидан ташқари айниқса қишлоқ шароитида (баъзан шаҳарда ҳам) деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Уларнинг кўпчилик қисми ўз маҳсулотларини яқин бозорга чиқарибгина қолмай, ишлаб чиқилган маҳсулотига қараб натура билан ҳам ҳақ олганлар (ғалла ёки мол билан). Бундай ҳолат қишлоқ жамоачилиги анъаналари билан борлиқ бўлиб, даставвал ҳамқишлоқлар эҳтиёжларига буйсунган. Уй ҳунармандчилигида ип йигириш, тўқиш, кигиз босиш каби касблар билан шуғулланилган. Тўқимачиликда гилам ва палос биринчи галда турар эди.

Ҳунарманчилик равнақи ишлаб чиқарувчи кучлар ва товар-пул муносабатларининг ривожига, натурал рентанинг пул билан алмашинувига борлиқ. Хонликлардан моллар карвонлар орқали Россия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Афғонистонга жўнатилган. Иш қуролларининг оддийлиги, техникавий жиҳатдан

қолоқлигига қарамай ўзбек хунармандчилигининг кўп соҳалари ниҳоятда юксак санъат намуналари яратган ажойиб амалий касб-ҳунар сифатида танилган. Шубҳасиз, ҳар бир соҳа ўзининг тараққиёт даражаси, натурал хўжалик ёки бозор билан боғлиқлиги, ташкилий томондан ва ҳажми жиҳатдан ўзаро фарқ қилган.

Ҳунармандчиликнинг қадимий даврлардан энг кенг тарқалган соҳаси темирчилик ҳисобланган. Бу соҳанинг ривожи даставвал маҳаллий хом ашёга боғлиқ, бўлган. Ўзбекистон ўзининг ер қазилма бойликлари, олтин, кумуш, мис, темир кабилар билан илгаридан машҳур. 1913 йилда маҳаллий ҳунармандлар 72 фоиз металл буюмлар ишлаб чиқарганлар. Металл ишлаб чиқариш 19 та касбга бўлинган.

Ривожланган соҳалардан бири металл қуйиш билан борлиқ бўлиб, уни кўп жойларда дегрезлик (яъни «қозон қуйиш») ёки қозончи, Хоразм ва Бухорода «позачи» ёки «позагар» (омоч тиши қуювчи) деб номлаганлар. Дегрез одатда ҳар хил ҳажмдаги қозон, поза (тиш), чой идиш, обдаста, аспак, шамдон, манқалдон, қора-чироқ, арава ғилдирагига такчуён ёки ҳалқа, жувоз бошмоғи ва хоказо ишлаб чиқарган. Баъзан буюртма елим идиш, қандил, келича, нос суқи ва боиҳа буюмлар ҳам қуйилган. Бухоро ва Самарқандда илгари, рехтагар (‹тожикча (рехтан- қуймоқ.) жез билан чўяндан замбарак (тўп) ва ўқи, қурол-аслаха ва бошқа уй-рўзғор буюмларини ясаган. Айрим жойларда дегрезлар чўяндан қуйиладиган маҳсулотига қараб чўянгар деб ҳам номланган. Чўян қуйиш махсус лойдан қурилган босқонли ўчоқ. (Фарғонада ва Тошкентда «ёндукон», Бухорода «кура», Хоразмда «дастгоҳ») ларда эритилиб, қумдан ясалган асбоб ва идишларнинг хар хил қолипларда зарур маҳсулотлар қуйилган. Чўян қуядиган асбоблардан воҳа дегрезлари қолипларни ясайдиган чорчуп, чарх ва белкурак, исканжа, лавгир, латтош ёки товонча, сихча, таганак (тевонак), тарное (шовва), чаноқ ва чанарамбир, чўмич, зинтахта, чироғ ва ҳоказаларни ишлатадилар.

XIX аср ўрталаригача дегрезчилар хом ашёни маҳаллий конлардан олган, кейинчалик рус мустамлакачилиги даврида Россиядан келтирилган темир-терсаклардан фойдаланилган. Манбаларнинг хабар беришича асримиз бошларида Оренбург

ва Троицк орқали Ўрта Осиёга юзлаб тонна пуд чўян буюмлар жўнатилган, сўнгра сингандан кейин улар эритилиб маҳаллий маҳсулотлар қуйилган. Дегрезлик маҳсулотларининг 80-85 фоизини омоч тиши (поза) ташкил қилган. Қолганидан ҳар хил уй-рўзғор буюмлари, буюртма безаклар, қурол-аслаҳалар, тамғалар қуйилган.

XIX аср охирлари XX аср бошларида ўзбек темирчилиги шунчалик ривожланганки, унинг ичида меҳнат тақсимоти асосида мустақил соҳалар юзага келган. Масалан, уй-рўзғор буюми ва эркак сарпаси таркиби ҳисобланган ўзбек пичорини махсус пичоқчилар, қулф-калитни қулфчи ёки қулфгарлар, игна-бигизни игначи ёки игнасозлар, ҳар хил асбоб ва буюмларни чилангар мисгарлар хом ашё (тахталанган мис, жез, к.изил ёки сариқ мис)ни асосан Россиядан келтирганлар, рух, қўрғошин, кислота, нашатир ҳам ташқаридан етказилган. Одатда идишларни қизил мисдан ясаганлар, нашатир ва туз билан оловда қаттиқ қиздириб, кейин сувга солиб қизартирганлар. Ўтга солинмасдан ясаладиган идишлар (кўзача, коса, пиёла, патнус ва х.. к.) ни қалайлаштириб оқлаганлар. Барча манбаларда маҳаллий усталарнинг зўр махорат билан бадиий буюмлар ясаганлиги тўғрисида гапирилади. Ҳар хил буюмларда ўсимликлар, геометрик ва ҳайвонлар стилидаги илмий услубдаги нақшлар ўзининг жозибадорлиги ва юксак савияси билан киши диққатини ўзига жалб қилади.

Ўзбек заргарлиги ҳам қадимий даврлардан ўзининг ажойиб санъати билан кенг танилган. Заргарлик ноёб бадиий асарларининг намуналари кўпгина археологик қазилмалардан топилган. Заргарлар техник жиҳатдан умум металл буюмларини ясаш услубларидан ташқари ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлганлар. Ҳатто олтин ва кумушни болғалаш, қиздириш, сайқаллаш, пардозлаш, буюмга кўз босиш, тилла суви бериш каби ишларда ўзига хос нозик услуб талаб қилинган.

Заргарлар бойларнинг буюртмаси билан катта-кичик қимматбаҳо безакларни жуда чиройли қилиб ясаганлар. Улар хон ва беклар учун отларнинг анжомасига олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан турли безаклар ҳам ишлаб чиқарганлар. Хоразм заргарлари бош ва устки кийимлар осиладиган безаклар (дузуг,

шавка-ладузуг, тахадузуг, клитбаги, тумор, аравак, зирак, билазик, юзик кабилар)ни зўр маҳорат билан яратганлар. Денов беклиги ҳудудида заргарлар қимматбаҳо зийнатланган металлардан турли узуклар ясаганлар: шоншанак кўзли ёки кўзсиз узук, тилла узук, кумуш узук, мис узук, қалай узук, овранча узук, румча узук; иш услубига қараб - қуйма узук, суқма узук, муҳир узук ва ҳоказо; металига ёки шаклига қараб турли билак узуклар тилла билак узук, кумуш, мис қуйма, тугмали, япалоқ, илон боши, бақа бош, карманалик ва ҳоказо. Қулоққа осадиган сирғаларнинг турлари ҳам кўп бўлган: Муҳаммади сирға, беш оёқли сирға, қўнғироқли зира, анжирболдоқ ва хоказо. Бурунга осадиган аравак ва латива, сочга тақадиган металл қисмлардан иборат сочпопук (чочпопук), найча, пур сочпопук, тиллазулф, кокилли, панжара, кубба; буйинга ва кўкракка осиладиган безаклар (зебигардон, жавок, базубанд); пешанага тақиладиган тиллақош, тиллабаргак ва ҳар хил туморлар заргарлар томонидан зўр маҳорат билан ишланган. Олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар Россия, Эрон, Ҳиндистон, Қўқон ва Бухородан келтирилган.

Воҳа заргарлари асосан уйида, баъзилари бозорда дўкон қурганлар. Бекларниг кўшк ва саройларида маҳсус заргарлик дўконлари бўлган ва у ерда қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичоқ ва қиличлар ясалган. Дўкон жиҳозлари кичкина сандон, бир неча хилдаги болға (чўкич), қайчи, омбур, тутқич, сим ясайдиган кира, кичкина босқонли учоқ ва мисдан ясалган баландам, аррача ва турли нақш берадиган металл қа-ламлардан иборат бўлган. Бойсун, Шеробод, Денов заргарлари ўйиб қоракумуш нақшлари беришда зўр маҳорат кўсатганлар.

Ўрта Осиё, шу жумладан Россиянинг мустамлакасига айланган Ўбекистонда заргарлик ва мискарлик касблари аста-секин тушкунликка учрайди. Арзон баҳоли завод-фабрика зебу зийнат буюмларининг маҳаллий бозорларга кўплаб келтирилиши бу ердаги хунармандчиликнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлган эди.

Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғоч буюмлари ясаш ҳунармандчилигидир. Дурадгорлик (йўниғчилик) асли қурилиш касби билан бевосита боғлиқ бўлган. Маҳаллий

усталар ёғочдан ҳар хил ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, транспорт воситалари (арава, кема), синч ва устунлар, ойна-эшиклар, сандиқ ва бешиклар, элак ва чарх, эгар ва ҳоказолар ишлаб чиқарганлар. Айниқса от, туя ва эшак-лар учун эгар ясовчилик касби кенг ривожланган. Денов, Шеробод, Бойсун ҳудудларида махсус эгарчилар маҳалласи бўлган.

Бадиий аҳамиятга эга бўлган уймакорлик дурадгорликда алохида аҳамиятга эга. Зўр маҳорат билан ясалган эшик ва дарвозалар, устун ва шифтлар ҳозиргача ажойиб санъат намуналари ҳисобланган.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий хўжалиги халқнинг кўп минг йиллик тарихий тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, ўзига хос анъанага эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: «Шарқ », 1999.

2. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият. 2008.

3. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият. 2008.

4. И.А.Каримов. Энг асосий мезонҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т., Ўзбекистон, 2009. 26бет.

5. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.-Т., 1994.

6. Алимов У. Ўрта асрларда Мовараунаҳрда боғдорчилик хўжалиги тарихи.-Т., 1984.

7. Занятия и быт народов Средней Азии.-М-Л. 1974.

8. Народы Средней Азии и Казахстана. Том 1-2.-Москва. 1962-1963.

9. Народы традиции и культура.-Т. 1992.

10. Этнографической изучение бўта и культуры узбеков.-Т., 1962.

ҚЎНҒИРОТЛАР ЭТНОГРАФИЯСИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН АЙРИМ ФИКРЛАР

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси Қаршиев Ислом Махмараҳим ўғли

XIX асрда Россия империяси офицери ва кейинчалик “Туркестанские ведомости” газетасининг муҳаррири бўлган Н. А. Маев (1835–1896) Шаҳрисабзда (1874–1875) ва Ҳисорда (1878) ўтказган экспедицияси жараёнида минтақада яшовчи дўрмон, қатағон, юз, марқа, лақай уруғлари билан бирга қўнғиротларнинг ҳам этник таркиби ҳамда воҳа бўйлаб жойлашишининг ўзига хос хусусиятлари, уруғ-қабилавий тартиботи ҳақида этнографик маълумотлар тўплаб нашр қилган[1].

Бухоро амирлигини ҳарбий мақсадларда ўрганган Д. Н. Логофет амирлик ҳудудига кирувчи Сурхон воҳасида яшаган ўзбек уруғлари ва уларнинг генеалогияси, хусусан, воҳада истиқомат қиладиган қўнғирот, қатағон, юз, дўрмон, турк каби уруғлар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтирган[13].

Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудлари аҳолисининг этногенези ва этник тарихи масалалари юзасидан 1945 йилдан этнографик тадқиқотлар олиб борган элшунос олима Б. Х. Кармишева тадқиқотларида мазкур минтақа аҳолиси шаклланишида ҳамда этник тарихида муҳим ўрин тутган қўнғиротларнинг шажараси, уларнинг этник тарихи, минтақа бўйлаб жойлашуви ҳамда этнографияси борасида кўплаб янги маълумотлар берилган[2].

XX асрнинг 60–70-йилларида элшунослар К. Шониёзов ва Қ. Кубаковларнинг тадқиқотларида ҳам қўнғиротлар этнографиясини қиёсий ўрганишга доир маълумотлар берилган[3]. Шунин-

[1] Маев Н. А. Очерки Бухарского ханства. – Ташкент, 1875; Ўша муаллиф: Очерки горных бекств Бухарского ханства // МСТК. Вып V. – Спб., 1879; Ўша муаллиф. Очерки Гиссарского края // МСТК. Вып V. – Спб., 1879. 13Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – Спб., 1911. – С. 91–105.

[2] Қаранг: Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана – М.: Наука, 1976. – С. 323.

[3] Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки: Историко-этнографический очерк. – Ташкент, 1964; Ўша муаллиф. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографические ис-

гдек, тилшунос Х. Дониёров ва номшунос Т. Нафасов ишларида ҳам қўнғиротлар топонимига оид қатор маълумотлар қайд қилинган[1].

Умуман олганда, мазкур даврда эълон қилинган ишларда, гарчи жанубий Ўзбекистон аҳолисининг этник тарихига алоқадор қизиқарли ва ўз навбатида муҳим маълумотлар келтирилган бўлсада, уларда минтақада яшовчи қўнғиротларнинг этник тарихи ва уларнинг минтақа бўйлаб жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари комплекс тарзда ёритилмаган.

Қўнғиротлар тарихига оид манбалардан бири 1240 йилда мўғулларнинг улуғ ҳоқони Ўғадой буйруғига кўра ёзилган "Мўғулларнинг яширин тарихи"[2] асари бўлиб, унда қўнғиротларнинг тарихий ватани ва уларнинг Чингизхон қўшини таркибидаги иштироки борасида қимматли маълумотлар берилган. Манбада Чингизхон қўшинида Бортэ-уджин (Чингизхоннинг биринчи хотини)нинг қариндошларидан ташкил топган 3 минг нафар лашкарли махсус қўнғиротлар бўлимини Олчи нойон бошқарганлиги таъкидланади[3].

Бу борадаги манбалардан яна бири 1247–1318 йилларда яшаган машҳур муаррих Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имодуддавла Абулхайр ал-Ҳамадонийнинг "Жомеъ ут-таворих" ("Тарихлар

следования на материалах кипчакского компонента). – Ташкент, 1974; Ўша муаллиф. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент, 1990; Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи (вторая половина XIX – начало XX вв) // Этнографическое изучение культуры и быта узбекского народа. – Ташкент, 1972. – С. 13–16.

[1] Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент, 1968; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1968; Ўша муаллиф. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1988; Ўша муаллиф. Ўзбек номномаси. – Қарши: Насаф, 1993. 17 Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (Кейинги ўринларда ЎИФ). – 1996. – №6. – Б. 79–87; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари // ЎИФ. – 1998. – №6. – Б. 31–44; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007.

[-] 340; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015.– Б. 487–490, 501–502. 18 Муаллифлар асарлари рўйхати библиографияда келтирилган.

[2] Сокровенное сказание монголов / Перевод С. А. Козина. – Улан-Удэ, 1990; Рассадин В. И. Тюркские элементы в языке "Сокровенного сказания монголов // "Тайная история монголов": источниковедение, филология, история. – Новосибирск, 1995. – С. 122–145; Mongolica: К 750-летию «Сокровенного сказания».– М., 1993.

[3] Mongolica: К 750-летию «Сокровенного сказания»... – С. 212.

мажмуаси") асаридир[1]. Рашидуддиннинг фикрича, қўнғиротлар дастлаб Хитой билан Мўғулистон чегараларида қурилган "Янги ҳаёт девори"га туташган жойларда яшаганлар[2]. Муаррихнинг мазкур асари аксарият олимлар томонидан келиб чиқиши мўғуллар билан боғлаб келинган кўплаб уруғларнинг, чунончи қўнғиротларнинг туркий эканлигини исботлашда ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади.

Тилшунос Х. Дониёровнинг таъкидлашича, нафақат қўнғиротлар, балки ўзбек халқи таркибидаги барлос, жалойир, кенагас, қиён, нирун, сулдуз, қиёт каби уруғлар этник тарихи шу каби чигаллашиб кетган эдики, агар Рашидуддиннинг шу китоби сақланиб қолмаганида, уларнинг этногенезини аниқлаштириш жуда мураккаб масала бўлган бўлар эди. Чунки, бу уруғнинг айрим вакилларидан тортиб, Ғарб ва Шарқ олимларигача уларни мўғуллардан келиб чиққан, деб ҳисоблаганлар[3].

Қўнғиротларнинг минтақадаги этносиёсий жараёнларда ўзига хос роли бўлган. Чунончи, Шарафуддин Али Яздийнинг 1425 йилда ёзган "Зафарнома" асарида қайд этилишича, Амир Темур ҳам дастлаб қўнғирот сулоласи билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган[4].

Чингизхоннинг ота томонидан бўлган бувисининг онаси Қувоқароқ қўнғиротлардан бўлганлиги ҳақида буюк давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг (1394–1449) "Тўрт улус тарихи" асарида қайд этилган[5].

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий (1441–1501) ўз шеърларида бошқа бир қатор туркий қабилалар билан бирга қўнғиротларни ҳам тилга олган[6]. Ўтмишда ўзбек уруғларининг ҳар бири ўзига хос жиҳатларидан ташқари, хон ва подшоҳлар олдидаги мавқеи, нуфузи, обрў-эътибори билан ҳам фарқлангани шоир байтларида тасвирланади.

Қўнғиротларнинг XV–XVII асрлардаги этник тарихига оид

[1] Рашид ад-дин. Сборник летописей. Том 1. Книга 1. – М.–Л.: АН СССР, 1952.

[2] Ўша жойда... – Б. 161.

[3] Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент, 1968. – Б. 18.

[4] Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Х. Бобобеков. – Тошкент, 1997, – Б. 75.

[5] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент, 1994. – Б. 78.

[6] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. – Тошкент, 1998. – Б. 57.

манбалар ҳақида сўз юритганда Муҳаммад Солиҳнинг (тахм. 1455–1535) “Шайбонийнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг (1549–1589) “Шарафномайи шоҳий”, Маҳмуд ибн Валининг (туғ.1596) “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ул-аҳёр” (“Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи”) (1634–1640), Абулғозининг (1603–1664) “Шажарайи турк ва мўғул”, “Шажарайи тарокима”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг (туғ.1645) “Убайдулланома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” (1697–1704), Абдураҳмон Давлат Толеънинг (XVIII аср 1-ярми) “Тарихи Абулфайзхон”, Мирзо Абдуазим Сомий Бўстонийнинг (1838/39–1914) “Тарихи салотини Манғития” (“Манғит ҳукмдорларининг тарихи”) каби асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қўнғирот уруғининг- этногенезини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки айнан манбалар орқали қўнғиротларнинг келиб чиқиши ва уларнинг Ўрта Осиё ҳудудига кўчиб ўрнашиш тарихини ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Қўнғиротлар ҳақида маълумот берувчи тарихий манбалардан бири XIV асрда яшаган машҳур Шарқ тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамодоний) нинг «Жомеъ-ат-товарих» асаридир. Таниқли ўзбек олими Х.Дониёровнинг таъкидлашича, Рашидиддиннинг ушбу асари шу вақтгача Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан мўғуллар деб атаб келинаётган ўзбек (туркий) қабила ва уруғларнинг аслида ким эканлигини аниқлаш учун бевосита калит бўлиб хизмат қилади.

Қўнғиротларнинг XV-XVIII асрлардаги тарихини ўрганишда Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома», Абулғозийнинг «Шажараи турк» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга. Шунигдек,этнолог олимлардан О.Бўриев, А.Қурбонов, Н.Турсунов, И.Умаров кабилар ҳам қўнғирот уруғи ҳақида илмий тадқиқотдар олиб борганлар.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУСИҚА САНЪАТИГА ОИД МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Закирова Зилола Азамовна
Термиз давлат университети
Миллий либос ва санъат факультети
Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси

Калит сўзлар: мусиқа, чолғу, созанда, куй, ансамбль, метод, ўқитиш, дарс, жанр, мерос.

Аннотация: Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг тарих дарсларини ўқитишда мусиқа санъати билан боғлиқ воқеликни ўқувчиларга тушинтиришда қўшимча материаллар сифатида қўлланиладиган маълумотлар ва ушбу маълумотлар асосида ўқувчи ёшларни эстетик руҳда тарбиялашнинг дидактик жиҳатлари ёритиб берилган.

Бугунги кунда ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялашда тарих фанининг нуфузи анча ортиб бормоқда. Тарих фани нафақат ўқувчиларда ўтмишимиз ҳақида кўникма ва малакани шакллантиради, қолаверса, ёш авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, маънавий комил инсон сифатида шаклланишида ҳам ўзига хос ўрни бор. Айниқса бугунги глобаллашув шароитида оммавий маданий таҳдидлардан ёшлар онгини ҳимоя қилишда ҳам тарих дарсликлари орқали ўқувчилар онгига етказиладиган маълумотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тарих фани ўқувчиларга юртимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёти тўғрисида маълумот берибгина қолмасдан уларни маданий савиясини ўстиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда ҳар бир халқ ва давлат ўзининг ўтмишида инсоният цивилизациясига қанчалик улуш қўшганлиги билан фахрланишни истайди. Қолаверса, инсоният цивилизациясининг муҳим қирраларини қандай маънавий бойликлар билан ўз аждодлари бойитганлигини ёш авлодга сингдириш уларда нафақат миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради

балки, ёш авлодни ахлоқини ва эстетик руҳда тарбиялашда ҳам муҳим омил саналади. Масалага шу нуқтаи-назардан ёндошув ёшларга маънавий тарбия беришда тарих фанининг ўзига хос ўрни борлигига яна бир бор амин бўламиз. Инсоният цивилизациясининг шаклланиш мезонларида, урбанизация, архитектура, дин, санъат ва давлатчилик анъаналари муҳим ўрин тутади.

Биз ушбу мақоламизда умум таълим мактаблари ўқувчиларига тарих дарсларини ўқитиш жараёнида маданий ҳаёт билан боғлиқ мавзуларни тушунтиришда мусиқага оид манба ва материаллардан фойдаланишнинг услуб ва тавсияларини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Биз биламизки, мусиқа инсониятнинг ибтидоий давридаёқ юзага келган илк кашфиётларидан бири саналади. Мисол учун ибтидоий одамлар ўзларига бирор бир хавф-хатар яқинлашса, ёхуд бир-бирини бирор жойга чорласа, ниманидир уриб, овоз чиқариб ўз уруғдошларига "сигнал" жўнатган. Шунингдек, овни бароридан келишини таъминлаш, ёвуз руҳларни қувиш билан боғлиқ архаик маросимларни бажаришда ҳам бирор нарсани нарсага уриб товуш чиқарганлиги, олов олдида ўша ибтидоий мусиқага монанд тарзда рақсга тушганлиги билан боғлиқ жиҳатларни ўқувчиларга тушунтиришда ўқитувчи маълум атрибутлардан фойдаланган. Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларига Ўзбекистон тарихи фанидан Амир Темур марказлашган "давлат асосчиси" мавзусини тушунтираётганда, Амир Темурга пири Саййид Барака томонидан Термиз яқинидаги Биё қишлоғида давлат рамзи бўлган туғ (байроқ) ва табл (ноғора) ни тақдим этганлиги билан боғлиқ маълумотларни етказаётганда ноғора нафақат чолғу асбоби балки давлат рамзларида бири сифатида эътироф этилган атрибутлардан бири эканлигини ҳам қайд этиш ва ушбу маълумотни 6-синфда Айритом фризида акс этган чолғучилар ҳайкали билан боғлаб ҳам тушунтириш мумкун [3]. Шунингдек, 7-синф ўқувчиларига IX-XIII аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданий ҳаёт мавзусини тушунтираётганда ушбу даврда юртимизда мусиқа санъати ҳам ғоят тараққий қилганлигини, байрамлар, тўйлар, халқ сайллари ва бошқа маросимлар шубҳасиз, куй ва қўшиқсиз ўтмаганлигини қайд этиш лозим. Бу даврда созандалар уд, танбур, қўбиз, рубоб,

най, сурнай, карнай, қўшнай, қонун ва бошқа шу каби кўплаб торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларидан кенг фойдаланганлигини айтиб ўтиш билан бир қаторда ушбу чолғу асбобларининг расмларини ёҳуд оригинал ҳолатда асбобнинг ўзини кўрсатса, ўқувчиларнинг ушбу мавзуга нафақат қизиқиши ортади, қолаверса, ушбу созларни чалиб кўришга бўлган иштиёқи ҳам пайдо бўлади. Ушбу мавзуни ёритиш асносида ўқитувчи халқ куйлари асосида шаклланган "Шошмақом" ҳақида ҳам маълумот бериб ўтишига тўғри келади. Шунда "Шошмақом" ўзбек ва тожик халқларининг мумтоз куйи эканлигини ўқувчиларга тушинтириш орқали бу икки халқнинг маданияти, тарихи ва анъаналари ҳам муштарак эканлигини қайд қилиб ўтиши лозим бўлади.

Шу ўринда мусиқа санъати шеърият ҳамда мусиқашунослик илми билан бирга ривож топганлигини ҳам қайд этиш лозим. Қолаверса, "иккинчи муаллим" номини олган Абу Наср Фаробийнинг мусиқага бағишлаб алоҳида "Мусиқа китоби" номли рисола ёзганлигини ҳам ўқувчиларга тушунтириб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди [5]. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф ўқувчиларига миллий маданиятимиз хусусан мусиқа тарихи ҳақида маълумот бераётганда, "Шош мақом" билан бир қаторда Хоразм мақомлари ҳам мавжудлигини мақом ижрочилигининг Фарғонача, Бухороча ва Хоразмча йўллари мавжудлигини ҳам қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, мақом санъати мустақиллик йилларида сезиларли тараққий этганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2018 йилда Самарқанд шаҳрида Мақом фестевали ташкил этилганлигини ҳам қайд этиш орқали ўқувчи ёшларнинг ушбу санъат ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиш ҳамда мақом ва унинг ижрочилигига бўлган қизиқишини ортириш мумкин [6]. Шунингдек, Мовороуннаҳр ва Хуросонда Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъатнинг жадал ривожланганлигини тушунтириш асносида Шарқ уйғониш даври маданияти яъни IX-XII асрлардаги биринчи ренесанс ҳамда XIV-XV асрлардаги иккинчи ренесанс ҳақида маълумот бериб борилса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган учинчи ренесанснинг мазмун ва моҳиятини ўқувчилар

онгига етказиш бир қадар осонлашади. Дарс давомида XIV-XV асрларда минтақада янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига доир нодир асарлар яратилганлиги, жуда кўп маҳоратли созандалар, машшоқлар ва ҳофизлар етишиб чиққанлигини ҳам қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларга айнан шу даврда яшаб ижод этган Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳасан Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Қосим Роббонийларнинг номларини тушинтириб ўтиш лозим [7]. Шу даврда моҳир мусиқачилар билан бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий, Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам мусиқа санъати билан шуғулланиб, унинг ривожига маълум даражада ҳисса қўшганлигини ҳам ўқувчиларга эслатиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди, қолаверса, Мовороуннаҳр султони, йирик фалакиётичи олим Мирзо Улуғбек мусиқага бағишлаб бешта рисола битганлиги шунингдек, “Булужий”, “Шодиёна”, “Ахлоқий”, “Табризий”, “Усули равон” ва “Усули отлиғ” куйларини ижод қилганлигини ҳам айтиб ўтилса ўқувчиларнинг билим доираси янада кенгаяди. XIV-XV аср маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган, мумтоз ўзбек адабиётининг йирик вакили Алишер Навоийнинг тахаллуси ҳам айнан “Наво” яъни “Куй” мусиқа билан боғлиқ эканлигини ҳам қайд этиш орқали Алишер Навоийнинг ижодига ўқувчиларда қизиқиш янада ортишига эришиш мумкин. Шу ўринда Алишер Навоийнинг ўзи ҳам моҳир созанда бўлганлиги, “Исфахоний” куйи айнан Алишер Навоий томонидан ижод қилинганлигини келтириб ўтиш мумкин. Қолаверса, ана шу даврнинг йирик ижодкорлари Абдураҳмон Жомий ва Камолиддин Биноийлар мусиқа назариясига доир асар яратганлигини, мусиқа, шеърият билан узвий алоқада янги тараққиёт босқичига кўтарилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Саъдуллаев А, Костецкий В Тарих, 6-синф умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслик. – Тошкент, 2017, 186 бет.

2. Турсунов С, Қобилов Э, Муртозоев Б, Пардаев Т. Сурхондарё тарихи –Тошкент: Шарқ, 2004, Б-86.

3. Мухаммаджонов А, Султонов Ф. Ўзбекистон тарихи умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфлари учун дарслик, -Тошкент:“Шарқ”, 2019. Б. 112-113.

4. Мусаев Н, Азимов Ҳ. Маданиятшунослик, ўқув қўлланма, - Тошкент, 2011, Б.147-149.

5. Хайруллаев М. Маданий мерос ва ижтимоий, фалсафий фикр тарихидан, -Тошкент, 1995.Б-43-46.

6. Ўзбекистон овози газетаси 2018 йил 21 декабр.

7. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек маънавий маданияти тарихи, шаклланиши ва тараққиёти муаммолари (ўзбек анъанавий қўшиқчилиги тарихи мисолида) тарих фан.док... дисс. Ўз РФА Тарих институти –Тошкент, 1997. Б-60-62.

8. Янги Ўзбекистон газетаси. 2021 йил 18 сентябр.

BUXORO HUNARMANDCHILI RIVOJI TURIZM XIZMATIDA

Муродов Ҳалим Салимович,
Бухоро Давлат Университети таянч докторанти

Buxoro hunarmandchiligi azal azaldan bobomeros va otameros kasblar sifatida sulolaviy ustozodalar tomonidan rivojlantirilib kelingan. X asrda Buxoroning mashur “zandanacha” matosi dovrug`i butun Sharq olamida mashhur bo`lib, savdo karvonlari “zandanacha” matosi uchun maxsus tashrif buyurganliklari tarixdan ma`lumdir. Mustaqillikning dastlabki yillarida Buxoroda turizmning tiklanishida turistik tashkilotlar qatori san`atning jumladan Buxoro hunarmandchiligining ham alohida o`rni bor. Jumladan hunarmandchiligining yetakchi va qadimiy sohalari bo`lgan zardo`zlik, zargarlik, misgarlik, kandakorlik, kulolchilik, milliy kiyimlar tikish, do`ppichilik, kashtachilik kabilar rivojlanib, bu borada mohir ustalar Jumayev Baxshillo, Alisher Narzullayev, Shokir Kamolov, Mahfuza Salimova, Usto Samad, Atamuradov Safo, Toshev Davron kabilarning faoliyati tufayli rivojlanishga erishdi. Mustaqillikka erishgach, 1990 yillar boshida hunarmandchilikning ko`plab turlari og`ir ahvolga tushib qoldi, chunki ushbu sohalar uchun xom ashyolar(baxmal, zar iplar, karton) sobiq Ittifoqning

turli mintaqalaridan olib kelinar edi. Buxoro hunarmandlari muammolarni yechish uchun imkoniyatlarni ishga solib tez orada o`z do`konlari va ustaxonalarini tashkil etdilar. Buxoroda birinchi xususiy hunarmandchilik ustaxonasini zardo`z usta Jumayev Baxshillo tashkil etgan. Avvalgi davrda chet eldagi ko`rgazmalarda juda kam qatnashishgan. Xalqaro aloqalar o`rnatish uchun harakatlar boshlandi. 1994 yilda birinchi marta Pokistonning Islomobod shahrida 70 ta davat hunarmandlari ishtirokida xalqaro festival bo`lib, unda birinchi o`rinni buxorolik usta Jumayev Baxshillo egallab, davomiy hamkorlik aloqalari o`rnatildi. O`zbekistonda Buxoro hunarmandlari birinchi bo`lib, 1995 yilda "Umrboqiy meros" hunarmandlar uyshmasi (Ustavi ham) tuzilib, uyushma prezidenti etib, Buxoro muzeylari birlashmasining direktori va hunarmandlarni doim qo`llab quvvatlovchi inson Robert Almeev, vitse prezidentlar esa Baxshillo Jumayev va Alisher Narzullayevlar saylandilar[1,B.1-3]. Buxorodagi hunarmandchilik rivoji hamda uning xalqaro festivallardagi muvaffaqiyatlari xalqaro YUNESKO tashkilotining e`tiboriga tushib, natijada Buxoro hunarmandchiligi tajribasini o`rganish, xulosa va tavsiyalar berish uchun 1996 yilda doctor Naranyanni Buxoroga yuborilib, bir yil davomida tadqiqot ishlarini hamkorlikda olib bordi. Doktor Naranyan bir yillik tadqiqot hisoboti va tavsiyalarini YUNESKO va O`zbekiston hukumatiga taqdim etdi. Ushbu tadqiqot va "Umrboqiy meros" uyushmasi tajribasi 1997 yilda O`zbekiston respublikasi "Hunarmand" uyushmasining tuzilishiga turtki berdi.

Hunarmandchilikning aholini ish bilan ta`minlashdagi ahamiyati sezilarli darajada ortib, 1997-1998 yillarda respublika "Hunarmand" uyushmasining Buxoro viloyat bo`limi raisi vazifasini bajargan Baxshillo Jumayevning aytishicha bu davrda uyushmada 700 nafar hunarmand a`zo sifatida faolyat yuritgan. Buxoro hunarmandlari ko`payishi bilan qadimiy hunarmandchilik turlari tiklanishi hamda kengayishi bilan shaharning tarixiy markazidagi madaniy meros inshootlarda, hujralarda unga xos bo`lmagan xo`jalik mollari do`konlari, spirtli ichimliklar do`konlari, aptekalar kabilar o`rnini hunarmand ustalar egallab, o`z ustaxona va do`konlarini tashkil etishlari bilan ushbu hudud obod bo`lishi bilan birga turistlarning tungi sayr qilishi uchun ham xavfsiz hududga aylandi. Suvenirlar va

miniatyura san`ati namunalarini tayyorlash sohasi yanda kengayib, bu jarayon turistlar uchun mahsulotlar sifati va turini ko`payishiga omil bo`lib xizmat qildi. Bu borada Buxoroda 1990 yilda birinchi bo`lib, o`zining xususiy zardo`zlik ustaxonasini tashkil etgan usta zardo`z Baxshillo Jumayev edi. Baxshillo Jumayev mashhur zardo`zlar sulolasining 6 avlod vakili bo`lib, u kishining bobosi Rajab oqsoqol Abdurahmonzoda Buxoro amirligi davrida 1900-1920 yillarda Buxoro zardo`zlik ustalarining oqsoqoli bo`lgan. Usta Baxshillo Jumayev zardo`zlik san`atini rivojlantirish va turistlarga yanada kengroq turdagi mahsulotlarni taqdim etish uchun 1995 yilda Buxoroda "Sovg`a" zardo`zlik markazini tashkil etdi. Natijada Baxshillo Jumayev zardo`zlik va patdo`zlik buyumalri hamda kiyimlari turistlar orqali butun dunyoga tarqalib, Buxoro brendini yanada mashhur bo`lishiga xizmat qildi. 2013 yilda Baxshillo Jumayev "Sovg`a Ustozoda Zardo`zon" oilaviy korxonasini tashkil etib, hozirgi kunga qadar usta ushbu korxonaga rahbarlik qilib, Buxoro hunarmandchiligi va turizmi rivojiga kata hissa qo`shib kelmoqda. Usta Baxshillo Jumayev zardo`zlik bo`yicha 500 dan ortiq shogirdlarni tayyorlab, ular O`zbekistonning barcha hududlari, Tatariston, Boshqirdiston, Tojikiston kabi davlatlardan kelib o`rganishgan [2,B.4].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1997 yil 31 martdagi "Xalq badiiy hunarmandchiligi va amaliy san'atini yanada rivojlantirishni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi PF-1741-son Farmoni va Farmoni asosida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xalq badiiy hunarmandchiligi va amaliy san'atini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi 2005 yil 28 martdagi PF-3588-sonli farmoni natijasida xalq hunarmandlari uchun ochilgan istiqbol va imkoniyatlar Buxoro ipak gilamdo‘zlik markazi barpo etildi. Mustaqillik yillarida ya`ni 1997-1999-yillarda tashkil etilgan Buxoro ipak-gilamdo‘zlik kombinati 2011-yilda viloyat hokimligi ko‘magida Buxoro shahrining qoq markazida ( Xo‘ja Nurobod ko‘chasi boshida) Mir Arab madrasasi yonida joylashgan yirik ishlab chiqarish va savdo markaziga aylandi. Buxorodagi gilamdo‘zlik san`ati tarixiga nazar tashlasak, X-XII-asrlarda O‘rta Osiyoda, jumladan, O‘zbekistonda ham gilamdo‘zlik san'ati juda rivojlanganligi ma`lumdir. XVIII- XIX-

asrlarning ikkinchi yarmida Buxoro xonligida gilam to‘qish san’ati o‘ziga xos uslub kasb etdi. Bu yerda gilam ishlab chiqarish o‘zining bezaklari, yuqori sifatli to‘qishi, bo‘yash texnikasi bilan ajralib tura boshlaydi. Aynan shu maktablarning davomi sifatida Buxoro ipak-gilamdo‘zlik majmuasi tashkil etildi, jahon andozalari va yuksak talablarga asoslangan mazkur markaz ayni paytda milliy o‘zlikni asrash tamoyillari asosida shakllandi. Buxoro ipak-gilamdo’zlik markazida 40 nafar qiz gilamdo‘zlik, bir vaqtning o‘zida 10 nafar qiz adras to‘qish bilan shug‘ullangan[3,B.245]. Ustadan shogirdga mahorat o‘rgatish an’analari asosida kamolotga yetgan o‘quvchilar-shogirdlarning yakka tartibdagi tadbirkorlik faoliyatini yo‘lga qo‘yishi uchun sharoit yaratilgan. 2015-2016 yillarga kelib, turistik markaz bo`ylab tashkil etilgan filiallarni ham hisobga olganda jami birgalikda jami 258 kishi ish bilan ta’minlangan.

Buxoro ipak-gilamdo‘zlik markazining hunarmand san`atkorlari yiliga 100-150 dona ipak gilam to‘qishadi. Asosan “Anorgul”, “Chorbog‘”, “Kashkoi”, “Salogul” va boshqa 10 dan ortiq turli naqshli gilamlar hunarmandlar va ularning shogirdlari tomonidan to‘qiladi. Markazda gilam to‘qish va adras to‘qish sexi, gilam bo‘yash bo‘limi, ayni paytda bir vaqtning o‘zida 27 kishiga xizmat ko‘rsatadigan xorijiy turistlar uchun salqin ichimliklar tayyorlaydigan bar ham faoliyat yuritgan. Shuningdek, markaz binosida 24 soat davomida sayyohlarga valyuta ayirboshlash xizmati “Kapitalbank” Buxoro filialining bankomati o`rnatilgan. Buxoro ipak-gilamdo‘zlik markaziga har yili 100 mingdan ortiq sayyoh tashrif buyuradi. Buxoro ipak-gilamdo‘zlik markazi faoliyatini yildan-yilga kengaytirib, ayniqsa viloyat iqtisodiyotiga xorijiy valyuta tushumini ko`paytirishga sezilarli hissa qo`shib, jumladan har yili 200 dan 450 ming AQSH dollarigacha eksport xizmatlari ko‘rsatgan. Markazning boshqa markazlardan o‘ziga xos jihati shundaki, ular bu yerda mehmonlarga hurmat va zudlik bilan ajoyib xizmat ko‘rsatib, tashrif buyuruvchi turistlarga yoshartiruvchi, chanqog‘ini bosuvchi, charchoqni ketkazuvchi mo‘jizaviy “Avitsenna” choyi bilan mehmonnavozlik qiladilar. Bu erga kelgan sayyohlar Buxoroning mo`jizaviy san`ati namunalarini xarid qilmasdan keta olmaydi[4,B.253]. Shu bilan bir qatorda Buxoro miniatyura san`atini rivojlantirish maqsadida usta Toshev Davron hunarmand tomonidan

2019 yilning may oyida “Buxoro ipak qog’ozi” hunarmandchilik markazi qurib bitkazilib foydalanishga topshirildi. Shu bilan bir qatorda tashabbuskor san`atkor Toshev Davlat tomonidan Buxoro shahrining “Arabon” ko’chasida joylashgan XVI asrda qurilgan qadimiy yodgorlik negizida “Usto-shogird” miniatyura markazi tashkil etildi[5,B.4].

Turistlar bilan o`tkazilgan so`rovnomada ularning 45 foizi san`atning folklor musiqa va raqslarini, milliy kiyim va urf-odatlarni ko’rish va bevosita ishtirok etishga qiziqish bildirishgani juda e`tiborga molikdir. Shu jumladan, Buxoro madaniy hayotining asosiy qismiga aylangan “Buxorcha” va “Mavrigi” qo`shiq va raqslardan tarkib topgan folklor–zullisonayn qo`shiqchiligidan turistlar, mehmonlar va ziyoratchilarning dam olish vaqtlarini mazmunli o`tkazishda o`ziga xos o`rin egallamoqda. Tarixiy markazlar oldida maxsus “Buxorcha” va “Mavrigi” qo`shiq va raqs sahna maydonlarini tashkil etilib, unda milliy qo`shiqchilik folklor dastalarining repertuarlari namoyishi etilishi turistlarga unutilmas lahzalar va yuksak madaniy hordiq taqdim etish orqali sayyohlarni yanada ko`proq jalb qilish barobarida sayyohlik hududi sifatida Ko`hna Buxoroning jozibadorligini oshirishga beminnat xizmat qilmoqda[6,B.334]. Buxoroda 2017 yilda hunarmandlar soni jami 1050 ta bo`lib, olib borilgan islohotlar va berilgan imtiyozlar tufayli 2020 yilda ularning soni 12 179 tga ko`paydi[7.B.5]. Bu esa viloyatda yangi ish o`rinlarini yaratishda katta omil bo`lishi bilan birga turistlar uchun esdalik sovg`alar, xalq amaliy san`ati buyumlari va suvenirlar sonining ko`payishi hamda sifatining oshishiga xizmat qildi. Asosiysi viloyat iqtisodiyotiga chet el valyutasining kirim bo`lishi ya`ni xizmatlar eksportidan kelayotgam daromad oshib borishi bo`ldi.

Xulosa qiladigan bo`lsak, Buxoro turizmini rivojlantirishda xalq amaliy san`ati sohalari tasviriy va amaliy bezak san’ati, me`morchilik va teatr, musiqa hamda milliy qo`shiqchilik folklor san’atining o’rni yuksak darajada bo`lib, ayniqsa hozirgi kundagi pandemiyadan so`ng turizmni tiklanish jarayonida mintaqada barqaror turizmni rivojlantirishga ko’maklashish va hududning sayyohlik nufuzini oshirib borishda juda katta potensial sifatida namoyon bo`lmoqda. Shuni e`tiborga olib, Ko`hna Buxoroda azaldan rivojlanib kelgan

milliy me`morchilik va dovrug`i butun Sharqni tutgan ushbu mintaqaga xos zardo`zlik, zargarlik, miskarlik, kandakorlik hamda naqsh amaliy san'ati an'analarini saqlash va rivojlantirish, ularning noyob namunalarini targ'ib etish, tiklash, saqlab qolish kabi ezgu amallari orqali mintaqaning turizm salohiyatini yanada oshirish, turistlar sonini ko`paytirish choralarini ko`rish maqsadga muvofiqdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. "Sovg`a Ustozoda Zardo`zon" oilaviy korxonasi rahbari Jumayev Baxshillo Shirinovich bilan suhbatdan yozib olingan.17.04.2022 yil.
2. "Sovg`a Ustozoda Zardo`zon" oilaviy korxonasi rahbari Jumayev Baxshillo Shirinovich bilan suhbatdan yozib olingan.17.04.2022 yil.
3. Buxoro viloyat davlat arxivi, M-1503-fond, 1-ro`yxat, 40-Ish, 245-256-varaqlar.BVDA, M-1503-fond, 1-ro`yxat, 40-Ish, 253-260-varaqlar.
4. Buxoro viloyat turizmni rivojlantish departamenti joriy arxivi// Buxoro viloyatida turizmni rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilgan ishlar haqida ma'lumot.01.12.2019 yil.
5. Murodov H.S. Buxoro turizmini rivojlantirishda madaniy sohaning o'rni.// Zamonaviy dunyoda muzeyshunoslikning dolzarb masalalari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to'plami – Toshkent, 2021. - №1 – B. 334-342.
6. Joriy arxivi, Buxoro viloyat turizm va sport Bosh boshqarmasi. Buxoro viloyatida turizm sohasi ko`rsatkichlari ma`lumotnomasi. 01.04.2022 yil holatida. 2022 yil.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДА МАТОЛАР ВА ЭРКАКЛАРНИНГ КИЙИМЛАРИ

ТерДУ, Жаҳон тарих кафедраси ўқитувчиси
Дўланов Отабек

Сурхон воҳа аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келган. Чорва молларининг гўшт ҳамда сутидан ташқари унинг жуни ва терисидан фойдаланишган. Жундан

фойдаланишда, аввал махсус жун тароқда жун таралган, сўнгра урчуқ ёрдамида йигирилиб ип холатига келтирилган. Воҳада жундан мато тўқишда «ўрмак»дан кенг фойдаланилган. Жундан кигиз, гилам шунингдек, хўржин, қоп, чакмон, чолвир(шолвар) ҳамда турли хилдаги арқон иплар тайёрланган. Мол терисидан ишлов бериб, бош ва оёқ кийим-чориқ тикишган. Бу нафақат Сурхон воҳаси ёки Марказий Осиё ҳудудида, чунончи Закавказье ва бошқа ҳудудларда ҳам мавжуд бўлган.

Ипларга ранг бериш яъни бўяшда, кирлари ва ёғларини кетгизиш учун аввал иплар ювилиб, сўнгра ишқорли сувга қайнатилиб, оқар сувда чайилган. Матоларга ранг беришда воҳа аҳолиси қора, қизил, сариқ рангларни уй шароитида, яшил рангни эса бозорларда махсус бўёқчиларга яъни нилчиларга бўятишган. Қора рангни анор, ёнғоқ пўстлоғидан, сариқ рангни сариқ чечак ўсимлигидан, қизил рангни рўян усимлигининг қуритилган илдизидан тайёрланган. Шунингдек ипларнинг табиий ранглари сақланган. Хусусан, ғўзак ҳамда туя жунидан малла рангли кийимлар тикилган.

Кийимларнинг тикилиш услуби содда бўлган. Кийимларни бичишда бичиқчи қаричидан фойдаланиб ўлчаган. Матоларни эса қўл билан йиртиб қийқим чиқармасликка ҳаракат қилинган. Лозим бўлганда эса пичоқ ишлатилган. Кийимлар асосан олдинги ва орқанги бўй, икки ён, енг ҳамда икки ённи енга қўлтиқ остига қўшиб тикадиган ғиштакдандан иборат. Шунингдек, олдинги ва орқанги бўй тўғри олинганлиги учун елкаси чоксиз бўлади. Ёқалар очиқ ёқа, елка ёқа бўлган, лекин олди очиқ кийимларда, хусусан, яктак, тўн кабиларда ёқа бўлмаган. Воҳа аҳолисининг кийимларини ёзлик ҳамда қишлик кийимларга ажратиш мумкин. Қишлик кийимлари пахтали ҳамда астарли бўлса, ёзлик кийимлари эса астарсиз, яъни бир қават ҳолида тикилган. Шунингдек, кийимларни эркаклар, хотин-қизлар, болалар ҳамда маросим кийимлари каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Сурхон воҳасида эркакларнинг енгил кийимларидан бири асосан кўйлак бўлиб, кўйлаклар ўйма ёқа, елка ёқа ҳамда кифтаки деб номланиб, ёқалари қўлда тикилган ҳошиялар ёки жияклар билан безатилган. Бўйи тиззадан пастга туширилган бўлиб, енглари кенг ҳамда узун бўлган. Бундай кўйлаклар Мар-

казий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлган. Эркакларнинг кийим тагидан киядиган енгил ич кийимларидан бири яктак кўйлакдир. Археолог олимлар томонидан тадқиқ этилган «Болалик тепа» дан топилган суратлардаги эркаклар кийимларида яктак кўйлак борлиги ўрганилган Яктак кўйлакнинг ёқаси ичидан тўртбурчак шаклда қўшимча мато қўйилиб, олди очиқ бўлган. Енгил кийимлардан бўлган тик ёқали кўйлак, узун ва кенг енглари, бўйи ҳамда узун олд ёқаси билан фарқ қилган. Тик ёқали кўйлак ўлкамизнинг турли ҳудудларида турлича номланган. Масалан, Зарафшон ҳавзаси қипчоқлари эса «қазақи кўйлак» деб аташган.

Эркакларнинг қадимий кийими бўлган гуппи астар, аврали бўлиб, пахта солиб қавилган. Қозоқларда эса «куппи» деб аталиб, туя ёки қўй жуни солиб қавилган. Гуппилар тиззадан баландроқ ёки пастроқ бўлган. Гуппи ҳақида Маҳмуд Қошғарий ҳам ўз асарида тўхталиб ўтган.

Воҳа эркаклари киядиган иштон чолбар, пойжома деб аталиб, узун ва кенг бўлиб, липа, оғ (ғиштак) ҳамда пойчадан иборат бўлган. Иштоннинг тикилиш услуби воҳада деярли бир ҳил бўлган. Хусусан, липасига иштонбоғ ўтказилиб, оғи катта бўлиб, пойча оралиғида осилиб турган. Пойчалари эса тиззадан паст, тўпиғдан баланд ҳолда тикилган. Эркакларнинг иштонлари асосан бўздан тикилган.

Эркаклар устки кийими чопон, желак, чакмон, кебанак, пўстин ташкил этган. Чапон туркий халқларнинг асосий устки кийимидир. Асосан эркаклар кийими ҳисобланиб, ёзма манбаларда XV асрдан учрай бошлайди. Тадқиқ этилаётган даврда Сурхон воҳасида чопонлар узун ва кенг бўлиб, авра-астарли ичига пахта солиб қавилган. Чопонлар тик ёқали олди очиқ ҳолатда бўлади. Тикишда йўл-йўл матолардан, воҳанинг Денов тумани Сина, Ўшор, Куёвсу қишлоқларида, Сариосиё тумани Хуфар, Маланд, Киштут қишлоқларида, Узун тумани Хонжиза, Саринова, Пуштикапа қишлоқларида қора рангли матодан фойдаланилган. Чопон тўғри тик ҳолатда қавилади. Этаги, енг учлари ва ёқасига чиройли кўриниши ҳамда мустахкам бўлиши учун чироз жияк тикилган. Чопонлар икки турда қалин пахтали қишки чопон ва юпқа пахтали ёзги чопон бўлган. Воҳада

йўл-йўл бўз чопон яъни олача чопон, ҳисори қўй жунидан мато тўқилиб, ҳисори чопон тикилган. Ўзига тўқ кишилар беқасам, кимхоб чопонлар кийган.

Воҳада чопон яъни тўн устидан кийиладиган енгил уст кийимлардан бири желакдир. Воҳанинг айрим ҳудудларида «яктак» деб аталган. Желак «таш тўн» номи билан М.Қошғарий асарларида тўхтанилган. Желак пахтасиз авра-астар ёки аврадан иборат енгил кийим бўлиб, ёши катта кишилар чопон устидан кийиб юрганлар. У кишига кўрк бахш этиш билан бирга чопонларни тезда кир бўлишдан сақлаган. Сурхон воҳасида тадқиқ этилаётган даврда ёз фаслларида чопон кийилмасдан, қўйлак устидан желак кийилган. Сурхон воҳасида аҳолининг қадимий кийими бўлган «чакмон» қўй ёки туя жунидан хонаки усулда тўқилган матодан тикилган астарсиз, фақат аврадан иборат, чапонга ўхшаган кийимдир. Чакмон кенг ва узун тикилиб, этаклари, ёқаси ва енг учларига чироз жияк тикилган. У чопон устидан кийилиб, белбоғ боғланмаган. Воҳада чакмонинг тивитли, босма ва қоқма каби турлари бўлган. Чакмон Марказий Осиё халқларининг анъанавий кийимларидандир.

Воҳа чорвадор аҳолининг асосий устки кийимларидан бири кебанак бўлиб, ичи кигиз (намат)дан, усти эса шолдан кенг ва узун қилиб тикилган. Кебанак Ўрта Осиё ҳамда Қозиғистон халқларида ҳам мавжуд бўлган.

Саллани бошга ўраганда чап томондан бир учи икки, икки ярим қарич узунликда пеш қолдирилади ва юқорига қистирилиб қўйилган. Номоз ўқиётганда пеш ён тарафдан кўкракгача осилтирилиб қўйилган. Илимли кишилар эса пешни орқа томонга осилтириб қўйган. Воҳанинг Сариосиё тумани Маланд, Хуфар қишлоқлари. Узун тумани Хонжиза, Хўжаасмин каби қишлоқларида «пеш»ни «феш» деб аташади. Кекса кишиларнинг саллалари кулранг, оқ рангда, ёшларники эса тўқ қизил ҳамда қизил рангдаги матолардан бўлган. Воҳанинг чорвадор аҳолиси туя жунидан малла рангли, оқ эчки жунидан оқ рангли матолардан тўқиб, салла қилганлар.

Эркаклар бош кийимларидан яна бири дўппи бўлиб, тикилиш услуби, безатилишига кўра бир-биридан фарқ қилган. Дўппи авра, астар, жияк ҳамда пилтадан ташкил топган. Дастлаб ҳар

бири алоҳида тикилиб, кейин қўшиб тикилган. Дўппиларнинг тикилишида салла, салла тагидан киядиган думалоқ, қиррали яъни «кулоҳ» ҳамда ўзи якка ҳолда кийиладиган тўрт бурчак хиллари бўлган. Шунингдек воҳада чорвадор аҳоли қиш фасли учун туя жунидан тўқилган матодан ҳам дўппи тикканлар. Воҳанинг қўнғирот, юз уруғига мансуб аҳолиси дўппини қалпоқ деб аташган.

Эркакларнинг асосий қиш фасли бош кийими телпакдир. Воҳада чорвадор аҳоли томонидан қоракўл терисидан телпаклар қилинган. Тоғли ҳудудларда тулки терисидан, Сурхондарё ёқаларида яшовчи аҳоли қундуз терисидан телпак тикишганлар.

Сурхон воҳасининг деярли ҳамма қишлоқларида оёқ кийим тикадиган усталар бўлган. Аҳолининг анъанавий оёқ кийимлари маҳаллий усталар томонидан тикилган бўлиб, такаки, чориқ, ҳаккари, мўкки, тоштовон каби оёқ кийимлар тайёрланган. Этик ҳамда махси-ковушларни воҳадаги ҳамма усталар ҳам тайёрлай олмаган. Бу хилдаги оёқ кийимлар учун хом ашё сифатида от, туя, қорамол, қўй ва эчкининг ошланган (ийланган), териларидан фойдаланилган. Тери жийда, зардоли, жинжак томирларидан қайнатиб тайёрланган сувга 2-3 кун солиб қўйилади. Қизғиш рангга кирган бу тери ийланади. Такаки асосан қора мол терисидан қилинган. Шунингдек, чориқ ҳам попушлар ҳам қорамол терисидан қилинган. Чориқ камбағаллар оёқ кийими эканлиги хақида ёзма манбаларда ҳам тўхталинган. Махси ҳам муккилар сарка терисидан тикилган. Асосан ёғингарчилик даврида кийиладиган ҳаккари ковушлар ёғочдан ясалган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. –Т., «Шарқ », 1996.
2. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият. 2008.
3. Абдуллаев Т.А., Ҳасанов С.А. Одежда узбеков (XIX-нач. XX вв.)-Т., 1978.
4. Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари.-Т., 1978.
5. Жабборов И. Ўзбеклар. (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). –Т., Шарқ. 2008.

6. Бўриев О. Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. Самарқанд. 2008.
7. Костюм народов Средней Азии.-Москва, 1979.
8. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана.-Москва, 1989.
9. Этнографические очерки материальной культура узбеков. (конец. XIX-начала XX вв.)-Т., 1981.
10. Турсунов С.Н., ПардаевТ.Р. Ўзбекистон тарихи ва маданияти - Сурхондарё этнографияси. -Тошкент., 2006.
11. Карабаев У. Этнокультура. –Т., Шарқ. 2005.

Сурхондарё мОДДИЙ МАДАНИЯТДА АЁЛЛАРНИНГ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР ВА БЕЗАКЛАРИ

“Термиз” давлат музейи-қўриқхонаси
катта илмий ходими
Турсунова Насиба Муҳиддиновна

Сурхон воҳаси аёллари кўйлаклари ёшларига қараб турли бичимда бўлган. Кўйлаклар узун ҳамда кенг қилиб тикилган. Аёлларнинг ички кийими оқ матодан тикилган кўйлак ҳамда «кўкракбанд»дан иборат бўлган. Кўкракбандни фақат эмизикли аёллар устки кўйлагига сути ўтиб кемаслиги учун тақганлар. Кампирлар ҳамда қизларниг кўкракбанд тақишлари гуноҳ саналган. Туркий халқларда ички кўйлак XI асрда ҳам мавжуд бўлган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ички кўйлаклар устидан ҳамиша кундалик кўйлаклар кийиб юрилган. Воҳада қизлар кўйлагидан аёллар кўйлаги маълум томонлари билан фарқ қилган. Бу фарқ аввало кўйлак ёқаларида мавжудир. Аёллар кўйлаги ўйма ёқа ҳамда кўндаланг ёқали бўлган. Ўйма ёқали кўйлак бўйиндан бир қарич узунликда кўкраккача кесилган, ингичка жияк тутилиб, боғич қилинган. Асосан бу ёқа аёл кишининг бола эмизишига мўлжалланган. Воҳанинг айрим қишлоқларида бу кўйлакни «пешчак», «пешкумо» деб аташган.

Воҳада тадқиқ этилаётган даврда қизлар ҳамда қариялар кўндаланг ёқали яъни елка ёқали кўйлак кийганлар. Воҳанинг

айрим қишлоқларида бу кўйлакни «кифтаки» деб аташган. Бундай кўйлак ёқалари чап ёки ўнг томондан ярим қарич узунликда бош бемалол киришига мўлжаллаб кесилган. Бош кириши учун мўлжаланган тепа қисми ип билан боғлаб қўйилган. Ўзбек халқи урф-одатларига мувофиқ, воҳада қиз турмушга берилгандан кейин тўйдан уч кун ўтгач, келинга хотинлик кўйлаги кийгизилган. Тадқиқ этилаётган даврда воҳанинг айрим ҳудудларида келин-куёвга никоҳ ўқилгандан кейин ҳам икки-уч йиллаб келин отасининг уйида юрган. Шу даврда туғилган ўғил болага Бобохон, Бобомурод, қиз болага Момохол, Момогул каби исмлар қўйишган. Отасининкида юрган келинчак қиз кўйлагида юрган. Фарзандлик бўлганда эса қиз кўйлакнинг икки ён томони яъни қўлтиқ тагидан пастга қарата бир қарич кесилиб, бола ўша ердан эмизилган. Албатта келин-куёвнинг уйига келгандан сўнг хотинлик кўйлагини кийган.

Сурхон воҳасида аёллар асосан қиш фаслида ҳамда тўй ва байрамларда икки, уч ҳатто ундан ҳам кўп кўйлакларни устма-уст қилиб кийганлар. Албатта устунги кўйлак қимматбаҳо матодан тикилган. Шунингдек, бу кўйлак енглари ҳар хил узунликда бўлган. Енгларнинг учига кашта яъни «енг кашта» турли ипак ипларидан тикилган.

Воҳа аёлларининг анъанавий ички киймларидан бири лозимдир. Эркак ва аёл лозимлари яъни иштонлари бичимларида фарқ бўлмаган, фақат тикилишида фарқ қилган. Ўрганилаётган даврда аёл кишининг ҳатто бир ёшга етмаган чақалоқ қизларда ҳам гуноҳ саналади деб, лозим кийиши шарт бўлган. Аёллар лозими икки халдаги матодан тикилган. Лозимнинг пойча қисмига янги матодан, липасига яъни кўзга кўринмайдиган томонига арзонроқ матодан, ғиштагига эса пойча қисмига ишлатиладиган матодан тикилган. Ёши катта ва кекса аёллар лозими малла, кўкиш рангдаги матолардан, қизлар ва ёш аёллар лозими эса қизғиш очиқ рангдаги матолардан тикилиб, пойчаларига турли хилдаги жияклар қадалган.

Воҳа аҳолиси аёлларининг устки кийимларидан бири чапон бўлиб, аёллари чапони беқасам, ипак ҳамда ярим ипакли матолардан тикилган. Аёллар чапони пахталик чапонлар қишда, пахтасиз енгил чапонлар ёзда кийилган. Аёллар чапони эрка-

клар чапонидан маълум даражада фарқ қилиб, аёллар чапонига олдиларини ёпиб юриши учун тугма ёки боғишчалар қилинган.

Сурхон воҳаси аёллари устки кийимларидан бўлган курта йўл-йўл матодан тикилиб, асосан астарсиз, аврадан иборатдир. Куртанинг енглари, ёқаси ҳамда этакларига чиройли жияк тикилган. Воҳа аёллари куртани тадқиқ этилаётган даврда асосан бошга ташлаб юрган. Курта Ўзбекистоннинг бошқа ҳудуд аҳолиларида ҳам бўлиб, қорақалпоқларда «оқ жада» ҳамда хоразм ўзбекларида эса «жаъда» деб аталади.

Воҳа аҳолиси аёлларнинг анъанавий уст кийимларидан мунисак яъни мурсак аёлларнинг тўй ва байрам кийимларидан бўлган. Мунисак қадимий кийимлардан саналади. Мунисак республикамизда тадқиқ этилаётган даврда фойдаланиш услуби жихатидан бир хил бўлсада, лекин, ҳар хил номланган. Хусусан, Бухорода «калтача» Хоразмда-«мисак», Тошкентда-«мурсак» Фарғонада-«мунсак» -деб аталган.

Воҳада мунисакнинг тикилиш услуби куртага ўхшаб, фақат авра-астарли ҳамда енги тирсаккача кенг бўлиб, унинг тагидан кўйлак енгига тикилган каштали безаклар кўриниб турган. Сурхон воҳаси аҳолисининг кенг тарқалган устки кийими паранжидир. Паранжи воҳа аёлларининг кўчага кийиб юрадиган асосий кийими ҳисобланган. Паранжи арабча-фарожия (кўпликда фарожот) сўзидан олинган. Асосан XVI асрда аёлларнинг бошига ёпинадиган ёпинчиғига айланган. Паранжи тикилиш услуби чапонга ўхшаб, фақат сохта енгли бўлиб, бу иккала енг орқага ташлаб, бир-бирига бирлаштириб қўйилган. Бу сохта енглар «паранжининг думи»лари ҳисобланган. Паранжининг чачвони отнинг ёлидан тўрпарда шаклида тўқилган. Чачвон бетга тутилиб, устига паранжи ёпилган. Сурхон воҳаси аёллари кийимларида бош кийимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хусусан, бош кийимлар анъанавий кийимларнинг ажралмас бир қисмидир. Тадқиқ этилаётган даврда аёлларнинг бош кийимсиз бўлиши гуноҳ саналган ҳаттоки эркаклар ҳам «имон»и учиб кетади деб бош яланг овқат емаган. Агар аёл таом устида бош кийимсиз ўтирса, уни қўриқловчи фаришталар учиб кетади.

Воҳада қизларнинг қадимги бош кийимларидан бири «қасава» бўлиб, у қаттиқ бўлиши учун бир неча хил матодан чамба-

рак услубида тайёрланган ҳамда ўрта қисми очиқ қолдирилган. Қасава воҳа аҳолиси аёлларининг қадимий бош кийимларидан эканлиги хақида айрим муаллифлар тўхталганлар.

Аёлларнинг қадимий анъанавий бош кийимларидан бири бўлган рўмол, тўрт бучак шаклида бўлиб, турли-туман усулларда ўралган. Рўмоллар тайёрланган матосига қараб турлича номланган. Ўрганилаётган даврда воҳада қизлар «гуноҳ ёшига» етган даврдан бошлаб рўмол ўрай бошлаганлар.

Воҳада ўрта ва катта ёшдаги аёллар рўмолининг тагидан киядиган бош кийимларидан култа бўлиб, бошга кийладиган жойи айлана шаклида бўлган, орқа томонга икки қарич узунликда соч қопи мавжуд. Култани воҳанинг айрим ҳудуларида «култа пўшак» деб аташган. Сурхон воҳаси аёллари кўйлаклари ёшларига қараб турли бичимда бўлган. Кўйлаклар узун ҳамда кенг қилиб тикилган. Аёлларнинг ички кийими оқ матодан тикилган кўйлак ҳамда «кўкракбанд»дан иборат бўлган. Кўкракбандни фақат эмизикли аёллар устки кўйлагига сути ўтиб кемаслиги учун тақганлар. Кампирлар ҳамда қизларниг кўкракбанд тақишлари гуноҳ саналган. Туркий халқларда ички кўйлак XI асрда ҳам мавжуд бўлган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ички кўйлаклар устидан ҳамиша кундалик кўйлаклар кийиб юрилган. Воҳада қизлар кўйлагидан аёллар кўйлаги маълум томонлари билан фарқ қилган. Бу фарқ аввало кўйлак ёқаларида мавжудир. Аёллар кўйлаги ўйма ёқа ҳамда кўндаланг ёқали бўлган. Ўйма ёқали кўйлак бўйиндан бир қарич узунликда кўкраккача кесилган, ингичка жияк тутилиб, боғич қилинган. Асосан бу ёқа аёл кишининг бола эмизишига мўлжалланган. Воҳанинг айрим қишлоқларида бу кўйлакни «пешчак», «пешкумо» деб аташган.

Сурхон воҳасида заргарлик санъати намуналари жуда қадимий, бебаҳо ва ранг-баранг бўлиб, хусусан, Холчаён, Далварзин каби археэологик ёдгорликлардан топилган тақинчоқ ва зебу-зийнатлар бунга мисол бўлади. Минг йилликлар давомида кийимларни безашда кўпинча турли хилдаги ва рангдаги мунчоқ, юпқа ва ясси қилиб олтиндан, кумушдан ясалган, баргаклар билан ишланган зирак, кўкрак ва бўйин тақинчоқлари ҳам мавжуд бўлган. Тақинчоқлар мовий, зангори, мунчоқлар қимматбаҳо (нефрит, фируза, лал ва бошқа) тошлар билан беза-

тилган. Тақинчоқлар кишилар ёшидаги фарқни, табақавий қатламни ва оилавий аҳволини белгилашда хизмат қилиб, уларнинг насли-насабидан дарак бериб турувчи хусусиятга эга бўлган.

Воҳада аёлларнинг пешонага, сочга, қулоққа, бўйин, қўл-оёқ ва кўкракка тақиладиган ва тикиладиган мунчоқ, сирға, узук ва билакузук каби тақинчоқлари мавжуд бўлган. Сурхон воҳасида бундай тақинчоқларни аёллар тўй, байрам (нарўз, қурбон, рамазон ҳайитларида) кунлари, айниқса келинлар тўй куни яхлит тарзда таққанлар. Ёш келинларнинг анъанавий тақинчоқларидан бири «тилло қош» бўлиб, воҳанинг Хуфар, Маланд қишлоқларида «бало абрў» деб аташган. «Тиллақош» кумушдан ясалиб, ёқиткўз, фируза ҳамда турли хилдаги шишалар билан безатилган. У асосан пешонага тақилган бўлиб, қош устига тушириб турган. Тиллақош Тошкент, Бухоро, Фарғона ҳамда Самарқанд аёлларининг ҳам севимли тақинчоқларидан бўлиб, тиллақошсиз қизларни узатмаганлар. Тадқиқ этилаётган даврда асосан қизлар келин бўлганларидан кейин тақиладиган тақинчоқлардан яна бири «баргак» бўлиб, баргаклар тилло ёки кумушдан тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланиб, бир неча осма тақинчоқлардан иборат бўлган. Воҳада келинчаклар «тилло қошни» баргакнинг устидан тақиб юрганлар. Айрим манбаларда бу ҳақда тўхталиб ўтилган.

Сурхон воҳаси аёллари хусусан, ёш келинчаклар ҳамда бой хотинлар тўйларда, байрамларда буринларига сирға яъни «латива» таққанлар. Лативани Хонжиза, Хўжаасмин қишлоқларида «натибини» деб аташганлар. Латива тақинчоғи ўзбек-лоқайларида ҳам мавжуд бўлган. Воҳада ёш келинларнинг тақинчоқларидан бўлган «силсила» уч тўрт қатор ўйма нақшли бир-бирига занжир кўринишда ҳалқачалар билан уланган бўлиб, асосан, бошдаги кийгичга ёки рўмолга беркитилган. Силсилалар тўрт қисмдан: ҳабатак, силсила, гўйша ҳамда чеккадуодан иборат бўлган. Силсила тақинчоғи тожик ва туркман аёллари ижтимоий турмушида севимли тақинчоқлардан бўлган.

Сурхон воҳасида аёлларнинг барчаси гуноҳ ёшидан бошлабоқ қулоққа сирға таққанлар. Сирғаларнинг уй сирғаси, ой болдоқ. қозиқ сирға, муҳаммади сирға каби турли хил шакллари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган. Хусусан, воҳада айла-

на ёки бодомсимон сирғалар бўлиб, «халқай Муҳаммади» ёки «муҳаммади» сирға деб номланган. «Муҳаммади» сирғанинг тоқ сонли осилчоқлари бўлиб, уларнинг сонига қараб «уч оёқли», «беш оёқли», «етти оёқли», «тўққиз оёқли», «ўн бир оёқли» каби турлари бўлган. Воҳада «тўққиз оёқли» ва «ўн бир оёқли» муҳаммади сирғани асосан бой хотинлар тақишган. Бу сирғани воҳа аёллари Биби Фотиманинг сирғаси деб муқаддас билганлар.

Воҳада аёлларнинг бўйин ва кўкрак тақинчоқларидан бири, маржон бўлиб, маржонлар бир нечта шодаларнинг алоҳида тўқималаридан иборатдир. Воҳада маржоннинг қизғиш-пушти рангли «қалампир маржон» ҳамда «нозик маржон» турлари жуда кенг тарқалган. Воҳада кенг тарқалган бўйин тақинчоқларидан «хафабанд» бўлиб, хафабаднинг ёйсимон, учбурчаксимон ҳамда ромбсимон шакллари бўлиб, бўйиндан кўкраккача зич қилиб ёпиб туради. Хафабанд хафани боғлаб қувонч келтиради деган фикр мавжуд. Шундан мазкур тақинчоқ номи келиб чиққан. Сурхон воҳаси хотин қизларининг қимматбаҳо тақинчоқларидан бири «зебигардон» бўлиб узун-қисқа, қават-қават занжирларидан иборат, ўртаси юмолоқ шакилда бўлган. Зебигардоннинг учбурчаксимон, ромбсимон осилчоқлари бир-бирига уланган занжирлари бўйинда ва кўкракда жуда гўзал турган. Зебигардонни воҳанинг ўзига тўқ, бой хонодан аёлари тақишган.

XIX аср охири- XX аср бошларида воҳа аёлларининг тоқинчоқлари ичида сочга тақиладиган тақинчоқлар ўзига хос ўринга ега бўлган. Соч тақинчоқлари «жамолак» «сочпопук» «пупак» каби турли хилларда номланиб, воҳа аёллари тўй-ҳашамларида безатилган соч попукларини, кундалик турмушда эса оддий соч попукларини таққанлар. Воҳада қизлар, ўрта ёш аёллар ҳамда ёши кекса кампирларнинг соч ўришида жуда катта фарқ бўлган. Қизларнинг сочи турмушга чиққунга қадар тўрттадан қирқ ҳатто ундан ҳам кўп майдалаб ўрилиб, учига жамалак тақилган. Гуноҳ ёшигача бўлган қизларнинг сочига эса майдалаб ўрилаётганда пахтадан «пахта пилик» қўшиб ўрилган. Турмушга чиқаётган қизни сочини иккита қилиб ўрган ҳамда турли ҳил тугма, мунчоқ ва пашшойи танга (кумуш танга)лар билан безатилган, жамалак (сочпопук) тақилган. Аёлларнинг кундалик турмушда

одий қора рангга бўялган ипакли чилвирдан иборат жамалаклар тақишган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг қўлга тақиладиган анъанавий тақинчоқларидан узук ва билагузуклар бўлиб, узукларни эркак ва аёллар ҳам таққанлар. Узукни воҳанинг Мормин, Хидиршо, Обишир каби қишлоқларида «узук» деб атасалар, Чоч, Пуштикалон, Пуштиварак, Хўжаасмин каби қишлоқларида эса «ангуштарин» деб атаганлар. Ўзига тўқ бой хонадон соҳиб ва соҳибалари асосан тиллодан ясалган узук таққан бўлсалар, ўрта хол аҳоли эса асосан кумушдан ясалган узуклар таққанлар. Узуклар кўпроқ кўрсаткич бормоқларга тақилган. Тилло ва кумушдан ясалган узукларга садаф, зумрад, фируза каби қимматбаҳо тошлардан кўзлар қўйилган. Узук кўзлари ёмон кўзлардан асрайди дейилган. Сурхон воҳасида аниқса аёлларнинг узук тақиши муҳим бўлиб, уй-юмушларини бажаришда хусусан, идиш, қозон-тавоқларни ювишда «ош халол»ли бўлмаса, ювган идиш, қозон-тавоқлари тоза ҳисобланмаган. Шунингдек, воҳада фарзанд дунёга келганда илк маротаба чўмилтиришда болани давлатманд бўлсин деб, сувга узук солганлар.

Воҳада тадқиқ этилаётган даврда аёлларнинг севимли тақинчоқларидан билак узуклар бўлиб, бу тақинчоқни воҳанинг Шалдироқ, Ободон, Тўла каби қишлоқларида «билак узук», Сина, Куёвсу, Ойбарак, Даҳана каби қишлоқларида эса «дастпона» деб атаганлар. Билак узуклар ҳам узуклар каби тилло ва кумушдан ясалган. Айримларининг эни бир, бир ярим бармоқ бўғин бўлса, айримлари эса икки, уч ярим бармоқ бўғинни ташкил этган. Билагузукларга нақшлар берилиб, айримларига қимматбаҳо тошлардан кўзлар ҳам қўйилган. Уларнинг «панжа», «турна», «ислими» каби нақшлар солинган турлари мавжуд бўлган.

Сурхон аҳолисини анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари ўзбек маиший моддий-маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, ўзидан миллий хусусиятларни жипслаштирган. Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудиди бўлган Сурхон воҳасида хунармандчилик, айниқса, анъанавий тикиш-бичиш, зардўзлик, пойавзал ва кунчилик анча яхши ривожланиб ўзининг бетакрор намуналарини авлодлардан-авлодларга сақлаб келган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. –Т., «Шарқ », 1996.
2. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият. 2008.
3. Абдуллаев Т.А., Ҳасанов С.А. Одежда узбеков (XIX-нач. XX вв.)-Т., 1978.
4. Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари.-Т., 1978.
5. Жабборов И. Ўзбеклар. (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). –Т., Шарқ. 2008.
6. Бўриев О. Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. Самарқанд. 2008.
7. Костюм народов Средней Азии.-Москва, 1979.
8. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана.-Москва, 1989.
9. Этнографические очерки материальной культура узбеков. (конец. XIX-начала XX вв.)-Т., 1981.
10. Турсунов С.Н., ПардаевТ.Р. Ўзбекистон тарихи ва маданияти - Сурхондарё этнографияси. -Тошкент., 2006.
11. Карабаев У. Этнокультура. –Т., Шарқ. 2005.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАРИХИ ВА УСУЛЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Жалилов Ихтиёр Ғаниевич,
Қарши давлат университети тадқиқотчиси

ЎЗБЕК ХАЛҚ

Жаҳондаги қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар муҳим омил бўлиб хизмат килиши табиийдир. Ўзбек халқига хос миллий қадриятлар ҳам узоқ йиллар давомида шаклланди, тараққий этди. Мустакиллик йилларида уларни асраб-авайлаб, келажак авлодга бекаму кўст етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда унутилиб кетаётган халқ оғзаки ижоди намуналари, анъаналари ва урф- одатлар, миллий ўйинлар қайта тикланяпти.

Анъанавий ўйинлар ҳам азалдан аждодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъзозланади. Аксарият ўйинларнинг илдизи жуда қадимий бўлиб, асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури ва ҳис-туйғуларини теранлаштиришга хизмат қилган. Ўйинларда халқнинг турмуш тарзи меҳнати, ютуқлари ўз аксини топиб, улар ёш авлод тарбиясида ”ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаган[1:Б.14.].

Халк ўйинлари тўғрисидаги маълумотлар IX-XII аср муаррихлари, файласуфлари ва шоирлари ижодида яққол кўзга ташланади. Улуғ ҳаким Ибн Сино ”Тиб қонунлари” асарида кураш ва жисмоний машқларнинг киши бадан тарбиясидаги ўрни, ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхталган. Буюк алломалар Кайковус, Абулқосим Фирдавсий, Беруний чавгон, нард, шахмат, тирандозлик, чавандозлик каби юзлаб ўйинлар хусусида ёзиб қолдирган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий асарларида байрамлар, тантаналар, тўйлар муносабати билан ташкил этилган ўйинлар ҳақида кўпгина маълумотлар бор. Уларда ўйинларнинг уюштирилиши, ижрочилари, ўтказиш қоидалари баён этилган.

Миллий ўйинлар ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун “Алпомиш” достонини бир бор мутолаа қилишнинг ўзи кифоя. Ушбу достон халқ ўйинларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унда кураш, от пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш, қиличбозлик, мерганлик каби ўйинлар негизида мардлик, жанговарлик, орият, матонат, маънавий ва жисмоний комиллик каби фазилатлар ўз ифодасини топган[2:Б.22.].

Машҳур тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома” асарларида ҳам миллий ўйинларимиз баёни атрофлича келтирилган. “Девону луғотит турк”да халқ ўйинларининг бир юз элликдан зиёд тури тилга олинган. Жумладан, “қоранғуни” (қоронғуда кўрғон олиш), “бандол” (асир олиш), “ўтиш-ўтиш” (давра ўйини), ”ўт бандал” (таёқ ўйини), қиличбозлик, найзадорлик ва бошқа ўйинлар ҳақида маълумот берилади[3:Б.216.]. Эътиборлиси, уларнинг

аксарияти ҳозирги кунда ҳам болалар учун қизиқарли машғулот саналади.

Ўзбек халқи шу қадар ўйинларга бой бўлганки, бир шаҳар ўйинлари иккинчисиникидан, бир қишлоқ ўйинлари қўшни қишлоқдаги ўйинлардан фарқ қилган. Қолаверса, улар доимий ва мавсумий бўлиб, ҳатто шаҳар ва қишлоқларга, кичик ва катталарга, кундуз ва оқшомга хос ҳарактерга эга бўлган. Шу билан бир қаторда ҳар бир фаслга хос бўлган халқ ўйинлари ҳам мавжуд. Масалан, баҳор келиб, дарахтлар уйғониб, гуллар очилган пайтда ”Тол баргак”, ”Гул ўйини”, “Пирпирак”, ”Варрак”, ’’Сочпопук”, ”Зув-зув”, “Арғимчоқ; учиш” сингари ўйинлар севиб ўйналган бўлса, ёз фаслида ”Оқ терак”, “Чиллак”, ”Ошиқ”, “Данак” ўйинлари авжига чиққан. Яна ёзнинг салқин кечаларида ”Оқ суяк” ўйини ҳам барча болаларни бир жойга тўплаган. Кузнинг ёмғирли кунларида “Ёмғир ёғалоқ”, “Бўрон-бўрон”, турли тош ўйинлари, хусусан, “Бештош”, “Тўққизтош” ўйинлари ўйналган. Қиш фаслида эса “Қорхат”, “Сирпанчиқ” ўйинлари янада оммалашган.

Юртимизда халқ ўйинларининг мингдан зиёд турининг мавжидлиги аниқланган. Улар дан мамлакатимиз таълим тизимида, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда кенг фойдаланиляпти. Қолаверса, халқ ўйинлари миллий спорт турларининг пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда. Хусусан, “Белбоғли”, “Бел олиш”, ”Турон курашлари”, “Кўпкари” ва “Ўзбек жанг санъати” сингари миллий спорт ўйинлари алоҳида спорт тури сифатида шаклланди[4:Б.34.].

Мазкур ўйинлар, айниқса, байрам, тўй, сайил кунлари авжига чиқиб, тантаналарнинг кўрки ҳисобланган, уларга файз киритган. Уларнинг кўпчилигида миллий мусиқа асбоблари - карнай, сурнай, ноғора, чилдирма чалинган. Истиқлол туфайли юртимизнинг барча худудларида халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари фестиваллари мултазам ташкил этилмоқда. Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари, ҳар икки йилда ўтказиладиган “Алпомиш ўйинлари” фестивал-лари шулар жумласидандир.

Ҳар йили Наврўз байрамида миллий ўйинларимиз намойиши бўлиб ўтади. Мазкур байрам билан боғлиқ ҳолда майдонга

келган ўйинлар ҳам қизиқарлилиги, жўшқинлиги, томошабоплиги, бир бутун театрлаштирилган бадиий композиция шаклида саҳнага олиб чиқилаётгани билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар йилги Наврўз тантаналарида халқ ўйинлари, фольклор санъати намуналари, эл- юртимизнинг дилидан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни тараннум этадиган куй - қўшиқлар, улан ва лапарга кенг ўрин берилмоқда.

Халқ ўйинлари кишига ўзгача хушнудлик улашади, инсоннинг кайфиятига ижобий таъсир этади. Биргина кўпкари халқимизнинг қадимий ва оммавий ўйинларидан бири бўлиб, унда халқ руҳи, тантилиги, орияти ётади. Ғурур, номус тушунчалари кўпкарининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу қадимий ўйинимиз неча минг йиллардан буён Ўрта Осиё, умуман, Шарқ халқларини ўзаро дўстлик, иплари билан боғлаб, ёш авлодни жисмонан соғлом, абжир ва чаққон, мардлик ва шиддаткор руҳида тарбиялашда муносиб ўрин тутиб келмоқда.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдонаси – “Алпомиш” достони халқ ўйинларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унда кураш, пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш, қиличбозлик, мерганлик каби ўйинлар негизида мардлик, жанговарлик, орият, матонат, маънавий ва жисмоний комиллик каби фазилатлар ўз ифодасини топган.

”... От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.
Қирк кунлик йўл Бобохоннинг ораси,
Бобохон тоғида пойга қиламан,
Кўздан ёшни мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Оти илдам чавандозга тегаман ...”

Барчиной ўзига талабгор алпларга тўрт шарт қўяди. Шартларнинг бири - пойга мусобақаси. Бу бежис эмас. Чунки бу элдан Бобохон тоғигача бўлган қирқ кунлик масофа наинки от, балки чавандоз учун ҳам жиддий синов. Унда инсоннинг шижоати, иродаси синалади. Шу маънода, пойга чинакам тантилик, довюраклик, жасорат мусобақасидир.

Халқимиз азал-азалдан чавандозликни улуғлаб келади. Учқур саман отлар паҳлавон ва ботирларнинг йўлдоши бўлиб келган. Ўзининг учқур тулпори бўлишини, у билан пойга, тў-

сиқлардан сакраб ўтиш, улоқ-кўпкари каби миллий ўйинларда иштирок этишни орзу қилмаган ўзбек йигити бўлмаса керак. Истиқлол йилларида қайта тикланган миллий қадриятларимиз,, анъана-удумларимиз ана шундай имкониятнинг рўёбига хизмат қилаётир. Ёшларни мардлик, эпчиллик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга халқ ўйинлари сўнгги йилларда янада оммалашгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир[2:Б.36.].

Аждодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида халқ ўйинларини азалдан эъзозлаган. Аксарият ўйинларнинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, улар асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури ва ҳис-туйғуларини теранлаштиришга хизмат қилган. Ўйинларда халқнинг турмуш тарзи, меҳнати, ютуқлари ўз аксини топади. Шу боис улар ёш авлодларни тарбиялашда ”ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаган. Тарихий манбаларда ҳам ота-боболаримиз ёй отиш, от спорти, акробатика каби эпчиллик ва абжирликни синашга қаратилган мусобақаларга катта эътибор қаратгани маълум.

Миллий ўйин - турли ифодали воситалар билан маълум қоида ёки олдпндан келишилган шартлар асосидаги жисмоний мусобақалар, беллашувлар, тафаккур бахслари ва ижрочидик талабларидан вужудга келган миллий қадрият ҳисобланади. Пойга ўйини ҳақида кўпчилик муайян тасаввурга эга. Кимдир уни шунчаки от чоптириш деса, яна кимдир улоқ-кўпкарига менгзайди. Аслида бу кадимий миллий ўйинимизнинг ҳам узига хос жиҳатлари, қонун-қоидалари бор[5:Б.25.].

Бугун пойгани, одатда, элда обру-эътибор қозонган, нуфузли шахслар ташкил этган. Бундай пойгага элнинг энг муътабар кишиларини меҳмонга таклиф қилинган. Мусобақа текис жойларда ўтказилган, атрофдаги қир-адирларга ранг-баранг безатилган ўтовлар, чодирлар тикилган. Айрим худуларда пойгалар кишиларни турли лавозимларга сайлаш масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнаган. Халқ от ўйнатишда мохир, жасур инсонларни ўзига бош этиб сайлаган.

Пойга ўйинлари Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашкадарё, Сурхондарё вилоятларида айниқса, кенг оммалашган. Одатда, у бирор байрам вақтида ўтказилар, унга атрофдаги қишлоқ ва овуллардан ёшлар йиғилиб келарди. Йиғилганлар ўртасидаги

суҳбат ҳам тулпорлар ҳақида бўлган. Суҳбат кўпинча

баҳслашувга айланиб, баҳслар эса мусобақа орқали ҳал этилган. Анъанага кўра, бундай мусобақада фақат баҳслашувчилар эмас, балки барча хоҳловчи қатнашиши мумкин бўлган. Иштирокчилар отларин эгарлаб, бир сафга тизилиб туришар ва рухсат берилиши билан белгиланган маррага қадар от чоптиришар ва манзилга етиб боргач, яна ортга қайтар эди. Маррага биринчи бўлиб қайтиб келга чавандоз ғолиб ҳисобланади. Мусобақаларда махсус тайинланган ҳакамлар пойгада қоидага риоя қилигиш устидан назорат қилади ва ғолибни аниқдайди.

Пойга ўйинлари инсонда шиддат ва шижоатни шакллантирганлиги сабабли ҳам аждодларимиз от спортига катта аҳамият қаратган. Истиқлол шарофати билан пойга ва улоқ-кўпкари каби миллш ўйинларимиз бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Юртимизда от спорти ва улоқ-кўпкари федарациялар фаолияти ҳам бунга яққол мисолдир. Бугун хамюртларимиз от спорти бўйича эришаётган муваффакиятларига ҳам ана шу каби миллий ўйинлар пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда[6:Б.28.].

Миллий ўйинларимиз инсоннинг ҳар томонлама соғлом бўлишига хизмат қилади. Пойга ўйини ҳам бундан мустасно эмас. Шифокорларнинг таъкидлашича, от спорти билан шуғулланиш орқали кўплаб касалликлардан фориғ бўлиш мумкин. Масалан, бўғимлар, ўпка, буйракдаги оғриқлар безовта қилганда, отда сайр қилиш жуда фойдали. Бундан ташқари, от спорти билан мунтазам шуғулланип умуртқа поғонасининг қийшайиши, асабийлик, ошқазон-ичакдаги муаммолар, бепуштлик каби турли касалликларни бартараф этади. Чунки эгарланмаган отда сайр қилиш чоғида беморнинг касалланган мушаклари уқаланади, бунинг натижасида тана бўйлаб қон айланади.

Отнинг ҳарорати одамникидан анча юқори бўлганлиги учун мушаклар қизийди. Бу эса томирлариинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. Киши от минганда, бахри-дили очилади, турли руҳий муаммолардан узоқда бўлади. От нафақат юкни енгиллаштиради, балки у инсон вужудини руҳан муолажа қилади.

Йигитларнинг мард, жасур, эпчил, довюрак ва иродали бўлиб улгайишида от спортиниш аҳамияти беқиёсдир. Бола отни парваришлашни ўрганибгина қолмай, балки унга меҳр ҳам қўяди

Аждодларимизнинг от спорти билан боғлиқ мусобақаларга бу қадар катта аҳамият қаратгани замирида ҳам баркамол инсон тарбиясидек эзгу мақсад мужассамдир[7:Б.37.].

Халкимизда ”От - йигитнинг йўлдоши”, деган нақл мавжуд. Бугун юртимиздаги сайил-томошаларда пойга мусобақалари, улоқ-кўпкари, от спорти бўйича чемпионатларни кўриб, аждодлар мероси ҳамон барҳаёт эканига гувон бўлиш мумкин. Зеро, халқ ўйинлари ёшларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ривожлаиишида, кучли чаққон, топқир, фаросатли, мард инсонлар бўлиб камол топишида катта аҳамият касб этади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада юқори поғонага кўтариш, халқ миллий ўйинлариш қайта тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларниig маҳоратларини ошириш мақсадида қабул қилган қатор Фармон, қарорлари миллий спорт ўйинларини кенг оммалштиришда дастуриламал бўлмоқда. Бу эса ёш авлодда миллий анъаналаримиз, жумладан. миллий спорт ўйинларига нисбатан қизиқиш, ижобий муносабат, жисмоний фаолиятга нисбатан иштиёқни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида урф-одатларимиз асл қиёфасига қайтди, балки мазмунан бойиди ва янада сайқал топди.

Хуллас, ўзбек халқининг бетакрор самимиятини ўзида акс этган урф-одат ва маросимлар халқона ўйинлар миллий қадриятларимиз гўзаллигини намоён этувчи кўзгудир. Мустақиллик йилларида улар нафақат асл қиёфасига қайтди, балки мазмунан бойиди ва янада сайқал топди. Уларни келгуси авлодларга етказиш эса барчамизнинг бурчимиздир. Демакки, ўзбек анъанавий ўйинлари миллатимиз кўрки, ғурури ва ифтихорига айланганлиги тарихий ҳақиқатдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Хўжаев Ф, Муродов М, Мирсолихов.С. “Халк миллий ўйинлари” 1-қисм. ХТХМОМИ нашриёти Тошкент., 2001 й.

2.Насриддинов Ф.Н. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. Тошкент. 1993. Б.22.

3.Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент., 1960. I-т.

4.Расулев А.Т., Пулатов А.А., Қосимова М.У. Ўзбек халқ ўйинлари уларнинг таснифи ва тавсифи. //Ўқув қўлланма. Тошкент., 1996.

5.Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф. Ҳаракатли ўйинлар. Тошкент., 1992. 6.Усмонхўжаев Т.С, Мелиев Х. “Миллий ҳаракатли ўйинлар” Тошкент., 2000.

7.А.Рўзиев, Н.Азизов. Ўзбек миллий бел олиш кураш тарихидан. Т., 2010.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАҚЛАРО МАДАНИЙ АЛОҚЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. XX АСРНИНГ 50-90 ЙИЛЛАРДА

Сарвар Ахмедов, Қарши давлат университети магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада совет даврида маданий ҳаётнинг бир қисми бўлган ўзбек миллий рақс санъатининг миллатлараро муносабатлар ривонланишига таъсири ҳамда мазкур йўналишида ташкил этилган халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг иштироки, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан рақс санъати соҳасида ҳамкорлик алоқалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, миллий рақс, ўзбек санъати ва маданияти, “Баҳор” рақс ансамбли, ўзбек санъат усталари, “Лазги” ансамбли.

Инсоният цивилизацияси тарихидан маълумки, рақс мусиқа санъати билан узвий боғлиқликда ривожланиб келган. Санъатнинг бу соҳаси ҳам энг қадимги даврлардан тортиб ҳозирги кунгача сайқал топиб, бойиб ва такомиллашиб авлоддан-авлодга маънавий-маданий мерос сифатида ўтиб келган ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида инсон камолоти ва турли элат, халқ ва миллатлараро муносабатнинг ривожига ижобий таъсир этиб келгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан амалга оширилган маданий алоқалари тарихда рақс санъатининг ўзига хос муҳим ўрни бор. Чунки рақс санъати миллий маданиятимизнинг ўзига хослигини белгиловчи нафис санъатлардан бири сифатида турли халқ, элат ва миллатлар ўртасида тенглик, бирдамлик ва тотувликнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшади..

Ўзбек рақс санъати халқаро маданий алоқалар тизимида XX асрнинг 2-ярмидан, аниқроғи, 50-йиллардан бошлаб кенг миқёсда тарғиб этила бошланган. Чунончи, 1956 йилда Ўзбекистоннинг Осиёдаги қатор мамлакатларда ўтказилган халқаро маданий алоқаларида Афғонистон гастроли алоҳида тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бунда Тамарахоним ва бир қатор ўзбек санъат усталаридан иборат санъаткорларнинг Афғонистондаги ижодий сафарида ўзбек халқ рақслари, лапар қўшиқлари кенг оммалаштирилди. 1967 йилда "Баҳор" Давлат рақс ансамблининг Афғонистонда бўлган концертлари афғонларда унутилмас таассурот қолдирган. [1, Б. 21].

Ўзбек рақс санъатининг халқаро маданий алоқаларлардаги ўзига хосликнинг ўрнини таниқли санъат устаси Тамарахоним ижодисиз тасаввур этиш қийин. Тамарахоним ижодида ўзбек қўшиқчилик ва ўзбек рақси санъатининг бетакрор уйғунлашуви мужассамлигига таяниб халқаро маданий алоқалар тизимида дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларига ўзбек миллий рақс санъатини ўзининг қўшиқлари билан етказиб бера олди. Осиё минтақасидаги деярли барча мамлакатларда намойиш этилган репертуарида "Яхшигул", "Фарғона қизиман", "Тоғ қизи", "Хоразмча рақс" каби асарлари дунёнинг барча халқлари рақслари қаторидан ўрин олган эди. Унинг рақслари ўзбек халқини жаҳоннинг бошқа халқларига таништиришда энг муҳим восита бўлиб хизмат қилиш билан бирга унинг ҳар бир концерти дунё халқларининг бир-бири билан яқинлашувига бир-бирларини тушунишларига ёрдам берган.

Урушдан кейинги 70-йилларгача бўлган даврда ўзбек санъати ва маданиятида миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга йўналтирувчи руҳ ва мафкуранинг устунлиги кузатилади. Хитой, Бирма, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Муғулистон, Вьетнам, Корея, Япония, Таиланд ва бошқа ўнлаб

мамлакатлар томошабинлари Тамарахоним орқали ўзбек рақс санъати намуналаридан баҳраманд бўлди. Айни пайтда, ўзбек халқини ҳам маҳорати орқали жаҳон халқларига маънавий яқинлаштира олгани санъаткорларнинг катта ютуғи эди.

Бу санъаткор ўзининг ўта нафис, таъсирчан чиройли ўйинлари билан томошабинларни сеҳрлаб қўйиш имкониятига эга эди. Бошқача ифодалаганда, санъаткор томошабинларни завқлантирувчи кучга эга бўлган. Ўзбек истеъдодли раққосаларининг ижрочилик маҳорати Осиё минтақасидаги барча мамлакатларда шуҳрат қозонди. Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Таиланд каби мамлакатлар бўлган пайтда Г.Измаилова концертида минглаб томошабинлар қатнашган. Айни вақтда санъаткор бу гастроллар давомида бир неча мамлакатлар халқларининг рақсларини ўрганиб қайтди. Галияхоним ижросидаги ҳиндча "Бадминтсон" ўйини, Бирма халқининг шўх ва мураккаб ўйинида раққоса ўз ҳис-туйғуларини гўзал рақс тили билан тараннум этган бўлса, корейс қизининг шоду хуррамлиги "қилич ўйини" орқали, араб қизининг орзу-умидлари "Арабча рақс" да тўла очиб берилган.

Таъкидлаш жоизки, 60-йилларда ўзбек рақс санъатининг жаҳонга юз тутишида Тамарахоним, М.Турғунбоева қаторида Г.Измаилованинг серқирра ижоди ҳам ўзбек хореографиясининг жиддий ютуғи бўлган эди. Шунингдек, М.Турғунбоева томонидан 1954 йилда асос солинган "Баҳор" рақс ансамблининг дастлабки гастроллари ҳам Осиё минтақасиниig қатор мамлакатлари — Корея ХДР, Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Ливанда ўтказилган эди. Ансамблда ижро этилган ажойиб рақсларнинг жозибадор, ёқимли чиқишда истеъдодли раққосалардан Раъно Қурбонова, Р.Шарипова, Т.Юнусова, В.Романова, Г.Дадабоевалларнинг хизмати катта бўлади [4. Б. 2].

Осиё давлатлари билан маданий ҳамкорликда "Баҳор" ансамбли томонидан ўзбек рақс санъатини намойиши алоҳида аҳамият касб этган. Ушбу ижодий жамоа қай бир мамлакатда бўлмасин, ўзининг мафтункор санъати билан кенг халқ оммасининг кўплаб томошабинларнинг меҳр-муҳаббатини қозониб келган. Масалан, 1966 йилда "Баҳор" раққосалари Ҳиндистон, Покистон ва Сингапур мамлакатларида бўлиб, 50 дан ортиқ

концерт намойиш этишган. Мазкур ижодий сафар дастури ҳақида “Баҳор” ансамблининг раҳбари М.Турғунбоеванинг эътирофича, ўтмишда паранжи-чачвон ичида юзлари зафарон бўлган ўзбек аёлининг бугунги кунда жаҳон саҳналарига чиқиб, ўз санъатини намойиш этиши, бу катта тантанадир. Ўзбек рақсини чет элларда ижро этилиши кўпдан бери орзу қилиб келинган эди. “Баҳор” рақс ансамблининг Ҳиндистон, Покистон ва Сингапур мамлакатларида бўлиб ўтган сафарида 50 дан ортиқ бой ва ранг-баранг дастури намойиш этилди. Хусусан, С.Юдаков ва Ш.Рашидовларнинг “Гуллар”, Тўхтасин Жалиловнинг “Сигнал”. М.Левневнинг “Ёшлик”, Б.Алиевнинг “Дўстлик”, “Баҳор келди”, К.Жабборовнинг “Тошкент пиёласи” каби қувноқ рақс ва яллалари, шунингдек, қардош халқларимизнинг рақслари, ҳинд халқ попурийлари, Покистон ва бошқа Шарқ халқларининг жозибадор ўйинлари ҳам мавжуд эди. Дастурда “Тановар”, “Муножот” ва бошқа мақом йўналишларидаги классик рақслари ўрин олиб, концертларда республикада доира санъати йўналишида хизмат кўрсатган артист К.Дадаев ва Т.Сайфиддинов иштирокида ўзбек рақси намуналари намойиш этилди [5].

Покистон давлатида бўлган ташрифда “Баҳор” ансамблининг созанда ва раққосалари илиқ кутиб олиниб, уларнинг жозибали чиқишлари юксак баҳоланган. Сингапур Республикасининг маданият ва ижтимоий ишлар министри Отман Вок “Баҳор” ансамблининг раққосалари билан бўлган учрашувда бу сафар натижаларига баҳо бериб, “ўзбек мусиқа ва рақслари бизни ҳамиша қизиқтириб келди, бу томошалар бизнинг икки мамлакатимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни кучайтиришига хизмат қилиши таъкидланган.

“Моринг Ньюс” газетаси маҳаллий матбуот материалларига таянган ҳолда “Баҳор” ансамбли раққоса ва созандаларининг Ҳиндистон, Покистон, Малайзия ҳамда Сингапурдаги ташрифини юқори баҳолаб, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Дадаевнинг қўш чилдирма чалиши, ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Равшаной Шарипованинг “Чўпон” рақси орқали ўзбек санъаткорларининг ажойиб маҳорати ҳақида газета саҳифаларида фотосуратлар ва материаллар эълон қилган.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг “Ҳинду” газетаси томонидан

ўзбек рақс усталарига юксак баҳо берилиб, В.Романова бажарган “Қўғирчоқ” хазил композицияси хореография изланишлар дурдонаси ва ижрочилари техникасининг энг юқори чўққиси эканлиги эътироф этилган. Р.Шарипова ижросидаги “Чўпон” рақси жуда ҳам лирик, ишонарли ва жозибали “Баҳор” қизлари бамисоли эркин қушлардай парвоз қилиши, уларнинг ранго-ранг либосларда чиқишлари ҳиндистонликларда катта таассурот қолдирган [4. Б. 171].

1954 йилда ўзбек эстрадаси қошида кичик рақс гуруҳи сифатида ташкил этилган “Баҳор” ансамбли 1957 йилга келиб ижодий гуруҳга айланди. М.Турғунбоева раҳбарлигидаги дастлабки жамоанинг илк қалдирғочларидан кейинчалик етук раққосалар, санъат усталари халқ артистлари етишиб чиқди. Улар орасида элу юртга маълум ва машҳур бўлган Ўзбекистон халқ артистлари Э.Расулхўжаева, Д.Абдуллаева, З.Рахматуллаева, Т.Юнусова, Р.Низомова, В.Романова, Р.Шарипова, М.Эргашевалар самарали фаолият олиб борганлар. Созанда ва ҳофизлардан Ўзбекистон халқ артистлари С.Тўхтасинов, Х.Рахимов, Б.Алиев, Х.Лутфуллаев, Б.Юлдошев, Т.Сайфиддиновлар етишиб чиққан. Вақт ўтиши билан Осиё минтақасидаги барча йирик давлатларда “Баҳор” ансамбли ҳақида, унга ўзбек санъатининг йирик намунаси сифатида муносабат билдирилгани ҳам ўзбек санъат усталарининг фидоийлиги, уларнинг ўзбек халқи миллий санъатининг жаҳонга юз тутишидаги жонбозлиги натижасидир деб эътироф этиш ўринлидир.

Урушдан кейинги даврда ўзбек рақсларининг Осиё минтақасига ёйилишида уста О.Комилов, М.Турғунбоева, Г.Измаилова, Т.Юнусова, Э.Расулхўжаева, Д.Абдуллаева, З.Рахматуллаева, Р.Низомова, В.Романова, Р.Шарипова, А.Азизов, М.Эргашева, К.Дўстмухамедова, М.Аҳмедова каби санъат усталари хизматлари беқиёсдир. Бу жараён ижодий гастроллар, якка концерт ёки маданият кунлари шаклида амалга оширилди. Шунингдек, Осиё минтақасидаги давлатлар қатори Япония, Камбоджа, Лаос, Вьетнам каби мамлакатларда ҳам ўзбек рақс санъатининг кенг ёйилишига эришилди. Ўзбекистон миллий маданияти ва санъати орқали жаҳонга кириб борди ва ўзини намойиш эта олди.

1966 йилнинг 4 мартида ўзбек халқи ҳинд раққосаси Индра-

ни Раҳмон ва унинг ижодий гуруҳи санъатидан баҳраманд бўлди. Машхур раққоса И.Рахмоннинг рақс санъати 50-йилларнинг 2-ярмиданоқ ўзбекистонлик томошабинларга таниш ва машхур бўлиб, унинг мазкур ташрифи кўтаринкилик билан ўтди. Айни шу вақтда ўзбекистонлик рақс усталарининг Ҳиндистон сафари Деҳлида ўтказилаётган бир пайтда Индрани Рахмон Тошкентда ўзининг ижодий сафарини бошлаган эди. Моҳир раққоса Индирани Раҳмон ўз даврида моҳирона ижро этаётган раққосалардан биридир. Унинг ҳаракатлари, ҳолатлари, саҳнада ўзига хос образ, характер ярата олиш маҳорати раққоса санъатининг ўзига хослигидир.

Ўзбек томошабинларида раққос Шекереманинг Каткали услубидаги ўйинлари зўр таассурот қолдирди. Унинг ижросидаги "Товус рақси" санъатнинг дурдона асари сифатида эътироф этилди. Ҳинд рақсларидаги мусиқа, драманинг ўзаро уйғунлиги И.Рахмон, ёш раққоса Ума Шарма, Шекерема, Деви Лаъл, опа-сингил Джхаверилар ижросида янада ёркин намоён бўлган.

1981 йилнинг куз ойларида "Чен-чун" Муғулистон Халқ Республикасига гастролга бориб, Улан-Батор шаҳридаги драматик театрда бир неча кун зўр муваффақиятлар билан концертларини намойиш қилди. Турт кун қизғин давом этган "Чен-чун ансамбли концертлари совет мамлакатида кўп миллатли халқлар санъати нақадар гуллаб-яшнаётганлигидан далолат берувчи ансамблнинг қўшиқлари ва рақсларидан муғул томошабинлари беҳад мамнун бўлганлар. [4. Б. 20].

Мазкур VIII Фестиваль жаҳоннинг 60 мамлакатидан 3 мингга яқин санъаткорни бирлаштириб, Совет Иттифоқидан 412 нафар санъаткор иштирок этган. "Апрель баҳори" фестивалида Ўзбекистон ва Қозоғистон санъаткорлари яъни "Чен-чун" ва Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" ўзбек давлат рақс ансамбли санъат намуналари орқали маданиятни намойиш этишга муваффақ бўлганлар.

Фестивалда "Баҳор" ансамблининг "Понхва" театрида ва бошқа саҳналарда турли жамоалар билан биргаликда чиқишлари, "Баҳор", "Эски мактаб" номли театрлаштирилган рақслари Корея ХДР президенти Ким Ир Сенга ҳам маъқул бўлган. "Пхеньян Синмун" газетаси махсус мақоласида ансамблнинг

ижрочилик маҳоратига юксак баҳо берилган. Унда Ўзбекистондан келган санъаткорлар рақс тили билан инсон гўзаллиги ва ички дунёсининг бойлиги ҳақида жонли ҳикоя қилиш орқали ансамблнинг катта шуҳрат қозонганлиги, унинг биргина Собиқ Иттифоқда эмас, жаҳоннинг 80 га яқин мамлакатидаги санъат ишқибозлари бу жамоа ижоди билан таниш эканликлари, Ўзбекистон ССР халқ артистлари - К.Дадаев, М.Эргашева, Х.Лутфуллаевлар ҳамда ёш раққосаларнинг чиқишлари хусусида илиқ сўзлар ёзилган. Шунингдек "Чен-чун", "Арирана" корейс ашула ва рақс ансамбларининг дастурлари ҳам юксак баҳоланган [4. Б. 175].

Жумладан, 1989 йилнинг ноябрь ойидаги Малайзияга бўлган ижодий сафар "Лазги" чилар учун тарихимизда ёрқин саҳифа бўлган. Мазкур гастроль ҳақида СССР халқ артисти Г. Измаилова таассуротларида қайд этилишича, "1989 йилнинг 4 ноябрида Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда бўлиб ўтган Ўзбекистон кунлари "Ўзбекинторг", Ўзбекистон Маданият министрлиги хамда Имрессарию Раджалингам ташаббуси билан амалга оширилди. А.Навоий номидаги театр балет труппасидан 3 нафари эса Ғулом Ёқубов, Дилафруз Жабборова, Назриддин Шерматов ва "Лазги" ансамли артистларидан иборат фольклор группаси жами 80 нафар санъаткорлар бу ижодий сафарда А.Навоий номидаги опера ва балет катта театрининг "Оққуш кўли", "Уйқудаги гўзал", " Дон Кихот" каби машхур 3 та балети билан биргаликда "Лазги" ансамблининг қўшиқ ва рақслари намойиш этдик. "Лазги" қизларининг шўх, ўйноқи, дилтортар куйларга мувофиқ рақслари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Пенанг шаҳридаги "Даваш шри Пенанг" театрида намойиш қилинган гастроль ғоят муваффақиятли ўтди" [4. Б. 177-178].

1990 йил апрелида Кореяда ўтказиладиган "Апрель баҳори" санъат фестивалида жаҳоннинг турли минтақаларидаги санъаткорлар ашула ва рақс ансамбллари, ашулачилар, мусиқачилар, раққос ва раққосалар, цирк усталари қатнашдилар. Фестиваль халқаро санъат байрамига, дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрамига айланди.

Юқоридаги ҳолатларга қарамай, ўзбек рақс санъати усталари ҳорижий давлатларда ўзбек миллий рақс санъатини таништи-

ришга, Осиё минтақаси мамлакатларида ўзининг муносиб ўрнини топа олгани билан муҳим ижтимоий-сиёсий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Айни вақтда Осиё мамлакатларидаги рақс санъати усталарининг ҳам Ўзбекистонга ижодий сафарлари натижасида икки халқ ўртасидаги маданиятларнинг алмашинувига муносиб ҳисса қўшилди Натижада миллатлараро тотувлик мамлакатда этник ва миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқиши олдини олишда, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикасида муҳим ўрин тутади. Шундай қилиб, кўп элатли давлатларда миллий ва миллатлараро муносабатларнинг ривожланишида рақс санъати соҳасидаги ижодий алмашинув ўзининг ижобий натижасини берди

ФОЙДАЛАНГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР.

1. Бобохўжаев М.А. Ўзбек ва Афғонистон. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 21.

2.Вилчик В. “Чен –чун” камоли // Ўзбекистон санъати ва маданияти. 1981. 4-сон. –Б.20

3.Турғунбаева М. Баҳорда гўзал, ҳаётда кўркам // Ўзбеки маданияти. 1961 йил 8-июль. – Б. 2.

4.Эрназаров Ф.Ҳ. Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари. –Т.: Иқтисодиёт, 2018. – Б.

5. Ҳасанов Д. “Баҳор” сафарга шай // Совет Ўзбекистони. 1966 йил июнь.

ИДЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ГЛАГОЛОВ, ФУНКЦИОНИРУЮЩИХ В СЕМАНТИЧЕСКОМ ПОЛЕ «ПРИРОДА»

Ёркиной Хамраева (Карши ГУ)

Ключевые слова: *идеография, семантическое поле, вселенная, органический мир, анорганический мир, глагол, глаголы действия, глаголы состояния, семантический класс, микрополе, макрополе.*

Key words: *ideography, semantic field, universe, organic world, anorganic world, verb, action verbs, state verbs, semantic class, microfield, macrofield.*

В исследованиях, посвященных идеографии (Термин “идеография” получил распространение сравнительно недавно, и своим содержанием он покрывает как вопросы теории словарей этого типа, так и практику их постороения [Караулов, 3]) семантическое макрополе «ПРИРОДА» интерпретируется как один из основных и первостепенных ярусов смыслового понятия «ВСЕЛЕННАЯ». Данное макрополе включает в себя два довольно крупных семантических понятия как “Органический мир” и “Анорганический мир”, которые в последующем последовательно распределяются по классам, группам и подгруппам. Глаголы действия и состояния, рассматриваемые в этой статье, функционируют и в том, и в другом семантических полях. Поскольку, если свойство движения характерно для живых существ, то понятие состояния относится ко всем органическим и неорганическим телам. По мнению специалистов глагол как часть речи является наиболее сложной среди других знаменательных слов как в грамматической категории, так и с лексикографической точки зрения. Как справдливо отмечает Х.Юсупходжаева: “Хотя проделано много исследований по передаче глагольных лексем в словарях, это все же одна из самых сложных и трудных задач. В этом смысле подача и обработка глаголов в словарях различных типов сложнее, чем остальных частей

речи” [Юсупходжаева, 10].

Следует отметить, что глагольная система с грамматического и семантического аспектов широко изучалась в мировой лингвистике такими учеными, как Х.Бринкманн, И.Эрбен, П.Гребе, Г.Хельбег, в русском языкознании – А.М.Пешковским, В.А.Богородицким, Н.И.Грегом, А.Х.Востоковым, А.А.Шахматовым, Ф.П.Филиным, а в тюркском языкознании имеются труды Н.К. Дмитриева, Е.Р.Тенишева, Ф. Вециловой, А.Хаджиева, А.А.Цалкаламанидзе, Дж.Шабанова, в которых глаголы рассматриваются в сопоставительном плане, однако в узбекском языкознании нет серьезных научных исследований, связанных со всесторонним семантическим описанием глаголов и их передаче в идеографических словарях, а это значит, что многие аспекты глаголов еще не раскрыты. В частности, в узбекском языкознании нет единого мнения об их семантическом разветвлении, иерархии и интеграции в определенные лексико-семантические группы.

Как справедливо отметил Л.М.Васильев: «Общепринятой классификации глагольной лексики, как известно, нет, да и вряд ли она вообще возможна, ибо любая классификация обусловливается какими-то принципами и аспектами, а они определяются целями и задачами исследования» [Васильев, 39]. Возьмем к примеру глаголы, связанные с восприятием. Авторы книги «Теоретическая грамматика узбекского языка. Морфология» глаголы восприятия разделили на 4 группы:

- глаголы зрительного восприятия: *видеть, смотреть, разглядывать*;

- глаголы слухового восприятия: *слышать, слушать, прислушиваться*;

- глаголы, связанные со вкусовыми ощущениями: *пить, есть, жевать*;

- сенсорные глаголы, связанные с обонянием: *нюхать, принюхиваться, вкушать* (и все грамматические формы данных глаголов) [Нурманов: 61].

Т.Мусаев, исследовавший данную тему, выделил пятую группу глаголов восприятия с общими доминирующими семами “чувствовать через прикосновение”: *щюпать, ощюпывать, нащюпывать, гладить*, *поглаживать* [Мусаев: 6-8].

Среди исследований, посвященных семантике и валентности глаголов узбекского языка можно выделить труды И.Кучкартаева, Р.Расулова, С.Мухамедовой. И.Кучкартаев классифицирует глаголы речи на семь смысловых групп по уровню сообщения, мотивации, оценки, произношения и дает подробное описание каждой из них [Кучкартаев: 9-119].

Р.Расулов делит глаголы состояния на девять семантических классов по длительности действия, результату, способу выполнения состояния, а также квалификационному, образному, биологическому, физиологическому и психическому состоянию. В своем исследовании ученый попытался охватить как можно все глаголы состояния, имеющиеся в лексической системе узбекского языка [Расулов: 7-184].

Особое место в изучении глагольной системы занимает докторская диссертация С.Мухамедовой [Мухамедова, 4]. В своей работе она объяснила, что глаголы направленного действия такие, как: *бормоқ (идти), келмоқ (приходить), учмоқ (летать), чопмоқ (бегать),* выполняют функции сказуемого, дополнения, определения, обстоятельства, а также определила агенсивную, пациенсную, локативную валентности данных глаголов. При этом ученая особое внимание уделила семантике и сочетаемостным способностям глаголов направленного действия, их парадигматическим и синтагматическим отношениям. Здесь с помощью компонентного (семантического) анализа достаточно глубоко изучается внутренняя, т.е. содержательная сторона глаголов, раскрываются пути разветвления их по смысловым группам. На основе принципа «Система в системе» излагается соотнесение глаголов направленного действия с определенными смысловыми классами. Например, глаголы горизонтального действия (исходя из конкретных, абстрактных и изменяемых значений) сначала делятся на три класса. На второй ступени каждая из этих классов разветвляется на две группы, а эти группы иерархически подразделяются еще на несколько подгрупп. К примеру, первая подгруппа первой группы делится на четыре ветви. За каждым разделением стоят достаточно весомые аргументы и основания.

Мы одобряем вышеупомянутые классификации И.Кучкарта-

ева, Р.Расулова, С.Мухамедовой, однако это не значит, что исследования глаголов в узбекском языкознании на этом подходит к концу. Следовательно, работа над семантикой глагола будет продолжаться и после нашего исследования, и в будущем в науку будет внесено множество нововведений в аспекте глагольной семантики. Одним из таких направлений в лингвистической науке станет идеографическое описание глаголов.

По нашему мнению, на первой ступени целесообразно разделить глагольные лексемы на такие семантические классы, как движение, состояние, деятельность, отношение. Попытаемся аргументировать свою точку зрения на следующих примерах.

«**РАБОТАТЬ.** 1. Находиться в действии, в работе. *Машина работает. Магазин работает без перерыва.* 2. Заниматься чем-н., применяя свой труд, осуществлять какую-н. деятельность. Работать по специальности. 3. Иметь где-н. какое-н. постоянное занятие, должность; служить. *Работать в институте. Работать слесарем*» [Ожегов, 636].

Здесь слово “работать” в первом значении имеет семы “осуществлять действие” “в определенном промежутке времени”. Таким образом, в первом значении лексема *работать* может вступать в синтагматические отношения с лексическими единицами, обозначающими ближайшее время. Например: *Вчера весь день я работал в саду. На прошлой неделе мы с соседом работали в его огороде.*

Но данную лексему в третьем значении нельзя использовать с такими словами. Так как в данном случае семантика этого слова охватывает такие семы, как “постоянный длительный процесс”, “продолжающееся действие”, особое место здесь занимает понятие “регулаярности”. Например: *Я работаю в университете* (не вчера и не позавчера!) *Мой друг работает юристом*.

Исходя из этого, можем утверждать, что лексема *работать* в первом значении имеет отношение к семантичесому классу “движение” (действие происходит при помощи движения частей тела), а в третьем значении эту лексему можно соотнести с семантическим классом “деятельность”.

Рассмотрим следующие примеры.

«**НЕНАВИДЕТЬ**. 1. Питать ненависть к кому-чему-н. *Ненавидеть врага*» [Ожегов, 406].

ГОРЕВАТЬ Испытывать чувство гречи, горести. Не горюй, все пройдет» [Ожегов, 142].

Р.Расулов даёт иное толкование данных глаголов: «Ненавидеть – быть в состоянии ненависти, презрения. Горевать – быть в состоянии горя, отчаяния». И вместе с тем, каждое из этих слов относит к классу «Состояние».

Но, если глубже вникнуть в содержательную структуру данных лексем, то не сложно заметить, что глагол «ненавидеть» имеет семы «иметь ненависть», «по отношению к кому-либо, чему-либо», поэтому целесообразно включить данный глагол в семантический класс «Отношение», а в семеме глагола «горевать» отсутствует сема «отношение», следовательно, данный глагол имеет непосредственное отношение к семантическому классу «состояние» [Расулов: 146; 152].

С теоретической точки зрения разделение глаголов состояния на биологические, физиологические, психологические и ментальные глаголы в некотором смысле даёт нам возможность классифицировать их на математические (умножать, вычитать, сложить, разделить), химические (объединить, соединить), географические (оседать, опускать, тонуть), образовательные (обучать, запоминать, преподавать) и другие тематические группы, связанные с различными отраслями и сферами науки.

Следует отметить, что отражение определенных отношений, существующих в сознании людей, в виде конкретных смысловых категорий является основой всех семантических полей универсума. Идеографическое описание глаголов даёт нам возможность установить отношения между понятиями и явлениями, представить их как единое целое и, тем самым овладеть навыками их последовательного разбиения по иерархии на классы и подклассы.

На наш взгляд, в идеографической интерпретации глагольных лексем целесообразно идти путем их описания в рамках соотносительных концептов. В теоретических источниках можно найти информацию о глаголах, обозначающих биологические процессы и состояния, однако в лингвистической литературе узбекского языка нет научной гипотезы о том, что глаголы данной группы сначала можно разделить как минимум на два класса: 1)

глаголы, обозначающие биологические процессы и состояния; 2) глаголы, обозначающие анатомические процессы и состояния, а затем, по иерархической последовательности – на более меньшие по объему семантические группы и подгруппы.

В узбекском языке есть глаголы общие для названных классов. Сравните: *Деревья ровно выросли. Мой младший брат в этом году заметно вырос*. В каждом из этих предложений в основе глаголов лежит сема «рост». Значит, в этом ряду можно выделить глаголы, имеющиеся отношение ко всем живым организмам (к человечеству, к флоре и фауне).

Среди глаголов, обозначающих анатомические процессы и состояния, существуют также глаголы, относящиеся как к семантическому полю «Человек», так и – «Животный мир».

А. Сабиров разделил такие глаголы на следующие группы:

1. Группа глаголов, общих для всех живых организмов (промежуточное медиа-поле): *бегать, бежать, кушать, расти, худеть, полнеть* и др.

2. Группа глаголов, выражающих человеческие действия и состояния: *говорить, думать, объяснять, произносить* и др.

3. Глаголы, выражающие действия и состояния, специфичные для животных: а) действие и состояние, характерное для домашних животных: *мычать, мяукать, отелиться, окотиться* и др. б) действие и состояние, относящееся к диким животным: *бросаться, глодать, обгладывать, грызть, рыскать* и др. [Сабиров: 117-118].

Необходимо упомянуть, что некоторые из этих глаголов в переносных значениях могут функционировать на периферии семантического поля «ЧЕЛОВЕК». Например: *Наши два соседа давно грызут друг друга. Горе гложет его сердце.* Значит, в идеографических словарях все вышеперечисленные группы можно разбить еще на множество лексико-семантических групп.

Основу идеографии составляет ономасиология. Поэтому в идеографической словарной статье глагольные лексемы занимают равноправную позицию с именами существительными, которые в языкознании всегда противопоставляются им, а в контекстах глаголы и существительные имеют непосредственную связь (предикативную, подчинительную). Обратим внимание:

1. ПРИРОДА

1.1. ОРГАНИЧЕСКИЙ МИР.

1.1.1. Небо и небесные тела:

Небо$_{1}$, *Космос*$_{2}$, *Солнце*$_{3}$, *Луна*$_{4}$, *Звезда*$_{5}$, *Комета*$_{6}$, *Спутник*$_{7}$, *Метеор*$_{8}$

[1]Светать	[3]Сесть (4)	[4]Наполниться
[1]Прояснеться	[3]Согреть (1)	[4]Идти (2)
[1]Светлеть (1,2,3,4)	[3]Жечь (3)	[4,7]Вращаться (1)
[1]Рассветать	[3,4]Осветить (1)	[3,4,5]Показаться (2)
[1]Темнеть (2)	[3,4,5]Сиять (1)	[5]Мерцать (1)
[2,5,6] Лететь (1)	[3]Излучать	[5]Блистать
[3,4]Взойти (2)	[3]Зайти (4)	[6]Приближаться (1)
[3,4]Подняться (1)	[3,4]Двигаться (1)	[7]Запускать (2)
[3]Закатиться (2)	[3]Затмиться	[5,8]Упасть (6)

Здесь:

□$_{1}$ – цифра, помещенная после концепта, внизу, указывает порядковый номер ассоциации в семантическом поле.

[1]□ – цифра, помещенная перед глаголом, сверху, указывает, к какой из вышеперечисленных ассоциаций относится данный глагол.

Цифры, которые после слов даются в скобках, указывают на порядок значения слова в толковом словаре С.И.Ожегова.

Таким образом, в статьях идеографического словаря не даётся толкование слов, но пользующийся им, на основе собственных выводом о существующих вещах и явлениях дать свою интерпретацию концептов, переходя от общих понятий к частным. Значит, идеографический словарь строится по принципу «раскрытия понятий без толкования».

Статьи, относящиеся ко всем концептам, охватываемым макро-полем «Природа», могут быть созданы в представлении выше. В частности, в семантический класс «Водные ресурсы» можно включить такие существительные, как: *ручей, арык, озеро, ключ, родник, колодец, канал, река, приток, бассейн, водохранилище, плотина, море, океан, волна, водопад, ледник, фонтан* и т.д., которые вступают в ассоциативные, а также синтаг-

матические отношения с глаголами: *поливать, журчать, течь, протекать, плыть, приплывать, уплывать, уноситься, растекаться, разливаться, стекать, волноваться, бурлить, литься, впадать, брызгать, разбрызгиваться, переливаться, ускоряться, замедляться, сочиться, просачиваться, вытекать, погружаться, тонуть, утонуть, мыться, купаться* и др. Все эти лексемы под общей семой “вода” объединяются в один семантический класс. Однако если такие лексемы, как *ручей, арык, канал, река* вступая в синтагматические отношения с гаголом *течь*, образуют одну группу, то лексемы *озеро, бассейн, море, океан,* которые синтаксически связаны с глаголом *стоять*, образуют другую семантическую группу. Первая группа включает в себя проточные воды, а вторая – стоячие.

Следует отметить, что объем семантических классов и подклассов не имеет ограничений по количеству лексем. Один семантический класс может включать в себя более ста глагольных лексем, имеющих ассоциативные или синтагматические связи с определенными концептами. На периферийной части семантического класса «Водные ресурсы» могут функционировать и такие лексемы, как: *берег, айсберг, скала, акула, рыба, дельфин, кит, корабль, судно, паром, лодка, яхта, сёрфинг, безбрежный, необъятный, холодный, тёплый, удочка, сеть* и многие другие.

Таким образом, для создания идеографического словаря глаголов узбекского языка прежде всего, необходимо определить объем семантических полей в лексической системе языка и уточнить количество функционирующих в них глаголов.

Глаголы – это самая большая и сложная парадигма в узбекском языке, и внутренние отношения в системе глаголов также многогранны. Поэтому важно изучать их в семантическом плане, так как различные парадигматические отношения между глагольными лексемами можно выявить только с помощью идеографического, т.е. всестороннего анализа.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Васильев Л.М. Семантика русского глагола. М.: Высшая школа, 1981. – 184 с.
2. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. М: Наука, 1976. – 355 с.

3. Мухамедова С. Предикативность и валентность глаголов движения в узбекском языке. Автореферат дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 1999. – 22 с.

4. Мусаев Т. Глаголы ощущения в узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 17 с.

5. Нурманов А., Шахобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Теоретическая грамматика узбекского языка. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 с.

6. Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.: Русский язык, 1990 – 921 с.

7. Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. – Ташкент: Фан, 1991. – 176 с.

8. Исследование лексического яруса узбекского языка как систему систем.– Ташкент: Маънавият, 2004. – 160 с.

9. Юсупходжаева Х. Разработка глаголов в толковом словаре узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1988. – 107 с.

10. Кучкартаев И. Значение слова и его валентность (на материале глаголов речи узбекского языка) –Ташкент: Фан, 1977. – 168 с.

РЕЗЮМЕ

В статье изложено мнение по отношению к исследованиям, проведенным по семантике глагола в узбекском, а также мировом языкознании, и приведена идеографическая характеристика глаголов, функционирующих в семантическом поле “Природа”. На основе принципа “система в системе” при описании глаголов учитываются их ассоциации и концепты, к которым они относятся.

ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҚЫНЫҢ ӨНЕР КӘСИПЛЕРИ ТАРИЙХЫНАН

Төрениязова Дилфуза Қуламетовна, Қарақалпақ мәмлекетлик университети 2-басқыш таяныш докторанты, Нөкис қаласы, Қарақалпақстан Республикасы

Ҳәр бир халық өз мәденияты, көркем өнери менен өзине тән үлкен тарийхқа ийе есапланады. Қарақалпақ халқының да мәденияты ҳәм көркем өнери өзиниң басқа халықларда тәкирарланбайтуғын айырмашылықларына ийе. Бүгинги күнге шекемги айырым китапларда қарақалпақлар көшпели халық сыпатында қаралады. Негизинен қарақалпақ халқы отырықшы халық болғанлығын архивлерде сақланып киятырған дереклер тастыйықлайды ҳәм халықтың бир жерден екинши жерге көшиўине себеп болғанлығы бир тәрептен қарақалпақлардың тийкарғы кәсиби есапланған дийханшылықтағы суў менен байланыслы болыўы, екиншиси жаўгершиликлер ақыбети екенлиги көрсетиледи. Қарақалпақ халқының турмысында өнерментшиликтиң әҳмийетли орын тутқанлығын бүгинги кунде музейлеримизде сақланып турған экспонатлардан көриўимизге болады.

Мәмлекетимизде миллий өнерментшилик, халық көркем ҳәм әмелий өнерлерин раўажландырыў, бул арқалы халқымыздың бай мәдений мийрасы ҳәм тарийхый дәстүрлерин толық сақлап қалыў, бәнт болмаған халықты әсиресе жаслар, ҳаял қызлар ҳәм кем тәмийнленген шаңарақларды өнерменшиликке тартыў арқалы оларды жумыс пенен тәмийнлеў мақсетинде 2019 жыл 28 ноябрде ПҚ-4539 санлы қарары тийкарында қәнигелестирилген өнерментшилик орайларын шөлкемлестириў мақсетинде жол карталары исленген[1].

Тарийхый ҳәм тарийхый этнографиялық дереклерде қарақалпақлардың өз усталары: темирши, метал қуйыўшы, ағаш устасы, етикши, ер-турман ислеўши, зергерлери болғанлығы айтылады. Жол транспортына керекли болған арба, кеме сыяқлы көликлерди де шебер усталар таярлаған. Мәселен Шымбайда Мырзан уста тәрепинен арба, шығыр, ергенеклер соғылған. Мойнақта Сейтмурат уста қара үй, ергенек соққан, нағыс ойған. Кегейлиде

Пирлепес уста ер соққан. Мойнақта Аблайсаң зергер, Қараөзекте Ырза шойыншы ҳ.т.б. бир қанша усталар өз өнерлери менен даңқ шығарған. Уста өнерментлер дийханшылық, шарўашылық, балықшылық хожалықлары ушын керекли болған әсбап үскенелерди буйыртпа тийкарында таярлап берген.

XIX-XX әсир басларында қарақалпақ өнерментлериниң көпшилиги баслы саўда қалалары есапланған Шымбай, Қоңырат, Хожелиде жасаған. Мысалы: Шымбайда темиршилердиң, ағаш усталарының, кийиз басыўшылардың, зергерлердиң, бояўшылардың, гулалшылардың, тигиншилердиң өз мәҳәллелери болған. Өнерментлердиң мийнетлери көпшилик ўақытда халықтың жетистирген бийдай, жүўери ҳәм шарўа өнимлери менен баҳаланған. Кемнен-кем ўақытларда қолында қәрежети барлар ақша менен төлеген[2. 149].

Ер адамлар менен бир қатарда ҳаял кызлар да бир қатар кәсип өнерлер менен шуғылланған. Олар хожалық жумыслары менен бирге үй рузгершилик буйымларын таярлаған (қара үй ушын керекли буйымлар, кестешилик буйымлары, кийим кеншеклер). Ҳаяллар тигиўшилик, гилемшилик, кийиз басыў менен шуғылланған. Олар таярлаған буйымлар базарларға аз санда шығарылған. Көбинесе шыпталар сатылған. Ишки базардың ҳәлсизлиги, товар алмасыўдың әстелик пенен жүритилиўи, ярым натурал хожалықтың үстемлик етиўи өнерментшиликтиң раўажланыўына кери тәсир етти. Өнерменшилик пенен ер адамлар менен бирге ҳаяллар да бәнт болған. Бирақ олар үйден шықпаған ҳалда өз өнимлерин таярлаған. Қарақалпақ уста өнерментлери аўыл хожалығынан қол үзбеген ҳалда дийханшылық ҳәм шарўашылық пенен шуғылланған. Мысалы: зергер бир ўақыттың өзинде шарўада болған, дийхан етикшилик, темир усташылығы, гезлеме бояў, маўыт бояў менен шуғылланған [3.11-12]

Қарақалпақлар турмысында қара үйлер әҳмийетли роль ойнаған. Оларды ислеўши усталарды үйшилер деп атаған. Сондай қара үй соғыўшы усталардан бири Қыдыр Ерназаров болып, XX әсирдиң орталарында жасаған. Оның ата бабалары да үйши болып, ата бабасынын кәсибин даўам еттирген. Қара үйдиң материаллары қаратал, ақтал, орыс терек сыяқлы ағашлардан та-

ярланған. Қоныратта үй соғыўшы усталар 15 болып олардан 13 қазақ, 2 қарақалпақ болған. Олар жылына орташа 150 қара үй соққан ҳәм ҳар қайсысын 190 рублге сатқан[4.213]. Үйшилердиң өзлериниң пири болған. Қыдыр үйшиниң айтыўынша үйшилердиң пири биринши болып қара үй соққан Ибрахим Халил болып, оны Меккеден келген деп есаплайды[3.214]. Қара үйди соғыўшы үйши усталар үш адамнан кем болмаған ҳалда бирге ислесе жылдың бес айы даўамында 10-12 қара үй ислеў мүмкиншилигине ийе болған. Қара үйлердиң баҳасы үйдиң қанатына байланыслы болған, яғный үлкен-кишилигине. Төрт қанатлы 18 руб, 5 қанатлы 22 руб, 6 қанатлы болса 27 рубқа баҳаланған. Қара үйдиң ергенеги «ергенекши» тәрепинен исленип, қара үйди қурыў дәслеп ергенекти орнатыўдан басланған. Қара үйлердиң ергенеги пәс болып, ким кирсе ҳәм ийилип киреди. Айырым жасы үлкен ғаррылар ергенекке ийилип кириў үйшилердиң пири Ибраҳим Ҳалилге болған ҳүрмет деп есапланған деп Муратбай Нызанов «Қарақалпақлар» атлы роман эссесинде көрсетип өтеди[5.239].

Басқа халықлар сыяқлы қарақалпақларда ҳәм металл буйымларды ислей алыў шеберлигине қарап темирши ҳәм зергер өнерментлер болған. Айырым усталар екеўинде билген. Оларды нағыз усталар деп атаған. Темир усташылығы кең таралған кәсиплерден бири[3.13]. Олар аўыл хожалық қуралларын ислеп берген. Темиршилик көбинесе атадан балага мийрас болып өткен. Айырым гезлерде олар аўыл жасларына өз өнерлерин үйреткен. Шейх Аббаз Валий болыслығында бир темирши уста екинши бир устаның қолында шәкирт 12 жыл ислеп берген. Сыйлыққа 20 рубл туратуғын шөккиш, қысқыш, көрик ҳам сандалды саўға сыпатында алған[3.17]. Темиршилер кетпен, бел, орақ, қармақ ушы, шеге, зәңги, таға, қақпан ҳәм басқада затларды соққан болса, ағаш усталары ислейтуғын өнимине қарап аталғанлығы, мысалы: ершилер ат ерин, үйшилер қара үй деталларын таярлағанлығы ҳаққында айтылады. Тоқымашылық пенен ҳаяллар шуғылланған, қамыстан ший, бойра, жекеннен шыпта тоқығанлығы атап өтилген [6].

Жуўмақлап айтатуғын болсақ қарақалпақларда уста өнерментлер тек бир тараў менен емес, олар усташылық кәсибин

дийханшылық, шарўашылық пенен бирге алып барғанлығын көриўимизге болады. Сол дәўирде ҳаял кызлардың басым көпшилиги кестешилик, тигиўшилик, кийиз басыў өнерлерин өзлестирген. Өнерментшиликтиң раўажланыўында ер адамлар менен бирге ҳаял қызлардыңда орны гүреўли болған. Ҳәзирги ўақытта ҳәм қол өнерине деген итибар артып баратырған бир дәўирде халқымыздың өнерментшилигин раўажландырыў бойынша ҳүкимет қарарлары буның дәлийли.

ПАЙДАЛАНҒАН ӘДЕБИЯТЛАР.

1. lex.uz/docs/4622088
2.Этнографии каракалпаков XIX—начало XX века. Ташкент, 1980. 149-bet
3. Өтемисов А. Қарақалпақлардың өнер кәсиплери. -Нөкис,1991. 11-17-бет
4. Шалекенов У. Казаки низовьев Амударьи. Ташкент,1966. Стр-213.
5.Нызанов М. Қарақалпақлар. –Нөкис,2020. 239-бет
6.Народы Средней Азии и Казакстан. М.,1962. -С.450-452

ТАНГАЛАР ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА: ТЕРМИЗ ЧИҒАТОЙ УЛУСИ ДАВРИДА

Жалолиддин Мирзаев

Моддий меросимизнинг муҳим қисмини ташкил этган қадимий тангалар мозийнинг турли жабҳаларини, хусусан, давлатчилик тизимини, иқтисодий муносибатларни, ҳунармандчилик тараққиётини ва ғоявий муҳитни, қўлланилган ёзувни ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Тарихимизнинг турли саҳифаларини ёритишда, ёзма манбаларнинг камлиги ёки улардаги маълумотларнинг чалкашлиги туфайли, ишончли манба бўлиб қолаётган тангаларни ўрганиш, илмий муомилага киритиш муҳим хулосаларга олиб келади. Шу нуқтаи-назардан Термиз шаҳрининг Чиғатой улуси (668/1269–70 - 770/1368–69) давридаги тарихини ёритишда, унда зарб этилган тангалардаги

маълумотлар таҳлили алоҳида аҳамият касб этади.

1220 йилда Чингисхон қўшинлари Термизни босиб олганларидан кейин, тарихшунослигимизда ёзма манбаларга таянилган ҳолда қабул қилинган хулосага кўра, шаҳарни вайрон этишади ва аҳолини қирғин қилишади. Лекин, босқиндан кейин ҳам шаҳарда ҳаёт давом этганлиги ҳақидаги узуқ - юлуқ ёзма маълумотларнинг мавжудлиги, ва айниқса, тангалар зарб этилиши, мазкур хулосани рад этади[1]. Шу билан бирга, Термизда тангаларнинг, ҳозирги маълумотларимиз асосида, мунтазам суръатда зарб этилишини XIII асрнинг охири, яъни Чиғатой улуси даври билан боғлаш керак.

Ҳижрий 670/1271–72 йилда муғул хонларининг бошқарувчиси Мас'удбек Чиғатой улусида пул ислоҳатини амалга оширади[2]. Шу даврдан бошлаб минтақада мунтазам равишда кумуш тангалар зарб қилинади, иқтисодий ҳаёт ривожланиб, шаҳарлар жонлана бошлади. Жумладан, Термизда 680/1280 йилларнинг иккинчи ярмидан Мас'удбек ислоҳатида белгилаган ўлчамларда, таркиби 90% кумуш, вазни 2,08 грамм атрофида бўлган *дирҳам*лар зарб этила бошланади. Уларда анъанага кўра *калима* ва шаҳарнинг номи билан бирга, Термизнинг аввал тангаларда қайд этилмаган лақаби - «*Мадинат ар-рижол*» (**تندم الرخلا**), ва Чиғатойхоннинг авлодларидан бўлган Дувахонга (вафоти 706/1306–07 й.) тегишли ♆ тамға акс эттирилган[3]. Чиғатой улуси ҳудудидаги шаҳарларда зарб этилган тангаларда турли тамғалар алоҳида ёки биргаликда акс эттирилган. Фақатгина Термиз ва Бадахшонда Дувахонга тегишли бўлган тамғанинг алоҳида қайд этилиши, бу мулклар шахсий унга тегишли эканлигидан далолат беради. Дувахоннинг вафотидан кейин 706/1306–07—717/1317–18 йилларда Чиғатой улусида ҳокимият учун курашда натижасида беқарорлик туфайли иқтисодий тушкунлик рўй беради. Дувахон авлодлари узил-кесил ўзларининг ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, 718/1318–19 йилдан Чиғатой улусида аста-секинлик билан навбатдаги пул ислоҳати амалга оширилади. Натижада ягона ўлчовлардаги соф кумишдан вазни 1,34 грамм атрофида бўлган *дирҳам*, вазни 8,04 грамм атрофида бўлган *динор* зарб этиш, уларда тамға билан бирга улус хонларининг исмини қайд этиш тартиби ўрнатилади.

Жумладан, Термизда 725/1325 йилгача эски ўлчовдаги дирҳамлар зарб этилади, хонларнинг исми қайд этилиши эса 733/1332-33 йилдан, Тармоширинхон (تارماشیرین خان, 726-734) давридан бошланади[4]. Ундан кейин шаҳарда Жанкши (جانکشی ,734/1333–34—737/1336–37), Йасун Темурхон (یسون تیمور خان ,737/1336–37—741/1340–41) номидан тангалар зарб этилади. 741/1340–41 йилда Чиғатой улусида икки хокимиятчилик вужудга келиб, мамлакатнинг жанубида, Термизда Муҳаммадхон, шимолий ҳудудларда, Олмалиқда ʿАли-Султан ҳукмронлиги ўрнатилади. Уларнинг қисқа ҳукмронлигидан кейин қўшҳокимиятчиликни 742/1341–42 — 745/1344–45 йилларда Ҳалил Аллоҳ ва Қозонхон давом эттиришди. Ҳалилнинг номидан қисқа даврда зарб этилган тангаларда янги, Ўгадайхон сулоласига тегишли 𐭠 тамға пайдо бўлади. 746/1345–46 ёки 747/1346–47 йилларда Чиғатой улусида ҳокимият тепасига Амир Қозоғон келади, унинг давридан амалда қўғирчоқ хонлар номидан тангалар зарб этилади. Термизда Донишмандхон(747/1346–47 — 749/1348–49), Буйонқулихон(749/1348–49 — 760/1358–59) номидан тангалар зарб этилган. 752/1351–52 йилдан зарб этилган тангаларнинг фақатгина 10% кумушдан иборат бўлиб, улар Чиғатой улусидаги иқтисодий инқирознинг яққол намунасидир.

Ҳижрий 761 (милодий 1359-1360) йилда Термизда Олтин Ўрданинг вафот этган ҳукмдори Жонибекхоннинг (742-758/ 1341-1357) номидан Жўчи авлодлари[5] ва уларни шаҳардан ҳайдаган, Туғлиқ Темурхон билан аҳдномага содиқ қолган Амир Темур танга зарб қилганлар[6]. Мазкур тангада Дувахоннинг тамғаси сўнгги бор акс эттирилган бўлиб, бир йилдан сўнг тўлиқ таназзулга учраган Чиғатой улусининг Термизда зарб этилган тангалардаги охирги нишонаси бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзаев Дж.З. Рецензия: Петров П.Н. Очерки по нумизматике монгольских государств XIII-XIV веков. - Нижний Новгород, 2003. 180с. Нумизматика Центральной Азии. № IX. 2010.Ташкент.С.131-135.

2. Давидович Е.А. Денежное хозяйство Средней Азии после монгольского завоевания и реформа Мас'уд–бека (XIII в.). - Москва, 1972.
3. Петров П.Н. Мирзаев Дж.З. О чем рассказывает клад чагатаидских дирхемов из Термеза. // Труды IV международной нумизматической конференции «Монеты и денежное обращение в монгольских государствах XIII-XV веков» Болгар 6-11 сентября 2005. - Москва: «Нумизматическая литература», 2008.С.93-102.
4. Schwarz, Florian. Sylloge numorum arabicorum Tubingen, v.14c, Balkh und die Landschaften am oberen Oxus, 1500+ coins, 180 pp. S.128.
5. Мирзаев Дж.З.Термезский чекан с именем Джанибек-хана(742-758/ 1342-1357) в контексте исторической ретроспективы.// Труды V международной нумизматической конференции «Монеты и денежное обращение в монгольских государствах XIII-XV веков» Волгоград 18-23 сентября 2006. -Москва: «Нумизматическая литература»,2008.С.177-179.
6. Мирзаев Дж.З.Амир Темур и монета Термеза 761 года.// Трансоксиана-Мавераннахр. - Ташкент,2007.С.141-147.

SURXON SHEROBOD VOHASI QO'NG'IROTLARINING AN'ANAVIY MILLLIY O'YINLARI

Qarshiyev Islom Maxmarahim o'g'li,
Termiz davlat universiteti jahon tarixi kafedrasi o'qituvchisi

Surxon Sherobod vohasi qo'ng'irotlarining an'anaviy millliy o'yinlari vohada yashovchi boshqa etnografik guruhlar singari an'anaviy moddiy madaniyatning ajralmas qismi hisoblanib, unda ijtimoiy hayot, milliy xususiyatlar, qolaversa xo'jalik mashg'ulotlari va maishiy hayot tarzi aks etgan. Bu o'yinlarga misol tariqasida quyidagilarni sanab o'tishimiz mumkin: «do'l», «chillik», «arg'imchoq», «tiqmoq», «oshiq», «ganosh», «ko'rpa yopti», «ko'chmoq», «oq suyak», «g'irbaydi», «boboltaka», «chirkash», «bekinmachoq», «oq terakmi-ko'k terak», «quvlashmachoq», «zim-

ziyo» kurash, ko’pkari va hokazo.

Bu an’anaviy xalq o’yinlarining o’ziga xos jihati shundaki, ayrim o’yinlar mavsumiy o’yinlar bo’lib, qish fasli o’tib, bahor fasli kelishi bilan o’ynalsa, ayrimlari yil davomida ham o’ynalgan.

Shuningdek bu o’yinlar aholining yosh toifasiga qarab ham guruhlarga ajralgan. Masalan, bolalar va yoshi katta aholi vakillarining o’yinlari turlicha edi. Bu an’anaviy xalq o’yinlari yoshlarni jismoniy baquvvat, sergak, qo’rqmas bo’lishiga, ularning aqlini o’stirishga, tez fikrlashga o’rgatishga, topqir, zukko bo’lishiga o’ziga xos o’rni bor bo’lib, katta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo’lgan.

Hozirgi kungacha voha qong’irotlarida saqlanib kelayotgan an’anaviy xalq o’yinlaridan biri «halinchak uchish» o’yini bo’lib, asosan bahor faslida yigitlar va qizlar, qolaversa, kelinchaklar mevali daraxtlar (asosan yong’oq, o’rik (zardoli) daraxtlar mustahkam bo’lganligi uchun)ga arqon bog’lab, halinchaklarda uchganlar. Halinchak uchish o’yinining an’anaviy tarzda o’tib kelishi, xalqimizning qadimdan o’troq yashab dexqonchilik bilan shug’ullanib kelayotganligidan dalolat beradi.

O’zbekistonning boshqa mintaqalarida bo’lgani singari Surxon-Sherobod vohasi qo’ng’irotlarida ham hammabop barcha birday o’ynaydigan o’yinlar bilan birga bolalar va qizlar o’yinlari hamda erkak va ayollar o’yinlari bo’lgan. Qizlar va bolalar 12-13 yoshga to’lgan davridan boshlab alohida-alohida o’yinlarni o’ynaganlar. Natijada aynan yigitlar o’ynaydigan podachi, chavandoz, oqsuyak, oqtayoq, ko’rpa yopdi, kurash, soqqa, quloq cho’zma kabi o’yinlar shaklangan. O’z navbatida esa qizlar durra, xal-xilcha, chori-chambar, tortishmachoq, bolqon, beshtosh, chekimtosh, g’oz-g’oz kabi o’yinlarni o’ynaganlar.

«Quloq cho’zma» o’yini ham qong’irotlarda yaxshi saqlangan. O’yin qoidasiga ko’ra o’yinboshi ro’molchaga bir necha toshchani solib, yaxshilab bog’lab, to’planganlar o’rtasiga otadi. Kimda-kim shu ro’molchani bakovul ko’rsatgan joyga olib kelib bersa, o’yinda g’alaba qozongan hisoblanadi va unga atalgan sovrinlar tantanali ravishda topshiriladi. Ammo bu oson emas. Ro’molchani endi qo’lga kiritganda raqiblari uning quloqlaridan ushlab cho’zadilar. Ayrim paytlarda o’yinchilar boshlariga telpak kiyib, quloqchinini mahkam bog’lab oladilar. «Quloq cho’zma» o’yini mahalliy yoshlarning

navqironlik, mardlik va jasorat ko’rsatish maktabi bo’lib kelgan. Ular davraga chiqar ekan joni og’rishiga qaramasdan, o’z maqsadi sari intiladilar. Ayni paytda u o’zbeklarning tomosha shaklidagi eng qiziqarli, ommaviy o’yini hamdir. Chunki unda o’ndan oshiq yigitlar ovuldoshlari oldida o’zlarining nimaga qodirliklarini namoyish etadilar.

«Eshak mindi» o’yini ochiq maydonda uyushtiriladi. Ishtirokchilar besh kishidan teng ikki guruhga bo’linadilar. yerga uzunligi ikki qadam bo’lgan to’g’ri chiziq chiziladi. Guruh boshliqlari shu chiziq ustidan boshlaridagi do’ppilarini bor kuchlari bilan oldinga otadilar. SHunda qaysi birining do’ppisi chiziqdan uzoqroq joyga borib tushsa, o’sha tomon g’alabaga erishgan hisoblanadi.

Mag’lubiyatga uchragan guruh o’yinchilari oldinma keyin bir-birlarini mahkam ushlab qator bo’lib, go’yo eshak qiyofasiga kiradilar. G’oliblar esa birma-bir uzoqdan yugurib kelib, go’yo eshakka mingandek ularning ustlariga sakrab chiqib olishlari kerak. O’yinning nomi ham shundan kelib chiqqan. Mingandayam ma’lum vaqt o’z holatlarini yiqilmasdan saqlab turishlari kerak. Mag’lub tomon ham xuddi shunday. Agarda biror bola ustidagi chavondozni ko’tara olmasa, butun jamoaning qilgan harakati zoye ketadi. SHuni yaxshi bilgan chavondozlar birorta nimjonroq bolani tanlab, ustiga bir yo’la ikki-uch kishi bo’lib birdaniga minib olishga harakat qilishadi va uni qanday qilib bo’lmasin yiqitishga intilishadi. Mobodo ulardan birortasi yiqilsa, ular yana o’z o’rinlarida qolishga majbur. Bu holat chavondozlarda yuz bersa, yiqilgan ishtirokchi o’yindan chiqadi. Ammo ulardan har biri egardan yiqilmaslik uchun jon-jahdi bilan kurashadi. Hatto ba’zilari o’yinboshining ko’zini shamg’alat qilib, oyog’ini yerga qo’yib muvozanatini to’g’rilab olishga ham ulgurishadi. Biroq bu o’yin qoidasiga ziddir. CHavondozlarni yiqitishga qilingan harakat ham bekor. Tomoshani boshqarayotgan bakovul ziyrak bo’lsa bunday urinishlarning birortasi ham uning nazaridan chetda qolmaydi. O’yin bolalarni chiniqtirib, chavondozlikning sir-asrorlarini o’rgatib boradi.

An’anaviy xalq o’yinlaridan biri «oq suyak» o’yini bo’lib, mazkur o’yin bolalarni qorong’u tunda qo’rqmas, tez ilg’ab olish hamda chaqqon bo’lishida kata rol o’ynagan o’yinlardan biridir. U asosan oy chiqqan tunda o’ynaladi. O’yinda o’ndan oshiq bolalar

teng ikki guruhga bo'linadilar. Oralaridan o'zlariga jo'raboshi saylaydilar. O'yinni qaysi tomon boshlashini jo'raboshining tepaga qarata otgan tangasi aniqlab beradi. Bu imkoniyatni qo'lga kiritgan guruh boshlig'ining qo'lida oq suyak (sigirning to'pig'i) bo'ladi. Raqib o'yinchilar ularga teskari qarab turishadi. Suyak qorong'ilikka otiladi. Bo'ldi deyishgach, tomonlar yoyilishib uloqtirgan suyakni axtarishga tushadi. Axtarayotgan vaqtda raqib guruhdagi bolalar ham kuzatadi. Suyakni topgan bola «topdim» deb baqirishi shart. Suyakni topgan bola poyga joyga qarab chopadi. Agar raqib guruhdagi bolalar yetib kelsa, qochishning ilojini qilolmagan taqdirda uzoq joyga qarata uloqtiradi. Ishtirokchilar soni qancha ko'p bo'lsa, suyak shuncha marta otilib, shuncha marta topilishi kerak. Birinchi bo'lib shu ishni nihoyasiga yetkazgan guruh g'olib hisoblanadi. G'oliblar mag'lublarning ustilariga minib, oldindan kelishilgan masofagacha ko'tarib borishlarini talab qilishadi. Talab bajarilgach, guruh boshlig'i uy egasini chaqirib, «otliqlar oldikmi, piyodalar oldikmi» deb so'raydi. Uy egasi «otliqlar oldik» desa yana navbatdagi uygacha ko'tarib borishadi. Manzilga yetishgach, yana yuqoridagi holat takrorlanadi. Mabodo «piyodalar oldik» desa, o'yin qaytadan boshlanadi. Endi g'olib guruh o'z o'rnini raqiblarga bo'shatib berishga majbur. Voqealar talqini ham vaziyatga qarab o'zgarib turadi. «Oq suyak» bolalarni ahillikka o'rgatadi. O'yinning tunda ijro etilishi esa ijrochilarda sezgirlik qobiliyatini kuchaytiradi.

Badiiy so'z vositasida ijro etiladigan tosh o'yinlaridan biri «har xilcha» deb nomlanadi. Uni faqat qizlar o'rtasida uchratish mumkin. Biz tadqiq etgan variant «besh tosh» o'yiniga o'xshab ketadi. O'yinda ikki va undan ortiq qiz ishtirok etadi. O'yinning asosiy vositasi kattaligi taxminan yong'oqdan kichikroq bo'lgan beshta toshdan iborat.

Qur'a tashlash orqali o'yinni kim birinchi boshlashi mumkinligi aniqlanadi. Bunday imkoniyatni qo'lga kiritgan ijrochi toshlarni olib kafti bilan yerga tashlaydi. Dastlab birini tepaga otib, qolganlarini barmog'i bilan yerdan olishi kerak. Bu shart tepaga otilgan tosh qaytguncha bajarilib, oxirida uni ham yerga tushirmay ilib olish kerak. So'ng navbati bilan boshqalariga o'tiladi. Ijro jarayonida barmoqlar ham turli shakl va qiyofalarga kiritilishi yoxud tomoshabinlarni shunga ishontirishi bilan birga ularda kulgi qo'zg'atishi lozim

bo’ladi. O’yin davomida quyidagi shartlar bajariladi: yallash, kelin, bo’ri kelar, qaychi, kapa, yermi-osmon, tugar, shaldir, tovuq ko’ti, tovuq ko’tining ochari, xo’roz ko’ti, xo’roz ko’ti ochari, ko’prik, devor, supurgi, baqa, ilon, yashiq, ikki qarich, anjirzich. Ushbu shartlar bexato bajarilganda «anjirzich, buralib tush, arra marra endi bitti bir marra» deb, marraga xatosiz yetib kelganligini ovoza qiladi. O’yin xuddi shu tartibda davom etaveradi. Ijrochilarning yetib kelgan marralari yerga yozib boriladi. O’yin so’ngida marralar sarhisob qilinadi. Shunda kimning marrasi ko’proq bo’lsa, o’yinda g’alaba qozongan hisoblanadi. G’oliblar mag’lublarga turli shartlarni bajartirish huquqiga ega bo’ladi.

Yoshlarni epchil, chaqqon bo’lishlarida muhim ahamiyatga ega bo’lgan o’yinlardan biri «chirkash» o’yini bo’lib, bu o’yinni bolalar o’rtacha olti-sakkiztadan ikki guruhga bo’linib, kelishgan holda bir guruh qochadi, ikkinchi guruh quvlaydi. Bunda har bir bola bittadan raqib guruhdagi bolani quvib yetishi biron joyiga oyog’ini tegizishi kerak. Kamida besh-oltita bolaga yetib oyog’ini tegizganda quvlayotgan guruh raqib guruh ustidan g’alaba qozongan hisoblanadi. So’ngra ikkinchi guruh quvlaydi, birinchi guruh qochadi. O’yin shu tartibda davom etadi. Agar qochayotgan guruhdagi bolalarning biri chaqqonlik qilib quvlab kelayotgan bolalarning o’rtasidan kesib o’tsa, orqa tomonidan quvlab kelayotgan bolalar asir tushgan hisoblanib, o’yindan chiqadi. Qolganlari o’yinni davom ettiradi.

Bolalarda sezgirlik, xushyorlik, topqirlik hamda fahm-farosatni o’stirishda o’ziga xos o’ringa ega bo’lgan o’yinlarda yana biri «tiqmoq» o’yinidir. O’yinda bolalar har guruhdan beshtadan o’ntagacha bo’lib, ikki guruhga bo’lingan. Har guruh qator bo’lib, o’rtada bir yo’lakcha joy qoldirib tiqilib o’tirishadi. SHunda birinchi guruhdan bir kishi ikki kaftining orasiga kalapo’shini yashirib, o’zining guruhida o’tirgan bolalarning oyog’ining orasiga ikki kaftini tiqib ketaveradi. Kaftida yashirgan kalapo’shni xohlagan kishisining oyog’ining orasiga qoldirib joyiga borib o’tiradi. Shunda raqib guruhdan biri o’rnidan turib, o’zining raqib guruhidagi bir kishiga «senda» deb oyog’ining orasiga qo’lini solib ko’radi. Kalapo’shni topsa g’alaba qilgan hisoblanadi, topolmasa yengilgan xisoblanadi. Agarda kalapo’shni topolmasa, topolmagan bolani to’rt kishi oyoq-qo’lidan ko’tarib g’alaba qozongan guruhning ustidan ko’tarib

o’tkazayotgan vaqtda o’tirgan bolalar o’tirgan joyidan yutqazgan bolaning orqasiga oyog’ini ko’tarib, oyog’i bilan turtib qolishadi. O’yin shu asosda davom ettiriladi.

Chidamlilik, chaqqonlik hamda epchillik kabi xususiyatlarini shakllantirishda «boboltaka» o’yinining ham o’rni bor. Boboltaka o’yinida ikki guruhga o’n-o’n ikki kishidan bo’lib, hammasi qur ya’ni davra bo’lib turishadi. Shunda davraga ikki guruhdan bir kishidan chiqadi. Birinchi chiqqan bola «boboltaka», ikkinchi guruhdan chiqqan bola «chibich» deb atalib, boboltaka davrada bir oyog’ini ko’tarib, ikkinchi oyog’i bilan sakrab chibichni davra aylantirib, bir oyoqlab quvib yetishi, hamda ko’tarib yurgan oyog’ini chibichga tegizishi kerak. Boboltaka ko’tarib yurgan oyog’ini yerga tegizsa mag’lub bo’lgan hisoblanadi. yerga tegizmay chibichga oyog’ini tegizsa g’alaba qilgan bo’ladi. O’yin shu tarzda davom ettiriladi.

O’ta chaqqon hamda sergak, epchil va chidamlilik bo’lishda katta ahamiyatga ega bo’lgan «chillik» o’yinida bolalar ikki guruhga bo’linib, har guruhda olti-sakkiztani tashkil etadi. Tekis maydonda o’rtaga aylana chizilib, aylananing o’rtasi chuqurcha qilinadi. Chillikning uzun tayog’i «enasob» besh qarich uzunlikda, kichik tayog’i «bolachiq» deb atalib bir qarich uzunlikda bo’ladi. Birinchi guruhdan bir kishi aylananing ichiga kirib, chuqurchaga bolachiqni ko’ndalang qo’yib, enasob bilan chaqqonlik bilan ko’tarib xohlagan tomoniga qaratib uradi. SHunda ikkinchi guruh bolachiqni yerga tushirmay ushlab olishga harakat qiladi. Agar bolchiqni yerga tushirmasdan epchillik bilan ushlab olsa, o’yinni yangitdan o’zlari boshlaydi. Ushlay olmasa bolachiqni tushgan joyidan aylana ichiga tushirish uchun otadi. Aylana ichida turgan birinchi guruhdagi bola bolachiqni aylana ichiga tushirmaslik uchun harakat qiladi. Agar aylana ichiga bolachiqni tushirsa o’yinni ikkinchi guruh yangitdan boshlaydi. Agar bolachiqni tushira olmasa, bolachiq tushgan joy bilan aylana chizig’i o’rtasiga enasobni qo’yib o’lchaydi. O’lchanganda enasob aylana bilan bolachiq ustiga tushsa, bolachiqni otgan ikkinchi guruhdagi bolalardan biri aylanaga bolachiqni tushirish uchun otadi. Aylana ichidagi birinchi guruhdagi bola yana tushirmaslikka harakat qiladi. Aylanaga ikkinchi guruh bolachiqni tushirsa, o’yinni shu ikkinchi guruh yangitdan boshlaydi. Tushira olmasa, birinchi guruhdan aylana ichida turgan bola bolachiqni urib yuborsa,

bolachiq tushgan joyga boradi va bolachiqni qo'lga olib yerga ko'ndalang holatida tashlaydi hamda bolachiq yerga tushguncha enasob bilan uradi. Bolachiqni necha marta urgan bo'lsa, keyin shuncha marotaba enasob bilan bolachiqni uzoqlikka qaratib uradi. SHu urayotganda ham ikkinchi guruh bolalari urilgan bolachiqni yerga tushurmay epchillik bilan ushlashga harakat qiladi. Bolachiqni yerga tushirmay ushlasa o'yinda yutgan hisoblanib, ikkinchi guruh o'yinni yangitdan boshlashi mumkin bo'ladi. Bolachiq urilgandan keyin har bir tushgan joyga ikkinchi guruhdan bir kishidan turadi. O'yinni davom ettirayotgan birinchi guruh bolachiqni ushlatmasdan hisobni oxiriga yetkazsa, ikkinchi guruh bolachiqni oxirgi tushgan joyidan har bir tushgan joyiga har bir a'zosi bir nafasda «zuvv» deya ovoz chiqarib aylanagacha yetib kelishi kerak. Bunday o'yinning halol borishiga alohida e'tibor berilgan, ya'ni g'olib guruh yengilgan guruh a'zolarining ortidan yugurib borishgan va ularning nafas olish-olmasliklarini nazorat qilishgan. Bunda har bir guruh a'zosi boshqalardan ko'ra tezroq va uzoqroqqa chopib borishga harakat qilgan. SHu tarzda chidamlilik, epchillik hamda tezlik kabi jismoniy sifatlar qaror toptirilgan. Bir nafasda yetib kelmasa mag'lub hisoblangan. G'olib bo'lgan guruh bir nafasda «zuvv» deb yetib kela olmagan guruhning to'xtagan joyidan yana o'yinni davom ettirib, bolachiqni ko'ndalang holatda yerga tashlab, shu jarayonda enasob bilan necha marta ursa, shuncha marta bolachiqni uzoqlikka qaratib urib, o'yinni davom ettirgan.

Voha qo'ng'irotlarining tabiiy-geografik muhit, ularning xo'jalik faoliyati va ijtimoiy munosabatlari hamda bir qator boshqa omillari ta'sirida mintaqaga milliy o'yinlar shakllangan.

XX asrning 50-yillariga kelib voha qo'ng'irotlari milliy o'yinlarda transformatsion jarayonlarning ma'lum doiradagi ta'sirini ko'rish mumkin. Xususan, bu davrda majburiy o'rta maktab ta'limining joriy etilishi hamda maktab ta'limida yevropa o'yinlari (masalan, futbol, voleybol, basketbol va boshqalar) dars jarayonlarida voha qishloq maktablarida o'rgatilib borilgan hamda milliy xalq o'yinlari «eskilik sarqiti» sifatida taomildan chiqarila boshlangan. XX asrning 90-yillarga kelib milliy xalq o'yinlarini keng targ'ib etish masalasi yo'lga qo'yildi. Milliy xalq o'yinlari yosh avlodning aql-idroki, did-farosati, tafakkurini o'stirib, qolaversa, jismoniy kamolot sari yetaklashda muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Tursunov S. N. Surxondaryo – etnografik makon. – Toshkent: Akademnashr, 2012. – 232 b.
2. Tursunov. N. N. Janubiy Surxon vohasi etnografiyasi. – Toshkent: Yangi nashr, 2015. – 160 b.
3. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – 323 с
4. Jabborov I. M. O'zbek xalqi etnografiyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 1994. – 312 b.
5. Jabborov I. M. O'zbeklar: turmush tarzi va madaniyati (etnotarixiy lavhalar). – Toshkent: O'qituvchi, 2003. – 208 b.
6. Jabborov E. O'zbek xalq o'yinlari leksikasi (Janubiy O'zbekiston materiallari asosida). Filol. fan. nomz. diss.… avtoref. – Tashkent, 1998. – 26 b.

СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЙ ҲАЁТ (МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА)

Рахимов Боходир Саидмусаевич
Жахон тарихи кафедраси
доценти тарих фанлари номзоди

Резюме

Аннотация: Мақолада Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт ва саноат соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳатлар самараси таҳлил этилган. Шунингдек, жанубий воҳалар иқтисодий соҳаларнинг ривожланиши аҳоли ижтимоий турмуш даражасига ижобий таъсири масалалари ҳам ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: ижтимоий турмуш даражаси , иқтисодий ривожланиш соҳаси, янгича модернизация, янгича технология, саноат соҳасининг ривожланиши, эркин иқтисодиёт.

Сурхондарё вилояти да мустақиллик йилларидаги ижтимоий- иқтисодий ва маданий тараққиётини таҳлил этиш орқали бутун мамлакатимизда юз берган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёни муҳим аҳа-

мият касб этмоқда.

Сурхон воҳасининг ўзига хос табиати табиати, қазилма бойликлари билан қадимдан маълум ва машҳурдир. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиеёв қўйидагича фикрларни билдирирган эди; ”Шахсан мен Сурхон воҳасида яшайдиган одамларни ҳар қандай синов ва муаммолардан чўчимайдиган, ўзига, ўз куч-қудратига ишонадиган, айтган сўзида турадиган, мард одамлар деб биламан. Бундай олижаноб, бағрикенг халқ, ҳеч шубҳасиз, ўз тақдири, ўз бахтини ўз қўли билан яратишга албатта қодир. [1:302]

Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига чиқиш асосида халқимиз турмуши ва фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи иқтисодий тизимни барпо этиш; республикада кўп укладли иқтисодиётни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни юксалтириш, тадбиркорларга кенг имкониятлар берилиши мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасининг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда[2:19].

Сурхондарё вилояти саноатида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Совет даврида тараққиёт жиҳатидан энг кам ривожланган Сурхондарё вилояти саноати ривожланиши жихатидан 1990 йилда Республикада охирги ўринларда турар эди. Сурхондарёда 1990 йилда жами 23 та саноат корхонаси бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жуда ночор аҳволда бўлган. Шунингдек, вилоят бўйича 11 корхона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражасини кескин камайганлигини кўришимиз мумкин. [3:2].

Ижтимоий- иқтисодий соҳани ривожлантириш мақсадида мустақиллий йилларида вилоятда пахта тозалаш заводларида янги замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш жорий этилиб, Ангор пахта тозалаш заводида нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган цех ўрнатилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг эни 90 сантиметр, бўйи 180 сантиметр узунликда чиқариладиган бўлди. Заводда 2,5 минг ўрнига 6 минг метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилди. [4:13].

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида ип-йигирув фабрикаси 1994 йилда хиссадорлик жамиятига айлантирилиб, натижада кишиларнинг меҳнатга, мулкка муносабатда сезиларли ўзгаришлар юз берди. 1996 йил давомида амалдаги нархларда 190,1 миллион сўм ўрнига 236,6 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқариб режага қўшимча тарзда 49,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Йил давомида 257,2 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. [5:42]

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилга нисбатан қарийб икки баробар, маҳсулот сотиш ҳажми эса салкам 2,8 баробарга кўпайди. Хиссадорлик жамияти 1996 йил 1309 тонна калава ишлаб чиқариб салкам 6,9 миллион квадрат метр мато тўқиш билан якунлаб, меҳнат унумдорлиги 113 фоизга ўсди [6:24].

1996 йилдан Сурхондарёдаги нефт конларининг оқова сувларидан йод олиш масаласи илмий асосланиб, 1997 йил Жарқўргон туманидаги Ховдак кудуқларидан 8 тонна оқова сув Тошкентдаги илмий-текшириш марказига олиб борилиб, олимлар, мухандис-техниклар, тиббиёт ходимлари Республика давлат фан ва техник қўмитасида тадқиқотлар олиб борилиб, Ховдак йодни ишлаб чиқаришга эришилди. [7:2]

Қимматбаҳо йод моддасининг Сурхон заминида топилиши ва унинг тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилишида Термиз давлат университети кимё факультети олимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Нефть корхоналарининг оқава сувларидан йод олиш таклифи ҳам дастлаб Термиз давлат Университети олимлари томонидан билдирилган эди. [8:2] Ховдак нефт конларидаги 2500 метр чуқурликдан чиқаётган нефть сувидан йод пастаси ишлаб чиқадиган асосий воситаларнинг қиймати 20 миллион сўмга етиб, заводнинг ишга туширилиши натижасида йод борасидаги муаммоларни Ховдакдаги йод заводи ҳал қилди. Бу миқдордаги йодни у асосан истемол қилган озиқ-овқат маҳсулотларидан олади. Киши организмида йодга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида хукуматимиз ва соғликни сақлаш вазирлигининг сайи харакати билан ош тузини йодлаш орқали хасталикнинг олдини олишга харакат қилинди[9:142].

Мустақиллик йилларида воҳада енгил озиқ-овқат саноати билан бир қаторда ёқилғи энергетика мажмуи ривожида ҳам

маълум бир ишлар амалга оширилди. Республикамиз ва вилоятда энг рентабелли соҳа ҳисобланган Шарғун кўмир шахтаси қайта таъмирланиши ва янги ускуаларни ўрнатиш натижасида сифатли кўмир махсулотларни қазиб олина бошлади. Шарғун шахтаси Осма сим йўлининг узунлиги жиҳатидан МДҲ ва Европада етакчи ўринда бўлиб, ишлаб чиқарилаётган гипс сифати жиҳатидан эса жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Шахта 1958 йилда фойдаланишга топширилган эди. Шахта кончилари томонидан 1998 йилда исътемолчиларга 71 минг тонна кўмир етказиб берилди. [\10:2]

Бугунги кунга келиб Шарғун кўмир кони фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Хитойлик хамкорлар билан ўзаро хамкорликда ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Сурхондарё вилояти ўзининг беқиёс қазилма бойликларига эга ҳисобланади. Аҳолининг ош тузига бўлган эҳтиёжини, таъминлаб келаётган Хўжаикон туз саралаш заводи фаолияти ҳам муҳим ҳисобланади. Шеробод туманида фаолият юритаётган ушбу завод 1993 йилда 550 минг тонна туз ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. [11:2] Бугунги кунга келиб ушбу корхона фаолияти янги технологиялар асосида янада ривожлантириб борилмоқда.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сурхон воҳасида мустақиллик йилларда бутун амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислоҳатлар натижасида барча соҳада ривожланиб бормоқда. Ижтимоий ривожланиш натижасида аҳолининг ижтимоий турмуш даражасининг яхшиланиши ҳамда демографик жараёнлар ҳамда урбанизация жараёнларининг ривожланишида[12:23] муҳим ўрин тутиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз//-Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 301-302 бетлар

2. Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарѐ пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. – Термиз.: Жайхун, 1996. – Б. 18-19.

3.Ленин байроғи, 1991 йил, 28 июн, 1-бет. Бозор иқтисодиёти янгича иш юритишни тақозо этмоқда.
4. Сурхондарё ВДА 313-ж, 1-р, 11-иш, 13-в.
5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 42-бет
6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 24-бет.
7. Лапасов А. Истиқлол йўли: Ангор. – Термиз: Жайҳун, 1992 й. 4-5 бетлар.
8. Халқ сўзи, 2002. 1 апрел.
9. Сурхон тонги. 2003. 16 октябр
10. Сурхондарё вилояти ДА. 474 фонд, 1 рўйхат, 6 иш.3 варақ.
11. Турсунов С.Н, Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004
12. Холмўминов. Х.Э.Ўзбекистон жанубий вилоятларида тарихий-демографик жараёнлар (советлар ҳукмронлиги даврида миграция масалалари) –Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.-б 23.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ МАВЖУД ДАРЁЛАРНИНГ ТАБИИЙ СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ РАДИОНУКЛИДЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УНИНГ ТИРИК ОРГАНИЗМ ВА ТЕВАРАК-АТРОФГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Термиз давлат университети, Умумий физика кафедраси катта ўқитувчиси, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Холмуродов Махматкарим Паттаевич

Аннотация.*Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти дарёларининг, табиий сувлари таркибидаги мавжуд радионуклидларнинг тирик организм ва теварак-атрофга таъсири атрофлича ёритиб берилган. Радионуклидларнинг қандай омиллар асосида вужудга келиши ҳамда дарё табиий сувлари таркибидаги радионуклидлар миқдорини аниқлаш ишлари амалий жиҳатдан ўрганилиб таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар. *Сорбция, десорбция, техноген, антропоген, изотопик радионуклид,*

Аннотация. *В данной статье подробно описано влияние радионуклидов рек и природных вод Сурхандарьинской области на живые организмы и окружающую среду. Факторы на основе образования радионуклидов и определения количества радионуклидов в природных водах рек изучены и проанализированы на практике.*

Ключевые слова. *Сорбция, десорбция, техногенный, антропогенный*

изотопные, радионуклиды,

Abstract. *This article describes in detail the impact of radionuclides of rivers and natural waters of the Surkhandarya region on living organisms and the environment. Factors based on the formation of radionuclides and determining the amount of radionuclides in the natural waters of rivers have been studied and analyzed in practice.*

Keywords. *Sorption, desorption, technogenic, anthropogenic, isotopes, radionuclides,*

Ҳаёт пайдо бўлгандан буён ҳар бир тирик мавжудотлар, шу жумладан инсон ҳам, ўзи билмаган ҳолда, ҳаво, сув, тупроқ, озиқ–овқат маҳсулотларида мавжуд бўлган электромагнит нурланиш ёки космик нурланиш манбалари таъсири остида яшаб келмоқда. Мазкур нурланиш манбаларини билиш, уларнинг фаоллиги ва зарарлаш даражасини аниқлаш масаласи инсон соғлигини таъминлашда асосий роль ўйнайди. Маълумки инсон организмида онкологик касалликларни келтириб чиқарувчи асосий манба радиоактив нурланишлар ҳисобланади. Бунда инсонга ташқи муҳит таъсирида радиацион нурланиш кучлироқ таъсир кўрсатади, бироқ баъзи ҳолларда табиий сувлардаги радионуклидларнинг таъсири, табиий сувларнинг асосий оқим манбаи бўлган дарё табиий сувларида радиацион зоналар жойлашувининг оралиқ масофаларига нисбатан юқори эканлиги ҳақидаги илмий маълумотлар кам. Бунинг сабаби халқ хўжалигининг жадал ривожланиши сабабли, турли саноат корхоналарининг ишга туширилиши, қайта тикланмайдиган ер ости рудаларини қазиб олиш ҳамда бошқа антропоген таъсирлар натижасидир.

Ер ости конларини ўзлаштириш натижасида фаоллиги паст бўлган радиофаол элементлар ер юзасига чиқиб, атмосфера ҳавоси, табиий сувлар ва тупроқ биоресурсларини зарарламоқда ҳамда фаол ҳолатга ўтмоқда. Демак, дарё табиий сувларнинг таркибидаги радионуклидларнинг миқдори ва зарарлаш даражасини билиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса, радиацион нурланишни билиш, уни тўғри ўлчай олиш радиоактивлик ҳақидаги маълумотларнинг объективлигини таъминлайди ва радиацион хавфсизлик чораларини кучайтиради.

Ҳозирги кунда ер қаъридан нефт, руда, кўмир, газни жадал суъратлар билан қазиб олиш, ядро саноатининг ривожланиши нафақат табиий радионуклидлар миқдорининг ортишига, балки атроф-муҳит объектларида сунъий пайдо бўлишига ҳам олиб келмоқда. Бундан ташқари, сўнгги йилларда, тоғ конлари ва тоғ кон қайта ишлаш корхоналари тобора ортиб, саноат корхоналари сони ошиб, салбий антропоген оқибатлар нафақат минтақавий, балки жаҳон миқёсида ҳам намоён бўлмоқда. Атроф-муҳитга техноген юкнинг ортиши маълум ҳудудда ва жаҳон миқёсида муҳим экологик вазиятга эга бўлган зоналарнинг пайдо бўлишига олиб келади. Жумладан, Республикамиз миқёсида ҳам, турли хил мавжуд ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган заҳарли чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларни утилизация қилиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан саналади. Мисол тариқасида биргина Сурхондарё вилоятидаги мавжуд учта цемент заводи, “Мустақилликнинг 25 йиллиги” номидаги Бойсун газни қайта ишлаш заводи, Хонжиза бойитиш фабрикаси, қўшни давлатларда мавжуд Тожикистон алюминий заводи, Гегирдак олтингугурт заводи (Туркманистон) ва афғон шамоллари туфайли вилоятимизга шамол, қум бўронлари, сизот сувлар ва селлар орқали Сурхондарё вилояти дарё табиий сувларида радионуклидларнинг пайдо бўлиши ва ортишига сабаб бўлмоқда. Натижада вилоятимиз аҳолиси орасида онкологик касалликлар кескин ортиб бормоқда. Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, вилоятда 1990 йилдан бери онкологик касалланган беморлар сони 30 баробарга ортган. Шунинг учун, табиий сувларнинг радиоэкологик ҳолати ҳақида батафсил объектив маълумот кераклигига шубҳа йўқ, бу ўз навбати-

да, радионуклидлар билан ифлосланиш даражасининг хавфини аниқлаш ва баҳолаш ва бунга олиб келадиган тенденцияларни белгилаш, шунингдек, ўзгаришлар тезлигини тахмин қилиш ҳамда мониторинг тартибини ишлаб чиқиш имконини беради.

Табиий сувлар таркибидаги радионуклидлар мавжудлигини аниқлаш, дарё сувларининг қишлоқ хўжалигида ва истеъмолга яроқлилигини ва сувдаги радионуклидлар миқдорини камайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ишларини амалга оширишни тақоза этади. Одатда табиий сувларда экологик мониторинг йилда 4 марта (ҳар чоракда) стационар кам фонли альфа-радиометрия, бета-спектрометрия ва гамма-спектрометрия усулларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади. Лекин бу усулларнинг сезгирлиги паст ва ўлчаш вақти узоқ давом этади. Шунинг учун дарё табиий сувлари таркибидаги радионуклидларни сезгир, самарали, кам вақт ва куч талаб этадиган кўчма радиометрик асбоблар билан аниқлаш ва доимий мониторинг қилиб бориш бугунги кунда долзарб муаммо ҳисобланади. Республикамизда инновацион технологияларни жорий этиш орқали саъноат объектларини илмий асосланган ҳолда бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада табиий сувларда радионуклидларнинг миқдорини аниқлаш, табиий сувлар таркибидаги радионуклидлар кўчиш ва тарқалиш қонуниятларини ўрганиш ҳамда мониторинг тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда торий, калий, цезий, стронций ва бошқа элементларнинг таркибидаги радионуклидларни аниқлашнинг радиометрик усуллари кенг қўлланилади: Ер-ҳаво муҳитининг ривожланиши билан бирга сув дунёсининг ривожланиши ҳам давом этади. Сув муҳити сайёрамизда мавжуд бўлган барча сув ҳавзалари, океан ва денгизларни, дарёларни, ўз ичига олади [1].

Ер юзасининг 95% и сувдан иборат. Сув муҳитининг турли йирик аҳолиси ўзгариб, ривожланиш тўлқинлари остида яшаб муҳитга мослашади. Қадим замонлардан бери одамлар жамоаларни ташкил этиб, тоза ичимлик суви манбаларининг ифлосланиши билан таҳдид қилинмоқда.

Сув ифлосланишининг асосий манбалари:

- Уй-жой хўжаликлари ва заводлардан ишлаб чиқариш жараёнида чиқадиган турли хил чиқиндилардан тозаланмаган оқова сувларининг дарёларимизга ва ер ости сув манбаларига, қишлоқ хўжалиги оқимларига чиқарилиши;

- Синтетик органик моддалар ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши;

- Ёнаётган қазилма ёқилғиларининг оқибатида кислота ёмғирлари ва ҳ.к.

Кишилик жамияти цивилизациясининг деярли барча маҳсулоти ичимлик сувини ифлослайди. Сувнинг турли хил кимёвий моддалар ҳамда табиий радионуклидлар билан ифлосланиши инсонларга ўз таъсирини ўтказади. Юқимли касалликлар ифлосланган сув орқали юқиши мумкин. Бу сув касалликларининг баъзиларига ич терлама, вабо, тиф, дизентерия, гепатит ва безгак касалликлари киради.

Сувдаги кимёвий моддалар ҳам саломатлигимизга салбий таъсирини кўрсатади. Шунингдек радиоактив цезий -137 нинг атроф-муҳитга чиқарилиши асосан атом станцияларидаги ядро синовлари, ядровий ҳалокатлар ва маълум носозликлар оқибатида келиб чиқадиган ҳалокатлар натижасида содир бўлади [2].

Ўтган аср мобайнида табиий муҳитларнинг табиий нурланиш фонининг кескин ортиши ва уни кўп ҳолларда инсонлар учун хавфли даражага олиб чиқиш кузатилган.

Сув радиоактивлигига таъсир этувчи омиллар:

* табиий муҳитлар тури;

* иқлим ва ландшафт зонаси;

* тоғ жинсларининг таркиби;

* чўкинди қопламининг тектоник тузилиши ва кристаллар таркиби;

* уфқларнинг бир-бирига муносабати;

* атмосфера ёғинларининг интенсивлиги ва таркиби (аэрация зонасида филтрлаш);

* сувнинг туз таркиби;

*радиоактивлик даражасининг мавсумий ўзгариши ва тектоник ҳаракатларнинг кескин ўзгариши;

* антропоген таъсир даражаси.

Сувнинг нурланиш мониторингини амалга ошириш нуқтаи

назаридан қуйидаги ҳолатлар туфайли ўта мураккаб объект:

- шўрланиш ва туз таркиби кенг;
- фаолиятнинг табиий ўзгаришлари;
- радиоактив мувозанатнинг деярли йўқлиги;
- бир хил муҳит ичида ҳам фаолиятнинг турли даражалари;
- фаолият даражаларининг мавсумий ўзгаришлари;
- мавсумий ҳаракатлар билан боғлиқ фаолиятдаги тафовутлар;
- сув таркибидаги радионукларнинг хилма-хиллиги.


Табиий сувларда радиоактив мувозанатнинг кескин бузилишининг сабаби: турли элементларнинг геокимёвий хусусиятларидаги фарқлар ва изотопик ўзгариш қоидаси.

Радиоактивликнинг сув таркибига кириш йўллари:

1. Ер ости сувлари
2. Радон
3. Қоялардан сувнинг оқиши
4. Тоғли ҳудудлардан сувнинг оқиб келиши
5. Бошқа омиллар

Табиий сувлар таркибидаги радионуклидлар, тупроқ ва тоғ жинсларининг табиий нураши минералогик таркибига боғлиқ. Уран, торий ва калийнинг нисбатан юқори концентрацияли минераллардан ташкил топган тоғ жинслари таркиби нисбатан юқори табиий радиоактивликка хос. Турли хил чиқиндилар, тош ва чўкиндилар ичидаги радионуклидлар табиий ва ер ости сувларининг радиоактивлигига ҳисса қўшиши мумкин, фақат улар манба жинсларидан ва ёки чўкиндилардан ажралиб эритмада қолса яъни, кейинчалик ёғингарчилик ёки сорбция реакциялари билан олиб ташланмайди[3].

Табиий сувлар таркибидаги ва ер ости сувларига чиқариладиган радионуклидларнинг миқдори уларнинг минерал кристаллардаги концентрациясига ёки чўкиндиларига сўрилиши ва энг муҳими, эритиш, сизиш ва десорбция тезлигига боғлиқ. Ионловчи нурланишнинг инсонга таъсир этиши умуман аҳоли учун қизиқарлидир.



1.1 –расм. Ўрта ҳисобда инсон танаси оладиган нурланиш дозаси.

Таъсир профили уч фундаментал йўллар орқали содир бўлади, космосдан табиий оқими, шу жумладан, (баландликга боғлиқ), маҳаллий тупроқлар (радон ва бошқа радионуклидлар) ва соғлиқни сақлаш тартиби орқали (масалан, х-нурлари, даволаш тартиби ва ҳ.к.лар) амалга ошади. Ўртача инсон учун нурланиш таъсирининг нисбий даражаси қуйидаги 1.1- расмда кўрсатилган. Калий-40 табиий сувлар таркибида ва ерда мавжуд бўлган радиоактив элемент, барча тирик организмлар, шу жумладан инсонларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Калий-40 изотопи ҳар бир тирик организмлар танасида мавжуд. Инсонлар ҳаёт активлиги давомида рақамли ўпка флюрографияси текширувидан ўтиш жараёнида маълум нурланиш дозасини қабул қилади. Калий - 40 организмдан бошқа барча элементлар, шу жумладан радиоактив бўлмаган моддалар билан бир хил тарзда чиқарилади.

Табиий сувларда жуда катта миқдордаги табиий радионуклидлар мавжуд бўлсада, ядровий чиқиндилар, турли хил ҳалокатлар туфайли ва ер ости қазиш ишлари бу миқдорнинг кўпайишига сезиларли ҳисса қўшади. Сувда радионуклидларнинг тарқалиш тезлиги изотопнинг ҳаракатчанлигига ҳам, сув ҳавзасининг физик хусусиятига ҳам боғлиқдир. Баъзи радионуклидлар сувда яхши эрийди, бошқалари аралашма шаклида қолади, баъзилари деярли бутунлай сув тубига чўкади. Сувнинг силжиш тезлиги ҳар хил сув турларида катта фарқ қилади. Оке-

анда ер усти сувларининг бутун ҳажми тахминан 2 минг йилда алмашади, аммо ер ости сувлари фақат 8 минг йилда алмашади. Сув ҳавзаси чуқурроқ бўлса, ҳаракат секинлашади. Шу сабабли ядро чиқиндилари одатда океаннинг чуқур жойига кўмилади.

Тоғлардаги дарё сувлари тезоқар бўлганлиги боис, уларда сувда эрийдиган ва эримайдиган радионуклидлар тез аралашади ҳамда сув тубидаги радионуклидлар катта аҳамият касб этмайди.

Атмосферанинг (чанглар, қурумлар, тутунлар ва бошқа қаттиқ заррачалар ҳамда заҳарли газлар билан) ифлосланиши сайёрамиз сув ресурсларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бир киши сутка давомида ўртача 25 кг миқдорида ҳаво билан нафас олади. Натижада ҳаво таркибидаги зарарли чанг, қурум ва заҳарли газлар киши организмида тўпланаверади[4] .

Бу эса аста-секин киши организмининг заифлашишига олиб келади ва оқибатда инсон организми турли инфекцияларга етарли даражада қаршилик кўрсата олмайдиган бўлиб қолади, оқибатда ҳар хил касалликларни, чунончи астма, кўз касали, жигар циррози, қон босими, саратон, бронхит, ўпка касаллиги, йўтал каби касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлади ҳамда цемент заводлари, тоғ-кон саноатидаги кераксиз жинслардан вужудга келган чанглар, канал, тўғон ва йўл қурилишида ўтказиладиган портлатишлардан вужудга келган чанглар атрофидаги ўсимликларга салбий таъсир этади.

Ўзбекистонда ўтказилган кузатишлар шуни кўрсатадики, портлатишлардан вужудга келган чанглар атрофдаги ўсимликларнинг ўсишини 2 йилга сусайтирар экан. Йирик кимё корхоналари ва атом электр станцияларида қўлланиладиган қайта ишлаш ишлари олиб борилиши натижасида, дарёларда тошқинлар юзага келади, бунинг натижасида дарёларнинг географик тузилишлари ва сувлари зарарланади. [5].

Чунки инсон яшаган муҳитда зарарли моддалар, газлар, оғир металлар чанги етарлича тўпланган бўлади. Табиий сувлар таркибида мавжуд бўлган турли табиий радионуклидлар, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари ҳамда турли тармоқлардан чиқадиган чиқиндилар, атроф-муҳит ифлосланиши тирик организмларнинг энг муҳим физиологик ва биокимёвий

жараёнлари ва функциялари ҳолатида жиддий бузилишларга олиб келади ва шу билан бирга тирик организмларга ҳамда теварак атрофга катта зарар етказади. Мавжуд радионуклидлардан айримлари, айниқса уран, торий, плутоний, радий, радон, цезий, стронций, калий ва бошқалари инсонлар, тирик организмлар ва уларнинг атроф-муҳитлари учун хавфлидир.

Радионуклидлар билан экологик ифлосланишнинг асосий манбалари ҳам кон қазиш жойлари (конлар, карьерлар, рудалар) ва қайта ишлаш, шунингдек, сақлаш иншоотлари ва ташламалардир. Радионуклидлар одам, ҳайвон ва ўсимликларнинг экосистемаларини ўзгартирган ҳолда бевосита овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш тизимлари орқали ҳаракат қилиши мумкин.

Организмга кирган бу радионуклидларнинг оз қисми онкологик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг онкологик касалликлар билан касалланишини ошириш тенденцияси кузатилмоқда ва бу ўз навбатида башорат қилинган ташхис ва радионуклидлар билан реал атроф-муҳит ифлосланишини назорат қилиш ҳамда уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқишни тақоза этади.

Инсонлар кундалик ҳаёт кечиришлари давомида озиқ-овқатлар орқали, сув, ҳаво, ёки тупроқларни нафас олиш орқали ютишлари мумкин. Бироқ, олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ичимлик сувлари таркибида радионуклидлар концентрацияси жуда паст ва шунинг учун радиоэкологик зарар эҳтимоли жуда кичик эканлиги аниқланган Шу билан бирга, фойдали қазилма конларини қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнида, инсонлар ва тирик организмлар учун нурланиш таъсир эҳтимолини оширади, концентрация миқдори юқорилари эса, вақтлар мобайнида ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Шунинг учун инсон саломатлигини муҳофаза қилиш учун бу радионуклидларнинг табиий сувлар таркибидаги концентрация миқдорларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга [6].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Колобашкин В.М., Рубцов П.М., Ружанский П. А., Сидоренко В.Д. Радиационные характеристики облученного ядерного топлива //М. Энергоатомиздат. - 1983. – С. 384.

2.Фролов В.В. Ядерно-физические методы контроля делящихся веществ //М. Энергоатомиздат. - 1989. – С. 184.

3.Потапов В.Н., Игнатов. С.М., Чиркин. В.М., Линник В.Г. Радиометрический способ измерения активности радионуклидов 137 Cs в донных отложениях с использованием водного погружного детектора у Атомная Энергия //М. – 2001. - Вып. 3. Т. 9. - С. 216-222.

4. Израиля Ю.А., Вакуловский С.М., Тертышник Э.Г., Бородина Т.С., Искра А.А. Техногенные радионуклиды в реке Енисей //СПб. Гидрометеоиздат. – 2005. - №. 2. - С. 294-299.

5.Израиль Ю. А. Радиоактивные выпадения после ядерных взрывов и аварий //СПб. Прогресс-Погода. - 1996. – С. 356

6.Холмуродов М.П. Сурхондарё вилояти табиий сувларининг радиоэкологик тадыиыоти ва мониторинги //Кимё фанлари фалсафа доктори (PhD), бўйича диссертация иши, Термиз-2021. б.110.

ГЛОБАЛЛАШУВ: ДЕМОКРАТИК ТАРАК,К,ИЁТ ВА ТАФАККУРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали доценти Замира НУРОВА

Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнларининг шиддат билан ўзгариши ҳар бир мамлакатда рўй берадиган демократик ўзгаришларга бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, глобаллашув ва демократия жараёнлари, бир томондан, дунё мамлакатларининг ўзаро хамкорлиги глобал даражада чуқурлашиши ва ривожланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, баъзи давлатлар тарафидан демократик қадриятларни кенг тарғиб-ташвиқ килиш баҳонаси билан бошка давлатларга «демократия экспорт қилиниши оқибатида кутилмаган танглик ва бекарорликни, хавф-ха-

тар ва таҳдидларни келтириб чикаради.

Айникса, бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «эркинлик ва демократияни олға силжитиш» никоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вактида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.

Аксарият сиёсатчиларнинг таъкидлашича, глобаллашув шароитида демократлаштириш жараёнлари шарофати билан икки қутбли жаҳон тизимининг барҳам топиши ва тоталитар, ёпиқ тизимларнинг емирилиши натижасида кўпгина халқлар дунё янгиликлари ва ўзгаришларидан бохабар бўлиш имкониятига эга бўлди.

Глобаллашув жараёнлари ҳаётимизга тобора жадал ва чуқур кириб келаётганининг асосий омиллари ва сабаблари хусусида гапирганда, аввало шуни холис тан олиш лозим. Яъни, бугунги кунда ҳар кайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафакат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудуддар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Глобаллашув аллакачон жалон халкаро муносабатлар тизимига кириб борди ва ҳар бир давлат унинг таъсирни инобатга олмасдан, якка холда сиёсат юрита олмаслигини англаб етди. Глобаллашув шароитида демократлаштириш жараёнлари ахборот-коммуникация технологияларининг изчил ривожланиши натижасида янада жадаллашди.

Бу ходисанинг бошланиши XX асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Ахборот

коммуникация технологиялари орқали ёпиқ жамиятларга кўплаб ахборот оқимлари, Ғарбнинг либерал, социал, демократик ғоялари кириб кела бошлади. Натижада «марксча-ленинча мафкура» ҳукмронлиги асосига қурилган давлат ва жамиятларнинг асосига дарз кетди ва улар ич-ичидан емирилди. Аҳоли, айниқса, зиёлилар қатламининг онгу тафаккури катта ўзгаришларга

юз тутди. Улар давлат ва жамият бошқарувига нисбатан мутлақо ўзгача муносабатларини намоён эта бошладилар.

Глобаллашув жараёнлари илм, фан-техника, иқтисодиёт ва бошқа соҳалар билан бир қаторда, давлат бошқарувининг демократлаштирилишига хам катта таъсир кўрсатди. Эндиликда давлат ва жамият жаҳонда юз бераётган барча ходисаларга нисбатан янада ҳушёр бўлиши, дунё миқёсида кечаётган ўзгаришлари мослашиши, қолаверса, ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашишга тайёр туриши кераклиги давр тақозосига айланди.

Давлат ваколатларининг бир қисми фуқаролик жамияти институтларига берила бошланди. Давлат ички ва ташқи сиёсатнинг ягона актори ҳамда иштирокчиси бўлмай қолди. Бунда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги яққол кўзга ташландн. Улар тинчлик ва осойишталик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, демократия ва инсон хуқуқларининг фаол ҳимоячиларига айланди. Бошкача айтганда, айни вақтда глобаллашув ҳар бир давлатнинг ички сиёсатига таъсир ўтказиб, ташқи сиёсий ҳамкорлигини шакллантиришга хам ҳисса қўшмокда.

Айникса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алокаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши мисолида буни яққол кўриш мумкин. Колаверса, турли кадриятларнинг умум инсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида узаро ёрдам курсатиш имкониятларининг ортиши — табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмокда[3].

Глобаллашув жамиятда маданий-ахборот маконини янада кенгайтириб, ўзгартириб юборди. Янги коммуникация технологияларининг тез суръатда ривожланиши ахборот оқимининг купайиши ва уларнинг инсон онгига, тафаккурига таъсир қилиши натижасида атрофда бўлаётган вокеа-ходисаларга муносабатнинг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Дунё манзарасини, аввало, унинг геосиёсий харитасини ўз-

гартириб юборадиган омил бу — демократлаштиришдир. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар узига хос бўлган либерал ёки вакиллик демократияси кўринишини олди. Либерал демократия, биринчи наватда, сайлаш йўли билан хокимият тепасига келган, давлат бошқарувида легитимликка эга бўлган шахслар томонидан ривожланиш йўли сифатида белгилаб олинган. Ички сиёсатда либерал демократия куйидаги конун-коидиарга амал килади:

— сайлов хокимияти;

— эркин ва адолатли сайловлар;

— сайлов хуқуқи;

— сайловларда овоз бериш, яъни сайлаш ва сайланиш хуқуқига эгалик;

— эркин фикр билдира олиш хуқуқи;

— ахборот олиш ва таркатищ хуқуқи;

— Турли жамият, клублар, уюшмалар тузиш хуқуқи ва бошкалар.

XX асрда ушбу демократик тамойилларга амал қиладиган давлатлар сони тобора ортиб борди ва хануз бу тамойил давом этмоқда. Бинобарин, либерал демократия замонавий давлат тузилишининг асосини ташкил килувчи омиллардан бирига айланди. С.Хантинггон демократлаштириш тарихи хақида фикр билдириб, демократлаштиришнинг уч тулқинини кўрсатиб утади.

Биринчи тўлкин 1918-1926 йилларда рўй бериб, жахонда АКШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Аргентина каби давлатлар устунлик қилган. Биринчи тўлкин интихосида, яъни 1922-1942 йилларда устунлик Италия, Германия, Аргентина каби давлатлар қўлига ўтган.

Иккинчи тулкин камрови 1943-1962 йилларни уз ичига олади. Унда Германия, Италия, Япония, Хиндистон, Исроил давлатлари етакчилик килган. Иккинчи тУщин интихосида — 1958-1975 йилларда Бразилия, Аргентина ва Чили давлатлари дунё микёсида етакчилик килган.

Учинчи тўлқин 1974-1986 йиллар оралиғида юз берган бўлиб, бу даврда Португалия, Испания, шунингдек, Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва Ғарбий Европадаги кўпгина давлатлар

етакчилик мавқеига кутарилган[4].

Либерал-демократик давлатларда илм, фан-техника, ишлаб чикариш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўплаб ижтимоий сохаларнинг ривожланиши авторитар ва тоталитар режимли мамлакатлар учун жозибали кўринишга эга бўлди ва у уша мамлакатлар ахолисининг орзусига айланди. 1975 йилда либерал демократия асосида ривожланаётган давлатлар — 23,8%, кисман либерал давлатлар — 7,5%, авторитар давлатлар 68,7 % ни ташкил этган бўлса, 1995 йилда либерал демократия тарафдорлари бўлган давлатлар сони сезиларли даражада кўпайди. Хусусан, бу даврда либерал-демократик давлатлар — 47,6%, кисман демократик давлатлар — 26,2%, авторитар давлатлар эса 26,2% ни ташкил этди[5].

Кўпгина олимларнинг фикрига кура, демократик давлатларнинг кўпайиши дунёда тинчлик, барқарорлик, тараққиётнинг гарови хисобланади. Ғарб мумтоз фалсафаси намояндаларидан бири И. Кантнинг таъкидлашича, демократик давлатлар жахон сахнасида бошка режимдаги давлатлардан фаркли ўларок — демократик қадриятлар, ахлоқ, анъаналарга содик холда иш кўради. Бундай демократик давлатлар узаро хамкорлик борасида келишувлар, битимлар тузади ва улар умуминсоният ривожига хизмат қилади. Демократик давлатлар канчалик кўпайса, дунё шунчалик хавфсиз, баркарор бўлиб, багрикенглик, тараққиёт ва тинчлик ғоялари кенг ривожланади[6].

И. Кантнинг ушбу ғоялари асосида XX асрнинг 80-90-йилларида «Демократик дунё назарияси»[7] яратилди. Назариянинг бош ғояларидан бирига кўра, агар демократик қадриятлар, анъаналар ва тартиб-қоидалар инсон хаётининг ажралмас қисмига айланса, жахонда геосиёсий рақобат, уруш ва низоларга мутлако ўрин колмайди.

Демократик тараққиёт натижасида инсонлар тафаккурида кечадиган ўзгаришлар мухим ахамиятга эгадир. Улар эндиликда бошқаларнинг хуқуқларини хурмат килиш ва эркинликларини поймол килмаслик, аксинча, уларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш керак, деб биладилар. Натижада ўзгаларнинг хуқуқ ва эркинликларига нисбатан зўравонлик, тажовуз ва тахдидларнинг олди олинади.

Демократик давлатлар парламенти, сиёсий элитаси, қолаверса, ахолиси ўзаро келишган холда мавжуд муаммоларни, низоларни тинчлик йўли билан хал килади. «Демократик дунё» феномени давлатларда демократик тамойиллар асосида карор кабул килиниши ва иш кўрилиши билан изохланади. Демократияда глобал урушлар ва низоларнинг олди олинади. Демократик очик давлатларнинг купайиши илм, фан-техника тараққиётининг тезлашиши, фан ютукдари ва янги кашфиётлар самараларидан барча инсонларнинг тенг бахра олиши учун катта замин яратади.

М.Хаас томонидан 1965 йилда илгари сурилган фикрга кўра, демократик давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда нодемократик давлатларга нисбатан низолар кутарилмайди[8]. Ушбу назария хақиқатга жуда якин экани тадқиқотчи М.Салливэн томонидан низоли вазиятларни тахлил қилиш асносида тасдиқланди.

Сиёсий тахлилчиларнинг фикрига қараганда, АКШ дунёдаги демократлаштириш жараёнларига катта таъсир кўрсатди. XIX асрдан бошлаб Америка купгина ривожланаётган давлатлар учун инсон хуқуқлари ва эркинликларининг химояланганлиги, эркин бозор иктисодиёти, илм-фан, техника, маданият ва бошқа шу каби омиллар барқарор ривожланишининг намунасига айланди.

Албатта, демократияни ривожлантириш жараёнларини тезлаштириш ва «демократияни мажбурлаш» оркали татбиқ қилишга уринишлар жуда катта муаммо ва тангликларни, низо ва урушларни келтириб чиқаради.

Бутун дунё бўйлаб бир катор ғарб давлатлари рахнамолигида «демократиялашув» жараёнлари тобора жадаллаштирилаётгани хам сир эмас. Бунда, аввало, турли кучлар айрим давлатларнинг узига хос мустақил демократик тараққиётига ўз таъсирини ўтказмокда. Бу қалтис ва мураккаб жараёнлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётган глобаллашув ғояси асосчилари бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиб, суверен давлатларнинг сиёсий бошқарув тизимини ўз қўлларига олишга уринмокда. Хусусан, 2005 йилда юз берган қатор «рангли инкилоблар»ни сиёсий глобаллашувнинг махсули, деб

хисоблаш мумкин. Олимлар ва тадкикотчилар глобаллашув шароитида кўпрок назарий масалаларни хал қилиш, умумий конун-коидаларни хамда тушунтириш орқали жамият ва инсоният демократик тараққиёти сабабларини ёритишга интилмокдалар. Ижтимоий демократик тараққиёт ва инсон тафаккури ривожланишини тезлаштирувчи, унинг давр ва кишилар рухига хамоханг тарзда кечишини таъминлаб берувчи илмий изланишлар олиб борилмокда. Содда килиб айтганда, одамларнинг дунёқараши, эътикод ва тафаккурида демократик тамойиллар ва демократик қарашларнинг кенгайиши ва мустахкам ўрин топиши аввалambор хаётнинг табиий юриши билан, уларнинг моддий турмуш даражаси ва маданий савияси тобора ривожланиши ва юксалиши билан чамбарчас боғлиқ эканини хаётнинг узи тақозо этади.

Шуни тан олиш керакки, глобаллашув маданий қадрият сифатида хар бир халқнинг миллий ўзлигини англаши ва тафаккуридаги узгаришлар билан узвий боғликдир. Миллий ўзликни англаш тафаккур орқали амалга ошади. Глобаљлашув жараёнлари оқибатида миллий узликка хавф солувчи мультимаданият кириб келди. Эндиликда хар бир миллатнинг ўзигагина хос бўлган белги ва хусусиятлар умумий маданият белгилари билан қоришиб кетмокда.

Натижада ўзликни йўқотиш ходисаси рўй бермокда. Энг ачинарлиси, унинг тасъсирига купинча ёшлар тушиб колмокда. Шу уринда айнан навкирон авлод вакилларини кўпрок домига тортаётган «оммавий маданият» иллати хам мультимаданиятни тарғибот-ташвик қилувчи воситалардан бири эканини ташвиш билан кайд этишга тугри келади.

Давлатимиз рахбари узининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида глобаллашув жараёнининг мазмун ва мохияти хақида тўхталиб, унинг нафақат ижобий вокелик, балки зиддиятларга тула, миллий тараққиётга, миллий маданият ва маънавиятга салбий таъсир этувчи белгилари хам мавжуд эканига алохида эътибор қаратган.

Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлокий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоценризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлик ортгириш,

бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзипинг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли тахдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди[10].

Алқисса, XXI асрда - интеллектуал қадриятлар устувор бўлган, глобаллашув жараёнлари янада шиддатли тус олаётган ва жахон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган даврда яшаяпмиз. Бу, ўз навбатида, хар биримиздан хаёт неъматлари ва қулайликларидан, янгилик ва имкониятлардан оқилона бахра олган холда, айни вактда, хамиша хушёр, ссргак ва сергак бўлиб яшашни хам тақозо этади.

СМОЛА САҚЛОВЧИ *FERULA TADSHIKORUM* PIMENOV ТУРИДАН ПЛАНТАЦИЯЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шарипов Абдуназар Эшқобил ўғли
ЎзМу таянч докторанти

Аннотация *Мақолада Ўзбекистон Республикаси флорасидаги доривор ўсимликларнинг табиий захираларидан плантаци ташкил этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда Ferula L. турлари тўғрисида маълумот келтирилган.*

Калит сўзлар *Ҳудуд, доривор ўсимлик, табиий захира, F. Tadshikorum, плантация, флора.*

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистоннинг жануби Сурхондарё воҳаси бетакрор табиати, шифобахш гиёҳлари, зилол сувлари, мусаффо ҳавоси, далаю дашти, қир-адирлари ва тоғ ён бағирларида ёввойи ҳолда ўсадиган турли шифобахш гиёҳлардан фармоцевтика саноатида фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар кенгайиб, айниқса, тоғли ҳудудларни шифобахш ўсимликларидан тожик коврагини ареллари кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси флорасидаги доривор ўсимликларни табиий захираларини бугунги кундаги замонавий ҳолатини баҳолаш ва хатловдан ўтказиш, ундан барқарор фойдаланиш, уларга биотик, абиотик ҳамда антропоген омиллар таъсирини

ўрганиш, замонавий дастурларни қўллаш орқали плантациялар ташкил этиш мумкун бўлган ҳудудларни белгилаш бугунги кундаги ресурсшунос ботаник олимларнинг олдидаги далозарб вазифалардан ҳисобланади. Шу ўринда айрим доривор ўсимликларнинг плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ва экспорт қилиш мақсадида қатор қарорлар чиқарилди ва уларни қайта ишлаши учун фарм зоналар ташкил қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3617 қарори (Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш хамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида), 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670 қарори (Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида) мисол бўлади.

Бугунги кунда, флорадаги доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва уларнинг махсулотларини экпорт қилиш иқтисодиётни кўтаришга хизмат қилмоқда. Мисол тариқасида 2019 йилда 48 млн АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган (1). Бу қиймат йилдан йилга ортиши учун доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланиш ёки уларни плантациялари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу қийматни оширишда Тожик ковragининг *Ferula tadshikorum* Pimenov ўрни беқиёсдир.

Ferula tadshikorum Pimenov *Ferula* L. туркуми Apiaceae (Соябондошлар) оиласига мансуб бўлиб монокарп ўсимлик ҳисобланади. Коврак туркуми Apiaceae оиласининг нисбатан йирик ва полиморф туркумларидан бири бўлиб, 180-185 турни ўз ичига олади, шундан 130 га яқин тури Марказий Осиёда тарқалган бўлиб, 100 тур эндем мақомига эгадир [1,2,6,17]. Туркум турларининг умумий тарқалишига кўра, Марказий ва Жануби-ғарбий Осиё, Шимолий Африка, Узоқ Шарқ, Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитой Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизида атрофларида тарқалган бўлиб, турлар хилма хиллиги юқори бўлган минтақа Марказий Осиёга эътироф этилади (Xiang-Guang Ma et al., 2019, Pimenov and Leonov 2004). Асосан, текислик, адир ва тоғ олди ва

тоғ минтақаларида қумли, тошли, шағалли, майда тошли ва ола жинсли қизил ва қулранг қум тупроқли ёнбағирликларда ўсади [3,4,5]. Ўрта Осиё, жумладан, жанубий Помир Олойда турлар асосан шибляк ва арчазор флороценотпларида кенг тарқалган (Камелин, 1973). Юртимизда маҳаллий аҳоли туркум турларини сассиқ коврак, роба, улжон коврак, равшак, камол, мўрча камол, чайир, оқ чайир, оқ коврак ва бошқа номлар билан аташади.


Республикада каврак плантациялари маҳаллий ҳалқ томонидан Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида амалга оширилмоқда. Плантацияларда асосан *F. tadshikorum* кўпайтирилмоқда. Турдан ажратиб олинган смола халқ табобатида томир тортиши, ўпка сили, камқонлик, ўлат, захм, кўк йўтал, тиш оғриғи, асаб ва бошқа касалликларни даволаш учун шу билан бирга қувват берувчи, балғам кўчирувчи ва гижжа ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Мазкур турга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бораётганлиги кўриш мумкин, шу билан бирга турнинг табиий захираси анча камайган. Бунинг асосий сабаларидан бири смоласи анча қимматлиги, чет эллардан талабнинг юқорилиги ва дориворлиги билан изоҳланади. Қора бозорда ўсимликдан олинган 1 кг ширанинг таннархи 100-100 АҚШ доллор туради.

Ковракнинг бошқа хусусиятларига кўра буйракдан тош тушириш, экзема, терини тозалаш, жигарни тозалашда хусусияти Ибн Сино асарларида алоҳида кўрсатиб ўтилган. Кўз касалликларида катарактани бошланғич босқичлари даврини олдини олишда самарали даволаш заҳарли ҳашаротлар чаққанда эса заҳарли таъсирини камайтиришда қўллаш мумкинлиги такидлаб ўтилган. Шунинг учун бўлса кераки тажрибали табиблар, шифокорлар ковракни ҳаётбахш женшендан устун ҳисоблашган.

Сурхондарё вилоятида (Узун, Денов, Қумқўрғон туманлари худудлари бўйлаб жойлашган – Боботоғ тоғ тизмаси ҳамда Бойсун тоғ тизмалари) худудида маҳаллий аҳоли томонидан коврагининг Смола-елим олиш учун асосан 1-2 га яқин тури ишлатилади. Ferula tadshikorum тури - бу маҳаллий халқ табобатида доривор ва озиқ-овқат ўсимлик сифатида танилган ягона тур сифатида фойдаланилади.

Этноботаник тадқиқотлар асоси Сурхондарё вилояти ҳудудининг доривор коврак ўсимликларнинг таркибини аниқлаш, турларини ажратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш аҳолини доривор ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Шунга кўра, доривор ўсимликларни инвентаризациялаш, Тожик коврагининг конспектини тузиш, истиқболли турлар захиралари ва йиғиш мумкин бўлган майдонларини аниқлаш, доривор ўсимликларни касаллик гуруҳларига қараб таснифлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. [5]

F. tadshikorum тури Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари асосан Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларининг адир ва тоғ зоналарида тарқалган. (Определитель растений Ср.Азии 7 том). Ferula tadshikorum Помир-Олай эндемик тури ҳисобланиб, у Хисор тоғларининг Жанубий қиялигида, Кўҳитонгда, Қоратегин тизмасининг жанубий қияликларида, Боботоғда ва Жанубий Тожикистонниг тоғ олди зоналарида тарқалган. Ўзбекистонда бу тур асосан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида учрайди.(1-расм)



1- Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида F. tadshikorum учрайдиган ҳудудлар

Ҳозирга қадар, юртимизда ушбу турни биологик хусусиятларини ўрганиш борасида мақсадли тадқиқотлар олиб борилмаган. Тур устидаги ягона тадқиқот иши қўшни давлат бўлган

Тожикистон Республикасида Х.С. Рахмонов томонидан “Биология и ресурсы *Ferula tadshikorum* M. Pimen. в южном Таджикистане” мавзусида олиб борилган. Ушбу тадқиқот ишидан андоза олган Ўзбекистондаги табиий захираси, унинг биоэкологик хусусиятлари ва замонавий дастурларни қўллаш орқали плантациялар ташкил этилиши мумкин бўлган майдонлар аниқлаш ишларини олиб бориш мақсад қилинган. Режалаштирилган ишлар амалга оширилса, турнинг табиий популяцяилари яна тикланади, экпорт қилиш учун учун махсулот кўлами ортади ва иқтисодиёт тармоғи учун қисман бўлса ҳам ёрдам бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, вилоятлар коврак етиштириш учун қулай иқлим шароити мавжудлиги, кам сарфли экинлиги боис плантациялар ташкил қилиб, мавжудларини янада кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Табиий ҳудудларда ўсувчи ковракни эса асраб-авайлаш, йўқолиб кетишига йўл қўймаслик ҳам долзарб масаладир. Энг муҳими, коврак етиштириш, қайта ишлаш ва уни ривожлантириш орқали янги ишчи ўринларни иқтисодиётга ижобий самара беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3617 қарори
3. О.Т.Тургинов, Д.Н.Жамалова, А.Р.Батошов Ўзбекистон флораси эндеми бўлган Ferula L. (Apiaceae) турлари Нам. ДУ илмий ахборотномаси 2019 йил № 2-сон Б.46-56
4. Коровин Е.П. Род Ferula L. // Флора СССР. Изд. АН СССР. М. –Л. 1951. Т
5. А.Шарипов Ўзбекистонда илмий амалий тадқиқотлар. № 19, 49-50 б
6. Интернет маълумотлари:
www.http://academy.uz/uz/news/tabiatni-asraylik
www.http://uzpharmagency.uz/

ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ СИФАТИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК

Муҳамадиев Ўткиржон Абдуахатович
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги олий таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим жараёнини ташкил этиш ва сифатини ўрганиш бўлими бошлиғи

Ҳозирги вақтда таълимнинг янги мазмунини шаклантириш каби вазифа ижросини таъминлаш борасида, кўп инновацион ўзгаришларни кузатиш мумкин. Жумладан, янги таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; янги дастурларни ўзлаштириш усуллари, техникасини қўллаш; ўқув жараёнида таълим олувчининг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун шароит яратиш; педагоглар ва уларнинг тарбияланувчиларини фикрлаш тарзининг эркинланиши, улар ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши, таълим муассасаларининг ижодий инновацион жамоаларининг яратилиши ва ривожлантирилиши ва ҳоказо. Демак, таълим нафақат мунтазам такомиллашувга, балки моҳиятига кўра инновацион бўлишни ҳам тақозо этмоқда. Чунки, дунё ва жамиятнинг мазмунан янгиланиши инновацион жараёнларга узлуксизлик характер бағишлайди ва табиийки таълимни доимий равишда янгилаб боришга ундайди. Бу жараён шуни англатадики, таълимни инновацион фаолият режимига ўтказиш шароитида модернизация унинг узлуксиз ривожланиши механизмига айланмоқда. Ушбу жараёнлар барча муаммолари, зиддиятлари, харажатлари, камчиликларидан қатъий назар ижобий ҳодисалардир.

Шундай экан, педагог компетентлигини ривожлантириш масаласини доимий маромида сақлаб қолишда узлуксиз касбий ривожланишнинг инновацион фаолияти билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзаро таъсирчан омиллар эканлигини инобатга олиб, педагогнинг компетентлиги доирасида, тарбия масалаларига

қаратилган омиллар нималардан иборат бўлишини ёритиш ҳам илмий муаммога айланмоқда.

Таълимнинг ижтимоий соҳа сифатида, шахс, давлат ва жамият эҳтиёжлари асосида бўладиган ўзгаришларга мослашувчан, тезкор жавоб бериш механизмларини вужудга келтириш учун шароит яратиш жараёнида, фақагина билим эмас, балки тарбия жараёнига ҳам эътибор бериш, айнан Шарққа хос бўлган, таълимни тарбиядан ва тарбияни таълимдан ажратиб бўлмас принципи заминида муносабатни шакллантиришга асос ҳисобланади.

Кўплаб тадқиқотчилар асарларида инновацион ёндашувга асосланган педагогик фаолиятнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган, айниқса, чет эл илмий доираларида инновацияларни режалаштириш ва инновацион жараёнларни бошқариш муаммолари илмий натижаларга эга. Бироқ ушбу талқинларда, тарбия масаласига глобаллашув шароитида зарур бўлган янгича, инновацион маънавий-маърифий тарбияни ҳам йўлга қўйиш муаммоси етарли даражада ўз ифодасини топмаган. Мавжуд илмий талқинларга мувофиқ, инновациянинг асосий вазифаларига педагогик жараён компонентларининг ўзгариши киради. Бу яъни, таълимнинг умумий коньюктураси, шакл ва мазмуни, технологиялар, бошқарув тизими. Бу фикрларни қўллаган ҳолда, ёшлар тарбиясини айнан, инновацион педагогик фаолият доирасидаги мазмун билан ҳамоҳанг яратишни замон тақозоси деб биламиз.

Педагогик инновациялар ҳар доим ижобий ижтимоий оқибатларга замин яратади, фақат муаммо шундаки, педагогик янгиликнинг натижасини олдиндан билиш ва баҳолаш осон жараён эмас. Таъкидлаш жоизки, инновацион таълим жараёнлари муқаррар равишда мавжуд анъанавий таълимга рақобат яратади. Чунки, инновацион, ривожланаётган тизимлар қидирув режими билан ажралиб туради. Таълимнинг турли тизимларини ишлаб чиқишда инновацион жараёнлар асосан қуйидаги соҳаларда амалга оширилади: янги мазмунни шакллантириш, янги педагогик технологияларни қўллаш, янги турдаги таълим муассасаларини яратиш. Лекин агар, ушбу жараёнларда, педагогик фаолият натижадорлигини таълим олувчининг тарбияла-

нувчи мақомидаги натижаси, яъни сиёсий, ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида ҳам аниқланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги замонда, таълим ривожланишининг етакчи тенденциялари шароитида ўқитувчининг касбий компетенцияси, бу аслида, ижтимоий воқеликнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, узлуксиз инновацион ривожланишнинг диалектик ўзаро боғлиқлигини ва шу билан бирга жамиятда таълим соҳаси фаолиятининг барқарорлигини ифодалайди. Таълим тизими учун педагогларнинг анъанавий касбий тайёргарлигига алтернатива сифатида касбий компетенцияни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаш жуда муҳимдир. Бу йўналиш педагоглар таълимида компетенцияга асосланган ёндашувни қўллаш асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, педагог таълим олувчи ўзлаштириши керак бўлган билимларни танламаслик ёки ривожланишни талаб қиладиган шахсият хусусиятларини аниқлаш муаммосига дуч келади, лекин биринчи навбатда таълим натижаларини қўллаш соҳалари ва соҳаларини танлаш энг муҳим бўлади. Айнан шу босқичда, инновацон тарбия омили муҳим жараёнга айланади. Шундай қилиб, педагогнинг малакаси нафақат таълимдаги инновациялар ривожланиши барқарорлигининг энг муҳим шартлари, балки тарбия жараёнининг ҳам ҳал этувчи омилига айланади.

Педагогик фаолият ҳар хил ўзгаришларни келтириб чиқарадиган янгиликларни яратиш ва жорий этиш шарти билан инновацион бўлиб қолади (масалан, янги ўқитиш методикаси, ўқув жараёнининг сифатини баҳолашнинг янги технологияси ва бошқалар). Чунки моҳиятига кўра, инновацион фаолият – бу инновацион жараённинг турли босқичларида ғоя ёки янги технология ишлаб чиқаришдан илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган янгиликларни яратиш ва ўзлаштириш, маҳсулотлар, хизматлар ва ишлаб чиқаришни янгилаш ва уни амалга оширишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Аслида эса, жараён давомида педагог тарбиявий ишларни ҳам амалга оширади ва ёшлар тарбиясида тўғридан тўғри иштирок этади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, кўп тадқиқотчилар инновацион жараёнларнинг моҳиятини янги назарий тушунишда, узлуксиз

инновацион ҳаракатни таъминлайдиган педагогик шартларни ишлаб чиқишда таълим олиш зарурлигини таъкидлайдилар. Шундай эҳтиёж, ўз навбатида, кадрларни, биринчи навбатда, педагогик инновациялар соҳасида малакали педагогларни махсус тайёрлаш муаммосини долзарблигини белгилайди. Бу ҳолат, педагогларнинг янгиликка тайёрлиги, узлуксиз инновацион режимда ишлаши, инновацион таълимнинг ривожланиш муваффақиятини белгилайдиган омилга айланади.

Шундай қилиб, педагогик инновациянинг моҳиятини англашда юқоридаги ёндашувларнинг барча тафовутлари билан уларнинг умумийлиги шуки, унинг диққат марказида педагогик ижодкорлик жараёнлари ва натижалари тарбиявий натижа билан муштарак мезон сифатида қаралса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тавсия сифатида таъкидлаш жоизки, педагогик инновацион фаолият билан боғлиқ ҳолда, педагогик компетенцияларни ривожлантиришда педагогнинг тарбиявий ишлари ҳам ўз аксини топиши лозим. Шунда тарбияни муҳим таъсирчан омилга айлантириш мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялари – Тошкент, “Молия”, – 2003 йил.

2. ТолиповЎ,Усмонбоева М.Педагогик технология: назария ва амалиёт:назария ва амалиёт – Тошкент, Фан, – 2005 йил.

3. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар –Тошкент, Фан, – 2000 йил.

ШАХС ВА ЖАМИЯТ ЎЗГАРИШИДА ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, социология фанлари доктори Ш.М.Содиқова

Аннотация.Мазкур мақолада жамиятдаги ўзгаришларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган, ўз навбатида шахс қадриятлари тизимини белгиловчи қадриятлар тизимини ўзгартириш муаммолари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: жамият, шахс, қадриятлар, қадриятларга йўналганлик, қадриятлар трансформацияси.

Аннотация. В данной статье рассматриваются проблемы изменения системы ценностей, которая в свою очередь служит индикатором изменений в обществе, и определяет систему ценностей личности.

Ключевые слова: общество, личность, ценности, ценностная ориентация, трансформация ценностей.

«Қадрият» тушунчаси нафақат аксиологияда, балки социологияда ҳам етарли даражада кенг қўлланилиб, инсон билан боғлиқ барча фанларда қадриятларнинг ижтимоий моҳиятини, уларнинг шаклланиш шартлари ва манбаларини аниқлайди, чунки қадриятлар тизими шахснинг асосий, таркибий элементи ҳисобланади. Қадриятлар муаммоси маданий анъаналарнинг қадрсизланиши ва жамиятнинг мафкуравий пойдеворига путур етказиш даврида пайдо бўлади.

Бугун бутун дунё COVID-19 пандемияси билан курашаётган бир даврда дунёда юз бераётган ўзгаришлар таъсирида қадриятларнинг ўзгариши ҳолатидадир.

Жамиятдаги инқирозлар шахснинг кундалик ҳаётида акс этади. Шахс ва жамиятнинг ўзаро таъсири шундан иборатки, жамият тарихи индивидуал мавжудлик орқали шаклланиб оммавий ҳодисани қўлга киритади, кейинчалик улар социологик тушунишга дуч келади, масалан, камбағаллик, бой, ўртача бой ва бошқаларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш орқали жамиятнинг иқтисодий тузилмасини ўрганади.

Қадрият йўналишлари шахс тузилмасининг муҳим бўғинларидан бирини ташкил этади, шунингдек, шахс ривожланишининг йўналишини белгилайди. Қадриятлар йўналишлари табиатига кўра, объектив ва субъектив характерга эга. Бир томондан, қадрият тизимлари маълум бир жамиятда шаклланади, бошқа томондан шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида ушбу қадриятларнинг ассимиляцияси уни шахсга айлантиради.

Аслида инсон фаолиятининг кўп предметлари, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг таркибига кирувчи табиий ҳодисалар ижтимоий муносабатларнинг предмети сифатида «объект қадриятлари» сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

Қадриятлар йўналишлари шахснинг ахлоқий позициясини, сиёсий, диний, эстетик танловларини белгилайди. Қадриятлар тизимининг барча турлари уларнинг шахс учун аҳамиятини аниқлаш учун турларга ва даражаларга кўра таснифланиши мумкин.

Ҳаётий қадриятларини ажратиб кўрсатиш мумкин, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний, эстетик. Ҳаётий қадриятлар – бу ҳаётни ўзи қўллаб-қувватлайдиган нарсалар. Буларга соғлиқ, хавфсизлик, фаровонлик (ҳаёт сифати), инсоннинг психофизиологик ҳолати (ички хотиржамлик ва бошқалар), яшаш жойлари киради.

Ижтимоий қадриятлар инсоннинг жамиятдаги ўрнини ва унинг ижтимоий алоқаларини белгилайди. Ушбу қадриятларга ижтимоий мақом, касбий фаолият, таълим даражаси, моддий таъминланганлик, оила, ўртоқлари ва б.қ.

Сиёсий қадриятлар - бу сўз эркинлиги, фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятлари, адолатлилик ва б.қ.

Ахлоқий қадриятлари - бу яхшилик, барака, шукроналик, виждон, қадр қиммат ва б.қ.

Диний қадриятлар бу эътиқод, иймон ва б.қ.

Эстетик қадриятлар бу гўзаллик, услуб, уйғунлик ва б.қ.

Гарчи бу тасниф шартли бўлиши мумкин бўлса-да, лекин маълум ижтимоий ва маданий маънога эга бўлганлиги сабабли, шахснинг кундалик ҳаётида қадриятлар унинг тузилишини белгилайдиган ягона тизимга боғланган.

Турли жамиятларда маданият, урф-одатлар, фаолият, таълим, тарбия жараёнида ижтимоийлашувнинг объектив шартлари сифатида такрорланадиган қадриятлар тизимлари мавжуд. Шахс учун қадриятларни танлаш унинг мазмуни билан боғлиқ (ҳаёти, фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва б.қ.).

Социологиянинг ўрганиш объекти – бу жамиятда аллақачон пайдо бўлган ёки шаклланган тенденцияларни акс эттирадиган, қонуниятларга айлантирилиши мумкин бўлган оммавий ҳодисалардир. Ижтимоий психологияни ўрганиш объекти – бу шахснинг ақлий ҳолати ва хатти-ҳаракатларида, бир гуруҳ фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларида ифодаланган ижтимоий ва психологик ҳодисадир. Бундан ташқари, тадқиқот объекти

шахс, жамоатчилик, мулоқот бўлиши мумкин, бошқа томондан тадқиқот объекти шахс ёки шахснинг ижтимоий-психологик алоқаларининг таркибий қисмлари бўлиши мумкин. Шахс – бу ноёб, бетакрор, ўзини таъминлайдиган, қадрлайдиган шахс сифатида тушиниш зарур. Шахснинг “Мен концепцияси” хатти ҳаракатларни тартибга солувчи билим тизими сифатида ифодалаш мумкин.

У иккита катта тизимни ўз ичига олади: шахсий идентиклиги ва ижтимоий идентиклик. Шахсий идентиклик жисмоний, интеллектуал, ахлоқий ва бошқа шахсий хусусиятларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги орқали ўз ўзини англашдир.

Ижтимоий идентилик шахснинг турли ижтимоий тоифаларга мансублиги билан белгиланади: ирқи, миллати, жинси, синфи, касбий ва б.қ. Шахс идентиклиги билан бир қаторда ижтимоий идентиклик ижтимоий ҳулқ атворни тартибга солувчи муҳим, баъзан доминант бўлиб қолади. Турли вазиятларга мослашиш учун “Мен концепцияси” инсоннинг хатти – ҳаракатларини тартибга солади, бу эса ижтимоий ёки шахс идентиклигини янада аниқроқ қилади. Шахсий ҳаёт фаолиятидан келиб чиқиб, ижтимоий қадриятлар шахснинг психологик тизимига киради.

Ҳар бир шахсда маданиятларнинг ўзига хос иерархияси мавжуд бўлиб, улар шахснинг маънавий дунёси, ижтимоий ва индивидуал ўртасидаги боғлиқ вазифани бажаради.

Ўзбек фуқароси учун жамоавийлик хос, ўзининг ахлоқий моделлари билан хос хусусиятларга эга, ушбу хусусиятлар миллий характернинг моҳиятини ташкил этади.

Жамоавийлик, ҳамжиҳатлик бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб улар “бутунжаҳон тортишиш кучи”ни ташкил этади. Европа мамлакатлари индивидуализмга асосланган бўлса, бугунги Каронавирус пандемияси билан курашаётган бир пайтда бутундунё жамоавийликка интилмоқда.

Ҳозирги даврда жамиятда ахлоқий қадриятларни намоён қиладиган таълим мафкурасининг ягона миллий модели мавжуд эмас.

Бугун аҳолининг ҳаётий энергиялари янги шароитга мослашиши, пандемия билан курашиши, шунингдек, бошқа нарсалар билан қизиқишга вақти ҳам ҳоҳиши ҳам йўқлиги аниқланган.

Кундалик ҳаёт – ягона ҳақиқат. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар жамиятнинг турли қатламларига тарқалиб, турли воқеликни шакллантиради.

Турли ижтимоий институтлар, технологиялар, усуллар ёрдамида маданий хилма хилликлар яратилади, бу бугун табиий ва муқаррардир.

Оила жамиятнинг муҳим ва шу билан бирга мураккаб ижтимоий жараёндир. Бу унинг нормал ривожланишининг зарурий элементи бўлиб, аҳоли ўсишини, ёшларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши ва эҳтиёжларини қондирилиши таъминланади. Оила инсон учун буюк бир неъматдир, шу билан бирга жуда катта куч талаб қилади. Катта авлод вакиллари ёш оила аъзоларига ижобий таъсир этади. Шуни унутмаслик керакки, инсон билим олади, миллий урф-одатларни ўзлаштиради, ўз хулқ-атворини онгли ва қалби билан шакллантиради. Шу сабабли авлодлар ўртасидаги ўзаро меҳр, ҳурмат туйғулари нафақат кексаларнинг узоқ умр кўриши, балки ёшларни тарбиялашда ҳам муҳимдир.

Инсон ўз атрофидан ўрганадиган қадриятлар бу дунёнинг тузилиши ва унинг аҳамияти ҳақидаги фикрларни жамлайди. Муайян социомаданий контекстдан ўрганилган эътиқодлар турмуш тарзининг яхлитлигини таъминлаш учун бирлаштирилган.

Ёшлар орасида ўтказилган конкрет социологик тадқиқот натижаларига асосан, бугун ёшлар учун асосий қуйидагилар қадриятлар ҳисобланади. Улар: оила, дўстлар, таълим, иш, касб, пул, куч, ўзини ҳимоя қила олиш. Бугун ёшлар катта авлоддан, давлатдан, ҳайрия жамғармалари томонидан уларни қўллаб қувватланишларини, ўқишга киришларига, ишга жойлашишларига, паспорт олишларига кўмаклашишларини айтиб ўтишган. Шунинг учун, уларнинг қадрият йўналишлари ижтимоийлашувнинг ҳал қилувчи омили эмас, балки уларнинг орзусини акс эттиради. Бу эса ўз навбатида жамиятга хавф солади.

Қадриятларнинг ўзгариши одамларнинг муносабатига таъсир кўрсатади. Айнан бугун пандемия билан курашаётган бир даврда жамиятнинг марказий муаммоси психологик муаммо эмас, балки ижтимоий алоқалар, ижтимоий қадриятларнинг йўқолиши намоён бўлмоқда.

Жамиятни янгилашнинг дастлабки даврида сиёсий қадриятлар одамлар онгида ўзгаради, якка шахс учун эса аҳамиятини йўқотади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, “жамиятда яшаш ва жамиятдан озод бўлиш мумкин эмас” – бу шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳисобланади. Жамият томонидан пишиб етилган қадриятлар тизими шахснинг қадриятлари тизимини белгилайди.

Шахсни тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш учун турли ижтимоий институтларни жалб қилган ҳолда, ушбу жараённинг ижтимоий амалиётига моддий ёрдам кўрсатадиган мафкуравий дастур жамиятдаги салбий ҳодисаларни бартараф этишга ёрдам беради.

Жамиятимизнинг ҳозирги босқичида ижтимоий барқарорлик, бошқарув органларининг касбий профессионаллиги, шунингдек, ижро ҳокимияти, қонунчиликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий барқарорлик ҳар бир шахснинг муносиб иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, ўзини тўлақонли шахс сифатида ҳис этиш имконини беради. Ҳам жисмоний ҳам маънавий ривожланиш учун жамиятда оналик ва болаликка бўлган муносабатни ўзгартиришдан бошлаш давлатнинг устувор вазифаси бўлиши керак. Шунингдек, оналикни муҳофаза қилиш демографик муаммо сифатида етимлик муаммосини ечиб бўлмайди. Бу ижтимоий муаммо бўлиб, жамият учун хавфни туғдиради. Шу сабабли инсон туғилишидан муносиб ҳаёт учун етарли шарт шароитлар билан таъминланиши, ривожланиши талаб этилади. Ушбу шарт шароитлар инсон учун ижтимоий истиқболларни белгилаб бериши, ундаги ижтимоий ролини ўзлаштириши Ўзбекистон фуқаросининг муносиб мақомини белгилаб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. М.Бекмуродов.Замонавий бошқарув социологияси. Т.,2020.
2. Социологический словарь, М., “Экономика” 2000.
3. Умаров Б. Оилавий тарбия сабоқлари. Т., 2019.
4. Фитрат А.Оила. Т., Маънавият, 2001.
5. Қуронов М. Миллий тарбия. Т., Маънавият, 2007.

СУЩНОСТЬ ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ В ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЕ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ – ВЫРАЖЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНЕ

Э.Бабамуродов, ТерГУ профессор, доктор Ф,Н
магистранту 2 ступени ТерДУ
Бадалова Джамиля

Соблюдение и действие в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан и законами являются обязательными для всех, независимо от пола, возраста, национальности, социального происхождения и т.д. Для нашей страны, где более половины всего населения составляет молодежь, этот вопрос имеет прямое отношение. Учитывая тот факт, что около 35 % населения Узбекистана составляют дети до 16 лет, а более 55 % — молодежь до 30 лет, роль и значение реформ в молодежной политике страны очевидны.

«Сегодняшний быстро меняющийся мир подчеркивает Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев, - открывает новые и большие возможности для человечества и молодежи. В то же время это также подвергает их различным злым опасностям, которых никогда раньше не видели. Злые силы убивают простых, пещерных детей против родителей, против своей страны, лишают их жизни.

В такой напряженной и опасной обстановке нам, родителям, учителям, общественности, обществу необходимо быть более бдительными и бдительными в этом вопросе. Мы должны воспитывать своих детей сами, а не оставлять их в чужих руках.

Для этого нам нужно больше разговаривать с нашей молодежью, слушать ее сердце, знать ее боль, оказывать ей практическую помощь в решении их проблем. Особое внимание в этом плане нужно уделить работе с неорганизованной молодежью.

При выполнении этих задач мы опираемся на формировавшиеся веками наши национальные традиции, богатое наследие наших предков. Мы сделаем все возможное, чтобы наши дети,

особенно девочки, овладели современными знаниями и навыками, иностранными языками, стали здоровыми и всесторонне развитыми, нашли достойное место в жизни.

Наша работа по обеспечению интересов нашего молодого поколения будет продолжена в соответствии с недавно принятым Законом “О государственной молодежной политике”.

Молодежное общественное движение «Камолот» приверженно стремлениям всей нашей молодежи, реализации ее способностей и талантов, реализации ее интересов.

Мы примем все необходимые меры, чтобы превратить его в охранную организацию”.[1]

В Конституции Республики Узбекистан, принятой на основе независимости, права и свободы молодежи нашли отражение в соответствующих конституционных нормах. В ней заложена норма, предусматривающая высокий уровень ответственности перед нынешним и будущими поколениями и означающая, выражение ими прав и интересов. Государство берет на себя ответственность за будущее своей молодежи, уделяя особое внимание при построении демократического государства и гражданского общества вопросу достойной преемственности молодых поколений. В то же время эти и подобные им нормы Конституции Республики Узбекистан в полной мере отражены в ряде законодательных актов, принятых на основе норм Конституции, в отдельных их составных частях. Эти законы можно условно разделить на две группы.

Первая группа – это законодательство, принятое в 1991 – 2000 гг. В этот период были приняты Законы «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» (20 ноября 1991 г., в новой редакции от 6 февраля 2014 г.), «О физической культуре и спорте» (1992), «Об образовании» (1992 г., 1997 г., 29 августа, в новой редакции) принята Национальная программа развития правовой культуры в обществе (1997). В 1991 г. Республика Узбекистан присоединилась ко Всеобщей декларации прав человека, а в 1992 г. к Международной конвенции о правах ребенка.

В эти годы были приняты «Меры по государственной поддержке молодых художников республики» (1992), «О защите»

(принято в новой редакции 11 мая 1992 г.), «Меры по стимулированию молодежи, обучающейся в Узбекистане», «О мерах» (5 февраля 1993 г.), «О присуждении Государственной премии молодым авторам Республики Узбекистан за лучшие произведения и научные труды» (3 сентября 1993 г.), «Об охране труда» (2 сентября 1993 г.) , «Узбекистан «О Молодежном фонде Камолот Республики Узбекистан» (17 апреля 1996 г.), «Совершенствование правового образования, повышение уровня правовой культуры населения, совершенствование системы подготовки юристов, Постановления «О совершенствовании изучения общественного мнения» (1997), «О поддержке Республиканского Совета по духовности и просвещению» (1999).

Принятое на этом этапе законодательство вместе с Конституцией Республики Узбекистан отменило старую командно–административную систему и ее правовую основу, служившую воспитанию молодежи на основе единой идеологии, и заложило демократические основы их воспитания, защиты прав и законных интересов.

Вторая группа – предотавлена законами, принятыми с 2001 г. На данном этапе отмечается усиление воспитательной работы среди несовершеннолетних, совершенствование работы государственных органов, общественных организаций и комиссий по делам несовершеннолетних, а также оказание помощи молодежи в поиске своего места в процессе социально–духовного и экономического обновления нашего общества, особенно в сельской местности. Особое внимание уделялось трудоустройству, созданию возможностей для занятий физической культурой и спортом, повышению правосознания и культуры наших детей. В этот период был составлен «Факультативный протокол к Международной конвенции о правах ребенка, о торговле детьми, детской проституции и детской порнографии» (29 сентября 2010 г.), «Об ограничении оборота и потребления алкогольной и табачной продукции» (2011). 8 апреля 2008 г. также были ратифицированы Конвенции о минимальном возрасте для приема на работу и о неотложных мерах по запрещению и ликвидации тяжелых форм детского труда опубликован Указ Президента Республики Узбекистан «Об организации изучения Конституции

Республики Узбекистан» от 4 января 2001 г. Осуществляется принятие Закона Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике».

В целом сфера действия законодательства, составляющего правовую основу государственной молодежной политики, очень широка. В связи с этим рабочая группа по совершенствованию действующего законодательства в рамках Государственных программ «Год молодежи», «Год здоровой матери и ребенка», «Год диалога с народом и интересов человека» провела анализ действующего законодательства, принятого за годы независимости., формирование системы законодательства, определяющего интересы и свободы. В целях совершенствования существующей нормативно–правовой базы рабочей группы, ее части по защите интересов и прав молодежи, процесса инвентаризации, помимо Конституции и кодексов, 22 законов в этой сфере, имеются 15 указов и 11 постановлений Президента Республики Узбекистан, 41 постановление Кабинета Министров, 32 ведомственных и нормативных документа. С учетом принятия десятков новых законодательных актов видно, что система нормативных правовых актов, основанных на нормах Конституции Республики Узбекистан, определяющих правовые основы государственной молодежной политики, состоит из более чем 150 частей законодательства.[2]

Принятие Закона «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» от 20 ноября 1991 г., являющегося одной из первых групп молодежного законодательства, в стране всего через восемьдесят дней после провозглашения государственной независимости одном из главных направлений.

Поэтому основная суть этой политики, направленная на создание условий для социального и духовного развития молодежи, разрабатывалась в течение почти двух с половиной лет под личным руководством Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова и принята 8 декабря 1992 г., что отражено в Конституции Республики Узбекистан.

Безусловно, Конституция является всеобъемлющим документом, основным правовым критерием для всех сфер общественной жизни, документом высшей юридической силы. При

этом права и свободы, изложенные в ней, в соответствии со статьей 18 распространяются в равной степени на всех, независимо от пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения. Важно отметить, что ряд норм Конституции прямо или косвенно закрепляют основные принципы государственной политики в отношении молодежи. Например, статья 37 гласит, что «каждый имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые и благоприятные условия труда и на защиту от безработицы в соответствии с законом».[3]

Таким образом, само собой разумеется, что не все на рынке труда имеют возможность работать в одинаковых условиях труда. Но эта норма выражена так, что показывает, как понятия, право на труд и справедливые условия труда не одинаковы для всех. Так, Трудовым кодексом Республики Узбекистан, принятым в 1995 г. (п. 2, ст. 239–247), и ст. 20 Закона о гарантиях прав ребенка, принятым 7 января 2008 г., предусмотрена 21 дополнительная гарантия. для молодежи. Согласно статье Кодекса, в целях подготовки молодежи к работе, общеобразовательной, школьной, допускать к трудовой деятельности учащихся профессионально–технических училищ и средних специальных учебных заведений после пятнадцатилетнего возраста с согласия одного из родителей или лица, его заменяющего, для выполнения в свободное время легкой работы, не наносящей вреда здоровью и развитию детей и не наносящей вреда нарушить учебный процесс. Кроме того, гарантии трудоустройства молодежи в возрасте до 18 лет, равенство молодежи со старшими работниками в трудовых отношениях и использовании дополнительных льгот, наличие перечня работ, на которых их работа запрещена, установление сокращенных рабочих часов (36, 16 в неделю) -, не более 24 часов, оплата труда в случае сокращения ежедневного рабочего времени.

Еще одним важным аспектом этого закона является статья 5 Закона о государственной молодежной политике, которая заключается в воспитании гармонично развитого поколения. Показано, что следует воспитывать молодежь в духе патриотизма, гражданского долга, толерантности, уважения к закону, наци-

ональным и общечеловеческим ценностям, с твердой верой и взглядами на жизнь, способными противостоять пагубным влияниям и течениям.

Необходима защита молодежи от действий, нарушающих нравственные устои, от идей терроризма и религиозного экстремизма, сепаратизма, фундаментализма, насилия и жестокости.

В связи с этим международным сообществом признаны два критерия для оценки результатов работы, проводимой в любой стране: системы здравоохранения и образования.

Как подчеркивает Ш.Мирзиёев «наша важнейшая и неотложная задача – воспитать молодых людей с высокой духовностью, независимым мышлением, современными знаниями и профессиями, привить им чувство уважения к национальным и общечеловеческим ценностям, сформировать идеологический иммунитет в сердцах и умах наших детей.

При выполнении этих задач мы опираемся на формировавшиеся веками национальные традиции, богатое духовное наследие наших предков. Усилим пропагандистскую работу, направленную на воспитание чувства любви и преданности Родине в сердцах нашей молодежи, воспитание ее в духе здорового образа жизни. Наша политика в этом отношении будет строго проводиться в соответствии с требованиями вновь принятого Закона «О государственной молодежной политике».[4]

Статья Конституции Республики Узбекистан гласит: «Каждый имеет право на квалифицированную медицинскую помощь».[5] В целях обеспечения жизнеспособности этой конституционной нормы ежегодно на систему здравоохранения направляется более 12 – 15% расходов государственного бюджета. За короткий срок полностью улучшена деятельность медицинских учреждений, построено более 3200 сельских врачебных пунктов, созданы специализированные научно–практические медицинские центры, почти 100% детей до 14 лет обследуются два раза в год, и женщины детородного возраста обследуются ежегодно. Одноко принятых мер явно недостаточно, так как материнская и младенческая смертность за последние 25 лет увеличилась более чем в три раза.

В 2011 г. Узбекистан занял 9–е место среди стран с наиболь-

шей заботой о здоровье подрастающего поколения в мировом рейтинге из 161 страны, составленном международной организацией «Спасите детей».[6]

В своем выступлении на открытии Международного симпозиума «Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка в Узбекистане: здоровая мать – здоровый ребенок» Ислам Каримов подробно рассказал о факторах успеха страны, привлекших внимание участников конференции.

Помимо решения вопросов политического, экономического и социально–стратегического значения, Первый Президент всегда уделял большое внимание многогранным задачам, направленным на коренное изменение жизни нашего общества. Он явился непосредственным автором и руководил работой по созданию и внедрению совершенно новой системы образования и воспитания, коренным образом изменившей мышление и мировоззрение нашей молодежи, становящейся решающей силой в настоящем и будущем нашей страны. Как отмечал Ш.Мирзиёев, “И.Каримов поднял уровень государственной политики по уважению духовных ценностей нашего народа, сохранению и развитию нашей священнойрелигии традиций и обычаев, нашего бесценного исторического наследия»[7].

Указ Президента Республики Узбекистан «Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан», изданный 4 января 2011 г., также служит программой массового изучения Конституции и ее реализации в страна. С этой целью была поставлена задача преподавать Конституцию Узбекистана в детском саду, как учебник в школах и как специальный предмет в высших учебных заведениях.

СПИСОК ИСПОЛЬЗУЕМОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзуси маърузасидан // “Халқ сўзи”. -2016 йил. -8 декабрь. -№ 243 (6678)

2. Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати // “Ҳуқуқ ва бурч”. -2008 йил. -8-9-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., 2012 йил. -9 бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал – демократик партиясининг VIII съездидаги “Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир”мавзусидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, -2016 йил, -2 ноябрь. -№ 216 (6651)

5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.; 2012 йил, -9 бет.

6. Каримов И. А. Ўзбекистон она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола мавзусидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон. 2012. 26-36 бетлар

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // “Халқ сўзи”. -2016 йил, -9 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ-ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ДОИР

Эркин Бобомуродов ТерДУ Профессори,
фалсафа фанлари доктори
ТерДУ 2-босқич магистранти
Зоирова Сожида Умбаровна

Ёшлар тарбияси ҳақида гап кетганда уни миллий ва умуминсоний қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қадим тарих саҳифаларида улуғ донишмандлар битикларида, халқнинг руҳи ва қалбини ифодаловчи ривояту ҳикоятларда, илғор ва ҳур фикрли ижодкорлар, санъаткорлар, сиёсат намояндаларининг маъ-

навий-маърифий меросларида улуғ қадриятлар силсиласи намоёндир. Улар эзгулик ғоялари билан жилоланган дурдоналардир. “Бори яхшилиғ қилғилким, ондин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қилди фалондин яхшилиғ” деган Бобурнинг эзгу қарашлари бутун-бутун авлодларга ибрат намунасидир. Яхшилик чинакам инсонийлик бўлиб, у халқимизнинг инсонпарварлик қарашларининг меҳр-оқибатлилик фазилатининг ифодасидир. Ота-боболаримиз ўз турмушларида доимо яхши ният билан, орзу-истакларини уларда жо қилиб яшаганлар, улар ўзларининг яхши номлари билан бутун жаҳонга донг таратганлар. Соҳибқирон Амир Темур “Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим”, деган. [1].

Яхшилик комил тарбия кўрган кишиларга хос бўлиб, бу маънавият билан боғланади. Маънавиятлилик эса, аввало, ўзликни англаш билан боғланади. “Ўз халқи тарихини билмаган миллатлар хотира ва идрокларини йўқотиб қўйган довдирларга ўхшайди.” [2]

Демак, маънавият тўғриликка элтувчи йўл, аниқроқ айтганда, тўғрилик-ростликнинг ўзидир.

“Маънавият тушунчаси асосида ростлик, ҳаққонийлик, тўғрилик мужассамдир. Мисол: одамлар пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)ни “амин”, Амир Темур бобомизни дўстлари ва рақиблари “ростгўй” дейишган. ПрезидентимизШавкат Мирзиёев ҳақида халқимиз “тўғри сўз”, “адолатли одам”, “сўзи билан иши бир одам экан” дейишмоқда. Ҳадисларда “Иймондан кейин келадиган, аммо иймон қадар азиз турадиган сўз борми?”- деб сўрашганда, Пайғамбаримиз: “Бор, у сўз лафздир”, деганлар. Лафз эса тўғриликдир.Биз тўғрилик замонида яшаяпмиз”[3].

Маълумки, инсон шахс сифатида тарбияланиб шаклланишида халқимиз томонидан яратилган бой маданий – маърифий қадриятлар муҳим ўрин тутади. Бунга илмий – техника ва ақлий имкониятлар, таълим – тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, миллий қадриятлар, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва бошқаларни киритиш мумкин.

Президент Ш.Мирзиёев ўзининг сайловолди учрашувларида ва президентлик давридаги маърузаларида халқимизнинг тарихи ва маънавиятини безаб турган бундай ноёб ёдгорликлар, улуғ сиймолар ҳақида, уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва роли ҳақида қайта – қайта таъкидладилар. Жумладан, андижонликлар билан бўлган учрашувда таъкидлаб айтдиларки, тарихга қарасак ҳам, бугунги кунга қарасак ҳам, Андижон заминидан кўп соҳалар бўйича кўплаб буюк, фидойи инсонлар етишиб чиққанига амин бўламиз. Чунки миллат, эл – юрт тақдири учун куйиш, миллий ғурур, ор – номус учун бел боғлаб майдонга чиқиш – Андижон аҳлига хос фазилат. Мана, улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни олайлик. Бу буюк зот ўн икки ёшидан бошлаб Темурийлар давлатинисақлаб қолиш учун ўзини ўқа ҳам, чўққа ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам қўрқмади. Қирқ олти йиллик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат билгани йўқ. Ўз авлодларига Ватанга бўлган буюк муҳаббатини, эзгу фазилатларини мерос қилиб қолдирди.

Давлатимиз раҳбари фарғоналиклар билан сайловолди учрашувларида бу воҳанинг тарихига тўхталиб ўтдилар. Чунки Фарғонада, деганда, аввало, Қубо – ҳозирги Қува, Марғилон, Қўқон каби кўҳна цивилизация масканлари, буюк тарих ва маданиятга эга қадимий ва гўзал бир ўлка кўз олдимизда жилваланади.

Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Фарғона номини бутун дунёга таратган Аҳмад Фарғоний бобомизнинг ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва яҳудий тилларига таржима қилинган “ Астрономия асослари” китобини эслаш кифоядир. Улуғ алломанинг лойиҳаси асосида Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган иншоот “Миқёси Нил” Мисрда ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда.

Ёки яна бир улуғ аждодимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари неча юз йиллардан буён мусулмон дунёсида ислом ҳуқуқи бўйича асосий қўлланма бўлиб келаётир. Булар бугунги авлодда ўзига хос ғурур ва ифтихор туғдириши табиий.

Президентимизнинг бухороликлар билан бўлган сайловолди учрашувда эслаб ўтган маданий мерос ҳақидаги далиллари ҳам қимматлидир. Чунки азим Зарафшон дарёси бўйида жойлашган бу гўзал воҳадаги Варахша ва Ниршах сингари қадимий циви-

лизация ўчоқлари, кўҳна Арк, Сомонийлар мақбараси, чашмаи Аюб, Миноpаи Калон, Чор Бахр ва ўнлаб ноёб меъморий обидалар тарихимиз, маданиятимиз қандай чуқур излдизларга эга эканлигини яққол тасдиқлайди.

Бу қутлуғ заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдухолиқ Ғиждивоний, Мир Саид Кулол, Хўжа Ориф Ревгарий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламида машҳурдир.

Шундай қилиб, халқимизнинг миллий қадриятлари, умуминсоний эзгу қадриятлар билан уйғунлик, ҳамоҳонглик касб этади. Буни миллий ғоямиз ва миллий мафкурамизнинг таркибий тушунчаси деб қарасак ўринли бўлади. Чунки миллий мафкура тушунчасидаги "миллий" аниқловчиси этник мансубликни билдирмайди, балки мамлакатга, муайян жамиятга мансубликни билдиради. Шу боис миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчалари"миллий истиқлол", "миллий бюджет", "миллий ялпи маҳсулот", "миллий хавфсизлик", "миллий герб", "миллий байроқ" тушунчалари каби Ўзбекистонда яшовчи барча ҳалқларга тегишлидир.

Халқ онгига миллий ғоя қанчалик чуқур сингса, унинг ўзлигини англаши, ички муштараклиги, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўзини ягона халқ-ўзбекистонликдеб ҳис қилиши шунчалик кучаяди.

Миллий мафкура миллий ғоя теварагида шаклланади ва у ифодалаган олий мақсад йўлида жамият аъзоларининг этник мансублигидан, ижтимоий аҳволидан, жинси,ёши, тилидан қатъи назар, жиплаштиради. Бошқача айтганда, миллий ғоя миллий мафкураорқали халқнинг куч – ғайрати, иродасини, ақлий ва ҳиссий салоҳиятини белгиланган омолларга, орзу-умидларга эришиш томон йўналтиради, бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни енгишга сафарбар этади.

Маълумки, ўзбек халқикўп қиррали бой маданиятга эга бўлган ва ўз мақсади билан жаҳон цивлизацияси ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келган. Халқимиз томонидан узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яралган маданиятимиз ўзининг тарихий илдизларига, ўз қадриятларига эга.

Ёшларнинг комил инсонлар, мустаҳкам оила вакиллари бўлиб етишишида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни беқиёс. Мустақил Ўзбекистоннинг куч–қудрат мабаи–халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, яхшилик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янгича мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик,маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишининг камол топишига эришиш учун зарур шарт – шароит яратишда ўз ифодасини топмоқда.

Қадриятлар тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маънавий омил саналади. Қадриятлар таълим – тарбиянинг муҳим воситаси сифатида инсон ҳаёти учун, вужуднинг тириклиги, сиҳат–саломатлиги, меҳнати, билими, муомаласи кабиларга жиддий таъсир этади. Ёш авлодда қадриятларга муносабатда бу хусусиятларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият тараққий этган сари умуминсоний қадриятлар кўпайиб бораверади. Масалан, эркинлик, тинчлик, тенглик, маърифат, ҳақиқат, маънавият, гўзаллик, яхшилик,инсонпарварлик, ижтимоийлик, демократия, қонун устуворлиги ва бошқалар. Бу туйғулар мустақиллигимизнинг янги босқичга кўтарилиши жараёнида халқимизнинг онг ва шуурига тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз “Наврўз фалсафасида, Наврўз қадриятлари-одамлар дарду–ташвиши билан яшаш, кексаларни ҳурматлаш, муҳтож оилаларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда”, дейди. [4].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амир Темур ўгитлари. Т.: “Наврўз”, 1992.
2. Туркий халқлар мафкураси. ТУРОН. Т.: “Чўлпон” 1999 йил
3. Ҳаракатлар сратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланишлар сари. Рисола. Нашрга тайёрловчилар: М. Бекмуродов, Қ. Қуранбоев, Л.Тангиров. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи HMUY, 2017.

4. Мирзиёев Ш. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. II ТОМ.

РЕНЕССАНС – НОЁБ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА

ТерДУ пефессори, Фалсафа фанлари доктори Эркин Бобомуродов
ТерДУПИ 1-босқич магистранти Жовлиев Жўрабек

“Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса **“Ренессанс”** – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.»

Инсоният ўзининг кўпминг йиллик тараққиёт йўлида нималарга эришган бўлса, барчасида маънавиятнинг улуши бор. Хусусан, Ўзбекистон бугунги кундаги барча ютуқларининг замирида маънавият, маърифат, маданият учлиги бор. Майли, статистик рақамлар билан ўқувчиларнинг вақтини олмайлик. Шунчаки, атрофимизга назар ташлайлик. Қизириқ туманидан бўлган собиқ талабамиз бир воқеани гапириб берди. “Уй қурдим. Девору пойдеворини кўтардим. Энди томи билан чордоғига ёғоч олишим керак эди. Туман катта бозорида уйилиб ётган ёғочнинг ҳисобини худо билмаса, бандаси билмайди. Лекин қоғоз-қаламга ўрганиб қолган мендай одам учун уззукун бозор айланиш, ёғочу шифер саралаш – ўта машаққатли иш. Қолаверса, “ортиш-тушириш” билан боғлиқ вақт йўқотишлар, озорланишларни ўйласам, ичимдан чарчаб кетаман. Хуллас, бозорга бормаслик учун баҳона ахтариб турган пайтимда том ёпадиган уста қўшним келиб қолди. Гурунг асносида ўзимни қийнаб турган ташвишни айтиб қолдим ва “юринг, бирга бориб келайлик”, дея уни ҳам бозорга ундадим. У ҳайрон қолди: “Бозорда нима қиласиз, ҳамсоя?” “Айтдим-ку, манави уйнининг томини ёпиб, чордоғини кўтаришим керак деб”. “Э, бу масалани уйда ўти-

риб ҳал қилса бўлади-ку! Ҳозир бир дўкончининг телефонига чиқамиз”, деб чиндан ҳам бир рақамни териб муомала қила бошлади қўшним. Қарасам, иш битаётгандай. Қўшним муаммони айтди, дўкондор буюртмани қабул қилди. Тушунишимча, туман марказидаги дўкондор менинг ўлчамларим асосида буюртма қабул қилади ва ёғоч-шиферни жўнатади. Мен эса қабул қилиб оламан-да, пулини бериб юбораман. Аввалига ишонмадим. Эътирозимни уста қўшнимга айтдим: “Тахта деб бир уюм бракни бериб юборса-чи?” “Сира хавотир олманг: умуман ундай қилмайди. Сабаби – ғирром, ишончсиз бўлиб қолишдан қўрқади”.

Охир-оқибат, худди қўшним айтгандай бўлиб чиқди. Худди саралаб олингандай сифатли маҳсулот уйимга “ўз оёғи” билан келди. Мен эса пулини санаб бердим”, – деб гурунг беради собиқ талабамиз ва илова қилади: “Бозорга маънавиятнинг аралашгани шу эмасми, устоз?”

Қайси соҳани олиб қараманг, маънавият ва маданият аралашган. Замоннинг, даврнинг ўзи одамларни ана шундай бўлишга мажбур қилмоқда. Соддароқ айтадиган бўлсак, ҳалол бўлмаган тижоратчи синади, касодга учрайди.

Биз келтирган айни мисолнинг мамлакатимиз бўйлаб қулоч ёза бошлаган Учинчи Ренессансга алоқаси камроқдек туюлади. Фақат зоҳиран шундай. Аслида, мақсад халқни маънавиятга ошно қилиш бўлса, усулнинг аҳамияти йўқ, бизнингча.

Ана шу ғоя асосида юртимизда “Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс сари” деган шиор илгари сурилаётгани ҳам бежиз эмас.[1]

Президентимиз, асосан, ёшларнинг тарбияси ҳақида гапириб, уларни санъат, адабиёт, маданият ва ижод орқали маънан баркамол инсонларга айлантиришдек улуғ мақсадларни назарда тутади. Маънавиятга элтувчи энг қисқа йўл адабиёт ва санъат орқали ўтади.

Ўзбекистон аҳолисининг 55 фоизини ёшлар ташкил этади. Биз ёшларга бугун қандай тарбия берсак, эртага улар худди шундай инсонлар бўлиб етишади. Давлатимиз раҳбари ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидлаган. Чиндан

ҳам миллатимизнинг кўҳна Шарқдаги нуфузини кўтарган боболаримизнинг ҳаёти астойдил ўрганилиши лозим. Оддий мисол: мамлакат бўйлаб “Навоийни англаш”, “Навоийхонлик”, “Назм мулкининг султони” каби бир-бирига мазмунан ўхшаш тадбиру кўрсатувлар намойиш этилади. Лекин фақат назарий тарғибот билан ёшларга Навоийни танитиб бўлмайди: буни ўтган йилларнинг аччиқ тажрибаси кўрсатди. Яъни ёшларимиз Навоийни билади, лекин қалбан танимайди, ҳис қилмайди. Нега энди ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берадиган кичик ҳажмли видеороликлар, бадиий картиналар яратиб, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиб борилмайди? Масалан, ҳазрат Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг илк учрашувлари акс этган ўн дақиқалик кичик ҳажмли фильм яратилса, ёшлар жон деб томоша қилади-ку? Ёки ҳазратнинг давлат арбоби сифатида қилган ишлари баён тарзида эмас, бадиий талқинда кенг тарғиб этилса, ёшлар яхши қабул қилишади-ку? Ҳазрат Навоий ўз маблағлари ҳисобидан “Ихлосия”, Шифоия”, “Унсия” каби ижтимоий аҳамиятли бинoларни қурдириб, халқ ихтиёрига берганлар. Ана шу тарихий факт акс бадиий лавҳалар тайёрлаб, тарқатиш унча қийин иш эмас, назаримда. Бу ҳол халқ орасида инсонпарварлик, саховатпешалик, эҳсонкорлик муҳитининг равнақ топишини таъминлаган бўлур эди. Худди шу хилдаги тарғибот бошқа буюк боболаримиз ҳақида олиб борилиши шарт деб ҳисоблайман. Сиз ижтимоий тармоқларда Навоий ғазалларини жойлаб, “лайк” йиғманг. Шунчаки, Навоийни ёшларга том маънода танитинг: уларнинг ўзлари керакли ғазалларни излаб топишади. Бунга ишончим комил. Бу гапларни қатъий айтишимга сабаб шуки, менинг ўқитувчилик фаолиятимда ҳам шунга ўхшаш вазиятлар бўлган. Йигирма йил аввал эди. Талабаларга дарс ўтиш асносида султон Жалолиддин Мангубердининг Синд дарёси бўйида Чингизхон лашкари билан ўтказган жангининг тафсилотини (мароқ билан) худди кўриб тургандек сўзлаб бердим. Тан олиш керак: катта маъруза зали пашша учса сезилгудек даражада сукутга чўмди. Ҳатто қайғули якунланган ҳикоямни тўхтатганимдан кейин ҳам бир муддат жимлик кўтарилмади. Ва ниҳоят бир бола журъатсизгина қўл кўтариб: “Устоз, Жалолиддин Мангубердининг курашлари ҳақидаги бадиий китобни

қаердан топсам бўлади?” деб сўради. Мамнуният билан ҳис этдимки, мен Жалолиддин ҳақида жонли айтиб бериб, бирданига икки вазифани бажардим. Биринчидан, китобга меҳр уйғотдим. Иккинчидан, ёшлар қаблида элга, ватанга муҳаббат уйғота олдим.

Президентимиз айнан шу фикрга муносабат билдириб шундай дедилар: “Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари”ни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофдаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам”.

Ана шу муаммо, яъни атрофдаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган мутахассисларнинг камлиги ҳар жабҳада намоён бўлмоқда. Дейлик, аксар мактабларда тарих, адабиёт, маънавият асослари каби фанлар энциклопедик тарзда ўтилади. Ҳатто олий ўқув юртларида ҳам ижтимоий-гуманитар фанларни ўтишда аниқ фанларга қўйиладиган талабларни биринчи ўринга қўйиш ҳоллари учраб туради. Бу дарс ўтиш технологиясининг нотўғри эканлигидан эмас, ўқитувчининг юмшоқ қилиб айтганда нўноқлигидан. Тасаввур қилинг: тарих дарсида ўқитувчи Темур давлатчилиги ҳақида маъруза ўқимоқда. Ишончим комилки, маъруза ўша давр билан боғлиқ рақам ва саналарга тўлган бўлади. Талаба ҳатто рақамлардан безиллаб қолади. Қанчалик ёқимсиз бўлмасин, баҳо керак бўлса, шўрлик талаба ўша рақамларни, саналарни ёдлаб олади. Лекин темурийлар давлатининг асл моҳияти, давлатчилигимизнинг жаҳон саҳнасидаги аҳамиятини сира англаб ета олмайди. Биз “Тарих – бу саналардир” деган эски қолиплардан аллақачон воз кечишимиз керак. Яна чуқурроқ кирадиган бўлсак, олий таълим даргоҳларининг тарих, адабиёт, фалсафа мутахассисликларига қўйиладиган талабни буткул янгилашимиз керак. Тарих фанига ҳавас қилиб, келажакда шу соҳанинг мутахассиси бўламан деган йигит-қизлар минглаб саналарни ёд олишлари шарт эмас. Ўша рақамларни керак бўлган пайтда дарсликдан кўриб олса ҳам, дарснинг сифатига путур етмайди. Ишончим комилки, муҳтарам Президентимиз “янгича фикрлаш ва ишлаш” деганда айнан шундай ёндашувни назарда тутганлар.

Хўш, бунга қандай эришилади? Бу саволнинг жавоби шунчалик оддийки, уни бешта сўз билан ифодалаш мумкин: кўпроқ бадиий китоб ўқиш керак.

Китоб ўқиш билимни мустаҳкамлаш, тасаввурни кенгайтириш, шахснинг позициясини шакллантириш учун энг бирламчи восита. Ҳар қандай илм замирида дунёқараш ва тасаввур ётади. Модомики, тасаввур ва тахайюл бўлмас экан, барча ўрганилган билимлар инсон миясида "бефойда юк" бўлиб ётаверади.

Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, маънавият, адабиёт ва санъатни юксалтириш, умуммиллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ёшларни тарбиялаш айнан таълим тизими хизматчиларининг вазифаси эмас. Президентимиз айтганларидек, "Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади".

Шу ерда яна савол туғилади: маънавият, адабиёт ва миллий маданиятни тарғиб қилиш, ёш авлод қалбига сингдиришдек вазифани, дейлик, жамиятнинг ўртамиёна аъзоси қай йўсин амалга ошира олади? Давлат миқёсида қабул қилинган дастур ёки расмий меъёрий ҳужжат йўриғи асосида фидокорона фаолият олиб борадиган ташкилот, маъмурий ҳудуд ёки муассасада хизмат қилмайдиган оддий фуқаро ҳақида гап кетмоқда.

Ҳар қандай билим ёки кўникманинг бош манбаи китоб эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволнинг жавоби ҳам китобхонлик маданиятини ошириш масаласига бориб тақалади. Шу ўринда китобхонликни тарғиб қилиш айнан ўзимиз билган ҳудудларда қандай аҳволда эканлигини айтиб ўтишга эҳтиёж сезилади. Энг аввало, республикамиз миқёсида катта эътиборга сазовор бўлиб, йилдан йилга кўп ўқувчиларни жалб этаётган "Ёш китобхон" танлови ҳақида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш шарт деб ҳисоблайман. Мазкур танлов адабиёт фанидан олинадиган имтиҳонни эслатади, холос. Назаримда, мукофот учун қўйиладиган "Спарк" автомобилини қўлга киритиш учун рўйхатдаги китобларни обзор тариқасида қориёд қилиш кифоя. Танлов иштирокчилари муайян китобни тўлиқ ўқиб чиқиб, таассуротларини бошқаларга "юқтира" олишларини кафолатлайдиган шартларни кўрмадим у ерда. Агар "Ёш китобхон", "Ёш

китобхон оила” каби танловлар ҳар бир босқичда буткул бошқа низом ва шартлар асосида ҳалол ва шаффоф ўтказилса, биз Учинчи Ренессанс деб номланган ноёб ижтимоий ҳодисанинг мевaларидан тез орада баҳраманд бўла бошлашимизга шубҳа йўқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2022- 440 бет. ISBN 978-9943-7951-6-7

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

ТерДУ префессори, Фалсафа фанлари доктори Эркин Бобомуродов
ТерДУПИ 1-босқич магистранти Жовлиев Жўрабек

Бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигининг янги босқичга кўтарилганини, тараққиётида улкан ўзгариш ва жадаллашув юзага келганини кўриб турибмиз. Шундай пайтда ёшлар тарбияси масаласи ҳам эътибордан четда турмайди, аксинча, катта рағбат касб этади. Чунки ҳар жабҳада катта куч бўлиб майдонга чиқувчи, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшлар давлатимизнинг, халқимизнинг таянчи ва суянчидир. Шу сабабли истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга долзарб вазифа сифатида қаралди ва бугунги кунда ҳам шу даражада аҳамият қаратилмоқда. Бу вазифанинг долзарблигини Президент

Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларида ҳам яққол ҳис этамиз: “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшайдиган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” [1]

Мамлакатимизни 2017 Юртимиз тараққиётида Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамият касб этган ва этади. Ўтган 5 йил мобайнида юртимизда улкан иқтисодий, ижтимоий, маданий масалалар ўз ечимини топганлигига биз ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлдик ва шу ўзгаришларда фаол иштирок этдик. Муҳтарам Президентмиз томонидан тўғри танланган сиёсат натижасида биз бугун Ўзбекистонни янги бир кўринишда яъни “Янги Ўзбекистон” номи, шиори остида кўряпмиз. Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми сифатида янги Тараққиёт стратегиясини бошладик.

— 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва

таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ёшларнинг жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашувини рағбатлантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-назарий салоҳиятларини ўстириш учун зарур шароитлар яратиб бериш учун, мустақилликка эришиб, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштираётган Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий руҳияти шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганиш, тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Миллий ғоя, биринчи навбатда, ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш,уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур[2].

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

Тараққиёт стратегияси ҳам ўз номи билан ватанимиз равнақига муносиб ўкмакдош бўлади деган ишончдамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.I ТОМ.

2. “Келажак ёшлар қўлида”. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларидаги Баркамол авлодни тарбиялашга оид ҳикматли фикрлар мажмуаси. Т.: “Ўзбекистон”, 2010, 35-бет.

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНОЙ ПСИХОЛОГИИ МОЛОДЕЖИ СОВРЕИЕНОГО УЗБЕКИСТАНА

Бобомуродова Шоира Эркиновна,
Ташкентский государственныий университет
иммоно Алишера Навои доц.

Становление и развитие социальной психологии молодежи представляет собой длительный диалектический процесс, полностью зависящий от социально–экономических, общественно–политических, культурно–духовных и других изменений в обществе.

В целях формирования психологии молодежи в период современного реформирования и эволюции общественных отношений, национального возрождения, возрождения духовных ценностей восстанавливается связь между предками и поколениями, историческое прошлое и будущее народа, опыт, знания, традиции и культурное наследие передаются по наследству. Но это не слепое, бессознательное следование традициям прошлого, а тщательный отбор и использование их, углубляющих процесс самонравственного и духовного развития народа.

Важно знать социальную психологию и общественное сознание молодежи и правильно понимать категорию «образ жизни» в формировании необходимой позитивной направленности. Образ жизни – философско–социологическая категория, охватывающая совокупность жизнедеятельности (сочетаемой с условиями существования труда, быта, досуга, культуры, образа жизни и т. д.) индивида, социальной группы и т. д.). Наблюдается наследование и усвоение подрастающим поколением положительных элементов родового образа жизни, норм ценностей, воздействие всей совокупности социальных отношений в процессе идейно–воспитательной работы в семье, дошкольных учреждениях, общеобразовательных школах, лицеях, университетах и колледжах. Формирование образа жизни современной молодежи в соответствии с общепринятыми нормами – это вечный диалектический процесс, который не состоит только в запоми-

нании существующих норм общественной жизни и поведения. При этом в формировании образа жизни молодежи велика роль активного выбора своего образа жизни как личности, выработка ценностей на основе личного опыта с конкретной целью.

Определяя роль молодежи в построении демократического правового государства в Узбекистане в эпоху глобализации, необходима разработка правовых вопросов и глубокий и всесторонний анализ проблем конкретных аспектов молодежи.

«Согласно концепции проводилась последовательная работа по дальнейшему реформированию судебной системы, укреплению независимости и свободы судей, обеспечению законности, надежной защиты прав и свобод человека как важной составляющей развития и демократизации общества, – отмечал Ислам Каримов[1].

Необходимо кардинально пересмотреть освещение исторических событий, в том числе борьбы узбекского народа за национальное и социальное возрождение, так как в прошлом история колониального периода Средней Азии оценивалась беспристрастно и однобоко.

Историки работают над восстановлением реалистической картины процесса исторических событий периода 1917 – 1990 г.г., над формированием социальной психологии и сознания молодежи на основе справедливого, объективного понимания.

Работы узбекских историков по этим и другим вопросам последних лет помогут подрастающему поколению изучить историю своего народа, его богатую материальную и духовную культуру, почерпнуть из нее необходимые аспекты для сегодняшних перемен.

Потребности социально–экономического и духовного развития ставят перед философской наукой ряд методологических проблем, требующих осмысления в терминах нового мышления.

Народы Узбекистана имеют богатую философскую культуру, корни которой уходят в глубину тысячелетий. Теперь, используя этот богатый пласт культуры, конкретные предложения должны быть, направлены на восстановление подлинно научной философии и радикальное обновление общества. Философия

должна формировать общественное сознание в соответствии с исторической действительностью[2]. Обновленному обществу потребуется обновленная философия. Учитывая это, узбекским ученым необходимо пересмотреть свой традиционный подход к развитию духовной культуры.

Социологи несут прямую ответственность за состояние социальной психологии и общественного сознания людей, особенно молодежи, и поэтому не могут оставаться в этом вопросе обычными наблюдателями.

Согласно Конституции РУз, «общественная жизнь в Республике Узбекистан развивается на основе многообразия политических институтов, идеологий и мнений»[3]. Это соответствует природе демократического правового государства, в котором могут свободно действовать различные политические партии и, следовательно, идеологии.

Принятие Закона Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике» – яркое проявление высокой заботы нашего правительства в этой сфере. Молодежь составляет более 55 % населения страны. Вот почему она находится в центре внимания нашего правительства. Целью настоящего Закона является регулирование отношений в сфере государственной молодежной политики.

Под государственной молодежной политикой мы понимаем систему социально–экономических, организационно–правовых мер, реализуемых государством и обеспечивающих социальное становление молодежи и создание условий для развития ее интеллектуального, творческого и иного потенциала. Под молодежью (молодыми гражданами) понимаются лица, достигшие 14–летнего возраста и не старше 30 лет. Под гражданами этой возрастной группы понимаются также молодая семья, молодой специалист, молодой предприниматель.

В новом Законе также четко изложены основные принципы государственной молодежной политики. Эта политика отражает открытость и прозрачность, обеспечивает участие молодежи в ее реализации поддерживает и поощряет молодежные инициативы. В этой политике приоритет отдается духовным, нравственным и культурным ценностям, не допускается дискрими-

нация молодежи.

Закон четко определяет основные направления государственной молодежной политики. К таким направлениям относятся обеспечение прав, свобод и законных интересов молодежи, защита ее жизни и здоровья, помощь в духовном, интеллектуальном, психологическом, физическом и нравственном развитии и мн.др..

Отрадно отметить, что за годы независимости в нашей стране созданы образцовые условия в этой сфере. В целях воспитания гармонично развитого поколения проведены кардинальные реформы в системе образования, здравоохранения и спорта, в социально–экономической сфере. В результате наша молодежь добивается небывалых результатов на международных научных олимпиадах, международных олимпиадах и спортивных соревнованиях. В частности, большую радость нам доставили достижения узбекской молодежи на Олимпийских и Паралимпийских играх 2021 г. в Японии.

Закон четко определяет полномочия органов и учреждений, осуществляющих и участвующих в реализации данной политики. Соответственно определены функции участия и сотрудничества учреждений образования, здравоохранения, культуры и спорта, труда, прокуратуры, внутренних дел, юстиции, обороны и других органов в этой сфере. Например, молодежная общественная организация – это добровольная организация физических и (или) юридических лиц, не делающая получение дохода (прибыли) основной целью своей деятельности и распределяющая полученный доход (прибыль) между своими участниками (членами). защита социальных и культурных прав, свобод и законных интересов,

Эти организации финансово и материально поддерживаются государством, что дает им право пользования зданиями учебных заведений, клубов, культурно–досуговых центров, спортивных сооружений в порядке, установленном законодательством. Участником может стать лицо, достигшее 14–летнего возраста.

Закон также уделяет особое внимание формированию у молодежи стремления к здоровому образу жизни, профилактическим мероприятиям по борьбе с инфекционными и иными

общественно опасными заболеваниями, алкоголизмом, наркоманией и др., к содержательной организации досуга молодежи, массовому развитию детско–юношеского спорта и мн.др.

Таким образом достижение национальной независимости явилось началом духовного обновления узбекского народа, а, следовательно, началом нового осмысления процессов, происходящих в духовной жизни общества, социальной психологии и общественном сознании. К основным чертам духовно–нравственного обновления независимого Узбекистана относятся: приверженность национальным и общечеловеческим ценностям; укрепление и развитие духовного наследия нашего народа; реализация собственного духовного потенциала; патриотизм и гуманизм. Процесс формирования социальной психологии и общественного сознания населения, особенно молодежи, начинается на основе духовного обновления, в основе которого лежат новые принципы и идеалы, нашедшие отражение в идеологии национальной независимости и развития с учетом исторические традиции своего народа. Чем быстрее и глубже проникнет идеология национальной независимости и развития в общественное сознание широких слоев населения, прежде всего, подрастающего поколения, молодежи, тем быстрее сможем продвинуться вперед в выполнении текущих, социально–экономических и политических задач независимого Узбекистана.

СПИСОК ИСПОЛЬЗУЕМОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи”. -2013 йил. -6 декабрь. -№ 240 (5914).

2.Сагдуллаев А. С., Костецкий В. А., Наркулов Н. К. История Узбекистана. – Т., 1998.

3.Туленов Ж. Т., Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш // – Т., Ўзбекистон. 1996. – 136-137-бетлар.

ШАХС ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ЭТНОПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Бозорова М.-ТерДУ педагогика фанлари номзоди, доцент

Ижтимоий тараққиёт инсоният олдига ҳамиша улкан вазифларни белгилаш билан бирга фан ва техника олдига ҳам илмий-тадқиқий муаммоларнинг ечимини топиш муаммоларини қўйган. Бугунги глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоийлашуви жараёнларини ўрганиш, муаммо ва ечимини топиш ҳар қачонгидан хам долзарблик аҳамият касб этмоқда.

Социологлар, ижтимоий психологлар ва ижтимоий иш ўқитувчиларнинг ишларида «ижтимоийлашув омили» тушунчаси инсоннинг ижтимоий ривожланишини белгиловчи енг муҳим шартларни белгилайди. Улар одатда бундай иерархияда қурилади:

1) мегафакторлар (Космос, Сайёра, жаҳон ҳамжамияти);

2) макрофакторлар (этнос, мамлакат, давлат);

3) мезофакторлар (демографик шартлар, ижтимоий гуруҳга, субмаданиятга тегишли);

4) микрофакторлар (оила, мактаб, тенгдошлар гуруҳи).

Аслида, ҳар қандай таълимнинг асоси инсоннинг шахсий тажрибаси, маданият билан мустақил ўзаро таъсири, турли хил ижтимоийлашув омилларининг бир вақтнинг ўзида таъсирини ўзгартиришдир.

Коинотдаги номаълум жараёнларнинг одамларнинг ҳаётига таъсири қадимги астрономлар томонидан қайд этилган. Йигирманчи асрнинг бошларида маҳаллий табиатшуносликнинг таниқли шахслари (В. Вернадский, Н.А.Умов, Н.Г.Холодний, К. Э.Циолковский) файласуфлар сифатида бир вақтнинг ўзида ижтимоий муҳитдаги муносабатларнинг муайян боғлиқлиги, инсон ҳаётидаги воқеалар келаётган энергия миқдори космосдан эканлги тўғрисидаги ғояларни илгари суришган. Шундай қилиб, «космик ер назарияси» ни оқлади ва қуёшнинг максимал фаоллиги билан цивилизация (урушлар, инқилоблар) тарихидаги энг муҳим, тез-тез фожиали ҳодисаларнинг жуда

аниқ тасодифларини асослашди. Шунинг учун ноосфера табиий равишда ердаги воқеаларга, ўз-ўзидан ақлни, иродани, одамларнинг ҳис-туйғуларини назорат қилишга таъсир қилади.

Геосиёсат соҳасидаги замонавий тадқиқотлар 10 000 км дан ортиқ ва 100-300 км кенгликда (Албания, Косово, Босния, Абхазия, Чеченистон, тоғли Қорабоғ, Тожикистон, Афғонистон, Эрон, Сурия, Жамна ва Кашмир, Камбоджа, Ветнам) геопатогеник зоналарнинг XX аср охиригача шаклланишини исботлайди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Ернинг ландшафт қобиғида Қуёшнинг космик енергиясини ер енергиясига айлантириш содир бўлади. Инсон меҳнати (ерни етиштириш, тог ъ - кон саноати, йўллар ва гидроенергетика иншоотларини қуриш) бу енергия оқимларини тартибга солиш билан боғлиқ. Алп-Ҳимолой камаридаги одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти натижасида антропоген ландшафтни бузади ва катта ижтимоий офатлар, тўқнашувлар ва урушлар содир бўлганлигига тарих гувоҳдир.

Ижтимоийлашув жараёнида ўсиб-улғайган киши ўз этносининг таъсирини ўзига хос тарзда тўплайди. Этнос-ижтимоий-маданий таълим ва тарбия жараёни бўлиб, унинг аъзолари келиб чиқиши, тили ва урф-одатларининг умумийлигини тушунадилар. Ҳатто қадимги саёҳатчилар саёҳат кундаликларида янги дуч келаётган элатларнинг турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини тасвирлаб боршган. Илм-фан (география, этнография, маданияшунослик) ривожланиши билан илмий тадқиқотлар турли халқларда ижтимоий ҳаёт ва маданиятнинг миллий хусусиятларини ўрганиб бордилар. Инсоният ҳаётининг географик ва иқлим шароитлари, меҳнат ва турмуш тарзи табиати, мавжудлик учун кураш усуллари ҳар бир этник гуруҳ учун ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, ижтимоий муносабатлар ва қиймат йўналишларини шакллантирди.

Классик педагогог К. Д. Ушинский, Х!Х -аср ўрталарида Европа мамлакатлари таълим тизимлари, таълим шакл ва методлари, ёшларнинг ижтимоий шаклланишлари ўхшашлигига қарамай, барча Европа халқлари «ўз махсус миллий таълими, ўз таълимий мақсади ва бу мақсадга эришиш учун махсус воситалар»га эга эканлигига эътибор қаратди. К. Д. Ушинский

бу ҳодисани этник омил – «миллат»нинг кучли таъсири билан изоҳлайди. Миллат- инсон қиёфаси, унинг табиати ва характери, оилавий ҳаётни ташкил этиш ва давлатга нисбатан турли хил хусусиятларда намоён бўлади. К. Д Ушинскийнинг фикрига кўра, оилавий таълим, унинг халқ (этник) табиати билан халқ тараққиётининг тарихий жараёнида жонли органдир. Шунинг учун, барча халқлар учун умумий таълим тизими мавжуд эмас ва бўлмаслиги мумкин, ҳар қандай буюк ижтимоий ғоялар мутафаккирлар ва сиёсий раҳбарлар томонидан чизилади “.

Инсоннинг этник идентификациясини шакллантириш таъсири остида ривожланади:

-қоннинг хусусиятлари (ота-оналар ва қон қариндошлари ҳаётий қадриятларнинг асосий ташувчиси бўлиб қолади);

- она тилини ўрганиш (бола нафақат ўз она тилисидаги нутқнинг сўз ва грамматикасини, балки маъноларни, бадиий тасвирларни ҳам ўрганади);

- урф-одатлар, анъана ва маросимлар, уларнинг тарихига муҳаббат (аксиологик тафаккури, онги ва маданиятини шакллантиради)

Таниқли тарихчи, географ ва маданияшунос Л. Н. Гумилев, этноснинг ижтимоийлашув омили сифатида ҳаракат қилиш механизмини тушунтириб, этник жамоани биофизик ҳодиса деб ҳисоблайди ва «этник майдон»тушунчасини киритади. У шундай деб ёзади: «этник майдон, яъни этнос феномени бола ва онанинг жасадларига(гавдасига, танасига) эътибор бермайди, балки улар орасида ўзини намоён қилади. Она билан биринчи қичқириқ ва биринчи сут эмиш билан алоқа ўрнатган бола унинг этник майдонига киради. Унда ўз етник майдонини шакллантиради, кейинчалик у фақат отаси, оиласи, бошқа болалари ва бутун халқи билан мулоқот қилиш орқали ўзгартирилади». Ҳар бир этник гуруҳ ўз тажрибасини фарзадларига ўргатиб бориши биринчи навбатда оилада боланинг ижтимоийлашувчига таъсир қилади.

Фуқароларнинг ижтимоийлашувидан ташвишланадиган давлат ўз мафкурасини, белгиланган ижтимоий тартибни тушунтирувчи (ва оқлайдиган) ғоялар тизимини ўрнатади, инсонга белгиланган шартларга мослашишга ёрдам беради.

Муайян мамлакат фуқароларининг ҳаёти доимо мақбулланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Ушбу муносабатларга шахслар, оилалар, ижтимоий ва профессионал гуруҳлар, сиёсий ва жамоат бирлашмалари киради. Инсоннинг шаклланиши ва ҳатто унинг тақдири тўғридан-тўғри демографик шароитларга боғлиқ бўлиши мумкин. Демографик ҳолат кўп жиҳатдан унинг манфаатларини, бўш вақтларидаги фаолиятини, ахборот муҳитининг мавжудлигини, мулоқот доирасини ва ҳатто кўплаб ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш йўлларини белгилайди.

Шаҳар аҳолиси (айниқса, йирик шаҳарларнинг аҳолиси) янада мобилроқ, улар касб танлашда, таълим олишда, бўш вақтларини ўтказишда кенг имкониятларга ега. Лекин улар кўпинча «оломонда ёлғизлик», атрофдаги одамларга “кераксиз” ҳис-туйғуларни бошдан кечирадилар, ҳаётнинг тез ўтиши ва «йўлда»қолмаслик учун доимо зўриқиш билан ҳаракатда бўлиш керак деб ҳисоблайдилар.

Қишлоқ аҳолиси табиатга яқинроқ бўлиб,улар табиатнинг буюклиги ва гўзаллигини ҳис қилишлари мумкин, улар ер юзидаги ҳақиқий меҳнат билан боғлиқликни, қариндошлари ва қўшнилари орасида ўзларининг «илдизлари», боболарининг анъаналарини яхши ҳис қилиши, ўзларининг кундалик хатти-ҳаракатларини очиқ назорат қилишлари билан ўзига хосликка эгадирлар.

Ҳар бир инсон жамиятнинг муайян қатламига маълум бир ижтимоий алоқага мувофиқ ижтимоийлаштирилади. Жамиятнинг ижтимоий тузилишини тасвирлайдиган замонавий социологлар этник ва диний фарқлардан ташқари, ижтимоий табақаланиш («ўлчовлар») билан белгиланиши: ҳокимият даражаси; даромад ёки бойлик; касбнинг обрўси; таълим олганлиги кабилар.

Глобаллашув жамиятида таълим асосий иқтисодий ресурс ҳисобланади. Айниқса, ўсмирлар ва ёшларни ижтимоийлаштириш учун ушбу ижтимоий табақаланиш қийин. Улар ҳаёт йўлларининг «чорраҳасида» танланганидан сўнг, уларнинг катталар ҳаётини жалб қилиш жуда зиддиятли ва адолатсиз эканини билиб, фақат ўзлари ва яқинларига умид қилишлари мумкин. Бу микрофакторлар (хусусан, оила) замонавий болалар ва ўсмир-

лардаги ижтимоий дунё қиёфасини яратишнинг энг муҳим соҳасидир.

Оилада ҳам, референт гуруҳда ҳам «мазмунли шахслар» билан мулоқотда бола маданият майдонини эгаллайди, ижтимоий қадриятларни белгилайди. Оила ижтимоийлашувнинг энг қадимги институтидир. Оила боланинг психологик ва жинсининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади: у ўз жинсининг хусусиятларини ўрганади, "аёл" ва "эркак», оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларида ҳақиқий намуналарни ўқийди. Қизиғи шундаки, болаларнинг ижтимоий тажрибасини ўрганиш орқали сиз «онанинг чизиқлари» ва «отанинг чизиқлари»ни топишингиз мумкин. «Она чизиғи болаларнинг "одамлар дунёси»га бўлган тажрибасини лойиҳалаштиради: Меҳрибонлик, заиф ва қадимги нарсаларга эътибор, сабр-тоқат, бошқа одамларнинг камчиликларига меҳр-муҳаббат, қўшниларга бўлган самимий муносабат каби ахлоқий фазилатлар учун асосий муносабатларни яратади. «Отанинг чизиқлари" болаларнинг ижтимоий тажрибасини «нарсалар дунёси»га янада фаол равишда лойиҳалаштиради: интизом, тартиб, лекин айни пайтда рақобат, устунлик, кураш ва бартараф этиш, мажбурият ва масъулият қадриятларини қадрлайди.

Оилада инсоннинг асосий қадриятлари, унинг турмуш тарзи шаклланади. Ижтимоийлашувнинг микрофактори сифатида оиланинг ҳаракати, у яратган ижтимоий макон билан белгиланади. Оиланинг қиёфаси тасодифан «уй» тасвири билан боғлиқ эмас. Оиланинг ҳар бир аъзосининг ўз нарсаларини, айниқса, ўз қўллари билан ишлаб чиқарилган, катта авлодлардан мерос бўлиб қолган нарсаларни ижтимоийлаштириш учун жуда муҳимдир. Унинг оддий кундалик ҳаёти билан оила дунёси жуда бой ва хилма-хилдир. У болага ҳаётнинг турли жиҳатларини, ички ташвишлардан юқори фуқаролик импулсларига қадар ҳис қилиш ва тушуниш имконини беради. Боланинг оиладаги муносабатларининг тажрибаси (ҳатто тўлиқ тушунилмаган) бошқа одамлар билан келажакдаги муносабатларининг моделига айланади.

Аммо, кўп йиллик тадқиқотлар асосида Литва психологи Г. Т. Ҳоментаускас болаларда тўрт хил ижтимоий муносабатларни

таъкидлайди, 1. «Мен керак ва севаман, ва мен ҳам сизни яхши кўраман.»

Боланинг бундай ички позицияси оилада шаклланади, у ерда у доимо ота-онаси билан яқинлик, уларнинг ишончи ва севгисини бошдан кечиради, у ерда унинг ҳаёти улар билан биргаликда фаолият ва ташвишлар билан тўлдирилади.

2. «Мен керак ва сиз мен учун мавжудсиз.»

Ушбу "Созлама" оилавий ижтимоийлашувнинг маҳсулотидир, у ерда бола оила аъзоларининг барча ташвишлари, руҳий кучлари, вақтлари ва моддий воситаларига қаратилган «Коинот маркази» дир. Бундай оилада бола кўпинча ота-оналаридан мағрурланиш масаласидир, улар эрта истеъдодларини (масалан, спорт соҳасида, мусиқа соҳасида) жадал ривожлантирадилар ёки аксинча, соғлиғини ваҳима билан ҳимоя қиладилар, махсус усуллар билан даволашади.

3. «Мен яхши кўраман, лекин мен чин дилдан сизга ўхшашни истайман.»

Ушбу турдаги ижтимоий муносабатлар оилаларда ота-оналарнинг ҳаётида жой йўқлигини очиқ-ойдин кўрсатадиган болаларда пайдо бўлади. Одатда, бундай ички ҳолат ота-онаси давлат такилотларида масъул вазифаларни бажарувчиларнинг турмуш тарзига эга бўлган «ноқулай» оилаларнинг фарзандларини характерлайди.

4. «Мен керак эмас, мени ёлғиз қолдиринг».

Бундай ижтимоий ўрнатиш-ижтимоий жиҳатдан кодланган «ёрдам учун йиғлаш:» мен ёмонман, ҳеч кимга муҳтож эмасман, мен бу дунёда ёлғизман!» хитоблари билан яшаётган фанзандлар. Шундай қилиб, бахтсиз, оиласи томонидан ташлаб қўйилган болалар. Ота-онасининг ичкиликбозлик, ғайри-ижтимоий ҳаракат ва фаолиятлар билан шуғилланиши, жамиятдан норозилик билан боқимандалик ва фирибгарлик,жиноятчилик билан танилган оилаларнинг фарзандлари.

Бу тартибларнинг барчаси бугунги кун миллат вакилларига, жумладан ўзбек миллатга хос ижтимоийлашув тартибларига мувофиқ келиб қолганга ўхшайди. Чунки, миллий хусусиятларимиз, оилаларимиздаги ота-оналар намунаси, оилаларнинг миллий қадриятларни "билмаслик, тушунмаслик" дардига уч-

раб қолаётганлиги, бурч ва вазифаларнинг (ота-она, ака-ука,опа-сингил, амма-хола, тоға-амаки) англанмаслиги, миллат ва авлод олдидаги жавобгарликнинг шаклланмаётганлиги тоборо “авж” олиб бормоқда.

Ҳар бир миллат даврлар оша миллатини давом эттириши учун аввало, миллатига хос хусусиятларни, қадриятларини, миллий этник шаклланиш тарихини билиши ва улардан авлодлар тарбиясида кенг фойдаланишиши, таълим тизими жараёнларида ҳам этнопедагогик, этнографик ва этнопсихологик таълимотлардан ёшлар онгига сингдиришни вазифа сифатида белгилаб бориши ҳамиша кун тартибидан жой олиши мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Эгамбердиева Н.М. «Ижтимоий педагогика» - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009 й.

2. Мавлонова Р. ва бошқалар “Ижтимоий педагогика” Т.: Истиқлол, 2009й.

3. Галагузова М. А. Социальная педагогика- М.: Владос, 2000 г.

4. История социальной педагогики / Под. ред. М.А. Галагузовой - М.: Владос, 2003 г.

ЎҚИТУВЧИ КАСБИДА МУЛОҚОТ ВА МУОМАЛА ОДОБИ

Термиз давлат университети Педагогика ижтимойи иш кафедраси доценти Кенжабоев Абдусалим Эркабоевич

Аннотация

Ушбу мақолада ўқитувчи касбида мулоқот ва муомала одоби ҳамда ўқитувчининг талаба ёшлар билан педагогик мулоқот фикрлари баён этилган.

Калит сўзлар: мулоқот, муомала, маънавият, одоб, ахлоқ, ҳурмат.

Данная статья посвящена к проблеме общения и культуре поведения учителя и их общения со студентами.

Ключевые слова: культура, поведения, общения, уважения.

This article deals with the problem of teachers relations with students and their cultural addresses.

Rey virds: address, personal, contact, culture, Behaviver, respect.

Ўқитувчи касбида мулоқот ва муомала одоби

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мухтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида ўқитувчиларга катта эътибор қаратилмоқда.Узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган барча мураббий ўқитувчилар ҳар томонлама иқтисодий маънавий қўллаб қувватланмоқда. Шундай экан аввалombор ўқитувчининг маънавий қиёфаси унинг мулоқот маданиятида ифодаланади.У ўзининг хис туйғусини, ички туйғусини, орзу умидларини мулоқот жараёнида баён этади.Мулоқот- кишининг ички ва ташқи оламини намоён этувчи ўзаро муносабатларнинг муҳим шаклидир. Мулоқот жараёнида кишининг ташқи олами, жамиятнинг турмуш тарзи, унинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, маънавий хаётидаги қарашлари, тасаввури ва хиссиёти ифодаланади.Ўқитувчи касбига хос бўлган муҳим талаблардан бири мулоқот ва муомала одобининг юксак даражада бўлиши,-болаларни севиш, уларнинг ҳаёти билан қизиқиш, ҳар бир шахсни хурмат қилишдан иборатдир.

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бундай фазилатларни ундаги педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб ўқитувчининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчининг саботли бўлиш, ўз хиссиётини идора қила олиш, болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёрларини белгилаш ва аниқлашига ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган ўқитувчигина синфда мўътадил психологик иқлим ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади.

Жамият аъзоларининг ўзаро ижтимоий муносабатлари, турмуш шароитлари ўзгариши билан уларнинг моддий олам ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари, дунёқарашлари, одоб ва аҳлоқ нормалари ҳам ўзгармоқда. Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида ҳам ўқитувчи ва ўқувчи, талаба ўртасидаги мулоқот му-

омала маданияти ҳам янгича дунёқарашлар асосида жамиятда қабул қилинаётган демократик ислоҳотлар асосида ўзгариб бормоқда. Муомала категориясиумумий психология фанининг асосий категорияларидан биридир. У шахслараро муносабатнинг муҳим механизмларини ўз ичига қамраб олади.

Муомала ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи шахслараро мулоқот ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир.

Педагогик муомала бу ўқитувчининг талабаларга таъсир ўтказиш услубларининг муайян тизимидир.

Ҳамкорлик- иштирокчиларнинг ўзаро ахборот алмашинуви;

Турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи томони талабалар билан ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатларни ташкил этиш;

Муайян мақсадни дастурий асосда амалга оширишни режалаштириш ва ўтказиш функциясини бажаради ;

Педагогик фаолиятда муомала,

-биринчи ўқув фаолиятини яккаҳол бажаришнинг воситаси эканлиги;

-иккитнчидан тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоий – психологик тизим эканлиги;

-учинчидан таълим-тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи ўқитувчи билан талабалар ўзаро муносабатининг муайян тизимини ташкил қилишнинг услуби эканлиги;

-Тўртинчидан талаба индивидуаллигини такомиллаштириш истеъдодини қарор топтиришимконини берувчи жараён эканлиги;

-Бешинчидан яккахол фаолиятнинг субъект сифатида рўёбга чиқиши.

Педагогика муомала деганда ўқитувчи ва талаба, ўқувчилар жамоасининг ўзаро таъсир малакаси усули ва тизими алмашилиб, унинг моҳияти, ўзаро ахборот алмашиш таълимий, тарбиявий таъсир ўтказиш, ўзаро тушунишга эришиш ва уни ташкил этиш тушўунилади. Муомала жараёнида уни мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий қонун-қоидалар муҳим аҳамиятга эга. Бу назоратда 3 та муҳим таъсир этиш воситаси иштирок этади: маъқулламаслик,

қоралаш ва жазолаш. Муомала жараёнида бир хатти-харакат, ўйланмай билдирилган фикр, ортиқча имо-ишора одобсизликни келтириб чиқаради. Бу натижасида муомала фикр алмашув ўзини вазифасини низоли вазиятга бўшатиб беради. Педагогик муомалада психологик алоқа ўрнатишалоҳида аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятини жамоада, оилада бажарадиган роли нимадан иборат эканлигини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим.

Демак мулоқот маданиятига, одобига амал қилиш кишини юксаклик сари етаклайди. Хаётда иззат хурматда бўлишга сазовор этади. Муомала одоби-инсон кўрки, инсонга бўлган самимиймеҳр-мурувват мезонидир. Биз профессор ўқитувчилар ўз шогирдларимизга қанчалик самимий бўлсак, улар бизни шунчалик қадрлайдилар. Муомала одоби аслида "Ассалому алейкум, Ваалейкум ассалом" сўзларидан бошланади. Биз ота-оналар, тарбиячи, мураббийлар анашу саломлашиш одобини қанчалик ёш авлодга сингдириб, кўникма малакага айлантирсак, муомала маданияти ҳам чиройли чиқади. Устозларнинг шогирдлар саломига алик олмаслиги уни лоқайдлигини ифодалайди.

Ўзбекистонда муомала одобининг зийнати фақат самимий саломлашишдагина эмас, айни вақтда бир-биримизга сизлаб мурожаат қилишда ҳамдир.

Шарқ маданияти ва анъаналари руҳида ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар фарзандларга сизлаб муомала қилсак бир-биримизга самимий ҳурмат ва эҳтиромда бўламиз. Таълим-тарбия борасида Шарқ халқлари қадимданмуомала маданиятига жуда катта эътибор берганлар. Бугунги кунимизда ҳам бу муаммо ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Халқимизнинг қадимги урф-одатлари, анъаналари ва муомала одоби хисобланган меросини ўрганиш мустақиллик маданиятини шакллантиришнинг энг асосий шартларидан биридир.

Шуни айтиш керакки узлуксиз таълим тизимида ўқитувчи профессорлар ўқувчиларга, талабаларга ўз фани бўйича асосий вазифа билим бериш деб, хисоблайдилар аммо, таълим хаётга боғланмаса у тарбиявий асослар билан изоҳланмаса, тингловчилар онгига кириб бормайди. Таълим ва тарбияни миллий маданиятдан ажратган ҳолда йўлга қўйиш инсонларни аждодлар

меросидан насл-насабидан узоқлаштиришга олиб келади. Айниқса ўз-ўзини англашнинг шаклланмаслиги миллий маданий масалалар юзасидан ҳеч нарсани билмаслик миллий худбинликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу боис биз юқорида санаб ўтган сифатларни шакллантиришда ҳадислар, буюк боболаримиз Имом Бухорий, Имом Термизий, А.Навоий каби кўплаб буюк зотларнинг билимдонлиги, ғоят ҳалол ва поклик ҳақида ғоялари бугунги ижодкор ўқитувчиларимизга дастури амал бўлиб келмоқда.

Ислом динининг муқаддас китоблари – Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифда таъкидланган ота-онага хурмат, меҳр-муҳаббат, эъзоз, моддий ва маънавий ёрдам, қариндош уруғлару, дўст-биродарларга оқибат хақидаги ғоят қимматли ўгитлар ёш авлод онгига сингиб борса, бундан жамиятимиздаги кўплаб муаммолар ўз-ўзидан ечилиб бошлайди, жамият аъзоларининг янгича дунёқараши шаклланади ва мулоқот маданияти ҳам янгича тус олади.

Ўзбек халқи мулоқотида ҳам бошқа миллатлар каби мақтов, эркалатиш, кўнгилникўтариш,кўплаб сўзлар ва иборалар борки уларни маданият даражасида ўрганиб инсон руҳиятига мослаштириб, мулоқот қилса доимо суҳбатлар мазмунли, мақсадли, ижобий самара беради. Республикамиз ўқитувчилари орасида ўз ишининг устаси, халқ ўқитувчиси, хизмат кўрсатган ўқитувчи дебтанолинган, ота-оналар, ёшлар эъзозлаб устоз деб атайдиган мўътабар инсонлар кўплаб топилади.Улар педагогик ишда фидойилик билан ўқитувчилик бурчини ҳалоллик, гўзаллик, ҳақиқат, одоб-ахлоқ нурини сингдира олганликларихуш муомала бўлганлари учун ҳам бундайобрў ва ҳурматга эришганлар. Баркамол ижодкор шахсни шакллантиришга, тарбиялашга доир ахлоқий меъёрлар педагогик этикада ифодаланган. Тарбияланувчига ижобий таъсир ўтказиш шартларидан бири ўқувчи талабага ишонч билан унга нисбатан талаблар бирлигида. Бу қоида педагогик амалиётда кўп синалгандир.

Ўқитувчилар талабалар билан ўтказилган суҳбат натижалари шундан далолат берадики таълим масканларида хушмуомалали ўқитувчилар билан бир қаторда талабаларга беҳуда дўқ уриб, бақириб муомала қиладиган ўқитувчилар ҳам учрайди. Бундай

муомала жамиятда қабул қилинган умуминсоний ва миллий ахлоқий меъёрларга тўғри келмайди.. Бундай ўқитувчилар талабалар ўртасида обрў орттира олмайдилар. Ўқитувчи характерида қалбдан мехрибонлик, талабчан бўлиши шарт. Бу унинг мувафаққиятли ишлашининг биринчи шарти. Дастлабки энг юксак талабларни ўқитувчи ўзига тақдим қилиши керак, чунки ўзингда йўқ нарсани бировлардан талаб қила олмайсан. Педагог талабчанлиги билан бирга оқилона тарбиячи бўлиши ҳам лозим. Педагогик жараёнларда бўлиб турадиган кескинликларни холис қилиш учун тарбиячига хазил мутойиба туйғуси ёрдам беради. "Қувноқ педагог хўмрайганидан кўра, яхшироқ ўқитади" деб, бекорга айтилмаган. Унинг кўламида тайёр ҳазил, мақол, яхши, дўстона пичинг-ижобий эмоционал холат яратишга ёрдам беради ва ўқувчиларни ўзга вазиятга кулгили томондан қарашга имконият беради.

Ўзбекона муомала одоби айниқса хотин-қизларимизга нисбатан ҳар томонлама ҳар қандай шароитда ҳам қўпол муносабатда бўлмасликни тақозо этади. Шу боис Расули икром "Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингизни тавсия этади чунки улар қизларингиз, жуфти ҳалолларингиз, опа сингилларингиздир" деб таълим берганлар.

Муомала одоби яна шуни тақозо этадики ҳар бир киши бошқалар томонидан иззат-икром ва хурмат қилишларини истар экан у бошқаларнинг ҳам хурматини жойига қўйиши керак . Хулоса сифатида мен кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган устоз сифатида ўз касбдошларимга шогирдларимга бугунги ёшлар билан чиройли муомалада бўлиб, уларга маданий муносабатда бўлишга даъват қиламан зеро ёшлар бизнинг келажагимиздир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз". Тошкент "Ўзбекистон"-2017 йил.

2. И.А.Каримов "Юксак маънавият енгилмас куч" Тошкент. Маънавият 2008

3. Х.Ж.Худойқулов “Ўзбекистон ғурури унинг одобида” Тошкент “Фан” нашриёти 2008 й

4.Х.Ж.Худойқулов, А.Э.Кенжабоев Педагогик маҳорат асослари ўқув қўлланма. Тошкент 2013 йил.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ТАЪЛИМОТИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Нуриддин Абдугаффорович Ачилов
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Термиз давлат университети Педагогика ва ижтимоий иш кафедраси доцент в./б.

Маълумки, таълим ва тарбияни бир – биридан ажратиб бўлмайди, бу икки жараён “ўзаро бир-бири билан боғлиқ, узлуксизлик асосида ташкил этилганда одобли, юксак маънавиятли, ахлоқий фазилатларга эга, шу билан бирга билимли, зукко, руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, кенг дунёқараш ва ақлий тафаккурга эга, касб – ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради” [1;9]. Таълим ва тарбия жараёнида ал-Ҳаким ат-Термизий асарларини ўрганиш ва унинг педагогик қарашларини таҳлил қилиш асосида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий тарбия бериш долзарб масалалардан ҳисобланади.

“Ҳакимия” тариқатининг асосчиси ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг улкан илмий мероси билан ислом дини ривожи ва тарғиботи йўлида муҳим ўрин тутади. Аллома танлаган йўли илм, маърифатпарварлик йўли бўлиб, ҳар бир асарида илмнинг маъно, мазмуни ва эгаллаш воситалари чуқур таҳлил қилинади. Шу сабабли аллома яратган асарларнинг эллик бештаси бизнинг даврimizгача безавол етиб келган бўлиб, улар дунёнинг турли хорижий давлатлари кутубхона, музей ва илмий-тадқиқот муассасаларида сақланмоқда. Аллома илм сирларини эгаллаш ҳақида “Бадвв уш-шаън Абу Абдуллоҳ” рисоласида қуйидагиларни таъкидлайди: “Саккиз ёшга тўлганимда барчанинг шафқатли ва меҳрибони бўлмиш Аллоҳ таоло

ўз иноятини мендан дариғ тутмади. Шайх менга илм сирларини ўргатиб, тинмай илм олишни тарғиб қилар эди ва иш шу даражага этиб бордики, бутун вужудим билан сабоқ олишга интилдим. Гўдаклик чоғимданоқ ўйин ўрнини китоб мутолаа қилиш машғулоти эгаллади. Шу тариқа ёшликдан илм ул-осор (ҳадис илми) ва илм ур-рой (ханафий фиқҳи)ни ўрганишни бошлаган эдим" [2;10].

Президент Ш.М.Мирзиёев "Ёшларни, балки бутун жамиятимиздаги кишиларнинг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият зарур. Илм-маърифат йўқ жойда жаҳолат, қолоқлик ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади" [3;13]. Шунингдек, таълимнинг барча босқичларида ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро таълим стандартларига мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш заруриятини алоҳида эътироф этди. Шу вазифалардан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув фанларининг мазмунига буюк алломаларимиз меросини сингдириш ва уларнинг асарларидаги миллат ва жамият бардавомлигини тараннум этувчи ғоялар асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг "Манозил ул-ибод мин ал-ибода" асари икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда бандачиликнинг етти манзили ва унинг қонунлари мухтасар таърифланади. Бу манзиллар қуйидагилар: тавба, зоҳидлик, адоват ун-нафс, муҳаббат, қатъ ул-ҳаво, қўрқув, қурбат (яқинлик). Асарнинг иккинчи бобида эса ушбу манзилларнинг мазмуни ва моҳияти ёритиб берилган [4;67]. Алломанинг ушбу асаридан умумий ўрта таълим мактабларида дарс ва дарсдан ташқари ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишлар жараёнида самарали фойдаланиш лозим. Унда юқорида таъкидланган тушунчалар мазмуни ўқувчиларга намуналар асосида қуйидагича тушунтириб берилади:

- тавба манзилида қуйдагича таъриф берилади. Унда – оллоҳни изловчилар ва унга эргашувчилардир.

- зоҳид (парҳезкор)лик йўлига кирганларнинг одатлари

шарҳланади. Зоҳидлик йўли машаққатли йўл, уни босиб ўтиш ва забт этиш учун сабот ва собитлик талаби устувор туради.

- адоватун нафс (нафсга душманлик)да бандалар нафсга қарши жиҳод қилишга буюрилганлар ва унга қарши жанг олиб борганлар. Улар нафсни енгиш йўлида уни махсус тарбия қилишган.

- муҳаббатда нафсни жиловлай олиш Аллоҳга муҳаббат воситасида рўёбга чиқиб, шу аснода муҳаббат бандaнинг вужудини қамраб олади деган хулосага келинади.

- қатъул ҳаво (ҳою ҳавасга мойиллик довонидан ошиш)да инсонлар ҳою ҳавасга қарши курашда ирода кучини ишга солиб, ҳою ҳавасни таг томири билан қўпориб ташлашга интиладилар.

- қўрқув манзилида инсоннинг Аллоҳга садоқат қилиб, ёмон йўллардан қайтиши баён этилади. Бу манзилнинг асосий мағзи инсонни Аллоҳ маърифатига йўллашдан иборат.

- қурбат (яқинлик) манзилида инсонлар энг оғир синовлардан ўтиб эришадилар. Бу қисмда нафс ва дунё бойликларига ҳирс қўйишдек ёмон нуқсонлар танқид қилинади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарларини педагогик жиҳатдан таҳлил қилинганда, ушбу асарлари умрбоқий мавзуда эканлиги билан ҳар бир инсонни, хусусан, ёшларни бефарқ қолдирмайди, балки уларни теран мушоҳада қилишга етаклайди ва уларнинг ахлоқий фазилатларини тарбиялашда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.

2. Бадв уш-шаън ёхуд Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳақида ёзганлари. [Таржимон Р.Абдуллаев]. - Т.:“Mumtoz so’z”, 2016. -10 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожаатномаси. //“Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил, 25 январь, 19(7521)-сон.

4. Ачилов Н.А. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси. Пед. фан. бўй. фал. док. ... дисс. - Термиз, 2020. - 173 б.

ҲАРАКАТ ЖАДАЛЛИГИ КИЧИК БЎЛГАН ҲУДУД АВТОМОБИЛ ЙЎЛ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Кузиев А.У.-т.ф.н., доц.
(Термиз давлат университети)

Аннотация: автомобил йўллари тармоғини лойиҳалаш ва ривожлантиришнинг мавжуд усулларида ўрганилаётган ҳудуд учун истиқболдаги ҳаракат жадаллиги ҳамда йўл-транспорт харажатлари асосий кўрсаткич сифатида қабул қилинган. Бундай ёндошув иқтисодиёти ривожланган ҳудудларнинг асосий йўл тармоқларини лойиҳалаш ва уларни ривожлантириш масалаларини ҳал этишга қаратилган. Мазкур мақолада ҳудуднинг чекка туманлари автомобил йўл тармоқларини асосланган ҳолда ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда ривожлантириш методикаси баён этилган.

Калит сўзлар: транспорт, логистика, таъминланганлик, автомобил, ижтимоий-иқтисодий, ривожлантириш, йўл схемаси, оптимал, мезон, таннарх, устунлик, корреляция-регрессия, юк оқими.

Аннотация. В существующих методиках проектирования и развития автомобильно дорожных сетей в качестве основных показателей принимается перспективная интенсивность движения и дорожно-транспортные затраты на изучаемой территории. Такой подход направлен на решение задач проектирования и развития основных сетей экономически развитых регионов. В данной статье описана методика развития отдаленных районов региона с использованием социально-экономических показателей развития дорожной сети.

Ключевые слова: транспорт, логистика, обеспеченность, ав-

томобиль, дорога, сеть, развитие, схема дороги, оптимальность, критерий, стоимость, приоритетность, корреляция-регрессия, грузопоток.

Annotation. In the existing methods of designing and developing road networks, the prospective traffic intensity and road transport costs in the study area are taken as the main indicators. This approach is aimed at solving the problems of designing and developing the main networks of economically developed regions. This article describes a methodology for the development of remote areas of the region using socio-economic indicators of the development of the road network.


Key words: transport, logistics, security, car, road, network, development, road scheme, optimality, criterion, cost, priority, correlation-regression, freight traffic.

Маълумки, автомобил йўли истеъмолчилар талабини таъминловчи восита ҳисобланиб, автомобил йўлини қуриш ва унинг транспорт-эксплуатацион ҳолатини яхшилаш инвестициясидан олинадиган иқтисодий самара иқтисодиётнинг барча тармоқларида намоён бўлади. Бу йўл ҳолатини яхшилаш натижасида фойда оладиган истеъмолчилар доираси кенглигини англатади [1].

Йўл шароити ҳолатини ҳар қандай яхшилаш ҳар хил соҳа ва тармоқларда қандайдир самарадорликни акс эттиради. Исталган йўл тармоғини ривожлантириш маълум бир харажатларда намоён бўлади. Йўл шароитини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар, одатда, йўл қурилиши корхоналарига фойда келтиради. Йўл қурилиши корхоналарига келтирадиган фойдасидан ташқари бевосита–ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳам мавжуд. Бугунги кунда йўл хўжалигидан ташқари самарадорликни аниқлайдиган методика мавжуд эмас.

Транспорт тармоқларини ривожлантириш, мультимодал юк ташишни режалаштиришга бағишланган адабиётлар таҳлили, тадқиқотчиларнинг режалаштириш ишларида учта асосий даражалардан, яъни стратегик, тактик ва оператив даражалардан фойдаланишлиги, улардан тактик даража масалалари кенг ўрганилганлиги, кейинги ўринларда стратегик ва оператив даражалар масалалари туриши кўрсатиб ўтилган [2].

Автомобил йўл тармоғини ривожлантириш методикаси бир неча босқичлардан иборат бўлади. Методиканинг алгоритми блок-схема кўриниши қуйида берилган (1-расм).



1-расм. Ҳудуд автомобил йўл тармоғини ривожлантириш методикасининг блок-схемаси.

Маҳаллий автомобил йўл тармоғини такомиллаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) бошланғич маълумотларни тайёрлаш:

-ўрганилаётган туман автомобил йўл тармоғи ва аҳоли пунктлари харитаси;

-ҳудуд маркази ва аҳоли пунктлари ўртасидаги ҳаракат оқими;


-автомобил йўл участкалари бўйича йўл қопламаси тури.

Аҳоли пунктлари ўртасидаги масофа ўрганилаётган ҳудуд харитаси бўйича, ҳамда автомобил йўллари унитар корхонаси материаллари асосида қабул қилинди.

Молиявий ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий йўл тармоқларини ривожлантириш алоҳида

узеллар бўйича босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилади. Бунда транспорт тармоқларининг транспорт-эксплуатацион тавсифларини такомиллаштириш паст турдаги автомобил йўл қопламасини ўтувчи қоплама турига ўтказиш билан амалга оширилади [3].

2) бошланғич граф қурилган бўлиб, ўрганилаётган ҳудуднинг автомобил йўл тармоғи акс этган (2-расм). Бошланғич граф Сурхондарё ҳудудининг истиқболдаги юк оқимларини транспорт мультитармоғида оптимал тақсимлаш ва ер усти транспорт тизимини ривожлантириш бўйича олинган натижалар таҳлили асосида олинди [4, 5].



2-расм. Ҳудуднинг автомобил йўл тармоғи ва аҳоли пунктлари жойлашув схемаси.

Барча аҳоли пунктлари уларнинг ҳудуд марказидан узоқлиги тартибида рақамлар билан белгиланган. Олинган тақсимот натижаларига кўра, энг кам юкланган транспорт алоқалари мавжуд ёйлар аниқланади ва улар танлаб олинади. Демак, графда 3-4, 9-10, 2-7, 7-6, 10-7 транспорт алоқалари энг кам юкланишга эга бўлди. Юкланганлик даражаси кичик бўлган яъни, 3-4, 2-7, 9-10 йўл участкаларида сиртқи ишлов бериш ишларини бажариш ва 10-7 ҳамда 7-6 йўл участкаларини IV тоифадан III тоифага ўтказиш тавсия этилди. Мазкур тадбирларни бажариш учун мос равишда 225,2 млрд сўм ва 1269,45 млрд сўм сарфланиши аниқланди (2-жадвал). Бир вақтда келтирилган маблағни

ўзлаштириш имкони етарли эмас. Шунинг учун тадқиқот ишида йўл участкаларини боқичма-босқич ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди.

2-жадвал

Йўл участкалари бўйича капитал маблағлар

	3-4	9-10	2-7	7-6	10-7
Йўл узунлиги, км	28,1	55,7	28,8	39,2	25,9
Умумий смета харажатлари, млрд.сўм	56,2	111,4	57,6	764,4	505,05
1 км учун таннарх, млрд. сўм	2,0	2,0	2,0	19,5	19,5

Мазкур ажратиб олинган энг кам юкламали транспорт алоқаларини такомиллаштириш учун танлаш талаб этилади. Танлаб олинган энг кам юкламали транспорт алоқалари ўрганилаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига максимал даражада мос келиши керак.

Автомобил йўл тармоғини чизма бўйича устунлиги. 3-4, 9-10, 2-7, 7-6, 10-7 транспорт тармоқлари ҳудуд маркази билан тўғридан тўғри боғланмаган (5.2-расм). Бироқ 7-6 транспорт тармоғи учта туманни ҳудуд маркази билан боғлайди. 9-10, 3-4 транспорт алоқалари эса бирорта туманни ҳудуд маркази билан боғламайди. 7-6 ва 3-4 ўрганилаётган ҳудуд маркази билан битта транспорт орқали боғланган аммо 7-6 транспорт алоқаси учта туманни ҳудуд маркази билан боғлайди. Шунинг учун унга–1 устунлик берилади. Шу асосида 2-7 ҳамда 10-7 транспорт алоқаларига –2 ва 3-4 ва 9-10 транспорт алоқаларига–3 устунлик белгиланди (3-жадвал).

3-жадвал

Автомобил йўл тармоғи чизмаси бўйича устунлик

Транспорт алоқалари тартиби	Автомобил йўл тармоғи чизмаси бўйича устунлик
3-4	3
9-10	3
2-7	2

7-6	1
10-7	2

Аҳоли сони бўйича устунлик ўрганилаётган транспорт алоқалари минтақасида ҳаракатланаётган аҳоли сони асосида аниқланади (4-жадвал).

4-жадвал

Аҳоли сони бўйича устунлик

Транспорт алоқалари тартиби	Аҳоли пунктларидаги аҳоли сони, минг киши	Аҳоли сони бўйича устунлик
3-4	136	3
9-10	168,4	2
2-7	186	1
7-6	130,5	4
10-7	35	5

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бўйича устунликни ҳисоблаш учун қаралаётган барча транспорт алоқалари юкланганлик характеристикаси табақалаштирилган ҳолда такомиллаштирилади. Жумладан, паст йўл қопламасидан ўтувчи йўл қопламасига алмаштириш. Барча транспорт алоқаларини такомиллаштириш натижасида қаттиқ қопламали такомиллаштирилган автомобил йўл тармоғи узунлиги ва зичлиги ошади. Ҳудуд доирасида ечилган масаладаги 3-4 транспортли алоқа такомиллаштирилгандан кейин қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғи зичлиги-2,13 км/1000км^2, 9-10 транспортли алоқа-3,48 км/1000км^2, 2-7 транспортли алоқа-12,8 км/1000 км^2, 7-6 транспортли алоқ-5,9 км/1000 км^2, 10-7 транспортли алоқа эса-5,2 км/1000 км^2 (5-жадвал).

5-жадвал

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бўйича устунлик

Транспорт алоқаси тартиби	Тумандаги аҳолининг сони, минг киши	Такомиллаштирилган қопламали транспорт алоқа масофаси, км	Транспорт алоқа масофаси, км	Қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғининг истиқболдаги зичлиги, км/1000 кв.км

3-4	136	158	28,1	2,13
9-10	168,4	195	55,7	3,48
2-7	186	351	28,8	12,8
7-6	130,5	119	39,2	5,9
10-7	35	78	25,9	5,2

Юқорида бажарилган корреляция-регрессия моделига асосан ҳар бир кўрсаткич учун регрессия тенгламалари келтирилган [6]. Масалани ечиш учун ҳудуднинг йиллар бўйича статик маълумотлар кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Белгиланган йўл участкалари (транспортли алоқа) такомиллаштирилгандан кейин олинган қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғи зичлиги қийматларини (5-жадвал) юқоридаги тенгламалар (1-4)га қўйилади. Ҳар бир транспорт алоқаси бўйича ижтимоий-иқтисодий самарадорлик натижалари барча кўрсаткичлар учун 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича олинган қийматлари

Участка	K_1	K_2	K_3	K_4	Якуний баҳолаш
3-4	-56701,16	317470,98	-67217,66	-7757,84	5
9-10	-37133,87	356465,54	-6903,34	-5610,93	4
2-7	**138500**	**514384,06**	**2660,99**	**1689,18**	**1**
7-6	1662,38	416156,83	-5370,9	-2453,44	2
10-7	-10050,59	400238,14	-5882,76	-3275,9	3

Ҳисоб натижаларига кўра, 2-7 транспортли алоқа саноат маҳсулотлари ҳажми кўрсаткичи, Сурхондарё вилоятининг ЯИМ кўрсаткичи, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвеститциялар кўрсаткичи, аҳолининг бандлиги кўрсаткичлари бўйича яхши натижаларга эга, кейинги ўринда 7-6 транспортли алоқа, 9-10 транспортли алоқа саноат маҳсулотлари ҳажми кўрсаткичи ва аҳолининг бандлиги кўрсаткичлари бўйича 3-4 транспортли алоқдан яхшироқ кўрсаткичларга эга.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бўйича баҳолашда 2-7

транспортли алоқа устунликга эгалиги ҳисоб натижаларидан маълум бўлди (7-жадвал).

Автомобил йўл тармоғини ривожлантириш йўл участкаларини аниқлаш учун бажарилган учта кўрсаткич бўйича устунликнинг олинган натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (8-жадвал).

8-жадвал

Учта кўрсаткич бўйича устунлик натижалари

Участка	Устунлик			
	Автомобил йўл тармоғи чизмаси бўйича	Аҳоли сони бўйича	Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар	Жами
3-4	3	3	5	11
9-10	3	2	4	9
2-7	2	1	1	4
7-6	1	4	2	7
10-7	2	5	3	10

Бажарилган ҳисоб натижалари (8-жадвал)дан маълум бўлдики, автомобил йўл участкаларни ривожлантириш кетма-кетлиги қуйидаги тартибда амалга ошириш мумкин: 2-7 транспортли алоқа (56,7 млрд сўм), 7-6 транспортли алоқа (764,4млрд сўм), 9-10 транспортли алоқа (111,4 млрд сўм), 10-7 транспортли алоқа (57,6 млрд сўм) ва 3-4 транспортли алоқа (56,2 млрд сўм).

Белгиланган участкаларда йўлнинг транспортэксплуатацион сифатларини яхшиланганлиги натижасида автотранспорт воситаларининг ҳаркат тезлиги ошади.

Етказиш вақти критерийси, айниқса тез бузиладиган юклар ташилишини бошқаришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб – териб олиш мавсумидаги транспорт ишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай шароитларда етказиш муддатининг камайтирилиши маҳсулотларнинг сифатини таъминлашга, йиғим-терим суръатини пасайтирмасликка хизмат қилади.

Бундан ташқари, етказиш вақти автомобилларда ва бошқа транспорт воситаларида шахарлараро юклар ташиш самара-

дорлигини белгилайдиган муҳим кўрсаткичдир. Узоқ масофаларга катта ҳажмда юк ташишни тақозо этадиган шароитларда айланишда бўладиган маҳсулотлар массасини камайтириш халқ хўжалиги учун катта иқтисодий самарадорликни таъминлаб беради.

Хулоса. Мазкур услубнинг самарадорлиги қуйидагилар ҳисобланади:

истиқболдаги транспорт оқимларини хавфсиз ўтказиш учун мавжуд транспорт тармоғини босқичма-босқич ривожлантириш режасини аниқлаш имконини беради;

белгиланган участкаларда йўлнинг транспортэксплуатацион сифатларини яхшиланганлиги натижасида автотранспорт воситаларининг ҳаркат тезлиги $v_1 = 6$ км/соатдан ва $v_2 = 9$ км/соатга, яъни 17,7 %га кўпайди;

автомобиль йўлида бир йил давомида 1 км йўл бўлагида автомобиллар ҳаракат тезлигини ошишидан иқтисодий самарадорлик $S = 658350\,\tilde{n}\text{¢}\grave{i}$ ни ташкил этди.

Автомобил йўл тармоғи ҳолатининг яхшиланиши ҳудуднинг транспортли таъминланганлик даражасини ва мавжуд йўл тармоғи сифатини оширади ҳамда қатор салбий ижтимоий оқибатлар келиб чиқишининг олди олинади.

Шундай қилиб, автомобил йўл тармоғининг яхшиланиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кескинлигини камайтиради, кундалик эҳтиёжни таъминловчи маҳсулотларни ташиш ва хизматлар кўрсатиш таннархини камайтириш ҳисобига аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бутаев Ш.А., Сидиқназаров Қ.М., Муродов А.С., Қўзиев А.Ў. Логистика.-Тошкент: “Extremum-Press”, 2012.-577 бет.

2. SteadieSeifi M., Dellaert N.P., Nuijten W., Van Woensel T., Raoufi R. Multimodal freight transportation planning: A literature review. European Journal of Operational Research. 233 (2014). 1–15.

3. Жуков В.И., Копылов С.В. Обоснование математической модели проектирования местной сети автомобильных дорог в

условиях Республики Саха (Якутия) // Фундаментальные исследования.-2015. №3.-63-67; URL: http://www.fundamental-research.ru/ru/article/view?id=37085

4. Kuziev A.U., Shermukhamedov A.A. Solution of the problem of optimal distribution of cargo flows in the region and the development of its transport network. Engineering Research and Development: © TJPRC Pvt. Ltd// http://www.tjprc.org/publishpapers/2-67-1599292919-ijmperdjun20201083.pdf

5. Kuziev A. Formation of territorial transportation network for optimization of load flows in the region. Academicia an international multidisciplinary research journal, Vol. 10, Issue 8, August 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13, P.-331-339, file:///c:/users/pc/desktop/academicia-july-2020-full-journal-%20part%202.pdf.

6. Чернова Т.В. Экономическая статистика/ учеб.пособие. Таганрог: ТРТУ, 1999.-367 с.

ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИК ВА АГРО СОҲА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

Зокиров Х.Х., Хуррамова А.Р.
ТерДУ, Отамуродова Д.А. ТерМИТ

Агар яшил барг бир неча йилга ишлашни тўхтатса, Ер юзидаги барча жонзод, жумладан инсоният ҳам нобуд бўлади (П.Костичев).

Инсон ҳаётини ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу икки муҳим табиий компонент ҳаёт қобиғи бўлган биосферада моддалар айланма ҳаракатини таъминловчи катта биологик хилма-хилликнинг мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

Биохилма-хиллик – табиат томонидан яратилган турлар ўртасидаги генетик фарқлар ифодаси. У ўсимлик турлари ҳамда ҳайвон зотлари ўртасидаги генетик фарқларни саҳроларда, ўрмонларда. Зах ҳудудларда, тоғларда, кўлларда, дарёларда ва қишлоқ хўжалиги экинзорларидаги экотизимнинг ранг-баранглиги билан атроф-муҳитни, табаррук замин (ер)ни инсоннинг ноёб маконига айлантирган ҳаётнинг турли-туман шакллари ва

бир-бири ўртасидаги ўзаро таъсирининг ифодасидир. Биз бугун кузатаётган биохилма-хиллик, табиий жараёнлар, фан техника. саноат тараққиёти ва албатта бир асрда 5-6 баробарга ўсиб бораётган инсон таъсири остидаги миллиардлаб йиллик эволюция натижасидир.

Ўсимликлар олами – ер юзидаги минглаб завод, фабрикаларнинг дақиқа сайин ҳавога тутун ва турли хил чиқинди газларни чиқариши, нами қочган ерни шудгор қилинишидан кўтарилган чанг-тўзон, шунингдек инсон ва ҳайвонларнинг нафас олиши жараёнида ажралиб чиқадиган карбонат ангидрид газининг ўзлаштирилишида, биосферада моддалар айланма ҳаракатининг тартибли боришида ўсимликлар оламининг ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Ҳайвонот дунёсининг – табиатдаги ўрни шунчалар беқиёски, у табиатнинг озиқа занжирида асосий иштирокчи, моддалар алмашиниши жараёнида вакил. Сайёрамизда яшил ўсимликларни продуцент, яъни анорганик моддалардан органик моддалар яратувчи автотроф (организмларнинг фотосинтез ёки хемосинтез йўллари билан ҳаво ва тупроқдаги анорганик моддалардан фойдаланиб озиқланиши) организмлар деб ўрганилса, ҳайвонот оламини консумент яъни, фотосинтез ёки хемосинтез йўли билан тўпланган тайёр органик моддаларни истеъмол қилувчи гетеротроф (тайёр органик моддалар ҳисобига ҳаёт кечирувчи оргнизмлар. Уларга барча ҳайвонлар текинхўр ўсимлик турлари замбуруғлар ҳамда кўплаб микроорганизмлар киради) организмлар сифатида ўрганилиб, уларнинг ҳар бирини биосферада моддаларнинг айланма ҳаракатида ўзининг экологик аҳамиятига эга. Бир сўз билан айтганда ўсимлик. Ҳайвон ва тупроқ модда. Энергия алмашинувида фаол иштирок этувчи. Биосферадаги мувозанатни тартибга солиб турувчи. Инсон ҳаёти учун тенгсиз озиқа, хомашё ва гўзаллик манбаидир. Ўсимлик ҳайвон ва тупроқ тугайдиган яшаш воситаси бўлиб, сайёрамиз аҳолисининг деярли барча эҳтиёжини қондирувчи асосий манба дори-дармон, оқсил, кислород, қуёш энергиясини кимёвий энергияга айлантирувчи ягона воситадир. Ўсимликлар ер шарини яшил олам билан ўраб турувчи, тупроққа озиқа берувчи, атроф-муҳит, сув ҳавзаларининг гидрологик режимини тартибга со-

либ турувчи, аҳоли саломатлиги учун гигиеник муҳит яратувчи асосий омиллардан биридир. Ўсимликлар вакили ҳисобланган буғдой ва шоли улуғ неъмат табаррук нон бўлса, шакарқамиш, қанд лавлаги, стевия-қанд, ловия, нўхат, мош эса ҳаёт омили ҳисобланмиш оқсилдир.

Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёт занжирида мустаҳкам боғланган бўлиб, географик қобиқда кимёвий элементларнинг миграциясида чексиз аҳамият касб этади.

Ушбу соҳа мутахассисларининг берган маълумотларига кўра ер шаридаги тирик моддалар умумий оғирлигининг 99% и ўсимликлар дунёси ташкил этади. Ўсимликлар дунёсининг асосий қисми яшил ўрмонлардан иборат бўлиб, кислород билан нафас олувчи организмларнинг “тириклик фабрикасидир”.

Табиатда ўсимликлар дунёсининг моҳиятини инкор этмаган ҳолда ҳайвонот оламининг аҳамияти унданда муҳим бўлиб, қуйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади.

1. Табиатда моддалар алмашиниш жараёнининг асосий иштирокчиси
2. Табиат мувозанатини сақлаб турувчи.
2. Озиқа занжирининг фаол вакили.
3. Озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон учун хомашё.
4. Оқсил, ёғ, сут, қатиқ ишлаб чиқарувчи.
5. Транспорт воситаси, деҳқоннинг кўмакчиси.
6. Из топар, хонадонларимиз қўриқчиси.
7. Инсон манфаати учун илмий тадқиқот манбаи.
8. Эстетик завқ, хурсандчилик манбаи.

Хуллас, ҳайвонот оламининг аҳамиятининг бебаҳо эканлигига тўхталиб шундай хулоса қиламиз:

Агарда, Она-табиат сигирни кашф этмаганда эди, ер юзидаги барча биноларни дорихоналарга айлантирганимизда ҳам инсониятнинг дори-дармонга бўлган эҳтиёжларини қондира олмаган бўлар эдик.

Демак, она-табиатни ўсимлик ва ҳайвонларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Инсоннинг ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсирини иккига бўлиб ўрганамиз: 1) ижобий; 2) салбий.

Ижобий таъсири қуйидагилардан иборат;

1. Ўсимлик ва ҳайвонларни авайлаб-асраш.

2. Йўқолиб бораётган турларни кўпайтириш.

3. Ўрмонларни тиклаш, кўкаламзорлаштириш.

4. Ўсимлик ва ҳайвонларни маданийлаштириш (хонакилаштириш), серҳосил нав ва зотларни яратиш.

5. Ўсимлик ва ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш истеъмол ўрнини қоплаш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳоказолар.

Салбий таъсири қуйидагилардан иборат:

Инсоннинг ўсимликлар ва ҳайвонот оламига салбий таъсири ҳам иккига бўлинади: 1) бевосита; 2) билвосита.

Инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган билвосита таъсирларга антропоген омиллар дейилади. Инсон антропоген омиллари таъсири оқибатида тирик мавжудотларга бевосита таъсир этиб ёки уларнинг яшаш шароитини ўзгартириб, кенг тарқалишига ёки қирилиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин.

Инсоннинг бевосита яшаш зарурати нуқтаи-назаридан табиатга тўғридан-тўғри кўрсатадиган таъсирига антропик таъсирлар дейилади. Булар қуйидагилардан иборат:

а) бевосита яшаш эҳтиёжларини қондириш учун экин экиш, ов қилиш, балиқ ушлаш, ўтин, қурилиш ёки бошқа мақсадлар учун ўрмонларни кесиш, ўт ўриш, канал ва ариқлар қазиш. Сув омборлар қуриш, янги ерлар очиш ва ҳоказолар;

б) ўсимлик ва ҳайвонларни маданийлаштириш;

в) серҳосил, сермаҳсул ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларини яратиш;

г) бошка табиий минтақаларда серҳосил, сермаҳсул нав ва зотларни табиий ареаллардан кўчириб келиш ва адаптация вилиш.

Бир тоифа инсонлар шахсий манфаат ёки ишқибозлик нуқтаи назаридан ҳам чиройи, териси, ширин гўшти, кимматбаҳо суяги, ёқимли хониши, сержило патлари учун овлаган бўлсалар, яна бир тоифа жохил ва разил одамлар уларни азоблаб завқланиш учун қийноқларга солган ва ўлдирганлар.

Манбаларда ёзилишича, XIX асрда яшаган денгизчилар денгиз сигирини фақатгина ширин жигари учун ўлдириб, қолган қисмини сувга улоқтирганлар ва шу асосида, сўнгги денгиз сиги-

ри 1870-1880 йиллар оралиғида ўлдирганлиги гумон қилинади. Ёки 1870 йилларда АҚШ даги Конзасс темир йўли қурувчилари бизонларни отиб ёки оммавий равишда жарлардан ташлатиб, уларнинг қай тарзда қийналиб ўлишини томоша қилиш билан завқланишганлар. Ҳозирги кунда уларнинг қолган қисми махсус қўриқхоналарда сақланмоқда ва "Қизил китоб"дан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Яна бир тоифа одамлар ёки давлатлар зараркунанда, йиртқич, захарли жониворларни йўқ килишган. Масалан, Хитой давлати ўтган асрнинг 60-70 йилларида ғалла экинларига зарар етказяпти деган ўйда паррандаларни қириб юборганлари оқибати жуда қимматга тушиб, 80-йиллардан бошлаб бутун Осиё қитъасида чигирткалар кўпайиб деярли барча қишлоқ хўжалиги экинларига жуда катта офат ёғдирган. Сайёрамизда аҳолининг кескин кўпайиши, фан-техника тараққиёти, қишлоқ хўжалигида янгидан-янги ерларнинг ўзлаштирилиши, шаҳар ва шаҳарлар сатҳининг кенгайиши, саноат иншоатлари сонининг ортиб бориши билан, аввалambор, ёввойи ўсимликлар бутунлай йўқ қилиниб, уларнинг ўрнини маданий ўсимликлар, уй-жой, саноат иншоотлари эгалламоқда, ҳайвонот олами нобуд булмоқда.

Қишлоқ хўжалигида янгидан-янги кимёвий пестицидларнинг қўлланилиши билан айни ҳудудга хос булган маҳаллий парранда ва ҳайвонларнинг кескин камайиб кетиши ёки нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат, саноат хомашёлари, уй-жой, ўтин билан таъминлаш туфайли ўрмонлар сатҳи қисқариб бормоқда. Ўтган минг йилликнинг бошларида сайёрамиз қуруқлик юзасининг деярли ярми ўрмонлардан ташкил топган бўлса, XX аср ўрталарига келиб бу кўрсаткич 27% ни, аср охирига келиб эса, ушбу қисқа муддатда (50 йил ичида) ер юзи аҳоли сонининг 2 баробарга кўпайиши, ўрмонларга бўлган заруратнинг кескин ортиши, умумий ўрмонлар ҳудуди 15% га қадар камайганлиги инсониятга катта ташвишлар келтириши аниқ ва равшан. Маълумки, ўрмонлар сайёрамиз ўпкасидир, ўпкага эса макон керак. Ўрмон маҳсулотлари инсон учун кенг кўламли зарур воситадир. Бундан 50-60 йил муқаддам ўрмонлардан 5-5,5 минг хил инсон учун эҳтиёж ашёлари тайёрланган булса, XX аср охири-янги

аср бошларига келиб 22 минг хилдан ортиқ турли-туман маҳсулот ёки буюмлар тайёрланмоқда. Ўрмон яшаш воситаларининг энг катта зарар кўрган ҳудудлари дарё водийлари ҳисобланади. Чунки уларни сувда оқизиш йўли билан ташиш ишларига сарфланадиган харажат арзонга тушади. Ўрмонлардан пала-партиш фойдаланиш қуйидаги салбий оқибатларга сабаб бўлади:

1. Тупроқнинг сув ва шамол эрозияси тезлашади.

2. Дарё ва кўлларнинг сув сатҳи кескин камайиб булоқларнинг "кўзи" юмилади.

3. Водийларда йиллик довуллар сони кескин ошади.

4. Чўл ҳудудларда чўл ўрмонларининг кесилиши оқибатида шамол ва бўронлар таъсиридан унумдор тупроқлар қум остида қолиб қум кўчиш хавфи кескин ошди.

5. Ўрмонлар бузилиши, пайҳон қилиниши билан унда (дарахтларда) яшовчи ҳайвонот олами, айниқса, паррандалар деярли ўз ҳудудларини тарк этиб кўплари нобуд бўлмоқда.

Мутахассислар гувоҳлик беришларича, сайёрамизнинг қайси ҳудудларида ўрмонлардан режасиз, пала-партиш фойдаланилган бўлса, ўша жойларда дарё сувларининг режими кескин ўзгарган, кўл сувлари саёзлашиб, ҳатто қуриб қолишига сабаб бўлган, тез-тез хавфли сув тошқинлари ва селлар кузатилган. Чунки кучли ёғингарчиликлардан кейин йиғилган сув тўпламлари ҳимоясиз ерларда тупроқни ювиб жуда катта сув оқими селларни пайдо қилади. Бу каби сув тошқинлари ҳозирги кунга келиб Америка, Европа, Осиё қитъаси давлатларининг аксарияти учун одатий ҳолга айланиб қолди. Бунинг сабаби эса аниқ ва равшан. БМТ маълумотларига кура, бевосита антропоген омиллар туфайли ҳайвон ва ўсимлик турлари табиий суръатдагига нисбатан 50 -100 баробар тезроқ йўқолиб бормоқда, қарийиб 34 минг турдаги ўсимликлар ва 5200 турдаги ҳайвонлар, жумладан, паррандаларнинг саккиздан бир қисми, океандаги рифларнинг ярмидан кўпроғи йўқолиб кетиш хавфи остида турибди (2000 й.). Ўрмонлар салмоғининг камайиши билан, табиатда азот баланси бузилмоқда, ҳавода кислород камаймоқда, озон қатлами муаммоси тез-тез тилга олинмоқда. Инсонда янгидан-янги касаллик турлари купаймоқда, энг ачинарлиси, ўпка, жигар саратон касаллиги сўнгги 10 йилликларда кескин ортмоқда.

Биласизми?

Бир гектар ўрмон 16-18 млн/м^3 ҳавони тозалаб, шунга мос равишда CO_2 ни ютиб чиқаради". Шу сабабли ҳам ўрмонлар ҳавоси шаҳар ҳавосидан 200-250 баробар тоза ҳисобланади. Бир дона лайнер ҳавода ўртача 8-8,5 соат давомида ҳаракатланса 50-75 тонначага кислород истеъмол қилади. Шунча кислородни 8-8,5 соатда ишлаб чиқишни 25-50 минг гектарли ўрмон уддалайди, ёки 1 гектар ўрмон 150-200 минг аҳоли яшайдиган ўртача бир шаҳар ҳавосини тозалаб туриш имкониятига эга. |

Ўсимликлар дунёси инсон учун шифобахш хусусиятга эга булиб, ўртача бир гектардаги кенг баргли ўрмонлар 4 -5 кг, нина баргли ўрмонлар 7 -8 кг шифобахш моддалар ажратиб ўрмон ва атроф-муҳит ҳавосидаги инсон учун зарарли микроорганизмларни зарарсизлантирса, ўрмон дарахтлари ва япроқлари эса ҳаводаги ифлос чиқинди газлар, чанг заррачаларини ўзида ушлаб қолади. Ўсимликларнинг инсон учун яна бир муҳим хусусияти - фитонцидлар ишлаб чиқарувчи ҳисобланиб, бу каби моддалар касаллик қўзгатувчи бактерияларни йўқ қилиб, ҳавонинг мусаффо бўлишини таъминласа, яна бир турлари инсоннинг асаб, юрак, меъда-ичак аъзоларига малҳам бўлувчи моддалар ишлаб чиқаради. Олма, терак фитонцидлари грипп вирусларини, карам, саримсоқдан чиққан шифобахш моддалар эса сил касаллиги тарқатувчи микробларга қирон келтиради.

Ҳозирги даврга келиб, илмий тиббиётда ишлатилаётган дори-дармонларнинг деярли ярми ўсимлик ва ҳайвонлардан олинмоқда. Биргина минтақамизга хос бўлган жийда, чилон жийда, дўлона, ёнғоқ бодом, чаканда арча, анзур пиёзи, зира, ипор, равоч, харрон ва яна кўплаб доривор ўсимликлар турли хил антропоген таъсирлардан камайиб бораётган бўлса, яна бир қатор мўмай пул илинжисида юрган, тиббиёт мактаби яқинидан ўтмаган соҳта шифокор ёки тадбиркорлар табиат ато этган доривор ўсимликларни йўқ қилмоқда. Саноат, транспорт, шаҳарлар чиқиндилари зарарли таъсиридан ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг тикланиш қобилияти йўқолиб бормоқда ёки атроф-муҳитнинг ўта ифлосланганлиги сабабли уларни тозалашга улгурмаяпти. Чунки уларнинг ўзи кислотали ёмғирлар, смоглар таъсиридан кучли зарарланмоқда ёки болта дамига тушиб инграмоқда, та-

насидан жудо бўлмоқда, кичкинагина экосистема борлигини йўқотмоқда. Бироқ, шуниси ачинарлики, ҳар бир ўсимлик ўзига хос хусусиятга эга эканлигини яхши ўрганмаган “соҳта табиб’лар мушугини ҳеч ким пишт демаяпти. Натижада касалликка тўғри келмайдиган доривор ўсимликларни истеъмол қилиш ҳам бошқа хил муаммоларни келтириб чиқариши табиийдир.

Ҳайвонот оламига инсоннинг антропик (бевосита) ва антропоген (билвосита) таъсирларига тўхталиб шуни очиқ эътироф этиш керакки, инсон ҳайвонот оламига зарурат ёки зарар нуқтаи назаридан ёндошади, яъни гўшт, сут, тери, жун, суягидан совға сифатида фойдаланиш зарурат нуқтаи назаридан бўлса, йиртқич, захарли, хунук, ёқимсиз ҳид тарқатувчилари зараркунанда сифатида қириб ташланмоқда. Табиат нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, табиат бир бутунликда яралган бўлиб, улар бири иккинчисини тўлдиради ёки биринчиси иккинчисига, иккинчиси учунчисига озиқа бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда илонни захарли деб дуч келган жойда ўлдиришга ҳаракат қиламиз, лекин унинг фойдали томонлари ҳақида ўйлаб кўряпсизми? Унинг захари, гўшти билан қанчадан қанча касалликларни даволаяпмиз. Иккинчидан қайсиси захарли-ю қайсиси захарсиз эканлигини яхши билмаймиз-ку. Ер юзида 2500 тур илонлар мавжуд бўлиб, уларнинг ундан бир қисмигина захарлидир. Афсуски битта захарлиси учун 9 та захарсизи хам қириб ташланмоқда. Тахминий ҳисобларга кўра, илонларнинг деярли ярим тури кўриниши ёқимсиз бўлганлиги ёки билиб билмай, у захарли, чақса ўлдиради деган тушунчалар билан ўйламай нетмай имкони бўлса ўлдириб қўя қоламиз. Илонлар камайган жойларда эса сичқонлар кўпайиб кетади. Аксарият, маҳаллий паррандалар эрта баҳорда ёзда ҳашаротларни қириб фойда келтирса, кузга бориб, боғдаги меваларни истеъмол қилгани учун зарарли паррандага айланиб баъзи ҳолларда палахмоннинг тошига дучор бўладилар.

Биологик рангбаранглик жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, экологик ва маданий, эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг улкан манбаи ҳисобланиб, усиз жамият барқарор ривожлана олмайди. Аксарият ҳолатларда, биоранг-баранглик атамаси остида ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг ғоят

кенг турлари англашилади. XX аср охирига келиб, БМТ маълумотларига кўра, биорангбаранглиқнинг 1,75 миллиондан ортиқ турлари аниқланган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳашаротлардир. Тахмин қилинаётган турлар сони 3-100 миллион атрофида бўлиб, олимлар ҳозирча 13 миллион тур бор, деб ҳисобламоқдалар. Ўсимлик турларига нисбатан ҳайвон турлари деярли тўрт баробар кўп бўлиб, улар икки миллион атрофида, жумладан, умуртқалилар: 36000 атрофида, уларнинг ярмидан кўпроғи балиқлар, қолган 0,1% и сут эмизувчилар, 9,0% га яқини малюскалар, 75-76% ини эса ҳашаротлар ташкил

этади. Қуруқликда яшовчи жониворлар умумий ҳайвонлар турининг 90-93% ига тенг бўлиб, қолган 7-10% и сувда яшовчи жониворларга тўғри келади. Табиатшуносларнинг гувоҳлик беришларича, сўнгги бир асрда, ҳар йили ҳайвонларнинг ўртача бир тури йўқ бўлиб кетганлиги эътироф этилмоқда. Ер юзида умуртқасизлар жуда кенг тарқалган бўлиб, умумий биомассанинг 95% ини ташкил этади.

Бизнинг маданий тафаккуримиз ўзимизнинг биологик муҳитимизга чуқур сингиб кетган ўсимликлар ва ҳайвонлар бизнинг оламимиз тимсоллари ҳисобланади. Улар байроқларда, ҳайкалларда ва бошқа рамзларда ўз аксларини топганлар. Инсон ўзини улар ёрдамида тасаввур этади.

Биласизми

Сўнгги ярим асрда балиқ тутиш беш баробар ошди. Жаҳон океанидаги балиқчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг 70% ***и батамом ишдан чиққан ёки улардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилмоқда. Ўсимлик ва ҳайвон турлари табиий жараёнга нисбатан 50-100 баробар тезроқ йўқолиб бормоқда.***

Бундан 65 миллион йиллар илгари динозаврлар йўқотилган даврлардан бошлаб инсон ўз қўли билан улкан фожиа (катастрофа) лар яратмоқдалар. Турларнинг йўқлиб бориши ортга қайтариб бўлмайдиган ҳодисадир, шундай экан озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа минглаб биологик ашёларга қарамлигимизни инобатга олганда, бу билан биз ҳаётимизга келажагимизга каттадан-катта хавф-хатар яратмоқдамиз. Яна бир диққат билан

ўйлаб кўринг-чи, биохилма-хиллик инсон учун яна қандай туҳфалар ато этади:

1. Ҳаво ва сувни тозаловчи, турли хил чиқиндиларни зарарсизлантирувчи.

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи, кийим-бош ва қурилиш материаллари.

3. Иқлимни тартибга солувчи, барқарорлаштирувчи, соя-салқин жой.

4. Сув тошқинлари, шамол кучини тартибга солувчи, иссиқ-совуқдан асровчи қалқон.

5. Дори-дармон, яшаш воситаси.

6. Озиқ моддалар айланишини ташкил этувчи, тупроққа озиқа берувчи ягона табиий манба.

7. Маданий ва эстетик завқ.

Шубхасиз шундай экан, филлар, йўлбарслар, каркидонлар, пан**далар,** китлар, турли-туман қушлар йўқолиб бораётгани, ўрмонлар, ботқоқликлар, маржон қоялари ва бошқа кўплаб сон-саноқсиз экотизмларнинг нураб, таназзулга юз тутиб, йўқолиб бораётганлиги ҳар бир инсонни сергаклантирмоғи лозим. Чўл султони - фил 40 минг, ўрмон шохи-йўлбарс ер юзида 4-6 минг дона атрофида қолганлиги бизларни огоҳликка даъват этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А «Ўзбекистан XXI аср бўсағасида хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Ўзбекистон» 1997 йил.

2. Барқарор инсоният тараққиёти инсон ҳуқуқлари интеграцияси – БМТ, Нью-Йорк, 2000.

3. БМТнинг миллий маърузаси, Тошкент., 2003.

4. Демографический ежегодник Узбекистана – Ташкент., 2004.

5. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш: Дарслик. – Янги Нашр., 2011.

6. Зокиров Х.Х. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. Дарслик. Сурхон Нашр-2020.

СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ АГРОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Отамуродова Д.А. ТерМИТ,
Х.Х.Зокиров ТерДУ

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида агроэкологик муаммоларнинг ниҳоятда жиддийлашуви, биосферада кечаётган салбий оқибатлар, айниқса тупроқнинг экологик муаммоси тупроқшуносларнинг олдидаги энг долзарб муаммолардан биридир.

2017 йил 10 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қишлоқ хўжалик ходимлари куни сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалиги ҳақида қуйидаги фикрни билдирди: “Аввало ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш энг муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатда суғориладиган ерлар атиги 3 млн 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Чунки Ўзбекистонда сув ресурслари чекланган. 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келмоқда. Мамлакат бўйлаб 445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган. Лекин ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас”.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЎзПИТИ) Сурхондарё филиали далалари тупроғини А.Н.Розанов (1951), А.Э.Зайчиков (1957), республика тупроқ экспедицияси тупроқшунослари (1960) бу тупроқларни чўл минтақасининг суғориладиган тупроқларини “тақир тупроқ” деб атаган. Лекин бу тупроқлар тарқалган ҳудуднинг юқори қисмида “Учқизил” сув омборининг қурилиши муносабати билан ҳудудда гидрогеологик шароитнинг ўзгариши оқибатида яъни сув омборидан ва бетонланмаган сув тармоқларидан доимий сувнинг тупроққа сингиши натижасида, ер ости сизот сувларининг кўпайиши ва тупроқ юзасига 1,5-3,0 м гача кўтарилиши тупроқ қатламларининг намланишига олиб келганлиги сабабли гидроморф тупроқлар пайдо бўлганлигини 1967 йилда тупроқшунос олимлар В.В.Валиев, Н.М.Маллабоев, П.Н.Беседин раҳбарлигида Сурхондарё филиали далаларида 35 та тупроқ чуқур (разрез)лари ер ости сизот сувгача (1-3 м) қазилиб тупроқ намуналари (мо-

нолитлар) олиниб, лабораторияда таҳлил қилиниб. 1:5000 масштабли тупроқ картаси ва агрокимёвий картограммалар тузиб филиал тупроқларини ўтлоқи тупроқлар типига киритганлар.

Вилоят ҳудуди мураккаб геологик, геоморфологик, митологик. Гидрогеологик иқлим шароитларига, турли тупроқ ва ўсимлик қопламига эга бўлиб. Боботоғ ва Бойсун тоғ тизмалари оралиғида деҳқончиликни ривожлантириш учун қулай бир географик муҳитда жойлашган.

Термиз ва Шеробод метеорологик станциялари маълумотларига кўра вилоят ҳудудида биринчи совуқ 2-24 ноябрдан бошланади. 2-12 март ойлари ўртача ҳарорат 17.3-17,8 ^{0}C оралиғида кузатилади. Йиллик ёғингарчилик миқдори турлича бўлиб, энг кўп миқдори феврал, март, апрел ойларида кузатилади. Воҳада баҳордан ёзга ўтиш тез содир бўлади. Масалан, февралда бир кеча-кундузлик ўртача ҳаво ҳарорати 5-6 ^{0}C бўлса. Мартда 11,3 ^{0}C, апрелда 17,7-18,5 ^{0}C гача етади. Жанубий туманларда жанубий-ғарбий йўналиши бўйича “Афғон шамоли” ном билан аталувчи кучли шамол эсиб, осмонни сариқ қум заррачалари билан қоплайди. Бунинг оқибатида эрта баҳордаги кўплаб ёш ниҳоллар жуда катта зарар кўради. Аксарияти нобуд бўлади. Тўзонли бўрон кўтарадиган қуруқ ва иссиқ ҳаво оқими – “гармсел” ҳам қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказади. Шамол пайтида ўсимлик органларида буғланиш (транспирация) кўпайиб, тупроқ юзаси қурийди, ўсимликларни сувга бўлган талаби кескин ортади. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосил элементлари ва гуллари тўкилади. Шамол тугагандан кейин сўнги икки-уч кун давомида ҳаво ҳарорати 2-3 ^{0}C гача пасаяди. Баҳорнинг сўнги ёз ойларининг бошланиши билан шамолнинг таъсирида ҳавонинг нисбий намлиги пасайиб, ўсимликларда буғланиш миқдори кўпаяди бу эса ёш ниҳолларда пайдо бўлган ҳосил элементлари, шоналар ва гулларнинг кўплаб тўкилишига сабаб бўлади. Натижада тупроқдан олинадиган ҳосил салмоғининг кескин камайиб иқтисодий самарадорликнинг пасайишига сабабчи бўлади.

Сурхондарё вилояти тупроқ иқлим шароитларининг ўзига хос хусусиятларига кўра вилоятда иккита тупроқ-иқлим ҳудудларини ажаратиш мумкин:

1. Тақир. Сур тусли қўнғир қумли чўл тупроқлари. Тақирлар ривожланган, вилоятнинг жанубий қисми ёки паст текисликлар чўл ҳудуди;

2. Асосан бўз тупроқлар тарқалган вилоятнинг шимолий қисми ёки тоғ ости ва тоғ олди текисликлари ҳудуди.

Сурхондарё воҳаси ҳудудларида тарқалган тупроқлар ва уларнинг агроэкологик муаммолари. Ер юзасининг тузилиши жиҳатидан Ўзбекистон ҳудуди икки қисмга ажратилади: катта қисми 78,7% текислик, 21,3% тоғлардан ва тоғ оралиғидаги ботқоликлардан иборат.

Сурхондарё табиий географик ўлкасининг денгиз сатҳидан 500 м (Термиз 302 м) баландликкача бўлган жойларида оч бўз тупроқ тарқалган. Ер ости сувлари ер юзасига яқин бўлган жойларда шўрланган бўз тупроқлар учрайди. Сурхондарё ва Шеробод дарёларининг қайирларида аллувиал ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар учраса, жанубий қисмидаги қум массивларида қумли ва қумлоқ тупроқлар учрайди. Вилоят ерларининг умумий балл бонитети 60 баллни ташкил этади. Шундан суғориладиган 562,7 минг га, экин ерлари 279,5 минг га, кўп йиллик дарахтзорлар ва яйловлар 776,7 минг.га ни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариладигани фойдаланиладган қисми 1089,2 минг га бўлиб. 272,8 минг га суғориладиган томорқалар, 57,9 минг га деҳқончилик қилинадиган ерлардир (вилоят умумий ер фондининг 14 % га тўғри келади).

Ўлканинг 500 м дан 1200 м баландликкача бўлган қисмида оддий ва тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Бундай тупроқлар кўп жойларда ўзлаштирилиб, маданий бўз тупроққа айлантирилган.

Сурхондарёнинг 1600-2500 м дан баландда бўлган тоғ ёнбағирларида тоғ-жигарранг тупроқлар таралган бўлиб, таркибидаги чиринди 4-6 фоизга боради. 2500 м дан юқорида яйлов минтақаси бошланиб, тоғ-ўтлоқ, ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқ учрайди.

Термиз тумани аллювиал ётқизиқларида ташкил топган, Сурхондарёнинг I-II қайир усти террасаларидаги янгидан суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқлардан иборат. Тақир-ўтлоқи тупроқлар чўл минтақаси текисликларида ривожланган оғир

қумлоқли ва лойли фракциялардан тузилган.

Тақир тупроқлар – Сурхондарё воҳасида ўзига хос генетик тузилишга, хусусиятга эга бўлган типик чўл (саҳро) тупроқлари типини ташкил этади. Бу тупроқлар Сурхондарё воҳасининг субареал аллювиал ҳамда пролювиал текисликларида механик таркиб жиҳатдан бирмунча оғир ва у ёки бу даражада шўрланган ётқизиқлар устида пайдо бўлган.

Биринчидан, тақирли тупроқларнинг юзаси текис, ҳар хил шаклдаги ёриқлардан ташкил топган қалинлиги 1-5 см, ранги қизғиш кўкимтир товланувчи катта кесакчали қатқалоқли қатламнинг ҳослиги билан ажралиб туради. Қатқалоқ остида эса қизғиш-кўнғир тангачасимон-кесакчали, увалануvчи қатқалоқ ости қатлами бўлиб, бу одатда, 6-10 см қалинликда бўлади. Бу қатлам кўнғир-қизғиш рангли оқиш доғлар билан товланган, жуда катта-кичик кесакчали, қалинлиги 20-25 см бўлган қатлам билан алмашади. Бу қатламнинг остида эса жуда мураккаб рангли (қизғиш, кўнғир, оқиш нуқталар, темир занглари ва қора-кўнғир доғлар билан ва ҳ.) 80-100 см қатлам бўлади. Тақирли тупроқларнинг мелкоземли қатлами, одатда, 200 см ва ундан ортиқ бўлади. Энг характерли морфологик тузилиши яна шундан иборатки, барча генетик қатламлар ўта оғир механик таркиблидир (оғир, қумоқ, енгил). Мана шу сабабли бу тупроқни ўзлаштиришда даставвал оғир механик таркибли ерларга хос бўлган агротехник ва мелиоратив тадбирларни қўллашга тўғри келади.

Яна тақирли тупроқлар учун хос бўлган иккинчи морфологик белги уларнинг табиий зичланганлигидир. Биринчи кўринишда бу тупроқлар жуда яхши агрегатлангандек кўринади, бироқ бу агрегатлар фақатгина оддий физик кўриниш бўлиб, улар аслида "ўта сохта" агрегатлардир, чунки бу агрегатлар намланганда ўз ҳолатини ўзгартиради ва намлик ортган сари бўтқага айланади.

Табиийки, тупроқ тикланадиган жинсдир ва унинг табиат ҳамда инсоният ҳаётидаги ўрни беқисдир. Ҳозирги кунда инсонлар томонидан сунъий равишда тупроқ унумдорлиги оширилиши ва унинг ҳолатини яхшилаши мумкин. Чунки ўзининг табиий хусусиятларига эга бўлган мустақил жинс ҳисобланган тупроқ антропоген омил ҳисобланмиш инсон томонидан шика-

стланган.

Тупроқ структурасининг ёмонлашига олиб келадиган сабаблари сифатида тупроқдан фойдаланиш ҳолатининг бузилиши, агротехник тадбирларнинг нотўғри йўлга қўйилганлиги унинг яроқсиз ҳолга келтириб қўяди, натижада, инсон таъсирида ирригацион (сув) эрозиялари вужудга келади, тупроқларда шўрланиш юзага чиқади ва ошади ёки ботқоқланишга олиб келди.

Афсуски, Иттифоқ даврида Ўрта Осиёдаги барча республикаларда, айниқса, Ўзбекистон учун етакчи соҳа пахта бўлиб, умумий суғорилиб экин экиладиган майдонларнинг деярли 75-80% ни ташкил этган бўлиб, пахтадан юқори ҳосил олиш учун кучайтирилган агротехник тадбирларининг оқибатида тупроқлар зўриқтирилди, табиий унумдорлиги кескин пасайди, тупроқ пахтага хос бўлган касалликлар ва зараркунандалар билан касалланди, далага оғир техникаларнинг кўплаб киритилиши оқибатида эса тупроқнинг юза қатлами кескин зичлашди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижадаларига кўра, 1 $см^3$ ҳажмдаги тупроқнинг оғирлиги 1,1-1,2 $гр/см^3$га тенг бўлиши нормал ҳолат ҳисобланса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 1,6-1,8 $гр/см^3$га етган бўлиб, агарда ушбу кўрсаткич 2,5 $гр/см^3$ етса, ушбу жисм тупроқ эмас ерга айланган бўлиб, мутлоқ ҳосил берувчи маданий ўсимлик ва экинлар ўсмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, анропоген омил, яъни инсон фаолияти маълум мақсад сари йўналтирилган, илмий асосланган ҳолатда деҳқончиликка ёндашилса, тупроқ ҳолати яхшиланади, унумдорлиги кўтарилади. Бироқ шуни очиқ айтиш керакки, Ўзбекистонда Иттифоқ даврида ҳам, қолаверса, бугунги кунда ҳам, асосий диққат-эътибор кўпроқ ҳосил етиштиришга қаратилган бўлиб, барча агротехник тадбирлар кучайтирилган ҳолатда берилган. Айрим ҳудудларда пахта кеч пишиши натижасида ер умуман дам олмаса, бир қатор хўжаликлар бир йилда икки-уч ҳосил олиши натижасида ер зўриқмоқда. Аксарият ҳолатларда, экиндан бўшагани кузги шудгорсиз қолиб кетмоқда, суғориш меъёрлари 20 минг куб метрга борган (меъёрдан 2,5-3 баробар кўп), азот жуда катта миқдорда берилиб, фосфор ва калийли ўғитлар етарлича берилмаган (N:P:K ни 1:0,75:0,5 нисбати кескин бузилган). Кимёвий заҳарли восита (пестицид)лардан бир неча баробар кера-

гидан ортиқча ишлатилиши оқибатида, зараркунандалар билан биргаликда фойдали ҳашаротлар, тупроқ таркибидаги микроорганизмлар, чувалчанглар, кемирувчиларни қирилиб кетиш оқибатида, тупроқ табиий унумдорлигини деярли йўқотди.

Халқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларда инсон фаолияти тупроқ ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Алмашлаб экиш, дарахт ўтказиш, ерни ишлаш ва ўғитлаш, суғориш, ер захини кетқазиш ва шўрини ювиш, текислаш ва шунга ўхшаш ишларнинг барчаси тупроқнинг ривожланишига ва унинг асосий хусусиятларига жуда катта таъсир кўрсатади.

Қўриқ ерларни биринчи ҳайдалган кундан бошлаб, уларнинг табиий қиёфаси ўзгаради, яъни уларнинг устки чим қатлами йўқолиб, у пастки қатлам билан аралашади. Бундай тупроқнинг ҳаво ўтказиш, сув режими бошқачароқ бўлади, ўсимлик ва тупроқ жониворларининг ҳаёти учун зарур шароит яратилади. Ерни ўғитлаш билан биз унинг озуқа режимини кескин ўзгартирамиз. Ерга солинадиган минерал ва органик ўғитлар тупроқдаги озуқа моддалар миқдорининг кўпайишига ва қисман тупроқ кимёвий таркибининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Зовурлар қазиб, тупроқ захини кетказиш, шўрини ювиш натижасида тупроқда жуда катта ўзгаришлар содир бўлади. Унумсиз шўрхок тупроқлар, ботқоқлар ва бошқа шу сингари фойдаланиш қийин бўлган ерлар инсон меҳнати туфайли сифати яхшиланиб, унумдор тупроққа айланади. Тупроқларнинг ривожланишига сунъий суғориш, айниқса, катта таъсир қилади. Табиий шароитда ёғин-сочин сувларидан ҳаммаси бўлиб 100 мм дан 400 мм гача сув оладиган ер сунъий суғориш орқали 4-5 маротаба кўп намланади. Суғориш натижасида тупроқларнинг табиати ўзгаради, унинг генетик қатламларида мавжуд элементлар ҳаракати, янги яралмалар, лойланиш жараёни, биологик ҳаёт кескин ўзгаради, минерал жинсларнинг ички нураш тезлиги ўзгаради. Суғориш сувлари олиб келган қаттиқ ётқизиқлар таъсирида янги агроирригацион қатлам шаклланади.

Бугунги кунда инсонларгина тупроқ унумдорлигини ошириши, унинг ҳолатини яхшилаш мумкин. Чунки ўзининг табиий хусусиятига эга бўлган тупроқ антропоген омил ҳисобланган инсон томонидан шикастланди. Шунингдек, тупроқдан фойда-

ланиш қоидаларини бузиб, уни издан чиқариш, яроқсиз ҳолга келтириб қўйди, оқибатда, инсон фаолияти натижасида сув эрозиялари рўй беради, ерни шўр босади ёки ботқоқ ҳолга келиб қолади. Бунинг асосий сабаби тупроқ ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва деҳқончиликни юритиш қоидаларига амал қилмасликдир.

Суғориш суви танқис бўлганлиги сабабли вилоятда мавжуд суғориш тизимининг фойдали коэффициентини ошириш, тежамкорлик ҳисобига кўпроқ майдонларни суғоришга эришиши талаб этилади. Аммо амалда суғориш ишлари нотўғри олиб борилганлиги, суғориш тизимлари талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқнинг шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Чўл ҳудуди тупроқларининг шўрланишга сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистоннинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлари 4.2 млн гектарни ташкил қилади. Ушбу ерларнинг 2 млн гектари турли даражада шўрланган ва унумдорлик ҳусусиятларини йўқотиб бормоқда.

Сурхондарё вилоятида эса шўрланган ерларнинг умумий майдони 12860 гектарни ташкил этади. Тупроқнинг шўрланиш кўрсаткичи нисбатан баланд бўлган ҳудудларга Ангор, Музработ, Шеробод, Қизириқ туманларида турли даражадаги шўрланган тупроқларни учратиш мумкин (1-жадвал).

ЎзПИТИ томонидан ишлаб чиқилган ва “СредАзгипроводхлопок” институти томонидан иқлим ва минтақавий баландлик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, аниқлаштирилган ҳудудий районлаштириш схемасига кўра, Шеробод, Жаркўрғон, Ангор, Музробод, Қизириқ ва Термиз туманлари биринчи тупроқ иқлим ҳудудига, асосан, оч тусли ва типик бўз тупроқлар тарқалган тоғ ости ва тоғ олди текисликлари ҳудудига киради. Сурхондарё воҳаси тупроқлари асосан икки ҳудудга бўлиб ўрганилади:

Пасттекисликлар чўл ҳудуди: Шеробод, Қизириқ, Термиз, Музработ, Ангор ва Жарқўрғон туманларини ўз ичига олгани ҳолда, воҳнинг энг иссиқ ҳудуди ҳисобланади. Ўртача йиллик ҳарорат 16,2°С дан (Термиз), 18,1°С гача (Шеробод) тебраниб

туради, айрим йилларда 18,9°С гача етади, бу туманлардаги вегетацион даврнинг ўртача ҳарорати 24,8-26,7°С оралиғида тебраниб туради. Бу ҳудуд қишдан баҳорга ўтиш даври ҳароратнинг кескин ўзгариши билан характерланади. Февралда ҳарорат 5,7-6,3°С, мартда 11,3°С га тенг бўлса, апрелда 18,0-18,4°С гача кўтарилади. Мартнинг иккинчи ярмидан бошлаб, вегетация даврининг охиригача бошланган барқарор юқори ўртача ҳарорат бу ҳудудда ингичка толали пахта навлари етиштириш имконини яратади. Биринчи совуқ 19 октябрдан 24 ноябргача, баҳорги охирги совуқ 20-22 мартларга тўғри келади. Совуқсиз даврнинг узунлиги 213-238 кунни ташқил этади. Самарали ҳароратнинг ўртача йиллик йиғиндиси Шеробод учун 3056°С, Термизда эса 2703°С ни ташкил этади. Чўл ҳудудининг ғарбий кисми (Шеробод тумани) унинг шарқий қисмига (Термиз, Жарқўрғон туманлари) қараганда иссиқроқ. Шу билан бирга, чўлнинг шарқий қисми йиллик ёғингарчилик миқдорининг бироз камлиги билан ажралиб туради.

Сурхондарё вилоятининг шўрланган ерлари

1-жадвал

т/р	Туманлар	Майдони минг/км²	Шўрланган	Кучсиз шўрланган	Ўртача шўрланиш %	Кучли шўрланиш %
	Олтинсой	0.57	75.5	21.7	2	0.8
	Ангор	0.39	9.9	60.1	21.3	8.7
	Бойсун	3.72	44.4	50.3	0.3	2.3
	Денов	0.76	70.8	16.5	10.4	2.3
	Жарқўрғон	1.14	57.3	33.3	3.6	5.8
	Қумқўрғон	2.2	73	21.1	4.2	1.7
	Қизириқ	0.56	13.2	33.2	29.5	24.1
	Музработ	0.74	8	42.3	36.2	13.5
	Сараосиё	3.93	92.3	7.7	-	-
	Термиз	0.86	30.6	29.9	27.7	11.8
	Узун	1.63	93.2	6.3	0.5	-

	Шеробод	2.73	7	50.1	27	15.9
	Шўрчи	0.85	64.5	29.2	4.9	1.4
	Термиз ш.	0.03	-	-	-	-
	Вилоят бўйича умумий	20.1	41.5	32.3	16.8	9.4

Йил давомида Термизда 130 мм, Шерободда эса 154 мм ёғин ёғади, шундан вегетация даврига атига 31-35 мм тўғри келади. Ҳаво ниҳоятда қуруқлиги билан ажралиб туради, йиллик ўртача нисбий намлик 43-54 % ни ташкил этгани ҳолда, июлда 21-32 % гача камаяди, аксинча, қишда 62-66 % гача ортади.

Биринчи ҳудуд учун жанубий-ғарбий йўналишдаги иссиқ-қуруқ шамоллар (афғон шамоли) характерли хусусиятларидан бўлиб, тез-тез такрорланиб туради маданий ўсимликларга ҳалокатли таъсир этади (2-жадвал).

Бу ҳудуднинг суғориладиган майдонларни асосий қисми тақирли, тақир-ўтлоқи, сур тусли қўнғир, қумли чўл тупроқларидан иборат бўлиб, суғориладиган умумий 148729 гектар майдонлардан 121062 гектари, ёки 81.4% турли даражада шўрланган. Шундан: кучсиз шўрланган тупроқлар 42.2%, ўртача шўрланган 24.9% ва шўрланган ерлар майдони 14.3% ни ташкил этади.

Тоғ ва тоғ олди текисликлари ҳудуди. Денгиз сатҳидан 450-1000 м баландликда жойлашган бўлиб, Сариосиё, Денов, Узун, Шўрчи, Бойсун, Бандихон, Олтинсой ва Қумқурғон туманларини ўз ичига олади.

Бу минтақада ҳам қишдан баҳорга ўтиш даври ҳароратнинг кескин кўтарилиши билан содир булади: февралда ҳарорат 4.9°С, мартда 10,1°С кўрсаткичларида кузатилса, апрель ойида 16,9°С га етади, бироқ биринчи ҳудудга қараганда пастроқ ҳисобланади. Бу ҳудудда йиллик ўртача ҳарорати 15,7°С га, вегетация даврида эса 23.3°С га тенг. Июлнинг ўртача ҳарорати 27.5°С, айрим йилларда 29.4°С гача кўрсатилади. Совуқсиз давр ўртача 212-214 кунни ташкил этади. Биринчи кузги совуқ ўртача 25-27 мартга тўғри келади, айрим йилларда бу кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳоллари (4 февралдан ва 18 апрелгача) учраб туради.

Сурхондарё вилоятининг туманлари бўйича шамол фаолияти кўрсаткичлари, м/сек

2-жадвал

Кузатиш пунктлари	Ойлар						Вегитация даврлари	Йиллар	Чанг-бўронли шамоллар бўладиган кунлар сони
	IV	V	VI	VII	VIII	IX			
Суткалик ва йиллик уртача шамол тезлиги									
Денов	2,6	2,4	2,0	1,6	1,6	1,7	2,0	2,3	-
Термиз	3,4	3,0	2,7	2,7	2,5	2,0	2,7	2,6	-
Шеробод	2,2	2,9	3,0	2,6	2,4	2,6	2,6	3,0	-
Кучли шамолли кунлар сони									
Денов	0,8	1,0	0,9	0,4	0,4	0,4	3,9	5,0	4
Термиз	2,0	2,1	1,1	0,9	0,9	0,5	7,5	17,0	28
Шеробод	0,9	0,6	0,2	0,2	0,05	0,0	2,0	4,0	6

Июлнинг ўртача ҳарорати 27.5°С, айрим йилларда 29.4°С гача кўрсатилади. Совуқсиз давр ўртача 212-214 кунни ташкил этади. Биринчи кузги совуқ ўртача 25-27 мартга тўғри келади, айрим йилларда бу кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳоллари (4 февралдан ва 18 апрелгача) учраб туради. Совуқсиз даврдаги 100 дан ортиқ самарали ҳарорат йиғиндиси Шўрчи туманидан 25,06°С ва Денов туманида 23,87°С ни ташкил этади. Бу туманларга йил давомида 234-353 мм ёғин ётғади. Ёғинларнинг асосий миқдори новегитацион даврга (52-53 %) тўғри келади, йиллик норманинг 37-38% март ва апрел ойларида кузатилади.

Бу туманларга йил давомида 234-353 мм ёғин ёғади. Ёғинларнинг асосий миқдори новегитацион даврга (52-53 %) тўғри келади, йиллик норманинг 37-38 % март ва апрел ойларида кузатилади.

Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги 57-58 % ни ташкил этган ҳолда, вегетация даврининг ўртача кўрсаткичлари 63-64 % гача кўтарилади.

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим ҳудудлари бўйича шўрланган ерларни майдони кўрсаткичлари

3-жадвал

Туманлар	Жами суғориладиган ерлар, га	Шўрланиш даражаси						Жами шўрланган ерлар	
		кучсиз		Ўртача		кучли			
		га	%	га	%	га	%	га	%
I-тупроқ-иқлимий ҳудуд									
Жаркурғон	24313	7594	33,3	812	3,6	1327	5,8	9733	40,0
Музробод	34085	13358	42,3	11449	36,2	4251	13,5	29058	85,3
Ангор	15918	9211	60,1	3264	20,3	1336	8,7	13811	86,8
Термиз	14452	4441	29,9	4111	27,7	1754	11,8	10306	71,3
Шеробод	33853	18083	50,1	9718	27	5720	15,9	33521	99,0
Қизириқ	26108	10087	38,6	7688	29,4	6858	26,3	24633	94,3
Ҳудуд бўйича	148729	62774	42,21	37042	24,91	21246	14,29	121062	81,41
II-тупроқ-иқлимий ҳудуд									
Бандихон	11782	3280	27,8	3491	29,6	2574	21,8	9345	79,3
Бойсун	4499	2295	50,3	135	0,3	104	2,3	2534	56,3
Денов	27501	4740	16,5	2990	4	656	2,3	8386	30,5
Олтинсой	16734	3618	21,7	339	2,0	132	0,8	4089	24,4
Сариосиё	12463	962	7,7					962	7,7
Узун	11637	775	6,3	65	0,5			840	7,2
Шўрчи	16939	4767	29,2	794	9	231	1,4	5792	34,2
Қумқурғон	21542	4734	21,1	942	2	386	7	6062	28,1
Ҳудуд Буйича	123097	25171	20,45	8756	7,11	4083	3,32	38010	30,88
Вилоят буйича жами	271826	87945	32,35	45798	16,85	25329	9,32	159072	58,52

Жойнинг қиялик даражаси яхши ифодаланганлиги сабабли бу ҳудудда гурунт сувлариннг оқими яхши таъминланган, шу сабабли шўрланган жойлари кучсиз ривожланган. Ер юзаси қиялик даражасининг катталиги боис айрим жойларда ирригацион эрозия жараёнлари содир бўлади.

Иккинчи, тоғ ости ва тоғ олди ҳудудининг суғориладиган ерлари майдони 123097 гектарни ташкил этади, шундан 5.87 минг гектари 0.5-1.5м чуқурликда жойлашган шағал қатламлардан иборат табиий зовурлашган ерлар ҳисобланади. Бу ҳудуднинг тупроқ ва гурунт сувлари юқори фильтрацион хусусиятларга эга бўлиб, бу холат айниқса конус ёйилмаларида кучли ифодаланган.

Бу ҳудуддаги гидроморф тупроқлар Сурхон дарёсининг пастки терассаларида (иккинчи ва биринчи қайир усти), шунингдек конус ёйилмаларининг пастки буйи қисмларида тарқалган. Бу ерларда гурунт сувлари 0.5-4.0 метрда жойлашган бўлиб, асосан дарё ва суғориш сувларининг инфильтрацияланишидан (4 минг гектарга яқин) ботқоқ ўтлоқи тупроқлари тарқалган. Улар асосан конус ёйилмаларининг қуйи пасткамлик ерларига ва дарёнинг биринчи қайир усти ерларига тўғри келади. Ботқоқ ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар грунт сувларининг ер юзасидан 1.5-2.0 м гача пасайтиришни талаб этади. Бу ҳудуд тупроқлари ҳам турли даражада шўрланган бўлиб, биринчи ҳудуддагига қараганда анча кам. Умумий 123097 гектар ер майдонларидан 38010 гектари шўрланган ерлардан иборат бўлиб, шундан кучсиз шўрланган ерлар майдони 20.5 % (25171 га) ни, ўртача шўрланган майдонлар 7.11 % (8756 га) ни, ва кучли шўрланаган ерлар майдони 3.3 % (4083 га) ни ташкил этади. Ўртача ва кучли шўрланмаган майдонлар (10,14 %) зовурлар шароитида шўр ювиш ишларини талаб этади (3-жадвал).

Шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш тадбирларининг энг асосийси- ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, янги зовурлар қазиш, эскиларини тозалаш ва шўр ювиш ишларини олиб боришдир.

Сурхондарё ҳудуди тупроқлари шўрланишнинг асосий сабабларидан бири, бу ҳудудда ёғингарчилик кам бўлиб, буғланиш кўп бўлганлиги бўлса, ер ости сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги ва сув таркибидаги тузлар буғланиши сабабли тупроқнинг юза қисмида қолиб, тупроқ шўрланишининг иккинчи сабаби ҳисобланади.

Яна энг муҳим сабабларидан суғориш техникасига риоя қилмасдан, шудгорларни кўллатиб суғориш, ер юзасининг бир текисда шудгорланма-ганлиги, яъни паст-баланд холича текисланмасдан шудгорланиб, сувнинг шўри тупроқ юзасида қолиб кетиши, ерни оби-тобига келтирмасдан суғориш ҳам тупроқнинг шўрланишга олиб келади.

Бундан ташқари шўрланган тупроқларни ювиш ва шўрланиши олдини олиш учун қурилган коллектор дренажларнинг қаровсиз ҳолга келиб қолгани, қувурларнинг кўпчилик қисми

тешилиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганлиги, яна кўп жойларда яхши ишламаслиги бўлса, шўр ювиш учун қазилган зовурларнинг жуда кўпчилик қисми тўлиб, фақат мавсум пайтларида тозаланиб, бошқа пайтларда эса қаровсиз бўлиб, зовур сувлари шудгорларга ҳам оқиб, бу ернинг тупроқларини қайта янада шўрланишга олиб келаяпти ва зовурларнинг айрим жойлари эса тўғридан-тўғри шудгорлар олдига келиб тўхтаб қолганлиги, далалардан пала-партиш қилиб, ўрталаридан ҳам зовурлар қазиб, охирига етказилмаганлиги энг ачинарли ҳол бўлиб, мелиорация ва ирригация ишлари билан шуғулланувчи мутасадди шахсларнинг бефарқликлари туфайли тупроқнинг ишдан чиқиб кетиши кескин ошиб кетмоқда. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, сув танқислиги даврида, суғориш ишларига эътибор қилмаслик, суғориш ишларини нотўғри олиб бориш ҳамда суғориш тизимлари талаб даражасида бўлмаганлиги, сувдан хўжасизларча фойдаланиш туфайли ер ости сувлари кўтарилиб тупроқнинг шўрланиш ҳолати кескин ошмоқда.

Сурхондарё вилояти суғориладиган майдонларнинг ер фонди, мелиоратив ҳолатига кўра 2 гурухга: мелиоратив ҳолати яхширок, кулай ерлар ва мелиоратив холати оғир, нокулай ерларга бўлинади. Вилоятда ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш учун коллектор зовур тармоқларининг солиштирма узунлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистан Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 1 январ холати маълумотларига кўра вилоятдаги 331.5 минг га жами суғориладиган ерлар контурининг 176.5 минг га зовурлар билан таъминланган. Коллектор зовур тармоқларининг умумий узунлиги 10099.8 км дан иборат бўлиб, хўжаликлараро тармоқлар 1100.0, хўжаликлар ички коллетор зовур тармоқларинng узунлиги 8999.8 км ни ташкил этади.

Сурхондарё вилоятининг туманлари бўйича ойдинлаштирилган гидромодул районлаштириш схемаси ва суғориш режимлари ва тупроқ иқлим шароитлари, ерларнинг мелиоратив ҳолати, грунт сувлари режими, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва бошқа омилларнинг чукур таҳлили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятнинг алоҳида туманлари учун белгиланган. Суғориш режими барча қишлоқ хўжалик экинлари учун вегитацион

ва новегетацион даврлар учун мўлжалланган. Тупроқ шўрланишини олдини олишдаги энг муҳим чоралар қаторига агрономия талабларига тўла жавоб берадиган пухта ишлаб чиқилган янги суғориш системаларига ўтиш, суғориш шохобчаларида янги гидротехника иншоотларини қуриш, сувни тежаш, уни исроф қилмаслик, мелиоратив тадбирларни ўтказиш ва бошқа шу сингари ишларни олиб бориш зарур.

Суғориш суви нотекис тақсимланганлиги сабабли тежамкорлик ҳисобига кўпроқ майдонларни суғоришга эришишни талаб этади. Аммо суғориш ишлари нотоғри олиб борилганлиги ва амалдаги суғориш тизмаси талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли, ер ости сувлари кўтарилиб тупроқнинг шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Суғориладиган ерлардаги шўрхоклар мелиорациясида қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Далалар атрофидаги коллекторлар ва зовурларни қазиш ёрдамида сизот сувлар сатҳини пасайтириб, сувнинг капилляр йўллар орқали ер бетига кўтарилишини тўхтатиш.

2. Далалар ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорлар барпо этиш.

3. Тупроқ қатламларида йиғилган, сувда эрийдиган зарарли тузларни ювиш (шўрхокларни ювиш, одатда, кеч кузда ва қиш мавсумида олиб борилади).

4. Ўғитлаш ҳамда гипслаш тавсия этилади.

Шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш тадбирларининг энг асосийси – ер ости сувларини пасайтириш, яъни зовурлар қазиш, эскиларини тозалаш ва шўр ювиш ишларини олиб боришдир.

Далалар атрофига ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорларни барпо этиш, дала атрофида иқлимнинг иссиқлиги ва қуруқлигини ҳамда шамолнинг таъсирини камайтиради. Бу эса тупроқ юзасидан сувнинг буғланиб кетишини анча секинлаштиради, натижада паски қатламдаги сизот сувини юқорига кўтарилишини, ҳамда тупроқ шўрланишини камайтиради. Шунингдек, дарахтлар каналлардан сизаётган сувнинг кўп қисмини илдиз орқали шимиб олиб буғлатади ва сизот сувларининг кўтарилишига йўл қўймайди.

Тупроқ қатламидаги зарарли тузларни йўқотиш учун тупроқ ювилади. Сизот сувларнинг чуқурлиги эса тупроқнинг шўрланиш даражаси сув ўтказувчанлик хусусиятига боғлиқ бўлади ва шунга қараб, ҳар қайси дала учун ўзига хос сув меъёри ва ювиш сони белгиланади. Шўрланган тупроқ 1-2 мартадан 10-15 мартагача ювилиши, ҳар ювишда бериладиган сув меъёри гектарига 2-3 минг кубметрдан 15-20 минг кубметргача бўлиши мумкин.

Одатда, шўрхоклар ювилишдан олдин тупроқдаги тузларнинг кимёвий таркиби аниқланган бўлиши керак. Агар тупроқда натрий тузлари (NaCl, Na_2SO_4 ва бошқалар) бўлса, ювишдан олдин далага гипс солиш тавсия этилади. Алмашлаб экиш, далаларда тупроқ бетини тез-тез юмшатиш ва органик ўғитлар (гўнг, торф, компост ва бошқалар) солиш ҳам шўрхок тупроқлар ҳоссаларини яхшилайди. Шўри ювилган далаларга эса дастлабки йиллари бошоқли ҳамда дуккакли ўсимликлар (буғдойиқ, беда) экиш тавсия этилади.

Ўғитлаш. Шўртоб ҳамда шўрхоклашган тупроқларнинг физик хоссалари ва озиқ режимини яхшилаш учун ерга мунтазам равишда органик модда (гўнг) ва азотли, фосфорли минерал ўғитлар солиш энг муҳим тадбир ҳисобланади.

Органик ўғитларнинг чириши натижасида, структурасиз устки қатламда структура элементлари пайдо бўла бошлайди. Бундай агробиологик усуллардан ташқари, агрохимик мелиорацияни, яъни шўртобларга гипс солишни ҳам қўллаш зарур бўлади. Тупроққа гипс солинганда сингдирувчи комплексдаги Na^+, Ca^{++} (катион) ни билан алмашинади ва тупроқнинг ишқорий реакцияси нейтраллашади. Бунинг натижасида тупроқнинг физик, физик-кимёвий хоссалари ва унумдорлиги ортади.

Демак, органик ўғитларни, жумладан, ярим чириган қорамол гўнги ҳамда товуқ гўнгини қўллаш тупроқдаги минерал азот миқдорини сезиларли оширади. Умуман олганда, товуқ гўнги ва ярим чириган қорамол гўнги тупроқнинг азот режимига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, яъни уни кучайтиради. Бунда қорамол гўнгига нисбатан товуқ гўнги кучли таъсир кўрсатади. Тупроқдаги яна муҳим озиқ моддалардан бири ҳаракатчан фосфор ҳисобланади. Тупроқнинг фосфор режими тупроқнинг унумдорлигини белгилашда ҳам муҳим рол ўйнайди. Тупроқда

фосфатларнинг ҳаракатчан ҳолга ўтиши жуда секин кечади. Фосфатлар тупроқда азотга нисбатан кам ҳаракатчан бўлади.

Ерга ишлов беришда жорий этилган агротехникада қатқалоқ билан курашиш, чуқур ҳайдаш ва ҳайдалган қатлам остидаги берч қаватни юмшатишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Хулоса килиб айтганда, Сурхондарё вилояти чўл ва чалачўл ҳудудида жойлашган, унинг маркази Термиз шаҳри денгиз сатҳидан 302 м баландликда бўлиб, йиллик ёғин миқдори 130-150 мм ни ташкил этади.

1. Ҳудудда ёғингарчилик миқдори кам бўлганлиги сабабли, эфимер ўсимликлар мавсумий жараёни 4-5 см дан юқори ўсмайди ва бунинг оқибатида табиий унумдорлик, яъни чиринди миқдори 0,5-0,6 % дан ошмайди.

2. Вилоятнинг Жарқўрғон, Термиз, Ангор, Шеробод, Музработ ва Қизириқ туманлари тупроқлари тақир-ўтлоқи тупроқлар типга мансуб бўлиб, 6410 га ташкил қилади.

3. Вилоятнинг Қумқўрғон, Бойсун, Олтинсой, Денов, Шўрчи, Сариосиё ва Узун туманлари тупроқлари бўз, жигарранг ва оч кўнғир тупроқлар типга мансуб бўлиб, 136700 га ташкил қилади.

4. Вилоятнинг умумий ер майдони 2.1 млн га бўлиб, ер ости сизот сувлар яқин бўлганлиги сабали 1132.09 га кучли, 1773.36 га ўртача шўрланган ҳисобланади.

5. Вилоятнинг иқлим шароитлари, совуқсиз даврнинг узоқ давомийлиги (212-238 кун) вегетация давридаги ўртача юқори ҳарорат (23.3°С, 26.7°С), юқори буғланиш билан ажралиб туради. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги экинларидан, айниқса, пахтадан турғун, барқарор ҳосил олишни таъминлаш мақсадида, вилоятнинг суғориладиган ерларига олдинги районлаштириш схемасида режалаштирилгандан бироз юқори нормадаги суғориш режимларини қўллаш таклиф этилади.

Бир йилда экин майдонларининг кўп марталаб суғорилиши, тупроқ таркибида ҳар хил тузларнинг тўпланиб боришига ва натижада тупроқнинг яна қайта шўрланишига олиб келади. Шўрланган тупроқлар жуда кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тўпланган илмий тадқиқот ишлар маълумотлари юзасидан қуй-

идаги хулосалар чиқарилди:

-биринчидан, тупроқларнинг деҳқончилик муомаласидан чиқиб кетишига ва экин экиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолиши;

-иккинчидан, фақатгина галофит ўсимликлар ўсиб, бошқа ўсимлик экишнинг иложи бўлмаганлигига;

-учинчидан, экилган экинларнинг жуда камчилик қисми ўсиб чиқиб, шунда ҳам ҳосил бермаслиги, ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши ва бундан ташқари шўрланган ерларда фақатгина шўрга чидамли экинлар экишга олиб келмоқда;

-тўртинчидан, шўрланган ерларни тиклаш, яъни рекультивация қилиш жуда катта маблағларни талаб қилади. Яъни шўрланган ерларга коллектор-дренажлар ўтказиш, зовурлар қазиш ва эскиларини тозалаш зарур.

Вилоятда тарқалган тупроқлардан юқори ҳосил олиш учун:

1.Органик ва минерал ўғитлардан режа асосида оқилона фойдаланиш.

2.Алмашлаб экиш тизимида албатта беданинг салмоғини ошириш.

3.Тупроқ зичланишини олдини олиш.

4.Сув харажатини камайтириш мақсадида амалда ўз исботини топган, томчилатиб, ёмғирлатиб ва тупроқ остидан суғориш тадбирларини йўлга қўйиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш соҳа ривожини янги босқичга кўтариш асосий вазифамиздир” Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил 10 декабр.

2. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш. - Карши, Насаф, 2010.

3. Зокиров Х.Х. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. Дарслик. Сурхон Нашр-2020.

4. Зокиров Х.Х., Нормуртов О.У., ва бошқалар Почвенно-климатические условия Сурхандарии Научный журнал

UNIVERSUM: химия и биология Москва 2018.
5. Х.Х.Зокиров “Сурхондарё табиати ва экологияси” ўқув қўлланма. Термиз 2021.
6. Х.Х.Зокиров “Тупроқ унумдорлиги ва иқлим ўзгариши”. “Сурхон тонги”, 2018.
7. Парпиев Ғ.Т., Қўзиев Р.Қ. ва бошқалар “Бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини яхшилашга доир тавсиялар”. ZILOL BULOQ нашриёти-2020.

JAMIYATNI MA’NAVIY YANGILANISH JARAYONIDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR UYG’UNLIGI

Termiz muhandislik-texnologiya instituti
“Gumanitar va ijtimoiy- iqtisodiy fanlar”
kafedrasi katta o’qituvchisi Firuza Normatova

Har qanday jamiyatning istiqbolli sivilizatsiyasi uning ta’lim-tarbiya maqomiga, yangicha tizimi tarkibi va mohiyatiga, teran ma’rifiy madaniyatiga bog’liq. Bugungi kunda barkamol insonni tarbiyalash masalasi davlatimiz siyosatidagi ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilangan. O’zbekiston istiqlolining dastlabki kunlaridanoq ana shu mutlaq haqiqatni o’z mustaqil taraqqiyot yo’lining yagona najoti istiqboli deb bildi. Jamiyat hayotining barcha jabhalaridagi ahvol avvolo milliy kamolotining o’zimizga xos andozalari negizida amalga oshirila boshlagan. O’zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov ta’kidlaganidek, ong mahsuli bo’lmish ta’lim tarbiya o’z ma’rifiy falsafasiga ko’ra, avvalo, ong darajasi, ayni paytda, ong rivojining yakkayu yagona asosidir. Ongni, tafakkurni, dunyoqarashni o’zgartirmasdan turib, sivilizatsiyaga erishib bo’lmaydi. Davlatimiz kuch bilim va tafakkurdaligini anglagan holda, eng avvalo, ongni o’zgartirish, zamonaviy jahoniy tafakkurni tarbiyalab, shakllantirish orqali ozod va obod jamiyatni, kelajagi buyuk davlatni barpo etishdek oliy maqsadni davlat siyosatining ustuvor yo’nalishi qilib belgiladi. Zotan, milliy tiklanish g’oyalarini aqlan komil, zamonaviy jahoniy intellektga, fikrga, dunyoqarashga ega avlodgina hayotga teran tadbiq eta oladi.

Mavjud bo'lgan ta'lim tizimi doimo o'zgaruvchan, globallashuv jarayoni tezlashgan murakkab dunyoning talab ehtiyojlariga javob bera oladigan professional, axloqiy-ruhiy yo'sinda barkamol avlodni tarbiyalashdek o'g'ir mas'uliyatli vazifani to'liq bajarishga qodir bo'lmay qolgan edi. Yoshlarda kelajakka ishonch ruhini rivojlantirish, buning uchun milliy taraqqiyotimizda qo'lga kiritgan yutuqlardan xabardor qilib borish zarurdir. Buungi kun iqtidorli talaba-yoshlarimiz orasida ma'naviy- ma'rifiy ishlarni tashkil etishda milliy merosimiz namunalariga ham e'tibor qaratib, ularda jamiyat axloqining rivojiga xizmat qiluvchi jihatlarni yoshlarimiz ongiga singdira borish bugungi barqarorlikning ustuvor mohiyat kasb etayotganligi quvonarlidir.

Bugungi kunda e'tibor berish lozim bo'lgan asosiy va eng dolzarb bo'lgan masalalardan biri yoshlarimizda vatanparvarlilik, insonparvarlilik, erkparvarlik, mehnatsevarlik kabi tamoyillarni shakllantirish ekan, ushbu jihatning uzluksizligini taminlab borish uchun maktabgacha ta'lim muassasalaridan tortib, mehnat jamoalarigacha ta'lim tarbiya va tashviqot ishlarini yangi usullarda yo'lga qo'yish lozim. Uahbu jihatlar jamiyat axloqining rivojida, xususan yoshlar axloqida ushbu xususiyatlarning qaror topishida muhim o'rin tutadi. Yoshlarimizning ma'naviy yetuk va komil inson darajasida yetishmog'i uchun eng avvalo uning axloqan pok bo'lishiga olib keluvchi xalqimizning qadimiy ma'naviy –madaniy merosidan bahramand bo'lishini ta'minlash ham ushbu maqsadni amalga oshirishning samarali yo'lidir. Bugungi demokratik taraqqiyot va globallashuv jarayonida jamiyatda yoshlar ongini va qalbini egallash uchun turfa tahdidlar ehtimolining ham ko'zga tashlanayotganligi sharoitida, shuningdek yot g'oyalarga qarshi ma'naviy omil sifatida xalqimiz orasidan yetishib chiqqan buyuk olim va mutafakkirlarning jamiyat axloqini rivojlantirishga oid asarlariga tayanish va ularni yoshlar orasida targ'ib etish, ularning amaliy faoliyatida qo'llashni ham ta'minlash lozimki, ushbu jihat yoshlarimizning ijtimoiy hayotdagi faollik darajasini oshiruvchi xususiyatdir. Masalan, o'tmish madaniy merosini o'rganish, tarixiy-ma'naviy qadriyatlarimizni tajribalar asosida jamiyat taraqqiyotini taminlashga hissa qo'shish yoshlarimiz oldidagi dolzarb vazifalardandir. [1, B.187] Mustaqilligimiz tufayli milliy-

ma’naviy va umuminsoniy qadriyatlarimizni, ajdodlar ma’naviy merosini,ularning tarixiy ma’naviy tajribalar asosida asosida jamiyat taraqqiyotini ta’minlashga hissasini o’rganish, ular ilgari surgan ma’rifatparvarlik g’oyalarini ilmiy asosda talqin etish va ta’lim-tarbiya sohasida keng foydalanish yosh avlodni komil inson qilib tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.Bu borada ulug’ allomalarimizning tafakkur dunyosini o’rganish,ular dunyoqarashini keng tahlil qilish va ulardan ibrat oilsh ko’nikmasini yoshlarda yuksaltirish muhim ahamiyatga egadir. Xususan, jamiyatni yangilash go’yalarini avvalo inson omili bilan bog’lash lozimdir. Buyuk bobokalonimiz Abu Nasr Forobiy o’zining ijtimoiy-falsafiy, siyosiy qarashlarining markaziga insonni, uning maqsad-muddaolarini o’rganishni, axloqiy kamolot va baxt-saodatga erishuv yo’llarini ko’rsatishni qo’yadi. Axloqiy kamolot deganda, faylasuf xayr-ehson qilishdir, go’zal insoniy fazilatlarni tushunadi. Axloqiy kamolotga xalaqit beruvchi salbiy illatlarga esa dangasalik,bilimsizlik,ongsizli k,nodonlik, hunarsizlik, kiradi. “Haqiqatda,- deydi u,-har bir borliq hech so’zsiz o’z vujudiga o’ziga xos bo’lgan martaba-eng yuksak kamolotga erishish uchun borliqqa kelgan. Inson uchun xos bo’lgan bu kamolotning nomini eng yetuk baxt-saodat deb ataladi”. Komil inson, olimning nazarida, bilimdon, aqlli, zukko, odil, sofdil,kamtar, xushfe’l, jamiyat manfaatini ko’zlovchi or-g’ururli va boshqa fazilatlar sohibi bo’lishi lozim. Forobiy ta’kidlaydiki, aql faqat insongagina xos bo’lgan tug’ma quvvat-ruhiy kuch bilan bog’liq. Inson tushunish, fahmlash, muhokama qilish, fikrlash quvvatiga ega bo’ladi, bu xususiyatlar bola kamolga yeta borishi bilan rivojlana boradi. Farobiy, inson kamolotga yolg’iz o’zi erisha olmaydi,u boshqalar bilan aloqada bo’lish, ularning ko’maklashuvi yoki munosabatlariga muhtoj bo’ladi, deydi. Xususan, Farobiy aytadiki, ”baxt-saodat osoyishta hayot, kishilar o’rtasidagi hamkorlik, komil inson haqidagi ideallar, ma’naviy barkamollik insonning ko’p ijobiy fazilatlari va xislatlari asosida kishilar jamoasida yuzaga keladi”.Uninigcha inson o’z-o’zidan baxtli bola olmaydi, bu narsa uning xarakatlariga, mehnatiga, kasb-hunarni egallashiga,ilimiga bog’liq. Inson yuksak kamolot yo’liga erishuvi yo’lida harakat qilganidek,aqliy ham harakat qilsa,hech shubhasiz, o’zi o’ylayotgan so’ngi darajadagi baxt-saodatga erishadi. Bunga Farobiy ta’lim-

tarbiyani to’g’ri yo’lga qo’yish orqali erishish mumkin, chunki maqsadga mufofiq amalga oshirilgan ta’lm-tarbiya insonni aqliy va axloqiy jihatdan kamolga yetkazadi, xususan,inson tabiat va jamiyat qonun-qoidalarini to’g’ri bilib oladi,va hayotda to’g’ri yo’l tutadi, boshqalar uchun manfaatli,deb hisoblaydi. Demak, Farobiy ta’lim-tarbiyaning asosiy vazifasi jamiyat tlablariga javob bera oladigan va shu jamiyat uchun xizmat qiladigan yetuk insonni tarbiyalashdan iborat, deb biladi.[2, B.87] Shunday ekan, jamiyatda umuminsoniy qadriyatlarning ustuvorligi-milliy go’yaning asosiy tamoyillaridan biri. Milliy va umuminsoniy demokratik qadriyatlar milliy g’oya bilan birgalikda erkin fuqarolik jamiyatiga o’tish jarayonida xalq tasavvurini o’zgartirish va yangicha ma’no- mazmun bilan to’ldirish, huquqiy davlatchilikka xos tamoyillarni turmush tarziga aylantirshda alohida ahamiyatga ega bo’lib, odamlarni umumbashariy intilishlar tomon yetaklaydi.

Xulosa qilib aytganda, jamiyatni ma’naviy yangilash bosqichida ta’lim-tarbiya jarayonlarida yoshlarning qadriyatlarga sodiqlik ruhida tarbiyalashda milliy g’oyaning tamoyillari shaxs erkinligi, jamiyat uchun foydali ishlarda isonning faolligini oshirish, umuminsoniy me’yorlarning boyitilishi, kishilarda yangicha munosabatlar qaror topishi uchun kurash olib borishni ham anglatadi. Bundan ko’zlangan asosiy maqsad – demokratik o’zgarishlar hayotimizning muhim yo’nalishiga aylangan hozirgi davrda milliy istiqlol ruhida fikrlovchi,o’z faoliyatida bunga qiluvchi komil insonlarni voyaga yetkazishdan iboratdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.

1.Yangi O’zbekistonning istedodli yoshlari. T.”Ta’lim nashryoti” 2021.

2.Abu Nasr Farobiy “Fozil odamlar shahri”. T. “Abdulla qodiriy nomidagi xa lq merosi nashriyoti, 1993

ЎҚИТУВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ ВА ДЕОНТОЛОГИЯСИ

Кенжабоева Дилафруз Абдусалимовна
Термиз давлат университети
факултетлараро хорижий тил
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ўқитувчи фаолиятида компетенцияси ва унинг турлари замонавий ўқитувчи деонтологияси ҳамда фикрлари эътроф этилади.

Калит сўзлар: Компетенция, ўқитувчи фаолияти, бурч, маъмурият, компетентлик, маҳорат, деонтология.

Комнетенйия и деонтология учителя

Ключевые слова: компетенция, деонтелъности учителя, деог, бязенностъ, компетент ностъ, мастерство, деонтология, В статъе, раскрывается компетенция, виды компетенция в деятелъности и деонтология совретенного учиттеля.

Жаҳонда бўлаётган улкан ривожланишларнинг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида шахс ижодкорлигининг аҳамияти ва мавқеи сезиларли даражада юксалиши кўпинча янги инновацион технологиялар ва бунёдкор ғояларнинг юқори суръатлар билан таълим-тарбияга кириб келишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, таълимда ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олиниши, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг **2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонда белгиланган вазифалар доирасида** “Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгаш ташкил этиш, унинг вазифалари орасида - ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, ўқитувчиларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш” белгиланган. Шунингдек, 2019-йил 10-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030-йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонда белгиланган вазифалар асосида жаҳон талабларига мувофиқ келувчи, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Таълим соҳасида олиб борилаётган ва аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу йўналишда амалга ошириладиган муҳим тадбирлар қаторида мутахассисларнинг янги авлоди маънавий-аҳлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга ҳамда ижтимоий фикрловчи, умуминсоний ва миллий қадриятларга эга шахсни тарбиялаб вояга етказиш вазифалари белгиланган.

Бугунги жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига жавоб берадиган бўлажак ўқитувчиларда ўқитувчи касбига оид компетенция ва деонтологик фаолиятларни шакллантириш бугунги тараққиёт стратегияцининг муҳим фазиваларидан биридир.

Замонавий таълим тизимида ўқтувчининг ажралмас сифати, унинг унинг касбий компетенцияси бўлиши керак, яъни ўқитувчи ўз фаолиятининг у ёки бу соҳасидаги билим ва ваколатлар. “Психологик муҳитда касбий педагогик компетенция ўқитувчининг маълум қадриятлар, идеалларни тарғибот қилувчи сифатида унинг педагогик фаолияти, педагогик мулоқоти ва ўқитувчи шахсини шакллантиришни белгилайдиган зарур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши деб”- таърифланади.

Таълимдаги парадигмаларни қайта қуриш, инноватцилар ва ўқитиш моделларини ўзгартиришни ҳамкорликка ўтиши объектив равишда университетларда мутахасссислар тайёрлашда янги ёндашувларни талаб этмоқда. Жамиятнинг малакали мутахассисга йўналтирилганлиги таълим тизимини бошқаришни оптемаллаштириш, касбий педагогик маданиятга эга бўлган мутахассисларга эътибор бериш билан сифатланади. Демак мутахассис ҳақида фикр билдирилар экан, касбиф компетенция мураккаб ва кўп қиррали педагогик фаолиятдир.

Касбий компетенция олий ўқув юртида мутахассислар тайёрлашнинг объектив мезонлари ва талабларидандир. Ушбу соҳада МДҲ педагог олимларидан О.Абдуллаева, В.А.Сластe-

нин, А.И.Шербаков, И.Ф.Исаев, М.Б. Боброва, Н.Г.Рудчеко. Ўзбекистонлик педагог олимлардан Б.Х.Ходжаев, О.Мусурмонова, Д.А.Рўзиева, А.Э.Кенжабоева ва бошқа олимлар ижтимоий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Психологик - педагогик адабиётларда педагогик маҳоратни касбий-такомиллаштириш ва ўзгартириш жараёни тўлиқ ифодаланган, Бироқ кабий компетенциясини умумий услубий ва педагогик нуқтаи назардан етарлича тадқиқ қилинмаган: Демак биз бугун ҳар бир соҳа бўйича ўқитувчиларнинг касбий билим ва қобилиятига уларнинг фаолиятдаги деонтологик компетентлилига эътибор беришимиз лозим.

Юқоридаго фикрларни таҳлил қилиш орқали олимлар фикрларига таяниб бир нечта компетенциявий тушунчаларга тўхталамиз:

1. Компетенция - билимлар, қобилиятлар, шунингдек, уларни фаолиятда, мулоқотда, шахснинг ривожланишида (ўзини ўзи ривожлантиришда) амалга ошириш усуллари ва воситалари. (Митина.Л.М.)

2. Компетенцияси - ходимнинг нормал ва экстеремал жараёнларда ўз функцияси, сифати аниқ бажариши, яъни фикрларни мувоффақиятли ўрганиш ва ўзгартирувчан жараёнларга мослашиш қобилиятидир.(Веснин.В.Р).

3. Компетенцияси - таълим жараёнини қўришда ўзгарувчанлик, оптимал ва самарадорликка таянадиган шахснинг билимлари, кўникмалари, хусусиятлари ва фаолиятлари мажмуасини ўз ичига оладиган мураккаб жараёндир.(Адолф.В.А.)

4. Компетенцияси - касбий педагогик компетенциялар йиғиндисидир. (Соловова.Е.Н).

Бугунги замонавий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар учун бир қатор вазифаларни деонтологик мажбурият сифатида бажариш керак бўлади.

“Деонтология” сўзи deontos-“шарт”, “бурч”, logos, “таълимот” деган маънони англатади, инглиз файласуфи Ж.Бентхам мазкур тушунчани илмий асослаган. Педагогик деонтология - ўқитувчининг хулқ-атвори ҳақидаги фан сифатида фаолиятнинг аҳлоқий тамойилларига боғлиқдир.Тадқиқотчи К.М.Левитан таъкидлаганидек, “касбий нормалар, таълимотлар ҳар доим ва

ўзига хос бўлиб, ўзлари томонидан ишлаб чиқилган". Ўқитувчиларнинг деонтологияси уларнинг комуникативлиги билан боғлиқдир. Компетенция асосида педагогнинг компетентлилиги, қобилияти, маҳорати шаклланади. Рус психологи Б.Д.Элъконинг фикрича "Компетенция бирор кишининг жуда яхши билган ёки ҳабардор бўлган ёки масалалар доирасидир". Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки:

1. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида юзага келадиган бардошли мутахассис бўлиши учун ҳар бир мутахассис этарли даражада компетенция, компетентлик ва деонтологик талабларга жавоб бериши лозим.

2. Ўқитувчи юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва ўз иқтидорини намаён эта олиши керак.

3. Педагогик кадрлар тайёргарлиги сифатини тубдан юқори даражага чиқариш ва педагогик касбий билимларни такомиллаштириш лозим.

4. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Ёшлар тақдири бугунги таълим-тарбия учун масъул бўлган ўқитувчиларнинг ўз бурчларига, вазифаларига ва мажбуриятларига қанчалик тўғри ва виждонан ёндашишига боғлиқдир".

5. Бугнги таълим-тарбия самарадорлиги ўқитувчи педагогнинг деонтологик касбий компетентлилигига боғлиқ, шу сабабли ўқитувчи ўзини компетенциявий йўналишини рефлекция (таҳлил) қилиб бориши лозим.

6. Профессор-ўқитувчилар ўз шахсий ва касбий фаолиятида деонтологик талабларни узлуксиз сингдириб бориши лозим.

7. Педагог қалбидаги меҳрни шогирдларига кўрсата олиши ҳамда ўз касбий бурч ва маъсулиятни англаган ҳолда ўз педагогик маҳоратини ошириб бориши бугунги жамиятнинг асосий талаби ҳисобланади бу эса ҳар томонлама баркомол авлод тарбиясини янада юксалтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги 2020 27 сентябрдаги ЎРК-637-сон қонуни қонун ҳужжатлари маълумот-

лари миллий базаси 24.09.2020. 03/637/1313 сон.
2. Ш.М.Мирзиёев мактаб таълимини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар 2022.28 январь видеоселектр йиғилиши. “Янги Ўзбекистон” газетаси 28 январь 2022 й.
3. Bentham J. Deontology// Bentham J. Deontology together with a table of the Springs of Action and the Article of Utilitarianism.-Oxford: Clarendon Press, 1983, p 124.
4. Элъконин Б.Д Понятие компетентности позиция развивающего обучения М. 2002
5. Кенжабоев А.Э. Ўқитувчининг касбий маҳорати педагогик рефлекция.”Замонавий таълим “ журнал.2021 й.№ 8 сон. 30 бет.
6. Ожегов С.И. Словарь русского язика русский язик.1999 248 стр.
7. Мусурмонова О. Педагогик технологиялар таълим самарадорлиги ошириш. Т. “Ёшлар нашриёти” 2020. 45 б.

СТРАТЕГИК МАКОН, ЭТНОПСИХОЛОГИК ШАКЛЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ахмедов Бахтиёр Турсунович
ТерДУ ПИ Психология кафедраси
катта ўқитувчиси

Хар бир халқнинг тарихи ва тақдири ўзига хос кечади. Агар халқ тарихини ва унинг психологик хусусиятларини бир- бирига солиштирсак, биз этнопсихологик хусусиятларида халқ тарихини чуқур акс эттиришни кўрамиз. Юқоридаги зикр қилганимиздек, этнопсихологик хусусиятларининг шаклланишида табиий мухит ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Геогрофик ва иқтисодий шароитларнинг ўхшаш бўлмаслиги, этник жихатдан бир-бирига яқин бўлган 2 қўшни ва қардош халқ ўзбеклар билан қозоқларнинг психологик қиёфасида маълум тафовутларни вужудга келтириб чиқарди.

Маълумки, ўзбекларнинг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти мавжуд бўлган вохаларда жойлашганлар.

Хусусий мулкнинг вужудга келиши, ердан интенсив равишда фойдаланиш деҳқончилик махсулотларини кўплаб етишти-

ришга олиб келди. Бундан ташқари ўзбеклар яшайдиган йирик шахарларнинг ғарбдан шарққа, жанубдан шимолга ўтувчи катта карвон йўлларга жойлашган бўлишлиги, бу ерларда фақат деҳқончилик эмас, шунингдек пул-товар муносабаларини, турли хил хунармандчиликни, қўшни халқлар билан савдо-сотиқ ишларини ривожлантиришга олиб келди.

XV- XVI асрдаёқ Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Хўжанд каби йирик шахарлар Хиндистон, Хитой, Эрон, Россия, Арабистон каби мамлакатлар билан кенг савдо-сотиқ ишларини олиб боришган. Буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг хаёт тарзига ва психологиясига сингиб ўз аксини топиб борган. Қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва бошқа иқтисодий- маданий алоқаларнинг қизғин олиб боришлиги, улардан хушмуомалалик, хуштабиатлик, хозиржавоблик, тадбиркорлик каби хусусиятларини талаб этади.

Ўзбек халқининг хаёти ва турмуш тарзини ўрганган тадқиқодчиларнинг барчаси ўзбекларга хос бўлган очиқ юзлик ва хушмуомалаликни таъкидлаб кўрсатишган эди.

Ўзбекларга хос бу хусусиятларни Қозоқ адабиётининг классик адиби бўлган Абай ҳам таъкидлаб кўрсатиб илтифотлилик, хушмуомалалик буларнинг ҳаммаси сатрлардадир деб ёзган эди.

Ўзбекларнинг бир неча асрлар деҳқончилик билан шуғулланиб келиши ишлаб-чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ерга нисбатан уларда тежамкорлик ва омилкорликни вужудга келтирди.

Бошқа халқларнинг этник гуруҳларга хос бўлган рухий хусусиятларини ва қўшни кабилаларнинг яшаш тарзини ўрганишга бўлган қизиқиш қадим замонлардаёк бир қанча амалий эхтиёжлар, аввало иқтисодий, савдо-сотиқ ва харбий мақсадлар натижасида вужудга келган. Антик дунё саёхат ва савдогарлар узоқ ғарбга қилган сафарларидан қайтгач, хорижий халқларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, кишилар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг кийинишлари, қандай овқат тановул қилиш, бу мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тузими ҳақида, хайвонот олами ва бошқа нарсалар ҳақида ўз ватандошларига ажойиб ва ғаройиб нарсалардек сўзлаб беришган.

Ана шу тарзда турли мамлакат халқлари бир-бирларини яшаш тарзи, урф-одати ва бошқа тамонларини билиб, тушуниб, ўрганиб боришган.

Кадимги дунё мутафаккирлари Аристотелъ, Гиппократ, Демокрит, Пифагор ва бошқалар барча ижтимоий ва психологик ходисаларни тушунтириб бериш учун ягона бўлган умумий тамойилларни, назарияларни қидириб топишга, хусусан, халқларнинг турли психологик хусусиятларига эга бўлишининг сабабларини тушунтириб беришга харакат киладилар. Этнопсихологик хусусиятларнинг вужудга келишини улар асосан, табиий-географик мухитнинг таъсири билан боғлаб тушунтирдилар. Масалан, кадимги дунёнинг буюк мутафаккири Гиппократ (эрамиздан аввалги 460-375 йил) ўзининг «Хаво, Сув ва Қуруқлик», номли асарида халқларнинг турли рухий ва жисмоний хусусиятларини бевосита иқлим шароити билан боғлаган холда тушинтириб берди. Шунингдек, ёндошувлар таркибида кишиларнинг темпераменти ва характер хусусиятларининг вужудга келишида улар истеъмол қилаётган озиқ-овқатлар билан боғлаб тушунтиришга урунишлар ҳам бўлган.

Машхур математик ва файласуф Пифагор (эрамиздан аввал 570-500) нинг тушинтиришига қараганда, хайвон гўштининг ва ёғининг кўп истеъмол килиниши, халқларда қаттиқ қўллик, дағаллик кабиларни вужудга келтиради.

Аксинча, ўсимлик мевалари ва сабзавотларни муттасил истеъмол қилиниши эса тана фаолиятини сусайтириб, одамлар табиатини мехнатсеварликка ундаб мулойимлаштиради. Антик дунёнинг буюк ақл эгаси Аристотель (эрамиздан аввалги 384-322 йил) кишилар характер хусусиятларини иқлим шароитига боғлаб тушинтиради. Унинг кўрсатишича хаддан ортик иссик ёки совук иқлим шароитида яшайдиган халқлар қаттиқ қўл, шавкатсиз бўлишар экан.

Буюк бобомиз Абу Райхон Беруний «Осори боқия» (Абадий қадрятлар) асарида турли халқлар: кадимги греклар, эроний-лар, суғдлар, хоразмликлар, христианлар, яхудийлар, мусулмонларнинг рухий хусусиятларини фарқлаб бу жиҳатдан айниқса ўз урф-одатларимизни кўрсатиб ўтганлар.

Турли халқларга хос хусусиятларни ўрганиш учун Беру-

ний ўзига хос илмий метод яратди. Бунинг учун, деб кўрсатади у, қадимги халқлар ривоятларини ўрганиш ва ўтмиш авлодлар тўғрисидаги маълумотларни билиши лозим .

Абу Райхон Беруний ўзининг машхур «Хиндистон» асарида хиндларнинг дини ва тафаккур қилиш хусусиятлари, диний ва дунёвий хаёти билан боғлиқ бўлган урф-одатлари, уларнинг худоларга ишонишлари материя ва шакл, жоннинг кўчиб юриши, дўзах ва жаннат ҳақидаги тасаввурлари баён қилинган халқларнинг психологик хусусиятларини иқлим ва бошқа табиий омиллар билан боғлиқ холда тушунтириш кейинги даврларда яшаб ижод қилган XVII-XIX – аср мутафаккирлари Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Дидро, шунингдек, хозирги даврдаги айрим тадқиқотчилар фаолиятида ҳам учрайди. Социологиядаги француз маърифатпарвари Ш. Монтескье (1689-1755) ҳам халқлар ўртасидаги рухий тафовутларни асосан, кишилар танасидаги доимий таъсир этадиган турли-туман табиий иқлим натижасидир деб тушунтиради. Унинг фикрича, иқлим ва замин халқларнинг ахлоқ нормаларигагина таъсир этиб қолмасдан, шунинг билан бирга давлат сиёсатига, маданий тараккиёт даражасига «психологик қиёфаси» га ҳам кучли таъсир кўрсатар экан. У ўз изланишлари натижасига кўра, халқлар этнопсихологик ривожланиш йўлида иқлимнинг ролини хаддан ташқари орттириб юбориш натижасида, совуқ иқлимда яшайдиган халқлар жисмоний жихатдан заиф бўлишади деган хулосага ҳам келади. Иқлим шароити таъсирида инсон танасида бўладиган физиологик жараёнларни ижтимоий-сиёсий ходисалар ва ахлоқ нормалари вужудга келиши учун моддий асос қилиб олиниши, биологик ва социал конуниятларини бир бири билан чалкаштириб юбориш хисобланади. Бу эса охир оқибатда ижтимоий-тарихий ходисаларни тушинтириб беришда нотўғри хулосалар қилишга олиб келади. Иқлимий омилларнинг ролини ошириб юбориш этник хусусиятлари узгармайдиган ва доимий бўлган ходиса, деган хулоса қилишга олиб келади. Вахолангки, курамиз иқлимида кейинги юз йилда деярли кескин ўзгаришлар содир бўлмаган бўлса ҳам, инсонлар хаётида катта иштимоий-тарихий ўзгаришлар бўлиб ўтди, бу ўзгаришлар уз навбатида халқларнинг психологик қиёфасида ҳам катта ўзгаришларга олиб келади.

Шунинг билан биргаликда этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланишида табиий географик мухитнинг ролини инкор этиб бўлмайди. География жойлашиш ўрни ва иқлим шароити халқнинг яшаши учун зарур бўлган шарт-шароит сифатида унинг иқтисодий ривожланишида, психологиясининг шаклланишида мухим роль уйнайди.

Хар бир ирқ, халқ маълум анатомик тузилишига эга бўлган, у халқ тақдири ва келажагини белгилаб туради. Бу рух халқнинг сиёсий тизимини, эътиқод ва ишончини, диний қарашларини бошқариб туради. ‘’ Халқ рухи ‘’назариясини тўла баёни айниқса Гегел фалсафасида юзага келади. Гегел хар бир халқнинг ўтмиши ва келажагини мана шу ‘’Мутлоқ рух» билан боғлаб тушунтиради. Турли халқларнинг маънавий сиёсий-иқтисодий, хатто ирқий тафовутларнинг асосини ҳам шу «рух» ташкил этади, деб кўрсатади.

Шунга кура у айрим Осиё халқлари тўғрисидаги бўлмағур фикрлар баён этган халқда, немис миллатини энг олий ирқ ва тарихий ўтмишга эга бўлган, деб даъво қилиб чиқади. Хитой халқи тўғрисида «улар ҳамма маънавий нарсалар эркин одоб - ахлоқ, юксак туйғу, диний эътиқод ва халқчил санъат хислатларидан махрум» деб ёзади.

Немис файласуфи М.Локарус ва тилшуноси Г.Штейнталлар 1859 йилда «Халқ психологияси ва лингвистикаси журнали»ни чоп эта бошлади ва биринчи марта «Халқ психологияси «, иборасини муомалага киритиб, хақли равишда этнопсихология фанининг асосчилари бўлиб қолишди. Этнопсихологияни тадқиқ этишда немис психологи В.Вундтнинг катта хизматлари бор. 1900 йилда унинг «Халқлар психологияси» деган 10 томлик асари босилиб чикди.

В.Вундт қарашларининг мухим томони шундаки, у Этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланиши ва ривожланишини тарихий жараёнлар, ижтимоий ходисалар асосида тушунтириб беришга харакат килади. Масалан, у немис халқининг психологик хусусиятларини тахлил қилганда, улар характерида тадбиркорлик, хар бир ишни хисоб-китоб билан қилишлик, батартиблик ва Ватан олдидаги бурчни яхши ҳис қилишлик каби ижобий хислатлар билан биргаликда, бошқаларга кўр-кўрона

эргашиш ва тақлид қилишлик ҳам борлигини кўрсатиб ўтади. Бу камчиликнинг вужудга келишида Германиянинг сиёсий фаолиятида Европадаги бошқа мамлакатларга қараганда кейинроқ майдонга чикиши ва Германияда ўрта асрчилик диний мутасиллик билан янги давр ўртасидаги юз йиллар мобайнида давом этган кураш натижаси бўлиб, бу тарихий жараён немисларнинг психологик қиёфасига уз таъсирини кўрсатган, деб ёзади.

Этнопсихологик хусусисиятларни ўрганувчи тадқиқотчиларнинг аксарият кўпчилиги, уни ижтимоий тарихий категория эканлгини эътироф этсаларда, уни ўрганиш «Қийин объект» эканлигини таъкидлашади. Дарҳақиқат, бу масала текшириш ва ўрганиш учун мураккаб ва шунинг билан бирга энг долзарб, кам учраган муаммо ҳамдир. Этнопсихологик хусусиятларнинг ўрганишдаги қийинчиликлар қуйидагилар асосида вужудга келган:

Миллий психологик қиёфани ўрганувчи этнопсихология фанининг бизда энди ривожланиб келаётганлиги ва унинг умумий масалаларини хозирга қадар тўла ишлаб чиқарилмаганлиги;

Этник хусусиятлар кўзга яққол ташланиб турган холда, уни ташкил этувчи рухий хислатлар яширин бўлиб, уни бевосита эмас, бевосита, яъни уларнинг махсулотларига қараб бахо бериш мумкин.

Юқорида зикр қилинганидек, айрим олимларни бу масалани бутунлай обрусизлантириб юборишгани учун, этнопсихология фани узоқ вақт ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўз ўрнини топа олмади. Лекин бу қийинчиликлар миллий психологик қиёфа, миллий характер каби миллатнинг рухий хусусиятларини мавжуд эканлигини инкор этишга асос бўла олмайди. Бу сохада муваффақиятли иш олиб бориш учун илмий текширишлар методикасини такомилллаштириш ва қатор фан вакиллари - файласуф, тарихчи, этнограф, социолог, психолог адабиётшунос, санъатшуносларнинг ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

Хулоса ўрнида миллий масалалар ва этнопсихология буйича йирик мутахассис М. Жунусовнинг хақли равишда таъкидлашича, миллатнинг муҳим белгиларидан бўлган психик қиёфани инкор этиш назарий жиҳатдан асоссиз бўлиб, амалиётда катта хатоларга олиб келиши мумкинлигини назардан четда қолдирмаслик лозим.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИДА ТАРБИЯЛАШГА ДОИР

Саидов Бахтиёр Муҳаммадиевич,
Термиз давлат университети
Катта ўқитувчиси,

Аннотация:Ушбу мақолада ўқувчиларни табиат уйғунлигида тарбиялаш бўйича айрим масалалари ўрганилган. Табиатг билан уйғунликдаги фаолиятнинг ўқув жараёни, концептуал ёндашувлари ва тамойиллари, омили, хос хусусиятлари ва унинг педагогик эффектив таъсири ҳақида фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: табиат уйғунлиги, экологик саводхонлик, ҳиссий-қийматли муносабат, табиат, концептуал ёндашув, тамойиллар, омил.

К ВОПРОСУ ВОСПИТАНИЯ УЧАШИХСЯ О ПРИРОДО СООБРАЗНОМ ОТНОШЕНИЙ В ПЕДАГОГИКЕ

Аннотация: В данной статье рассматриваются некоторые вопросы воспитания учащихся в природосообразной среде на основе народной педагогики. Высказаны мнения о воспитательном процессе, концептуальных подходах и принципах, факторах, особенностях и его педагогически эффективном воздействии природоохранной деятельности.

Ключевые слова: государственный образовательный стандарт, экологическая грамотность, эмоционально-ценностное отношение, доброжелательное отношение к природе, концептуальный подход, принципы, фактор.

SOME ISSUES OF EDUCATION OF STUDENTS IN A FRIENDLY ENVIRONMENT IN A FRIENDLY ENVIRONMENT ON THE BASIS OF FOLK PEDAGOGY

This article discusses some issues of educating students in an environmental environment based on folk pedagogy. Opinions are expressed about the educational process, conceptual approaches and

principles, factors, features and its pedagogically effective impact on environmental protection.

Key words and phrases: state educational standard, environmental literacy, emotional and value attitude, benevolent attitude towards nature, conceptual approach, principles, factor.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, экологик таълим-тарбияга катта эътибор қаратилаётганлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилганлигини қайд этишимиз ўринли: «Ўзбекистонда кўп таълим муассасаларида болаларни табиат ва атроф-муҳит билан таништириш машғулотлари ташкил қилинади. Жами бу каби муассасаларнинг 40 фоизида экологик таълим учун махсус хоналар бор ва муассасаларнинг 16 фоизида болалар табиатни парвариш қилишни ўрганадиган «Атроф-муҳит сўқмоқлари» ташкил қилинган»[1].

Заминимиздаги табиий манбаларни асрабав айлашнинг энг муҳим воситаларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодни табиатни асрашга оид экологик билимлардан хабардор қилиш, уларга ўқувчиларни табиатга дўстона муҳитда тарбиялаш ҳисобланади. Табиат билан уйғунликда бўлиш, унинг бойликларидан унумли фойдаланиш, теварак-атрофдаги муҳитни яхшилаш, унинг бузилиши, ифлосланишига йўл қўймаслик, табиатга нисбатан ахлоқий қимматдаги ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш малака ва кўникмалари эса, болаликдан ривожлантирилсагина мақсадга эришиш мумкин. Айни мақсадлар инсоннинг бутун ҳаёти давомида мафкура, сиёсат, санъат, адабиёт, илмий билимлар, ишлаб чиқариш амалиёти, таълим-тарбия, ташвиқот орқали амалга оширилиши мумкин. Бу ишларнинг дастлабки шакллари мактаб таълимидан бошланиши зарур.

Боланинг мактаб таълим ёши даврида теварак-атрофдаги борлиққа нисбатан онгли равишда табиатга ижобий муносабати таркиб топа бошлайди ва у она табиатга бўлган ғамхўрлигини орттира боради.

Ўзбекистон табиатида бола учун керакли бўлган билим ва тассуротларга эга бўлишга ёрдам берувчи манбалар етарлидир. Теварак атрофда мавжуд бўлган жонсиз ва айниқса, тирик таби-

ат объектларига бўлган қизиқиш болаларда эрта пайдо бўлади. Болада кўз билан кўрган нарсаларга нисбатан қизиқиши орта боради. Бундан ташқари, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар, ранглар жилоси, турли-туман ҳид, овозлар ҳам улар диққатини ўзига жалб қилади. Болалар ҳамма нарсани ўз кўзлари билан яқиндан кўришга, ушлаб кўришга ҳаракат қиладилар. Болалардаги атроф-муҳитга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда, уларни табиатни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш кераклигини эсдан чиқармаслик керак.

Табиат болани маънавий бойитишнинг битмас-туганмас манбаидир. Болалар доимо у ёки бу шаклда табиат билан алоқада бўладилар. Уларни ям-яшил ўтлоқлар, анвойи гуллар, капалаклар, қўнғизлар, қушлар, ҳайвонлар, сузиб юрган булутлар, паға-паға ёғаётган қор учқунлари, жилға ва кўлмаклар ўзига жалб қилади. Ўсимлик ҳамда жонзотларнинг хилма-хил олами болаларда табиатга нисбатан жонли қизиқиш ва ҳавас уйғотади, уларни фаолиятга ундайди. Табиат билан мулоқотда бўлиш болаларда атроф-олам ҳақида реалистик билим, жонли мавжудотга инсоний муносабатда бўлишни шакллантиришга ёрдам беради.

Мактаб ёшидаги болалар билим ва тажрибанинг ўзига хос бирлиги билан ажралиб туради, бу уларда табиат билан уйғунликда бўлишнинг ишончли асосларини шакллантириш имконияти ҳақида гапиришга имкон беради. Атроф-муҳит томонидан болаларни тарбиялаш соҳасида бизга буюк ўқитувчи В. А. Сухомлинский катта мерос қолдирди. У табиатнинг боланинг ахлоқий ривожланишига таъсирига алоҳида аҳамият берди. Унинг фикрича, табиат болалар тафаккури, ҳис-туйғулари, ижодкорлигининг асосидир. У табиатнинг ўзи тарбияламаслигини, фақат у билан ўзаро муносабатларга фаол таъсир қилишини қайта-қайта таъкидлади[2].

Боланинг табиатни англашга, унинг гўзаллигини ҳис қилишга ўрганиши учун болалик давриданоқ бу хусусиятни сингдириш зарур. Шу билан бирга, бир қатор мактабларда ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, нафақат ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, балки ўқитувчилар ўртасида ҳам экологик таълим даражасини сезиларли даражада ошириш зарур. Хулоса қилиш

мумкинки, экологик таълимни кучайтириш мактаб таълимида муаммо бўлиб қолмоқда.

Болаларни тарбиялаш масаласини халқ ҳаёти ва кундалик ҳаётининг реал жараёнларидан, географик, тарихий, ижтимоий-иқтисодий, минтақавий ва маҳаллий шароитлардан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас, бу ҳам таълим воситаларининг ўзига хослигини, ҳам таълим жараёнини ташкил этишни белгилайди. Бироқ, ўзбек халқининг кўп миллатлилик шароитида табиатга дўстона таълим бериш анъаналаридан фойдаланиш хусусиятлари, имкониятлари етарлича ўрганилмаган.

Ижтимоий мавжудликнинг янги муҳитига кириш ҳар доим одатий турмуш тарзининг ўзгариши билан боғлиқ ва бу шартларга мослашишни талаб қилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, педагогик назария ва амалиётда халқ педагогикаси воситасида табиатга асосланган таълимга оид махсус тадқиқотлар мавжуд эмаслиги бу соҳани, айниқса, таълим мазмунини янгилаш шароитида ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

А.К.Мунавваров, К.Ҳошимов, И.Жабборов, М.Мўминов, Г.А.Ҳидоятов, С.Х.Темурова, З.М.Миртурсунов, Б.А.Қодиров, О.М.Мусурмонова, М.Шербоев, М.Саттор, Т.Жавлиев, М.Очилов, Р.Усмонов, М.Т.Тўлабоев, У.Маҳкамов каби кўпгина олимларимиз томонидан яратилган илмий-педагогик адабиётларда халқ педагогикаси оид кўпгина манбалар[3] мавжуд бўлса-да, бевосита асосида ўқувчиларни табиатга дўстона муҳитда тарбиялаш масаласига эътибор берилмаган.

Халқ педагогикаси воситасида ўқувчи-шахснинг маънавий-ахлоқий ривожлантиришда улкан имкониятларга эга бўлган мактаб таълимидаги ижтимоий-гумаанитар фанларнинг ўқув-ўрганиш ишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Халқ педагогикаси аввал бошданоқ меҳнат, табиатга дўстона муносабатда бўлиш, юксак аҳлоқий прнциплар каби мустаҳкам асосларга қурилган эди. Ноқулай табиат шароитларида тирик қолишга ёрдам берувчи халқ донолигини эртак, қаҳрамонлик достонларида, мақол, матал, топшириқларда, шунингдек халқларнинг байрамлари, урф-одатлари ва ўйинларида ўз аксини топган.

Халкимизнинг узоқ утмишда яратган ноёб дурдоналари —

мифлар, афсоналар, эртак, достонлар, мак;ол ва топишмокдар, қўшиклар, диний акидалар, тош битиклар, буюк адиблар, аллomаларнинг ижодий мероси, халкимизнинг миллий анъаналари, удумлари, маросимларида сакланиб колган. Буни айникса, дов-дарахт, тоғ-тош, паррандаларга багашланган халқ огзаки ижоди намуналарида кўриш мумкин. Халкнинг бундай карашлари замирида тўрт унсурни асраб-авайлаш, яъни экологик тарбия ётади.

Ушбу ахлоқий ғоялар бошқа халқларнинг маънавий маданиятида ҳам мавжуд, чунки улар умуминсоний қадриятларни ўз ичига олади.

Бу ўқувчиларни табиатга дўстона тарбиялашда мактаб ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнини такомиллаштириш бўйича самарали ишлайдиган қуйидаги тамойиллар эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

ўз она табиатига ва умуман табиатга қадрият муносабатини шакллантириш, атроф-муҳитга, одамларга ғамхўрлик қилиш, одамлар ўртасидаги уйғун муносабатлар;

анъанавий турмуш тарзини мустаҳкамлаш мақсадида катталар ва болаларнинг биргаликдаги ўйинлари, байрам ва маросим, халқ оғзаки ижоди, бадиий, маданий ва бўш вақтни ўтказишга (миллий санъат ва спорт) жалб этишнинг етакчи усули сифатида катталар намунасига йўналтириш.

Шундай қилиб, халқ маданияти анъаналарини сақлаш ва шу билан бирга маданиятларнинг ўзаро кириб бориши табиат билан уйғунликда бўлиш, унинг устувор йўналиши бўйича ишларнинг мазмунига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, унинг самарадорлиги учун асос ва шарт-шароитлар яратади.

Ўқувчиларни табиатга дўст тарбиялаш ишлари мактаб ўқув дастурининг кўпгина фанларини ўрганиш жараёнида амалга оширилиши мумкин. Бу бир томондан, бу иш самарадорлигини оширишга олиб келади, иккинчи томондан, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун вақтни тежайди.

Халқ педагогикаси воситаларидан фойдаланган ҳолда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилмасдан туриб табиий тарбияни амалга ошириш мумкин эмас.

Инсоннинг моҳиятини табиатнинг органик қисми сифатида

тушуниш таълимга маълум талабларни қўиб, замонавий таълим жараёнини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари нафақат таълимнинг янги парадигмаларини излаш ва ишлаб чиқишда, балки халқ таълими тажрибасига фаол мурожаат қилиш орқали яратилган табиатга мос технологиялардан фойдаланишда ҳам ётади.

Атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантиришга қаратилган экологик таълим ўқувчиларнинг умумий таълимининг асосий ва мажбурий таркибий қисми бўлиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонга тегишли иккинчи Атроф-муҳит ҳолати шарҳининг 29-серияси. 2010.

2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика (Ўқув қулланма). Тошкент — 2006 йил, 3-бет.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА АЁЛ ТИМСОЛИ

Термиз давлат университети Педагогика ва ижтимоий иш кафедраси ўқитувчиси Эргашева Обод Норқуловна.

Абдулла Кодирий “Ўтган кунлар”да бир неча Она-Аёллар тимсолларини яратадики, булар суврати, тавсифи, дунёқараши эътибори билан бир-биридан фарқ қилади воқеаларнинг боришида фаол иштирок этади. Аммо бу тимсолларнинг ҳаммасига хос булган нарса шуки, ўша даврнинг бутун кулфатлари булар зиммасига бошқалардан кўра кўпрок тушади. Туркистон ўлкасида хотин-қизлар, улар қайси табақага мансуб бўлишларидан қатьий назар, тахқир этилган, хуқуқлари поймол килинган . “Ўтган кунлар”даги бутун воқеалар жараёнида мана шу рух бўртиб туради. Роман мундарижасидаги икки асосий ғоя, яьни ўша давр тузумнинг адолатсизлиги ҳамда баъзи “одат”ларнинг ярамслиги асосан Кумуш тақдирида ифода этилган. Бу фожеа асардаги бошқа хотин-қизлар тимсоллари - Зайнаб, Офтоб ойим, Ўзбек ойим, Хушруйбибиларнинг тақдирига хам салбий

таъсир этмай қолмаган.

Ёзувчи хотин-қизлар тимсолларини яратишда алохида махорат кўрсатади. Романда ўзбек аёлларнинг хилма-хил, жуда хаётий турларини ярата олади. Булар орасида Ўзбек ойим энг муваффақиятли чиққан тимсоллардан биридир. Ёзувчининг романгача яратган бир қатор асарларида орттирган ижодий тажрибалари бу тимсолни яратишда қўл келади. Бу тажрибалар Ўзбек ойим тимсолини маълум бир табақанинг бутун хусусиятларини ўзида тўла акс эттирган вакили даражасига, бадиий асарда тип даражасига етказишга ёрдам беради. Абдулла Кодирий романидаги баъзи тимсоллар каби Ўзбек ойим тимсолини харакатга солишдан олдин унинг характерини яратади ва шу орқали китобхонни бу тимсол муносабати билан келиб чиқадиган хаёт зиддиятларига тайёрлайди. Ёзувчи томонидан Ўзбек ойим тавсифидаги хислатлар жонли ва кизиқарли қилиб тасвирланган. Ўзбек ойим - Юсуфбек Хожи билан Отабекнинг эл орасидаги мавқеъи туфайли кеккайган, айниқса, уй ичида ўзини хужайин деб биладиган ва кайнона, кайнота, келин, куёв, хужайин, қул, чўри деган муаммоларнинг бутун “новда”ларини ўрнига қўя олиган, “урф-одат”ларга муккасидан кетган, ўта шухратпараст аёлдир. У ўз фаолиятида ҳаммиша ўғлининг юқори табақага мансуб эканлигини кўзда тутади, уз шаъни учун қаттик, курашади, ўзига маъқул тушмаган хар қандай хақиқатдан юз ўгиради [2.104-6]. Мана, Ўзбек ойим: “Ўзбек ойим ҳали беш ёшлар чамалик, чала-думбул табиатлик бир хотин бўлса хам, аммо эрига ўткирлиги билан машхур эди. Ёзувчи Ўзбек ойим табиатидаги барча “нозик” хислатларни топа билган. Бу кеккайган аёл фаолиятидаги харакатлар ипидан игнасигача шухратпарастликка қаратилган эди. Шу мақсад билан у кўпинча пала-партиш, бир-бирига зид гапларни ҳам гапираверади, бир гапида ўрдани писанд қилмаган эди: «Кеча ўрда бек ойимдан менга арава келган экан, феълим айнаб турган эди, бормай аравани бўш қайтардим. Бо худо, ўрда бекачи бўлса узига, дедим” дер эди. Иккинчи вақтда: “Ўткан кун ўрдага борган эдим, хонимлар ётиб коласиз деб қўймадилар, ноилож бир кеча ётиб келдим”, - деб яна ўз эхтиромини оширишга уринади [2. 123 бет].

«Ул ўз уйида ўлтуртганда ҳам устидаги атлас куйнак би-

лан адрас мурсакни, оқ шоҳи дакана билан қаҳрабо тасбихни қўймай, қиш кунлари танчада пар ёстиққа суяниб, ёз кунлари айвоннинг тўрига ёсланиб Хасан алининг хотини бўлган Ойбодоққа, чури киз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбихлабкина ўлтурар эди" [2.130-бет].

«Ўтган кунлар» романида қаҳрамонларнинг характерини очиш, айниқса, уша давр урф - одатларини кўрсатиб беришда адибнинг уз услуби мавжуд. Романда Ўзбек ойим ўзини баланд олиб, баландпарвоз гапирган сари унинг тавсифи: ички дунёси янада чукур очила боради. Абдулла Қодирий ўзбекларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини, урф-одатларини, турмуш тарзини хаққоний чизди. Ўзбек ойимнинг қилмаган иши, кўрмаган чораси қолмайди: у "ўкитиш", "совутиш" "иситиш" сингарн "муътабар" чораларни, шунингдек, тутатки эзиб "ички", "дуо" ва "тумор" сингари синовдан ўтган воситаларни шунчалик ишга солади. Бу асарда Ўзбек ойимга берилган таърифдан, кўпрок унинг уша давр қонун-қоидаларини, ўзбекона миллий удумларни махкам тутиши кўриниб туради.

Юсуфбек ҳожидек ақл-заковатли кишига ўткирлиги билан танилган аёлнинг ички дунёсини, тавсифини, табиатини тасвирлаш учун ёзувчининг кўплаб Ўзбек ойимларни кузатган ва урганган бўлиши табиий. У Ўзбек ойим тавсифи, фикр-мулохазалари, муомала ва муносабатларида ана шундай кўплаб ўзбек аёлларига хос булган миллий хусусиятларни умумлаштиради ва унинг ўта миллий сиймосини мохирона бадиий мужассамлаштиради. Ёзувчи унга Ўзбек ойим деб бежиз исм қўймаган, у ўзида миллий урф-одатларни, ўзбекчиликни «шараф билан" элтади. Бу "Ўтган кунлар" романининг энг кучли томонидир. Хуллас, Ўзбек ойим романдаги энг миллий тавсиф булиб, унинг хатти-харакатлари хам, гап-сўзи ҳам, либоси-ю ташқи киёфаси хам унинг номига тула муносибдир [3. 8-б]. Ёзувчи Ўзбек ойимни турмущдек ғаройиб бир бозорда ўз сиёсатига, ўткир тилга эга, бир сўзлик асл сифатида тасвирлар экан, шубҳасиз мулойим, мулохазакор, қутидорга ақл ўргатишдан ўзини тиядиган Офтоб ойимни ана шундай Ўзбек ойим билан солиштириш мумкин эмас. Келиб чиқишича бутун ижтимоий муҳити жихатидан бир хил табақага мансуб бўлган Офтоб ойим ўзининг тав-

сифи билан Ўзбек ойимдан фарк қилади, Гарчанд уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзбек аёлларига хос хислатларни ифодаласаларда, улардан бири Кумушнинг онаси, иккинчиси беихтиёр равишда Зайнабни яратувчисидир. Ёзувчи Офтоб ойим тасвирини қуйидагича беради: Танчанинг икки биқинида икки хотун: булардан биттаси ичидан атлас куйнак, устидан одими хон атлас, дуппи кийган, бошига оқ даканани хом ташлаган, ўттуз беш ёшлар чамалик гузал, хушбичим бир хотин. Юзидан мулойимлик, эрига итоат маънолари тошиб турган бу хотин Кутидорнинг рафиқаси Офтоб ойим" (уша асар. 29-бет). Ёзувчи Офтоб ойимнинг бутун тавсифини Ўзбек ойимга қарши қўйиш усулини қўллаш билан бу ҳар иккала тимсолнинг ўзига хос хусусиятларини очади. Абдулла Кодирий Офтоб ойим қиёфасида беозор, мунис ва мушфиқ, фикр-мулохазали, табиатан мехр- мурувватли, одоб-андишада бир неча поғона юқори турувчи она сиймосини кўрамиз. Офтоб ойим хар қандай холатда ўзини оғир тутишга ва ҳар бир масалани ҳал этищда ақл билан иш юритишга ҳаракат килади. Бевосита асарга мурожаат қиламиз: "Офтоб ойим бошқа хотинларимиздек эрининг раъйи ва хоҳишини, умуман бутун шахсини эҳтиром қилувчи бир хотиндир. Шунинг учун эрининг хозирги раъйини гарчи ўз тилагига бус-бутун зид топса хам ёлғиз "мусофирлик" масаласи билангина гапга хотима бермай, бошқа тарафлардан ҳам камчиликлар топиб асослик суратда қутидорнниг Отабекка томон хароратланаёзган юрагига совук сув сепмоқчи бўлади.[1. 45 –бет]. Романни диккат билан ўқиган ҳар бир киши Ўзбек ойим киёфасида тақводор, мақтанчок, шухратпараст, енгилтак "чала думбул" табиат бойвучча аёлни кандай равшан кўрса, Офтоб ойим киёфасидаги бамаъни, оғир табиат, одобли, андишали, чинакам мехр-шафқатли она тимсолини равшан тасаввур этади. Қизи Кумушни Тошкентда қолиб, Зайнаб кундошлик қилса, куёвингиз унинг жавобини бермоқчи, деган гапларини эшитгач, - "Ёш жонинг бор, кизим, - деди, - биравга ёмонлик соғинма, мен билан бирга кет, нима қилишса ўзлук-ўзи қилишсин. Зайнаб хам умид билан бир ёстиққа бош қўйган" деган гаплари бунга асос була олади. Офтоб ойим Кумушни Тошкентда қолишини сира истамайди. Ўзбек ойим ўз истагига қарши келган ҳар кандай одам билан дангал олишади, хеч кимдан

тап тортмайди. Офтоб ойим ҳар қандай оғир вазиятда хам одоб сақлайди ақл-идрок билан ҳаракат килишга интилади. қудаларни Марғулонга кузатиш пайтида Ўзбек ойим Кумушга рухсат бермаслигини шарта эълон қилади-қўяди, бу хақда бошка бирор мулохазага бориб ҳам ўтирмайди. Соддадил, камсуқум, камтарин аёл Офтоб ойим эса, бу ишнинг окибатини чукур хис этади, "думбул табиат" қудачаси фаолияти натижасида рўй бериши мумкин бўлган кўпгина эҳтимолларни олдиндан кўра билади гуё, унинг оналик қалби билан бўлажак фожиани оддиндан сезгандай бўларди.

Офтоб ойимнинг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзи билан ўқувчининг хурмат - мухаббатини қозонади. Абдулла Қодирий яратган сиймолар шунинг учун хам жонли, ишонарли чиқадики, ёзувчи одамларнинг шунчаки ва қуруқ далиллар йиғиндисини чизиб кетавермайди, балки ўз асари кахрамонларини шахсий тавсифларига иложи борича чуқурроқ кириб боришга, кахрамонларнинг такдирини ўзига хос тавсифлари, холатлари билан очишга харакат қилади. Ёзувчи қахрамонлари тўғрисида билганини сўзлаб кетавермайди, балки улар фаолиятини жонли сувратларда кўрсатади.

Офтоб ойим бошига қора кун тущади, ёлғизи, кўзини оқу-қораси булган Кумушдан айрилади, Марғилондан қизини ва севикли набирасини кўриш ва бағрига босиш истагида йўлга чиққан ота-она учинчи кун етиб келдилар. Бечора она, бечора она! «... Фожиъанинг йигирманчи кунида яна хатми куръон қилиниб, бутун юртга ош берилгандан сунг, бечора болу наридан айрилганлар Марғилонга қайтиш ҳаракатига тушадилар. Ёдгорбек ҳам Офтоб ойимнинг қучоғида кетмакчи, унинг олиб кетилишига қарши ҳеч ким йўк эди. Ёзувчи асарда Она тимсолларини мукаммал сиймосини бутун мехри, калб нури билан яратиш билан бирга, ўзи учун ҳам севимли бўлган Кумушбиби тимсоли алохида ташбеху тавсифлар беради. Ёзувчи Кумуш тимсолида соф ўзбек қизларига хос хаё, ибо, назокат, олийжаноблик, вафодорлик, мехр-мурувватлилик, юксак қалб ва софдиллик каби хислатларни жамлаган. Кумушнинг узига хос рухий оламини кенг тахлил қилиш учун асарни сатрма-сатр кайта- қайта ўқиш лозим. Чунки ҳар сафар қайта ўқилганда Кумуш тавсифининг

турли қирралари очилиб боради.

Кумуш - Мирзакарим қутидорнинг яккаю-ягона қизи. У ўзига хос обрўли оилада, яхши табиатли ота-она қўлида тарбия топган. Кумуш ўзининг хушруй чехраси билангина эмас, балки бой ва гўзал маънавий қиёфаси билан ҳам киши ақлини олади. Ёзувчи Кумуш тимсолига ўзининг энг гўзал ташбехларини ишлатган, унинг гўзаллигини чизишда эса бисотидаги энг рангли гўзал бўёклардан фойдаланган. Кумуш сувратини чизишда уларнинг бошқа халқларда бўлмаган, ё эътибор берилмайдиган қирраларини бўрттириб кўрсатади. Мана атлас кўрпа, пар ёстик қўчоғида ётган Кумушнинг тасвири: “Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила киприк остидаги тим қора кўзлари бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиъатнинг нихоятда уста қўли билан қўндирилган қора ҳолини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди” [3.29-бет]. Ёзувчининг Кумушни китобхон билан сочларини тузғатиб ётган холда таништириши ўзбекона дид талаби билан юз берган, шунингдек унинг қалбида уйғонган мухаббат таъсири бор, бу ҳолатида. Абдулла Кодирий яна шу талаб тақозоси билан Кумуш сувратининг асосий белгиларига эътиборни қаратиб, унинг қора холини тасвирлашга киришади. Бу хол оддий хол эмас. Унинг қўнган жойи хам эътиборга лойиқ: хол “латиф бурни”-нинг ўнг томонида. Шу тафсиф ўзбек гузаллигининг энг олий кўриниши тарзида тақдим этилади. Ёзувчи бу холнинг қўнган жойи ва қоралигини кайд этибгина қолмай, у хақида. ёзувчилик санъатини тўла ишга солиб, маълумот беради. Кумушнинг ташқи қиёфаси фақат ўзбекона миллийлик эмас, балки ёзувчининг ўзбекона миллий нигохи орқали хам қурилган. Кумушда хақиқий ўзбек қизларига хос хусусиятлар жамланган. Кумуш ўзининг бетакрор гўзаллиги, одоб-ахлоқи, юриш-туриши, муомаласи билан Ўзбек ойимнинг мехрини қозонади, Юсуфбек хожи кўзига фаришта сингари кўринади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Абдулла Қодирий ўзининг улмас асарлари ва такрорланмас гўзал тимсоллари билан кишилар қалбини мафтун этиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1.А. Алиев . Ижод ва излаиишлар. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. 104-6.

2.А.Қодирий .Ўтган кунлар.Тошкент ,1994- йил 45-бет , 129-бет.

3. З. Маҳмудова «Ўтган кунлар» романининг ўзига хослиги . –Т.: 1996 8-б.

UZLUKSIZ TA'LIMDA O'QITUVCHILAR FAOLIYATINI BOSHQARISHNING INNOVATSION YONDASHUVLARI

Nurmamatov Zuxriddin Shavkat o'g'li
Termiz davlat universiteti
Texnologik ta'lim kafedrasi o'qituvchisi.
Termiz, O'ZBEKISTON

Annotatsiya: Maqolada bugungi kunda o'qituvchilar faoliyatini boshqarishning innovatsion yondashuvlari hamda ularni amalda tadbiq qilish jarayonlari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar va tushunchalar: texnologiya, o'qituvchi, pedagogika, innovatsiya, faoliyat, tayyorlash, yondashuv, samaradorlik.

ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К УПРАВЛЕНИЮ УЧИТЕЛЯМИ В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Нурмаматов Зухриддин Шавкат оглы
Термезский государственный университет
Преподаватель кафедры технологического образования.
Термез, УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье описаны инновационные подходы к педагогическому менеджменту на сегодняшний день и процесс их внедрения на практике.

Ключевые слова и понятия: технология, учитель, педагогика, инновации, деятельность, обучение, подход, эффективность.

INNOVATIVE APPROACHES TO TEACHER MANAGEMENT IN CONTINUOUS EDUCATION

Nurmamatov Zuhriddin Shavkat oglu
Termez State University
Lecturer at the Department of Technological Education.
Termez, UZBEKISTAN

Annotation: The article describes the innovative approaches to teacher management today and the process of their implementation.

Keywords and concepts: technology, teacher, pedagogy, innovation, activity, training, approach, efficiency.

Hozirgi kunga kelib oliy ta'lim o'qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb qilish jarayonini o'rganish dolzarb muammo sifatida qaralmoqda. Bu esa endilikda, quyidagi g'oyalar asosida umumiy nazariy yondashuvlarni tanlash va asoslashni o'z ichiga oladi.

Ijtimoiy falsafada, eng umumiy ma'noda, innovatsiya qandaydir tizimga yangi (innovatsiya) kiritishni o'z ichiga oladi va bu ushbu tizimning o'zgarishiga olib keladi, lekin yangi yoki tabiatda kashf etilgan, yoki inson faoliyati jarayonida yaratadi. Shunday qilib, bu g'oyalar bizga innovatsion faol shaxs qiyofasini ko'rib chiqishga imkon beradi va innovatsion faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish imkonini beradigan shaxsiy xususiyatlarni shakllantirishning pedagogik maqsadlarini qo'yish zarurligiga olib keladi[1].

Oliy o'quv yurti o'qituvchilarini innovatsiyaga jalb qilish oliy ta'lim innovatsiyalarini boshqarishning maqsadi hisoblanadi. Oliy ta'lim muassasalarida innovatsiyalarni boshqarish jarayonini ko'rib chiqsak, biz oliy o'quv yurtidagi innovatsion faoliyatni jarayonlar yig'indisi sifatida belgilashimiz mumkin: o'quv, ilmiy va innovatsion jarayon va inson salohiyatini shakllantirishning strategik jarayoni bo'lib xizmat qiladi. Ushbu tizimlashtirilgan jarayonlarga oliy ta'lim o'qituvchilari jalb qilinishi mumkin.

Oliy ta'lim o'qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb qilish tizimini boshqarish, chiziqli bo'lmagan (ko'p variantli, ko'p faktorli, dasturlashtirilmagan) belgisi sifatida qaralgan. Shu bilan birga, menejmentning maqsadi innovatsion faoliyat sub'ektlarining o'z-o'zini rivojlantirishga yo'naltirilganligi bo'lib, boshqaruv ta'siri

doimiy diagnostika va aks ettirish asosida amalga oshiriladi[3].

Oliy ta’lim o’qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb etishning loyihalashtirilgan tizimi o‘z-o‘zini tashkil qilish xususiyatiga ega bo‘ladi, ya’ni. qobiliyat o’quv amaliyoti sharoitida o’zini-o’zi ko’paytirish va rivojlantirish. Bu shuni anglatadiki, innovatsion faoliyatni amalga oshiruvchi o’qituvchilar unga o’quv jarayonining boshqa sub’ektlarini jalb qiladilar, innovatsion faoliyat tajribasini takrorlaydilar, unda ishtirok etish shakllarini takomillashtirish, bu esa pirovardida ta’lim tashkilotining innovatsion rivojlanishini ta’minlaydi.

Shaxsga yo’naltirilgan yondashuv: Oliy ta’lim o’qituvchisini innovatsion faoliyatga jalb qilish jarayonini tadqiq qilish va loyihalashda talabaga yo’naltirilgan yondashuv yetakchi o’rinni egallaydi. Pedagogik tadqiqotlar uchun metodologik asosi sifatida, shaxsga yo’naltirilgan yondashuvni ishlab chiqish turli yo’nalishlarda amalga oshirildi[5].

Shaxsga yo’naltirilgan yondashuv shaxsning o’ziga xos individualligida bilish, rivojlantirish va amalga oshirish jarayonlarini ta’minlash va qo’llab-quvvatlash uchun o’zaro bog’liq bo’lgan tushunchalar, g’oyalar va harakat usullari tizimiga yo’naltirilganligiga asoslanadi. Ushbu yondashuv o’quvchining shaxs sifatidagi qadriyatli munosabatini o’rganish va amalga oshirishga, uning aqliy va shaxsiy xususiyatlari orqali sinadigan barcha pedagogik boshqaruv ta’sirlarining vositachiligini hisobga olishga qaratilgan.

Shu bilan birga, ushbu jarayonning shaxsiy yo’nalishi innovatsion faoliyatning maqsadlari va mazmunini ma’lum bir o’qituvchiga moslashtirishni emas, balki bunday texnologiyalardan, ularni innovatsion faoliyatga jalb qilishning usullari va shakllaridan foydalanishni anglatadi. Bu esa maksimal darajada ushbu o’qituvchining ehtiyojlari, imkoniyatlari, qobiliyatlarini qondirish va uning professional o’zini-o’zi rivojlantirishning prognozlangan darajasini ta’minlash[7].

Shu sababli, oliy ta’lim o’qituvchisini jalb qilishda, talabaga yo’naltirilgan yondashuvni amalga oshirish haqida bahslashish mumkin. Oliy ta’lim o’qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb qilish tizimini loyihalashda innovatsion faoliyat sub’ekti va maqsadli ta’sir ob’ekti sifatida o’qituvchi shaxsiga yo’naltirilganligini

ta’minlash kerak. Oliy ta’lim o’qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb qilish tizimining samaradorligi mezonlari o’qituvchining innovatsion faoliyatining shaxsiy ma’nosini shakllantirish, shaxsiy neoplazmalarni rivojlantirish, o’z pedagogik amaliyotini innovatsion o’zgartirishga bo’lgan ehtiyojning paydo bo’lishi bo’ladi.

Oliy ta’lim o‘qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb qilish jarayonini loyihalash bo‘yicha sanab o‘tilgan yondashuvlar birgalikda o‘qituvchilarni innovatsion faoliyatga jalb qilish jarayonini loyihalash uchun uslubiy asos bo‘lib xizmat qiladi[6].

Xulosa qilib aytganda har bir yondashuvdan foydalanishning maqsadga muvofiqligi ularning yakuniy natijani shakllantirishdagi o’ziga xos funksiyalari bilan bog’liq. Oliy ta’lim o‘qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb etishning o‘ziga xos mexanizmlari, boshqaruv va ta’lim texnologiyalari, uslublari va shakllarini ishlab chiqishga qaratilgan amaliy taktikani yaratishda talabalarga yo‘naltirilgan yondashuv qo‘llanilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Shomirzayev M. X. Developing educational technologiesin school technology education //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 5. – C. 73-79.

2. Shomirzayev M.X. Education is personally focused technology //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – T. 8. – №. 8.

3. Shomirzayev M.X. et al. National handicrafts of Uzbekistan and its social–economic significance //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – T. 8. – №. 8. – C. 129-138.

4. Shomirzayev M.X., Yuldashov K. K. The Educational Importance of Teaching Knowledge to Secondary School Students // CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2021. – T. 2. – №. 08. – C. 132-142.

5. Shomirzayev M.X. Practical lessons in technology: Characteristics of organization and conduct //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 4. – C. 991-1001.

6. Shomirzayev M.X. The concept of pedagogical technology and

basic principles //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 11. – C. 1551-1560.

7. Shomirzayev M.X. The Concept of Pedagogical Technology and Basic Principles. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal.(Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra, India), Vol. 10, Issue 11, November 2020 Scientific Journal Impact Factor (Sjif 2020-7.13). Part 1554-1563.

8. Shomirzayev M.X. The Ethical Characteristics of Traditional Embroidery of Fergana Valley People //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – T. 7. – №. 12.

ОВ ҚИЛИШ ВА ОВ ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Пулатов Баҳодир Абдуназарович
Термиз давлат университети
Юридик факультети, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация:Мақолада ов қилиш ва ов хўжаликлари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси ва унинг жамиятдаги аҳамияти ҳақида айрим мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Таянч сўзлар: экология, ов қилиш, овчилик хўжалиги,экологик ҳуқуқбузарлик, браконьерлик, овчилик ресурслари, ов маҳсулоти, экологик ҳуқуқий чора тадбирлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган изчил ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмокда.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори[1] ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси[2]нинг бир қатор бандларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш масалалари белгиланганлиги иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш учун бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

2.Айниқса бу соҳада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда маъқулланиб 2020 йилнинг 8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги[3] Ўзбекистон Республикаси Қонуни биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи энг асосий ҳуқуқий асослардан бири бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон фаунаси таркиби 15 мингдан зиёд умуртқасиз ҳайвонлар, 709 турдаги умуртқали ҳайвонлар шу жумладан, 109 турдаги сут эмизувчилар, 470 турдаги қушлар, 64 турдаги судралиб юрувчилар, 63 турдаги балиқлар ва 3 турдаги амфибиялардан иборат бўлиб, янги нашрга тайёрланган Ўзбекистон Қизил китобига жами 206 турдаги ҳайвонлар киритилган.

Ўзбекистон ҳудудида ов мавсуми 1-сентябрдан бошланади ва 31-январгача давом этади. Бугунги кунда республикада 35 дан ортиқ овланадиган жойлар мавжуд бўлиб, уларда ҳайвонларни отиш ва ушлашга рухсат берилади.

Бугунги кунга қадар ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишга қаратилган ов қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинарди. Бу ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли қарама-қаршилик ва талқинлар, мураккабликларни келтириб чиқариб келаётган эди. Боз устига соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ёввойи ҳайвонлар ҳолати устидан давлат мониторингини олиб боришнинг самарали тизими мавжуд эмас эди. Шунингдек, овчилар ва ов хўжаликларининг ҳуқуқи, мажбуриятлари қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги овланадиган ҳайвон ресурсларининг ҳолатини аниқлашга, улар популяцияси давлат мониторинги тизимининг ривожланишига, мамлакатимизда овланадиган ҳайвон турларининг сони ва овланиш ҳажмларини, уларнинг репродуктив ҳолатини ўрганишга тўсқинлик қилаётган эди.

2020-йил май ойи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан “Браконерликка қарши курашиш ойи” деб, эълон қилинди. Қўмита браконьерлик, балиқ ва ҳайвонларни ов қилиш ва ўлдириш, шунингдек, ўсимлик дунёсидан ноқонуний фойдаланиш ва дарахтларни кесишга қарши курашиш учун кўпроқ ҳаракатларни амалга оширишини айтди. Ойнинг натижаси қувонарли бўлмади. Давлат экология қўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, бир ой давомида табиатга нисбатан 629 та қонун бузилиши ҳолати аниқланди. 465 ҳуқуқбузарга 421,9 миллион сўм (тахминан, 42 минг АҚШ доллари) миқдорида жарима солинган. 345 та ҳуқуқбузарлик учун табиатга етказилган зарар 690 миллион сўм (тахминан, 68 минг $) ҳисоблаб чиқилган. 215 та ҳуқуқбузарлик учун 195,5 миллион сўм (19 минг $) миқдорида жарима ундирилган, шунингдек, 143 та ҳолатда табиатга етказилган зарар 242,8 миллион сўм (24 минг $)га тенг. 107 та ҳуқуқбузарлик учун жарима солиш ва табиатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида 1 миллиард 892 миллион сўм (180 минг $) миқдоридаги йиғилган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим этилган[4].

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири туризмни ривожлантиришда ҳам соҳа истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ов туризми имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, хусусан хорижий сайёҳларни овчилик соҳасига жалб этиш орқали давлат бюджетига валюта тушумларини ошириш, ов ҳайвонларини етиштириш, тиклаш ва кўпайтириш орқали эса, сарфланадиган харажатларни молиялаштириш имконияти юзага келади.

Юқорида таъкидланган масалаларнинг ҳуқуқий ечими ўз аксини топган 7 та боб 43 та моддадан иборат “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни нормаларида мавжуд халқаро талаблар, ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланилаётган, қонуности ҳужжатларида белгиланган ҳамда замон талабига жавоб берадиган қоидалар инобатга олинган ҳамда моддалар тўғридан-тўғри амал қилишига эътибор қаратилганлиги ўта муҳимдир.

Эътиборли томони шундаки, қонунни тайёрлаш жараёнида халқаро конвенция ва битимлар, шунингдек Германия, Фран-

ция, Япония, Россия, Беларус, Полша каби давлатларнинг соҳага оид қонунчилик амалиёти ўрганилганлиги замонавий аҳамият касб этади.

Хитойда 2016 йилда катта пандалар йўқ бўлиб кетаётган тур мақомидан чиқарилиб, заиф турга киритилган. Сабаб панда овлаганларни ўлим жазоси кутади. Натижада пандалар сони Хитой ёввойи табиатида 1 минг 864 тага етган. Хитой ҳукумати 2025 йилга қадар ёввойи табиатдаги пандалар сонини 18 фоизга кўпайтиришга қарор қилди. Бу режага кўра, яна ўн йилдан кейин ёввойи табиатдаги пандалар сони 2 минг 200 тага етади. Айни дамда Яна 422 панда махсус марказларда боқилади. Катта панда ҳайвонларнинг йўқолиб бораётган турига кирган бўлиб, Хитой давлати томонидан Қизил китобга киритилган ва муҳофазага олинган. Бундан ташқари, панда Хитой рамзи ва фахри ҳамдир. Шу сабабли ҳам Пекин дипломатиясида алоҳида ўрин тутади. Бу ҳайвонларни бошқа мамлакатларга юбориш анъанага айланиб қолган, айрим ҳолларда уни "панда дипломатияси" деб ҳам айтишади. Пандалар дунё ҳайвонот боғларига сотилмай, балки 10 йилгача ижарага берилади. Агарда панда ўлса, ҳайвонот боғи Хитой хукуматига катта миқдорда товон тўлайди.

Германияда сутэмизувчиларни ўлдирганлик учун жаримадан ташқари 3 йилгача қамоқ жазоси, Қизил китобга киритилган жониворларни ўлдирганлик учун 6 йил ва ундан юқори озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Ҳар бир фуқаро нафақат бошқа шахсга, балки ҳайвон ва қушларга тазйиқ ўтказиш, қийнаш ва ўлдириш ҳолатлари бўйича давлат ва ноавлат ташкилотлини судга бериши мумкин. Масалан 2016 йили зоокўнгиллилар Германиянинг 20 та ҳайвонот боғини фламинго қушларининг чиб кетмаслиги учун қанотларини кесганликлари учун судга беришган эди.

Туркияда уйсиз ҳайвонларни ўлдирганлик учун 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Қизил Китобга киритилган жониворлар учун эса 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси мавжуд[5].

Дунёнинг кўплаб давлатларида табиатни муҳофаза қилиш давлат ташкилотлари жамиятчилик назоратида. Европанинг деярли барча мамлакатлари, Осиёда Туркия, Япония, Хитой,

Сингапур, Индонезия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси каби қатор давлатларда Халқаро ва мамлакат қизил Китобига киритилган жониворларни овлаш, ўсимликларни териш қатъиян тақиқланган. Балки шунинг учун ҳам Евгений Широковга ўхшаган овчилар Марказий Осиё давлатларида арзимаган пулга лицензия сотиб олиб, бизнинг табиатимизга қирон келтиришар. Бунга эса негадир қонунчилигимиз ва Ватанга нисбатан меҳри бўлмаган, фуқаролик позицияси шаклланмаган раҳбарлар ҳам йўл қўйиб бермоқда.

Қабул қилинган мазкур қонунда фойдаланилган тушунча ва атамаларни турлича изоҳ этилишини истисно этиш ҳамда қонун ҳужжатида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўллаш мақсадида "ов қилиш", "овчилик хўжалиги", "овчи", "овчилик ресурслари", "ов маҳсулоти" каби тушунчаларнингш моҳияти алоҳида моддаларда очиб берилган. Шунинг билан бирга овчилик ресурслари ва ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш йўллари, ёввойи ҳайвонларнинг сони ҳамда тутилган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олишни амалга ошириш, ёввойи ҳайвонларни такрор кўпайтириш ва уларнинг сонини тартибга солиш, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота бўйича ариза бериш муддатларига оид нормалар ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Қонуннинг "Ов қилишни амалга ошириш" деб номланган 4-бобида ов қилиш турлари, рухсат этилган ҳамда таъқиқланган ов қилиш қуроллари ва усуллари, ов қилишнинг хавфсизлик қоидалари, ов қилиш мавсуми ва муддатлари, овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш ёки тутиб олиш шартлари, чет эллик фуқаролар учун ов қилишни ташкил этиш туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши, ғайриқонуний ов қилишни (браконерлик) аниқлаштирувчи моддалар баён этилганлиги янги ҳолатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ушбу қонунда овчилик гувоҳномаси, ёввойи ҳайвонларни тутишга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир рухсатномалар, овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси)

ким томонидан қай тартибда берилиш шартлари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Зеро, ушбу қонуннинг “Овчилик хўжалигини юритиш” деб номланган бобида овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома ҳамда техник-иқтисодий асоснома материаллари асосида амалга оширилиши, овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқини тугатиш шартлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасига доир нормалар ҳам белгиланганлиги ижобий ҳолдир.

Шунингдек, мазкур қонун ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлса-да, бир қатор моддаларда ёввойи ҳайвонлар сонини уларнинг яшаш жойлари доирасида сақлаб туриш, кўпайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш мажбуриятлари белгиланмоқда.

Жумладан, 11-моддасида ёввойи ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, 12-моддасида ёввойи ҳайвонларни такрор кўпайтириш, 14-моддасида ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш ёввойи ҳайвонларнинг сонини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилиши, овчилик хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида ёввойи ҳайвонларни табиатга мослаштириш ёки улардан бошқа мақсадда фойдаланиш учун кўпайтириш, ёввойи ҳайвонларнинг такрор кўпайтирилишини таъминлаши белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, мазкур қонуннинг амалиётга кенг татбиқ этилиши мамлакатимиз ҳудудларида ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига, ёввойи ҳайвонларнинг хилма-хиллигини сақлаб қолиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва тутиш нормаларини тартибга солиш устидан давлат назоратини кучайтириш, ов туризмининг ривожлантирилишига ҳамда ов хўжаликлари ҳолатининг яхшиланишига имкон бериб ушбу соҳани ҳуқуқий асосини ўзида ифода этади.

Хуллас, тирик табиат бу бир бирига узвий боғлиқ бўлган занжирдир. унинг биттагина халқасининг узилиши бошқа турларининг йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Мазкур, жуда нозик мувозанатни сақлаш учун инсоният унинг ҳар бир турини- ҳашаротдан тортиб, филгача, оддий тошбақадан тортиб, ўсимликкача муҳофаза қилиши, уларнинг яшаб, кўпайиши учуншароит яратиши лозим. Табиат муҳофазаси фақатгина экоташкилотлар эмас, балки ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Ҳох диний, хоҳ дунёвий томонидан олиб қаралганда, Она сайёрамиз фақатгина инсоннинг яшаши учун яратилмаган. Инсон табиат билан уйғунликда яшасагина табиат ҳам унга хайрихоҳ бўлади, аксинча эса тирик организм сифатида у ҳам инсониятдан ўч олишга қодир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.“2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4477/3867-сон

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги фармони.// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

3.Ўзбекистон Республикасининг “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.07.2020 й., 03/20/627/1047-сон

4.Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва қушлар: уларга ким ёрдам беради?// https://sangzor.uz/jamiyat/ 11113-izil-kitobga-kiritilgan-ayvonlar-va-ushlar-ularga-kim-erdam-beradi.html

5.https://sangzor.uz/jamiyat/11113-izil-kitobga-kiritilgan-ayvonlar-va-ushlar-ularga-kim-erdam-beradi.html

MUHANDIS O'QITUVCHISINING PROFESSIONAL-PEDAGOGIK KOMPITENTLIGI XUSUSIDA

Nazarov Abdulla Abduvaxob o'g'li.
Termiz davlat universiteti texnologik ta'lim kafedrasi o'qituvchisi.

Annotatsiya: Mazkur maqolada muhandis o'qituvchilarning professional-pedagogik kompitentligi xususida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta'lim tizimidagi islohatlar, o'z o'rnida jahon ta'lim makoniga integratsiyalashuvi uchun ham bosqichma-bosqich yangicha ta'lim paradigmalarga o'tib borayotganligi, muhandis o'qituvchisi shaxsi raqobatbardoshligi uning professional-pedagogik kompetentligini rivojlantirish jarayoni bilan bevosita bog'liqligi, o'quv-me'yoriy hujjatlarda muhandis o'qituvchisini tayyorlash natijalarini kompetentliklar va kompetentsiyalar asosida yoritib berilishi bo'yicha amaliy faoliyatni ro'yobga chiqarish zarurligi to'g'risida fikrlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim paradigmalari, motivatsiyalashgan qobiliyatlar, kompetentlik, kompetentsiya, fikr yuritish, moslashish.

О ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ ИНЖЕНЕРНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.

Аннотация: В данной статье рассмотрено реформирование системы образования в нашей стране на профессионально-педагогическую компетентность педагогов инженерных специальностей, а также постепенный переход к новым образовательным парадигмам для интеграции в мировое образовательное пространство инженерной личностной конкурентоспособности педагога. непосредственно связана с процессом формирования его профессионально-педагогической компетентности, необходимостью практической деятельности по освещению результатов подготовки преподавателей инженерных специальностей в учебно-нормативных документах на основе компетенций и компетенций.

Ключевые слова: образовательные парадигмы, мотивированные способности, компетентность, компетентность, мышление, адаптация.

ON THE PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL COMPETENCE OF ENGINEERING TEACHER.

Annotation: In this article, the reform of the education system in our country on the professional and pedagogical competence of engineering teachers, as well as the gradual transition to new educational paradigms for integration into the global educational space, engineer The personal competitiveness of the teacher is directly related to the process of developing his professional and pedagogical competence, the need for practical activities to cover the results of the training of engineering teachers in the educational and regulatory documents on the basis of competencies and competencies. opinions are given.

Keywords: educational paradigms, motivated abilities, competence, competence, thinking, adaptation.

Zamonaviy o'qituvchi shaxsi axborotlar makonida mustaqil va tanqidiy jihatdan yondashgan holda o'ziga kerakli ma'lumotlardan xabardor bo'lishi, shu bilan birga mavjud axborotlar tizimini tanqidiy tahlil qilgan holda, yangiliklarni prognozlash qobiliyatiga ega bo'lishi, uni o'z sohasida raqobatbardosh mutaxassis bo'lishini ta'minlaydi.

Rivojlangan mamlakatlarda ta'lim paradigmalarini shaxsga yo'naltirilgan faoliyatli standartlarga, ya'ni kompetent yondashuv asosida tashkil qilinishi va ta'lim natijalari kompetentliklar bilan belgilanishi bilan o'ziga xos yo'nalish kasb etmoqda.

Kompetentliklar borasidagi dastlabki fikrlar Djon Raven tomonidan ilgari surilgan bo'lib, ularning barchasi 37 xil kompetentlikdan iborat bo'lgan yagona tizimga birlashtirgan. Uning fikricha, kompetentliklar ham intellektual, ham emotsional xususiyat kasb etgan holda, ular o'zaro almashinuvchanlik xarakterini "motivatsiyalashgan qobiliyatlar" asosida namoyon bo'ladi [1].

I.A.Zimnyaya jahon hamjamiyatidagi kompetentlikni rivojlantirishga yo'nalgan islohatlarni amalga oshirilishini quyidagi

sabablarini ta’kidlab o’tadi [2]:

- Yevropada yangi ta’lim makonini yuzaga kelishi va Blonskiy jarayonlarining izchillik bilan kechishi;
- ta’lim paradigmalarini o’zgarishi, bilim, ko’nikma va malakalarni egallash o’rniga shaxsga yo’naltirilgan o’quvchining kompetentliklarini rivojlantirishga qaratilgan yondashuvni keng qo’llanilishi;
- o’quv-me’yoriy hujjatlarda kompetentlik va kompetentsiyalarini aks etishi bilan muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta’lim tizimidagi islohatlar ham o’z o’rnida jahon ta’lim makoniga integratsiyalashuvi uchun ham bosqichma-bosqich yangicha ta’lim paradigmalarga o’tib bormoqda. Xususan, hozirgi kunda o’quvchi yoki talaba o’quv-tarbiya jarayonining sub’ekti sifatida tan olinishi, shaxsga yo’naltirilgan yondashuvni bevosita kasbiy ta’limga singib borishini ta’minlamoqda.

Kompetentsiya va kompetentlik o’zaro qo’shilib ketgan tushunchalar bo’lib, lekin pedagog olimlar tomonidan ularning har biriga alohida tushunchalar yoki bir sinonim tushunchalar sifatida e’tirof etilib, ular jamiyat tomonidan uning fuqarolarini tayyorgarlik darajasiga qo’yiladigan talablar sifatida baholanadi. Shu o’rinda ta’kidlash joizki, “kompetentlik” tushunchasi bilan bir qatorda “kompetentsiya” tushunchasi qo’llanilib, ular o’zaro bog’liq bo’lgan, aynan o’xshashlik, differentsial hamda integral xususiyatlari bilan tavsiflanadi [2].

A.V.Xutorskiy tomonidan kompetentsiyalarning quyidagi asosiy yirik yo’nalishlarini belgilab bergan [3]:

-ta’lim olish orqali o’rganish;
-izlab topish;
-fikr yuritish;
-hamkorlik qilish;
-kasbiy faoliyatini amalga oshirish;
-moslashish.

Muhandis o’qituvchisining professional-pedagogik faoliyati integral xususiyatga ega bo’lib, ikkiyoqlama bilim, ko’nikma va malakalarni, hamda faoliyat turlarini, o’zini-o’zi takomillashtirish usullarini o’z ichiga qamrab oladi. A.V.Xutorskiyning hamkorlik

qilish borasidagi fikri muhim bo'lib, nafaqat kasbiy faoliyat jarayonida, balki umumiy ravishda ijtimoiy munosabatlarda atrofdagi insonlar bilan muloqot o'rnata olish, o'z fikrini bayon qilish orqali ularni ishontirish, jamiyat a'zolarini yagona g'oya atrofida harakatlantira olish qobiliyatlarini o'z ichiga qamrab olib, bevosita Muhandis o'qituvchisining professional-pedagogik kompetentligi tizimiga kiritilishiga haqlidir.

Muhandis o'qituvchisining professional-pedagogik kompetentligini rivojlantirish vazifasi, mazkur tushunchaning mazmuni va tarkibini aniqlash bilan bog'liq. Muhandis o'qituvchisi shaxsi raqobatbardoshligi uning professional-pedagogik kompetentligini rivojlantirish jarayoni bilan bevosita bog'liq bo'lib, o'quv-me'yoriy hujjatlarda muhandis o'qituvchisini tayyorlash natijalarini kompetentliklar va kompetentsiyalar asosida yoritib berilishi bo'yicha amaliy

faoliyatni ro'yobga chiqarish kerak. Muhandis o'qituvchisini tayyorlash ixtisosligi bo'yicha yangi ishlab chiqiladigan Standartda ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlarning tayyorgarlik darajasi va zaruriy bilimlar mazmuniga qo'yiladigan talabalarda kompetentsiyalarning o'rni ham bor. Jumladan, umumiy malakaviy va kasbiy kompetentsiyalar o'z aksini topmoqda. [5]

Kasbiy ta'lim jarayonini kompetent yondashuv bo'yicha tashkil qilinishi va unda muhandis ta'limi o'qituvchisining professional-pedagogik kompetenligini rivojlantirish dolzarb muammo bo'lib, uning mazmunini shaxsiy, ijtimoiy va professional xarakteristikalar tashkil qilinishi, kasbiy faoliyatini samarali amalga oshirilishi uchun zamin yaratadi. [6]

Professional-pedagogik kompetentlikni rivojlantirish vazifasi undagi kompetentliklar va kompetentsiyalar turlarini to'g'ri tanlay olish, ular orasidagi aloqadorlikni belgilash, ularni tizimlashtirish va ushbu tizimning amal qilish qonuniyatlarini aniqlash bilan uzviy bog'liqdir. [7]

Yuqoridagi fikrlaridan kelib chiqqan holda, quyidagicha xulosalar qilish mumkin:

-muhandis o'qituvchisining professional-pedagogik kompetentligini rivojlantirish uning shaxsi va faoliyati sohalarida ijobiy o'zgarishlarga olib keladi;

-Professional-pedagogik kompetentlik muhandis o'qituvchining ta'lim jarayonida mustaqil va ijodiy faoliyat olib borishining bosh xarakteristikasi hisoblanadi;

-Muhandiso'qituvchisiningprofessional-pedagogikkompetentligi tizimidagi kompetentliklar tuzilmasini ishlab chiqilishi, ta'lim natijalari sifatida kompetentliklarni shakllantirilishini ta'minlaydi.

ADABIYOTLAR:

1.Kompetentnost`i problemi yeye formirovaniya v sisteme neprerivnogo obrazovaniya (shkola-vuz-poslevuzovskoe obrazovanie) / nauch.red. prof. I.A.Zimnyaya; Materiali XVI nauchno-metodicheskoy konferentsii «Aktual`niye problemi kachestva obrazovaniya i puti ix resheniya». -M.: Issledovatel`skiy sentr problem kachestva podgotovki spetsialistov, 2006.

2.I. A. Zimnyaya. Klyuchevie kompetentsiinovaya paradigma rezul`tata sovremennogo obrazovaniya.// Internet-jurnal «Eydos»-2006.5maya.

3.A.V.Xutorskiy. Didakticheskaya evristika. Teoriya i texnologiya kreativnogo obucheniya. -M.: Izd-vo MGU, 2003.

4.V.S.Lednev, N.D.Nikandrov, M.V.Rijakov. Gosudarstvennie obrazovatel`nie standarti v sisteme obshego obrazovaniya: teoriya i praktika. -M., 2002.

5.Shomirzayev M., Avazov J. Oliy ta'lim tizimida bo'lajak muhandislarning tayyorlashning ba'zi jihatlari //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.

6. Shomirzayev M.X., Yuldashov K. K. Use of Some Historical Materials in Technology Education Classes //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 11. – С. 184-195.

7.Shomirzayev M.X., Yuldashov K. K. Student-Folk Craft for Young People Teaching History as a Factor of National Education //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 8. – С. 475-486.

ЭКОЛОГИК ПОЛИЦИЯНИНГ ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Сайфиддинов Сухроб Саидахмедович
Термиз давлат университети
Юридик факультети, "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада, экологик полициянинг экология соҳасидаги вазифалари ва уларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган

Таянч сўзлар: экологик сиёсат, экологик полиция, атроф-муҳит, экологик назорат, экологик ҳуқуқбузарлик, экологик жиноят

Бугунги кунда, жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида бетакрор ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг собит қадамлик билан ривожланиши, ахолининг юқори даражадаги ҳаёт сифати ва саломатлиги фақатгина экотизимнинг сақланиши, атроф-муҳит барқарорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни хал этиш ишларига аҳолини кенг жалб қилиш билан бевосита боғликдир. Бунга эса атроф-муҳитни мухофаза қилиш сохасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини мустахкамлаш ва давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини кучайтириш масалалари йўналтирилган.

"Ҳаракатлар стратегиясидан-Тараққиёт стратегияси сари" тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон-

нинг тараққиёт стратегияси[1] ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилинганлиги ҳам жуда катта сиёсий ва ҳуқуқий воқеа бўлди.

“Мамлакатимизда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунлари ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш хамда мустахкамлаш баробарида, уларни жойларда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш хамда экологик назоратни амалга оширишда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жамоатчилик вакиллари парламент эшитувида иштирок этиш, жамоатчилик экологик мониторинги ва экспертиза қилиш, экологик рейдлар ўтказиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш имкониятига эга бўлдик.

Алоҳида Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқий нормалар асосида мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик сиёсат юритиб келинмоқда. Ўзбекистонда мавжуд бой табиий ресурсни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминловчи ҳуқуқий база яратилиб, келгуси авлод учун соф атроф табиий муҳитни асраб авайлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврларидан бошлаб бу ва шу каби бошқа муаммоларнинг ечимини топиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, инсон ҳамда унинг манфаатлари ҳимояси, биринчи навбатда, соғлом ва мусаффо атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян тажриба

орттирилди. Шу билан биргаликда, соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳудудларида экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади.

Бинобарин, бу соҳада атроф муҳит муҳофазаси давлатнинг, жамиятнинг ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиб, 2013 йилнинг 28 декабридан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги[2] Қонунининг муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда фуқароларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тизимидаги роли ва ўрни аниқ-равшан белгилаб берилган.

Шу билан бирга фикримизча,жойларда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, самарали ва таъсирчан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида "Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик муҳитни соғломлаштиришда барчамиз маъсулмиз", "Экология ва саломатлик" "Экологик муаммоларни бартараф этишда ННТ роли", "Ёшларда экологик таълим-тарбияни шакллантириш истиқболлари", "Экоҳаракат шаклланиши ва асосий мақсад ва вазифалари", "Табиатни асраш муқаддас бурчимиз", "Соғлом турмуш тарзи ва экология", "Соғлом муҳит-инсон саломатлиги", "Бизга соғлом экология керак" мавзуларида давра суҳбатлари, семинарлар, кўрик-танловлар, учрашувлар ўтказиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Демак, бу ҳолат Ўзбекистонда экологик жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга йул қўймаслик ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш учун мамлакатда экологик полиция ташкил этилишини ҳам тақоза этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 24 август куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар танқидий баҳоланиб, бу соҳадаги қонунбузарликлар, жумладан дарахтларни рухсатсиз кесиш, браконьерлик, ноқонуний чиқиндилар ташлаш каби ҳолатларга қарши курашишга қаратилган тадбирларни кучайтириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги тизимида **“экология полицияси”**ни ташкил этиш топшириғи юклатилди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Давлат экология қўмитаси билан ҳамкорликда Президентимизнинг тегишли қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳа билан, Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Жамоат тартибини сақлаш хизматлари таркибида Экологик назорат хизмати бўлинмалари ташкил этилиши режалаштирилди, ўтказилган тадбир муҳим қадам бўлди[3].

Президент қарори билан тасдиқланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концептсиясига мувофиқ, 2030 йилгача қимматбаҳо дарахт ва буталарни кесишга мораторий жорий этилган эди. 2020 йил 31 декабрга қадар амалда бўлган ушбу чора туфайли 316 минг дарахт кесишдан қутқарилди ва шунга қарамай, 5 мингга яқин дарахт ноқонуний равишда кесилган. Шу муносабат билан давлат раҳбари дарахтларни ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришни буюрди. Хусусан, дарахт кесишга мораторий 2024 йилгача узайтирилади, уни бузганлик учун жавобгарлик сезиларли даражада оширилди.

Яшил майдонлар ва истироҳат боғларида дарахт кесиш қатъиян ман этилди. Жумладан, Тошкент ва вилоят марказларида экология полицияси ташкил этилди[4].

Унга экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан дарахтларни рухсатсиз кесиш, чиқиндиларни нотўғри жойга ташлаш, браконерлик ва бошқаларга қарши кураш вазифалари юклатилди. Шу билан бирга, экология соҳасидаги жарималар миқдори 5 баробар, этказилган зарарни қоплаш миқдори эса 2 баробар оширилди.

Таъкидлаш ўринлики, экологик полицияни ташкил қилган

тақдирида ҳам, экология масаласи бу бир кунда бўладиган ҳолат эмас. Бу- жамиятдаги яшилликка бўлган муносабатни ўзгартирмагунча, ҳеч қачон бунга эриша олмаймиз. Экологик полиция, экологик прокуратура ташкил этилганидан кейин, балки шу орқали қанчадир функция бажарилар, деган масала ҳам мавжуд. Аммо, экологик полицияни ташкил этишга оид жараёнларни ҳам давом эттириш мақсадга мувофиқдир[5].

Экологик полиция жойларда, тез реакция бера оладиган бўлиши, маълумот қачон етиб борса, кейин келиб муносабат билдирадиган бўлмаслиги керак.Айни пайтда экополиция тузиш, унинг штатлар таркибини тасдиқлаш, қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича алоҳида қарор тайёрланмоқда. Шу билан бирга жойларда алоҳида гуруҳлар, яъни патруллар шакллантирилмоқда. Улар ЙПХ, Давлат экология қўмитаси вакилларидан иборат бўлиб, вазифасига экология соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларига қарши курашиш киради. Ҳозирча буни тест, тажриба сифатида баҳолаш мумкин бўлиб, унинг натижалари бўйича тегишли хулосалар қилинади",-дея таъкидлади ИИВ матбуот котиби.

Экологик полиция экология соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, шу жумладан дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, белгиланмаган жойларга чиқиндилар ташланишига йўл қўймаслик билан шуғулланади. Ходимлар бевосита маҳаллалар, мавзелар, бозорларда фаолият юритади. Бундан ташқари, экополиция тозалик, туристик объектларнинг экологик ҳолатининг мониторингини олиб боради, ходимларига эса ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув ва қидирув операцияларини ўтказишга рухсат берилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилишида, хусусан жойлардаги экологик муаммоларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимият органлар билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шерикчилигини янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибасида камёб бўлган миллий моделимиз имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланилса,айниқса бу масалада экологик полициянинг экология соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш ташаббускорлигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22 /60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.

2.Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.

3.Ўзбекистон Республикасида экологик полиция тузилади. Больше информации на портале Oqu.news: https://uz.tafsilar.info/novosti-uzbekistana/zbekiston-respublikasida-jekologik-policija-tuziladi/

4.https://uz.tafsilar.info/novosti-uzbekistana/zbekiston-respublikasida-jekologik-policija-tuziladi/

5.Холмўминов Ж.Т., Камолов О.А., Холмўминов Ж.Т.Экология ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент.ИИВ Академияси, 2020, 336-бет

PEDAGOGIK TILSHUNOSLIK TERMINOLOGIYADA XALQARO PEDAGOGIKA MUAMMOLARINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ZARUR SHART-SHAROITLAR

Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi
Nizomova Mohinur Baratboyevna

Annotatsiya

Tarixiy jihatdan dunyoda ilmiy-pedagogik bilimlar pedagogika tadqiqotining predmetini aks ettiruvchi tushunchalarda (mahalliy pedagogikada tarbiya, ta'lim; ta'lim – ingliz tilida so'zlashuvchi pedagogik an'anada) va kognitiv faoliyatning o'zi, uning yo'llari bilan bog'liq bo'lgan tushunchalarda rivojlanadi va vositalar (ta'lim usullari), qurish uchun jahon pedagogika fanining kontseptual apparati hisoblanadi

Kalit so'zlar: ilmiy-pedagogik bilimlar, tarixiy pedagogika, pedagogik an'ana, pedagogikada tarbiya, milliy pedagogik madaniyat;

Annotation

Historically, scientific and pedagogical knowledge in the world is connected with the concepts that reflect the subject of pedagogical research (education in local pedagogy, education; education - in the English-speaking pedagogical tradition) and cognitive activity itself, its ways develops in concepts and is a conceptual apparatus of world pedagogical science to build tools (teaching methods).

Keywords: scientific and pedagogical knowledge, historical pedagogy, pedagogical tradition, education in pedagogy, national pedagogical culture;

Аннотация

Исторически научно-педагогическое знание в мире связано с понятиями, отражающими предмет педагогического исследования (образование в отечественной педагогике, образование; воспитание - в англоязычной педагогической традиции) и самой познавательной деятельности, ее способы, складывающиеся в понятиях и понятийный аппарат мировой педагогической науки для построения средств (методики обучения)

Ключевые слова: научно-педагогические знания, историческая педагогика, педагогическая традиция, педагогическое образование, национальная педагогическая культура;

Biroq, jahon ilmiy-pedagogik faoliyat universiteti: amaliy, ma'naviy-amaliy va tadqiqotchilik juda ko'p qirrali bo'lib, har safar empirik sohaning o'zgarishi bilan uning bilishga innovatsion yondashuvning turli burchaklaridan qarashlari, umumiy ilmiy rivojlanish dinamikasi va madaniyatlararo muloqot jarayonlari, u nafaqat ilmiy-pedagogik tadqiqotlarning tabiati va mazmunida o'z aksini topadi. Har qanday maxsus bilimlar kabi jahon pedagogika fani ham voqelikni aks ettiribgina qolmay, balki har biri qandaydir milliy pedagogik madaniyat, nazariya, tushuncha, paradigma bilan bog'liq bo'lgan o'zaro bog'langan tushunchalar majmui vazifasini bajarib, voqelik faktlarini intellektual jihatdan qayta ishlaydi. Pedagogika tili har safar ushbu voqelikni nazarda tutadi, go'yo unga tushunchalar to'plamini yuklaydi, pedagogik voqelik hodisalari va jarayonlarining umumlashtirilgan va mavhum aksi bo'lib, u hodisalar va hodisalarning ko'p qirraliligi bilan tavsiflanadi. Pedagogik faoliyat boshqa bilim sohalari bilan integratsiyasi ilmiy, madaniyatlararo tizimda kasbiy

aloqalarni rivojlantirish ko’p madaniyatli kontinuumdagi aloqalar ilmiy-pedagogik bilimlarning muayyan g‘oyalar, gipotezalar, qonuniyatlar, paradigmalar, tushunchalar tizimi (G.I.Ruzavin), empirik ma’lumotlar, infratuzilmalar atrofida jamlanadi.

Shu munosabat bilan pedagogika tili ko‘p madaniyatli va ko‘p tilli dunyoda mega-fan tili sifatida voqelikni umumlashtirishning yuqori darajasini, eng universal va samarali vosita bo‘lgan pedagogik nazariya va amaliyot ob’ektlari va hodisalarining chuqurroq muhim aloqalarini ifodalaydi. Ta’lim muassasalarida axborotni yaratish, to’plash va almashish pedagogika va ta’lim organlari hisoblanadi. U nafaqat muhim kommunikativ kuch, pedagogik fikr, g’oya va qarashlar almashinuvining vositasi va balki voqelikni aks ettirish, pedagogik kategoriyalarni shakllantirish, bilim, dunyoqarash va o’z-o’zini shakllantirishning bevosita ishtirokchisidir. Yangi ming yillikning boshlarida jahon ta’lim jarayonida ta’limni baynalmilallashtirish tendensiyalari belgilab berildi. Ular bu faoliyatni jonlantirish fanning xalqaro integratsiyasi va xalqaro, milliy va mintaqaviy ilmiy-pedagogik hamjamiyatlarning o‘zaro hamkorligini kuchaytirishdan iborat.

Ta’lim ko’lamining o’sishi va uning institutsional shakllari, darajalari va mazmuni bo’yicha diversifikatsiyasi va sayyoraviy madaniyatlararo integratsiya doirasida uning rivojlanishidan dalolat beruvchi yagona multimadaniy axborot-tadqiqot va ta’lim makonida integratsiya jarayonlarini rivojlantirishda xalqaro va milliy tashkilotlar, jamg‘armalar va dasturlarning rolini kuchaytirishdan iborat. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan (Xalqaro universitetlar assotsiatsiyasi bayonoti, 2001). Koinot rivojlanishining mahalliy global tabiati kontekstida yangi, axborot, faoliyat, shaxsning yangi kontseptsiyasiga asoslangan integrativ jarayonlar bilan uzluksiz bog’langan ta’limning kontseptual modellaridir. Ta’limning yangi paradigmalari paydo bo’la boshladi va rivojlandi.

Axborot-pedagogik, ilg’or, shaxsga yo’naltirilgan, global va mintaqaviy (mahalliy) jarayondir. Polimadaniy pedagogik voqelikning o’zgaruvchan manzarasi va uning pedagogika fanida aks etishi o’rtasidagi ziddiyatni hal qilishga, jahon pedagogik amaliyotining turli holatlari va jarayonlarini integratsiyalashuviga,

uning faoliyat ko'rsatish va yaratilish darajalarini farqlashga qaratilgan fundamental tadqiqotlar olib borilmoqda. Madaniyatlararo muloqot, ilmiy bilimlarning boshqa sohalari bilan integratsiyani kengaytirish va chuqurlashtirish sharoitida boshqa fanlar va fanlarda ishlab chiqilgan usullarni jalb qilish istagi shakllanadi.

Pedagogik jarayonlarni o'rganish uchun boshqa pedagogik madaniyatlar, fakt va hodisalar, boshqa fanlar bilan umumiy formulalar ishlab chiqish va pedagogika tamoyillarining milliy pedagogik madaniyatlarini tadqiq etishdir. Pedagogika keng fanlararo va ko'p bosqichli tadqiqotlar natijalariga tayanadi: falsafiy, mantiqiy metodologik, tarixiy, fundamental nazariy, eksperimental, empirik va amaliy. Global integratsiya jarayonlarida tobora ko'proq ishtirok etayotgan jahon pedagogika fani nafaqat dunyoning turli mintaqalari va mamlakatlaridagi ko'plab madaniyatlarning sa'y-harakatlari bilan amalga oshirilgan bilish faoliyati natijasida paydo bo'ladi, balki leksik vositalarni to'g'ri va aniq izlashda ilmiy-pedagogik bilimlarni ifodalovchi, "jahon tilshunosligi"ning bir qismi sifatida harakat qiladi (P.G. Shchedrovitskiy).

Yangi axborot paradigmasi nuqtai nazaridan (V.A. turizm ilmiy kommunikatsiyalariga nazar tashlaydigan bo'lsak, (L.M. Suxorukova) pedagogika o'zining kontseptual g'oyalarini aniqlashtirish bilan bir qatorda sharhlaydi va boshqa bilim sohalari tomonidan ishlab chiqilgan empirik vositalardan asosiy yo'nalishda - ko'plab pedagogik hodisalarning samarali o'zaro ta'sirini ta'minlaydigan mexanizmlarni izlashda, yangi bilimlarning doimiy oqimini, pedagogik faoliyatni rivojlantirishda foydalanadi. Tizimlar, pedagogika nazariyotchilari va amaliyotchilari o'rtasidagi o'zaro maksimal hamkorlikni ta'minlash va ta'minlash, ularning ta'limga shaxsiy hissasi beqiyos. Bu kontekstda xalqaro pedagogik terminologiyaning rivojlanishi moslashuv va bifurkatsiya bosqichlari jarayoni sifatida namoyon bo'ladi (V.M.Polonskiy). Xalqaro pedagogik terminologiyaning beqaror holati sifatida bifurkatsiyaning mazmuni tanlovdir zamonaviy pedagogika fani va amaliyotining rivojlanishi uchun ahamiyatli atamalar, tushunchalarning tadqiqot faoliyatiga kirish, umumiy tushunishni talab qiladi. Shu bilan birga, xalqaro miqyosda shakllanishi pedagogik terminologiya nafaqat pedagogika fanining oldingi rivojlanishi, uning an'ana va tendentsiyalari, balki ilmiy tafakkur va ijtimoiy amaliyotning zamonaviy rivojlanishi bilan ham

belgilanadi. Pedagogika va ta’lim sohasidagi atamalar va terminologik birikmalarni kontekstual tushunish va qayta ko’rib chiqish natijasida amalga oshiriladi. Xalqaro integratsiya jarayonlari, axborotning yanada kengroq va erkin almashinuvi, pedagogik va ilmiy uslubiy adabiyotlarning tarqalishi, turli pedagogik madaniyatlarning o‘zaro ta’siri, turli xil pedagogik madaniyatlarning o‘zaro chuqurlashib borishiga sabab bo’ladi. Shu bilan birga, pedagogika tilining tizimli tabiati, ya’ni sifat va miqdoriy tomonlarini nazarda tutuvchi, ma’lum atamalar, ularning ma’nolari, faoliyat ko’rsatish qonuniyatlarining o’ziga xosligi, ma’lum chastotalar tizimini tanlashda ifodalanadi. Umumlashtirilgan makonda bo’lgani kabi xalqaro pedagogik terminologiya va milliy atamalar va terminologiya tizimlari o’z navbatida, lisoniy vositalarni tanlashning u yoki bu stereotipga ataylab bo’ysunishida (yoki bo’ysunmaslikda), hukmron bo’lgan pedagogikada namoyon bo’ladi.

Pedagogika sohasidagi an’analar, tushunchalar va paradigmalar ishlab chiqilmoqda; terminologik birliklarning ehtimollik to’plamlarida (M.V. Nomerovskaya); so’nggi pedagogik tadqiqotlar natijalarini ontologik darajada aniqroq aks ettirishga intilishda yaratilgan (qabul qilingan, o’zlashtirilgan) pedagogika tilining so’zlar yoki so’z birikmalari to’plami sifatida ishlaydigan xalqaro milliy pedagogik terminologiya va boshqalar) maxsus tushunchalarni aniq ifodalash va ko’p madaniyatli pedagogik voqelik ob’ektlarini belgilash uchun pedagogik faktlar, hodisalar, hodisalar. Uning tarkibida global kompyuter muhitida o’zaro ta’sirning bir qator yangi virtual shakllari, zamonaviy ijtimoiy-madaniy sharoitlardan, ekstralingvistik omillardan, xususan, funktsiyalardan kelib chiqqan bir qator yangilari tomonidan yaratilgan tildan tashqari omillar ta’siri ostida shakllangan ijtimoiy, kommunikativ, kognitiv, maqsadlar va vaziyatlar va aloqa sohalari, turli xil tarkibiy qismlar mavjud.

Ular ko’pincha umumiy adabiy tildan, umumiy ilmiy tildan va boshqa fan tillaridan farqlash qiyin. Masalan: (virtual) o’qituvchi tayyorlash, insonparvarlashtirish (ta’lim), shaxs sifati, (pedagogik) toifasi, (pedagogik) tushuncha, (pedagogik) hodisa, (pedagogik) tadbirlar, o‘quvchilarga yo‘naltirilgan ta’lim (yo‘riqnoma), kattalar savodxonligi ta’limi, jamoatchilik ta’limi, ELT portfeli, dastur komponenti, pilot loyiha ta’lim siyosati, ta’lim islohoti, ta’lim amaliyoti, ta’lim izlanishlari, tarbiya masalalari, pedagogik model,

o’quv eksperimenti, o’quv konteksti. Ular orasida yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, sinergetika, aloqa fani, axborot nazariyasi sohalariga oid atamalar ham bor. Masalan: axborot madaniyati, pedagogik sinergetika, ko‘p madaniyatli makon, madaniyatlararo pedagoglar.

Foydalangan adabiyotlar

1. Тузлукова В.И Международная педагогическая терминология: теория, практика, перспективы: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук: 10.02.20 /МГУ им. М.В. Ломосова. - М., 2002.

2. Термины синергетики: Учебный словарик. /Сост. Б.Н. Пойзнер, Т.А. Тухфатуллин. - Томск, 1991.

3. POLYSEMANTIC FEATURES OF PEDAGOGICAL TERMS IN ENGLISH AND UZBEK TRANSLATION /Nizomova Mohinur Baratboyevna/ CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES 2(12): 21-25, December 2021 DOI: https://doi.org/10.37547/philological-crjps-02-12-05 ISSN 2767-3758.

ҚУЙИ СУРХОН ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ВА ҲУДУДНИНГ ТУПРОҚЛАРИ

Уралов Рустам Абдураимович
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг 1-босқич таянч докторанти.

Аннотация. Қуйи Сурхон табиий географик райони Амударё водийсини, Сурхондарё водийсининг қуйи қисмини (Янги қишлоқдан қуйида жойлашган) ва Шеробод дарё ёйилмасининг 300-450 м мутлақ баландликдаги қисмини ўз ичига олади. Қуйи Сурхон табиий географик районида Бўз–тақир тупроқлар, Оч бўз тупроқлар, Тақир тупроқлар, Қум тупроқлар ва қумлар кенг тарқалган.

Калит сўзлар: Қуйи Сурхон табиий географик райони, Амударё водийси, Шеробод дарё, Бўз–тақир тупроқлар, Оч бўз тупроқлар, Тақир тупроқлар, Қум тупроқлар.

НИЖНЕ СУРХАНСКАЯ ПРИРОДНО-ГЕОГРАФИЧЕСКАЯ ОБЛАСТЬ И ПОЧВЫ ОБЛАСТИ.

Уралов Рустам Абдураимович
Назван в честь Мирзо Улугбека
1 курс базового докторанта Национального университета Узбекистана.

Аннотация. Нижне-Сурханская природно-географическая область включает долину Амударьи, нижнюю часть Сурхандарьинской долины (ниже поселка Новое) и бассейн реки Шерабад на абсолютной высоте 300-450 м. В природно-географической области Нижняя Сурхандарьинская широко распространены сероземы, Гололодные сероземы, Солончаки, Песчаные почвы и пески.

Ключевые слова: Нижне-Сурхандарьинская природно-географическая область, долина Амударьи, река Шерабад, Сероземы, Гололодные сероземы, Гололедные почвы, Песчаные почвы.

LOWER SURKHANDARYA NATURAL GEOGRAPHICAL REGION AND SOILS OF THE REGION.


Uralov Rustam Abduraimovich
Named after Mirzo Ulugbek
1st year basic doctoral student of the National University of Uzbekistan.

Annotation. The Lower Surkhandarya natural geographical region includes the Amudarya Valley, the lower part of the Surkhandarya Valley (below the New Village) and the Sherabad River Basin at an absolute altitude of 300-450 m. Gray-bald soils, Hungry-gray soils, Bald soils, Sandy soils and sands are widespread in the natural geographical area of Lower Surkhandarya.

Keywords: Lower Surkhandarya natural geographical region, Amudarya valley, Sherabad river, Gray-bare soils, Hungry gray soils, Bald soils, Sand soils.

Қуйи Сурхон табиий географик райони Амударё водийсини, Сурхондарё водийсининг қуйи қисмини (Янги қишлоқдан қуйида жойлашган) ва Шеробод дарё ёйилмасининг 300-450 м мутлақ баландликдаги қисмини ўз ичига олади. Район округда термик ресурсларга бойлиги (вегетация давридаги ҳарорат йиғиндиси 5750 – 5950га тенг), йиллик ёғин миқдорининг камлиги (130-150 мм), кузининг қуруқлиги, ёзининг қуруқ ва жазирама иссиқлиги (июлда ҳавонинг ўртача ҳарорати +31,5, +32), қишининг юмшоқ ва илиқлиги (январнинг ўртача ҳарорати +3, +3,5), «афғон» шамолининг кўп ва кучли эсиши, вегетацияли қишнинг кўплиги (90-100 %), тақирли ва қумли тупроқларнинг кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Районда геологик, геоморфологик, тупроқ-грунт шароитининг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, 5 та ландашфт хили ажратилган [1].

Қуйи Сурхон ҳудудининг умумий майдони 3520.15 кв.км.ни ташкил этади. Маъмурий географик жихатдан Термиз тумани, Ангор тумани, Музработ тумани, Шерабод туманининг қуйи қисми ва Жарқўрғон туманларини қамраб олади. Ҳудуднинг майдони Қ.З. Зокиров [2, 3] таклиф этган таснифи бўйича белгиланганда асосан, чўл минтақасига (денгиз сатҳидан 400-450 м.) тўғри келади. Шунинг учун “Қуйи Сурхон ҳудуди” нинг географик майдонини чегаралашимизда Сурхондарё табиий атласидан фойдаланилди. Бундан ташқари “Қуйи Сурхон ҳудуди” нинг географик майдонини чегаралашимизда “Google Earth ProWin” интернет дастуридан фойдаланилди. Ҳудуднинг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган.



1-расм.

Сурхон–Шеробод водийсининг чўл зонаси тупроқлари денгиз сатҳидан 300–450 м баландликда жойлашиб, ушбу ҳудудда бир қанча тупроқ типлари тарқалган.

Бўз–тақир тупроқлар. Боботоғ тизмасининг охири ўртасидаги текисликлари ва Қизириқ чўлларда тарқалган, 40 минг гектарга яқин майдонни эгаллайди. Бўз–тақир тупроқлар асосан кам шўрланган, шўрланиш даражаси 0,4–0,9 %, хлорли шўрланиш 0,01–0,02 %. Тупроқ ҳайдалма қатламида гумус миқдори 1–1,2%, умумий азот 0,096 %, фосфор 0,167 %, калий 1,87 %, ҳаракатчан фосфор 97 мг/кг, калий 375 мг/кг.

Оч бўз тупроқлар. Боботоғ тизмаси ва Шеробод, Хоудаг баланд–пастликлари оралиғида кенг тарқалган, 75 минг гектар майдонни эгаллайди. Оч–сур тупроқларда чимли қатлам ривожланмаган бўлсада шағалли, йирик қумли қатлам ва унда ксерофит ва эфемер ўсимликларнинг ўсиши туфайли тупроқ жуда кам эрозияланган. Бу тупроқларнинг озиқ моддаларга камбағаллигини эътиборга олиб, мева экинлари ва токзорлар барпо қилишнинг аҳамияти катта.

Тақир тупроқлар ва тақирлар. Бу тупроқлар типи Шеробод ва Музробод пролювий–аллювий текисликларида, Болдир массиви пастқам ерларида кенг тарқалган, 106 минг гектар майдонни эгаллайди, шундан 43 минг гектари суғориладиган ерлардир. Бу ерларда асосан шувоқ, кермек, эфемерлар, шўра каби ўсимликлар ўсади. Бу тупроқларда ёмғир, селлар оқибатида ер усти қуриши билан ёрилиб, яхлит қатламлар вужудга келади. Гумус ва озиқ моддалар миқдори жуда катта аҳамиятга эга.Тупроқ юқори қатламида гумус 0,6–0,8 %, умумий фосфор–0,12–0,15 %, ҳаракатчан фосфор 15–31 мг/кг. Лекин калийга бой–1,8–2,5 %, ҳаракатчан калий–200–350 мг/кг.Тақир тупроқлар кам шўрланган, шўрланиши сульфатли.



2-Расм. Тақир тупроқлар

Янги суғориладиган тақир тупроқлар. Бу тупроқлар типи Таллимарон ва Бешқўтон массивларида, Сурхондарёнинг қуйи қисми чеккаларида тарқалган. Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқнинг маданийлашиб бориши билан тақир тупроқларнинг хоссалари ўзгариб, қатқалоқ ҳосил бўлиш жараёни сусайиб келган, ҳайдалма қатлам ости бирмунча зичлашган. Тупроқда гумус ва азот миқдори юқори эмас, (гумус–0,77 %, азот–0,6–0,7 %) фосфорга нисбатан бой (ҳайдалма қатламда 0,16 %), ҳаракатчан фосфор 42 мг/кг, умумий калий 2,20 %, ҳаракатчан калий–480 мг/кг атрофида. Тупроқ профили кучсиз, бир хил ва шўрланган, тупроқ таркиби сингдирилган асосини икки валентли калий ва магний катионлари эгаллайди.

Эски суғориладиган тақир тупроқлар. Шеробод текисликларида кенг тарқалган, суғориш манбаи суви юқори минераллашган (2 г/л) Шероботдарё ҳисобланади. Бу ерларда қадимдан суғориладиган деҳқончилик ривожланган. Тупроқнинг юқори қатламида гумус миқдори 0,8–1,4 %, азотга камбағал (0,05 %), фосфорнинг умумий миқдори 0,12–0,13 %, ҳаракатчан фосфор 37 мг/кг, ҳаракатчан калий 404 мг/кг. Эски суғориладиган тақир тупроқлар кам шўрланган, юқори қатламда сувда эрувчи тузлар–карбонат 0,6 %, хлор–0,9 %, сульфат–1,5 %, калий–0,7%, натрий 2 %, магний–0,3 % атрофида.

Қум тупроқлар, қумлар. Хоудаг қумларининг тарқалиши натижасида ҳосил бўлган Каттақум массивида ҳамда Боботоғ

тизмасининг Амударёга туташган массивида тарқалиб 130 минг гектар майдонни эгаллайди. Каттақум массиви сармат денгизининг кўчиши натижасида ҳосил бўлган.



3-Расм Қумлар

Тупроқ ранги оч сарғиш. Тупроқ юқори қатламида гумус миқдори 0,3–0,45 %, азот ва фосфор миқдори кам, азот–0,2 %, фосфор–0,72 %, ҳаракатчан фосфор–12 мг/кг, умумий калий–1,2 %, ҳаракатчан калий–210 мг/кг. Сурхон–Шеробод чўл қум тупроқларининг 60 минг гектарга яқин майдонида мевачилик ва узумчилик ривожланган, субтропик экинлардан анор, цитрус экинлардан лимон экилади.

Тақир–ўтлоқи тупроқлар, Сурхон–Шеробод водийсининг жанубида, Бешқўтон массиви, Шеробод текислиги чеккаларида, Қизириқ чўлларида тарқалиб, анчагина майдонни эгаллайди. Бу ерларда сизот сувлари 3–5 м, суғориш мавсумида 2–3 м гача кўтарилади.

Тақир–ўтлоқи тупроқлар суғориш натижасида, сизот сувларининг юқори қатламгача кўтарилиши оқибатида ривожланган. Ўсимлик қопламининг камлиги ва органик моддаларнинг минераллашуви туфайли гумус миқдори кам, озиқ элементларга камбағал. Тупроқнинг юқори қатламида гумус миқдори 0,5–1 %, азот–0,05–0,1 %, умумий фосфор–0,1–0,18 %, ҳаракатчан фосфор–45 мг/кг, умумий калий–1,7–2,3 %, ҳаракатчан калий–360–480 мг/кг. Тупроқ сульфатли ва қисман хлорид сульфатли шўрланган, шўрланиш даражаси–0,46 % атрофида.

Ўтлоқи тупроқларда гумуснинг тўпланиши учун қулай муҳит пайдо бўлади. Лекин тупроқда гумус миқдори юқори эмас. Бунинг асосий сабаби тупроқнинг ҳосил бўлиш жиҳатдан ёш тупроқ эканлигидир. Гумус миқдори 0,9–1,2 %, азот–0,1 %, ҳаракатчан фосфор 17–18 мг/кг, ҳаракатчан калий–468 мг/кг. Тупроқ юзасида соз тупроқ ривожланган, деҳқончилик учун қулай шароит яратади. Тупроқ рельефида қияликлар туфайли сув оқимининг қулайлигидан тупроқнинг шўрланиш даражаси паст.



Шўрҳок тупроқлар – таркибида сувда осон эрийдиган тузлар (хлорид, сульфат, карбонат) кўп тупроқлардир. Сизот сувларининг кўтарилиб буғланиши натижасида тупроқнинг устки қатламида туз тўпланади. Шўрҳок тупроқларнинг устида туз қатлам, (майин, қатқалоқлашган), сўнг туз қолдиқлари бўлган бироз чириндили қатлам, чуқуррокда шўрланган жинс ёки сернам қатлам бўлади. Шўрҳок тупроқларнинг ўзига хос хусусияти таркибида сувда эрийдиган 3 % дан 10–15 % гача бўладиган тузларнинг кўплигидир. Тупроқда хлорид ва сульфат тузлари 0,3–0,5 % дан ошса ўсимлик ўсмайди. Морфологик кўриниши жиҳатдан қатқалоқ майин ва қора қатқалоқ шўрҳоклар бетида юқа туз қавати вужудга келиб, таркибида хлорид тузлар бўлади. Майин шўрҳоклар устки қавати қуруқ, ғовак, юмшоқ, таркибида сульфатлар, қора шўрҳокларда сода кўп. Шўрҳок тупроқлар Сурхон–Шеробод воҳаси жанубида, Шеробод текисликларининг тақир тупроқлар массивларида ер ости сизот сувлари 2–3 метр жойлашган ерларда тарқалган.

Шўрланиш асосан хлорид–сульфатли, юқори қатламда хлоридли бўлади. Хлоридлар 1% га етади. Хлоридли шўрланиш сульфатли шўрланишга қараганда юқорироқ бўлиб, 1,2/1,3 нисбатда бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қуйи Сурхон географил ҳудудида кескин континентал иқлим шароитида (ғарбдан Туркманистон чўллари ва жануби-шарқ томондан эса Сурхон-Шеробод водийсида жойлашган чўлли текисликлар кучли таъсир кўрсатиши) жойлашганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам бу ҳудуд чўл-текисликларига яқин бўлганлиги учун бу ерда чўл минтақасига хос бўлган тупроқ типлари кўп учрайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Қаюмовларнинг “Ўзбекистон табиий географияси” (2 қисм) Университетлар ва педагогика институтларининг география, биология-география, тарих-география мутахассисликлари учун қўлланма сифатида тавсия этилади “Тошкент”-2010. 105-106 б.

2. Закиров К.З. К проблеме зональности и терминологии ботанический географии в Средней Ази. Ташкент, блютень САГУ, 1947. Вып 25. С. 25-30.

3. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна р. Зарафшан. – Ташкент: АН УзССР, 1955. – 207 с.

4. А.Солиев “Ўзбекистон географияси” (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси) “КЎҲИ-НУР” босмахонаси (дарслик) “Тошкент”-2014. 283-298 б.

5. У.Тожиев Х.Номозов Ш.Нафетдинов К.Умаров “ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИ” (2 қисм) “Тошкент”-2004.

6. Тожиев У., Намозов Х. ва б. Ўзбекистон тупроқлари. Бухоро, 2002.

7. Х.Абдуллаев, Т.Абдрахмонов. Дунё тупроқлари, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. Тошкент, “Университет” 1993.

8. Глазовская М.А. Обше почвоведение и георгафия почв. М: 1981. 400с.

Марказий Осиё маънавий маданияти илдизларида Туркман маданиятининг ғоявий эътиқодлари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўрибосари Чориев Раҳмонберди Юсупович

Марказий Осиё маънавий мусиқа услуби – ўзбек анъанавий мусиқасининг маҳаллий услубларидан бири бўлиб, мазкур ҳудудда яшаётган халқнинг этник таркиби, келиб чиқиши, тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитлари ушбу услубнинг ўзига хослигини белгилади. Жумладан, **Марказий Осиё** аҳолисининг кўпчилик қисми азалдан ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланаётганлиги сабабли айнан, шу жараёнларга боғлиқ бахшилар томонидан кўйланган халқ қўшиқлари салмоқли ўрин тутади. Масалан, **Марказий Осиё** бахшилар томонидан кўйланган “соғим қўшиқлари” (“Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей”) соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни ийдириш мақсадларида кенг қўлланилади. Деҳқончилик билан боғлиқ бахшилар томонидан ижро этилган қўшиқлар эса ер ҳайдаш (“Қўшчи қўшиғи”, “Шох мойлаш”, “Қўш ҳайдаш»”, ҳосилни ўриш (”Ёзи”), хирмонда буғдой ёки арпани янчиш (”Майда”), баҳор келиши (“Наврўз”ва бошқалар) пайтларда куйланади. Айниқса, турли йиғин ва тўйларда бахшилар томонидан ижро этилаётган “қарсак” (“бешқарсак”) давра ўйин қўшиқлари машҳур. Анъанавий мусиқа чолғулари эса асосан бахши чўпонлар ижодига хос *сибизға,* ғажир най, лапарчи аёллар томонидан кенг қўлланиладиган *чангқўбиз,* бахшиларга жўр бўлган *дўмбира* (яқин ўтмишда-*қўбиз)* билан чегараланган. Мусиқа ҳаётида бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ бахши-шоирлар ва дўмбиракаш бахшилар асосий ўрин тутади. Дўмбирада ижро этилаётган бахши чўпонлар меҳнати билан боғлиқ чолғу куйлар (“Чўпонча”, “Қўйларни судраш”, “Қўйларни йиғиш”, “Чўпонни чақириш” каби), достон куй (“Бахши куй”) лар кенг тарқалган.

Бахшилар ижодидаги “*Алпомиш”, “Гўрўғли”* каби қаҳрамонлик достонлари ҳамда турли мавзудаги *термаларнинг* ижросида

махсус «ички овоз» услуби қўлланилади. **Марказий Осиё маънавий мусиқа услуби**да достончиликнинг 2 йирик маркази - *Шаҳрисабз достончилик мактаби* ва *Шеробод достончилик мактаби* шаклланган. Сўнгги даврларда бошқа маҳаллий мусиқа услубларига хос мусиқий анъаналар (масалан, мақом ижрочилиги санъати) ҳам ёйила бошлаган. Ҳозирда **Марказий Осиё маънавий мусиқа услуби** кўпгина фольклор-этнографик ансамбллар ижодига **асос** бўлмоқда, бахшилар танловлари[1].

Қозоқ бахшичилик ва мусиқа санъати. Қозоқ халқи адабиёти халқ оғзаки ижодида бахшичилик асосида думбира усулида бахшилар томонидан қўшиқ, эртак, мақол ва матал, қаҳрамонлик ва лирик-эпик достонлар кенг қўйланган. Қадимги достонлар ҳисобланган "Эр Тарғин", "Қамбар батир" ва бошқалар халқ озодлиги, эрки ва мустақиллиги йўлида курашган халқ қаҳрамонлари мадҳ этилади. "Қиз жибек", "Баян Сулув", "Айман-шолпан" достонларида қозоқ халқининг эрксеварлиги куйланади. Халқ эртакларининг Алдар кўса, Жиренши, Тазша, Аёзбиби каби қаҳрамонларнинг саргузаштлари бахшилар томонидан акс эттирилган эртаклар кенг тарқалган. XV асрда Асн Кайси, Сипира, Қазтуған, XVI асрда Дўстпамбет, Шалкииз, XVII асрда Жиембет, Марғаска Жиров, Ақтамберди, XVIII асрда Тетиқора, Буқар каби оқин (жиров) лар ўз достонлари билан машҳур бўлдилар. XVIII-XIX асрларда қозоқ маданияти, жумладан, қозоқ бахшичилик адабиёти тараққиётида янги давр бошланди. Жанақ Соғиндиқ ўғли, Мурат Мўнке ўғли, Абу Бакир Шўқон ўғли ва бошқаларлар тараққийпарвар халқ оқинларининг асарлари пайдо бўлди. Бу даврда этнограф ва фольклоршунос Ч. Валихонов адабиётда маърифатпарварлик ғояларини ёйди. XIX асрнинг 2-ярмида танқидий реализм адабиёти - қоғоз ёзма бадиий адабиёт ривожланди. Унинг асосчиси, шунингдек, миллий адабий тилнинг яратувчиси Абай Қўнонбоев бўлди. И. Олтинсарин маърифатпарварлик ғояларини яратди ва рус графиги асосида қозоқ алфавитини ишлаб чиқди. XX асрда ёзувчилардан С. Кубаев, С. Тўрайғиров, С. Дунетаев, М. Сералин, С. Кулеев, Т. Жўмартбоев ва бошқаларлар маърифатчи-демократларнинг реалистик аъаналарини давом эттирдилар. XX

[1] Кароматов Ф., О локальных стилях узбекской народной музыки, М., 1964. ЎзМЭ 2004 й 8 том 162-бет. Оқилхон Иброҳимов . Суръат.

асрнинг 20 - йилларида қозоқ адабиётида Сакен Сайфуллин етакчи ўрин эгаллади. Бу даврда шеърият йўналишда Жамбул Жабаев, Н. Байгагин, Н. Байзаков, Т. Жароков, А. Тожибоев, Ғ. Ўрмонов, А. Тоқмағамбетов ва бошқаларлар ва наср йўналишда М. Авезов, С. Муқонов, Ғ. Мусрепов, Ғ. Мустафин ва бошқаларларнинг ижоди алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қозоқ оила ва аймоқларининг тарихан қарор топган турмуш тарзи, яъни асосан, ярим кўчманчи чорвачилик ва кўчманчилик, қозоқ халқи дуёқараш ва эътиқодлари акс этган шомонлик, тангричилик ва бошқалар асосида ривож топган. Анъанавий мусиқа амалиётида қозоқ бақси, яъни шомон-бахши, темеши, оленши, жиров, оқин, куйчилар анча халқ ўртасида шуҳрат топди. XVIII асрдан салсерэ (Сайёр ижодий гуруҳлари ташкил этган профессионал созанда, хонанда) ларнинг ижоди алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир бақсининг ўзи ижод этган шахсий сарин (куй) лари илоҳий ҳисобланган, одамлар руҳига афсун-жоду, фол очиш, табобат ва бошқалар маросимлар жараёнида катта таъсир ўтказган. Халқ қўшиқлари мавсум ва диний (“тасаттиқ”, “навриз-олен”, “жарамазан”, “саҳар-олен”), табобат (бадик, “арбау”), оилавий маросим қўшиқлари (“жар-жар”, “синсу”, “бет ошар”, “танису”, “қоштасув”, “жоқтау” ва бошқаларлар), инсон ҳаёти туркумига оид “бесик жири”, “тусау кесу”, “жубату” “жиирма бес” ва бошқаларлар, терма, ўлан, жирлардан иборат. Халқ мусиқа чолғуси ҳисобланган қўбиз, чўпонлар ҳамда профессионал созандалар (Сармалай ва бошқаларлар) томонидан кенг қўлланилган сибизға оммалашган. Халқнинг энг севимли чолғуси бўлган дўмбирада турли мазмундаги (ўйноқи “акжелен”, фалсафий “талғау”, драматик “косбасар”, лирик “қонир” ва бошқалар) куйларни Биржан-сал, Даулеткерей, Таттимбет, Жаяу-Муса, Қурмонғози, Дина Нурпеисова каби созанда ва бастакорлар ижро этган. Қозоқларда шунингдек, чангқўбиз, яқин ўтмишда шертер, жетиген (чорли чертма), карнай, довул каби чолғулар тарқалган.

1930 йилларда янги (кўп овозли) мусиқа шакли ва жаранглари ривож топа бошлади. 1934-йил қозоқ халқ чолғулари оркестри (1944 йилдан Қормонғози номида), қозоқ мусиқали театри (1937 йилдан опера ва балет театри), 1935 йил Жамбул номидаги қозоқ

давлат филармонияси, 1939 йил Қозоғистон композиторлар уюшмаси ташкил топди. Е. Брусиловский биринчи қозоқ операторларини ("Қиз-Жибек", 1934 йидан, "Жалбир", 1935 йилдан, "Эр Тарғин", 1937 йилдан), симфоник асарлар ("Сари арка" 3 – симфонияси, 1944 йил ва бошқалар), кантата ("Қозоғистон", 1947 йилдан), В. Веленканов биринчи миллий балет ("Калкаман ва мамир", 1938 йиллдан) ларни яратишган. "Жолдастар" (Р. Елебаев), "Қозоқ вальси" (Л. Хамиди) каби оммавий қўшиқлар ижод этилган. 1944 йил Олмаотада консерватория очилди. Халқ мусиқа ижодини ўрганиш ва тўплаш ишларида А. Затаевичнинг хизматлари ("Қозоқ халқининг 100 куйлари», 1925 йилдан бошлланган "Қозоқ халқининг 500 куйлари", 1931 йил) катта. XX асрнинг 2-ярмида симфония (М. Тўлабоев, К, Кужамьяров, Г. Жубанова ва бошқалар), опера ва балет (С. Мухаммеджонов. Г. Жубанова, Е. Раҳмадиев, А. Серкебаев ва бошқалар), камер мусиқа (Брусиловский, Жубанова ва бошқалар), қўшиқ (Н. Тлендиев) ва бошқалар жанрлар ривож топди.

Бухоро амирлиги жанубий-шарқий ҳудудлари шаҳарларининг моддий маданиятининг тарихий таҳлиллари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги
Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи
Чориев Жамшид Шокиржонович

Жанубий-шарқий шаҳарларда моддий маданиятнинг ўзига хос тараққиётида муҳим роль ўйнаган тарихий, археологик обидаларнинг ўрни ниҳоят даражада аҳамиятлидир. Бухоро амирлиги даврида ижтимоий-сиёсий вазият маданий тараққиётнинг ривожланишига ижобий тарзда имконият яратиб бермаган бўлсада, йирик амалдорлар, зиёлилар, дин раҳномалари, савдогарлар, йирик бойлар ўзлари ҳисобидан мадраса, мачит ҳамда кўприклар, карвонсаройлар, ариқлар, шунингдек, шаҳар марказларига майдонлар, боғлар, тарихий аҳамиятга бўлган дшаҳар дарвозалари қурганлар. Шунингдек, улар ўзларининг маблағлари ҳисобидан диний, дунёвий билим олаётган мадраса талабаларига ойлик пул

тўловини ҳиммат учун тақдим қилганлар. Ўз навбатида диний, дунёвий аҳамиятга эга бўлган китобларни нашр эттиришда маблағ билан амалий ёрдам берганлар.

XVIII аср охири XX аср бошларида жануби-шарқий шаҳарларда меъморчилиги мадраса, масжид, хонақоҳ, карвонсарой, мақбара, бекликлар қўрғони, кўприк ва тоғликлар қалъаси каби турларга бўлинади. Меъморчиликда иншоотлар бунёд этишда маҳобатликка интилиш ғояси мавжуд бўлиб, Кокилдор хонақоҳи ва Саид Оталиқ мадрасасининг баланд пештоқли кўринига эга эканлиги, Бандихонсойда қурилган қурилган искандар кўпригининг Зарафшон воҳасининг Шайбонийлар даври сув айиргичларига айнан ўхшашлиги, Султон Саодат мажсуасининг ғарбий тарафдаги мақбараси пештиқида юлдузсимон жилокор Кошин ва ислимий ёзувларининг қўлланилганлиги бундан далолат беради. Саид Оталиқ мадрасаси, Саловотда жойлашган Термиз жомеъ масжиди, Янгиариқнинг Ўртаовул қишлоғидаги Катта масжид ўша даврда кенг тарқалган айвонли мадрасалар услуби Марказий хонали гумбазсимон услубда барпо этилган. Бу давр меъморчилик ёдгорликлари сарасига бекликлар қўрғонлари ҳам киради. Беклик қароргоҳлари ҳисобланган бу қўрғонлар табиий тепаликлар, сув манбаларига сероб жойда қурилган. Шунингдек карвон саройлар, тоғли қалъалар меъморчилиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро мадрасалари таълимидаги ташкилий ишлар ушбу ҳудуд халқларининг ўзига хос умуминсоний, миллий- диний анъанавий қадриятларига, маҳаллий зиёлилар тайёрлашни йўлга қўйиш соҳасига ҳам чуқур ҳурмат уйғотади. Бухоро мадрасалари илмий салоҳияти ва вақф мулки даромадлари билан таъминланганлиги жиҳатидан икки ёки уч тоифага ажратилган. Масалан XX аср бошларида Бухоро мадрасалари олий, ўрта ва ибтидоий тоифага бўлинган. Олий табақадаги мадрасалар сони 34 та бўлиб, уларнинг умумий вақф миқдори 2 миллион 84 минг танга бўлиб, ўрта тоифадаги мадрасаларга эга 39 та бўлиб, жами вақф миқдори 961 минг тангага, ибтидоий тоифага мансуб мадрасалар эса 100 тадан ошиб, умумий вақф миқдори 500 минг тангага етди.[1] Сурхон воҳасидаги мадрасалар эса икки тоифага кичик ва каттага ажратилган, кичик мадрасалар асосан масжидлар қошида очилган,

[1] Муҳаммад Азимов . Термиз тарихи. 2001. Насаф. 131-б.

уларнинг талабалари сони кам бўлган. Катта мадрасалар мустақил биноларга, моддий таъминловчи вақф мулкига эга бўлган, ўқувчилар сони камида 15 тадан 100 тага, баъзан 200 тагача етган.[1] Деновдаги Олий мадрасада 1860 йилда 215 та талаба Шеробод, Бойсундаги ўрта тоифадаги мадрасаларда 150 та талаба таълим олган. Ибтидоий тоифадаги мадрасалар, масжидлар Деновда 10 та, Шерободда 8 та, Бойсунда 9 тани ташкил этган.[2]

Мадрасалар молиявий жиҳатдан вақф мулклари ҳисобидан таъминлангани боис уларнинг моддий таъминоти давлат идоралари томонидан назорат қилинмаган. Шу ўринда вақф мулки ҳақида тушунча бериб ўтиш зарур, вақф Марказий Осиё ўтроқ аҳолиси ҳаётида қадимдан катта аҳамиятга эга бўлиб, у арабча сўз бўлиб, «тутиб турмоқ», «қўзғалмас» каби маъноларни англатган ва текинга бериладиган «ҳадя», «садақа» каби инъомлардан фарқланган. Мусулмон қонунчилигига оид ҳуқуқий адабиётларда «Вақф-маълум бир нарсани (мулкни) қандайдир (диний хайр-эҳсон ёки маданий-маърифий) мақсадга бағишлаш» деб битилган. Вақф махсус ҳужжат-вақфнома воситасида ҳар бир жойнинг маъмурий идораси-қозихонада расмийлаштирилган. Вақфга айлантирилган мулк вақф, яъни вақфни таъсис этувчи томонидан қайтариб олиниши, совға қилиниши, олиб-сотилиши, шунингдек, мерос қолдирилиши мумкин бўлмаган. Демак, Оллоҳ йўлига абадий бағишланган вақф мулклари фақат кўпайиб, миқдори ошиб борган. Марказий Осиёга ислом дини тарқалган даврлардан эътиборан ер, карвонсарой, дўкон, ҳаммом, тегирмон каби кўчмас мулклар ҳамда пул, китоб сингари буюмлар вақфга айлантириш предмети бўлиб хизмат қилган. Вақфларнинг тўрт тури- «вақфи махсус» (мадраса, масжид кабилар учун мўлжалланган). «Вақфи ғам», «Вақфи авлод», «Вақфи мустадрак» мавжуд бўлган.[3] Бундан ташқари улар «оқ» ва «қора» вақфларга ажратилган, «оқ вақф» ҳар қандай солиқ ва тўловлардан озод қилинган, уларга амир томонидан «иноятнома» деб аталувчи махсус ҳужжат берилган. [4]

---

[1] Гулнор ал-Фарғоний. Мадрасаларда қандай ўқитилган? Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997 й. 27 июл №26. 6-б.

[2] Сур УЗРМДА. 1-ёзув, 1214-иш, 14-варақ.

[3] Бурхониддин Марғилоний, Хидая. Т., 1994; Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Т., 1994.

[4] Керенский О.М. Медресе Туркестанского крае. С.П.Б, 1892. С. 142.

1896 йилда Туркистон ўлкасида мадрасаларга тегишли вақф ерлари 462566 танобни ташкил этган. Бу далиллар ота-боболаримиз илм-зиё тарқатиш йўлида қай даражада саховатли бўлганликларининг яққол исботидир. Мадрасаларнинг мулкини сақлаб туриш, мадраса биносини таъмирлаш (шикасту рихт) учун ажратилган. қолган қисмининг ўндан бири (тавлият) мутаваллийга, унинг учдан ёки тўртдан бир қисми (мадрас) мударрис ёки мударрисларга бўлинган. Бундан қолгани муллалар (талабалар), мадраса қошидаги масжид имоми, сўфиси, сартароши ва фарроши ўртасида тақсимланган. Мадрасаларда ўқувни ташкиллаштириш мударрисларнинг, хўжалик ишларини юритиш мутаваллиларнинг зиммасида бўлган.[1] Талабалар мударрисни ота-онасидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилганлар. Аждодларимиз мударрисниг танбеҳ-дашномларини ота-онанинг эркалашидан фойдалироқ ва яхшироқдир, деб билганлар. Ота-она фарзандининг руҳини осмондан ерга туширади, ўқувчига эса унинг ердан осмонга кўтарилишига ёрдам беради, деб ҳисоблаганлар. Талабаларнинг устозларга ҳурмати шу даражада баланд бўлганки, улар фақат мударрисниг ўзигагина эмас, авлодларига ҳам иззат-икром кўрсатганлар. Насиҳатномалардан бирида бу хусусда шундай ёзилади: «Кимки менга битта ҳарфни танитган бўлса, у менинг устимдан хўжайинлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Кимки менга «қуръон»нинг бир сурасини ўргатган бўлса, у менинг хўжамдир. Кимки олимлар ва ўз узтозларини ҳурмат қилмаса, ўзлаштириган билимларидан ҳеч қандай наф кўрмайди».

Талабалар мударрисга «тақсир», «афандим» деб мурожаат қилганлар, у дарсхонага кирганда ёки ўрнидан турганда, ҳамма талабалар оёққа қалқиб, қўлларини қовуштириб, бошларини эгиб, нигоҳларини ерга қаратиб турганлар. Мударрисни кўчада учратиб қолганларида ҳам таъзим билан салом берганлар, агар отда бўлсалар, саломлашиш учун, албатта отдан тушганлар. Ўз навбатида мударрислар ҳам ўқувчиларга кўпроқ билим бериш учун бор куч-ғайратларини сарфлаганлар. Талабаларга нисбатан мулойим, самимий ва дўстона муносабатда бўлганлар, мударрисларнинг ўткир нотиқ ва бадиий сўз устаси бўлиши ҳам тақозо этилган. Сабаби, қадимдан қарор топган одатга кўра,

[1] Абдуллаев Ю.Очерки по методике обучения грамате в узбекской школе. Т., 1966. С-44.

талабалар ўзлари ёқтирган мударрисдан сабоқ олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аниқроғи, ўз мадрасалари мударрисларнининг билим бериш даражасидан қониқмаган пайтларда эса бошқа мадрасалар мударрисларига ёки норасмий мударрисларга қатнаб ўқиганлар. Норасмий ёки «Кунжаки мударрис» (форсчада «панада турувчи мударрис») деганда мадраса таҳсилини тугатган, лекин бирор лавозимга эга бўлмаган, шунга қарамай, аҳоли ўртасида билимдон ва ўқимишли киши сифатида обрў-эътибор қозонган кишилар тушунилган. Улар меҳнатлари эвазига ўқувчилардан аниқ миқдорда белгиланган ҳақ олмаганлар, фақат шогирдлари томонидан қилинган туҳфа ёки совғалар билан қаноатланганлар. Ҳар бир мадрасада доимий ўқувчи ва мадраса ҳужраларида яшаш ҳуқуқига эга муллалар ҳам эркин қатновчи талабалар бўлган. Мударрисга нотаниш ва узоқдан келган талабалар ўқишга қабул қилинаётганда, ўқиш ва ёзишга бўлган қобилияти синаб кўрилган. Бу демак, мадрасага бутунлай саводсиз кишилар эмас, балки маълум билим заҳирасига эга толиблар қабул қилинганлар.[1]

Талабалар уч босқичда ўқитилган, «адно» ёки паст қадам-куйи бўлим, «авсат» ёки миёна-ўрта бўлим ва «аъло» ёки пешқадам-юқори бўлим. Адно бўлимида ўқиш «Ақоид» китобини ўргангунча давом этган, авсат бўлимидаги сабоқ «Ақоид»ни ўрганишдан бошланиб, «Мулла Жалол» китобини ўргангунча давом этган. Ундан кейинги китобларга ўтган ўқувчилар «аъло» бўлими талабалари ҳисобланишган. қобилиятли талабалар ҳар бир босқични 3-4 йилда битириб чиққанлар ва 10-12 йилда ўқишни тугатганлар. Ўқитиш жараёнининг бундай секин бўлинишининг ўзига хос сабаблари бор, дарслар араб тилида олиб борилиб, тушунтиришлар орқали ўтилган. Ҳар бир фан асосий дарсликдан ташқари бир қанча шарҳлар асосида ўқитилган ва мадраса машғулотлари одатда йил бўйи давом этган. Ҳафта таҳсил ушбу хилда: шанба, якшанба, душанба ва сешанба, жума - ўтилганларни такрорлаш ва дам олиш кунларига бўлинган. Машғулотлар сентябрдан бошланиб, майда тугаган, кейин ёзги таътил бошланган, рўзаи рамазон ойида машғулотлар тўхгатиб турилган. Йил мобайнидаги умумий машғулот даври 120 кундан ошмаган, сабоқлар бомдод номозидан

[1] Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. (XIX аср охири XX аср бошлари). Андижон. 1995. 14-б.

кейин бошланиб, ўқувчилар қайси китобни ўқиётганлигига қараб, жамоаларга бўлинган. Денов мадрасасидаги ҳар бир жамоада 5-10 тадан 20 тагача талаба бўлган, уларни қори боши бошқарган. Жамоа аъзолари мударрис ҳузурига қўлларини қовуштириб, таъзим ила салом бериб, навбат билан кириб келганлар. Дарс пайтида домла дарсхонанинг тўрини эгаллаган, талабалар ерга солинган гилам ёки кигиз устида чордона қуриб ўтирганлар, қорибоши мударрисга яқинроқ жойлашган. Талабалар ўқилаётган китобнинг аввалги дарсда келиб тўхтаган саҳифаларини очгач, машғулотлар бошланган. Ўқишни қорибоши бошлаб берган, мударрис унинг талаффузини тўғирлаган, сўнгра, биринчидан, талабаларга нотаниш арабча сўзларнинг, иккинчидан, ўқилган парчанинг мазмунини тушунтирган. Бу борада баъзан мунозара услубидан фойдаланилган, агар янги мавзу юзасидан талабалардан бирида савол пайдо бўлиб қолса, мударрис шу саволга бошқа талабанинг жавоб беришини сўраган.[1] Бу аждодларимизнинг зиёлилар тайёрлаш жараёнидаги ўқитиш услублари ҳозирги замон услубларидан асло қолишмаслигидан далолат беради. мадрасаларда ўқув машғулотлари кун ботгунга қадар давом этган, қуйи бўлим ўқувчиларининг дарси аввалги сафар ўтганларни такрорлаш билан бошланган. Билимларни ўзлаштириш мударрис берган саволлар орқали текширилган, «Шарҳи мулла» китобини мутолаа қилишга киришилгач, такрорлаш машғулотлари (ҳозирги замон тили билан айтганда, репетиторлар) билан ўтказиладиган дарслар эгаллаган. Муҳаррирлик вазифасини юқори бўлимларнинг энг иқтидорли мадрасаларни тугатган ва мударрислик лавозимига номзодлар бажарганлар. Улар вақт ўтиши билан иккинчи мударрис (ноиб), кейинчалик биринчи мударрис (ҳазрат домла) бўлиши мумкин бўлган.[2]

[1] Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. (XIX аср охири XX аср бошлари). Андижон. 1995. 48-б.

[2] ЎзРМДА, Ф-И-3, ёзув-1, иш-103, варақ-17.

Курашларда тобланган полвонларнинг миллий спорт юксалишига қўшган ҳиссаси

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси
Алмуродова Роҳатой Мусурмон қизи

Бердимурод полвонни Иккинчи жаҳон уруши ҳам ўз синовидан ўтказди. Урушдан сўнг, у яна кураш туша бошлади. Ва Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги машҳур полвонлар билан курашиб, ғолиб бўлди. Тожикистонлик, афғонистонлик курашчилар устидан ҳам ғалаба қозониб, катта обрў, шуҳратга эришди. Ҳатто, туркманистонлик донги кетган Раҳмон ва Маҳам полвонларни ҳам енгди. 1947 йил Тошкентда миллий кураш бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Унда Бердимурод полвон биринчи ўринни эгаллади. У жуда тез ва шиддат билан олишарди. Ҳудди устози каби унинг устози, ҳамқишлоғи машҳур Девман полвон эди. Девман полвон унга курашнинг нозик, ҳеч ким илғамайдиган ғоят зўр усулларини ўргатганди. У курашга тушганда ана шу усулларни қўллаб, жуда машҳур полвонларни ҳам доғда қолдирарди.

Бердимурод полвон мол-дунё учун кураш майдонига ҳеч чиқмаган. Аксинча, йигитлик ори, ғурури учун курашарди. Шу боисдан ҳам тўйларда олишиб, олган бор мукофотларини уйига олиб келмас, қариялар, болаларга, ёрдамга муҳтож кишиларга бўлиб берар, дуо олиб кетаверарди.

Ўзбек миллий курашининг таниқли полвони, устоз-шогирдлик мактабининг етук кураш соҳасидаги вакили, эл олқишига сазовар бўлган Рўзи полвон 1926 йилда Паттакесар қишлоғида туғилиб, ёшлигидан ўзбек миллий курашига жиддий киришиб, устозлар ўгитлари асосида йигирма ёшидан кураш тушган. Унинг ўзига хос томони шундаки, кучли полвон бўлиши билан бирга яхшигина чавандоз ҳам бўлган.

Термизликлар Рўзи полвон Жўраевнинг 1950-1970 йилларда Сурхон воҳасида таниқли, мард, ҳалол олишадиган полвон сифатида танилиб, ўзининг ёшлар мураббийси эканлигини танитган кураш мактабига асос солди ҳамда миллий курашимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келди.

Ўзбек халқи бағри кенг, мулоҳазали, меҳмондўст халқ бўлиши билан бирга, совет даврида энг кўп жабр курган халқлардан бири ҳисобланади. Шу оғир таҳликали йилларда миллий-маънавий камситилишга қарамай ўзбек миллий курашни эъзозлаган Чўтан полвон Холмирзаев 1926 йилда туғилган. Кураш ва меҳнат фахрийси. 16 йил кураш тушган. Курашда «қўшма» усулини қўллашнинг моҳир устаси. Оллоҳим Чўтан полвонга жисмоний куч ҳамда полвонлик ато қилган эди. Кураш майдонида қулоч очиб айланиши бургутнинг қанот ёзиб учаётганини эслатарди.

Миллий анъаналармиз ўзининг бебаҳо манбалари билан асрлароша мукаммал ривож билан қадрланиб, миллий эътиқодларга хос ва мос кураш усуллари билан бойиб, ёш полвонлар учун устозлик мактабларига асос солиниб келинган. Ўзбек кураш тарихида ўзининг дадил, толмас, шиддатли кураши билан номга эга бўлган Шеробод туманинггг Оқтош қишлоғида таваллуд топган Амирқул йиллар ўтиб, куч қувватга тўлиб, катта полвон бўлиб етишди. У нафақат Шерободга, балки Сурхонга довруғ солди. Ёшлигидан ўз тенгқурлари билан кураш тушиб, қўй қўзилар ортида, ўзи билган-билмаган ҳолда катта кураш майдонига тинимсиз тайёргарлик кўриб борди Амирқулнинг ёшлиги Кўҳитанг тоғ этакларида ўтди. Отаси билан кўпинча ов қилишга ўтин қирқишга чиқарди. Шаффоф тоғ ҳавоси, жисмидаги табиий қудрат кундан кунга орта борди. 15 ёшларимдан—дея эслайди Амирқул полвон, қишлоғимиздаги тўйларда бўладиган кўпкари ва курашларда қатнашдим, биронбир тўй йўққи, курашга чиқмаган бўлсам Курашга чиқсам ўзимни ҳар доимгидан-да тетик, кучлироқ сезардим. Кучим ортарди. Шу-шу курашни севиб қолдим.

Амирқул полвон кураш хотираларида муҳирланиб қолган воқеалардан бири;...Пошхўрт қишлоғида катта тўй бўлди. Амирқул ҳамқишлоқлари билан тўйга борди. Кураш бошланди. У бир нечта ёш тенгқур полвонлар билан олишиб, шубҳасизки, уларни енгиб, дам олиб ўтирарди. Одатдагидек, кураш охирлаб қолганда энг катта полвонлар учун соврин товоқлари қўйилди. Бош товоққа пошхўртлик Карим полвон эгалик қилиб турарди. Баковул эса «Карим полвонга, бош товоққа талабгор борми”, дея қайта-қайта полвонларни курашга чорлар эди. Ҳеч ким ўша вақтда

Сурхондарёдагина эмас, Қашқадарё, буёғи Туркманистоннинг Амударё соҳилида яшовчи полвонларнинг орасида ҳам Карим полвонга тенглашадиганлар йўқ эди. Бакавул даврага охирги марта эълон қилди. Кутилмаганда новчадан келган, жуссаси пишиққина бир йигит даврага чиқди. Ва «Бакавул бобо, рухсат қилсангиз Карим полвон билан мен кураш тушсам», деди. Бакавул бу гапдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Бир зум нима дейишини билмай, анграйиб қолди. Давра атрофидан «Юраги урган бўлса, курашсин, йигитнинг шаштини қайтарманг, бакавул бобо», деган овозлар эшитилди. Бакавул ҳам ёш полвонга «ҳазиллашмаяпсанми», дегандай синчков карар экан, «Бўпти, Карим полвон билан Амирқул полвон куч синашади. бу ер марднинг майдони»,— дея борғини айтди. Шу орада: «Бу бола наҳот Карим полвоннинг кимлигини билмаса, майиб бўлади-ку», деган овозлар ҳам у ер, бу ердан чиқди, Буларга Амирқул палвон эътибор ҳам қилмади Аксинча, дадил давра айланди Полвонлар давра, айланишиб қўлларини баланд кўтаришиб, бир бирларининг елкаларига уришиб, «кўришди»лар. Кураш бошланди, Амирқул полвоннинг желагидан ушлаб, Карим полвон бир силкиган эди Амирқул қалтираб кетди Карим полвон давра айлана туриб, жилмайиб қўйди. Ҳатто, мухлислар орасида енгил елпи кулгилар ҳам кўтарилди. Бу эса Амирқулнинг орини қўзғади. Бутун вужуди кучга айланди. Бир неча қўл олишдан кейин Карим полвон Амирқулнинг оёғига «ўрама» чил солди. Шу вақт Амирқул Карим полвоннинг белидан маҳкам қучоқлаб, тиззаси устига кўтариб, орқага ташлаб юборди, Карим полвон гурсиллаб келиб чалқанчасига ерга тушди. Ҳамма бир зум қотиб қолди. Сўнг бирдан олқишлар бўлиб кетдн Амирқул полвон эса секин ўз жойига бориб ўтирди, Карим полвон зўрға жойидан туриб, қаёққа боришини, эҳтимол, нима бўлганлигиии билмай турганда, баковул уни қўлидан ушлаб давра чеккасига олиб бориб қўйди.

Шу-шу Амирқул полвоннинг номи машҳур бўлиб кетди. У жўда кўп курашларда ғолиб бўлди. 7 марта республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, барчасида ғалаба қозонди. У 55 ёшигача кураш тушди. Орада Иккинчи жаҳон урушига ҳам бориб келди Сталинград, Харьков шаҳарларини озод қилишда

қатнашди 1944 йили оғир жароҳатланиб, юртимизга қайтди. **Бир** икки йил даволангач соғлигини мустаҳкамлаб олди. Ва яна **кураш** майдонида пайдо бўлди.

Ўмир Полвон Аҳмедов 1927—84 йилларда яшаган. Ёшлиги Кўҳитоғ ён бағирларида ўтди. Тўйларда кўпкари ва курашларда қатнашди. Ҳайдовчилик қилиб, бир умр эл хизматида бўлди. Айтишларича, у жуда кучли полвон бўлган. Термиздан Бойсунга кўмир олиб кетаётганда, йўлда машина ғилдираги ишдан чиқади. Одамлар то ғилдиракни ечиб, янгисини қўйганларича, у машинани кўтариб турган. Самимий инсон ва мард полвонлардан эди.

Кураш йигитларга хос мардлик, камолат орзу-умидларни амалга оширишда энг асосий тўйғу ҳисобланиб, бу руҳий ниятларни амалга ошириш йўлида тинимсиз меҳнат қилиш, жисмоний машқларни мунтазам бажариш туфайли эришиш мукминлигини талаб этилади. Шундай, ниятларга эришиш учун доимо изланишда бўлган Ўрозали полвон ўн саккиздан ўтиб, ўн тўққизга етар-етмас элга машҳур полвон бўлиб танилди. Асли деҳқонободлик, 1929 йилнинг 15 майида туғилган. 1950 йили Денов туманига кўчиб келди.

Оддий деҳқон фарзанди Ўрозали Бойқулов кураш тушганда бутун ўй-хаёли рақибида бўларди. Рақиби қандай йўсинда курашишини биринчи навбатда аниқлаб олар, шунга кўра ўта эҳтиёт бўлиб ёндашарди. Курашда қуруқ куч иш бермайди, катта маҳорат эгаси бўлсанг ҳар қандай кучли полвонни бир «қўлда» йиқитишинг мумкин, - Сабаби ҳар бир полвоннинг ўзига хос кураш ва кутилмаган ҳужумлари бўлади.

Ўрозали полвон ўтган асрнинг 50 йилларда жуда машҳур полвонлар Исмат Давлатов, шўрчилик Мангзиё полвон, Ҳамза Эсон, Ўтан полвонлар билан теппа-тенг олишар эди. Ҳатто Тожикистон-Туркманистоннинг энг катта полвонларига ҳам тўйларда қўқрмасдан чиқар, улар билан ёш бўлишига қарамасдан теппа-тенг олишар эди. Ана шундай курашлар билан ўтган йиллар Ўрозали полвонни чиниқтирди. Беш марта вилоят ва Ўзбекистоннинг ярим оғир ва оғир вазнлардаги курашчилар ўртасида ғолиб бўлди.

1958 йил август ойида республика VIII спартакиадаси дастуридан жой олган миллий курашнинг бухороча усули бўйича му-

собақалар Тошкент шаҳрида ўтказилди. Ана шу учрашувда барча рақибларини енган. Ўрозали Полвон финал учрашувига хоразмлик Сатим полвон билан беллашадиган бўлиб қолди. Шунда устози Исмат Полвон: —менимча бу қора куч, сендан устунроқ, уни фақат тезлик билан ва кутилмаганда "ҳунар" ишлатсанг, ютиш мумкин, бўлмаса бола азобингни беради, деди. Фақат қўрқмай, дадил бор, энг муҳими, қўрқмаслик, деб далда берди.

Майдонга чиққандан сўнг, қўрқиш—номардлик, бу курашни Алининг майдони деб қўйибди, — дедим Ўрозали Полвон ва кураш майдонига отилди. — Бироқ, Сатим полвон деганлари шундай забардаст, паҳлавон эдики, уни осмонга кўтариб уриш бу ҳазилакам иш эмасди. Ахир у Ўзбекистонгина эмас, балки собиқ Иттифоққа танилган кучли полвонлардан бири эди.

Хуллас, кураш бошланиши билан Ўрозали Полвон югуриб келиб, бир силкиб Сотим Полвон елкага тортмоқчи бўлди у орқа тисарилиб, ҳимояланмоқчи бўлган чоғда, қўлтиғидан кириб, ичкаридан чап чил бериб, яъни тўғаноқ билан тақимидан илдириб тортиб, кўкрагидан итари юборди. Сатим полвон чалқанчасига гурсиллаб ерга тушди. Сатим девдай гавдасини бошқаришни билмай қолгандек ҳамон ўртада турарди. Ҳакам Ўзроз полвоннинг ғолиб бўлганлигини эълон қилди. Қарсак ва олқишлардан зал ларзага келди.

Дарҳақиқат, кураш саҳнасида ўзига хос санъат соҳиби бўлган, эл олқишини олган, Ўрозали Бойқулов ана шундай зўр полвонларимиздан бири бўлган.

Ўзбек халқида полвонлик боболардан мерос, оталарни ўгитларида олиш дуолари билан муъжассам деган халқ ҳикматларига амал қилиб, ҳалол пок кураш усулларни амалда бажариб келган Чўтай полвон эпчил, чаққон, вазмин ва камтарин. Бироқ шиддатли олишлари халқимизни ҳайратга солиб келган. Ўзбек миллий курашидаги устоз-шогирдлик анъанларига содиқ, тажрибали курашчи Чўтай Бойхонов 1930 йилнинг 3 майида туғилган. Халқ маорифи аълочиси. 1950-60 йилларда ўн йил давомида кураш тушган. Халқ уни ориятли полвон сифатида яхши таниган.

Эл назарига тушиш, халқ ҳурмат қиладиган полвон даражасига етиш, кураш сир-асрорларни эгаллаш, устозлар ўгитига амал

қилиш, шогирдларга ибратли устоз бўлиш шарафига муносиб бўлган Чўтан Олломуродов 1930 йилнинг 2 май куни туғилган. Ўзбек миллий курашни фидоийсига айланган Чўтан полвон софдил, тоза қалбли, қурқмас полвон деган номга сазовар бўлиб, таниқли машҳур полвонлар Эргаш қора, Турон, Исмат ва Исмоил полвонлари билан кураш тушиб, миллий курашимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келган.

Куч йигитга бир марта берилади, агар уни ақл билан бошқара олса, ўз орзу-умидига эришади ва камол топади. Курашларда эл назарига тушган забардаст, толмас полвон номи билан машҳур бўлган Йўлдош Абраҳматов 1930 йилда Шўрчи туманида туғилган. Миллий курашга бўлган қизиқишини таърифласак, у туни-кун демай машқ қилар эди. Дўстлари билан кураш тушгани-тушган эди. Натижада у элнинг ҳурматли полвони бўлиб етишди.

1957 йилдан бошлаб вилоят ва республикада ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб, биринчи ўринни бир неча бор эгаллади. У асосан, миллий кураш ва самбо бўйича майдонга тушарди. Йўлдош полвоннинг айни «қайнаган» пайти ўтган асрнинг 60 йилларига тўғри келади. У вилоятимизга танилган полвонлар Эргаш полвон, Очил полвонларни бир неча бор енгган эди. Тўйларда қўшни тожикиситонлик полвонлар Хўжа полвон, Убай полвон, Абдуманноп, Абдусалим ва ака-ука Вобка полвонлар устидан ҳам ғолиб келган. Бундан ташқари, Йўлдош полвон бир неча бор собиқ Иттифоқ бўйича ўтказилган биринчиликларда ҳам яхши ўринларни эгаллаб элимиз олқишига сазовор бўлган курашчилардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуназар бахши Поён ўғли. Даврқул Полвон. –Тошкент: Адолат, 2003. –168 б.

2. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи нашри. Махсус муҳаррир А.Қаюмов. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 348 б.

3. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. –Тошкент: 1974.

4. Алпомиш; Рустамхон. Сўзбоши муаллифи М.Муродов. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. –448 б.

5. Алпомиш, Т., 1998;
6. “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси”. – Тошкент: 1999.
7. Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси. –Термиз:
8.Норбоев Ҳақберди ҳожи. “Сурхон полвонлари.” “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Т. 2010. 95-бет
9.Тошпўлатов Ж. Мустафақулов Р. “Алпомишлар афсона эмас”. “Янги аср авлоди”. НММ, 2007.Т.122-бет.
10. Тошматов Ў. Фольклор қўшиқлари.–Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 2003. – 134 б.
11. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – 608 б.
13. Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон. – Тошкент: Akademnashr, 2012.

СУРХОНДАРЁДА МУЗЕЙЛАРНИ ТАРИХИЙ МАНАБЛАРДА АКС ЭТИШИ

“Термиз” давлат музейи-қуриқхонаси директор
Зулфикарев Бахтиёр

Сурхондарё витлоят ўлкашунослик музейини, кейинроқ унинг негизида Термиз ҳайвонот боғини ташкил этиш, уларнинг тез орада қаддини тиклаб, яхши фаолият юритиши, Ўзбекистондагина эмас, собиқ Иттифоқда ўз ўрни, овозига эга бўлишида икки фидойи инсон- Гавриль Васильевич Парфёнов ва Георгий Николаевич Максимовларнинг саъйи ҳаракати, фидойилик билан изланишлари- тадқиқотлари, бошқа музейлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари муҳим роль ўйнади.

Масалан, дастлаб бошқа соҳаларда ишлаб юрган бўлсада, тарих ва археологияга ўта қизиқувчи Гавриль Васильевич Парфёнов кейинроқ Ўзком стариснинг сурхондарё округи бўйича вакили эди. У 1933 йилнинг июнь ойида Тошкентда ўтказилган Республика музейлари конференциясида Сурхондарёда тарихий- археологик обидалар жуда кўплигини, шунинг учун Қарши ва Хива шаҳри қаторида Термиз шаҳрида ҳам вилоят ўлкашунослик музейини ташкил этиш мақсадга

мувофиқлиги хусусида ўз таклифи билан чиқди.

У бу билан чекланмади. Республика музейлари конференциясида билдирилган фикрларни асос қилиб олиб, 1933 йилнинг сентябрь ойи бошида Термиз режалаштириш бўлими ва туман халқ маорифи бўлимига ёзма таклиф билан чиқди. Табийки, ўша пайтларда музейлар хаплқ маорифи бўлими тассаруфида бўлиб, бу масалани улар ҳал қиларди. Натижада, Термиз режалдаштириш бўлими ва туман халқ маорифи бўлими Г.В.Парфёновнинг Термиз шаҳрида музей ташкил этиш бўйича таклифларини маъқулладилар.

Амалий ишга кўчилди. Кейинроқ Г.В.Парфёнов ўзининг "Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг қисқача тарихи" номли, афсуски, чоп этилмай қолган асарида бу ҳақда батафсил фикр юритган. Бу китоб гарчи вилоят ўлкашунослик тарихига оид бўлиб, унинг фондида турган бўлса- да,

Нотўғри равишда Термиз археология музейига олиб кетилган ва 252- жилдда сақланган. Ундан музей директори Исмоил Темирович Ботиров ўзининг "Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи тарихи" китобини ёзишда тўла истифода этгач, йўқолган.

Афсуски, Г.В.Парфёновнинг "Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг 10 йил (1933- 1943 йиллар) мобайнида амалга оширган илмий- тадқиқот ишлари" номли, музейнинг 10 йиллик юбилейига бағишлаб, 1943 йилда тайёралган ва Термиз археология музейи фондида сақланган асари, шунингдек, Р.Ф.Фаёзов ва В.А.Казловскийлар томонидан яратилган "Сурхондарё ўлкашунослик музейининг қисқача битиклари" номли, шу музей фондида 294- рақам остида сақланган, Г.В.Парфёнов қаламига мансуб "1946 йил 20 августига қадар Ўзбекистон Республикасидаги музейларнинг аҳволи" деб номланган, 263- рақам остида сақланган асарлар ҳам топилмади. Эҳтимол, марҳум уларни таржима қилиб, ягона китоб- мажмуа ҳолида чоп этишни мўлжаллагандир.

Биз ҳам музей тарихини ёзишда ана шу ягона манба бўлган қўлёзмалардан олинган маълумотлардан фойдаландик.

Хуллас, Г.В.Парфёнов юқоридаги асарида ёзганига қараганда, 1933 йил 17 сентябрда Термиз тумани ижроия қўмитаси,

туман ребжалаштириш бўлими бошлиғи Р.Губайдуллин ва Г.В.Парфёновларнинг маърузаларини тинглаб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги Фанлар қўмитаси томонидан чиқарилган Республика музейлар конференциясининг Термиз шаҳрида туманлараро давлат музейи ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи вазирлигидан 1934 йилнинг 1 январидан бошлаб Термиз туманлараро давлат музейи ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи вазирлигидан 1934 йилнинг 1 январидан бошлаб Термиз туманлараро давлат музейининг ҳаражатлар сметасини Ўзбекистон музейлари ҳаражатлари режасига киритишни сўраб, қарор қабул қилди.

1933 йилнинг 17 сентябридан фаолият кўрсатишни бошлаган музей муаммоларини 1933 йилнинг 1 октябрига қадар ҳал этиш махсус тузилган гуруҳ зиммасига юкланди. Бу гуруҳга шаҳар халқ маорифи бўлими бошлиғи Рибцов, шаҳар молия бўлими бошлиғи Амирхонов, режалаштириш бўлими бошлиғи Губайдуллин, ер- сув хўжалиги бошлиғи Шарипов ва Г.В.Парфёновлар киритилган эди.

Янги ташкил этилган музейда Эски Термиз ва Амударё бўйидан топилган асори- атиқалар: танга ва сопол идишлар, қурол- яроқ қолдиқлари, террахота ва ҳайкаллар бўлаклари, кошинлар парчалари, турли бошқа хил буюмлар анчагина эди. Бу ердан халқ ҳунармандчилик буюмлари: сўзана ва кашталар, ёстиқлар жилдлари, ёғоч коса- қошиқлар, сайёҳлар олган суратлар намуналари, омоч, бўйинтуруқ, от абзаллари, арава ва извошлар намуналари бор эди. Комиссия музейда қишлоқ хўжалиги бўлимини ҳам ташкил этишга қарор қилди. Вилоятдаги барча туманлар ўзларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан энг яхши намуналарини беришлари лозим эди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари бу қарорга лаббай деб жавоб бердилар. Музей бўлими энг сара қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сара намуналари билан тез тўлиб борди.

Вилоятда музей ташкил этилганлигини кўплаб корхона, ташкилот ва муассасалар юксак кўтаринкилик, ҳайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Хусусан, вилоятдаги метеостанция, вилоят ипакчилик идораси, машина- трактор станцияси, шаҳар

маданий- оқартув уйи кабилар бошқаларга ибрат бўлиб, ўз маҳсулотлари ва экспонатларидан намуналар бердилар. Шуни таъкидлаш керакки, гарчи музей расман 1933 йил 17 сентябрда очилган дейилса- да, биринчи марта кўргазма сифатида у деярли икки ойдан сўнг- октябр инқилобининг 16 йиллиги кунида- 1933 йилнинг 7 ноябрида иш бошлади.

Кўргазмани ташкил этишда Г.В.Парфёнов, Г.Н.Максимов ва музейшунос С.А.Ястребованинг жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб борганлигини таъкидлаш лозим. Кўргазма 6 та бўлимдан иборат бўлиб, 559 та экспонатни ўзида жамлаган эди. Унинг 101 таси тарих, 292 таси социалистик қурилиш. 166 таси табиат буюмлари эди. Шунингдек, кутубхонада 1500 та илмий китоб ва 2 та илмий архив ҳужжатлари мавжуд эди.

Кўргазма ходимлари жуда кам сонли бўлиб, 3 кишидан иборат эди. Мудир Г.В.Парфёнов ва 2 нафар қоровул эди. Таъкидлаш жоизки, кўргазма кишиларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Уни 42 кун давомида 6834 киши кириб кўрди. Бу ўша давр учун катта кўрсаткич эди. Маълумки, будда ёдгорликлари биринчи бор Сурхондарё ҳудудида Айритомда ўрганилди. 1932 йил октябрида чегарачи Иван Ряслов Термиз шаҳридан тахминан 13 километр юқорида- шарқ томонда- Айритом қишлоғи яқинида, Амударё суви ювиб кетган ясси тепалик остидаги сув тагидан ажойиб ҳайкалчаларни чиқариб олади. Бу мергели тошига ишланган муқаддас акан япроқлари- ю, уч мусиқачи аёлнинг ҳайкаллари эди. 1933 йилда- кўргазма ва вилоят ўлкашунослик музейи ташкил этилган йилда бу ерга илмий экспедиция ташкил қилинди ва будда динига оид муқаддас даргоҳ- ибодатхона очилди, ундан жуда кўплаб асори- атиқалар топилди.

Кўргазма очилган кунларда Айритомда давом этаётган археологик қазув ишларининг раҳбари, профессор М.И.Массон кўргазма ва музей ташкил этишда фаол қатнашди. У Ўзкомстарис номидан кўргазма ходимларига Кўҳна Термиздаги Зурмал стунасига яқин жойдан Бухарин томонидан топилган энг катта устун асосини совға тариқасида топширди.

Шуни қайд этиш лозимки, ана шу кўргазма сабаб бўлиб, Термизда 1934 йил 1 январдан Ўзкомстариснинг филиали очилди. Унинг Сурхондарёдаги филиали раҳбари этиб

Г.В.Парфёнов сайланди. Ўзкомстариснинг вилоят филиали Г.В.Парфёновнинг жонкуярлиги туфайли кўплаб тарихий обидаларни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ҳолубки, эътиборсизлик, тушунмовчилик орқасида биргина XX аср бошларида тарихий обидаларидан Султон Саодат мажмуаси хонақоси, Термиз минораси, Афғонмозор, Жўмард қассоб ёдгорлиги, Баланд ота, Ноғорахона, Кишмишхона сингари тарихий обидалар бузиб юборилди.

Хуллас, 1933 йили кузи тадбирлар билан боғлиқ ташвишлар билан ўтди. Йил охирида Тошкентда бўлган Г.В.Парфёнов 1934 йил январида музей ташкил қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришни поёнига етказди. У бўш вақтини ҳам бекор ўтказмасидан музейлар билан келишиб, Термизга бир қанча ноёб экспонатларни олиб қайтди.

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

Термиз давлат университети Магистратура бўлими Мусиқа таълими ва санъати мутахассислиги 2-курс магистранти Каримова Инобат Аҳмад қизи

Сурхон воҳаси ўзининг достончилик соҳасидаги маънавий маданияти билан жаҳонга машҳур бўлиб, қадимги аждодларимиз асрлар оша бахшилар ижоди билан миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни янада мукаммал ривож топишига имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги 2018 йил 1 ноябрьдаги 3-ПҚ-3990 қарорида қайд этилган:"Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало, унинг оғзаки ижоди-фольклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади", деган фикрлари миллий ўзлигимизнинг буюк салоҳиётидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги 2018 йил 1 ноябрьдаги 3-ПҚ-3990 қарорида қайд этилган қарори ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги №-946-сонли қароридан келиб чиқиб, "Бахшичилик ва достончилик санъатининг тарихи,бахшилар ва достончилар ижодини мукаммал ўрганиш, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларини тўплаш, ёш авлод қалбида бахшичилик санъатига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларларини камол топтириш, ёш авлодни мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялаш" энг муҳим вазифалардан бири сифатида қайд этилган.

Сурхон заминида бахшичиликни ривожлантириш,тарихий меросимизни қайта тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республика-

си Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 17-19 январ кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз шахрида “Бахшичилик мактаби”ни очиш таклифлари заминида Сурхон бахшичилиги янги қиёфа топишига сабаб бўлди.Бу ишлар самараси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказим тўғрисида” ги ПҚ-3990 сонли қарори ва шу асосда Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 946 сон қароринининг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлди. Қарорда 2019 йил 5 -11 апрел кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шахрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши режалаштирилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқ оғзаки ижоди, хусусан, бахшичилик халқимиз маънавий-маданий тараққиётда асрлар мобайнида қарор топган маданият ва санъат дурдонаси, гавҳари ҳисобланади. У қадрият ва юксак маънавий-ахлоқий анъана сифатида асрлар оша келгуси авлод тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунигдек. шуни таъкидлаш мумкинки, халқ оғзаки ижоди, бахшичилик мактаби унда куйланган қўшиқлар Сурхон воҳасида халқ маънавий маданияти ўзига хос тарзда шаклланганлигини кўрсатди.

Шеробод достончилик мактаби анъаналарининг тадрижий ривожланиш хусусиятлари маънавий қадриятларимиз қаторида халқ оғзаки ижодининг тикланиши ва янада кенг тарзда ривожланиши туфайли халқимизнинг асрий анъаналари бағоят даражада бойиди. Ўзбекистон ҳукуматининг бевосита қўллаб-қувватлаши асосида ЮНЕСКО нинг қарори билан 1999 йили “Алпомиш” достони минг йиллигининг кенг нишонланиши, ушбу достон келиб чиқиши тарихининг ўрганилиши ва қадимий қадриятларнинг тикланиши ниҳоятда унутилмас воқеа бўлди. Халқ достонлари бахши-шоирлар томонидан шу кунгача аждодлардан – авлодларга ва тағин авлодлардан - авлодларга ўтиб куйланиб, ижод қилиб келинаётган бой маънавий хазинадир.

Шеробод достончилик мактаби анъаналарининг тадрижий ривожланиш хусусиятлУлар юртимизда доимо “Бахшили эл – яхшили эл” деб улуғланган. Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла

кампир, Жоссоқ шоир ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жумабулбул, Фозил Йўлдош ва Пўлкан шоир, Ислом шоир ва Абдулла шоир, Саидмурод Паноҳ ва Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир бахши, Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли Алпомиш бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда".

Шеробод достончилик мактаби анъаналарининг тадрижий ривожланиш хусусиятлари жамоатчилик вакилларини, биринчи навбатда, ижодкор зиёлилар ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг эътиборини Туркистон туйғусини - тарихий бирлик туйғусини қайтадан тиклашга қаратди.Бугун минтақа давлатлари орасида ана шундай маданий алоқалар тобора кучайиб бормоқда. "Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради".

Мамлакатимизда "Халқ бахшиси" деган юксак унвоннинг жорий этилганлиги, бахши-шоирлар ўртасида турли кўрик ва фестивалларнинг бўлиб ўтаётганлиги, миллий қадриятларнинг гуллаб яшнаши, бахшичилик санъатнинг янада ривож топиши, устоз-шогирдчилик анъаналарининг бардовомлигида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу жиҳатдан, халқаро бахшичилик санъати фестивалининг Термиз шаҳрида ўтказилаётгани беқиёс аҳамият касб этади. Бахшичилик ва достончиликда янги анаъаналарни шаклантириб, халқларимиз ҳаётида маданиятлар ва ижтимоий тараққиётнинг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шеробод достончилик мактаби анъаналарининг тадрижий ривожланиш хусусиятлари бугун минтақа давлатлари орасида ана шундай маданий алоқалар тобора кучайиб бормоқда. "Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради" .Минтақа халқлари маданий алоқаларининг илк асоси халқ бахшичилиги, ўланчилиги ва достончилиги билан узвий боғлиқдир. Зеро, Марказий Осиёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос ва бетакрор халқ оғзаки ижодиёти ва достончилик санъати бор.

Минтақада халқлари достонларида меҳнаткаш халқнинг орзу-истаклари ўз ифодасини топади. Достонларининг деярли ҳаммасида ватанпарварлик ғоялари ва демократик мотивлар ёрқин ифодаланган. Шундай экан, халқ достончилиги миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган, авлоддан-авлодга етказаётган, миллий маданият, тарих ва фалсафага ўзининг беназир улушини қўшиб келаётган улкан ижодкорликдир.

Хуллас, Шеробод достончилик мактаби анъаналарининг тадрижий ривожланиш хусусиятлари ўзбек халқ достонлари - миллий анъана ва урф-одатларнинг бевосита манбаи ҳисобланиб, ижтимоий, маданий ва тарихий тараққиётнинг субъекти бўлган миллатнинг ҳақиқий ўзлигини англашда кучли маънавий қуролдир. Шу жиҳатдан мустақиллик даври халқ достонларини этнологик тадқиқ этиш, уларда ифодаланган халқнинг этник тарихи, миллий қадриятларини тартибга солиш, уларнинг қонуниятлари муштараклигини ўрганиш доирасини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Бу ҳол халқ оғзаки ижоди намуналарининг этнографик аспектлари бўйича тадқиқот олиб бораётган этнологлар олдига муҳим вазифаларни қўяди.1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО томонидан «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги эътироф этилиб, байрам қилиниши ёки Бойсунда ўтказилиб келинаётган очиқ фольклор фестиваллари бутун дунё аҳли томонидан юқори савияда баҳоланди. ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган 19 та номоддий қадриятлар макони сифатида Бойсуннинг эътироф этилиши воҳа маънавий маданиятига дунё ҳамжамиятининг берган муносиб баҳоси саналади.

ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИ ЮКСАК МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ СИФАТИДА

Эрмуродов Эргаш,
Суюнов Акмал
Тарих факультети 1-курс магистранти

Сурхон воҳаси бизга маълумки, қадимдан маънавий қадриятларимиз юксалган маскан сифатида тарих сахнасида муно-

сиб ўрин эгаллаган. Шунингдек, бу воҳада бахшичилик санъати ва достончилик мактаблари аълоҳида ўрин тутадиган қадимий макон сифатида эътироф этиб келинган.

Ўзбек миллий халқ оғзаки ижоди (фолклор) намуналарининг яратилиши ва аҳамияти ҳақида сўз борганда бу санъат турининг яралиши ва унинг тармоқлари хусусидаги фикрларга тўхталиб ўтиш жоиздир. Фолклор –(инглизча)-фолклоре, фолк-халқ, лоре-билим, фан, яъни халқ ижодиёти , ҳисобланиб унга ҳалқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (эртак, достон, қўшиқ, лапар, масал,-мақол, матал, топишмоқ ва бошқалар) киради. Халқ оғзаки ижоди деганда биз-инсониятга тенгдош ва у билан бирга ўсиб ривожланиб келган энг қадимги санъат намуналарини тушунамиз ва булар албатта ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва тарбиясида асрлар оша муҳим ўрин тутиб келган.

Халқ оғзаки ижодида достонлар, ривоятлар маълум бир қабила-уруғнинг мард ва жасур йигитлари ҳақида, уларнинг ғаройиб қаҳрамонликлари ҳақида ўзига хос тарзда ҳикоя қилиб берувчи муҳим қадриятлардан бири саналади. Бундай ноёб маънавий қадриятларимиз тарихи узоқ даврларга бориб тақалиб, ҳали ёзув маданияти вужудга келмасдан олдин жамоа-жамоа бўлиб яшаётган аҳоли ўртасида кенг ёйилиб, ўзига хос маънавий тарбиянинг шаклланишида муҳим ўрин тутган. Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ажойиб юрт фарзандларининг ботирликлари, хусусидаги ота-боболаримизнинг панд-насиҳатлари ҳақида хикоя қилувчи достон ва ривоятларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам жуда катта бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижодини намуналари халқимиз ижтимоий турмуш жараёнларида аълоҳида ўринга эга бўлиб, уларни миллий қадриятларимизнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланган.

Ҳар бир халқ, миллатнинг оғзаки ижоди шу ҳалқнинг, миллатнинг узоқ ўтмиши ва қадриятлари ҳамда тарихидан далаолат берувчи маънавий мероси ҳисобланади. Бундай маънавий меросларимиз хусусида Ўзбекистон Республикасининг биринчи ПрезидентиИ.А.Каримов“Юксакмаънавият-енгилмаскуч”асарида қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтади: “Маълумки, бу дунёда

ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳловонлари бўлади, Ҳалқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган"-деб таъкидлаган фикрлари айни ҳақиқатдир.

Бугунги кунда ҳам миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга муҳим аҳамият касб этиб келгмоқда. Шунингдек, Юнеско каби муҳим эътироф этилган ташкилот томонидан бундай номоддий маданиятининг қадриятларидан бири сифатида эътироф этилди. Юнеско томонидан бир қатор маданий меросларимиз қайта ўрганилиб уларнинг ижтимоий аҳамиятига жуда катта эътибор қаратиб борилмоқда. Жумладан ана шундай маънаий меросларимизда бири сифатида " Бойсун бахори» фолъклор фестивали ҳамда халқаро бахшичилик фестивалларининг бир неча йиллардан буён юқори савияда ўтказилаётганлиги ҳам аълоҳида аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, халқ оғизаки ижоди беқиёс хазина бўлиб, уларни ёшлар онгига сингдириш ўз халқига, ватанига, миллий анъаналарига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги 2018 йил 1 ноябрь .3-ПҚ-3990 қарорида қайд этилган:"Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди-фолъклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бабаҳо манба ҳисобланади" деган фикрлари миллий ўзлигимизнинг буюк салоҳиётдан дарак беради. Истиқлол шарофати туфайли маънавий қадриятларимиз қаторида халқ оғзаки ижодининг тикланиши ва янада кенг тарзда ривожланиши туфайли халқимизнинг асрий анъаналари бағоят даражада бойиди.

Шунингдек, дунёнинг энг нуфузли ташкилотлари ҳисобланаган ЮНЕСКО томонидан Халқ оғзаки ижодиётининг энг ноёб дурдоналаридан бири саналган Бахшичилик санъати Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси элементи сифатида

Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилиши бахшичилик санъатига бутундунё миқёсида катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларда амалга оширилаётган ижтимоий маданий ислоҳатлар натижасида халқ оғзаки ижоди ҳамда бахшичилик санъати ҳам ривожланиб бормоқда. Бундай жараёнлар эса албатта маънавий қадриятларимизнинг юксалишида аълоҳида муҳим ўрин тутади.

XX ASRDA TERMIZ TARIXINING O`RGANILISHI

M.S.Raimov Termiz Davlat Universiteti
tarix yo`nalishi 2-bosqich magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada XX asrda Termizda olib borilgab ilmiy tadqiqod va arxeologik izlanishlar haqida g`oyat muhim ilmiy ma`lumotlar berilgan. Bu XX asrda Termiz shahrining arxeologik jihatdan o`rganilishi, ya`nib u yerda kim, qachon, qanday xajmda arxeoligik tadqiqot olib borilganining, ular usgbu shahar o`tmishini bilishdan qanday natijalar berganini bilishning o`rganilishidir.

***Kalit so`zlar:*** Eski Termiz, Termiz arxeologik otryadi, o`lkashunoslik muzeyi, O`rta Osiyo arxitekturasi, Termizshohlar saroyi, stratigrafik quduq.

XX asrning 60-70-yillarida Termiz memoriy obidalarida ularning sanasini aniqlash, arxitekturasi va memoriy bezagi xususiyatini belgilashdan iborat bo`lgan katta tadqiqotlar olib borildi. Yodgorliklar mutaxassislar tomonidan ilk bor arxeologik tadqiqotlar qilindi. E.G. Nekrasovning Qirqqizda olib brogan, XIV-XV asrlarga oid bu obidaning chinakam sanasini asoslab bergan ishlarni alohida takidlash lozim (71). O`rta asrladagi Termiz arxitekturasi G.A. Pugachenkova, T.Pribitkova (73), V.L. Voronina, Z.A. Arshavskaya, Z.A. Hakimov. E.V. Rtveladze (74), Y.Z. Shvat (75), Nilsonning (76) umumlashtiruvchi tadqiqotlarida tavsiflandi. Bunda Termiz arxitekturasining O`rta Osiyo arxitekturasidagi o`rni aniqlab berildi. Shu yillarning o`zida arxitektor V.A. Filimonov tomonidan Hakim at-Termiziy memoriy majmuasida katta ko`lamda tamirlash ishlari

olib borildi.

Mahalliy o`lkashunoslar va olimlarning faoliyati ham jonlanib ketdi. Surxondaryo viloyati o`lkashunoslik muzeyi tomonidan Eski Termiz shahrida material to`plash hamda uni hisobga olish bo`yicha katta ishlar olib borilmoqda. Bu muassasa ilgari ham kichikroq arxeologik tadqiqodlar olib borgandi. Ular orasida Eski Termiz qal`asida o`tkazilgan, Yunon-Baqtriya davridan to kech o`rta asrlargacha bo`lgan madaniy qatlamlarni aniqlab, olamga mashhur qilgan birinchi stratigrafik shurf (qatlamlarno o`rganish sinov quduqlari) qazilganini (V.A. Kozlovskiy, K.A Shayko, G. Maydinova) (78) alohida qayd etish zarur. 80-yillar oxirida muzey hodimlari N.Skugarova va K.Sheyko Termizshohlar saroyini qazish ishlarini yangidan boshladi va o`rta asrlar rassomligi bo`yicha ilk parchalarni qo`lga kiritishdi.

Termiz o`lkashunoslari hamda olimlari chop etgan maqola va kitoblar yuzaga kela boshladi. V.A. Kozlovskiy 1959-yildayoq Termiz shahrining qadimgi davrlardan XX asrning 50-yillari oxirlarigacha bo`lgan davrini tavsiflagan risola chop ettirdi (79). 1969-yilda S.M. Zaxarovning qisman Termiz tarixiga bag`ishlangan kitobi dunyoga keldi (80). “O`zbekiston shaharlari” jamoa asarida shahar tarixi bo`yicha ayrim ma`lumotlar uchraydi. Bu kitob ma`lumotnoma xarakteriga ega bo`lib, O`zbekiston tarixi bo`yicha umumlashtiruvchi tadqiqotlarni o`z ichiga olgan.

Shaharning Ikkincha Jahon urushidan keying tarixi M. Aliqulovning asarlarida yoritilgan. U Sovet tarixnavisligining shaharlar tarixi muammolari ni o`rganish tajribasiga tayangan (81).

E.V. Rtveladze 1969-yil Amir Temur va Xalil Sulton tangalarining Termizdan topilgan xazinasiga bag`ishlangan maqola chop ettirdi (82). Keyinchalik mazkur muallif Shimoliy Baqtriya-Toxariston arxeologiyasi, tarixi bo`yicha ko`plab asarlarni e`lon qildi (83). A.Valiyev Termizning suv bilan taminlanish masalalarini tadqiq qilgan (84).

Zulkifr me`moriy majmui ilmiy adabiyotda E.V Rtveladze va Z.A. Arshavskayalar 1978-yilda birgalikda e`lon qilgan maqolada eng to`la o`rganilgan. Mualliflar mujassamot alomatlari hamda bezak unsurlarini tahlil qilish asosida u XI asrga oid degan xulosaga keldilar. Ularning fikricha, Zulkifr arxitekturasi uslubiy xususiyatlari

hamda bezagida Xurosonning ta`siri seziladi (85). D. Mirzayev fikricha, Zulkifr XI asrda G`aznaviylar davrida qurilgan. Amudaryo ustidan payg`ambarorol orqali o`tkazilgan ko`prik aynan shu davrda ishlab turgan (86).

XX asrning 70-yillari oxiridan Eski Termiz shaxrida Sh.R. Pidayev rahbarligidagi Termiz arxeologik otryadining ishi boshlandi, bu otryad Termiz tarixini o`rganishga katta hissa qo`shdi. Jumladan, TAB olimlari tomonidan Eski Termiz qal`asida ikki stratigrafik quduq qazildi, natijada madaniy qatlamlarning izchil stratigrafiya almashinuvi to`g`risida ma`lumotga ega bo`lindi, shahriston va raboddagi ayrim binolarda qazish ishlari amalga oshirildi, shuningdek Eski Termizning mudofaa tizimi tadqiq qilindi. Natijada shaharning rivojlanisj dinamikasini aniqlash imkoniga ega bo`lindi (Sh.R. Pidayev, Sh.R. Rahmonov, T.A. Annayev).

Ushbu ishlar natijalari bo`yicha maqolalar e`lon qilindi, nomzodlik dessertatsiyalar yozildi (Sh. Rahmonov, S. Mustafoqulov). Ular orasida Sh.R. Pidayevning maqolalari alohida ahamiyatga ega. Bu olim tarix fanida eng dastlabki manzilgohning yuzaga kelishini ilk bor ko`rsatdi. Yunon-Baqtriya davri manzilgohlarining tuzilishi va rivojlanishini tavsifladi, Termiz rivojlanishining eng dastlabki bosqichidagi turli-tuman buyumlar, ayniqsa, keramikani e`lon qildi. Termiz o`rnidagi Oks Iskandariyasining joyini arxeologik materiallarga tayanib aniq asoslashga urindi. Ungacha bu ishni V.Tari yozma ma`lumotlar asosida qilgandi.

Shunday qilib, Sh.R. Pidayevning ushbu tadqiqoti Termiz tarixida ilgari ilmiy asarlarda ko`rilmagan butkul yangi faktlarni ochib berdi. Ulat Termiz tarixini o`rganishga qo`shilgan muhim hissa bo`lib, natijada Termiz tarixi yangicha davrlashtirildi. Bu: 1) qadimgi Baqtriya; 2) yunon-baqtriya; 3) kushon; 4) ilk o`rta asrlar davri va 5) rivojlangan o`rta asrlar davrini o`z ichiga oladi (87). TABning boshqa olimlari- K.A. Abdullayev, Sh. Rahmonov, T. Annayev, S. Mustafoqulovlarning tadqiqotlari ham Termiz tarixi uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

XX asrning 80-yillarida Eski Termiz shahridagi Toshkentdago Oybek nomli tarix muzeyining L.I Albaum rahbarligidagi ekspedidsiyasi ish olib bordi. Eskpeditsiya Eski Termiz rabodidagi xristianlar ibodatxonasi deb hisoblangan binoni, shuningdek alohida

ob`ektlarni, jumladan, Qoratepadan janubda joylashgan novuslarni o`rgandi.

O`zbekiston mustaqillikni qo`lga kiritgach, Termiz tarixini o`rganishda yangi bosqich boshlandi. Termizlik tarixchi olimlar, adiblar va o`lkashunoslarning ko`plab xilma-xil asarlari paydo bo`lgani bu davrning o`ziga xos xususiyatidir. Ayni mahalda shuni ham takidlash, viloyat muzeyi xodimlari Toshkent va Samarqand olimlari bilan olimlari bilan hamkorlikda tayyorlagan "Surxondaryo o`lkashunosligi" ("Kraevedenie Surxandaryi") birinchi maxsus kitobi 1989-yildayoq chop etilgandi. Sh. Kamoliddinovning arab tarixchilarining Termiz to`g`risidagi ma`lumotlari keltirilib, taxlil etilgan kitobi bu davrning katta yutug`I bo`ldi (88). Sh.Rahmonov Eski Termiz mudofaa tizimini tadqiq qildi, S. Mustafoqulov qadimgi Termiz antropologiyasini, Z.A Xoliqov esa Termizning XVI-XIX asrlardagi tarixi va arxeologiyasini o`rganishdi. Musulmon ma`naviy va badiiy madaniyatining turli jihatlariga bag`ishlangan xalqaro konferensiya ilk bor o`tkazilmoqda.

Turli mamlakatlar olimlari bilan hamkorlikda arxeologik ekspeditsiyalar tashkil etilishi ushbu bosqichning yana boshqa xarakterli xususiyatidir.

Chunonchi, Eski Termiz shahrida 1994-yildan buyon P. Lyarish va Sh. Pidayev raxbarligida o`zbek-fransuz qo`shma ekspeditsiyasi ish olib bormoqda (89). 1999-yildan boshlab o`zbek-yapon qo`shma ekspeditsiyasi (K. Kato, Sh. Pidayev) tomonidan Qoratepani tadqiq qilish ishi yangidan boshlandi, uning ayrim natijalari yapon tilida maxsus risolada e`lon qilindi. Rossiya olimlari Qoratepaga katta ahamiyat berayotganini ham takidlab o`tish zarur. Chunonchi, V.V. Vertogradova tomonidan Qoratepadagi lavxalar tahliliga bag`ishlangan kitob, B.V Staviskiy tomonidan esa O`rta Osiyoda buddizmning taqdiriga bag`ishlangan monografiya e`lon qilindi. Bu monografiyada Termizdagi budda yodgorliklariga katta o`rin ajratilgan. T.K. Mkrtichev Qoratepa budda haykaltaroshligi va rassomligini tahlil etishga bag`ishlangan ancha-muncha maqola, shu jumladan ingliz tilida ham chop ettirdi.

Termiz to`g`risidagi numizmatik tadqiqotlarni, ayniqsa, E.A. Davidovich, B.I. Vaynderg, E.V. Rtveladze, B.D. Kochnev, A.X. Otaxo`jayev, M.N. Fedorov, Sh.R. Pidayev asarlarini takidlab

o`tish zarur. Ularda qadimgi davr va o`rta asrlarda Termizdagi pul munosabatlari tasvirlangan. O`rta asrlarda bu shaharda yangi zarb qilingan pullar aniqlandi, tangalar asosida ushbu shahar tarixi bo`yicha yangi ma`lumotlar olindi. A.A. Semyonov, V.V. Bartold, M.E. Masson tomonidan Termiz ma`muriy yodgorliklarini epigrafik o`rganish bo`yicha boshlangan ish B.D. Kochev tomonidan davom ettirildi. Natijada ularning ayrimlarining qaysi tarixiy shaxsga mansubligi to`g`risida fanda qoida tusiga kirib qolgan fikrlar qayta ko`rib chiqildi. Azamat Ziyoning o`zbek davlatchiligi tarixiga bag`ishlangan umulashma asarida Termiz tarixiga ancha joy ajratilgan (91).

Termizda tug`ilib o`sgan Abu Abdulloh Hakim at-Termiziy va Abu Iso at-Termiziy singari buyuk shaxslar va ularning ma`naviy merosi olilarning e`tiborini qattiq tortmoqda.

Ushbu asar Termiz tarixini o`rganish bo`yicha barcha muammolarni qamrab olmasligini yana bir bor takidlashni istardik. Bu muammolar ancha keng vaxar tomonlama monografik tadqiqot o`tkazishni taqozo etadi. Termiz o`rganish darajasiga ko`ra O`rta Osiyoning Samarqand va Marv singari buyuk shaharlari bilan bir qatorda turadi, ayrim masalalar bo`yicha esa ulardan ustunroq hamdir.

Yuqorida bayon etilganlar Termizning tarixiy madaniy o`tmishini o`rganishda bir necha avlodlar tomonidan uch yuz yildan ham ziyodroq vaqt davomida olib borilgan tadqiqot ishlari naqadar uzoq davom etgani va serunum bo`lganini ko`rsatadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Jaloliddin Mirzo “Termiz tarixi”, Toshkent: Sharq, 2001.

2. Choriyev Z., Annayev T., Murtozayev B., Annayev Sh. “Al-Hakim at-Termiziy”. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007

3. Azimov M. “Termiz tarixi (Engqadimgi davrdan XXI asr boshlariga qadar)”, Denov: Nasaf, 2001.

4. Rtveladze. E.V., Arshavskaya.Z.A. Arxitekturny kompleks Zu-l Kifl / / SAU, № .1978.

5. Zaxarov.S.M .”Ocherki istorii Surxandariskoy i Kashkadarinskoy oblasti”. Toshkent, 1969.

IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYA QILISH SHAROITIDA AKSIZ SOLIG`I HISOBI VA UNING BYUDJET TUSHUMLARIDAGI O'RNI

Nurmatov Nurmuxammad Xolmuratovich,
Termiz davlat universiteti Iqtisoditot va turizm fakulteti Buxgalteriya hisobi yo`nalishi II kurs magistranti

Annotatsiya: Mazkur maqolada aksiz solig`ining hisobi va uning mamlakat iqtisodiyotida tutgan o`rni muhokama qilinadi. O`zbekiston Respublikasida amalda bo`lgan aksiz solig`i stavkalari va ularning byudjet daromadlarini shakllantirishdagi roli va ta'siri yoritiladi.

Аннотация: В данной статье рассматривается исчисление акцизного налога и его роль в экономике страны. Освещены ставки акцизов, действующие в Республике Узбекистан, их роль и влияние на формирование доходов бюджета.

Abstract: This article discusses the calculation of excise tax and its role in the country's economy. Excise tax rates in force in the Republic of Uzbekistan and their role and influence in the formation of budget revenues are covered.

**Kalit so`zlar:** aksiz solig`i, davlat byudjeti daromadlari, soliq stavkalari, soliq kodeksi, aksiz solig`i to`lovchilari.

Ключевые слова: акцизный налог, доходы государственного бюджета, налоговые ставки, налоговый кодекс, плательщики акцизного налога.

Keywords: excise tax, state budget revenues, tax rates, tax code, excise tax payers.

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi bozor munosabatlarini taraqqiy etish jarayonining muhim bosqichidan o'tmoqda. Iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida tadbirkorlik faoliyati va davlatning bilvosita boshqarishga asoslangan holda, raqobatchilik mexanizmiga tayanib chuqur tuzilmaviy islohotlar amalga o'shirilmoqda. Bugungi kunda, soliq siyosatining asosini soliqqa tortish tizimidagi islohotlarni amalga oshirish va soliq siyosatini yanada erkinlashtirish bo'lib,

buning asosiy yo'nalishi yuridik va jismoniy shaxslardan olinadigan soliq yukni kamaytirish hamda byudjet daromadlarini yanada oshirishga qaratilgan chora tadbirlar tashkil qilmoqda. Bu haqda Vazirlar Mahkamasining majlisida ma'ruzasida Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev quyidagilarga to`xtalib o`tdilar: "Soliq- budjet siyosatiga qat'iy amal qilish, davlatning ijtimoiy majburiyatlarini bajarish, ish haqi, pensiya, nafaqa va stipendiyalar hajmi, yirik investitsiya loyihalari va mamlakat mudofaa qobiliyatini mustahkamlashni moliyalashtirish – ushbu eng muhim vazifalarni amalga oshirish, avvalo, Moliya vazirligi va shaxsan vazirning faoliyati samaradorligi bilan belgilanadi".

Soliq islohotlarini o'tkazishda soliqqa tortishning an'anaviy tamoyillari o'zgarmaydi. Lekin amaldagi soliq tizimining iqtisodiy-huquqiy tamoyillarini takomillashtirib boriladi. Bunda soliq munosabatlarining tamoyillari o'tkazilgan har bir islohotlar natijasida sayqallanadi va mohiyati, mazmuni maqsadlari borgan sari nazariy tamoyillar darajasiga yaqinlashib boradi. Zero har bir davming o'ziga xos soliq tizimining adolatlilik, samaradorlik va soddalashtirilgan namunasi mavjud. Ana shu ko'rsatkichlar muayyan davrga moslashtirilgan soliq islohotlari o'tkazilishi natijasida an'anaviy mezonlarga yaqinlashib boradi.

Soliqlar har bir davlatning moddiy jihatlarini ta'minlaydi. Jahon iqtisodiyoti taraqqiyotining hozirgi bosqichida ular iqtisodiyotini davlat tomonidan tartibga solishning muhim vositasi hisoblanadi. Iqtisodiy islohotlarni yanada erkinlashtirish va chuqurlashtirish jarayonida kichik biznesni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, bozor iqtisodiyotiga o'tish sharoitida xususiy tadbirkorlik, kichik biznesni rivojlantirish, mulkdorlar sinfini shakllantirish, bozorlami tovarlar bilan to'ldirish, raqobat muhitini yaratish, ishsizlika barham berish mamlakat oldida turgan asosiy vazifalardan hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasida soliq tizimini isloh qilish va davlat soliq siyosati samaradorligini oshirishning hozirgi kundagi amaliyoti nazariyotchilar oldiga uning qator yangi muammolariga yechim topishni ko'ndalang qilib qo'ymoqda.

Muhokama va natijalar

O`zbekiston soliq tizimida asosiy o'rinni egri soliqlar egallaydi, ular quyidagilardan iborat: qo'shilgan qiymat solig'i, aksizlar va

bojxona to'lovlari. Ular byudjet daromadlari tarkibida hal qiluvchi o'rinni egallaydi. Bunday miqdordagi egri soliqlar muqarrar ravishda bir xil obyektni qayta-qayta soliqqa tortishga olib keladi va iste'mol tovarlari va xizmatlari narxlarining doimiy oshib borishiga yordam beradi.

Aksizlar bilvosita soliqqa tortishning eng qadimgi shaklidir; ular haqida birinchi eslatma Qadimgi Rim davriga tegishli. O'sha paytda ham tuz va boshqa ba'zi iste'mol tovarlariga aksiz solig'i mavjud edi. Tovar-pul munosabatlarining rivojlanishi bilan soliqqa tortishning aktsiz shakli ustunlik qiladi, garchi keyinchalik to'g'ridan-to'g'ri daromad va mulk solig'i rivojlanishi bilan aktsizlar o'z mavqeini biroz yo'qotdi. Biroq, hozirgi kunga qadar aksizlar deyarli barcha mamlakatlarning soliq tizimlarida qo'llaniladi va davlatning moliyaviy resurslarini shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Tarixan aksiz solig'i ob'ektlari birinchi navbatda ommaviy talab ob'ektlari bo'lib, bu soliqlarning yuqori fiskal ahamiyatini oldindan belgilab beradi.

"Aksiz" fransuzcha aksize, lotincha aksidere so'zlaridan olingan bo'lib, tarjima qilinganda «kesib olish» ma'nosini anglatadi. O'zbekiston Respublikasi soliq qonunchiligida aksiz solig'iga quyidagicha izoh berilgan: «aksiz solig'i sof daromadning narxda va qo'shilgan qiymat solig'iga tortiladigan bazada hisobga olinadigan, egri soliq sifatida byudjetga o'tkaziladigan (undiriladigan) bir qismidan iboratdir. Bizning fikrimizcha, aksiz solig'i sof daromadning emas, balki yuklab jo'natilgan tovarlar qiymatining bir qismini egri soliq sifatida byudjetga yo'naltirish shaklidir.

O'zbekistonda aksiz solig'i 1992-yilda qo'shilgan qiymat solig'i bilan birgalikda oborot solig'i va sotuvga solinadigan soliq o'rniga joriy qilingan. Uning qo'shilgan qiymat solig'idan farqli tomoni shundaki, u ayrim tovarlar va mahsulotlarni chegaralab olgan va u bajarilgan ish, ko'rsatilgan xizmatlarga nisbatan qo'llanilmaydi. Aksiz solig'i individual xarakterga ega bo'lib, faqat aksiz solig'iga tortiladigan tovarlarga nisbatan qo'llaniladi.

O`zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 293-moddasida aksiz solig`ini to`lash tartibi ko`rsatib o`tilgan. Unga ko`ra, soliqni to'lash soliq hisobotini taqdim etish muddatidan kechiktirmay amalga oshiriladi.

Import qilinadigan tovarlar bo‘yicha soliqni to‘lash bojxona to‘g‘risidagi qonunchilikda belgilangan muddatlarda amalga oshiriladi. Aksiz markalari bilan tamg‘alanishi lozim bo‘lgan olib kiriladigan aksiz to‘lanadigan tovarlar bo‘yicha soliq aksiz markalari olinguniga qadar to‘lanadi.

Aksiz solig`ini to`lovchi subyektlar sotishga to`g`ri keladigan aksiz stavkasi va summasi «Hisob-faktura»da alohida ustunlarda ko`rsatiladi. Aksiz solig`i summasi buyurtmachilardan olinadigan schetlarning jami summasiga kiritiladi. Schet-fakturada ko`rsatilgan aksiz solig`i summasiga quyidagicha yozuv qilinadi:

Debet 4010 «Olinadigan schetlar»

Kredit 6410 «Byudjetga to`lovlar bo`yicha qarz»

Aksizga tortiluvchi mahsulot, tovarlar va xizmatlar naqd pul va plastik karta orqali ko`rsatilganda kassa yoki terminal chekida aksiz summasi alohida ko`rsatiladi va unga quyidagicha yozuvlar qilinadi.

Debet 5010 «Kassadagi pul mablag`lari»

Debet 5530 «Terminaldagi pul mablag`lari»

Kredit 6410 «Byudjetga to`lovlar bo`yicha qarz»

21-son BHMSga muvofiq aksiz solig`i bo`yicha byudjetga oldindan to`langan bo`nak summasi hisobot davri mobaynida 4410 «Byudjetga soliqlar va yig`imlar bo`yicha bo`nak to`lovlari» schetining debetida hamda 5110 «Hisob-kitob scheti» kreditida to`lov topshiriqnomasi asosida aks ettiriladi.

Hisobot davri oxirida byudjetga bo`nak tariqasida to`langan aksiz solig`i summasi ushbu soliq bo`yicha hisoblangan qarzdorlik summasini kamaytirishga olib boriladi hamda unga quyidagi buxgalteriya yozuvi qilinadi:

Debet 6410 «Byudjetga to`lovlar bo`yicha qarz»

Kredit 4410 «Byudjetga soliqlar va yig`imlar bo`yicha bo`nak to`lovlari»

Soliq to`lovchilarning byudjetga aksiz bo`yicha qarzlari to`lanishiga quyidagicha yozuv qilinadi:

Debet 6410 «Byudjetga to`lovlar bo`yicha qarz»

Kredit 5110 «Hisob-kitob schoti»

Egri soliqlar sirasiga mansubligi jihatidan, aksiz solig`ining davlat byudjetidagi ulushi qo`shilgan qiymat solig`idan ikki baravar kamni tashkil qiladi. Buning o`ziga yarasha obyektiv sabablari mavjud,

eng muhim sabablaridan biri sifatida, aksariyat yuridik shaxslar aksiz solig`i to`lovchilari hisoblanmasligini ta'kidlab o`tishimiz zarur. Shunga qaramasdan, mamlakatimiz byudjetining daromad manbayi sifatida aksiz solig‘i bugungi kunga qadar o‘zining muhim o‘rnini va amaliy ahamiyatini saqlab kelmoqda. Aksiz solig‘i davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishda salmoqli o‘rin egallaydi, jumladan, davlat byudjetining soliqli daromadlari tarkibida uning salmog‘ini quyidagi diagrammadan ko`rishimiz mumkin.

Aksiz solig‘ining davlat byudjeti daromadlaridagi salmog‘i dinamikasi

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan asosida muhim bir jihatni e'tirof etish zarur. So`nggi yillarda aksiz solig`ining davlat byudjeti daromadlaridagi ulushi nisbatan tushish tendensiyasiga ega, albatta buni o`ziga yarasha obyektiv sababi mavjud, ya'ni jahon miqyosida pandemiya holatining yuzaga kelishi, mamlakatimizga ham salbiy ta`sirini o`tkazdi, buning natijasi o`laroq soliq tushumlari nisbatan tushishi kuzatildi.

O`zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 289-moddasi ko`ra aksiz solig`ining stavkalari berib o`tilgan. Kodeksga ko`ra soliq stavkalari tovarning yoki xizmatning qiymatiga nisbatan foizlarda (advalor), naturada ifodalangan o‘lchov birligiga nisbatan mutlaq summada (qat'iy belgilangan), shuningdek advalor va qat'iy belgilangan soliq stavkalarini o‘z ichiga olgan aralash stavkada belgilanadi.

O`zbekiston Respublikasida ayrim mahsulot va tovarlarga nisbatan qo`llaniladigan aksiz solig`i stavkasining oxirgi yillarda o`zgarish dinamikasini quyidagi jadval ma'lumotlari asosida ko`rib chiqamiz.

T/r	Tovarlar (xizmatlar) nomi	Soliq stavkasi		
		2021.01.02	2022.01.01	2022.01.06
1.	Neft mahsulotlari:			
	Ai-80	200 000 so‘m/ tonna	240 000 so‘m/ tonna	275 000 so‘m/ tonna
	Ai-90 va undan yuqori	275 000 so‘m/ tonna	275 000 so‘m/ tonna	275 000 so‘m/ tonna

	aviakerosin (sintetikdan tashqari)	200 000 so‘m/ tonna	200 000 so‘m/ tonna	220 000 so‘m/ tonna
	dizel yoqilg‘isi (sintetik-dan tashqari)	240 000 so‘m/ tonna	240 000 so‘m/ tonna	264 000 so‘m/ tonna
	EKO dizel yoqilg‘isi (sintetikdan tashqari)	216 000 so‘m/ tonna	216 000 so‘m/ tonna	237 600 so‘m/ tonna
	dizel yoki karbyurator (injektor) dvigatellari uchun motor moyi	340 000 so‘m/ tonna	340 000 so‘m/ tonna	374 000 so‘m/ tonna
2.	Polietilen granulalar	20%	10%	
3.	Tabiiy gaz, bundan O‘zbekiston Respub-likasiga olib kirilgan gaz mustasno	20%	20%	
	Yakuniy iste’molchiga sotiladigan:			
	benzin	1 litr uchun 350 so‘m/1 tonna uchun 465 530 so‘m	1 litr uchun 350 so‘m/1 tonna uchun 465 530 so‘m	1 litr uchun 385 so‘m/1 tonna uchun 512 000 so‘m
	dizel yoqilg‘isi	1 litr uchun 350 so‘m/1 tonna uchun 425 918 so‘m	1 litr uchun 350 so‘m/1 tonna uchun 425 918 so‘m	1 litr uchun 385 so‘m/1 tonna uchun 468 000 so‘m
	suyultirilgan gaz	1 litr uchun 350 so‘m/1 tonna uchun 665 493 so‘m	1 litr uchun 350 so‘m/1 tonna uchun 665 493 so‘m	1 litr uchun 385 so‘m/1 tonna uchun 730 000 so‘m
	siqilgan gaz	1 kub metr uchun 500 so‘m	1 kub metr uchun 500 so‘m	1 kub metr uchun 550 so‘m
5.	Mobil aloqa xizmatlari	15%		
6.	Xushbo‘ylashtiruvchi yoki rang beruvchi qo‘shimchalarsiz oq shakar	20%		

Keltirilgan jadval ma’lumotlarini asosida quyidagilarni xulosa qilish mumkin:

- joriy yilda aksiz solig`i stavkasini o`zgarishi ikki bor amalga oshiriladi;

- aksiz solig`i stavkasini ko`tarish tendensiyasi saqlab qolinadi yoki mavjud bo`lgan me'yorda saqlanib qolinadi;

- aksiz solig`ining tushumlari joriy yilda o`sish tendensiyasiga ega bo`ladi.

Xulosa

O`zbekiston Respublikasi davlat byudjeti tushumida aksiz solig`ining ulushi 2021-yilda 10% ni tashkil qilgan, bu ko`rsatkich o`tgan 2020-yilga nisbatan foiz ko`rsatkichida oladigan bo`lsak 13.6 foizga oshganini ko`rishimiz mumkin. Bu ijobiy ko`rsatkichga erishish ko`p jihatdan pandemiya holatidan chiqish, hamda eksport va import jarayonlarini jadal sur'atlarda rivojlanib borishi bilan bog`lash mumkin.

2022-yil uchun O`zbekiston Respublikasining davlat byudjeti to`g`risidagi qonuni 2021-yil 15-dekabrda Senat tomonidan ma'qullangan va ushbu qonunga joriy 2022-yilda davlat byudjeti daromadlari prognoz qilingan, unga ko`ra aksiz solig`ining ulushi sezilarli ravishda tushishi kutilmoqda, ya'ni 10 foizdan 7,2 foizga, buning muhim sabablaridan biri bu ayrim tovar va mahsulotlar vaqtincha aksiz solig`idan ozod etlishi hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. –T.: "Adolat", 2019

2.O'zbekiston Respublikasi "Buxgalteriya hisobi to'g'risida" gi Qonuni. №404. 2016 yil 13 aprel.

3. Malikov T.S., Jalilov P.T. Byudjet soliq siyosati: O`quv qo`llanma. T.: Akademnashr, 2011.

4. Jo`rayev A., Safarov G`., Meyliyev O. Soliq nazariyasi: O`quv qo`llanma. T.: Iqtisod-Moliya. 2019.

5. Vahobov A., Jo`rayev A. Soliqlar va soliqqa tortish: Darslik. T.: Iqtisod-Moliya. 2019.

6. Urazov K.B., Po`latov M.E. Buxgalteriya hisobi. Darslik. T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot – matbaa uyi. 2020.

7. Gadoyev E. va boshqalar. Bilvosita soliqlar. O`quv-amaliy qo`llanma. T.: Norma, 2011.

O`ZBEKISTON SHAROITIDA QO`SHILGAN QIYMAT SOLIG`I HISOBI VA TAHLILINI TAKOMILLASHTIRISH

Nurmatov Nurmuxammad Xolmuratovich,
Termiz davlat universiteti Iqtisoditot va turizm fakulteti Buxgalteriya hisobi yo`nalishi II kurs magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada qo`shilgan qiymat solig`i hisobi va uni tahlili bo`yicha muhokama olib boriladi. Qo`shilgan qiymat solig`ining hisobga olish tizimi yoritib beriladi.

Аннотация: В данной статье рассматривается расчет и анализ налога на добавленную стоимость. Будет уточнена система учета налога на добавленную стоимость.

Abstract: This article discusses the calculation and analysis of value added tax. The system of accounting for value added tax will be clarified.

**Kalit so`zlar:** Egri soliqlar, qo‘shilgan qiymat solig‘i, soliq kodeksi, qo`shilgan qiymat solig`i to`lovchilari, debet, kredit

Ключевые слова: Косвенные налоги, налог на добавленную стоимость, код налога, плательщики налога на добавленную стоимость, дебет, кредит.

Keywords: Indirect taxes, value added tax, tax code, value added tax payers, debit, credit.

KIRISH

Mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiyalashda soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar davlatning asosiy daromad manbasi hisoblanib, ularni o’z vaqtida to’g’ri hisoblanishi, davlat byudjetiga to’liq hamda o’z vaqtida o’tkazilishi soliq ma’murchiligi tizimi yordamida ta’minlanadi. Soliq ma’murchiligi soliq munosabatlarini boshqaruv tizimi sifatida davlatning soliq siyosatini bajarilishini ta’minlaydi. Soliqqa tortish ishlarini yuritishda soliq tizimining eng asosiy vazifalaridan soliq qonunchiligi bajarilishini, soliqlarni to’g’ri va to’liq xisoblanishini, soliqlarni davlat byudjetiga o’z vaqtida to’lanishini nazorat qilishdir. Shu nuqtai nazardan davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishda soliqlar asosiy hal qiluvchi moliyaviy manba bo’lganligi sababli soliq larni davlat byudjetiga tushishini ta’minlovchi ma’muriy tizimni

to’g’ri yo’lga qo’yilishi uni takomillashtirilishi alohida ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizni iqtisodiy rivojlantirish, uzoq muddatli strategic maqsadlarni amalga oshirishda O‘zbekistonning jahon bozoridagi raqobatdoshligini oshirish va mavqeini mustahkamlashga yo‘naltirilgan tarkibiy o‘zgarishlar, zamonaviy yuksak texnologiyalarga asoslangan eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishni ta’minlaydigan ishlab chiqarishlarni jadal rivojlantirish asosiy ustuvor yo‘nalishlardan biri ekanligiga alohida e’tibor qaratilmoqda. O‘tkazilayotgan soliq islohotlarining amaliy natijasi asosan yuridik shaxslar to‘laydigan soliqlarni soddalashtirish va unifikatsiya qilish, xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning davlat byudjeti bilan hisob-kitoblari mexanizmini takomillashtirish, soliq hisobotlarini taqdim etish holatlarini kamaytirishga qaratilgan. Respublik amiz hukumati tomonidan olib borilayotgan soliq siyosatining asosiy yo‘nalishlari yuridik shaxslar zimmasidagi soliq yukini kamaytirishga, soliqqa tortish tizimini soddalashtirishga, soliqqa tortiladigan ob’ektlarni maqbul darajada kamaytirishga qaratilganligi bilan ahamiyatli hisoblanadi.

Mamlakatimizda tadbirkorlik va kichik biznesni rivojlantirish bugungi kunda davlat siyosatining muhim ustuvor yo’nalishlaridan biri hisoblanadi.

Respublikamiz Prezidenti Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek: “Barcha biznes toifalari uchun soliq yukini kamaytirish va qulaylashtiris h, shu asosda ishlab chiqarishni va soliqqa tortiladigan bazani kengaytirish zarur. O‘z ehtiyoji uchun ob’ektlar qurayotgan, yangi tashkil etilgan kichik va o‘rta tadbirkorlik sub’ektlariga yagona soliq to‘lovini ma’lum muddatga kechiktirish huquqini berish darkor. Shuningdek, kichik korxonalar uchun qo‘shilgan qiymat solig‘i to‘lashga o‘tishni rag‘batlantirish shart. Shu bilan birga, tez rivojlanayotgan, yiriklashib borayotgan korxonalarni rag‘batlantirish siyosatiga o‘tish lozim. Soliq imtiyozlari berishda individual yondashuvlardan voz kechib, ularni faqat iqtisodiyotning ma’lum tarmoqlari uchun qo‘llash amaliyotiga o‘tishni taklif etaman”.[1]

[1] Sh.M.Mirziyoyev. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. –T: “O’zbekiston” NMIU, 2018. 55-bet

Shulardan kelib chiqqan holda mamlakatimizda iqtisodiyotni modernizatsiyalash va raqobatbardoshliligini oshirishga qaratilgan keng ko‘lamli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Mazkur jarayonlar ishtirokchisi sifatida asosan yuridik shaxslar maqomiga ega bo‘lgan sub’ektlar faol ishtirok etadi.

Muhokama va natijalar

Barcha bilvosita soliqlar kabi QQS ham asosan soliqlarning fiskal funksyasini bajaradi, uni joriy qilishdan asosiy maqsad davlat budjetini mablag` bilan to`ldirish bilan bog`liq. QQS soliq tushumlarini narx-navoning o`sishi bilan to`g`ridan to`g`ri bog`lab turganligi uchun u budjet mablag`larini inflyatsiya bo`lishidan saqlab qoluvchi vositalardan biri hisoblanadi.

Egri soliqlar deganda xo`jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy xo`jalik faoliyati ko`rsatkichlariga bevosita ta’sir ko`ratmaydigan soliqlar tushuniladi. Ushbu soliqlar sotilgan mahsulot, tovar, ish va xizmatlar bahosi ustiga byudjet foydasi uchun qo`yiladigan ustamalardir.

Egri soliqlar – be realizatsiya qilinayotgan tovarlar, ishlar va xizmatlarning qiymatida hisobga olinadigan soliqlardir. Bu holatda soliqning haqiqiy yoki tovar, ish va xizmatlarning yakuniy iste’molchisi zimmasiga yuklanadi. Bunday soliq turlarini sirasiga qo`shilgan qiymat solig`i va aksiz solig`ini kiritishimiz mumkin.

Qo`shilgan qiymat solig`i – bu egri soliq turi bo`lib, tovar, ish va xizmatlarning qo`shilgan qiymatining ma’lum qismini belgilangan soliq stavkalar asosida byudjetga undiriladigan majburiy to`lov shakli hisoblanadi. Boshqacha qilib aytganda, bu soliq – tovar, ish va xizmatlar qiymatiga qo`shiladigan soliqdir.

Korxonalarda soliqlar va majburiy to`lovlarni hisob-kitob qilish, byudjetga o`tkazib berish, ularni hisob va hisobotda aks ettirish respublikamiz Soliq kodeksida hamda buxgalteriya hisobi milliy standartlarida belgilangan tartiblarga asosan amalga oshiriladi.

Ikki tomonlama soliqqa tortish va qo‘shilgan qiymat solig‘ini undirishning oldini olish maqsadida mahsulot xaridorlaridan olingan QQS bilan moddiy resurslar (ishlar, xizmatlar) yetkazib beruvchilarga to‘langan QQS o‘rtasidagi farqni byudjetga to‘lash imkonini beruvchi soliqni hisoblash mexanizmi joriy etildi.

So`nggi yillarda O`zbekiston Respublikasida soliq qonunchiligida

keng ko`lamli islohotlar olib borilmoqda, shu jumladan qo`shilgan qiymat solig`i va uni hisobini yuritish bo`yicha ham.

Buxgalteriya hisobida qo`shilgan qiymat solig`i hisobini to`g`ri yuritish va uni tahlilini takomillashtirish bo`yicha sezilarli ishlar amalga oshirilmoqda. Muhim amalga oshirilgan ishlar sirrasiga qo`shilgan qiymat solig`ini hisobga olish tizimini yildan-yilga takomillashishidir. Shu o`rinda bugungi kunda mamlakatimizda amlaga bo`lgan Soliq kodeksi hamda Buxgalteriya hisobining milliy standartlari bo`yicha, xo`jalik yurituvchi subyektlarning qo`shilga qiymat solig`ini hisobga olgan holda tovar oldi-sotdi ishlari qay tarzda amalga oshirilishini ko`rib chiqamiz:

Misol: Savdo do`koni 920 000 so`mga mahsulot xarid qilindi, shundan 800 000 so`m mahsulot narxi va 120 000 so`m qo`shilgan qiymat solig`i.

Demak, biz 800 000 so`mni mahsulot uchun ajratamiz.

Amalga oshirilgan amaliyotlarni buxgalteriya hisobimizda aks ettirish jarayoni quyidagicha amalga oshiriladi.

Bankdagi hisob-kitob schotidan mol yetkazib beruvchiga pul o`tkazib berildi:

Debet 4310 920 000 so`m
Kredit 5110 920 000 so`m
Hisob-fakturaga asosida mahsulotni qabul qilib oldik;
Debet 2910 800 000 so`m
Kerdit 6010 800 000 so`m
Soliq bo`yicha qarz bo`ldik va uni oldindan to`ladik;
Debet 4410 120 000 so`m
Kredit 6010 120 000 so`m
Pul o`tganligini hisobga olib qo`ydik;
Debet 6010 920 000 so`m
Kredit 4310 920 000 so`m

Sotish jarayoni hisobi

Aynan ushbu mahsulotni boshqa bir xaridorga sotish jarayoni qay tartibda amalga oshirilishini ko`rib chiqamiz.

800 000 +80 000 (qo`shimcha xarajatlar)=880 000 so`m tannarx;
880 000*10%/100 (ustama)=88 000 so`m;
880 000+88 000=968 000 so`m sotuv narxi;
968 000*15%/100=145 200 so`m qo`shilgan qiymat solig`i;

968 000+145 200=1 113 200 (QQS bilan).

Shunda qo`shilgan qiymat 968 000-800 000=168 000 so`mni tashkil qiladi.

Ushbu summadan qo`shilgan qiymat solig`i hisoblab chiqaramiz:

168 000*15%/100=25 200 so`m.

Yuqorida biz mahsulotni 120 000 so`m qo`shilgan qiymat solig`ini hisobga olgan holda xarid qilgan edik, o`z navbatida biz mahsulotni 1 113 200 so`mga sotish jarayonida 145 200 so`m miqdoridagi qo`shilgan qiymat solig`ini hisobga olgan holda sotdik. Ushbu holatda biz tomonimizdan to`lanishi lozim bo`lgan qo`shilgan qiymat solig`i miqdori 145 200-120 000=25 200 so`mni tashkil qiladi.

Qo`shilgan qiymat soli`gining eng muhim jihati bu albatta biz o`zimiz tomonimizdan qo`shilgan qiymat uchun soliq to`laymiz.

Biz sotib olingan mahsulotni boshqa bir xaridorga sotganimizda, qanday buxgalteriya hisobi amaliyotlari bajarilishini ko`rib o`tamiz.

Shartnoma asosida mahsulot uchun xaridordan bo‘nak odindi:

Debet 5110 1 113 200 so`m
Kredit 6310 1 113 200 so`m

Sotilgan mahsulotning tannarxi hisobdan chiqarildi:

Debet 9110 880 000 so`m
Kredit 2910 880 000 so`m

Mahsulotni sotishdan olingan daromad aks ettirildi:

Debet 4010 968 000 so`m
Kredit 9010 968 000 so`m

Sotilgan mahsulot bo‘yicha QQS hisoblandi:

Debet 4010 145 200 so`m
Kredit 6411 145 200 so`m

Bo‘nakning hisobga olinishi:

Debet 6310 968 000 so`m
Kredit 4010 968 000 so`m

Soliqqa qarz ko`rsatildi:

Debet 6310 145 200 so`m
Kredit 6410 145 200 so`m

Qo`shilgan qiymat solig`i summasi hisobga olindi:

Debet 6411 120 000 so`m
Kredit 4411 120 000 so`m

QQS bo`yicha farq to`landi:

Debet	6410	25 200 so`m
Kredit	5110	25 200 so`m

Xulosa

Yuqorida keltirilgan jarayon misolida shuni ko`rishimiz mumkinki, ya`ni savdo do`koni tomonidan sotib olingan mahsulot, aynan qo`shilgan qiymat solig`ini to`lagan holda sotib olmoqda va keyinchalik aynan shu mahsulotni xarajatlar va ustama haqi bilan boshqa bir xaridorga sotganda, qo`shilgan qiymat solig`ini hisobga olish tizimidan foydalanish natijasida, savdo do`koni o`zi tomonidan qo`shilgan qiymat uchun soliq to`lashini ko`rishimiz mumkin. Bu tizim, ya'ni hisobga olish tizimi asosan qo`shilgan qiymat solig`i to`lovchilari o`rtasida juda kata ahamiyat kasb etadi, hamda byudjetga soliqlar bo`yicha to`lovlar sezilarli ravishda kamaytiradi, biroq qo`shilgan qiymat solig`i to`lovchisining asosiy hamkor tashkilotlari, ushbu soliq to`lovchisi bo`lmasligi, ya'ni yagona soliq to`lovchisi bo`lsa, bu tizim samarasiz hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. –T.: "Norma", 2020

2. Sh.M.Mirziyoyev. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. –T: "O'zbekiston" NMIU, 2018. 55-bet

3. O`zbekiston Respublikasi 21-sonli Buxgalteriya hisobining milliy standarti. 2002.

4. Jo`rayev A., Safarov G`., Meyliyev O. Soliq nazariyasi: O`quv qo`llanma. T.: Iqtisod-Moliya. 2019.

5. Vahobov A., Jo`rayev A. Soliqlar va soliqqa tortish: Darslik. T.: Iqtisod-Moliya. 2019.

6. Urazov K.B., Po`latov M.E. Buxgalteriya hisobi. Darslik. T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot – matbaa uyi. 2020.

7. Gadoyev E. va boshqalar. Bilvosita soliqlar. O`quv-amaliy qo`llanma. T.: Norma, 2011.

8. Malikov T.S., Jalilov P.T. Byudjet soliq siyosati: O`quv qo`llanma. T.: Akademnashr, 2011.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA QO`SHILGAN QIYMAT SOLIG`INING BUDJET DAROMADLARINI SHAKLLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI VA AHAMIYATI

Nurmatov Nurmuxammad Xolmuratovich,
Termiz davlat universiteti Iqtisoditot va turizm fakulteti Buxgalteriya hisobi yo`nalishi II kurs magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada egri soliqning iqtisodiy mohiyati va roli muhokama qilinadi, shu bilan bir qatorda qo`shilgan qiymat solig`ining O`zbekiston Respublikasining byudjet daromadlaridagi tutgan o`rni va ahamiyati muhokama qilinadi.

Аннотация: В данной статье рассматривается экономическое значение и роль косвенного налога, а также роль и значение налога на добавленную стоимость в доходах бюджета Республики Узбекистан.

Abstract: This article discusses the economic significance and role of the indirect tax, as well as the role and importance of value added tax in the budget revenues of the Republic of Uzbekistan.

**Kalit so`zlar:** Vilgelm fon Simens, egri soliqlar, qo‘shilgan qiymat solig‘i, byudjet daromadlari, soliq stavkasi, soliq kodeksi, qo`shilgan qiymat solig`i to`lovchilari.

Ключевые слова**:** Вильгельм фон Сименс, косвенные налоги, налог на добавленную стоимость, доходы бюджета, налоговые ставки, налоговый кодекс, плательщики налога на добавленную стоимость.

Keywords: Wilhelm von Siemens, indirect taxes, value added tax, budget revenues, tax rates, tax code, value added tax payers.

KIRISH

Respublikamizda tub o`zgarishlar, siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy hayotning barcha jabhalarini izchil isloh etish va liberallashtirish, jamiyatimizni demokratik yangilash va modernizatsiya qilish jarayonlari jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Avvalambor bunda, soliq tizimini yanada takomillashtirish, soliq turlarini hamda ularni hisoblash mexanizmini soddalashtirish yo`lida belgilab olingan va izchil ravishda amalga oshirilayotgan ulkan vazifalar mustah-

kam zamin yaratmoqda. Mamlakatimizdagi bir qator soliq stavkalari ahamiyatli darajada pasaytirilib borilmoqda.

O`zbekiston Respublikasida soliq tizimini takomillashtirish iqtisodiyotni barqarorlashtirishga va moliyaviy ahvolni mustahkamlashga aloqador qator muammolarni hal qilishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Iqtisodiyotni erkinlashtirish va modernizatsiyalash sharoitida soliqlar islohotlar jarayonining tarkibiy qismi, ichki harakatlantiruvchi omiliga aylandi. Shundan kelib chiqib, soliq tizimi o`ziga xos vazifani to`la darajada bajarishi islohotlar muvaffaqiyatini belgilaydi.

O`zbekiston Respublikasi "Soliq Kodeksi"ni yangi tahriri kuchga kiritilishi soliqlarni hisoblash va to`lash tartiblari belgilab berish bilan qonunchilikka kiritilayotgan o`zgartirishlar soliq yukini yanada kamaytirishga, tadbirkorlik sub'ektlarini soliqqa tortish tizimini soddalashtirish, vijdonli soliq to`lovchilarni, ularning xo`jalik faoliyatiga asossiz aralashishdan himoyalanishni kuchaytirish, jinoiy va ma'muriy jazolarni erkinlashtirish, samarali soliq tizimi tamoyillarini yanada to`liq ro`yobga chiqarishga yo`naltirilgan.

Bugungi kunda mamlakatimizning barcha tarmoq korxonalarini qo`llab-quvvatlash, ularning barqaror ishlashini ta'minlash va eksport salohiyatini oshirish bo`yicha ko`rilayotgan chora-tadbirlarda xo`jalik yurituvchi sub'ektlar iqtisodiy faoliyatini soliqlar vositasida rag`batlantirishga keng e'tibor qaratilgan.

Davlat faoliyatini barcha yo`nalishlarini mablag` bilan ta`iminlashning asosiy iqtisodiy vositalaridan biri, bu soliqlar hisoblanadi. Davlat budjeti daromadlarini shakllanishida, hamda iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solishda soliqlar juda katta ahamiyatga egadir. Soliqdan tushadigan tushumlar davlat iqtisodiy mustaqilligining asosiy manbai hisoblanib, davlat rivojlanishini ta`minlaydi.

Muhokama va natijalar

Hozirgi vaqtda O'zbekiston va xalqaro soliq amaliyotida bilvosita soliqlarning asosiy turlaridan biri - **qo'shilgan qiymat solig'i hisoblanadi. Qo'shilgan qiymat solig'i -** har bir ishlab chiqarish bosqichida va realizatsiya jarayonida undiriladigan ko'p qirrali bilvosita soliqdir. Korxona kundalik xo'jalik faoliyatida mahsulot yetkazib beruvchilardan tovar va xom-ashyo sotib oladi

va ulardan mahsulot ishlab chiqaradi, ishlar bajaradi yoki xizmatlar ko‘rsatadi. Demak, qayta ishlab chiqarish, ishlab chiqarish va sotishda qo‘shilgan qiymat yaratiladi.

Qo‘shilgan qiymat o‘zining iqtisodiy mohiyatiga ko‘ra, sotilgan mahsulotlar, bajarilgan ishlar va ko‘rsatilgan xizmatlarning qiymati bilan ishlab chiqarish jarayonida iste’mol qilingan tovarlar, xomashyolar va xizmatlarning qiymati o‘rtasidagi farqdan iboratdir. Tabiiyki, ishlab-chiqarish jarayonida va keyinchalik mehnat taqsimoti natijasida ma‘lum bir tovar bozorga olib chiqilgunga qadar ishlab chiqarish va muomala jarayonidagi bir nechta bosqichlardan o‘tadi, bu bosqichlarning har birida qo‘shilgan qiymat yaratiladi.

Qo‘shilgan qiymat solig‘ini davlat byudjetining daromad qismiga jalb qilish g‘oyasi dastlab XX asrning boshlarida yuzaga keldi. Bu taklifni birinchi marta Germaniya byudjet amaliyotida joriy etishni 1919-yilda **Vilgelm fon Simens** ilgari surdi.

Qo‘shilgan qiymat solig‘ini amaliyotga joriy etish va undirish mexanizmi birinchi marta fransuz moliyachisi **Morris Lore tomonidan** ishlab chiqildi. Ammo qo‘shilgan qiymat solig‘i M.Lorening taklifidan so‘ng o‘tgan 10 yildan ortiq vaqt mobaynida tajriba uchun taklif etilgan shaklda qo‘llanildi. Fransiyada qo‘shilgan qiymat solig‘i 1968-yildan boshlab joriy etildi.

XX asrning 70-yillarida qo‘shilgan qiymat solig‘i G‘arbiy Yevropaning qator mamlakatlarining soliq amaliyotida joriy qilindi. Buning asosiy sababi va huquqiy asosi bo‘lib, Yevropa iqtisodiy hamjamiyati tomonidan hamjamiyatga a‘zo mamlakatlarda qo‘shilgan qiymat solig‘ini undirishni tartibga solishning huquqiy me’yorlarini umumlashtirish to‘g‘risidagi maxsus Direktivaning qabul qilinishi hisoblanadi. Mazkur Direktiva 1977-yilda qabul qilindi va unda egri soliqlarning asosiy turi sifatida qo‘shilgan qiymat solig‘i e’tirof etildi.

O`zbekistonda QQS 1992-yildan buyon amalda. Ushbu soliq oborotdan olinadigan soliq va sotuvdan olinadigan soliq o‘rniga aksiz solig‘i bilan birgalikda kiritilgan. Bu soliq oborot solig‘idan farqli ravishda faqat qo‘shilgan qiymatdan undiriladi. Oborot solig‘i esa bir marotaba umumiy oborotdan olinar edi.

O‘zbekiston Respublikasi davlat byudjetining daromad manbayi sifatida qo‘shilgan qiymat solig‘i hozirga qadar o‘zining

muhim o‘rnini va amaliy ahamiyatini saqlab kelmoqda. Masalan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 26-dekabrdagi «O’zbekiston Respublikasining 2019-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko’rsatkichlari prognozi va davlat byudjeti parametrlari hamda 2020-2021 yillarga byudjet mo’ljallari to’g’risida»gi PQ-4086-son qaroriga ko‘ra 2019-yilda qo‘shilgan qiymat solig‘ining davlat byudjeti daromadlari tarkibidagi salmog‘i 35.1 foizni, egri soliqlardagi ulushi esa 76.5 foizni tashkil etgan.

Qo‘shilgan qiymat solig‘ining davlat byudjeti daromadlaridagi salmog‘i dinamikasi

So`nggi yillarda egri soliqlar sirasiga mansub bo`lgan qo`shilgan qiymat solig`i to`lovchilar salmog`i oshib bormoqda. Agar tarixan nazar tashlaydigan bo`lsak, qo`shilgan qiymat solig`i stavkasi tushish tendensiyasiga ega bo`lmoqda. Quyidagi jadvalda ushbu soliq stavkasining yillar kesimida o`zgarish dinamikasini ko`rishimiz mumkin.

Davr	QQS stavkalari
1992	30 %
1993-1994	25 %
1995	18 %
1996	17 %
1997	18 %
1998	20 %
01.10.2019	15 %

Oxirgi ikki yillikda mamlakat miqyosida qo`shilgan qiymat solig`ining davlat byudjetiga tushgan tushumlar miqdori o`sish tendensiyasiga ega. Davlat byudjetiga tushgan tushumlarda soliqning o`rni beqiyosdir. Quyidagi keltirilgan ma’lumotlar bunga yaqqol misol bo`la oladi.

Soliq turlari bo`yicha 2020-2021 yil 31-dekabr holatiga budjetga tushgan tushumlar (mlrd so`mda)

Xulosa va takliflar

O`zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarning natijasi o`laroq, bugungi kunda jamiyatning barcha jabhalarida tub o`zgarishlar yuz bermoqda, shu jumladan soliq tizimida ham. Barchamizga ma'lumki, qo`shilgan qiymat solig`ining stavkasi 15% ni tashkil qiladi, ushbu foiz stavkasi respublikada 2019-yilning oktyabr oyidan beri amal qilinmoqda. Ushbu soliq turi bo`yicha stavkani tushirish tendensiyasini saqlagan holda, 2023-yil 1-yanvardan qo`shilgan qiymat solig`ining stavkasini 12% ga tushirish rejalashtirilmoqda. Bu islohat ham tadbirkorlar tomonidan ishlab chiqarilayotgan mahsulot, ko`rsatilayotgan xizmatlar va bajarilayotgan ishlarning narxini ma'lum miqdorda tushirish imkonini beradi, bu o`z navbatida to`g`ridan-to`g`ri iste'molchilarning manfaatiga xizmat qilishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. –T.: "Adolat", 2019

2. Gadoyev E. va boshqalar. Bilvosita soliqlar. O`quv-amaliy qo`llanma. T.: Norma, 2011.

3. Malikov T.S., Jalilov P.T. Byudjet soliq siyosati: O`quv qo`llanma. T.: Akademnashr, 2011.

4. Jo`rayev A., Safarov G`., Meyliyev O. Soliq nazariyasi: O`quv qo`llanma. T.: Iqtisod-Moliya. 2019.

5. Vahobov A., Jo`rayev A. Soliqlar va soliqqa tortish: Darslik. T.: Iqtisod-Moliya. 2019.

6. Urazov K.B., Po`latov M.E. Buxgalteriya hisobi. Darslik. T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot – matbaa uyi. 2020.

MARKAZIY OSIYO XALQLARINING XO‘JALIK HAYOTI: DEHQONCHILIK, CHORVACHILIK VA HUNARMANDCHILIK

Umurqulov Kamoliddin
(Termiz davlat universiteti magistranti)

Annotasiya: Maqolada Markaziy Osiyo xalqlarining asrlar davomida ushbu bepoyon mintaqada yashab o‘ziga xos tarix, an’analar va milliy qadriyatlar mushtarakligi asosida qurilgan do‘stlik hamda o‘zaro hamkorlikda shakllanib kelayotgan xo’jalik (dehqonchilik, chorvachilik, hunarmandchilik) hayoti, manbalar asosida tarixiy tahlil etilgan.

Tayanch so‘zlar: Markaziy Osiyo mintaqasi, o‘zbek, tojik, turkman, qozoq, qirg‘iz, qoraqalpoq va uyg‘ur, etnogenez va etnik tarix, dehqonchilik, chorvachilik, hunarmandchilik.

Markaziy Osiyo – Osiyo materigining ichki qismidagi tabiiy hudud bo‘lib, maydoni 6 mln. km^{2}dan iborat. Shimoliy, va g‘arbiy chekkasi Mongoliya va XXR bilan Rossiya Federatsiyasi o‘rtasidagi davlat chegarasigacha bo‘lib, sharqiy qismi Katta Shinjon, janubiy tomoni esa Tibet hududidagi Sangpo (Brahmaputra) va Hind daryolarining yuqori qismi bilan o‘ralgan. Markaziy Osiyo dengiz sathidan ancha baland joylashgan.[1]

Sovet davrida ushbu hududga “O‘rta Osiyo va Qozog’iston” atamasi (O‘rta Osiyo va Qozog‘iston iqtisodiy regioni) qo‘llanilgan. Lekin, 1991-yilda mustaqillikka erishilgandan keyin ham ushbu davlatlar, ham xorijiy mamlakatlarda “Markaziy Osiyo” atamasi qo‘lanila boshlandi. 1992-yil yanvarda beshta davlat rahbarlari rasmiy uchrashuvida “Markaziy Osiyo” atamasini qabul qilindi. Hozirda ushbu atama dunyo hamjamiyati tomonidan qabul qilindi, natijada aksariyat xalqaro tashkilot va ilmiy tadqiqot institutlarida Markaziy Osiyo bo’limlari ochildi.[2]

[1] O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.

[2] Doniyorov A. X. Markaziy Osiyo xalklari etnografiyasi,etnogenezi va etnik tarixi fanidan ta’lim texnologiey / Uslubiy kullanma. Markaziy Osiyo xalklari tarixi seriyasidan. - Toshkent, 2010. -144-bet.



1-rasm. Mrkaziy Osiyo xaritasi.

Bugungi kunda Markaziy Osiyo deb nomlangan siyosiy-geografik mintaqa asrlar davomida Turkiston o‘lkasi deb nomlanib kelingan. Bu hudud mushtarak xalqlarning yagona Vatani hisoblanib, nafaqat Osiyo mintaqasida, balki butun dunyo taraqqiyotining ajralmas bir bo‘lagi sifatida ma’lum va mashxur. Mustaqillikning ilk kunlarida Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov “Turkiston yagona uyimiz” shiori asosida Markaziy Osiyo davlatlarini har tomonlama birlikka chaqirdi. Bundan tashqari hurmatli yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyevning tashabbusi bilan 2017-yil

17-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni “2017 – 2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” (keyingi o‘rinlarda – Taraqqiyot strategiyasi)ning Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta’minlash hamda chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo‘nalishlari beshinchi bandida Markaziy Osiyo mamlakatlari (Qozogiston, Qirgiziston, Tojikiston, Turkmaniston, Afg‘oniston) bilan yaqin qo‘shnichilik munosabatlarining yangi strategiyasi belgilab olindi.[1]

Bugungi kunda Markaziy Osiyo mintaqasi etnologiyasini o‘rganish ham dolzarb ahamiyat kasb etadi. Chunki, asrlar davomida ushbu bepoyon mintaqada yashayotgan xalqlaming o‘ziga xos tarixi,

[1] O‘zbekiston Respublikasini 2017 – 2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”. www.lex.uz.

an’analari va milliy qadriyatlari mushtarakligi asosida qurilgan do‘stlik hamda o‘zaro hamkorlikda hayot kechirib kelmoqda. Tarixdan ayonki, o‘zbek, tojik, turkman, qozoq, qirg‘iz, qoraqalpoq va uyg‘ur kabi xalqlaming ajdodlari Markaziy Osiyo hududida asrlar davomida yonma-yon, ko‘p hollarda aralash yashab kelgan. Markaziy Osiyo mintaqasida yashayotgan etnoslarning o‘zaro do‘stlik rishtalarining azaliyligi va har qanday xalqning tarixi hamda madaniyati qo‘shni qardosh xalq tarixi hamda madaniyati bilan uzviy bog‘liq ekanligini aniq dalillar asosida yoritib berish dolzarb masalalardan biriga aylanmoqda. Shu bois ham mazkur maqolada Markaziy Osiyo xalqlarining an’anaviy xo‘jaligi, moddiy va ma’naviy madaniyatining eng muhim xususiyatlari aks etgan. Tarixdan ma’lumki, XVI-XVII asrlarda Markaziy Osiyo hududida Buxoro, Xiva va Qo‘qon xonliklari tashkil topganidan keyin Rus davlati bilan muntazam ravishda savdo hamda diplomatik munosabatlar o‘rnatila boshlandi. XVI asming ikkinchi yarmida Markaziy Osiyodan Rossiyaga sakkiz marta elchilar yuborilgan bo‘lsa, XVII asrda Xiva xonligidan 12 marta, Buxorodan esa 13 marta elchilar jo‘natilgan. Bunga javoban, Rossiya davlati ham o‘z elchilarini o‘zbek xonliklariga yuboradi va ularga diplomatik vazifalardan tashqari mazkur o‘lkalar to‘g‘risida ma’lumotlar to‘plash vazifasi ham yuklatiladi. Shuni qayd etish kerakki, rus elchilarining ma’lumotlari ilmiy jihatdan hozirgacha o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan manbalar sirasiga kiradi.[1] Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasiga oid ilmiy ahamiyatga ega materiallar to‘plash davri keng ma’noda XIX asrdan boshlandi. Ushbu davrdagi ko‘pgina yirik ekspeditsiyalaming asosiy bazasi hisoblangan Orenburg shahri bu sohada muhim rol o‘ynagan edi. Orenburgning ilmiy markazga aylanishida uning birinchi gubematori geograf N.K.Kirillov katta hissa qo‘shdi. XIX asrning I yarmida N.N.Muravyov, A.F.Negri, N.V.Xanikov, G.I.Danilevskiy va boshqalar tomonidan o‘tkazilgan tadqiqotlar Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasini o‘rganishdagi muhim ilmiy qadamlar edi.[2] Markaziy Osiyo eng qadimiy, osori-atiqalarga boy va moddiy-madaniy turmush tarzi kishilik jamiyatining

[1] Shoniyozov K. Sh. O‘zbek xalkining etnogeneziga oid ba’zi nazariy masalapar // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar - 1998. - №6.

[2] O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.

ko‘hna davrlariga borib taqaladigan o‘lkadir.

Dehqonchilik, chorvachilik va xo‘jalikning barcha sohalari necha asrlardan buyon rivojlanib kelmoqda. Bu hududniing ajdodlari asli dehqon, chorvador va hunarmand xalq hisoblanadi. Ajdodlarimiz qariyb eng qadimgi zamonlardan buyon yerga ishlov berish bilan tirikchilik qilib keladi va don-dun, meva-cheva, poliz hamda rezavorlar ekish bilan shug‘ullanadi.[1] Markaziy Osiyoning barcha voha va vodiylarida yirik hamda mayda daryo irmoqlari, ko‘l va buloqlari atrofida sug‘orma dehqonchilik qiladigan lalmi, yaylov, qir, adir hamda tepaliklari deyarli dehqonchilik maydonlariga aylanib ketgan. Ekinlami sug‘orish uchun daryo, ko‘l, irmoq va buloqlardan foydalanilgan hamda ariq va zovurlar qazilgan. Sug‘orma dehqonchilik qilinadigan yerlarda qishloq jamoalari mavjud edi. Jamoa bir qancha oila urug‘laridan tashkil topgan bo‘lib. ayrim jamoalar 4-5 ta qishloq aholisini o‘ziga birlashtirgan. Bunday iamoalar birgalikda muayyan ishlarni bajarar edi. Jamoaning alohida, Ariq-kanallari bo‘lar, kim nima ish qilishi, qachon, qaysi navbatda sug‘orishi va nimani qaerga ekishi bilan bog‘liq masalalar oldindan kelishib olingan.

Jamoalar g‘allakor, sholikor va paxtakor tumanlarda tuzilar edi. Jamoa a’zolari-dehqonlaming mehnati bir nechta uslubda tashkii etilgan bo‘lib, o‘z mehnat qurollari bilan ishlaydigan oilalar mustaqil faoliyat olib borar edi. Ish kuchi yoki asbob-jihozlari yetishmagan bir nechta dehqonlar birlashib, jamoaviy mehnat qilar edi. Oila a’zolari bilan haqbay ishchilar birgalikda mehnat qilishlari ham mumkin bo‘lgan.

Xo‘jaligining muhim tarmoqlaridan yana biri chorvachilik bo‘lgan. Markaziy Osiyoda ko‘chmanchi turkiy qabilalaming ko‘pchiligi chorvachilik bilan shug‘ullanar edi. O‘zbek qabilalari orasida turk o‘zbeklar, laqaylar, qarluqlar va qo‘ng‘irotlar asl chorvador qabilalar hisoblangan. Qo‘ychivonlaming piri Cho‘pon ota bo‘lib, mazkur tarmoq chorvachilikning asosiy sohasiga aylangan. Ushbu sohada qorako‘lchilik yuqori o ‘rinda turgan. Qo‘y-qo‘zilar erta bahordan to kech kuzgacha yaylovlarda boqilgan. Qo‘y zotlari ichida qorako‘1 qo‘ylaridan keyin Hisor qo‘ylari nihoyatda qimmatbaho hisoblangan. Ular O‘zbekistonning janubiy tumanlarida boqib

[1] Tursunov S. va boshq… .Surxondaryo – etnografik makon. – Toshkent, 2012.

ko’paytirilgan. Jaydari qo‘ylar Markaziy Osiyoning deyarli barcha hududlarida boqilgan. Ayrim hollarda qo‘y-qo‘zisi va qoramoli ko‘p aholi o‘z chorvalarining bir qismini muayyan shart bilan tog‘li qirg‘iz cho‘ponlariga bergan.

Hududda qo‘y-qo‘zidan tashqari, echki, uloq, buzoq va ho‘kiz ham boqilgan. Chorvachilikda yilqichilik ham katta ahamiyatga ega edi. Ammo, yilqini asosan, o‘zbek, qozoq va turkmanlar boqqan. Ahaltaka, Qorabayir va laqay zot otlari ko‘plab yetishtirilgan.

Hunarmandchilikda markaziy Osiyo xalqi qadimdan kosib-hunarmand bo‘lgan. “Yigit kishiga qirq hunar ham oz” degan ajoyib maqolga amal qilib, o‘zbek, tojik, qozoq, turkman, qirg‘iz va qoraqolpoq yigit va qizlari bolalik hamda o‘smirlik davrlaridanoq biron-bir hunami egallashga harakat qilgan. Qishloq va shaharlarda har bir mahallaning o‘z nonvoyi, tegirmonchisi, qassobi, duradgori, sartaroshi, taqachisi, temirchisi, yamoqchisi, ip yigiruvchisi, to‘quvchisi, ko‘nchisi hamda tikuvchisi mavjud edi. Olis qishloqlarda bir yo‘la bir nechta hunarga ega bo‘lgan hunarmandlar faoliyat olib borar edi. Ip yigiruvchi va to‘quvchi hunarmandlar nihoyatda ko‘p bo‘lib, qariyb har bir xonadonda xotin-qizlar, ayniqsa, keksa onaxonlar kunni charxda ip yigirish bilan o‘tkazgan. Qishloq va shaharlarda charxi hamda urchug‘i yo‘q biron-bir xonadon bo‘lmagan. Paxta yoki jundan tola olish va ip yigirishdan tortib, yigirilgan ipdan xonadon ehtiyojlariga qarab har xil kiyim-kechaklar hamda uy-ro‘zg‘or buyumlarini tayyorlashgacha bo‘lgan ishlaming hammasini xonadon ayollari bajargan: biri urchuqda tola olsa, ikkinchisi charxda ip yigirgan va ipni kerakli rangga bo‘yagan. Ba’zan bir ayolning o‘zi ayni vaqtda ip yigirish, bo‘yoqchilik, bichuvchilik, to‘quvchilik va tikuvchilik vazifalarini ham ado etgan. Kiyim-kechak va uy-ro‘zg‘or buyumlariga talab hamda ehtiyoj orta borgani sayin ushbu mashg‘ulotlarda ixtisoslashish jarayoni kuchaygan, mehnat taqsimoti kengaygan, charxchi, bo‘yoqchi, bichuvchi, tikuvchi, to‘quvchi kabi ixtisosliklar ko‘paygan. To‘quvchilik chitchi va ipakchi mutaxassisliklarga bo‘lingan. Biri faqat chit va bo‘z, ikkinchisi esa ipak gazlamalar to‘qish bilan kun kechirgan. Ular bilan o‘zaro hamkorlikda chitgar (gazlamalarga gul bosib beradigan mutaxassis)lar ishlagan. Shoyi ipak gazlamalari o‘simlik moylari bilan har xil rangga bo‘yalgan. Tikuvchilik

sohasida mehnat taqsimoti mavjud bo‘lgan: to‘nchi, tikuvchi, mashinachi, telpakchi, maxsido‘z, po‘stindo‘z, do‘ppido‘z va h.k.[1] Qadimdan keng tarqalgan hunarmandchilik sohalaridan yana biri – ko‘nchilikdir. Ushbu soha Rossiya imperiyasi hukmronligi davriga kelib ancha susayib ketgan. Ko‘pchilik xom charm va oshlangan teri bilan ishlab kelgan. Mazkur mashg‘ulot turi bilan charmgar, ko‘nchi, saxtlangar va meshgar nomlari bilan ma’lum bo‘lgan ustalar shug‘ullangan. Xom teri ishlovchi usta charmgar, maxsi va meshkob tikuvchilar saxtlagar, qo‘y va echki terisidan charm tayyorlovchi ustalar esa meshgar deb atalgan. Shuningdek, poyafzalchi ustalar etikchi, maxsido’z va kovushdo’z deb atalgan. Kulolchilik ustaxonalarida tandirchi, xumdonchi, badiyachi va koshinchi kabilar mehnat qilgan. Shuni ham ta’kidlab o‘tish joizki xo‘jalik yuritish, bu hudud xalqlarining bir-biriga yaqinligi quad-andachilik munosabatlarida yaqqol ko‘rinadi. Xulosa qiladigan bo‘lsak Markaziy Osiyo xalaqlari xo‘jalik yuritishi asrlar davomida bir-biri bilan qorishib yaqqol xalqlarning etnomadaniy aloqalarida o‘z aksini topmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOT VA MANBALAR:

1. O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.
2. Doniyorov A. X. Markaziy Osiyo xalklari etnografiyasi,etnogenezi va etnik tarixi fanidan ta’lim texnologiey / Uslubiy kullanma. Markaziy Osiyo xalklari tarixi seriyasidan. - Toshkent, 2010. -144-bet.
3. O‘zbekiston Respublikasini 2017 – 2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”. www.lex.uz.
4. Shoniyozov K. Sh. O‘zbek xalkining etnogeneziga oid ba’zi nazariy masalapar // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar - 1998. - №6.
5. Tursunov S. va boshq… .Surxondaryo – etnografik makon. – Toshkent, 2012.
6. Tursunov N. Janubiy O‘zbekiston axolisi moddiy madaniyati transformatsiya jarayonlari. – Toshkent, 2019.

[1] Tursunov N. Janubiy O‘zbekiston axolisi moddiy madaniyati transformatsiya jarayonlari. – Toshkent, 2019.

XALQ XUNARMANDCHILIGI ELEMENTLARINI O'RGANISHDA KASHTACHILIK ISHLARINING O'RNI

Termiz davlat pedagogika instituti I-bosqich magistrlari Turdiyeva Zuhra Temir qizi, Tursoatova Aziza Safar qizi, Narbabayeva Dildora Alisherovna.

Tayanch iborlar: O'zbek kashtachiligi, dastro`mol, choyxalta, parda, belbog`, sumka, nimcha.

Annotasiya: Ushbu maqolada o'zbek milliy kashtado`zlik xalq hunarmandchilik san'atining eng qadimiy turlari tarixi yoritib berilgan.

Annotation: This article covers the history of the most ancient forms of Uzbek national embroidery.

Аннотация**:** В данной статье освещается история древнейших форм узбекской национальной вышивки.

O`zbek milliy kashtado`zlik xalq hunarmandchilik san'atining eng qadimiy turlaridan bo`lib, u xalqning o`z turmushini go`zal qilish istagi natijasida yuzaga kelgan. Kashta kiyimlar va buyumlarni bezashda hamda ro`zg`or bezak buyumlari tayyorlashda qadimdan qo`llaniladi.

Kashtachiligimiz san'ati nafaqat mamlakatimizda, balki chet ellarda ham shuhrat qozongan. O`zbek chevar ustalari qo`llari bilan tikilgan kirpich, so`zana, zardevor, gulko`rpa, choyshab kabilar Fransiya, Italiya, Yaponiya, Germaniya, Belgiya, Amerika, Hindiston kabi xorijiy, shuningdek Respublikamizning Farg`ona vodiysida faqat xonadonlarda emas, balki amaliy san'at muzeylarida ko`p namunalari to`planib, doimiy ekspozitsiyaga aylanib qolgan.

Hozirgacha buyumlar o`ziga xos go`zallik, nafis bezaklarning rang-barangligi bilan kishilarni hayratga solib kelmoqda. Badiiy kashtachilik uzoq tarixga ega, buni arxeologik topilmalar va yozma manbalar isbotlab bermoqda. O`zbek kashtachiligi iqlimi, tabiiy sharoit, muhit bilan bog`liq holda barcha kasb-hunarlari bilan birgalikda rivoj topgan. XIV - XV asrlarga mansub miniatyuralar orqali kashtachilikning juda qadimdan rivojlanganligini ko`rish

mumkin. Ispan elchisi Rui Ganzalem de Klavixo Amir Temur saroyida o`zbek milliy kashta bezaklarini ko`rganini kundaligida yozib qoldirgan. Kamoliddin Behzod "Zafarnoma"ga ishlagan.

"Temur taxtda" miniatyurasida chodirga ishlangan kashtani ham aks ettirgan. O`zbek kashtachiligi qo`shni xalqlar kashtachiligi ta'sirida boyidi va rivojlandi. O`zbek kashtalariga e'tibor bersak, unda hind, xitoy, rus, qozoq, qirg`iz va tojik kashtachiliklarining usullarini uchratamiz.

Kashtachilik san'atida har bir millatning o`ziga xos eng ko`p qo`llaydigan naqshlari bo`ladi. O`zbek kashtalarida o`simliksimon, geometrik shakl hamda gul naqshlari ko`p qo`llaniladi. Qadimiy an'analarga ko`ra, o`zbek qizlari-bo`lajak kelinchak seplari bo`lmish har xil kashtachilik buyumlarini ya'ni dastro`mol, choyxalta, parda, belbog`, sumka, nimcha, joynomoz, gulko'rpa, kirpich, zardevor, choyshab, so`zana, kiyim bezaklari va bosh kiyimlarini, sovg`alarni o`zlari tayyorlashgan. To`yda kuyovning qarindosh-urug`lariga kelin o`zi tikkan buyumlarini sovg`a qilgan. To`ydan oldin sep yoyib ko`rgazma qilinar, bu kelinning chevarligini, mehnatsevarligini namoyish etishi va kashta qanchalik nozik, chiroyli bo`lsa yuqori baholanar edi. Qizlar juda yoshligidan boshlab kashta tikishga o`rgatilib, ular uch, to`rt yildan keyin mustaqil kashta tikishni boshlaganlar. O`rta Osiyoda kashtachilik juda keng tarqalgan bo`lib, oilada kashta tikish bilan ayollar shug`ullanishgan. O`tmishda bu kashtalar oq va tabiiy malla shoyi, adras, hisoriga, baxmal matolarga tikilgan, keyinchalik satin, shoyi, baxmalga tikiladigan bo`ldi. Ish jarayonida ular o`z mahoratlarini oshirishgan, bir-biridan va kattalardan avlodlar tajribasini o`rganishgan. Xalq badiiy hunarmandchilik mahsulotlari faqat bizning mamlakatimizda emas, balki chet mamlakatlarda ham cheksiz talab qilinadi. Pliniyning aytishicha, Vavilon kashtachiligi qadimdan mashhur bo`lib, matoga turli rangdagi iplar bilan kashta tikishni o`sha yerda kashf etishgan.

Keyinchalik Vavilon Rim imperiyasi tarkibiga kirgach ipak, zar yoki jun ip qo`shib tikilgan rang-barang kashtachiligi bilan shuhrat qozongan. Kashtachilik san'atining an'analari Vizantiyada ham rivoj topgan.

XIII va XV asrlarda Kichik Osiyo doirasida paydo bo`lgan hamda Vizantiya imperiyasini barbod qilgan usmoniy turklar ham ushbu

san’atga o`zlarining munosib ulushlarini qo`shganlar. Qrim va Kavkazning qayeridaki Vizantiya madaniyati uzoq vaqt kuchli ta’sir o`tkazgan bo`lsa, o`sha yerda kashtachilik rivojlanavergan. Qadimgi Rus ham Vizantiyaga taqlid qilib kashtachilik san’atini o`rgangan. Rus kashtasi gullarining xarakteriga va tikilish usullariga ko`ra juda turli-tumandir. Popok (yo`rma) chokli kashta tikish Olonets, Vologda oblastlari va Arxangelsk oblastining g`arbiy qismida keng tarqalgan. Hozirgi vaqtda Rossiyada ellikdan ortiq baxyasimon kashtado`zlik korxonalari bor. Ivanovo, Ryazan, Kalinin, Smolensk va boshqa oblastlarda kashtado`zlik markazlari bo`lib, u yerdagi korxonalarda turli kiyimlar va uy ro`zg`orni bezaydigan turli buyumlar ishlab chiqariladi.

XIX asrning ikkinchi yarmida kashta tikish mashinasining ixtiro etilishi kashtachilik korxonalarining vujudga kelishiga asos soldi.

Kashtado`zlikning yirik namoyandalaridan Andijondagi “Qizil bayroq” arteli rassom kashtado`zi X.Nazarov, Samarqanddagi “Xotin-qizlar mehnati” arteli kashtado`zi Usmon Shokirov, toshkentlik kashtado`z va chizmakash Xayri Sobirovalar kashta buyumlariga yangi turli xil naqsh kompozitsiya va tikish usullarini yaratdilar. X.Sobirova onasi Zaxira Mirxoliqovadan qo`lda, mashinada tikish sirlarini va chizmachilikni o`rgandi. X. Sobirova 15 yoshidan boshlab onasining kashtado`zlik hunarini davom ettirib, «Sharq guli» va «Ilg`or» nomli Stalin artelida 16 yil ishlab ko`p shogirdlar yetishtirishda o`z hissasini qo`shdi. Yetishib chiqqan kashtachilar o`zining san’ati va tabiatiga ko`ra go`zallik xaqidagi orzularini ifodalashga harakat qilganlar.

Kashta tikish uchun gazlama bilan, ip buyumning nimaga mo`ljallanganiga, bezakning xarakteriga va tikish usuliga muvofiq tanlanadi. Kashta tikiladigan materialga muvofiq rangdagi ip tanlash kashtado`zlikda katta ahamiyatga ega. Bu kashtado`zdan katta mahorat va did talab qiladi. Kashtada foydalaniladigan iplar rangining o`zaro muvofiqligi ham kashtaning jozibador chiqishiga sabab bo`ladi. O`tmishda turli-tuman rangdagi matolarning kamligi sababli ko`pgina bezak kashtalari bugun mato sathini kashta bilan qoplab tikilgan. Hozirda so`zana, choyshab, zardevor kabi bezak buyumlari baxmal, shoyi, satin, shuningdek turli-tuman iplar ham ko`p. Bu kashtani jozibador chiqarishda rangdan keng foydalanish imkonini

beradi. Kashtado`z kashta tikmoqchi bo`lgan kiyim shakliga, matosi rangiga qarab kashta nusxasini tanlashi kerak. Kashta iplari paxta tolasidan to`rt qavatli qilib, turli ranglarda tayyorlanadi, xira bo`ladi va 50 metrli kalava tarzida savdoga chiqariladi.

Mulina-yuqori sifatli paxta tolasidan tayyorlanadi. 12 qatli, maxsus ishlov berib sifati oshirilgan, chidamli bo`ladi. O`n yoki yigirma metrlik kalava tarzida chiqariladi. Ipak iplar-tabiiy va kimyoviy tolalardan tayyorlanadi. Pishitib-yigirilgan turli razmerdagi oq bo`yalgan bo`lib, kalava qilingan (40g li), g`altak va qog`oz patronlarga o`ralgan (50, 100, 200m uzunlikda) bo`ladi. 13-18-nomerli ipak iplar jun, zig`ir poyasidan, sun'iy tolalardan tayyorlangan iplar, mayin sim, zar ip, charmdan ensiz qilib tayyorlangan tasmalar bilan tikiladi.

Naqsh nusxasini har xil gazlamalarda har xil yo`llar bilan tushiriladi. Masalan, nusxa ko`chiradigan qog`ozlar axta yorug`lik yordamida, naqsh chizilgan qog`ozni gazlama ustidan ko`klab chiqiladi keyin bu qog`ozlar yirtib olinadi. Hamma hollarda ham oldin bezakni originaldan shaffof yoki millimetrli qog`ozga uchi yaxshi ochilgan qalamda ko`chirib olinadi. Shundan keyin uni gazlamaga o`tkaziladi.

Bezakni (naqsh) nusxa ko`chiradigan (kopirovka) yordamida ko`chirish.

Gazlamani oldin dazmollab, tekis yuza (stol, taxta) ustiga yozib qo`yiladi, bunda gazlamaning asos va arqoq iplari qiyshayib qolmasligiga qarash kerak. Naqsh (tekis chok, suv chok, ustki chok va hokazo bilan tikiladigan) chizilgan shaffof qog`ozni gazlama ustiga qo`yib, to`g`nog`ich bilan qadab qo`yiladi. Nusxa ko`chiradigan qog`ozini to`q tomonini gazlamaga qaratib shaffof qog`oz tagiga qo`yiladi, uchi yaxshi ochilgan qalam bilan bezak ustidan chizib chiqiladi. Turli rangdagi nusxa ko`chiradigan qog`ozlar bo`lgani ma'qul, shunda och rangdagi gazlamaga to`q rangli (qora, ko`k, yashil), to`q rangli gazlamaga och rangli (oq, sariq) nusxa ko`chiradigan qog`oz ishlatiladi. Bezakni ko`chirib bo`lingach nusxa kopirovka) qog`ozi olinib, bir tomondagi to`g`nog`ichlar chiqariladi va bezagi tekshiriladi. Shundan keyingina shaffof (kal'ka) qog`oz olib tashlanadi. Naqshni nusxa ko`chiradigan qog`oz bilan ko`chirishda bezakning chiziqlari qalin bo`lmasligini yodda tutish

kerak, aks holda kashta tikayotganda gazlama va ip kir bo`lib qoladi. Shuning uchun ishlatiladigan kopirovka qog`ozidan foydalanish yaxshiroq, yangisini esa ishlatishdan oldin quruq paxta yoki latta bilan artish kerak.

Yupqa shaffof gazlamalarga kashta gulni gazlama tagidan yoritish yo`li bilan ko`chirish mumkin. Tagiga lampa qo`yilgan oyna ustiga yaxshi ko`rinadigan kashta gulni qo`yib,uning ustiga yaxshi tortilgan chambarakga (kergiga) o`rnatilgan gazlama qo`yiladi. Gazlama tagida ko`rinib turgan kashta gulni uchi yaxshi ochilgan qalam bilan gazlamaga chizib olinadi.

Movut baxmal va yaltiroq gazlamalar ustiga kashta gulni shaffof qog`oz ustidan ko`klash yo`li bilan ko`chiriladi. Buning uchun bezakni shaffof qog`ozga ko`chirib olib, uni gazlama ustiga qo`yiladigan, butun chizig`i bo`ylab mayda zich qaviqlar bilan ninani oldinga yo`naltirib tikib chiqiladi. Keyin qog`oz yirtib tashlanadi.

Bezakni axta (andaza, ulgi) yordamida ko`chirish. Axta naqsh yoki biror rasmni shaffof (kal'ka) qog`ozga chizib, chiziq yo`llarini igna bilan teshib, buyum yuziga tushirish uchun tayyorlangan andoza.

Axtani tayyorlash uchun shaffof (xitoy) qog`ozga naqsh kompozitsiyaga moslab simmetriya o`qi bo`yicha qog`ozni ikkiga, to`rtga va hokazo buklanadi. Buklamaning bir qismiga naqsh chiziladi.

Naqshli shaffof qog`ozni yumshoq gazlama yoki bir necha qavat gazeta qog`ozi ustiga qo`yib, naqsh chiziqlari ustidan 2-3 mm oraliqda igna bilan teshib chiqiladi. Naqsh nusxasi igna bilan teshib bo`lingandan keyin, shaffof qog`oz yopib yuboriladi, natijada axta hosil bo`ladi. Tayyor bo`lgan axtani ish yuzasiga qo`yib, ustidan xoka urib va bosib yurgazib chiqiladi. Geometrik shakldagi bezakni teshma ko`chirishda uning kataklari vertikal va gorizontal chiziqlar kesishgan nuqtalarda teshib hosil qilinadi.

Kashta gul chizilgan shaffof qog`ozni kerosinlangan latta bilan artib, toza tomonini gazlamaga qaratib qo`yiladi-da, bir necha joyidan to`g`naladi. Movut yoki paxmog`ning (ochroq bo`lgani yaxshi) yoki paxtaning ustiga doka o`rab tampon qilinadi. To`q rangdagi gazlamaga bezakni ko`chirish uchun xokani bo`r yoki tish poroshogi aralashgan kerosinda ho`llab olinadi.

Shu maqsadda hech narsa bilan aralashmagan tish pastasini ishlatish ham mumkin. Teshib ko`chirishda kashta gulning gazlamasidagi tasviri aniqroq, buzilmay chiqadi, bu ayniqsa kashta gulning bitta bo`lagini bir necha marta tikish kerak bo`lganda, mehnatni osonlashtiradi va tezlashtiradi. Andozalarni bir necha marta ishlatish mumkin. Bu axtalar (andoza) alohida paketda saqlangani tuzik. Naqsh chizilgan gazlama parchasiga tikiladigan, uni dumaloq chambarakka tortish qiyin bo`lsa, bu gazlama parchasining chetlariga ish tugagandan keyin so`kib tashlanadigan, hohlagan boshqa gazlama parchasini ulab qo`yish mumkin.

Matoda gullarning o`rni-o`rnini topib qo`yish, xususan buyumlardagi gullarni joylashtirib chizish g`oyatda murakkab va mas'uliyat talab ishdir. Kashtado`zlik san'atida nushasi va chizmakash hunari ustalarining o`rni beqiyos. Chevar har qancha mohir bo`lmasin, naqshlarni nushasi, chizmakashlar asosan atroflicha o`ylab ko`rib, o`z kasb-hunarlarining an'analari va spetsifik xususiyatlari asosida chizib beradilar.

Ba'zan kashta tikish uchun tanlangan bezak mo`ljallangan buyum kattaligiga to`g`ri kelmay, uni kattalashtirish yoki kichiklashtirish kerak bo`ladi. Buning uchun bezak ustiga ixtiyoriy kattalikdagi o`zaro teng kvadratlardan chiziladi. Bunda kvadratlar qancha mayda bo`lsa, bezakning nuqtalari shunchalik aniq ko`chiriladi va nusxasi ham oson chiziladi.

Millimetrni qog`oz yoki toza qog`ozga buyum kattaligidagi to`g`ri to`rtburchak chizib, bezakdagi kvadratlar soni qancha bo`lsa, shuncha kvadratlarga bo`linadi. Agar bezak gulni kattalashtirayotgan bo`lsa, bu kataklar originaldagi kataklardan katta bo`lib, rasm guli kichiklashayotgan bo`lsa, bu kataklar originaldagidan kichik bo`lib chiqadi. Shundan keyin kataklar bo`yicha originaldagi kashta gulning asosiy nuqtalari toza to`rga ko`chiriladi. Bu nuqtalarni ravon chiziq bilan ehtiyotlab birlashtirib bezakning kattalashtirilgan yoki kichiklashtirilgan nusxasi hosil bo`ladi. Rasm nuqtalarini oson topish uchun chizilgan to`rning ikki tomoniga raqamlar qo`yiladi.

O`rta Osiyoda kashtachilik juda keng tarqalgan bo`lib, oilada har bir ayol kashta tikishni bilishi kerak bo`lgan. Shuning uchun har bir oila o`zi uchun buyumlarni o`zi tayyorlagan. Bezak buyumlarining turi juda ko`p, masalan, so`zana, kirpich, choyshab, choy xalta,

zardevor, palak, gulko`rpa, dorpech, parda, belbog`, do`ppi, ko`ylak, dastro`mol, hamyon, joynomoz, sumka, nimcha va boshqalar badiiy did bilan bezatiladigan bezak buyum turlari bilan tanishib chiqamiz.

Palak-devorlarga ilinadigan eng yirik, eng qimmat bezak buyumlaridan biri. Palakda osmon va to`lin oy aks ettiriladi. Uni qadimda oq yoki malla bo`zga kashta tikib tayyorlangan. U so`zanadan gullarning yirikligi, zaminining ham kashta qoplanishi bilan farq qiladi.

Palakni o`rtasida yirik oy tasviri qizil qirmizi, pushti ipak bilan kashtalanadi va atrofiga juda chiroyli qilib o`simliksimon naqshlar tikiladi. Naqshlar ichida ko`pincha bodom, qalampir elementlari qo`llaniladi. Palakda qirqtacha oy ham tasvirlash mumkin, shuning uchun oyini soniga qarab olti oyli palak, o`n ikki oylik palak, hattoki katta uylar uchun qirq oyli palaka tikilgani bizga ma'lum. Oylar turli ranglar bilan bir necha xil tasvirlangan.

Shu o'rinda Surxon vohasida tikilib kelayotgan kashtalar o'zinig takrorlanmas jiloli ranglari,naqshlari bilan ajralib turadi.Kashta tikish jarayonida nafaqat go'zallik dunyosiga sayohat qilgandi,balki, insonlarni sabr-toqatli bo'lishga undaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Axmedova A.S., Ismatullayeva M.Z. Xalq hunarmandchiligi. -T.: «Iqtisod-Moliya» 2008. -292 b.

2. Bulatov S. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati.-T.: «Меҳнат» 1991.-382 b.

ФОЛЬКЛОР БОСИБ ЎТГАН ТАРИХИЙ ЙЎЛ ВА БУГУНГИ ЎРНИ

Насруллаева Насиба Рустам кизи
Термиз давлат университетининг Педагогика институти мусиқий таълим йўналиши 1-курс магистранти

Анотатция: ушбу мақолада фольклор босиб ўтган тарихий йўл, халқ оғзаки ижоди намуналари, фольклордан ўсиб чиққан санъат турлари ҳамда инсон маънавий қиёфасининг шакллани-

шида муҳим восита ҳисобланган бадиий адабиёт ва сўз санъати, тараққиёт босқичлари, бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: фольклор, санъат, алплик босқичлари, миф, маънавий қиёфа, комил инсон.

Лотин Америкалик улуғ адиблардан бири Хорхе Луис Борхес: “Адабиёт миф билан бошланиб, миф билан тугайди”, – дейди. Бошқачароқ айтганда, ҳар қайси санъатнинг, шу жумладан, бадиий сўз санъатининг ҳам ибтидоси фольклор билан бошланган, фольклор билан бирга тараққий этмоқда, келажакда ҳам фольлор билан эгиз одимлайди.

Одам Ато фарзандлари қадимдан атроф муҳитда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириб келган. Яъни, турли хатти-ҳаракатлар, овозлар, эҳтиролар воситасида табиатга тақлидини амалга оширган. Тақлидлар тараққийлашиб ҳис-туйғуларни сўзлар, сўз йиғиндиси, рақслар кўринишида ифодалана бошланган. Кейинроқ эса одамлар ижодкорга айланиб, дунёнинг, табиатнинг, ҳайвонлар, ўсимликлар, қушлар, тоғу тошлар, сувларнинг пайдо бўлиши, яратилишини изоҳловчи турли мавзудаги тўқима ҳикоялар ўйлаб топдилар. Йигит ва қиз – ошиқ ва маъшуқнинг муҳаббатини изоҳловчи илк ва мангу қўшиқларини тўқиб чиқарди. Жамиятнинг биринчи белгилари шаклланган қабила ва уруғларнинг “фуқаролари” мард ва жасур йигитлари ҳақида, уларнинг ғаройиб қаҳрамонликлари ҳақида афсона ва ривоятлар дунёга келди. Буган санъатнинг турфа кўриниши сифатида ривожланиб, инсонлар маънавий ва маданий бойлигига хизмат қилиш учун майдонда бўй кўрсатаётган инсон тафаккур маҳсулларининг барчаси ҳали ёзув маданияти вужудга келмасдан бурун инсонлар жамоа-жамоа бўлиб яшаётган кезларда пайдо бўлган ва аҳоли ўртасида шуҳрат қозонган. Бугунги кунда биз уларни умумий ном билан фольклор ёхуд “халқ оғзаки ижоди” деб атаймиз.

Алп Эртўнга, Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби миллатнинг қаҳрамон фарзандлари феъл-атворидаги ботирлик, матонат, ватанпарварлик, садоқат хислатлари ота-боболаримизнинг келажак авлод тарбияси учун айтган панд-насиҳатларига, ўгитларига сингдирилади. Мақол,

қўшиқ, эртак, достон, болаларга бағишланган асарлар ва бошқа жанрлар сўз ёрдамида халқимизнинг урф-одатлари, миллий фазилатларини бойитиб келади. Адабиётда янги оқим ап жанрлар сони ортгани сайин, фольклор бадиий адабиётнинг ўқ илдизини ташкил қилмоқда. Демак, халқ оғзаки ижодини миллий қадриятлар бешиги деб атасак, бўлади.

Халқ оғзаки ижоди илмий номи фольклордир. Мазкур атамани инглиз олими Уильям Томс 1846 йилда таклиф қилган. "Фольклор" сўзининг маъноси эса олим томонидан "халқ донолиги" дея изоҳланади. Аслида ҳам, илм-фан том маънода ривожланган XXI аср инсонлари фольклор деганда, халқ томонидан яратилган ҳамма санъат намуналари тушунмоқдалар. Бугун меъморлик, наққошлик, ганчкорлик, рассомлик, зардўзлик, мусиқа, рақс, театр, оғзаки адабиёт намуналари каби санъат турлари келтирилган рўйхатнинг ҳаммаси фольклор деб тушуниш қабул қилинган. Юқорида санаб ўтилган санъат турларининг исталган соҳасида иш олиб бораётган мутахассис ўзи танлаган турни "фольклор" деб атайверади.

Сўз санъати сирларини ўрганувчи соҳада иш юритувчи мутахассислар мақол, топишмоқ, лоф, аския, латифа, қўшиқ, эртак, достонларни фольклор намунаси сифатида қоғозга туширади, таҳлил қилиб, шу намуналар устида илмий фаолият олиб борадилар. "Фольклор" деганда онгимизга ўз-ўзидан халқ оғзаки ижоди деган тушунча келади. Халқ оғзаки ижодини ўрганувчи олимларни эса фольклоршунослар деб атаймиз.

Шу ўринда, мусиқачи халқ куйларини, хореограф халқ рақсларини, архитектор халқ меъморчилигини, фольклоршунос олим халқ достонлари, эртакларини фольклор асари деб ҳисоблайди.

Инсон психологияси ва маънавий қиёфасини шаклантиришда катта қурол, дастакка айланган бадиий адабиёт халқ оғзаки ижодидан бошланади ва адабиёт тарихининг биринчи қисмини фольклор ташкил қилади. Ўқувчи маълум миллатгагина тегишли ёки жаҳон фольклори намуналари билан танишар экан, бу жараёнда ҳаётнинг минг йилдан бери ўзгармаётган ҳақиқатлари, муаммолари одамият ибтидосида пайдо бўлган ривоятлар, афсоналар, достонлар қатида жо бўлганини ҳис қилади.

Юнонлар “Одиссей”, “Илиада”, ҳиндлар “Маҳабхарата”, “Рамаяна”, қозоқлар “Алип Манас”, турклар “Дада Қўркут”, ўзбеклар “Алпоми” достонлари воситасида доим комил инсон ғоясини илгари сурган. Алпликнинг белгилари, босиб ўтган йўллари комил шахснинг даъвосидаги синовлар ўлароқ замонга масланиб майдонга келган.

Фольклорнинг ёзма адабиётга, у орқали инсонлар ҳаётига, маънавий оламига таъсири Алишер Навоий замонида қандай аҳамият касб этган бўлса, инсонлар Марсдан ер сотиб олаётган бугунги кунда ҳам худди шундай аҳамиятга эга. Комил инсон ғояларини илгари сурган мутафаккир Алишер Навоийнинг барча асарларида фольклорга ижодий ёндошувни, миллийликка асосланиб, умумбашарий қадриятлар шарафланганини кўрамиз. Бу анъана Навоий, Бобур замонидан бошлаб, жадидлар давридан то бугунги кунда адабиёт майдонида от сураётган ижодкорларимизгача, замондош шоирларимиз изланишларигача қайсидир даражаларда давом этиб келяпти. жаҳон адабиётида ҳам, айниқса, сўнгги юз йилликда фольклорга қайтиш яққол кўзга ташланади. Жойс, Борхес, Маркес, Кафка, Кавабата каби адиблар ижодини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Миф, эртак ва афсоналардаги учар гиламлар, очил дастурхонлар, ғор оҳзидаги сирли сўзлар, етти иқлимни кўрсатувчи оинаи жаҳонлар учоқ, меню, код, телевизор кўринишида ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Демак, ҳар қандай санъатнинг боши фольклорда деган пурмаъно гап кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ. У узоқ йиллик ҳаётий кузатишлар, илмий тажрибалар, амалий мисолларнинг ҳосиласи. Иккиланишларсиз айтиш мумкинки, тасвирий, ҳунармандчилик, мусиқа, рақс, бадиий ва ҳоказо санъатларнинг аввали-боши, юзага келиши бевосита халқ оғзаки ижодига, халқнинг илк тасаввур ва ишончларига бориб тақалади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фольклор барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хослиги билан ажралиб турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусиқа, рақс, ҳунармандчилик, тасвирий, бадиий ва бошқа санъатлар билан боғлиқ тасаввурларни

қамраб олади. Ҳар бир халқнинг халқ оғзаки ижод намуналари ўзи мансуб халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида ифода этувчи, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Фольклор инсоният билан ҳамнафас, асрлар оша яшайверади.

ФОЙДАЛАНИЛАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тилегенов А.Т. Халқ достонлари воситасида ўсмирларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш (“Алпомиш” достони мисолида): Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 1998.
2. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Т.: Фан, 1991.
3. Шарофиддинов О. Маънавий камолот йўлларида. – Т.: Маънавият, 2001.
4. Матлуба Муродова. Фольклор ва этнография. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006. http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qo`llanmalar

ETNOGRAFIYANING FAN SIFATIDA TUTGAN O’RNI, BOSHQA SOHALARGA VA XALQNING SHAKLLANISHIDAGI O’RNI

IIV Surxondaryo akademik litseyi o’qituvchisi,Termiz davlat universiteti magistranti To’xliyeva Madina Soatmurod qizi;
IIV Surxondaryo akademik litseyi o’qituvchisi Boysariyeva Manzura Yangiboy qizi;
Surxondaryo viloyati Jarqo’rg’on tumani 32-umumtalim maktabi o’qituvchisi Almardonova Gulchehra Ergash qizi

ANNOTATSIYA

Ushbumaqoladaetnografiyaningkelibchiqishi,etnografizmlarning tarixiy va ijtimoiy ahamiyati hamda boshqa fanlarga, xususan, etnolingvistika, etnomadaniyat, xalq og’zaki ijodiga ko’rsatgan ta’siri kabi jihatlar ochib berildi.

ANMERKUNG

Dieser Artikel zeigt die Ursprünge der Ethnographie, die

historische und gesellschaftliche Bedeutung der Ethnographie und ihre Auswirkungen auf andere Disziplinen, insbesondere Ethnolinguistik, Ethnokultur und Folklore.

KALIT SO'ZLAR

Etnografiya, etnolingvistika, etnomadaniyat, etnopsixologiya, etnos, etnik birlik, omonastika, antropologiya, folklor

SCHLUSSELWORTER

Ethnographie, Ethnolinguistik, Ethnokultur, Ethnopsychologie, Ethnos, ethnische Einheit, Homonystik, Anthropologie, Folklore

O‘tmishdagi milliy madaniyatimizning shakllanib, ma’lum darajada taraqqiy etib kelganligini mukammal o‘rganmay turib, hozirgi kunimizda mustaqillik madaniyatimizni taraqqiy ettirib bo‘lmasligini chuqur his etmog‘imiz darkor. Tarix - ijtimoiy hayot hamda inson tafakkuri mahsulidir. Shunday ekan o‘tmishda yuz bergan har bir hodisa ma’lum ma’naviy-ruhiy, ijtimoiy-siyosiy muhit ta’sirida yuz berganligini ko‘ramiz.

O’z navbatida etnografiya fani etnomadaniyatning shakllanishi zamin hozirladi. Etnomodaniyat fani yuqorida dasturulamal sifatida qo‘yilgan ulkan vazifalarni bajarishga qaratilgan. Bu fan asoslarini insonshunoslik fanlariga tayangan holda o‘rganamiz. Yoshlarning umuminsoniy dunyoqarashlarini shakllantirish, ma’naviy-ma’rifiy faoliyatlarini yuzaga chiqarish kabi omillarni ilmiy jihatdan tadbiq etib, yoshlarni Istiqlol g‘oyalari asosida tarbiyalash vazifasi yotadi.

Demak, Etnomadaniyat fani asoslariga kirish uchun biz xalqimizning uzoq o‘tmish tarixiga e’tibor berishimiz zaruratdir. Etnomadaniyat atamasi ikki iboradan tashkil bo‘lib: etno va madaniyat so‘zlari qo‘shilmasidir. Etno – yunon so‘zi elat, xalq demakdir va shu bilan birga, ma’lum bir elat yoki xalqqa bo‘lgan ishora, ko‘rsatuv. Bu ibora biror xalqning kelib chiqishi (etnogenez) ni ifodalaydi. Bunday tarzda biz o‘zbek xalqining kelib chiqishi, uning etnogenezi (urug‘chilik, nasl) ni tushunishimiz kerak. Shu bilan bir vaqtda etno iborasi ko‘pchilik ilmiy -nazariy manbaalarda: Etnografiya – xalqlarning kelib chiqishi, turmushi, moddiy va ma’naviy madaniyatini o‘rganadigan fan sifatida bo‘lib biror xalqning turmushi, madaniyati va urf-odatlariga xos bo‘lgan xususiyatlarini ham ko‘rsatadi. Etnonim tushunchasi ham mavjud, bu xalq nomi yoki xalq nomini ifodalovchi so‘z sifatidagi atamadir.

Bu so‘zni yanada mukammallashtirish maqsadida Etnonimka iborasi ham ishlatilib leksikologiyaning xalq, qabila hamda urug‘chilik nomlarini o‘rganishga qaratilgan bo‘limiga aytiladi. Etnograf iborasini ham biz kundalik o‘quv jarayonida qo‘llaymiz va bu iborada biz etnografiya fani bo‘yicha faoliyat ko‘rsatadigan mutaxassisni tushunamiz. Shunday qilib, biz yuqoridagi ta’riflarga qaritilgan barcha ilmiy- tarixiy asoslarga tayangan holda etnomadaniyat fani asoslarini quyidagicha izohlaymiz. Etnomadaniyat biror xalqning kelib chiqishi (bu borada o‘zbek xalqi), uning madaniyati, turmush tarzi, ma’naviy-ma’rifiy xususiyatlarini tarixiy jarayon (davr) larda ravnaq topib hozirgi kunimizgacha rivojlanib kelayotgan ma’naviy hamda madaniy merosini o‘rganadigan fandir.

Binobarin, fanni to‘laligicha o‘zlashtirish, uning nazariy va tarixiy-ilmiy asoslarini izohlash uchun bu fanni bilim tizimi ekanligini o‘rganib chiqishni taqozo etadi. Vaholanki, bu fanni o‘rganib unga izoh berilganda uning madaniy tarixiy jarayon mazmuni, tarixiy takomili va ashyo-yu dalillari, nazariy hamda amaliy (hayotiyligi nuqtai nazaridan) qonuniyati va uslublari asosida taraqqiy etishi, ijtimoiy-moddiy, ma’naviy-ma’rifiy salohiyati, milliy etnik genezi munosabatlaridagi o‘rni, madaniy aloqalar hamda umumbashariy va umuminsoniy qadriyatlardagi xususiyati, ijtimoiy taraqqiyotdagi o‘rni kabi serqirra tomonlariga asosiy e’tibor qaratiladi.

Etnomadaniyat fani bilimlar tizimi ekanligini har tomonlama isbotlash uchun quyidagi masalalarni yoritishni taqozo etadi:

Etnomadaniyat fani gumanitar fanlar bilan uzviy aloqadadir. U falsafa, etika, estetika, sotsiologiya, tarix, psixologiya, etnografiya, folklor, musiqa, tasviriy san’at, arxitektura, dinshunoslik, pedagogika hamda adabiyotshunoslik kabi fan asoslari bilan hamkorlikda olib boriladi.

Har bir xalqning madaniyati uning milliy ma’naviyati hamda ma’rifati bilan uzviy bog‘langan. Mustaqil davlatimizning bugungi kundagi ma’naviy-madaniy taraqqiyoti islohotlar davrida qo‘lga kiritilgan yutuqlarimizning garovidir. Vaholanki, biz bu tarixiy ma’naviy va madaniy yutuqlarni har tomonlama tadqiq va tashviq etish uchun yetarlicha shart-sharoit va imkoniyatlarga egamiz. Madaniyat iborasi arabcha Madina (shahar, kent) so‘zidan kelib chiqqan ekan. Shahar ma’nosida kelgan madaniyat so‘zining talqini

kishilar hayotini ikki turdagi ko‘rinishi, ya’ni ko‘chmanchi – dasht-u sahrolarda yashovchi xalqlar hamda shaharda yashab, shaharga xos turmush tarzida yashovchi xalqlarga nisbatan ishlatilib kelingan.

Xalq turmush tarzi va ma’naviyatining tarkibiy qismini uning azaliy udumlari, urf-odatlari, marosim-u an’analari tashkil qiladi. Bu esa shu xalqning ma’naviyati nechog‘lik shakllanganligini, uzoq o‘tmishga ega ekanligini bildiradi. O‘zbek xalqi ana shunday boy ma’naviyatli xalqlardan hisoblanadi.

Urf-odat – kishilarning turmushiga singib ketgan, ma’lum muddatda takrorlanib turuvchi xatti-harakat, ko‘pchilik tomonidan qabul qilingan xulq-atvor qoidalari, ko‘nikmasidir. Masalan, kichiklarning kattalarga salom berishi, uy-hovlini tartibga keltirib qo‘yish, mehmonlarga alohida hurmat ko‘rsatish, bayram arafasida keksa, qariyalar, kasal, ojiz, qiynalgan kishilar holidan xabar olish qo‘ni-qo‘shnilarning biror ishiga yordam berish, hasharga borish kabilar o‘zbek xalqiga xos yaxshi odatlar hisoblanadi. “Odat” degan tushuncha psixologiyada ham mavjud bo‘lib, u ma’lum sharoit ta’sirida vujudga kelib, kishining fe’l-atvorida mustahkamlanib qolgan va keyinchalik o‘z-o‘zidan beixtiyor bajariladigan harakat ma’nosini bildiradi.

An’ana ijtimoiy hayot, mehnat, madaniyatning barcha sohalariga xos hodisa sifatida juda keng doirani qamrab oladi. Muayyan bir jamoaning turmush tarzi, xatti-harakati, xulq-atvori, muloqoti va oilaviy munosabatlarida namoyon bo‘ladi.

Marosim – inson hayotidagi muhim voqealarni nishonlashga qaratilgan, rasmiy va ruhiy ko‘tarinkilik vaziyatda o‘tadigan, umum qabul qilingan tartib-qoidalarga amal qilinadigan etnografizm sanaladi.

Masalan, ism qo‘yish, chaqaloqni beshikka belash, nikohdan o‘tish, dafn qilish, xotirlash, ekishga kirishish (urug‘ qadash), o‘rishga kirishish, Navro‘z ayyomi kunlari ko‘pchilik bo‘lib sumalak taomini tayyorlash marosimlaridir.

Odat kundalik hayotda doimo kuzatilsa, marosim esa inson hayotidagi muhim hodisalar sodir bo‘lganida vujudga keladi. Marosim kishilar hayotidagi eng muhim voqealarni tug‘ilish, uylanish, o‘lim kabilarini qayd etadi, rasmiylashtiradi. Marosimlarni o‘tkazishda avloddan avlodga o‘tadigan, ramziy va rasmiy an’analar,

qoidalarga amal qilinadi.

Marosimga bo‘layotgan voqeaga “guvoh” sifatida odamlar chaqiriladi. Odamlar kimningdir g‘ami yoki quvonchiga sherik bo‘lishadi, kelajak uchun yaxshi niyatlar qilishadi. Har bir marosimning o‘ziga xos umum qabul qilingan tuzilishi (boshlanishi, o‘rtasi, oxiri) bo‘ladi. Inson hayotida bo‘lib o‘tayotgan muhim voqeani nishonlash jrayonida an’ana ham, odat ham, marosim ham mujassamlashadi.

“An’ana”, “odat”, “marosim” bir-biri bilan bevosita bog‘liq hodisa hisoblanadi. Shu bois an’analarning tarkibiy qismi odat, odatning tarkibiy qismi esa marosim ham bo‘lishi mumkin. Bular o’z navbatida etnografizmning bir ko’rinishidir.

Ba’zi holatlarda “an’ana”, “odat” va “marosim” tushunchalari alohida ishlatilsa, ular mavhum ma’noni anglatishi ham mumkin. Bunday paytda ularga aniqlovchi so‘zlar qo‘shilib, masalan, “an’anaviy bayram”, “an’anaviy festival”, “an’anaviy kecha” yoki “mukofotlash marosimi”, “to‘y marosimi”, “nafaqaga kuzatish marosimi” tarzida qo‘llaniladi. “Marosim” so‘zi jamoatchilik ishtirokida o‘tkaziladigan katta tadbir ma’nosini bildiradi. Oilaviy urf-odatlar oila paydo bo‘lishi bilan vujudga kelgan. Shu bilan birga o‘zgargan, rivoj topgan. Taraqqiyot, zamon talabiga javob bergan urf-odat yanada kuchayib zamonga qarab rivojlanib bormoqda.

O‘zbek xalqining oilaviy marosimlari ham tarixiy zaruriyat asosida vujudga kelgan va zamon chig‘iriqlaridan o‘tib, muhim ma’naviy qadriyat sifatida ravnaq topgan.

Urf-odatlarimizga aylanib qolgan chaqaloqni beshikka solish kabi marosimlarimiz mavjud. Urflarimizga aylanib qolgan beshik to‘yini yoritar ekanmiz, beshik to‘yi qadim zamonlardan har bir oilada o‘tkazilib kelingani tufayli bu marosim xalq madaniy hayotining ajralmas qismiga aylanib qolgan.

Urf-odatlar, marosimlar, an’analar o‘zining betakror tabiati bilan yoshlarning ma’naviy dunyosiga katta ta’sir etadi, ularning badiiy va axloqiy madaniyatini shakllantirishga, milliy g‘urur va vatanparvarlik tarbiyasini amalga oshirishga, ijodiy mahorat, nafosat va badiiy didini o‘stirishga, fikr doirasini kengaytirishga, mustaqillik va tashabbuskorlikni tarbiyalashga xizmat qiladi.

Har bir davrning, har bir xalqning ijtimoiy–iqtisodiy, tabiiy-

geografik sharoitiga xos bo‘lgan va uni o‘zida aks ettiradigan urf-odat va an’analari bo‘ladi. Odamzod ongli hayot kechira boshlagandan buyon vujudga kelgan urf-odat-u marosimlar, udum va an’analarni hisoblab chiqish qiyin. Ular xalq hayotining ma’naviy etnografiyasida muhim o‘rin tutadi.

Milliy urf-odat va an’analarda butun bir xalqning ijtimoiy ehtiyojlari, axloq normalari, manfaatlari, amaliy tajribalari va tarixiy yashash sharoitlari o‘ziga xos ravishda mujassamlangan bo‘ladi. Ular xalqning faoliyati jarayonida tug‘iladi, har bir xalq butun tarixi davomida yashash sharoitining xarakteri va xususiyatlaridan kelib chiqqan holda kishilar o‘rtasidagi munosabatlarning ma’lum normada yo‘l- yo‘riqlarini yaratadi. Bu norma va yo‘l-yo‘riqlar avloddan avlodga o‘tish bilan takrorlanib, urf-odatlar va an’analarga aylanib qoladi.

An’analar ijtimoiy hayotning hamma sohalarida mavjud bo‘lish bilan birgalikda, yana kelib chiqish jarayonini ham qamrab oladi. An’anada kishilarning narsa va buyumlarga, tabiatga bo‘lgan munosabatlari ifodalanadi. Xalqimizda mavjud bo‘lgan mehmondo‘stlikni olib qaraydigan bo‘lsak, mehmondo‘stlik u yoki bu darajada har bir xalq va millatga xos bo‘lgan xususiyatdir. Lekin bu narsa yuqorida ko‘rib o‘tganimizdek, o‘ziga xos ijtimoiy-tarixiy shart-sharoitlar ta’siri ostida, oilaviy-maishiy hayotdagi munosabatlar natijasida o‘zbek xalqida o‘ziga xos bir yo‘sinda namoyon bo‘ladiki, bu o‘zbek xalqining milliy xususiyatiga, milliy an’anasiga aylanib qolgan. Mana shu mehmondo‘stlik an’anasi bir necha urf-odatlar, udumlar orqali to‘la namoyon bo‘ladi. Chunonchi, o‘zbek oilalarida mehmon har doim ochiq chehra va shirin kalom bilan kutib olinadi. Xonadondagi eng noyob narsalar mehmon oldiga qo‘yiladi. Mehmonni qadr-qiymati o‘ta yuqori qadrlanadi.

Endi udum va marosimlarga kelsak, ular kuchli psixologik va hissiy ta’sir etish kuchiga ega bo‘lib, shular yordamida urf-odat va an’analar bevosita yuzaga chiqadi. Udum u yoki bu urf-odat va an’ananing bajarish vaqtida amal qilinadigan tartib va qoidalar. Marosim esa, udumni ko‘z-ko‘z qilib turadigan tashqi bezagi tasviri, ya’ni bajarilishi jarayonidir.

Millatimizning asriy an’ana va urf-odatlarisiz, milliy mafkurani shakllantirish mumkin emas. Bunda G‘arb xalqlari uchun notanish,

ammo milliy tabiatimizga xos bo‘lgan o‘z-o‘zini boshqaruv usuli mahallani rivojlantirish hamda uning mavqeyini oshirish muhimdir. Jamiyat hayotida totuvlik va ijtimoiy tarbiyani tashkil qilishda mahallaning ahamiyati beqiyosdir. Bu haqda olim Ibrohimov A. “Odam-odamlarga suyanib, orqa qilib yashaydi. Odam-odamlardan odamiylikni o‘rganadi. Bu xalqimizning falsafiy mushohadalaridandir. Bir so‘z bilan aytganda, biz asta yig‘lab, baralla kuladigan xalqmiz. O‘zbek mahallalarida inson shunday ta’lim-tarbiya oladi” deydi.

Xulosa o’rnida aytishimiz mumkinki, etnografiya xalqning xalq bo’lib shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning bilan birga har bir davr o‘zining udum va marosimlarini, urf-odatlar va an’analarini yaratadi. Yangi vujudga kelayotgan urf-odatlar o‘z-o‘zidan, quruq yerda paydo bo‘lmasdan, asosan, ilgari mavjud bo‘lgan ilg‘or an’analar o‘zgartiriladi va yangilari paydo bo‘ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. Qurbonazarova N. Surxondaryo arealidagi to’y marosimi etnografizmlarining leksik-semantik tabiati va lingvokulturologik tadqiqi. Toshkent – 2019;
2. N.Mirzayev. O’zbek tili etnografizmlarining izohli lug’ati. Toshkent – 1991;
3. Qahhorova M. O’zbek tili etnografizmlarining system tadqiqi. Nomzodlik diss. Toshkent – 2009;
4. Jabborov I. O’zbekxalqi etnografiyasi. Toshkent - 1994;
5. Shoniyozov K. O’zbekxalqining shakllanish jarayoni.T.oshkent - 2001;
6. Doniyorov A. X. O’zbekiston etnografiyasi tarixidan ayrim lavhalar.Toshkent - 2003;
7. Internet tamoqlari.

PALOV SO'ZINING ETIMOLOGIYASI VA SEMANTIK IFODAVIY BELGILI SO'ZLAR

Boymurodova Feruza Erkinjon qizi
Termiz davlat universiteti, Xorijiy filologiya fakulteti
Lingvistika (ingliz tili) mutaxassisligi, 1-kurs magistranti

XX asrda o'zbek oshxonasida sezilarli o'zgarishlarga duch kelindi. O'zbek madaniyatida pazandalikka va ayniqsa, bayramona oshpazlikka katta ahamiyat berildi. O'zbeklarning «milliy ishtiyoqi», bu xalqning milliy gastronomik san'ati, globallashuvning so'nggi o'n yilliklarida gastronomik brendga aylangan palov keng tarqalib, xalqning «tashrif kartasi», hurmatli an'ana va madaniyatining ajralmas qismiga aylandi. "YUNESKO" ning 2016-yilning 28-noyabridan 2-dekabrigacha Addis-Abeba (Efiopiya) shahrida bo'lib o'tgan navbatdagi majlisida o'zbek milliy taomi hisoblangan palov "YUNESKO" ning nomoddiy madaniy meroslar ro'yxatiga kiritildi[1]. Toshkentda bo'lib o'tgan an'anaviy madaniyat festivalida rekord darajadagi osh tayyorlandi. 50 dan ziyod oshpaz diametri 4,2 metr bo'lgan qozonda besh soat ichida 7 ming 360 kilogrammlik palov tayyorlandi[2].

Surxon vohasida ham dunyoda eng katta palov tayyorlash bo'yicha rekord o'rnatildi. Denov tumanida 2018 yil 14 yanvarь kuni qariyb 9 tonna vaznga ega palov tayyorlandi. Palov - mamlakat madaniyatining o'ziga xos ramziga aylandi. Har yili 20-oktyabrda «Xalqaro oshpazlar kuni» ning nishonlanib borishi haqiqiy mahorat egalari oshpazlar uchun berilgan katta e'tirof bo'ldi[3].

Palov so'zining etimologiyasi haqida to'xtaladigan bo'lsak, bu so'z sanskritcha bo'lib, boshqa guruchli taomlar singari Hindistonning gastronomiya an'analariga borib taqalishi haqida ma'lumotlar borligini aytib o'tish mumkin[4]. Guruch Sharqiy Osiyoda xonakilashtirilgan ekin hisoblanib, guruchdan *biryani, pulau, mandi, kabsa* va boshqa bir-biriga o'xshash taomlar tayyorlangan

[1] Палов "ЮНЕСКО"нинг номоддий маданий мероslар рўйхатига киритилди / http://www.uzdaily.uz/

[2] Тошкент, 18 май. /"Дунё" АА/.

[3] https://t.me/gastrotourism_uz

[4] Этимология / https://t.me/AsanovEldar

hamda G’arb tomon tarqalib, turli variatsiyalarda qayta ishlangan va turli shaklda madaniyatlarga kirib qolgan. Guruchli taomlar dastavval Xitoy va Hindiston, keyinchalik ularning orasidagi Hindi-Xitoyda tarqalgan bo’lib, O’rta Osiyo, Eron, Yaqin Sharq va Old Osiyoga yoyilishi arab xalifaligi bilan bog’liq. Oldin ham oldi-sotdi bo’lib, guruch bu o’lkalarga tanish bo’lgan. Lekin musulmon imperiyasining rivojlanishi global savdo-sotiqni keltirib chiqardi. Guruchli taomlarning ko’pchiligi forscha “palav” deb atalardi. O’z navbatida, bu so’z fors tiliga hindchadan kirib kelib — *palāu,* sanskritcha *pulāka* — “guruch” so’ziga borib taqaladi[1]. “Palov” so’zi adabiy tilga qabul qilingan bo’lsa ham, so’zlashuvda uning o’rniga asosan “osh” so’zi ishlatiladi. “Osh” so’zi, bilamizki, dastlab, umuman “taom” ma’nosini anglatgan (hozir ham ba’zi o’rinlarda anglatadi), keyinchalik uning ma’nosi torayib, “palov”ni anglatadigan bo’lgan (bu ham palov qay darajada keng tarqalgan ovqat bo’lganini ko’rsatadi).

Osh – V-X asrlarga oid qadimgi turkiy qo’lyozmalarda ham uchraydi[2]. Masalan, *osh* - qadimdan fors-tojik tilidan o’zlashib, turkiy xalqlarning o’z so’ziga aylanib ketgan[3]. Mahmud Qoshg’ariy lug’atida *a:sh* – ovqat, taom, osh[4], “Attuhfazuz zakiyatu fillug’atit turkiya” da *ash* – taom[5], Muhammad Yoqub Chingiyning “Kelurnoma”sida *ash* - mashhur taom deb beriladi[6].

O’zbek tilida osh asosan, ikki xil: *issiq ovqat* va *palov* ma’nolarini anglatadi. Voha aholisi so’zlashuvida esa *osh yedik, oshga bordik, falonchini oshi edi, osh berdi* tarzida qo’llaniladi . Osh o’zagidan boshqa so’zlar ham kelib chiqqan: Ashich – qozon. Ashchi – oshpaz. Osh so’zi qilmoq, pishirmoq fe’llari bilan ma’nosini kengaytiradi. Masalan: tilshunoslar *palov tayyorlamoq, ovqat pishirmoq, palov* so’zi XV asrlardan fors-tojik tilidan kirib kelgan bo’lsa kerak, deb taxmin qilishadi[7] .

Vaqt o’tishi bilan osh so’zidan yana boshqa *cho’pon oshi, arvoh*

[1] Этимология / https://t.me/AsanovEldar

[2] Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. – Т.: Фан, 1989. – С. 11.

[3] Ош – форс-тожикча сўз деб берилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғати... –III жилд. – Б. 168.

[4] Қошғарий М. Девону луғотит турк...Т.1. – Б. 109.

[5] Аттуҳфазуз закияту филлуғатит туркия.. – Б. 173.

[6] Чингий М.Ё. Келурнома...– Б. 111.

[7] Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика... – С. 14.

oshi, tugun oshi, chilton oshi, podachi oshi, xotin oshi, qiz oshi, erkak oshi, xudoyi oshi, yo'l oshi; go'ja osh, to'ppa osh, palov osh, ugra osh, oq osh; qora osh, kesma osh, uzma osh; oshpichoq, oshtaxta, oshxamir, oshqovoq, oshqozon, oshdamgir ma'nolari ham aholi orasida tarqalib ketgan hamda bugungi kungacha o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Surxon vohasida palov so'zining o'zidan bir necha semantik ifodaviy belgili so'zlar kelib chiqadi: *kartoshka palov, makaron palov, non palov* va boshq. Bu taomlarning hammasi bir xil uslubda aholi orasida ishlatiladi, tayyorlanadi (damlanadi) va tanovul qilinadi. *Kuyov palov, mehmon palov* tarzida ham kelishi palov so'zi kengayib, yuqoridagi taom nomlarining kelib chiqqanligini ko'rsatadi.

O'zbekistonda palovning 200 dan ortiq turi tayyorlansa, vohada *kovatok palov, mayizli palov, kartoshkali palov, behili palov, sholg'omli palov, tovuq go'shtli palov, qo'y go'shtli palov, mol go'shtli palov* kabi turlari turlari tayyorlanadi. Iyun oyida uzumning yangi chiqqan barglariga go'sht bilan piyozning qiymasi solinib, do'lma tayyorlanadi. Bu taom Surxon vohasi tojiklarida *oshi kavobitokidor*, mayizli palov *oshi kishmich* deb atalgan[1].

Buyuk ipak yo'lining savdo-sotiq bo'yicha asosiy chorrahalaridan birida joylashgan o'lkaga bir qancha davlatlar madaniyatining kirib kelishi o'zbek oshxonasining rivojlanishiga turtki bo'lgan. Taom tayyorlash va ovqatlanish madaniyati har bir xalqning asosiy an'analaridan biri hisoblanadi va asrlar davomida shakllanib hamda takomillashib boradi. Pazandalik xalqning milliy an'analarini o'zida ifoda qiladi. Shuning uchun bo'lsa kerak, masalan, palov o'zbek yoki tojik xalqi uchun dunyoda eng mazali taom hisoblanadi va hech qachon, misol uchun, frantsuzlarning hatto, eng sevimli taomlarining birortasiga ham almashtirilmaydi.

[1] Ершов Н.Н., Кисляков Н.А., Пещерева Е.М., Русяйкина С.П. Пища // Культура и быт таджикского колхозного крестьянства. – М.-Л., 1954. – С. 159.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МУСИҚИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Носирова Ситора Шухрат қизи
Термиз давлат университетининг
Педагогика институти магистранти

Мустақиллик йилларида юртимизда санъатнинг барча турларини ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу эса, ўз навбатида, зиёлилар зиммасига халқимиз, айниқса, ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, фидойилик ғояларини бадиий пухта ва мукаммал асарлар орқали самарали ва таъсирчан усулларда сингдириш масъулиятини юклайди ҳамда бизгача етиб келган ўзбек халқ мусиқа маданиятида санъат ва маънавият тарихининг педагогик масалалари тўғрисида фикр юритиб, шу **асосда таҳлил ва тадқиқ қилиш имкониятини туғдиради.**

Моҳир саркарда, давлат арбоби, илм-фан, маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ана шундай тарихий шахслардан биридир. Ҳазрат соҳибқирон марказлашган давлатга асос солди, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаб, ривожлантириб, шон-шуҳратини бутун жаҳонга ёйди, буюк салтанатнинг ҳукмдори сифатида миллатлар ва ҳалқларни бирлаштирди. Унинг ҳукмдорлик йилларида маданият, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва шеърият юксак чўққига кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, темурийлар даври ренесансига асос солинди. Амир Темур ва темурийлар даври маданияти ва санъатининг ўрганилиши Шарқ ва Ғарб маданиятларини ўрганишда ҳанузгача очилмаган қирраларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур йўналишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, асарлар, таҳлилларни ўрганиш илмий аҳамиятга моликдир. Жумладан, Амир Темурнинг Темур тузуклари қомусида жангчиларни сафарбар этиш чоғида инсон овозидан, айрим махсус интонационал тизилмалардан кенг фойдаланилгани ҳақида маълумотлар келтиради[1].

Ўзбек мусиқа маданияти ривожида Алишер Навоий асарлари

[1] Амир Темур. Темур тузуклари, Тошкент, 1991, 80 б.

қимматли манба сифатида ҳиссаси жуда катта бўлиб, ўша давр мусиқа ва чолғу асбоблари, жумладан, “Мажолисун — нафоис”да мусиқа билан шуғулланган шоирларнинг номларини келтирган[1]. Бу даврда жуда кўп фан, адабиёт, санъат аҳллари тўпланган ва беқиёс истеъдодлар етишиб чиққан эди[2].

Яна бир муҳим манбалардан бири Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалигида элчилик вақтларида, яъни 1403-1406 йиллар мобайнида Амир Темур қўл остидаги мамлакат ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, аҳолининг кун кечириши, Темур ва яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар, бошқа мамлакатлар билан булган савдо-сотиқ ва маданий алоқалари, Амир Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ёритилиши билан бирга санъат ва маданият жабҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилган[3].

Шунингдек, темурийзодалардан Мирзо Бобурнинг Бобурнома асари ҳам мавзуни ёритишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади[4].

Ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда асрлар мобайнида Амир Темур шахсига бўлган катта қизиқиш бадиий, тарихий ва илмий асарлар билан бир қаторда мусиқа санъатида аниқланган ёрқин асарлар, тарихий ҳақиқат ва бадиият нуқтаи назардан таҳлил этилган монография, тадқиқот ва мақолалар жуда катта аҳамиятга эгадир[5].

[1] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент. 1966.; Алишер Навоий. Бақо гули: Ғазаллар /Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Муҳаммад Али. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 167. 300-б.; Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ 16-жилд, –Тошкент: Фан, 2000. 244-б. 5. / Мукаммал асарлар тўплами, 17-том, – Тошкент: “Фан”. – Б. 27. 390-б.

[2] Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – 106 б.; Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – Т: Мумтоз сўз.

[3] Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т.: “O’zbekiston”, 2010. – Б. 179.

[4] Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. (нашрга тайёрловчи П.Шамсиев) – Т: Юлдузча, 1989. – 368 б.

[5] Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. (мақолалар тўплами) – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 88 б.; Амир Темур жаҳон тарихида. (масъул муҳаррир Кароматов Ҳ.) – Т: Шарқ, 2001. – 304 б.; Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти. / https://elib.buxdu.uz/; Баҳодиров Р. Амир Темур ва Темурийлар давридаги илмлар ривожи. / Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент. Фан, 1996. №. 7-8-9-10. – Б. 104.; Иброҳимов О. Амир Темур ва мусиқа. / https://uza.uz/; Иброҳимов О. Темурийлар даври мақом санъати. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси сайти.

Амир Темур ва темурийлар даври маданият ва санъатини ёритишда академик Э.Ртвеладзе[1], санъатшунослик фанлари докторлари А.Назаров[2], М.Қодиров[3] каби олимлар тадқиқотларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ушбу мавзуни атрофлича ёритишда турли йилларда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар тўпламларида ва бошқа илмий нашрларда чоп этилган А.Саидов[4], Бегматов[5], О.Файзиев[6], Т. Ширинов[7], М.Ҳакимов[8] каби олимларнинг илмий изланишлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлардан Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Муиниддин Натаний ва бошқа қатор муаллифларнинг аксарияти ўша даврда яшаганликлари учун бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни унинг бевосита ҳамда билвосита шоҳидлари сифатида жонли ва ишончли тарзда баён қилган.

XI–XV асрлар давомида ўзбек халқининг маданияти янги чўққиларга эришди. Айниқса, Темурийлар замонида ўзбек му-

https://uzas.uz/; Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: "Хоразм" нашриёти, 1996. – 127 б.; Рахимова, З. М. Амир Темур ва темурийлар даврида маънавий — маърифий тарбиянинг ривожи / Молодой ученый. — 2016. — № 15.3 (119.3). — С. 14-15. — URL: https://moluch.ru/archive/119/33003/.; Рахимова, З. М. Темурийлар даври илмида мусиқанинг санъат турига айланиши / Молодой ученый. 2016. № 15.3 (119.3). - С. 11-14. URL: https://moluch.ru/archive/119/33002/; Раззоқова Г. Темур ва темурийлар даврида томоша санъати ва мусиқа. file:///C:/Users/User/Downloads; **Ташканбаев Х.Ш**. Амир Темур ва темурийлар даврида санъат ва маданият /https://shosh.uz/amir-temur-va-temuriylar-davrida-sanat-va-madaniyat/; Қораев Ш. Соҳибқирон ижод аҳлига қандай муносабатда бўлган? / https://qashqadaryogz.uz/; Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – Б. 227.

[1] Ртвеладзе Э., Саидов А. Амир Темур в зеркале мировой науки – Т.: Мир экономики и права, 1999. – С. 109

[2] Назаров А. Темурийлар даврида ҳарбий мусиқа. // Гулистон – Т.: 1997. – №4 – С. 11-12

[3] Қодиров М. Темурийлар даври томоша санъатлари. – Т.: Санъат, 2007. – Б. 216

[4] Саидов А. Амир Темур сиймоси – жаҳон операнавислигида. // Жаҳон адабиёти – Т.: 2015. – №4 – Б. 163- 167

[5] Бегматов С. «Зафарномада мусиқага оид маълумотлар» («Музыкальные сведения в «Зафар-наме»). / Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши. VIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Mashhur-press, 2016. – Б. 55-65

[6] Файзиев О. Мусиқа ва тарбия. / https://uz.denemetr.com/

[7] Ширинов Т.Ш. ва бошқ. Шарқ мусиқасини улғайтирган юрт. – Самарқанд. 2009. – Б. 34-36.

[8] Ҳакимов М.. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. –Тошкент: Фан, 1983. – Б. 197. 280-б.

сиқа маданияти юксак даражаларда ривожланди. Бунда Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби улуғ алломаларимизнинг хизматлари алоҳида ҳурматга сазовордир. Бу борада ёзма ёдгорликлар, тарихий манбалар бизнинг бой ўтмишимиз ҳақида ҳозирги ва келажак авлодларга қимматли маълумотларни беради.

КЎҲИТАНГ ТОҒ ДОРИВОР ГИЁҲЛАРИДАН ХАЛҚ ВЕТЕРИНАРИЯСИ

Носиров Саидаҳрор Шухрат ўғли
Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти
Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси
1-курс магистранти

Сурхон воҳасининг Боботоғ, Тўйинтоғ, Бойсунтоғ ва Кўҳитангтоғ этаклари, Тебат, Оғзикенг, Тангимуш, Бандихон, Музработ ва Қизириқ ҳудудларининг паст текисликлари қадимдан ўзининг ўт-ўланларга бой бўлган яйловлари билан машҳур бўлган.

Кўҳитанг тоғ қишлоқларидан бири Хомкон сўзининг маъноси “пишмаган туз кони” маъносини билдиради. Хомкондан Панжоб дарасига қуйиладиган катта майдонда шўр сув туз ҳосил қилиб, Панжоб дарасига қуйилади. Бу сув бора-бора Шеробод дарёсига бориб қуйилади ва дарё сувини шўрлантиради. Шу сувдан ичган кишилар буқоқ касаллигидан ҳоли бўлганлар. Айтишларича, академик Иброҳим Ҳамробоевнинг “Шувоқ олтинга гувоҳ” ибораси шу атрофдаги ерларга тааллуқли экан. Чунки, бу ерлар олтин, темир, уран ва бошқа маъданли қазилмаларига бой бўлганлиги сабабидан ҳам Хомкон деб аталган. Яъни, “ўрганилмаган кон” маъносини ҳам беради[1].

Биз юқорида айтиб ўтган 110 000 гектарнинг 20 000 гектари ям-яшил арчазорлар билан қопланган, 1250 гектарини мевали боғлар ва қолган майдонини катта-катта тоғлар, яйловлар, экин экиладиган далалар ташкил қилади. Хомкон қишлоғи ви-

[1] Дала ёзувлари. Қизириқ тумани, Гулобод маҳалласи, 2021 йил.

лоят маркази Термиздан 130 км масофа узоқликда жойлашган. Хомкон қишлоғининг иқлими тоғлик ҳудудда жойлашганлиги учун салқин ва баҳаво жойдир. Ҳароратнинг ёздаги энг кўтарилган даражаси 35^0/С дан ошмайди. Қишда эса қор ва ёмғир кўп бўлганлиги учун ерлар сувга яхши тўйинади. Шунинг учун қишлоқда лалми деҳқончилик яхши ривожланган.

Кўҳитанг тоғи бағридан кўз очган булоқлар қўшилиб, сой ҳосил қилади ва баланд тоғ тизмаларидан иборат Танги дарасининг ўртасидан оқиб ўтади. Тангидара, Тангидовон - Кўҳитанг тоғининг қоқ марказидан ўтувчи, Хатакдан Хомконга борадиган дара номи. Тополним икки ўзак: “танги” + “довон” дан иборат. Танги – форсча торлик, сиқиқлик, камбарлик; икки тоғнинг остки туташган жойи, тор дара; довон – туркийча “тоғ ёки тепаликнинг ошиб ўтса бўладиган қулай жойи, ошув»” дегани. Тангидовон – “ошиб ўтса бўладиган тор дара” маъносини англатади[1].

Узунлиги 12 км дан ҳам ошиқ бўлган бу дара Хомкон қишлоғига тўғри олиб боради. Қишлоққа борганингизда ажойиб манзара намоён бўлади. Мангу яшил арчазорлар, қизил тупроқдан қурилган уйлар қия майдонда бир-биридан узоқ-узоқ жойлашган.

Жумладан, Кўҳитанг ва Сувсиз тоғлар ортида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган Хомкон яйловлари доривор гиёҳларга жуда бой:

Бу ерда ўсимликлардан ***шувоқ, янтоқ, ковул, гулхайри, қашқа йўнғичқа, бўғдойиқ, чалов, гулсапсар, қўзиқулоқ, чирич (ширач), сутлама каррак, латта каррак, сигир қуйруқ, дастарбош, қирқбўғин, кампирчапон, коврак, андиз, кийик ўт, бўйи модарон ва бошқалар, мавсумий ранг ўтлардан нўхатак, чучмома, шивит, чўчқа пиёз (анзур пиёз), қўнғирбош, қоқигул, қўён, такасақол, исмалоқ, тортмоқ, ғозоёқ, печак, қўзигул*** ва майса ўтларнинг ўнлаб турлари; ўрмон дарахтларидан ***арча, дўлана, заранг, учқат, ирғай, наматак, чия, ёввойи <u>бодом, писта</u>, олмурут, бодомча*** ва бошқалар ўсади[2].

[1] Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 90.

[2] Кичкилов Ҳ., Қобилов Э. Сурхон воҳаси қўйчилигида аждодларимиз анъанаси. // Жайхун. ТерДУ хабарлари. 2005. № 3-4. – Б. 40-47.; Кичкилов Ҳ., Қобилов Э. Чўпон таёғининг хосиятлари. // Мулоқот. 2003. № 3. – Б. 47-48.

Тоғ гиёҳларини ва айниқса, тоғ арчасини еб семирган қўйларнинг гўшти чўл зонасида боқилган қўйларнинг гўштидан ўзининг хуштаъмлилиги ва мазалилиги билан алоҳида ажралиб туради. Тоғ яйловларида қўйларни боқиш учун ўт-ўланлар ва наботат ўсимликларининг юзлаб хиллари ўсганки, булар воҳада қўйчиликнинг ривожланишидаги асосий омил ҳисобланган.

Маҳаллий аҳоли халқ ветеринариясига ҳам амал қилиб келаяпти ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маълумки, бузоқлаган сигир алоҳида парваришланиб, унга турли хил доривор гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ичирилади. Мабодо сигир учиниб, соғдирмай қўйган тақдирда фармацевтик амаллардан ҳам фойдаланилган. Жумладан, қишлоқ аҳолисига яхши таниш, яра-чақаларни даволашда жуда асқотадиган "учқат" дарахтидан фойдаланилган. Аввал, учқат новдалари майдаланади ва қозонга солиб обдон қайнатилади. Қайнатма қуюқлашиб, қора тусга киргандан кейин у тайёр ҳисобланади ва сиқиб олиниб, оғзи ёпиқ шиша идишга солиб қўйилади. Тайёр дорини молларнинг яра жойига суртса яхши бўлиб кетади (Бу доривор гиёҳдан инсонлар ҳам фойдаланиши мумкин) [1].

Агар, қорамолнинг тили касалланиб, (маҳаллий тилда "қилов" деб аталади), овқат ея олмай қолса, суюлтирилган қатиқ ичирилади. Қорамол ва ушоқ моллар охурида доимо яхлит кон тузи қўйилган, чунки туз ялаб турган жониворнинг тили пишиб (стомотит) кетишдан сақланган.

Қорамол кўп ем еб қўйиши натижасида емлаб қолиши мумкин. Бундай шароитда, унинг оғзига тол дарахтининг чўпи қистирилиб, устидан дастурхон ёпилиб, муздек сув челаклаб қуйилади ва шундан сўнг қорамол ҳолдан тойгунча югуртирилади. Чўп қистирилишининг сабаби, у бошқа нарса ея олмайди, лекин чўпни чайнаш оқибатида ошқозони ишлайди, яъни сигир оғзида сўлак (овқат ҳазм қилдирувчи суюқлик) ажралиб чиқади ва овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради[2].

Агар қорамолнинг ичи қотиб қолса, унга доғланган пахта ёғи ёки илиқ сут ичирилади. Шундай пайтлар бўладики, қорамоллар ариқдан сув ичаётганда зулук ютиб юбориши мумкин.

[1] Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Хомкон қишлоғи. 2020 й.
[2] Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Хомкон қишлоғи. 2020 й.

Бундай ҳолда, токи қорамол тилининг тагидан зулукни қўл билан олиб ташламагунча унга сув берилмайди, чунки унга сув берилса зулук болалаб кўпайиб кетади ва уни олиш жуда қийин кечади.

Қорамол йўтал бўлганда эса, сариёғ, қуйруқ ёғи ёки тухум ичирилган. Бундай амаллар қандай шаклда бажарилишидан қатъий назар ризқ-рўз манбаини асраб-аввайлашга қаратилганини ҳамда аждодларимиз табиатдаги бор нарсалардан фойдаланиб, халқ табобатчилиги анъаналарини давом эттириб келаётганини кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, чўпонлар қўйларни фойдасиз, уларга ёқмайдиган ва зарар келтирадиган ўтлар ва ўсимликлардан ҳимоялаганлар, иложи борича бундай зарарли ўтлар ва ўсимликлар ўсадиган жойларга ҳайдамаганлар. Бундай ўтларга қилғин (қўйнинг кўзини кўр қилган), хом ўт (қўйларнинг ичини дамлатган), какра (аччиқ бўлиб заҳарлаган) ва бошқалар мисол бўла олади.

Хомкон қишлоғининг ўсимлик дунёси бой ва хилма-хилдир. Дарахтлардан биргина арчанинг уч-тўрт хили учрайди.

Мевали дарахтлардан: олма, гилос, зардоли, бодом, олхўри, дўлана;

Манзарали дарахтлардан: терак, тол, заранг, писта кабилар ўсади.

Доривор гиёҳлардан: кийик ўт, наматак, ялпиз, қизилпойча, войбодром, элбаҳоси, саримсоқ, чукри (равоч), каврак, каррак, алқор, шувоқ, буғдойиқ, қозонзор, лола, қизғалдоқ, бинафша, қоқиўт, ҳазориспанд, чучмома, бойчечак, оққурай, ялтирбош, қўзиқулоқ, чўчқапиёз, зира ва бошқа жуда кўплаб ўсимликларни учратиш мумкин. Бу доривор ўсимликлардан турли хил касалликларни даволашда, шунингдек, таомларга солишда ишлатилади. Жумладан, куви пишиб ундан сарёғи ажратиб олингач кубининг ичида айрон қолади. Айронни катта қозонга солиб қайнатадилар. Айрон қуюқлашгач унинг ичига турли хил доривор ўтлар (кийик ўт, алқор, ялпиз) ва туз солиб катта шол ёки каноп қопга солиб илинади. Орадан вақт ўтиб сузма қотиш ҳолатига келгандан кейин қўл билан синдириб-синдириб, тўқилган чий ёки бўйра тўшалган сўри устига ёйиб қуритилади.

Шундай қилиб, халқ табобатидан яхши хабардор қишлоқ

аҳолиси доривор гиёҳлар, ўт-ўланларнинг хусусиятларини яхши биладилар ва амалда қўллаб келмоқдалар.

ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОФИЛАКТИКА – ФАКТОР ЗАЩИТЫ СОВРЕМЕНОВОЙ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА

Мастер 2 студенти ТерГУ
Турсунов Отабек Тожиевич

Как свидетельствует история человечества, когда каждая социальная сила или слой общества создает систему идей, выражающих их цели и стремления, она пыталась и будет пытаться влиять на других и расширять ряды своих сторонников. При чем важную роль в этом направлении играет духовно–просветительская деятельность и воспитательный процесс.

Если идеи честны и справедливы и отвечают запросам большинства, то средства воспитания в этой сфере будут эффективны, а если воспитатели активны и самоотверженны, то цель идеологического воспитания будет достигнута. Когда общество, люди, особенно молодое поколение, не осознают своих интересов, не формируют свою идеологию и не мобилизованы для достижения своих целей, они более подвержены влиянию чуждых и вредных идей. Это делает актуальной задачу налаживания идейного воспитания, постоянного внедрения принципов здорового мировоззрения в сердца и умы населения, в том числе подрастающего поколения.

Естественно, что особое место в программе «Года диалога с народом и интересов человека» занимал в связи с этим вопрос воспитания молодежи в здоровой и гармоничной форме на новый более высокий уровень.

С вышли усилия по созданию необходимых условий для детей, строительству новых объектов образования, культуры, творчества и спорта, строительству жилья для молодых семей, обеспечению занятости молодежи, вовлечению ее в предпринимательскую деятельность.

Следует считать своим приоритетом улучшение функциони-

рования всех звеньев системы образования в соответствии с современными требованиями.

Говоря о воспитании подрастающего поколения, следует привести слова Абдурауфа Фитрата: «Способность людей преследовать определенную цель, быть богатым, быть счастливым, пользоваться уважением, быть смелым или слабым, быть униженным, нести бремя несчастья, быть заброшенным, быть порабощенным зависит от их воспитания от родителей».

С учетом растущей сегодня угрозы экстремизма, терроризма, наркотиков, торговли людьми, нелегальной миграции, эти слова несут глубинный смысл. Как подчеркивает Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, – «действительно, воспитание молодежи сегодня – это вопрос, который никогда не потеряет для нас своей актуальности и важности».[1]

В этом смысле одной из основных задач идеологической профилактики в идеологической защите подрастающего поколения является формирование совершенного человека, а стремление к его реализации составляет суть человеческой цивилизации. Согласно истории общества, важнейший показатель совершенства в любом из них отражается в отношении человека к добру, общественному счастью, гуманистическим идеям и основанной на них практической деятельности. Следовательно критерием совершенства, оказывающим положительное влияние на общее развитие общества, человеческой цивилизации, всегда было сделать общество счастливым и благополучным посредством совершенствования личности.

Концепция идеологической профилактики означает процесс, направленный на формирование мировоззрения человека, социальной группы, нации, общества, вооружение их мировоззренческими знаниями, выражающими определенные идеи и цели. Основной задачей такой деятельности в Узбекистане является разъяснение широкой общественности, особенно молодежи, многовековых стремлений и целей нашего народа построить свободную и благополучную Родину, достойную жизнь, суть идеи национальной независимости.

Сегодня фактор идеологической защиты подрастающего поколения идеологической профилактики требует совместной

работы общества, в первую очередь, семьи, дошкольных учреждений, школ, лицеев, колледжей, вузов, средств массовой информации, общественных организаций. Система непрерывного образования является ключевым звеном идеологического воспитания. Ведь задача внедрения идеологических установок в сознание людей, особенно подрастающего поколения, осуществляется, главным образом, через систему образования.

Общеизвестно, что концепция предотвращения больше используется в естественных науках, особенно в медицине. Это понимается как неотъемлемая часть процесса профилактики и лечения заболеваний в этой области. С точки зрения философии идей идеологическая профилактика – это совокупность различных форм идейно–воспитательной, духовно–просветительской работы, осуществляемой общественными учреждениями, понятие, используемое для характеристики деятельности, охватывающей всю систему идеологического воспитания. Идеологическая профилактика осуществляется для того, чтобы ликвидировать идеологическую брешь, предотвратить идеологический хаос или избавить какой–либо регион, слой, группу от влияния чужеродных и вредных идей. При этом используются разные инструменты, методы и способы идеологического воздействия. Процесс идеологической защиты подрастающего поколения может осуществляться быстро и в короткие сроки, либо постепенно, шаг за шагом. В первом случае требуются немедленные действия, а во втором более эффективна непрерывная и последовательная работа. Идеологическая профилактика также играет важную роль в идеологической защите подрастающего поколения, в формировании идеологического иммунитета у разных слоев общества. Ведь он опирается на меры по недопущению проникновения чуждых по сути идей и ликвидации их влияния.

В сегодняшних реалиях, когда нарастают различные опасности, – подчеркивает Шавкат Мирзиёев, «мы должны сохранить мир и спокойствие, являющиеся нашим бесценным сокровищем, и еще больше укрепить атмосферу межнационального и межрелигиозного согласия, взаимного уважения и добра в нашей стране»[2].

Система воспитания и пропаганды помогает осуществлять идеологическую профилактику, т. е. идеологическую защиту подрастающего поколения. Общественные структуры, семья, школа, махалля, государственные и общественные организации, служащие внедрению творческих идей в сердца и умы подрастающего поколения, также имеют в ней место. Таким образом, сказки и былины, песни и пляски, духовно–просветительская деятельность различных форм и содержания, пропаганда интересов Родины, народа, дружбы и братства, взаимоуважения и терпимости являются факторами осуществления идеологической профилактики, т.е. идеологической защиты подрастающего поколения.

«Как известно, в результате идеологического воспитания формируется идеологический иммунитет. Идеологический иммунитет (лат. «immunitatis» — освобождение от чего–либо) — система, служащая для защиты личности, социальной группы, нации, общества от различных пагубных идеологических воздействий. Слово «иммунитет» — это медицинское понятие, обозначающее совокупность реакций, способных поддерживать постоянство внутреннего своеобразия организма, защищать его от различных внешних воздействий, инфекций. Проще говоря, иммунитет – это способность организма защищаться от различных заболеваний. В качестве специфических черт идеологического иммунитета можно отметить следующее. Во–первых, общий иммунитет человека является продуктом социальных процессов и формируется на основе определенной духовно–просветительской деятельности. Во–вторых, он основан на характеристиках каждого периода, зависит от времени, в котором живет то или иное поколение, и законов развития общества. В–третьих, только при формировании в обществе сильной идеологической иммунной системы будут обеспечены идеологическая неприкосновенность и устойчивость этого общества»[3].

Базовым и первым элементом идеологической иммунной системы является знание, которое имеет много видов. Например, сторонники великого государственного шовинизма или агрессивной националистической идеологии тоже опираются на определенные «знания». Поэтому знания в идеологическом

иммунитете должны быть объективными, точно и полно отражать действительность, обогащать духовность человека, служить развитию народа и общества. По самой своей природе они неразрывно связаны с интересами Родины и нации.

Вторым основным элементом идеологической иммунной системы является система ценностей, сформированная на основе таких передовых знаний. При этом чем объективнее и глубже знание, тем сильнее будут ценности, лежащие в его основе. Одним словом, система ценностей определяет возможности идеологического иммунитета и служит крепким щитом на пути вредных идей. Но сама по себе система знаний и ценностей не может в полной мере выразить сущность идеологического иммунитета. Ведь эти два элемента связаны с третьим важным элементом идеологического иммунитета, а именно: с системой целей в социально–экономической, политической, культурно–образовательной сферах. Без такой четкой системы целей человек, нация или общество не могут противостоять идеологическому давлению, иногда явному или скрытому. Пока усилия по захвату сердец и умов подрастающего поколения не прекратятся, общество будет ощущать потребность в некой здоровой идеологии. В отличие от нездоровых форм идеологии, таких как фашизм, религиозный экстремизм, оказывающих негативное влияние на развитие общества, обычно приводя к его упадку, разрушению, здоровая идеология ускоряет развитие человека, благосостояние народа, развитие родины.

Попытки подорвать идеологический иммунитет, в основном проявляются в следующих формах:

– пропаганда различными способами чуждых нашему народу таких идей, как космополитизм, нигилизм, экстремизм, терроризм, массовая культура и безжалостный индивидуализм;

– распространение привычек, не свойственных нашему национальному менталитету пропаганда различных обычаев, чуждых образу жизни нашего народа, например перед женитьбой. Совместная жизнь что не присуще менталитету нашего народа;

– нарушить мировоззрение молодежи, изменить ее мышление и образ жизни (изображать свою Родину плохой, проявлять равнодушие к прошлому, недоверие государству и обществу, восхвалять другую жизнь.

При формировании идеологического иммунитета подрастающего поколения приобретаемые им знания и основные идеи нашей национальной идеологии образуют целостную систему. В то же время не только социальные и гуманитарные науки, но и естественные и фундаментальные разрабатывают собственные методы. Повышение эффективности идеологической профилактики, т.е. идеологической защиты подрастающего поколения с помощью современных педагогических технологий, является одним из основных факторов формирования и укрепления идеологического иммунитета. Современные педагогические технологии позволяют не только воспитывать подрастающее поколение на основе современных научных достижений, но и повышать их осведомленность о различных формах идеологической агрессии в условиях глобализации, воспитывать молодое поколение зрелым во всех отношениях.

Известно, что рабство мысли страшнее всякого пристрастия. В то время, когда идеологические натиски становятся более мощными, чем орудийные залпы, люди, особенно молодежь, должны быть идеологически вооружены, чтобы не попасть под влияние различных чужеродных идеологий. В то же время это новая концепция идеологической борьбы: спор идеи и идеи, идеи и невежества только с просвещением.

Значимость семьи, общества и образовательных учреждений в процессе идеологической защиты подрастающего поколения очень велика, а воспитание гармонично развитого поколения играет важную роль в обеспечении перспектив общества. Такая профилактика требует сочетания сложных, постоянных совместных, общих устремлений. Этот процесс создает в обществе пространство, обеспечивающее преемственность воспитания в направлении общих интересов и целей. Это пространство – неотъемлемая часть воспитания подрастающего поколения, идеального человека.

Наука, образование, литература и искусство в идеологической профилактике, т.е. идеологической защите подрастающего поколения, являются одними из основных факторов использования их потенциала на местах. Изучая науку, подрастающее поколение узнает о природе и обществе, изменениях в мышле-

нии, основах и принципах развития. В то же время увязка этого процесса с сущностью национальной идеи и ее отражением в жизни каждого человека важна в достижении поставленных перед собой целей. Книги, которые, несомненно, являются средством идеологической пропаганды, играют важную роль в укреплении самостоятельности и эффективном использовании возможностей самостоятельности. Это объясняется тем, что наиболее действенным способом привития в умах и сердцах подрастающего поколения благородных ценностей национальной идеологии является рациональное использование этих средств пропаганды.

Известно, что одним из важнейших и священных прав человека является право жить в мире. Обязанность государства и общества состоит в том, чтобы гарантировать это право всеми законными средствами. Реализация этого права является важнейшим условием демократизации государства и общества. Этим критерием в первую очередь измеряется гуманность демократии.

Когда мы говорим о направлениях, выражающих основное содержание нашей национальной идеи, мы, несомненно, представляем себе развитие и прогресс Родины»[4]

Воспитание идеологического иммунитета в сознании граждан начинается, прежде всего, с семьи. Первые понятия, такие как «Родина», «Любовь к Родине», «Чувство Отечества» формируются, прежде всего, в семейной среде. Этот процесс осуществляется через учение предков, пример отца, любовь матери. Различные формы образования и воспитания также играют важную роль во внедрении этих понятий в сердца и умы молодежи.

Бороться со злом и защищать свою страну может только человек с крепким идеологическим иммунитетом, который пытается завладеть сердцами и умами нашей молодежи, еще не сформировавшей самостоятельного мировоззрения, различными путями проникая в нашу страну для достижения своих корыстных целей и гнусных намерений. Развитие идеологического иммунитета, связанное с этой задачей, обусловлено многими социально–экономическими, культурными, мировоззренческими, воспитательными факторами. Это сложная задача, требую-

щая большой работы. Одной из актуальных важных задач интеллигенции и педагогов всех профессий является воспитание в людях, особенно молодежи, таких качеств, как преданность Отечеству, преданность делу реализации идей мира и процветания народа.

Одной из основных целей идеологического воспитания, направленного на укрепление идеологического иммунитета, является формирование представлений о гражданской ответственности и долге человека, имеющих общие принципы для разных слоев населения. Эти понятия известны с древних времен. Но почти всегда они были связаны с различными изъятиями или привилегиями в зависимости от национального, сословного, расового, религиозного, территориального положения. Мыслители средневековья утверждали, что все люди на земле, независимо от расы, религии, национальности, пола и места жительства, имеют право на равноправную жизнь и обеспечение их прав и свобод должно быть первоочередной задачей общества.

СПИСОК ИСПОЛЬЗУЕМОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

[1.] «Верховенство закона и интересы народа являются залогом развития страны и благополучия народа». Из выступления Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии, посвященной 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан// «Народное слово». 8 декабря. 2016.

[2.] Выступление Премьер-министра Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса. Народнье слово, 9 сентября 2016.

[3.] Ғоялар фалсафаси. (тажрибавий қўлланма). – Т.: “Академия”, 2011.– 213–214 бетлар.

[4.] Каримов И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” – Т.: “Маънавият”, 2016 йил, 72–73-бетлар.

“МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАФАККУРИГА ТАЪСИР ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

ТерДУ 2-босқич магистранти
Бадалова Жамила

Маълумки, XXI аср бошларида мамлакатимизда миллий истиқлол ғояси концепцияси яратилган ва у тўғрисидаги фикр ва қарашлар шакллана бошлаган, бу халқимизнинг эски мафкура тушунчалари ҳамда омилларидан халос бўлишига хизмат қилган эди. Унинг мақсади собиқ иттифоқ даврида устувор бўлган ва фуқароларнинг тафаккурига сингиб қолган “коммунистик ғоя” тушунчаси ўрнига “миллий ғоя” тушунчасини аҳолининг барча қатламлари қалби ва онгига сингдириш ҳамда бу тўғридаги дастлабки тасаввурларни шакллантиришдан иборат бўлган эди. Миллий истиқлол ғояси концепцияси яратилган ва унинг мазмун моҳияти алоҳида рисола сифатида чоп этилган 2000 йилдан кейин ўтган 15-16 йил давомида ушбу вазифа бажарилди, дейиш мумкин.

Ушбу рисолаларда асосан ўша даврда мавжуд бўлган баъзи қарашлар ва ёндашувлар акс этган. Чунончи, уларда олимлар ва мутахассисларнинг баъзиларида мавжуд бўлган мафкурадан бутунлай воз кечиш ва тўла-тўкис мафкурасизлик ҳолатига ўтиш зарурлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан фарқ қиладиган ёндашувлар баён қилинган. Бу жиҳатдан И.Эргашев, С.Мамашокиров, **С.Отамуротов** Ў.Абилов, Қ.Назаров, А.Очилдиевкаби олимларнинг фикр-мулоҳазалари тадрижини ўрганиш тадқиқотимиз учун муҳим аҳамиятга молик жиҳатларни англаш имконини беради.[1]

Хусусан, Б.Мамарасуловнинг мазкур диссертациясида ушбу соҳадаги ғоялар эволюциясининг 2000 йилдан кейинги тадрижига доир махсус кисм ажратилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Унда таъкидланганидек, “...мамлакатимизда миллий ғоя ҳақидаги концептуал ёндашувлар шаклланиши ва махсус тадқиқотлар олиб борилиши даражасининг янги босқичга кўтарилиши Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ижодий гуруҳи томони-

дан тайёрланиб, 2000 йилда кўп минг нусхада чоп этилган ва ҳалигача кўп бора қайта-қайта нашр қилинган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва омиллар” рисоласи билан боғлиқдир десак, хато бўлмайди.[1] Тадқиқотчи Б.Мамарасулов яна таъкидлайдики, “Аввало, ушбу рисола тасодифий, бирор бир фалсафа мутахассиси ёки Файласуфлар миллий жамияти ташаббуси эмас, балки Ўзбекистоннинг биринчи Президенти томонидан 2000 йил 6 апрелда мафкура масалаларига бағишланган илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган йиғилиш натижаларидан бири бўлганини қайд этиш лозим... Ушбу мажлисда “Миллий мафкура - давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи” мавзуи бош масала сифатида қаралган эди.

Айнан ана шу тадқиқотчининг далилларига кўра, кўплаб таниқли олимлар, ижод аҳли қатнашган ва ташкил этилишида ф.ф.д., профессорлар Ў.Абилов ва Қ.Назаровлар фаол иштирок этган анжуманда Миллий истиқлол мафкураси концепциясини яратиш учун махсус ижодий гуруҳ тузиш ҳақидаги қарорга келинган. Мазкур қарор асосида шакллантирилган ва етакчи олимлар Б.Тўраев, С.Мамашокиров, И. Эргашев, Ғ.Шоумаров, Ў.Абилов Қ.Назаров, М.Ортиқов, В.Каримова, Д.Алимова, А.Умаров, А.Очилдиев, А.Холбеков, ҳамда давлат ва жамоат арбоблари, етук олимлар ва ижодкорлар Ҳ.Султонов, Т.Рисқиев, Р.Жумаевлардан иборат ижодий гуруҳ аъзолари томонидан 2000 йилнинг ўрталарида чоп этилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва омиллари” рисоласи нашрга тайёрланган. Ушбу рисоланинг олимлар ва мутахасислар томонидан ёзилган матнини халқчил ва кенг китобхонлар оммасига тушунарли тилда нашрга тайёрлашда атоқли ижодкор, ёзувчи ва журналистлар Х. Султонов, А.Тошхўжаев, М.Қаршибоев ҳамда файласуф олим Қ.Назаровларнинг хизмати катта бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.”[2]

Тадқиқотчи фикрича, “Шу мақсадда 2001 йилда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан “Миллий истиқлол ғояси” туркумида (14 номдаги) китоблар ва рисолалар тўплами

[1]

тайёрланди ва уларнинг ҳар бири “Янги аср авлоди” нашриётида 10000 нусхада чоп этилди. Ушбу туркумдан жой олган таълим муассасалари учун 2001 йилда чоп этилган “Миллий истиқлол ғояси” ўқув қўлланмаси, “Миллий истиқлол ғояси бўйича изоҳли кўргазмали воситалар тўплами”, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси луғати”, “Миллий истиқлол ғояси: саволлар ва жавоблар” каби китоблар соҳа бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.[3]

Б.Мамарасуловнинг юқоридаги фикрларини эътироф этган ҳолда унинг қуйидаги хулосасига ҳам асосланиш мумкин: “Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ миллий истиқлол мафкураси назарияси ишлаб чиқилиши мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, халқимизни пировард мақсадлар йўлида сафарбар қилиш, уни уюштириш ва жипслаштириш учун тарихий зарурат эди, дейиш мумкин. Айни шу пайтда, эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги – миллий истиқлол ғояси ҳақидаги назария билан тўлдириш мустақилликни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш учун амалга оширилган энг муҳим қадамлардан бири бўлганини бугунги тарих исботлаб турибди.”[4]

Айнан ана шу хулоса Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги**“**Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида**”**ги Фармойишининг бошланишидаёқ алоҳида таъкидлангани фикримизнинг яққол далилидир.[5] Унда алоҳида таъкидланганидек, ўтган даврда истиқлолнинг дастлабки пойдевори қурилди, миллий давлатчилик асослари тикланиб, ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй берди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг янги даври бошланди. Ҳаётнинг барча соҳалари каби, миллий ғояни ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёни ана шуни талаб қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтимоий-тарихий илдизлари ва аҳамияти. - тошкент, ўзму, 2000. -79 бет.

2. Мамарасулов Б. “Миллий ғоянинг субстанционал ва институционал ху сусиятлари” (ўзбекистон мисолида) фалсафа доктори (pgd) учун дисс. –Самарқанд, самду, 2018

3.Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Назаров қ., Холбеков а. ва бошқалар. –тошкент:«akademiya», 2007.

4. Мамарасулов Б. “миллий ғоянинг субстанционал ва институционал хусусиятлари” (ўзбекистон мисолида) фалсафа доктори (pgd) учун дисс. –самарқанд, самду, 2018

5. “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ўзбекистон президентиш.мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдагифармойиши. – т.

ЗНАЧЕНИЕ И РОЛИ СОВРЕМЕННИХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИ В ООБУЧЕНИЕ И ВОСПТЬАНИЕ СОВРЕИЕНОЕ МОЛОДЕЖЕ УЗБЕКИСТАНА

Мастер 2 ступени ТерГУ
Маматмўминов Зариф

Известно, что рабство мысли страшнее всякого пристрастия. В то время, когда идеологические натиски становятся более мощными, чем орудийные залпы, люди, особенно молодежь, должны быть идеологически вооружены, чтобы не попасть под влияние различных чужеродных идеологий. В то же время это новая концепция идеологической борьбы: спор идеи и идеи, идеи и невежества только с просвещением.

Значимость семьи, общества и образовательных учреждений в процессе идеологической защиты подрастающего поколения очень велика, а воспитание гармонично развитого поколения

играет важную роль в обеспечении перспектив общества. Такая профилактика требует сочетания сложных, постоянных совместных, общих устремлений. Этот процесс создает в обществе пространство, обеспечивающее преемственность воспитания в направлении общих интересов и целей. Это пространство – неотъемлемая часть воспитания подрастающего поколения, идеального человека.

Наука, образование, литература и искусство в идеологической профилактике, т.е. идеологической защите подрастающего поколения, являются одними из основных факторов использования их потенциала на местах. Изучая науку, подрастающее поколение узнает о природе и обществе, изменениях в мышлении, основах и принципах развития. В то же время увязка этого процесса с сущностью национальной идеи и ее отражением в жизни каждого человека важна в достижении поставленных перед собой целей. Книги, которые, несомненно, являются средством идеологической пропаганды, играют важную роль в укреплении самостоятельности и эффективном использовании возможностей самостоятельности. Это объясняется тем, что наиболее действенным способом привития в умах и сердцах подрастающего поколения благородных ценностей национальной идеологии является рациональное использование этих средств пропаганды.

«Речь идет, – подчеркивает Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, о пропаганде богатой истории нашей страны, ее уникальной культуры и национальных ценностей, создании необходимой среды и условий для достижений мировой науки и литературы среди молодежи и населения.

В связи с этим необходимо учитывать, что современные компьютерные технологии, и особенно Интернет, намного быстрее нас.

К сожалению, разногласия между ведомствами по созданию, изданию и финансированию различных учебников являются серьезным препятствием в решении этой задачи.

В связи с этим Премьер–министру поручено создать специальную комиссию и в месячный срок представить комплекс мер по обеспечению учебниками, специальной и художественной

литературой, их переводом на другие языки учебных заведений, библиотек и информационно–ресурсных центров.

При этом особое внимание следует уделить пропаганде чтения среди молодежи и широких слоев населения. Необходимо очень внимательно изучить формирование реальной цены книг.

Это очень важный вопрос для всех нас в данный момент, то есть распространить чтение и вывести свою работу на новый уровень, чтобы еще больше повысить любовь нашей молодежи к книгам и их духовный иммунитет»[1].

Необходимо использовать произведения искусства, воплощающие многообразие национальной идеи, в воспитании личности, подрастающего поколения, а также в совершенствовании современного идейного воспитания. Независимо от вида искусства они отражают сегодняшнюю действительность, нашу историю, различные аспекты общественных отношений. Это также можно рассматривать как эффективный способ продвижения этих произведений искусства. Некоторые изъяны в воспитании молодежи сегодня проникают в нашу ментальность через «произведения искусства» чужой культуры. Мы пришли к выводу, что ее негативные последствия, в ряде случаев неподобающее поведение нашей молодежи, недостатки в ее нравственности требуют более глубокого внимания к вопросу об усилении идеологической профилактики.

Формирование идеологического иммунитета является одним из факторов обеспечения идеологической безопасности общества и страны. Известно, что «идеологическая безопасность» – это понятие, характеризующее степень защищенности личности, нации, общества, государства от различных форм идеологической агрессии, от деструктивного влияния различных идеологических центров. Главной задачей профилактики в этой сфере является предупреждение пробелов в духовной жизни общества, формирование системы представлений, отвечающих и служащих его конечным целям, постоянное ее укрепление, укрепление идейного иммунитета граждан.

Известно, что на идеологическую безопасность любой страны влияют внешние и внутренние факторы. Сегодня видно, что существуют реальные внешние угрозы идеологической безо-

пасности в попытках различных идеологических центров и полигонов использовать отдельных граждан в качестве «оружия» для достижения своих гнусных намерений по недопущению создания нового общества в Узбекистане. Следует также иметь в виду, что терроризм, религиозный экстремизм и существующая политическая нестабильность в соседних странах также могут повлиять на идеологическую безопасность нашей страны.

Необходимо укреплять молодежное общественное движение «Камолот», сделать его организацией, к которой искренне стремится вся молодежь нашей страны, настоящим защитником интересов молодежи, свободным от излишней активности и формальностей. Перед нами стоит еще большая задача по усилению работы ее местных структур, в частности работы, проводимой среди неорганизованной молодежи в городах и районах, отдаленных селах и махаллях.

«Вопрос работы с молодежью является одним из приоритетов нашей социальной политики, что требует реализации комплексной программы мероприятий в этом направлении»[2], – отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев.

Внутренним фактором, обеспечивающим идеологическую безопасность, являются политический, социальный, нравственный и духовный потенциалы общества и уровень сформированности идеологического иммунитета у граждан. Кроме того, идеологическая безопасность должна основываться на вековых традициях народа, языке, религии, духовности и общечеловеческих ценностях, служащих национальному развитию. Необходимым условием обеспечения идеологической безопасности также является система воспитательной работы, духовно–просветительской деятельности, проводимой государственными органами, общественными организациями, объединениями и культурно–просветительскими учреждениями. Идеологическая безопасность основывается на идеологическом воспитании, интегрированном с научно обоснованной социальной политикой, правовой культурой, духовной зрелостью и демократизацией общества. Обеспечение идеологической безопасности общества, государства и личности является неотъемлемой частью нашей государственной политики.

«Вся история человечества, – отмечал Первый Президент Узбекистана, тысячелетнее прошлое нашего народа доказывает истину, основанную на горьких уроках и выводах: какие бы планы и программы мы ни ставили перед собой на пути к устойчивому развитию и благополучной жизни, единственным условием и гарантией осуществления всех наших благородных мечтаний и стремлений являются мир и спокойствие. Не случайно, в какой бы дом вы ни вошли в нашей стране, на какое бы собрание или торжество, когда бы ни открылось благословение, молодые и старые, мужчины и женщины – все мы молим Творца о мире и спокойствии.

Известно, что одним из важнейших и священных прав человека является право жить в мире. Обязанность государства и общества состоит в том, чтобы гарантировать это право всеми законными средствами. Реализация этого права является важнейшим условием демократизации государства и общества. Этим критерием в первую очередь измеряется гуманность демократии.

Когда мы говорим о направлениях, выражающих основное содержание нашей национальной идеи, мы, несомненно, представляем себе развитие и прогресс Родины».[3]

Воспитание идеологического иммунитета в сознании граждан начинается, прежде всего, с семьи. Первые понятия, такие как «Родина», «Любовь к Родине», «Чувство Отечества» формируются, прежде всего, в семейной среде. Этот процесс осуществляется через учение предков, пример отца, любовь матери. Различные формы образования и воспитания также играют важную роль во внедрении этих понятий в сердца и умы молодежи.

Бороться со злом и защищать свою страну может только человек с крепким идеологическим иммунитетом, который пытается завладеть сердцами и умами нашей молодежи, еще не сформировавшей самостоятельного мировоззрения, различными путями проникая в нашу страну для достижения своих корыстных целей и гнусных намерений. Развитие идеологического иммунитета, связанное с этой задачей, обусловлено многими социально–экономическими, культурными, мировоззренческими, воспитательными факторами. Это сложная задача, требую-

щая большой работы. Одной из актуальных важных задач интеллигенции и педагогов всех профессий является воспитание в людях, особенно молодежи, таких качеств, как преданность Отечеству, преданность делу реализации идей мира и процветания народа.

Одной из основных целей идеологического воспитания, направленного на укрепление идеологического иммунитета, является формирование представлений о гражданской ответственности и долге человека, имеющих общие принципы для разных слоев населения. Эти понятия известны с древних времен. Но почти всегда они были связаны с различными изъятиями или привилегиями в зависимости от национального, сословного, расового, религиозного, территориального положения. Мыслители средневековья утверждали, что все люди на земле, независимо от расы, религии, национальности, пола и места жительства, имеют право на равноправную жизнь и обеспечение их прав и свобод должно быть первоочередной задачей общества.

СПИСОК ИСПОЛЬЗУЕМОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь.

2. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси// Халқ сўзи. 2016 йил. 2 ноябрь

3. Каримов И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” // – Т.: “Маънавият”, 2016 йил, 72–73-бетлар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ТерДУ 2- босқич магистранти,
Зоирова Сожида

Юртимиз тараққиётида Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамият касб этган ва этади. Ўтган 5 йил мобайнида юртимизда улкан иқтисодий, ижтимоий, маданий масалалар ўз ечимини топганлигига биз ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлдик ва шу ўзгаришларда фаол иштирок этдик. Муҳтарам Президентмиз томонидан тўғри танланган сиёсат натижасида биз бугун Ўзбекистонни янги бир кўринишда яъни “Янги Ўзбекистон” номи, шиори остида кўряпмиз. Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми сифатида янги Тараққиёт стратегиясини бошладик.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Бу жараён ривожланишининг ижобий жиҳатлари ҳам бор, албатта. Чунки иқтисодиётнинг бундай кадрларга бўлган эҳтиёжи туфайли, танлов даражаси ортмоқда ҳамда интегратив соҳалардаги бандлик шаклларини танлаш имконияти кенгаймоқда. Бироқ бу ҳол ижтимоий маконни ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларини кенгайтириш даркорлигини асло инкор этмайди.

“Иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга ошириш, давлат раҳбари сифатида мен учун стратегик вазифа бўлиб қолади.

Биз, аввало, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак”, деб таъкидлайди Шавкат Мирзиёев.[1].

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттита устувор йўналишдан иборат

1. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш.

2. **Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш.**

3. **Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш.**

4. **Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш.**

5. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш.

6. **Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш.**

7. **Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.**

"Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз – юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз. Бу борадаги сиёсатимиз янги 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида қатъий давом эттирилади",-деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев.[2].

Бу барча ислоҳатлар аввало инсон учун эканлиги бизни бугун яшашга бўлган иштиёқимизни оширади. Инсон омили биринчи ўринда турар экан ёшлар бугун мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Ёшлар масаласи хамма вакт омма эътиборини жалб қилиб келган. Ўзбек халкининг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний "Менга ёшларни кўрсатсангиз, мамлакатимиз эртаси қандай бўлишиии айтиб бераман", деганида минг бор хақ эди. Жаҳоннипг машхур ёзувчиси Чингиз Айтматов "Агар мендан хаётимиздаги энг лаззатли онлар туғрисида сўраша, шубхасиз, ёшлигимни, инсон рухининг ёшлигини айтган бўлардим", деган эди. Дархақиқат, ҳар бир

мамлакат ўзига хос тарзда ёшлар сиёсатинн белгилаб олади.

Ўзбекистонинг файласуф, психолог, жамиятшумос олимлари ўртасида умуман, ижтимоий психология ва, хусусан, ёшлар психологисининг фалсафий-мстодологик муаммоларига, шу жумладан, талаба-ёшлар психологиясига қизикиш кучайгани яққол сезилмокда.

Шунииг учун хам талаба-ёшларнинг ижтимоий рухиятини назарий- амалий ва илмий тахдил килишии бугунги кун хаётининг ўзи тақозо этаяпти. Чунки ёшлар жамиятнинг алоҳида ижтимоий демократик гуруҳларини ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимиз ахолисининг 62 фоизини болалар, ўсмирлар, 30 ёшгача булган йигит-кизлар ташкил этади. Талаба-ёшлар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий юксалишииинг муҳим субъектларидан бўлиб, ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларга ижобий таьсир ўтказадилар ва ижтимоий тараққиётни харакатта келтиришда мухим роль ўйнайдилар. Ўзбекистоннинг эртанги порлоқ келажаги қандай бўлиши ана шу талаба- ёшларни юксак маънавият рухида тарбиялашда маънавий мерос имкокиятларидан фойдаланишга, маънавий-мафкуравий дунёқарашига ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнлардаги фаоллигига боғлик бўлади.

Юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилувчан ўғил-қизларимиз иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўгказилган фестиваллар барча ёшларимиз учун етуклик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлди. Ушбу фестиваллар бундан буён нафақат вилоят марказлари- да, балки ҳар бир туман ва шаҳарда ўтказиб борилади ва уларда кўтарилган масалалар ечими бўйича ҳар йили Ҳукумат алоҳида **дастурлар кабул қилади.**

Албатта, ешликка хос шижоат, жушқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида, аввало, она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўрамиз. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек

сингари улуғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва му- тафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётлари- ни, ўлмас бадиий асарларини айнан камолот ёшида яратганларини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз.Бизнинг томирларимизда ана шундай улуғ боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир.

Бу борада юртимизда мутлақо янгича шакл ва мазмунда- ги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган кўплаб ўқувчилар нуфузли халқаро танлов- ларда юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бундай зук- ко ва билимдон фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Навбатдаги муҳим вазифамиз - мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод Хоразмий ва Фарғонийларини, Беруний ва ибн Синоларини, Улуғбек ва Навоийларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Бу йўналишда “Беруний издошлари”, “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Алишер Навоий давомчилари” каби кўрик-танловлар ўгказиб, ғолибларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Тараққиёт стратегияси ҳам ўз номи билан ватанимиз равнақига муносиб ўкмакдош бўлади деган ишончдамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 декабрь, №247(6682)

2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.I ТОМ.

TILSHUNOSLIKDA FAOL RIVOJLANAYOTGAN TARMOQLARDAN BIRI (taom va taomlanish misolida)

Boymurodova Feruza Erkinjon qizi
Termiz davlat universiteti, Xorijiy filologiya fakulteti
Lingvistika (ingliz tili) mutaxassisligi, 1-kurs magistranti

Taom va taomlanish, o'zbek pazandachilik leksikasini etimologik va leksik-semantik, grammatik jihatdan tadqiq etish bugungi kunda tilshunoslikda faol rivojlanayotgan tarmoqlardan biridir. Bunda tilshunos, folklorshunos, o'lkashunos, tarixchi va etnograflarning tadqiqotlariga hamda taom nomlarining qo'llanish davrlarini aniqlashga xizmat qiladigan yozma yodgorliklarga murojaat qilinadi.

Tilshunos olima N.M.Ikromova o'zbek pazandachilik leksikasini tarixiy-etimologik va leksik-semantik, grammatik jihatdan tadqiq etgan[1]. Muallif qadimgi davrlardan bugungi kungacha bo'lgan taom nomlarining ruscha-o'zbekcha, taom nomlarining izohli lug'atlarda berilish xususiyatlari, ularning tarkibi va semantik ifodasini ko'rsatgan. Shuningdek, lug'atlarda qayd qilingan ma'lumotlar va tarixiy manbalardagi taom nomlarini bildiruvchi so'zlardan kerakli o'rinlarda foydalangan.

Qoraqalpog'istonda yashovchi qoraqalpoq, qozoq, turkman tillaridagi o'z ekvivalentlari bilan qiyoslab, etnografik xususiyatlar bilan bog'liq holda tadqiq etgan olima M. Xudayarova o'zbek shevalaridagi taom nomlarini o'rganib, tahlil qiladi[2].

Shuningdek, tilshunoslikda taom nomlari tahliliga doir ma'lumotlarni yoritishda tatar tilshunosligi T.Xayrutdinova[3], tojik tilshunosligi X.Muxammadiyeva[4], T.Karasyova[5] va P.Burkovalarning[6] rus tilshunosligidagi tadqiqot ishlari ham tahsinga loyiq.

[1] Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. – Т.: Фан, 1989. – 70 стр.

[2] Худаярова М.Т. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили (Қорақалпоғистон ҳудуди материаллари асосида). Ном. дисс. қўлёзмаси. - Тошкент. 2009. – 135 б.

[3] Хайрутдинова Т.Х. Названия пищи в татарском языке. Казань, 1993. – 142 с.

[4] Мухаммадиева Х.Н. Профессиональная и бытовая лексика кулинарного исскуства в таджикском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Душанбе, 1979.

[5] Карасёва Т.В. Названия пищи в воронежских говоров. Дисс. ...канд. филол. наук. – Воронеж, 2004.

[6] Буркова П.П. Кулинарный рецепт как особый тип текста. Дисс. ...канд. филол. наук. – Ставрополь, 2004.

Taom nomlarining qo'llanish davrlarini aniqlashga xizmat qiladigan yozma yodgorliklardan biri Mahmud Qoshg'ariyning turkiy tillar tarixi haqida ma'lumotlar beruvchi "Devonu lug'otit turk" asari[1], muallifi noma'lum "Attuhfazuz zakiyatu fillug'atit turkiya" (XIII-XIV) [2], Alisher Navoiyning asarlari lug'atlari[3], Muhokamat ul-lug'atayn va Muhammad Yoqub Chingiyning[4] bugungi kunda unutilgan va yo'qolib borayotgan o'zbek an'anaviy taomlari, ularning nomlanishini tadqiq qilish va kelajak avlodga yetkazishda muhim qo'llanmalardan bo'lib xizmat qiladi.

Zahiriddin Muhammad Boburning Boburnomasida ham taomlar, ularning nomlanishi, xususan, osh so'zi issiq ovqat ma'nosida keladi[5].

Filolog olima G. Odilova gastronomik turizmni rivojlantirishda glyuttonik diskurs tadqiqining ahamiyatini ko'rsatib bergan bo'lsa[6], tarixchi olima S.M. Matkarimovaning "Xorazm o'zbeklarining an'anaviy ovqatlanishi" mavzusidagi monografiyasida Xorazm o'zbeklarining an'anaviy ovqatlanishi va uning o'ziga xos etnolokal xususiyatlari ochib berilgan[7]. Bundan tashqari, qandolat mahsulotlarini ishlab chiqarish va bu borada shakllangan an'analar, Xorazm an'anaviy taomlarining va taom nomlarining transformatsiyalashuvi hamda O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishda Xorazm an'anaviy taomlarining tutgan o'rni kabi masalalar keng yoritilgan ma'lumotlardan qiyosiy o'rinlarda foydalanish mumkin.

O'zbekiston Gastronomik turizm assotsiatsiyasi tomonidan yurtimizning turizm salohiyatini yanada oshirish maqsadida sohadagi terminlarning elektron lug'ati yaratildi[8]. Mazkur lug'at

[1] Қошғарий М. Девону луғотит турк. Таржимон: С.Муталлибов. 3 томлик. – Т.: ЎзФА, 1960. Т.1. – 499 б.; – Т.: ЎзФА, 1961. Т.II. – 427 б.; – Т.: ЎзФА, 1963. Т.III. – 463 б.

[2] Аттуҳфазуз закияту филлуғатит туркия (Туркии тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа). Таржимон: Муталлибов С. - Тошкент: Фан, 1968. - 278 с.

[3] Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 б.

[4] Чингий М.Ё. Келурнома. – Тошкент: Фан, 1982.

[5] Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Тошкент.: Юлдузча, 1989. – 368 б.

[6] Одилова Г. Глюттоник дискурс асослари. - Тошкент. "Mumtoz so'z", 2020. – 312 б.

[7] Маткаримова С. Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий овқатланиши. – Т.: "Fan ziyosi". 2021. - 226 б.

[8] Ўзбекистон Гастрономик туризм Ассоциациясининг веб саҳифаси. 2021 йил // https://www.google.com/

o’zbek, rus, ingliz tillarida tayyorlangan bo’lib, undan gastronomik terminlar, taom tayyorlash jarayoni va bosqichlarini ifodalovchi so’z birikmalari hamda ularning tarjimasi o’rin egallagan. Lug’at nafaqat yurtimizdagi restoran va umumiy ovqatlanish tizimida faoliyat yuritadigan tadbirkorlarga, qolaversa, O’zbekistonga tashrif buyuradigan sayyohlar uchun ham qulaylik yaratadi. Bunda elektron lug’at yordamida taomnomalarni bemalol tarjima qilish, taom tarkibi, uning tayyorlanish jarayoni haqida batafsil ma’lumot berilgan.

Umuman olganda, mustaqillik davri tadqiqotlarida taomlar bilan bog’liq marosimlarni o’rganishga qaratilgan uslubiy qarashlar qayta ko’rib chiqiladi, turli uslub va nazariy qarashlarni jalb etgan holda ilmiy izlanishlar olib borilib, etnik tarkibi va urf-odatlari o’ziga xos bo’lgan Surxon vohasi aholisining taomlari, ular bilan bog’liq an’ana va marosimlari alohida tadqiq qilingan[1].

Shuningdek, tarixchi olim S.N. Tursunov va mualliflar jamoasi tomonidan yozilgan “Surxondaryo-etnografik makon” yo’nalishida muhim ahamiyatga ega bo’lgan Surxon vohasi tumanlariga xos urf-odatlar, an’analar, qadriyatlar tahlil etilgan monografiyalarda ham vohaga xos taomlar tasnifiga to’xtalib o’tilgan[2].

Ta’kidlash joizki, mustaqillik yillarida madaniy merosga munosabat, ajdodlardan qolgan tarixiy meros namunalarini o’rganishga katta e’tibor qaratila boshlandi. O’rganilayotgan tadqiqotning tarixshunosligini tahlil qilish jarayonida o’ziga xos manbalarning ham ahamiyati katta bo’lib, ajdodlarimiz tarixi va moddiy madaniyatini tarixiy etnologik jihatdan tadqiq etish muhim masalalardan biriga aylandi. Ajdodlarning boy hayotiy tajribalari va an’analarini hamda bizga meros qilib qoldirilgan bilimlarini, xalqimiz donishmandligi tarixidan darak beruvchi milliy qadriyatlarni ular

[1] Файзуллаева М.Х. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар. – Т.: Yangi nashr, 2010. – 160 б.

[2] Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. - Т.: “Akademnashr”, 2012. – 232 б.; Турсунов С. Сурхондарё этнографияси: ўқув қўлланма. - Т: “Tafakkur” , 2020. – 208 б.; Турсунов С., Қобулов Э. Сурхондарё тарихи: ўқув қўлланма. - Т: “Tafakkur” , 2020. – 258 б.; Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”, 2006. - 278 б.; Турсунов С., Пардаев Т., Пайғамов А., Нарзуллаева Н. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. – Т.: “Muharrir”, 2013. - 324 б.; Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихи ва этнографияси. - Т.: “Fan va texnologbya”, 2013. – 320 б.; Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. - Т.: “Akademnashr”, 2011. – 430 б.; Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. - Т.: “Yangi nashr”, 2014. - 356 б.; Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. - Т.: “Yangi nashr”, 2017. - 566 б.

qoldirgan nodir manbalardan bilib olish mumkin. Ularda xalqimiz moddiy madaniyatining tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan taom tayyorlash, iste'mol qilish va u bog'liq an'anaviy udumlar, ularning nomlanishi berilganki, u ma'lumotlardan ilmiy xulosalar qilish mumkin. Jumladan, Avesto tarixining o'rganilishi, tadqiq etilishi qadim o'tmishda yashagan xalqlarimizning turmush tarzi va moddiy madaniyati, taomlari hamda tanovuli haqida shuningdek, aholi hayotida muhim o'rin tutgan muqaddas ichimlik Xaoma haqida fikrlar yanada chuqurroq ma'lumotlar olish imkoniyatini beradi[1].

Ovqatlanish borasidagi Qur'oni Karimda zikr etilgan suralar, payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v.) dan to'g'ri taomlanish xususida, musulmonlarning umumiy taomlanish odoblari haqidagi ma'lumotlar mo'minlar yeguliklari borasidagi to'laqonli yo'riqnoma-qo'llanmalardan deb hisoblash mumkin[2].

Insoniyat tarixida odamlar har doim zaminga nisbatan yegulik mahsulotlari bilan ta'minlovchi manba sifatida qaragan. Milliy taomlar ham aynan mana shunday zamin oziqlantirib turgan mahsulotlardan iborat bo'lib, taom nomlarini, o'zbek pazandachilik leksikasini etimologik va leksik-semantik, grammatik jihatdan tadqiq etishda ajdodlardan qolgan ko'p bilim va tajribalarga tayaniladi.

MILLIY HUNHARMANDCHILIK AN'ANALARINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA ZAMONAVIY HOLATI

Barataliyeva Nasiba Mahmadaminovna,
TerDuPI 1-kurs magistranti
nasibabarataliyeva@gmail.com

Hunarmandchilik-milliy-an'anaviy mayda tovar ishlab chiqarish, oddiy mehnat qurollari yordamida yakka tartibda va qo'l mehnatiga asoslangan sanoat turidir. Shunday mahsulotlar tayyorlanadigan

[1] Авесто ва миллий истиқлол ғояси. / Ватан тарихи давлатчилик ва мафкура муаммолари, илмий-назарий конференция. - Қарши "Насаф", 2002.; Ҳомидов Ҳ. "Авесто" файзлари. - Т:. "Абдулла Қодирий нашриёти", 2001.; Абдолниёзов Б., Исҳоқов М. Авеста ва қадимги чорвачилик. - Тошкент. 2008.

[2] Қуръони Карим. Маъноларининг таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2004.; Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия. Таржимон: Масъудали Ҳакимжонов. - Т.: Меҳнат, 1991.

kasblarning umumiy nomi hunarmandchilik deyish mumkin. Bu hunarmandchilik insonlarni hayot faoliyatida juda kata muddat o`z o`rnini egallab kelgan. Garchi hozir texnologiyaning taraqqiyot nuqtasi baland cho`qqiga chiqqan bo`lsada, haligacha hunarmandchiikka ehtiyoj kata va insonlar bunga intilmoqda.[1]

Bunday yuksak ijodiylik namunasi bo`lmish hunarmandchilikni bizning yurtimizda ham yaxshigina qadrlashadi, va hozirgi vaqtda ushbu soha davlat siyosati darajasiga qadar ko`tarilgan. Buning isboti sifatida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 28-noyabrdagi “Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorni ko`rishimiz mumkin.[2]

Yirik sanoat ishlab chiqarishi vujudga kelishiga qadar keng tarqalgan, ayrim sohalari keyin ham saklangan. Kam rivojlangan mamlakatlarning xalq xo‘jaligida hozir ham muhim o‘rin egallaydi. Sababi shundaki har qanday sharoitda ham hunarmandchilik bilan shugillanish mumkin. Saonatlashgan zamonada ishlab chiqarishni ellektr toki va qo`shimcha energiyalarsiz tasavvur qilish juda mushkul,ammo hunarmandchilikda esa faqatgina insonning aql-zakovatiyu jismining mehnati kifoyadir.

Hunarmandchilik insonning ishlab chiqarish faoliyati bilan vujudga kelib, jamiyat rivojlanishi davomida asta-sekin dehqonchilik va chorvachiliksan ajralib chiqdi, turli ijtimoiy-tarixiy davrlar doirasida texnika rivoji bilan aloqador holda takomillasha bordi, turli ixtisosliklar (kulollik, duradgorlik, temirchilik, misgarlik, binokorlik, toshtaroshlik, o‘ymakorlik, kashtado‘zlik, ko‘nchilik, tikuvchilik, to‘quvchilik, zargarlik, degrezlik, rixtagarlik, zardo‘zlik, bo‘yoqchilik, kemasozlik, tunukasozlik va boshqalar)ga ajraldi. Hunarmandchilik qanday tabiiy resurslarning mavjudligiga qarab, mas, paxta va pilla bor yerda to‘qimachilik, sifatli xom ashyo bor yerda kulolchilik, jun va teri ko‘p yerda to‘qimachilik va ko‘nchilik, shunga qarab kosibchilik, o‘rmonlar ko‘p yerda yog‘ochsozlikgma’danlarga boy yerlarda metall ishlab chiqarish va temirchilik, dengiz va daryo bo‘ylarida kemasozlik va boshqa rivoj topgan. Bir so`z bilan aytganda qayerda xom ashy obo`lsa usha xom ashyoning mavjudligiga qarab hunarmandchilikning ma’lum shakli rivojlangan. Sobiq ittifoq davrida bizning mamlakatimiz hududi paxta

monokulturasi siyosati iskanjasida bo`lganligi sababli to`qimachilik va pillachilik hunarmandchiligi anchagina rivojlangan.[3]

Jamiyat taraqqiyoti bosqichlarida, mehnat taqsimoti bilan aloqador holda hunarmandchilikning 3 turi shakllangan:

1. Uy hunarmandchiligi;
2. Buyurtma bilan mahsulot tayyorlaydigan hunarmandchilik;
3. Bozor uchun mahsulot tayyorlaydigan hunarmandchilik;

Uy hunarmandchiligi kapitalizmga qadar bo‘lgan davrlarda hunarmandchilikning eng ko‘p tarqalgan turi bo‘ldi. Hunarmandchilikning bu turi natural xo‘jalikning ajralmas qismi hisoblanagan. Shaharlar rivoji buyurtma bilan hunarmandchilik mahsulotlari tayyorlash va bozorga hunarmandchilik mahsulotlari ishlab chiqarishning jadal o‘sishi bilan uzviy bog‘liq edi. Natijada hunarmandchilik mahsulotlari tovarga aylandi, tovar ayirboshlash uchun ishlab chiqariddi. Davr taqozosi bilan hunarmandchilikning yangi-yangi turlari vujudga keldi. Hunarmandlar ham turli mahsulotlar tayyorlash bo‘yicha ixtisoslasha bordilar. Shaharlardagi mahallalar hunarmandlarning kasbkoriga qarab shakllangan Ayrim mahalla, tuman, shahar, hunarmandchilikning ma’lum mahsulot turi bilan shuhrat qozona boshladilar.

Hunarmandchilik tovar-pul munosabatlariga kengroq va chuqurroq tortilganligi sari tabaqalashdi. Uddaburon va serharakat hunarmandlar boyib dastlabki kapital jamg‘arilishi tufayli kapital sohibiga aylandi va ularning ustaxonalari negizida kichik zavod va fabrikalar vujudga keldi, bu korxonalarda kambag‘allashgan hunarmandlar yo’llanib ishlay boshladi. Natijada hunarmandchilikning rivoji bozor iqtisodiyotining kapitalistik shaklini yuzaga keltirdi.

Hunarmandchilik yuzasidan butun dunyoda tanlovlar va grandlar elon qilingan. Misol uchun Koreya respublikasida hunarmandlar uchun e`lon qilingan katta miqdordagi grantlar ham buning dalili. [ ] Hunarmandchilik Yevropa shaharlarida sanoat rivojiga ham o‘z hissasini qo‘shdi (to‘qish dastgohlari takomillashdi, 14-asr o‘rtalarida Germaniyada domna pechlarining paydo bo‘lishi metallurgiyapa jiddiy o‘zgarishlarga olib keldi. 14—15-asrlarda o‘q otar qurollar ishlab chiqarila boshlandi). Kapitalistik ishlab chiqarish munosabatlari H.ning keyingi taraqqiyotiga zarba berdi, hunarmandchilikning ko‘pgina sohalari tush-kunlikka

uchradi. Sanoat to‘ntarishi oqibatida tez va arzon ommaviy ishlab chiqarila boshlagan fabrika, zavod mahsulotlari hunarmandchilik mahsulotlarini bozordan siqib chiqardi.

Bir so’z bilan aytganda rivojlangan mamlakatlarda yakka buyurtmalar va qimmatbaho badiiy buyumlar tayyorlaydigan hunarmandchilik sohalarigina (tikuvchilik, etikdo‘zlik, gilamchilik, zargarlik, o‘ymakorlik va boshqalar) saqlanib qoldi. Har qanday zamonda ham hunarmandchilik hayotning zaruriy bir qismi bo`lib qoladi. Insoniyan takroba takror tabiiylikka yuzlanaveradi.

ADABIYOTLAR

1. Abdullayev Y., Karimov F. “Kichik biznes va tadbirkorlik asoslari” T.: Mehnat, 2000
2. Xodiyev B.Y. va b.q.lar. “Kichik biznesni boshqarish” Toshkent, O’qituvchi, 2008 y.
3. O’zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo’mitasi ma’lumotlari (2000-2015 yillar).
4. http://www.artcraft.uz/uz/content «HUNARMAND» UYUSHMASI Namangan viloyat boshqarmasi rasmiy sayti ma’lumotlari.
5. https://www.researchgate.net/publication/342783214
6. https://lex.uz/docs/-4622088
7. Wikipedia.uz

БУХОРО-РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ: ТЕРМИЗ МИСОИЛИДА ҲУДУДИЙ-МАЪМУРИЙ ВА ҲАРБИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистри
Бекмуродов Элдор

Термиз Марказий Осиёнинг азимдарёларидан бири саналган Амударё бўйида жойлашганлиги, шунингдек, Туронзамин ва Хуросон чегарасида жойлашганлиги боисидан ҳам тарихнинг турли даврларида муҳим геостратегик макон сифатида аҳамият касб этган. Шу боисдан ҳам минтақада ҳукмронлик қилган

сулолалар Термизни ўзига итоат эттиришни муҳим мақсад қилиб олиб шу мақсад йўлида ҳаракат қилган. Термизнинг муҳим ўринда жойлашганлиги сабабидан ҳам шаҳар доимо қонли урушлар, талашлар ва талатўплар қуршовида яшаган. Бу жараён Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсат мобайнида ҳам давом этган. Чор Россияси Ўрта Осиёга инглизларни кириб келишини олдини олиш ҳамда минтақада ўзининг сиёсат, ҳарбий ва иқтисодий манфаатларини мустаҳкамлашда Термизга эгалик қилишни белгиловчи воситалардан бири сифатида қараганлиги ҳам бежиз эмас. Чор Россияси Бухоро амирлигининг жанубий сарҳадлари хусусан Термизни эгаллашни ўзининг минтақадаги муҳим стратегик мақсади сифатида белгиланган 1873 йил 28 сентябрда Бухоро амирлиги билан Чор Россияси ўртасида имзоланган шартноманинг 3-моддасида: “Бухоро амирлигига қарашли Амударё қисмида Бухоро кемалари ва рус пароходлари, шунингдек, бошқа флот кемалари қаторида ҳукумат ва шахсий кемаларга эркин сузишга рухсат берилади” дейилса, 4-моддасида “керак ва қулай бўлган Амударёнинг Бухоро қирғоқларида руслар ўзининг тўхташ жойи ва товар омборлари қуришга ҳақлидир” дейилган эди.

1988 йил 23 июнда имзоланган қўшимча шартномага биноан юқоридаги шартноманинг моддалари қайта кўриб чиқилади ва рус фуқаролари янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Карки шаҳарларида яшашлари мумкин, деб топилади. Шунингдек, мазкур протоколга биноан Амударё қирғоқлари бўйлаб рус манзилгоҳлари барпо этиш кўзда тутилади. Шу вақтдан эътиборан Термизнинг Амударё қирғоқларига туташиб кетадиган Паттакесар қишлоғи ёнида руслар истиқомат қилиши учун яшаш жойларини барпо этиш бошланган эди. Бу даврда қадимги Термиз атрофидаги Солиҳобод ва Паттакесар қишлоқларида тахминан 1257 киши истиқомат қиларди. 1893 йил 15 январдаги Рус-Бухоро шартномасига биноан ҳозирги Термиз шаҳри жойлашган ҳудудлар Рсу подшосига “Совға сифатида инъом этилади”. Шундан сўнг бу ерга 7-чегара округига кирувчи ҳарбий қисмлар жойлаштирилади.

1894 йилда Термиз қалъаси қурилади. Бу қалъани маҳаллий аҳоли Тупроққўрғон деб атаган. Академик В.В.Бартольднинг

қайд этишича 1900 йилда Паттакесар шаҳарчаси яъни ҳозирги Термиз шаҳри жойлашган ҳудуддаги рус манзилгоҳларида 8052 нафар эркак 2069 нафар аёл яшар эди. Аҳолининг асосий қисм рус ҳарбийларидан таркиб топган эди. Бу ерда жойлашиб олган рус маъмурлари шаҳарни Чор Россияси манфаатларига мос келадиган ҳарбий сиёсий марказга айлантиришга ҳаракат қилишади. Хуллас Термиз шаҳрида рус манзилгоҳларининг бунёд этилиши билан аҳоли сони, турар жойлар маъмурий ва ҳарбий иншоотлар кўлами ҳам кенгайиб бораверади. 1914-1916 йиллар оралиғида Бухоро-Термиз темир йўли қурилди. 1915 йилда шаҳарга алоқа тизими тортиб келинди. Хуллас Термиз ҳарбий шаҳарча ва Амударё бўйидаги рсу-манзилгоҳи сифатида шакллана бошлади. 1917 йил феврал ойида Россияда амалга оширилган ўзгаришлар натижасида ҳокимиятга келган муваққат ҳукуматнинг даврида ҳам Термиз Чор Россиясининг манзилгоҳи сифатида қолаверди.

Россиядаги феврал воқеаларни буржуадемократик давлат қуришни кун тартибига қўйган эди. Чор Россиясининг таркибий қисмига кирган Термиз шаҳрида ҳам инқилобий ўзгаришлар амалга ошириш бошлади. Шу мақсадда шаҳарда ҳарбийлар бошқарув қўмитаси тузилади. 1917 йилнинг 10 мартида шаҳарда митинглар ташкил этилиб аскар қўмиталари тузиш зарурлиги қайд этилади. Бу даврда ҳокимиятни қўлга олган муваққат ҳукумат аъзоларининг ўртасида сиёсий ҳокимият асосларини шакллантириш юзасидан якдил фикр йўқлиги туфайли муваққат ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тадбирлар боши берк кўчага кириб қолади. Шундай мураккаб шароитда Термизда аҳвол оғирлашади.

Бу даврда шаҳарда 31-Амударё чегара бригадаси, 546-Қозон дурижинаси, Тошкент дружинаси, 9-Туркистон заҳирадаги ўқчи полки, 6-Сибирь заҳирадаги ўқчи полки, 6-Сибирь заҳирадаги ўқчи полки ва қалъа артилерия ротаси жойлашган бўлиб, шаҳар аҳолисининг умумий адади 8000 русийзабон кишини ташкил этарди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ТИКЛАШДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТЎЙҒУЛАРИ ТАРИХИДАН

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистранти Чоршанбиева Насиба Хидировна

1999 йилнинг 6 ноябрида ЮНЕСКО шафелигида Алпомиш достонининг 1000 йиллиги Термиз шаҳрида кенг нишонланди. Мазкур тадбир муносабати билан халқаро илмий анжуман ва катта спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Термиз Марказий осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қадим шаҳарлари билан беллаша оладиган қадим шаҳар саналади. Шу боисдан ҳам 1999 йилнинг ноябр ойида ЮНЕСКОнинг Парижда бўлган 30-сессиясида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарори қабул қилинди. Шу йили 27 декабрда эса Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу анжуманга тайёргарлик асносида шаҳарда археология музейи, амфитеатр, замонавий услубда қурилган темир йўл бекати, А.Навоий, Бобур ва Дўстлик истироҳат боғлари қад ростлади. Қолаверса шаҳар атрофида жойлашган “Қирқиқиз”, “Султон Саодат”, “Кокилдор ота” мақбаралари таъмирланди. 200.. йилда япон олими Кюдзо Като Фаёзтепа ёдгорлиги устига айвон ўрнатди. Шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик юзасидан олиб борилган кенг қамровли ободончилик ишлари натижасида шаҳар янгича қиёфа кашф этди. 2002 йилнинг апрел ойида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи ЮНЕСКО ҳамкорлигида нишонланди. Унда мамлакатимизнинг биринчи президенти И.каримов иштирок этиб юбилей тантаналарида “Жайхун” бўйидаги боқий шаҳар мавзусида маъруза қилди. Термиз мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси сифатида мустақиллик йилларида ҳар томонлама гуллаб яшнади. Айнан мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан қурилишлар туфайли шаҳарнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ушбу бунёдкорлик

ишларининг тадрижий давоми сифатида 2009 йилнинг 25 августида Термиз давлат университетининг янги ўқув биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

Ушбу бинони очилишида республикамизнинг биринчи президенти И.Каримов иштирок этди ва Термизнинг Марказий осиё тарихида ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнига тўхталиб, Термиз қадим Бақтриянинг марказий шаҳарларида бири бўлганлигини бу ерда илм-фан маданият, ҳунармандчилик ва савдо беравж ривожланганлигини таъкидлади. Ушбу учрашувда И.Каримов Сурхон воҳаси аҳолисининг бой қадриятлари, удумлари ва анъаналарига ҳам юксак баҳо бериб воҳани "Сурхондарё-этнографик макон" дея эътироф этди. Шуни қайд этиш жоизки, Термиз давлат педагогика институти айнан истиқлол туфайли 1992 йилнинг 28 февралида университет мақомини олган эди. Бироқ университетт анча вақт мобайнида мослаштирилган бинода фаолият юритди. 2009 йилдан бошлаб эса университетда улкан қурилишлар ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Инчунун шу даврда университетнинг иқтисодиёт, хорижий тиллар ва ўзбек филологияси факультетларининг ўқув бинолари янгитдан қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари университет Ахборот ресурс маркази, спорт мажмуаси, 4-талабалар турар жойлари янгитдан бунёд этилди. Барча ўқув бинолари тубдан таъмирланди. Натижада университет улкан мажмуага, шаҳар ичидаги мўъжаз шаҳарчага айланди. Шаҳарда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида "Бахт уйи", 2-сон Академик лицей биноси, Вилоят божхона бошқармасининг биноси, Сурхон спорт мажмуаси, Термиз шаҳар мактабгача таълим касб-ҳунар коллежининг биноси, шаҳар авто шохбекати, Термиз буюм бозори, Меҳрибонлик уйи, 2-сон мусиқа мактабининг биноси, тасвирий санъат мактаби, спорт коллежи биноси, султон Саодат, А.навоий, Ш.Рашидов, И.Каримов ва баркамол авлод кўчаларидаги кўп қаватли тураржой бинолари, қатор маърифат масканлари, савдо шахобчалари таълим муассасалари, шифохоналар, кенг кўчалар, сайилгоҳлар, маъмурий бинолар, маиший иншоотлар қуриб фойдаланишга топширилди. Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари , тинчлик ва

барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри 2014 йилнинг 22 августда Президент фармонига мувофиқ "Амир Темур" ордени билан мукофатланди. Термиз мустақиллик йилларида юртимизнинг обод гўшаларидан бирига айланди. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2035 йилгача бўлган бош режаси тасдиқланган бўлиб, унга кўра шаҳарнинг марказий қисмини реконструкция қилиш, айрим корхоналари шаҳар ташқарисига кўчириш, ҳудудлар ва транспорт йўллари ҳолатини яхшилаш ҳамда аҳоли учун зарур муҳандислик коммуникациялари билан таъминланган янги уйлар қуриш кўзда тутилган. Бош режа кўра 2016 йилда шаҳарнинг ҳудуди 2,78 минг гектар бўлса, 2035 4,341 минг гектарга кенгайтириш назарда тутилган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йил сайловчилар билан учрашиш мақсадида Сурхон воҳасига ташрифи жараёнида ҳам Термиз шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий равнақи яқин келажакда шаҳарни ривожлантириш юзасида амалга ошириладиган ишларга тўхталиб, Термиз юртимизнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланиши ҳақида фикр билдирди. 2017 йилнинг январ ойида вилоятда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни кўздан кечириш мақсадида воҳага ташрифи жараёнида ҳам Термиз шаҳрининг бош режаси ва бу ерда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб шаҳар аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш, аҳолига муносиб яшаш шароитларини яратиб бериш, хуллас одамларни ҳаётдан рози қилиш борасида ўзининг қимматини маслаҳатларини берди. Ушбу хайрли ишларнинг дебочаси сифатида сурхон дарёси бўйида сўлим "Амударё дам олиш маскани" "Бахши-шоирлар мактаби, 2000 ўринли Амфитеатр биноси, санъат саройи кам таъминланган оилалар учун кўп қаватли арзон уй-жойлар, Тупроққўрғон ўрнида истироҳат боғи каби маданий маиший иншоотлар қуриб фойдаланишга топши-

рилди. Узоқ йиллар давомида 2 миллионда ошиқ аҳолиси бор Сурхон воҳасида 2017 йилга қадар атиги бирта олий ўқув юрти фаолият кўрсатиб келди. Бу эса халқ хўжалигини, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида қатор етишмовчиликларга сабаб бўлди. Воҳанинг кўплаб ёшлари, илм олиш мақсадида бошқа вилоятларга бориб ўқишга мажбур бўлди, кўпчилик ҳолларда эса ўқишга кириш балларининг баландлиги боис айрим мустахассисликларга бермоқ билан санарли ёшлар бахтига муяссар бўлди. Бу эса мактагача таълим соғлиқни сақлаш саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўпгина соҳаларда мутахассислар тақчиллигини юзага келтирди. Муҳтарам президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида шаҳарда яна қўшимча 4 та олий ўқув юрти фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан И.Каримов номли Тошкент техника университетининг, Тошкент давлат Аграр университетининг, Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетининг, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиаллари, шунингдек, Термиз давлат университетининг Денов филиалининг очилиши воҳа аҳлининг айниқса ёшларнинг қувончига қувонч қўшди ва уларнинг орзу-истакларини амалга ошишига кенг йўл очиб берди.

АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ҲОЛАТИ ВА ЖОЙЛАШУВИГА ОИД ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР

Термиз давалт университети Жаҳон тарихи кафедарси магистранти
Эшмуродов Жума Ҳусан ўғли

Сурхондарё вилояти мустақиллик йилларида йилдан йилга очилиб, шаҳарнинг майдони, ундаги инфратузилма кун сайин кенгайиб бормоқда. Бу эса вилоятжа амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг бевосита самараси саналади. 2018 йилги ҳолатга кўра шаҳарнинг майдони 2,78 минг гектарни ташкил этади. Шаҳарда 142,1 мингдан зиёд аҳоли истиқо-

мат қилади. бу вилоят аҳолисининг демографиясида 5,8 %ни ташкил этади. Шаҳар аҳолисининг 60,6 фоизини ўзбеклар, 18,3 фоизини тожиклар, 3,6 фоизини туркманлар, 4,2 фоизини эса бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Термиз шаҳри 6 кичик даҳа 30 та маҳалладан таркиб топган. Совет тузуми даврида кичик бир ҳарбий шаҳарча сифатида шаклланган Термиз шаҳри истиқлол туфайли юртимизнинг гўзал гўшаларидан бирига айланди. Қолаверса, шаҳарда майда ва ўрта бизнеснинг ривожига ҳам кенг имкониятлар яратилди. Бу эса тадбиркорлар томонидан янги-янги ташаббусларни илгари сурулиши, улкан яратувчанлик кайфиятининг шаклланишига кенг ўрин берди. Шаҳар иқтисодиётининг асосий макроиқтисодий кўрсатгичлари анчагина ўсди. Чунончи 2015 йилда шаҳарда 306,2 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2016 йилда эса бу кўрсаткич 362,5 млрд сўмни ташкил этди.

Провардида ушбу макроиқтисодий кўрсатгичда ҳудудий саноат маҳсулотларининг улуши 2015 йилда 161,4 млрд сўмлик маҳсулотдан иборат бўлган бўлса, 2016 йилда эса 196,7 млрд сўмлик маҳсулотни ташкил этди. Агар 2015 йилда 97,7 млрд сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса 2016 йилда эса 157,6 млрд сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Шу даврда қурилиши соҳасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2015 йилда шаҳарда 292,6 млрд сўмлик 2016 йилда эса 372,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Шаҳар иқтисодиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичида ташқи савдо айланмасининг миқдори 2016 йилда 36799,8 минг АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилда 23726,3 минг АҚШ доллари ҳисобида маҳсулот экспорт қилинди. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек одамларга муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз учун энг аввало уларга иш ўринлари яратиб, одамларни бандлигини таъминлашимиз керак, шундагина жиноятчилик ҳам камаяди, иқтисодий ўсиш ҳам бўлади, одамлар рағбариятдан рози ҳам бўлади. Дарвоқе кейинги икки йилда айнан одамларнинг орзу истаклари, ғам ташвишлари билан танишиб, уларнинг ҳолидан мунтазам тарзда хабар олинаётганлиги, халқ давлат муассасаларига эмас, аксинча давлат муассасаларининг

халққа хизмат қилаётганлиги, юртбошимиз ташаббуси билан жойлардаги муаммолар чуқур ўрганилиб, аҳоли билан ишловчи халқ қабулхоналари, виртуал қабулхоналар шунингдек секторлар фаолиятининг йўлга қўйилганлиги туфайли кўплаб муаммоларни ўз жойида ечиш имконияти юзага келди. Натижада йиллар давомида тўпланиб келган кўплаб муаммолар ўз ечимини топмоқда. Айниқса 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ҳаракатлар стратегияси халқимиз фаравонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, ҳаракатлар стратегиясининг "Ижтимоий соҳани ривожлантириш деб номланган тўртинчи йўналиши аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация ҳамда ижтимоий инфра тузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам сифатини ошириш, хотин қизларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг оилада ва жамиятда мавқеини ошириш, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, ўрта махсус ва олий таълимни ислоҳ қилишни назарда тутади. Шунингдек, кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган. Мазкур дастурни амалга ошириш жараёнида Термиз шаҳрида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни Термиз шаҳар ҳокимининг фуқароларни қабул қилиш куни сифатида белгиланди, бундан ташқари шаҳар ҳокимлигининг сайёр қабул гуруҳи маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон кириб аҳолининг турмуш шароити, мавжуд муаммолар уларнинг ечимини топиш юзасидан амалий ишларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда шаҳарда 94300 нафар меҳнат ресурси мавжуд. Иш билан банд аҳоли эса 82600 нафарни ташкил этади. Аҳолининг кичик бизнес ва тадбиркорлик билан банд қисми эса 9471 кишини ташкил этади. 2016 йилда 7637 та иш ўрни яратилган бўса 2017 йилда эса 8216 та иш ўрни яратилди. Шаҳарда ишсизлар сони 3514 нафарни ташкил этади. Шундан бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб мурожаат

қилганлар сони 724 киши ишга жойлаштирилганлар эса 686 нафарни ташкил этади. Мулкчиликнинг кўп тармоқли тизимига ҳамда тадбиркорлик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликка яратиб берилган улкан имкониятлар туфайли Термиз шаҳрида ҳам мулкичиликнинг турли шакллари ва тадбиркорлар сони йил сайин оишб бормоқда. Жумладан бугунги кунда шаҳарда 9 та акциядорлик жамиятлари 1117 та маъсулияти чекланган жамиятлари, 14 та қўшма корхона, 970 та хусусий корхона, 26 та оилавий корхона, 1108 та якка тартибдаги тадбиркорлар ва 490 та турли шаклдаги мулкчилик субъектлари фаолият юритмоқда. Шаҳарда рўйхатга олиниб фаолият юритаётган 2171 та кичик бизнес субъектларида 8760 нафар ишчи хизматчилар фаолият юритмоқда. 2016 йилда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушида саноат маҳсулотлари 46 фоиз, инвестициялар ҳажмида 57 фоиз, қурилишда 89,1 фоиз, чакан савдода 87 %, хизматлар соҳасида 51,7 фоиз, экспортда 10,6 %, импортда эса 50,6 %ни ташкил этди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА КИЧИК ВА ЎРТА БЕЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ ТАРИХДАН МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Термиз давлат унверситети Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри Абдуллаев Рўзимурод Асадулло ўғли

Шаҳарда саноат корхоналарининг сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда бироқ шунга қарамасдан ҳанузгача қўшма корхоналар барпо этиш, чет эл инвестициясини жалб этиш, кенг турдаги ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этиш борасида Термиз шаҳри республиканинг бошқа шаҳарларига нисбатан анча орқада. Бунинг албатта бир қанча ўзига хос ҳам объектив ҳам субъектив сабаблари бор. Таъкидлаш жоизки, муҳтарам президентимиз, республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги шунингдек, шаҳар ҳокимлиги томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган улкан имкониятлар, тадбиркорлик фаолиятини ташкил

этишга тўғаноқ бўладиган бюрократик тўсиқлар, турли хил қоғозбозликларнинг олдини олиниши натижасида бу соҳада ҳам маълум силжишлар кўзга ташланмоқда 2015 йилги ҳолатга кўра шаҳарда 322 та саноат корхоналари фаолият юритган бўлса, шундан 5 таси йирик корхоналар, 15 таси кичик корхоналар, 302 таси эса микрофирмалардир. 2016 йилда эса ушбу қўшимча тарзда 83 та янги корхона бунёд этилди. Бугунги кунда шаҳар саноат корхоналари тармоқлар кесимида озиқ-овқат саноати, мева-сабзавотни қайта ишлаш саноати, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати, вино ва спиртли маҳсулотлар саноати, метални қайта ишлаш саноати, машинасозлик саноати, кимё саноати, енгил саноати, чарм-пойафзал саноати, фармацевтика саноати, қурилиш материаллари саноати каби соҳалар муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари шаҳарда шифер заводи, чинни буюмлар заводи, Сурхон ипаги маъсулияти чекланган жамияти, ташкилот ва корхоналар учун металл мебеллар ишлаб чиқарувчи, “Барлс” маъсулияти чекланган жамияти, электрускуналар ишлаб чиқарувчи “Манометрсервис Термиз” маъсулияти чекланган жамияти текстил буюмлар ишлаб чиқарувчи “Дилшодбек Термиз” хусусий корхонаси, махсус иш кийимлари ишлаб чиқарувчи “Имкон-Макс” маъсулияти чекланган жамияти, гўштли фрикаделькалар ишлаб чиқарувчи “Термиз – Азларсой Баракати” МЧЖ, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Акс-Сурхон” МЧЖ, тикув иплари ишлаб чиқарувчи “Гул-Асал-Термиз” хусусий корхонаси, сувли муҳитдаги акрил ёки ванил полимер асосидаги лак ва буёқлар ишлаб чиқарувчи “Омега-К” кўп тармоқли хусусий фирмаси, қоғоз ва картон чиқиндиларни қайта ишловчи “Хаит-Қурбон” кўп тармоқли хусусий фирмаси, Алюминли эшик ва ромлар ишлаб чиқарувчи “Термиз-Ҳайит” МЧЖ каби жамиятларнинг ташкил этилиши шаҳарда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг турини янада ошишига хизмат қилмоқда. Бозор иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам муҳим тармоқлардан бири саналади. Хизмат кўрсатиш тизимининг яхши йўлга қўйилиши одамларга қулай яшаш тарзини яратиш, ҳаётни янада фаровонлашишида белгиловчи омил саналади шу боисдан ҳам барча тараққий қилган мамла-

катларда хизмат кўрсатиш тизими юксак даражада ривожланган. Масалан, Францияда меҳнатга яроқли аҳолининг атиги 6 фоизи қишлоқ хўжалигида, 36 фоизи саноатда, 46 фоизи хизмат кўрсатиш тизимида қолган 12 фоизи эса бошқа соҳаларда хизмат қилади. турмуш шароитимизни жаҳон стандартлари даражасида юксалтириш юзасидан бажарилаётган барча ишларнинг замирида инсон омили муҳим ўрин тутади. Бир сўз билан айтганда бугун Ўзбекистонда фароғат жамиятини яратиш юзасидан анчагина ҳайрли ишлар амалга оширилди. Фароғат жамиятида эса маиший хизмат тизими намунали тарзда йўлга қўйилган бўлади. Бугунги кунда Термизда жами хизмат кўрсатиш объектлари 1556 тани ташкил этади. Шундан 448 таси маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари 1142 таси савдо шахобчаларидан иборат. Термиз шаҳрида ҳозирги кунда 3 та бозор, 106 та умумий овқатланиш шахобчаси, 5 та суғурта компанияси, 5 та гузар савдо комплекси, 15 та бошқа турдаги маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият юритмоқда. Булар эса шаҳар аҳолиси ҳаётини фаровонлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Албатта ижтимоий инфратузилмани яхши йўлга қўйишда аҳолини маърифатли қилиш, таълим тизимини юксак даражага кўтариш, маданият муассасалари фаолиятини кенгайтириш, адабиёт, мусиқа, театр ва санъатни кенг халқ оммаси ҳаётида жадал кириб бориши муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олиб қараганда шаҳарда маънавий ҳаёт ва маданиятни юксалтириш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИНИ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИДА ИСЛОҲАТЛАРНИ САМАРАСИ ТАРИХИДАН

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистранти Чоршанбиева Диёра Чоршанбиевна

Айниқса, муҳтарам президентимиз ташаббуси билан бу борада амалга оширилаётган хайрли ишлар ниҳоятда диққатга сазовор. Чунончи, мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ

этилиши, бу борада алоҳида вазирлик тизимининг шаклланти-рилиши, ўн бир йиллик умум таълим тизимининг қайта йўлга қўйилиши, таълим тизимида ҳам нодавлат муассасаларнинг ташкил этилиши, китобхонлик маданияти каби соҳаларда қабул қилинган қарор ва фармонлар ижтимоий инфраструктурани янада юксалишига замин яратди. Бугунги кунда Термиз шаҳри-да ҳам мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Янгидан-янги мактабгача таълим муассасаларини бунёд этиш, мавжудларини тубдан қайта таъмирлаш, бу борада малакали мутахассислар тайёрлаш, хусусий боғчалар ташкил этиш қола-верса барча мактабгача ёшдаги болаларни тўлиқ боғчага қамраб олиш борасида улкан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир Термизда 27 та мактабгача таълим муассасалари мав-жуд бўлиб, уларда 3972 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда шаҳардаги макбатгача таълим тизимида 229 нафар ишчи ходим хизмат қилмоқда. Бироқ ҳанузгача шаҳарда болаларни мактаб-гача таълим тизимига жалб этиш борасида ҳали қилинадиган ишлар анчагина сабаб шаҳардаги 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган бо-ланинг 29,4 %гина мактабгача таълим тизимига қамраб олинган. Бу эса ҳали ушбу тизимда ҳали анчагина бажарилиши лозим бўлган юмушлар мавжудлигидан далолат беради. Комил инсон тарбиясида узлуксиз таълим тизими муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олиб қараганда умум таълим мактаблари фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам улкан хайрли ишлар амалга оширилмоқда 2017-2018 ўқув йилида шаҳарда 17 та умум таълим мактаби 2 та мусиқа мактаби, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 11 та ўрта махсус кабс-ҳунар таълим муассасалари, 2 та академик лицей фаолият юритди. Шаҳар мум таълим мактабларида таълим олаётган 20933 нафар ўқувчига 1417 нафар малакали мутахассислар таълим тарбия бермоқда. Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган 9845 нафар ўқувчига 976 нафар малакали ўқитувчилар касб-ҳунар сирларини ўргатмоқдалар. Истиқлол йилларида жисмоний тарбия ва спортга берилган улкан эътибор туфайли ушбу соҳада ҳам улкан ўзгаришлар юз бериб мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. Агар Совет тузими даврида бутун Ўзбекистон бўйича жаҳон чемпиони бир ёки иккита бўлган бўлса, ҳозир ҳар

бир маҳалладан жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда. Албатта жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда битта хоҳишнинг ўзи камлик қилади, бунга қўшимча тарзда моддий техник база ҳамда малакали мутахассисларнинг фаолият олиб бориши эришиладиган ютуқларнинг муҳим гарови саналади. 2016 йил ҳолатига кўра Термиз шаҳрида 86 та спорт иншоотлари фаолият юритди. Ва уларга 36998 нафар одам спорт машғулотлари билан шуғулланди.

Чунончи ушбу спорт иншоотларининг 2 таси йирик стадион, 38 та спорт залл, 210 та спорт тўгараклари, 6 та сузиш ҳавзаси, 4 та теннис корти, 25 та сунъий қопламали кичик футбол майдонлари, 5 та болалар ва ёшлар спорт мактабларидир.

Аҳолини жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ тортишда спорт тўгаракларининг ҳам ўрни катта. 2016 йилда шаҳарда 210 та спорт тўгараги фаолият юритди. Уларнинг 20 таси бадиий гимнастика, 21 таси енгил атлетика, 2 таси оғир атлетика, 1 таси баскетбол, 28 таси футбол ва мини футбол, 18 таси кураш, 13 таси жанг санъати, 23 таси бокс, 32 таси шахмат ва 52 таси эса бошқа спорт турларига оид тўгараклар саналади. Термиз мустақиллик йилларида халқаро мусобақалар ўтказиладиган шаҳарлардан бирига айланди. Жумладан, 1993 йилдан бошлаб Ал Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишлаб ҳар икки йилда бир марта Президент совруни учун миллий кураш мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. 1999 йил 22 октябрда эса Президент кубоги учун Миллий кураш бўйича 2-халқаро турнир ҳам айнан Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. 2011 йилда эса “Баркамол авлод” спорт ўйинларига ҳам Термиз шаҳри мезбонлик қилди. Спортчиларнинг тинимсиз машқлари, мураббийларнинг машаққатли меҳнатлари туфайли Термиз шаҳрининг қатор ёшлари Жаҳон, Осиё, Олимпиада ва Ўзбекистон биринчилиги спорт ўйинларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

2017 йилда ал Ҳаким ат Термизий номли миллий кураш бўйича халқаро турнирда Холиёров Абдулла 1-ўринни эгаллади. Сайматов Сирожиддин эса спортнинг каратэ тури бўйича қувонарли ютуқларни қўлга киритди. Чунончи 2017 йилда Францияда, Бирлашган Араб амирликларида, Озарбайжонда, Испанияда ўтказилган жаҳон чемпионатларида 1 ва 2 чи ўринларни эгал-

лади. Спортнинг шу тури бўйича қизлар орасида Алиқулова Дилдора Қозоғистонда ва Малайзияда ўтказилган Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллади. Айнан каратэ спорт тури бўйича Боймуҳаммедов Мурод ва Чориев Акмаллар ҳам Осиё чемпиони бўлишдек, шарафга сазовор бўлишди. Бокс бўйича катталар ўртасида ўтказилиб келаётган мусобақаларда эса Ғаффоров Оқмурод ва Гаипов Маҳмудлар фахрли 1-ўринни эгаллашди.

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ ҲАЁТНИНГ ЮКСАЛИШИ ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА АКС ЭТТИШИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистранти Уралова Малика

Жисмоний чиниқиш билан маънавий юксалиш уйғунлашган инсонгина комилликни касб этади. Инсонни спорт мусобақалари жисмоний чиниқтарса, китоб мутооласи эса унинг маънавиятини юксалтириб, ақлини чархлайди. Шу боисдан ҳам муҳтарам Президентимиз китобхонлик маданиятига жиддий эътибор қаратмоқда. Чунки китоб ўқиган одам бировга ёмонлик қилмайди, аксинча китоб инсонда юксак фазилатларни тарбияловчи муҳим воситадир. 2017 йилда Термиз шаҳрида 21 та Ахборот ресурс марказлари фаолият юритди. Ушбу зиё масканларидаги китоблар сони 830817 донани ташкил этади ва улардан 50860 таси электрон китоблардир. Китобхонларнинг йиллик кутубхоналарга қатнови 100686 тани ташкил этди. 2017 йилда Термизда замонавий типдаги кутубхонанинг очилиши нафақат шаҳар балки воҳа аҳлининг маданий ҳаётида муҳим восита бўлди. Аҳолининг маданий хордиқ чиқаришида театрнинг ўрни ҳам беқиёс даражада улуғ. Театр нафақат маданий хордиқ маскани балки, улуғ бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганидек: “театр бу - ибратхонадир” бугунги кунда Термиз шаҳрида 2 та театр фаолият кўрсатмоқда. Маннон Уйғур номли Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ҳамда Термиз қўғирчоқ театри шулар жумласидан саналди. Мустақиллик Маннон Уйғур номли вилоят мусиқали театри жамоаси учун

анча ижодий парвозларга йўл очди. Шу даврда театрнинг ижодий жамоаси Ш.Пардаевнинг “Осмонсиз уй” (1992), Н.Пардаанинг “Адиб Собир Термизий” (1994), М.Бобоевнинг “Ўчмасин чироқ” (1995), М.Қодировнинг “Сеҳрли узук” (1996), Қ.Абдунабиевнинг “Амир Темур ва Йилдирим Боязид” (1996), Ж.Маҳмуднинг “Тошмат тажанг уйланармиш” (1997), Х.Расулнинг “Фаришта” (1999), У.Азимнинг “Алпомиш” (2000), Х.Хурсандовнинг “Ўлдинг азиз бўлдинг” (2001), М.Бобоевнинг “Ўлим халқаси” (2002).

Бундан ташқари шу даврда Х.Хурсандовнинг “Кампир топайми дадажон?”, “Қайсар чол”, “Жуфт-жуфт лайлаклар”, “Алла”, Ш.Пардаевнинг “Афадизода”, У.Азимнинг “Туғилган кун”, Э.Норсафарнинг “Ташна қалб”, Ш.Ризаевнинг “Она”, Х. Хурсандовнинг “Аёл ҳақида қасида” (2015), Р.Орифжоновнинг “Уйқусиз тунлар” (2015) каби асарларни ҳавола қилди. Шу йилларда театрнинг бадиий савияси ҳам ошди. Театр ижодкорлари қатор долзарб мавзуларга қўл уриб кўплаб гранпирлар, мукофот ва эътирофларга сазовор бўлди. 2015 йилда театр жамоаси жонажон театрларининг 80 йиллик юбилейини муносиб тарзда нишонлади.

2018 йил театр жамоаси учун анча қувончли келди. Чунки шу йилнинг феврал ойида Термиз шаҳрининг қоқ марказида қадростлаган муҳташам Санъат саройи ва Амфитеатр фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Сурхондарёга ташрифи жараёнида ушбу маънавият масканини бориб кўрди ва театр ижод аҳли билан учрашди.

Мустақиллик йилларида Термиз шаҳрида матбуот тизимида ҳам улкан ўзгаришлар бўлди. Шу даврда “Сурхон тонги”, Заря сурхана”, “Садои Сурхон”, “Термиз оқшоми”, “Солиқчи”, “Сурхон ёшлари”, “Маънавият гулшани”, Термиз университети каби газеталар фаолият юритди. Сурхондарё телевилениями “Ишонч” тедлевидениями, Сурхондарё радиоси эса ўзининг туркум кўрсатув ва эшиттиришлари билан элга манзур бўлди. Истиқлол йилларида Термиз шаҳрида соғлиқни сақлаш тизими ҳам сифат жиҳатидан ҳам миқдор жиҳатидан ҳам ўсди. Чунончи шу даврда шаҳарда, 63 та тиббиёт муассасалари фаолият юритди. Шундан 39 таси хусусий тиббиёт муассасалари саналади. Ушбу

йилларда вилоят шифохонаси, вилоят перенатал маркази, вилоят эндокринология диспансери, Термиз шаҳар тез тиббий ёрдам илмий маркази бинолари тубдан реконструкция қилиниб таъмирланди. Шу даврда вилоят Кардиология маркази, Термиз шаҳар тез тиббий ёрдам илмий маркази каби тиббиёт муассасалари замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Мустақиллик берган кенг имкониятлар туфайли шаҳарда қатор хусусий тиббиёт муассасалари ҳам фаолият кўрсата бошлади. Жумладан, “Ўтан Полвон”, “Машҳура”, “Бехзод шифо”, “Парвина малҳам” “Шароф Шифо”, “Доктор А”, Индра шифо” “Зараут Шифо”, “Муслима мед” каби хусусий даволаш муассаслари ходимларининг хизматлари халққа анча манзур бўлмоқда.

2015 йилда Термиз шаҳрида шифохоналар сони 19 та бўлган бўлса, 2016 йилда эса 21 тага етди. Ушбу даво масканларида 2016 йилда 1139 нафар шифокор, 4282 нафар ҳамширалар фаолият юритди. Бироқ Сурхон воҳасида ҳамон олий маълумотли тиббий ходимлар етишмайди. Шу боисдан ҳам Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг ташкил этилиши бу борадаги мавжуд муаммоларнинг амалий ечимини топишда дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Мустақиллик том маънода Термиз шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида улкан туб бурилишлар, беқиёс янгиликлар, юксак ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Шу жиҳатдан олиб қараганда Термиз шаҳри ҳар томонлама юксала борди ва мамлакатимизнинг жанубдаги муҳташам дарвозасига айланди.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА САНОАТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ТЕРМИЗ ШАҲРИ МИСОЛИДА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистранти Музрабов Ёркинжон Тўхтамурод ўғли

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Термизда ҳам тинч давр талабига биноан халқ хўжалигини тиклаш ишлари бо-

шланди. Фронтга кетган кўплаб йигитлар урушнинг қонли жангоҳларидан ўз она юртларига қайтишмади. Кўплари эса майиб мажруҳ бўлиб қайтишди. Шаҳарда ҳам аста секин ҳаёт жонлана бошлади. Лекин шунга қарамасдан етишмовчиликлар, иқтисодий ҳаётда танглик ва узилишлар яққол кўзга ташланарди. Боз устига уруш туфайли ишга яроқли эркак аҳоли камайиб кетган эди. Ҳали аҳолининг маиший турмуш даражаси ҳам қувонарли ҳолатда эмас эди. Шунга қарамасдан шаҳар аҳолиси бор имкониятларини ишга солиб шаҳарни ободонлаштириш, кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани йўлга қўйиш борасида тинимсиз меҳнат қилишди. Шу боисдан ҳам иқтисодий ҳаёт секинлик билан бўлсада изга туша бошлади. Шаҳарда янги корхоналар бунёд этила бошлади, мавжудлари таъмирланди. Ўша пайтларда Термиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири Термиз пахта тозалаш заводи эди. 1946 йилдан бошлаб завод янги ускуналар билан жиҳозлана бошлади 1948 йилда заводда чанг ҳайдагич, лентали транспорт ишга туширилди. 1949 йилга келиб Термиз пахта тозалаш заводи 9675,7 тонна тола ишлаб чиқарди. 1957-59 йилларда эса завод тўлиқ механизациялаштирилди. Урушдан кейинги йилларда шаҳарни автомобил, темир ва ҳаво йўллари орқали республикамиз ва қўшни республикалар билан боғлаш мақсадида анча ишлар амалга оширилди. Шуни қайд этиш жоизки 1943 йилда Термизда аэропорт қуриб ишга туширилган эди. 1945 йилнинг октябридан бошлаб уруш даврининг қийинчиликлари туфайли фаолияти тўхтаб қолган Термиз-Шеробод-Бойсун ҳаво йўли қайта ишга тушди. Сўнгра Сариосиё-Узун-Денов ҳаво йўли ҳам очилди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Термизда тош тўшалган ва асфальт ётқизилган кўчалар 1932 йилдагича нисбатан тўрт боравар кўпайди. Урушдан кейинги йилларда пахта майдонларининг кенгайиши туфайли пахтадан мўл ҳосил олина бошлади. Пахта толасига бўлган марказнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида пахтачиликка жиддий эътибор қаратилди.

Бироқ етиштирилган пахтага бирламчи ишлов берилиб яъни пахта чигитидан ажратилиб тола ҳолида Марказий саноат корхоналарига ўнатила бошлади. Урушдан кейинги йилларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларга хусусан пахта ёғига бўл-

ган эҳтиёжини қондириш шунингдек тўпланиб қолган чигитни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида Термизда мой заводи қуриш ва ушбу заводни 1949 йилда ишга тушириш режалаштирилган эди. Бироқ марказнинг рухсати йўқлиги ҳамда молиялаштирилмаганлиги туфайли завод умуман қурилмай қолди. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 1949 йилнинг 29 апрелида Ўзбекистон Министрлар совети Термизда гўшт комбинати қуриш ҳақида қарор қабул қилди ва ушбу комбинат 1950 йилда ишга туширилди. 19520 йилда Термизда лимонад заводи қурилиши бошланиб, 1952 йилда кунига 5000 литр лимонад чиқарувчи завод ишга туширилди. 1958 йилда эса шаҳарда йилига 350 тонна сутни қайта ишловчи сут заводи қуриб фойдаланишга топширилди. 1956 йилда Термиздаги саноат корхоналари 21 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 1947 йилда Термиз шаҳрида жойлашган лекин Термиз тумани колхоз бозори шаҳар бозори билан қўйиб юборилди. Урушдан кейинги йилларда шаҳарни электрлаштириш юзасидан ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. 1947 йилда Термиз туманининг "Чеграчи" колхозида кичик гидроэлектрстанциялаштирилган уйлар сони 1937 йилдагига нисбатан 20 баравар кўпайди. Шу йили шаҳар электр станциясининг кучи 1937 йилдагига нисбатан 5 баровар ошди. 1951 йилнинг бошларида соатига 359 киловатт энергия берадиган дизел ишга туширилди.

1952 йилда Термизда лимонад заводи қурилиши бошланиб, 1952 йилда кунига 5000 литр лимонад чиқарувчи завод ишга туширилди. 1958 йилда эса шаҳарда йилига 350 тонна сутни қайта ишловчи сут заводи қуриб фойдаланишга топширилди. 1956 йилда Термиздаги саноат корхоналари 21 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 1947 йилда Термиз шаҳрида жойлашган лекин Термиз туманида колхоз бозори шаҳар бозори билан қўшиб юборилди. Урушдан кейинги йилларда шаҳарни электрлаштириш юзасидан ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. 1947 йилда Термиз туманининг "Чеграчи" колхозида кичик гидро электр станция қуриб ишга туширилди. 1949 йилда шаҳарда электрлаштирилган уйлар сони 1937 йилдагига нисбатан 20 боравар кўпайди. Шу йили шаҳар электр станциясининг кучи

1937 йилдагига нисбатан 5 баровар ошди. 1951 йилнинг бошларида соатига 359 киловатт энергия берадиган дизел ишга туширилди. 1953 йилда Термизда дастлабки водопровод ишга туширилди. Шу даврда шаҳарда уй-жой қуриш ишлари ҳам анча жадал кечди. 1949 йилда шаҳарда умумлаштирилган уй-жойлар фонди 1937 йилдагига нисбатан 2 марта купайди 1951 йилда шаҳарда 70 дан ортиқ якка тартибдаги уй-жойлар қурилди. Шунингдек, 2170 квадрат метр уй-жой бинолари тўла таъмирланди. Шаҳарнинг ленин номли, Фрунзе номли ва Совет кўчаларига асфалт ётқизилди. Нориманов номли 1 май ва Октябр кўчалари электрлаштирилди. термиз шаҳрини тўлиқ сув билан таъминлаш мақсадида 1954-1957 йилларда Учқизил сув омбори қуриб фойдаланишга топширилди. 1959 йилда эса Термиз шаҳар газ хўжалиги ташкил этилди. Шаҳарни электрлаштириш борасида кейинги йилларда ҳам анча ишлар амалга оширилди. Жумладан 1965 йилда 220/110/10 квтли Термиз подстанцияси ишга туширилди. Бир йилдан кейин қўшимча тарзда 110 клвтли кучланишга эга бўлган қўшимча подстанция ишга туширилди. Шаҳарни тўлиқ электрлаштириш мақсадида 105,8 км узунликдаги симлари тортилди. Термиз дарё порти анча тараққий этди. Кема ва баржалар келиб тўхташи учун махсус қўлтиқ қазилди. Кемаларга юклар кўтарма кранлар билан юкланадиган ва тушириладиган бўлди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Термиз дарё портида 100 га яқин кема, моторли қайиқ ва боржалар бор эди. Тез орада портга ҳар бири 300 от кучига эга бўлган 2 та двигатели бор кема келтирилди. Портнинг Янгигузар участкасининг қурилиши ҳам айнан шу даврда қурилди. 1960-1970 йилларда Термиз экспорт ва импорт юкларини қайта ишлаш учун биринчи классли механизациялашган порт қуриб ишга туширилди. Халқаро юк ташиш ишлари Термиз дарё порти орқали амалга оширила бошлади. Термиз дарё порти орқали Афғонистонга автомашина, турли техникалар, асбоб ускуналар ўтказилган бўлса, у ердан қуруқ мева гилам, тери каби маҳсулотларни собиқ совет давлатига ўтказар эди. 1970 йилда Термиз дарё порти ва Афғонистон ўртасида икки томонлама мажбурият ҳақида битим имзоланди.

ЎЙ-ЖОЙ ҚУРЛИШИ СОҲАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ АКСИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс Тарих бўлими магистранти Мирзаев Ҳусниддин Холмўминович

Совет ҳокимияти йилларида Сурхондарё вилоятида 1960-80 йилларида анчагина ривожланиш бўлди. Шу даврда вилоятида қатор турар жой бинолари, маданий маиший муассасалар, савдо шахобчалари қуриб ишга туширилди: жумладан, 1967 йилда миллий тикувчилик корхонаси сифатида фаолият бошлаган корхона 1972 йилга келиб тикувчилик фабрикасига айлантирилди. Шу йили "Интурист" меҳмонхонаси қуриб ишга тушурилди. 1974 йилда эса М.Уйғур номли вилоят мусиқали драма театрининг янги биноси қуриб ишга туширилди. 1977 йилда шаҳарга табиий газ тармоғи тортиб келтирилди. 1971 йилда 850 ўринли "Баҳор" кинотеатри қуриб ишга туширилди.

1970-1980 йиллар оралиғида Термиз шаҳри ҳар томонлама ўсди. Бу даврда шаҳарда автошоҳбекат қуриб фойдаланишга топширилди (1971). 1974 йилда шаҳар аҳолисининг сони 52 минг кишини ташкил этди. Аҳоли сонининг ўсиши билан аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб борди. Шаҳарда 5 та қурилиш трести, қурилиши материаллари комбинати, қурилиш қисмлари заводи, ғишт заводи қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу қурилиш корхоналарининг тинимсиз меҳнати туфайли шаҳарнинг 4 ва 5 даҳаларида кўплаб турар жой бинолари қурилди. Натижада шаҳарнинг ҳудуди анча кенгайиб Мангузар массивига туташиб қолди. Шаҳар кўкламлаштириш шунингдек, ҳаво ҳароратини мўтадиллаштириш мақсадида 1980-1985 йиллар оралиғида шаҳар ўртасидан анҳор қазиб ўтказилди. 1982 йилда Термиз шаҳрининг Марказида курант яъни соат минораси қурилди. Бу ҳам шаҳарнинг кўркига анча кўрк қўшди. Шу йили шаҳарнинг бош майдони қуриб битказилди (ҳозирги Мсутақиллик майдони).

Айнан шу даврда ушбу майдон ёнбошида ҳозирги вилоят ҳо-

кимиятининг биносини қурилиши ишлари бошлаб юборилди бироқ 80-йиллардаги қийинчиликлар ва етишмовчиликлар туфайли бино қурилиши анча вақт тўхтаб қолди. 1982 йилнинг 12 майи термизликлар ҳаётида анча эсда қоларли саналардан бири сифатида шаҳар тарихига муҳрланди. Айнан шу куни шаҳарнинг бош майдони "Дўстлик" истироҳат боғи, Алишер Навоий ҳайкали Термизни Афғонистон билан боғловчи Амударё устига қурилган Ҳайратон кўпригининг очилиши айнан шу кунга тўғри келди. Термиз шаҳри мамлкатнинг жанубдаги дарвозаси сифатида жуда муҳим стратегик аҳамият касб этадиган шаҳар сифатида доимо муҳим ўрни тутиб келган. Шу боисдан ҳам Совет ҳукумати Афғонистонга бўлган қизиқиши ва стратегик мақсадларини амалга оширишда таянч нуқта сифатида термиз шаҳрига эътибор бергани бежиз эмас. Термиз нафақат бу даврда чегара шаҳар балки совет давлатининг ўрта шарққа чиқиш борасидаги муҳим пласдорм вазифасини ҳам ўтарди. Шунинг учун ҳам совет даврида шаҳарга ҳарбий шаҳарга сифатида ёндошиш позицияси устунлик қилди. Оқибатда шаҳарда жуда кўплаб ҳарбий қисмлар жойлаштирилди бу эса шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Мустабид тузумнинг ҳаддан ортиқ зўравон сиёсати, шаҳарни ҳарбийлаштириш юзасидан кўрган чоралари эркин бунёдкорлик ишларига халол берди. Оқибат шу даражага бордики, на шаҳар, на вилоят на республика раҳбарияти шаҳарни кенгайтириш ёки қўшимча инфраструктура бинолари қуриш борасида ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас эди. Шаҳарда амалга оширилиши лозим бўлган ҳар бир қурилиши ёки таъмирлаш ишларида ҳам ҳарбий комендатуранинг рухсати зарур бўлиб қолди. Афғонистонга совет қўшинлари киритилган кундан бошлаб бу жараён янада кучайтирилди. Юқорида таъкидлаганидек, Термиз жанубдаги дарвоза сифатида муҳим ўрин тутган геостратегик шаҳар бўлиб савдо алоқаларида ҳам муҳим шохобча саналган. Шу боисдан ҳам 1980 йилда Термизда халқаро юк ташувчи Совавто корхонаси ишга тушурилди. Термиздаги ҳайратон кўприги мустабид тузимнинг Афғонистонда олиб борган мақсадсиз урушининг қурбонига айланган юзлаб навқирон йигитларнинг жасади солинган темиртобутларни олиб ўтилишга шоҳид бўлган тилсиз

гувоҳдир. Афғонистон Совет қўшинларини олиб чиқиб кетилишида ҳам Термиз муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилди. Термиз афғонистон муаммосини ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни ечимини топишда ҳам муҳим таянч пункт вазифасини ўтади. Шу боисдан ҳам 1989 йил 22 майда Термизда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Термиз нафақат муҳим геостратегик шаҳар айни дамда тарихи минг йиллар билан бўйлаша оладиган, алломалари инсоният тамаддунига муносиб улуш қўшган маънавият ва маърифат маскани ҳамдир. Шу боисдан ҳам Термиз тарихнинг ҳар бир даврида муҳим ўрин тутган азим шаҳардир. Халқнинг ўзлигини англашга бўлган интилиши, маънавиятни уйғониши, аждодлар меросини ўрганишга бўлган иштиёқ туфайли ўтган асрнинг 80- йилларнинг охири ва мустақиллик арафасида шаҳар маънавий ҳаётида ҳам улкан хайрли ишлар амалга оширилди. Чунончи 1989 йилда йирик тасаввуф алломаси, улуғ авлиё Ал Ҳаким ат Термизийнинг мақбарасини тўсиб турган сим тўрлар олиниб, ушбу мунаввар маскан зиёратчилар учун очиб қўйилди. Бу хайрли иш бутун республика аҳлини севинтирди. 1990 йилда юртимиздан етишиб чиққан улуғ муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллик юбилейининг ЮНЕСКО қарорига биноан нишонланиши Термиз шаҳрининг яна дунёда кенг танилишида муҳим ўрин тутди. Мустабид тузум кишанларининг парчалана бошлаши шаҳар ҳаётида ҳам хайрли ўзгаришлар жараёнига йўл оча бошлади. Термиз ўзининг узоқ даврлик тарихи мобайнида жуда кўп синовларни бошидан ўтказган, кўплаб босқинлар, талатўплар, қирғинбарот урушлар гувоҳи бўлган қадим шаҳардир. Шу боисдан ҳам шаҳар бир неча бор вайрон этилган яна бунёд этилган, лекин йўқ бўлиб кетмаган. Шаҳарни оғир синовлардан омон ўтишида термизликларнинг жонажон шаҳарларига бўлган чексиз муҳаббати, шижоати, мардлиги, бунёдкорлиги, маънавияти, сабаб бўлган даврлар ўтган, мафкуралар ўзгарган, қарашлар ўзгарган, истибдодлар емирилган бироқ Термиз яшайверган бунга Термиз аҳлининг жасоарти, мардлиги сабаб бўлган. Совет даврининг мафкуравий тазийқи, улуғ давлатчилик зуғумлари, чексиз ситамлари, зўравон сиёсатига ҳам ватанимиз мустақиллиги туфайли чек қўйилди. Миллий мустақиллигимиз шаҳар ҳаётида ҳам тамомила янги саҳифа очди.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИНГ МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА НИСБАТАН ЮРИТГАН СИЁСАСТИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс Тарих бўлими магистранти Рўзибоев Нурбек Ўктамович

Сурхондарё вилояти кўп минг йиллик тарихи давомида жаҳон цивилизациясига бетакрор ҳисса қўшиб келган шаҳарлардан биридир. Вилоятда яшаб, ижод этган алломалар қолдирган маънавий мерос бутун жаҳон маданияти хазинасига қўшилган бебаҳо маънавий бойликдир. Совет давридаги илмий адабиётлардаги устивор ғоя, яъни ўзбек халқининг саводсизлиги ҳақидаги уйдирманинг асоссизлигини биргина Сурхондарё вилояти алломаларининг рўйхати исботлашга етарлидир.

Сурхондарёда совет ҳокимияти қарор топгач, бутун мамлакатдаги каби бу ердаги таълим тизими ҳам ўзгарди. Сурхон округида дастлабки совет мактаби 1924 йилда иш бошлади[1]. Бирок, бу мактаб воҳа ўқиш ёшидаги барча аҳолисини қамрай олмаган. Сурхон округида маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан саводхон инсонлар ва маърифат жонкуярлари ҳаракатлари натижасида мактаб ва маориф ишлари аста-секин изга туша бошлайди. Етим болалар ва кам таъминланган оилаларнинг болалари учун шақарда махсус интернат мактаб очилади. 1290 йилларда Сурхондарё округида мактаблар сони 4 тага етди.

Лекин округдаги яшаётган аҳолининг аксарият қисмини саводсиз, дейиш мутлақо нотўғри эди. Чунки саводхон аҳолини ҳисобга олиш даврида араб имлосини билса-да, рус алифбосини билмаганлиги учун аксарият кишилар саводсизлар сафига қўшиб юборилган эди.

Аммо округда яшаётган ўқиш ёшидаги аҳолини тўлиқ зеки усул мактабларига тортилган ҳам деб бўлмас эди. Шу сабабли шаҳарда 2 та саводсизликни тугатиш мактаби ташкил этилади[1]. Бу мактаблар аҳолини Кирилл, яъни рус алифбоси асосида саводли қилиш устида иш олиб боради. Бундан ташқари 1926-27

[1] Сур, ВДА. 68-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 28-в.

ўқув йилига келиб, округда 1 та деҳқон ёшлар мактаби ҳам ташкил этилади[1].

Сурхондарё округида умумий бошланғич таълимни жорий этишда оғир қийинчиликларга ҳам дуч келинди. Совет ҳукуматининг зўравонлик билан амалга ошираётган маданий сиёсатидаги синфий ёндашув ҳолатлари маориф соҳасида ҳам кўзга ташланади. Ўша даврда шаҳарда таълим тизимининг моддий-техника таъминотида ҳам ечимини кутаётган муаммолар, аввало мактабларни ўқув бинолари ва ўқув қуроллари билан таъминлашда яққол кўзга ташланар эди.

Ташкил этилаётган совет мактабларига ўқувчи ёшларни жалб қилишда бир қанча қийинчиликлар ҳам мавжуд эди. Кўпгина ёшлар совет мактабида ўқишдан кўра анъанавий эски усул мактабларида ўқишни афзал билар эди. Совет мактабларида ўтил ва қиз болаларни бирга ўқитиш жорий қилинган бўлиб, бу ҳолат маҳаллий миллат қизлари учун ёт ҳолат эди. Шу сабабдан ҳам ўқиш ёшидаги қизларни мактабга жалб қилиш қийинчилик билан амалга оширилди. 1925 йил 21 ноябрда Термиз шаҳрида ўзбек қизларини ўқитиш учун биринчи қизлар мактаби ташкил этилади[2].1926 йилгача шаҳарда 6 та анъанавий эски усул мактаблари фаолият юритган. Бироқ совет ҳукумати эски усул мактабларини бирин-кетин тугатади. Термиз шаҳри 1927 йилда Сурхандарё округи маркази этиб белгилангач, шаҳар округ миқёсида амалга оширилаётган ишлар марказига айланади

Совет хокимиятининг таълим тизимидаги сиёсати энг аввало рус ахолисига имконият яратди. Термиз шаҳри ва Паттакесарда 1928-1929 ўқув йилида 8 та саводсизликни тугатиш мактаби фаолият юритган бўлса, шундан атиги биргина мактаб маҳаллий миллат вакилларига мўлжалланган эди. Қолган 7 та мактаб эса асосан русийзабон аҳолининг саводини чиқариш учун барпо қилинган эди[3]. Вахрланки, бу даврда шаҳар маорифи эҳтиёжлари учун ажратилаётган маблагларнинг 40% и саводсизликни тугатиш ишларига сарф қилинаётган эди. Бундан кўриниб турибдики, совет ҳукумати асосий эътиборни русийзабон ахрлининг

[1] Ўша жойда. 89-жамғарма 1-рўйхат 22-иш 18-в.

[2] Ўша жойда. 68-жамғарма 2-рўйхат. 8-иш, 241-в.

[3] Сур. ВДА 68-жамғарма 2-рўйхат 8-иш, 22-в.

саводини чиқаришга қаратган. Бунинг оқи- батида эса шаҳарда истиқомат қилаётган ўқиш ёшидаги аҳоли- нинг бир қисми мактабларга жалб этилмади.

Маҳаллий миллат вакиллари орасида савод чиқариш ишлари 1929 йилдан бошлабгина кенг миқёсда йўлга қўйилди. Бу 1929 йилда араб имлосидан лотин ёзувига ўтиш билан боғлиқ эди. Шу муносабат билан янги ёзувни ўргатувчи бир қанча курслар ташкил этилади. Худди шундай курслардан 12 таси Термиз шаҳрида ташкил этилган бўлиб, ушбу курсларга жами 318 нафар киши жалб қилинган эди[1]. 1927-1929 йилларда шақарда 5 та янги усул мактаби, 2 та қизлар мактаби, 8 та саводсизликни тугатиш мактаби, 2 та қисқа муддатли педагогика курси, 1 та педагогика билим юрти, 4 та эски усулдаги диний мактаблар фаолият юритарди[2].1929 йидда Термиз шаҳрида илк болалар боғчаси ташкил этилди. 1932 йидда шадарда фаолият юритаётган болалар боғчаларининг сони 5 тага етиб, унда тарбияланаётган болалар сони 1089 нафарни ташкил этди[3]. Бу хол шаҳардаги аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этиш кучайиб борганини кўрсатади.

1929 йилдан бошлаб умумий бошлангич таълим жорий қилинди.

Шаҳардаги 2 та мактаб умумий етти йиллик мактабга айлантирилади. Бошланғич мактаблардаги синфхоналар сони ҳам бир мунча кўпайтирилди. Натижада шаҳарда яшаётган 8 ёшдан то 15 ёшгача бўлган барча болаларни ўқишга жалб қилиш имконияти юзага келди. Бу эса яна ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни бирмунча ошиб боришига сабаб бўлди. 1934-35 ўқув йилида шаҳар мактабларида фаолият юритаётган 82 нафар ўқитувчининг бор йуги 16 нафари олий маълумотли эди. Олий маълумотли ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, кўплаб ёшлар Самарқанд, Тошкент ва Бухородаги педагогика институтларига ўқишга юборилди.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувини тўлиқ жорий қилиб улгурмасдан, 1940 йидда Кирилл ёзувига ўтиш мавжуд

[1] Ўша жойда. 89-жамгарма 1-рўйхат, 28-иш 37-в.
[2] Сур. ВД А. 89-жамгарма l-рўйхат, 104-иш 23-в.
[3] Ўша жойда. 18-жамғарма, l-рўйхат, 96-иш, 103-в.

жараённи янада мушкуллаштирди. Аҳолининг саводхонлик даражаси яна пасайиб кетди. Шаҳарда 8 та зўрма-зўракилик асосида ташкил қилинган қисқа муддатли курслар иш олиб бориб янги алифбони ўргатиш билан шуғулланди[1]. Шаҳардаги мавжуд мактаблар ҳам босқичма босқич тарзда янги алифбо асосида ўқитишга ўта бошлади.

СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА МАДАНИЙ ҲАЁТНИНГ АҲАМИЯТИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс Тарих бўлими магистранти Хурсанова Маҳлиё Баҳодир қизи.

Ўзбек халқи ижтимоий- иқтисодий ва маданий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган иккинчи жахрн уруши вилоят халқ таълими тизимида ҳам жиддий қийинчиликларни тугдирди. Уруш йилларида ўқитувчи кадрларнинг аксарият қисми фронтга сафарбар қилинди. Мактабларда ўқитувчи кадрларга бўлган жиддий эҳтиёж сабабли ҳам қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлаш курси ташкил этилиб, кўплаб хотин-қизлар фронтга кетган эркак ўқитувчилар ўрнига мактабларда ишлаш учун ушбу курсларга жалб қилинди. Уруш даврининг оғир қийинчиликлари сабабли, шаҳардаги иккита мактаб фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Термиз шаҳардаги «Правда» газетаси номидаги мактаб биноси ҳарбий касалхонага айлантирилди. Жуда кўплаб мактаб битирувчилари кўнгиллилар тарзида фронтга сафарбар қилинди. Вилоятдаги мактабларнинг ўқувчилари эса фронт ортига иссиқ-кийимлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ишида ҳам фаол иштирок этди.

Аммо уруш даврининг қийинчилик ва етишмовчиликлари туфайли, кўплаб ўқувчилар мактабларни ташлаб, ишлаб чиқариш ишлари билан шугулланишга мажбур бўлди. Мактабларнинг моддий-техника таъминоти жиддий тарзда ёмонлашди.

Урушдан кейинги йилларда шаҳар халқ таълими тизимини тинч изга тушириш анча огир кечди. Хусусан, таълим тизими-

да моддий-техника таъминотининг заифлиги, ўқув адабиётлари ва ўқув қуролларининг танқислиги малакали ўқитувчиларнинг деярли етишмаслиги ўқув тароиявии ишларни иўлга қўйишда анча қийинчиликларни юзага келтирди. Бироқ, шақар халқ таълими тизимида хизмат қилаётган мураббийларнинг тинимсиз изланишлари ва машаққатли меҳнатлари эвазига халқ таълими тизими ишга туша бошлади. Мактабларнинг моддий-техника пойдевори заиф бўлишига қарамасдан, ўз касбига фидоий ўқитувчилар дарс жараёнларини ташкил қилишда тинимсиз изланиб, ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини ошириб борди. Бу даврда мактабга тортилаётган ўқувчи ёшлар миқдори ҳам бир мунча ўсиб борди. Агар 1944-45 ўқув йилида шаҳарнинг ўқиш ёшидаги аҳолисидан атиги 68% ўқишга жалб қилинган бўлса, 1947-48 ўқув йилида эса ўқишга жалб қилинганлар миқдори 86% ни ташкил қилди[1].

Сурхондарё вилоятида маориф масканларининг кўпайиши ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришига сабаб бўлди. 1955 йилда Термизда икки йиллик ўқитувчилар институти базасида Термиз Давлат Педагогика институти ташкил этилди. Ушбу билим даргоҳи қисқа вақт ичида вилоят мактабларига 353 нафар ўқитувчи етиштириб берди. Аммо Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг 1961 йилда бирлаштирилиши натижасида халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлганидек, бошқарув ишларида ҳам жиддий қийинчиликлар юзага келди. Шу сабабли Термиз Давлат Педагогика институти Қарши Давлат Педагогика институтига қўшиб юборилди. 1964 йилда ушбу икки вилоят қайта бўлинганидан сўнг, 1965 йилда Термиз Давлат Педагогика институти яна қайта ташкил этилди ва институтга 1968 йилда атоқли адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек номи берилди.

Дастлабки даврда инситутда 3 нафар фан номзоди, 24 ўқитувчи 250 нафар талабага таълим берди. Йиллар ўтиши билан институт вилоятдаги йирик илмий ва маънавий марказга айланиб борди. Термиз Давлат Педагогика института йилдан-йилга ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб борди.

Вилоят халқ хўжалиги тармоқларини ўрта махсус маълумотли мутахассислар билан таъминлаш учун вилоят маркази-

да қатор ўқув марказлари фаолият юрита бошлади. Жумладан, шаҳарда педагогика билим юрти билан қаторда медицина билим юрти ҳамда қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юрти фаолият юритди. 1961-1962 ўқув йилида Термизда мусиқа билим юрти ташкил этилди. Термиз шаҳрида фаолият юритаётган ўрта-махсус билим юртларининг сони йилдан-йилга кўпайиб борди.

Бироқ ўрта махсус билим юртларида ўқиш ва ўқитишни ташкил қилишда жиддий қийинчиликлар ҳам мавжуд эди. Билим юртларининг моддий-техника таъминоти анча заиф ҳолатда эди. Ўқиш ва ўқитиш ишларини олиб боришда ўқув адабиётларининг етишмаслиги жиддий қийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўларди. Таълим беришда назария билан амалиётни боғлаб олиб бориш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас эди. Аҳволни хўжакўрсинга яхшилаш учун қилинаётган ҳаракатлар деярли натижа бермас эди. Таълим тизимидаги мафкуравий ғоявий чекланганлик, ижодий ёндошишнинг ҳар томонлама бўтиб қўйилиши таълим жараёнининг сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатар эди.

Бир томондан, 1961-1990 йиллар оралиғида шаҳарда мактабларнинг ўқув моддий таъминоти анча яхшиланди. Янги мактаблар қурилди. Мавжуд мактабларнинг синфлари сони кенгайтирилди. Мактаб кутубхоналари, спорт иншоотлари анча кенгайди. Таълим тизимининг моддий-техник таъминоти йилдан-йилга мустаҳкамланиб, яхшиланиб борди.

Иккинчидан томондан, таълим тизимининг назарий-ғоявий услубий асосларининг мафкуравий қолиплар тизимида чекланиши мустақил фикрни эмас, партиянинг итоаткор ижрочисини тарбиялашга мослашиб борди. Хукмрон ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасида тафовут ҳаётга қизиқиш, янгиликка интилишни бўгарди. Лекин партия ва хукумат ўз ғояларини тарғиб қилишдан чарчамас эди.

1920 йилдаёқ Термиз шаҳрида шўро гояларининг асосий тарғибот маскани сифатида дастлабки клуб ташкил этилиб фаолият олиб борар эди.[1] Совет ҳукумати бундай клублар орқали ўз мафкурасини халққа сингдиришга уринарди. Мақсад - аҳолини «коммунистик рухда қайта тарбиялаш, социализм, унинг

ғоялари учун хизмат қилувчи инсонларни шакллантиришдан иборат эди. Маданий соханинг асосий тармоги ҳисобланган маданий-маърифий муассасалар собиқ совет ҳукуматининг айнан юқорида таъкидланган мақсад ва вазифаларини тарғиб қилди.

Лекин мафкуравий зугумлар реал воқеликни билиш, ўтмишни ўрганиш, илм-фанга қизиқишни йўқ қила олмайди. Шаҳар тарихига қизиқиш ўсиб борди. Айниқса, 1933 йилнинг сентябрида ташкил этилган вилоят ўлкашунослик музейи, Термиз шаҳрининг ўтмиш маданий тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу музейнинг ташкил этилишида археолог Г.В.Парфеновнинг хизматлари юқори бўлди. Ўлкашунослик музейи ходимлари эски шаҳардаги тарихий жойларни ўрганиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширди.

Хусусан, Термиз шаҳрининг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш борасида бир қанча ишлар қилинди. 1935 йил Термиз археологик комплекс экспедицияси Термиздан 17 километр шаркда, Амударё қирғоғида жойлашган Айритомда тадқиқот ишларини олиб борди. Экспедиция аъзолари шаҳарнинг юнонлар истилоси юнон-бақтрия даврига оид буюмлар, ҳайкал қолдиқлари ва ёзувларини топли. 1936-1938 йиллар мобайнида эса Термиз шахрининг ўрта асрлар даври тарихий топографияси ишлаб чиқилди.

1936-1938 йиллар мобайнида Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) М.Е. Массон етакчилигида шаҳар тарихини ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги археологик тадқиқот ишларини амалга оширди. 1937 йилнинг май-июнь ойларида Самарқанд-Термиз катта йўли ёқасидаги Термиз қўрғонида В.А. Шишкин бошчилигидаги археологлар тадқиқотлар ўтказишди. 1937 йилда Эски Термиздаги Қоратепада ҳам археологик қазиш ишлари бошлаб юборилди. Қоратепа ёдгорлиги 1936 йилдан эътиборан саёҳат қилинадиган тарихий жой сифатида рўйхатга киритилди.

Лекин шаҳардаги археологик ва меъморий ёдгорликларни ўрганиш ва тиклаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган бўлса-да, тарихий ёдгорликларга нисбатан кўр-кўрона муносабатда бўлиш, маҳаллий аҳолининг бой маданий меросини менсимаслик оқибатида тарихий ёдгорликларга жиддий зиён етказилди. Термиз ва унинг атрофидаги бир қанча обидалар

йўқ қилинди. Шу йилларда Саловотда муқим яшаб келган сайидларининг авлоддари таъқиб қилинди[1]. Натижада уларнинг кўпчилиги чет элларга кетиб қолдилар, айримлари эса қатағон қилиндилар. Саловотдаги мачит, Султон Саодат мақбарасининг дарвозахонаси, қадимий хонақоси бузиб ташланди. 1932 йилда хозирги катта ўзбек тракти йўлида (Шеробод йўлида) жойлашган Термиздаги энг қадимги минора ҳам йўқ қилинди.

Совет ҳукумати маданиятга жамиятга сиёсий таъсир ўтказиш воситаси сифатида қараб, унга доимо партиявийлик ва синфийлик нуқтаи-назардан туриб ёндошди. Бу эса ижод эркинлигини буғиб кўйилишига, маданият муассасаларини фаолиятини чеклаб қўйишга олиб келди. Совет тизими ҳукмрон мафкурасининг зўравонлиги оқибатида маданий ривожланишининг ўзига хос синфий қолиплари шакллантирилди. Ушбу қолиплар асосида яратилган бадиий ва сахна асарларида жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муаммолар четлаб ўтидди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, совет даврида шаҳарда маданий-маърифий соҳада ҳам анчагина ўзгаришлар қилинди. Бу ўзгаришлар шу соҳада меҳнат қилаётган фидоий инсонларнинг фидокорона меҳнатлари ва тинимсиз изланишлари натижасида амалта оширидди. Шаҳар ақолисига кўрсатилаётган маданий хизмат даражаси ўсиб борди. Маданият муассасаларининг моддий-техника таъминоти маълум даражада яхшиланди. Бироқ, совет мустабид мафкурасининг тайзиқи ҳамиша маданий жараённинг эркин ривожланишига тўсиқ бўлди. Маънавий ва маданий соҳаларни баҳолашда синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндошиш, мафкуранинг маданият устидан хукмронликка интилиши, турли хил мафкуравий зуғум лар маънавий соҳада жиддий қашшоклашиш ҳолатларини юзага келтирди. Шунга қарамасдан, шаҳар аҳолисининг маънавиятга маърифатга ва маданиятга бўлган чанқоқлиги шу соха ходимларининг, тинмай изланишлари натижасида шаҳар маданий ҳаёти ўзига хос тарзда ўзгариб борди. Даврнинг асоссиз зуғумлари, совет мафкурасининг турли пўписа ва тахдидлари шаҳарда яшаб, фаолият юритаётган маърифат ва маданият ходимларининг иродасини бука олмади.

[1] Мирзо Ж. Термиз саййидлари. - Самарқанд-Термиз, 2001. 19-6.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ: ТЕРМИЗ ШАҲРИ МИСОЛИДА

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедараси 1-курс магистри Сафарова Нигора

Ижтимоий ҳаётнинг энг оғир муаммоси бу ишсизликдир. Шу боисдан ҳам 2000 йилнинг март ойида бўлиб ўтган вилоят фаолларининг навбатдан ташқари сессиясида Термиз шаҳрида аҳолининг ишсизлик масаласи ҳам кескин танқид остига олинган эди. Чунончи 2000 йилда шаҳар аҳолиси 113800 кишини ташкил этган бўлиб, шундан меҳнатга яроқли аҳоли 67700 кишидан иборат. Уларнинг 1800 нафари саноатда, 5900 нафари транспорт ва алоқа тизимида, 2200 киши эса қурилишда 6300 киши таълим тизимида, 8200 киши ижтимоий таъминот тизимида 14800 киши эса давлат ишлари билан банд. Шаҳарнинг 9200 нафар аҳолиси тадбиркорлик билан шуғулланади. Демак, шаҳарда 49200 киши иш билан банд, 18000 ишга яроқли аҳолининг иш билан таъминланмаганлиги қаттиқ танқид этилган эди. Бозор иқтисодиётининг аёвсиз бир қонунияти бор у ҳам бўлса ҳар бир инсондан изланувчанлик ва ташаббускорликни талаб этади. Термиз шаҳри мустақиллик йилларида ҳар томонлама кенгайди, чирой очди ва ўз тараққиётининг тамомила янги босқичига қадам қўйди. Республикамизнинг биринчи президенти И.Каримов 1992 йилда Сурхон воҳасига ташриф чоғида Термиз шаҳрининг бундан кейинги тараққиёти масаласига ҳам тўхталиб “Термиз обод ва озода шаҳар бўлиши керак, у ватанимизнинг жанубий дарвозасидир” деб таъкидланган эди. Мустақиллик йилларида шаҳар қайтадан чирой очди, кенгайди, қатор ижтимоий инфрастуктура бинолари қад ростлади.

Кенг ва равон кўчалар, маиший бинолар маънавият ва маърифат масканлари, спорт иншоотлари, кўнгилочар дам олиш масканлари шулар жумласидандир. Чунончи, 380 беморни қабул қила оладиган шаҳар янги поликлиникаси, 200 ўринли “Сурхон” меҳмонхонаси, спорт соғломлаштириш чўмилиш

ҳавзаси, вилоят кўз касалликлари шифохонаси, 368 метрли вилоят телеминораси, вилоят телевидениясининг биноси каби қатор иншоотлар айнан истиқлолнинг дастлабки йилларида қад ростлади. 1995 йилда Термиз аэропортининг замонавий биноси ишга туширилди. 2001 йилда Термиз темир йўл вокзалининг замон талабларига мос биноси қуриб фойдаланишга топширилди. 1995-1997 йиллар оралиғида Термизда "Барчиной" деҳқон бозори қайта қурилди. 1996 йилда эса Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги номидаги Термиз кулуби очилди ва шу йили ярим очиқ усулдаги Теннискорти ишга туширилди. 1996-1998 йиллар оралиғида шаҳарнинг шоҳ кўчалари қайта таъмирланиб кенгайтирилди ва атрофлари ободонлаштирилди. 1997 йилда анча йиллардан бери қурилиши тўхтаб қолган вилоят ҳокимлигининг 16 қаватли маъмурий биноси қурилиши якунланиб фойдаланишга топширилди. 1998 йилда эса Термиз "Болажон боғи" Марказий деҳқон бозори қуриб фойдаланишга топширилди. 1999 йилда Хотира ва қадрлаш майдони "Алпомиш" боғи, замонавий Автосалон биноси бунёд этилди. 2000-2001 йилларда шаҳарнинг Бобур истироҳат боғи қайта қурилди. Шу йили 3000 йили Амфитеатр биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шеърият қуриб фойдаланишга топширилди. Шеърият мулкининг султони А.Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан шаҳарда Алишер Навоий хиёбони барпо этилди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриш асносида 2001 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз Археология музейининг қурилиши бошланди. Ушбу музей 2002 йил апрел ойида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган тантаналар жараёнида очилди. Ушбу музей фондлари Сурхон воҳаси тарихига оид 10000 дан ортиқ археологик топилмалар шунингдек, 9000 дан ортиқ нумизматикага тегишли ашёлар мавжуд. Қолаверса вилоят ўлкашунослик музейининг археология фондига тегишли 8430 та, нумизматика фондига тегишли 5000 та эксаонат ҳам Археология музейи ҳисобига ўтказилди. Натижада музей фондидаги ашёлар сони 19067 тага етди. Бундан ташқари вилоят ўлкашунослик музейига қарашли 16000 нусхадан зиёд илмий кутубхона фонди ҳам ушбу музейнинг кутубхона фондига ўтказилди. Археология музейининг

кўргазмалар захирасида 64 мингта археологик материаллар шунингдек, 13000 қўлёзма ва китоблар сақланмоқда. Термиз шаҳрининг кўрки йилдан йилга янги иморатлар қурилиши билан чирой очиб бермоқда. Чунончи 2002 2009 йиллар оралиғида ҳам шаҳарда жуда кўплаб маиший бинолар, савдо нуқталари мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, спорт иншоотлари, шифохоналар хуллас ижтимоий инфраструктура мажмуаллари фойдаланиб, шаҳарликлар ихтиёрига топширилди. 2009 йилда Термиз давлат университетининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу бинонинг очилишида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов қатнашди ва бўлиб ўтган учрашув жараёнида воҳанинг кўп минг йиллик тарихи, урф-одат ва анъаналарига юксак баҳо бериб, “Сурхондарё- этнографик макон” иборасини ишлатди. Шуни қайд этиш жоизки Термиз давлат Педагогик институти, президент фармонига биноан вилоятлардаги 8 та педагогик йўналишларидаги институтлар қаторида 1992 йил 28 февралдан буён университет мақомини олди. Ушбу юксак мақом университетнинг бундан кейинги юксалишига пойдевор бўлди. Агар совет даврида университет биноси асосан мактаб типида бунёд этилган мослаштирилган бинода жойлашган бўлса, мустақиллик йилларига келиб эса шаҳар ичидаги мўъжазгина шаҳарчага айланди. Шу даврда университетнинг иқтисодиёт, ўзбек филологияси, хорижий филология факультетларининг янги бинолари, спорт мажмуаси Ахборот ресурс маркази каби замонавий бинолар қад ростлади, барча ўқув ва маъмурий бинолар қайта таъмирланди. Шу йилларда шаҳар кўркига кирқ қўшиб турган “Бахт уйи”, Сурхон спорт мажмуаси кўплаб турар жой бинолари бунёд этилди. Натижада шаҳар ҳар томонлама ободонлашди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2035 йилгача бўлган бош режаси тасдиқланди. Бугунги кунда ушбу режа асосида шаҳарда кенг қамровли қурилиши ишлари амалга оширилмоқда. Чунончи шаҳарсозлик қоидаларига зид тарзда қурилган кўплаб эски иморатлар бузилиб, уларнинг ўрнида янги замонавий типдаги турар-жой бинолари, савдо шахобчалари, маиший хизмат кўрсатиш бинолари бунёд этилди.

Хусусан, шу даврда шаҳарнинг Ш.Рашидов, И.Каримов, Султон Саодат, “Баркамол авлод” А.Навоий каби кўчаларида бири-биридан кўркам ва бежирим иморатлар қад ростлади. Йўллар кенгайтирилди, атрофи ободонлаштирилди. Термиз шаҳри Марказий Осиёнинг жуда қадим тарихга эга шаҳарларидан бири саналади. Шу боисдан ҳам 1999 йил ноябр ойида ЮНЕСКОнинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган 30-сессиясида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. 1999 йил 27 декабрда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида шаҳарда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айниқса Термиз шаҳрининг қадим тарихини ўрганиш юзасидан ҳам муҳим илмий изланишлар олиб борилиб, қатор хорижлик олимлар билан ҳамкорликда Эски Термиз харобаларида, илмий экспедициялар ташкил этилди. Эски Термизда жойлашган археологик мажмуаларни сақлаш ва ўрганиш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида қатор тарихий ёдгорликлар қайта таъмирдан чиқарилди. Жумладан, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Султон Саодат мажмуаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 1997 йилда Ал Ҳаким ат Термизий мақбарасига элтувчи йўл устида баландлиги 9 метр келадиган шарқ меъморчилиги анъанасидаги ҳашаматли дарвоза бунёд этилди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар доирасида Ал Ҳаким ат Термизий мақбараси обдон қайта таъмирланди гавжум зиёратгоҳ ва мунаввар масканга айлантирилди. Термиз шаҳри ўзининг кўп минг йиллик тарихга эгалиги қолаверса буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган муҳим стратегик аҳамиятга эга шаҳар сифатида Шарқ тарихида муҳим ўрин тутади. Чунки Термиз қадим Бақтриянинг муҳим шаҳарларидан бири, жуда кўплаб осори-атиқаларга бой археологик муҳим макон, буддавийлик динини Шарқий Осиё мамлакатларига тарқалишида муҳим ўрин тутган муқаддас қадамжо саналади. Шу боисдан ҳам Термизнинг қадим тарихини ўрганишга нафақат юртимиз олимларининг балки хорижлик олимларнинг ҳам қизиқиши ниҳоятда катта.

МАДАНИЙ –МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистранти Чоршанбиева Насиба Хидировна

Мустақиллик йилларидаСурхондарё вилоятининг қадимги ва ўрта асрлардаги археологик обидаларини ўрганиш мақсадида қатор халқаро ва маҳаллий экспедициялар ташкил этилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институти ҳамда Франциянинг илмий тадқиқотлар миллий маркази олий мактаби археология лабораторияси (SNRSENS)нинг Бақтрия Археологик экспедицияси 1994 йилдан буён қазишма ишларини олиб бормоқда. 1998 йилдан Ўзбекистон-Япония Қоратепа археологик экспедицияси Термиз шаҳрида фаолият кўрсата бошлади. Экспедиция Япониянинг “Халқаро Ипак йўли Академияси” томонидан амалга оширилди. Унда япон профессори Като Куидзонинг хизматлари бор. Термиз тарихининг ҳақиқий шинавандаси, шаҳар тарихи юзасидан кенг билим соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси, “Дўстлик” орденининг соҳиби Като Куидзонинг ҳамда Республикамиз олимларидан Т.Аннаев, Ж.Пидаевларнинг теран изланишлари асносида шунингдек, Қоратепа ёдгорлигида олиб борилган археологик изланишлар натижасида буддавийлик дининг жануби-шарқий осиё мамлакатларига ёйилишида Термиз шаҳрининг муҳим ўрин тутганлиги исботланди. Айтиш жоизки япон олими ўзининг Термиз шаҳрига бўлган чексиз ҳурмати ва шаҳар тарихини ўрганишга бўлган улкан қизиқиши туфайли ҳақиқий ўзбек олимига айланди. Олим умрининг охиригача яъни 2016 йил сентябр ойига қадар Термиз тарихи билан боғлиқ тадқиқотларни бир дақиқа бўлсин тўхтатмади.

2001 йилда профессор Като Куидзо ва қадимшунос олим Ш.Пидаевлар муаллифлигида “Термиз” номли кито япон тилида нашр этилди ва жаҳон олимлари томонидан илиқ кутиб олинди. Мустақиллик йилларида Термиз шаҳрида қатор илмий

анжуманлар ва спорт мусобақалари ҳам мунтазам тарзда ўтказилиб келинмоқда. 1993 йил апрел ойидан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Ал Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича халқаро турнир ўтказилиб келинмоқда. 1999 йилнинг 22 октябрида Президент кубоги учун Миллий кураш бўйича 2-халқаро турнир ҳам айнан Термиз шаҳрида ўтказилди. 1999 йилнинг 6 ноябрида эса Алпомиш достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналар ва илмий конференцияга ҳам Термиз шаҳри мезбонлик қилди. 2010 йилда Республика Баркамол авлод ўйинларининг навбатдаги босқичи ҳам Термиз шаҳрида ўтказилди. Термизий алломалар қолдирган илмий меросни ўрганиш юзасидан ҳам мустақиллик йилларида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, профессор Ж. Омонтурдиевнинг “Ал Ҳаким ат Термизий таълимоти” проф.С.Н.Турсуновнинг “Термизий буюк сиймолар, Термизий алломалар, Термизий Мирзо Кенжабекнинг Термиз тазкираси, Қадимшунос олим Т.Аннаевнинг Термиз тарихидан лавҳалар, З.Чориев, Т.Аннаев ва Ш.Шайдуллаевларнинг “Ҳаким Термизий”, проф.Ж.Эсонов таржимаси билан ХожаСамандар Термизийнинг “Дастур ул мулук”, проф. А.Абдуллаев тадқиқотлари натижасида Адиб Собир Термизий девони, доцент Р.Абдуллаев таржимаси билан Мунжиқ Термизийнинг “Девони” шунингдек, ал Ҳаким ат Термизийнинг “ бадув шон абу Абдуллоҳ асари, тадқиқотчи Ж.Чўтматовнинг “Термизнинг безавол қалъалари ёҳуд Термизийлар тарихи каби ўнлаб салмоқли илмий изланишлар олиб борилиб китобхонлар ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳаволи этилди. 1992 йилда Буюк Муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадия” китоби, 1999 йилда эса “Сунани Термизий китобининг 1-жилди ўзбек тилида таржима қилинди. Имом Термизий ижодини тадқиқ этишда йирик шарқшунос олим профессор У.Уватовнинг тадқиқотлари ҳам анчагина самарали бўлди.

Умуман мустақиллик йилларида юзга яқин Термизий алломаларнинг номлари аниқланиб, уларнинг илмий меросига аниқлик киритилди. Термиз жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин тутган шаҳар бўлиб, бу қадим кент нафақат сиёсий, иқтисодий аҳамият касб этган, балки Термизий алломалар қолдирган улкан маъ-

навий мерос инсоният тамаддунининг бебаҳо бойлиги ҳамдир. шу боисдан ҳам Термизда мустақиллик йилларида катта-катта юбилей ва тантаналар ташкил этилди. ана шундай тантаналардан бири истиқлол арафасида яъни 1990 йилнинг сентябр ойида ислом оламининг улуғ алломаси, “Саҳиҳи Ситта”нинг бири, буюк муҳаддис Имом Исо ат Термизийнинг 1200 йиллик юбилейининг нишонланишидир. Имом ат Термизийнинг ноёб маънавий мероси дунё цивилизацияси тараққиётига қўшилган бебаҳо ҳисса ҳиссадир. Шу боисдан ҳам ЮНЕСКО 1990 йилни Имом Исо ат Термизий йили деб эълон қилди. Айниқса, мамлакатимизнинг мустақиллик эришгач Имом Термизийнинг илмий меросини тўлиқ ўрганиш имконияти юзага келди. Ушбу хайрли ишларнинг ҳосиласи сифатида 1991 йилда алломанинг “Аш-Шамоил ан Набавия” асари “Шамоили Муҳаммадия” номи билан нашр этилди. 1999 йилда эса “Адолат” нашриёти томонидан Имом Термизийнинг “Сунани Термизий” китобининг 1-жилди Мирзо Кенжабек таржимасида нашр этилди.

Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан улуғ муҳаддиснинг мақбараси 2016-2017 йилларда қайта таъмирланиб, атрофида улкан меъморий ечимга эга бўлган қатор иншоотлар бунёд этилди ва ушбу мақбара гўзал масканга айлантирилди.

Мовароуннаҳр сарзаминида тасаввуф тариқатини ёйилишида муҳим ўрин тутган мутасаввуф аллома Ал Ҳаким Термизийнинг ҳаёт ва ижодини тадқиқ этиш юзасидан ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Энг аввало халқимиз томонидан “Термиз ота” зиёратгоҳи сифатида эъзозлаб келинадиган муқаддас қадамжо, Ал Ҳаким ат Термизийнинг мақбараси мустақиллик йилларида тубдан таъмир этилиб, шарқона меъморий улбуларда зеб берилиб, гўзал ва мунаввар масканга айлантирилди.

Мамлакатимиз президенти И.Каримов ва Ш.Мирзиёевларнинг бевосита ташаббуси билан ушбу қадамжо улкан қурилиш ишлари амалга оширилиб, кенг қамровли бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Ал Ҳаким Термизийнинг илмий меросини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишда Ал Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишлаб Президент соврини учун ўтказиб келинаётган миллий кураш

мусобақаларининг ҳам ўрни анча каттадир. Ушбу мусобақанинг 1-турнири 1993 йилнинг апрелида ўтказилди. Шу даврдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта мазкур халқаро турнир ўтказилиб келинмоқда. Термиз азалдан муҳим геостратегик маконда жойлашган шаҳар бўлиб, ўзбек давлатчилиги ва шаҳарсозлиги тарихида ҳам муҳим ўрин тутган. Ўзбек давлатчилигининг шавкатли даврларидан бири бўлган Соҳибқирон Амир Темур давлатининг пайдо бўлишида ҳам Термизнинг муҳим ўрни бор. Мардларва авлиёлар шаҳри бўлган Термизнинг сайидлар хонадони вакилларининг минтақада шаклланган давлатлар ва уларда ҳукмронлик қилган сулолалар фаолиятида муҳим таъсири бўлган. Шу боисдан ҳам Соҳибқирон Амир Темур давлат ва салтанат рамзи бўлган ва ноғорани пири Саййид Баракадан айнан Термиз яқинидаги Биё қишлоғида олганлиги ҳам бежиз эмас.

Соҳибқирон Амир Темур давлатчилиги Термиз шу жиҳати билан ҳам муҳим из қолдирган шаҳар саналади. 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юбилейининг нишонланиши арафасида ҳазрат соҳибқирон алоҳида эътироф кўрсатган термизлик Саййидлар хонадонининг хилхонаси саналган Султон Саодат мажмуасида ҳам улкан таъмирлаш ишлари қаҳрамонлик эпоси саналган “Алпомиш” достонининг минг йиллигини нишонлаш юзасидан 1997 йилда ЮНЕСКОнинг қарори қабул қилинди. Ушбу тантанага тайёргарлик кўриш жараёнида улкан бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилди. Жумладан Алпомиш боғи, Алпомиш ҳайкали, қатор маиший ва маърифий масканлар бунёд этилди.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСИҚА ТИНГЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Саидова Мафтуна Бахтиёр қизи
Термиз давлат университети Педагогика институти
Мусиқа ва санъат йўналиши магистранти

Аннотация: Мақолада Бошланғич синф ўқувчиларида мусиқа тинглаш фаолиятини такомиллаштириш методикаси ва

унинг ўқувчиларда мусиқага бўлган қизиқишларни уйғотишдаги ахамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Мусиқа, бошланғич синф, санъат, куйлаш, тинглаш, овоз, куй, педагогика, маданият, қўшиқ, чолғу.

Аннотация: В статье освещаются вопросы развития интереса учащихся к музыке и методы совершенствования деятельности слушания музыки у учащихся начальных классов.

Ключевые слова: Музыка, начальный класс, искусство, исполнение, слушание, голос, мелодия, педагогика, культура, песня, инструмент.

Abstract: The article highlights the issues of developing students' interest in music and methods of improving the activity of listening to music in primary school students.

Keywords: Music, elementary class, art, performance, listening, voice, melody, pedagogy, culture, song, instrument.

Бошланғич синф ўқувчиларида мусиқа маданияти, жумладан, мусиқа тинглаш ва қўшиқ куйлаш фаолиятини такомиллаштирмай туриб ўқувчиларда мусиқага бўлган қизиқишни уйготиб бўлмайди. Бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг мусиқий маданияти билан боғлик бўлган тарбиявий ишларни фақатгина мақсадли ва тизимли ташкил этиш шарти билан ривожлантириш мумкин. Албатта бу йуналишда бошланғич синф ўқитувчиси «мактаб ва дарсдан ташқари вақтларда тарбиявий ишларни қизиқарли ва ранг-баранг ташкил этиши нихоятда муҳимдир. Бошланғич синф ўқувчиларини мусиқа тинглашда, эстетик ривожланишида бадиий, шу жумладан мусиқий муҳитни ташкил қилиш асосий вазифалардан биридир.

Мусиқа воситасида болаларни бадиий ва эстетик тарбиялаш соҳасида замонавий педагогикада бир қанча йўналишлар такомиллаштирилиб борилмокда. Сўнгги йилларда мусиқа эстетик терапия воситаси сифатида кўриб чиқилмокда, чунки у терапевтик функцияларни бажариши, боланинг энергия мувозанатини тиклаши мумкин. Бошланғич синф ўқувчилари мусиқа тараққиёти жараёнида ўз шахсиятини уйғунлаштиришга қаратилган мусиқий педагогика асосларини ўзлаштириши мухимдир. Бошланғич синф ўқувчисининг мусиқа таълими соҳасидаги фаолияти унинг умумий ривожланишга мусиқий дунёқарашини

кенгайтиришга, мусиқа маданиятини юксалтиришга қаратилган бўлиб, бошланғич синфларда мусиқа дарсларининг мазмунини амалга ошириш зарур.

Хозирги вақтда мусиқа ўқитувчиси нафақат Ғарб, балки Шарқ мамлакатларидаги мусиқа таълимининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб бормоқда. Мусиқа маданиятини ривожлантиришда қўшиқчилик муҳим ўрин тутади. Овоз инсонга табиат томонидан берилган ягона ноёб мусиқа асбобидир. Ушбу чолғуга эга бўлиш мусиқа маданияти даражасидан далолат беради. Вокал ва хор маҳоратини билиш, ўз овозини эгаллаш ва бўлажак ўқитувчининг бола овози билан ишлаш қобилияти унинг учун боланинг нутқ овозини ривожлантириш, сақлаш ва яхшилаш учун асос бўлади. Шунингдек, бошланғич синфларда фанларни интеграциялашнинг асосий йўналишлари, болаларнинг умумий савиясини ошириш, ақлий, жисмоний, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида мусиқадан турли шароитларда фойдаланиш имкониятлари кенгдир.

Бирок мусиқа маданиятининг барча кирраларидан тўлик фойдаланиб бўлмайди, шу сабабли мусиқа адабиёти хамда ўқувчиларни мусиқа тинглашга ўргатиш ва унинг асосида тарбиялаш бўйича услубий кўлланмалар ўқувчилар учун мусиқа ўкитувчилари томонидан турли нашриётларда чоп этилмокда. Турли мусиқа шинавандалари томонидан тайёрланган турли хил ўқув машғулотлари, синфдан ташқари мусиқий тадбирларни ўз ичига олади. Бошланғич синф ўқувчисининг маънавий-ахлоқий, бадиий ва эстетик асосларини яратиш, болаларни санъат оламига бошлашда замонавий мусиқа мактаб ўқитувчиларининг роли катта.

Мусиқа болага ҳар дақиқада ҳамроҳ бўлади, мусиқа онгни четлаб ўтиб, бошка жараёнларга бевосита таъсир қилади, ўқувчининг психикаси ва соматикасига таъсир қилади. Мусиқий санъатнинг хилма-хиллиги ва баъзи замонавий мусиқий йўналишлар боланинг ҳиссий соҳасига, унинг руҳиятига сезиларли таъсир кўрсатади ва шахсиятни уйғунлаштиради, салбий кўринишларини кучайтиради. Шу боис мамлакатимиз ва хорижий мусиқа маданияти асослари, мусиқа санъатининг турли жанрлари, йўналишлари, ўқувчиларни мусиқий тарбиялашнинг

кўп асрлик анъаналари бўйича тўпланган тажриба, улар билан ишлаш услуб ва услубиятларини пухта эгаллаши ниҳоятда муҳимдир. Турли халқлар мусиқий тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари, мусиқа маданияти нафақат Ғарб халқларининг, балки ўзига хос мусиқий услубга ега Шарқ халқларининг мусиқа санъатини очиб берувчи мавзуларни ўз ичига олган.

Узоқ йиллар давомида дурдона асар яратиш мақсадида мусиқа билан шуғулланган композиторлар томонидан яратилган кўп асрлик мусиқий анъаналар мавжуд. Шу сабабли бола мусиқадан олдинги шовқин ва товушни, дунёни тинглашни, эшитишни ва тушунишни ўрганиши керак. Болаларни ўзини, ўқитувчини, бошқаларни тинглашга ва эшитишга ўргатадиган мусиқачи емас, балки бошланғич синф ўқитувчиси, бу уларнинг ихтиёрий эътиборини, тинглаш маданиятини ривожлантириш учун асос бўлиб қолади. Мусиқа таълими, болаларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг назарий асослари, тарихий ёндашувлари келтирилган. Қолаверса, мусиқа таълими тарихи фақат Ғарб маданияти ва Ғарб мусиқий тафаккури нуқтаи назаридан қараладиган анъанавий ёндашувдан фарқли ўлароқ, Шарқ мусиқа таълими масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мусиқий тарбиялаш тобора оммани ташвишга соладиган асосий вазифалардан бирига айланиб бормоқда, бу ёш авлодни мусиқий ва ахлоқий тарбиялаш муаммосининг бир қатор муҳим жиҳатларини тубдан ҳал қилиш имконини беради. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг мусиқий ва ахлоқий тарбиясини фаоллаштириш муаммоси ўқитувчилар олдига болаларнинг турли хил мойилликларини ривожлантиришга мақбўл ёндашувни топиш масалаларини қўяди.

Болаларнинг ахлоқий маданияти масалаларига қизиқиш ва эътиборнинг ортиб бораётгани ахлоқнинг таъсир доирасининг кенгайишида яққол намоён бўлади. Санъатда ва ҳаётда гўзаллик ҳақидаги фан бўлиб қолишдан тўхтаган ахлоқ бугунги кунда ташқи безак сифатида емас, балки унинг моҳияти, ички мазмунининг ажралмас қисми сифатида ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади.Албатта, санъат инсоннинг моҳияти, унинг ҳаёти ва фаолияти соҳаси сифатида, енг тўлиқ ифодалаш соҳаси сифатида гўзаллик ахлоқнинг энг муҳим объекти бўлиб қолмоқда ва

мос равишда бошланғич мактабда санъатнинг ролини кенгайтириш, педагогик муаммолар доирасини кенгайтиришни назарда тутади. Ахлоқ, меҳнат, ишлаб чиқариш, спорт, инсон хатти-ҳаракати ва, албатта, мусиқа - бу гўзаллик илми ривожланаётган жиҳатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати. Замонавий педагогика мактабда мусиқа санъати биринчи навбатда тарбия усули бўлиши кераклигини қатъий белгилаб қўйди. Шунга қарамай, узоқ вақт давомида мактабда мусиқий-ахлоқий тарбия вазифалари ўқувчиларни мусиқа билан таништириш, улар томонидан баъзи бадиий билим ва кўникмаларни эгаллашга айлантирилди, яъни улар бошланғич синф вазифалари билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, мусиқа санъатининг ўзига жуда оз вақт ажратилган ва болалар учун мусиқа ва сўзларни ёзиш ҳақида кўпроқ зерикарли суҳбатлар бўлган. Ахлоқий тарбия учун барча масъулият мусиқа ва адабиёт ўқитувчиларига юкланган. Ҳаётнинг барча жабҳалари инсонга ахлоқий таъсир кўрсатиши ва ахлоқий фаолликни ошириш зарурлиги унутилди. Мусиқага қизиқиш, мусиқага иштиёқ, унга меҳр-муҳаббат унинг тарбиявий ва когнитив ролини бажара олиши, маънавий маданиятини шакллантиришга хизмат қилиши учун ўзининг гўзаллигини кенг очиб бериш ва болаларга бериш учун зарур шартдир. Замонавий мактаб давлат, жамият ва шахс манфаатларини ўзида мужассам этган ҳолда, ўқувчи маданий тараққиёт субъекти ҳақиқий мақомини оладиган таълим муассасасига айланади. Ахлоқий маърифат нуқтаи назаридан мусиқа санъати жамиятимизнинг асосий мақсади – амалий, лекин юксак маънавий маданиятга эга шахсни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Объектив воқеликни ўзига хос ифода воситалари ёрдамида акс эттирувчи ҳар бир санъат тури инсонга турлича таъсир кўрсатади.

Мусиқа инсонга енг катта ҳиссий таъсир кучига эга бўлган санъатдир ва шунинг учун инсоннинг юксак ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Демак, мусиқа таълимига ахлоқий маърифат ва тарбиянинг муҳим таркибий қисми сифатида қараш керак. Мусиқа санъатининг ўқувчиларга мақсадли таъсири унинг фаоллиги ва идрокининг чуқурлигини, шунингдек, мустақил бадиий фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришни назарда

тутади. Синфда ўқувчиларнинг мусиқий ва ахлоқий тарбиясига муҳим ўрин берилади. Синфда ахлоқий тарбия бир қатор сабабларга кўра чекланган, аммо дарсдан ташқари ишларда унга катта имкониятлар очилади: суҳбатлар, эртаклар, санъат дўстлари клублари, музейларга, санъат галереяларига, концерт залларига ташриф буюриш. Санъат бўйича суҳбатлар, қоида тариқасида, икки хил таъсир кўрсатади: интеллектга ва ёш ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига. Услубий нуқтаи назардан мусиқа тинглаш, бадиий асарларни намойиш этиш, яъни ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига бевосита мурожаат қилиш санъат ҳақида фикр юритиш билан бирга бориши муҳим.

Эстетика асосларини ўрганишнинг энг самарали шакли бадиий китобларни ўқишдир. Демак, махсус мусиқа адабиётларини ўқувчилар томонидан ўқишга ўқитувчи раҳбарлик қилиши керак. Синфда ҳам, синфдан ташқари ишларда ҳам ўқувчиларни ахлоқий маърифат қилиш шакллари орасида санъатни бевосита идрок етиш имконияти алоҳида ўрин тутади. Гап мусиқий филмларни томоша қилиш, мусиқа тинглаш ва бадиий ўқиш, тасвирий санъат кўргазмаларига, театрга ташриф буюриш ҳақида бормоқда. Ахлоқий тарбиянинг ушбу шаклларининг асосий мақсади кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ҳиссий тажрибасини бойитиш ва фарқлашдир. “Мактаблар тажрибаси шуни ишонтирмоқдаки, масалан, мумтоз мусиқани тизимли тинглаш ўқувчиларни аста-секин англашга олиб боради ва унга қизиқиш уйғотади. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, бадиий асарни ҳар қандай бевосита идрок этиш маълум миқдорда дастлабки ва унга ҳамроҳ бўлган маърифатни талаб қилади, аммо бу оқилона момент санъат асарларини эмоционал идрок этишни четга суриб қўймаслиги керак.

Мусиқий эртаклар, кечалар, маърифий суҳбатларни тайёрлаш ва ўтказишда ўқувчиларнинг тафаккури ва ҳис-туйғулари ишининг уйғунлигини таъминлаш, энг муҳими, тўғри ғоявий йўналтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш учун уларнинг асосий мақсадини аниқ белгилаб олиш зарур. Умумтаълим мактаби учун мусиқа дастури дарсда аниқ мавзули материалдан фойдаланган ҳолда ўқитувчи мактаб ўқувчиларида ватанпарварлик, миллий ғурур ва байналмилаллик, Ватан равнақи йўлидаги жа-

сорат ва қаҳрамонликка қойил қолиш туйғуларини сингдиришининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Мактаб болаларни санъатга меҳр қўйиш ва тушунишга ўргатиш, уларда ижодий фаоллик, тасаввур, бадиий категорияларда фикрлаш қобилиятини шакллантириши, бу еса ўқувчиларнинг ахлоқий маърифати ҳисобланади. Мусиқа дарсларининг мақсади, биринчи навбатда, кичик ёшдаги ўқувчиларда санъатга қизиқиш, мусиқий маълумотларни тушуниш қобилиятини шакллантиришдир. Мусиқа ўқитувчисининг иши кўп қиррали фаолият билан ажралиб туради: болаларга мусиқа, унинг шакллари ва жанрлари ҳақида гапириб бериш, қўшиқларни ўрганиш ва юқори профессионал даражада ижро етиш бўйича машғулотлар ўтказиш, қўшиқлар жўрлигини моҳирона ижро етиш қизиқарли ва жўшқин чолғу асбобларида, шунингдек, мусиқа асарларида назарий билимларни қулай ва қизиқарли тарзда бериш, синфдан ташқари ҳар хил турдаги машғулотларни ўтказиш.

Мусиқий тасаввурнинг бойлиги, асар мазмунига ўйланган муносабат ижрочига ва уни амалга ошириш йўлларини таклиф қилади. Ўқитувчи-мусиқачининг ғоялари, фикрлари, ҳис-туйғулари ва интилишларининг уйғунлашуви унинг руҳий ҳолатини шакллантиради, бу фикрни юзага келтиради ва ижодий фаолият натижасини кутади. “Бола шахсининг ривожланиши ахлоқий тарбиянинг эстетик, ақлий ва жисмоний тарбия билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли таъминланади. Ғоявий-ахлоқий таъсирни амалга оширишга болаларнинг ёш имкониятларидан келиб чиқиб танланган тўғри тузилган дастур ва асарлар ёрдам беради. Аммо энг муҳими, тингловчиларнинг эмпатиясини уйғотадиган мусиқанинг ўзига хос хусусияти туфайли идрокнинг ҳиссийлиги. Мусиқий дарслар когнитив ва ақлий фаолиятни фаоллаштиради. Болалар ишни диққат билан тинглаш орқали кўп нарсаларни ўрганадилар.

Бироқ, улар фақат унинг енг умумий хусусиятларини, энг ёрқин тасвирларини идрок этадилар. Шу билан бирга, агар болага топшириқлар берилса, ҳиссий сезгирлик ўз аҳамиятини йўқотмайди: тинглаш, фарқлаш, солиштириш ва ифодали воситаларни ажратиб кўрсатиш. Бу ақлий ҳаракатлар боланинг ҳис-туйғулари ва тажрибалари доирасини бойитади ва кенгай-

тиради, уларга мазмунлилик беради. Мусиқий ва ахлоқий тарбиянинг уйғунлиги фақат бошланғич мактаб ёшига хос бўлган мусиқий фаолиятнинг барча турлари қўлланилганда, ўсиб бораётган шахснинг барча ижодий имкониятлари фаоллаштирилганда кўриб чиқилади. Шу билан бирга, педагогик вазифаларни мураккаблаштириб, болаларнинг махсус сезгирлигини суиистеъмол қилмаслик керак. Мусиқа санъатининг ўзи, унинг хусусиятлари ўқитувчининг бир қатор аниқ таълим вазифаларини ҳал қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Мусиқага муҳаббат ва қизиқишни ривожлантириш, чунки ҳиссий сезгирлик ва сезгирликнинг ривожланиши мусиқанинг тарбиявий таъсиридан кенг фойдаланишга имкон беради; Болалар таассуротларини бойитиш, уларни маълум бир тизимда турли мусиқий асарлар ва ишлатиладиган ифода воситалари билан таништириш; Болаларни мусиқа идрокини ва қўшиқ айтиш, ритм, болалар чолғуларида ўйнаш, бошланғич мусиқий саводхонликни ривожлантириш, болаларга онгли, табиий, ифодали ҳаракат қилиш имконини берадиган турли хил мусиқий фаолият турлари билан таништириш; Болаларнинг умумий мусиқий қобилиятини, ҳиссий қобилиятларини, баланд ешитиш қобилиятини, ритм туйғусини ривожлантириш, қўшиқ овози ва ҳаракатларнинг ифодалилигини шакллантириш, чунки агар бу ёшда болани фаол амалий машғулотларга ўргатиш ва таништириш, демак, унинг барча қобилиятлари шаклланади ва ривожланади; Мусиқий диднинг дастлабки ривожланишига кўмаклашиш, шу муносабат билан мусиқа ҳақидаги олинган таассурот ва ғоялар асосида биринчи навбатда танланган, кейин эса ижро этилаётган асарларга нисбатан баҳолаш муносабати намоён бўлади, мусиқий эҳтиёж шаклланади; Мусиқага ижодий муносабатни ривожлантириш, биринчи навбатда, мусиқали ўйинлар ва рақслардаги тасвирларни таниш рақс ҳаракатларининг янги комбинацияларидан фойдаланган ҳолда узатиш, шунингдек мустақилликни аниқлашга ёрдам берадиган қўшиқларни импровизация қилиш каби болалар учун очиқ бўлган тадбирларда; ташаббускорлик ва ўрганганларини кундалик ҳаёт репертуарида ишлатиш, асбобларда мусиқа чалиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш истаги, чунки бундай кўринишлар кўпроқ бошланғич

мактаб ёшидаги болаларга хосдир. Изчил мусиқий ва эстетик тарбияни амалга оширишга мўлжалланган умумтаълим мактаби болаларни санъатни севиш ва тушунишга ўргатиши, уларни ижодий фаоллик, тасаввур ва бадиий тоифалар бўйича фикрлаш қобилиятини тарбиялаши керак.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг мусиқий ва ахлоқий тарбиясини фаоллаштириш муаммоси ўқитувчилар олдига болаларнинг турли хил мойилликларини ривожлантиришга мақбўл ёндашувни топиш ва топиш масалаларини қўяди. Болаларнинг ахлоқий маданияти масалаларига қизиқиш ва эътиборининг ортиб бораётгани ахлоқнинг таъсир доирасининг кенгайишида яққол намоён бўлади. Санъатда ва ҳаётда гўзаллик ҳақидаги фан бўлиб қолишдан тўхтаган ахлоқ бугунги кунда ташқи безак сифатида эмас, балки унинг моҳияти, ички мазмунининг ажралмас қисми сифатида ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Албатта, санъат инсоннинг моҳияти, унинг ҳаёти ва фаолияти соҳаси сифатида, энг тўлиқ ифодалаш соҳаси сифатида гўзаллик ахлоқнинг энг муҳим объекти бўлиб қолмоқда ва мос равишда бошланғич мактабда санъатнинг ролини, педагогик муаммолар доирасини кенгайтиришни назарда тутади. Замонавий педагогика мактабда мусиқа санъати биринчи навбатда тарбия усули бўлиши кераклигини қатъий белгилаб қўйди.

АДАБИЁТЛАР:

1.Калдибекова А, Ходжайев Б “Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари” (услубий қўлланма) Т., 2006-й.

2. Кодиров Р.Ғ. Мусиқа психологияси. Т., 2016 й.

3. Нурматова М. А. Мусиқа ўқитиш назарияси ва мактаб репертуари фанидан ўқув- услубий мажмуа. Ур. 2015 й.

4. Шарипова.Г.Бошланғич синфларда мусиқа ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т., 2004й.

5. Шарипова.Г.Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т., 2006й.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ УМУМНАЗАРИЙ ТАҲЛИЛЛАРДА

Носирова Ситора Шухрат қизи
Термиз давлат университетининг
Педагогика институти магистранти

Ўзбек халқ мусиқа маданиятида санъат ва маънавият тарихининг педагогика масалалари тўғрисида фикр юритилганда Амир Темур ва темурийлар даври санъатининг мероси сифатида мусиқа маданияти маънавий мерос ва қадриятлар кесимида кўриб чиқилиб, мусиқашуносликда умумназарий ва умумэстетик таҳлиллар асосида назарий-таҳлилий ёндашувни талаб этади. Темурийлар замонида ўзбек мусиқа маданияти юксак даражаларда ривожланганлигини ёзма ёдгорликлар, тарихий манбалар орқали очиб бериш мумкин.

Шу аснода илмий қарашлар ва назариялар таҳлили асосида Амир Темур ва темурийлар даври мусиқий-маданий меросини ёзма манбалар орқали ўрганиш; бугунги классик мусиқамизнинг юксалишида хизмат қилган шох асарларни кўрсатиб бериш; тасаввуф илми билан ҳамоҳанг мақом санъати тарихини очиб бериш; темурийлар даврининг жаҳон маданий тараққиётига қўшган ҳиссани аниқлаш; темурийлар даврида маҳоратли созанда, бастакор ва ҳофизларнинг етишиб чиқиши манбалар орқали кўрсатиб бериш; ўзбек мусиқа маданияти ривожида Алишер Навоий ҳиссасини таҳлил қилиш; Амир Темур ва темурийлар даври мусиқа ва чолғу асбобларини аниқлаш; Амир Темур ва темурийлар даври ҳарбий мусиқа санъатини ўрганиш муҳим вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлар Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Муиниддин Натаний ва бошқа қатор муаллифларнинг аксарияти ўша даврда яшаганликлари учун бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни унинг бевосита ҳамда билвосита шоҳидлари сифатида жонли ва ишончли тарзда баён қилинган.

XV – асрда яшаган таниқли араб тарихнавислари, жумладан: Ибн Холдун, Ибн Дуқмоқ, Ас-Суютий, Ал-Қалқашандий, Ас-Саҳовий, Бахриддин ал-Айний, Ибн-Ийос, Ибн Тағриберди,

Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ал-Мақризий ва бошқалар ўз тарихий асарларида кўпдан-кўп қимматли маълумотлар келтирилган.

Темурийлар даври томоша санъатлари, байрамлари тўғрисида маълумотлар ва умумлашмалар кўплаб сақланиб қолган. Шу маънода Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақое", Хондамирнинг "Макорим ул-аҳлоқ", Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Хасанхўжа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" каби асарлари қимматлидир. Айниқса, анъанавий театр, рақс ва цирк бўйича маълумотлар умумлашма фикрлар ва мўъжаз тадқиқотлар Алишер Навоийнинг бутун ижоди бўйлаб сочилган. Шунингдек, Абу Наср Фаробий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Дарвеш Али Чангий ва бошқаларнинг мусиқа саънатига оид рисолаларда рақс ритми ва усуллари ҳақида маълумотлар, илмий мушоҳадалар учрайди[1].

Буюк бобомиз Хуросон, Эрон, Сурияниng маданий марказларидан олимлар, шоирлар ҳунармандлар қаторида моҳир созанда-хонандалар ҳам Самарқандга олиб келинди ва улар сарой хизматида бўлдилар. Кўпгина анжуманларни сарой хофизу-созандалари қизитар эдилар. Ўша даврнинг йирик санъаткорлари хофизи Абру буни қуйидагича ёзади. Хушовоз ҳофизлар ва ширинovоз созандалар форс қўшиқларини намуналар, араб, оҳангларини туркий анъаналар, муғул овозлари, хитойча ашула айтиш қонунлари асосида куйланиб, қўшиқ айтар эдилар. Бу даврда халқ орасида йирик хушовоз хонандалар етишиб чиқа бошлади[2].

Амир Темур иштирок этган сарой зиёфатлари, тўй маросимлари ва бошқа тантанали байрамларда турли ўлкаларнинг мусиқачилари ҳам ўз санъатларини намойиш этишлари одат тусини олган эди. Соҳибқирон амри билан ёзилган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида қайд қилинишича, «Оламнинг турли тарафидан йиғилган тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлимнинг санъат аҳлларию ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ бўлишиб ҳар диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зеб-зийнат буюмла-

[1] **Ташканбаев ХШ**. Амир Темур ва темурийлар даврида санъат ва маданият /https://shosh.uz/amir-temur-va-temuriylar-davrida-sanat-va-madaniyat/

[2] Файзиев О. Мусиқа ва тарбия. / https://uz.denemetr.com/

ри, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Хушнағма созандалар ва хушовоз хонандалар форс тариқасида, ажам тартибида, араб қоидасида, турк йўсинида, мўғул аёлғусида, хитой русумида, олтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг боғламоқ ила машғул эдилар» [1].

Амир Темурнинг набиралари Мирзо Улуғбек, Бойсунқур Мирзо, кейинроқ эса темурийлардан Ҳусайн Бойқаро даврларида илм-фан, адабиёт, миниатюра санъати, китобатлик, ҳаттотлик санъати ва бошқа соҳаларга қилинган алоҳида ғамхўрлик нафис мусиқа санъатини ҳам четлаб ўтмади. Мана шу даврда яшаган ва ижод қилган буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий илм-фан, адабиёт ва санъатнинг барча йўналишларининг ривожига улкан таъсир кўрсатди. Замондошларининг ёзишларича Навоийнинг ўзи ҳам мусиқий асарлар яратган[2].

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд саройида қарор топган илғор мусиқий анъаналар унинг ворислари – Шоҳрух Мирзо, Мироншоҳ, Халил Султон, Улуғбек Мирзо, Абулқосим Бобур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Бойсунғур Мирзо, Султон Бадиуззамон Мирзо, Умаршайх Мирзо, Бобур Мирзо каби Темурий ҳукмдорлар томонидан муносиб давом эттирилди. Ўрта Осиёда Темурийлар даврида маданият юксак ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётнинг тамал тоши буюк соҳибқирон Амир Темур томонидан қўйилди.

ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИДА ТОЛЕРАНТЛИК МАСАЛАСИ

Термиз давлат университети Тарих (йўналиш ва фаолият турлари бўйича) магистранти Курбонов Карокатилло Исматиллоевич

Аннотация. Мазкур мақолада жадидчилик ҳаракатида миллатлар ўртасидаги тотувлик ва динлараро бағрикенглик масала-

[1] Иброҳимов О. Амир Темур ва мусиқа. / https://uza.uz/

[2] Ширинов Т.Ш. ва бошқ. Шарқ мусиқасини улғайтирган юрт. – Самарқанд. 2009. – Б. 34-36.

ларининг аҳамияти, жадидларнинг ўлка тараққиёти учун курашиши, ижтимоий тенглик тўғрисидаги қарашлари ҳақида фикр билдирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар:толерантлик, бағрикенглик, миллат, дин,диний конфессия, тотувлик, ҳамкорлик, мафкура, жадид.

Тарихдан маълумки, XIX аср охири- XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг ижтимоиё-иқтисодий,сиёсий ва маданий ҳаётида жуда оғир вазият вужудга келганди. Бир томондан минтақада Россия империясининг тазйиқи ва таъсири тобора кенг қулоч ёймоқда эди. Иккинчи томондан Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қуқон хонлигидаги ҳукумрон доираларнинг диний мутаассибларнинг таъсир доирасида колиши, тараққиётдан таназзулга бошловчи хурофот,битъатларнинг кишилик ҳаётида чуқур кириб бориши,дунёвий давлатлар тараққиёти даражаси талабларига жавоб бера оладиган муаассасаларнинг етишмовчилиги, замонавий ишлаб чиқариш жараёнида етук мутахассисларнинг салмоғи ўта пастлиги, завод ва ва фабрикалар қурилишининг давлат дастурларидан четга қолиши, бир сўз билан айтганда минтақанинг Европа давлатларидан орқага қолиши ва жаҳон бозоридан ажралишини кўзатишимиз мумкин. Бироқ бизнинг илғор фикрловчи закий тараққийпарвар зиёлиларимиз вазият нечоғлик мураккаб ва зиддиятли бўлишига қарамасдан маданий ислоҳотларни ташкиллаштирдилар. Бу борада Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Садриддин Айний,Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чулпон ва кўплаб жадидидчиларнинг фаолияти таҳсинга лоиқдир. Ўрта Осиёни жаҳон ҳамжамиятига муносиб мавқейини таъминлаш бир қатор муаммоли масалалар ва жамиятга мавжуд нуқсонларни бартараф этишга боғлиқлик эди. Шу жумладан, минтақада саводсизликни тугатиш,диний хурофотлардан динни тозалаш,диний бағрикенгликка эришиш,-миллатлараро тотувликни сақлаш, ижтимоий табақалар ўртасида учрайдиган камситувчи унсурларни бартараф этиш,аёллар ва болаларга нисбатан зуравонликларни олдини олиш, ёшлар манавиятини дунёвий илм-фан ютуқлари билан бойитиш каби долзарб масалаларни ҳал этишга азму қарор этдилар. Миллий тараққийпарвар зиёлиларимиз ушбу йулдан оғишмасдан борди-

лар ва оқибат шу йўлда азиз жонларини қурбон қилдилар. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев «Жадид боболаримиз юртимизни озод этишга, қолоқликдан олиб чиқиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга борини бағишлаган. Бунинг бадалини ўз жонлари билан тўлаган. Биз бугунги мустақиллик, тинчлик, эркинлик шароитида уларни эслашимиз, эъзозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.»[1] деб таъкидлаганлар.

Россия томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши мавжуд ижтимоий-сиёсий ва маданий вазиятни мушкул аҳволга келтирди. Ушбу даврнинг илғор намояндалари бу салбий ҳодисаларнинг моҳиятини яхши тушуниб ва жамиятни тангликдан чиқаришга уриниб, усули-жадид, яъни янги усулни жамият ҳаётининг барча жабҳаларига, айниқса маданият соҳасига татбиқ қила бошладилар. Ушбу харакатнинг номи - жадидчилик («жадид» - «янги» демакдир) ҳам шундан келиб чиққан. Аслида бу, аввало маънавият, дин ва таълимда туб ўзгартиришларга чақирувчи янги фикрлаш эди. XX аср бошларида мустамлака шароитида, ҳукмрон сиёсий мафкура доирасида қолоқликдан қутулишнинг ягона йўли — маданий йўналиш орқали тараққий этиш мумкинлигини тушунган миллий маърифатпарварларимиз, энг аввало, маданий ва маиший ҳаётдаги қолоқликни тугатиш, миллий онгни ислоҳ этишда анъанавий маданиятни дунё маданияти тизимида қайта кўриб чиқиш заруриятини олиб чиқдилар. Жадидлар мафкурасида диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини обектив баҳолаш,ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни барпо этиш,демократик институтларни шакллантириш каби тарихий вазифалар ўз аксини топган эди.Уларнинг аксарияти ўз асарларида Туркистон халқи маданиятини ривожлантириш, маърифатга чақириш, Ватан тақдири ва унинг истиқболи учун қайғуриш каби муаммоларни кўтариб чиққан эдилар. Миллий зиёлиларнинг мақсади жамиятда етилган муаммоларни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ечиш ва жамиятнинг келгуси ривожи йўлини топиш эди. Афсуски миллий маърифатпарварларимиз мақсади йўлида катта тўсиқларга дуч келдилар.

[1] Президент Шавкат Мирзиёувнинг «Шаҳидлар хотираси»хиёбонидаги 31-август 2021-йилдаги нутқидан

Жадидчилик ҳаракати тарихига назар солсак,руҳонийлар-уломалар билан жадид зиёлилар муносибатида илк даврлардаёқ фавқулодда қарама-қаршиликларни кўзатишимиз мумкин. Тараққийпарварларнинг амалий фаолиятларида эскилик тарафдорларига нисбатан танқидий муносабатлар ўз ифодасини топган. А.Авлоний бу ҳақда шундай деган эди:»Қадим-жадид» муносабатлари шу қадар муросасиз тус олган эдики,ҳатто «муллаларга қарши уюшмамиз ҳам вужудга чиқди».[1]»Ойна»журналнинг 1914 йил 22-сонида чоп этилган "Қадим бирла жадид" шеърида муаллиф Аҳмаджон Абдулфасиҳ ўғли даҳанаки жангга айланиб кетган, миллатга ҳеч бир фойда келтирмаётган қадим ва жадид баҳсларига муносабат билдиради:

Эй қалам, сен сўрмадинг миллатларингдин бир савол,
Ул қадим бирла жадиднинг ишларидин қийлу қол.
Кўб талош этди жаҳонда бир-бириға баҳс этуб,
Маънисини билмаюб кўб сочдилар дунё ва мол...

Чулпон қўйидаги сатрлари билан жадидичилик гояларини сингдириш осон кечмагани,мутаассиб диндорлар билан толерантлик гоялари билан сугорилган карашларга келажак тараккиётини ва истикболини боглашга умид килган марифатпарварлар ўртасидаги тушунмовчиликлар вазиятни тобора кескинлаштирганини таъкидлайди:

Янги турмуш қурмоқ бўлган фақирлар,
Эскиликка қўрқинч кураш бошлади.

Жадидлар барча жамиятдаги қатламлар билан муроса йўлини танлашни ўзларининг мақсадларига яқинлаштирувчи усул деб билганлар. Ҳамзанинг таъбири билан айтганда,

Ташлаб Ниҳон кўнгилда бўлган иллатни,
Кину бузғу адоват,фискў ғийбатни,
Сунний,шиий сўзларини барбодлашайлик,
Миллат йўлин кўплашув ободлашайлик.[2]

[1] Ризаев Ш.Жадид драмаси. Тошкент «Шарк».1997. 47-бет.
[2] Ризаев Ш.Жадид драмаси. Тошкент «Шарк».1997. 73-бет.

Шахснинг маънавий камолотида ва жамиятнинг ривожланишида диннинг ролини тўғри тушуниш масаласи жадидлар мафкурасида муҳим ўрин эгаллаган. Миллий тараққиётчилар Қуръонга таяниб ва уни қуруқ сафсатадан тозалаб диний тасаввурлар реформасини ўтказишга уриндилар.Жадидлар бошқа динга эътиқод қилувчи олимларнинг асарларини ўрганиш гуноҳ эмаслигини; қайси конфессиядан келиб чиққанидан қатъий назар, ҳар қандай тажрибадан фойдаланиб илм-фан билан шуғулланиш ислом динида маъқулланишини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Америкалик тарихчи Адиб Холид фикрича, Ўрта Осиё жадидчилиги мусулмон модернизми чорчўплари билан маҳаллийлаштирилган эди.

Илғор зиёлилар: «фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ўзига сингдирмайдиган миллатларнинг тақдири жаҳон тамаддунининг овлоқ жойларида кун кечиришдан иборат бўлиб қолишини тушунар эдилар. Садриддин Айнийнинг фикрича, дунёвий билимларни эгаллаш - диний зиддиятларга қарши курашнинг ягона воситасидир. У ватандошларини мусулмонлар илми ва руслар илмига ажратмасдан, ютуқлар мусулмонларга ёхуд бошқа конфесссия вакилларига тегишлилигидан қатъий назар, дин ва миллат учун фойдали бўлган барча нарсани ўрганишга чақиради.»Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли” мақоласи муаллифи Ниёзий Ражабзода ўлкадаги бошланғич мактабларнинг замон талабига жавоб бера олмаётганини, Англия, Германия мамлакатлари илм-фан тараққийси натижасида “ер юзининг бойликларини ўзларига қоратуб олибдурлар, илм-маърифатдан маҳрум бўлган миллат эса санъат ва ҳунар соҳиби бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбур бўладурлар”, деб қайд этган эди. Ражабзода Ниёзий яҳудийларга ҳурматини яширмай, ватандошларини улардан баъзи бир фазилатларни ўрганишга чақиради.

Жадидчилик асосчиси Исмоил Гаспирали Ўрта Осиё жадидлари зиммасида минтақадаги турли миллат ва дин вакилллари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш,уларнинг дунё қарашини ўстиришда катта масъулият борлигига ўрғу берган. Бухоро ва Хивада кўплаб эски мадрасалар бор, бироқ мадрасаи исломия очиш лозимгиги,унда тарих,жуғрофия,кимё,ҳанда-

са,ҳуқуқ,сиёсат,иқтисод ва бошқа фанлар,туркий,форсий,русий ва франсавий тиллар ўргатилиши лозимлигини таъкидлаган,- Миллати ва динидан қатъий назар озгина билимга эга бўлган толиби илмлар ушбу дорулфунунларга қабул қилинган. Кейинчалик жадидлар «оврупоча ўқув муаассасаларини очиш»,»ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларга стипендиялар белгилаш» масаласини назарда тутувчи низом қабул қилдилар.

Тил маданияти муаммоси бағрикенглик ғоясининг муҳим таркибий қисми эди. Мунаввар Қори Абдурашидҳонов Туркистонда яшовчиларнинг барчаси замонавий билим олиши ва рус аҳолиси билан доимий мулоқотда бўлиши ҳамда турли соҳаларда яқинлашиши учун рус тилини билиши зарур деб ҳисоблар эди. М.Абдурашидхонов 1911 ўз мактабларида рус тилини ўқитишни киритишга эришди.

М.Беҳбудийнинг «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи тилдаги плюрализмга бағишланган.[1] Ваҳоланки, чет тилларни билиш фақатгина савдо-сотиқ фаолиятида эмас, балки саноатни ривожлантириш, давлат ишларини юритиш ва ҳатто диний таълимни юксалтиришда ҳам керакдир. Бу билан Беҳбудий келажакдаги давлат мустакамлигини,халқларнинг тинжлигини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этиш лозимлигига ўрғу беради.

Исҳоқхон Ибрат ўз она тили - ўзбек тили билан бирга араб, форс, ҳинд, турк, инглиз, француз ва рус тилларидан ташқари қадимги финикия, форс, сурия, юнон ёзуви ва ивридни ҳам билган ҳамда ғарб маданиятини ўрганишнинг астойдил тарафдори бўлган. Ушбу билимлар унга ноёб асар бўлмиш олти тилли (ўзбек-араб-форс-турк-ҳинд-рус) «Луғати-сита-ал-сина» луғатини яратишга имкон берди. Ибрат диний билимлар ўрнини фойдасиз сафсата ва мутаассиблик олганини таъкидлайди. Ўз нуқтаи назарини Қуръон оятлари ва ҳадисларга асослар экан, Ибрат мусулмонлар насронийлар ишлаб чиқарган техник янгигиклардаи ҳам албатта фойдаланишлари лозим, деб ҳисоблайди. .Ибратнинг жаҳон бўйлаб қилган саёҳати, Қора денгиз бўйлари, Ҳиндистон, Хитой ва Россияга ташрифи изсиз йўқолмади, Туркистоннинг техник ва маданий қолоқлигини кўрсатди.

[1] Муртазоева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. Тошкент. 2019. 104-бет.

Буюк истеъдод эгаси Сиддиқий-Ажзий халқлар дўстлигини,ўзаро ҳамкорликни ўзининг асосий мавзуси деб билган. Ҳар бир халқнинг тилини билиш унинг дилига йўл очади,деб ҳисоблаган.

«Ҳар қочки лисони чўқ билурсан,
Дунёда азизроқ ўлурсан» деб ёзган эди.

У ўз она тилидан ташқари араб, рус тилларини биларди ва бошқаларни ҳам билишига даъват этарди.

Маърифатпарвар жадидлар миллатлар тотувлиги ва динлараро бағрикенглик ғояларига жиддий эътибор берганлар. Барча ижтимоий қатламлар ўртасида мувозанат булмоғига даъват этганлар. «Бугунги ўқувчи тарих,жуғрофия,иқтисод,физика,кимё,математика каби замонавий фанларни билиши керак.Сўнгги уч-турт аср дунё тақдирини бошқа ўзанга солиб юборди. Оврупони олдинга олиб чиқди.Энди Оврупо илм-фанини эгалламасдан дунё билан баробар яшаб бўлмайди.Бу илм-фанни ўзлаштирмоқ учун Оврупо тилларини билмоқ керак. Айни пайтда ўзликни ҳам сақламоқ лозим. Дин-диёнат ҳам зарур. Хуллас, яшамоқ учун учала жиҳатни ҳам ушламоқ керак бўлади. Ушлаганда ҳам ҳеч бирини суиистеъмол қилмасдан. Акс ҳолда мувозанат бузилади. Мувозанат бузилиши эса, ёмон оқибатларга олиб келади.Масалан, ёлғизгина дин ушланса, дунё қўлдан кетади. Фақат ўзлик, миллат десак, яна дунёдан ажраб қоламиз. Бировнинг биз билан иши бўлмайди. Овруполашсак,ўзлик юқолади. Бу ҳам фожиа.Мувозанат керак.»деб таъкидлаганлар.1

Жадидлар ёшларни тараққий этган мамлакатларга ўқишга юборишга алоҳида эътибор берганлар. Ёшлар Россиядан ташқари Германия, Туркия, Франсия, Япония ва бошқа мамлакатларга бориб таъсил олганлар.»Фарғона» газетасининг 1923-йил 26-апрелдаги сонида хорижда таъсил олаёган туркистонликларнинг умумий сони 500 дан ортиқ деб кўрсатилган. Қолаверса турли миллат вакиллари ҳам Туркистон халқ университетининг (1920 йилда Давлат университети деб ўзгартирилган) бешта факултетида ўқиган талабаларнинг миллий таркиби қуйидагича бўлган: жами-2453. Шундан:руслар-1575; Европа яҳудийла-

ри-397; арманлар-134; татарлар-81; ўзбеклар-50; қирғиз (қозоқ) лар-57; тожиклар -11; Бухоро яҳудийлари-34; туркманлар-9; уйғурлар-8; дунганлар-1; литваликлар-11; латишлар-18; эстонлар-4; поляклар-32; немислар-15; бошқирдлар-17. [1]

Жадидчилик даври толерантлигида гендер тенглиги масаласи ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Аслида аёлларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик барча ақлли жамиятларда қораланган.Қадимги Шарқ фалсафасида ҳам, Ислом таълимотида ҳам,жадидчилик ғояларида ҳам олий хилқат- аёл зоти улуғланган,қадрланган. Жадид жамиятида аёллар аҳволи ҳамиша жамиятдаги эркинлик даражаси нинг мезонларидан бўлиб келган.А.Авлоний мактабида қизлар ўғил болалар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олганлар. Абдурауф Фитратнинг “Оила ва оилани бошқариш тартиби” рисоласи асосий қисми аёлга бағишланган. Фитрат инсоннинг интеллектуал ҳолати, оладиган таълими кўп жиҳатдан аёлларга, оналарга боғлиқ. Зеро, эркак тирикчилик учун егулик-ичгулик топиш билан банд, аёл эса эркакдан кўра маълумотлироқ бўлиши шарт, чунки у, асосан, болалар билан шуғулланади,деб айтган.

Маърифатпарвар жадидлар жамиятдаги барча тоифаларнинг қарашларини ҳурмат қилиш, ўзга томоннинг барча фикр ва мулоҳазаларини тинглаш, уларнинг далил ва исботларини пухта мушоҳада қилиш, ўзга томоннинг нуқтаи назарига беғараз ва холисона ёндашиш таомилларига амал қилдилар. Қадимдан то бугунги кунда қадар юртимизда яшовчи халқларнинг ҳамжиҳатликка ва иноқликка интилиши барқарорликнинг ўзига хос нишонасидир. Ўзбекистон халқи ҳамиша кўп миллатлилик ва кўп динлилик шароитида миллатлараро тотувлик ҳурмат руҳи билан ажралиб келган.

Хулоса урнида айтиш мумкинки жадидлардаги бадиий, илмий-эстетик қадриятлар, наинки ўз муҳити, шароити, даври, балки келгуси замонлар учун ҳам ибратли даражада экани билан ажралиб туради. Жадидлар ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқларини эгаллашга интилдилар,ўқидилар ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этдилар.Жадидлар хорижга чикиб, турли мамлакатлардаги маданият ва таълим тараққиёти даражасини кўра

[1] Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент «Маънавият».2002. 36-бет.

олдилар,уларни солиштирдилар ва бу зеҳнли ёшларда жаҳон тараққиёти ютуқларини Туркистонга келтириш истаги пайдо булди. Улар янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар очган, дарсликлар, газеталар чоп этган, илк театр ташкил этган, бу аҳоли учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик бўлиб, жуда катта таъсир кучига эга бўлган ва одамлар онгида инқилоб ясаган. Шу билан бирга миллий тараққийпарвар зиёлиларимиз диққат марказида Ўрта Осиё минтақасида кўп миллатлилик ва кўп динлилик шароитида миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик масаласи алоҳида ўрин эгаллаган эди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жадидлар:ислоҳот, янгиланиш,мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам №1. Тошкент «Университет». 1999
2. Муртазоева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. Тошкент. 2019
3. Ризаев Ш. Жадидчилик драмаси. Тошкент «Шарқ».1997
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент «Маънавият».2002

СУРХОНДАРЁДА ТЕАТР САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Термиз давлат университети тарих таълим йўналиши 1-босқич магисртранти Хуррамов Бахром

Аннотация: Мустақиллик йилларида Республикамизнинг ажралмас қисми бўлган Сурхон воҳасида таълим, маданият, маърифат ва маънавият соҳалари улкан тараққиёт босқичига қадам қўйди. Бу давр ичида воҳада истеъдодли ёш олимлар, ёш ижодкорлар сафлари янада кўпайди. Бугунги кунда улар мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Аннотация: В статье на основе исторических источников научно анализированы культурная жизнь, культурный уровень местного населения, деятельность театра, изобразительного ис-

кусства, народного ансамбля, а также достижения в культурной жизни.

Annotation: The cultural life of the Surkhan oasis, the cultural level of the local population, the creative activity of theater, painting, folk ensembles, and their cultural studies have been scientifically analyzed on historical sources.

Мустақиллик йилларида давомида вилоят маданияти ва адабиёти билан бир қаторда театр санъатида ҳам жадал ривожланиш жараёнига ўтилди. Бунга Ўзбекситон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 мартдаги «Театр санъатини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг вилоятнинг санъат даргоҳларидан бири Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театрининг репертуарлари ҳам рангба-ранг мавзу ва жанрдаги қатор драматик асарлар билан бойиди. Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри — Ўзбекистоннинг етакчи театрларидан бири. 1935-йил 5 ноябрда Афандихон Исмоилов саҳналаштирган “Ғолибият” спектакли билан Термиз шаҳрида очилган. Тошкент ёш томошабинлар театридан келган бир гуруҳ санъаткорлар театр асосини ташкил қилдилар. Театр директори етиб Р. Бобожонов, бош режиссори А. Исмоилов, бош рассом Н.Т.Малишевскийлар тайинланди. О.Фаёзова, М. Ҳамидова, К. Муслимова, З. Олимов, Т. Зохидов, М. Умарова, Х. Аъзамов, Н. Азизов, Қ. Тўлаганов ва бошқа театрнинг илк актёрларидир. 1935 йил 28 июнда Сурхондарё округининг қайта ташкил етилиши округда амалга ошириладиган маданий- маърифий ишларнинг яънада кенгайишида ва кучайишига олиб келди. Театрнинг спектакл галерияси 30- йилларнинг охирларида К. Яшиннинг “Икки комунистик”, “Гулсара” Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, Н. Сафаровнинг “Уйғониш”, У Гажебековнинг “Аршимоолон” номли песалари ҳисобига бойиди.Театрнинг ўз ижодий йўлини белгилаб лолиши О. Рихсайев, Х. Тўлаганов, Х. Бобохонова, Г. Латипова, З.Олимова каби санъаткорларнинг хизматлари катта бўлди.

Театр Иккинчи жаҳон уруши йилларида оғир синовдан ўтди. Театр жамоасининг бир қисми урушга жунади. Нишон Ҳодиметов, Обид Рихсийев, Обид Иброҳимов, Қаюм Тулаганов, Муҳам-

мад Шермуҳамедов, Нурмат Азизов каби санъаткорлар жанг майдонларида халок бўддилар. Фронт ортида қолган қисми — З. Олимов, А. Олимова, Ҳ. Мухиддинов, Х. Бобохонова, Т. Латипова, А. Толипов, М. Ҳамидова, О. Фаёзова, К.Муслимовалар еса турли мавзуларда асарлар саҳналаштирдилар: «Фронт» (А. Корнейчук), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза), «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла), «Нурхон», «Офтобхон» (К. Яшин) ва бошқа.

1942-йил театр репертуарини яхшилаш мақсадида Денов кз—сз театри Сурхондарё театрига қўшилди. 1943-йилда театрда студия очилди. Театр жамоаси рус ва украин режиссор ва актёрлари билан ижодий мулоқотда бўлди. Уруш йиллари улар Термиз шаҳрига евакуация қилинган еди. Ҳарков оперетта театри артист ва режиссорлари Термиз театри кршидаги ўзбек студиясига мураббийлик қилдилар. «Уйланиш» (Н.Гогол), «Скапеннинг найранглари» (Ж.Молйер), «Она» (Уйғун), «Ёрилтош» (Ш. Саъдулла), «Муҳаббат» (Туйғун), «Ота рози» (Ҳ. Ғулом), «Муҳаббат ғунчаси» (Ғ.Мухторов) каби спектакллар билан театр репертуари бойиди.1948-йилда иқтисодий қийинчиликлар туфайли театр вақтинча Бухоро театрига қўшиб юборилади.

1957-йилда театр қайта тикланиб, Сурхондаро вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри деб номланди. Вилоят бадиий ҳаваскорларидан тузилган театр ижодий жамоаси дастлабки йилларда томошабинларга манзур спектакллар ярата олмади. 1958-йил аввалларТермиз театрида ишлаган Х. Бобохонова, Ҳ. Муҳиддинов (Каттақўрғон театридан), С. Нурматов, А. Раҳматов, Н. Пардайев ва бошқа театрга таклиф етилди. Айни бир пайтда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатганлардан А. Қосимов, З. Солийева, С. Лутфуллайев, Е. Каримов, Р. Каримова, А. Номозовлардан иборат истеъдодли ёшлар келиб қўшилишди. Театр қисқа вақт ичида ўз репертуарини яхшилади. «Биринчи муҳаббат» (Х. Вохит), «Хавфли учрашув» (И. Стаднюк), «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Нурхон» (К. Яшин), «Пилла ая» (Туйғун), «Олтин болта», «Гули сиёҳ» (С. Жамол), «Дўстлар», «Қотил» (Уйғун), «Зарафшон қизи» (Д. Файзий) каби спектакллар муваффақият қозонди. «Гулсара» (К. Яшин), «Қотил она» (И. Аҳмедов), «Аяжонларим» (А. Қаххор), «Ҳижрон алангаси» (З.Фатхуллин), «София

таронаси» (Хугайев), «Вйетнам тонги» (Г. Ким), «Олтин девор» (Е. Воҳидов), «Қизбулоқ фожиаси» (Т. Тула), «Беш кунлик куёв» (Шуҳрат), «Сирли кун» (Д. Валийев), «Сепсиз қиз» (А. Островский), «Момо йер, (Ч.Айтматов», «Бир ўликка бир тирик» (А. Иброҳимов) каби тўлақонли спектакллар билан ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. 1974-йил театр жамоасига М. Абдуқундузов, З. Отабойева, К. Бурҳонов, Е. Абдуқодиров, Д.Солихрва ва бошқа келиб қўшилди. 1977-йил театр жамоаси оталиғида Жарқўрғон, Музработ, Узун халқ, театрлари очилди.

1978-йил театрга Маннон Уйғур номи берилди. Ўша йили театр жамоаси рус тилида спектакллар қўйди «Куёв ва келин», «Майсаранинг иши», «Ҳамма билан биргаликда», «Аёллар хаётидан» ва бошқа спектакллар халқ кўнглидан чуқур жой олди. Театр жамоаси ўз ишини янги давр талаблари асосида қайта қуриш жараёнида саҳнада ижро қилаётган асарларининг кўпроқ миллий бўлишига ҳаракат қилди. Жуда катта ижодий кучни ўз бағрига олган театр жамоаси ўз репертуарини воҳа ижодкорларининг асарларини саҳнага олиб чиқди. Вилоят мусиқали драмма театрида таниқли журналист Норқул Ҳайитқуловнинг «Юлдуз сўнди», Исомиддин Отақулнинг «Қамашган кўзлар», Хуррам Мақсадқуловнинг «Садоқатли арвоҳ» каби асарлари саҳналаштирилди .

Театрнинг ижодий жамоаси 1993-1994 йилларда шоир ва драматург Низомжон Парда қаламига мансуб бўлган адиб Собир Термизий номли пьессани саҳналаштирди. Театрнинг меҳнат севар аҳли бу асар учун 1994 йилда «Адиб Собир Термизий» мукофоти билан тақдирланди.

1995 йил 5 ноябрда Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драмма театри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланди. Театрда таниқли драматург Машраб Бобоевнинг «Ўчмасин чироқ» номли асари саҳнага қўйилди. Театр жамоаси 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда ҳам муносиб қатнашиб «Темур ва Йилдирим Боязид» номли пьесани театр саҳнасига олиб чиқишди.

Театрда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист»лар Мансур Равшанов, Гулнора Равшанова, Мариям Махмудова, Тош-

муров Эргашев, Амрулло Нарзуллаев каби тажрибали актёрлар, С.Мукимов, Р.Маматалиев, Х.Орипов, М.Шарипов, З. Боқиева, Е.Миркурбонов каби ижодкорларнинг меҳнати беқиёсдир1 . Театрда миллий урф-одатларни тараннум этувчи ва улуғловчи асарлар саҳна юзини кўрди. Ф.Мусажоновнинг «Олифта», Х.Расулнинг «Узоқдан келган куёв», Р.Муҳаммаджоновнинг «Ака-ука совчилар», Ш.Бошбековнинг «Темир хотин», Х. Муҳаммаднинг «Хотинлар ҳазили», Хамзанинг «Жононга бордим бир кеча» асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклар шулар жумласидандир.

Қадимий урф-одатлар ва қадриятларимизни, фольклор-этнографик санъатимизни, анъана ва удумларимизни тиклаш ва уларни бойитиш, сайқал бериш, томошабин эътиборига етказиш борасида айниқса катта ишлар қилинди. М.Хайруллаевнинг «Олам сеники», М.Ниёзметовнинг «Қорбобо ва ялмоғиз», М.Қодировнинг «Сеҳрли узук», У.Азимовнинг «Бир қадам йўл», Х. Хурсандовнинг «Қайсар чолнинг қилиғи», «Кампир топайми, дадажон», Э.Хўшвақтовнинг «Қаллиқ ўйини», «Чимилдиқ», О. Салимовнинг «Сеҳрли қоп», Ж.Маҳмудовнинг «Осмондан тангга ёққан кун», «Дангсалар салтанати» спектакллари халқимиз томонидан муносиб қадрланди .

Халқимиз тарихини, маданиятини, адабиётини ва санъатини саҳна асарлари воситасида кенг тарғиб қилиш, миллий давлатчилигимиз тарихини ёритиш, буюк аждодларимиз сиймосини яратишга жиддий эътибор қаратилди. Уйғун, И.Султоннинг «Алишер Навоий», Қ.Абдунабиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид», У.Азимнинг «Алпомишнинг қайтиши», Н.Пардаанинг «Адиб Собир Термизий», Т.Зулфиқоровнинг «Қафасдаги каклик» асари, Ш.Раҳматуллаев ташаббуси асосида яратилган «Шоҳ ва шоир» спектакллари театр саҳнасида намойиш этилди .

Сурхондарё қўғирчоқ театри 2001 йил 26 ноябрда ташкил етилган. Театр “Туяқуш-боёқуш” (П.Мўмин) спектакли билан очилган (2002). 240 ўринли залига ега. “Дўстлар” (А.Жамол), “Ўрмонда янги йил”, “Абдулла қувноқ ҳангомалари” (Т. Қобилов), “Ялмоғизга алла-қуёнвойга тилла”(З.Шамсутдинова шеърлари асосида) каби спектакллар саҳналаштирилди. Театр

фойесида рассом Рўзи Чорийев расмлари галареяси жойлашган бўлиб, рассомнинг портрет, пейзаж жанрларига мансуб жами 55 асари қўйилган.

Бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган терроризм, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби «Аср вабоси» деб ном олган жирканч иллатларни, уларнинг чиркин кирдикорларини фош этишга, уларга қарши муросасизлик билан курашишга, огоҳлик ва сергакликка давъат этувчи, миллатимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат, ватанга садоқат, ота-она, ака-ука ва одамларга нисбатан мухаббат, фақат эзгулик сари чорловчи халқимизни, хусусан, ёшларни тўғри йўлга бошқарадиган маънавий-маърифий тарбияга ҳамда сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган саҳна асарларини яратиш театр жамоасининг ўз олдига қўйган долзарб вазифаларидан бири бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида М.Бобоевнинг «Қўнғироқлар жаранги», Х.Расулнинг «Фаришта», Х.Хурсандовнинг «Қайсар чолнинг қилиғи», «Пагон таққан одамлар», «Мухаббатим қисматим менинг», «Дард кўрмаган эрка болам», Р.Орифжоновнинг «Уйқусиз тунлар», М,Ҳазратқуловнинг «Интизор», Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси лойиҳаси асосида саҳналаштирилган «Ҳазон бўлган умрлар» шулар жумласидандир .

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида, маънавий-маърифий соҳаларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, маънавий меросимизни ўрганишга ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга, ўзликни англаш, қадрият ва анъаналарни тиклаш, тилга эътиборни кучайтириш, халқ оммаси онггига демократия руҳини сингдириш масаласида катта ишлар амалга оширилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Миллий Енкслопедияси Давлат илмий нашриёти 2000-2005 йил

2. С.Турсунов, Е. Қобилов ,Т.Пардайев, Б.Муртазойев “ Сурхондарё тарих кўзгусида” “ Шарқ” 2001, 186 бет
3. Қодиров М ., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972;
4. Давлат Республика Давлат Статистика қўмитаси. Маданият_2019_уз.пдф

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

ТерДУ 2-босқич магистранти
Бадалова Жамила

Биз мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун, аввало, унинг бешта муҳим устуни ва ҳалқасини белгилаб олдик. Шу ҳалқанинг энг муҳим бўғини, ҳеч шубҳасиз, ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, маънавият вакилларидир. Улар жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттиришга хизмат қилаётган ҳаётбахш ғояларни амалга оширишда барчага, айниқса, ёшларга ўрнак бўлишлари зарур.

Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина, одобли, юксак маънавиятли, шу билан бирга, билим- дон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш, тафаккур ва замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси халқаро маркази бунёд этилаётгани бунинг яққол мисолидир.

А.Эркаев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “мустақиллик шароитида янгиланаётган таълим ва тарбия тизими ҳар бир фуқарода, энг аввало, ўсиб келаётган авлодда дунёга, жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни ўзгартиришга қаратилган. Ҳар бир киши ўзига ўзи: ”Нима учун яшамоқдаман, нимага эришишим

даркор, менинг борлигимнинг маъноси нима?- деган саволни бериши ва ўзи учун жавоб топиши даркор”[1].

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бў- либ қолмоқда. Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишлари- мизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммил- лий дастурларимизни мантиқий жиҳатдан якунига етказишимиз зарур.

Болалар тарбиясида тезда ижобий натижаларга еришиш учун уларга билим бериш билан бирга, маьлум меҳнат жароёнларига жалб етиш, касб ва мутахасислик сир-саноатларни ҳам қўшиб ўргатиш мақсадга мувофиқ. Тарбия ишининг базан самарасиз бўлишига асосий сабаблардан бири тарбия жараёнида тартиб интизомнинг бўлмаслигидир.шахс қанчалик меҳр-муҳаббат ва тартиб интизом асосида тарбияланса ёмон хатти-харакатлардан узоқ бўлади. Тарбиянинг асосий мақсади бахт-саодатли, ўз замонининг азиз, ҳурматли, фидойи киши қилиб тарбиялашдан иборат.

Тарбия болани бахтли бўлишига ўргатади. Агар бола етиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, бадбахтликка юз тутади ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки шу куйга солганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади. Бу хусусида Аллоҳ таоло Таҳрим сурасида ”Ей мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилагизни дўзахдан сақлангиз”, деб огоҳлантиради. Одоб-у тарбия воситасида яхши хулқларни ўргатиш ёмонликлардан қайтариш, тўкин-сочинликка ўргатмаслик, зийнатга муҳаббат уйғотмаслик билан ота-она фарзандини охират оловидан сақлайди.

Фарзанд тарбияси қанчалик ерта бошланса, натижаси шунчалик самарали бўлади. Чунки ерта ёшда уларни яхшилик томон буриш осонлик билан кечади. Инсонларни бошқа ҳайвонлардан ажратиб турувчи хислатлардан бири одоб ва талим-тарбиядир. Ҳикматларда “Одоб буюк тождир уни кийиб қайерга борсанг боравер” дейилади. Дарҳақиқат, одоб тожини кийган киши ҳеч қайерда хор бўлмайди.

Қайерда бўлса инсонлар уни ҳурмат билан кутиб оладилар. яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки бизнинг халқимиз ахлоқ ва одоб, талим, тарбияда бутун оламга ўрнак ва намуна бўлиб кел-

ган. Одоб ахлоқ ва буюк маънавиятимизнинг асрлар давомида мусаффо ҳолда бизларгача йетиб келишида ота-боболаримизнинг, улуғ алломаларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Бундай гўзал хулқларни мусулмон миллатлардан бошқада топа олмайсиз. Зеро Ислом дини одоб-ахлоқ динидир.

Комил инсон деганда биз, аввало, онгли, мустақил фикрлайдиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли инсоннинг доимо жамият, юрт, халққа фойдаси тегади, бошқаларга ортиқча юк бўлмайди, ҳамма ютуқларга ўз меҳнати ва ақли билан эришади. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида ўз олдига қўйган юксак марраларга етиш жараёнида, яъни озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, мустаҳкам суянч ҳамда таянч бўладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, уларга шароитлар яратиш борасида залворли ислоҳотларни амалга оширмоқда. —Эртанги кунимиз, – деган эди Президент Ислом Каримов, – ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлар ва халқлардан кам бўлмаслик, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бошида ёшларимизга чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратилгани, уларнинг замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар қилиб тайёрланаётганлиги, юртимизнинг эртанги ривожи йўлида тузилган дастурлар, бу режаларни бажариш учун яратилган моддий асос ҳамда имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил бу – юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади.

Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги ҳозирги кунда, асосан, мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган истеъдодли ижодкор, ташаббускор ёшларга боғлиқ. Чунки бу ёшлар мамлакатимиз маънавияти, маданияти-

ни юксалтиришда ва ишлаб чиқариш соҳаларида ижод қиладиган, келажагимиз пойдеворини яратадиган èшлардир. Халқимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-сиèсий, иқтисодий янгиланиш дастурини бажаришда èшларнинг имкониятларига умид билан қарамоқда. Негаки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиèсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эркаев А. Духосность – энергия независимости. – Т.: «Маънавият», 1998. – С. 168.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри
Қурбонов Карорматилло Исматуллаевич

XX асрнинг 20 йилларида совет ҳокимияти қарор топиши билан Бойсун худудидаги ҳунармандчиликнинг асосий қисми дастлаб «Қизил Шарқ» ва «Қизил доска» кейинчалик Куйбишев, Стаханов, асбоб-ускуналар давлат томонида етказиб бериладиган, яратилган махсулотлар дўконлар ва матбуот- кооператцияси орқали сотиладиган бўлди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ҳунармандчилик ривожида янги давр бошланди, халқ ҳунармандчиларига бозор қоидалари замирида қайтадан тикланди. Маҳаллий саноат корхоналарнинг биринчилар қатори хусусийлаштириш натижасида майда давлат корхоналари ҳунармандларнинг хусусий корхоналирга айлантирилди ва якка тартибда иш олиб боришга рухсат этилди. 1995 йил 24-25 октябрда Тошкентда БМТ нинг Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси билан Амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари 1-Республика ярмаркасида Бойсунлик ҳунармандлар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ баддий ҳунармандчилиги ва Амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони ва бошқа тадбирлар ҳунармандчиликни тикланиши ва янада ривожланишида унинг унитилган баъзи турларини қайта тиклашга муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳунармандлар дастлаб Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар палатасига, сўнгра савдо-саноат палатасига кирдилар. Улар махсус ташкилот-«Ҳунарманд» Республика уюшмасига бирлаштирилди. Шу жумладан Бойсунда тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермер хўжаликларининг ҳар йили ўтказиладиган «Ташаббус» туман кўрик танловига иштирок этадилар. Бойсунда – чўянчилар бор. Улар биз чўянчи уруғидан бўлганмиз, аждодларимиз чўянчилик билан шуғулланган деб аташадилар. (Манбаларда ёзилишича, чўянчилар уруғи эмас балки ҳунармандчилик касб-кори ҳисобланади).

Чўян-ҳар хил уруғ буюмлар (қозон, меъморлик безаклари ва бошқа) кийиш учун мўрт материаллардир. Чўяндан кулранг, оқ ва оралиқ турларига бўлинади. Қуймалар олиш учун ишлатиладиган кулранг чўян қуймакорлик чўяни деб аталади. Дегрезлик-дегрез (форс, қозоқ, қуймоқ) қозон қуювчи, умуман чўяндан турли буюмлар қуювчи уста. Дегрезлик (чўянгарлик)-чўян эритиб ундан турли буюмлар қуйиш касби. Ўзбекистон шу жумладан Сурхон воҳасида Бойсунда қадимдан чўяндан уруш қуроллари, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалик ва рўзғор буюмлари (масалан, қозон) ясалган. Чўянгарлар қозон, қорачироқ, чироқпоя, милтиқ нили каби чўян буюмларини, хатто замбарак, тўп-машвар ҳам қуйганлар. Дегрезлар гула чўян ёки эски чўян буюмлари содда усулда (ёндўкон ва вагранкада) эритиб ва махсус қолипларга қуйиб турли буюмлар ясалган. XX асрда оғир саноатни ривожланиши туфайли дегрезлик касби барҳам топди. «Бобурномада» дегрезлик, чўян қуйиш жараёнини ёзиб қолдирган. XV-XVI асрларда ёзилган манбаларда «Дегрез» ёки «Чўянгар» сўзи кўп учрайди. Археолог олим Т.Аннаевнинг ёзишича, X-XIII асрлар давомида Бойсуннинг воҳа қисмларида ва тоғ ён бағриларида темирчи-ҳунармандлар устахоналарига

асос солиниб, юқорида такидлаганимиздек янги қишлоқлар вужудга келган. Бойсунлик 75 ёшар Равшан бобо Сувоновнинг айтишича Орифбой исмли бобокалонлари Гузар беклигидан кўчиб келиб Бойсунга яшаган ва чўянчилик билан шуғулланган. Бу ҳунарни фарзандлари ва шогирдларига ўргатган. Уста Сувон (лақаби сувон дегре) асосан толага Тиш, панжара, қозон, сув тегирмонига себак, бешкўз, турум, чўян печка ясаган. Ҳозирда уйида барча дастгохлар сақланган. Улар томонидан ясалган чўян печкалар Бойсундаги айрим хонадонларда сақланган.

Ҳунармандчилик-миллий анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий мехнат қуроллари ёрдамида якка тартибда ва қўл мехнатига асосланган саноат тури. Ҳунармандчилик Ўзбекистонда шу жумладан Бойсун туманининг халқ хўжалигида ҳозирда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқди. Бухоро амирлигининг энг кўхна шаҳарларидан бири бўлган қадим Бойсунда XVIII-XIX аср ва XX асрнинг 50 йилларигача ҳунармандчилик кенг ривож топди. Кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кунчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, дегрезлик, туникасозлик ва бошқа ҳунармандчилик кенг ривожланди.Ҳунармандчилик қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб ривожланган. Ўрта асрларда ҳам ҳозирги Бойсун районидаги айниқса қишлоқларда ҳунармандчилик ривожланган. Чўянли ва Мунчоқтепа (Хомкон ҳудуди), Хожа Кошкарон, Тўдадаги Оқтепа ва Аламлидаги Мунчоқтепалар темирчи-кончиларнинг йирик қишлоқлари ва устахоналари бўлиб хизмат қилган.Бу қишлоқларда бир неча юзлаб метрларга чўзилган темир ва чўян эритиш печлари ва руда уюмлари Бойсунтоғнинг ўрта асрлар даврида ҳунармандчиликни кенг ривожланишига ашёвий далидир. Пиллачилик ривожланганлиги эвазига тўқимачилик, каштадўзлик, чорвачилик ривожланганлиги туфайли кунчилик ва тўқимачилик (жун ва тери), Бойсунтоғнинг ўрмонга бурканиши эвазига ёғочсозлик, дурадгорлик, ривож топди.

Жамият тараққиёти босқичлари, мехнат тақсимоти билан

алоқадор ҳолда ҳунармандчиликнинг уч тури шаклланган:

1)Уй ҳунармандчилиги.

2) Буюртма билан махсулот тайёрлайдиган ҳунармандлар.

3) Бозор учун махсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик.

Уй ҳунармандчилиги аввалда ва ҳозирда энг кўп тарқалган тури бўлди. Бойсун туман ҳудудида милоддан аввал I аср ва милодий I асрларда Кушонлар даврида қарор топган Туманқўрғон қалъасини қазиш пайтларида ҳунармандчиликни дастлабки муҳим тармоғи ҳисобланган сопол буюмлар ишлаб чиқариш ва тўқимачилик, заргарлик, темирчилик буюмлари ишлаб чиқариш вужудга келганлиги археологик қазилмаларда топилди. «Бойсун ахли Кушон давлати хукумронлигидан бошлаб жез (бронза) ва темирдан турли-туман тақинчоқ ва қуролларни жуда махорат билан ясаганлар. Халқасимон билакузуклар ва сирғалар, қўнғироқчалар, жез кўзгулар, Бойсунтоғ тошларидан тайёрланган турли рангдаги мунчоқлар шулар жумласига киради. Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳозирги Бойсун тумани худудидан Шарқ ва Ғарб Араб халифалиги, Хиндистондан Европа мамлакатларига савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйилиши муҳим манба ҳисобланади. IX-X асрларда Бухоро, Самарқанд, Кеш ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчиликни ривожланиши катта аҳамият касб этади. XIII асрда мўғиллар босқини ҳунармандчиликка хусусан Бойсундаги темирчи-кончиларнинг йирик қишлоқлари ва устахоналарини вайрон этилиши ҳунармандчилик ривожига катта зарба берди.

Темурийлар давлатини вужудга келиши ҳунармандчилик ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Бухорода хусусан Бойсун худудида ҳунармандчиликни барча турлари XX асрнинг 20 йилларигача сақланди. Фақат Бойсун худудида ҳунармандчиликнинг 30 га яқин тури ривож топган. Бойсун Шаҳристонидаги ёпиқ Тимда (бозор) ҳунармандларнинг 53 та дўкони бўлган. Ўзида хилма-хил касбкорларни бирлаштирган терини қайта ишлаш соҳасида кунчилар, этикдўзлар, махсидўзлар, ковушчилар, эгар-жавдуқчилар, телпакчилар, пўстинчилар, камарчилар, тўқимачилик соҳасида бўзчилар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва наматчилар, тақачилар,

мисгарлар, чилангарлар, заргарлар каби касблар бўлган. Булар ҳунармандчиликнинг тармоқтузилишини белгилаган. Шарқдаги мусулмон ижтимоий табақасида уста, халифа ва шогирд каби ижтимоий тоифалар мавжуд бўлган. Ҳунармандчиликнинг ички тартиб ва қоидалари бўлган. Авлоддан-авлодга ўтувчи одатлари ва удумларига риоя этилган. Масалан, иш бошлашдан олдин уста ўз пирини ёдга олиб ундан мадад сураш, шогирдига фотиха бериш каби одатларга амал қилинган. Ўзбекистон Россия мустамлакасига айлангач, ҳунармандчилик метраполияси саноатининг рақобатига дуч келиб, ўзининг илгариги мавқеини йўқотган бўлишига қарамай, унинг кўп тармоқлари сақланиб қолди.Чунки, у миллий эҳтиёжни қолдирадиган товарларни чунончи, кийим-кечак, идиш-товоқ, турли уй-рўзғор буюмлари, майда мехнат қуролларини яратиб, уларни маҳаллий бозорларга етказиб берди. Ҳунармандчиликни яшовчанлигини таъминлашда чет элдан келтирилган хом ашё, материаллар, кичик ускуналар муҳим рол ўйнайди. Масалан: АҚШ дан келтирилган тери буёғидан фойдаланиб кўпчилар амиркон номланган юпқа чарм ишлаб чиқара бошлади. Шу муносабат билан амиркон этик, махси ковушлар пайдо бўлди. Германиядан «Зингер» фирмасининг тикув машиналари келтирилиши билан тикувчилик (чеварлик) кенг ёйилди.

ТАБОБАТ СОҲАСИНИ ЭТНОГРАФИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ ВА УДУМЛАРГА ХОС ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри
Каримов Юсуф Шерали ўғли

Табобат соҳасини этнографик жиҳатдан ўрганилиши ва удумларга хос этномаданий жараёнларни таҳлил этишда бир қаторда сутли таомлар ҳам муҳим ўрин тутган. Чунки, табобат илмида сутли маҳсулотлар тез бузиладиган ва узоқ сақланадиган турларга бўлинган. Тез бузиладиган сутли маҳсулотларга хом ва пишган қаймоқ, қатиқ, сузма қатиқ, *айрон* кирса, иккинчи

турга эса сариёғ ва қурутлар кирган.

Воҳа аҳолиси ҳаётида мўҳим ўрин тутуган табобат илмида кундалик турмушида энг кўп ишлатиладиган сигир сути ҳисобланганлиги учун соғин сигир жуда қадрланган, чунки кўпчилик оилаларда қора қозонни қайнатиш, яъни оила аъзоларининг кун кечириб туриши ҳам сигирга боғлиқ бўлган. Уни соғаётганда авайлаб, қўшиқ айтиб соғишган. Жанубий Ўзбекистон қишлоқларида «хўш-хўш», «турей-турей», «чурей-чурей» каби соғим қўшиқлари сақланиб қолган,-дейди элшунос олим О.Бўриев[1].

Табобат илмида сигир бузоқлагандан сўнг, уч кунгача сариғи аримаган қуюқ сут соғиб олиниб, бундай сут воҳа ўзбек ва туркманларида увуз, овуз, оғиз ва ўғиз, воҳа тожикларида фала деб аталган[2]. Оғиз сути соғиб олингандан сўнг, ундан биринчи таом увуз, қатрон, қотирма тайёрланган. Дастлаб оғиз сути соғиб олиниб, унга бир пиёла оддий сут қўшилиб, қозонга солинган ва паст оловда пиширилган. Қатроннинг бир томони қизаргандан сўнг, иккинчи томонини ағдариб пиширилган олишган. Бу тезпишар таом оилавий жам бўлиб, сигирнинг сутига барака тилаб ейилган. Ундан қўни-қўшниларга ҳам улашилган. Табобат илмида қўшнилар эса «сигирингиз сути баракали бўлсин, оқлигингиз мўл бўлсин ва узилмасин», -деб идиш ичига туз ва ун солиб қайтаришган[3]. Бундай урф-одат қозоқларда ҳам бўлиб, оғиз сутидан учинчи кун уыз деб атлган таом тайёрланган. Уыз билан қўни-қўшнилар ва яқин қариндошларни меҳмон қилган. Албатта, биринчи навбатда оила аъзолари тотиб кўришган. Меҳмонлар таомга қўл уришдан олдин уй эгаларига яхши тилаклар билдиришган[4].

Табобат илмида қўй ва эчки оғиз сутидан ҳам таом тайёрланган. Тоғда ўтор юрган чўпонлар эчки ёки қўй қўзилагандан кейин қағаноғи (йўлдоши)ни ичига оғиз сутини

[1] Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. Қарши.: Насаф,2005.-Б.76.

[2] Батафсил қаранг: Андреев М.С. Таджики долины Хуф (Верховья Аму-Дарья) Вып.1. Сталинабад, 1958.,-С.49.; Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири-XX аср боши).Номзодлик диссертацияси қўлёзмаси.Т.,1994.-Б.73-79.

[3] Дала ёзувлари, Шеробод тумани Чилонзор қишлоғи. 2022й.

[4] Аргынбаев.Х. Кўрсатилган асар. -С.194-205.

соғиб, чўққа кўмиб пиширилган. Бу таом қағаноққа солиб пиширилганлиги учун қағаноқ деб аталган. табобат илмида кенгроқ ўрганилган қағаноқ- қўшни республикаларда[1] ва шунингдек, республикамизнинг бошқа вилоятлари чорвадорлари томонидан ҳам тайёрлаб истеъмол қилишган, бироқ Сурхондарё вилоятида кўпроқ тайёрланиши ҳақида Н.М.Икромова, унинг қарлуқларга хос таом эканлиги ҳақида К.Шониёзовлар ҳам қайд этади[2]. Бу таом «Алпомиш» достонида ҳам қайд этилган.

Табобат илмида оғиз(увуз) ва қағаноқ(қақаноқ) таомлари бир хил масалликдан турли шароитда турли хил воситалар билан пиширилган. Оғиз уй шароитида сигир, қўй, эчки сингари уй ҳайвонлари илк туққан кунидаги оғиз сутидан пиширилган ва бугунги кунда ҳам пиширилади. Қағаноқ эса дала-дашт шароитида фақат қўй-эчкининг сути қағаноқ пардасига соғилиб, оғзи мустаҳкамланиб чўққа ташлаб пиширилган. Бугунги кунда таомни пиширишнинг бу йўли қўлланилмайди[3]. Оғиз сути оддий сутга айлангунча, ундан тайёрланган иккинчи таом воҳа ўзбекларида гилагай, келагай, воҳа тожикларида ва Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида далама деб аталган[4]. Уни пишириш учун тенг миқдорда оғиз сути билан оддий сут тенг миқдорда солинган ҳамда оловни бир меъёрда пастроқ қилиб пиширган ва тинмай шопириб турилган, акс ҳолда ириб ёки куйиб кетиши мумкин бўлган. Таом пишгандан кейин оқ-сариқ рангдаги, қошиқ билан кўтарса сал чўзиладиган мазали гилагай тайёр бўлган.

Табобат илми соҳасида олиб бориилган илмий тадқиқотларда Шеробод туманининг Хомкон, Хўжаулкан ва Кампиртепа қишлоқларида, Бойсун туманининг Чилонзор, Шўроб ва Панжоб қишлоқларида сигир, қўй ва эчки сутлари пиширилгандан сўнг кадиларга солиб уютилган. Уютиб қатиқ қилиш учун кадидаги сут қўл куймайдиган ҳолатга келгандан кейин қўрлиқ (Бой-

[1] Бердыев М.С. Традиционная система питания туркмен. Автореф. дисс.канд.ист.наук. М., 1990.-С.15.

[2] Икромова Н.М. Узбекская кулинарная лексика. Т.,1989.-С.48.; ШаниязовК.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков...-С.116.;

[3] Эгамшукурова Р. Кўрсатилган асар. -Б.234.

[4] Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков...-С.109.

сун ва Шеробод тумани қишлоқларида қўрлақ деб аталса, Денов, Термиз туманларида уютқи деб аталади) солинган ва ўраб қўйилган. Кадига уютилган қатиқ хуштаъм бўлиб инсон танасини яйратган. Сут-қатиқ ҳар нарсага солинавермаган, яъни идиши алоҳида бўлган. Хоразм ўзбеклари эса махсус «қулоқли кўза»да сут сақлаган[1].

Табобат илми йўналишида олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли воҳада пишган сутдан қаймоқ олиш кенг тарқалган. Пиширилган сут совигандан кейин қалин қаймоқ боғлаган. Қозондаги қаймоқ четлари капгир билан ажратилиб, тол қошиқ дастаси билан илдириб олинган. Сўнгра қаймоқни тўртбурчак шаклда тахлаб қуритиб олган. Бу чўпқаймоқ деб аталган[2]. Шунингдек, хом сутдан ҳам қаймоқ олишган. Бунинг учун янги соғилган сутни қозонда ёки карсон товоқларда тиндириб қўйилган. Бир кеча давомида сутнинг устини қалин қаймоқ боғлаган. Қаймоқни ёғоч(тол) қошиқ (тол қошиқ шакли тол чўмич кўринишида бўлган) билан авайлаб олиб, эрталабки нонуштада тановул қилишган ёки тўпланган қаймоқ куйдириб олинган. Куйдириб сариёғ олиш воҳанинг чўл ҳудудларида одат тусига кирган бўлса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларда қатиқни кувида пишиб сариёғ олишган. Мой олишнинг бу икки хил усули, яъни куви пишиш ёрдамида ва қаймоқни куйдириш йўли билан сариёғ қилиш бутун Евросиё чорвадорларига таниш бўлган[3].

Табобат илми йўналишида олиб борилган имлий тадқиқотлар туфайли воҳа аҳолиси қаймоқдан мазали таом *“тўнтарма”* ҳам тайёрлаган. Йиғилган бир коса қаймоқ қозонга солиб куйдирилган, унга озроқ ун қўшиб яхшилаб қовурилган ва шакар солиб пиширилган. Воҳанинг Ангор тумани Қорасув қишлоғида тўнтармага фақат куйдирилган қаймоқнинг чўкмаси- дурдаси(тўртаси) солиб пиширилган[4]. Таом қизариб пишгач, дарров лаганга тўнтариб олинган. Шунинг учун бу таом тўнтарма деб аталган. Куйдирилган сариёғдан эса янчмич

---

[1] Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма…-С.309.

[2] Дала ёзувлари, Бойсун тумани Тўда қишлоғи. 2022 й

[3] Центральная Азия.//Этнография питания народов стран зарубежной Азии...-С.125.

[4] Дала ёзувлари, Ангор тумани Қорасув қишлоғи. 2021й

(жанчмич, жажмиш) тайёрлашган[1]. Сариёғга иссиқ нонни эзғилаб аралаштирган ва тол товоққа солиниб ўртага қўйилган.

ТАБОБАТ ИЛМИДА ТУРЛИ –ТУМАН ОЗИҚАЛАРДАН ТАБОБАТ ОВҚАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри
Каримов Юсуф Шерали ўғли

Табобат илми соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида воҳанинг Шеробод ва Бойсун тумани чорвадорларида қатиқ мўл бўлган. Маҳаллий тилда янги уютилгани чуччи (чучук) қатиқ дейилган. Сузма қатиқ қилиш учун махсус халтага (сузма халта, айрон халта, иркит, касма) сузиб қўйилгани воҳада чакки қатиқ деб юритилган[2]. Сузма қатиқ ичига туз билан бирга алқор, тоғ пудинаси, кийик ўти каби турли хил тоғ гиёҳлари солинган. Маҳаллий аҳоли сузма қатиқдан кувида пишиб сариёғ олишни яхши билган. Одатда куви пишиш чорвадор оилаларда саҳарда қуёш чиқмасдан бажарилган. Сўнгра муздек сув солиниб, куви ирғаланган ва ёғ кувининг бетига ажралиб чиққан. Ажралиб чиққан ёғ тол товоққа солиниб, қўл билан яна ишлов берилиб қолган суви ҳам ажратилган. Табобат илми соҳасида сариёғ тузланиб олдиндан тайёрлаб қўйилган қўй ёки эчки қоринига солинганлиги учун қоринмой деб аталган. Шунингдек, Шеробод тумани қишлоқларида қоринёғ, Бойсун тумани қишлоқларида сариёғ, Денов, Сариосиё тумани қишлоқларида шўрёғ деб аталган[3]. Қашқадарё вилоятининг Сурхондарёга туташган Деҳқонобод тумани қишлоқларида ҳам қоринёғ деб аталган[4]. Воҳанинг Сайроб қишлоғи тожиклари куви ёғини равғани зард деб атаганлар. Агар ёғ бузилиб бошласа куйдириб олинган ва бу равғани сухтани деб аталган[5]. Жанубий Тожикистоннинг ўз-

[1] Эгамшукурова Р. Кўрсатилган асар. -Б.231.

[2] ШаниязовК.Ш., Исмаилов Х.И. Кўрсатилган асар. -С.116.

[3] Дала ёзувлари, Шеробод, Бойсун, Денов ва Сариосиё туманлари. 2021й.

[4] Қаранг: Обиддинов А. «Қоринёғ» ёки ўғриси йўқ юрт. Т.:Маърифат газетаси. 2006. 7-июн.

[5] Кисляков Н.А. Сайробские таджики...-С.21.

бек-лоқайлари эса сарижов деб атаганлар ва улар ҳам куйдириб қишловга олиб қўйишган[1]. Сариёғ куйдириш билан боғлиқ ирим-сиримлар бўлган. Одатда сариёғни кекса аёллар куйдиришган. Агар уй бекаси ёш бўлса, ҳурматли кекса аёл таклиф қилинган. Ўша пайт ёмон кўздан сақланиш учун уйга ҳеч ким киритилмаган, ҳатто уй эгаси бўлган эркак ҳам. Болжувода эса ёғни кечаси куйдириб олганлар[2].

Табобат илми соҳасидаолиб бориилган дала тадқиқотлари натижасида Куви мойини сақлашнинг ҳам тартиби бўлиб, сариёғ қорингa жойлангандан кейин унинг оғзини яхшилаб тикиб, ташқи томонига тузли айрон сузмаси чапланган ва сўнгра ийланган (ошланган) териларга ўраб ташланган. Тагига табиий арча шохларидан тўшалган. Ёз кечалари қорин мойлар ёйиб салқинлатилган. Шунингдек, қорин мойни салқин камарларга (ер ости ғорларига) ҳам қўйиб сақлаганлар. Масалан, Шеробод туманининг Хомкон қишлоғи аҳолиси ўзлари олган қоринёғларни (ҳар бир оила имкониятига қараб 2 қориндан 16 қорингача мой олишган) Деҳқонобод туманининг Киршак қишлоғи ҳудудидаги камарга қўйган. Ҳар бир камарда 100-200 тагача қорин мойлари бўлган. Салқин камарларда қорин мойлари жуда яхши сақланиб турган[3]. Чунки камарлар тоғлик жойларда бўлиб, ундан доим муздек сув томчилаб турган. Қорин мойини июн ойларида камарга қўйишган бўлса, 6 ойдан кейин, яъни ноябр ойларида уйларига олиб келишган. Камарлар қишлоқлардан 10-15 км узоқликда ва қўриқчисиз бўлишга қарамай қорин мойларига ҳеч ким тегмаган, бировнинг мойига биров хиёнат ҳам қилмаган. Олти ой давомида қоринда тузини еб ётган сариёғнинг ўзига хос ёқимли ҳиди, шифобахшлилиги ва ўта тўйимлилиги уни бошқа мойлардан алоҳида ажратиб турган. Сариёғ бу усулда нафақат сақланган, балки унинг озуқалилик сифати ҳам ортган.

Табобат илми соҳасида қайд этилган тадқиқотлар туфайли воҳанинг чорвадор аҳолиси орасида куби пишиб сариёғ олиш билан боғлиқ ирим-сиримлар ҳам бўлган. Масалан, Денов

[1] Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы южного Таджикистана...-С.142.; Пещерева Е.М. Молочное хозяйство горных таджиков и некоторые связанные с ним обычаи.Т.:1927.-С.19.

[2] Пещерева Е.М. Кўрсатилган асар. -С.19.

[3] Дала ёзувлари, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Киршак қишлоғи. 2022 й.

тумани қишлоқларида куви пишилиб, мой олиш пайтида куви белига отнинг юганини боғлашган, кейин кувидан мой олишни бошлашган. Бунинг замирида олинадиган мой «отнинг калласидай бўлсин» деган ният ётган бўлса, Шеробод тумани Калламозор қишлоғида, биринчи марта куви пишаётган аёл ёғни олаётганда «мойим калладай бўлиб тушсин» деб, елкасига ёш болани ўтқазиб олган[1]. Тоғли тожиклар эса ёғ олишни бошлашдан олдин уйни тозалаб, куви атрофига яшил ўт, гуллар каби хушбўй нарсаларни териб чиқиб, исириқ тутатишган. Сўнг Биби Фотима ва Биби Зуҳрадан барака сўраб, дуо ўқишган[2]. Қашқадарёда ҳам шунга ўхшаш удумлар бажарилган. Қатиқни кувида пишиб, ёғ олиш вақтида хонага бегоналар киритилмаган. Айрондан ёғ ажратилаётганда ҳам аёллар уни ҳеч кимга кўрсатмасликка ҳаракат қилишган. Сигирга кўз тегади, бузоғи касалга чалинади деб, йиғилган ёғ миқдори бошқа аёллардан сир тутилган. Ёғ кечаси, ҳеч ким йўқлигида куйдирилган, ҳаттоки олдига эркаклар ҳам йўлатилмаган[3].

Табобат илми соҳасида амалга оширлган «Оқлик» таомларга эътибор бошқа ҳудудларда ҳам юқори бўлганлигини кўрамиз. Хоразм вилоятида никоҳ тўйи куни куёв келинни олиб кетгани келганда отдан тушмай кутиб турган. Уйдан қатиқ билан сариёғ олиб чиқиб, «Оқликка чиқиб оқаргай, ёғдай давлатинг улашқай»,-деб кутиб олишган ва уйга киргач уни сут билан сийлашган[4]. Бу билан улар энг ҳурматли меҳмонини шу оқлик таомлардек азиз эканлигини билдирмоқчи бўлишган. Юқори Зарафшон тожикларида келин-куёв чимилдиққа киргандан кейин уларга шири равғон, яъни сариёғли сут олиб келишган. Келин таомни бармоғи билан ялаб кўргандан кейин куёв уни охиригача ичиб қўйган[5]. Фарғона водийси ўзбекларида эса келинни эшик олдида шакар солинган сут ёки қатиқ билан кутиб

[1] Дала ёзувлари, Денов тумани Ҳужум қишлоғи, Шеробод тумани Калламозор қишлоғи. 2022 й.

[2] Пещерева Е.М. Кўрсатилган асар. -С.16-19.

[3] Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. Қарши.:Насаф,2005.-Б.77.

[4] Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма …-С.86.

[5] Троицкая А.Л. Некоторые старинные обычаи поверья таджиков долины верхнего Зеравшана. // Занятия и быт народов Средней Азии. Л., Наука,1971.-С.232.

олишган[1]. Сутни келинчакка яхши ниятлар билан ичиришган. Бундан кўриниб турибдики, халқ орасида оқлик таомлар азиз саналиб, йўли сутдай ойдин, зурриёдли бўлиб ўзидан кўпайсин деган магик ниятлар мужассамлашган. Обрўли меҳмонларни сут билан сийлаш, келинни сут билан кутиб олиш, янги йилда бир пиёладан сут ичиш каби удумлар мўғулларда ҳам бўлиб, чорвадор халқлар ҳаётида сутнинг муҳим ўрин тутганини билиб олиш мумкин[2].

Табобат илми соҳасида ўтказилган дала амалий тадқиқотлрада қайд этилган сурхон воҳаси чорвадор аҳолиси орасида айрондан қурут тайёрлаш кенг тарқалган. Кувида ёғи ажратиб олинган айрон катта қозонга солиб қайнатилган. Қозон ичига кийик ўти, алқор ва ялпиз ҳам майдалаб солишган. Етарли миқдорда туз солиб, айрон қуюқлашгунча қайнатилган ва катта шол ёки каноп қопларга солиб илинган. Орадан вақт ўтиб сузма қотиш ҳолатига келгандан кейин қўл билан синдириб-синдириб тўқилган чий ёки бўйралар тўшалган сўрилар устига ёйиб қўйилган. Урвоқлари ҳам қўл билан бирлаштирилиб қурут қилинган. Қўл билан синдирилиб, тайёрланган қурутлар касмалдак қурут, тош қурут деб аталган[3]. Шимолий Туркманистонда гурут деб аталган[4]. Умуман қурут жуда кўп халқларда истеъмол қилинган. Олд Осиёдаги чорвадор араб-бадавийлари қурутни шу усулда тайёрлаганлар ва ундан сут маҳсулотлари тугаган пайтда таом ҳам пиширганлар[5]. Шарқ халқларидан муғулларнинг сут маҳсулотларидан турли хил таомлар тайёрлаш усули ҳам халқимиз таомларига жуда ўхшашлиги тадқиқот натижасида маълум бўлди. Масалан, бислаг (пишлоқ), хурут (қурут), айраг (айрон), урмэ (ўрама қаймоқ) каби таомлар Сурхон воҳаси аҳолисининг таомларидан фарқ қилмаган[6].

Воҳада тош қурутдан иштаҳа очар хушхўр таом қуртава

---

[1] Аширов А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар.// Ўзбекистон тарихи. 2003. №2. –Б.41.

[2] Центральная Азия.//Этнография питания народов стран зарубежной Азии...-С.126-127.

[3] Дала ёзувлари, Шеробод тумани Пашхурт қишлоғи. 2022 й.

[4] Васильева.Г.П. Кўрсатилган асар. –Б.241.; Пещерева Е.М. Кўрсатилган асар. -С.7.

[5] Передняя Азия.//Этнография питания народов стран зарубежной Азии...-С.34-35.

[6] Народы Восточной Азии–Из серии Народы мира. Этнографические очерки.М.-Л.,1965.-С.658.

(қуртоба) тайёрланган. Бу таом асосан қишда тайёрланган[1]. Бу таомни тайёрлаш учун қурут тол товоқда иссиқ сувга соат ивитиб қўйилган. Сўнгра у қошиқ ёки қўл билан эзилган ва устига иссиқ сув қуйилиб, атала ҳолига келтирилгандан кейин қозонга солиб қайнатилган. Қайнаб чиққан таом оловдан олиниб, устига куйдирилган сариёғ қуйилган ва дастурхонга тортилган. Қуртобага туз солинмаган чунки қурутнинг тузи етарли бўлган. Марказий Осиё халқлари ҳам шу усулда қурутдан таом тайёрлашган[2]. Қурутнинг эзилмай қолган майда-майда (чигитдай, ловиядай, нўхатдай) бўлаклари чўплик деб аталган. Уни болалар дўппи (қалпоқ)ларига солиб сўриб юрганлар. Қуртоба таоми воҳада “куёв чақирди” маросимида қудаларга сарпо кийдирилгандан сўнг, косаларга сузиб меҳмонлар олдига қўйилган. Воҳанинг Сариосиё ва Денов туманларида иссиқ сувда сузма қатиқ суюлтирилиб, сариёққа пиёздоғ қилинган ва суюлтирилган қатиқ устига қуйилган. Бу таом шўртоба деб аталган[3].

Сузма қатиқдан Кўҳитанг тоғ орти қишлоқларида молтака, (молташа) таоми ҳам тайёрланган[3]. Қатиқ билан қорин мойи қўшилиб қайнатилган, таом тайёр бўлаёзганда туюлган новвот қўшилиб қайнатилган. Молташа совиб қотишма ҳолига келгандан кейин уни нонга ўхшатиб синдириб истеъмол қилишган[4]. Воҳанинг барча туманларида тайёрланиб, суткади, ширкади ва ширқовоқ деб, турли номларда аталган таом сут билан ошкадининг қайнатилишидан ҳосил бўлган[5]. Воҳа чорвадорлари севиб истеъмол қилган таомлардан бири қўюртмоқдир. Сутни пишириб устидан нонни тўғраган, сўнгра чучук (чуччи) қатиқ аралаштирилган. Қўюртмоқ ҳозирги кунда воҳанинг тоғ олди чорвадор аҳолиси томонидан тайёрлаб келинади.

Табобат илми соҳасида кенгроқ ўрганишни талаб қиладиган қадимдан туячилик билан Хоразм ва Жанубий Ўзбекистон

[1] Кармышева Б.Х. Традиционные формы бытового уклада в конце Х1Х-начале ХХв.// Этнографические очерки узбекского сельского населения. М., Наука.1969.-С.120.

[2] Центральная Азия.//Этнография питания народов стран зарубежной Азии...-С.125-126.

[3] Дала ёзувлари, Денов тумани Ҳазарбоғ қишлоғи. 2022 й.

[4] Дала ёзувлари, Бойсун тумани Шўроб қишлоғи. 2022 й.

[5] Дала ёзувлари, Шеробод тумани Оқтош ва Ғоз қишлоқлари. 2021 й.

ўзбеклари шуғулланган[1]. Туядан нафақат хўжалик ишларида, балки унинг сутидан ҳам фойдаланишган. Масалан, туя сутидан ёғ олишган ва ёзнинг иссиқ кунлари чанқоқни босадиган ичимлик- айрон тайёрланган. Воҳада туя сутидан ташқари қўй сутидан ҳам айрон тайёрланган. Сурхон воҳасининг Боботоғ яйловларида қўй боқиб юрган чўпонлар, қўй сутини соғиб, пиширмасдан тулупга (эчки терисидан тайёрланган махсус идиш) ёки қорингa солиб, оғзини маҳкам боғлаган ҳолда эшак устига ортиб қўйганлар. Эшак кун бўйи қўй суруви орқасидан юрганлиги сабабли тулуп ёки қориндаги сут чайқалиб ва куннинг иссиғида ачиб, ёғи ажралиб қолган ва хуштъам айрон ҳосил бўлган. Бу оқта айрон деб аталган[2]. Бухоро воҳаси чорвадорлари буни «қорин қатиқ», тожиклари эса «чалоб» деб аташган[3].

СУРХОН ВОҲАСИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШДА ГЕОГРАФИК ҲОЛАТИНИ АҲАМИЯТИ

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс
Тарих бўлмим магистри Норқулов Мансур Норсаитович

Жаҳон экологиясининг таббиий ҳолатни сақлаш ҳозирги кунда муҳим долзарб масала ҳисобланмоқда. Сурхондарёда экологик муҳитни сақлашда дарёларни, кўлларни ҳамияти алоҳида илмий манбаларда ўрганилмоқда. Жумлдан, Сурхон табиий географик райони Амударё водийсини, Сурхондарё водийсининг қуйи қисмини (Янги қишлоқдан қуйида жойлашган) ва Шеробод дарё ёйилмасининг 300-450 м мутлақ баландликдаги қисмини ўз ичига олади. Район округда термик ресурсларга бойлиги (вегетация давридаги ҳарорат йиғиндиси 5750 – 5950га тенг), йиллик ёғин миқдорининг камлиги (130-150 мм), кузининг қуруқлиги, ёзининг қуруқ ва жазирама иссиқлиги (июлда ҳавонинг ўртача ҳарорати +31,5, +32), қи-

[1] Шаниязов К. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане...-С.192.

[2] Дала ёзувлари, Сариосиё тумани Боботоғ қишлоғи. 2021 й.

[3] Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари...-Б.79.

шининг юмшоқ ва илиқлиги (январнинг ўртача ҳарорати +3, +3,5), «афғон» шамолининг кўп ва кучли эсиши, вегетацияли қишнинг кўплиги (90-100 %), тақирли ва қумли тупроқларнинг кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Районда геологик, геоморфологик, тупроқ-грунт шароитининг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, 5 та ландашфт хили ажратилган [1].

Қуйи Сурхон ҳудудининг умумий майдони 3520.15 кв.км.ни ташкил этади. Маъмурий географик жихатдан Термиз тумани, Ангор тумани, Музработ тумани, Шерабод туманининг қуйи қисми ва Жарқўрғон туманларини қамраб олади. Ҳудуднинг майдони Қ.З. Зокиров [2, 3] таклиф этган таснифи бўйича белгиланганда асосан, чўл минтақасига (денгиз сатҳидан 400-450 м.) тўғри келади. Шунинг учун "Қуйи Сурхон ҳудуди" нинг географик майдонини чегаралашимизда Сурхондарё табиий атласидан фойдаланилди. Бундан ташқари "Қуйи Сурхон ҳудуди" нинг географик майдонини чегаралашимизда "Google Earth ProWin" интернет дастуридан фойдаланилди. Ҳудуднинг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган.

Сурхон–Шеробод водийсининг чўл зонаси тупроқлари денгиз сатҳидан 300–450 м баландликда жойлашиб, ушбу ҳудудда бир қанча тупроқ типлари тарқалган.

Бўз–тақир тупроқлар. Боботоғ тизмасининг охири ўртасидаги текисликлари ва Қизирик чўлларда тарқалган, 40 минг гектарга яқин майдонни эгаллайди. Бўз–тақир тупроқлар асосан кам шўрланган, шўрланиш даражаси 0,4–0,9 %, хлорли шўрланиш 0,01–0,02 %. Тупроқ ҳайдалма қатламида гумус миқдори 1–1,2%, умумий азот 0,096 %, фосфор 0,167 %, калий 1,87 %, ҳаракатчан фосфор 97 мг/кг, калий 375 мг/кг.

Оч бўз тупроқлар. Боботоғ тизмаси ва Шеробод, Хоудаг баланд–пастликлари оралиғида кенг тарқалган, 75 минг гектар майдонни эгаллайди. Оч–сур тупроқларда чимли қатлам ривожланмаган бўлсада шағалли, йирик қумли қатлам ва унда ксерофит ва эфемер ўсимликларнинг ўсиши туфайли тупроқ жуда кам эрозияланган. Бу тупроқларнинг озиқ моддаларга камбағаллигини эътиборга олиб, мева экинлари ва токзорлар барпо қилишнинг аҳамияти катта.

Тақир тупроқлар ва тақирлар. Бу тупроқлар типи Шеробод

ва Музробод пролювий–аллювий текисликларида, Болдир массиви пастқам ерларида кенг тарқалган, 106 минг гектар майдонни эгаллайди, шундан 43 минг гектари суғориладиган ерлардир. Бу ерларда асосан шувоқ, кермек, эфемерлар, шўра каби ўсимликлар ўсади. Бу тупроқларда ёмғир, селлар оқибатида ер усти қуриши билан ёрилиб, яхлит қатламлар вужудга келади. Гумус ва озиқ моддалар миқдори жуда катта аҳамиятга эга.Тупроқ юқори қатламида гумус 0,6–0,8 %, умумий фосфор–0,12–0,15 %, ҳаракатчан фосфор 15–31 мг/кг. Лекин калийга бой–1,8–2,5 %, ҳаракатчан калий–200–350 мг/кг.Тақир тупроқлар кам шўрланган, шўрланиши сульфатли.

Янги суғориладиган тақир тупроқлар. Бу тупроқлар типи Таллимарон ва Бешқўтон массивларида, Сурхондарёнинг қуйи қисми чеккаларида тарқалган. Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқнинг маданийлашиб бориши билан тақир тупроқларнинг хоссалари ўзгариб, қатқалоқ ҳосил бўлиш жарайони сусайиб келган, ҳайдалма қатлам ости бирмунча зичлашган. Тупроқда гумус ва азот миқдори юқори эмас, (гумус–0,77 %, азот–0,6–0,7 %) фосфорга нисбатан бой (ҳайдалма қатламда 0,16 %), ҳаракатчан фосфор 42 мг/кг, умумий калий 2,20 %, ҳаракатчан калий–480 мг/кг атрофида. Тупроқ профили кучсиз, бир хил ва шўрланган, тупроқ таркиби сингдирилган асосини икки валентли калий ва магний катионлари эгаллайди.

Эски суғориладиган тақир тупроқлар. Шеробод текисликларида кенг тарқалган, суғориш манбаи суви юқори минераллашган (2 г/л) Шероботдарё ҳисобланади. Бу ерларда қадимдан суғориладиган деҳқончилик ривожланган. Тупроқнинг юқори қатламида гумус миқдори 0,8–1,4 %, азотга камбағал (0,05 %), фосфорнинг умумий миқдори 0,12–0,13 %, ҳаракатчан фосфор 37 мг/кг, ҳаракатчан калий 404 мг/кг. Эски суғориладиган тақир тупроқлар кам шўрланган, юқори қатламда сувда эрувчи тузлар–карбонат 0,6 %, хлор–0,9 %, сульфат–1,5 %, калий–0,7%, натрий 2 %, магний–0,3 % атрофида.

Қум тупроқлар, қумлар. Хоудаг қумларининг тарқалиши натижасида ҳосил бўлган Каттақум массивида ҳамда Боботоғ тизмасининг Амударёга туташган массивида тарқалиб 130 минг гектар майдонни эгаллайди. Каттақум массиви сармат денгизининг кўчиши натижасида ҳосил бўлган.

Тупроқ ранги оч сарғиш. Тупроқ юқори қатламида гумус миқдори 0,3–0,45 %, азот ва фосфор миқдори кам, азот–0,2 %, фосфор–0,72 %, ҳаракатчан фосфор–12 мг/кг, умумий калий–1,2 %, ҳаракатчан калий–210 мг/кг. Сурхон–Шеробод чўл қум тупроқларининг 60 минг гектарга яқин майдонида мевачилик ва узумчилик ривожланган, субтропик экинлардан анор, цитрус экинлардан лимон экилади.

Тақир–ўтлоқи тупроқлар, Сурхон–Шеробод водийсининг жанубида, Бешқўтон массиви, Шеробод текислиги чеккаларида, Қизирик чўлларида тарқалиб, анчагина майдонни эгаллайди. Бу ерларда сизот сувлари 3–5 м, суғориш мавсумида 2–3 м гача кўтарилади.

Тақир–ўтлоқи тупроқлар суғориш натижасида, сизот сувларининг юқори қатламгача кўтарилиши оқибатида ривожланган. Ўсимлик қопламининг камлиги ва органик моддаларнинг минераллашуви туфайли гумус миқдори кам, озиқ элементларга камбағал. Тупроқнинг юқори қатламида гумус миқдори 0,5–1 %, азот–0,05–0,1 %, умумий фосфор–0,1–0,18 %, ҳаракатчан фосфор–45 мг/кг, умумий калий–1,7–2,3 %, ҳаракатчан калий–360–480 мг/кг. Тупроқ сульфатли ва қисман хлорид сульфатли шўрланган, шўрланиш даражаси–0,46 % атрофида.

Ўтлоқи тупроқларда гумуснинг тўпланиши учун қулай муҳит пайдо бўлади. Лекин тупроқда гумус миқдори юқори эмас. Бунинг асосий сабаби тупроқнинг ҳосил бўлиш жиҳатдан ёш тупроқ эканлигидир. Гумус миқдори 0,9–1,2 %, азот–0,1 %, ҳаракатчан фосфор 17–18 мг/кг, ҳаракатчан калий–468 мг/кг. Тупроқ юзасида соз тупроқ ривожланган, деҳқончилик учун қулай шароит яратади. Тупроқ рельефида қияликлар туфайли сув оқимининг қулайлигидан тупроқнинг шўрланиш даражаси паст.

Шўрҳок тупроқлар – таркибида сувда осон эрийдиган тузлар (хлорид, сульфат, карбонат) кўп тупроқлардир. Сизот сувларининг кўтарилиб буғланиши натижасида тупроқнинг устки қатламида туз тўпланади. Шўрҳок тупроқларнинг устида туз қатлам, (майин, қатқалоқлашган), сўнг туз қолдиқлари бўлган бироз чириндили қатлам, чуқурроқда шўрланган жинс

ёки сернам қатлам бўлади. Шўрҳок тупроқларнинг ўзига хос хусусияти таркибида сувда эрийдиган 3 % дан 10–15 % гача бўладиган тузларнинг кўплигидир. Тупроқда хлорид ва сульфат тузлари 0,3–0,5 % дан ошса ўсимлик ўсмайди. Морфологик кўриниши жиҳатдан қатқалоқ майин ва қора қатқалоқ шўрҳоклар бетида юқа туз қавати вужудга келиб, таркибида хлорид тузлар бўлади. Майин шўрҳоклар устки қавати қуруқ, ғовак, юмшоқ, таркибида сульфатлар, қора шўрҳокларда сода кўп. Шўрҳок тупроқлар Сурхон–Шеробод воҳаси жанубида, Шеробод текисликларининг тақир тупроқлар массивларида ер ости сизот сувлари 2–3 метр жойлашган ерларда тарқалган.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Қаюмовларнинг “Ўзбекистон табиий географияси” (2 қисм) Университетлар ва педагогика институтларининг география, биология-география, тарих-география мутахассисликлари учун қўлланма сифатида тавсия этилади “Тошкент”-2010. 105-106 б.

2. Закиров К.З. К проблеме зональности и терминологии ботанический географии в Средней Ази. Ташкент, блютень САГУ, 1947. Вып 25. С. 25-30.

3. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна р. Зарафшан. – Ташкент: АН УзССР, 1955. – 207 с.

4. А.Солиев “Ўзбекистон географияси” (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси) “КЎҲИ-НУР” босмахонаси (дарслик) “Тошкент”-2014. 283-298 б.

5. У.Тожиев Х.Номозов Ш.Нафетдинов К.Умаров “ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИ” (2 қисм) “Тошкент”-2004.

6. Тожиев У., Намозов Х. ва б. Ўзбекистон тупроқлари. Бухоро, 2002.

7. Х.Абдуллаев, Т.Абдрахмонов. Дунё тупроқлари, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. Тошкент, “Университет” 1993.

8. Глазовская М.А. Обше почвоведение и георгафия почв. М: 1981. 400с.

ТАРИХИЙ-ЭТНОЛОГИК ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ МУҲИМ МАНАБАЛРИ

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедарси 2-курс магистри
Жумаев Мустафа Эркин ўғли

Бойсун ҳудуди 2300 йилдан буён элат ва халқларнинг, савдо карвонлари, зардуштий, буддавий ва насроний даъватчиларнинг, ислом лашкарлари, маҳалла сулола ҳукмдорлари, Чингизхон қўшинлари, элчи ва сайёҳларнинг жанубдан шимолга Сўғддан Бақтрия-Тохаристонга бетиним ўтиб турган мавзесидир. Бу жараён ўз навбатида Бойсун тарихий жойларининг шаклланишига ҳам таъсирини кўрсатган. Бойсун тарихий топонимларининг ўзига хос хусусиятларидан бири-бу ҳудуд жой номларида бақтрия ва қадимги туркий тилга хос атамаларнинг қадимдан мавжуд бўлганлигидир. X аср муаллифи ал-Муқаддасий Чағониёнда ўлка номи билан аталган пойтахтдан ташқари 12 та шаҳарнинг номини келтирган. Ал-Муқаддасий санаб ўтган шаҳарлар қаторига Босанд ҳам киради. Босанд ҳақидаги маълумотлар Абу Исҳоқ Истаҳрий 930-йилда ёзган "Китоб масалик ва ал-Мамаолик" ("Мамлакатлар йўллари тўғрисидаги китоб") асарида бир қадар батафсил баён этилган. Истаҳрийда Басанд Чағониёндан икки кунлик Самарқанд ва Бухоро йўлида деб таъкидланган. 982-йилда номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ил-ал-мағриб"("Машриқдан мағрибгача бўлган олам ҳудудлари тўғрисидаги китоб")да бу мавзе ҳақида "Босанд аҳолиси кўп (бир) шаҳарча, Бухоро, Самарқандга борадиган йўлда. Мустаҳкам жой, одамлари жанговор" деб ёзилган[1].

Маҳмуд Гардизийнинг "Зайн ул-ахбор"("Хабарлар безаги") асарида (1053-йил) ҳам ўзини Маҳди пайғамбар деб эълон қилган кимса (Абу Али Чағоний юборган Жаъфар ибн Мардоншоҳ одамларидан у тоққа қочади) туфайли Босанд шаҳарчаси ёзиб қолдирилган. Шунингдек асарда Дари Оҳанин, Варди каби

[1] "Ҳудуд ул-Олам"дан.Форсийдан Омонулла Бўриев таржимаси// Чағониён тарихи. Т., Тошкент Ислом университети.2002. 177-бет

Босанд атрофидаги жой номлари тилга олинган[1].

Босанд ҳақидаги барча ёзма манбаларни шарҳлаган Ш.С. Камолиддинов Босанднинг Ибн Ҳавқал ва IX аср тарихчиси ал-Ёқут асарларида ҳам тилга олинганлиги ҳақида тўхталган ва ал-Ёқутда бу манзил Масанд шаклида тилга олинганлигини таъкидлайди[2]. Бойсун тарихи ва археологияси, хусусан тарихий географияси билан шуғулланган Э.В. Ртвеладзе[3], Ш.С. Камолиддинов[4], Т.Ж. Аннаев[5], Сверчковлар[6] Босандни ҳозирги Бойсун ҳудудида жойлаштирадилар ва бу топонимни Бойсуннинг ёзма манбаларда тилга олинган энг дастлабки номи деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб, Босанд топоними қайд этилган ёзма манбалар IX асрдан XIII аср бошларига оиддир. Ёзма манбаларда бу жойлар Бойсун атамаси билан XV асрдан қайд этилган[7]. Бойсун номининг этимологиясини Т. Нафасов, Х. Холмўминов қуйидагича изоҳлайдилар. Бойсунда бу сўзни Бойбўлсин деган киши исмидан, шунингдек тожикча бойлик (бой ўтирадиган жой) бирикмасидан келиб чиққан деб изоҳлаш ҳоллари бор. Ўзбек халқ достонларида Бойсун эли кўп тилга олинган. Айниқса "Алпомиш"даги ва туркумдаги достонларда Бойсун тоғ ва юрт номи сифатида машҳур. Ҳозиргача Бойсун деб аталмиш тоғ ва мамлакатнинг қаердалиги аниқланмаган. Бу ҳолат Бойсун сўзининг ҳар қандай тоғ ва вилоятга қўлланиши мумкинлигини кўрсатади. Туман номига тоғ ён бағридаги қишлоқ номи асос бўлган. Қишлоқ эса қуршаб турган тоғ номи билан аталган. Шу нарса маълумки, халқ теварак-атрофдги тоғларни Соримос, Кетмон-

[1] Гардизий ва унинг "Зайн ал-аҳбор" асари. Форсийдан Ғулом Каримов таржимаси// Чағониён тарихи. Т., Тошкент Ислом университети , 2002. 181-бет.

[2] Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южнего Согда и Северного Тахаристана вIX- начала XIII вв Т., Узбекистан, 1996, с. 145.

[3] Аршавская З.А. Ртвеладзе Э.В, Хакимов З.А. Средневековне памятники Сурхандарьи. Т., Издательство литературы и искусство имена Г Гуляма. 1982, с.

[4] Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южнего Согда и Северного Тохаристана. Т., Узбекистан, 1996, с. 145.

[5] Аннаев Т, Тиловов Б, Худойбердиев Ш. Бойсун археологик ёдгорликлари. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999, 29-30 бетлар.

[6] Сверчков Л. Бойсун тарихий реконструкция тажрибаси// Бойсун тарихи ва миллий маданияти. Бойсун экспидицияси тўплами. Нашр 2. Т., 2005, 71-73 бетлар.

[7] Шарофиддин Али Яздий "Зафарнома" дан. Форсийдан Омонулла Бўриев таржимаси // Чағониён тарихи. Т., Тошкент Ислом университети 2002, 189- бет.

чопди, Сувсизтоғ дэб атайди. Бойсун (талаффузида Бойсин) қўшма сўз: бой+сун (син). Одатда, қадимий номларнинг сўнгги номи жойнинг турини билдирувчи сўз бўлган. Ўзбек тилида син сўзи бор, лекин у юза шаклларининг бирон турини билдирмайди. Син-қадимги туркий тилга хос сўз. Х-ХІасрларда ҳам худуди шу маъноларни англатган. Маҳмуд Қашғарийда син-қомат, гавда. Турфан воҳаси ёдгорликларида син сўзининг маъноси узв, қисм. Х-ХІ асрларда битилган асарлар (“Олтин ёруқ”, “Қутадғу билиг”)да бўй-син тарзида жуфт сўз билан қўлланилган. Ҳакас, тува, уйрот, олтой каби бир неча туркий тилларда бу сўзнинг юқоридаги маъносидан ташқари, энг дастлабки ва бош маъноси сақланиб қолган. Бу тилларда син-тизма тоғ, тоғ тизмаси, қоя, юксак, баландлик.

Қиёсий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу сўзнинг бошқа тиллирдаги товуш тузилишини ҳам юқоридаги шаклларга бирмунча яқин. Суғд, форс, тожик тилларида санг-тош. Хитой тилида шань-тоғ. Тянь-тангри, худо, улуғ, муқаддас. Тяншаннинг туркий тилдаги қадимги номи Тангритоғ. Син, сын, шын, санг, шан сўзларининг бош маъноси тоғ. Бойсун-улуғ тоғ, муқаддас тоғ[1]. Бойсун номи қадимги туркий сўзлар “бой” ва “син” дан ҳосил бўлган бўлиб “буюк тоғ” ёки “улкан тоғ” маъносини англатган[2].Шундай қилиб, Босанд баъзан Масанд шаклида, ёзма манбаларга кўра ІХ асрдан бошлаб учрайди[3].Бу ҳудуднинг Бойсун шаклида тилга олиниши 1365-йилги воқеалар баёни муносабати билан “Зафарнома” да келтирилган[4]. Фикримизча даставвал Босанд-Бойсун номи кенг яйловларни қамраб олган тоғга нисбатан ишлатилган. Кейинчалик марказнинг шаклланиши туфайли ороним тарихий топонимга айланган ва ҳудуд маркази номини англата бошлаган.

ХІХ асрда Бойсун Шарқий Бухоронинг йирик иқтисодий, савдо ва маданий марказига айланади. Бу даврда Бойсун шаҳар

[1] Нафасов Т, Холмўминов Х , Ёриев Б. Бойсун топонимикаси. Термиз, Жайхун, 1997, 40-43 бетлар.

[2] Камолиддинов Ш.С. Историческая геграфия Южнего Согда и Северного Тохаристана. Узбекистана.Т., 1996. с.145.

[3] Камолиддинов Ш.С Историческая географияЮжнего Согда и Севернего Тохаристана. Узбекистана.Т., 1996. с.145.

[4] Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”дан. Форсийдан О.Бўриев таржимаси//Чағониён тарихи. Т., Тошкент Ислом университети,2002. 189-бет.

қисм ва 14 шаҳар атрофида жойлашган қишлоқлардан иборат бўлган ва беш минг аҳоли яшаган. Хожа Мурод бахши сойининг икки қирғоғи бўйлаб шаҳар хонадонлари ва бошқа иншоотлар жойлашган[1]. Шаҳарнинг марказини Бойсун беги қалъа-қўрғони ва унга туташ Шайит қишлоғи ташкил этган. Шайитни шунингдек Жарқишлоқ деб ҳам атаганлар. Шайит ёки Жарқишлоқда ҳунармандлар маҳаллалари жолашган бўлган. Булар заргарлар маҳалласи-Заргаргузар, қассоблар маҳалласи-Қассобгузар, чармгарларники-Чармгузар ва ҳ.к.[2]Темирчилар қишлоғи Боғи боло яъни "Юқори боғ" деб номланган бўлиб, Бойсун қалъаси ёнида жойлашган бўлган[3].

МИЛЛИЙ МАРОСИМЛАРМИЗДА ЗИЁРТАГОҲЛАРНИ ЎРНИНИ ЭТНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс Этнография, этнология, антропология бўлим магистри Жалилова Ўғилой

Бойсун ҳудудида кўпгина тарихий воқеалар бўлганлигини ва шу билан бирга Хазрат Султон Валий, Хожа Сурхпуш сахоба (Қизил айзон), Хожа Қўчкор ота, (Хожа Қошқарон ота), Жийдали Бойсун ота, Хўжабулғон ота, Бибиширин, Хожа Майхона ота каби куддусий шайх ва пирлар ётганлигини эндигина қайта англаб, уларни таний бошладик. Уларнинг тарихи ва халқ учун қилган ишларини етарли ўрганилмаган бўлсада, лекин изланишлар хали тўхтамади. Бойсун туман марказидан кунчиқар шарқий қисмида Омонхона қишлоғида 10 гектарга яқин майдонда кўҳна қабристон ястаниб ётади. Бу ердаги қадимий қабр тошлар, ҳамда қабрлар устидан ўсиб турган иккита улкан писта дарахти ҳам исботлаб турибди.

[1] Маев Н.А.Очерки Бухарского ханства// Материалы статистики Туркистанского края. Выпуск 5. СПб,1879, с.169.

[2] Кармышева Б.Х.Очерки этнической истории южних районов Таджикистана и Узбекистана. М.,Наука,1976,с.52-53.

[3] Северчков Л.М. Бойсун. Тарихий реконструкция тажрибаси. Бойсун тарихи ва миллий маданияти. Бойсун илмий экспедицияси. Нашр 2. Т.,2006, с. 71-73.

Худди ана шу қабристонда Хазрат Султон Валийнинг муқаддас мозорлари бор. Мусулмон оламида илми ҳол (Авлиёлик илми) ни эгаллаганлардан бири Хазрат Султон Валий ҳисобланади. Хазрат Султон Валийга Хизр алайхиссалом зикри хуфия таълимини ўргатган бўлсада, пайғамбаримизнинг авлодларидан бўлган Сиддиқ Сахобий Икром руҳлари Хазрат Султон Валийнинг тарбият қилган. Ҳозирда Деновда яшовчи асли Бойсунлик Тўхтахон хожи Аланов 2002 йил май ойида ташаббус билан чиқиб, ушбу қабристонни обод қилиш-га киришди. Ўқишининг ташаббусини туман хокимлиги, қолаверса барча Бойсунлик мехнат жамоаларига, ҳамда аҳолига маъқул тушди.

Тезда ушбу қабристонни обод қилинди ва Хазрат Султон Валий муқаддас қабрлари устига махобатли мақбара қурилди. Тўхтахон Хожини шахсий жамғармалари ҳисобидан қабристонни ёнида 3-гектарлик боғ ташкил этилди ва Оличабулоғидан 4-км қувур ётқизилиб, сув олиб келинди. Албатта, қабристондаги «ахли кубур» бизнинг илтифотимизга, ободончилигимизга мухтож эмас, улар вафот этган кишилар. Лекин, биз тириклар учун, тарих учун, миллат учун, қолаверса зиёратга келувчиларга шарт-шароит учун ҳам керак. Донолар бежизга «Миллатнинг қандайлигини билмоқ бўлсанг, унинг ё бозорига ё-мозорига бор» деб бежиз айтишмаган.Азалдан ҳам мусулмон халқимиз Аллох таоло ва унинг расулидан ташқари, яна анбиё ва авлиёларга, донишманд бузрукворларга эътиқод ва эҳтирос билан яшаб келади. Уларнинг хоки-пойини зиёрат қилиб, рухий-маънавий ибрат олади. Одамларнинг бузрукворлари эъзозлаш покликни, маърифатни, иймонни эъзозлашидир ва муқаддас инсоний орзуларини мужассами пок парвардигорга мухаббатнинг ифодасидир. Авлиёларнинг табаррук руҳларини ёдлаш, уларга дуо ўқиш орқали биз ўз қалбимизни виждонимизни тозалаш, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштиришни ҳам ўйлаймиз. Чунки авлиёларнинг ҳаёти, сўзлари ва эзгу амаллари бизга ибрат ва сабоқдир. Улуғ, комил инсонларнинг сийрат ва суратида илохийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан, илохийликни инсонийликдан ва инсонийликни илохийликдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Улуғ инсонлардаги қудрат ва

каромат, маънавий етуклик уларнинг тақволари эвазига Аллох берган бир илохий неъмат, унинг қудрати ва камолотининг муайян миқдордаги ифодаси ва давомидир. Шунинг учун комил инсонлар ҳаётини ўрганиш ҳам инсоннинг ўзини, ҳам яратувчиси таниш ва билиш калитидир.

Энди Хазрат Султон Валий ким ва қайси даврда яшаганлар, хизматлари нимадан иборат эканлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз. Омонхоналик 80-ёшли Иноятиллохон хожи Лутфуллахон ўғли, 80-ёшли Тўхтахон хожи Алланхўжа ўғли, Бойсун туман маркази Қизил-Корез мавзесида яшовчи 80-ёшли Лутфуллахўжа Бўри хўжа ўғли ва Бибиширин мавзесида яшовчи 60-ёшли Норзилло махсум Мулло Абдулхайрхон ўғли, ҳамда Омонхона, Саримазор, Денов, Олтинсой, Термиз шаҳрида яшовчи хазратнинг авлодлари, шунингдек Омонхоналик турк қавмларини айтишларича, шайхнинг эл орасида катта нуфузга эга эканликларини таъкидлайдилар.

Омонхонадаги шифобахш сув, Авлоддаги Бошчашма, бевосита хазратни кароматлари ила содир бўлганлигини таъкидлайдилар. Хазратнинг дуоларини олиш учун Бойсунга ташриф буюрган Мовороуннахр ҳукмдори Соҳибқирон Амир Темур билан Дидоркамда Санги Султондаги учрашуви у кишининг ўз даврида катта нуфузга эга эканликларидан далолатдир. Шамсуддин Султон Валий дарвешона яшаганлар. Бу ерда «Дарвеш» сифат сўзи бўлиб, уни камситиш маъносида тушунмаслик керак. Дарвешларнинг ботини-маънавият кони, ахлоқи эса-инсониятнинг зебу-зийнати: Рафтори хулқи таъриф тафсимиздан юқори, уларнинг мартабаси Арши аъло. Комилликка эришган инсонлар шайхлар, комил дарвешлар сийрати маърифатини эгаллаш йўлида деярли бир хил.У кишининг исми шарифлари Сайд Шамсуддин бўлиб, халқ эса у кишини эсга қоларли сифатлари билан Хазрат Султон Валий Балогардон деб эслашади. Асли Бистомда туғулиб, Балхда яшаган ушбу муқаддас зот, тақдир тақозоси ила Бойсуннинг Омонхона (асл Эминхона, Эмин-Эркинхона маъносида) қишлоғида яшаб, шу ерда макон топганлар. Хазрат Султон Валийнинг туғилган жойи, авлоди, тарихлари, қолдирган мерослари манбаларда кам учрайди. У киши ҳақида форс-тожик

тилида Бухорода чоп этилган «Тазкират ул-авлиё» асарининг 3- жилдида қисман айтиб ўтилади. Ривоят қилишларича, Хазратни Омонхонада синов кутади. Яъни ғойибдан қирқ кун бир оёғда тикка ҳолда чиллада туриш вазифаси топширилади. Чилланинг ўттиз тўққизинчи кунида Хазрат чарчаб қолади. Унга дам олишга рухсат берилади ва шундан кейин чиллани яна давом эттирмоқчи бўладилар. Шунда ғойибдан келган овоз: -вазифани тўлиқ бажарганингизда «Казогардон» бўлардингиз, энди «Балогардон» сиз, қувватингиз келадиган балоларни даф этишга етади, сиздан нажот сўровчиларга Аллохнинг нияти билан шифо беринг-дейди. Шундан сўнг Омонхонадаги шифобахш сув отилиб чиққан экан. Бу ривоят Хазрат Султон Валийнинг ислом йўлида нақадар комил инсон бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Шайх Сайид Шамсуддин хазратларини Бойсуннинг Дийдоркам мавзесига Соҳибқирон Амир Темур билан учрашишларини ҳисобга оладиган бўлсак, хазрат XIII асрда яшаб ўтганликларидан далолат беради. У зот Соҳибқирон вафотидан сўнг бу фоний дунёни тарк этган бўлиши мумкин. Албатта, бу тахминий уриниш. Агар Хазрат Султон Валий ҳақида манбалар топилса, аниқлик янада мукаммаллашади, деган умиддамиз. Хазрат Султон Валий кўп йиллар Омонхонадаги Ёппакамарда чилла тутиб, ибодат ва зикирлар қилиб юрганлар. Ўша пайтларда бу ишини овозаси нафақат Чағаниёнда-балки бутун Чиғатой улусида таниқли бўлиб, хизматларига одамлар келишган. Ривоят қилишларича Соҳибқирон Амир Темурни хазинадорларидан бири бўлган Назар Мамат Турк умрининг охиригача садоқат билан хизматда бўлганлигини фахр билан гапирадилар. Хазратни дуолари доим ижобат бўлган. У кишининг кўрсатган кароматларини эл ханузгача айтиб юради. У киши ҳақидаги ривоят ва кароматлар «Хазрат Султон Валий» китобида атрофлича ёзилган. Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарида авлиёлар таснифи келтирилган. Муаллифнинг кузатишича, авлиёлар бир неча хилга бўлинади, чунончи: маърифат ахли, муомиллат ахли, мухаббат ахли, тавхид ахли, мискин факирлар ахли ва бошқалар. Лекин шундай шахслар борки, юқоридаги сифатларнинг барчаси уларда

жамланган бўлади. Бундай инсонлар туфайли кишилар қалбига илоҳий хикматлар ёғдуси кириб боради.

СУРХОН ВОҲАСИ БАХШИЧИЛИК МАКТАБЛАРИ ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Термиз давлат университети Этнография, этнология, антропология бўлими 1-курс магистри
Бойниёзов Илёс Қахрамон ўғли

Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабига Сурхондарё вилоятидаги: Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон ва Денов туманлари, Қашқадарё вилоятидаги Гузар, Деҳқонобод туманлари, Туркманистонни Чоршанги тумани, Тожикистонни Қабадион ва Шартуз туманларида яшаб ижод этган бахшилар асосан Сурхон бахшичилик мактаби ижодий махсулидир. Булар Бахши Шерназар Бердиназар халқда Шерка бахши (1855-1915) номи билан танилган, у ўз навбатида Қосимкўр бахши (Х1Х асрнинг 2 ярмида яшаб ўтган) дан таълим олган бўлса, у ўз навбатида Бобо бахши шоирнинг шогирди ҳисобланади. Бобо бахши Х1Х сарнинг биринчи яримида яшаб, ижод этган. Шерназар бахшини шогирдлари: Мардонақул Авлиёқул ўғли, Ахмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмирзо ўғли, Худойқул Лақай, Эсон Шомурод ўғли ва бошқалар. Алим юзбошини шогирди Холиёр Абдуназар Карим ўғли 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда Фольклоршунос олим Ходи Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар бахшидан «Амир Қочди» достонини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабини асосчиларидан бири Умар шоир Сафар ўғли қарийб 20 та достон ва юзлаб термаларни ёддан айтган. Ҳозирги Шеробод-Бойсун бахшичилик мактаби бахшилари Шерка бахши, Холёр бахши, Умур базшиларнинг давомчиларидир. Ҳозирги бахшичиликда Мунчоқ қишлоғидан, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Бахши Болтаев Хомкон қишлоғидан Абдуназар Поёновлар шулар жумласидандир. Уларнинг шогирдлари-Шодмон Эгамберди, Урал Рахимов,

Йўлдош Сувонов, Бахтигул Бобоева ва бошқалар. Бахшичилик нафақат Бойсун туман марказида, балки чекка қишлоғларида Мунчоқ, Тўда, Тангимуш, Даштиғозда ҳам бахшичилар етишиб чиқмоқда.

Шоберди Бахши Болта ўғли. (Болтаев Шоберди) - Бойсун районидаги «Мунчоқ» қишлоғида 1944 йилда туғилган. Термиз Давлат Педагогика институтини 1972 йилда битирди. Мунчоқ қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Шобердининг бахшичиликка фаолияти айрича жиҳатларга эга. Унинг ижодига таалуқли терма ва достонларнинг мавзуи ва мазмуни фалсафий мушохидаларга бой ҳолда долзарб муаммоларни қамраб олиш билан ўта муҳимдур. Унинг ижод бисотида тегишли «Алпомиш», «Олтинқовоқ», «Қунтуғмиш», «Малла савдогар», «Сулувхон», «Санамгавҳар», «Ойпари», «Оллоназар олгинбек» достонларни эл севиб тинглайди ва бу достонларни бахши мароқ билан куйлайди. Бахшининг «Мехмондур», «Тилар», «Нима ёмон», «Кунларим», «Думбира», «Ойпари» ва бошқа талай термалари аллақачон эл олқишига сазовор бўлган асарлари қаторига киради. 2000 йил «Ўзбекистон халқ бахшиси» юксак унвон сохиби бўлди. Хассос ижодкор Хидир шоир 2009 йил «Ўзбекнинг ўз алпи бор» достонини айнан Шоберди бахшига бағишланган. Шоберди терма айтадими, достон куйлайдими ҳаммасини юракдан куйлайди ҳам сел бўлиб куйлайди ва барчани ўзига махлиё этиб дўмбирасини сайратади.

Абдуназар Поёнов Хомкон қишлоғида туғилган. «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Алланазар Олчинбек», «Хомкон», «Алпомиш», «Келиной», «Қунтуғмиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Турсун мерган», «Даврқул полвон» каби достонларни куйлайди. У ўзи яратган «Алпомиш достонига» кирувчи «Турсун мерган» ва «Даврқул полвон» достонлари 2000 ва 2003 йилларда нашр этилди. Шеробод-Бойсун бахшичиликда «Алпомиш», «Ёдгор», «Хурсина», «Қунтуғмиш», «Ёзи билан Зебо», «Келиной ва Гўрўғли» достонига кирувчи «Нурали» достонларини куйлаб келмоқда. Инсоният янги даврга қадам куйди. Янги асрда дунёнинг кўплаб халқлари ўз миллий қадрятлари, урф-одатлари ва маънавий-маданий маросимларига тобора қизиқиш билан қарамоқда. Зеро инсонни англаш учун

у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва анъаналарини баддий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиш лозим. Ўтмишни ўрганмай туриб ёруғ келажак яратиш бағоят мушкул. Сирасини айтганда халқ оғзаки ижодини ўрганиш-халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи бугунги ва келажаги, уй-кечирмалари ҳамда руҳиятни ўрганиш демакдир. Бундай ижод сахнасини англаш эса бахшичилик санъати сирларини ўрганишдан бошланади. Бахшичилик нечанеча асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган ғаройиб санъатдир. Хар бир бахши хотирасида ўтмиш анъаналарини сақлаб, уни авлодларга етказган ва бу эпик анъана ҳар гал ижро жараёнида янада бойиб, янгиланиб борган.

Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур (1370-1405) хукумронлиги йилларида Давлатшох бахши деган киши бўлган. «Акбарномада» эса Мирбахши деган бош бахшини номи тилга олиб ўтилган. «Қутатғу билиг», «Хибат ул-хақойиқ», «Мероснома» каби абадий меросимизнинг нодир намуналари ҳам «Бахши» деб аталувчи котиблар томонида кўчирилган. Бахшиликнинг эътиборга молик яна бир хусусияти устозшогирдлик анъанасидир.Бахшилик узоқ тарихга эга. Бу анъана ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бойсунда- бахшичилик санъати ҳам узоқ тарихга эга. Бу юрт бахшилари юрти десак муболаға бўлмайди.

Бойсунлик Улаш Бахши Ғози ўғли (1892-1969) юксак махоратли бахши бўлган. Қорабўйин уруғидан чиққан Работ қишлоқлик Мулло Эрмамат бахши Бадалов халқ оғзаки ижодига қизиқди, дўмбира чертишни падари бузруквори Бадал бободан, кейинроқ қайнотаси Мерган овчидан ўрганди. Ўспиринлик йилларидаёқ дўмбира жўрлигида термалар айтиш, халқ достонларидан парчалар ўрганишга интилди. Унинг араб тилидаги саводхонлиги, мактаб йилларида эса лотин графикасини яхши ўрганиш, мунтазам машқ ва устозлар мадади бахшичилик санъатининг нозик сирларини эгаллаш йўлидаги орзусини рўёбга чиқишига имкон берган. Таланти юксала бориб, 1950-1956-йилларда юқори чўққисига кўтарилган, номи район аҳолиси орасида Мулло Эрмамат бахши сифатида танилган.

Эрмамат бахши ижоди давомида йигирмадан ортиқ халқ

достонлари, жумладан «Алпомиш», «Авазхон», «Даллижон», «Қунтуғмиш», «Мисқол пари», «Бологардон», «Базурғон», «Кундуз ва Юлдуз» каби достонларни ўзига хос услубда махорат билан куйлаган. Мулло Эрмамат бахши Бойсун районидаги Ёмчи, Питов, Кофрун, Бандихон, Тўда, Газа, Тоба қишлоқларида ўз санъатини намойиш этган. 1938-йилда Газалик Худойқул Турдиалиев томонидан мулло Эрмамат бахшини термалари ёзиб олинган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг фолъклоршунослар Музаяна Алавия, Ходи Зариф туманимизга ташриф буюриб, Мулла Эрмамат бахши билан учрашиб, ундан айрим терма

СУРХОН ВОҲАСИДА ТАБИАТ КУЛТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАНБАЛАРНИ МУССАВИРЛАР ИЖОДИДАГИ ЭТНОМАДАНИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс Этнография, этнология, антропология бўлми магистри Бобохўжаев Илҳом Султонивич

З.М. Бобурнинг ҳоласининг ўғли Мирзо Муҳаммад Хайдар ёзган «Тарихи Рашидий» асарида мусаввирлар ҳақида жуда қимматли ва ноёб фикрлар ёзиб қолдирган. Мирзо Муҳаммад Хайдар 1500 йилда Тошкентда таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад Хусайн Кўрагон дуғлот қабиласига мансуб нуфузли амирлар хонадонидан бўлиб, Ўратепа ҳокими эди. Онаси Хўбнигорхоним эса Тошкент хони Султон Махмудхоннинг синглиси яъни Захриддин Муҳаммад Бобурнинг онаси Қутлуғойим билан опа-сингил бўлган. «Тарихий Рашидий» асарида шундай ёзади: «Мусаввирлардан бир Шох Музаффар бўлиб, у Устад Мансурнинг ўғли эди. Султон Абдусаид Амир Темурнинг набираси замонида Устад Мансурдан яхшироқ мусаввир йўқ эди. Шох Музаффар мўйқалами ғоят нозик, соф ва нафис ва пишиқ бўлиб бўёқлари томошабиннинг кўзини қамаштирар эди. Яна бири Хожа Абдулхай деган киши эди. Хожа Абдулхайдан кейин Шох Музаффар ва Бехзод бўлиб, улардан кейин то бизнинг кунларгача уларга тенг келадиган бошқа киши пайдо бўлмади.

Уларнинг ҳар иккаласини Мир Алишер тарбият қилган. Мавлоно Мирак наққош замон ажойиботларидан бири бўлиб, Бехзоднинг устози ҳисобланади ва ҳар турли пахлавонлик машқларини ҳам бажарарди. Яна бир мусаввир Бобо Хожидир. Яна бири Мавлоно Дарвиш Муҳаммад эди, Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг устози ва Шох Музаффарнинг шогирдидир. Мавлон Дарвиш Муҳаммад - «найза учида шерни кўтариб турган суворий тасвирини шу қадар майда қилиб чизганки, бунинг барчасини битта гуруч (дони) билан бекитса бўлади.

Мусаввир Рўзи Чориев-Бойсунлик мусаввирларнинг бобокалони ҳисоблансада, Бухоро амирлиги ва совет ҳокимияти даврларида Бойсундан бирон бир етук мусаввир етишмаган. Сурхон воҳасининг академик- мусаввири Рўзи Чориев асли Шероботнинг Пошхурд қишлоғидан бўлиб Бойсундаги Меҳрибонлик уйида 1 ёшидан 18 ёшигача тарбияланган. Бу нозик таъб мўйқалам устаси Бойсунликлар қалбидан жой олган. У ҳар доим Бойсунни унинг иккинчи она юрти деб ҳисоблаган. Рўзи Чориев 1931 йил 28 августда Шеробод тумани Пошхурд қишлоғида туғилиб, 2004 йил 18 сенятбрда Тошкент шаҳрида вафот этди. Ранг тасвир устаси, 1977 йил Ўзбекистон БА фахрий академиги, 1987 йил Ўзбекистон халқ рассоми, 1959 йил Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти тугатиб, 1965 йил Репин номидаги Ленинград рассомлик, хайкалтарошлик ва меъморчилик инситутини тугатган. 1966-1973 йиллар Тошкент педагогика инситутида дарс бериш билан биргаликда, унинг ижодий асарларида ўлка манзаралари, ўтмиш ва бугунги кун кишиларнинг қиёфасини ёрқин бўёқларда катта маҳорати билан акс эттирган. Р.Чориев ижоди ранг тасвирга миллий рух, урф-одатлар, замондошлар, машҳур намояндалар образлари туркумини олиб кириши, қишлоқларда тасвирий санъат галереяларини ташкил қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Портретлар («Замондошим», «Дўстим», «Келин. Шохи сўзана», «Фиръавн.Эркак портрети», «Бойсунлик қария», «Пошхурдлик қиз Барно», «Сайроблик чол», «Қиш. автопортрет»,) маиший ва тарихий («Сухбат», «Хумсон оқшоми», «Олтин топган кони», «Най. Чўпон бола», «Бойсун», «Бахор») “Шеробод манзараси”, «Боғлар» ва б.) ва шу кабилар мавзулардаги

асарлари машҳур. Р.Чориев Ўзбекистон тасвирий санъатиги тарғиб қилишда фидоийлик кўрсатган. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Республика болалар ижодиёти маркази, вилоятлар (Сурхондарё ва б.) да тасвирий санъат музейлари ташкил қилинган. Ёш рассомларга ғамхўрлик кўрсатган. 1969 йилдан Халқаро кўргазмаларда қатнашиб келган. Европа (Италия, Швеция, Греция ва б.), Осиё, Африка мамлакатларида ижодий сафарда бўлиб, тассуротлари асосида қатор асарлар яратган. Р.Чориев ҳақида 2004 йил «Кўнгил камалаги ёки Рўзи Чориевни эслаб» фильми яратилган. Р.Чориев асарлари республика ва хорижий мамлакатлариниг музейлари ва хусусий тўпламларида сақланади. «Чорвоқ водийси», «Сурхондарё одамлари» асарлари туркуми учун 1983 йил Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати , 1998 йил «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган.

Тўра Шомирзаев. Бойсунлик рассом Республика рассомлик билим юртини тугатган. Тошкент, Самарқанд ва Душанбе шаҳарлардаги ижодий, муҳитдан нафас олиб кўрган ижодкорлардан. Аммо у қалби тубидан чинаккам хоҳиш-истакни орадан ўн йил ўтиб пайқади. Пойтахт Тошкентдаги Либослар уйи биносидаги деворидаги мозайка, марказий Универмаг биноси интерьеридаги бадиий безаклар. Бу орада Самарқанда – Архитектура институтида бадиий кулолчиликдан дарс берди. Йирик объектларда буюртмалар бажарди. Душанбеда «Помир» ресторан ва бошқа бинолардаги сопол-қошиқ безакларини ишлади. У «Гоген Бойсунда» номли картинасини яратганида тасвирий санъат сохасида Х1Х аср охири ва ХХ аср бошларида яшаб ўтган Франциялик машҳур рассом Полъ Гогенни яратган буюк асарларига эҳтиром билан қарайди, унинг асарларини кўриб ўрганиб мушоҳада қилади. Бойсунлик Гоген-одатда санъат аҳли, рассомлар пойтахтда яшаши, бу ердаги ижодий муҳитдан бахра олиб ижод қилишни зарурий эхтиёж деб биладилар. Гоген ўз асарларини яратиш учун узоқ ўлкаларга Тамти ва Полинезияга сафар қилган эди. Чунки Гоген излаган, топган асарларида қўлланган рангларни барчаси Сурхон воҳасида хусусан Бойсун диёрида мавжуд. Фақат уни излаш англаш ҳис этиш учун ўлкани яёв кезиш, ижод машаққатларига

бардош бериш керак эди. Рассомнинг илк ижодий ишларидан бири бахши тимсоли эди. У буни яратди. «Қўнғирот аёллари» туркум асарида Бойсунинг олис тоғли қишлоғи-Хомкондаги Ўзбекларни қўнғирот уруғи аёлларини акс эттирди. Ижодкор «Тоғлар манзараси», «Тоғ йўлида», «Полвон», «Момо», «Бойсун баҳори», «Тушлик», «Она», «Манзара», «Ким кучли», «Рақс», «Хашарча», «Бахор» каби картиналари рассомга шуҳрат келтирди. Бойсунлик машҳур Ўзбек миллий кураши бўйича Жаҳон Чемпиони бўлган Тоштемир полвон Муҳаммадиевни ижодий портиретини катта иштиёқ билан яратди.У машҳур академик рассом Рўзи Чориевни ўзини устози деб билади.

Бу замин тупроғи зардир, олтиндир,
Қуёш ерга тушган, минглаб ёлқиндир.
Ранглари беқиёс бу олам ори,
Сени деб ҳар юрак рассом, оқиндир.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТНИНИНГ ЮКСАЛИШИДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистри Сафарова Нигора Саитмуротзода қизи

Инсон умрининг энг гўзал, беғубор онлари болалик давридир. Бола гўдаклик давридан меҳнат фаолияти бошлангунга қадар турли хил машғулотлар билан шуғулланади. Унинг қизиқиши, ёшига қараб ҳаракатлар қилиши болалар ўйинларидир. Олимларнинг таърифлашича “Ўйинлар оддий жисмоний ҳаракатлардангина иборат бўлмай, болаларнинг маълум ритм, оҳанг, бадиий сўз, сюжет ва композицияларга эга бўлган машғулотларидир. Улар ёшликдан ўйинлар билан овуниб, ундан маънавий завқ оладилар, ақлий ва жисмоний камолотга эришадилар. Миллий ўйинлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар бизгача XII асрнинг буюк тарихчиси, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари орқали етиб келган. Қошғарий Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қабила ва халқларнинг миллий

тилларига, айрим сўзларига изоҳ бериш орқали уларнинг машғулотларини ва болаларнинг ўйинларигача тилга олади, уларнинг қоидаларига таъриф беради. Девонда “Монўз-монўз”, “Ўтуш-ўтуш”, “Тобиқ”, “Салавот”, “Қувушиш” сингари ўйинлар ва уларнинг қоидалари ҳақида маълумотлар берилган. Болаларнинг тез ҳаракат қилишга, чаққон, эпчил бўлишга ундайдиган ўйинлар ўғил ва қиз болалар иштирокида ўйналади. “Беркинмачоқ”, “Етиб кетди”, “Чуррум кесди”, “Қувлашмачоқ”, “Оқ теракми, кўк терак?” каби ўйинлар шулар жумласига киради.

Болалар фольклор мусиқаси болалар халқ ўйинлари асосида юзага келган. Сурхондарё ҳудудида қадимдан болалар ўйинлари кенг оммалашган ва унинг кўпгина кўринишлари бизнинг давримизгача етиб келган. Тоғли қишлоқларда яшовчи аҳоли ўртасида болалар ўйинларининг айрим турлари ҳозиргача ўйналиб келинади, албатта йиллар, асрлар ўтиши билан бу ўйинлар шаклланиб, замонга мосланиб баъзи бир ўзгаришларга учраган. Кейинчалик эса кўпгина ўйинлар намуналари болалар фольклор мусиқаси орқали қайта ишланиб саҳна юзини кўрди. Болалар фольклор мусиқаси ривожига ўрин тутган болалар халқ ўйинларидан бири “Кўчмак” ўйинидир. “Кўчмак” асосан чўпон болалар ўйини ҳисобланади. Бу бошқотирма ўйинлар туркумига кириб, иштирокчилардан пухта ҳисоб-китоб билан ҳаракат қилмоқликни талаб этади. Ўйин учун текис майдон танланади. Икки ўйинчи чўпон бола бир-бирига рўбарў ўтириб олишадида, ҳар бири ўз олдидан бештадан чуқурча, яъни “қўра” ясаб олади. Ҳар бир чуқурчага беш донадан тошча, яъни “қўй”лар ташлаб чиқилади. Демак, иккала қатнашчида йигирма бештадан тошча-қўйлари бўлади. Сўнгра ўйинни ким бошлаб беришини аниқлаш учун ўйинчилардан бири бир қўлига тошча яширади ва рақибини чалғитиш учун қўшиқ куйлаб, қўлларини тез-тез алмаштириб туради:

Топган топалоқ, битта бўталоқ,
Чапдагиси меники, ўнгдагиси сеники,
Ўнгдагиси меники чапдагиси сеники.
Топ, топ, топ, тополмасанг битта шапалоқ.

Шу тариқа агар шериги топса у, тополмаса ўзи ўйинни бошлайди. Ўйинининг аҳамияти шундаки, ўйин давомида бола фикрлашни, топқирликни, саноқни – ҳисоб китобни ўзлаштиради. Шу билан бир қаторда қўшиқ куйлашни, рақс ҳаракатларини бажаришни (мажбуран бўлса ҳам) ўрганади. Болалар халқ ўйинларидан яна бири “Оқ таёқ-кўк таёқ” ўйини бўлиб, жуда қадимдан ўйналиб келинган. Ўйинда беш-олти бола қатнашиб, ҳар бирининг қўлида ярим қулоч, бир қулочча келадиган таёқлар бўлган. Болалардан бири таёғини ерга ташлайдида, кейин ўзи таёқнинг ўртасидан бир қўли билан ушлаб кўтаради. Бошқалари бир қўллари билан унинг таёқ ушлаган жойидан юқорига қараб бирин-кетин ушлай бошлашади. Охирида таёқнинг учидан ушлаб қолган бола ўйин шартига кўра ўз таёғини ерга қадайди. Шундан сўнг болалар таёқ қадалган жойдан йигирма қадамча узоқлашиб ерга чизиқ чизади. Сўнгра шу чизиқда туришиб ерга қадалган таёқни мўлжаллаб навбати билан ўз таёқларини ота бошлайдилар. Кимнинг таёғи мўлжалга тегса, ерга таёқ қадаган бола унинг таёғини тушган жойидан то чизиққача олиб келиб беради ва яна йиқилган таёғини ўз жойига қадаб қўяди. Ўйиннинг аҳамияти шундаки, ўйин давомида болалар жисмонан чиниқадилар, шу билан бирга ғолиблик учун курашиш ва ғалаба қозониш завқини туядилар, қўшиқ куйлайдилар, рақсга тушадилар. Аввалари болалар халқ ўйинлари ҳисобланиб кейинчалик болалар фольклор мусиқасидан ўрин олган халқ ўйинларидан яна бири “Қушим боши” ўйинидир. “Қушим боши” оммавий ўйинлардан ҳисобланиб, унда ҳар қандай ёшдаги болалар иштирок этишлари мумкин. Халқ сайллари, байрамларда болалар катта текис кенгликни танлайдилар ва шу кенгликда “Қушим боши”ни ўйнайдилар. Бу ўйинда иккита баковул сайланади. Баковуллардан бири белбоғини ечиб, қўлига оладида, ўртасидан букиб, икки қават қилади. Кейин белбоғнинг букилган жойидан учигача эшиб дурра ясайди, сўнгра икки учидан кичик бармоқча жой қолдириб тугиб олади. Дурранинг ўша эшилмаган икки учини бирон бир қуш ёки жонзоднинг қулоғига қиёслаган ҳолда қолдиришган бўлади. Баковуллар ўзаро қушлардан ёки жонзодлардан бирининг номини танлаб

олишади, бу баковуллар ўртасида сир сақланади. Кенгликда эса кўп болалар йиғилишган. Уларнинг диққат-эътибори икки баковулда. Баковуллардан бири атрофдагиларга қараб:

Қушим боши қушдаккина,
Қоринчаси муштдаккина.
Қаноти бор пуштаккина,
Тана-тўши шундаккина.

деб ўзлари танлашган қуш ёки жонзоднинг тузилишини ва дурранинг учи билан эса ўшаларнинг қулоғини қисман бўлса ҳам тушунтириб беради. Болалардан тўғри топиб беришларини сўрайдилар. Иштирокчилардан ҳар хил қуш, жониворларнинг номи эшитила бошлайди. Агар баковуллар ўзларича танлашган номни ўйин иштирокчиларидан бир тўғри топа билса, баковуллар дуррасини ўша кишига беришади. Кейин у киши ўйин қоидасига биноан нотўғри жавоб берган болаларни қувлаб кетади. Етиб олганини қўлидаги дурра билан савалайди. Дурра еган болалар эса унинг қўлидан дуррани тортиб олишга ҳаракат қилишади. Дуррани тортиб олишгач, баковуллардан бирига олиб бориб беришади. Агар баковуллар танлашган қуш ёки жонивор номини ҳеч ким топа олмаса, баковуллар шарт қўядилар. Ўйиннинг аҳамияти шундаки, бу ўйин орқали болалар аввалambор жамоа бўлиб иш бажариш: шеър айтиш, қўшиқ айтиш, топишмоқлар айтиш, топқирлик, рақсга тушиш каби кўникмаларни ҳосил қиладилар. Энг муҳими болаларда омма орасида, катта саҳналарда халқ ичида ўзларини тўғри тута билишни, ижро маҳоратларини йўлга қўйишларини шакллантиради.

Болалар фольклор мусиқасини яратилишида асос бўлган ўйинлардан “Чўзма қулоқ”, “Чиллик ўйин”, “Қувалаш”-қувлашмачоқ, “Ғозларим ға-ға”, “Сайлаб беринг”лар кенг тарқалган.Айниқса, “Сайлаб беринг” номли фольклор мусиқали болалар халқ ўйинида қизлар айлана ҳосил қилиб туришади. Бир-бирларининг қўлларини занжирсимон ушлашиб, айлана ўртасига қизлардан бирини ўтқазишади. Ўртага кимни ўтқазиш қуйидагича ҳал қилинади:

Қизлардан бири қўлига кичик тошчани яширади. Кейин рўбарўсида турган қиздан тошни топиб беришини сўрайди. Қиз яширинган тошни тўғри топа билса, у қизнинг ўрнига чиқади ва ўзи тош яшириб қаршисидаги қиздан топиб беришини сўрайди. Агар қиз яширинган тошни топа олмаса вақтинча даврадан чеккага чиқиб туради. Шундай давом этавергач, охирги қиз тошни топа олса, тош яширган қизнинг ўзи давра ўртасига ўтиришига тўғри келади. Агар топа олмаса, ўйин қоидасига биноан, ўзи давра ўртасига ўтиради. Мисол тариқасида, давра ўртасига ўтирган қизнинг исмини Зебо деб оламиз. Қўлларни занжирсимон ушлашиб олган қизлар даврада ўтирган қизнинг атрофидан шу ўйин учун тўқилган қўшиқни айтишиб, айлана бошлайдилар:

Зеболарника бордик, гуллолаларни тердик.
Баландлиги унча, пастлиги мунча,
Кенглиги бунча, торлиги шунча.

Ўйнаб беринг, куйлаб беринг, биттасини сайлаб беринг.

Қўшиқни айтишаётган қизлар сўзларни рақс ҳаракатлари орқали кўрсатиб борадилар. Қўшиқ охирида қизлар қарсак чалиб ва қўшиқни янада тезроқ айта бошлайдилар. Шундан кейин ўртада ўтирган қиз дарҳол ўрнидан турадида, қизлардан бирини сайлаб беради. Сайланган қиз эса унинг ўрнига яъни, давра ўртасига ўтиради. “Сайлаб беринг” фольклор мусиқали ўйини шу тариқа давом этаверади.

Хулоса қилиб айтганда, болалар халқ ўйинлари йиллар давомида сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб, ижобий ўзгаришларга учраб, бадиий ва эстетик томондан шаклланиб, янги-янги қўшиқ ва рақс ҳаракатлари эвазига бойиб, бизнинг даргача етиб келган. Аввалига содда тузилишда бўлиб, қўшиқлар ўрнида оддий шеърлардан иборат бўлган ўйинлар, кейинчалик беғубор болаларнинг ижоди эвазига қўшиқларга айланган. Кейинчалик эса замонавий ижодкорлар ижодлари орқали қўшиқлар куплетли ва нақоратли бўлиб шаклланган. Ўйинлар маъносига қараб куплетлар яккахон ўйин иштирокчиси томонидан куйланса, нақоратида ўйиннинг

барча иштирокчилари қўшилишиб куйлашган. Шу билан бирга ўйинлар маъносига қараб рақс ҳаракатлари ҳам бойиб борган. Шундан кўриниб турибдики, болалар фольклор мусиқаси ривожланиши ва шаклланишида болалар халқ ўйинларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлган.

Адабиётлар:

1. И. А. Каримов “Юкасак маънавият-енгилмас куч” Тошкент. Маънавият. 2008 йил.
2. Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов “Ўзбек халқ поэтик ижоди” Тошкент. Ўқитувчи. 1990 йил.
3. Ҳ. Ғафуров “Халқ ўйинлари, қўшиқлар ва анъаналарига бир назар” Тошкент. Камалак. 1992 йил.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ТЎЙ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРДА АРХАИК ҲОЛДАГИ ХАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистри Эшниёзова Файзия Сайъдулло қизи

Мамлакатимиз ўз эркига эга бўлгандан сўнг, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, хусусан спорт соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўла бошлади. Айниқса, юртбошимизнинг спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Спорт – соғлом муҳитни яратишда, ёш авлоднги ҳар томонлама жисмонан ва маънан камол топтиришда ҳал қилувчи кучга эга. Сабаби, биз ҳамон тараққиёт сари кетаётган эканмиз, ҳали йўлимизда ечилиши керак бўлган таълимий муаммолар талайгина. Масалан, шу кунларда ҳаёт талаби ва тарбия услублари ўртасида қандайдир заифлик, бўшлиқ мавжуд. Бинобарин, мана шу бўшлиқни тўлдириш учун халқимизнинг бебаҳо анъаналари, ноёб қадриятларидан ҳисобланмиш халқ ҳаракатли ўйинлари, жисмоний тарбия машғулотлари муҳим ўрин тутади. Хўш, халқ ҳаракатли ўйинларининг мақсади нима? Албатта, бу ўйинлар

эрмак учун ўйналмайди. Чунки, бу зукко халқимизнинг асрлар мобайнида жамланган маънавий жавохирлар мажмуасидир. Ўзбек элининг донишмандлигини қарангки, ҳар бир ўйин, аввало, содда, қизиқарли тузилган бўлиб, унинг мағзига халқ оҳанг, миллийлик, меҳр-оқибат, жасорат, мардлик, ватанпарварлик, фидойилик, инсонийлик каби туйғулар сингдирилгандир. Таълим ва тарбиянинг бундай уйғунлиги етук инсонни тарбиялаш учун дастуруламал вазифасини ўтайди.

Тарихга мурожжат қиладиган бўлсак, ибтидоий жамоа давридаёқ халқ ҳаракатли ўйинларининг дастлабки намуналари пайдо бўла бошлаган.фидоий халқимиз неча юз йиллар давомида ҳар бир ўйинни қалб қўри билан яратди, сайқаллади ва мукаммаллаштирилди. Сараланган ўйин турларини келгуси авлодлар учун кўз қорачиғидай асраб авайлаб келди. Тараққиётнинг ҳар қандай босқичларида катта авлод вакиллари кенжа авлод вакиллари учун ёрдам қўлларини чўзиб, имкон қадар ўз тўплаган тажрибаларини севимли машғулотларига бўлган муносабатларини ёшларга ҳам тинмай ўргатиб, тадрижий боғланишни вужудга келтирди. Натижада, ёшларга жисмоний тарбияга бўлган интилиш кучайиб, бу ҳол одатий бўлиб борган. Агар халқ ҳаракатли ўйинларини синчиклаб ўрганадиган ва уларнинг ҳар бирини кўриб танишадиган бўлсак, нафақат кўзингиз қувонади, балки бу қалбингизна маънавий етуклик, жисмоний баркамоллик туҳфа этади. Демак, ёшларни ижтимоий тарбиялаш жараёнида халқ харакатли ўйинларидан ўз ўрнида кўпроқ фойдаланилса, ўйинларнинг таъсирчанлиги ҳам ошади. Бунинг мамлакатимиз ва миллатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи юксалиши учун аҳамияти катта. Шундай қилиб, халқ яратган харакатли ўйинлар меҳнат, турмуш тарзи, атроф-муҳит табиати, халқнинг маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари, инсоний қадриятлари билан бирикиб, ажойиб мутаносибликни ҳосил қилади. Ёшларни жисмоний тарбиялаш жараёнида айрим мажбурий машқлар ўрнига миллий халқ ўйинлари, рақслари, жисмоний машқлари ва миллий спорт турларини саралаб олиш, улрнинг ҳажми, йўналиши ва таъсирчанлигини белгилашда Алишер Навойининг “Маҳбубул-қулуб”, “Фарход ва Ширин”, Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома”, Ибн Синонинг “Ал-Қонун”,

Қайковуснинг “Қобуснома”, Махмуд Қошғарийнинг “Девонул луғатит турк” асарлари ажойиб манба бўлиб ҳизмат қилади. Ўзбек халқ ўйинларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва уни ёшларни тарбиялаш амалиётига жорий қилиш, ўз қадриятларимиз, маданиятимиз ва маънавий бойликларимизнинг юксакликка кўтарилишида асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Халқ яратган буюк хазинани эҳтиёт қилиб сақлашимиз, миллийлик бўёғини асрашимиз ҳамда уни келажак алод учун бекаму-кўст етказишимиз зиммамиздаги асосий вазифадир. Нима учун узоқ ўтмишдан бери халқ ҳаракатли ўйинларига бундай беқиёс аҳамият бериб келинган? Уларни ички ва ташқи моҳияти нимадан иборат? Нима учун бугунги кунда ҳам таълим масканларида халқ харакатли ўйинлари фан сифатида ўқув машғулот режа дастурларидан жой олган, деган ўринли саволлар туғилади. Гап шундаки, 1891 йилда илк бор баскетболни ихтиро қилган коллеж ўқмитувчиси америкалик Джеймс Нейсмит, 1895 йилда биринчи бўлиб волейболни яратган ва коллеж талабалари ўқув фаолиятига жорий этган Уилям Морган (АҚШ) лар ҳамда мазкур йўналишда илмий изланишларни олиб бораётган кўплаб мутахассис-олимлар тадқиқотларига қараганда жисмоний тарбия машғулотларида доимо гимнастика, югуриш каби стандарт машқлар билан шуғулланиш асаб-нерв органларига салбий таъсир кўрсатар экан, бир хиллик хусусиятига эга бундай стандарт (стериотип) машқлар мушак тўқима ва толаларида тезроқ толиқиш аломатларини юзага келтирар экан. Кузатувлар ва тадқиқотлар асосида исботландики, жисмоний тарбия дарсларида ёки бўш вақтларда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш инсон организмининг функционал органлар фаолиятини бошқарувчи марказий асаб тизимига ҳар томонлама ижобий таъсир этар экан.

Ҳаракатли ўйинлар давомида болаларни муайян ролларга, образларга (овчи, мерган, топқир, айиқ полвон, тулкивой ва бошқа тақлидлар) кириб келиши уларда изланиш, ижодкорлик ва топқирлик, зукколик ва бошқа шу каби хислатларга эришишга ундовчи мотивацияни юзага келтириб, нафақат ушбу тақлид, балки ҳаракатларга бўлган эҳтиёжни қондириш йўлларини топишга чорлар экан. Дарҳақиқат, халқ ҳаракатли

ўйинларининг турлари ва мазмуний шакллари хилма-хил бўлиб, улар хотира, диққат, идрок, онг, тафаккур, ирода каби қобилиятлар, талаффуз, нутқ, интонация каби ҳислар, ҳамжиҳатлик, ҳақгўйлик, ватанпарварлик, ўзаро ёрдам бериш, одоб-аҳлоқ, мардлик, ботирлик, жасурлик каби фазилатларни шакллантиради, тарбиялайди. Шунинг учун ҳам умумбашарий ва миллий халқ ҳаракатли ўйинлари инсон саломатлиги, унинг дунёқараши, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол шахс сифатида тарбиялашда устувор восита эканлиги исбот талаб қилмайди.

ТОҒЧИ ҚАВМЛАРНИ ЭТНИК ЖОЙЛАШУВИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШНИНГ ЭТНОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс Этнография, этнология, антропология бўлими магистри Раҳмонов Мухаммад Ҳабубило ўғли

Тоғчиларнинг тили турк ва қарлуқларнинг тилига яқин бўлиб, қатағонлар шеваси каби ўзбек тилининг қарлуқ лақжасига киради. Уларда ички никоҳ –эндогалия анъаналар жуда кучли сақланган бўлиб, фақатгина баъзан тожик ва турклар билан қиз олиб беришган. Маҳаллий қўнғирот, дурман, юз, лақай каби ўзбек қабилалари билан никоҳ алоқалари умуман тақиқланган эди. Тоғчиларнинг асосий анъанавий машғулотлари чорвачилик (қўй, эчки боқиш), деҳқончилик ва ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳунармандчиликда арча кесиб, чўян эритиш, кўмир, руда қазиш билан шуғулланганлар. Улар сув тегирмонларни кўпроқ қуриб ишлатишган. Тоғчилар аждодларининг келиб чиқишини Афғонистоннинг Қундуз (ўзбек қатағонлар юрти) ва Балх вилоятларига боғлайдилар. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларининг тоғчилари Амударёнинг ўнг томонида яшовчи ўз уруғдошлари билан ҳар томонлама алоқада бўлишган. Этнографик маълумотларга кўра, тоғчилар Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги туб (автохтон) туркий қавмлардан бири ҳисобланадилар. Дашти Қипчоқ ўзбекларнинг юришларида, тоғчилар қатағонларга қўшилиб шимолий Афғонистонга

кетишган. Кейинчалик турли феодал низолар туфайли тоғчилар-тоғчи қатағон номи билан ўзларининг юртларига қайтиб келганлар. XX аср бошларида содир бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туфайли тоғчиларнинг кўпчилиги ўзбеклар, баъзи гуруҳлари эса тожиклар таркибига сингиб кетиб, мазкур миллатларнинг муштарак қисмига айландилар. Ҳозирда Бойсун шаҳар марказида, Авлод, Сариосиё, Даштиғоз, Омонхона, Саройтош қишлоқларида тоғчи-қатағонлар умргузаронлик қиладилар. Улардан кўплаб машҳур чобағонлар ва полвонлар етишиб чиққан. Совет ҳокимияти йилларида, 1940 ва 1949-1956-йилларида жуда кўплаб тоғчилар Денов, Жарқўрғон, Сурхон ва Музработ туманларига мажбуран кўчирилган. Ҳозирда ўша ерда истиқомат қиладилар. Шероботдарёнинг юқори оқими (Мачайдарё)да яшовчи чубош-қатағонларга мансуб бўлиб, Қизилновур, Кўмирчи, Кўксой, Кентала (Кенгдала) қишлоқларида кун кечиришган. Чубош-қатағонлар икки гуруҳга бўлинган: худойберди ва алаҳмат. Панжобдаги Лайлагон қишлоғида ҳам тоғчилар турishган. Шарқий Туркистон ҳудудида тоғлик этник гуруҳларнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятида ўзбек тоғчиларининг маълум даражада алоқадорлик жиҳатлари мавжуд. Тоғчиларнинг жисмоний кўриниши бошқа этник гуруҳлари каби бир хил эмас. Уларнинг ташқи қиёфасида монголоид ирқига хос белгилар камроқ бўлиб, тоғда яшовчи тожикларга кўпроқ ўхшайди. Тоғчиларнинг тили турк ва қарлуқларнинг тилига яқин бўлиб, қатағонлар шеваси каби ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасига киради. Уларда ички никоҳ-эндогамия анъаналари жуда кучли сақланган бўлиб, фақатгина баъзан тожиклар ва турклар билан қиз олиб беришган. Маҳаллий қўнғирот, дўрмон, юз, лақай каби ўзбек қавмлари билан никоҳ алоқалари умуман тақиқланган эди.

Тоғчиларнинг асосий анъанавий машғулотлари чорвачилик (қўй, эчки боқиш), деҳқончилик ва ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳунармандчиликда арча кесиб, чўян эритиш, кўмир, руда қазиш билан шуғулланганлар. Улар сув тегирмонларни кўплаб қуриб ишлатишган. XX асрнинг бошларида содир бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туфайли тоғчиларнинг

кўпчилиги ўзбеклар, баъзи гуруҳлари эса тожиклар таркибига сингиб кетиб, мазкур миллатларнинг муштарак қисмига айландилар. Мухтасар қилиб таъкидлаш лозимки, юртимизнинг жанубий сарҳадларидаги пурвиқор тоғ этакларида азалдан умргузаронлик қилган нуфузли ва сарбаланд қавм-тоғчиларнинг этник тарихини янги тарихий-этнологик манбалар асосида ҳаққоний тарзда ўрганиш ва халқимизга сингдириш, миллий ўзликни янада теранроқ англашда ҳам жамиятимиз маънавиятини оширишга хизмат қилади.

Тоғчи қавми. **Ў**з миллий мустақиллигини қўлга киритгач, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан қатъият билан бормоқда. Мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тарихий мафкурани шакллантириш, чинакам маънавий-ахлоқий қадриятларни тиклаш учун қулай имкониятлар яратилди. Ватан тарихи ва ўзбеклар этногенезини тўлақонли ва ҳаққоний ўрганиш Давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди миллий уйғониш даврида тарихда ким эдигу, яқин ўтмишда ким бўлиб яшаганимизни, аждодларимиз қайтарзда умргузаронлик қилганлигини рўй-рост тасаввур қилиши лозим. Шу боисдан ўзбекларнинг шаклланишида фаол иштирок этган қавмлардан бири-тоғчиларнинг ўтмиши ва кечмишини ҳолисона ўрганиш этнология-элшунослик фанининг долзарб муаммоларидан биридир.

Тоғчи|тоқчи|, тахчи|-ўзбек уруғларидан бири. Бу сўз «тоғлик» деган маънони англатади. Элшунослар фикрича, (К.Ш.Шониёзов, Б.Х.Кармишев ва бошқалар) тоғчилар дастлабки ўзбек қабилалари гуруҳига киради. Улар баъзан ўзларини Дашти қипчоқ-қатағонларига ҳам мансуб деб биладилар. Лекин тоғчиларнинг аждодлари Жанубий Ўзбекистон ҳудудида дашти қипчоқ ўзбеклари келмасидан ҳам бурун яшаганлар. Бу қавм вакиллари тоғларда истиқомат қилганликлари сабабли, тоғчилар (тоқчилар, тахчилар) деб аталган.Қатағон уруғининг жон қатағон тармоғида тахчи гуруҳи мавжуд. Тоғчилар сони ва нуфузи жиҳатидан чиғатойлар ва қўнғиротлардан кейин туришиб, асосан Сурхондарё воҳасида

яшаганлар. Бойсун беклигида учта йирик-тожик чиғатойлар, хўжалар ва тоғчилар доимо ёнма-ён истиқомат қилганлар. 1924 йилги маълумотларда Бойсун туманида 5605 нафар тоғчи қайд этилган. Тоғчи, тоқчи, тахчи - ўзбек уруғларидан биридир. Бу сўз «тоғлик» деган маънони англатади. Бойсун туманида Туркондарёнинг (Мачайдарё) юқори қисмида Қизилновур, Кўмирчи, Кентала, Кўксойда қишлоқларида чубош қатағонларга мансуб тоғчилар истиқомат қилади.

Чубош қатағонлари икки гуруҳга бўлиниб, булар Худойберди ва Аллахмат гуруҳига бўлинади. Бойсуннинг Қайрок, Яккатол, Олачапон, қишлоқларида ҳам тоғчи-қатағонлар яшайди. Қатағон уруғининг жон қатағон тармоғида тахчи грухи бор. Тоғчилар сони ва нуфузи жихатидан чиғатойлар ва қўнғиротлардан кейин туруб, асосан Сурхон воҳасида яшаганлар. Бойсун беклигида (1868-1920) учта йирик тожик-чиғатойлар, хўжалар ва тоғчилар доимо ёнма-ён яшаганлар. 1924 йилги маълумотларда Бойсун туманида 5605 нафар тоғчи яшаганлиги қайд этилган. Тоғчиларнинг озсонли қисмлари Бойсун шаҳар атрофларида ҳам кун кечирганлар. Бойсуннинг Новлон (навлулиён бўлса керак) маҳалласида бир неча тоғчи-оилалари тожик –чиғатойларга қўшни бўлган. Сариосиё қишлоғида тоғчилар тожик- чиғатойлар ва хўжалар ҳамда қўнғиротлар билан бирга турмуш кечирган. Аҳолисини асосий қисми тожик- хўжалар ҳисобланган. Авлод қишлоғида 30-40 тоғчи оиласи алоҳида маҳаллани ташкил этган. Элшунос Б.Кармишеванинг фикрига кўра, тоғчиларнинг жисмоний кўриниши бошқа этник гуруҳлари каби бир хил эмас. Уларнинг ташқи қиёфасида монголоид ирқига хос белгилари камроқ бўлиб, тоғда яшовчи тожикларга кўпроқ ўхшайди.

Сарой- ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси. 1924-26 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатида Ўзбекистон территориясида яшовчи саройларнинг сони 50 мингдан ортиқ бўлиб, уларда 18 минги Бухоро воҳасида яшаганлари қайд қилинган. Саройлар таркибида бир қанча кичик ва катта қабилалар мавжуд бўлган. Сарой қабиласи таркибида тоғчи уруғи бор.

Масалан: аз-сарой, қипчоқ –сарой, қорабоғ-сарой, қўнғирот

–сарой, Можар-сарой, кигиз-сарой, найман-сарой ва бошқалар. Саройлар этник бирлашма сифатида XIV-XV асрлар давомида Дашти Қипчоқда шаклланган бўлиб, XVI асрда бошқа ўзбек қабилалари билан бирга ҳозирги Ўзбекистон территориясига келиб жойлашган.

Учтамғали-йирик уруғлардан бири. XX асрнинг бошларига қадар сақланиб келган. Улар қипчоқлар таркибида бўлишган. XV-XVI асрлар давомида Нўғай Ўрдасининг ерларида кўчиб юрганлар. Нўғай Ўрдаси емирилгач (XVI асрнинг 2 ярми) Учтамғалиларнинг бир қисми Азов денгизининг соҳилларига кўчиб ўтиб, кейинчалик нўғай халқининг, Дашти қипчоқда қолган қисми эса Зарафшон водийсидаги қипчоқлар, Тошканд воҳасидаги қурамалар ҳамда қозоқ, Қорақалпоқ, қирғиз халқлари таркибига сингиб кетган.

Тўққиз –ўғиз-тўғиз-ўғиз (қадимда туркийга ўғиз қабила) қадимий туркий қабила иттифоқларидан бири. Тўққиз-ўғиз қабила иттифоқининг асосан 9 қабила ташкил қилган. Улар ҳозирги тива, олтой, теленгут, уйғур халқларининг илк аждодлари ҳисобланади. Ҳозирда уйғурлар таркибига сингиб кетганлар.

Кийикчи - Б.Х.Кармишева- кийикчиларни манғитларга мансуб деб қарайди.

Олачопон - жалайирларнинг Қорачопон уруғи, шунингдек оттунни, оқчапон, олачопон деган уруғлари ҳам бўлган.

Оқлар - оқ туркман уруғи: ўзбек халқининг уруғ, уруғ бўлимлари номида оқ сўзи кўп такрорланади: оқманғит, оқших, оқпичоқ, оққўйли, оқтўнни, оқпалтак, оқсори, оқтамғали, оқчепкан, оқтона, оқчаноч, оқтелпак, оқбўрибой, оқбой. Бу тип этонимлар кўпчилигининг зид номлари ҳам бор: қораманғит, қорақалпоқ, қорателпак, қорақўнғирот, қоракуччи, қоратўнни (кўктўнни), қорақўйли, қоратона, қоракалтак, қорапичоқ ва хоказо.

Патос - Сурхондарё туркман – жузларининг вахтамғали бўлимида патос, болахур, кўса, қарға, йурға, ёс, тароқли, эгарчи (иярчи) уруғлари бор.

ТОПОНИМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ ЎРНИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 2-курс магистри Жумаев Мустафа Эркин ўғли

МИНОР – Жарқўрғон туманида жойлашган қишлоқ ва шу номли маҳалла. Қишлоқ шу ҳудудда мавжуд қадимий минора номидан олинган. Бартольднинг фикрига кўра, Жарқўрғон жанубидаги минора жойлашган қишлоқ ҳудудида қадимий Сарманкан ёки Чарманган номли ўрта асрлар шаҳри мавжуд бўлган. Бу шаҳар ҳозирги Минор қишлоғи ўрнига тўғри келади[1]. Э.В.Ртвеладзенинг маълумотига қараганда минора яқинида баландлиги 3 метр келадиган 30х25 метрли Култепа деб номланган тепада ўрта асрларда ҳаёт қайнаган[2]. Ушбу қадимий шаҳар Истаҳрийда Жарминкон, Ибн Ҳавқалда Жарминқон[3], «Ҳудуд ал-олам»да Чармангон[4], ал-Яқубийда Сарманкан, ибн Хўрдодбеҳда Сарманжон шаклида тилга олинади. Шу билан бирга ибн Ҳавқал ат-Термиз вилоятида кетма-кет жойлашган Жарминқон ва Сарманжи деган шаҳарларни ҳам қайд этади. Бошқа манбаларда бундай шакли учрамайди.

Ш.Камолиддиннинг фикрича, карвонлар Чармангон (Жарминқон / Жарминкон / Сарманкон / Сарманжон) шаҳрига етгунча йўлда яна бир ерда, яъни унга қарашли ерларнинг чегарасида тўхтаб ўтганлар. Бу шаҳарнинг ўз ноҳияси бўлганлиги ҳақида ас-Самъоний айтиб ўтган эди[5]. Демак, аён бўладики, ибн Ҳавқал қайд этган Жарминқон – бу шаҳар, Сарманжи эса унинг туманидир. Қолаверса, шаҳардан чиққан одамлар ас-Сарманжиний нисбаси билан машҳур бўлганлар.

Жарминқон (Чарманган/Сарманкан) номини изоҳлашда унинг жойлашиш ўрнига эътибор бериш лозим бўлади. Топоним сар(чар~*жар*)+ман+ган(қон) компонентларидан ташкил

[1] Бартольд В.В. Сочинение. Том 1, 1963, стр. 123.

[2] Аршавская З.А., и др., стр. 40, 119.

[3] Ибн Ҳавқал, 85-бет.

[4] «Hudud al — alam» the regions of the world. Tran. and explaned by V. Minorsky. — London, 1937, p. 114.

[5] Ибн Ҳавқал, 311-бетдаги 7-изоҳ.

топган. Биринчи компонент: сар~*чар*~жар – қадимги туркийча *jar* – «жар» сўзи билан боғлиқдир. *Jar qašï* – «жарлик чеккаси» демакдир[1]. Бу сўзнинг «дарё» маъноси ҳам бор[2]. Ман~мон~*мин* (яғнобча майн, мейн) қадимги сўғдийча сўз бўлиб, «маҳалла», «қишлоқ»;[3] ган~кан~*қон*-«шаҳар»[4].

Сурхон дарёси бўйидаги ушбу аҳоли пункти жар ёнида вужудга келганлиги боис дастлаб Жармин, яъни «Жар устидаги қишлоқ», «Жарқишлоқ» деб аталган. Савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг тараққий этиши билан қишлоқ йирик шаҳарга айланган ва унга ган~кан~*қон*–«шаҳар» сўзи қўшилиб, Жарминқон номини олган. Жарминқон – «Жармин шаҳри»[5]. Кейинроқ, араб манбаларида Сарманкан, форс манбаларида эса Чарманган шаклларида талаффуз этилган.

Қадимий Жарминқон шаҳридан меъморчилик ёдгорлиги сифатида фақат Жарқўрғон минораси сақланиб қолган. Жарқўрғон минораси Хуросон меъморчилик анъаналари асосида яратилган. Минора саккиз қиррали пойдевор устига ярим айлана (гарф) шаклида 16 қиррали қилиб қурилган. 20 метрча баландликда айлана қирралар устида ёзувли белбоғ ишланган. Унинг устида яна ярим айлана қирралар давом эттирилган, лекин минора тугалланмаган (учи бузилиб кетган).

Қадимги Жарминқон инқирозидан кейин унинг харобаларидан 5 км шимолда ҳозирги Жарқўрғон шаҳри вужудга келган. 1916 йилги рўйхат вақтида Бухоро амирлигининг Шеробод беклиги Жарқўрғон амлакдорлиги қайд этилади. Шу билан бирга Чироқчи беклиги Қоратепа амлакдорлиги, Бойсун беклиги Қумқўрғон амлакдорлиги ва Китоб беклиги Пистахон амлакдорлигида Жарқўрғон номли қишлоқлар ҳам тилга олинади[6]. Жарқўрғон – «жарлик устидаги қўрғон, қишлоқ» деган маънони беради[7].

---

[1] Древнетюркский словарь, стр. 238.

[2] Древнетюркский словарь, стр. 238.

[3] Нафасов Т. 1989, 67-бет.

[4] Древнетюркский словарь, стр. 297.

[5] Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т, ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг маъноси. “Сурхоннашр” нашриёти, 2017, 101 бет.

[6] Населенные пункты Бухарского эмирата.., стр. 54-55.

[7] Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т, ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг маъноси. “Сурхоннашр” нашриёти, 2017, 102 бет.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 1 –курс магистри Хурсанова Маҳлиё Баҳодир қизи

Бойсун мусиқа мероси. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ўзбекистоннинг қадимий масканларидан биридир. Бу ўлка ўзига хос ижтимоий-маданий тараққиёти тарихига эга. Қадимги Юнон-Бақтрия ва Кушон салтанати маркази саналган, савдо йўллари чорраҳаларида жойлашган, ўтмишда Осиёнинг энг ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланган бу воҳа, эндиликда қадимий анъаналарни, беқиёс аҳамиятга молик моддий ва маънавий меросни сақлагани туфайли халқ ижодиётининг ўзига хос маданият қўриқхонасига айланиб қолган. Сурхон-Бойсун заминида қадимий халқ анъаналари янги замон руҳига мос тарзда равнақ топган.

Бойсун – ғоят ажойиб мусиқа маданиятига эга бўлган ҳудуд ҳисобланади, унинг анъаналарида ўтмиш замонларга хос жиҳатлар сақланиб қолган ва уларда узоқ асрлар давомида шаклланган ранг-баранг мусиқа асарлари (болалар қўшиқ айтимлари ва чолғу чақириқларидан то дастурий чолғу куйлари, йирик ашулалар ва достонларгача), ўйин-рақслар, беқиёс оҳанглар мавжуд. Улар ҳозир ҳам равнақ топиб, кўпгина инсонларга маънавий-руҳий озиқа бермоқда. Бойсун минтақаси аҳолиси ҳозир ҳам қадимий анъанавий ҳаёт тарзи ва хўжалик фаолияти билан яшамоқда. Бу ерда фарзанд туғилишидан тортиб, никоҳ тўйларигача, “Наврўз” дан то хосил байрамларигача, даволаш ва аза-мотам одатлари қадимий маросим, урф-удумлари, эътиқоди ва анъаналари асосида ўтказилиб келинмоқда. Аҳолисининг кийим либослари ва халқ ҳунармандчилиги (каштачилик, гиламдўзлик, тўқимачилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа) ҳам анъанавий, ўзига хосдир.

Бойсун халқининг бой ва ранг-баранг бадиий мероси кўп асрлик анъаналарга эгадир. Ушбу ўзига хос халқнинг тарихий

хотираси, минг йиллик маънавий тажрибаси бўлмиш кўп қатламли мерос ичида мусиқа алоҳида аҳамият ва катта ўрин эгаллаб туради, у ўзига хос миллий хусусиятлари ва чуқур образли, таъсирчанли мазмуни билан ажралиб туради. Унда халқнинг дунёқараши, эътиқоди, руҳи, халқнинг турмуши, тарихи, қиёфаси, маиший тарзи ўз ифодасини топган. Бойсун мусиқа меросининг асосий хусусияти – бу оғзаки тарзлик. Ушбу мерос ўзида иккита йирик қатламни қамраб олади – мусиқа фолклори ёки халқ мусиқа ижодиёти (унинг ижодкори, ижрочиси ва тингловчиси омма, халқ бўлган), улар маълум вазият-маросим меҳнат, оила ва ҳоказо, маконда ташкил топган; иккинчиси – мумтоз мусиқаси ёки оғзаки-профессионал мусиқаси (уларнинг ижодкори халқ намоёндалари – етук хонанда, созанда ва бастакорлар бўлган), ҳар бири ривожланган куй, мураккаб шакл ва ранг-баранг ижро услуб-усуллари билан ажралиб туради. Бойсун халқининг ўз илдизлари билан ўтмиш замонларга бориб тақаладиган мусиқа мероси – барча хилма-хил жанрлари ҳамда бой тасвирий воситалари билан бугунги кунгача сақланиб, ривож олиб келмоқда. Қаҳрамонлик, ботирлик, тарихий ва романтик-лирик мазмунидаги эпик асарлар – достонлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек мусиқа чолғулари ҳамда мусиқа амалиёти, мусиқа ижрочилиги услублари билан боғлиқ бўлган чолғу мусиқаси жанрлари ҳам ғоят ранг-баранглиги ва бойлиги билан тавсифланади.

Бойсун мусиқа мероси ҳар қандай халқ ижоди каби воҳа аҳолисининг дунёқараши, фикри, орзу-умидлари, уларнинг турмуши ва ахлоқи, меҳнати ва руҳи, фалсафаси, ижтимоий ва миллий озодлик учун кўрашининг ифодаси сифатида гавдаланади. Унинг мавзу жиҳатдан серқирралиги, жангларга бойлиги ва ҳаётда тутган ўрнининг хилма-хиллиги ҳам ана шу билан боғлиқдир. Бадиий анъана – бу санъатнинг узоқ вақт давомида халқ тажрибасидан ўтиб одат тусига кирган хусусият, “ҳақиқий халқ гуруҳи”ни ифодаловчи ҳамда халққа хос бадиий кўриниш, унинг ижодида чуқур илдизи борлигини кузатиш мумкин. Анъана қиёфаси кенг қамровлидир – у халқнинг мусиқа маданиятидаги миллий услублар хусусияти, халқ ижрочилиги услублари, усуллари ва бир қатор аҳамият

хусусиятлари (санъат дунёсини аниқлаш учун зарур бўлган) билан боғлиқдир. Бинобарин, бадиий, айниқса, мусиқа анъаналарининг кўпқирралиги ва бойлиги шундан иборат. Фолклор-халқ оғзаки ижодини, унинг тарихи, турмуш тарзи, меҳнати, одат ва маросимларни ифодаловчи омилдир.

Аждодларимиз санъати- зардуштий ва буддавийлар даври мусиқа санъати (милоддан аввалги IV-III милодий VII аср) ҳақидаги илк маълумотларни Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилади: «Афросиёб ўз куёви Сиёвушни ўлдиради. Сиёвушнинг эса Кайхусрав исмли ўғли бор эди». Бухоро аҳолиси Кайхусравнинг отаси Сиёвуш ўлиши муносабати билан ажойиб қўшиқ яратди. Машшоқлар бу қўшиқни «Қини Сиёвуш» («Сиёвуш қасоси») деб атаганликлари ҳақида маълумот берилади. Бу қўшиқни ҳамма жўр бўлиб айтган: Декламатсиячилар (каваллон) бу қўшиқларни (суруд) «Жодугарнинг йиғиси» (гристани муғон) деб атайдилар. Ана шу воқеадан буён 3000 йилдан кўп вақт ўтди» Зардуштийлар даврида Сарой маросими мусиқа ижрочилик амалиёти юқори даражага кўтарилган. Мисол тариқасида «Кири» қўшиқчилигини келтириш мумкин, буни нафақат саройда, хатто кенг аҳоли ўртасида ҳам ижро етишган.

Абу Райхон Беруний келтирган маълумотларга кўра, шу даврда Марказий Осиёда маҳаллий аҳоли йил давомида 7 турдаги байрамни нишонланган. Байрамлардан «Наврўз» гуё подшохнинг туғулиш куни сифатида тантана қилинган. Бу даврда кифара, флейта (най), арфа (чанг), энг қадимги чолғулардан дулноғора, йирик резноғора, ҳарбий ноғора, кичик ноғора, дойра(дапп) таблак, хинд табласи, кус, табира каби ўрма чолғулари кенг қўлланилган. Бохтар, суғдда жўр бўлиб куйлаш, якка тартибда қўшиқ айтиш ликопча, дойра, най ва бошқа мусиқий чолғулар жўрлигида рақс санъати ривож топган. Олти торли кичик бурчакли арфа, икки торли мотна чолғулари ҳамда икки томонли доул ҳам бўлган. Кушонлар даврида-қадимги буддавийларнинг мусиқа санъатида аёл чолғучиларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этган. Аёллар иштирокида уд, борбад, табла, дойра, чанқовуз, занг, санж, арфа ва конуссимон чолғуларда этилиши билан бирга хофизлик

услублари ҳам анча ривож топган. Эркаклар ижроси эса ноғора, катта ноғора (икки томонли ноғора) алъ-табралар, кус, дапп, кичик таблас, хинд табласи, гонг, дунай, шохфар, коранай, сафеднай, катта санж каби чолғулар билан боғлиқ бўлиб, асосан базм ва ҳарбий юришларда ижро этилган.

Тарихий манбаларга қараганда IV-VII асрларда «Самоий Наврўз», «Созн Наврўз», «Мусиқаи Наврўз», «Нози Наврўз», «Наврўзи Ҳаро», базмлари бўлиб ўтган. VII асрда шарқий машҳур санъаткори, назариётчи ва амалиётчи Борбаднинг мусиқа санъатидаги ўрни жуда салмоқли бўлган. У асли Парфияннинг қадимги пойтахти Нисо шаҳрида туғилган ва вояга етган. Дорбад диний ва фолъклор қўшиқлари билимдони бўлиб, у байрамларда ўша даврда машҳур бўлган «Сиёвуш қасоси» «Эрик қасоси», «Яздонофарин» каби қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этган. Борбад Марвазийнинг ижодида, айниқса ҳарбий қўшиқлар кўп бўлган. Унинг қўшиқлари бутун Шарқда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган. Қўшиқлар кўпинча урма чолғулар жўрлигида ижро этилган. Манбаларда таъкидланишича, Борбад Наврўзнинг ҳар бир кунига бағишланган 360 дан ортиқ куй ижод этган. У яратган 30 та тарона «Ой сокинлиги», «Жамшид ойнаси», «Кириш боғи», «Рух йўллари», «Тахт», «Тавдлст шахти», «Кўм-кўк», «Сарвистон», «Марварид соябон» каби номларда машҳурдир. Улардан 148 тасини номи ҳозир ҳам турли манбаларда эсланади. Барбад давридаги ҳарбий қўшиқлардан «Мозандарон» қўшиғи айниқса машҳур бўлиб, жанг майдонларида ва ғалаба тантаналарида ижро этилган[1].

Бойсуннинг анъанавий мусиқасининг шаклланиши ва ривож топиши бевосита у ерлик халқнинг этник тарихи билан боғлиқдир. Бойсун халқи этногенези хали тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, аммо, тарихий, этнографик, археологик, антропологик ва бошқа илмий маълумотларга кўра, у ерда инсоннинг энг қадимий турар жойи борлиги аниқланган (Тешиктош ва Амир Темур ғорларининг қазилмалари буларга яққол далилдир). Бойсунликларнинг мусиқа маданияти ҳақидаги илк маълумотларни Кушон Бақтрия, Тоҳаристон,

[1] «Қаранг, Мозийдан садо» журнали, 2004, 64 бет.

Чағаниён моддий маданияти ёдгорликлари бизгача етказиб берган. Уларда айрим мусиқа чолғуларнинг тасвирларини кўриш мумкин. Уларни турли маросимларда қўлланиши ҳақида сарой деворий суратлари ва меъёрий безаклари дарак беради. Моддий маданият ёдгорликлари тасвирланган бой ва хилма-хил мусиқий ҳаёт, кейинчалик, халқ ва халқ профессионал ижрочиларининг ижодкорлик ва ижрочилик фаолиятлари ривож олади (ўрта аср оғзаки ва ёзма манбалар, жумладан, халқ қаҳрамонлик эпоси "Алпомиш" бунинг далили).

КЎҲИТАНГ ТОҒ АҲОЛИСИНИНГ ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ МЕЪМОРЧИЛИК САЪНАТНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистри Сафаров Нурали Чори ўғли

Бойсун воҳаси хотин-қизлари ҳаётида безак ва тақинчоқлар билан бир қаторда каштачилик ҳам муҳим аҳамият касб этган. Каштачилик минтақавий ҳарактерга эга бўлиб, ҳар бир минтақанинг ўз услуби бўлган. Масалан, қўнғиротлар кўпроқ кўйлакларининг ёқаларига кашта ишлатган, чиғатой, ўзбек, тожик чиғатойлари хотин-қизлари каштани кўпроқ кўйлакларнинг енгларига, кўйлак олдига ишлатишган. Умуман олганда каштачилик воҳада кенг тарқалган. Одатга кўра, келинлар оқ матодан кашталаниб тикилган сўзанлар остида куёвнинг ўйига кузатилган. Ёш келин-куёвларнинг хонаси турли-туман каштачилик буюмлари билан безатилган. Кўрпа-ёпкичларига, ёстиқ жилдлари, сочиқ ва хаттоки баъзи уй-рўзғор буюмларига ҳам кашта тикилган. Бойсун воҳаси заргар усталари, мохир каштачилари томонидан тайёрланган билаузуклар, сирғалар, ханамат, гулбандлар ўзининг чиройлилиги билан кишини лол қолдирадиган ойнахалта, буғжаома, жойпўш зардевор сўзаналар республикамизнинг қолаверса хорижнинг бир талай нуфузли музейларида бебахо тарихий ёдгорлик сифатида жой олган.

Бойсунда - мато тайёрлаш. Ўзбек халқининг анъанавий

кийимлари узоқ тарихий жараёнлар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим анъаналар таъсирида шаклланган. Бинобарин, кийимлар ҳақида гапирганда уларнинг асоси бўлган матолар ва мато тайёрлаш усулларига алоҳида тўхталмоқ жоиз бўлади. Бойсунда мато уй шароитида тайёрланган. Матолар кўпроқ жундан, пахтадан маълум миқдори эса пилладан тайёрланган. Чорвачилик билан шуғулланган дурмон, юз, қўнғирот, турк каби уруғ аҳолиси жундан мато тўқиганлар. Пахтани Денов ва Шеробод бозорлардан савдо карвонлари олиб келиб сотганлар ва аҳоли бундан мато тўқиш учун фойдаланилган.

Тоғли худудларда жойлашган Тўда, Мачай, Қизилнавр, Кентала, Дуоба, Қўрғонча, Яккатол, Хавуз, Дехиболо, Пулҳоким, Сариқамиш, Пудина, Чаган, Кофрун, Даштиғоз, Инкабод, Узунқудуқ, Тиллокамар, Хўжабулғон, Дахнаижом, Шўроб, Паданг, Чорбоғ, Работ, Фотмабулоқ, Қиличбоғ, Чилонзор, Пудина, Бешэркак қишлоқларида яшовчи чорвадор оилалар асосан жундан мато тўқиганлар. Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Бибиширин, Пасурхи, Кучкак, Авлод, Сариосиё, Боғиболо, Шайид, Газа, Шўрсой қишлоқларида яшовчи аҳоли асосан пахтадан шунингдек, айрим ҳолларда жундан мато тўқиганлар. Х1Х аср охири - ХХ аср бошларида пахта ва жундан мато тўқиш анча тараққий этган ва бозорда истеъмолдан ортиқча бўлган пахта, жун ҳамда мол териларини сотганлар. Арқон, Айил каби буюмлар учун урчуқдан мато тўқиш учун эса чархдан фойдаланилган. Чарх қадимдан ишлатилиб келинган бўлиб Япония ҳамда Хиндистондаги чарх шакллари билан бир хил бўлган. Жундан фойдаланишда, аввал у махсус жун тароқда таралган, сўнгра урчуқ ёрдамида йигирилиб, ип ҳолатига келтирилган. Жундан мато тўқишда «ўрмак» деб аталувчи тўқув дастгохидан фойдаланилган. Жундан кигиз, гилам, шунингдек хуржун, қоп, чакмон, чолвар (шолвар) ҳамда турли хил арқон иплар тайёрланаган. Ипларга ранг бериш яъни бўяшда аввал иплар ювилиб сўнгра ишқорли сувда қайнатилиб, оқар сувда чайилган. Одатда матоларни қора, қизил, сариқ рангларда уй шароитида, яшил рангли бозорларда махсус бўёқчиларга яъни нилчиларга бўятишган. Қора рангни анор, ёнғоқ пўстлоғидан,

сариқ рангни чечак ўсимлигидан, қизил рангни руян ўсимлигиинг қурутилган илдизидан тайёрлашган. Шунингдек ипларни таббий ранглари (оқ, қора) сақланган. Туя жунидан малла рангли кийимлар, асосан чакмонлар тикилган. Бойсунда авлоддан - авлодга ўтиб келаётган қадимий матолардан-олача, бўз, хонатлас, шойи, беқасам, жанда кабилардан тикилган. Бойсун ҳудудида аввалдан кундалик турмушда кенг ишлатилиб келинган мато турларидан бири-бўздир.

Жанда- ўзига хос бўёқлар жилоси – навбатма-навбат тўқилган тўқ-сариқ, тўқ-қизил ва оқ-қора йўллардан иборат. Улар худди Бойсун табиатига хос бўёқларни, унинг ўрмонсиз тоғ ёнбағрини, қўёш орқали куйдирилган қояли ерни, чуқур дўваллар ва жарлик соясини ўзгача тасвирлайди.

Бўз-қадимий мато бўлиб, кўпроқ эркаклар учун кийим-кечак тикилган. Илгари аёллар кийими учун ишлатиладиган мато-олачадир. Олачанинг қизил, хаворанг, яшил каби турлари мавжуд бўлиб ола яъни йўллари майда ва тор бўлган.

Беқасам - йўл-йўл мато бўлиб, тўқишда орқоғи уришидан йўғонлиги учун юзида кўндаланг чивиқлар ҳамда ўзига хос товланма нақшлар мавжуд. Беқасамнинг ўриш иплари тўқишдан олдин, бўяганлиги боис унинг нақши икки томонлама, хилма-хил ва турли-тумандир. Беқасамдан туман аҳолиси чопон, камзул ҳамда кўрпачалар тикишда фойдаланганлар.

Паранжи - (арабча-фаражи-кенг кўйлак) кўпчилик мусулмон аёлларининг ёпинчиғи, чачвон билан ансамблъ хосил қилган. Аёллар гавдасини бошидан оёқ яшириб туришга хизмат қилади. Бичими кенг тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб борувчи узун бандаги (енги) этакка яқин жойда бир-бирига чатиб бирлаштирилади. Аёл юзини чачвон тўсиб туради. Авра-астрали қилиб тикилади. Авраси бахмал кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан тикилиб, четлари кашта тикиб, каштали жияклар тутиб безатилади. Астари чит, сатиндан тайёрланади, ҳамда четларига зангори, пушти ёки сидирға шойидан адип қилинади. Паранжини икки ёни (чўнтак урни)га тик тушган (25 см узунликда) 2 та жияк туташтириб чатилади, жияклар учидан попукчалар чиқарилган, баъзан қўнғироқчалар осилган. Қадимги Мисрда пайдо бўлган ва бошқа мамлакатларга

тарқалган. XVI асрдан аёлни бегона кўзлардан яширувчи ёпинчиғига, узун енглари безак қисмига айланган. Паранжи ёпиниш ислом шариатига мос келган. XX асрдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида (айниқса 1930 йиллардан бошланган «Ҳужум» ҳаракати ва бошқа туфайли) паранжи деярли урфдан қолган. Бойсунда - гилам тўқиш қадимдан тўқилиб келинган. Тарихшунос В.Г.Машкова гиламдўзлик санъати тарихини хақли равишда эрамиздан аввалги минг йилликлар маданияти билан боғлайди. Қадимшунос Г.А.Пугаченкова сак, суғд, массагетлар яъни қадимги аждодларимиз гиламдўзликни эрамиздан аввалги III-II асрларда оммавий равишда тўқилганлигини эътироф этади. Бойсун тоғи этагида яшовчи аҳоли (асосан қўнғиротлар, чиғатойлар) қадимдан гиламчилик билан шуғулланган. Улар босма кигиз, содда тўқилган олачадан тортиб тақир гилам, қоли (қолин) гиламларгача тайёрлашган. Хонадонларда асосан тўқилган туз халта, ойна халта, дастурхон, хуржунлар, қоп, шунингдек от жабдуқларини учратиш мумкин. Олачанинг қоқма олача тури орқов (кўндаланг тўқилган) қаттиқ тут ёки ўрик ёғочидан ясалган 0,6-0,7 м лик тўқув дастгохи (қилич) билан уриб-қоқиб тўқилганлиги учун шу ном билан аталади. Касмалдакка содда, қирқоёқ шаклидаги гул солиб тўқилган. Гулдор олача сербезаклиги билан қоқма ва касмалдакдан фарқланади. «Қулфи-калит», «Кўзи-тиши», «Майизгул», «Ханжар учи», «Қуроқгул», «Туморгул», «Балиқ кўз», «Иттовон» каби шакллар олачага ўзига хос жило беради. Ҳар бир безак шакли ўзига хос рамзий маънога эга.

Масалан: «Қулфи-калит» - бир-бирига қарама-қарши шаклда тушурилган, шохдор қўчқор калласини эслатувчи шакл бўлиб, у хонадон эшиги дўстига очиқ, душманга ёпиқлигини билдирувчи рамздир.

«Қуроқгул» - бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган тоғ-эчкисининг бурма шохини эслатади. Бу безак гиламга икки ёш (келин-куёв) бир-бири билан қўша қарисин деган ниятда тикилади.

«Иттовон»- нусхасида гиламнинг тўрт бурчагига тўртта нўхатдек ҳол тушурилади, чиллали келинчак ва ёш гўдакни ёмон кўзлардан асраш мақсадида қилинади.

«Ханжаручи», «Туморгул» - бир-бирига ўхшаш учбурчак шакллар бир қарашда пичоқнинг учи ёки туморга ўхшаб кетади. Гўёки у хонадонга қаратилган ёмон нафасни кесиб, уй сохибини асраб авайлайди. Гиламга чироз тўқилмайди, балки гиламга гир айлантирилиб 3-4 метр энликдаги оқ, қора рангли хошия шаклида тикилади. Чироз ўзига хос безак шаклини ўташ билан бирга тўқилган ипни тўзиб кетишдан сақловчи химоя вазифасини ҳам ўтайди.

Сурхон воҳаси ҳудуддаги шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоқларда заргарлик устахоналари ишлай бошлаган. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига уларнинг буюртмалари асосида турли-туман тақинчоқлар ва безакларни (узук, билакузук, сирға, балдоқ, латива, кўкракка ва бўйинга тақиладиган маржонлар) тайёрлаб берганлар. Аксарият заргарлар буюртмачиларни кутиб ўтирмасдан ўзлари тайёрлаган заргарлик буюмларини қишлоқма-қишлоқ юриб сотган ёки мол-мулкка дон-дунга алмаштирганлар. Шу тариқа даврга келиб аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб боради, бунга Шарқий Бухоронинг Россия томонидан истило қилиниши билан бошқа худудлардан келган заргар косибларнинг кўпайиши ҳам ўзига таъсирини кўрсатди.Тақинчоқ ва безаклар хотин-қизларнинг ёшига, кийим рангига, мато йўлига ва тиқилиш услубига қараб танланган ва тақилган. Улар такилиш ўрнига қараб турли гуруҳларга бўлинган. Шунга қараб бошга сочга, қулоққа, бурунга, кўкракка, бўйинга, қўлга тақиладиган тақинчоқ ва безаклар мавжуд бўлган. Бошқа такиладиган тақинчоқлар турига тиллақош, силсила, мохитилла, хатабак кабилар кирган. Тиллақош кумушдан ишланиб, бош кийим устидан кийилган ва қош устига тушиб турган, шунинг учун ҳам тиллақош дейилади. Бу безакни кўпроқ сувли қишлоқлар хотин-қизлар (чиғатойлар, тоқчилар, турклар) тақишган. Силсила ҳам кенг тарқалган тақинчоқлардан ҳисобланиб, уни маҳаллий халқлардан ташқари қўшни худудлардан келган туркманлар, араблар ҳам тақишган. Силсила кўпроқ тўй-хашамларда байрам кийимлари билан тақилган. Қарияларнинг шохидлик беришларича қадимий силсилалар тўрт қисмдан иборат бўлган (хатабак, силсила,гўйша ва чеккадуо).Хатабак ости яшил, усти

тўқ-қизил духобадан тикилган унга бир неча қатор қилиб бодом нусха кумушдан ясалган шакллар осилган. Силсилада эса уч-тўрт қатор метал ва кумушдан ясалган шакллар бир-бирига занжир орқали уланган. Силсила одатда хатабакнинг устидан тақилиб, хатабакнинг бир қисми силсила остидан кўриниб турган. Силсила чамбаршох (қўнғиротларда) устидан ҳам тақиб юрилган. Хотин-қизларнинг пешонага тақиладиган ярим ой шаклидаги тақинчоғи мохитилла деб аталган. У кумушдан ишланиб, турли рангдаги шиша кўзлар билан безатилган. Мохитилла бош кийимларга илгаклар билан беркитилган, бир қисми пешонадан тушиб турган, бошқа қисми эса қулоқлар ёнидан икки томонга осилиб турган. Энг кўп ва кенг тарқалган яна бири соч попук ва жамалаклар бўлган. Қора ип ёки ипакдан, баъзан эса қора жундан тайёрланган иплар учларига данакдек думалоқ қўнғироқлар осилган, булар сочга қўшиб ўрилган ёки махсус тахтачага боғлаб, орқадан сочга қўшиб боғланган. Одатга кўра ҳудуддаги барча хотин-қизлар имконлари борича сирға тақишга ҳаракат қилишган. Аксарият қизларнинг ёшликларида қулоқларини тешиб (улаш туфайли, кекса кампир қизалоқ қулоғини тешиб) унга маълум вақтгача ип ўтказиб, сўнг сирға тақилган. Ҳудудда кўп тарқалган тақинчоқлардан билакузук, узукларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, чунки ҳар бир хотин-қизда бу тақинчоқлардан бири албатта мавжуд бўлган.Шунингдек, Бойсун воҳаси заргарлари эски-тангалардан ҳам турли тақинчоқлар ясаган. Улардан кўкракка осиладиган ва сочга тақиладиган тақинчоқлар тайёрланган. Худудга хос аёллар тақинчоқлардан бурунларига тақиладиган сирғаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Сирға бурунларни асосан қўнғирот аёллари, тақишган. Бунда сирға бурунниng икки четига бурун паракларига ҳамда бурун ўрта деворига тақилган. Шунга кўра бу сирғалар латива, измак, аравак (арабак) каби номлар билан юритилган бўлса, ўрта деворга тақилганлари бўлови, бурун балдоқ деб ҳам юритилган. Қўнғирот хотин-қизлари кўпроқ бўйинга ва кўкракка тақиладиган мунчоқ маржонларни ёқтиришган. Кўп ҳолларда мунчоқ ва маржонларни ўзлари тайёрлашган. Бу мунчоқ ва маржонлар жавак, гулбдан, хапамат деб аталган. Шунингдек, безак ўрнида туморлар ҳам ишлатилган.

Улар кўпроқ тумор бўйин тумор деб юритилган. Қизиғи шундаки, бой савдогар оилаларининг эркаклари ҳам қўлларига қимматбахо узуклар тақиб юришган. Шунингдек, улар тақинчок сифатида саллаларига жива тақишган. Камарларини пичоқлари хинларини қимматбахо тошлар, безаклар билан безатишган.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНЛАРИДА МИЛЛИЙ ГИЛАМЛАРИ НАҚШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси
1-курс Тарих бўлими магистри
Джавлиев Бобирбек Бобомуродович

Бойсун туманидаги Сариосиё қишлоғида яшовчи уста Мусулмон Қаҳҳоров томонидан тўқилиб келаётган қадимий жанда матосининг ранги – тўқ сариқ, тўқ қизил ва оқ-қора чизиқларнинг навбатма-навбат тасвирланиши билан боғлиқ бўлиб, уста ўзи яшайдиган Сариосиё қишлоғи табиатининг рангларини, унинг ўрмонсиз тоғ ён бағирларини, офтобда куйган тошлоқ ерларини, довол ва жарликларнинг чуқур сояларини ўзида мужассамлаштирган жанда матосини тўқиган. Уста тайёрлаган чопон (тўн) да ингичка яшил – маҳаллий табиатни ифодаловчи яна бир белги – тоғлар ўсимликларга хасис-тасма ифодаси туширилиб, Сариосиёдан бир неча километр узоқликда хушманзара, гуллаган водийлар дунёси матоларда ўз аксини топган. Сариосиёда устанинг авлодлаари мато тўқиш билан шуғулланиб, уни бу ҳунарга ўргатган онаси, наслий тўқимачи Нарзи Қаҳҳорова бўлиб, устанинг онаси дастгоҳда атлас ва алачани тўқиган.

М. Қаҳҳоров Бойсундаги атлас ва беқасам тўқийдиган фабрикада ишлаб, матони тайёрлаш жараёнини мустақил ўрганиб, оқ пахта ипларни Жарқўрғондан, бўёқларни Денов бозоридан сотиб олиб келиб, эски анъанавий Алишер Навоий шеърларида эсга олинган жанда матосини қайта тиклаган. М. Қаҳҳоров анъаналарга эътибор бериб, жанда матонинг эни 50 см, битта тўнни тайёрлаш учун 7-8 метр мато кетишини яхши билиб

олган. Устанинг жанда матосини сотиб олиш учун ёнига қўшни қишлоқлардан, ҳатто Тошкент, Термиз шаҳарларидан, фолклор жамоларининг артистлари келишади. Жанда Бойсуннинг ўзига хос рамзи бўлиб қолган. Бу матодан тикилган тўнлар фахрли мехмонларга совға қилинади. Бойсун фолклор ансамблининг артистлари ҳам жандадан тикилган консерт костюмларига эга; улар жамоанинг шахсий расмий хужжати бўлиб қолган.

Мусулмон Қаҳҳоров саксондан ошган, унинг кўп сонли авлоди – 6 та ўғли ва 2 қизи – ҳаётда ўз ўрнини топган, лекин уста анъана узилиб қолмаслигига ишонади, чунки бу ерда, Бойсунда унинг шахсий, алоҳида замон ўзгаришларига бўйсунмайдиган ҳаёти мавжуд. Тақир-гилам тўқилиш ва гул солиниши усули билан гиламчилик технолгиясига яқин турса-да, патсизлиги туфайли олачага ҳам ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам тақир номини олган. Бойсун гиламчилигининг ўзига хос тўқилиши, ранг бериш ва гул солиши бўйича Сурхон воҳасида тўқиладиган гиламлардан фарқ қилади ва гиламчиликдаги энг нодир намуналари тўқилади. Унинг сербезаклиги, ўзгача жозибаси билан одам диққатини ўзига жалб қилади. Буни «Бойсун бахори» фестивалида иштирок этган чет эллик қадимшунос ва меҳмонлар томонидан эътироф этилди. Кўхна гилам намуналари ҳозирда ҳам айрим хонадонларда сақланмоқда. Гиламлар уларнинг турли шаклдаги безаклар халқлар тарихи этнографиясини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қилади.

Кигиз босиш - жун толалардан кигиз (намат) буюмлари тайёрлаш кигиз босишда жун толаларнинг тўқилиш хусусиятлари (дағал-майинлигига физик-механик хусусиятлари: пластинкалиги, эластиклиги, чўзулувчанлиги, киришувчанлигига аҳамият берилади. Илгари ва ҳозирда ҳам Бойсун қишлоқларида асосан ўзбек қўнғиротларида кигиз босиш қўлда бажарилади. Кигиз босиш касби, асосан қадимдан чорвачилик билан шуғулланган барча халқлар орасида кенг тарқалган. Сурхон воҳасида хусусан Бойсунда кигизнинг гулдор, ифодали рангбаранг нақшли турлари тайёрланади. Бешэркак, Узунқудуқ қишлоқларида тайёрланган кигизлар ўз ранги нақши, гули билан Хомконда ёки Пулҳоким ва Даштиғозда тайёрланган кигизлардан фарқ қилади.

Кигиз билан асосан аёллар шуғулланади. Ювиб тозаланган ва саваланган жун навлари бўйича (юзлик, оралиқ, орқалик) ажратилади. Хўлланган жун намат ёки буйра қалин устида текис ёйилади: аввал гули хосил қилинади, сўнг оралиқ ва навбати билан оралиқ қисмлари бир текис ёйиб чиқилади, устидан қайноқ сув қуйилади, сўнг намат думалатиб ўраб йиғилади, арқон билан боғланади. Ўрамаоёқ билан тепилади, билакланади, думалатилади. Вақт-вақти билан сув сепиб хўллаб турилади. Маълум вақтдан сўнг ўрам ечилади, сув сепилади ва яна ўралади ҳамда тайёр булгунга қадар бостириш давом эттирилади. Сўнг тайёр бўлган кигизга сўнгги пардоз берилади яъни четлари тортилади, текисланади, ортиқча туклари қирқиб ташланади. Бойсунда оқ, кулранг ва рангли кигиз хиллари тайёрланади. Кигизни оёқ кийими ичига солинадиган юпқароқ тури (патак тайёрлаш) ҳам алоҳида соха ҳисобланади.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИ ТАРИХИЙ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистри Ҳамраев Бекзод Шукриллаевич

Этногенез жараёни турли халқларнинг аждодлари тарихидан бошланади. Узоқ тарихий тараққиёт йўлида аждодларимиз мураккаб этногенез жараёнларини бошдан кечирганлар. Бу жараёнлар антропологик қиёфалар, қабилалар, халқлар ва элатларнинг аралашиб кетиши, маданий анъаналарнинг қўшилиб, янги асосда ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган. Этногенез ва этник тарих масалалари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу йўналишдаги айрим кузатишларни юнон, хитой, араб, эроний ва туркий тилларда ёзилган қадимги ҳамда ўрта аср муаллифлари ва сайёҳлари асарларида учратиш мумкин. Улар ўз асарларида халқларнинг ташқи қиёфасидаги умумийлик, баъзи урф-одатларнинг яқинлиги ва тилларнинг ўхшашлигини таъкидлаганлар. Аммо улар бу жараёнларнинг асл сабабларини очиб бера олмаганлар. XIX-XX аср бошларида

олиб борилган тадқиқотлар нисбатан самарали бўлишига қарамай, бу тадқиқотлар ҳам халқларнинг этник келиб чиқиши, маданияти ва тилларидаги ўхшашлик сабаблари ва моҳиятини тўла очиб бера олмади. Этногенез ва этник тарихни ўрганиш алоҳида илмий тафаккурни талаб қиладиган муҳим долзарб масаладир. Ўзбек давлатчилик тарихини холисона ёритишда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганиш ва этнологик жиҳатдан илмий таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ўзбек халқининг этногенезини ўрганиш ва унинг холисона тарихини қайта яратиш, анъаналарини, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш билан боғлиқ ишлар жуда катта қизиқиш уйғотмоқда»[1].

Тарихдан маълумки, Бойсун воҳасида қадимдан ўзбек ва тожик халқлари ёнма-ён яшаб, ўтроқ суғорма деҳқончилик маданияти соҳиблари бўлганлар. Шунингдек, воҳада ўзбек халқи таркибидаги турк, қатағон, қўнғирот каби халқларнинг вакиллари яшаган. XIX аср охирида Бухоро амирлигида 27 беклик бўлиб, Бойсун беклиги Сурхон воҳасида эди. 1924 йилги районлаштириш комиссияси материалларида Бойсунда аҳолининг этник таркибини муайян бир тарихий изчиллик асосида беришга ҳаракат қилдик. Аввало воҳанинг уруғчилик анъаналарига эга бўлмаган, этник ва локал хусусиятларни ўзида мужассам этган ва асосан ўтроқ деҳқончилик ҳудудларида яшаган ўзбек-чиғатой, хўжа, ҳардури каби этник ва ижтимоий гуруҳлар келтириб ўтилди.

Қўнғирот уруғининг этногенезини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки айнан манбалар орқали биз қўнғиротларнинг келиб чиқиши ва уларнинг Ўрта Осиё ҳудудига кўчиб ўрнашиш тарихини ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Қўнғиротлар ҳақида маълумот берувчи тарихий манбалардан бири XIV асрда яшаган машҳур Шарқ тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамодоний) нинг «Жомеъат-товарих» асаридир. Таниқли ўзбек олими Х.Дониёровнинг

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 218.

таъкидлашича, Рашидиддиннинг ушбу асари шу вақтгача Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан мўғуллар деб атаб келинаётган ўзбек (туркий) қабила ва уруғларнинг аслида ким эканлигини аниқлаш учун бевосита калит бўлиб хизмат қилади.

Қўнғиротларнинг XV-XVIII асрлардаги тарихини ўрганишда Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Мухаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома», Абулғозийнинг «Шажараи турк» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга. Қўнғиротлар-ўзбек халқининг қадимий тарихига ва ўзига хос маданий турмуш тарзига эга бўлган муҳим таркибий қисми, бўлаги бўлиб, ўтмиш тарихимизнинг турли даврларида халқимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият намуналарига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келган уруғлардан биридир.

Қўнғирот- қатор адабиётларда қўнғир от мингани учун-қўнғирот аталган дейилган. Қозоғистондаги Қонғурат тапонимлари этнонимдан, этноним эса қонғур Қот қўшма тақозосида юзага келганлиги айтилган. Бу –халқ этимологияси. Қўнғирот қадимги туркий сўз. Сўз охиридаги –т аффикси кишилар жамлигини, жамоани билдирган.

Қўнғир-(талаффузда қўнғир) сўзининг ранг билдирувчи қўнғир сўзига мунасабати йўқ. Қўнғир мўғилча хун, керей (қора қарға, қарға киши) сўзларининг қўшилмаси. Сурхон воҳасида ўзбекларнинг юз, қатағон, тоқчи, дўрмон, чиғатой каби уруғлари орасида қўнғиротлар ҳам алоҳида мавқе ва нуфусга(аҳоли сонига) эга. Рус олимаси Б.Х. Кармишеванинг маълумотларига кўра, IX-X асрларда воҳа аҳолисининг айрим қисмини Дашти Қипчоқдан келиб чиққан уруғлар, жумладан қўнғиротлар ташкил этган. Айрим олимлар қўнғиротларни турклашиб кетган мўғул қабилаларидан бири деб ҳисоблашади. Тадқиқотчи И.Умаров қўнғиротларга бағишланган рисоласида «Қўнғиротлар турк-мўғул қабилалари орасида Чингизхонга энг яқин қавм бўлиб ҳисобланган»-деб ёзади. Қўнғиротлар XIII-XV асрларда Хоразмнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнагани тарихдан маълум. Н.П.Магидовичнинг фикрига кўра, XУ1 аср бошларида Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга юришларида хоразмлик ўзбек қўнғиротлари ҳам қатнашган ва

уларнинг ватанимиз жанубий воҳаларига оммавий равишда жойлашуви шундан бошланган. Чунки Шайбонийхон забт этилган воҳаларни истилода иштирок этган ўзбек қабилаларига бўлиб берган. Рус олими А.А.Семеновнинг ёзишича, XVI-XVII асрлардаги ўзбек тарихий манбаларида Термиздан шимолдаги ерларнинг қўнғиротлар юрти деб аталиши таъкидланади. Қўнғиротлар ва унинг таркибидаги уруғлар уларнинг воҳа бўйлаб жойлашувини янада ойдинлаштирувчи тадқиқотлар давом этмоқда.

Қўнғиротлар бешта катта уруғга бўлинади: Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжиғали, Ойинни ва Тотувли. Вохтамғали 18 та уруғга бўлинган: қозоқли, очамайли, қорақўнғирот, чанчиқли, болғали, баймоқли, жилонтамғали, абоқли, тароқли, ирғоқли, бўгажили, чўмичли, хандакли, қайчили, уювли, болғали, ишқили, кесовли. Қўштамғали 16 уруғга бўлинган: қорақасмоқ, қорақалпоқ, кўчахўр, тўлангит, ўтроқли, кал, туловмат, мавлиш, кўлоби, кўса, чол, бармоқ, саврибузар, самбуру, бандикучук, оқпичоқ. Қонжиғали 14 та уруғга: қораурсоқ, нўғай, улус, молтака, чуллик, қўлдовли, чала, қуюн, қорабувра, қора, дўска, кўртўғай, желкиллак, тўпқора. Ойинлилар 12 та уруғга бўлинган: ойтамға, чурон, качай, бешбола, ҳожибачча, оқтона, тупор, кал, қовға, туркман, қорақалпоқ, қора. Тортувли 6 уруғга бўлинган: тўғиз, мўнка, обохли, майдатўба, ўр, чўпоқ.

Қўнғиротлар қуйидаги уруғларига бўлинган бўлиб, улар ҳақида қуйидаги гуруҳларга бўлинган.

Қарға - Ғарбий Сибир Туркий халқларнинг қанға уруғи бор. Ўзбекларда кўп учрайдиган уруғлардан бири-қарға. Қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимининг қорағурсоқ уруғининг бир тармоғи –қарға. Жилонтамғали бўлимининг қарға деган уруғи бор.

Қийғочли - уруғ номи. Қўнғиротларнинг вохтамғали бўлими таркибидаги 16 уруғнинг бири. Баъзи қипчоқ шеваларида қалдирғочнинг бир тури.

Қорағурсоқ- қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимининг уруғларидан бири-қорағурсоқ. Ўзбек халқи таркибидаги уруғлардан бири ҳисобланади. Қурсоқ, ғирсоқ, қарсак уруғининг бир тармоғи қорағурсоқ бўлган. Оққурсоқ ёки чопқирсоқ ҳам бўлган.

Қорсак- мўйнали ҳайвон, чўл тулкиси.

Қорақанжиғали- қанжиғалиларнинг бир тармоғи.

Қорақасмоқ- қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири- қорақасмоқ, орагасмоқ.

Қорабўйин- Бойсун қўнғиротлари тортувли бўлимининг майда тўда уруғи таркибида қорабўйин, қорамўйин бор. Қорақалпоқ ва туркманларда ҳам мавжуд. Туркий халқларга, қипчоқларга хос этноним.

Қорашуллик- Қорақалпоқлар арус қўнғиротининг шуллик уруғи бор. Қашқа- сурхон қўнғиротларида бу уруғ номи-чўллик. Чўллик – канжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. Шуллик, чўллик - бир этноним, қорашуллик шу уруғнинг бир тармоғи.

Қуйли-ўзбек уруғларидан, дурман қабиласига қараган.

Қуйин- қуйин, қуйун, қуюн- қўнғиротлар қанжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. Қуюнни, қуюнли ҳам дейишади. Қанжиғали уруғи номи билан аталган.

Қулдовли- қўнғиротлар қанжиғали бўлимии 14 уруғнинг бири қулдовли. Қорақалпоқ қўнғиротларининг ҳам қулдаулу уруғи бор. Қулдов тамға шакли. Молларга кўп чизиқ, тилик кўринишида белги қўйилган. Тамғасига қараб уруғ номланган.

Айинли, ойинли, ойилли- қўнғирот Ўзбеклари таркибига кирган қабилалардан бири. Айинли икки катта бўлимга, ҳар бир бўлим яна кичик уруғларга бўлинади:

1.Оқтўнли: бешбола, ойтамғали, оқтана, туркман, чуран ва бошқа

2.Қоратўнли: Қорақалпоқ, қувуқ, қочай, тўнсар, ёмғурчи ва ҳоказо.

Ойтамғали- ўзбек халқининг дурман, қипчоқ, қўнғирот. Нурота туркманлари ва бошқа йирик қабилалар таркибига кирган уруғлардан бири. Ойтамғали Ўзбекистон, Қозоғистон худудида учрайди. Ойтамғали қирғизлар таркибида ҳам бўлиб, «Ойтама» деб аталади.

Очамайли- очамайшоқ, очамай, очмайли-қўнғиротлар вахтамғали бўлимининг бир уруғи. Ачамайли, очамайли, ашамайли - ўзбекларнинг дурман, кенагас, найман, қўнғирот, қурама, юз қабилалари таркибига кирган йирик уруғлардан

бири-Қорақалпоқлар ва Қозоқлар таркибида ҳам бор.

Ўзбек қўнғиротлари ва Қорақалпоқ қўнғиротларига мансуб қабила. Бу қабила Қорақалпоқ қўнғиротларининг Шуллик бўлимии таркибига киради. Очамайли қабиласи 13 уруғдан ташкил топган. Улар Х1Х асрнинг ўрталарида 750 га яқин хўжаликдан иборат бўлган.

Авоқли - қўнғирот қабиласи вохтамғали, тортувли бўлимларининг авоқли шахобчаси бор.

Арслонбойи - Қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимига қарашли уруғлардан бирининг шахобчаси.

Боймоқли- қўнғиротларнинг вохтамғали бўлимининг 18 уруғидан бири ёки боймохли.

Бешэркак- қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимидаги гиламбови (гиламбоғи) уруғининг бир тармоғи.

Бойбичча - жами Ўзбекистон Қўнғиротларининг бойбичча - бойвичча уруғи бўлган.

Бойбўри - қўнғиротларнинг Бойбўри, Қорақалпоқларда Бойбура деган уруғ бор.

Бойовул - Қўнғиротлар тотувли уруғининг бўлимларидан бири бойовли. Бойовли ва Боғаналилар Кофрунда бор.

Бугажили – Қўнғирот қабиласининг вохтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири. Кенагас, Қозоёқли, Ачамайли қабилалари таркибидан ҳам бўлган.

Бўлак кесавли - кесавли-жузларнинг 16 уруғдан бири.

Вахтамғали- аслида увоқ эни увоқ «Уч қисми эгик, ўроққа ўхшаш» шаклида бўлган. Ўзбекларнинг увоқ урвоқ тамғали деган уруғи ҳам бор.

Гиламбоп - ўзбекларда гиламбоби деган уруғ бор.

Дусга - Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари қанчиғали бўлимининг бир уруғи.

Желкиллак - қўнғиротларининг қанжиғали бўлимидаги 14 уруғдан бири.

Кўса - қўнғиротлар вохтамғали бўлимига қарашли қўнғирот уруғининг бир тармоғи қўштамға таркибидаги 16 уруғнинг бири. Сурхондарё туркман жузларининг жилонтамғали, Форсистон лақайларининг 4 ўғил уруғларида ҳам кўса тармоғи бор.

Мунка- қўнғирот қабиласи тортувли бўлимига қарашли

6 уруғининг бири. (Мунка –улкан, йирик, гавдали, жуссали кишига Мунка лақаби берилган.)

Нўғай- уруғ номли қўнғиротларнинг қончиғали бўлимида 14 уруғдан бири. Қадимий туркий уруғлардан бири.

Ойинни –жан Ўзбекистон қўнғиротларининг тўртинчи бўлими - Ойинни ёки ойинли.

Охшик- Туркманларнинг ших деган уруғи бор. Қўнғиротларнинг айинни бўлимидаги бешбола уруғининг бир тармоғи-оқшиқ.

Қўштамғали (қўнғирот) бўлимининг бир шахобчаси шикбачча. Қорабоғ (Шеробод) қишлоғида яшовчи чиғатойлар 15 гуруҳдан иборат. Шулардан бири – шихлар. Шихназар деган қўнғирот (ойинни) лар уруғининг бир тармоғи (уруғнинг бўлими) ҳам бор. Минг қабиласига оид уруғлардан бири ҳам оқшақ деб аталади.

Чанчиқли- қўнғирот қабиласи.

Сариқ- қўнғиротлар қўштамғали бўлимининг қорағурсоқ уруғи тармоғи сариқ. Туркманларнинг сариқ-сариғ-сару уруғи бор. Форсистон лақайларида саричол уруғи, сори, соримраз, саримвачча уруғлари бор. Қатағонларнинг ҳам сари-сори, сариқатағон, сарибош уруғи бор. Манғит, батош ва бошқа уруғ қабилаларининг ҳам сари-сариқ-сори уруғи бор. Сариқ сўзи йирик қабила номларига ҳам қўшилган: сари уйшйн, сари уйғур, сари найман, сари қипчоқ, сари қанғли, сари қирғиз, сари нўғай.

Татар тилида сариқ-қўй. Сарукчўлиқ –қўйчилик.

Сарсон - қўнғиротларнинг кичик уруғ тармоғи.

Тароқли- қўнғирот қабиласи вохтамғали бўлимининг тароқли деган уруғи бор. Туркманжузлари жилонтамғали бўлими, Хоразм қўнғиротларининг тароқли уруғи бор. Бу уруғларнинг тамғаси тароқ шаклида бўлган.

Тортувли - қўнғиротларнинг вохтамғали, қўштамғали, қанжиғли, айинни, тортувли каби беш бўлими бор. Қўнғиротлар бу бўлимларни ота деб аташди. Тамғасига қараб номланган: тамғаси тортуг (тўрт туғ) тўрт найзали, шохсимон бўлган.

Тўғиз - Бойсун қўнғиротлари тортувли бўлимининг тўғиз деган уруғи бор. Қозоқ, Қорақалпоқ, Олтойларда тоғуз (тўғиз) уриғи мавжуд. Бошқирдларнинг ай қабиласи кошсу уруғи

таркибида тоғуз деган этник шахобча қайд қилинган.

Тупқора- Қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимига қарашли уруғлардан бири- тўпқора.

Тупор- умумтуркий қипчоқ уруғи, қозоқ ва қорақалпоқларда ҳам тупор уруғи бор. Қўнғиротларнинг ойинни бўлимига қарашли уруғлардан бири- тупор. 1960 йилларда Музработ туманига кўчиб борган тупорлар, ўз қишлоқларини Тупор деб аташган.

Узун - Қўнғиротлар қўштамғали бўлимига қарашли банди кучук уруғининг кўса, узун, бешоғоч, бойботир, жубув, дамғорин, ғалламулла, хўжа, тармоқлари бор. Зарафшон қипчоқларида, қозоқ қипчоқларининг Ўртажуз, Қирғизларнинг бағиш қабиласи таркибида ҳам узун уруғи бор.

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИДА МИЛЛИЙ АНАЪАНЛАР ВА ЭЪТИҚОДЛАР

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри
Қурбонов Кароматилло Исматуллаевич

Заргарлар дастпона нақшлар билан жило берилган билакузук ва узук, айниқса беш йўлли «дастпона-панжара» флигранъ билакузуклари жуда машҳур бўлган. Ҳар бир узук араб имлоси билан безатилган. Улар қўл покизалигини сақлаб туради, дейишган. «Тумор» (тўртбурчак, учбурчак), «Бозбанд» лар ҳам илоҳий хусусиятларга эга деб ҳисоблашган. «Бозбанд» балиқ тангачаларини эслатувчи «майдаланувчи феруза» техникси усулида тайёрланган. Балиқ тўкинлик, қут-барака тимсоли сифатида ифода этилади. Бойсунда отга тегишли кўкрак пешбанди, бош, бўйин, шунингдек эгар-жабдуқ безакларининг энг асл намуналари тайёрланган. Улар кумушдан ясалган ҳамда феруза ва қимматбахо тошлар билан жило берилган. Бойсун заргарлари томонидан ясалган олтин ва кумуш идишлар Бухоро амирига совға қилинганлиги хақида маълумотлар бизгача етиб келган. Пардозлаш, сирлаш ва ўймакорлик ишлари маромига етказилган, олтин, кумуш, ёқут, феруза каби қимматбахо

тошлар ўз даврида Бойсун заргарлик мактабининг беқиёс санъат дурдоналаридан гувохлик беради.

Бунинг ёрқин далили 2001-2005 йилларда «Бойсун-баҳори» фолкълор фестивалининг бўлиб ўтганлиги, 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилишидир. Бойсун фестивалига 2002 йил қатнашиб ўз таъсуротлари билан ўртоқлашган Япониянинг Токио университетининг Профессори Ф.Хорухисонинг фикрича: «Бойсун мен ўйлаганча оддий қишлоқ эмас экан, балки ўз маданияти, фолъклор санъати, халқ оғзаки ижоди, ҳунармандчилиги билан дунё маданиятига ўзига хос хисса қўшган гўзал юрт» - деб берган изоҳи муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, Бойсун заргарлик-ҳунармандчилиги дунё ҳунармандчилигининг илк шаклланишига асос солган ҳудуд сифатида тарихий манбаларда ўз аксини топган. Бойсун ҳунармандчилигининг шуҳрат топишида нафис ва бектакрор гўзалликни буюмда акс эттирган заргар ҳунармандларнинг хизмати беқиёсдир. Заргарлик санъати билан шуғулланган ҳунармандлар асрлардан-асрларга ўзига хос санъат мактабини яратиб, оилавий заргарлик сулолаларини шакллантирди. Жумладан, уста Худойқул заргар, Остонқул заргар, Хайит кичкина, Абди заргар, Қурбон Мурот заргар, Холмамат заргар, Хуррам заргар, Менгнор заргар, Мавлонқул заргар, Қулмамат каби заргарлар Бойсуннинг Тузбозор мавзесида заргарлик мактабининг оилавий сулолари ҳисобланади. Иброхим заргар, Исмоил заргар, Сафар заргар, Муқум заргар, Рахмонқул заргарлар Пойгабоши қишлоғида яшаб ижод қилган. Ҳамид заргар, Кенжа заргарлар Кўктепа қишлоғида, Махмудзаргар, Мулло Нурман заргар, Хурсан заргар Омонтепа қишлоғида умургузаронлик қилган. Бойсун заргарларини кейинги авлоди совет ҳокимияти даврида, яъни 1953-1954 йилларгача фаолият кўрсатган. XIX аср охири - XX аср бошларида Бойсун заргарлик санъати тегишли бўлган аёллар, эркаклар ва болалар заргарлик тақинчоқлари, от абзаллари, олтин ва кумуш мухрлар ва идишларни ташкил этади. Бошқа амалий санъат турлари каби заргарлик соҳасининг ривожи Сурхон воҳасида турмушни мавқеини белгилаб беради. Бойсунда ҳунармандлари

томонидан яратилган буюмлар жуда машҳур бўлган. Чунки Бойсун минтақасида Буюк Савдо йўлида жойлашган жой эди.

Заргарлик - баддий ҳунармандлик соҳаси - олтин, кумуш, мис, қалай каби рангли металлардан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар, безак буюмлари ясаш каби.) Заргар безак буюмлари тайёрлашда қуйиш болғалаб (зарб бериш) ясаш, халлаш (олтин ва кумуш суви юритиш) ўйиб ёки бўрттириб нақш ясаш, босма, зигирак, савот кори, калипаки, шабака каби усуллардан кенг фойдаланилади.Қимматбахо тошлар (гавҳар, феруза, дур, хақиқ ва бошқа) га ишлов бериб заргарлик буюмлари (баргак, бибишак, билакузук, бозубанд, бозгардон, балдоқ, булоқи, бўйинтумор, гажак, дуо тузи, жевах, жига, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбалдоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла, баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қошқарбалдоқ, халқа каби) яратилган. Заргарлик қадимдан милоддан аввал ривож топган. Заргарлик асосан олтин ва кумушдан фойдаланишган. Бойсун олтин ва кумушсозлик бадиий мактаби тақинчоқларининг таркиби, техник ҳамда баддий услубнинг ўзига хослиги билан Бухоро бадиий мактабига яқин туради. Заргарлик ишларида тоблаш, ўймакорлик, кесма, филигранъ, текис ва чуқур ўймакорлик, чизмачилик, сайқаллаш, олтин суви юритиш, сирлаш каби усуллар қўлланилган. Филигранъ буюмлари бўлиши «Панжара», «Бозбандча», «Қатмала», «Мохитилло» каби билакузуклар Бухоро заргарлик мактабининг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган.Бойсун заргарларини буюмлардаги ранг-баранг ва беқиёс нақшинкор безаклар «Ислимий» ва хандасавий шакллардаги қатъий чизиқларнинг ўзига хос гўзаллиги кишини беихтиёр хайратга солади. Нақшларда ёзувчилар, шеърлар, Қуръон сураларига ҳам алоҳида эътибор беришган. Нозик араб имлосида битилган ёзувчилар буюмларга ўзгача ифода бахш этган. Қуръондан парчалар, шахс ва исм ва бошқа нарсалар ўйиб ёзилган. Эрон ферузаси ва хақиқ заргарлар томонидан алоҳида қадрланган. Тошлар сехрли хусусиятга эга деб ҳисобланган.Чунончи, ёқут, лаъл, нилум (санфир), зумрад, қизил яхонт (рубин), марварид ва жавохирлардан қимматбахо буюмлар ясашда кенг фойдаланилган.Тақинчоқлар таркиби ўзида аҳолининг жинсий бўлинишини акс эттирган. Аёллар

тақинчоғи 3-4 ёшдан то кексалик давригача тақилган. Бойсун шаҳар келинчаклари бой, ранг-баранг сепии алоҳида ажралиб турган. Бинобарин тақинчоқлар авлодлар, сулола давомийлигини билдирган. Тўй тақинчоқларига бош, бўйин, кўкрак безаклари: «Қошитилло», «Боло-абру», «Тилло баргак», «Мохитилла» каби зеби-зийнатлар кирган. «Кишитилло»нинг дастлабки шакли олтин қошлар кўринишида бўлган ва қошлар устидан тақилган. Тақинчоқларни бора-бора тош кўзлар, кейинчалик эса, тошлар билан безалган яхлит тасма эгаллади. Қолипсимон маълум бир услубга солинган япроқли «Баргак» тақинчоғи гул ва барглардан ясалган гулдастага ўхшайди. У яшаш ва туғилиш рамзини билдиради. «Бибишак» бой хотинларга яъни бегойимларга тегишлиликни англатади. Бошни безайдиган тақинчоқ-безаклар «Синсила» ёки «Силсила» дейилиб, икки хил маънони яъни «занжир» ва «сулола» маъноларини билдиради. Соч тугнагич эса «сарсўзан» деб аталган. «Сочпопук», «Туф» каби шаклдаги турли хил кумуш детали ипак боғичлар ўрим сочларнинг асосий зийнати ҳисобланган. Улар гўёки сочларни беркитиб туриш ва ёмон кўзлардан асраш учун ишлатилган. Бойсун заргарлик санъатига хос бўлган зиракларнинг барча асосий турлари-доирасимон- «кундалсози», «муҳаммади», «қашқар балдоқ», «шибирма» ва бошқалар мавжуд. «Шибирма» қизларга балоғат ёшига етганда ёки тўй куни совға қилинади. Зираклар, анъанавий филигранъ техникаси услубида тайёрланиб, оч-қизил ёқут, феруза марварид билан жило берилган. Бу ерда кўкрак тақинчоқларидан маржон, бозбандчанинг олтин ва кумуш ўрнатилган ярим қимматбахо тошли, жимжимадор қатмола шарчали, тангачали шода мунчоқларнинг бир неча тури заргарлар томонидан ясалган.

Мустақиллик йилларида Бойсун заргарлари сулоласини давомчиси бўлган Хомид заргарни чевараси Файзулло Ҳамидов ушбу заргарлар ишини давом эттириб, Пойгабоши маҳалласида заргарлик устахонасини ташкил этди. Файзулло заргар томонидан сирға, аёллар тақинчоқлари, лотибинди, билакузук, кифти, понча, холбинди, сирға, узук, шокила, кўзгу, безаниш буюмлари ва бошқа буюмлар тайёрланмоқда.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарсининг
1-курс Тарих бўлими магистри
Мирзаев Ҳусниддин Холмўминович

Қишлоқ аҳолсини уй-жой билан таъминлаш долзарб масала ҳисобланиб, бу соҳада мамлакатимизда улкан ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «резидентининг 2009 йил 3августдаги ПҚ-1167 сонли «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг намунавий лойиҳалари бўйича уй-жой қурилишида якка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Қисқа муддатларда инжиниринг компаниянинг ташкилий тузилмаси барпо этилиб, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар филиаллари малакали ходимлар билан шакллантирилди. Компаниянинг чақсади қишлоқларнинг бугунги кўринишини тубдан ўзгартириш ва шу орқали қишлоқ аҳолиси учун ҳамма шароитлари билан таъминланган шинам уйларни қуриб, тайёр ҳолда топширишдан иборатдир.

Жумладан Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида олиб борилаётган ишлар қишлоқ аҳолисига манзур бўлмоқда. Айниқса, Қашқардарё вилоятининг Китоб туманида истиқомат қулувчи фуқаро Озода Хомидова шундай таърифлайди: «Бугунги замон талабидаги уй-жойлар Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсатлари натижасида барпо этилмоқда. Уйлардаги яратилган қулайликлар менинг оила аъзоларимга хуш кайфият бағишламоқда».

Компания томонидан 2009 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда намунавий лойиҳалар бўйича

уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги қурилиш учун жами 42 та ажратилган ер массивларида қишлоқ аҳолиси учун 847 та уй-жойларни қурилиши ниҳоясига етказилиб, ўз эгаларига топшириш арафасида турибди.

Жорий йилда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилда қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида»ги 2010 йил 12 мартдаги 44-сонли қарорида белгиланган 159 та туманда, танлаб олинган массивларда қишлоқ аҳолиси учун 6800 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Уйларнинг барча қулайликларга эга бўлган кўркам ва шинамлиги билан бир қаторда, унинг қурилиш сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сонли қарорига мувофиқ Давлат қурилиш нормалари негизида тузилган тартиб асосида ҳокимликлар билан биргаликда 2010 йил режасига киритилган 6800 та уй-жойларни қурилишини «тайёр ҳолда топшириш» усулида пудратчи ташкилотлари танлови ташкиллаштирилди. Янгидан ташкил қилинган барча имтиёзларига эга бўлган пудрат ташкилотларининг қурилишга жалб этилиши ва асосий қурилиш материалларининг имтиёзли нархларда етказиб берилиши пировард натижада уй-жойлар таннархини 15-20 фоизгача пасайишига олиб келинмоқда. Танловда тажрибали, виждонли ва юклатилаётган маъсулиятни ҳис қиладиган пудратчилар танлаб олиш мақсад қилиб қўйилган. Бу эса, уй-жойлар қурилишини сифатли бажариш ва ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлайди.

2009 йилда МЧЖ «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилган барча қулайлик-ларга эга бўлган 7 та намунавий лойиҳалар танланган бўлса, 2010 йилда эса МЧЖ «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилган 21 дан ортиқ намунавий лойиҳалар аҳоли томонидан танланмоқда.

Қишлоқ аҳоли пунктларига якка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида ҳамда қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан МЧЖ «Қишлоққурилишлойиҳа»

институти муаллифлик ва «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ДАҚН (Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси) ўз вақтида лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини шаҳарсозлик норма ва меъёрлари-га мувофиқлигини ҳамда қурилиш нормалари ва меъёрий ҳужжатлари асосида мос келишини асосий вазифа қилиб олганлар. Шу билан бирга, жойлардаги уй-жой қурилиши устидан техник назоратни компаниянинг малакали мутахассислари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Қурилиши режалаштирилган турар-жойларни ташқи муҳандислик тармоқлари билан таъминлашда Қорақалпеғистон Республикаси ва вилоят ҳокимликлари, «Ўзтрансгаз» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзавтойўл» ДАК ҳамда «Ўзкоммунхизмат» ДАК лари томонидан биргаликда амалга оширилмоқда.

Қуриладиган уй-жойлар нархини арзонлаштириш мақсадида замонвавий том ёпиш материаллари (металлочерепица), деворбоп материаллар ва ёғочни қайта ишловчи корхоналарини ташкил этиш ишлари жадал суръатлар билан кетмоқда. Намунавий лойиҳаларнинг уй-жойлар нархини ўртача лойиҳа қийматида 23-25% ғишт ташкил этса, топ ёпиш матриаллари (металлочерепица) 17-20%, эшик ва ромлар каби материаллар 18-20 фоизга тўғри келганлиги сабабли, ишлаб чиқаришда ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ажратилган кредитлар асосида корхоналар барпо этилади. Жорий йилнинг IV-чорагида йиллик қуввати 305,0 млн. дона ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та ғиштзаводи ва йилликқуввати 1,7 млн. кв. метрга эга бўлган том ёпиш материаллари(металлочерепица) ва йиллик қуввати 400,0 минг кв. метр ёғочни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширини ўз олдиларига вазифа қилиб олганлар.

Олиб борилаётган ишлар Ҳукуматимиз томонидан қўйилган улкан вазифаларни бажаришда, «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширилишини таъминлашда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

ФОЙДАЛАНИИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. №02. 2010. 7-8 бетлар.

2.Ўзбекистон архетиктураси ва қурилиш. Жур. №03-04-2012. –Б.56-60.

3.Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви.1991-2010 йиллар.

4.Сурхондарё вилояти статистика қўмитаси.№-1 Китоб.1991-2010 йй.

XALQ XUNARMANDCHILIGI ELEMENTLARINI O'RGANISHDA KASHTACHILIK ISHLARINING O'RNI

Termiz davlat pedagogika instituti
I-bosqich magistrlari Turdiyeva Zuhra Temir qizi,
Tursoatova Aziza Safar qizi,
Narbabayeva Dildora Alisherovna.

Tayanch iborlar:O'zbek kashtachiligi, dastro`mol, choyxalta, parda, belbog`, sumka, nimcha.

Annotasiya

Ushbu maqolada o'zbek milliy kashtado`zlik xalq hunarmandchilik san'atining eng qadimiy turlari tarixi yoritib berilgan.

Annotation

This article covers the history of the most ancient forms of Uzbek national embroidery.

Аннотация

В данной статье освещается история древнейших форм узбекской национальной вышивки.

O`zbek milliy kashtado`zlik xalq hunarmandchilik san'atining eng qadimiy turlaridan bo`lib, u xalqning o`z turmushini go`zal qilish istagi natijasida yuzaga kelgan. Kashta kiyimlar va buyumlarni bezashda hamda ro`zg`or bezak buyumlari tayyorlashda qadimdan qo`llaniladi.

Kashtachiligimiz san'ati nafaqat mamlakatimizda, balki chet

ellarda ham shuhrat qozongan. O`zbek chevar ustalari qo`llari bilan tikilgan kirpich, so`zana, zardevor, gulko`rpa, choyshab kabilar Fransiya, Italiya, Yaponiya, Germaniya, Belgiya, Amerika, Hindiston kabi xorijiy, shuningdek Respublikamizning Farg`ona vodiysida faqat xonadonlarda emas, balki amaliy san'at muzeylarida ko`p namunalari to`planib, doimiy ekspozitsiyaga aylanib qolgan.

Hozirgacha buyumlar o`ziga xos go`zallik, nafis bezaklarning rang-barangligi bilan kishilarni hayratga solib kelmoqda. Badiiy kashtachilik uzoq tarixga ega, buni arxeologik topilmalar va yozma manbalar isbotlab bermoqda. O`zbek kashtachiligi iqlimi, tabiiy sharoit, muhit bilan bog`liq holda barcha kasb-hunarlari bilan birgalikda rivoj topgan. XIV - XV asrlarga mansub miniatyuralar orqali kashtachilikning juda qadimdan rivojlanganligini ko`rish mumkin. Ispan elchisi Rui Ganzalem de Klavixo Amir Temur saroyida o`zbek milliy kashta bezaklarini ko`rganini kundaligida yozib qoldirgan. Kamoliddin Behzod "Zafarnoma"ga ishlagan.

"Temur taxtda" miniatyurasida chodirga ishlangan kashtani ham aks ettirgan. O`zbek kashtachiligi qo`shni xalqlar kashtachiligi ta'sirida boyidi va rivojlandi. O`zbek kashtalariga e'tibor bersak, unda hind, xitoy, rus, qozoq, qirg`iz va tojik kashtachiliklarining usullarini uchratamiz.

Kashtachilik san'atida har bir millatning o`ziga xos eng ko`p qo`llaydigan naqshlari bo`ladi.

O`zbek kashtalarida o`simliksimon, geometrik shakl hamda gul naqshlari ko`p qo`llaniladi. Qadimiy an'analarga ko`ra, o`zbek qizlari-bo`lajak kelinchak seplari bo`lmish har xil kashtachilik buyumlarini ya'ni dastro`mol, choyxalta, parda, belbog`, sumka, nimcha,

joynomoz, gulko'rpa, kirpich, zardevor, choyshab, so`zana, kiyim bezaklari va bosh kiyimlarini, sovg`alarni o`zlari tayyorlashgan. To`yda kuyovning qarindosh-urug`lariga kelin o`zi tikkan buyumlarini sovg`a qilgan. To`ydan oldin sep yoyib ko`rgazma qilinar, bu kelinning chevarligini, mehnatsevarligini namoyish etishi va kashta qanchalik nozik, chiroyli bo`lsa yuqori baholanar edi. Qizlar juda yoshligidan boshlab kashta tikishga o`rgatilib, ular uch, to`rt yildan keyin mustaqil kashta tikishni boshlaganlar. O`rta Osiyoda kashtachilik juda keng tarqalgan bo`lib, oilada kashta tikish bilan ayollar shug`ullanishgan. O`tmishda bu kashtalar oq va tabiiy malla

shoyi, adras, hisoriga, baxmal matolarga tikilgan, keyinchalik satin, shoyi, baxmalga tikiladigan bo`ldi. Ish jarayonida ular o`z mahoratlarini oshirishgan, bir-biridan va kattalardan avlodlar tajribasini o`rganishgan. Xalq badiiy hunarmandchilik mahsulotlari faqat bizning mamlakatimizda emas, balki chet mamlakatlarda ham cheksiz talab qilinadi. Pliniyning aytishicha, Vavilon kashtachiligi qadimdan mashhur bo`lib, matoga turli rangdagi iplar bilan kashta tikishni o`sha yerda kashf etishgan.

Keyinchalik Vavilon Rim imperiyasi tarkibiga kirgach ipak, zar yoki jun ip qo`shib tikilgan rang-barang kashtachiligi bilan shuhrat qozongan. Kashtachilik san'atining an'analari Vizantiyada ham rivoj topgan.

XIII va XV asrlarda Kichik Osiyo doirasida paydo bo`lgan hamda Vizantiya imperiyasini barbod qilgan usmoniy turklar ham ushbu san'atga o`zlarining munosib ulushlarini qo`shganlar. Qrim va Kavkazning qayeridaki Vizantiya madaniyati uzoq vaqt kuchli ta'sir o`tkazgan bo`lsa, o`sha yerda kashtachilik rivojlanavergan. Qadimgi Rus ham Vizantiyaga taqlid qilib kashtachilik san'atini o`rgangan. Rus kashtasi gullarining xarakteriga va tikilish usullariga ko`ra juda turli-tumandir. Popok (yo`rma) chokli kashta tikish Olonets, Vologda oblastlari va Arxangelsk oblastining g`arbiy qismida keng tarqalgan. Hozirgi vaqtda Rossiyada ellikdan ortiq baxyasimon kashtado`zlik korxonalari bor. Ivanovo, Ryazan, Kalinin, Smolensk va boshqa oblastlarda kashtado`zlik markazlari bo`lib, u yerdagi korxonalarda turli kiyimlar va uy ro`zg`orni bezaydigan turli buyumlar ishlab chiqariladi.

XIX asrning ikkinchi yarmida kashta tikish mashinasining ixtiro etilishi kashtachilik korxonalarining vujudga kelishiga asos soldi.

Kashtado`zlikning yirik namoyandalaridan Andijondagi "Qizil bayroq" arteli rassom kashtado`zi X.Nazarov, Samarqanddagi "Xotin-qizlar mehnati" arteli kashtado`zi Usmon Shokirov, toshkentlik kashtado`z va chizmakash Xayri Sobirovalar kashta buyumlariga yangi turli xil naqsh kompozitsiya va tikish usullarini yaratdilar. X.Sobirova onasi Zaxira Mirxoliqovadan qo`lda, mashinada tikish sirlarini va chizmachilikni o`rgandi. X. Sobirova 15 yoshidan boshlab onasining kashtado`zlik hunarini davom ettirib, «Sharq guli» va «Ilg`or» nomli Stalin artelida 16 yil ishlab ko`p shogirdlar

yetishtirishda o`z hissasini qo`shdi.

Yetishib chiqqan kashtachilar o`zining san'ati va tabiatiga ko`ra go`zallik xaqidagi orzularini ifodalashga harakat qilganlar.

Kashta tikish uchun gazlama bilan, ip buyumning nimaga mo`ljallanganiga, bezakning xarakteriga va tikish usuliga muvofiq tanlanadi. Kashta tikiladigan materialga muvofiq rangdagi ip tanlash kashtado`zlikda katta ahamiyatga ega. Bu kashtado`zdan katta mahorat va did talab qiladi. Kashtada foydalaniladigan iplar rangining o`zaro muvofiqligi ham kashtaning jozibador chiqishiga sabab bo`ladi. O`tmishda turli-tuman rangdagi matolarning kamligi sababli ko`pgina bezak kashtalari bugun mato sathini kashta bilan qoplab tikilgan. Hozirda so`zana, choyshab, zardevor kabi bezak buyumlari baxmal, shoyi, satin, shuningdek turli-tuman iplar ham ko`p. Bu kashtani jozibador chiqarishda rangdan keng foydalanish imkonini beradi. Kashtado`z kashta tikmoqchi bo`lgan kiyim shakliga, matosi rangiga qarab kashta nusxasini tanlashi kerak. Kashta iplari paxta tolasidan to`rt qavatli qilib, turli ranglarda tayyorlanadi, xira bo`ladi va 50 metrli kalava tarzida savdoga chiqariladi.

Mulina-yuqori sifatli paxta tolasidan tayyorlanadi. 12 qatli, maxsus ishlov berib sifati oshirilgan, chidamli bo`ladi. O`n yoki yigirma metrlik kalava tarzida chiqariladi. Ipak iplar-tabiiy va kimyoviy tolalardan tayyorlanadi. Pishitib-yigirilgan turli razmerdagi oq bo`yalgan bo`lib, kalava qilingan (40g li), g`altak va qog`oz patronlarga o`ralgan (50, 100, 200m uzunlikda) bo`ladi. 13-18-nomerli ipak iplar jun, zig`ir poyasidan, sun'iy tolalardan tayyorlangan iplar, mayin sim, zar ip, charmdan ensiz qilib tayyorlangan tasmalar bilan tikiladi.

Naqsh nusxasini har xil gazlamalarda har xil yo`llar bilan tushiriladi. Masalan, nusxa ko`chiradigan qog`ozlar axta yorug`lik yordamida, naqsh chizilgan qog`ozni gazlama ustidan ko`klab chiqiladi keyin bu qog`ozlar yirtib olinadi. Hamma hollarda ham oldin bezakni originaldan shaffof yoki millimetrli qog`ozga uchi yaxshi ochilgan qalamda ko`chirib olinadi. Shundan keyin uni gazlamaga o`tkaziladi.

Bezakni (naqsh) nusxa ko`chiradigan (kopirovka) yordamida ko`chirish.

Gazlamani oldin dazmollab, tekis yuza (stol, taxta) ustiga yozib qo`yiladi, bunda gazlamaning asos va arqoq iplari qiyshayib qolmasligiga qarash kerak. Naqsh (tekis chok, suv chok, ustki chok va

hokazo bilan tikiladigan) chizilgan shaffof qog`ozni gazlama ustiga qo`yib, to`g`nog`ich bilan qadab qo`yiladi. Nusxa ko`chiradigan qog`ozini to`q tomonini gazlamaga qaratib shaffof qog`oz tagiga qo`yiladi, uchi yaxshi ochilgan qalam bilan bezak ustidan chizib chiqiladi. Turli rangdagi nusxa ko`chiradigan qog`ozlar bo`lgani ma'qul, shunda och rangdagi gazlamaga to`q rangli (qora, ko`k, yashil), to`q rangli gazlamaga och rangli (oq, sariq) nusxa ko`chiradigan qog`oz ishlatiladi. Bezakni ko`chirib bo`lingach nusxa kopirovka) qog`ozi olinib, bir tomondagi to`g`nog`ichlar chiqariladi va bezagi tekshiriladi. Shundan keyingina shaffof (kal'ka) qog`oz olib tashlanadi. Naqshni nusxa ko`chiradigan qog`oz bilan ko`chirishda bezakning chiziqlari qalin bo`lmasligini yodda tutish kerak, aks holda kashta tikayotganda gazlama va ip kir bo`lib qoladi. Shuning uchun ishlatiladigan kopirovka qog`ozidan foydalanish yaxshiroq, yangisini esa ishlatishdan oldin quruq paxta yoki latta bilan artish kerak.

Yupqa shaffof gazlamalarga kashta gulni gazlama tagidan yoritish yo`li bilan ko`chirish mumkin. Tagiga lampa qo`yilgan oyna ustiga yaxshi ko`rinadigan kashta gulni qo`yib,uning ustiga yaxshi tortilgan chambarakga (kergiga) o`rnatilgan gazlama qo`yiladi. Gazlama tagida ko`rinib turgan kashta gulni uchi yaxshi ochilgan qalam bilan gazlamaga chizib olinadi.

Movut baxmal va yaltiroq gazlamalar ustiga kashta gulni shaffof qog`oz ustidan ko`klash yo`li bilan ko`chiriladi. Buning uchun bezakni shaffof qog`ozga ko`chirib olib, uni gazlama ustiga qo`yiladigan, butun chizig`i bo`ylab mayda zich qaviqlar bilan ninani oldinga yo`naltirib tikib chiqiladi. Keyin qog`oz yirtib tashlanadi.

Bezakni axta (andaza, ulgi) yordamida ko`chirish. Axta naqsh yoki biror rasmni shaffof (kal'ka) qog`ozga chizib, chiziq yo`llarini igna bilan teshib, buyum yuziga tushirish uchun tayyorlangan andoza.

Axtani tayyorlash uchun shaffof (xitoy) qog`ozga naqsh kompozitsiyaga moslab simmetriya o`qi bo`yicha qog`ozni ikkiga, to`rtga va hokazo buklanadi. Buklamaning bir qismiga naqsh chiziladi.

Naqshli shaffof qog`ozni yumshoq gazlama yoki bir necha qavat gazeta qog`ozi ustiga qo`yib, naqsh chiziqlari ustidan 2-3 mm oraliqda igna bilan teshib chiqiladi. Naqsh nusxasi igna bilan teshib

bo`lingandan keyin, shaffof qog`oz yopib yuboriladi, natijada axta hosil bo`ladi. Tayyor bo`lgan axtani ish yuzasiga qo`yib, ustidan xoka urib va bosib yurgazib chiqiladi. Geometrik shakldagi bezakni teshma ko`chirishda uning kataklari vertikal va gorizontal chiziqlar kesishgan nuqtalarda teshib hosil qilinadi.

Kashta gul chizilgan shaffof qog`ozni kerosinlangan latta bilan artib, toza tomonini gazlamaga qaratib qo`yiladi-da, bir necha joyidan to`g`naladi. Movut yoki paxmog`ning (ochroq bo`lgani yaxshi) yoki paxtaning ustiga doka o`rab tampon qilinadi. To`q rangdagi gazlamaga bezakni ko`chirish uchun xokani bo`r yoki tish poroshogi aralashgan kerosinda ho`llab olinadi.

Shu maqsadda hech narsa bilan aralashmagan tish pastasini ishlatish ham mumkin. Teshib ko`chirishda kashta gulning gazlamasidagi tasviri aniqroq, buzilmay chiqadi, bu ayniqsa kashta gulning bitta bo`lagini bir necha marta tikish kerak bo`lganda, mehnatni osonlashtiradi va tezlashtiradi. Andozalarni bir necha marta ishlatish mumkin. Bu axtalar (andoza) alohida paketda saqlangani tuzik. Naqsh chizilgan gazlama parchasiga tikiladigan, uni dumaloq chambarakka tortish qiyin bo`lsa, bu gazlama parchasining chetlariga ish tugagandan keyin so`kib tashlanadigan, hohlagan boshqa gazlama parchasini ulab qo`yish mumkin.

Matoda gullarning o`rni-o`rnini topib qo`yish, xususan buyumlardagi gullarni joylashtirib chizish g`oyatda murakkab va mas'uliyat talab ishdir. Kashtado`zlik san'atida nushasi va chizmakash hunari ustalarining o`rni beqiyos. Chevar har qancha mohir bo`lmasin, naqshlarni nushasi, chizmakashlar asosan atroflicha o`ylab ko`rib, o`z kasb-hunarlarining an'analari va spetsifik xususiyatlari asosida chizib beradilar.

Ba'zan kashta tikish uchun tanlangan bezak mo`ljallangan buyum kattaligiga to`g`ri kelmay, uni kattalashtirish yoki kichiklashtirish kerak bo`ladi. Buning uchun bezak ustiga ixtiyoriy kattalikdagi o`zaro teng kvadratlardan chiziladi. Bunda kvadratlar qancha mayda bo`lsa, bezakning nuqtalari shunchalik aniq ko`chiriladi va nusxasi ham oson chiziladi.

Millimetrni qog`oz yoki toza qog`ozga buyum kattaligidagi to`g`ri to`rtburchak chizib, bezakdagi kvadratlar soni qancha bo`lsa, shuncha kvadratlarga bo`linadi. Agar bezak gulni kattalashtirayotgan

bo`lsa, bu kataklar originaldagi kataklardan katta bo`lib, rasm guli kichiklashayotgan bo`lsa, bu kataklar originaldagidan kichik bo`lib chiqadi. Shundan keyin kataklar bo`yicha originaldagi kashta gulning asosiy nuqtalari toza to`rga ko`chiriladi. Bu nuqtalarni ravon chiziq bilan ehtiyotlab birlashtirib bezakning kattalashtirilgan yoki kichiklashtirilgan nusxasi hosil bo`ladi. Rasm nuqtalarini oson topish uchun chizilgan to`rning ikki tomoniga raqamlar qo`yiladi.

O`rta Osiyoda kashtachilik juda keng tarqalgan bo`lib, oilada har bir ayol kashta tikishni bilishi kerak bo`lgan. Shuning uchun har bir oila o`zi uchun buyumlarni o`zi tayyorlagan. Bezak buyumlarining turi juda ko`p, masalan, so`zana, kirpich, choyshab, choy xalta, zardevor, palak, gulko`rpa, dorpech, parda, belbog`, do`ppi, ko`ylak, dastro`mol, hamyon, joynomoz, sumka, nimcha va boshqalar badiiy did bilan bezatiladigan bezak buyum turlari bilan tanishib chiqamiz.

Palak-devorlarga ilinadigan eng yirik, eng qimmat bezak buyumlaridan biri. Palakda osmon va to`lin oy aks ettiriladi. Uni qadimda oq yoki malla bo`zga kashta tikib tayyorlangan.

U so`zanadan gullarning yirikligi, zaminining ham kashta qoplanishi bilan farq qiladi.

Palakni o`rtasida yirik oy tasviri qizil qirmizi, pushti ipak bilan kashtalanadi va atrofiga juda chiroyli qilib o`simliksimon naqshlar tikiladi. Naqshlar ichida ko`pincha bodom, qalampir elementlari qo`llaniladi. Palakda qirqtacha oy ham tasvirlash mumkin, shuning uchun oyini soniga qarab olti oyli palak, o`n ikki oylik palak, hattoki katta uylar uchun qirq oyli palaka tikilgani bizga ma’lum. Oylar turli ranglar bilan bir necha xil tasvirlangan.

Shu o’rinda Surxon vohasida tikilib kelayotgan kashtalar o’zinig takrorlanmas jiloli ranglari,naqshlari bilan ajralib turadi. Kashta tikish jarayonida nafaqat go’zallik dunyosiga sayohat qilgandi,balki, insonlarni sabr-toqatli bo’lishga undaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Axmedova A.S., Ismatullayeva M.Z. Xalq hunarmandchiligi. -T.: «Iqtisod-Moliya» 2008.-292 b.

2. Bulatov S. O’zbek xalq amaliy bezak san’ati.-T.: «Меҳнат» 1991.-382 b.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ТАРИХИДАН

Термиз далват университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистри Ғаффоров Жамшид Шодмон ўғли

Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё мамлакатлари билан ҳозирги глобаллашув даврида бутун жаҳон интеграция тузилмалари ривож топиб, халқаро миқёсидаги ўзаро алоқалар ривожланиб бормоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнларида маданий алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қадимги ва замонавий цивилизацияларнинг уйғунлашуви, турли динларга эътиқод қилувчи халқларнинг ўзлигини англаш, халқаро майдондаги маданий алоқаларининг чуқурлашувига бўлган эҳтиёж, маҳаллий маданиятларни уйғунлаштириш ҳамда тарғиб этиш ЮНЕСКОНИ иштроки туфайли ушбу масала янада долзарб масалага айланмоқда. Маданий алоқалар масалалари тарихини тадқиқ этиш ўз навбатида ўзаро ҳамжиҳатлик, маданий алмашинув ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дунёдаги етакчи Саудия, Покистон, Ҳиндистон ва Эрон каби илмий ташкилотлар, марказлар ҳамда халқаро муассасалар томонидан давлатлараро маданий ҳамкорлик масалалари тарихини ўрганиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари, хусусан, илмий лойиҳалар, ишланмалар олиб борилмоқда. Маданий ҳамкорликнинг сиёсий барқарорлик ҳамда миллатлараро муносабатларга таъсири, маданий алоқалардаги минтақавий интеграция тузилмаларининг роли масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда амалга ошрилган Ҳаракатлар стратегиясидаги аниқ мақсадли ислоҳатлар самараси туфайли ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишини Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, деб белгилади. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев шундай дейди: “.....

ташқисиёсатимизнингустуворйўналишибўлганЎзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё мамлакатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз”[1]. Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар тарихида Ўзбекистон турли даврларда цивилизациялар туташган манзил, тинчлик, дўстлик ва маданият маркази вазифасини бажариб келган ва мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизнинг миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳамжамият субъектлари билан, шу жумладан, минтақа давлатлари билан маданий алоқаларни ўрнатишга киришилганлиги, бу борада дунё давлатлари билан маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасида бир қатор ҳужжатларни қабул қилиниши ҳамда глобаллашув жараёнида маданий алоқалар аҳамияти тадқиқотни долзарблигини

Ўзбекистон республикасининг қўшни қардош мамлакатлар билан ўзаро алоқалари, ҳамкорликнинг турли

[1] Irina.Die zentralasiatischen GUS-Republiken Kirgistan, Uzbekistan, Turkmenistan, Tadschikistan: Ausgangssituation und Ansatzpunkte fur die Entwicklungszusammenarbeit: Berichte und Guatachten. Deutschland. – Berlin, 1993. Rajam Menon. In the shadow of the Bear. Sekurity in Post-Soviet Central Asia // International Sekurity. 1995. – №1. – P. 38-42.; Weitz R. Averting a New Great Game in Central Asia // The Washington Quarterly. 2006. – № 3. – P. 155-167.; Yakemtchouk R.O. Uzbékistan: Puissance émergente en Asie centrale. Paris, 2003. – P. 246; Pérez Martín M. A. La geoeconomía de Asia Central y el “Gran Juego” de los recursos naturales: agua, petróleo, gas, uranio y corredores de transporte // El Observatorio de Asia Central. 2009. – № 59. – P. 28; Spechler D.R., Spechler M.C. The foreign policy of Uzbekistan: sources, objectives and outcomes: 1991-2009 // Central Asian Survey. 2010. № 2. – P. 159-170; Cagnat R. Asie centrale, jouet des grandes puissances: le Très Grand Jeu // Les notes de l’ IRIS. 2010. – P. 12; Файзуллаев Д.А. Россия и геополитическая перегруппировка сил в Центральной Азии // Азия и Африка сегодня. 2006. № 3. – С. 10-15; Каххаров Д. Региональное сотрудничество в Центральной Азии: взгляд из Узбекистана // Центральная Азия и Кавказ, 2007. – №6 (54). Казанцев А.А. «Большая игра» с неизвестными правилами: Мировая политика и Центральная Азия. – М.: МГИМО; Наследие Евразии, 2008. – С. 123; Троицкий Е. Ф. Центральная Азия в системе международных отношений (1992-2009 гг.). – Томск, 2010. – С. 511; Бахтовари Н. Политические, экономические и культурные связи Республики Таджикистан и Туркменистан в годы независимости (1991-2016 гг.). Дисс. … канд. ист. наук. – Душанбе, 2019; Будкин В. Государства Центральной Азии: дилемма власти // Центральная Азия и Кавказ, 2006. – №5 (47); Зиядуллаев Н. Государства Центральной Азии в условиях глобализации: современные тенденции и перспективы // Центральная Азия и Кавказ, 2006. – №6 (48); Примбетов С. Перспективы интеграции Центральноазиатских государств // Центральная Азия и Кавказ, 2006. – №6(48); Абдулло Р. Таджикистан и региональная интеграция в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ, 2007. – №2 (50);

жабҳалари кўплаб ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари ва тадқиқотчиларининг эътиборида бўлиб келган. Бу борада бир қатор илмий монографиялар, китоблар, рисолалар, мақолалар ва диссертацияларда мавзу билан боғлиқ тарихий, сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари ўрганилганлигини кўрсатади. Мавзуни тадқиқ этишда адабиётларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бу даврда қатор диссертация ишлари ҳам ҳимоя қилинди. С.Шарапова, С.Пўлатова, Д.Аксенов, Н.Зиямов, С.Атаджанова, Х.Низомов, Л.Бабаходжаева, М.Рахимов, Д.Васиева, Д.Сайфуллаев, Ф.Эрназаров, Ғ.Мирзаев каби тадқиқотчиларнинг ишларини келтириш мумкин. Муаллифлар ўз тадқиқотларида турли йўналишларда ҳамкорлик масалалари билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари билан маданий алоқаларнинг айрим жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилишган.

Хориж тадқиқотчилари ҳисобига тўғри келади. Бу мавзуда, айниқса, Irina, Rajam Menon, R.Weitz, R.Yakemtchouk, Pérez Martín, D.R.Spechler, M.C.Spechler R.Cagnat, Д.Файзуллаев, Д.Каххаров, А.Казанцев, Е.Троицкий, Н.Бахтовари, В.Будкин, Н.Зиядуллаев, С.Примбетов, Р.Абдулло каби тадқиқотчиларнинг ишларида Марказий Осиё давлатларининг интеграцияси ва ҳамкорлиги масалалари акс эттирилган.

Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги бир текис ривожланмагани ва ривожланиш динамикаси 1991-2019 йиллар давомидаги ҳамкорлигини учта даврга; 1991-2000 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё мамлакатлари билан бирга бир қатор ҳукуматлараро шартнома ва битимларнинг имзоланиши, фаолликни ошишининг янги босқичида яқин қўшничилик ва дўстлик тамойилларига таяниб, фаол ва прагматик ташқи сиёсат сўнги беш йил ичида минтақада ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тарихий аҳамиятга молик жиддий ўзгаришлар далилланган;

XX асрнинг сўнгги йилларида жаҳон геосиёсий харитасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Хусусан, суверен тараққиёт йўлига кирган ўнлаб янги мустақил давлатлар жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун ҳаракат бошладилар. Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё

мамлакатлари**га** хос ички ва ташқи омиллардан келиб чиқиб мустақил ташқи сиёсат юргизишга интилиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё мамлакатлари Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган йўлларнинг кесишувида жойлашган стратегик аҳамиятга эга ҳудудлардан биридир.

Географик нуқтаи назардан Осиёнинг Хитой ва Ҳиндистондан то Яқин Шарққача чўзилган океанга чиқмайдиган, фақат дарёлар оқимидан иборат ички қуруқлик ҳудуди тушунилади.

Шу ўринда минтақа давлатларининг интеграциясига қандай зарурият бор, деган савол туғилади. Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё давлатларини ягона иқтисодий маконини шакллантириш, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ҳудудий яхлитликни сақлаш, ижтимоий ва миллатлараро зиддиятларга олиб келувчи омилларни бартараф этиш каби умумий манфаатлар бирлаштиради. Шу билан бирга, экстремизм ва терроризмнинг ортиб бориши, наркотик моддалар, қурол-яроғ тарқатиш каби трансмиллий характердаги хавфлар ҳам борки, улар жаҳон бозорига чиқишга, минтақага илмий-техник маҳсулотлар, энг янги технологияларнинг киришига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё давлатларининг жаҳон коммуникация тармоқларига тўғридан-тўғри чиқа олмасликлари ҳам минтақа давлатлари ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйишни тақозо этувчи сабаблардан биридир. Минтақа давлатларининг ҳамкорлигини янада юқори даражага кўтариш ва интеграция жараёнини амалга оширишга ундовчи яна бир сабаб бу – минтақанинг сув захираларидан умумий фойдаланишидир. Минтақадаги дарёларнинг ўзани бир давлат ҳудудида, ирмоғи бошқа давлат ҳудудида жойлашгани, сув захиралари тақчиллиги муаммосини ўзаро ҳамкорлик натижасида ҳал этишини тақозо этади. Минтақа давлатларини умумий чегаралар, дарё ҳавзаларидан биргаликда фойдаланиш, яқин-яқингача энергетика тизими, автомобиль ва темир йўл тармоғи, анъанавий ички бозор ва умумий ижтимоий-иқтисодий муаммолар бирлаштириб туради. Мана шу мақсад атрофида кейинроқ минтақавий интеграциянинг ҳар

хил турлари ва кўринишлари, хусусан, маданий, гуманитар, ҳарбий ва сиёсий соҳалар ривожлана боради. Интеграцион тузилмаларнинг Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий Осиё давлатлараро муносабатлар тизимидаги роли ва ўрнига баҳо беришда икки ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин: **биринчи ёндашув** Европа Иттифоқи, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти каби минтақадан ташқари интеграция тузилмаларининг роли ва уларнинг минтақа давлатларига нисбатан сиёсатини таҳлил қилишга асосланган. Шу билан бирга, бу ерда турк, эрон, ислом дунёсининг интеграция лойиҳалари, қолаверса, АҚШ тақдим этган Катта Марказий Осиё ҳамда Хитой таклиф этган Янги Ипак йўли лойиҳаси ташаббуслари ҳам долзарблик касб этмоқда. **Иккинчи ёндашув** минтақа давлатларини ўз ичига олган интеграцион лойиҳалар (Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, Божхона иттифоқи, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик ташкилоти ва МДҲ) фаолиятига асосланади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМАЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ-МАДНИЙ АЛОҚАЛАР

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси
Тарих бўлими 1-курс магистри
Кўчаров Бахтиёр Толиб ўғли

Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар мустақиллик туфайли халқаро майдонга чиқиши улар ўртасида томонлар учун фойдали бўлган азалий ҳамкорликнинг нафақат ҳуқуқий асосларини мустақил ўрнатиш имконини берганлиги, балки давлатлараро маданий алоқаларни ҳам янги босқичга олиб чиққанлиги таъкидланади. Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё давлатларининг маданий ҳамкорлиги ўзаро икки томонлама ёки минтақавий эмас, балки қатор жаҳон миқёсидаги ташкилотлар доирасида олиб борилаётгани кузатилади. Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё

мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар

ЮНЕСКО нинг маданияти Ассамблеяси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик ташкилоти, Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар ҳамкорлиги ташкилотларига аъзо бўлишган ва ушбу ташкилотлар доирасида ҳар томонлама алоқаларни олиб боришган ва боришмоқда. Айниқса, ЮНЕСКО, Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар маданияти Ассамблеяси ва Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги ташкилоти маданий ҳамкорликка асосланган билан бошқаларидан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари давлатлари билан 1991-2019 йиллар давомидаги ҳамкорлигини учта даврга бўлиш мумкин: 1991-2000 йилларни ўз ичига олган дастлабки даврида мяққол намоён бўлиши, бир қатор ҳукуматлараро шартнома ва битимларнинг

Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё давлатлари билан таълимда халқаро ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: қўшма олий таълим муассасаларини ташкил этиш; республика олий таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёнига чет эллик ўқитувчи ва олимларни жалб этиш; академик мобилликни рағбатлантириш; қўшма илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш; олий таълим, инновацион технологиялар, ресурс ва энергияни тежаш соҳасидаги долзарб масалалар бўйича халқаро конференцияларни ташкил этиш; хорижий инвестицияларни жалб қилиш[1].

Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар ҳукуматлар ўртасидаги келишувга кўра 1996 йили Ўзбекистондаги олий ва ўрта таълим муассасаларига топширишлари асосий роль ўйнади[2].

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар

[1] Комилова Х.Г. Роль и место интеграционных структур в системе международных отношений в Центральной Азии // Вестник Томского государственного университета. История. – 2015. – № 4 (36). – С. 73.

[2] Зиямов Н. Роль Узбекистана в межгосударственном экономическом и культурном сотрудничестве стран Центральной Азии (1991-2001г.г.): Дисс...канд. ист. наук. –Ташкент, 2002. – С. 41-42.

давлатларидаги бир қанча ОТМлар масофадан туриб ёки сиртқи таълим турлари бўйича тўлов-шартнома асосида имтиҳон билан ёки синовларсиз ўқишга таклиф қилмоқда. Кейинги йилларда Қозоғистонда таълим олишни истовчи ўзбекистонлик ёшларнинг сони ошиб бормоқда . Тадқиқотда Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё давлатлари билан Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги ўзаро алоқалари, минтақа давлатларининг туризм салоҳияти, экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми, гастрономик туризм, мазкур ҳудудларга халқаро туристларнинг ташрифи масалалари очиб берилган.

Бугунги кунда туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётида энг сердаромад соҳалардан бири бўлиб, аксарият ривожланган давлатлар иқтисодиётининг салмоқли қисмини ташкил этмоқда. Миллий туризмни тартибга солиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Статистик маълумотларга кўра, 2002-2003 йилларда Ўзбекистон туризмида сусайиш кузатилган бўлса, 2004-2005 йиллар давомида халқаро туристларни қабул қилишда ўзгаришлар юз берган. 2017-2019 йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасида амалий чораларнинг реализацияси туфайли сайёҳлар сони йил сайин ортиб бораётгани кузатилади: Жумладан, 2017 йилда 2,7 млн киши, 2018 йилда 5,3 млн. киши (99 % ошган), 2019 йили эса 6,7 млн. киши (26 % ошган)га етди.

Ўзбекистонда қадимий маданиятлар бешиги бўлган, ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлардан ташқари, унинг бошқа исталган ҳудудида экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми, гастрономик туризм каби йўналишларни ривожлантириш имкониятлари катта.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар туфайли 2018 йилда Самарқанд халқаро “Ипак йўли” туризм университети ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш керак[1]. Шубҳасиз, мазкур

[1] Об итогах деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма за 2018 год; Об итогах деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма за 2019 год.

университет туризм соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали мамлакатимизнинг туризм тараққиётига хизмат қилади. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятида ташрифи вақтида Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар асосида Шаҳрисабзни йирик туризм марказларидан бирига айлантириш, ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида у “Фестиваллар шаҳри” деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда йил давомида ўтказиладиган тадбирлар ва фестиваллар режаси ишлаб чиқилди[1].

Туризмнинг энг фаол ва ривожлантиришда катта имкониятларга эга турларидан бири зиёрат туризми бўлиб, давлат томонидан катта аҳамият берилган. Чунки саёҳатчилар (зиёратчилар) зиёрат давомида озиқ-оавқат истеъмол қилади, яшаш учун пул тўлайди ва турли хизматлардан фойдаланади, шу асосда зиёратгоҳ ҳудудида янги иқтисодий инфраструктуралар шаклланади. “Ислом динининг қуввати” дея эътироф этиладиган Бухорога саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар келадилар[2]. Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар ўртасида «Silk visa» ягона туристик виза тизимини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ушбу лойиҳада кейинчалик минтақадаги бошқа давлатларнинг ҳам бу тизимга қўшилиши кўзда тутилган. Марказий Осиё бўйича ягона бўлган “Ипак виза” *(Silk visa)* ҳақида 2018 йил июнь ойида илк бор тилга олинган эди. Ушбу ғоя Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқаларни қўллаб-қувватланди. Бу виза Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамалакатлари билан иқтисодий –мадний алоқалар минтақасига хорижий туристларни янада жалб этиш учун муштарак саъй-ҳаракатлар ва умуман олганда ушбу минтақани янада кенгроқ таништириш мақсади билан

[1] “Фестиваллар шаҳри” сайёҳликнинг янги марказига айланмоқда//Халқ сўзи, 2019 йил 3 февраль июнь. № 30.

[2] Ўзбекистон зиёрат туризмининг янги марказига айланмоқда//Халқ сўзи, 2019 йил 22 февраль июн, № 37.

амалга оширилади.

Хуллас, мустақиллик йилларида олий таълим соҳасида олиб борилаётган минтақавий ҳамкорлик ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ кенгайтириш ва унинг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш, давлатлараро Дастурлар, келишувлар ва шартномалар тузишга эришилди. Мустақиллик йилларида туризмни янада кенгайтириш ва уни қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди, қатор тарихий шаҳарлар, тарихий-археологик аҳамиятга эга ёдгорликлар қайта тикланди, туризмнинг янги йўналишлари ва шакллари пайдо бўлди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ-МАДАНИЙ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР (1991-2020 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси
Тарих бўлми 1-курс
Алламуродов Шуҳрат Хасан ўғли

Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий-маданий соҳасидаги алоқалар ёритишда давлатларининг театр, мусиқа ва кино соҳасидаги алоқаларининг аҳамияти ҳамда халқаро фестиваль ва кўргазмаларнинг ўрни масалалари мақолада ўрин олган.

Ўзбекистоннинг қўшни қардош давлатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда маданият соҳасидаги алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, унинг ҳузуридаги Ўзбекистоннинг Ғарбий
Европа мамлакатлари билан иқтисодий-маданий соҳасидаги алоқаларда дўстлик жамиятлари ва Республика қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик маданияти марказларининг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-

ҳаракатлари қўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди, маданий алоқалар борасида икки томонлама шартномалар ва келишувларга эришилди. Марказий Осиё минтақасининг барча давлатлари ўтказилиб келинган бундай тадбирларда кенг иштирок этишди. Масалан, Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий-маданий соҳасидаги Франция, Италия, Испания мамлакаталарини эстрада қўшиқлари халқаро фестивали ана шундай оммалашган маданий тадбирлардан биридир.

Ягона иқтисодий макон шартномаси доирасида минтақа давлатлари ўртасида маданий ҳамкорликни кучайтириш борасида ҳам икки томонлама келишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон 1994 йилда олдин Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий-маданий соҳасидаги алоқаларда маданият, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш бўйича келишиб олди[1].

Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий-маданий соҳасидаги алоқалар муносабати билан 1994 йилнинг 23 майида "Туркистон" саройида бўлиб ўтди. Бу тадбирларда маданияти, санъати, адабиёти вакиллари ва машҳур ижодий жамоалар қатнашдилар. Ўзбекистон Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида 1994 йилда, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида эса 1996 йилда, 1998 йилда маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистонда 1998 йилда Ўзбекистоннинг Ғарбий
Европа мамлакатлари билан маданият кунлари ўтказилди. 1998 йилнинг 29 июнидан 5 июлигача Ўзбекистонда Испания, Италия санъаткорлари ҳамкорлиги асосида Тошкентдаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон иштирокидаги тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

[1] Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари раҳбаралрини Ўзбекистон Республикасига ташрифи якуни тўғрисида Қўшма Ахборот // Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри. Хабарнома. – №13-14. 1994. – Б. 118; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Республикасига расмий сафари якуни ҳақида Қўшма Ахборот // Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри. Хабарнома. – №13-14. 1994. – Б. 120. ЎзР КҲДА. 12-илова. О -150998 - рўйхат.

Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари томонидан 2019 йилнинг 17 апрель куни Жиззах вилоятига ижодий гастроль сафари ташкил этилиб, намойиши бўлиб ўтди[1].

Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари давлатлари кинофестиваллар доирасида ҳам ўзаро яқин алоқаларни ўрнатганлар. Германия, Польша, Франция мамалкатлари халқаро кинофестиваллар ўтказиш анъанага айланиб улгурди. Бу кинофестивалларда жаҳондаги етакчи давлатларнинг кинофильмлари қаторида, энг аввало, минтақа давлатларининг кино маҳсулотлари намойиш этилади. Умуман, Тошкент Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан анъанавий кинофестиваллар ўтказиш маркази бўлиб танилган[2]. Халқаро кинофестиваллар ўтказиш бўйича Ўзбекистоннинг Ғарбий мамлакатлари билан 4 та кинофестиваль мунтазам ўтказиблиб, фильмлари ва кино мактаблари халқаро кинофестивали.

Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан халқаро кинофестиваллардан яна бири бу – Ўзбекистонда 2018 йилдан халқаро кинофестиваль мақомига эга бўлган "PROLogue" фестивалидир. Хусусан, 2018 йилнинг ноябрь ойида IV маротаба Тошкентда бўлиб ўтган мазкур кинофестивалда Германия, АҚШ, Польша, Швейцария, Италия, Россиядан машҳур актёр ва режиссёрлар эксперт ва ҳакамлар сифатида таклиф этилди. Тожикистонда эса 2004 йилдан бошлаб "Дидор" ҳужжатли фильмлар халқаро кинофестивали ўтказилади[3].

2018 йилдан Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари да Ўзбекистон кунлари кенг нишонланди. Маданият кунларини ўтказиш минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларида ҳам алоҳида таъкидландики, бу минтақавий интеграция учун ва умуман, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий яқинлашиш, ўзаро ҳамкорлик учун кенг имк

Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа давлатлари билан маданий алоқаларида халқаро фестиваль ва кўргазмаларнинг ўрни масалалари ёритилиб, Ўзбекистоннинг минтақа

[1] http://www.madaniyat.uz/post/view/5383

[2] Эрназаров Ф. Н. Краткий обзор развития истории международного кинофестиваля в Ташкенте // Наука и мир. – Т. 2. №9 (37). 2016. – С. 73-74.

[3] ЎзР МА М-7 фонди, 2-рўйхат, 27-йиғма жилд 67-69-варақлар.

давлатлари билан маданий алоқаларининг ривожланишидаги асосий воситалари, яъни: 1) давлатларнинг Маданият кунлари 2) давлатларнинг театр ва мусиқа жамоалари гастроллари 3) давлатларнинг санъат арбоблари ва артистлари иштирокидаги турли халқаро фестиваллар, конкурслар ва кўргазмалар 4) маданият соҳасидаги тажрибалар, маълумотлар ва мутахассислар алмашинуви кабилар ташкил қилиши очиб берилди.

Маълумки, давлатлараро маданий алоқалар энг кўп халқаро фестиваллар доирасида ёрқин намоён бўлади. Масалан, биргина Ўзбекистонда "Шарқ тароналари" мусиқий фестивали (1997 йилдан), Халқаро мақом санъати анжумани (2018 йилдан), Бойсун баҳори (2018), Халқаро бахшичилик санъат фестивали (2019 йилдан), Халқаро ҳунармандчилик фестивали (2019 йилдан), "Буюк ипак йўли" халқаро фольклор мусиқа фестивали (2019 йилдан) Франция, Италия фольклор-мусиқа санъати фестивали (2006 йилдан) каби қатор халқаро маданий фестивалларни ўтказиш анъанага айланиб қолди. "Шарқ тароналари" илк бор 1997 йилда ўтказилганида 31 мамлакатдан, 2017 йилда 56 мамлакатдан санъаткорлар қатнашишган унинг нуфузи тобора ошиб бораётганини кўрсатади[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг 2018 йил 1 ноябрдаги Қарори билан 2019 йил 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида илк бор ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали халқаро миқёсдаги йирик маданий тадбир сифатида кенг эътироф этилди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган ушбу фестивалга 74 давлатдан ижрочилар, фольклоршунос олимлар, экспертлар, шунингдек, Франция, Испания, Чехия, Болгария давлатларидан фахрий меҳмонлар қатнашди. Фестиваль доирасида халқаро илмий-амалий конференция, ҳунармандлар кўргазмаси, "Ўзбек ошхонаси" номли ошпазлар танлови каби тадбирлар ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бахшичилик санъатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2019 йил 14 майда "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

[1] Шомуротова М. "Шарқ тароналари" - фестивал мелодии Востока // Вестник науки и образования. – 2019. - № 8 (62). – С. 118.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида Термиз шаҳрида ташкил этилган Республика бахшичилик санъати марказининг асосий вазифалари қаторига бахшичилик санъати йўналишида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, бу борада ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, жумладан, турли халқаро анжуманлар, танловлар, концертлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш масалалари кўрсатилган[1].

Ватанимиз тарихи ва унинг бой маданий меросини янада кенг тарғиб қилиш ва уни муносиб намойиш қилиш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. Булар қаторида туризм соҳасидаги фестиваллар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Минтақадаги қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган Бухорода ҳам Германия, Франция, Испания, Словакия каби давлатларни туризм салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун ҳар йили "Ипак ва зираворлар" фестивали, "Палов сайли", "Қовун сайли", Ибн Сино таваллудига бағишланган илмий-амалий конференция, "Миллий анъаналар" фестивали каби тадбирлар доимий ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзмёевнинг 2018 йил 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятида ташрифи вақтида Шаҳрисабзни йирик туризм марказларидан бирига айлантириш, ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида Шаҳрисабзни "Фестиваллар шаҳри" деб эълон қилди. Хусусан, биргина Шаҳрисабз шаҳрининг ўзида Халқаро мақом фестивали, Наврўз умумхалқ байрами кунларида Халқаро миллий либослар фестивали, кўпкари ва кураш халқ ўйинлари ўтказилади.

2019 йил 21-22 март кунлари Шаҳрисабз шаҳрида "II Халқаро Миллий либослар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Италиядан модельерлар ва дизайнерлар тўпламларини тақдим этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий-маданий соҳасидаги алоқаларда ҳамжиҳатлик ва барқарорлик йўлидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда маданий алоқаларни янада кенгайтириш, бу

[1] Кўҳна, гўзал ва бетакрор санъат овозаси // Халқ сўзи, 2019 йил 10 апрель. – № 71. – Б. 1.

соҳадаги ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш зарур. Айниқса, давлатлараро икки ва кўп томонлама ҳамкорлик шартномалари бандларида келтирилган тадбирларнинг доимий ўтказиб келишни анъанага айлантириш, умумминтақавий мусиқа, санъат ва кино халқаро фестивалларини ташкил этиш ва уларнинг нуфузини жаҳон миқёсида кўтариш лозим.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УНДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Тиловов Мирқосим Амантурдиевич, Термиз давлат университети 1-босқич магистри

ВОЗНИКНОВЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ НА НЕМ

Тиловов Миркосим Амантурдиевич, магистр 1 курса Термезского государственного университета

THE EMERGENCE OF THE GREAT SILK ROAD AND DIPLOMATIC RELATIONS IN IT

Tilovov Mirkosim Amanturdievich, 1st course master of Termez State University

Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши тўғрисидаги саволга жавоб бериш кўпгина тадқиқотчиларни чуқур мунозарага тортади. Кўпгина адабиётларда Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиш даврини мил. ав. II аср билан боғлашади. Аммо бу йўлнинг тарихини бундан ҳам қадимийроқ давр билан саналаштириш мумкин. Бу йўлни даврлаштиришда аниқ бир мулоҳазаларнинг пайдо бўлмаслигига сабаб, бу йўл тўғрисида Чжан Цяннинг[1] Фарғонага (Довон давлатига) келишидан олдинги давр бўйича ахборот берувчи аниқ бир манба мавжуд

[1] Ўзбек дипломатияси. Тарихий очерклар ва лавҳалар. Тошкент, 2003. 237-238-бетлар.

эмаслиги муаммонинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади[1]. Буни қуйдагича изоҳлашимиз мумкин, биринчидан, Хитойда тарқоқлик ва ички зиддиятлар барҳам топиб, марказлашган давлатлар ташкил топгунга қадар мамлакатнинг ғарбий ва шимолий қисмида аллақачон марказлашган бошқарув тизимига эга бўлган туркий халқлардан ташкил топган давлатлар мавжуд эди. Мил. ав. III асрнинг ўрталарида ташкил топган Хун[2] давлати шу давлатлар сирасига киради. Хунлар давлати кучли давлат сифатида кучайишидан бир неча аср муқаддам Хитойга қўшни бўлган, мамлакатнинг ғарбий ва шимолий қисмида катта ҳудудни эгаллаган Юэжи[3] давлати Хитойга борадиган йўлни ўз назоратига олган ва уларнинг рухсатисиз ҳеч ким бу мамлакатга ўта олмаган. Иккинчидан, Хитойнинг географик жойлашув шароити ва имкониятидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, мамлакатнинг ғарбий қисми асосан чўл ва даштликлардан иборат ва хитойликлар асосан ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланишган. Ғарбга саёҳат қилиш учун хитойликларда от ва туялар бўлмаган, хунлар ҳаётида эса чорвачилик асосий ўрин эгаллаганлиги боис бунинг тескариси бўлган. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, Чжан Цянгача Буюк ипак йўлидан савдо-сотиқ алоқалари учун бир ёқлама йўналишда фойдаланган халқлар айнан, Марказий Осиёликлар ҳисобланади.

Хитой давлати милоддан аввалги иккинчи асрда Хан сулоласи даврида ғарбий мамлакатлар билан қизиқа бошлайди. Бу ҳол иккинчи асрнинг сўнгги чорагида Фарғона билан Хитой ўртасида кескин сиёсий-ҳарбий алоқаларга олиб келади. Бу соҳадаги маълум муаммоларни ҳал этиш учун Фаргонага Хитой элчиси Чжан Цянь юборилади. Элчига аслида катта вазифалар юкланган эди. Унинг мақсади минтақанинг Бақтрия қисмида ҳукмрон бўлган южилар (тохарлар) билан хунларга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш, йўл-йўлакай Фарғонага ҳам кириб, у билан бўлган ихтилофларни бартараф этиш

[1] Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг (Марказий Осиёнинг қисқача тарихи). Чангша, 1986. 97-бет.

[2] Хун — бундан 4 минг йил муқаддам мавжуд булган қадимий туркларнинг бир қисми ҳисобланиб, Хитой эса уларнинг жанубий қўшниси бўлган.

[3] Лин Мэйцун. Сиюй вэньмин // Ғарбий мамлакатлар маданияти. Пекин, 1995. 6-7-бетлар.

бўлганди. Хитойликлардан элчи Чжан Цян Фарғона билан илк бор танишган шахслардан бири бўлган. Улар Фарғонани Довон, бу ердаги давлатни Довон - Улуғ Ван давлати деб атардилар. Чжан Цян ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда, Фарғона ҳукмдори уни жуда яхши қабул қилади. Унинг совға-саломларини катта мамнуният билан олиб, кетар чоғида элчига ўз навбатида кўплаб қимматбаҳо тортиқлар ҳадя этади ва унга йўл кўрсатувчи алоқа хизматчиларини ҳамроҳ қилиб жўнатади. Бу ҳол ўртадаги дипломатик музокараларнинг ҳар иккала томон учун ҳам мақбул даражада бўлиб ўтганлигига шоҳидлик беради.

Элчи Чжан Цян ўз сафари даврида Фарғона, Суғдиёна, Бақтрия ва Туркистоннинг бошқа қатор вилоятларида бўлиб, бу ердаги халқлар, уларнинг сиёсий тузуми, маданий ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди ва уларни ёзиб қолдиради. “Довондан ғарбга томон Ансигача (Парфиягача) бўлган улкан ҳудудда турли тилларда, лаҳжаларда сўзлашсаларда, аммо урф-одатлари ўхшаш ва муомалада бир-бирларини тушунадилар” - деб таъкидлайди элчи. Унинг ёзишича, Фарғона давлати бошқаруви тизимида ҳукмдор, унинг икки ёрдамчиси (вазири) ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатган.

Амир Темур даврида эса Минлар давлати пойтахти Пекин (Хонбалиқ) шаҳрига 8 марта ўз элчиларини юборади[1].

Амир Темур вафотидан кейин бир асрга яқин вақт ичида Туркистондан Хитойга 107 марта элчилар гуруҳи жўнатилган. Шундан 22 мартаси Мирзо Улуғбек даврига тўғри келади[2]. Самарқанддан Хитойга юборилган элчилар гуруҳи билан биргаликда катта савдо карвонлари ҳам қўшиб юборилган[3]. Минлар ҳукмдори Тайзуннинг Амир Темурга йўллаган бир мактубида қад этилишича, айрим савдогарлар Хитойга келгандан сўнг ватанларига қайтмасдан савдо билан шуғулланишган ва айримлари уй-жойлар сотиб олиб оилавий кўчиб кетишган.

Буюк ипак йўли пайдо бўлишидан бугунги кунга қадар

[1] Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг (Марказий Осиёнинг қисқача тарихи). Чангша, 1986. 553-бет.

[2] Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. (По материалом китайских источников). Ташкент, 2005. 50-бет.

[3] Ўзбек дипломатияси. Тарихий очерклар ва лавҳалар. Тошкент, 2003. 95-бет.

мамлакатлар ўртасида доимий дипломатик ва савдо алоқалари йўлга қўйилганлигини хулоса қилиш мумкин. Буюк ипак йўли йўналишида жойлашган мамлакатларда даврлар ўтиши давомида уларда кузатилган маданий, ижтимоий, сиёсий ҳамда иқтисодий ўзгаришлар ва бу жараёнларга дипломатик муносабатларнинг таъсири тўғрисида янада кўпроқ изланишлар олиб борилиши керак эканлиги таъкидлаш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аблат Хўжаев. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007.
2. Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг (Марказий Осиёнинг қисқача тарихи). Чангша, 1986.
3. Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. (По материалом китайских источников). Ташкент, 2005.
4. Лин Мэйцун. Сиюй вэньмин // Ғарбий мамлакатлар маданияти. Пекин, 1995.
5. Ўзбек дипломатияси. Тарихий очерклар ва лавҳалар. Тошкент, 2003.

ЭТНОГРАФИЯ ДАЛА ТАДҚИҚОТЛАРИДА АҲОЛИ МАНЗИЛГОҲЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАҲЛИЛЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 1-курс магистри
Ходжаева Моҳигул Панжиевна

1916-1920 йиллар орасида Тозибулоқ деган жойда Шерабод ва Бойсун беклигининг катта Сар-сайл байрами ўтади. Шерабод беклигидан 32 ариқ бўйича қишлоқ оқсоқоллари, бойлари, чавандозлари, полвонлари тўпланишиб, беклик номидан сўхталик Шоди Амин иш олиб борадилар. Бойсун беклигининг Пошхурд, Зарабоғ, Қизилолма, Хомкон, Хатак, Лайлагон, Эгарчи, Калла-

мозор, хуллас, Даҳнадан юқори қисми: “Бешфарараганий” дейилиб, унга жами оқсоқоллар номидан хомконлик, гапдон Жума оқсоқол иш олиб боради. Икки тарафлама кураш сайлнинг асосий томошаларидан бирига айланади. Полвонлар учун борғилар бекликлар номидан, еб-ичар овқатлар бойлар, оқсоқоллар номидан тайнланади. Икки кунлик курашнинг биринчи куни асосан ёшлар курашади, кечалари базшилар томонидан достон-термалар тингланади. Мардонақул бахши, Шотўра бахшилар хизмат қилишади. Ҳар икки томондан кўп ёш полвонлар, борғи олишади. Сайлнинг ҳал қилувчи кунида катта, донғи кетган полвонлар курашади, ҳар икки томондан зўрлар кураша бошлайди.

Ҳал қилувчи вақтлар яқинлаша бошлай, “32 ариқ” томонидан курашган полвонлар кўпроқ борғи олишади. Билимли, гапдон Шоди Амин давра айланиб, Жума оқсоқол томонини, яъни “Беш фарагант” полвонларини мотқила бошлайди:

-Хў Жума оқсоқол яна полвонларинг борми?,- Айронхўр (тагаб халқи кўпроқ қатиқ-сут билан овқатлангани учун) ларингдан яна қолдими? –деб ҳаммани мот қилади.

Шунда Жума оқсоқол гап тополмай, “Беш фарагант” лик бойлар, оқсоқоллар олдига келади. Энди нима қиламиз, енгилдик деб кетамизми? Дейди. Алихонбобо ўрнидан туриб, Хомкондан Мулло Болта келдими? Қани, у-деб сўрайди. Шунда бири “Мулло Болта” қўшхонада китоб ўқиб ётибди дейди. Боринг Мулло Болтани кўндириб олиб келинглар, бўлмаса (шарманда) енгиламиз, -дейд Жума оқсоқол. Бойлардан 3-4 таси бориб Мулло Болтани олиб келади ва чакмон кийдириб, даврага чиқаради. “32 ариқ”нинг донғи кетган полвони билан Мулло Болта сайлнинг ҳал қилувчи кураш баҳсига тушади. Ҳамманинг диққати икки зўрда. Икки оқсоқол: Шоди Амин билан Жума оқсоқол ҳам жим, худо кимга бераркан,-дейишиб давра айланади.

Биринчи ушлатади, Мулло Болта рақибининг янги чекмонидан ушлаб, бир енгини юлиб, отади. Кураш яна қизийди рақиби Мулло Болтани силкиб ўрнидан қимирлата олмайди. Учинчи ушлашганида Мулло Болта рақиби ... полвонни тизза чўктириб, ёнбош қилади. Сўнгра айланишади. ... полвон давра ўртасига келиб, Мулло Болтага кураўда таслим бўлганини айтади ва дав-

радан чиқиб кетади. Мулло Болта қайта сарсайлда ғолиб бўлади. Шунда Жума оқсоқол ўртага чиқиб: -хў, Шоди Амин, яна ошколихўрларингдан борми? –деб Шоди Аминни мот қилган экан.

Мулло Болта асли Хомконлик бўлиб, ҳам полвон, ҳам чавандоз ўтган, йигит даврида кўпкарига отини отаси сотиб, яна 4 ёшли от олиб берган. Ўғли бундан норози бўлиб эртаси тўйга бормай, уйда ўқилса дўстлари келишади ва кўпкарига юр дейишади. У бормаслигини айтиб, оти сотилганини айтади. Отаси, ана 4 ёшар от олиб бердим, уни мин деса, у мени кўтара олмайди, мен уни кўтараман деб эгарланган отни икки узангисидан ушлаб кўтарган ва қўтонни бир айлантирган экан, от эса улоқ сингари типирчилаб, қочолмай келган экан дейишади, 90-95 ёшли кексалар. 1930 йилларда Мулло Болта Афғонистонга кўчиб келган. Ҳозир 2-3 ўғли ва неваралари Саудия Арабистонида яшамоқда, бу ердаги амакилари билан хат-хабар орқали гаплашиб туради. (Кексаларнинг даврадаги гурунгларидан эшитилди. Хомкон –Калламозор халқи асли бир халқ. Хомкон ёзги яйловчи, лалми деҳқончилик жойи; Калламозор қишқи, эрта баҳорги яйловчи. Сўнги йилларда бир қисми ўтроқи бўлишиб қолган.)

Сайл апрел-май ойларида ўтиб турган.

Қўнғирот уруғининг кўпчилик даҳаларида ота-боболаримиз кўчманчи ўтган чунки улар човдор халқ. Улар йилнинг 4 фаслида ўтовлардан фойдаланган, фарзандларига ҳам ўтов тикиб беришган, айрим камбағалроқ қисми эса капалардан фойдаланган. Бу кичик мақоламизда ўтовлврнинг тайёрлаш усулларига тўхталамиз. Сурхондарё, Қашқадарё шеваларида уй дейилади. Биз ҳам шу уй сўзини ишлатамиз.

Уйни дастлаб уйчи усталарга буюришдан, усталар эса уйни сариқ ёки қора толдан тайёрлашади. Унинг ҳам (размери) бўлади: 48 бош, 52 бош, 56, 60 бошли уйлар. Қуруқ ва ҳўл (янги кесилган) кузда кесилган толлардан фойдаланилади. 1-дан керакли чўплар чўтларда кесилади ва ички томони силлиқлашади, четлари қисқа чўплардан ўрта қисми тенг чўплардан, узунлиги тахминан, 1,5-2 метрлик. Улар тешгичи сим билан бир киши симга тўғирлаб туради, яна бир киши симни

ҳаракатга келтиради, тешиклар ораси тахминан 20 см дан қилиб тешилади. Тешиклар орқали ёғоч дастаклар бир-бирига эшак ёки ҳўкиз терисидан тайёрланган чарм билан бириктирилади. Хуллас бир уй учун 4 та керага тайёрланади. Уларнинг боши 12 тадан, 13 тадан, 14 тадан, 15 тадан ва 16тадан бўлади. Шу сонига мослаб, увуқ(2-2,5метрлик) тайёрланади. Увуқларнинг юқори қисми тўғри пастки қисми 60-80 эгилган бўлади. Увуқнинг учи ингичка, пастки қисми йўғонроқ тешилган бўлади, унга увуқбов ўтказилади. Увуқбовлар жун ёки пахта ипларидан тўқилади. У кераганинг устки қисмига боғлаш учун. Сўнгра 360 градусли чонғороқ, йўғонроқ ёғочдан бир томони силлиқланиб тайёрланади ва чарм билан икки жойидан беркитилади ва саккизта ўртача тол чўп билан эгилтириб, бир томонини баладнроқ қилади. Чонғороқнинг атрофи увуқ сонига қараб, тешгич билан қиясимон қилиб тешилади. Уйга эшик ўрнатиш учун 4 та бўсаға тайёрланади. 2 таси ён томон, ҳамда пастки ва юқори бўсағалар бўлиб, икки томони керагаларга тизма орқали беркитилади. Устки бўсағада 4 та етим увуқ учун чуқурча жой бўлади. Керага йойилади ва йиғилади. Ўтов тикишда йойилиб, тўрт жойидан бир-бирига 4 та уй қозиқлар орқали беркитилади. Айланаси ола арқон орқали беркитилади. Керагани бош қисмидан боғишш орқали айлана бўйлаб мустаҳкамланади. Керага ва чонғороқни увуқлар орқали бирлаштирилади. Увуқларнинг эгилган жойидан яна тизмалар орқали боғланади. Увуқлар керагага увуқбовлар ёрдамида боғланади. Боғиш билан увуқдаги тизма орасида чиройли қилиб тўқилган қур ҳам тортилади. Уйнинг ёғоч қисми тикилгандан сўнг олд узуги (катта кигиз) ташланади, унинг икки четида 3 тадан 6 та энлироқ юови бўлади, у орқа увуқ ва керагаларга беркитилади. Сўнгра орқа узуги ташланади. Унинг ҳам 3-4 тадан пахтадан тўқилган бовлари бўлиб, олд узугининг устидан туширилади ва ола белдовга беркитилади. Ҳар икки узукнинг (кигизнинг) пастки қисмида 15-20 тадан оқ тағобкилари бўлиб, улар ҳам ола арқонга боғланади. Уларнинг усти ёки остки қисмидан 2-3 тадан оқ пахтадан 15-20 см лик белдовлари ҳам юўлади. Уларнинг ҳаммаси узоқдан уйни чиройли кўрсатади. Чонғороқ устига эса тўнтиқ ёпилади, у керакли вақтда ёпилади, очилади,

уни 4 та арқонча билан боғланади. Увуқнинг эгилган жойидан пастки қисмига 4 та тувурлақ кигиздан ташланади. Эшикка алоҳида эшик ёпилади, у ҳам эшик ўлчамига лойиқ бўлиб, чий ва кигизчадан иборат. Улар жуволдиз арқончаси билан тикилади. Эшикка мос ёғочдан эрганак (дарвозача) ўрнатилади. Тўнтиқ олдинги арқонча билан очилади. Тўнтиқдан ёруғлик киради ва ўт ёқилса тутун чиқиб, туради. Ёмғирли кунларда тийрович (ёғоч) ишлатилади. Кераганинг ташқарисидан қамишдан тўқилган икки қанот (дона) чий тутилади, чий совуқни қайтаради, ёз кунлари баъзан очиб ҳам қўйилади. Арқонлар эчки қилидан оқ-қора қилиб эшитилади. Тизма, боғиш, қур ва уч илгич отма бовлар қўй жунидан ип қилиниб, ранглар берилиб, қиз-келинчаклар меҳр билан чиройли қилиб тўқишади. Кигизлар ҳам қўй жунидан тайёрланади. Жунлар аввал тутилади, савалади, ўрага жойлаштирилиб, иссиқ сув солиб, 3-4 марта қўлдан –қўлга ўтиб роса пишитилади. Уйни чиройли кўрсатиш учун устки қисми оқ, оқиш жунлардан солиб кигиз тайёрланади. Уйнинг кигизи ўта пишитилса, ҳеч қачон сув штмайди. Шунинг учун унга дуо теккан дейишади. Уйнинг ичи катта бўлиб, 2-3 қатор юк, қозон-товоқ, ун, сув идишлар туради, 8-10 киши ётиб-туради, ўртада ўчоқ бўлиб, овқат пиширилади. Халталар осиқ бўлади, қиш кунлари ўтин, ем қоплар ҳам туради. Кўчиш вақтида бир уйнинг туришини бир туя ёки 2 та от кўтаради. Юк қоплар бошқа уловларга ортилади. Янги келин ўтовларга ис бўлмаслиги учун ўт ёқмайди, ташқарига ўт ёқиб, чўғини киритганлар.

Марказий Осиё халқлари айрим оқар сувларни кам жойларда қудуқ сувларидан фойдаланган. Бу усулдан қадим ота-боболаримиз катта тажрибаси мавжуд. Қудуқ қазиш ишларини ўта синчков кишилар амалга оширганлар, ҳамма жойдан сув чиқмаган. Оқар сув камчил бўлган аҳоли нуқталари ичимлик суви учун, чрва молларини суғориш учун, кичик-кичик боғ-роғларни суғориш учун қудуқ қазиганлар.

Қудуқ қазиш учун сув чиқадиган жойлар, ер ости сувлари яқин бўлган ерлар обдан ўрганилиб, текширилган.

1.Тупроқнинг намлиги

2.Ажриқ ўтлари

3.Янтоқзор жойлар танланган.

4.Халқасимон ерлари танланган.

Ер танлангач, йигитлар асбоб-ускуналар билан таъминланган. 4х4, 3х3, 2х2, ва ҳоказо ўлчамдаги ер қазилган. Унинг чуқурлиги ҳам ҳар хил бўлган баъзида 7-8 метр, баъзида 10,15,20 метргача чуқурликдан сув чиққан. Сув топилгаяч, қудуқни ишга тушириш учун унинг пастки қисмига қисман шоғол тош тўшаган. Чиримайдиган арча ёки ўрик, тут, хориларини пастдан бошлаш алкаштириб, ораларига тош тайлаб юқори қисмига чиқариб келган. Ёғочлар тупроқни нурашдан асрайди, ҳам ҳудудни ҳар 2-3 йилга тозалаб туриш учун норвон вазифасини ўтайди. Сувни қудуқдан ҳар хил усуллар билан қовғалар (идишлар) орқали чиқарганлар. Кичикроқ қовғаларни одамлар арқонлар ёрдамида чиқарган бўлса, катта қовғаларни чиғириқлар орқали чиқарган. Бу ишни ўргатилган туялар ёрдамида бажарганлар. Қудуқ ёнидан ҳовузчалар, ёғоч охирлар (узунлиги 8-10метр) қурилган бўлиб, улар одамлар ёрдами билан тўлдирилган, сувнинг оз-кўплигига, чуқуур-шўрлигига қараб, фойдаланган. Масалан, ичимлик учун, кичик-кичик боғ-роғлар учун чучук сувдан фойдаланган. Обхоналар тўлгач, бир отар сувни 5-6 бўлиб суғорганалар, чунки обхона охирлар 80-100 қўйга мўлжалланган бўлади. Йирик молларни ҳам 25-30 талаб суғоришган. Агар ер остидан кўпроқ сувга дуч келинса, чиғир – чархпалакларни қадим замонларда қуллар кучи билан ишлатиб, гектарлаб кичик далаларни ҳам суғоришган дейишади. Ҳозирги замонда техника кучидан фойдаланиб, сув чиқарилади ва қсман зираотлар суғорилади.

СУРХОН ВОҲАСИДА АҲОЛИНИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЭТНОЛОГИК ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри
Рўзиқулов Сирожиддин Актамович

Қадимги “Калламозор” қишлоғи ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти Шервбод туманида жойлашган. Қадимдан бу қишлоққа одамлар яшашган деган тахминдар бор. Аҳолиси асосан ўтроқ ҳаёт кечиришган ва чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланиб келишагнан. Калламозор тарихига тўхталадиган бўлсак биз аввало ўша давр ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишимиз керак. Бизга маълумки 1200 йиллар атрофида мўғуллар Мовороуннаҳрга юриш қилишган. 1201-1203 йиллар атрофида мўғуллар Термизга юриш ҳозирлик кўраётган эди. Термизга ўтиш чоғида Калламозор қишлоғида дам олишган. Аслида Калламозор “Қалъамозор” деб юритилган. Йиллар ўтиши билан бу атама оғиздан-оғизга ўтиб Калламозор деб юритила бошлаган. Манбаларда қайд этилишича “Қалъамозор” аслида 40 та калланинг бош чаноғи яъни ушбу қабрда фақат инсоннинг калласини кўмишганини қайд этиб ўтадилар. Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида ушбу қишлоқ ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Бу асарда таъкидланишича, Қалъамозор қишлоғи мўғуллар давридан бошлаб шаклланган деган тахминларни айтиб ўтган. Қишлоқ ҳақида Шарифиддин Али Яздий яна кўпгина фикрлар айтган яна кўпгина фикрлар айтган яъни аҳоли асосан ўтроқ ҳаёт кечиришган. Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Қишлоқда махсус Коризлар бор. Кориз-ер ости каналидир. Бундан кўриниб турибдики қишлоқ аҳолиси ушбу коризлар орқали чучук сувсифатида фойдаланишган. Аҳоли коризлар орқали ерларни суғоришган ва деҳқончиликка катта ютуқларга эришган.

Калламозор ота қабристони ёнида “Қозоқлар”, “Оқтепа”, “Қирйигит” қабрлари мавжуд. Бу қабрлар қишлоқнинг жану-

бий-ғарбий томонида жойлашган. “Қозоқлар” қабри ҳақида сўз юритсак мўғулларнинг лашкарбошлари ўша қабрга дафн этилган маълумотлар бор. Ўшандан бошлаб “Қозоқлар” қабри деб атала бошлаган. Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда “Қозоқ” лар қабри айнан мўғул аскардлари эканлигини исботлаб беришган.

Бундан ташқари “Калламозортоа” қабристони ёнида “Қирқ йигит” қабристони ҳам мавжуд. “Қирқ йигит” қабристони тарихига назар ташлайдиган бўлсак ўша даврда 40 та йигит ариқ қозишга чиқишган. Қозиш натижасида жарлик нураб уларнинг устига тушишган ва улар ҳалок бўлишган. Шундан буён қишлоқ аҳоли бу қабрни “Қирқ йигит” қабристони деб атайдилар. Қишлоқда тепалигида камарлар ҳам макжуд. Ушбу камарларда балким ибтидоий даврдан бошлаб одамлар яшаб келган деган тахминлар бор. Камарларда қадимги қадимги аждодларимизнинг қўл излари, ҳайвонларнинг суратлари тасвирланган. Умуман олганда қишлоқ аҳолиси қадимқадимдан ривожланган қишлоқлардан бири бшлган, балким бу қишлоқ бронза ёки темир даврига оиддир.

Ҳозирги кунда мухтарам президентимиз Ислом Каримов этнология соҳасида кўпгина ишларни олиб боришни талаб қилмоқда. Шунингдек, қишлоқлар тарихи ҳақида ва уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, аҳолининг турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотларни тўплашни тарихчиларнинг Сурхон воҳасидаги турли даврларга оид қишлоқлар тарихи ўрганилишини кўришимиз мумкин бўлади. Шундай қадимий қишлоқлардан биттаси Шерабод туманида жойлашган Калламозор қишлоғидир. Ҳозирги кунда бу қишлоқ яъни калламозор “Жийдабулоқсой” деб юритилади. Қишлоқ ўзининг жануб томони улкан тоғлар билан ўралган. Калламозор қишлоғи 3 минг йиллик тарихга эга, аҳолиси эса 5-6 минга яқин кишини ташкил этади.

Қишлоқда янгидан таъмирланган замоновий мактаб қуриб битказилди. Деҳқончиликда катта ютуқларга эришган. Чорвачилик ҳам анча ривожланган. Калламозор қишлоғида катта –катта полонлар ва чавандозлар чиққан, урф-одатлари жуда қадимдан ривожланиб ҳозирги кунга қадар сақлаб қолган. Аҳолиси қўшиқлар, лапарлар, топишмоқлар айтиб келишган. Аёллар мах-

сус кийимлар ва тақинчоқлар орқали қишлоқ кўркига чирой қўшиб туришган. Йигитлари ҳам забардас пахлавон йигитлар бўлишган. Қишлоқда 100 ёшдан ўтиб кетган момолар ҳамда боболар умр гаштини сурмоқдалар. Улар Мисқолмомо, Кумушмомо, Абдураҳмонбоболар қишлоқнинг энг улуғлари ҳисобланади. Бундан ташқари калламозор қишлоғи атрофидаги тоғлардан оқадиган шифобахш булоқ сувлари мавжуддир. Этнология соҳаси бўйича ҳам қишлоқ катта ютуқларга ҳам эришишган. Мактаб ўқувчилари навруз сайлларида ўзларининг чиқишларини олиб бориб, халққа кўрсатишаган.

“Калламозор”, “Қирқ йигит”, “Оқтепа” қабристонлари қишлоқ ҳашарчилари томонидан қайта таъмирланиб сайёҳларининг ва тарихчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Имом хатиблар ҳам қишлоқда қадимги даврдан бошлаб бшлишган, унда махсус ҳаттатлар ҳам бўлишган. Қишлоқ тарихи шу кунгача тўлиқ ўрганилмаган, знро тарихимизни, маънавиятимизни, урф-одатларимизни ўрганиш бу биз ёшларимизнинг азалий бурчимиз ҳисобланади.

Калламозор қишлоғини обод қилган авлодларнинг кейинги 6-7 пуштлари ҳам шу қадим маконни обод қилишди. Сидқидилдан меҳнат қилишган, ўз билимли, ҳаёт тажрибалари, эсда қоларли жўшқин хизмаатлари билан ном қолдиришган.

1. Эсламасбий
2. Ибодуллабой
3. Аллабердибой, Қўқорбой, Норбўта,Улаш, Тўлабой
4. 5 ўғил Мулло Шаймон
5. Маманазар, Алланазар, Жуманазар
6. Норхон, Рамазон, Хўшбоқ, Алишер ва бошқалар.

Мулло Шаймон, ўз даврининг билимдон, оқсоқол инсонларидан бири. Унинг ўғилларидан Маманазар кўп йиллар илғор бригада бошлиғи, Тошқулов идорасининг ходими бўлиб ишлаган. Алланазар Шоймонов эса, урушгача ўқитувчи, уруш қатнашчиси, урушдан кейин “Янги турмуш” колхозига бош буғалтер (ҳисобчи), 10 йил колхоз раис, сўнгра фермер мудир бўлиб ишлаган. Жуманазар эса, 7 –синфни битириб, ўқитувчи, экситр йўли билан ўрта маълумот олгач, мактаб мудири, 2-3 мактабга директор, педтехникумни тугатиб,

институтга киргач, Шерабод маорифининг бош инспектори взифасида ишлаган. Ўзи бор-йўғи 30 йил умр кўрса ҳам 50-60 ёшдаги кишиларнинг ишини қилиб қўйган. 5-авлоднинг ҳаммаси уч оға-ини ҳам от чопган, чунки тоғаси Зияқулбобо моҳир чавандоз эди. Зияқулбобо бошлиқ ҳаммалари Заработға тўйга боришади. Улар кечаси от сувутиб юришса, кечаси олиш(кураш)нинг устига бориб қолиишади. Йигитларидан уч-тўрттасини олишга чиқришади, ҳаммаси йиқилади. Шунда Зияқулбобо отини бировга ушлатиб, ўзи олишга тушади, ўзи ҳам йиқилади. Кетдик, деб, ҳаммаси қўшхона уйига келишади. Ёшлар нима бўлди? Бобо деб ҳазиллашади. Бободан садо чиқмайди, фақат нос отади, ёшлар эса товушини чиқармасдан пиқиллаб кулишади. Эртаси куни Зияқулбобо чой ичмасдан отини сувутади ва кўпкари болангач, уларга аралашади. Ўша куни 2 та охири, 9 та қўй-эски, 1 та тана айиради, аламларидан чиқади, қайтишда ҳаммага гурунг бкриб, кайфияти чоғ бўлиб қайтади, жияни Алланазар раис ҳам 1 та қўй айирган эди. А.Шоймонов 10 йиллик раислик даврида кохозчиларга томорқа бериб, тозатиб билан уйлар қурдирган, кўчаларни обод қилган, 10 гектарлик боғ яратган, колхозчлар учун клуб, телефон, радио карнайлар ўрнатган, колхознинг даромади ошиб, ҳовлиларга мевали дарахтлар эктирган,кўп тўйлар бўлиб ўтган, акаси Маманазар Шоймонов ингичка толали пахтадан 40-45 центнердан ҳосил кўтарган. Орден-медаллар олишган. Зияқул тоғаси билан Маманазар ака йигитларини эргаштириб, Беш еркак қишлоғига кўпкарига боришган. 1-кун Маманазар жияни 3-4 марта улоқтиршган, тоғасининг эса, омади юришмаган. Кўшхона уйда ётиб, эрталаб туришади, чой-нон кейин яна кўкарига боришмоқчи бўлишаётганда жияни тоғасига 10-15 сўм узатди, нега деса, уйга борганда болаларингизга берарсиз, борғи айира олмадингиз, деб ҳазиллашади. Бобо жаҳл билан кўпкарига кириб кетади, яна аввалгидек охири, тана, қўй-эчки айиради ва жиянига қараб, борғиларни отларинга ортинглар дея, -жавоб қайтаради. 1959 йили бобо 60 ёшда ўзининг севимли “Оқёл” малла оти билан Хомконга боради. Кўпкарининг 1-куни “Оқёл”ни олиб боган чавандозлар, от бўлмайди, чопмайди, дейишиб қуруқ ўтиришади. Эртаси Зияқулбобонинг ўзи отни

совутиб, қашилаб, силаб-сийпаб, улоққа қўшади. Устма-уст 4 марта борғи айиради. Тўй эгасининг зоти, от, хўкиз ва қўй-эчкиларни айириб, икки вилоят чавандозларини қойил қилади. .. Кичик жияни Жуманазар Қорабоғ қишлоғига мактаб директори бўлиб борган, ойнинг охирида ойликни ошириб, бориб ўқитувчиларга тарқатра экан. Агар тўй-кўпкари бўлса, от миниб, муаллимларга охири, қўй-эчки айириб берар экан. Бошқа вақтларда районининг инспекторлигини, методик(услубий) ишларни бажариб юрар экан. Кейинги авлодлардан Х.Шоймонов қишлоққа свет(электр) асбоблари, йўл ва кўприк қурилиш ишларига ёрдамлашган бўлса, Норхон Маманазаров эгри-бугри ариқларни тўғирлатиб, сув йўлларини қаздириб, шларини тартибга келтирди, ёшларнинг ўқишга ёрдамлашди, шахсий томорқаларга сотиш учун даромадли экинлар эктирди...

Шунинг учун оққан ариқ оқмасдан қолмайди, -дейишади халқимиз.

Калламозор қишлоғида Мулло Мирохўр ўтган. У аслида Қорақисмоқ даҳасидан бўлиб, ўзи бой ўтган, унинг моли Хачча товда ёзги яйловидв ўтлаган. Қишки қалови эса Калламозорнинг Ханжар (булоқ) деган жойида бўлиб, сувлаши Калламозор дарёси, ўтириш жойи эса, чучук сувли булоқ ҳам бўлган. Мирохўр унвони Бухоро амирлигидан берган бўлиб, халқнинг амирликдаги вакили экан. Ўзи билимдон, одамларга амирликнинг фармойишларини етказувчи, подшоликка ошулов, аскар, закот ва солиқларини йиғиштириб берар экан. Бир маротаби амирликка йиғинга боради, катта залда амирликка тобе ҳамма жойлардан 100-150 киши ўтиради, мажлисга амир ва вазиру-уламолар кириб келади, ҳамма ўрнидан туриб, уларга таъзм қилишади, аммо, Мусо Мирохўр ўрнидан турмайди. Йиғилиш тугагач ҳамманинг ўз жойларига кетишини айтиб, Мирохўр қолсин деб, уни кейинга олиб қолади. Кетувчилар Мирохўр ҳурматсизлиги учун жазосини олади, унинг калласи узилади, дейишиб йўлга равона бўлишади.

Амир Мирохўрни амиру-уламоларга кўрсатиб: “Қани эди, менинг ҳам сарбозу-бекларимнинг юраги шу Мирохўрнинг юрагидек катта бўлса, менинг мамлакатимга душман келолмас эди, балли сизга, Мирохўр”, деб от, қилич ва тўн кийдириб,

кетишга рухсат берган экан. Олдин кетган Мирохўр беклар орқаларидан етиб келган Мусони кўриб, ёқа ушлаган экан. Хомконлик Вайишназар исмли 12-14 ёшли йигит Мирохўрга дастёрликка келади. Отларига қарашади, ўтин-сув ташийди, аввал қўзи-улоқларини боқади. Сўнгра уни бир отар қўйига бош чўпон қилиб тайинлайди. У ҳамма ишларни пухта ва кўнгилдагидек, бажариб Мирохўрнинг дуосини ола бошлайди. .. йигитнинг учта хизмати Мирохўр учун эсада қоларили бўлади.

1.Ваишназар кебанагини елкасига ташлаб қўзли қўйларни ўтлатиб ўтирса, бир каттакон бўри қўйларга ҳужум қилиб, бир тўхлини олиб қочади. Кебанагини ташлаган Ваишназар зарб билан бўрини қувиб, жар ёқасига етгач, бўрининг бошига таёқ билан уради, бўри йиқилади, ўзи ҳам ҳушидан кетади. Бу воқеанинг устига Мирохўр келиб, кўрса, бўри ўлади, чўпонни ҳушига келтириб, отига миндириб, уйига олиб боради. Ёрдамчилари бўрини эшакка ортиб уйга олиб бориб, терисини шилийди.

2.Мирохўр бойларни, оқсоқолларни эргаштириб, Лайлагон-Хатак томон тўйга боради. Кундузи кўпкари чопилиб, кечаси олиш бўлади. Эртаси куни яна олиш, кўпкари бўлади. Олишга Мирохўрнинг полвонлари йиқилади, кайфияти бўлмайди. Шунда Мирохўр тўй эртасига олишни яна кечқурин давом эттиришни буюриб, Ваишназарни олиб келишни тайинлайди. Ваишназар келтирилади, “Бой ота мен ҳали курашга тушганим йўқ”- деса, йўқ курашга тушасан, биз мот бўлмоқдамиз, оримизни олиб берасан, биз эса сенга ҳаммамиз бирлашиб дуо берамиз, -дейди. Ноилож Ваишназар рози бўлиб, чекмон кийиб, энг зўр билан курашга тушган ва тўйнинг энг зўр полвонини йиқитиб, элу-халқнинг орини олган экан. Ваишназарнинг шу даражада шишиб, тўлишиб кетган эканки, чекмоннинг енги билагидан чиқмай, уни пичоқ билан кесиб олган дейишади.

3.Шерабод беклигининг баҳоги катта сар-сайлида Мирохўрнинг 4 та оти, 4 та чавандози иштирок этиб, биринчи куни улар ҳеч қандай борғи ололмайди. Бундан Мирохўрнинг кайфияти бузилиб, икки кишини яна яйловга, Ваишназарнинг олдига юборади: “Бор Ваишназарни шу кеча етказиб кел”, -дейди. Кетувчилар уни етказиб келади. Шунда Мирохўр ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, қайси отни отбозлар совутсин, ўзинг дам оласан, -де-

йди. Ҳали от устига чиқмаган чўпон, Мирохўрнинг гапини икки қила олмай, рози бўлади ва энг оғир, чавандозлари кўп минмайдиган тўри қашқани минишга, шуни совутишни айтади. .. Эртаси куни Ваишназар шу юрмас тўри қашқа билан катта борғилардан 4-5 тасини айириб, Мирохўрни хурсанд қилади. Шундан сўнг оддий чўпон Ваишназар Мусо Мирхўрнинг чавандози бўлиб, эл орини олган экан. Ваишназар Мирохўрга жами 15 йилга яқин хизмат қилиб, дуосини олган, шунда Мирохшр : “ Ўғлим, мен сендан розиман, сен ҳам рози бўлсанг, сени ўзим уйлантириб, уйли-жойли қилайин”-дейди. Ваишназар ўйлаб туриб, “Бу сўзингиз учун раҳмат, бобо. Менинг ҳам оғинларим бор, ўшаларнинг олига бораман, улар уйлантирар -деб, кетишга рухсат сўрайди. Бой ўйлаб, туриб, бу гапни маъқул кўради ва Ваишназар энчиси учун 95 қўй беради, менинг қўшганим тўйинга ишлатасан –деб, дуолашиб, олиб боришади деб бир йигитни ёнига қўйиб, жшнашаган экан. Ваишназар уйли-жойли бўлиб, 2 ўғил, 4 қизли бўлади. Фарзандларидан 20 га яқин невара ва уларнинг 100 га яқин чеваралари биз мустақиллик замонимизда хур яшаб, меҳнат қилишмоқда.

Калламозор қишлоғини обод қилган садоқатли меҳнатлари боис баъзи жойларда муҳрланиб қолган. Масалан, Боқининг ками, Даврон камар, Алихонбобонинг тўти, Мардонбобонинг тўти, Кўчарбобонинг жийдали ҳаёти, Чўхмор оқсоқолни тепаси, Аллабердининг қўниши, Давлатой, Чини кул, Аҳмат тўқсонбонинг тўқайи, Девона камар, Салимнинг жилғаси.

СУРХОН ҚИШЛОҚЛАРИГА ХОС ЭТНОГРАФИК РИВОЯТЛАР ВА АФСОНАЛАР

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри
Хўжамуродович Нодирбек Султонмуродович

Сурхон воҳасини Олтинсой туманидаги Қорлун маҳалласида асрлар садосини эшитиб нега асрдан бири халқни ўз сояси билан ҳордиғини чиқариб келаётган Чинор ота номи билан боғлиқ чинор қачон ким томонидан экилгани ҳақида аниқ бир маълумот

йўқ. Лекин халқни орасида ёши катта инсонлар, оқ-соқолларни айтиши бўйича бу чинор 850-900 ёшда деган фараз ва тахминлар бор. Шу жумладан Қорлуқ маҳалласи имоми шундай дейдилар: Мен 19 ёшимда ... йили СССР геологлари келиб бу чинорни ёшини аниқлаш мақсадига текширув ишларини олиб борадилар. Ўшанда геологлар бу чинорни 850 ёшдалигини аниқлаганини эшитган эдим. Мана бунга ҳам 50 йил бўлди. Шунга қарата айтадиган бўлсак, бу чинор 900 ёшда дейди. Бу кишини фикрига маҳалла ёши катталари қўшилиб тасдиқлашди. Юқорида тилга олиган чинор ота дейилишига сабаб бу чинорни остига ўша вақтлар бир азиз авлиё инсонни қабрини устини чинор ўз танаси билан ёпиб олгани учун бу чинор чинорота дейилган ва шу ном билан тилга олинади.

Сурхон қишлоқлари ҳақида олиб борилган этнографик тадқиқотлар натижасига эътибор бериб, қўйидаги таҳлилларни баён этиш мақсадга муофиқ. 1.Сурхондарё вилояти Шеробот тумани “Ғуржак” маҳалласига қарашли Хўжа анқо қишлоғи Кўғитанг тоғ тизмаси этакларида жойлашган. Ўша ёндош қўшни қишлоқлар Хатак, Ғуржак, Бедак, Ёриқ сой (Ёрқинсой), Зараут сой, Чинор сой қишлоқларидир. Лўнги тепа, Қирқ киши, Халлак каби тепаликлари бор. Катта булоқларидан Тол булоқ, Жийда булоқ каби булоқлари бор.

2.Хўжа Анқо қишлоғида асосан “Қатағон” уруғи яшайди.

3.Қатағон уруғи шажараси “Аланқува” исмли аёлга бориб тақалади. Ривоят қилишларича, мадорсиз ва ночор қолган Аланқува қаршилик қилолмайди ва Нурдан хомиладор бўлгандан сўнг уч ўғил кўради.

1)Букун- Қатағон эли тарқалган

2)Бусқун-Чалчут эли ўриккан

3)Бунданжир- Мўғул ва Чингизийлар ўриккан.

4.Ушбу қишлоққа Саидзода султон Хўжа анқо номлари берилагн. У киши Анқу уруғидек ноёб одам бўлганлар. Хўжа Анқо ота қабри муқаддас зиёратгоҳ сифатида муҳимдир. Айтишларича, ушбу зиёратгоҳга бош уриб келган бефарзанд кишилар фарзандли бўлар эканлар. Шунинг учун бу залқда Мол тиласанг Хўжа улкан Бош тиласанг Хўжа анқо нақли бор. Ривоят қилишларича Хўжа Анқо ота ҳозирги хўжа бшлган ҳудудида туғил-

ган Саидзода иниларининг биридир.

5.Хўжа анқо қишлоғида муқаддас жойлар анчагина бўлиб, улар бедак ва Чинорота каби жойлардир. Бедак ҳудуди ушбу зиёратгоҳ ҳақида тўхталадиган бўлсак, Хўжа Анқо, Хўжа Улкан, Хўжа Асқар,Хўжа Булдур, Хўжаи Фил каби оға-иниларнинг синглиси бўлиб уларнинг яъни Биби Бедакнинг асл исмлари Биюби Доно бўлган у аёл турмуш қурмасдан "Бедов" ўтган шунинг учун уни халқ ўз тилига мосаштириб Бедак дейишган. Бундан ташқари Чинор ота зиёратгоҳи ҳам борки бу зиёратгоҳларнинг булоғи суви жигар, буйрак, қон томир касалликларига анчагина шифо бошлади. Сариқ касалга чалинган ҳудуд аҳолиси ихлос қилиб балиқларишга қараса сариқ касални балиққа ўтади кўзларини сариғини балиқ тортиб олар экан.

Айтишларича бу зиёратгоҳдаги мозорга бир аёл кўмилган экан. Ва ўлими олдидан худога нола қилиб ортидан қоладиган фарзандлари йўқлиги учун оёғ учидан сув чиқариб булоқ пайдо қилишини сўраган экан ва шундай шифобахш булоқ пайдо бўлган.

6.Ушбу қишлоқ аҳолиси машғулотининг асосини чорвачилик ва деҳқончилик ташкил этади. Уларнинг асосан деҳқончиликда етиштирадиган асосий экинлари :донли, дуккакли ҳамда полиз экинлари Хўжа Анқо қишлоғи аҳолиси деҳқончиликнинг ҳомийси сафатида "Бободеҳқонга" сиғинадилар. Ушбу машғулотни обикор ва лалмикор ерларда олиб борадилар. Лалмикор ерларда асосан ёғингарчилик мавсумида экин экишадилар яъни буғдой, арпа ва шунгша ўхшашдонли экинларни. Обикор ерлари асосан бош булоқлари Тол булоқ ҳамда Жийда булоқ сувлари орқали суғорадилар. Тупрғида шўр йўқ шунинг учун ўсимликларнинг ҳар қандай тури дарахтлар, помидор, бодринг, қовун-тарвуз,ошқовоқ, ҳандалак, беда, маккажўхори, нўхот, мош, пиёз ва ҳоказолармўл кўл ҳосил олиш мумкин.

7.Хўжа анқо қишлоғи аҳолисининг яна бир муҳим машғулоти бу чорвачиликдир. Улар чорвачиликнинг Подавонлик яъни қора мол, қўйчилик ва йилқичилик каби турлари билан шуғулланадилар. Чорвачиликнинг ҳомийлари сифатида Подавончиликнинг пири Бобо Занги ҳазратларига, қўйчиликнинг пири сифатида Чўпон ота йилқичиликнинг пири сифатида Бобо Қам-

барга сиғинадилар.

8.Ҳунармандчилик хўжалигига тўхталадиган бўлсак, бу қишлоқда ҳунармандчиликнинг темирчилик, қурувчилик ва бгошқа турлари бор. Ҳунарманд кулоллар, қурувчилар асосан шу соҳа ҳомийси бўлган Пиру Кулолга сиғинадилар, темирчилар эса Ҳазрати Довудга ихлос қилишади.

Уй қуришда Хўжа анқо қишлоғи аҳолиси хом ашё сифатида пойдевор учун тошдан бундан ташқари қурилишнинг қолган қисмида пахса лой, ғишт яъни хом ва пишиқ, ёғоч ва бошқалардан фойдаланадилар. Уй қуришдан олдин Пиру Кулол ҳазратларига садақа сифатида қон чиқарилади ва қарию, оқсоқоллар дуоси олиниб биринчи пеш лой етук ҳунарманд уста томонидан қўйилади ва битганидан сўнг том тўйлари қилиб кўчиб кирилади албатта унга ҳам садақа мол чиқарган ҳлда.

9.Таомларидан донли таомларга тўхталсак қишлоқ аҳолиси ош, шулла, моши кичири, думбул, гугула ва бошқа таомларни тановул қиладилар.

10. Сутли таомлари сургуруч, атала, умоч ош, қатиқ ош, кескан ош, гуруч ош, буламоқ, юпқа ва бошқалардан истеъмол қилишади.

11. Тақиқланган таомлар булар бутун мусулмонлар сингари ит ва чўчқа гўшти бутун жамоага тақиқланган, бундан ташқари сумалак, тухум, ҳамда қатиқ биргаликда ейиш тақиқланади. Уларни биргаликда еган киши пес бшлади деган ақида бор. Турдли хил касалликларга чалинган кишиларга пархез сифатида турли таомлар чекланади. Масалан, ганос касаллигига чалинаган кишиларга мойли овқат ейиш тақиқланади.

12.Пайғамбар тўйи 63 ёшга кирган бобо ва момолара қариндош уруғи ва болаларидан эҳтиром сифатида ўтқазилади. Бунда ота-оналарнинг улуғ пайғамбаримиз кирган ёшга киргани билан қутлашади саруполар ёпишади.

1910 йиллар. Калламозорлик Мулло Тошпўлат ўғли Мамаймуродни уйлантирмоқчи бўлиб, қариндошларини уйига таклиф этади. Оғаинлар тўпланишгач, Мулло Тошпўлат мақсадни айтади ва бирортангиз Мулло Мирохўрнинг қизига совчиликка боришингизлар,-дейди. Ҳамма жм. Мирохўр ўта гапдон, биз гап топиб беролмаймиз дейишади. Шунда Исматулло оқсоқол, май-

ли мен овчиликка бораман,-дейди. Совчи бориб, мақсадни айтгач, Мирохўр : “Сайли розилик бераман, лекин менинг ҳслатларим кўп-да” мулло шунга чидаш берадими? –дейди. Совчи бор гапни айтиб, келади. Шунда мулло майли боринг тўйни (фотиҳани) ўтказиб, келингизлар Мирохўрга айтинг, чидаш берар эеан, унинг ҳам ҳислатлари бор” экан денг -дейди.

Ўтлар қайтгач, Мулло тоққа яйловга қайтмоқчи бўлади, совчилар боринглар, қуда чақирув қилайлик, тўнини кийдириб, иззатини қилайлик, яйловдан қайтгач, кузда келинни йиғиштириб оламиз,-деган экан.

Борган одамларга Мирохўр : -Биз қуда сийловга ўзимиз ҳохлаган вақтда борамиз, ҳозир вақтимиз йўқ,-дебди. Мулло Тошпўлат кўчиш тараддусига тушибди, ўйлаб туриб, бозорлик қилайлик –деб, Деновга кетибди. Бозордан гуруч, майиз,ар хил мевалар ва 2 та катта жом (сариқ) мис товоқ ҳам оли келибди. Эртага кўчамиз, бир тандир нон, қат патир, майиз солиб15 кг.лик палов тайёрланглар, 30 та от учун яккажилов, 30 та қозиқ ва қудалар учун тўнлар. Бой яйловга молларини чўпонларига ҳайдатиб, ўзлари юкларини туя, кўликларига ортиб йўлга тушади. Кўч карвони 7-8 км. Ча юриб, Қумдаштга етгач, қараса, ўттиз отлиқнинг қораси кўринади ва сал ўтмай, яқинлашиб келади. Қудалар, Мулло Тошпўлатни синаш учун, кўч устига келади. Шунда Мулло дарҳол туяларни чўктириб, шошмасдан ҳаммасига қозиқ ва якка жиловларни тарқатиб беради. Юклар ичида чиройли тақиямот ва адрас кўрпачаларни улоқ устига яшнатиб тўшайди. Меҳмонлар қшлига сув қуйилиб, ўтирғизади, ҳали чой қайнамасдан, махсус тенгни ечиб, мевaларни, нон, патирларни дастурхон устига ташлайди, буғи чиқиб турган гўшт-майиз паловни меҳмон қудалар олдига қўяди, чой дамланади. Шу орада қўйни қайтариб, қассоб чўпонлар қўйларнинг семизидан 2-3 тасини сўйиб қовуради. Қудаларни кечгача сийлаб, тўнларини кийдиради.

Бу билан Мусо Мирохўрнинг ҳислатларига жавоб қайтариб, кўч устига бўлса ҳам меҳмонларни мот қилади.

Яйловдвн қайтгач, кеч кузда бориб Мулло Тошпўлат келинни узутиб олади ва катта тўй кўпкари қилади. Келин туширишда Мулло Коризнинг устидан Давлатойгача 150-200 метрлик

йўлга келин учун поёндоз тўшаган. Мусо Мирохўр ҳам қизини кўчиришда катта тўй бериб, куёв учун алоҳида уй ткдириб, куёв қамар қилинган, яъни бир ҳафта куёвни шу уйда сақлаган, уйига жўнатишда 4 ёшар отни афзаллаб, миндириб жўнатган экан, -дея ҳозиргача гурунг қилишади қария-кексалар. .. Бу ҳам бойларнинг ўзига хос удум, урф-одатидир.

ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАРНИ МУЗЕЙЛАРДА НАМОЙИШ ЭТИЛИШИНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 1-курс магистри Ғиёсова Зарина Юсуф қизи

Халқ оғзаки ижодига оид этнографик тадқиқотларни илмий ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, дала тадқиқотлари асосида олиб борилган кузатувлар туфайли Тилов Нурқобиловнинг маълумотларга таянган ҳолда ушбу манбани таҳлил қилдик. Бозор морбоз катта амаким эдилар, бобо дердим. – Нима учун сизни морбоз дейишади! – деб сўраганимда у киши шундай жавоб бергандилар:

- Етти ёшда эдим. Бир куни қўй-эчкиларимизни Чўкмар деб аталадиган тепаликда боқиб юрганимда қаттиқ шамол бўлди-ю буралиб келган қуюн мени учириб Терак отага (мозорот жойи) олиб борди. Шу пайт кўз ўнгимда ғойибдан бир нуроний киши пайдо бўлди, мен салом бердим, у киши қандай сирни кўрдинг, деб сўрадилар. Нима бўлганини сўзлаб бердим. Нуроний киши ўша мен эдим деб айтдилар-да, бир зумда мени олдинги жойга олиб бориб ташладилар. Шу-шу мен уйдан чиқдим дегунча учиб кетардим, бу воқеа роппа-роса етти йил давом этди, кўзимга илон, кабутар, чаёнлар кўринадиган бўлди. Дарёга сувга борганимда ҳам учиб кетардим, кадига (ўша пайтда сатил бўлмаган) сув олиб келаётганимда кадидаги сувим, учиб юрсамда, тўкилмас эди. Ўша нуроний киши менга бу воқеани сир сақлашимни айтгани учун ота-онамга ҳам айтмадим.

Қиш пайти эди, молга ем бериш учун кечқурун молхонага бордим, қарасам охурда бир махлуқ ётибди, башарасини

таърифлай олмайман. Иккимиз ўша жойда олишиб кетдик, гоҳ у зўрлик қилади, гоҳ мен, охири уни босиб йиқитдим, у таслим бўлди, қўлимда бир тутам сариқ сочиқ қолди, ўзи эса ўша заҳоти ғойиб бўлди. Орада етти йил ўтгандан кейин Писта деган жойдан ўтин йиғаётганимда яна ўша шамол, бурама қуюн келди-ю мени яна Терак отага олиб борди, яна ғойибдан ўша нуроний киши пайдо бўлди.у менга "Ўғлим, барча синовлардан ўтдинг илон, чаёнлардан қўрқмадинг, мен кабутар бўлиб сени кўриб турдим, ҳатто молхонада ажина билан олишдинг, ғолиб чиқдинг, энди сенга топшириқ берсам бўлади", деб айтди.

Шундан кейин у киши менга оғзингни оч деб айтдилар, оғзимни очдим, у киши оғзимга тупурдилар, азойи баданим музлаб кетгандай бўлди. Кейин эса иккала курагимнинг орасига бармоқлари билан муҳр босдилар-да, бор, ўғлим, сен энди илон, чаён, қорақурт – бий, чаққан кишиларга шифо бахш этасан, илоннинг тилини биласан, деб дуо бердилар. Бундан ташқари, менга фаол кўриш, ҳаром юрмаслик, кишининг ҳақига хиёнат қилмасликни ҳам тайинлаганлар ва қўлимга бир сирли тош бериб, мен Хўжан Хизир бўламан, деб кетганлар. Айрим бармоқларим қорайиб доғ бўлиб қолганининг сабаби илонларга тишланганман, тишларининг изи бу, мени бир вақтнинг ўзида 40 та илон чақсагина ўламан, 39 таси чақса ҳам ўлмайман.

Шу орада уруш бошланди, бир ўғлим вафот этди. Мен эса турмушдан қийналиб, Чироқчи туманига кўчиб кетдим, париларим берган топшириқни бажара олмадим. Кунлардан бир куни париларим келиб, уларнинг топшириғини бажара олмаганим учун мендан норози бўлишди, 14 ёшимда берган сирли тошни олиб кетишди ва яна етти йилдан кейин юз кўришамиз, деб айтишди. Шу орада иккинчи оиламдан бўлган уч болам ўн кун ичида вафот этди. Мен Кўктирноқ ота қабристонида эдим, учта кўк кабутар учиб келди ва одам қиёфасига кириб, мана орада етти йил ўтди, юз кўришдик, бошинга оғир мусибат тушди, энди биз айтган йўлга юрасанми, деб сўради. Мен рози бўлдим ва олиб кетишган сирли тошни қайтариб беришди.

Орадан икки йил ўтгач, пахта тераётган аёллар қий-чув қилиб илон-илон дейишди, ўша томон борсам дала шийпони

томидан (эски девордан қилинга уй эди) илоннинг ярми чиқиб турганини кўрдим. Бўйнидан ушлаб қулоғимга бошини тиқдим, у эса илонлар сонини айтди, мен 18 та илонни олиб ўлдирдим. Шу-шу Бозор морбоз деган ном олганман...

1979 йил август ойида меҳнат таътили пайтида Чироқчи туманидаги М.Горький номли жамоа хўжалигида яшовчи бобом Бозор морбознинг уйига бир шеригим билан меҳмонга бордим. Биз чой ичиб, ҳангома қилиб ўтирган эдик, Бозор морбознинг келини Каромат Мавлонова келиб, "Бобо (қайнотасини бобо дер эди), ўчоқ бошида илонлар юрибди", деб айтди. Шунда Бозор морбоз келинига қараб, "Улим (у киши ким бўлса улим деб гапирар эдилар), илонлар мени излаб келган, гаплашамиз", дедилар. Ҳаммамиз ўчоқ бошига борсак, ҳақиқатан иккита илон бор экан. Бобом битта илонни олиб қўйнига солди, иккинчисини бўйнидан ушлаб калласини қулоғига тутди ва бирон дақиқа ўтгандан сўнг унинг оғзига тупирди, илон шу заҳоти ўлиб қолди, биринчисини эса қўйиб юборди. Мен бобомдан нега бу илонни қўйиб юбординигиз деб сўрасам, улим, унинг боласи бор экан, деб жавоб бердилар. Бу воқеани ўз кўзим билан кўриб, бобомнинг ҳикоясига ишонганман.

У киши беш вақт намозини канда қилмас, доимо қўлда тикилган узун оқ кўйлак кийиб юрар эдилар. Бобомнинг парилари яхши кўрган кишиларига ўралган қандайдир сирли тош бера бошлади. Тошни очмаслик уқтирилган, у кимнинг номига келган бўлса, ўша кишини ҳар қандай кулфатдан сақлаши айтилган. Биринчи бўлиб тош бобомнинг катта ўғли Нормуҳаммаднинг номига келган, бобом тошни парилардан олгач, халта тикдириб ўғлига берган ва бешикка, боланинг бошига қўйишини айтган, тошни очиб кўрса зарар келтиришини айтган. Нормуҳаммад эса сирли тошни очиб кўрган, айтишича, унда иккита кабутарнинг расми ва араб ёзуви бор экан, шундан кейин бешикдаги бола касалланиб ногирон бўлиб қолди. Ҳозир Қамаши туманида яшайди. Сирли тошни ўғли очиб кўргани бобомга аён бўлган ва сен ўз боланга душманлик қилдинг, деб койиган. Бундан сирли тош уч-тўрт кишшига берилган.

1984 йили бобом Бозор морбоз 96 ёшга киргани муносабати билан шерикларим – Қўчқор Бўриев, Абрай Болтаев учаламиз

у кишини кўргани бордик. Бобом уйда эканлар, озроқ гурунглашгандан кейин ҳаммамиз Чироқчи тумани марказига келдик. Бобом бизни ва қишлоғида яшайдиган кекса кишиларни меҳмон қилиш мақсадида қўй сўйдирди ва 20 чоғли кишини таклиф қилди. Ташқарида супа устида овқатланиб ўтирган эдик. Ой ёруғида бир кабутар келиб биздан ўн метр нарига ўрик дарахтига қўнди, уни ҳамма кўрди, бобонинг париси келди деб қараб туришди.

Шу пайт бобом ўрнидан туриб кабутарнинг олдига борди ва ўзича гаплашди-да, қўлига бир нарса олиб қайтди, кейин қизининг отини олиб, "Балқон, Балқон, битта киста тик, Тиловқобилнинг номига сирли тош келди", деб айтди. Балқон зудлик билан киста халтача тикди. Бобом сирли тошни халтачага ўзи солиб, оғзини тикдириб менга берди ва бу сирли тош сен учун учинчи маротаба ва охирги келиши, халтачани очмайсан, йилига икки маротаба дам солдириб қўясан, сени ҳар қандай кулфатлардан сақлайди, сенга омадни топширидим, асрагин, эҳтиёт бўлгин, деб одамлар олдида айтиб, менга берди. Менинг номимга келган сирли тош ҳануз сақланмоқда. Очиб кўришдан қўрқаман, аммо мени бир неча маротаба фалокатдан сақлаганига гувоҳман.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ТОЖИКИСТОН БИЛАН АЛОҚАЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедарси 2-курс магистри Қиличев Сардор Мухаммадиевич

Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан таълимда халқаро ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: қўшма олий таълим муассасаларини ташкил этиш; республика олий таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёнига чет эллик ўқитувчи ва олимларни жалб этиш; академик мобилликни рағбатлантириш; қўшма илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш; олий таълим, инновацион технологиялар, ресурс ва энергияни тежаш соҳасидаги долзарб масалалар

бўйича халқаро конференцияларни ташкил этиш; хорижий инвестицияларни жалб қилиш[1].

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон қўшни давлатлар билан таълим соҳасида ҳукуматлараро битимлар имзолади. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт соҳаларини чуқурлаштириш тўғрисида ҳамкорлик битими Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик битими (Тошкент 10.01.1997, 2018 йил март) каби тарихий ҳужжатлар имзоланган[2].

2019 йилда Ўзбекистонда 114 та ОТМ мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Хусусан, сўнгги 3 йилда янги 6 та ОТМ, 17 та филиал ва 14 та чет эл олий ўқув юрти филиали очилди[3].

Тожикистон ва Ўрта Осиёдаги университетлардан бири бўлган Хўжанд давлат университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультети битирувчилари Ўрта Осиё, Европа ва Америка Қўшма Штатларида илмий фаолият олиб бормоқда. 2018 йилнинг апрель ойида Самарқанд давлат университети ва Хўжанд политехника институти олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш борасида битим имзоланган.

Сўнгги йилларда Тожикистондаги бир қанча ОТМлар **масофадан туриб ёки сиртқи таълим турлари бўйича тўлов-шартнома асосида имтиҳон билан ёки синовларсиз ўқишга таклиф қилмоқда. Кейинги йилларда Қозоғистонда таълим олишни истовчи ўзбекистонлик ёшларнинг** сони ошиб бормоқда.

Тадқиқотда Марказий Осиё давлатлари билан Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги ўзаро алоқалари, минтақа давлатларининг туризм салоҳияти, экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми, гастрономик туризм, мазкур ҳудудларга халқаро туристларнинг ташрифи масалалари очиб берилган.

Бугунги кунда туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётида

[1] Бурханова Г.Г. Национальные реформы высшего образования Узбекистана // Вопросы науки и образования. – 2019. – №5 (50). – С. 162.

[2] ЎзР МА. М-7-жамғарма, 1-рўйхат 348-йиғма жилд 4-10 варақлар.

[3] https://lex.uz/docs/4545884

энг сердаромад соҳалардан бири бўлиб, аксарият ривожланган давлатлар иқтисодиётининг салмоқли қисмини ташкил этмоқда. Миллий туризмни тартибга солиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Туризмнинг энг фаол ва ривожлантиришда катта имкониятларга эга турларидан бири зиёрат туризми бўлиб, давлат томонидан катта аҳамият берилган. Чунки саёҳатчилар (зиёратчилар) зиёрат давомида озиқ-оавқат истеъмол қилади, яшаш учун пул тўлайди ва турли хизматлардан фойдаланади, шу асосда зиёратгоҳ ҳудудида янги иқтисодий инфраструктуралар шаклланади. “Ислом динининг қуввати” дея эътироф этиладиган Бухорога саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар келадилар[1]. Ўзбекистон ва Тожикистон томонидан қўллаб-қувватланди. Бу виза Марказий Осиё минтақасига хорижий туристларни янада жалб этиш учун муштарак саъй-ҳаракатлар ва умуман олганда ушбу минтақани янада кенгроқ таништириш мақсади билан амалга оширилади.

Хуллас, мустақиллик йилларида олий таълим соҳасида олиб борилаётган минтақавий ҳамкорлик ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ кенгайтириш ва унинг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш, давлатлараро Дастурлар, келишувлар ва шартномалар тузишга эришилди. Мустақиллик йилларида туризмни янада кенгайтириш ва уни қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди, қатор тарихий шаҳарлар, тарихий-археологик аҳамиятга эга ёдгорликлар қайта тикланди, туризмнинг янги йўналишлари ва шакллари пайдо бўлди.

Тожикистон (тожикча: *Тоҷикистон*), Тожикистон Республикаси (тожикча. Ҷумҳурии Тоҷикистон) — Ўрта Осиёнинг жануби-шарқида жойлашган давлат. Майдони 143.100 минг км². Аҳолиси 8,486,300 киши (2014). Ғарбий ва шимоли-ғарбий томонидан Ўзбекистон билан, шимолий томонидан Қирғизистон, шарқий томонидан Хитой билан ва

[1] Ўзбекистон зиёрат туризмининг янги марказига айланмоқда//Халқ сўзи, 2019 йил 22 февраль июн, № 37.

жанубий томонидан Афғонистон давлатлари билан чегарадош. Пойтахти — Душанбе шаҳри. Маъмурий жиҳатдан Тоғли Бадахшон мухтор вилояти, 2 вилоят ва 45 туманга бўлинади. Тожикистоннинг денгизга чиқиш имконияти ёʻқ. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон. Бош Вазир: Давлат тузуми Тожикистон — республика, унитар демократик ижтимоий ҳуқуқий давлат. Амалдаги Конституцияси 1994-йил 6-ноябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1994-йилдан Эмомали Раҳмон), у Тожикистон фуқаролари томонидан 7 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлиси Оли, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигида Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати.Тожикистон тоғли мамлакат, ҳудудининг 93 % ини 300 м дан 7495 м баландликкача бўлган тоғлар, шунингдек, Ўрта Осиёнинг энг йирик тоғлари — Тян-Шан ва Помир системасига кирадиган тоғлар эгаллайди. Ҳудудининг қарийб ярмини 3000 м дан баланд бўлган тоғликлар ташкил этади. Дарё водийларининг кенгайган жойлари ва тоғ оралиғидаги сойликлар текисликлардан иборат, шимолда Қурама тизма тоғлари (Бобоиоб тоғи, баландлиги 3769 м) ва Мўғултоғ тоғлари (1624 м) жойлашган. Тожикистон марказий қисмида Олай тизма тоғлари (ғарбий қисми, 5539 м), Туркистон (5509 м), Зарафшон (5489 м, Чимтарға тоғи), Ҳисор ва Қоратегин тизма тоғлари (4643 м) ва Зарафшон водийси (Туркистон ва Зарафшон тизма тоғлари орасида), жануби-ғарбий қисмида (Ҳисор-Олай тизма тоғларининг жанубда ва Помирнинг ғарбида) унчалик баланд бўлмаган Боботоғ, Оқтоғ, Қоратоғ, Тераклитоғ, Сарсарак, Рангонтоғ, Илонлитоғ ва бошқалар бор. Ушбу тоғлардан айримлари жанубий ва жануби-ғарб томонга пасая бориб, Панж ва Амударё қирғоқларигача қўшилиб кетган текисликлардан иборат. Юқоридаги тизма тоғлар оралиғида Ҳисор, Вахш, Ёвон, Қуйи Кофарниҳон, Сурхоб (Қизилсув) ва Яхсув водийлари жойлашган. Тожикистон жануби-шарқий қисмида Помир тоғлари қад кўтарган (Тожикистоннинг энг баланд жойи — 7495 м). Унинг марказида Музкўл тизма тоғлари ва жануби-ғарбда Шимолий ва Жанубий Аличур тизма тоғлари жойлашган.

Фойдали қазилмалари. Тожикистон ҳудудида Ўрта ва Жанубий Тяншан, Помир бурмали тизимлари ҳамда 2 йирик тоғлараро ботиқ (Фарғона ва Тожикистон депрессиялари) бор. Помир ва ҲисорОлай тизма тоғларида тоғ биллури, олтин, кумуш, симоб, сурма, мишяк, волфрам, молибден, тошгуз, асбест, кўмир, нефт, табиий газ, темир, рух, қимматли тошлардан лаъл, ложувард, мармар конлари мавжуд. Ўнлаб минерал булоқлар, шу жумладан, Гармчашма шифобахш булоғи машҳур.

Аҳолиси. 2010-йили Тожикистон Республикасининг аҳоли сони 7 млн. 565 минг кишини ташкил қилди. Эркаклар сони 3 млн. 813 минг, аёллар эса 3 млн. 752 минг. Шу маълумотга таянган ҳолда, 1,000 эркак киши учун 984 аёл тўғри келади. 2013-йил 1-апрелда Тожикистон аҳолиси 8 000 000 кишини ташкил қилди.

Тожикистон аҳолиси жадаллик билан кўпаймоқда, 1959-йилда 1 млн. 981 минг киши эди, 1989-йилда эса — 5 млн. 109 минг, 2016-йилда эса — 8 млн. 551 минг кишини ташкил қилди.

Ўрта Осиё, жумладан, ҳозирги Тожикистон ҳудудидан сўнгги палеолит даврига оид қуроллар топилган. Қадимда Бақгрия давлати вужудга келади. Кейинчалик Тожикистон ҳу дудида Аҳамонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди[10]. 329-йилда македониялик Александр Македонский қўшинлари бостириб келди, халқ унга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Натижада Тожикистон ҳудудининг бир қисми Салавкийлар давлати таркибига, сўнг ҳудуднинг аксарият қисми Юнон-Бақтрия подшолиги таркибига кирди. Кушон империяси даврида йирик суғориш каналлари қурилди, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик юқори даражага кўтарилди, айниқса, қўшни мамлакатлар билан савдосотиқ ва ижтимоий алоқалар ривожлана борди. Юнон ёзуви асосида кушон ёзуви пайдо бўлди. 5—6-асрларда Ўрта Осиёнинг шарқий қисмини кўчманчи хионий қабилалари, сўнгра ефталийлар эгаллаб олди. 6-аср 2-ярмида Тожикистон ҳудуди Турк хоқонлиги таркибига қўшиб олинди. 8-аср ўрталарида араблар бостириб келиши натижасида ислом дини жорий қилина бошланди. 9—10-асрларда Тожикистон

ҳудуди Тоҳирийлар ва Сомонийлар давлати таркибида, 9—13-асрларда Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Ғурийлар, Қорахитойлар, Хоразмшоҳлар давлатлари таркибида бўлган. Тожикистон ҳудудига бостириб кирган Чингизхон қўшинлари (1219—21) аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келди (Хўжандда Темур Малик бошчилигидаги халқ қаршилиги ва бошқа). Мўғуллар истилоси иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётга жиддий зарар етказди. 14-асрнинг 2-ярмига келиб, хўжалик қайтадан тиклана бошлади. Тожикистон ҳудуди бу даврда Амир Темур ва Темурийлар, 16-асрда эса Шайбонийлар салтанати таркибида бўлди. Сўнгра Бухоро амирлиги қўл остига ўтиб, 19-асрнинг бошларида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида тақсимланди. 19-асрнинг 2-ярмида подшо Россияси томонидан забт этилди. Россияда Октябр тўнтариши (1917)дан сўнг аҳолининг жиддий қаршилигига (Иброҳимбек, Эшон Султон, Давлатмандбий, Фузайл Махсумлар бошчилигида) қарамасдан, Тожикистон большевиклар томонидан босиб олинди. 1917-йил ноябр — 1918-йил февралда Шимолий Тожикистонда шўроҳокимияти ўрнатилди ва у Туркистон АССР таркибига кирди. Тожикистоннинг қолган ҳудуди Бухоро амирлиги таркибида бўлди. 1920-йил Бухоро босқинидан кейин БХСР ташкил этилди. 1924-йил Ўрта Осиё республикаларини „миллий давлат чегараланиши“ деб аталган бўлиб ташлаш натижасида Тожикистон Ўзбекистон ССР таркибида мухтор республика, 1929-йил эса СССР таркибида иттифоқдош республикага айлантирилди. 1991-йил 9-сентябрда мустақиллик тўғрисида декларация э’лон қилинди ва „Тожикистон Республикаси“ номи тасдиқланди. Иттифоқ тугатилиб, Тожикистон 1991-йил сентябрда мустақилликка эришгач, турли этник, диний ва маҳаллий уруғ аймоқчилик гуруҳлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланди, бу эса мамлакат сиёсий ҳаётида беқарорликка олиб келди. Ниҳоят, 1997-йилда ўзаро мухолиф кучлар миллий муросага келиб, тинчлик ўрнатилди. Тожикистон — 1992-йилдан БМТ аъзоси[11]. Ўзбекистон Республикаси суверенитетини 1992-йил 6-январда тан олган ва ўша йил 1-октябрда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 9-сентябр — Мустақиллик куни

(1991).

Қишлоқ Хўжалиги. Тожикистон аграриндустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 25 %, саноатники 35 %, хизмат кўрсатиш соҳасиники 40 %. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 4,3 млн. гектар, шундан экинзорлар 827631 гектар, яйловлар 3,2 млн. гектар. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — деҳқончилик бўлиб, жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 65 % ни беради. Унда пахтачилик, айниқса, ингичка толали пахта етиштириш етакчи ўринни эгаллайди. Боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик ривожланган. Мойли экинлар, зиғир, картошка, сабзавотполиз экинлари, емхашак экинлари экилади, ғалла ва шоли ҳам етиштирилади. Тоғ олди ва тоғ минтақаларининг суғориладиган ерларида тамаки, Ҳисор ва Вахш водийларида ёронгул экилади. Ситрус мевалар етиштириш яхши ёʻлга қўйилган. Тожикистоннинг барча ҳудудларида, айниқса, тоғ ён бағирларида чорвачилик ривожланган: корамол, қўй, ечки, парранда, йилқи боқилади.

Маорифи, илмий ва маданиймаърифий муассасалари

Маорифи бошланғич, тўлиқсиз ўрта, умумий ўрта таълим мактабларидан, ўрта махсус ва олий ўқув юртларидан иборат. Йирик олий ўқув юртлари: Тожикистон университети, политехника, қишлоқ хўжалиги., сан’ат, тиббиёт, педагогика институтлари, Кўлоб ва Хўжанд педагогика институтлари. Бундан ташқари турли вазирликларга қарашли илмий муассасалар (ветеринария, деҳқончилик, эпидемиология ва гигиена институтлари кабилар) бор. Республикадаги илмий тадқиқотлар Фанлар Академияси таркибидаги илмий тадқиқот институтлари ва марказлар доирасида амалга оширилади.

1999-йил Тожикистондаги 8 йирик олий ўқув юртларининг ташаббуси билан тузилган Фан ва маорифни ривожлантириш уюшмаси илмий тадқиқот муассасалари, олий ва ўрта ўқув юртлари жамоаларини бирлаштирди. У янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиб уни олий ва ўрта таълим тизимига жорий этиш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш, халқаро таълим андозаларини Тожикистон олий ва ўрта таълим тизимига жорий этишга, бу соҳада халқаро тажриба айирбошлашга кўмаклашиш каби ишлар билан шуғуллана

бошлади. Тожикистонда Фирдавсий номидаги Тожикистон давлат кутубхонаси, Тожикистон Фанлар академиясининг Марказий илмий кутубхонаси ва мингдан ортиқ, оммавий кутубхона; 15 давлат музейи (Душанбада Тарих-ўлкашунослик ва тасвирий сан'ат музейи, С. Айний номидаги адабиёт музейи, Панжакентда А. Рудакий номидаги республика тарих-ўлкашунослик музейи ва бошқалар) бор. АдабиётиТожик халқининг адабиёти ва маданияти жуда қадимги ва бой тарихга эга. Тожик ёзма адабиётининг манбалари ҳозирги Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яратилган қадимги халқ оғзаки ижодиданб ошланади. 9—15-асрларда форсий (дарий) тилидаги мумтоз адабиёт тожик ва форсий халқлар тарихий-маданий тараққиётининг ҳосиласи эди. Тожик адабиёти бир неча даврни ўзичига олади: 1-давр — форслар ва тожиклар учу н умумий бўлган форс тилидаги 9—15-асрлар адабиёти; 2-давр — асосан, Ўрта Осиё ҳудудида 16— 19-асрнинг 1-ярмида мавжуд бўлган тожик адабиётини; 3-давр — 19-асрнинг 2-ярмидан 20-асрнинг 30-йилларигача бўлган тожик адабиётини; 4-давр — 20-асрнинг 30-йилларидан ҳозиргача бўлган тожик адабиётини ўзичига олади. 9— 10-асрларда форс-тожик тилидаги адабиёт, айниқса, тез ривожланди, шу сабабли бу давр ҳақли равишда тожик мумтоз ше'риятининг „олтин асри" ҳисобланади. Сомонийлар давлатининг маркази Бухорода форс тилидаги ше'рият асосчиси Абу Абдуллоҳ Рудакий ижод қилди. Ше'рий, насрий, фалсафий-таълимий асарларда қадимги халқ ан'аналари ва қаҳрамонлик воқеалари, адолатли шоҳлар образлари қаламга олина бошлади. Абу Шукур Балхий, Абулҳасан Кисоий, Дақиқий ижодларида инсопарварлик ва адолат гоялари тарғиб қилиниб, зулм қораланди. 10-аср охири ва 11-аср бошларида форстожик шоири Абулқосим Фирдавсий ўзининг ўлмас „Шоҳнома"сини яратди. 10-аср охирида Эрон ва Ўрта Осиёга суфизм ғоялари кириб келиб, шу асосда диний-фалсафий таълимотлар, жумладан, исмоилийлар оқимининг адабиётга таъсири кучайди. Исмоилийларнинг ғоялари шоир ва мутафаккир Носир Хисрав ижодида акс этди. 13-аср бошларида мўғуллар босқини адабий ва фалсафий гояларнинг ривожига 2 аср давомида катта зарба берган бўлсада, Ҳиндистоннинг шимолий

(Хусрав Деҳлавий), Эроннинг жанубий (Саъдий ва унинг замондошлари), Кичик Осиё (Жалолиддин Румий)да форс тожик тилидаги адабиёт ривожи давом этди. 15-асрга келиб Ўрта Осиёда адабий-фалсафий ҳаёт аста-секин тиклана борди. Ҳирот маданий ва адабий ҳаёт марказига айланди. Бу ерда, айниқса, темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида атоқли шоир ва адиблар тўпланган эди. Адабий ҳаракат бошида форс тожик шоири Абдураҳмон Жомий ва ўзбек шоири Алишер Навоий турар эдилар. 16-асрдан тожик адабиёти форс тилидаги адабиётларнинг умумий оқимидан ажралиб, мустақил ривожланди. 19-асрнинг 2-ярми — 20-аср бошларида тожик адабиётида маърифатпарварлик оқими вужудга келди. Бу оқимнинг асосчиси тожик ва ўзбек халқларининг мутафаккири Аҳмад Дониш эди. Шоир ва ёзувчилардан Раҳматулло Возеҳ, Шамсиддин Шоҳин (1859—93), Муҳаммад Ҳайрат (1878-1902) ғоявий жиҳатдан Аҳмад Донишга яқин эдилар. Тожик маърифатчилик адабиётида янги жанрлар (реалистик ҳикоя, фалсафийромантик қисса ва бошқалар) пайдо бўлди, адабий тил халқ тилига яқинлаша бошлади. 20-асрнинг бошларида Садриддин Айний, Тошхўжа Асирий, Сирож Ҳаким каби ёзувчилар маърифатчилик адабиёти ан’аналарини давом эттирибгина қолмасдан, адабиётни халқ ҳаётига яқинлаштиришда катта ишлар қилдилар. 1920—30 йилларнинг бошларида Абулқосим Лоҳутий ижоди муҳим ўрин эгаллади. Бу даврда С Айний „Одина“ (1924), „Дохунда“ (1930) каби насрий асарларини яратди. 30-йиллар бошида адабиётга Мирзо Турсунзода, Жалол Икромий, Абдусалом Деҳотий, Раҳим Жалил, Ҳаким Карим, Мирсаид Миршакар, Сотўм Улуғзода ва бошқалар кириб келди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тожик адабиёти ҳам бутун кучини фашизмга қарши курашга қаратди. Урушдан кейинги йилларда М. Турсунзоданинг „Ҳиндистон қиссаси“ ше’рий мажмуаси (1947— 1948), „Ҳасан аравакаш“ (1954), „Осиё садоси“ (1956), „Жонгинам“ (1960), „Гангадан Кремлгача“ (1970) достонлари, Мирсаид Миршакарнинг „Жиловланмаган Панж“ (1949), „Тоғлик қизнинг ишқи“ (1961—62), „Муҳаббатнинг варақлари“ (1975) тўпламлари ва „Ватан фарзандлари“ песаси, Фотеҳ Ниёзийнинг „Вафо“ (2 қисмдан

иборат, 1949—58), „Қуролсиз сарбозлар“ (1985), Сотим Улуғзоданинг „Янгиланган ер“, Раҳим Жалилнинг „Шўроб“ романлари нашр этилди. 1980—90 йиллар адабиётга ёзувчи ва шоирларнинг янги авлоди кириб келди. Бу даврда Мўмин Қаноатнинг „Сино бешиги“ (1980), „Оловли муҳаббат“ (1985) достонлари, Лоиқ Шералининг „Оққун“ (1984), „Дил уйи“ (1986), „Офтобборон“ (1988), „Мозор тоши“ (1996) ше’рий тўпламлари, Бозор Собирнинг „Тун киприги“ (1981), „Офтобниҳол“ (1982), „Татиб, туйиб“ (1987) ше’рий мажмуалари, Гулназар Келдиевнинг „Лангар“ (1984), „Дарё ўзани“ (1986), Гулрухсор Сафиеванинг „Ихлос“ (1980), „Суғд алангаси“ (1981), „Бохтар руҳи“ (1987) ше’рий тўпламлари ва „Сабзабаҳор аёллари“ романи (1991) яратилди. 1990-йиллардан кейин адабиётга кириб келган Фарзона, Искандари Хатлоний ва яна кўплаб ёш қаламкашлар тожик адабиётининг ривожида муҳим ўрин тутади.

СУРХОН ВОҲАСИ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШУВИ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 2-курс магистри Шаназаров Шерали Нуралиевичнинг

Дунёда юз бераётган қтисодиёт соҳасидаги ўзгаришлар натижасида инсоният учун муҳим манба бўлган иқтисодий таназзулдан сақланиш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш, ер ости ва ер усти заҳарилардан фойдалинши умум миқиёсдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сурхондарё вилоятида ирригация ва мелиорация тизимда амалга оширилган тадбирлар: ютуқ ва муаммоларга тааллуқли ҳолатларни аҳолининг ҳудудий жойлашуви,сони ва салмоғини ошиб бориши, миллий таркиб, миграция туфайли кўчириб келтирилганларни муқим ўтроқ ҳолага жойлашуви, унинг натижалари ва оқибатларни, иқтисодий танглик ва таназул ҳамда камбағаллик, очлик ва турли миллий камситишларнинг натижаларни илмий тадқиқи

этиш асосий вазифалардан биридир.

Муаммонинг илмий- назарий жиҳатдан долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда хозирга кадар илмий истеъмолга киритилмагаи архив ҳужжатлари асосида миллий истиклол мафкурасига таяниб, XX асрнинг иккинчи чорагида Ўзбекистонда амалга оширилган советларнинг ирригация ва мелиорация тизимда амалга оширилган тадбирларини ва унинг окибатларини илмий жихатдан ўрганиш, тахлил этишдан иборат максад белгиланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сурхондарё вилоятида ирригация ва мелиорация тизимда амалга оширилган тадбирлар: ютуқ ва муаммоларга оид материаллар ватан тарихинг назарий концепциялари асосида илк бор илмий умумлаштирилган ҳолатлар намоён бўлиши асосланди.

Сурхон-Шеробод воҳаси топографик тупроқ тузилиши, гидрогеологик-мелиоратив ҳолати ва хўжалик иқтисоди жиҳатидан Ўзбекистоннинг тўла ўзлаштирилган массивларидан биридир. Сурхон-Шеробод воҳаси Ўзбекистоннинг энг жанубида, 37^0 10^I-39^0 02 шимолий кенглик ва 92^0-68^0 25^1 **шарқий узунлик оралиғида жойлашган. Бу ҳудуд Шероботдарё ва Сурхондарё дарёлари оқадиган меридионал йўналишда чўзилган тоғлараро воҳадан иборат. Воҳа шарқдан Тожикистон, ғарб ва шимоли-ғарбдан Туркманистон ва республиканинг Қашқадарё вилояти билан, жанубдан эса Амударё бўйлаб Афғонистон билан чегарадошдир.**

Сурхон-Шеробод воҳасида текисликлар, қуруқ чўллар ва тоғ олди зоналари мавжуд бўлиб, воҳанинг бойликлари жуда катта ва турли-тумандир. Воҳанинг умумий майдони Ўзбекистон территориясининг 4,6 фоизини **ёки 20,1 минг км^{2}ни ташкил этиб, республикада у бешинчи ўринни эгаллайди.**[1]

Сурхон-Шеробод воҳаси бир-биридан катталиги, жойлашиши билан фарқ қиладиган Сурхон ва Шеробод дарёларининг ҳавзасини эгаллаган Сурхон воҳасининг адирли кенгликлари шимолдан жанубга томон пастлаша бориб, секин-аста текис-

[1] Сурхан-Шерабадская долина. Вып. 217, Научные труды ТашГУ им. В.И. Ленина. Географические науки, кн. 25, -Т., 1964, 5 с.

ликка ўтади. Шеробод воҳаси шимолий томонга сал энгашган текисликлардан иборат бўлиб, жанубдан Амударё билан, Шимолий ғарбдан Келиф-Шеробод тизмаси ва шарқдан унча юқори бўлмаган Хайгар тоғлари оралиғида жойлашган. Воҳа уч томондан тоғ тизмалари билан айланган ва бу тизмалардан бир нечта дарёлар оқиб тушади. Булар Тўполанг, Сангардак, Хўжаипок, Шеробод ва бошқа бир қатор дарёлардир. Воҳа иқлим шароитлари бўйича Ўрта Осиёнинг пахта етиштирадиган асосий майдони ҳисобланиб, асосан иссиқ чўллар таркибига киради.

Ўртача ойлик ҳарорат йил давомида мусбат сонларга эга бўлиб, январда ҳароратнинг пастки нуқтаси +2,8-3,3^0 ва июлда +31,2-31,9^0 га тенг бўлади. Ўртача йиллик ҳароратда эса +20^{0}га етади. Январда ҳароратнинг энг пастки нуқтаси январда -20^0, энг баланд нуқтаси эса июн-июлда +45-46^0 гача боради. Илиқ аёзсиз давр 212-320 кун давом этиб, кўп йиллик ўртача давомийлиги эса 240-270 кунни ташкил қилади.[1] Энг эрта баҳорги аёз кунлар январнинг иккинчи ярми ва февралнинг бошларида бўлиб, энг кечкилари апрелнинг иккинчи ярмигача чўзилади. Энг эрта кузги аёз кунлар октябрнинг иккинчи ярми бошларида бўлиб, энг кечкилари эса декабр ва январ ойларигача давом этади. Ўртача йиллик ёғиннинг йиғиндиси энг юқори ёки 10^0 га тенг бўлган ҳароратда 5000 мм дан 6500 мм гача, ҳафталик ёғингарчилик эса 130-160 мм ни ташкил қилади. Ёғингарчиликнинг 90 фоизи қишки-баҳорги даврга, қолган 10 фоиз эса кузги даврга тўғри келади. Ёзи қуруқ ёғингарчиликсиз бўлгани сабабли, ҳавонинг ўртача нисбий намлиги йил бўйи 50% га тенг бўлади. Ёз ойларида эса бу кўрсаткич 20-30 % тушиб кетиб, қишки мавсумда 70-80% га кўтарилади. Буғланиш йил давомида 1700-2000 мм ни, илиқлик эса ярим йилликда 1300-1500 мм га тенг бўлади[2].

Ҳудуднинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, бу ерда асосан жанубий-ғарбий йўналиш бўйлаб афғон шамоли эсиб туради. Вақти-вақти билан кучли шамол кўтарилиб, ўсимликлар ва тупроққа ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Иқлим шароитларига кўра бу ҳудуд иссиқ ва қуруқ иқлимли минтақага киради. Бу иқлим шароитлари сунъий суғоришда

[1] «Ўрта Осиё сув-пахтачилик лойиҳа» институти жорий архиви, №1416-иш, 19-варақ.
[2] «Ўрта Осиё сув-пахтачилик лойиҳа» институти жорий архиви, №1416-иш, 20-варақ.

пахтанинг ингичка толали навлари ва бошқа кўплаб субтропик экинлар етиштиришга мос келади. Пахта сингари иссиқсевар ўсимликларнинг ривожланишидаги фаол ўсиш даври Сурхон-Шеробод воҳасининг жанубий қисмида мартнинг ўрталарида тугайди. Шундай қилиб, юқори ҳароратли давр 240-250 кун давом этади. Вилоятнинг шимолий-ғарбий қисмида (Қашқадарё ҳавзаси), яъни кўпчилик туманларда (энг жанубдан ташқари) бу давр 226-228 кун давом этади.

Ҳар йили ҳароратнинг энг баланд нуқтаси +46-48^0 дан ошиб, Термиз ва Шерободда деярли +50^0 С га етади. Бу кўрсаткич эса Ўзбекистон ҳудуди учун юқори бўлиб ҳисобланади.

Сурхон-Шеробод воҳасининг жанубий қисмида ёғингарчиликнинг тақсимланиши жуда нотекис. Амударёдан шимол томонга воҳа бўйлаб, тахминан, 400-500 м атрофида (Шўрчи кенглигида), Бойсунтоғ ва Кўҳитанг ёнбағирлари бўйлаб, шимоли-ғарбда ва Келиф-Шеробод тизмасида 660-700 м ли тепаликларгача йиллик ёғингарчилик миқдори 130-250 мм га тенг бўлган ҳудуд жойлашган. Ёғингарчиликнинг юқорига кўтарилиши билан ошиб бориш жараёни ҳамма жойда ҳам бир текис эмас. Кўҳитанг ва Бойсунтоғ ёнбағирларида юқорига чиқиш билан ёғингарчилик миқдори нисбатан секинлашади (ҳар бир 100 метрга, 25-35 мм). Шарқ томонга ўтиб ёғингарчиликнинг ошиши анча фаолроқ бўлади (ҳар 100 метр юқорига 60-80 мм га ўзгаради).[1] Сурхон-Шеробод воҳаси рельеф ва тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг турли туманлиги билан фарқ қилади.

Тупроқшунос А.З.Генусовнинг аниқлашича, бу ҳудудда тупроқнинг қуйидаги асосий турлари учрайди. Булар кулранг-қўнғир тупроқ, чўл қум тупроғи, тақир тупроқ, шўрхок тупроқ, яйлов ва ботқоқ тупроқларидир. Кулранг-қўнғир тупроқлар чўл тупроқларининг типик вакили бўлиб ҳисобланади. Улар паст текисликларнинг тош-шағал аралашмасидан ташкил топган бўлиб, умумий майдони 75 минг гектарга тенг. Ундан суғориш учун 1/3 қисми ишлатилади.[2] Ҳудуднинг шимолий қисмида

[1] «Ўрта Осиё сув-пахтачилик лойиҳа» институти жорий архиви, №1416-иш, 34-варақ.

[2] А.З.Генусов. Почвенный очерк. Труды ТашГУ им. В.И.Ленина. Сурхандарьинская область. Природа. -Т, 1962, 180 с.

кулранг чўл тупроғини ташкил этган бўз тупроқларнинг катта даштликлари жойлашган. Чўл қум тупроқлари ва қумлар Сурхон-Шеробод

воҳасида 130 минг гектарни[1] эгаллайди. Бу Ховдаг қумлоқларининг тарқалиши натижасида ҳосил бўлган. Иқлим шароитларига кўра чўл-қум тупроқлари суғориладиган ерларга айлантирилиши мумкин. Уларнинг майдони Сурхон Шеробод воҳасида 60 минг гектарни ташкил этади.[2]

Чўл минтақасининг яйлов ва ботқоқ тупроқлари Сурхондарё ва Амударёнинг тор воҳасида мужассамлашган. Улар дарё қирғоқлари ва кенг яйловларни ташкил этиб, ҳар хил шўрланиш даражасига эга. Сурхон дарёсининг ўзани кенг эмас, фақат айрим жойларида унинг кенглиги 0,5 километрдан ошади. Амударё ўзани фақат Ўзбекистон ҳудудидагина 1-2 километрга тенг бўлади. Суғориладиган яйлов тупроқлари асосан Сурхондарё ўзани таркибига кириб, Амударё воҳасида суғориладиган ҳудудлар жуда кам. Сурхон-Шеробод воҳаси бўйлаб 7 минг гектар яйловлар мавжуд. [3]

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ЁРИТИЛИШИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси 2- курс магистри Нормуродова Гўзал

Ўрта Осиёда Англия ва Россия рақобатчилиги тарихшунослигида Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳолатини ўрганишга оид Ўрта Осиё худди шундай ўлкалардан бири бўлиб, бу ҳудуд учун кураш ривожланган мамлакатлар учун анчадан буён асосий армон ҳамда орзу эди. Тарихчи Курзоннинг 1967 йилда Лондонда чоп этилган. «1889 йилда Россия Ўрта Осиёда ва инглиз рус муаммоси» асарида Россия-Бухоро, Англия, Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида олиб борилган ташқи алоқалар, Ўрта Осиё элчиларини

[1] Ўша жойда. 181 б.

[2] А.З.Генусов. Почвенный очерк. Труды ТашГУ им. В.И.Ленина. Вып. 185. -Т., 1961, 21 с.

[3] А.З.Генусов. Почвенный очерк. Труды ТашГУ им. В.И.Ленина. Вып. 185 -Т., 1961, 23 с.

иқтисодий, ҳарбий-қурол яроқ, савдо-сотиқ бўйича олиб борган муносабатлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Шунингдек муаллиф Ўрта Осиёнинг ташқи давлатлар билан олиб борилган савдо-товар алмашинуви, экспорт ва импортга оид муҳим маълумотларни келтириб ўтган. Бу маълумотлар Ўрта Осиёнинг иқтисодий салоҳиятини аниқлашга ҳамда ташқи алоқалари ҳақида муҳим маълумотлар билишга ёрдам беради.

XVIII-XX аср бошларида Ўрта Осиёда Англия ва Россия рақобатчилиги тарихшунослигида иқтисоди сиёсати даврига таллуқли жаҳон тарихшунослигида алоҳида катта қизиқиш уйғотган Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳолати тарихини ўрганиш, илмий, ҳолисона таҳлилий фикрлар билдириш масаласида катта ютуқларга эришилмоқда. Чунки Ватанимиз тарихини ўрганиш, илмий мушоҳадага эга бўлган асарлар яратиш, тарихдаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш борасида Мустақиллик йилларида мазмун-моҳияти билан ажралиб турадиган илмий асарлар яратилди. XVIII-XX аср бошларида Ўрта Осиён тарихини ўрганишга доир асарларни ёзишга асосий сабаб, Ўрта Осиёнинг чексиз иқтисодий имкониятларга эга бўлиши, ички ва ташқи бозор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари мавжудлиги бунга асос бўлган. Чунки Ўрта Осиё билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш, савдо-сотиқ ишларни олиб бориш, элчилик муносабатларни ўрнатиш Англия, Германия, Россия, Туркия, Эрон учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ташқи алоқалар ниҳоятда зарур эди. Бунга асосий сабаб ривожланаётган мамлакатлар учун янги мустамлака, ташқи бозор, мамлакат саноати учун хом-ашё манбаси, бой иқтисодий имкониятларга эга бўлган тарқоқ заиф ривожланаётган мамлакатлар зарур эди.

Ўрта Осиёнинг ташқи алоқалари Россия давлати билан ниҳоятда мустаҳкам ўрнатилган бўлиб, асосан Россия Ўрта Осиёнинг ташқи сиёсатини ўз назоратига олиб, маҳсулотларни импорт қилиши устидан Россия монополиясини ўрнатган эди. Бу масалани таҳлил этиб ўрганган М.Холдеворт қуйидаги маълумотни келтириб ўтган.[1]

[1] Holdworth M. Turkestan in the nineieenth century. A brief history of Bukhara, Kokand and Khiva. Oxford, 1959.-Introduetion.

Пуд миқдорида экспорт		Импорт ҳисобида (рубль)	
1891 (ўртача)	278166	238800	306932
1898	482750	230905	11848200

Шунингдек Ўрта Осиёнинг Россияга хом-ашё экспорти.

1880	410000	пуд миқдорида
1890	1359099	-----||-----
1915	264000	----||------

Юқоридаги маълумотларга эътибор қилиниб, қайд этиш керакки Ўрта Осиёнинг ташқи сиёсати Россия томонидан сиёсий сиқув остига олинган бўлсада, Бухоро ўз ташқи экспорт фаолиятини ривожлантириб борган. Бундай маҳсулот экспорти Туркия, Англия, Эрон, Хитой мамлакатларида ҳам амалга ошириб турилган. Бухоро амирлигининг ташқи сиёсати хусусида Йел университети профессори Г.Хэмбли томонидан 1969 йил Йор-Йоркда нашр этилган «Ўрта Осиё» номли китобнинг 13-бобида ўзбек хонликлари тарихига бағишланган маълумотлар келтирилиб ўтилган. Ушбу бобда Ўрта Осиё ҳақида, унинг ҳудудий-маъмурий тузилиши, иқтисодий-сиёсий тизими, амирликнинг ташқи мамлакатлар билан олиб борган савдо-сотиқ муносабатлари, зардўзлик, ҳунармандчилик, қора кўл теридан тайёрланган маҳсулотлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилиб ўтилган.[1]

XVIII-XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари даврига хос X1X асрнинг охири XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳолатини ўрганиш Бухоро амирлигининг тарихи, унинг ташқи алоқалари, Ўрта Осиё масаласидаги Россия-Англия ташқи дипломатияси ўртасидаги муносабат, зиддиятлар, ўзаро низолар ҳақида инглиз тарихчилари бир қатор муҳим асарлар ёзиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Бухоро амирлиги ташқи сиёсатининг муҳим томонларини ёритиб берган. Инглиз Жеймс Лантнинг 1969 йил Лондонда «Бернс Бухороси» китоби чоп этилиб, унда Англия ҳукумати топшириғи билан 1831-1833 йилларда Бухорога келган Ост-Индия компанияси ходими, лейтенант Александр Бернснинг Бухорога келиши, Бухоро-Англия ўртасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш

[1] Central Asia. Edited G. Hambly vol.XVI New York. 1969. P. 188.

бўйича амалга оширган ишлари, Бухоронинг ташқи алоқалари, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўрни, Бухоро, Россия, Туркия, Эрон билан муносабатлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек Ўрта Осиёнинг иқтисодий аҳволи, амирликда ишлаб чиқарилган маҳсулот, ички бозорнинг аҳволи, Бухоро-Афғонистон чегара ҳудудлари ҳақида асарда фикр юритилган.[1] Шунингдек асарда Ч.Стоддарт ва А.Коноллиларнинг Бухородаги саёҳати, эсдаликлари, бошидан кечирган воқеа-ҳодисалари ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган. Бухоро амирлиги ўзининг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш, хазинани бойитиш учун қўшни хонликлар билан олиб борган ўзаро урушлар, талончилик ҳужумлари ҳақида бир қатор муҳим маълумотлар турли тарихий асарларда ўз аксини топган. Бухоро амири Насруллонинг фаолиятига оид турли хил фикрлар, унинг шавқатсиз сиёсати, қўшни ҳудудларга нисбатан олиб борган ташқи босқинчилик ҳужумлари тўғрисида Г.Хэмбли, Ч.Стоддарт. Уилер, М.Холдеворт каби олимлар, саёҳатчилар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирган. Мэри Холдевортнинг маълумотларида «Насрулло жуда иззатталаб характерга эга бўлган, унинг ҳукмронлигининг 30-йиллари, Қўқон хонлиги устидан қозонган зафарлари, Хивага қарши ҳужумлари Марвни талон-тарож қилиши ва қўшиб олиши Бухоронинг буюк ҳукмронлиги даври эди. Насрулло рақобатчиларининг куч-қудратини йўқотишда ўзбек уруғларининг шуҳратпарастлик сепаратизмини бартараф этишдаги уринишларида бутунлай шафқатсиз эди», деган фикр келтириб ўтилади.[2] Бунга ўхшаш маълумотларни Сеймоур Беккер келтириб қуйидаги фикрни, «Марказлаштириш фақат давлат ичидагина олиб борилмасдан... балки майда мустақил бекликларни бирлаштириш ҳисобидан амалга оширилди. Насрулло Эрон қуллари ва туркманларни олий ҳукумат органларига тайинлаш орқали Ўрта Осиё задогонлари қудратига путур етказди», деб ёзган.[3] Инглиз тарихшунослигида ўзига хос ўрин тутган

[1] Gims bint. Bukhara Burnes. London. 1969. P. 220.

[2] Holdworth M. Turkestan in the nineteenth century. A brief history of Bukhara, Kokand and Khiva. Oxford, 1959.-Introduction. P. 4-5.

[3] Becker. S. Russians protectorates in central Asia. Bukhara and Khiva. 1865-1924. Cambridge. 1969. P.5.

француз муаллифи Энкаузеннинг «Ислом ва Рус империяси. Ўрта Осиёдаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар» номли асари 1966 йилда Парижда нашр этилиб, ушбу китобда Бухоро хонлиги аҳолиси, Амирликда яшаган халқлар ва уларнинг сони ҳақида аниқ рақам йўқ. Фақат саёҳатчиларнинг ҳисоботлари, уларнинг сони ҳақида озроқ тасаввурга эга бўлишга имкон беради. XIX асрда Хаников маҳаллий маълумотлар асосида аҳолининг сони 2 ёки 2,5 миллион атрофида эди, деб баҳолайди. Масальский ҳам шунга ўхшаш рақам келтиради (2,5) аммо унинг кўрсатишича, бу рақам ҳам тахминан эди. Логофет эса 3 млн. деб ёзади. Ўрта Осиёга саёҳат қилган, рус бўлмаган шарқшунослар баъзи юқори рақамларни келтиради. Вамбери амирлик фуқароси 2.5 млн. Олуфсен эса уларнинг сони 3 ёки 3,5 млн. эди деб ҳисоблайди.

Ўрта Осиёда Англия ва Россия рақобатчилиги тарихшунослигининг иқтисоди сиёсати даврига таллуқли 1922 йил Бухоро Республикаси бўйича олиб борилган аҳолини рўйхатга олиш ҳисоботларида 1800-1890 йилларда амирлик ҳудудида жами аҳоли нисбатан озроқ бўлиб, фақат 1531013 киши эканлиги қайд этилади.[1] Раҳамни таҳлил қилганда Магидович қўйидаги фикрни келтиради: -«Аҳолининг камайишига инқилобий ғалаёнлар, халқ ҳаракати, очлик ва эпидемия касалликлари сабаб бўлган». Қайд этилган маълумотларни чуқур тарихий жиҳатдан ўрганган Кисляков аҳоли рўйхати йўқотишларни 25 фоиз бўлганлигини ҳисобга олиб, инқилобдан олдин бухоро аҳолиси 2 миллион бўлган, деб ўз хулосасини беради.

Муаллиф томонидан қайд этилган ушбу манбалар ўзбек тарихшунослиги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ўрта Осиёнинг мамлакатларини ташқи иқтисодий алоқалари унинг ички салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб борган. Чунки Ўрта Осиё иқлимининг хўжалик юритишдаги қулайлиги, табиий бойликларнинг ниҳоятда кўплиги, ташқи бозор учун қимматбаҳо маҳсулотларни ниҳоятда дид билан ишлаб чиқилиши, ҳунармандчилик маҳсулотлари талаб даражада ишлаб чиқарилиши ривожланган мамлакатларни Ўрта Осиёга

[1] Encansse H. C.D. Islam and Russian Bukhara. Reform and revolution in central Asia. Iranisoves. Quitin Hoatei-London. 1988-H-5.

бўлган муносабатини кучайтиришга олиб келган эди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёда ташқи сиёсатни олиб борадиган, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга жиддий тафаккур билан амирлик манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли сиёсий раҳбарлар деярли кам эди. Бу эса Ўрта Осиё малакатлари билан ташқи сиёсатни янада мукаммал ривожланишига жиддий тўсиқ эди.

TALABALAR MINBARI

O`RTA OSIYO TARIXINI O`RGANISHDA RUS SHARQSHUNOSLARINING ROLI

Toshmamatov Azizbek Tohir o'g'li
Termiz davlat universiteti Tarix fakulteti
2 bosqich 203-guruh talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada .Rus olimlari O`rta Osiyoning chorizm tarafidan bosib oliiishidan ancha ilgari bu o`lkani o`rganish bo`yicha bir qancha ishlar qilgan ishlari yoritilgan. Biroq, XIX asrning birinchi yarmidagi o`lkani o`rganish, ya`ni mahalliy tarixchilik ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotini o'rganish yoritilgan.

Kalit so'zlari: Rus olimlari, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotda, mahalliy tarixchilik, O`rta Osiyoning chorizm tarafdorlari.

XIX asrning ikkinchi yarmida o`rta osiyo chor askarlari tarafidan bosib olingach, bu erga rus olimlari kelib ko`plab tadqiqot ishlarini olib bordilar. SHunday murakkab va og`ir sharoitda ham o`lkashunoslar o`z fikr va mulohazalarini erkin bayon etishga harakat qilganlar.[1]

Rus sharqshunosligi o`zining g`oyat katta ilmiy faoliyati bilan mahalliy tarixchilikka shubhasiz katta ta`sir ko`rsatdi. Rus sharqshunoslari O`rta Osiyo tarixi yuzasidan jiddiy tadqiqot ishlari olib borish bilan birga, bu ishga erli tarixchi havaskorlarni ham jalb qilish, ular bilan hamkorlikda ish olib borishga harakat qildi. Turkistonga kelgan sharqshunoslar mahalliy tarixchi va xdvaskorlar o`rtasida yurib va yashab, O`rta Osiyo tarixi xdqida muhim ma`lumotlar va asarlarni to`pladilar va shu haqda tushuntirish ishlari olib bordilar.[2]

Toshkentlik tarixchi Muhammad Solih qoraxo`ja o`g`li o`zining "Tarixi jadidai Toshkand" degan asarida Iskandar to`ra ismli bir rus olimining uyiga kelgani, u bilan suhbatlashgani va O`rta Osiyo tarixiga oid ko`p savollar berib, bahslashgani hdqida yozadi. Iskandar to`ra

[1] Karimov I.A. Vatan sajdagox kabi muqaddasdir. Toshkent «O`zbekiston 1996 yil.»
[2] Artsixovskiy A B.«Arxeololgiya asoslari» Toshkent «O`qituvchi» 1970yil.

aslida Aleksandr Kun bo`lib, mahalliy xalq qadimdan Aleksandr ismini Iskandar deb atashadi. Faqat A. Kunning emas, balki O`rta Osiyoga kelgan barcha sharqshunoslarning xam xalq orasida yurib tarixga oid savollar berishy, ayrim masalalar yuzasidan bahslashishlari hamda ularga yo`l-yo`riqlar ko`rsatishlari, shubhasiz, erli xalqlar o`rtasida tarixga qiziqish hissini oshirdi. Bunday bahslashuvlar, savol-javoblar mahalliy xalq o`rtasida «diniy tus berilgan» arxeologik yodgorliklar va tarixiy hodisalarni aniqlashga, ularning sirini ochishga yordam berdi. Usha vaqtda nashr qilingan "Turkiston viloyatining gazeti", "Turkestanskie vedomosti" va boshqa gazeta sahifalaridagi mahalliy tarchxchi va havaskorlar tomonidpn yozilgan yodnomalar, yodgorliklar haqidagi kichik-kichik xabarlar va maqolalar, arxeologik kollektsiyalar rus sharqshunoslarining mahalliy tarixchilikka samarali ta`sir ko`rsatganligini va erli xalq orasida ham tarixga qiziqish avj olganligini ko`rsatadi. Rus sharqshunosligi bu tuyg`u va intilishlarni qizg`in qarshi olib, qo`llab-quvvatlaganligi Turkiston tarixchiligining rivojlanishi uchun yangi sahifa ochib berdi.

"Turksstanskie vedomosti" gazetasining 1892 yil 31- sonida bosilgan professor evarnitskiyning "Akrom Asqarovning arxeologiyaga oid ashyolar to`plami" nomli maqolasida berilgan ma`lumotga ko`ra, ashyolar to`plamida 17 dona oltin pul, 1370 dona kumush pul, 13 274 dona mis pul, neolit davriga oid tosh bolg`a, jezdan yasalgan sulug`, jez oyna, jez iskana, jez ketmonlar (motiga), turli joylarda to`plangan sopoldan yasalgan odam hdykallari, bir bo`lak nefrit, isirg`a, krest (but), baldoq, tumor, mis, sopol idish va shunga o`xshash garixiy buyumlar bo`lgan. Akrom Asqarovning fan uchun qimmatli bo`lgan bu ashyolar to`plamiga professor N. I. Veselovskiy ham katta baho bergan edi. Rossiya arxeologiya jamiyati 1887 yilda uning arxeologiya sohasidagi xizmatlarini taqdirlab, uni kumush medal' bilan mukofotladi. O`zi to`plagan tarixiy buyumlarning tarixning qaysi davriga oid ekanligini idrok qila olmagan bo`lsa-da, oddiy bir o`zbekning o`sha vaqtda tarixiy nodir buyumlarning fan uchun katta ahamiyatga ega ekanini tushungani holda, fan uchun to umrining oxirigacha tinmay xizmat qilishi rus sharqshunosligi faoliyatining samarasi bo`lib, bu rus sharqshunosligi uchun ham, mahalliy tarixchilik uchun ham yangilik va foydali ish edi.[1]

[1] Nabiev A. «Tarixiy o`lkashunoslik» Toshkent «O`qituvchi» 1996 yil.

Rus olimi M. V. Lomonosov o`z o`lkasini mukammal o`rganish maqsadida 1761 yili 30 savoldan iborat javob varaqasi tuzib, aholi o`rtasida tarqatgan edi. Ayni vaqtda bu bilan o`lkashunoslik faniga asos solingandi. O`lkani o`nganish masalasi O`rta Osiyo, shu jumladan O`zbekiston hududida Rossiyadan anchagina keyinroq, ya`mi XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlanadi.Rus olimlari O`rta Osiyoning chorizm tarafidan bosib oliiishidan ancha ilgari bu o`lkani o`rganishbo`yicha bir qancha ishlar qilgan edilar. Biroq, XIX asrning birinchi yarmidagi o`lkani o`rganish, ya`ni mahalliy tarixchilik ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotdagi biqiqliqka mos bo`lib, feodal tuzum manfaatlari uchun xizmat qilar edi. Tarix fanidan feodal sinfining manfaatlari, xonlar va ular sulola-sining taxtga egaligi va «odilligi»ni mafkuraviy jihatdan asoslash uchun foydalanib kelindi. Saroy tarixchilari o`zlarining asosiy e`tiborlarini siyosiy voqeliklarni xonlarning faoliyati va o`z raqiblari ustidan qozongan g`alabalarini ko`klarga ko`tarib maq-tash, saroydagi an`analarni tasvirlashga qaratdilar. CHunki zamon o`zi shunaqa edi.

O`rta Osiyoga kelgan olimlar o`lkadagi ilg`or mahalliy ziyolilarning namoyandalari bilan yaqin aloqada bo`lardilar. Mustamlaka ma`muriyati O`rta Osiyo xalq ommasining milliy ongini o`stirishga yordamlashishni aslo ma`qul ish deb bilmasdi, aksincha, mahalliy xalq ommasi o`rtasida tarixiy bilimlarni biroz darajada keng targ`ib etish, ular diqqatini qadimgi zamon yodgorliklarini o`rganishga tortish va hokazolar chorizmning mustamlakachilik siyosatiga faqat zarar etkazishi mumkin, deb qo`rqardi.[1]

Holbuki, O`rta Osiyoning yangi-yangi hududlarida Rossiya hukmronligining o`rnatilishi, ularning Umumrossiya iqtisodiy taraqqiyoti yo`liga qo`shib yuborilganligi munosabati bilan turmushning o`zi ilmiy tadqiqotlar o`tkazish zarurligini taqozo qilardi. O`rta Osiyoning durustroq o`rganilmaganligi mustamlaka ma`muriyatining ishlarini qiyinlashtiradi. Ilmiy tadqiqotlardan ba`zi birlari o`zlarining ko`p yillik tarixiga, o`z urf-odatlari, xususiyatlari, turmush tarziga ega bo`lgan million-million O`rta Osiyo xalqlari ommasini ekspluatatsiya qilish tizimini to`g`ridan-to`g`ri uyushtirishga yordam berishi lozim edi. Tabiiy boyliklari, madaniy merosi g`oyat boy bo`lgan va kam tekshirilgan ushbu o`lka

[1] https://uz.denemetr.com/

rus ziyolilarining taraqqiyparvar qismini juda qiziqtirardi. Mashhur rus zoologi, zoogeografi va sayyohi, darvinizmning e`tiqodli tar afdorlaridan bo`lgan N.A. Severtsov (1827 -1886) Turkistonning ko`p joylarini fizik-geografik jihatdan o`rganishda, jumladan, Pomir tizma tog`larining orografiyasini o`rganishda ko`p mehnat va kuch sarf qildi. N.A.Severtsov sayohati vaqtida zoologiya, botanika, mineralogiya va paleontologiyaga oid juda qimmatli kollektsiyalar to`pladi.Mashhur rus geografi P. P. Semyonov-Tyan'shanskiy (1827—1914) O`rta Osiyo, ayniqsa Tyanshan' tizma tog`larining geografik o`rganilishiga asos soldi. Uning to`plagan ma`lumotlari asosida Tyanshanda Al'p muzliklari mavjudligi masalasi ijobiy hal qilindi, nemis geografi Gumbol'dtning Tyanshandagi vulqon hodisalari h,aqidagi fikrlari rad qilindi.[1]

O`rta Osiyo, shu jumladan Qo`qon xonligi, Namangan va Toshkentda yashagan, o`zbek xalqining tarixi, tilini va urf-odatlarini o`rganishda Vladimir Petrovich Nalivkinning (1852—1918) ham qo`shgan hissasi kattadir.Uning ilmiy faoliyati O`rta Osiyo xalqlari tarixi, tilini va etnografiyasini o`rganishdan boshlandi. U rafiqasi M. V. Nalivkina bilan xdmkorlikda «Farg`ona mahalliy aholisi ayollarining turmushi haqida ocherk» degan kitob yozdi.

V. P. Nalivkin rus olimlari ichida birinchi bo`lib, mahalliy tillarni urganib, mahalliy tarixchilar qo`lyozma asarlarini o`rgangan va shular asosida "Qo`qon xonligining qisqacha tarixi" va "Ruscha-sartcha va sartcha-ruscha lug`at" hamda "Intihob ut-tavorix mamlakati Rusiya" ("Rossiyaning qisqacha tarixi") kitoblarini va 40 dan ortiq ilmiy agarlar, maqolalar yozgan. Mahalliy xalq tilini juda mukammal bilganligi sababli uni erli xalqlar Jahongir to`ra deb ataganlar, u ham bir necha asarini Jahongir to`ra nomi bilan chop etgan.Uning 1885 yilda Jahongir to`ra nomi bilan yozilgan' «Intihob ut-tavorix mamlakati Rusiya» nomli asari buning yorqin dalilidir.

Muallifning "Bu faqir... zaboni nochor va suxoni ojiz birlan tavorix kitoblari tahriridagi voqealarni intihob aylab ko`p tafsili keltirmay ijmoli birla muxtasar bayonini qilardiki, Rusiya mamlakatining paydo va bino bo`lganidan to oxir zamonigacha mazkur viloyat ichra o`tgan hodisa va voqeliklarni tasnif qilg`ay",-deyishidan ma`lumki, u o`z asarini ko`p adabiyotlardan foydalangan holda yozgan. Bu asarning

[1] Sa`diev A. «XIX asrda Turkistonda tarix fani» Toshkent 1960 yil

erli aholini Rossiyaning o`tmish tarixi bilan tanishtirish maqsadida o`zbek tilida yozilishi o`z davri uchun juda katta ahamiyatga ega bo`lgan bir hodisa edi. SHunday qilib, XX asrning 20- yillariga qadar olimlar va turkshunos havaskorlarning kuchlari bilan Ozbekiston o`lkasini o`rganishga doir anchagina materiallar to`plangan. Biroq bularning orasida uzuq-yuluq va tasodifiy materiallar anchagina bo`lib, keng, ilmiy asosda umumlashtirilmagan edi.O`rta Osiyo, shu jumladan, O`zbekiston tarixini ilmiy asosda o`rganish faqat asrimiz boshlarida va undan keyingi yillarda samarali va fidokorona ish olib borish natijasida yaratildi va u yanada chuqurlashtirildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. .Karimov I.A. Vatan sajdagox kabi muqaddasdir. Toshkent «O`zbekiston
2. 1996 yil.»
3. Artsixovskiy A B.«Arxeololgiya asoslari» Toshkent «O`qituvchi» 1970yil.
4. .Nabiev A. «Tarixiy o`lkashunoslik» Toshkent «O`qituvchi» 1996 yil.
5. .Sa`diev A. «XIX asrda Turkistonda tarix fani» Toshkent 1960 yil

Foydalanilgan internet saytlari:

6. https://uz.denemetr.com/
7. .https://uz.wikipedia.com/

SURXON VOHASI XALQINING IKKINCHI JAHON URUSHIDAGI G'ALABALARGA QO'SHGAN HISSASI.

Abdimo'minov Turdimurod Boymuhammad o'g'li
Termiz davlat universiteti tarix fakulteti II-bosqich talabasi.

Annotatsiya: Surxon vohasi xalqining ikkinchi jahon urushidagi g'alabalarga qo'shgan hissasi hamda Sherobod tumanidagi ikkinchi

jahon urushi qatnashuvchilarining front maydonlaridagi yurt ozodligi yo'lida ko'rsatgan jasorat va qahramonliklari haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: Front, quloq, surgun, Slava ordeni, harbiy arsenal, askar, ofitser, fashizm, jangchi, armiya, kolxoz, harbiy komissariyat, o'qchi, brigada, kursant, harbiy gospital, to'pchi, polk, dviziya, komandir, razvedka.

Muhtaram Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyevning 2020-yil 9-mayda O'zbekiston xalqiga va ikkinchi jahon urushi qatnashchi faxriylariga ,"Ikkinchi jahon urushida qozonilgan g'alabaning 75-yilligi munosabati" bilan yo'llagan tabrigida[1] urushdan keyingi olib borilgan tarixiy ma'lumotlariga asoslanib quyidagi haqiqatni haqqoniy xolisona taqdim etdi. "Urushda O'zbekistondan 1 million 951 mingga yaqin kishi ishtirok etib, shundan 538 ming o'zbekistonlik fuqarolar halok bo'ldilar[2]. Urush davrida 158 ming hamyurtlarimiz bedarak ketgan bo'lsa, sovet tuzumi siyosati tufayli boshqa o'lkalarga quloq va surgun qilingan 59 mingdan ortiq yurtdoshlarimiz urushda boshqa o'lkalar hisobidan qatnashgan. Urush janggohlarida mardlik va jasurlik ko'rsatgan 200 mingdan ziyod askar va ofitserlarimiz davlat mukofotlariga sazovor bo'ldilar. Janggohlarda fashizmga qarshi mustahkam iroda va vatanparvarlik namunasini ko'rsatgan 301 nafar O'zbekistonlik Sovet Ittifoqi Qahramoni unvoniga va 70 nafar O'zbekistonlik uchala darajadagi Slava ordeniga ega bo'ldilar. Barcha tinchliksevar xalqlar qatorida Surxon vohasi aholisi ham fashizmga qarshi kurashda alohida jasorat namunasi ko'rsatdi.Dunyoda tinchlikni saqlash o'zbek xalqining azaliy orzularidan biri hisoblanadi.Ulug' Vatan urushi yillarida o'zbekistonliklar shu jumladan surxon vohasi aholisi fashizmni mag'lubiyatga uchratishda cheksiz jasorat ko'rsatdilar.Buyuk g'alabani ta'minlashda xalqimizning front ortidagi fidokorona mehnati, jangchilarimizning ko'rsatgan qahramonligi tahsinga sazovordir.Shuningdek, surxon vohasi aholisining frontorti ishlarida ko'rsatgan fidoyiligi, voha jangchilarining jasoratini alohida qayd etish joizdir. Surxondaryolik jangchilar urushning dastlabki kunlaridanoq qo'lga qurol olib, Rossiya, Ukraina, Belorussiya, Shimoliy Kavkaz, Moldaviya, Boltiqbo'yi Respublikalarini va

[1] https://xabar.uz/uz/siyosat/shavkat-mirziyoyevning-9-may-munosabati-bilan-sozlagan-nutqi.

[2] "Ilg'or Surxon uchun" gazetasi 1941-yil 27-iyun soni ma'lumotlari.

Yevropa hududlarini dushmandan himoya qilishda ko'ksini qalqon qildi. Roppa-rosa 1418 kecha-kunduz davom etgan urushda vohamiz jangchilari o'z jasoratlari bilan buyuk g'alabani ta'minlashda munosib hissa qo'shdilar[1]. Urush yillarida viloyatimiz ham armiyaning asosiy harbiy arsenallaridan biriga aylandi.Viloyatimiz mehnat ahli urush davrining og'ir yo'qotishlari, yo'qchilik va yetishmovchiliklariga qaramasdan alohida sabot va matonat bilan mehnat qildi, front ortini mustahkamlash, iloji boricha ko'proq mahsulot ishlab chiqarish, urush tufayli viloyatimizga ko'chirilgan aholiga g'amxo'rlik qilish, jangchilarga moddiy yordam uyushtirish, mudofani tashkil etish kabi barcha xayrli ishlarda faol ishtirok etdi.

Urush davridagi Stalinning "Gitlerchilar Germaniyasi o'z jinoyatlarining og'irligi ostida barbod bo'lishiga bir necha oy, yarim yil balki bir yil qoldi. Bizning ishimiz haq ish, biz g'alaba qozonamiz" deb aytgan nutqi urushning dastlabki oylarida qiyinchiliklarni yengishda muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Stalinning nutqi barcha gazetalarda chop etildi. Hamma joyda navbatdan tashqari majlislar o'tkazilib, ushbu tarixiy nutq mehnatkashlarga o'qib eshittirildi. Jumladan 1941-yil 16-noyabrda Sherobod tumanidagi Andreev kolxozining binosida umumiy majlis bo'lib o'tdi. Unda sovet(kengash)faollaridan 31 nafar, kolxozchilardan 101 nafar jami 132 nafar kishi ishtirok etdi. Majlisda Nazarov raislik qilib, Stalinning 6 noyabr kungi nutqi o'qib eshittirildi. Majlis oxirida kolxozchilar ish unumini yanada oshirish bilan urushga ketgan askar oilalariga yordam tariqasida 10 litr kerosin va 50 kilogrammdan g'alla berishga qaror qildilar. Xuddi shunday majlis 18-noyabr kuni Sherobod tumanining Qizil Oktyabr va Stalin(Tangidevon) nomli kolxozlarida hamda boshqa hududlarda ham bo'lib o'tdi. Ozod qilingan tumanlarga yordam berishda Sherobod tumani aholisi ham faol qatnashishdi[2]. Xususan Xo'jaulkan selsovetiga qarashli "Большевик" va Y.Oxunboboyev nomli kolxozlarning a'zolari ikki kunda 69 bosh qo'y va echki, 2 bosh sigir hamda 2 bosh otni ozod qilingan tumanlar aholisiga jo'natdilar.Front janggohlariga Sherobod tumanidan safarbar etilgan mard o'g'lonlarimizdan Ubaydullo Xoliqov, Rashid Nazarov, Qo'ng'irot Choriyev, Rahim

[1] I.Umarov. Frontdan kelgan xatlar. "Tafakkur".2020. B.4-5.
[2] I.Umarov. Frontdan kelgan xatlar. "Tafakkur".2020. B. 28-29.

Maqsudov, Husan Qulsoatov, Parda Muhammadiyev, Allaberdiyev Abdishukur, Allaberdiyev Xudoyberdi, Rahmonov Ko'la, Jabborov Rahmon, Ochildiyev Toshtemir, Oltiyev Turob, Almardonov Salim Choriyev G'affor, Rahim Bobonazarov, Ulug' Mirzayev, Eshonqul Abdirasulov, To'raboy Tursuntoshev singari o'g'lonarimizning Vatanimiz ozodligi uchun qilgan xizmatlari alohida ahamiyatga ega[1]. Shu o'rinda ulardan Ubaydullo Xoliqov, Qo'ng'irot Choriyev, Rashid Nazarov, Rahim Bobonazarov, Choriyev G'affor, Almardonov Salim singari yurtimiz fidoyilari faolyati tahsinga loyiq.

Ulardan Rahim Bobonazarov III-darajali ,,Shuhrat'' medali,O'zbekiston Xalq maorifi a'lochisi ko'krak nishoni, g'alabaning 20,25,30,40,50 yilligi yubiley medallari bilan taqdirlangan.Ubaydullo Xoliqov ,,Germaniya ustidan qozonilgan g'alaba uchun'', ,,Ukraina ozod etilganligi uchun'', ,,Berlin olinganligi uchun'' janggovor medallar, g'alabaning 30, 40, 45, 50, 60, 65, 70 yilligi yubiley medallari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1994-yil 6-maydagi farmoniga asosan ,,Jasorat'' medallari bilan taqdirlangan.Rashid Nazarov 1944-yil ,,Jasurligi uchun'' medali, 1945-yil fevral oyida ,,3-darajali shuhrat'' ordeni bilan, ,,Ukraina ozod etilganining 50 yilligi'' medali, ,,Mehnat faxriysi'', ,,Jasorat medali'', g'alabaning 30, 50, 60, 70 yillik yubileyi medallari hamda ,,Xalq maorifi a'lochisi'' medallari bilan taqdirlangan.Qo'ng'irot Choriyev ,,III-darajali Shuhrat''ordeni, ,,Germaniya ustidan qozonilgan g'alaba uchun'', ,,Varshava ozod etilgani uchun'', ,,Berlin olinganligi uchun'' janggovor medallari, g'alabaning 20, 30, 40, 50, 60, 65, 70 yillik yubiley medallari, ,,Jasorat'' medali hamda ,,Mehnat faxriysi'' medallari bilan taqdirlangan. Almardonov Salim esa g'alabaning 20, 30, 50 yilligi yubiley medallari, Qizil yulduz ordeni, 1994-yil ,,Jasorat'' medallari bilan taqdirlangan. Roppa-rosa 1418-kecha-kunduz davom etgan urushda Surxondaryolik jangchilar ham o'z jasoratlarini namayon etib, g'alabaga o'zlarining munosib xissalarini qo'shdilar.Urush xalqimizning sabr-bardoshini, matonatini hamda irodasini yana bir bora sinadi.Viloyatimiz ahli ham urushning dastlabki kunlaridayoq ,,Hamma narsa front uchun, hamma narsa g'alaba uchun'' uchun shiori ostida kunu-tun tinim bilmay mehnat qildi va barcha

[1] Sherobod tumani davlat arxivi C-42. 1-ro'yxat, 362-ish 40,41,42,43,44 va 45 varaqlar

qiyintchiliklarni sabr va matonat bilan yengdi hamda g'alabaga o'zlarining munosib hissalarini qo'shdilar.Biz bugungi kunda Vatan ozodligi uchun jon fido qilgan marhum azamat jangchilarimizning nomlarini e'zoz bilan tilga olib, ular bilan faxrlanamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1.https://xabar.uz/uz/siyosat/shavkat-mirziyoyevning-9-may-munosabati-bilan-sozlagan-nutqi

2. I.Umarov. Frontdan kelgan xatlar. "Tafakkur".2020. B.4-5, 28-29, 62, 108.

3. "Ilg'or Surxon uchun" gazetasi 1941-yil 27-iyun soni ma'lumotlari.

Arxiv materiallari:

1. Sherobod tumani Davlat arxivi C-274 fond ma'lumotlari.
2. Sherobod tumani Davlat arxivi C-281 fond ma'lumotlari.
3. Sherobod tumani Davlat arxivi C-303 fond ma'lumotlari.
4. Sherobod tumani davlat arxivi C-42. 1-ro'yxat, 362-ish 40,41,42,43,44 va 45 bet.

O'ZBEK MILLIY KURASHI TARIXI VA BUGUN

Raxmonqulov Ma'murjon G'ofurjon O'g'li
Toshboyeva Farangiz Cho'ponboy qizi
Denov Tadbirkorlik va Pedagogika Insituti talabalari

Anotatsiya: Ushbu maqolada O'zbek milliy kurashi bo'lgan sport kurashi haqida so'z yuritiladi. Bu sport turning kelib chiqishi afsonalari hamda yaralish tarixi va uning asrlarda davomida rivojlanishi, ma'no mazmun moxiyati, shuning bilan birga ushbu sport turning bugungi kundagi axamyati, unga berilayotgan e'tibor, yoshlar ongi va manaviyatiga tasiri haqid va va bu sport turning rivoji haqida va Milliy kurashning texnikasi haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: Razvedka, hiyla ishlatish, himoya usuli, qarshi hujum, " Harbiy sanatga majburiy o'rgatish to'g'risida"

qaror, “Buxorocha” usul, “Farg’onacha” usul, Subordinatsiya, Korrelyatsiya

Annotation: This article is about Uzbek national wrestling. The legends of the origin and history of the sport and its development over the centuries, the essence of the meaning, as well as the importance of this sport today, the attention paid to it, its impact on the consciousness and spirituality of young people, and the development of this sport. and the technique of national wrestling.

Keywords: Intelligence, trickery, defense, counter-attack, “Compulsory training in martial arts” decision, “Bukhara” method, “Fergana” method, Subordination, Correlation

Аннотация: Данная статья посвящена узбекской национальной борьбе. Легенды о происхождении и истории спорта и его развитии на протяжении веков, суть смысла, а также значение этого вида спорта сегодня, уделяемое ему внимание, его влияние на сознание и духовность молодежи, и развитие этого вида спорта и техники национальной борьбы.

Ключевые слова: Разведка, обман, защита, контратака, решение «Обязательные занятия единоборствами», метод «Бухара», метод «Фергана», субординация, корреляция.

Bugungi mustaqillik paytida har bir mamlakatni sportchalik tez tanitadigan soha bo’lmasa kerak, aynan shunday ekan O’zbekiston bugungi kunda mustaqillika erishgan ekan sportga ham alohida etibor qaratilmoqda va aynan sport sohasida erishilgan natijalaro’laroq bu etiborning maxsulini bermoqda, ya’ni bugungi kunda sportchilarimiz erishayotgan natijalar rivojlangan mamlakatlar qatorida bormoqda. Fikrimizning dalili sifatida 2016-yilgi Brazilyaning Rio shaxrida o’tkazillgan olimpiada sport o’yinlarida ham ko’rishimiz mumkin.

Bugungi kunda barcha sport turlarining kelib chiqish tarixi va shu bilan birga har bir sport turning o’z vatani mavjud. Shu kabi bugungi kunda rivojlanib keloyotgan kurash sport turning ham aynan vatani O’zbekiston hisoblanib, Bu sport turning kelib chiqishi Alpomishlar yurti degan ulug’ nomga sazovar bo’lgan Surxondaryo viloyati bilan bog’liq. Bu sport turining qachon paydo bo’lganligi aynan ma’lum emas, sport turining tarixiga nazar tashlasak “Alpomish” kabi dostonlarda o’z ifodasini topgan. Bu sport turi judda qadimiy bo’lib, Qadim zamonlarda beri surxondaryo va

unga yondosh hududlarda to'y tomoshalarda o'tkazlib kelingan o'yin sifatida qaralgan, va bugungi kunda ham shu hududlarda to'y tomoshalarda o'tkazib kelinmoqda. Bundan tashqari O'zbekiston va unga qo'shni mamlakatlarda xsusan Tojikiston,Qozog'iston, kabi va boshqa mamlakatlatda Navruz bayramlarida ham bellashuv sifatida tashkillashtirilib kelinmoqda. shuning bilan birga ushbu sport turi qadimdan Barcha erkaklarning or, nomusi, G'ururi sifatida qaralgan. Bugungi mustaqqilik davrida Kurash sport turi sifatida turli xildagi xalqaro turnirlar o'tkazib kelinmoqda.

Mustaqillik sharofati bilan milliy sport turlarining qayta tiklanishiga va ularning sport turi sifatida xalqaro miqyosda e'tirof etilishiga imkoniyatlar yaratildi. 1992-yildayoq Termiz va Shahrisabz shaharlarida milliy kurash bo'yicha ilk xalqaro musobaqa o'tkazildi. 1992-yilda O'zbekistonda kurash federatsiyasi, 2001-yilda belbog'li kurash federatsiyasi tuzildi. Prezidentning maxsus farmoni bilan 1998-yili sentabr oyida Toshkentda Osiyo, Afrika va Yevropa qit'asidan kelgan 28 davlat vakillari ishtirokida Xalqaro kurash Assotsiatsiyasi tuzildi. 2000-yilda esa Turkiyaning Anqara shahrida kurash bo'yicha 2-jahon chempionati bo'lib o'tdi. O'zbek kurashi jahonga yuz tutishi bilan yanada baynalmilal xususiyat kasb etdi. 2016-yilga kelib, Xalqaro kurash Assotsiatsiyasining jahonning barcha qit'alarida 120 dan ortiq kurash federatsiyalari tashkil etildi. Milliy sport turimizning xalqaro maydonda keng tan olinishi ham mamlakatimiz xalqaro aloqalarini yanada kengayishiga, uning shakllanishiga sabab bo'lmoqda.

O'rta osiyoda kengbtarqalgan milliy sport turlaridan bo'lgan-Milliy kurash O'zining uzoq tarixiga ega. Milliy kurash odamlar qabila-qabila bo'lib yashagan ibtidoiy jamoa tuzimi davridayoq rasm bo'la boshlagan. Buni ko'pgina arxelogik etnagrafik materiallar, yozma manbalar, turli tuman yodgorliklar xam tasdiqlaydi. Masalan eramizdan avalgi IV asrda xorazim davlati yodgorligi Jonbosh qala arxelogik qazish vaqtida… Shaxarda turli Urug'larga mansub jamolar o'rtasida eng ananaviy kurashga tushish odat bo'lgan. Kurash yangi yilning boshlanish – Navro'z bayrami kunlarida o'tkazilgan.[1]

Bu Arxelogik qazish ishlari shuni ko'rsatadiki Kurash qadim davrlarda faqatgin surxon voxasida emas balki O'zbekistoning

[1] A.Q Atoev Kurash T:. "Oqituvchi" 1987 23-bet

boshqa hududlarida ham keng tarqalganligini ko'rsatadi. Shu kabi malumotlarning boshqalarida ham shunga yaqqol misol bo'la oladi.

Yunon tarixchisi Elian Saklarda bir odat bo'lganligini, ya'ni bu odatga ko'ra, uylanishni istagan har bir yigit o'zi tanlagan qiz bilan yakkama-yakka bellashishi lozimligi, bu kurashda g'olib chiqsagina, qiz yigitniki bo'lishligi, qizni yenga olmagan taqdirda esa yigit uning asiri bo'lib qolishligi haqida ma'lumot beradi. Ayollar o'z jismoniy kuchlarini va harbiy fazilatlarini ongli ravishda baholay olganlar. Ular o'z muhabbatlari va baxtlari uchun kurashishga tayyor edilar. Shuning uchun ham bahodirlar o'z sevgililarini jangda qahramonlarcha oqlashlarini qat'iy talab qilganlar.[1]

Bu manbalarni O'rganish shularni ko'rsatadiki Qadimgi kurash Yigitlarning or, nomusi va g'ururidan dalolat beradi shunga ko'ra qadimda har bir erkak jismonan baquvvat bo'ishini talab etgan va shu bilan birga asosan tayanch kuchga tayangan lekin bugungi kunda Kurashning qanchalik darajada rivojlanganligini Bu sport turining texnikasining qay darajada rivojlanganligini ko'rsak yaqqol namoyon bo'adi. Shunga ko'ra qadimgi va hozirgi zamon kurashlari bir biridan anchagina farq qiladi bugungi zamonaviy Kurash texnikasinig asosiy usullari XX asrdan boshlab ishlab chiqilgan bo'lsa, Qadimgi kurashda asosiy tayanch kuch bo'lsa bugungi kunda esa Jismoniy kuch bilan birga sportchining texnikasi ham ahamyatga Molik hisoblanadi.

Kurash sporti bilan shug'illanuvchi sportichi bugungi kunda Jismon, texnik, ruxan har tarflam tayor bo'ishi va chiniqishi talab etiladi.

Razvedka – kurashchining raqib to'g'risida, uning gavda tuzilishi, xususiyatlari, sifatlari imkoniyatlari va holati haqida, kurash olib borish uslubi – faol yoki sust, hujumkor yoki himoyalanuvchi kurashchiligi to'g'risida, uning yaxshi ko'rgan harakatlari, o'y-fikrlari va hokazolar haqida tashqi va ichki axborotlar olishga qaratilgan xatti-harakatlardir. Razvedka bellashuvidan oldin va bevosita bellashuv vaqtida ham olib boriladi.

Kurashish vaqtida kurashchi psixolog bo'lishi – raqibining holatini bilishi; fiziolog bo'lishi – harakatlari, nafas olishi va ter chiqishiga qarab raqibining holatini bilishi; artist bo'lib, raqibni

[1] A.Q Atoev Kurash T:. "O'qituvchi"-1987 24- bet

soxta harakatlar bilan aldab, to‘g‘ri usul qo‘llashdan adashtirib o‘ynashi, raqibga o‘z kurash rejasini majbur etuvchi va bu bilan o‘z rejasini qat’iy amalga oshiruvchi hamda g‘alabaga erishuvchi mard, irodali sportchi bo‘lishi kerak.

Hiyla ishlatish – yakka holda raqibini ushlab olish turli xilda siljish, qulay sharoitlar yaratish hamda usulni muvaffaqiyatli qo‘llash, himoya va qarshi hujum uchun qulay payt tanlash maqsadlarida tayyorlovchi harakatlar qilishdir. Turli holatda va turli masofalarda turib, aldash harakatlari va soxta harakatlarni undash, taklif qilish usulini qo‘llab, shuningdek, tanlangan usulni yoki qarshi hujum harakatini o‘tkazish uchun hujum va himoya harakatlaridan foydalanib hiyla ishlatish mumkin. Hiyla bilan sportchi tashabbusni o‘z qo‘liga olishga, faollik ko‘rsatishga, kerakli harakat uchun gilamdan qulay joyni tanlashga ba’zan esa raqibidan qochishga harakat qiladi

Hujum qilishdagi oddiy hujum usuli va harakatlariga ko‘proq bir sur’atda bajariladigan va bir taktik vazifani hal qiladigan ayrim uloqtirishlar kiradi. Ular chil, supurma usullari bilan va ko‘tarib uloqtirish; bir siltab ko‘tarib olib, engashib yelkadan oshirib uloqtirish usullaridir. Hujum qilishdagi murakkab hujum usuli va harakatlari – bular ikki tezlikda aldash, soxta harakatlar bilan birgalikda bajariladigan uloqtirish hamda turli xil kombinatsiyalar – usullar majmuidan iborat.

Himoya usuli va harakatlari himoya va qarshi hujum harakatlaridir. Himoya harakatlariga quyidagilar kiradi: raqibning hujumda qo‘llaydigan usullariga qarshi usul ishlatish bilan hujumdan qutilish yoki undan qochish.

Qarshi hujum harakatlari – raqibning hujumiga qarshi hujumni tayyorlayotganda tashabbusni o‘z qo‘liga olish va qarshi hujum usulini oldinroq qo‘llash uchun hujum qilish yoki qulay himoyalanib olib, keyin qarshi hujum qilishdan iborat. Qarshi hujumlar bu o‘z nomi bilan raqib hujumning yakunlovchi vazifasiga qarshi javob hujumi bo‘lishi mumkin. [1]

Quydagi tayorgarlik usullari hamda hujum, qayta hujum,himoya bularning barchasi bugungi zamonaviy kurashning texnikasi qay

[1] O. Toshmurodov, B. Kipchakov, A.Umarov Kurash turlari va uni o’qitish metodikasi Samarqand 2021 104-bet

darajada rivojlanganligidan dalolat beradi. Bu esa aynan sportchidan Texnik darajasi va ruxiy tayorgarlgining yuqoriligini talab etadi.

Kurash sport turi mahalliy xalq orasida milliy ongining o‘sishiga turtki bo‘layotganligini fahmlab Turkiston hukumati 1915- yilda kurashishni taqiqlab qo‘ygan. 1918-yil 22-aprelda “Harbiy san’atga majburiy o‘rgatish to‘g‘risida” qaror qabul qilingan. Bu qarorni amalga oshirish uchun vatan mudofaasiga zaxira tayyorlash birlashmasi tashkil qilinadi. Ushbu birlashmaning asosiy vazifasi mahalliy aholi tarkibidan zaxiralarni jismoniy tomondan tayyorlashga rahbarlik qilishdan iborat bo‘lgan. Bu mas’uliyatli tadbirni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun ya’ni jismoniy tayyorgarlikni aniqlashda sportning bir necha turlaridan, ayniqsa, kurash sportidan asosiy vosita sifatida foydalanishgan

Asrlar davomida shakllangan, shaxsning kamolotga erishuvida muhim ahamiyat kasb etgan kurash ba’zi davrlarda, xususan, 130 yildan ziyod vaqt davom etgan chor mustamlakasi va sho‘rolar hukmronligi paytida anchayin zavol topdi, oyoqosti qilindi. Totalitar tuzum mutasaddilari mahalliy xalqni ruhan ko‘taradigan, mudroq qalbini uyg‘otib, faxr va g‘urur bag‘ishlaydigan kurash singari milliy qadriyatlarimizning payini qirqishdan manfaatdor edilar. Shu bois ham avloddan-avlodga o‘tib, sayqal topib kelgan kurash sho‘rolar davrida ro‘yobga chiqa olmadi.

Biroq jism-u dilida buyuk ajdodlar qoni gupurib turgan, ularning ma’naviy merosidan qandaydir darajada bahra olgan beli baquvvat polvonlar tor doirada bo‘lsa ham kurash udumiga sodiq qoldilar. Faqatgina O‘zbekiston mustaqillikka erishganidan keyin kurashga qaytadan ruh bag‘ishlandi. Bayramlar-u sayillarga yana kurash kirib keldi.

1991-yil O‘zbekiston mustaqillikka erishgach, milliy sport turlarini jahon arenasiga olib chiqish masalasi ilk bor muhokama qilindi. 1991-yil 14-15-iyunda bo‘lib o‘tgan O‘rta Osiyo va Qozog‘iston ilmiy konferensiyasida K.Yusupov tomonidan yaratilgan milliy kurashning yangi qonun-qoidalari, hakamlar hamda kurashchilar kiyimlari tasdiqlandi va shu yili sport gazetasining 17-sentabr sonida e’lon qilindi. 1992-yil O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Abdug‘aniyevich Karimov kurash mutaxassislari bilan muloqat o‘tkazdi va alohida ko‘rsatmalar berdilar. 1992-yili

Kanadada o‘tkazilgan dzyudo bo‘yicha jahon chempionati hamda Dzyudo federatsiyasining butun jahon Kongressida ilk bor kurash (o‘zbek kurashi) targ‘ib etildi. 1994-yilda Xirosima shahrida bo‘lib o‘tgan Osiyo o‘yinlarida kurash musobaqalaridan yozib olingan video tasvirlar namoyish etildi. 1995-yil Hindistonda o‘tkazilgan Dzyudo federatsiyasining Osiyo Kongressida kurash haqida atroflicha ma’lumot yetkazildi. 1998-yil 6-7-mart kunlari Irlandiyaning Dublin shahrida Yevropa Dzyudo uyushmasi taftish hay’ati yig‘ilishi o‘tkazildi. Ushbu yig‘ilishda kurash haqida yozma va video lavhalar namoyish qilindi. 1998-yil 15-18-aprelda Monako shahrida o‘tkazilgan Dzyudo uyushmasining 50 yillik yubiley Kongressiga o‘zbekistonlik vakillar taklif etildi. Kurashning dovrug‘ini yoyishda Irlandiya olimpiya qo‘mitasi prezidenti, Yevropa olimpiya qo‘mitasi vitse prezidenti Patrik Xikining xizmatlari katta.

Tinimsiz mehnat, ko‘plab izlanish va sa’y-harakatlar bekor ketmadi. 1998-yil 6-sentabrda Lotin Amerikasi, Yevropa va Osiyo qit’asining 28 ta davlatidan kelgan vakillar ishtirokida Toshkentda bo‘lib o‘tgan ta’sis kongressida Kurash Xalqaro Assotsiatsiyasi (KXA) tuzilganligi, xalqimizning milliy qadriyati Kurash nomi bilan jahon maydoniga chiqqanligi e’tirof etildi. [1]

Xozirgi O’zbekiston hududida qadimdan ikkta kurash turi shakillangan, Raqib belbog’ini oldindan ushlab olish va raqibni erkim ushlab olish. Kurashning birrinchi turi “ Farg’onacha” ikkinchisi “Buxoracha” usil deb nomlandi kurashning bu turlari hozirgi kunda ham respublikamizda keng tarqalgan.[2]

Hozirgi adabiy til bilan aytganda ushbu ikki kurash turi “ belbog’li” handa “ milliy kurash” deb ataladi. Bu sport turning ukkala turi hm hozirgi kunda ommalashgan hisoblanadi bu sport turlarining “ belbog’li” kurash turidan asosan kuch tayanch vazifasini bajaradi.

Sportining rivojlanib ketishi, uning “imkoniyatlar chegarasiga yaqin natijalar” sportiga aylanishi mutaxassislar, trenerlar, olimlarda sportchilami tayyorlash jarayoniga nisbatan ilgaridan shakllanib qolgan qarashlar, ruhiy ko‘nikmalaming sezilarli o’zgarishini nazarda tutadi. Nazariyada ham, amahyotda ham odat bo’lib qolgan ko’pgina tasawurlar, an’analardan voz kecha bilish, sportchilami tayyorlash

[1] K. Yusupov Kurash xalqaro qoidalari , Texnikasi va taktikasi 2005-yil 24-bet
[2] F.A Kerimov Sport kurashi nazaryasi va uslubyati. T:. -2007 20-21-betlar

jarayoni uchun uning ijtimoiy va biologik jihatlari orasidagi haqiqiy nisbatlami aks ettiruvchi tamoyillami asos qilib olish kerak. Bu tamoyillarning metodologik asosi sifatida dunyoning moddiy birligi to‘g‘risidagi qonunni qabul qilish, nazarimizda, eng to‘g‘ri yo‘l bo‘ladi. Tuzilishiga ko’ra, sportchilarning mashg‘ulot tizimi ularni tayyorlash tizimining bir qismidir, demak, bu ikki tizim orasidagi o‘zaro ta’sir jarayonida butun bilan qismlar orasidagi o‘zaro ta’sirga xos boigan qonunlar amal qiladi, umumlashtirib aytadigan bo‘lsak, bu subordinatsiya (qismning butunga bo ‘ysunishi), koordinatsiya (muvozanat) va korrelyatsiya (munosabatdorlik) qonuniyatlaridir (o ‘zaro aloqadorlik tartibi, qismlarning o ‘zgarish xususiyatlari).[1]

Xulosa: Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki Kurash milliy sportimimiz bugungi kunda omallashib kelayotgan sport turlari sifatida qaraladi, shu bilan birga butun dunyo sport turlari kabi aynan milliy sportimiz bugungi kunda o’z texnikasiga ega sport turlaridan biri. Shuni takidlab o’tish mumkinki kurash sport turi yoshlarni kuchli chidamli qilib tarbiyalashava shu bilan birga manna yuksaltrishga xizmat qila ladi, chumki ushbu sport turida milliylik mavjud, ya’ni u qadimdanoq or nomus g’urur tisoli bo’lgan ekan yoshlar manaviyatini yuksaltrishga va vatanga muxabat uyg’otishga xizmat qiladi

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. A. Q Atoyev. Kurash O’smirlar va yoshlarni kurashga o’rgatishning metodik vositalari T:. “O’qituvchi”- 1987

2. O.E. Toshmurodov, B.B Kipchakov, A.T. Umarov Kurash turlri va uni o’qitish metodikasi Samarqand -2021

3. K. Yusupov. Kurash xalqaro qoidalari, texnikasi va taktikasi. 2005-yil

4. F.A Kerimov Sport kurashi nazaryasi va uslubyati. T:. -2007

5.N.A. Tastanov Kurash turlari nazaryasi va uslubyati T:. “Iqtisod-Moliya” - 2015

[1] N.A Tastanov Kurash turlari nazaryasi va uslubyati T:. 2015 104-bet

ULOQ-KO'PKARI, RIVOJLANISH TARIXI VA MANOSI

Raxmonqulov Ma'murjon G'ofurjon O'g'li
Amirova Mahliyo Sharofiddin qizi
Denov Tadbirkorlik va pedagogika insituti talabalari

Anatatsiya: Ushbu maqolada O'zbek milliy o'yinlaridan biri hisoblangan Uloq-Ko'pkari tarixi kelib chiqishi va rivojlanishi haqida so'z yuritiladi shu bilan birga Uloq-Ko'pkari so'zlarining izohli lug'atining kelib chiqishi haqida ham fiki yuritiladi va shu bilan birga Uloq-Ko'pkarining sport turi sifatida kirishi va uni rivojlantrish borasida olib borilayotgan ishlar va ot sportini rivojlantrish borasidagi chora tadbirlar borasida so'z boradi.

Kalit so'z: Uloq-Ko'pkari, "Ulag'", Solim, Qoqma, Echki, Alpomish, Kok boru, Chipon, Chortoq, Sudratma, Marra, Poyga, Pakka,Minbar, Bo'zkashi, "Kok-pari", "Kozlodranie", Qorabayir, Arabi, Axaltekin, Qurama, Laqay, Kustanay, Qorabog', Orlov.

Anatation: This article discusses the origin and development of the history of Uloq-Kupkari, one of the Uzbek national games, as well as the origin of the explanatory dictionary of the words Uloq-Kupkari. At the same time, the introduction of Ulak-Kupkari as a sport and the work being done to develop it, as well as measures for the development of equestrian sports.

Keywords: Uloq-Kupkari, "Ulag", Salim, Qoqma, Echki, Alpomish, Kok boru, Chipon, Chartak, Sudratma, Marra, Poyga, Pakka, Minbar, Bozkashi, "Kok-pari" , "Kozlodranie", Karabayir, Arabi, Akhaltekin, Qurama, Laqay, Kustanay, Qarabag, Orlov.

Анатация: В данной статье рассматриваются вопросы возникновения и развития истории одной из узбекских национальных игр Улок-купкари, а также происхождение толкового словаря слов Улок-купкари. Купкари как вид спорта и проводимая работа по его развитию, а также меры по развитию конного спорта.

Ключевые слова: Улок-Купкари, «Улаг», Салим, Кокма, Эчки, Алпомиш, Кок бору, Чипон, Чартак, Судратма, Марра, Пойга, Пакка, Минбар, Бозкаши, «Кок-пари», «Козлодрание», Карабаир, Араби , Ахалтекин, Курама, Лагай, Кустанай, Кара-

бах, Орлов.

Ko‘pkari ajdodlarimizning qadimiy va ommaviy tomoshalaridan biri. Musobaqa maydonida bedovlarning qahr bilan kishnashi, chavandozlarning vajohati, tomoshabinlarning yurak hovuchlab o‘yinni kuzatishi, qariyalarning esonlik-omonlik tilab, fotihaga qo‘l ko‘tarishi, bakovullarning ovozasi, bilimdonligi, voqealar rivojini o‘z vaqtida ko‘ra olishi – hamma-hammasi ko‘pkarini chinakamiga san’at darajasiga ko‘taradi, yuksak badiiy saviyadagi qiziqarli maydon tomoshasiga aylanishini ta’minlaydi. To‘da-to‘da otlarning pishqirishi, qamchining havoda aylanishi, “ha, halolla, azamat” deb hakamlarning og‘iz yirib baqirishi, chor-atrofdagi son-sanoqsiz tomoshabinlarning olazarak ko‘zlari bilan g‘olib chavandozni qidirishi chavandozlarga ruh, maydonga ko‘tarinkilik, vujudlarga his-hayajon, jo‘shqinlik va o‘zgacha tarovat bag‘ishlaydi. Qamchini etik qo‘njiga tiqib olgan, yugan uchini egar boshiga ilib uloqqa uzalgan chavandozni hech kim shaxdidan qaytara olmaydi. Chunki, tanti, jo‘mard bahodirlar o‘z oriyatini elning g‘ururiga bag‘ishlaydilar. Otlari ham o‘zlariga yarasha malakaga ega, o‘ta chopqir, baquvvat, maydonga kirganda to‘dani yorib o‘tadigan, egasiga quloq soladigan, uning tilini tushunadigan, hiylalarini tezda anglashga qodir. Shuning uchun ham, uloqda chavandoz va ot bir-biriga monand ravishda bir maqsad sari harakat qilib, xalq olqishiga sazovor bo‘ladi. Ko‘pkarining mo‘jizaviy qudrati ham ana shunda.

Ko‘pkari - O‘rta Osiyo xalqlarining qadimiy ommaviy, milliy o‘yinlaridan biri. Asosan, g‘alaba va hosil bayramlari, to‘y va sayillar munosabati bilan o‘tkazilgan. Hukmdor va har xil amaldorlardan tashqari o‘ziga to‘q odamlar, hatto oddiy aholi ham Uloq o‘yinlarini tashkil etgan. Ko‘proq xatna (chipron) to‘ylarida rasm bo‘lgan. Uloq turkiy xalqlar, ayniqsa, uning qo‘ng‘irot, qurama, ming, mang‘it, oyrat, yoyilma, kenegas, qipchoq, barlos kabi urug‘lari orasida ommalashgan. Uloq tomoshalari oldidan maxsus jarchilar qishloq, ovullarga yuborilib, odamlar gavjum joylarda, bozorlarda Uloq kim tomonidan, qayerda, qachon va nima maqsadda o‘tkazilayotganligini hamda qo‘yiladigan sovrinlarni e’lon qilgan. Turli joyda har xil qoida bo‘yicha (chortoq, sudratma, marra, poyga, pakka, minbar va boshqa nomlar bilan atalgan) Uloq o‘yini uyushtirilgan. Uloq ko‘ngilochar tomosha yoki shunchaki o‘yin bo‘lmasdan o‘g‘il bolalar, yigitlarni

mard, jasur, epchil, dovyurak qilib tarbiyalash vazifasini bajargan.[1]

Ko‘pkari o‘yinlari vatanimizdan tashqari Qirg‘iziston, Tojikiston, Turkmaniston, Qozog‘iston, Afg‘oniston, Pokiston, Mo‘g‘uliston va qisman Ozarbayjonda ham uyushtirilib kelinadi. Ular orasida eng ommalashgan ko‘pkari (uloq) o‘yini biz o‘zbeklarda “Ko‘pkari”, “Uloq”, “Ko‘kbo‘ri” deyilsa, qirg‘izlarda “Kok-pari”, forsiy tilda so‘zlashuvchi qavmlarda “Bo‘zkashi” (tortishish o‘yini), rus xalqlarida esa “Kozlodranie” deb yuritiladi

Uloq o‘yinlari ot naslini yaxshilashga, chidamli, tez harakat qiladigan zotlarini ko‘paytirishga yordam qilgan. Qorabayir, arabi, axaltekin, qurama, laqay, kustanay, qorabog‘ va Orlov ot zotlari Uloqchi otlar hisoblanadi.

Uloq xalq o‘yini, asosan, 2 qismdan - solim (qoqma) va poygadan iborat. Solim (qoqma). Chortoq ustidagi bakovullar (hakamlar) uloq (so‘yilib ichki a’zolari, bosh va oyoqlari kesib olingan echki yoki buzoq)ni to‘daga tashlaydi. To‘dadagi chavandozlar Uloqni olib, tortishib, eng kuchlisi Uloqni marraga yetkazib berishi lozim. Kim Uloqni marraga yolg‘iz o‘zi halol olib kelsa, unga avvaldan belgilangan mukofot taqdim etiladi. Katta to‘ylarda mukofotga pul, mato, kiyim, gilam, qo‘chqor va boshqalar qo‘yiladi.[2]

Poyga 2 turdan iborat: otda chavandozning poygasi (qo‘pkari Poyga) va Uloq bilan chopish poygasi. Uloq bilan poygada belgilangan joydagi Uloqni olish uchun hakamlar ruxsat bergandan keyin chavandoz ot choptirib borib Uloqni yerdan ko‘tarib olishi va marraga yetkazishi kerak.

«O‘zbek tilining izohli lug‘ati»da «uloq» so‘zi «echkining bolasi», «milliy sport o‘yini», «shunday sport o‘yinida so‘yib o‘rtaga tashlanadigan echki yoki buzoq», «O‘zbek tilining etimologik lug‘ati»da esa «echki», «ko‘pkari» ma’nolarini bildirishi ko‘rsatilgan. Professor Sh.Rahmatullaev «uloq» so‘zi qadimgi turkiy tilda «ulag‘» tarzida talaffuz qilinib, aslida «miniladigan hayvon»ni bildirgani va keyinchalik «echki» ma’nosini olib, undan «ko‘pkari» ma’nosi o‘sib chiqqanligini qayd etgan.

Qadimgi turkiy tilda «echki» so‘zi ham mustaqil so‘z bo‘lgan, uning ham «ulag‘» bilan bog‘lanadigan joyi yo‘q. .Hozirda «ko‘pkari»

[1] O’zbekiston milliy ensklopediyasi T:. 2000-yil 793-bet

[2] O’zbek tilining Izoxli lug’ati u harifi A.Madaleyiv Taxriri 279- bet

so‘zining ma’nodoshi sifatida qo‘llanayotgan «uloq» so‘zi «echki» yoki «uloq» so‘zining ma’no taraqqiyoti natijasida emas, “pochta xizmati uchun miniladigan ot” ma’nosidagi «ulag‘»dan kelib chiqqanga o‘xshayotir. Bizningcha, bu fikrni quyidagi dalillar bilan asoslash mumkin:

a)pochta xizmatida qandaydir narsa yoki ma’lumot bir joydan ikkinchi bir manzilga tezda yetkaziladi. Ko‘pkarida ham o‘rtaga tashlangan sarka yoki buzoq bir joydan boshqa bir belgilangan manzilga olib borib tashlanadi;

b)pochta xizmatida transport vositasi sifatida otdan foydalanilgan, ko‘pkari ham ot vositasida amalga oshiriladi;

v)«ulag‘» oddiy ot emas, u pochta xizmati uchun miniladigan ot. Ko‘pkaridagi ot ham maxsus parvarishlanib, faqat ko‘pkari uchun miniladi;

g)«ulag‘»ni dehqon yoki chorvador emas, pochta xizmatidagi odam, ko‘pkaridagi otni esa maxsus tayyorgarlik ko‘rib shu o‘yinda ishtirok eta oladigan chavandozlar minadi;

d)bu so‘zlar tovush tarkibi jihatidan ham bir-biriga juda yaqin. Qadimda tilimizda o tovushi bo‘lmagan, keyinchalik fors tilining ta’sirida paydo bo‘lgan, g‘ tovushining q ga o‘tishi esa tilimiz tarixidagi mavjud hodisa.[3]

Keyingi yillarda Uloq o‘yinlari sport turiga kiritildi va O‘zbekistonda respublika miqyosida rasmiy musobaqalar, xalqaro turnirlar o‘tkazila boshlandi (yana qo‘pkari Ot sporti). 1998 yil Samarkand viloyatining Chelak tumanida, 1999 yil “Alpomish” dostonining 1000 yilligiga bag‘ishlanib Navoiy viloyatining Xatirchi tumanida respublika musobaqalari tashkil qilindi. 1 xalqaro musobaqa Navoiy viloyatidagi Islomobod jamoa xo‘jaligida bo‘lib o‘tdi (1999 yil, 27-29 noyabr), unda Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston, Ozarbayjon, Turkmaniston va O‘zbekiston terma jamoalari bilan birga Navoiy, Samarkand viloyati vakillari alohida jamoa sifatida ishtirok etdi. Uloqning sport turi sifatida xalqaro miqyosida 38 mamlakatda (2004 yil) tan olinishida O‘zbekiston ot sporti va uloq federatsiyasi tomonidan Uloq musobaqalarining umumiy qoidalari ishlab chiqilishi va Xalqaro «kok boru» (Uloq — ko‘pkari) federatsiyasining ta’sis etilishi (2001 yil 7-11 noyabr, Bishkek) ning ahamiyati katta bo‘ldi. O‘zbekistonda alohida Uloq

ko‘pkari federatsiyasi tuzildi (2002 yil 29 aprel). Federatsiya tuman, viloyat, respublika musobaqalarini uyushtiradi.[4]

Bugungi kunda ham Uloq hamda ot sportiga berilayotgan e’tibor katta buning dalili sifatida shuni keltrishimiz mumkinki Bu borada davlat dasturi ham ishlab chiqilgan. Bu davlat dasturining 6-yo’nalishida rivojlantrishda ishlar amalga oshirish bo’yicha vazifalar belgilab qo’yilgan.

“O‘zbek yilqichiligi va ot sporti” ommabop jurnalini ta’sis etish, ot sporti turlariga bag‘ishlangan “Ot — er yigitning qanoti”, “Yurtimiz chavandozlari” kabi mavzularda turkum ko‘rsatuv va radioeshittirishlarni tashkil etish, taniqli chavandozlar ishtirokida ijtimoiy reklama roliklarini ishlab chiqish va yoritib boorish[5]

Xulosa: xulosa qilib shuni aytish mumkinki Uloq- ko’pkari ot sportining o’zbekistonda eng omallashgan turlardan biri hisoblanadi fikrimizning dalili sifatida shuni aytishimiz mumkinki bu sport turi juda qadimdan to’y tomosha va Navro’z sayillarida o’tkazib kelingan. Uloq –ko’pkari erkakning or nomusi hisoblanib kelingan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O’zbekiston milliy ensklopediyasi T:. -2000-yil
2. O’zbek tilining izoxli lo’g’ati A. Madaliev taxriri ostida “ Ozbekiston milliy ensklopediyasi” davlat ilmiy nashryoti. Toshkent
3. Jo’ra xudoyberdiyev “O’zbekiston adabiyoti va san’ati” gazitasining 2010-yil 22-soni
4. “2017-2021-yillarda yilqichilik va ot sportini kompeleks rivojlantrish chora tadbirlari to’grisida” O’zbekiston Rwspublikasi vazirlar mahkamasining qarori Toshkent sh 2017-yil 19-iyul 517 son
5. O’zbekistonda yilqichilik, ot sporti, zamonaviy besh kuras, va poloni 2025- yilgacha rivojlantrish davlat dasturi.

TILGA E’TIBOR- ELGA E’TIBOR

Termiz Davlat Universiteti
O‘zbek filologiyasi fakulteti Filologiya va tillarni o’qitish
O’zbek tili ta’lim yo’nalishi 1-kurs talabasi.
Xongeldiyeva Sevara Shuxrat qizi.

Annotatsiya: Bumaqoladao‘zbektiliningbugungikundagiahvoli, jamiyatningtilimizravnaqigabo‘lganmasalasidafikryuritib- adabiytilnngtaraqqiyoti, rivojiuchune’tiborberishimizvaamalqilishimizkerakligihaqidamulohazalarbildirilgan.

Kalitso‘zlar:o‘zbektili, umumxalqtili, adabiytil, jargon, argo, sleng, milliytil, jamiyat, ta’lim- tarbiya.

Аннотация: В данной статье рассматривается современное состояние узбекского языка, необходимость внимания общества к развитию нашего языка- развитию и прогрессу литературного языка.

Ключевые слова:узбекский, просторечие, литературный язык, сленг, национальный язык, общество, образование.

Annotation: This article discusses the current state of the Uzbek language, the need for public attention to the development of our language- the development and progress of the literary language.

Keywords: uzbek, vernacular, literary language, slang, national language, society, education.

Shundaymasalalarbo‘ladiki,ularhechqachon kun tartibidantushmaydi. Ana shunday masalalardan biri tilga bo’lgan munosabat masalasidir. Chunki til – millatning yuragi, millat g‘ururidir.Bugungi kun talabida har bir millat yoki xalq uchun aloqa vositasi eng avvalo bu– tildir. Nafaqat, xalq uchun balki har bir tilning ta’sir doirasi kuchli ekanligi shu xalq tilining boshqa xalq tilida ham aloqa vositasi sifatida ishlatilishi bilan ham seziladi.Muayyan tilning boshqa tillardan farqli jihatlarini ko‘rsatuvchi tadqiqotlar yaratilgan. Bu tadqiqotlarning bosh masalasi til va jamiyat munosabati talqinidir. Tilning jamiyat bilan bog‘liq tomonlarini o‘rganish tilning o‘ziga xos ichki qurilishi, imkoniyatlarini yoritishda ahamiyatlidir.

Til insonlar o‘rtasida axborot almashish, fikr va his-tuyg‘ularini ifodalovchi, shaxsnin go‘zligini ko‘rsatuvchi vositadir. Har bir inson o‘zi tug‘ilib o‘sgan jamiyatda, muhitda tarbiya topadi. Tarbiyaning asosi esa insonni o‘rab turgan ijtimoiy muhit, eng avvalo oiladir.Tilning kishilik jamiyatidagi o‘rnini, madaniy-ma’naviy soha taraqqiyotidagi ahamiyatini yoritish uning ijtimoiy vazifalarini to‘g‘ri belgilashga asoslanadi.

Umumxalq tili va milliy til doirasiga adabiy til, sheva va lahja (dialekt)lar, oddiy so‘zlashuv tili, xalq tili, sotsial jargonlar, argolar hisobladi [2]. Shu o‘rinda mazkur shakllar ham o‘zaro bir biridan farqlanadi.

Adabiy til muayyan grammatik qonun va qoida me’yoriga kiritilgan til shaklidir. Tarixan tarkib topgan, qat’iy me’yorlarga bo‘ysunuvchi, so‘zlashuvchilarning qaysi hududda yashashidan qat’iy nazar barchasi uchun umumiy bo‘lgan til adabiy til sanaladi [3]. Jargon va argolar esa umumxalq tiliga xos bo‘lmagan tor doirada ishlatiladigan muloqat shaklidir. Biz anglatmoqchi bo‘lgan fikrimizni ifodalash uchun bu terminlarga ham tilshunos olimlarimiz izohini keltirib o‘tamiz.

«Argo» (frans. argot) -umumxalq tilidan farq qiluvchi biror ijtimoiy toifa, guruh (dallollar, sportchilar, talabalar, o’g’rilar,..) ga xos yasama til. Mas., kolxoz chiptasiz yo’lovchilar (haydovchilar tilida [1])

«Jargon» (fran.) -biron ijtimoiy guruh vakillarining o’z nutqi bilan ko’pchilikdan ajralib turish maqsadida, o’zicha mazmun berib ishlatadigan so’z va iboralari. Mas., novcha (aroq), qizil (vino) - ichuvchilar nutqiga xos; tog’amning o’g’li (militsioner, inspektor) shofyorlar nutqida [1].

«Sleng» - muayyan kasb egalari yoki ijtimoiy guruhning og‘zaki nutqida qo‘llanadigan emotsional-ekspressiv bo‘yoqqa ega bo’lgan so‘z va iboralar. «Sleng» termini ilk bor yozma ravishda XVIII asrda Angliyada qayd qilingan va o‘sha davrda «haqorat» ma’nosini anglatgan. 1850-yildan esa «noqonuniy» oddiy leksikaning ifodasi sifatida keng qo’llanila boshladi. “Sleng muayyan guruhga xos so’zlar bo‘lib, og‘zaki nutqda ham yozma nutqda ham bunday so’zlardan foydalanish kuzatiladi. Masalan,

•awesome/cool (zo‘r)

• okay/ok (yaxshi)
• check it out (olmoq)
•in a nutshell (qisqa qilib aytganda)

Klishe og‘zaki nutqda qo‘laniladigan nutqiy qoliplardir. Bunday qoliplardan formal yozma nutqda foydalanilmaydi. Masalan,

•Time is money (Vaqt bu pul)
• Don’t push your luck (Omadingni qoldan boy berma)[5]

“Sleng” lar salbiy va ijobiy ma’nolarda ishlatilishi bilan ham xarakterlidir. Bu terminlar qayd etilganidek umumxalq tiliga xos bo‘lmagan tor doirada ishlatiladigan adabiy tilning rivojiga ta’sir ko‘rsatuvchi vositalardir. Aslini olganda, jargonlar tilimizdagi “o‘g‘riso‘z” lar sirasiga kiradi. Qolaversa, o‘zini o‘ta zamonaviy sanaydigan odamlarimiz o‘z nutqlarining katta qismini jargonlar bilan to‘ldirishadi va xorijiy so‘zlar bilan “bezaydilar”. Bu holat o‘smirlar, o‘spirin yigitlar, bozorda faoliyat yurutuvchilar bilan bir qatorda o‘zini ziyoli sanaydigan shaxslar orasida ham ko‘zga tashlanib turadi. Bugungi kunda adabiy tilda olib boriladigan televediniya ko‘rsatuvlarda, turli anjumanlarda, madaniy ko‘rsatuvlarda, intervyularda, internet sahifalarida chiqayotgan yangilik xabarlarda, blogerlar faoliyatida, umuman, adabiy til doiralarida olib borishi kerak bo‘lgan ko‘rsatuv va xabarlarda aynan jargon va argolardan foydalanish hollari ko‘plab uchraydi.

Hozirgi kunda ham tilimizga bo‘lgan hurmatsizlik qaysi dima’noda afsuski davom etib kelmoqda. Bu gapning grammatik qurilishida so‘z tanlash va uni uslubiy, mantiqiy qo‘llashda ko‘proq kuzatilmoqda. Masalan yoshlarimiz suygan ayrim san’atkorlar ham o‘z intervyularida ko‘p hollarda rus tilida gapirishni yoki chet so‘zlarini tilimizga qo‘shib gapirishni kanda qilmaydi. Adabiy tilda biror predmet yoki tushunchani ifodalovchi so‘zlarimiz mavjud bo‘la turib uni qo‘llamasdan boshqa tildagi so‘zlarni hech o‘zgarishsiz jargon, argon va slenglar sifatida adabiy til doirasida ishlatish bu tilga bo‘lgan behurmatlik deyishimiz mumkin. 1992-yil 7-dekabrda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida davlat tilining maqomi huquqiy jihatdan aniq belgilanib, mustahkamlab qo‘yildi. Shu tariqa o‘zbek tili mustaqil davlatimizning bayrog‘i, gerbi, madhiyasi, Konstitutsiyasi qatorida turadigan, qonun yo‘li bilan himoya qilinadigan muqaddas timsollaridan biriga aylandi. O‘zbektili davlat

tili sifatida 24 moddadan iborat qonun bilan belgilab qo‘yildi.Bugungi kunda o‘zbek tilini adabiy til talabida talaffuz qilmaydigan har bir shaxsga davlat tili to‘g‘risidagi qonuning ikkinchi hamda yigirma to‘rtinchi moddalari bilan yaxshilab tanishiga maslahat berar edik. Har bir millat o’z adabiy tilining mustahkamlanishi uchun harakat qiladi. Jamiyat taraqqiyotining keyingi bosqichlarida dialektlar kamayib, adabiy tilga yaqinlashish kuzatiladi. Buni adabiy til ta’sirining kengayishi bilan izohlash mumkin.Til taraqqiyotidagi bu jarayon integratsiya deb yuritiladi [4]. Integratsiya bir tilga mansub shevalarning adabiy til me’yorlariga yaqinlashuvidir. Bunday jarayonlar tasodifan yuz bermaydi, balkijamiyatrivojiga, ijtimoiy hayotning taraqqiyot jarayonlariga bog‘liq tarzda sodir bo‘ladi. Har bir tilning rivoji uning boshqa tillarga bo‘lgan ta’siri bilan ham belgilanadi. Hozirgi kunda adabiy til doirasining sustlashish hollari kuzatilayotganini ko‘rishimiz mumkin. Zero adabiy nutq har bir oiladan, bog‘cha, maktab va oliy ta’limdan hamda televediniya, radio, gazeta-jurnallar kabi vositalardan boshlanib jamiyat hayotiga nutqiga kirib borsagina rivojlanishda yuksalishda bo‘ladi. Xususiy gazetalardan tortib, bugungi kunda chop etilayotgan ko‘pgina kitoblarda uchrayotgan xatolarning eng yomoni - tinish belgilarining noto‘g’ri qo‘llanishi, “x” va “h” harflarining farqlanmasligi, so‘z qo‘llash bilan bog‘liq uslubiy xatolardir.

Aksariyat reklama, afisha, e’lonlarning o‘zbek tilidagi matnlari juda achinarli holatda. Ulardagi imlo va tinish belgilari bilan bog‘liq xatolar kishini xafa qilib yuboradi. Adabiy tildan yiroqlashish xalqimizning madaniyatsizlashishiga hamda tilimizning asta-sekinlik bilan sayqallanib borishiga olib kelishi mumkin.

Futbol o‘yinida buzilsa qoida,
Hakam darrov hushtak chaladi.
Lekin tilimizda buzilsa qoida
Do‘stlar qiziq, hushtakni kim chaladi?!

Shu o‘rinda nima qilish kerak, degan o‘rinli savol tug’ilishi, tabiiy.Avvalo oiladan, maktablardan lingvistik ta’lim va tarbiyani berib borish va shakllantirish kerak. Ona tili va adabiyot faniga o‘sib kelayotgan yosh avlodni imkon qadar kengroq va ko‘proq jalb qil-

ish, ularning o‘zbek tili bilan bog’liq bilimlarini sayoz bo‘lib qolishiga yo‘l qo‘ymaslik kerak. Chunki jamiyatimizdagi har bir shaxsga o‘zbek tilini buzmay gapir, deb aytib chiqishning iloji yo‘q. Aslida, bu bizning jonimizda, qonimizda bo‘lishi kerak. Shuni ta’kidlash joizki har bir shax so‘z ona tilini suymog‘i va ardoqlamog‘i zarur!

Foydalanilganadabiyotlar

1. Hojiyev A. Tilshunoslikterminlariningizohlilug‘ati.-T., 2002, 15-37 bet.
2. Xolmanova. Z Tilshunosliknazariyasi.-Toshkent, 2020, 28-29 bet.
3. Xolmanova Z. Tilshunoslikkakirish. -Toshkent: 0‘zMU,2007.
4. Abduazizov A.A. Tilshunosliknazariyasigakirish. -Toshkent,2010.
5. Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006. - p.17.

Internet saytlari

6. http://en.wikipedia.org.Computitional linguistics.
7. http://www.redaktoram.ru

МАВЗУГА ОИД ҚЎШИМЧА МАҚОЛАЛАР

МИЛЛИЙ ОНГ ВА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Термиз давлат университети педагогика институти доценти О.Бегимқулов

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини тибиий-илмий асосларига ташкил қилиш, Ҳар бир миллатнинг келажагини ёшлар белгилайди. Уларга берилаётган эътибор миқёси миллатнинг савиясини кўрсатади. Ёшларнинг муносиб ворислар бўлиб етишишида таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлабоқ давлатимиз раҳбари болалар спортини

ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келади. Дастурда ҳам бу ҳақда қайд этиб ўтилган. Чунки фарзандларимизни баркамол қилиб улғайтириш, уларни етук инсонлар сифатида кўришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ғоят муҳим. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар аввало, ўзини англайди. Жисмоний тарбия болаларни кичкиналигидан бошлаб, ўзининг устун ва заиф томонларини сезиш, тушуниш ва камчиликларини бартараф этиш учун ўз устида доимий ишлаш лозимлигига ўргатади.

Инсон, аввало, киндик қони томган жой, Ватани билан ғурурланиб яшаши лозим. Спорт орқали миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш учун беқиёс имкониятлар мавжуд. Ҳаётда спортнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини сезиш, бундан тўғри хулоса чиқариш, ёшларга бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни, анъана ва қадриятларимизга хурматни спорт орқали сингдириш даркор. Шу йўсинда тарбия топган болалар “оммавий маданият” босимлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳаётда тўғри йўлни танлашда адашмайди.

Дастурда ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳ-камлаш, таълим жараёнининг сифатини ошириш, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратилган бўлиб, 2010-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ҳар бир маҳаллар, даҳа, митти туманда болалар спорти майдонларини тиклаш, ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш белгиланган. Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳатларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг айниқса, ёшларнинг маданий даражаси спорт билан боғлиқдир. Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Шундай экан, мамлакат интеллектуал салоҳияти, куч-қудратини дунёга намоён қилиб турган ёшларимизнинг ечимини кутаётган муаммоларини хал этиш, уларни эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари қилиб тарбиялаш масаласи бугун педагогларимизнинг диққат марказида турган асосий вазифадир.

улар бўйича олиб борилган ишлар самарадорлигини оширишнинг гаровидир. Бунда шуғулланувчиларни ўз фаолиятини, шунингдек, улар танаси ва аъзоларидаги ижобий-

салбий ўзгаришларни назорат қилиб боришга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда бизнинг кузатишларимизга қараганда, нафақат 12-15 ёшдаги спортчилар, балки маълум спорт ютуқларига эга бўлган айрим спортчилар, балки маълум спорт ютуқларига эга бўлган айрим спортчи талабалар ҳам ўз-ўзини назорат қилиш усулларини яхши билмас экан. Бу ўз навбатида мутахассислар тайёрлашга ёрдам берадиган анатомия, физиология, спорт физиологияси, биомеханика, биохимия, спорт тиббиёти, даволаш жисмоний тарбияси, математика ва бошқа шунга ўхшаш тиббий-илмий фанларни олий ўқув юртларида самарали ўтказилмаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, бу ҳолда мутахассисларни жисмоний маданият ва спортни соғломлаштириш нуқтайи - назаридан аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот қилиш ишларини самарадорлигига ҳам салбий таъсир қилади.

Сир эмаски, Хитой, Япония, АҚШ, Германия каби тараққий этган мамлакатларнинг аҳолиси жисмоний маданиятига бизга нисбатан кўп мурожаат қиладилар ва онгли ижобий мунособатда бўладилар. Жисмоний маданиятга соғлом турмуш тарзи кечиришининг муҳим таркибий қисми сифатида қарайдилар. Уларда спорт билан шуғулланувчилар учун, юқори тоифали спортчилар учун, шунингдек, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида шуғулланувчи оддий кишилар учун кўп босқичли турли хил тестлар ишлаб чиқилган. Бу тестлар ўз-ўзини спорт ва жисмоний маданият фаолиятини назорат қилишга ёрдам беради. Лекин улар мукаммал эмас.

Ўз-ўзини назорат қилиш 4 ҳолатда олиб борилади:

- тинч ҳолатдаги кўрсатгичлар;
- машқ давомидаги кўрсатгичлар;
- машқлардан кейинги кўрсатгичлар;
- мусобақа даври ва мусобақадан кейинги ҳолат кўрсатгичларини ҳисобга олиш.

Бу ҳолатларни қайт қилишда сон ва сифат кўрсатгичлари эътиборга олинади. Сон кўрсатгичларига юрак уриши, нафас олиш сони, шунингдек машқларни бажаришда кўрсатилган натижаларни қайд қилинади. Сифат кўрсатгичларига

уйқунинг, кайфиятнинг яхши ёмонлиги, овқатланиш, дам олиш кўрсатгичлари киритилади. Албатта улар, яъни сон ва сифт кўрсатгичлари бир-бири билан қиёсий тахлил этилади ва хулосалар қилинади. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишлари учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Ватанимиз йигит-қизларини ҳар томонлама етук ва комил,

Анъанавий халқ ўйинлари омманинг ижодий меҳнати натижасида вужудга келиб, минг йиллар давомида турли хил кўринишларда оммалашиб, этноснинг ижтимоий ҳаёти, миллий хусусиятлари, қолаверса маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Чунончи, анъанавий халқ ўйинлари аҳолининг ижтимоий турмушида, хусусан оммавий сайл ва мусобақаларда, тўй ва бошқа маросимларда ўтказилган бўлиб, ўйинлар ўтмиш ёзма ёдгорликларида ва халқ ўйинларига бағишланган баъзи манба ва адабиётларда ўз аксини топган. Манбаларда энг қадимий ўйинлар сифатида овчилик ва дехқончилик ўйинлари тилга олинади[1]. Шунинг учун ҳам анъанавий ўйинларнинг келиб чиқиши, тарихи, келажак авлод тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бугунги этнология фани учун долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса, анъанавий халқ ўйинларини тўплаш ҳамда илмий таҳлил қилиш ўзбекларнинг келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган қадимий ва илғор анъаналарини тиклашда ҳил қилувчи аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан унутилган халқ ўйинларини тўплаш ва қайта тиклаш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий халқ ўйинларининг ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ва камол топтиришда ўрни беқиёслигини ҳисобга олиб Алпомиш ўйинлари Республика фестивали Термизда, ҳамда Жиззахда республика хотин-қизлари учун «Тўмарис» фестивали, спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари бўйича ҳар йили туман мусобақалари, икки йилда бир марта Республика фестивали ўтказиш белгиланган[2].

Тарихий келиб чиқишига кўра, ўзбек халқининг анъанавий

[1] Қарабоев У. Ўзбекистон байрамлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б. 6-12.

[2] Халқ сўзи. 1998 йил 13 ноябрь; 1999 йил 29 ноябрь.

ўйинлари Марказий Осиёда қадимдан истиқомат қилиб келаётган туркий халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, қолаверса бадиий тафаккури ҳамда эстетик қарашлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, қадимдан деҳқончилик, чорвачилик ҳамда овчилик билан шуғулланиб келган халқлар томонидан яратилган кўпгина маросим ва удумларнинг айримлари вақтлар ўтиши давомида анъанавий ўйинларнинг шаклланиши учун эстетик асос вазифасини ўтай бошлаган. Масалан, овнинг барорли бўлиши, кўпроқ ўлжаларни қўлга киритиш мақсадида ўтказилган овдан олдинги удумлар, тотем – аждодлардан кўмак сўрашнинг ўзига хос машқ амалларини ўз ичига олган маросим рақслар асосида даврлар ўтиши билан овчиликка хос бўлган анъанавий ўйинлар юзага келган. Ўз навбатида деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши икки анъана, яъни баҳорда меҳнат мавсумига кириш ва кузги ҳосилни йиғиштириш билан боғлиқ маросим ва байрамларни юзага келтирган. Айниқса, ёз бўйи меҳнат қилиб, баракали ҳосил етиштирган деҳқонлар хурсанд бўлганидан ўзига хос хирмон тўйини ўтказиб, унда меҳнат жараёнларини ўйинлар орқали акс эттирган. Бу «Меҳнат ўйинлари» яхши кайфиятда, байрам ҳолатида ўтган[1].

Умуман олганда, Сурхон воҳасида энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ҳаётида термачилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончиликка оид меҳнат тажрибалари билан бирга ўйинлар шакллана бошлаган. Онгли меҳнат ва тажриба асосида турли ўйинлар пайдо бўлган бўлиб, махсус илмий адабиётларда кўпгина илмий тадқиқотларда халқ ўйинларини тўрт асосий гуруҳга – жанговар, ишқий, тақлидий ва ижтимоий ўйинларга ажаратилади[2]. Сурхон воҳасида эса халқ ўйинларини иккита асосий гуруҳ – драматик, чаққонлик ва мувафаққият асосида вужудга келган ўйинларга бўлинади. Шунингдек, ўйинлар вертикал, яъни тик ва горизонтал, яъни тўғри чизиқ йўналиши бўйича кичик гуруҳларга ажратилади[3].

[1] Қорабоев У. Халқ ўйинларининг шаклaниши ҳақида // Этномаданият. –Тошкент, 2003. –Б. 71.

[2] Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР. –М.-Л.: Академия, 1933. –С. XXIII-XXIV.

[3] Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР.. . –Б. XXIV.

Сурхон воҳаси қишлоқларида ўзбек халқи ўйинлари ва уларнинг таснифи борасида мулоҳаза юритадиган бўлсак, ҳанузгача илмий адабиётларда умум қабул қилинган тасниф мавжуд эмас. Шу боис, биз тадқиқотда Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий ўйинларини учта гуруҳга бўлиб таҳлил қилдик:

1) бирор предмет асосида ўйналадиган ўйинлар: «дўл», «чиллик», «арғимчоқ», «тиқмоқ», «ошиқ», «ганош», «кўрпа ёпти», «кўчмоқ», «оқ суяк», «ғирбайди» ва ҳоказо;

2) предметсиз ўйналадиган ўйинлар: «боболтака», «чиркаш», «бекинмачоқ», «оқ теракми-кўк терак», «қувлашмачоқ», «зимзиё» ва ҳоказо;

3) ўртада бирор шарт қўйиб ўйналадиган ўйинлар: бу ўйинларга кураш, кўпкари каби ўйинлар киради.

Бу анъанавий халқ ўйинлари шуниси билан характерлики, айрим ўйинлар мавсумий ўйинлар бўлиб, қиш фасли ўтиб, баҳор фасли келиши билан ўйналса, айримлари йил давомида ҳам ўйналган.

Сурхон воҳаси қишлоқлари аҳолисининг анъанавий ўйинлари нафақат болалар, қолаверса, катталар ўйинларига ҳам бўлинган. Бу анъанавий халқ ўйинлари ёшларни жисмоний бақувват, сергак, қўрқмас бўлишига, уларнинг ақлини ўстиришга, тез фикрлашга ўргатишга, топқир, зукко бўлишига ўзига хос ўрни бор бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРНИ ЁШЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТАФАККУРИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Термиз давлат университети Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси
Абдуразоқов Гулмурод Мусурмонқулович

Ўзбекистон ёшларнинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини аниқ-тиниқ баҳолаш, уларни **ҳозирги глобаллашув даврига хос мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатида** илмий ўрганиш ҳамда бу борадаги устувор йўналишларни

белгилаш ниҳоятда мураккаб масаладир. Бу жиҳатдан, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва демократик жамият қурилиши даврида ёшларнинг **ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг замонавий тафаккури шаклланишига мафкуравий омиллар таъсирини илмий-фалсафий ўрганиш масалалари**га эътиборнинг тобора кучайиб бораётгани бежиз эмас. Чунки, “Мафкуравий омиллар” тушунчаси ва унинг ёшлартафаккурига таъсирининг намоён бўлиш хусусиятлари тадқиқ этилган ҳамда ё**шларни ушбуомилларни сингдириш объекти сифатида ўрганишнинг** ижтимоий-фалсафий масалалари таҳлил қилинган.

Ўз навбатида, ҳ**озирги** ёшларда юксак ғоявийлик, эътиқод, меҳнатга ижодий муносабат, ахлоқий покликни тарбиялаш, ижтимоий фаолликнинг шаклланиши ва такомиллашувига таъсир этадиган мафкуравий омиллар таъсирчанлигини ўрганиш, баркамол авлоднинг вояга етишида турли даражадаги ўқув юртларидаги жараёнлар билан бир қаторда, таълим-тарбиянинг бошқа шакллари аҳамиятини ошириш, ёшларда фаол ҳаётий позицияни, ижтимоий фаолликни шакллантириш ва такомиллаштириш каби масалалар катта аҳамият касб этмоқда. “Мафкуравий омиллар” тушунчасининг таҳлилига киришар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз илм-фанида айнан ушбу мавзуга бағишланган алоҳида диссертациялар, махсус асарлар ва тадқиқотлар ниҳоятда кам. “Мафкуравий омиллар” мафкура соҳасининг муҳим таркибий қисми,унинг асосини ташкил этадиган ғоявий мезонлар ва маънавий омилларни, шу соҳага хос ҳодисалар, воқеа ва жараёнларни, мақсад ва муддаоларни акс эттирадиган энг муҳим ва умумий тушунчалардан биридир.

Айнан ана шундай ўзига хослик ва серқирралик мазкур тушунчанинг мазмун-моҳиятини, унинг бошқа соҳаларнинг тушунчаларидан фарқини, ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифаларини яққол ифодалайди. Бу борада “Мафкуравий омиллар” тушунчасининг мафкура соҳасига доир “ғоя”, “мафкура”, “бунёдкор ғоялар”, “вайронкор ғоялар”, “ғоялар тизими”, “мафкуравий тизим” кабилар билан узвий алоқадорликда намоён бўлишини алоҳида таъкидлашимиз зарур. У ҳам

ушбу тушунчалар каби шу соҳадаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида жиҳатларини эмас, балки инсоннинг маънавий ва руҳий оламига, ғоя ва мафкураларга хос умумий белгилар, алоқалар ҳамда муносабатларни ҳам акс эттиради. Бу борада у, биринчидан, инсоннинг жамиятдаги ҳодисалар моҳияти ва мазмунини, уларга хос қонуниятларни англаш жараёнида эришган билимларининг натижаси, иккинчидан, ҳаётни яна ҳам чуқурроқ билиш ва унинг сирлари ҳамда қонуниятларини очишда қўлланиладиган муҳим илмий воситалар ҳисобланади. Умуман олганда, "Мафкуравий омиллар" тушунчаси:

а) ғоя ва мафкура соҳасидаги муносабат, боғланишларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга бўлган фалсафий-идеологик атамалардан биридир;

б) бу соҳани кенг ва атрофлича тавсифлагани ҳолда, бир-бирини тақозо этади ва бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда намоён бўладига омиллар мажмуидир;

в) объектив мазмунга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ижтимоий воқеликда рўёбга чиқади, намоён бўлади, ушбу воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи идеологик тушунча сифатида инсон тафаккурида акс этади;

г) умумий идеологик тушунча сифатида инсоннинг шу соҳадаги ҳодисалар моҳиятини билишга қаратилган мафкуравий англаш ва идеологик идрок қилиш жараёнининг натижалари ва ижтимоий жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишнинг илмий воситасидир;

д) нафақат мафкура назарияси ва ғоялар соҳасини илмий билиш жараёнидагина эмас, балки идеологик амалиётда ҳам ўзига хос таъсирга эга бўлади, мафкуравий хусусиятлари ва маънавий аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Илмий-назарий ва методологик нуқтаи назардан олганда, мафкуравий омиллар объектив мазмунга эга бўлиб, шу йўналишдаги ҳодисалар ва жараёнлар туфайли рўёбга чиқади, намоён бўлади, ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи воқелик сифатида инсон тафаккурида акс этади. Бу соҳадаги илм-фан ва тадқиқотларнинг вазифаси мафкуравий омилларни бошқа омиллардан фарқлай олиш ҳамда уни ўзга турдош тушунчалар билан умумий алоқадорлик

ва бир бутунликда тадқиқ этиб, тараққиётнинг умуммафкуравий омилларининг хусусиятлари ва белгиларини очиш, амалиётда унинг имкониятларидан ижодий фойдаланишга кўмаклашишдан иборат.

Умумижтимоий мафкуравий омиллар муайян мақсадлар йўлида вужудга келиши ва уларга хизмат қилишини яққол кўрсатади. Бу жиҳатдан, мафкуравий мақсад бири-бир ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва хоҳиш иродасини ифода этувчи ҳамда мафкуравий омилларни шакллантирувчи асосий тушунчалардан биридир. Масалан, бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо этиш ғоясини амалга ошириш шароитида ёш авлодни тарбиялаш жараёнида бу борадаги омилларни қўллаш орқали миллий манфаатларни таъминлаш ва мустақилликни мустаҳкамлаш зарурати мавжуд. Бу жараёнда ушбу омиллар бир томондан, халқимизнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, тараққиётимизнинг янги бир босқичга кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазифасини ўтайди. Иккинчи томондан эса, улар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, мустақил тараққиётни халқаро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини таъминлаш ҳамда фуқароларимизни бегона мафкуралар таъсиридан ҳимояланишга хизмат қилади.

Бу эса ўз навбатида, мафкуравий ишлар таъсирчанлиги, ҳозиржавоблигини оширишда аҳоли турли табақалари, айниқса ҳозирги ёш авлоднинг ўзига хос ёшлик хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгалигини англатади. Айни пайтда, ана шу қайд этилганлар бугунги Ўзбекистон ёшларини мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги хусусиятларига катта таъсир кўрсатади. Тадқиқотимизнинг кейинги тадрижи ва ёшларимизни мафкуравий омиллар таъсир кўрсатадиган объект тарзидаги мақомини таҳлил қилиш ҳам айнан ана шу масаланинг таҳлилини тақазо қилади.

Мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатида камолга етаётган баркамол авлод ҳаётининг ёшлик йиллари энг муҳим, ривожланиш давридир. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашчи, жумладан **мафкуравий**

омилларни сингдириш объекти сифатида намоён бўладиган ёш авлод вакилининг муҳим хусусиятлари шаклланади, тажрибаси ортади. Бинобарин, мамлакатимизда тараққиётнинг Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилаётган бугунги даврда ёшлар ўз ўрни ва қадр-қимматини тўғри баҳолай оладиган, мамлакат олдидаги вазифаларни, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш вазифаларининг моҳиятини тўғри англашга интиладиган баркамол шахсга айланмоқдалар.

Шу боисдан ҳам бугунги глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммоларини самарали ҳал қилиш ёшларнинг ҳамма соҳаларда фаол бўлишини, **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатида** ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанликни тақазо этади.Ҳар томонлама етук ва баркамол кишини камол топтириш жараёнида ҳар бир ёшни **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги хусусиятларини вояга етказиш** ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун кўп йиллар давомида тинимсиз ғоявий тарбия жараёнини амалга ошириш, барча ёшларда юксак эътиқодни, демократик идеалларга чексиз ишончни, ғоявий матонатни, сиёсий ҳушёрликни, бузғунчи ғоя ва мафкураларнинг зарарли таъсирига қарши курашиш кўникмасини шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. **Ёшларнинг мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги** хусусиятларининг моҳияти ва мазмунини аниқлар эканмиз, аввало улар фаолиятини аниқ далиллар ва мисоллар асосида таҳлил қилиш ва бунда унинг бир-бирига боғлиқ, бўлган икки жиҳатига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Биринчидан, ёшларнинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатида намоён бўлиши** маълум бир тарихий шароитда, муайян даврда яшаётган ва ўзининг яшаш шароитини, ижтимоий муҳитини ўзгартиришга тайёр турган шахсларнинг жамиятни туб ислоҳ қилиш ишига қобиллигида яққол кўринади.

Мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги фаолият бу кишининг ижтимоий борлиққа, конкрет тарихий шароитга, тобора глобаллашиб бораётган жамиятдаги муайян

жараёнларга онгли, фаол муносабатидир. Демак, ёшларнинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги хусусиятлари** инсоннинг жамиятга, ижтимоий фаолиятга ва ўз меҳнатига муносабатини ифодалайди.

Иккинчидан, инсоннинг ўзи ижтимоий моҳиятига кўра фақатгина объектив реалликка, жамиятга, атрофдаги кишиларга маълум муносабатда бўлиб қолмай, балки шу муносабатни ўзининг онгли ва мақсадга мувофиқ, фаолияти орқали амалга оширади. Бунда ҳар бир ёш инсоннинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги** асосий хусусияти, яъни ижтимоий фаолиятга бўлган қобилияти намоён бўлади.

Ёшларнинг мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги бу икки жиҳати бир-бирини тақозо қилиб, ўзаро алоқада ва диалектик бирликда намоён бўлади. Яъни ҳар бир **мафкуравий омилларни сингдириш объекти**да ёш инсон фаолиятининг мазмуни ва йўналиши акс этади. Бу фаолият давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлашгандагина ижтимоий фойдали аҳамият касб этади ва ёшларнинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги моҳиятини тўла-тўкис кўрсата олади**. Ёш шахснинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги моҳияти** — унинг жамиятга, атрофдаги кишиларга муносабати, турли соҳаларда амалга ошаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ равишда амалга оширилаётган ҳамда ушбу янгиликнинг ғалабасини таъминлайдиган онгли, ижодий ва омилкор фаолиятида аниқ-тиниқ кўзга ташланади. Ислоҳотлар йўналиши, кўлами, шахснинг шу жамиятдаги ўрни ва ижтимоий роли ҳамда индивидуал хусусиятлари унинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги** фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади.Ҳозирги шароитда жамиятимизнинг ҳар бир ёш аъзоси умумий манфаатларининг уйғунлиги ва улар ҳаётнинг ҳамма сохаларида фаол ва янгиликларга интилувчан бўлиши унинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатида шаклланиши ва муайян хусусиятларининг камолга етишиши**учун асос бўладп.

Ёшларнинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги мақоми ва аҳамияти** дейилганда улар амалга

ошираётган ижтимоий фаолиятнинг, алоқа ва муносабатларнинг бир қатор кўрсаткичларини назарда тутмоқ лозим. Бу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

— мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш билан юқори натижаларга эришиш;

— ижтимоий фойдали меҳнат ва илмий-тадқиқот ишларида, турли соҳаларда фаол, ташаббускор, тенгдошларига ўрнак бўлиш;

— оммавий-сиёсий, маданийҳамда шу каби жамоатчилик ишларида ва уларни ташкил қилишда фаол қатнашиш;

— давлат ва жамоат ташкилотлари ишида фаол қатнашиш, уларнинг топшириқларини масъулиятли ҳис қилган ҳолда бажариш.

Буларнинг барчаси ёшларнинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги хусусиятларини** улар фаолиятининг асосий шакллари билан, меҳнат ва оммавий-сиёсий фаолият билан ҳамоҳанг бўлишни тақозо қилишидан далолат беради.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо этиш, фуқаролик жамиятини тараққий эттириш, фан-техника ва технология тараққиёти суръатларини жадаллаштириш вазифалари мамлакатимиз ривожининг ҳозирги янги даврига мос ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни тақозо этаётгани шубҳасиз. Замонавий ёшларимиз ҳозирги глобаллашув дарврида юзага келаётган мураккаб муаммоларни муваффақиятли ҳал эта олишлари, ўз фаолиятини давр талаблари ва эҳтиёжларига мос келадиган, сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга эришишлари лозим.[1] Бу эса ёшларнинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги хусусиятларини** тарбиявий жараённинг амалиёт, ҳаёт, унумли меҳнат билан уйғунлигини таъминлашга катта аҳамият беришни талаб қилади, албатта.

Шу нуқтаи назардан, ёшларни **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатида қараш уларни** ҳар томонлама камол топишининг ҳал қилувчи воситаси, ҳар бир ёш инсоннинг турмуши билан алоқадор томонлари, яъни муайян ижтимоий мухит, маънавий камолот, ахлоқий поклик, ҳаётий оптимизмнинг

[1] Ўтамуродов А. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2018

узвий алоқадорлигини ҳам англатади. Бундай серқирра ва кенг қамровли жараёнида миллий манфаатларимизга мос келадиган **мафкуравий омилларни қалби ва онгига сингдирган** ёш кишиларда бир-бирларига ва жамиятга нисбатан масулият, юксак инсоний бурч, улар асосидаги маънавий қадриятлар ва ахлоқий муносабатлар шаклланади ва такомиллашиб боради.

Бу жиҳатдан, ёшларнинг **мафкуравий омилларни сингдириш объекти сифатидаги хусусиятлари** уларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, орттирган билимлари ва малакаларини иш фаолиятида мустақил қўллай билиш даражаси, меҳнат унумдорлигини оширишга қўшган ҳиссаси, бажарилган ишнинг сифати ва самарадорлиги, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши ва бошқалар билан ҳам узвий алоқадорликда намоён бўлади. Айни пайтда, ушбу хусусиятлар ёшларнинг ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тўғри тушунадиган, ўз олдидаги ва ўртоқлари зиммасидаги вазифаларни тўғри англайдиган, доимо олға интиладиган, ўз ташаббускорлиги билан бошқа ўртоқларини ўз орқасидан эргаштира оладиган ва жамият ривожининг ҳамма соҳаларида ўрнак бўладиган шахсга айланишига ёрдам беради. Шундай ҳолдагина, юртимизда яшаётган ҳар бир ёш инсоннинг эзгу ғояларни ҳаётга самарали татбиқ этиши лозим бўлган ва унга тайёр бўлган баркамол авлод вакилига айланишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Мазкур вазифалар ғоявий тарбия жараёнида маънавий-маърифий соҳа, ғоявий тарбия ва оммавий ахборот воситалари олдида турган масалаларнинг айримлари холос. Шундай бўлсада, улар ўзаро боғлиқликда ва тизимли олиб қаралгандагина кўзланган мақсадга эришишга хизмат қилади. Чунки, ёшлар онгига мафкуравий омилларни сингдириш жараёни, ўз навбатида, муайян ғояларларни тарқатиш, уларнинг мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тилда етказиб бериш орқали чуқур ўзлаштирилиши ҳамда барқарор тасаввурлар ва образларга айланишига эришиш демакдир.

Хулоса қилиб, шуни алоҳида қайд этиш кераки, **Мафкуравий омилларнинг Ўзбекистон ёшлари замонавий тафаккури шаклланишига таъсирини ўрганиш, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг**

ижтимоий-фалсафий таҳлили асосида бир қатор хулосаларга келиш мумкин.

Тобора глобаллашиб ва умумбашарий муаммолар чигаллашиб бораётган бугунги дунёда халқимизга хос мафкуравий омилларнинг амалиётида мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёшлар камолоти, уларнинг замонавий тафаккурини демократик давлат ва фуқаролик жамияти манфаатларига мос равишда шакллантириш ва муттасил такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, айнан ёшлар жамиятни янгилашнинг муҳим субъектларидан бири бўлиб, улар ҳаётда рўй бераётган жараёнларга муқаррар равишда ўз таъсирини ўтказадилар ва халқимиз тараққиётининг муҳим ғоявий асослари бўлган мафкуравий омилларни амалга оширишга хизмат қиладилар. Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар, аниқроғи, 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этишини ҳисобга олсак, Ўзбекистон ёшларини жаҳон талаблари даражасига жавоб бера оладиган, етук билимли, малакали кадрлар сифатида тарбиялаш бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан биридир, дейиш мумкин.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларнинг замонавий дунёқарашини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган мафкуравий омиллар амалиёти Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислоҳотларнинг таркибий қисми ва умумий маънавий-маърифий омиллари сирасига киради. Айни пайтда, м**афкуравий омиллар** ушбу жабҳанинг “мафкуравий тамойиллар”, “мафкуравий жараёнлар”, “мафкуравий фаолият”, “мафкуравий таҳдид”, “мафкуравий полигон”, “мафкуравий иммунитет”, “мафкуравий профилактика” ва бошқа тушунчалари каби мазкур соҳани чуқур ва мукаммал ифодалашга ёрдам беради ҳамда ғоявий тарбиянинг барча йўналишларида амал қилади. Шу туфайли, ёшларнинг замонавий тафаккурини шакллантириш жараёнида унга алоқадор ҳар бир омиллар ва мезонларнинг аниқ хусусиятлари ва муҳим белгиларини англашда мазкур омилларга мурожаат этиш зарурати сақланиб қолаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Abdurazokov G.M. “Education system and ideological education”. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 2020. - № Vol 9, Issue 7, July, 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 6.882. 106-109

2. Абдуразоков Г.М. Необходимость формирования идеологического иммунитета и идеологического воспитания молодежи Узбекистана // Журнал «Тамаддун Нури». - Нукус, 2020 Выпуск 3, С. 68-70.

3. Абдуразоков Г.М. Понятие «идеологические факторы» и его влияние на мышление молодежи // «Философия и право» - Ташкент, 2019, №2, Б. 201-204.

4. Абдуразоков Г.М. Современные факторы развития культуры Узбекистана // Журнал «Философия и право» - Ташкент, 2020 Выпуск 1, Б. 178–182.

5. Абдуразоков Г.М. Новое выражение государственной политики в отношении молодежи в стратегии действий // Актуальные проблемы науки, просвещения и цифрового профессионализма личности XXI века. –Ташкент, 2020, Б. 72-75

6. Абдуразоков Г.М. Роль и место духовности в воспитании подрастающего поколения // Социально-экономическая и культурная жизнь Узбекистана: трансформационные процессы. Сборник статей Республиканской научно-практической конференции. - Термез, 2013. Б-292-293.

7. Абдуразоков Г.М. Система образования и воспитания молодежи. «Конституция Республики Узбекистан - образование и воспитание молодежи» // Материалы второй традиционной научно-практической конференции, посвященной 21-летию Конституции Республики Узбекистан, 10-11 декабря 2013 года. Часть-2. Филиал МГУ им. М.В. Ломоносова в г. Ташкенте кафедра общегуманитарных и социально-экономических наук. - Ташкент. 2013. Б. 300-304

8. Абдуразоков Г.М. Радикальная реформа системы образо-

вания в народном образовании и ее результаты // Социально-экономическая и этнокультурная жизнь в Узбекистане: история и анализ. Материалы республиканской научно-практической конференции. - Термиз.2014. В 598-600

9. Абдуразоков Г.М. Философская методология воспитания молодежи на основе требований нового экономического мышления // Сборник по философии и общественному развитию. - Ташкент 2014. Страницы 56-58.

10. Абдуразоков Г.М. Новое экономическое мышление личности // Концепция глобализации и гуманизма: основные мотивы и идеи. Материалы республиканской научно-практической конференции. - Андижан, 2014. В 163-165.

11.Абдуразоков Г.М. Градостроительство в Сурхандарьинском оазисе (на примере древности и средневековья) // «Социально-экономическая и культурная жизнь Узбекистана: трансформационные процессы». Сборник статей Республиканской научно-практической конференции. - Термез, 2013 Б. 168–171

12. Абдуразоков Г.М. Реформы в сфере народного образования в Узбекистане и их положительные результаты. (На примере Сурхандарьинского оазиса) // «Социально-экономическая и культурная жизнь Узбекистана: трансформационные процессы». Республиканская научная конференция. - Термез. Б. 692-694

13. Абдуразоков Г.М. Взгляды Иммануила Канта на верховенство права // Материалы республиканского научно-практического семинара «Интеграция науки и образования и инновационных идей». - Ургенч. 2018. Б. 103-106.

Сурхон воҳасида Амударё сув йўлининг муҳим кечувлари савдо алоқаларидаги ўрни

Жўрайева Ўлмасхон,
Термиз давлат университети фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси

Сурхон воҳасида Амударё сув йўлининг муҳим кечувлари - Паттакесар, Эски Термиз, Ёргоҳ, Шўроб, Чўчқагузар, Қоракамар ташқи савдода муҳим ўрин тутган бўлса, Хотинработ, Хожа Гулсувар, Айритом, Маймунтўқай, Сасиққўл ва Болдир кечувлари эса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган. Кечувлар яқинида яшаган аҳоли асосан кечувларни муҳофаза қилиш ва ундан йўловчи ҳамда карвонни ўтказиш билан шуғулланган.

Кейинчалик Афғонистонда туз конлари топилгандан кейин, кечувнинг аҳамияти камайган. Кечув жойи алоқа олиб бориш учун ниҳоятда қулай бўлган. XIX аср охирларида Сурхон воҳасида кузатув ишларини олиб борган рус ҳарбий амалдори капитан Лилиенталь Афғонистоннинг Мозори Шарифга борувчи йўлда жойлашган Сурхон дарёси яқинидаги Янгиариқ номли кечувни эслатиб ўтган. Тахминимизча бу ерда капитан Лилиенталь Айритом кечувини назарда тутган. Бу даврда кечув қайиқ орқали амалга оширилган.

Паттакесар кечуви - Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиши қисмида жойлашган. Кечув Ҳисор воҳасини Афғонистон билан боғловчи йўлда бўлиб, Ҳисордаги Қоратоғ шаҳридан Сурхондарё бўйлаб келган савдо йўли ушбу кечув орқали Мозори Шариф ўтган. Бухоро амирлиги ва Афғонистон савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этувчи Паттакесар кечувида XIX аср 70-80 йилларида ҳар иккала қирғоқда биттадан (биттаси Бухоро, биттаси афғонларга тегишли), жами 2 та қайиқ бўлган. XIX аср 80 йиллар ўрталарида С.Мазов кечувда 200 бош қўйни бир йўла кўтара оладиган 2 та афғон қайиғи бўлганлигини таъкидлайди. XIX асрнинг 90 йиллари охирида эса кечувда 4 та қайиқ бўлиб, уларнинг 2 таси Бухорога, 2 таси Афғонистонга тегишли эди. Уларнинг йиллик даромади 3 минг рублни ташкил этган. Шеробод беги Паттакесар амлокдори орқали кечувдан йилига 1500 рубль йиғим олган. Паттакесарда қулай пристан ва бир қанча транспорт идоралари бўлган учун ғарбий ва шарқий Бухоро ўртасида асосий савдо марказига айланган.

Эски Термиз (Шаҳри Ғул-Ғула) кечуви - Паттакесардан 7 верст шимол - ғарбдаги Эски Термиз қалъаси яқинидаги кечув бўлиб, Шерободга борувчи йўлда жойлашган. Катта ва Кичик Чингизтепа - Амударё бўйида Эски Термиз қалъасидан ғарбдаги кечувдир. Дарё бўйида қад ростлаб турган Чингизтепа жанубдан Пайғамбар ороли орқали Амударёдан кечиб, Термизга келаётган ёки шимолий юртлардан бу шаҳар орқали Балх ва бошқа юртларга йўл олган савдо карвонларининг доимий ҳавфсизлиги-

ни таъминлаб турган мустаҳкам истеҳком вазифасини бажарган.

Пайғамбаророл кечуви - Паттакесардан 20 километр шимоли-ғарбда, Эски Термиз шаҳри харобаларидан Амударё бўйлаб 1,5 верст қуйида жойлашган. Бу ерда Амударё 8-10 верстли ўзанларга бўлиниб, орол ҳосил қилиб оқади. Бу орол араблар босқини даврида “Жазират Усмон” - “Усмон ороли” номи билан танилган. XII-XIII асрларда оролда Зул-Кифл мақбараси бунёд этилгани боис, кейинчалик уни “Пайғамбаророл” деб аташган.

Таниқли олим В.В.Бартольд XIX асрда манбаларида орол “Ўрта Орол” номи билан ҳам аталганини қайд этади. Бу ердаги кечув дастлаб бир қирғоқдан дарё ўртасидаги оролга, ундан кейин оролдан иккинчи қирғоққа сузиб ўтилган. Маймунтўқай кечуви эса Паттакесар ва Шўроб кечувлари оралиғида, Пайғамбаророл тугаб, дарёнинг қўшилиш жойининг ўнг қирғоғида, Паттакесардан 17 верст узоқликдаги Маймунтўқай чегара пости яқинида жойлашган.

Қуйи Шўроб кечуви - Термиздан Амударё оқими бўйлаб 20 километр ғарбда, яъни Қорасув (Шероботдарё)нинг Амударёга қуйилиш жойида жойлашган. Бу кечув яқинида Шўробқўрғон, Кампиртепа, Шўртепа каби қадимий аҳоли манзиллари бўлиб, айнан улар ҳам шу кечувдан фойдаланишган. Археологик тадқиқотларга кўра, Шўробқўрғонда ҳаёт Кушон подшолигининг сўнгги даврларидан бошланиб, бутун ўрта аср мобайнида гуллаб-яшнаб, XX аср бошларигача давом этган. Кечув ҳам шу даврлар оралиғида узоқ фолият олиб бориб, бу кечувдан ўтган савдо йўллари Қорасув (Шероботдарё) дарёси ёқалаб Темир Дарвоза (Дарбанд)гача борган. XIX асрнинг 90 йиллари бошида Қуйи Шўроб қишлоғида 10 та ва Шўроб қишлоғида эса 30 та хонадон истиқомат қилган50. 1875 йилда Ҳисор тоғ тизмаларидан Амударё ва Кўлобгача бўлган ҳудудларни ўрганиш учун юборилган Н.Маев эсдаликларида Шеробод беклигида 4 та кечув (Паттакесар, Чўчқагузар, Шўроб ва Қоракамар) борлигини ва Шўроб кечув уларнинг энг серқатновларидан бири бўлганлигини таъкидлайди51. Кечув қайиқ орқали амалга оширилиб, XIX аср 70-80 йилларида кечувнинг ўнг ва чап қирғоқларида биттадан - жами 2 та қайиқ бўлган.

XV асрда яшаган тарихчи Ҳофиз Абрўнинг маълумотига кўра, Термиздан унча узоқ бўлмаган жойда, Амударё бўйида энг қадимги кечув жойи бўлган. Ушбу кечув ҳақида ўз асарида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтади: “Бурдогуй-Жайҳун бўйида, Термизга туташ бўлган мавзе. Баъзилар, унга Термиздан анча олдин асос солинган дейишади. Айримлар эса, уни Искандар қурган дейдилар. Қадимда зиммасига Жайҳуннинг кечувидан ўтишини таъминлаш юкланган. Кемасозлар ва кемачиларнинг бошлиқлари шу Бурдогуйда турганлар. Бурдогуй ушбу дарёдан ўтадиган кечув бўлган”. Инглиз шарқшуноси В.Ф.Минорскийнинг фикрича, Пандахейон, Пандоки, Пардагви асл қадимги юнонча сўз

бўлиб, “меҳмонҳона” маъносини билдириб, XV аср тарихий ва географик адабиётларида бу ном Бурдогуй ёки Пардагуй шаклида сақланиб қолган. Ҳофиз Абрўнинг “География” асарида бу жойнинг “Бурдогуй” шаклида тилга олиниши бунинг яққол исботидир.

В.Хеннинг таъкидлашича, суғд лаҳжасининг бирида юнонча «пандоки» сўзи «пардавки» ёки ҳаттоки «пардагви»га айланган. Шуни тахмин қилиш мумкинки, Кампиртепада жойлашган бу манзилгоҳ ўрнида савдогарларни қабул қилувчи карвонсарой бўлган. Кампиртепа қўрғони қазилмалари шуни кўрсатдики, у ердаги кўплаб хоналардан кечувдан ўтган савдо карвонлари озиқ-овқат билан таъминловчи омборлар сифатида фойдаланганлар.

В.В.Бартольд ва В.Ф.Минорскийлар Пардагви - Бурдогуй манзили Амударёнинг ўнг қирғоғида, Термизга яқин жойда жойлашганлигини ва унинг савдода Термиз билан рақобат қилганлигини таъкидлаб ўтганлар.

Академик Б.Аҳмедовнинг фикрича, бу кечув Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул асрор” (“Сирлар денгизи”) асарида Яргоҳ ёки Ярдағу деб аталган.

М.Е.Массон Бурдагуй кечувини Термиздан 50 километр ғарбдаги Чўчқагузар кечуви ўрнида бўлган деб тахмин қилган.

Шўроб кечувидан қуйида Амударё бўйлаб қуйидаги кечувлар жойлашган: Сассиққўл (Шўробдан 12 верст қуйида), Чўчқагузар (Шўробдан 20 верст қуйида), Болдир (Шўробдан 30 верст қуйида) ва Қоракамар (Шўробдан 44 верст қуйида). Чўчқагузар кечувини ҳисобга олмаганда, бу кечувлардан маҳаллий алоқаларда фойдаланилган.

Чўчқагузар кечуви - Термиздан дарё бўйлаб 50 верст қуйидаги рус чегара пости ёнида ва божхона пунктидан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган. Кечув Афғонистоннинг Балх, Мозори Шариф билан Бухоронинг Шеробод ва Калиф бекликларидан келувчи йўлларни боғлаган. Кечув қизғин савдо алоқаларида иштирок этиб, у ерга ташриф буюрувчилар кўп бўлган. 1875 йилда Чўчқагузар кечувида бўлган Н.Маев, унинг Шеробод беклигидаги энг серқатнов кечувларидан бири бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Н.Маев Чўчқагузар кечувида доимий равишда 2 та Бухоро қайиқлари, дарёнинг қарама-қарши қирғоғида эса 2 та афғон қайиқлари бўлганлиги ва қайиқлар Хива қайиқларига ўхшаб ясалгани тўғрисида ҳам ёзиб қолдирган. XIX аср 80-90 йилларида кечувнинг иккала қирғоғида биттадан ва жами 2 та қайиқ бўлган. 1898-1900 йилларда Амударё бўйи ҳудудларини тадқиқ этган подполковник М.В.Грулев эса Чўчқагузар кечувида жами 3 та кема: 2 та афғон, 1 та бухоро кемалари мавжуд эди деб маълумот берган. Унинг қайд этишича, Шеробод беклиги бу кечув орқали 2000 танга (350 рубль)гача фойда кўрган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда лизинг механизмининг ўрни

Термиз давлат университети жаҳон тарихи кафедраси еркин тадқиқотчиси
Бегамова Насиба Холмирзаевна

Аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун бу соҳани моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур эди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси ташкил этилиб, бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9 та қўшма корхона, 17 та минтақавий корхона, техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина-трактор парклари ва савдо уйлари кирди. Улар томонидан аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун 2001 йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмуига 2760 дона трактор, 971 дона трактор тележка, 100 дона пахта териш машинаси, 118 дона плуг, 994 дона борона, 80 дона пичан ўрадиган комбайн, 1066 дона культиватор ва 1 миллиард 239,6 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа техника воситалари етказиб берилди. Шу жумладан, лизинг асосида 2000 та трактор ва 404 дона тележка қишлоқ хўжалик ишларига жўнатилди.

Лизинг - инглизча «lease» сўзидан олинган бўлиб, «ижара» деган маънони англатади. Бугунги кунда лизинг деганда ижара ва кредитнинг учинчи шахс - лизинг компанияси томонидан берилиши назарда тутилади. Лизинг компанияси сотувчидан мулкни сотиб олиб, уни лизингга олувчига тақдим этади. У эса, ўз навбатида ҳар ойда муайян миқдордаги суммани тўлаб боради ва бу бир вақтнинг ўзида ҳам ижара, ҳам кредит тўлови бўлиб ҳисобланади. Шартномада кўрсатилган муддат тугаши билан ижарачи мулкни лизинг компаниясига қайтариб бериши ёки унинг қолган суммасини тўлаб, сотиб олиши мумкин. Лизинг битимида одатда учта шахс иштирок этади. Буларга сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчи киради. Баъзи ҳолларда сотувчи лизинг берувчи бўлганлиги учун ҳам иштирокчилар сони икки шахсдан иборат бўлиши мумкин. Лизингга муайян техника, асбоб-ускуналар, автомобиллар, юк ва қишлоқ хўжалик машиналари, махсус транспорт воситалари, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш корхоналари берилиши мумкин. Лизингнинг банк кредитларидан фарқи шундаки, уни олиш учун кафолат ёки суғурта талаб қилинмайди. Лизингда гаров сифатида ижарага берилган мулкнинг ўзи етарлидир. Банк томонидан берилган маблағлар тўғри ишлатилиши бўйича назорат қилинса, лизингда бу нарса талаб қилинмайди. Негаки, мулк лизинг берувчига тегишли бўлади.

Банк кредити бўйича тўловларнинг бекор қилиниши корхоналарнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Лизингда эса тўловларнинг бекор қилиниши фақат ижарага берилган мулкнинг олиб қўйилиши билан якунланади. Бир сўз билан айтганда, лизинг фақат ишбилармонликни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш фондларини янгилаш мақсадидагина қўлланилади. Кўп маблағ сарфламасдан ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш, замонавий техникага эга бўлиш унинг афзалликларидан биридир. Ана шундай қулайликларга эга бўлганлиги учун ҳам лизинг тизими жаҳон иқтисодиётида кенг қўлланилади.

Лизинг XIX асрда АҚШ ва Буюк Британияда вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларига кенг тарқалди. Лизинг тизими Ўзбекистонда фақат мустақиллик йилларидагина кириб келди. Республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар мазкур хизмат турини жорий этиш масаласини кун тартибига қўйди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги қарори билан Республика қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш ва тармоқ машинасозлигини ривожлантириш мақсадида «Ўзқишлоққўжаликмашлизинг» компаниясини ташкил қилинди. Компания ўз фаолиятини бошлаган 2000 йилда лизинг асосида қишлоқ хўжалигига 700 миллион сўм миқдоридаги 471 дона техникани етказиб берди. 1999-2000 йилларда лизинг компанияси ишини тўла йўлга қўйиш, лизинг хизматини кенг миқёсда амалиётга киритиш учун бир қанча масалалар босқичма-босқич ҳал этилди. 2001 йилда компаниянинг жойлардаги 13 та филиали орқали 2339 дона трактор, 10 дона «Кейс-2002» русумли пахта териш машинаси ва 494 дона турли хил техника воситалари ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди. Компания мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга эканлигини кўрсатди. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш соҳаси жорий этилди. Иккинчидан, мулк шаклидан қатъий назар тармоқдаги жамоалар давлатнинг ғамхўрлигини сезишди. Лизинг хизмати жорий этилгач кўп одамлар иш билан таъминланди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳам жонланди. 2001 йилда янги таркибда техника олувчиларнинг учдан бир қисмини фермерлар ташкил қилди. Техникаларнинг лизинг асосида берилиши рақобатнинг кучайишига, хизмат сифатининг яхшиланиши ва етиштирилаётган маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келди. Лизинг компанияси ўз мижозларига берилаётган қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлашни таклиф қилиб, уларга катта қулайлик яратди. Тўғри, лизингга олинадиган техника учун олдиндан тўлов фоизлари кейинчалик бироз ошди. Шунга қарамай, бундай қулай имкониятдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ортиб борди.

Аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларига турмуш тарзини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўтказилар экан, олдинги давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнига қишлоқ хўжалик ширкатларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлди. Чунки, у ширкат аъзоларини кўнгиллилик ва муайян шартлар асосида бирлаштирар эди. 1998 йил 30 апрелда «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Қонунга кўра, ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун пай усули ва оила пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Ширкат хўжалиги ўз ҳудуди ва ундан ташқарида етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, ширкат хўжаликларини тузиш ва унинг фаолияти юритиш тартиби, ширкатга аъзолик, ер участкаларини ажратиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий масалалари белгиланди. Ширкатнинг ҳар бир аъзосига мулк ва ер пайлари шаклида ҳисса ажратилди.

Мулкий пай - қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига кооперативнинг якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради. Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги коооператив аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамғарма эса, умумий биргаликдаги мулкка қарашли бўлади. Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолари ўртасида мулкий пайларга тақсимланади.

Оилавий пудрат - бу ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда энг кўп маҳсулот етиштириш мақсадида ишчиларнинг оилавий жамоаси билан хўжалик маъмурияти ўртасида тузиладиган жамоавий шартноманинг кўриниши. Оила жамоаси маълум шартлар асосида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда муайян миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариб, хўжаликка ёки тайёрлов идорасига топширишни ўз бўйнига олади. Хўжалик маъмуриятининг асосий мажбурияти оилавий жамоанинг ишлаши учун қулай шароит яратиб бериши, унга зарур бўлган моддий-техник таъминотни етказиши, маҳсулотни ҳеч бир муаммосиз қабул қилиб, жамоа билан келишув бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ражабов Ф.Т. Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти январь-

декабрь. Б. 139.
3. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 1991-2018 йиллар.
4. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 1991-2018 йиллар.
5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1991 - 2019 йиллар. 1-3 китоб.

Ўзбекистонда ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни

Каримов Акбар,
Термиз давлат университети жаҳон тарихи кафедраси еркин тадқиқотчиси

Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, улар муаммоларини ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни ва роли тобора ортиб борди. Бунда ҳаракатнинг Сурхондарё бўлими томонидан олиб борилган ишлар ҳам анча самарали бўлди. Масалан, биргина Термиз туманининг ўзида 2004 йили кичик корхоналарнинг ёшлар муаммоларини ҳал этишга сарфлаган ҳаражатлари ҳажми 14192 сўмни ташкил этган бўлса, Термиз шаҳрида бу рақам 46,1 минг сўмга етди. Термиз тумани бўйича ҳомийларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳажми 486 минг сўмга етди. Ўрганилган даврда етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида 2005 йилда 18425 нафар оилага боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва ижтимоий нафақалар тайинланди. Улардан 17762 нафар оилаларнинг 43288 нафар фарзандларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган бўлиб, бир ойга тўланадиган пенсия миқдори 489154400 сўмни ташкил этди ва улар ўз вақтида алоқа бўлимлари орқали тўланиб келинди. Вилоят бўйича 2005 йилда 374 нафар оиланинг 742 нафар фарзандларига боқувчисини йўқотганлик ижтимоий нафақаси тайинланди. 651 нафар ота-онасини йўқотган чин етим болалар мавжуд бўлиб, уларга 396 оила туман ҳокимларининг васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қарорига асосан ўз қарамоқларига олинди. Уларга пенсия ва ижтимоий нафақалар ўз вақтида тўланиб келинди, 360 нафарига жанубий Кореядан кийим-кечаклар келтирилди.

Қашқадарё вилояти Ғузор туманида ҳам бу борада талай ибратли ишлар амалга оширилди. Туман бўйича 2006 йилда 14488 нафар пенсионер ва ижтимоий нафақа берувчилар рўйхати олинган бўлса, уларнинг 226 таси ногиронлик, 264 нафари боқувчисини йўқотганлар, 1398 нафари ижтимоий нафақа олувчилар эди. Бу борада ижтимоий адолатни ўрнатиш мақсадида туман ижтимоий таъминот бўлими қатор чора-тадбирларини кўрди, бўлимда “Очиқ эшиклар” кунлари мунтазам равишда ўтказиб турилди, ҳар ойда бир

марта семинар тренинглар ўтказилди. 2006 йилининг ўзида 120 нафар болаликдан ногиронларга аравача ва ортопедик оёқлар берилди.

Ўрганилган даврда Ўзбекистон Республикасида турли тоифаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди. Аҳолининг барча ижтимоий табақаларига, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод бўлганларга ҳам мақсадли кўмак кўрсатиш жорий этилди. Жумладан, 2008 йилда жазони ижро этиш муассасаларидан Сурхондарё вилояти бўйича 708 нафар шахс озод қилинди. Қамоқ жазосидан озод бўлганларнинг 639 нафари билан уйма-уй юриб суҳбат ўтказилди, уларга ҳудудлардаги мавжуд бўш ва квоталанган иш ўринлари, меҳнат қонунчилиги бўйича тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилганлардан 45 нафари меҳнатга лаёқатсиз эканлиги, жумладан 11 нафари ногирон, 30 нафари тиббий муассасаларда даволаниш учун юборилдилар. Қолган 594 нафар бўшатилганлар меҳнатга лаёқати бўлиб, улардан 248 нафари шаҳар ва туман бандликка кўмаклашиш марказ ходимларига иш сўраб мурожаат қилганлар, 217 нафари марказ ходимлари томонидан жамоат ишларига жалб қилинган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида Қуролли кучлар сафидан бўшатилган ёш йигитларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни иш билан таъминлаш, улар муаммоларини ҳал этишда ҳам муайян тажриба тўпланди.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммоларини ҳал этишда 2008 йил алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов томонидан мазкур йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ишларнинг янада такомиллашувига сабаб бўлди. Умуман, ёшлар муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистон қонунчилигида мукаммал тарзда ҳал этилганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, асосий қомусимизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддада эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитишни таъминлаши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, 65-моддада фарзандлар ота-оналарнинг насл насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши таъкидланган.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида, юқорида таъкидлангани каби ёшлар муаммоларини ҳал этишда мавжуд қонунчиликнинг ўрни катта бўлди. 2008 йили Сурхондарё вилоятида 844 та умумтаълим ва 30 та ихтисослаштирилган мактабни 68235 нафар ёшлар битиришди. Улардан 48928 таси 9-синфни, 19307 нафари эса 11-синфни тамомладилар. “Ёшлар йили” давлат дастури доирасида Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми жамғармаси, “Келажак овози”, “Ёшлар ташаббуси” маркази ва “Меҳр нури” Хайрия жамғармаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан

биргаликда “Биз-Ўзбекистон ёшларимиз”, “Биз бир жамоамиз” шиори остида тадбирлар ўтказилди. “Баҳор” ресторанида 500 кам таъминланган ва ногирон ёшлар учун дастурхон ёзилди, совғалар улашилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва акциядорлик тижорат “Микрокредит банк” ҳамкорлигидаги имзоланган битимга мувофиқ Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга микрокредитлар ажратиш бўйича танлов эълон қилди. Танлов ғолибларига 5 фоизлик имтиёзли кредитлар берилди. 2007-2008 йилларида вилоятда 644 та ёш оила уй-жой сотиб олиш ва қуришга имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилган. Уларнинг хужжатлари ишчи гуруҳлари томонидан ўрганилиб 471 та ёш оилага имтиёзли кредитлар берилди. Шулардан 61 нафарига “Ипотека банк” вилоят бошқаруви томонидан 963 миллион 102 минг сўм миқдорида кредит ажратилди.

Денов туманидаги саховатпеша тадбиркор томонидан эса кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 38 ёш оилага бир бошдан қорамол инъом этилди ва 38 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Ўрганилаётган даврда айниқса, ёш оилаларни ижтимоий-ҳимоялаш, уларни уй-жой билан таъминлашда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фармонда ёшлар учун янги иш ўринлари очиш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микро кредитлар ажратиш, имтиёзли равишда қорамоллар сотиш ва бошқа самарали йўллар билан барқарор даромад манбаларини шакллантириш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган.

2009 йилда Сурхондарё вилоятида 220 нафар ёш оилага истеъмол кредитлари ва 1669 та ёш оилага микро кредитлар берилди. Уларнинг умумий миқдори 4,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан ташқари вилоят бўйича ҳомийлик кўмаги ҳисобидан кам таъминланган 759 та ёш оилага 979 миллион сўмлик бепул қорамол берилди. Шунингдек, давлат тижорат банклар ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 1465 нафар ёш оилага қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммоларини ҳал этишда турли ташкилот, муассаса, жамғармаларнинг ўрни ҳам катта бўлди. Қашқадарё вилоятида, масалан, касаба уюшмалари томонидан олиб борилган ишлар ҳам ўз натижаларини берди. Касаба уюшмалари томонидан тузилган жамоа шартномаларига асосан 2008 йилда вилоятда маънавий-маърифий ишлар учун 15,5 миллион сўм, “маънавият ва маърифат” хоналарини жиҳозлаш кутубхоналар фондини бойитиш учун 11 млн.700 минг сўм, спорт тадбирлари учун

26,5 млн. сўм сарфланди. Аҳолини ва уларнинг оила аъзоларини, фарзандларини соғломлаштириш учун 1 млрд сўмлик маблағ ўтказилди. Мазкур маблағнинг 45 млн. сўмини касаба уюшмалари маблағлари ташкил этди. 58 нафар ёш ногирон ва 127 нафар эҳтиёжмандга 57 млн сўмлик меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида инсонпарварлик меҳр-шафқат, кам таъминланганлар ногиронлар ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатиш энг муҳим йўналиш ҳисобланди. 2009 йилда эҳтиёжманд оилаларга бериладиган нафақалар ва моддий ёрдам учун молиялаштирилган маблағлар миқдори кўпайди. Боласини 2 ёшгача парвариш қилаётган оналарга 54 млрд сўм, 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга 51 млрд ҳамда кам таъминланган оилаларга 4,3 млрд. сўмлик моддий ёрдам ажратиш белгиланди.

Шундай қилиб, ўрганилган даврда Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий ҳимоялашда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Давлат, жамоат ташкилотлари, турли ҳайрия жамғармаларининг ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлашдаги фаолияти туфайли турли нохуш ҳодисаларнинг олди олинди, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий барқарорлик таъминланди.

Ҳомийлик ҳаракатини беғараз тарзда, ўз хоҳиши билан амалга оширилишига эришишга ҳаракат қилинди. Бундай ҳаракат пировардида адолатсизликларга йўл қўйиш ҳоллари аста-секинлик билан бартараф этила бошланди. Ўзбекистон Республикасида ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик ҳаракати секинлик билан бўлсада ижтимоий заруратга айлана бошлади.

Шу билан бирга бу борада қатор камчиликлар ҳам бор эди:

- ёшлар муаммоларини ҳал этишда, ҳомийлик ҳаракатини такомиллаштиришда тадбиркор, ишбилармонлар томонидан олиб борилган ишлар аксарият ҳолларда маъмурий чора-тадбирлар асосида ташкил этилди;
- ёшлар ўртасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслик, мавжуд қонунчиликни ўрганишга бўлган интилиш, қизиқиш, эҳтиёжнинг камлиги айрим ҳолларда мазкур масалада ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига олиб келди;
- ёш оилаларнинг шаклланишига муайян ёшларнинг маълумоти, даромад манбаи ҳамда касб-ҳунарга эга эмаслиги, оилавий ҳаётга руҳий-маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан тайёр эмаслиги, айрим оилалардаги носоғлом муҳитнинг юзага келганлиги, оиладаги ижтимоий-иқтисодий муҳитдан қониқмаслик кабилар ҳам салбий таъсир кўрсатди;
- ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида маънавий омиллар ва маънавий рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Аммо ўрганилган даврда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу масалага жуда кам эътибор қаратилди ва маънавий рағбатлантириш тизими шаклланмади.

Сурхон воҳаси аҳолисининг мусиқа санъати ва мусиқа чолғулари

Зокирова Зилола Аъзамовна,
Термиз давлат университети
Мусиқа кафедраси ўқитувчиси

Воҳа аҳолисининг мусиқа санъати ва мусиқа чолғулари кўп минг йиллик тарихга эга, чунки куй ва қўшиқ авоҳа аҳолиси маънавиятининг ажралмас қисми саналади. Воҳа мусиқа санъатининг қадим тарихга эга эканлигини Айритом фризида ишланган “Дўмбирачи” ва “Уд чалаётган аёллар” ҳайкалидан ҳам билиб олиш мумкин. Сурхон воҳаси мусиқа чолғулари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолисининг мусиқа чолғулари халқнинг турмуш тарзи маросимлари ва яшаш шароити билан боғлиқ тарзда шаклланган. Мусиқа чолғулари номланиши, шакли, тузилиши, безаги, ижро услуби ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси чолғу асбобларини пуфлама, торли, урма-зарбли чолғу турларига бўлиш мумкин. Ушбу чолғу асбоблари чақириқлар учун ёки ҳайвонларнинг овозига тақлид этишда қўлланилган. Чолғулар овда, сафарда, чорвани ҳайдашда, ибодат, шаманлик маросимларида ишлатилган. Чақириқ чалғилари пуфлама ва урма- зарбли ҳолатда ишлатилган. Аксарият қадимий чолғулар жўрнавоз соз сифатида халқ қўшиқлари ва достонларида ишлатиб келинган. Сурхон воҳаси аҳолиси орасида турли тилсимот хилидаги чолғулар - чанқовуз; пуфлама найсимон чолғулардан - ёғочли, суякли ва лойли найлар; торли асбоблардан - дўмбира; урма-зарбли асбоблардан - даф (доира) кенг тарқалган. Сурхон воҳаси аҳолиси мусиқа асбобларининг маълум вазифалари бўйича эстетик, амалий ва магик гуруҳларга таснифлаш мумкин. Мусиқа чолғулари бир томондан моддий мерос ашёси бўлса, иккинчи томондан маънавий мерос бойлиги саналади. Эстетик эҳтиёж юзасидан тайёрланган чолғу асбоблари (дўмбира, сурнай, най, дутор, сибизға, чанқовуз, доира ва ҳ.к.) халқ қўшиқлари, куйлари ва достонларини ижро этишда кенг қўлланилган. Магик функциялар билан боғлиқ бўлган мусиқали товуш чиқариш асбоблари (қўбиз

ва дап) ёвуз руҳларни ҳайдаш билан боғлиқ шомонлик тартибларида кенг қўлланилган. Воҳа аҳолиси рақсларни ижро этишда ҳам маълум атрибутлар (масалан, қошиқ, қўнғироқча, қайроқ тош, оддий таёқ ва ҳ.к.) ни бир-бирига уриш орқали чиқадиган товушларни ҳам мусиқа жўрлигига қўшишган.

Мусиқа маданияти халқ қўшиқчилик ижодиёти билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб борган, воҳада халқ мусиқаси билан бирга халқ рақс турлари ҳам анча ривожланган. “Сарбозча”, “Ёққу-яққу”, “Ғажир рақси”, “Мавриги”, “Лочава, “Лаҳча”, “Чорқарсак”, “Қайроқ ўйини” “Уфу ўйини”, аёлларнинг “Лаби хол”, “Ғишт ўйини”, “Урчуқ”, “Қиз қийити”, “Жамалак” ўйинлари, болаларнинг “Бак-бака”, “Чўпон бола”, “Ун уфу шахала” каби ўйинлари анъанавий мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилади. Воҳа мусиқа ва рақс санъати ўзининг характери ва ўзига хослиги билан минтақанинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Сурхон воҳасида ўзбеклар ва тожикларнинг этник гуруҳлари бўлмиш катағон, кенагас, барлас, турк, қўнғирот, қарлуқ, турк, араб, дарбанд, хардури, тоқчи, чупоқ, марка, жуз, дўрмон, чағатой ва бошқа элатлар бирликда яшаб, турли меҳнат соҳаларида фаолият кўрсатиб, ижод ҳам этишган. Кўп асрлик биргаликда яшаш жараёнида улар орасида тили, урф-одатлари, маданияти ва хўжалик турмушларида умумийлик содир бўлган. Булар айрим ўзига хос маросимларида сақланган бўлса ҳам, уларда умумий анъаналар мавжуд, масалан, бет очар, ижоб тўйи, чилла хайрот, қора ош, қозон тўлди, дарвишона, садр, нақш, сиёҳбардор, арпа солди ёки буғдой сепди, гула қилиш, кавзо, бўғча очар, бола қочди, безак илги, белбоғ ечар, барот келди ва бошқалар. Ўзбек маросимлари ранг-баранг бўлиб, улар халқ ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади. Чунки оилада фарзанд туғилишидан тортиб, унинг вафотига қадар ҳаёти турли маросимлар билан кечади. Ҳар бир маросим эса турли хилдаги айтимлар, олқиш ва дуолар, қўшиқлар билан ўтказилади. Шу жиҳатдан қаралса, маросим қўшиқлари улкан бир хазинани ташкил этади ва уларнинг ҳар бирининг хос ғоявий мазмуни, бадиий шакли ҳамда

ҳамда тузилиши бор. Маросимлар билан боғлиқ халқ қўшиқларида инсон фаолияти, турмуш тарзи, фазилатлари ва руҳий ҳолатларининг барча қирралари намоён бўлади. Уларда лирик кечинма, макон ва замон қамрови кенг, образларнинг ташқи ва ички алоқаси ниҳоятда кўламдор ифода этилади. Ана шуларнинг маҳсули ва натижаси ўлароқ бугунги кун Сурхон воҳаси мусиқий йўналиши шаклланишида ўз таъсирини кўрсатган.

Мусиқий-товушли қийматга эга бўлган муҳитни ташкил этувчи Бойсуннинг оҳанг маданиятига катта минтақада яшовчи ўзбек ва тожикларнинг турли-туман вербал ва шахсан мусиқий тили киради ва улар тарихий анъана сифатида катта аҳамият касб этади. Бунда мусиқий оҳанг маданияти нисбатан ижтимоий модел сифатида бўлиб, у товушли маданий муҳитнинг тимсоли каби кўринишда Бойсун этносининг турмуш жараёни, табияти ва билимдонлиги билан боғлиқдир. Шубҳасиз, Бойсуннинг катта территориясида яшовчи қишлоқ аҳолиси маданий бирликдек сақланган ва ўз вақтида ўзига хос ва ноёб фольклор дурдоналарини яратган. Унга ўзбек ва тожикларнинг мусиқа меросининг барча жанр ва хиллари, мусиқа чолғулари ва уларни яратувчи уста-созгарлар, ижрочилик услублари, фольклор анъаналарининг намояндалари - созанда, хонанда, бахши, ҳикоячилар, раққосалар, халқ томоша саңъати ижрочилари ва бошқалар киритилган. Ўзбек мусиқашунослигида Сурхондарё ва Қашқадарё мусиқа услуби муҳим ўрин тутади. Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услуби - ўзбек анъанавий мусиқасининг маҳаллий услубларидан бири. Мазкур ҳудудда яшаётган халқнинг этник таркиби, келиб чиқиши, тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий шароитлари ушбу услубнинг ўзига хослигини белгилади. Жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисми азалдан ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланаётганлиги сабабли айнан шу жараёнларга боғлиқ халқ қўшиқлари салмоқли ўрин тутади. Масалан,

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган “соғим қўшиқлари” (“Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей”) соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни ийдириш мақсадларида кенг қўлланилади. Деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар эса ер ҳайдаш (“Қўшчи қўшиғи”, “Шох мойлаш”, “Қўш ҳайдаш”), ҳосилни ўриш (“Ёзи”), хирмонда буғдой ёки арпани янчиш (“Майда”), баҳор келиши (“Наврўз” ва бошқалар) ва бошқа пайтларда куйланади. Айниқса, турли йиғин ва тўйларда эркаклар томонидан ижро этилаётган “Қарсак” (“Бешқарсак”) давра ўйин қўшиқлари машҳур. Анъанавий мусиқа чолғулари эса, асосан, чўпонлар ижодига хос *сибизға*, *ғажир най*, аёллар томонидан кенг қўлланиладиган чангқўбиз, бахшиларга жўр бўлган дўмбира (яқин ўтмишда - қўбиз) билан чегараланган. Мусиқа ҳаётида бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ бахши-шоирлар ва дўмбиракашлар асосий ўрин тутади. Дўмбирада ижро этилаётган чўпонлар меҳнати билан боғлиқ чолғу куйлар (“Чўпонча”, “Қўйларни судраш”, “Қўйларни йиғиш”, “Чўпонни чақириш” каби), достон куй (“Бахши куй”) лар кенг тарқалган. Бахшилар ижодидаги “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби қаҳрамонлик достонлари ҳамда турли мавзудаги термаларнинг ижросида махсус “ички овоз” услуби қўлланилади. Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услубида достончиликнинг икки йирик маркази - Шеробод достончилик мактаби ва Шаҳрисабз достончилик мактаби шаклланган. Сўнгги даврларда бошқа маҳаллий мусиқа услубларига хос мусиқий анъаналар (масалан, мақом ижрочилиги санъати) ҳам ёйила бошлаган. Ҳозирда Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услуби кўпгина фольклор-этнографик ансамбллар (“Шалола»” “Бойсун” ва бошқа), эстрада хонандалари (М. Номозов, С. Қозиева) ижодига асос бўлмоқда, бахшилар танловлари, 2002 йилдан ўтказиладиган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали орқали жаҳон саҳнасига чиқмоқда.

Совет режимининг Сурхон воҳасида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий аҳолини кўчириш сиёсати

Қулбошев Сирожиддин Жумаевич,
Термиз давлат университетининг Педагогика институти Аниқ ва табиий фанлар факултети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари

Совет режими Сурхон воҳасига бошқа вилоятлардан аҳолини кўчириш сиёсати барбод бўлганлигини англаб етгач, эътиборни воҳанинг маҳаллий аҳолисига қаратади. Шу йилларда ўтроқ аҳолисининг асосий қисми тоғли ҳудудларда яшаганлиги боис, пахтачиликни тоғ зонасида ҳам ривожлантириш йўлга қўйилади. Айниқса, Шеробод туманидаги тоғли қишлоқлар умид бағишлар эди. Сабаби, бу ҳудудларда пахтачилик учун қулай бўлган серсув дарёлар, унумдор тупроқ ва мўътадил иқлим мавжуд эди. Қолаверса, ҳудуднинг маҳаллий аҳолиси қадимдан бошлаб тоғ водийларида пахтачилик билан шуғулланиб келар эди. Тоғ қишлоқларининг энг катта муаммоси, сувнинг камлиги эди. Шунинг учун ҳам, совет ҳукумати тоғли зонадаги пахта етиштирувчи қишлоқлар аҳолисини Амударё ва Сурхон дарёси бўйидаги колхозларга кўчиришни рағбатлантирди. Ўз ихтиёри билан пахтакор районларга кўчиб келган қулоқ хўжаликларига тегинилмади. Ҳатто, уларнинг тезроқ кўчиб ўтишлари учун қишлоқларда қулоқлаштириш кампаниясини бироз кечиктириб туришди.

Хусусан, 1930 йили Шеробод туманидаги «Қизил карвон» колхозининг раиси Эшмурод Раҳмонов ва Бедак қишлоқ кенгашининг раиси Бойманов Оймат кечаси йирик тадбиркор, уста Сўхман Бойманович уйига келиб, шу кечаси кетиши лозимлиги, акс ҳолда эрталаб ҳукумат вакиллари келиб уни қулоқ қилишларини айтади. Унинг жўнаши учун «тирикчилик қилолмай кетишга мажбур бўлди» деган маълумотнома ёзиб берадилар. Ўша кечаси уста Сўхман бутун ғалласини камбағалларга тарқатиб, дўкони, чорваси ва боғини кол-

хозга топшириб, ўзи Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигига жўнайди. Бу ердаги колхозда яхши меҳнат қилиб обрў топади[6].

Олиб борилган тарғибот ишлари туфайли 1929-32 йилларда биргина Шеробод тумани Хатак қишлоқ кенгашидан 50 хўжалик Ўзбекистон ССР таркибидаги Тожикистон АССРнинг Қўрғонтепа вилояти, Қабодиён туманига, 30 хўжалик Термиз туманидаги Намуна колхозига ва Жарқўрғон туманидаги Хўжа Рўшнои қишлоғига ўз ихтиёрлари билан кўчиб келишади. Хатак қишлоқ кенгашидаги аҳолининг кўчиши бундан кейин ҳам давом этди. 1936 йилги қурғоқчилик оқибатида қишлоқ кенгаши таркибидаги Калапўшқия, Нурали, Чоҳак, Тангидевон, Чинор, Тошлик юрт, Зараутсой ва Хўжанқон қишлоқлари аҳолисининг катта қисми пастга кўчади. Чоҳак қишлоғи аҳолиси Термиз тумани, Намуна колхозидаги «Партизан», «Правда» участкаларига, Зараутсой аҳолиси Қумқўрғон туманига, Тангидевон ва қисман Хатак аҳолиси Ангор туманидаги Зартепа шимолидаги Хўжа Рўшнойи мақбараси атрофига, яна бир қисм аҳоли Жарқўрғонга кўчиб келишган[3].

Аҳолини ихтиёрий равишда янги пахтакор районларга кўчириш учун воҳадаги колхоз ва совхозларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш лозим эди. Бунинг учун давлат томонидан муайян ишлар амалга оширилди.1930-1933 йилларда ташкил топган колхозлар ниҳоятда кам қувват ҳамда иқтисодий таъминоти паст эди[3]. 1933 йилга келганда колхозларнинг сони кўпайиб, умумий кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланди. Кўплаб жамоа хўжаликлари ташкил топган дастлабки йилларданоқ ўзларига белгилаб берилган режа ва топшириқларни ошириб бажардилар. 1932 йили Денов туманидаги Маданият жамоа хўжалиги пахта сотиш режасини 168,3 % га бажариб, 160 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 16,5 центнердан ҳосил тўплади. Хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб бориши туфайли янги ерлар ўзлаштирилди, суғориш тизимлари бирмунча

мустаҳкамланди.

Воҳада пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида 1931-1932 йилларда Сурхондарё округида 2-Денов, Узун, Шўрчи, Ангор, Таллимарон, Бешқўтон МТСлари ҳам ташкил этилди[7]. 1932 йил Шерободда пахтачилик билан шуғулланувчи 11848 деҳқон хўжалиги бўлиб, колхозлар сони 139 тага етказилди. Пахтакор колхозларга 8514 деҳқон хўжалиги аъзо бўлиб, жами деҳқон хўжалигининг 71,7% жамоа хўжаликларига аъзо эди[3].1930 йилларда Сурхондарё округини йирик қишлоқ хўжалик махсулотлари етказиб берувчи марказга айлантириш учун илм-фан ютуқлари жорий этила бошланди. 1930 йилда Шўрчи туманида дастлабки Култепа агроучасткаси ташкил этилди, унга куйбишевлик, агроном Тимофей Дмитриевич Акимов раҳбарлик қилди. Агроучастканинг асосий вазифаси-давлат ва жамоа хўжаликларини уруғлик чигит ва дон билан таъминлаш, техника хизмати кўрсатиш, ғўза ва бошқа экинлар парвариши бўйича малакали маслаҳат беришдан иборат эди[4].

1933 йил март ойида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтидан 18 нафар иқтидорли студентлар М.С.Истомин раҳбарлигида Шерободга доимий ишлаш учун келди. Шу йилнинг ўзида Истомин «Ўртоқ» колхозига агроном этиб тайинланди. Унинг ташаббуси билан 1934 йилда пахта ичига қовун-тарвуз экиш тўхтатилади. М.С.Истомин биринчи марта жўяга экилиб келган пахтани агатга ўтказиб, ҳосилдорликнинг ошишига катта йўл очиб берди ва бу билан ғўзанинг туп сонини кўпайтиради. Пахта ҳосилдорлигини оширишда суғоришнинг янги усулларини жорий этиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланишни жорий этади. М.С.Истоминнинг кўрсатмаси билан ҳосили кам, толаси сифатсиз, пишиш муддати узоқ, нархи паст, эски ғўза навини экиш тўхтатилади. М.С.Истомин Сурхон воҳасида ингичка толали пахтани экиш тўғрисида таклиф билан чиқди. Ингичка толали пахта алоҳида мустаҳкам матолар учун зарур бўлган хом

ашёдир. Ингичка толали ғўза навлари кеч пишар бўлганлиги сабабли фақат иссиқ ўлкаларда етиштирилади. Халқ томонидан «ипак пахта» деб аталди.

Ингичка толали пахта Ўзбекистонда илк марта 1929 йилда бор-йўғу 5 гектар майдонда, у ҳам синов тариқасида Термиз тажриба станциясида экилган эди. Мисрдан олиб келинган пахта навини маҳаллийлаштириш билан М.С.Истомин шуғулланди. Иш жуда оғир эди. Ингичка толали пахтанинг чигити ерга қўл билан қадаб чиқилди. Уруғлик чигит жуда камлигидан улар ҳатто кўчат қилиб ўтказиларди. Чунки шу даврда сеялкалар жуда кам эди. Орадан бир йил ўтгач Ўзбекистон бўйича 205 гектар, шу жумладан Сурхондарёда 120 гектар майдонга ипак пахта экилди. Аммо ҳосил чўғи паст бўлди, гектарига 2 центнердан хом ашё олинди[1].

Бундай тажриба экишлари Сурхондарёдан ташқари, Ўзбекистоннинг деярли барча пахта экиладиган ҳудудларида, шу жумладан Тошкент, Пискент, Янгийўл, Мирзачўл районларида, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилди. Олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Ҳосилдорлик йилдан йилга ўсиб борди. 1928 йилда СССРда 22 минг, 1929 йили 121 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, 1933 йилга келиб Ўзбекистонда бундан ҳам кўп ингичка толали пахта тайёрланди. Бунда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили ўртача 4,8 центнерни ташкил этди[2].

Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта Шеробод, Термиз ва Жарқўрғон туманларида синовдан ўтказилди. 1933 йили бу ерда 3,5 минг гектар ердан 2 минг тоннадан зиёд ингичка толали пахта етиштирилди. 1934 йилнинг баҳорида мазкур туманларнинг барча майдонларга икки нав: Пима ва Маарад навлари экилди. Маарад нави бу жойларнинг шароитига мослашиб анча юқори ҳосил ва сифатли

тола берди. 1934 йилнинг кўкламидан бошлаб бу туманларда фақат ингичка толали пахта экила бошлади.

1934 йилнинг баҳорида Шеробод туманидаги Чўянчи қишлоғида жойлашган Киров номли колхозда ингичка толали пахта учун элита уруғчилик хўжалиги ташкил этилади. Бу хўжалик Сурхондарё, Бухоро ва Фарғона водийсидаги хўжаликларни уруғлик чигит билан таъминлади. Шу ўринда қайд этиш керакки, ингичка толали кечпишар Пима ва Маарад навларининг ҳосили амалда ингичка толали бўлмаган пахта навларининг ҳосилидан кам бўлмади. 1938 йилдан бошлаб ингичка толали пахта Шўрчи туманида ҳам экила бошланди. 1941 йили вилоятда 40 минг гектар пахта майдонининг 19600 гектарига ингичка толали пахта экилди. Ҳар гектар ердан ўртача 12,2 центнердан ҳосил олинди.

Сурхондарё вилоятида пахта майдонларни кенгайтириш мақсадида пахатчиликни биладиган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилиб, суғориш тизимига тааллуқли билимларни бериш мақсадида 1938 йил Термиз шаҳрида, 1939 йилда эса «Ҳазарбоғ» совхозида механизация билим юртлари ташкил этилиб, амалий кўникмаларни ўргатиш учун 1938 йилда Деновда мотор-ремонт заводи қурилиб ишга туширилди[8]. Шўрчидаги пахтачилик билан шуғулланадиган жамоа ва давлат хўжаликлари сони 52 тага етди, уларнинг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланди. Шўрчи минтақасида МТС (машина-трактор станцияси) ташкил этилгач, техника воситаларининг сони ва тури тобора кўпайиб, хизмат сифати яхшиланди, Бу соҳада механик А.Луктовский, Чариков, Ципляев ва Бичков алоҳида жонбозлик кўрсатди. 1935 йилда фақат «Ёруғлик» ва «Коммунист» жамоа хўжаликларида 1,5 тонна юк кўтарадиган автомашиналар мавжуд бўлган[5].

Пахта етиштиришни кўпайтириш учун рентабеллик даражаси паст бўлган хўжаликлар бирлаштирилиб бақувват хўжаликларга бириктирилди. Хусусан, 1932 йили Денов тумани «Ҳурлик», 1938 йил «5 йиллик»,

«Ёш ғайрат», «Ўркак» хўжаликлари бирлаштирилиб, «Ёш ғайрат» колхози ташкил этилади. Унга раис этиб Алихон Сафаров тайинланади. Алихон Сафаров 1930-1932 йилларда Қумқўрғон канали қурилишида бош мироб бўлиб ишлаган эди. 1949 йилда «Пахтакор» ва «Зарбдор» хўжаликлари «Ёш ғайрат» хўжалигига бирлаштирилди. Хўжаликларнинг бирлаштирилиши ўз натижасини берди. 1932 йилда «Қизил тўлқин» колхози 12 центнердан пахта етиштирганлиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ўша йили совет ҳукумати Сурхондарё округида пахтачиликни ривожлантиришда эришилган ютуқларни ҳисобга олиб, Шеробод уездини «Меҳнат Қизил Байроқ ордени» билан мукофотлади[9].

Ўзбекистон ҳукумати қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, бошқаришни такомиллаштириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашни назарда тутиб, Денов райони негизида Шўрчи райони ташкил этишни лозим топди. 1935 йил 9 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси бу ҳақда қарор қабул қилди. Шўрчи, Култепа, Оқтумшуқ ва Янгибозор каби кўҳна қишлоқлар негизида ушбу туман ташкил топди. Шўрчи қишлоғи район маркази бўлди. Район партия қўмитасининг биринчи котиби этиб хоразмлик Усмонов, район ижроия раиси этиб - Эшонқулов, «Ёруғлик» жамоа хўжалиги раиси Қамбар Маматқулов - партия қўмитаси котиби, давлат сиёсий бошқармаси бошлиғи этиб - Бородюк, «Оққапчиғай» давлат хўжалиги раиси Мирбақоев - район сиёсий бўлими бошлиғи, туман соғлиқни сақлаш бўлими бош врачи этиб Шатковская, ер ишлари шўъбаси бошлиғи этиб Абди Қодиров тайинландилар[4].

Сурхондарё округида пахта майдонлари йилдан-йилга ортиб бориб, 1928 йил пахта майдонлари 12,5 минг гектар бўлган бўлса, 1940 йилда келиб эса бу кўрсаткич 50 минг гектарга етди[10]. 1941 йилда Сурхондарё вилояти ҳудудида 39,3 минг деҳқон хўжалигидан иборат 523 колхоз ва 5 совхоз мавжуд эди.

Колхозларга техник хизмат кўрсатиш мақсадида 12,1 минг от кучига эга бўлган 841 та трактордан иборат МТС лар фаолият юритган. МТСларнинг асосий фонди 12 млн сўмга етган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. -Москва.: Мысль, 1982. -С. 73.
2. Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. Т.: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1969. -Б.
3. Турсунов С., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. -Б. 242.
4. Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. -Б. 131.
5. Кабилов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Дисс, канд. истор. наук. -Ташкент. 1994.
6. Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар... -Б. 102-103.
7. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 18-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 63-варақ.
8. Сурхондарё вилояти давлат архиви.Фонд-446, 1-рўйхат, 59-иш, 79-варақ.
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви.Фонд-478, 1-рўйхат, 52-иш, 189-варақ.
10. ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 5-рўйхат, 46-иш, 60-варақ.

Советлар даврида Сурхондарё вилояти ички ишлар органларида кадрлар тизими

Аллаёров Бекзод Эркинович,
Сурхондарё вилояти ИИБ ходими,
илмий тадқиқотчи

Партия ва ҳукумат қарори асосида, 1963 йили Республика Олий Совети Президиуми томонидан милициянинг Қизил байроги тўгрисидаги Низом тасдиқланди. Партия ва ҳукумат қарорлари ва янги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, милицияни кадрлар билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширила бошланди. Собиқ СССР Олий совети президиумп жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, қонунчиликни янада мустаҳкамлаш ҳамда жиноий судловнинг демократик асосларини кенгайтириш мақсадида 1963 йил 6 апрелидаги фармон билан жамоат тартибини сақлаш идораларида дастлабки тергов юритиш ҳуқуқини берди. Ана шу фармонга асосан, Ўз.ССР Олий Совети Президиуми 1963 йил 27 апрел “Ўзбекистон ССР жиноят протсессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” фармон чиқарди. Унда ЖТС идораларининг терговчилари дастлабки тергов ишларини олиб борадиган жиноятлар турлари белгилаб қўйилди. Шунга биноан, вилоятимиз ИИБда тергов бўлими тузилиб, унга бошлиқ этиб дастлаб ички хизмат подполковниги Георгий Александрович Брук тайинланди.

Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш тўғрисидаги вазифалар фақатгина Ички ишлар органларида, аввалambор, милицияда сиёсий тарбиявий шплар такомиллаштирилгандагина ҳал бўлиши мумкинлиги тақозо этади. Шунинг учун собиқ партия МКнинг 1965 йилпинг 25 августдаги қарори асосида милицияда сиёсий-тарбиявий ишлар билан шуғулланувчи хизматлар ташкил этилди.

Юқорида қайд этилган қарорлар асосида олий маълумотли, соф виждонли ҳуқуқшунослар, турли ихтисосдаги комсомол ва партия аъзолари йўлланма билан Сурхон милициясига ҳам ишга кела бошладилар. Масалан: Улаш Салимов, Рўзи Норқулов, Холли Жавлийев, Қамбар Мирзайев, Валиқул Каттайев, Муҳаммад Бобойев, Тухта Маматқулов, Рамазон Ҳайназаров, Норқул Нуралийев, Жура Арниязов, Абрай Мусурмонқулов, Иброҳим Бобожонов, Чори Қорайев, Валижон Дадабов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, 60-йилларнинг бошларидан бошлаб милиция идораларига дастлаб маҳаллий хотин-қизлардан ҳам офицерлик лавозимларига ишга кела бошладилар. Биринчилар сифатида Хуррамова Алмос Авазовна (1962 йил), Чорийева Муқаддам (1966 йл), Арзийева Уғилой (1969 йил)ларни курсатишимиз мумкин. Булар ички ишлар идораларида узоқ йиллар давомида халқимиз осойишталиги учун бенуқсон меҳнат қилдилар.

Ҳаётий тажриба шуни курсатдики, иттифоқ ва республика ички ишлар вазирликларининг тугатилиши жамоат тартибини сақлаш, республика идоралари ишини мувофиқлаштириб боришиининг қийинлашувига, тартибни сақлаш хизматининг баъзи масалаларини меъёрий ҳал этишда айрим милиция идораларининг ички тузилишини ва штатларини белгилашда асоссиз хилма-хилликка олиб келди. Жиноятчиликка қарши кураш ва бу курашда фан-техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланиш тажрибаларини республикаларарo оммалаштириш бўшашиб кетди. Шу сабабли 1966 йилнинг июл ойида партия ва ҳукумат мамлакатда жамоат тартибининг бузилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда меҳнаткашлар, жамоат ташкилотларининг ва давлат органларининг безориликка ҳамда бошқа жамиятга

Натижада ОСПнинг 1966 йил 26 июлдаги Фармонига биноан, жиноятчиликка қарши курашда жамоат тартибини сақлаш ндораларининг фаолиятига ягона оператив раҳбарликни таъминлаш мақсадида Жамоат тартибини сақлаш иттифоқ-республика вазирлиги тузилди. Ўзбекистон ОСПнинг 1966 йил 29 июлдаги фармони билан, Республика ЖТСВ Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш Иттифоқ-Республика Вазирлигига айлантирилди.

1966 йилга келиб, республика жамоат тартибини сақлаш вазирлиги жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида йирик, оператив шароити оғир милиция бўлимларидаги жиноят қидируви ва БХСС гуруҳларини бўлинмаларга айлантириш тўғрисида буйруқ берди. Шунга биноан вилоятимизнинг Термиз шаҳар ва Денов раёни милиция булимларида биринчи бор жиноят қидируви ва БХСС бўлинмалари ташкил этилди.

Термиз шаҳар милиция бўлимида жиноят қидирув бўлинмасининг биринчи бошлиқлари Неъматжон Кучуков, Евгений Николайевич Кузовчиковлар, БХСС бўлинмасида эса Раҳмат Аҳмедов, Муҳаммад Отақулович Бобоевлар ишладилар. 1968 йил ноябрда ОСП Фармони билан ЖТСБ Ички ишлар вазирлигига айлантирилди ва асосий масала ички ишлар идораларининг ташкилий тузилишини такомиллаштиришга ва унинг бошқарув фаолиятини яхшилашга қаратилди. Қайта қурилиш натижасида Сурхондарё вилоятида ички ишлар бошқармаси тузилди. Шаҳар ва раён милиция идоралари асосида эса ички ишлар бўлимлари тузилди ва уларнинг таркибига тергов, давлат ёнғиндан иазорат қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларининг аппаратлари ҳам бирлаштирилди.

Натижада, эндиликда фақатгина милиция эмас, балки бутун ички ишлар органлари ижроия қўмиталарининг бўлимига айланди. 1968 йилни 19 ноябрида милицияни мустаҳкамлаш чоралари тўғри-

сида қарор қабул қилинди. Унда милиция органларининг халқ, жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективлари билан алоқасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш талаб қилинди. Милиция органларига ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ва жиноятчиликка қарши курашда халқ оммасининг ёрдамига таяниш вазифа қилиб қўйилди.

Шу мақсадда 1969 йилда милиция органларида ишлаш учун 20 минг коммунист ва комсомолларни танлаб ишга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу билан милиция органларига меҳнаткашлар юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу билан милиция органларига меҳнаткашлар жамоаларининг энг яхши вакилларини дастлаб собиқ партия, комсомол ва касаба уюшмаларининг йиғилишларида муҳокама этиб, ишга юборшпнинг принципиал янги тартиби жорий қилинди. Шу муносабат билан Сурхондарё вилояти партия ва ижроия қўмиталари ҳам тегишли қарорлар қабул қилди ва натижада партия, комсомол ва касаба уюшмаларининг ташаббуси билан юзлаб маҳаллий кадрлар ички ишлар идораларида хизмат қилиш учун юборилдилар.

70-йилларда вилоят милицияси идораларига ана шундай йўлланма билан ишга келганлардан Абдулазиз Чорийевич Қўлдошйев, Очил Мирзайевич Абдурасулов, Насрулла Назаров, Холмурод Қулмаитов, Мирзажон Бозоров, Холбўта Ҳусаинович Эргашйев, Муҳаммади Аҳмедов, Менгбой Бозоров, Қўлдош Чорийев, Мадамин Ҳасанович Исоқовларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги халқимизнинг ишончини қозониб, жамоат тартибини сақлашда, жиноятчиликка қарши курашда ўзларига юклатилган вазифаларни шараф билан бажардилар ва бажармоқдалар.

70-йилларнинг иккиичи ярми ва 80-йилларнинг биринчи ярмида, яъни 10 йил давомида ишлаб чиқариш корхоналари кўпайди, халқ хўжалиги тубдан ривожланди, аҳоли сони кескин кўпайди.

Булар эса ички ишлар идоралари ходимлари сонининг анчага кўпайишига сабаб бўлди. Улар 1976 йилдаги 815 кишидан, 1985 йили 1653 кишига ёки 103,4% (843) га кўпайган. Шундан бошлиқлар таркиби 441 дан 768 нафарга ёки 74,1% (327 киши) га, оддий милиционерлар таркиби 404 дан 890 нафарга ёки 102% (486 киши) га ошган. Ўша даврлардаги мавжуд штатлар сонига нисбатан ишга тайинланган олий маълумотли ходимлар 1976 йили 19,3 фоиз (158 киши), ўрта махсус маълумотли ходимлар 19,2 фоиз (157 киши) ва умумий ўрта маълумотли ходимлар 55,8 фоиз (455 киши)ни ташкил этган бўлса, 1985 йили олий маълумотли ходимлар 27,6 фоиз (459 киши) ни, ўрта махсус маълумотлилар 20,1 фои.з (333 киши) ни ва умумий ўрта маълумотлилар 50,0 фонз (829 киши)ни ташкил этган. Шу ўн йил давомида ички ишлар пдораларига партия, комсомол ташкилотлари, касаба уюшмалари ва ўқув юртларининг йўлланмаси билан жами бўлиб 1579 киши, шулардан 430 нафари бошлиқлар таркибига, 1149 нафари оддий милиционерлар таркибига ишга қабул қилинган. Жами ишга қабул қилинганлардан 1009 нафари ёки 63,9 фоизи ишлаб чиқариш илғорини ташкил этган.

Шу даврда нафакага чиққан, хасталиги, оилавий шароити ва бошқа сабаблар билан ишдан бўшатилганлар сони жами бўлиб 635 кишидан иборат бўлган. Вилоят ички ишлар бошқармасининг 1977-1982 йилларда асосий хизмат соҳаларида ишлаган кадрларини сифат жиҳатдан таҳлил этсак, улар қўйидагича ифодаланади. Жумладан, жиноят қидируви соҳасида 1977 йили жами бўлиб ходимлар сони штат бўйича 31 киши этиб белгиланган. Шундан ишга тайинланган 30 киши (96,8%) бўлиб, вакант (бўш) жой 1 та (3,2 фоиз) ни ташкил этган. Ишлаётган ходимлардан, 36,7 фоизи (11 киши) олий маълумотлилар, улардан 16,7 фоизи (5 киши) ни юристлар, 20,0 фоизи (6 киши) ни ўқитувчилар, 33,3

фоизи (10 киши) ни ўрта махсус маълумотлилар, улардан 30,0 фоизи (9 киши) ни юр.истлар ташкил этган. Иш стажлари бўйича 1 йилгача ишлаётган ходимлар 20,0 фоиз (6 киши) ни; 1 дан 3 йилгача 16,7 фоиз (5 киши) ни; 3 дан 5 йилгача 33,3 фоиз (10 киши) ни; 10 йилдан ошиқ ишлаётганлар 6,7 фоиз (2 киши) ни ташкил этган.

1982 йили эса ЖҚБ штати сони кўпайиб, 34 тага етган, шундан 33 та уринга ходимлар тайинланган булиб, бу 97 фоизни, вакант (бўш) жой 1 та, яъни 3,0 фоизни ташкил этган. Улардан 63,6 фоизи (21) олий маълумотли, улардан 33,3 фоизи (11) юристлар, 29,4 фоизи (10) урта махсус маълумотли юристлар бўлган. Иш стажлари бўйича 1 йилгача ишлаётган ходимлар 9,1 фоиз (3) ни; 1 даи 3 йилгача 27,3 фои.з (9) ни; 3 дан 5 йилгача 9,1 фои.з (3) ни; 5 дан 10 йилгача 45,5 фоиз (15) ни; 10 йилдан ошиқ ишлаётганлар 9,1 фоиз (3) ни ташкил этган.

Ўзбекистон ички ишлар органларининг таркибий тузилиши ва раҳбар кадрлар миллий таркибидаги номутаносибликлар тадқиқ этилаётган давр мобайнида долзарб муаммо бўлиб қолаверди. Бундай вазиятнинг жиддий сабаблари мавжуд бўлиб, бу совет сиёсатидаги хатоликлар, ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг кескинлашуви билан изоҳланади.

Жумладан, тадқиқ этилаётган даврнинг илк йилларида ички ишлар органлари тизимининг бошқарув бўғинларидаги раҳбарлик лавозимларига асосан европалик вакилларнинг тайинланиши ҳам, республика ҳокимият бошқарувидаги номутаносиб-ликларни юзага келтирди. ХХ аср 40-йилларида ҳам ИИХК марказий аппаратида руслар ва бошқа европалик аҳоли вакиллари кўпчиликни ташкил этсада, республикадаги раён ва шаҳар ички ишлар идоралари бошлиқларининг катта қисми маҳаллий миллат вакилларидан бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобоев М. Соатов О. Сурхондарё милицияси. - Самарқанд: “Сўғдиёна”. 1998. - Б.90.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси. Термиз, 1994 йил.
3. Сурхондарё вилояти давлат архивининг ҳужжатлари ва альбоми.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус фондининг ҳужжатлари.
5. Советская милиция: история и современность. 1917-1987. Москва, “Юридическая литература”, 1987.
6. Халқ хизматида 75 йил. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992.

Ўзбекистонда ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлаш тизими

Қодиржонов Дилшод Бахтиёрович,
Сурхондарё вилояти ИИБ ходими,
илмий тадқиқотчи

Юртимизнинг тинч, халқимизнинг осойишталиги- ни кўзлаган Ички ишлар органлари ходимлари туну кун юрт сарҳадларини кўз қорачиғидек асрамоқда. Ёшларимиз ичида ички ишлар органлари ходими бўлишни қалбига тукканлар сони кундан кунга кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги 447-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва Ўрта махсус милиция мактаблари негизида Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил этилган.

Академия тарихида унинг дастлабки 10 йиллик фаолияти (1994-2004) самарали бўлганлигини алоҳида қайд этиш керак. Шу вақт ичида Академия профессор-ўқитувчилари 30 та дарслик, 70 та маърузалар курси, 150 та ўқув қўлланма, 259 та ўқув-методик қўлланма, 129 та намунавий дастур, 42 та монография, 13 та луғат, 11 та илмий-оммабоп рисола, 9 та хрестоматия, 5 та ахборот бюллетени, 1 та энциклопедияни ёзиб, нашр эттирдилар3. Бундан ташқари, Академия илмий жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 10 га яқин кодексларига илмий-амалий шарҳлар яратди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ички ишлар органлари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилиши Академияда ўтказилган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичига туртки берди. Жумладан, 2005 йилда Академия таркибида махсус таълим йўналишлари ҳисобланган малака ошириш ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби (ҳозирги Ёнғин хавфсизлиги институти) Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 11 августдаги 404-сонли қарорига асосан, собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлигига қарашли Ёнғиндан сақлаш олий техник муҳандислиги мактабининг Тошкент факультети ҳамда Тошкент ёнғин-техника билим юртлари негизида ташкил этилган эди. 1990-йиллар бошларида олий техник мактабнинг моддий базасини алоҳида бино ва уй-жой корпуси, 16 та махсус кабинет ва 7 та лаборатория, ўқув ўт ўчириш қисми ташкил этган. Илмий салоҳиятнинг асосини атиги 27 нафар фан номзоди ташкил этган бўлиб, улардан 15 киши доцент ва катта илмий ходим унвонига эга эди.

Мактабда 1993-2008 йиллар давомида 6677 нафар мутахассис етиштириб чиқарилди, улардан 3945 нафари ёнғин хавфсизлиги муҳандислари, 2483 нафари ёнғин хавфсизлиги техниклари, 211 нафари «Қўриқлаш» хизмати учун техниклар бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори2 асосида мактабда Ёнғин хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш бўйича Илмий-тадқиқот маркази ташкил қилинди. 2005 йилдан бошлаб Олий мактабда магистратура тизими бекор қилинди ва 5 йиллик тўлиқ олий таълимга эга бўлган «Ёнғин хавфсизлиги» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш бошланди.

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ўқув юртларидан бири - Тошкент Олий Ҳарбий техника билим юрти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти) эди. Унинг зиммасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Қоровул қўшинлари, Қуролли Кучлари ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот органларига юқори касб маҳоратига эга ҳарбий офицер кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланадиган, давлат хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим вазифаларни бажаришга қодир бўлган кадрлар етказиб бериш вазифаси юклатилган. Билим юртида «Ички ишлар вазирлиги қўшинлари тактик қўмондонлиги», «Ички ишлар вазирлиги қўшинлари тактик-тарбиявий қўмондонлиги», «Жазони ўташ режимини ташкил этиш (юриспруденция)», «Ички ишлар корхоналарида техник назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳандислиги», «Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимлардан фойдаланиш техник муҳандислиги» мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билим юрти фаолиятида алохида аҳамият касб этди. Шунингдек, Олий ҳарбий техника билим юртининг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича махсус дастур тасдиқланди. 2006 йилда Тошкент олий ҳарбий билим юртида ихтисослаштирилган моделлаштириш ва симуляция маркази барпо қилинди ва ундан ўқув-тарбия жараёнларида самарали фойдаланиб келинди. Тадқиқот даврида билим юртидаги 11 та кафедрада 24 нафар фан номзоди иш олиб борган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сурхондарё академик лицейи Ўзбекистон Республика- си Президентининг 2017 йил 10 апрель кунидаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадор- лигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини таёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига малакали мутахассисларни ёшлигидан тайёрлаб, улар қалбида ички ишлар соҳаси учун кўникмаларни ҳосил қилиш, билим савиясини юксалтириш мақсадида ташкил этилган.

ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини таёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига малакали мутахассисларни ёшлигидан тайёрлаб, улар қалбида ички ишлар соҳаси учун кўникмаларни ҳосил қилиш, билим савиясини юксалтириш мақсадида ташкил этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси: 10 йил: Маълумотнома / Масъул муҳаррир проф. У.Таджиханов. -Т.: «Академия» нашриёт маркази, - 2004. - 336 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. - 2004. - № 9. - 358-м.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, - 2006. - № 46-47. - 458-м.

МУНДАРИЖА

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич. ХАЛҚ БАХШИЧИЛИГИ ВА ДОСТОНЧИЛИГИГА ОИД ЭТНОЛОГИК ЁШДАШУВЛАР 4
Ю.А.Эргашева, С.Б.Муртазова. СОВЕТ ДАВРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ ТАРИХИДАН 13
Қаххорова Шаҳноза Абдимуминовна. “ТАРКИБАДАХШОН” ДОСТОНИ 17
Фахриддин Раҳмонов. ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИНИ ЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМ ВА МАРОСИМЛАРИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ 19
Норбўтаев П.П., Ражабов Р.Б. ЭТНОЛОГИЯ ФАНИДА ФОЛЬКЛОР МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ..... 28
Axmedova Gulchexra O’skinovna. XALQ BAXSHICHILIGI VA DOSTONCHILIKGA OID ETNOLOGIK YOSHDASHUVLAR... 39
Д. Казиева. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ 45
Маткаримова Садокат Максудовна. ХАЛҚ БАХШИЧИЛИГИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ХОРАЗМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА ҲАЛФАЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ 49
Ахмедова Гулчехра Ўскиновна. МИЛЛАТИМИЗ МАЪНАВИЯТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ МЕРОСИНИНГ ЭТНОЛОГИК ИЛМИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ 54
Турсунов Анвар Сайпуллаевич. ЗАМОНАВИЙ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРДА ИНСОН ОМИЛГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ҲОЛАТИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛАРИ 60
Хидиров Холмат Джўраевич. ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ТРАНСПОРТ ТИЗИМ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ТАРИХИ 67
Хидиров Холмат Джўраевич. ТРАНСПОРТ ТИЗИМДАГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ 70

Ғайрат Мамаражобов. МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АКС ЭТТИРГАН ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ 74
М.Ў.Юсупова. БАХШИЧИЛИКНИ БУХОРОДА ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР 78

TARIX VA ETNOGRAFIYA

Э.О.Қобулов. БУХОРО АМИРЛИГИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ 81
Қахрамон Ражабов. СССРНИНГ АГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (1939-1941 Й.) 86
Вохидов Шодмон Хусейнович, Гулпари Шарифова. ПРАВИТЕЛЬ И ИСТОРИК АБУЛГАЗИ БАХАДУРХАН ХИВИНСКИЙ 98
Саматов Шомат Бердиевич. АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЯТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ 110
Очил Бўриев, Очилова Ҳолида. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ АҲОЛИ ЭТНОМАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ 121
Холмуминов Ҳусан Эшмуминович. БОЙСУН МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИМИЗ ЮКСАЛГАН МАСКАН 128
Мавлюда Файзуллаева. ХАЛҚНИНГ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАР 131
Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна. ТАОМ ВА ТАОМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМЛАР ҲАР БИР ХАЛҚ МОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ 142
Луков М.К., Қурбонов А.Н., Жураев Т. Қ. СУРХОНДАРЁДА ПИСТА ЎСТИРИШНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ 146
О.А.Исаев. ЎЗБЕК САНЪАТИДА СУРХОН ОҲАНГИ - МАХМУД НОМОЗОВ 151
Бутаяров Абдуқодир Тухтаевич., Турсунов Шокир Чориевич. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРИХИ 155
Отабек Дўланов. ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ ВА УНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ 161
Дўстназарова Мавжуда. СУРХОН ВОҲАСИДА НИКОҲ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАР 165
Эргашева Сайёра Абдусоатовна. ШЎРЧИ МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ ТАРИХИДАН 170
Yuldashov Qaxramon Kamulovich. O'QUVCHILARDA XALQ

HUNARMANDCHILIGINI O'RGATISHNING TA'LIMIY AHAMIYATI 174
Болтаева Гулноза Раҳматуллаевна. СУРХОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАНБААЛАРИНГ МУЗЕЙЛАРДА АКС ЭТИШИ 179
Қаршиев Ислом Махмараҳим ўғли. ҚЎНҒИРОТЛАР ЭТНОГРАФИЯСИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН АЙРИМ ФИКРЛАР 185
Закирова Зилола Азамовна. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУСИҚА САНЪАТИГА ОИД МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ 189
Муродов Ҳалим Салимович. BUXORO HUNARMANDCHILI RIVOJI TURIZM XIZMATIDA..... 193
Дўланов Отабек. СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДА МАТОЛАР ВА ЭРКАКЛАРНИНГ КИЙИМ-ЛАРИ 198
Турсунова Насиба Муҳиддиновна. СУРХОНДАРЁ МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АЁЛЛАРНИНГ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР ВА БЕЗАКЛАРИ 203
Жалилов Ихтиёр Ғаниевич. МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАРИ-ХИ ВА УСУЛЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 210
Сарвар Ахмедов. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАҚЛАРО МАДАНИЙ АЛОҚЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. XX АСРНИНГ 50-90 ЙИЛЛАРДА 217

TURLI FAN SOHALARI

Ёркиной Хамраева. ИДЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ГЛАГОЛОВ, ФУНКЦИОНИРУЮЩИХ В СЕМАНТИЧЕСКОМ ПОЛЕ «ПРИРОДА» 225
Төрениязова Дилфуза Қуламетовна. ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҚЫНЫҢ ӨНЕР КӘСИПЛЕРИ ТАРИЙХЫНАН..... 234
Жалолиддин Мирзаев. ТАНГАЛАР ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА: ТЕРМИЗ ЧИҒАТОЙ УЛУСИ ДАВРИДА 237
Qarshiyev Islom Maxmarahim o'g'li. SURXON SHEROBOD VOHASI QO'NG'IROTLARINING AN'ANAVIY MILLLIY O'YINLARI..... 240
Рахимов Боходир Саидмусаевич. СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЙ ҲАЁТ (МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА) 247

Холмуродов Махматкарим Паттаевич. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ МАВЖУД ДАРЁЛАРНИНГ ТАБИИЙ СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ РАДИОНУКЛИДЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УНИНГ ТИРИК ОРГАНИЗМ ВА ТЕВАРАК-АТРОФГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ..... 251
Замира Нурова. ГЛОБАЛЛАШУВ: ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАФАККУРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР 260
Шарипов Абдуназар Эшқобил ўғли. СМОЛА САҚЛОВЧИ FERULA TADSHIKORUM PIMENOV ТУРИДАН ПЛАНТАЦИЯЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ..... 267
Муҳамадиев Ўткиржон Абдуахатович. ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ СИФАТИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК 272
Ш.М.Содиқова. ШАХС ВА ЖАМИЯТ ЎЗГАРИШИДА ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ..... 275
Э.Бабамуродов, Бадалова Джамиля. СУЩНОСТЬ ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ В ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЕ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ – ВЫРАЖЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНЕ..... 281
Эркин Бобомуродов., Зоирова Сожида Умбаровна. ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ-ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ДОИР..... 288
Эркин Бобомуродов, Жовлиев Жўрабек. РЕНЕССАНС – НОЁБ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА..... 293
Эркин Бобомуродов, Жовлиев Жўрабек. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ 298
Бобомуродова Шоира Эркиновна. СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНОЙ ПСИХОЛОГИИ МОЛОДЕЖИ СОВРЕИЕНОГО УЗБЕКИСТАНА..... 301
Бозорова М. ШАХС ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ЭТНОПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ..... 306
Кенжабоев Абдусалим Эркабоевич. ЎҚИТУВЧИ КАСБИДА МУЛОҚОТ ВА МУОМАЛА ОДОБИ 312
Нуриддин Абдугаффорович Ачилов. АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ТАЪЛИМОТИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНА-

ВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ..... 318
Кузиев А.У. ҲАРАКАТ ЖАДАЛЛИГИ КИЧИК БЎЛГАН ҲУДУД АВТОМОБИЛ ЙЎЛ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ..... 321
Зокиров Х.Х., Хуррамова А.Р. Отамуродова Д.А. ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИК ВА АГРО СОҲА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ..... 330
Отамуродова Д.А. Х.Х.Зокиров. СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ АГРОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ..... 340
Firuza Normatova. JAMIYATNI MA'NAVIY YANGILANISH JARAYONIDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR UYG'UNLIGI..... 357
Кенжабоева Дилафруз Абдусалимовна. ЎҚИТУВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ ВА ДЕОНТОЛОГИЯСИ..... 361
Ахмедов Бахтиёр Турсунович. СТРАТЕГИК МАКОН, ЭТНОПСИХОЛОГИК ШАКЛЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА..... 365
Саидов Бахтиёр Муҳаммадиевич. ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИДА ТАРБИЯЛАШГА ДОИР 371
Эргашева Обод Норқуловна. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА АЁЛ ТИМСОЛИ..... 376
Nurmamatov Zuxriddin Shavkat o'g'li. UZLUKSIZ TA'LIMDA O'QITUVCHILAR FAOLIYATINI BOSHQARISHNING INNOVATSION YONDASHUVLARI 382
Пулатов Баҳодир Абдуназарович. ОВ ҚИЛИШ ВА ОВ ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ..... 386
Nazarov Abdulla Abduvaxob o'g'li. MUHANDIS O'QITUVCHISINING PROFESSIONAL-PEDAGOGIK KOMPITENTLIGI XUSUSIDA 393
Сайфиддинов Сухроб Саидахмедович. ЭКОЛОГИК ПОЛИЦИЯ-НИНГ ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ..... 398
Nizomova Mohinur Baratboyevna. PEDAGOGIK TILSHUNOSLIK TERMINOLOGIYADA XALQARO PEDAGOGIKA MUAMMOLARINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ZARUR SHART-SHAROITLAR 403
Уралов Рустам Абдураимович. ҚУЙИ СУРХОН ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ВА ҲУДУДНИНГ ТУПРОҚЛАРИ 408

Чориев Раҳмонберди Юсупович. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ ИЛДИЗЛАРИДА ТУРКМАН МАДАНИЯТИНИНГ ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИ 416
Чориев Жамшид Шокиржонович. БУХОРО АМИРЛИГИ ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ҲУДУДЛАРИ ШАҲАРЛАРИНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ 419
Аламуродова Роҳатой Мусурмон қизи. КУРАШЛАРДА ТОБЛАНГАН ПОЛВОНЛАРНИНГ МИЛЛИЙ СПОРТ ЮКСАЛИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ..... 425
Зулфикарев Бахтиёр. СУРХОНДАРЁДА МУЗЕЙЛАРНИ ТАРИХИЙ МАНАБЛАРДА АКС ЭТИШИ 431

MAGISTRLAR MINBARI

Каримова Инобат Аҳмад қизи. БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ..... 436
Эрмуродов Эргаш, Суюнов Акмал. ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИ ЮКСАК МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ СИФАТИДА 439
M.S.Raimov. XX ASRDA TERMIZ TARIXINING O`RGANILISHI.. 442
Nurmatov Nurmuxammad Xolmuratovich. IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYA QILISH SHAROITIDA AKSIZ SOLIG`I HISOBI VA UNING BYUDJET TUSHUMLARIDAGI O'RNI 447
Nurmatov Nurmuxammad Xolmuratovich. O`ZBEKISTON SHAROITIDA QO`SHILGAN QIYMAT SOLIG`I HISOBI VA TAHLILINI TAKOMILLASHTIRISH 454
Nurmatov Nurmuxammad Xolmuratovich. O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA QO`SHILGAN QIYMAT SOLIG`INING BUDJET DAROMADLARINI SHAKLLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI VA AHAMIYATI 460
Umurqulov Kamoliddin. MARKAZIY OSIYO XALQLARINING XO'JALIK HAYOTI: DEHQONCHILIK, CHORVACHILIK VA HUNARMANDCHILIK 465
Turdiyeva Zuhra Temir qizi, Tursoatova Aziza Safar qizi, Narbabayeva Dildora Alisherovna. XALQ XUNARMANDCHILIGI ELEMENTLARINI O'RGANISHDA KASHTACHILIK ISHLARINING O'RNI..... 471
Насруллаева Насиба Рустам кизи. ФОЛЬКЛОР БОСИБ ЎТГАН ТАРИХИЙ ЙЎЛ ВА БУГУНГИ ЎРНИ..... 477
To'xliyeva Madina Soatmurod qizi, Boysariyeva Manzura Yangiboy qizi, Almardonova Gulchehra Ergash qizi. ETNOGRAFIYANING FAN SIFATIDA TUTGAN O'RNI, BOSHQA SOHALARGA VA

XALQNING SHAKLLANISHIDAGI O’RNI 481
Boymurodova Feruza Erkinjon qizi. PALOV SO’ZINING ETIMOLOGIYASI VA SEMANTIK IFODAVIY BELGILI SO’ZLAR..... 488
Носирова Ситора Шухрат қизи. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МУСИҚИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ 491
Носиров Саидахрор Шухрат ўғли. КЎҲИТАНГ ТОҒ ДОРИВОР ГИЁҲЛАРИДАН ХАЛҚ ВЕТЕРИНАРИЯСИ 494
Турсунов Отабек Тожиевич. ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОФИЛАКТИКА – ФАКТОР ЗАЩИТЫ СОВРЕМЕНОВОЙ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА..... 498
Бадалова Жамила. “МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАФАККУРИГА ТАЪСИР ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА 506
Маматмўминов Зариф. ЗНАЧЕНИЕ И РОЛИ СОВРЕМЕННИХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИ В ООБУЧЕНИЕ И ВОСПТЬАНИЕ СОВРЕИЕНОЕ МОЛОДЕЖЕ УЗБЕКИСТАНА.. 509
Зоирова Сожида. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ 515
Boymurodova Feruza Erkinjon qizi. TILSHUNOSLIKDA FAOL RIVOJLANAYOTGAN TARMOQLARDAN BIRI (taom va taomlanish misolida) 520
Barataliyeva Nasiba Mahmadaminovna. MILLIY HUNHARMANDCHILIK AN’ANALARINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA ZAMONAVIY HOLATI 523
Бекмуродов Элдор. БУХОРО-РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ: ТЕРМИЗ МИСОЛИДА ҲУДУДИЙ-МАЪМУРИЙ ВА ҲАРБИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН..... 526
Чоршанбиева Насиба Хидировна. Миллий қадриятлар ва маънавий меросни тиклашда ватанпарварлик тўйғулари тарихидан..... 529
Эшмуродов Жума Ҳусан ўғли. АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ҲОЛАТИ ВА ЖОЙЛАШУВИГА ОИД ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР 532
Абдуллаев Рўзимурод Асадулло ўғли. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА КИЧИК ВА ЎРТА БЕЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ ТАРИХДАН МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ 535

Чоршанбиева Диёра Чоршанбиевна. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИНИ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИДА ИСЛОҲАТЛАРНИ САМАРАСИ ТАРИХИДАН..... 537
Уралова Малика. МИЛЛИЙ МАДАНИЙ ҲАЁТНИНГ ЮКСАЛИШИ ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА АКС ЭТТИШИ... 540
Музрабов Ёркинжон Тўхтамурод ўғли. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА САНОАТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ТЕРМИЗ ШАҲРИ МИСОЛИДА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР 542
Мирзаев Ҳусниддин Холмўминович. ЎЙ-ЖОЙ ҚУРЛИШИ СОҲАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ АКСИ..... 546
Рўзибоев Нурбек Ўктамович. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИНГ МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА НИСБАТАН ЮРИТГАН СИЁСАСТИ..... 549
Хурсанова Маҳлиё Баҳодир қизи. СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА МАДАНИЙ ҲАЁТНИНГ АҲАМИЯТИ..... 552
Сафарова Нигора. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ: ТЕРМИЗ ШАҲРИ МИСОЛИДА 557
Чоршанбиева Насиба Хидировна. МАДАНИЙ –МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА 561
Саидова Мафтуна Бахтиёр қизи. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСИҚА ТИНГЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ..... 564
Носирова Ситора Шухрат қизи. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ УМУМНАЗАРИЙ ТАҲЛИЛЛАРДА .. 573
Курбонов Карорматилло Исматиллоевич. ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИДА ТОЛЕРАНТЛИК МАСАЛАСИ..... 575
Хуррамов Бахром. СУРХОНДАРЁДА ТЕАТР САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ 583
Бадалова Жамила. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ..... 589
Қурбонов Карорматилло Исматуллаевич. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ..... 592
Каримов Юсуф Шерали ўғли. ТАБОБАТ СОҲАСИНИ ЭТНОГРАФИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ ВА

УДУМЛАРГА ХОС ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР..... 596
Каримов Юсуф Шерали ўғли. ТАБОБАТ ИЛМИДА ТУРЛИ –ТУМАН ОЗИҚАЛАРДАН ТАБОБАТ ОВҚАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ..... 600
Норқулов Мансур Норсаитович. СУРХОН ВОҲАСИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШДА ГЕОГРАФИК ҲОЛАТИНИ АҲАМИЯТИ..... 605
Жумаев Мустафа Эркин ўғли. ТАРИХИЙ-ЭТНОЛОГИК ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ МУҲИМ МАНБАЛАРИ 610
Жалилова Ўғилой. МИЛЛИЙ МАРОСИМЛАРМИЗДА ЗИЁРТАГОҲЛАРНИ ЎРНИНИ ЭТНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ 613
Бойниёзов Илёс Қаҳрамон ўғли. СУРХОН ВОҲАСИ БАҲШИЧИЛИК МАКТАБЛАРИ ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ..... 617
Бобохўжаев Илҳом Султонович. СУРХОН ВОҲАСИДА ТАБИАТ КУЛТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАНБАЛАРНИ МУССАВИРЛАР ИЖОДИДАГИ ЭТНОМАДАНИЙ ТАЛҚИНЛАРИ 620
Сафарова Нигора Саитмуротзода қизи. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТНИНИНГ ЮКСАЛИШИДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ... 623
Эшниёзова Файзия Сайъдулло қизи. СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ТЎЙ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРДА АРХАИК ҲОЛДАГИ ХАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ..... 628
Раҳмонов Мухаммад Ҳабубило ўғли. ТОҒЧИ ҚАВМЛАРНИ ЭТНИК ЖОЙЛАШУВИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШНИНГ ЭТНОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ..... 631
Жумаев Мустафа Эркин ўғли. ТОПОНИМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ ЎРНИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ 636
Хурсанова Маҳлиё Баҳодир қизи. СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ..... 638
Сафаров Нурали Чори ўғли. КЎҲИТАНГ ТОҒ АҲОЛИСИНИНГ ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ 642
Джавлиев Бобирбек Бобомуродович. СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНЛАРИДА МИЛЛИЙ ГИЛАМЛАРИ

НАҚШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 648
Ҳамраев Бекзод Шукриллаевич. СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИ ТАРИХИЙ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИГИ..... 650
Қурбонов Карокатилло Исматуллаевич. ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИДА МИЛЛИЙ АНАЪАНЛАР ВА ЭЪТИҚОДЛАР..... 657
Мирзаев Ҳусниддин Холмўминович. ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ 661
Turdiyeva Zuhra Temir qizi, Tursoatova Aziza Safar qizi, Narbabayeva Dildora Alisherovna. XALQ XUNARMANDCHILIGI ELEMENTLARINI O'RGANISHDA KASHTACHILIK ISHLARINING O'RNI..... 664
Ғаффоров Жамшид Шодмон ўғли. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ТАРИХИДАН..... 671
Кўчаров Бахтиёр Толиб ўғли. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМАЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ-МАДНИЙ АЛОҚАЛАР..... 675
Алламуродов Шухрат Хасан ўғли. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ-МАДАНИЙ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР (1991-2020 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА) 679
Тиловов Мирқосим Амантурдиевич. БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УНДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР 684
Ходжаева Моҳигул Панжиевна. ЭТНОГРАФИЯ ДАЛА ТАДҚИҚОТЛАРИДА АҲОЛИ МАНЗИЛГОҲЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАҲЛИЛЛАРИ..... 687
Рўзиқулов Сирожиддин Актамович. СУРХОН ВОҲАСИДА АҲОЛИНИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЭТНОЛОГИК ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ..... 693
Хўжамуродович Нодирбек Султонмуродович. СУРХОН ҚИШЛОҚЛАРИГА ХОС ЭТНОГРАФИК РИВОЯТЛАР ВА АФСОНАЛАР 699
Ғиёсова Зарина Юсуф қизи. ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАРНИ МУЗЕЙЛАРДА НАМОЙИШ ЭТИЛИШИНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ..... 704
Қиличев Сардор Мухаммадиевич. ЎЗБЕКИСТОННИНГ

ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ТОЖИКИСТОН БИЛАН АЛОҚАЛАРИ 707
Шаназаров Шерали Нуралиевич. СУРХОН ВОҲАСИ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШУВИ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ..... 716
Нормуродова Гўзал. ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ЁРИТИЛИШИ..... 720

TALABALAR MINBARI

Toshmamatov Azizbek Tohir o'g'li. O`RTA OSIYO TARIXINI O`RGANISHDA RUS SHARQSHUNOSLARINING ROLI..... 726
Abdimo'minov Turdimurod Boymuhammad o'g'li. SURXON VOHASI XALQINING IKKINCHI JAHON URUSHIDAGI G'ALABALARGA QO'SHGAN HISSASI. 730
Raxmonqulov Ma'murjon G'ofurjon o'g'li. O'ZBEK MILLIY KURASHI TARIXI VA BUGUN..... 734
Raxmonqulov Ma'murjon G'ofurjon o'g'li, Amirova Mahliyo Sharofiddin qizi. ULOQ-KO'PKARI, RIVOJLANISH TARIXI VA MANOSI..... 742
Xongeldiyeva Sevara Shuxrat qizi. TILGA E'TIBOR- ELGA E'TIBOR..... 747

МАВЗУГА ОИД ҚЎШИМЧА МАҚОЛАЛАР

О.Бегимқулов. МИЛЛИЙ ОНГ ВА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ 751
Абдуразоқов Гулмурод Мусурмонқулович. ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРНИ ЁШЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТАФАККУРИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ 756
Жўраева Ўлмасхон. СУРХОН ВОҲАСИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИНИНГ МУҲИМ КЕЧУВЛАРИ САВДО АЛОҚАЛАРИДАГИ ЎРНИ.....767
Бегамова Насиба Холмирзаевна. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЛИЗИНГ МЕХАНИЗМИНИНГ ЎРНИ.....770
Каримов Акбар. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ЎРНИ.....773
Зокирова Зилола Аъзамовна. СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ МУСИҚА САНЪАТИ ВА МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИ.....777

Қулбошев Сирожиддин Жумаевич. СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ СУРХОН ВОҲАСИДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ.....781
Аллаёров Бекзод Эркинович. СОВЕТЛАР ДАВРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАР ТИЗИМИ.....788
Қодиржонов Дилшод Бахтиёрович. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ.....794

“ЎЗБЕК ХАЛҚИ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЎРНИ”

Халқаро илмий-амалий конференция дастури

«МИРОВОЕ МЕСТО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА В УСТНОМ ТВОРЧЕСТВЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА»

Программа международной научно-практической конференции

«THE GLOBAL PLACE OF THE ART OF UZBEKISTAN IN THE ORAL CREATION OF THE UZBEK PEOPLE»

Program of the international scientific-practical conference

Муҳаррир *О. Қанаев*
Бадиий муҳаррир *А. Ақилов*
Техник муҳаррир *Б. Ирисбоев*
Мусаҳҳиҳ *З. Ирисбоев*
Саҳифаловчи *З. Расулов*

Нашриёт лицензияси. № 2013-975f-3c5e-dle5-f4f3-8537-2366
Босишга 25.04.2022 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. Ҳажми 45,0 б,т. Адади 500 нусха.
Шартнома № 18/72. Буюртма № 142.

“Yosh avlod matbaa” нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод-9, 13-54.

“Adad Plyus” МЧЖ босмахонаси.
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.

800

